

"Шримад-Бхагаватам" Еттинчи кўшиқ

Мундарижа

1. Худои Таоло барчага бир хил муносабатда. 2. Хираньякашипу - иблислар шоҳи. 3. Хираньякашипу ҳеч қачон ўлмайдиган бўлишга қарор қилади. 4. Хираньякашипу бутун коинот аҳлини даҳшатга солади. 5. Хираньякашипунинг авлиё ўғли Прахлад Махараж. 6. Прахладанинг иблисларнинг ўғилларига берган насихатлари. 7. Прахладанинг онаси корнида пайтида олган илми. 8. Худованд Нрисимхадева иблислар шохини ўлдиради.

Биринчи боб.

Худои Таоло барчага бир хил муносабатда.

1. Махараж Парикшит шундай деди: - О брахман! Худонинг Олий Шахси, барчага яхшилиқни раво кўрадиган ва ҳамма учун азиз бўлган Худованд Вишну барчага бир хил муносабатда бўлади. Худди оддий одамлар сингари, У қандай қилиб адолатсизлик қилишга, Индранинг тарафини олиб, унинг душманларини ўлдиришга журъат қилди? Барчани тенг кўрадиган Зотнинг бировга дўстлик, бировга душманлик қилиши мумкинми? 2. Худованд Вишну, Олий Шахс - барча лаззатлар манбаи. Қандай манфаат кўзлаб у фаришталарнинг тарафини олиши мумкин? Бу унга нима олиб келди? Илохий Парвардигор иблислардан кўрқиши ёки уларни кўролмаслиги мумкинми? 3. Эй билимдон брахманлар ичида энг бахтлиси, менда Нараянанинг ҳаммага бир хил муносабатда эканлиги шубҳа уйғотяпти. Сендан илтимос, шу гумонларимни тарқатиб юбор, Нараянанинг ҳар қандай боғланишлардан холи ва барчага бир хил муносабатда эканини исботлаб бер!

4-5. Донишманд Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шох, сен ажойиб савол бердинг. Содиклар Худога холис хизмат қилаётганларнинг ҳам улуғворлигини кўрсатувчи Парвардигорнинг шавкатли кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглашни яхши кўрадилар. Шундай улуғвор мавзулар ҳақида суҳбат қураб экан, одам ҳаётда ҳар қандай қийинчиликларни ҳам осонлик билан енга олади. Шунинг учун ҳам Нарада Муни сингари буюк донишмандлар "Шримад Бхагаватам"дан олинган мавзуларни тинмасдан гапириб юрадилар. Бу билан улар барчага Худои Таолонинг ғаройиб кароматлари ҳақида тинглаш ва бошқаларга ҳам гапириб бериш имконини беради. Энди, Шрила Вьясадевага чуқур таъзим қилган ҳолда Парвардигор Хари ҳақида бир ҳикоя гапириб беришга киришаман.

6. Худованд Вишну, ҳар қандай моддий сифатлардан устун турувчи Худо Шахсидир, шунинг учун уни *ниргуна*, яъни "сифатларга эга бўлмаган" деб атайдилар. У туғилмаган, демак, Унинг боғланиш ва нафрат туйғусини келтириб чиқарадиган моддий танаси йўқ. Гарчи Худои Таоло ўзгармас, илохий бўлса ҳам, Ўзининг руҳий қуввати ёрдамида бу дунёда пайдо бўлиб, оддий шартланган руҳ сингари, у ёки бу вазифаларни бажариб, оддий одам ролини ўйнайди. 7.

Азизим Махараж Парикшит, барча моддий сифатлар - саттва-гуна, раджо-гуна ва тамо-гуна - моддий оламга тегишли. Худонинг Олий Шахсига улар ҳеч қандай таъсир кўрсатолмайди. Бунинг устига бир вақтнинг ўзида барча уч гунанинг таъсири кучайиши ёки камайиши мумкин эмас. 8. Дунёда эзгулик гунаси ҳукмрон бўлганида, Худои Таоло саховат билан шу сифатларни ато этган донишманд ва фаришталар гуллаб яшнайдилар. Эҳтирос гунаси устивор бўлганда эса, иблислар гуллаб яшнайдилар, ғафлат гунаси ҳукмрон бўлганда эса, якша ва рақшаслар қутурадилар. Худонинг Олий Шахси ҳар кимнинг қалбида ҳам мавжуд ва барча тирик мавжудотларга саттва-гуна, раджо-гуна ва тамо-гуна таъсири натижаларидан бахраманд бўлишга ёрдам беради. 9. Ҳар ерда мавжуд Худо Шахси ҳар кимнинг қалбида ҳам мавжуд. Ҳақиқий билимга эга донишманд Парвардигорнинг у ёки бу мавжудотда Ўзини қанчалик намоён этиб туришини кўришга қодир. Қайси ўтинда қанча олов мавжудлигини, кўзада қанча сув борлигини ёки бўш идишда қанча ҳаво борлигини ҳамма аниқлай олади: худди шунингдек, тирик мавжудотнинг Худога холис хизмат қилиш билан қанчалик банд эканига қараб, унинг фаришта ёки иблис тоифасига мансуб эканини аниқласа бўлади. Одамнинг қилаётган ишларига қараб донишмандлар Худои Таолонинг унга қанчалик яқин эканини кўра оладилар. 10. Тирик мавжудотларнинг қармаси ва табиатига мос равишда ҳар хил таналарни яратиш учун Олий Шахс-Худо моддий табиатнинг барча гуналарини - саттва-гуна, раджо-гуна ва тамо-гуналарни ҳаракатга келтиради. Кейин, Олий Рух кўринишида ҳар бир тана ичига қиради ва уларга яратиш, мавжудлигини таъминлаш ва яқсон қилиш қобилиятини ато этади; У Ўзининг бу ишида яратиш учун раджа-гунадан, мавжудлиқни таъминлаб туриш учун - саттва-гунадан, яқсон қилиш учун эса - тамо-гунадан фойдаланади. 11. Эй буюк шох! Худои Таоло - барча оламларни яратган Зот. У - ҳам моддий, ҳам руҳий қувватлар ҳукмдоридир; шунингдек У Замонни яратади, тирик мавжудотлар ва моддий табиат Замон чегарасидан чиқмай ҳаракат қиладилар. Шунинг учун, на Замон, на моддий табиат Олий Шахс-Худога таъсир қилолмайди. 12. Эй шох, Замон саттва-гуна таъсирини кучайтиради. Шунинг учун, гарчи Худои Таоло ҳамма нарсага бирдай ҳукмдор бўлса ҳам, У ҳамisha саттва-гуна таъсири остида бўлган фаришталарга ён босади. Раджо-гуна ва тамо-гуна таъсири остида бўлган иблислар эса, ҳамisha ҳалокатга учрайдилар. Худои Таоло замонни ҳар хил ҳаракат қилишга ундайди. Бу - У кимгадир адолатсизлик қилади дегани эмас. Парвардигор Ўзининг кароматлари билан шавкатли, шунинг учун, Уни Урушрава деб атайдилар. 13. Ҳали яқин ўтмишда, Махараж Юдхистхира раджасуя-ягья маросими ўтказганида, буюк донишманд Нарада Муни Юдхистхиранинг илтимоси билан, ҳатто Парвардигор иблисларни ўлдираётган бўлса ҳам, У ҳамisha барчага бир хил муносабатда бўлиб қолишини исботловчи ҳикояларни гапириб берганди. Мана шу ҳақиқатни тасдиқлаш учун Нарада Муни бир ёрқин далил келтирганди. 14-15. Эй шох, раджасуя-ягья маросимида Махараж Пандунинг ўғли Махараж Юдхистхира Шишупаланинг Парвардигор Шри Кришнанинг илохий танасига кириб кетганини ўз кўзи билан кўрди. Бундан ҳайратга тушиб, у буюк донишманд Нарада Мунидан бу ходисани тушунтириб беришни илтимос қилди. Ўша

маросимда Нарада Мунидан бошка жуда кўп донишмандлар ҳам бор эди. Уларнинг ҳаммаси Махараж Юдхиштхираининг берган саволини эшитдилар.

16. Махараж Юдхиштхира шундай деди: - Худои Таолодан шунчалик нафратланадиган Шишупаланинг Унинг илохий танасига кириб кетиши одамни хайратга солади. Ҳатто буюк илохийтчи одамлар ҳам бундай озодликка - сауджя-муктига эриша олмайдилар. Худонинг душмани бундай саодатга қандай эришди? 17. Эй буюк донишманд, Худои Таоло нима сабабдан Шишупалага бундай марҳамат кўрсатганини билишни истаймиз. Эшитишимча, қадимда Вена деган шоҳ Худонинг Олий Шахсини ҳақорат қила бошлаганида, браҳманлар уни дўзахга жўнатган экан. Шишупала ҳам ана шундай жазо олиши керак эди. Нима сабабдан у Худонинг Ўзига қовушди? 18. Дамагхошанинг ўғли, гуноҳларга ботган Шишупала, ёшлигидан - энди гапиришни ўрганганиданоқ Худованд Шри Кришнани ҳақоратлай бошлаган эди. То ажали етгунча Ундан нафратланишда давом этди. Шишупаланинг акаси Дантавакра ҳам шундай эди. 19. Шишупала билан Дантавакра Олий Шахс, Худованд Вишну(Шри Кришна)ни тинмасдан ҳақорат қилардилар. Лекин уларга ҳеч қандай мусибат келмади. Уларнинг тилини яра бошиб кетмади, ҳаётда ҳеч қандай изтироб чекмадилар. Ҳақиқатан ҳам бу ҳол бизларни хайратга соляпти. 20. Гарчи Худои Таолонинг табиатига эришиш жуда мушкул бўлса ҳам, шунча обрў-эътиборли одамларнинг кўзи олдида Шишупала билан Дантавакра ғайритабиий осонлик билан Кришнанинг илохий танасига кириб кетдилар. 21. Бу ҳол мен учун жумбоқ бўлиб қолаверади. Худди шамолда ўйнаб кетган шамчирокнинг шуъласи сингари, ақлим шошиб қолди. О Нарада Муни, сенга ҳамма нарса аён, - менга бу ғаройиб ҳодисанинг сабабини тушунтириб бер.

22. Шри Шукатева Госвами шундай деди: - Ғайритабиий қудрат соҳиби ва ҳамма нарсани биладиган руҳий устоз Нарада Муни Махараж Юдхиштхираининг саволидан жуда мамнун бўлди. Маросимда қатнашаётганлар иштирокида у бу саволларга жавоб бера бошлади.

23. Буюк донишманд Нарада Муни шундай деди: - Эй шоҳ, фақат ғофиллик ботқоғига ботгани сабаблигина тирик мавжудот мактов ва мукофотлардан қувонади, аччиқ сўзлар ва жазолардан мусибатга тушади. Худонинг амри билан, ташқи қувват ёрдамида яратилган шартланган руҳнинг танаси унинг бу дунёдаги мусибатларининг манбаидир. 24. Эй буюк ҳукмдор, ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлиб, инсон шартланган танасини ўзи деб билади ва танаси билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммасини ўзиники деб билади. Ана шундай адашиш оқибатида у моддий оламнинг баъзан мактов ва ҳақоратлар кўринишида намоён бўладиган қарама-қаршиликлари таъсирига тушиб қолади. 25. Ҳаёт ҳақида тана нуктаи-назаридаги тасаввурга эга бўлиб, шартланган руҳ "тана ўлганда руҳ ҳам ўлади" деб ўйлайди. Худованд Вишну, Худо Шахси - барча тирик мавжудотларнинг Олий Руҳи, олий ҳукмдордир. Худои Таолонинг моддий танаси бўлмагани учун, Унда "мен" ва "меники" деган сохта тасаввурлар ҳам йўқ. Демак, олқишлаганда Худои Таоло қувонади, Уни ҳақорат қилганда эса, қийналади деб ўйлаш нотўғри. Худо ҳеч қачон ундай ҳолатларга тушмайди. Парвардигорнинг дўсти ҳам душмани ҳам

йўқ. У иблисларни жазолаганида ҳам, содиқларининг илтижоларини тинглаганида ҳам - уларнинг барчасига Ўз марҳаматини ато этади. Худои Таолога на илтижолар, на ҳақоратлар таъсир қилмайди. 26. Шунинг учун, шартланган руҳ Худои Таоло ҳақида қандай муносабатда ўйламасин - душманлик муносабатидеми, садоқат биланми, кўрқув биланми, боғланиш ёки эҳтирос биланми - агар қандай қилиб бўлса ҳам фикру-хаёли Парвардигорда мужассам бўлса, руҳ бундан фақат яхшиликка, бахт-саодатга эришади. Чунки мангу лаззатга тўла Худои Таоло ҳеч қачон бировларнинг душманлик ёки дўстлик ҳиссиёти таъсирига берилмайди. 27. Худои Таолога садоқат билан хизмат қила туриб, инсон Худо ҳақидаги ўйларга, душманлик муносабатида бўлган одамдай чуқур фарқ бўла олмайди. Менинг фикрим шундай. 28-29. Қовоғари тирқишга тикиб, устини лой билан бекитиб ташлаган қурт даҳшатга тушиб қовоғари ҳақида нафрат билан тинмай ўйлайди, шунинг учун, кейинги ҳаётида ўзи қовоғари бўлиб туғилади. Худди шунингдек, агар шартланган руҳ ҳам, ҳаммаша сач-чид-ананда-виграха - Кришна ҳақида ўйлаб юрса, - у қилган гуноҳлари оқибатидан бутунлай халос бўлади. Худого сигиниб сажда қиладими, ёки Уни ашаддий душманам деб билиб, тинмасдан ўйлаб юрадами, - барибир, фикру-хаёли ҳаммаша Кришнада мужассам бўлгани натижасида руҳ яна ўзининг руҳий, илохий танасига эга бўлади. 30. Жуда кўп одамлар гуноҳ ишларни тарк этиб, шунчаки Кришна ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга берилиш натижасида озодликка эришганлар. Ақлнинг Худои Таоло ҳақидаги ўйларга фарқ бўлиши эҳтирос, душманлик, кўрқув, ижобий боғланиш ёки садоқат билан хизмат қилиш натижасида юзага келиши мумкин. Шу боис, Кришнанинг марҳаматига эришиш учун инсон ўзининг бутун ақлу-хаёлини Унда мужассам қилиши кифоя. Мен ҳозир буни исботловчи бир неча мисоллар келтираман. 31. О шоҳ Юдхиштхира, гопилар Кришнага бўлган эҳтиросли муҳаббатлари натижасида Унинг марҳаматига эришдилар, Камса - Ундан қаттиқ кўрқкани натижасида, Шишупала сингари шоҳлар Кришнага ҳасад қилгани, Ядавлар эса - Кришнани ўзларининг қариндошлари деб билганлари сабабли Унинг марҳаматига эришдилар; сиз пандузодалар эса, Унга қаттиқ боғланиб қолганингиз натижасида, биз - оддий содиқлар - садоқат билан хизмат қилиш билан Кришнанинг марҳаматига сазовор бўлдик. 32. Нима бўлганда ҳам, руҳ Кришна шахсида чуқур мужассам бўлиши лозим. Бу жуда муҳим. Мен юқорида кўрсатиб ўтган беш хил муносабат туйғуларидан бири ёрдамида Худои Таоло ҳақидаги ўйларга берилган киши албатта уйига, Худонинг даргоҳига қайтади. Лекин, Кришнанинг илохий киёфасини ҳеч қачон фикру-хаёлига келтира олмайдиган, шоҳ Вена сингари худобехабар кишилар, ҳеч қачон нажот топа олмайдилар. Шунинг учун, муҳаббат биланми ёки нафрат биланми, инсон ҳаммаша Кришна ҳақида ўйлаши лозим. 33. Эй Пандулар аълоси, холангнинг ўғиллари, жиянларинг Шишупала ва Дантавакра, аввал Худованд Вишнунинг энг яқин ҳамроҳлари эдилар. Лекин, браҳманларнинг қарғишига учраб, улар Вайкунтхадан моддий оламга тушгандилар. 34. Махараж Юдхиштхира шундай деб савол берди: - Ҳатто озод руҳлар, вишну-бхактиларга шундай таъсир кўрсата оладиган у қандай даҳшатли қарғиш эди? Ҳатто Парвардигорнинг ҳамроҳларини дуои-бад қилиш

кучига эга бўлган кудратли зот ким эди? Худои Таолога ихтиёрини бутунлай топширган содиқларнинг яна моддий оламга тушишлари мумкин эмас. Мен бунга ишона олмайман. 35. Вайкунтҳада яшайдиганларнинг танаси бутунлай илохий, рухий табиатга эга ва уларнинг моддий тана, хиссиётлар ёки ҳаёт нафасига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Худо Шахсининг ҳамроҳлари бўлган зотларнинг қандай қилиб қарғишга учраб, худди оддий одамлар сингари моддий таналарга эга бўлганини менга тушунтириб бер.

36. Буюк донишманд авлиё Нарада Муни шундай деди: - Бир куни Тангри Брахманинг тўрт ўғли - Санака-, Санандана-, Санатана- ва Санат-кумарлар - бутун уч олам бўйлаб сайр қилиб юриб, Вишнулокага бориб қолдилар. 37. Гарчи бу тўрт буюк донишманд Тангри Брахманинг тўнғич ўғиллари бўлса ҳам, улар худди беш-олти яшар болалардай кўринар, яланғоч юрардилар. Оддий болалар деб ўйлаб, икки дарвозабон, Джая ва Виджая, уларни Вайкунтхалока дарвозасидан ичкарига киритмадилар. 38. Джая ва Виджая Санатана ва бошқа Кумарлар олдида Вайкунтхалока дарвозасини бекитганида, улар қаттиқ ғазабланиб, уларни дуои бад қилдилар. "Сизлар, икки дарвозабон, ҳақиқий аҳмоқсизлар, - деди Кумарлар. - Сизлар моддий эҳтирос ва ғофиллик таъсирига берилгансизлар. Шу боис сизлар бундай сифатлардан бутунлай пок бўлган Махувдвешаларнинг нилуфар қадамлари пойида яшашга муносиб эмассизлар. Шунинг учун, ҳозироқ моддий оламга йўл олиб, у ерда энг гуноҳкор осий асурлар хонадонидида туғилганингиз яхши". 39. Шу тариқа донишмандлар қарғишига учраган Джая ва Виджая моддий оламга тушдилар. Донишмандларнинг дарвозабонларга раҳми келиб, шундай деб қўшиб қўйдилар: - "Сизлар у ерда уч марта туғилгандан сўнг, қарғиш муддати тугайди ва яна Вайкунтҳада ўз ўрнини эга бўласизлар". 40. Моддий оламга тушиб, Худо Шахсининг икки ҳамроҳи Джая ва Виджая, Дитининг ўғиллари бўлдилар: уларнинг каттаси Хираньякашипу, кичиги - Хираньякша. Дайтья ва Данаваларнинг барчаси уларни жуда хурмат қилардилар. 41. Худои Таоло Шри Хари, Нрисимхадева қиёфасида келиб, Хираньякашипуни ўлдирди. Хираньякша эса, Гарбходака океанига гарқ бўлган Ер сайёрасини қутқармоқчи бўлган Парвардигорга ҳалақит бергани сабабли Худованд Вараха қўлидан ҳалок бўлди. 42. Хираньякашипу ўғли Прахладани - Худованд Вишнунинг буюк содиғини ўлдиришни ният қилганиди, шу боис уни ҳар хил азоб-уқубатларга дучор қилиб азоблади. 43. Худои Таоло, барча тирик мавжудотларнинг олий руҳи, ҳамиша осойишта, мулоҳазали ва барчага бир хил муносабатда бўлади. Буюк содиқ Прахлада Парвардигор кудратининг химояси остида эди, шу боис Хираньякашипу, ҳар қанча уринса ҳам уни ўлдиролмади. 44. Кейин, Худованд Вишнунинг икки дарвозабони Джая ва Виджая Вишрава ва Кешиниларнинг ўғиллари - Равана ва Кумбхакарна бўлиб туғилдилар. Бу икки иблис ҳам моддий оламда яшаётганларга катта мусибатлар келтиргандилар. 45. Эй шох, Джая ва Виджаяни браҳманларнинг қарғишидан тезроқ халос қилиш ниятида, Парвардигор бу оламга Рамачандра қиёфасида ташриф буюрди ва Равана билан Кумбхакарнани ўлдирди. Худованд Рамачандранинг кўрсатган қароматлари ҳақида Маркандеядан билиб олсанг бўлади. 46. Учинчи бор келганида, Джая ва Виджая

кшатрийлар хонадонидида сенинг холагнинг ўғли бўлиб туғилдилар. Кришна уларни Ўзининг халқаси билан ўлдиргани учун, улар барча гуноҳлари оқибатидан қутулдилар. Энди улар браҳманларнинг қарғишидан бираўла қутулдилар. 47. Худованд Вишнунинг икки ҳамроҳи, Джая ва Виджая узок вақт Унга душман кўзи билан қараб келдилар. Кришнани ўзига душман деб билиб, ҳамиша Уни ўйлаб, улар яна Унинг паноҳига эришдилар ва уйига, Худонинг даргоҳига қайтдилар.

48. Шри Юдхиштхира шундай деди: - Эй буюк Нарада Муни, ўғли Прахлад Махаражни қаттиқ севадиган Хираньякашипу нима сабабдан уни ёмон кўриб қолди? Қандай қилиб Прахлад Махараж Худо Шахси Шри Кришнага нисбатан шундай буюк садоқат ва муҳаббатга эга бўлди? Илтимос, менга шуларни тушунтириб бер.

Иккинчи боб.

Хираньякашипу - иблислар шоҳи.

1. Шри Нарада Муни шундай деди: - О шох Юдхиштхира, Худованд Вишну тўнғиз Вараха қиёфасида Хираньякшани ўлдирганида, унинг акаси Хираньякашипу бундан қаттиқ ғазабланди. 2. Ғазаб ва нафрат ўтида ёниб, лабини тишлаб, Хираньякашипу ғазаб тўла кўзларини самога тикди. Унинг бу нигоҳидан бутун осмон тутунга тўлди. 3. Унинг гичирлаган даҳшатли тишлари кўришиб, ковоғи уйилган, ғазабдан кўрқинчли тусга кириб буришган башарасига қараб бўлмасди. У қўлига баҳайбат санчқисини олиб, атрофида турган иблисларга қараб гапира бошлади.

4-5. О данавалар ва Дайтьялар! О Двимурдха, Триакша, Шамбара ва Шатабаху! О Хаягрива, Намучи, Пака ва Илвала! О Випрачитти, Пулома, Шакуна ва бошқа иблислар! Илтимос, гапларимга диққат билан кулоқ солинглар! Мен айтган ишларни пайсалга солмасдан амалга оширинглар! 6. Арзимас душманларим бўлган фаришталар суюкли укам ва содиқ дўстим Хираньякшанинг жонига қасд қилишга қарор қилибдилар. Худои Таоло, ҳамиша барчани - иблисларни ҳам, фаришталарни ҳам баробар кўрадиган Вишну, - бу гал Ўзига ихлос билан сажда қилаётган фаришталар томонига ўтибди ва Хираньякшани ўлдиришда уларга ёрдам берибди. 7-8. Худои Таоло иблислар ва фаришталарга нисбатан бир хил муносабатда бўлиш қобилиятидан маҳрум бўлибди. Гарчи У - Олий Шахс бўлса ҳам, майя ундан устун келибди. Содиқ хизматкорлари - фаришталарни мамнун қилиш учун У тўнғиз қиёфасига кириб олибди; У ҳар гал ўзига янги дўстлар топиб оладиган ёш болалардай иш қилибди. Бу иши учун санчқим билан Худованд Вишнунинг бошини танасидан жудо қиламан. Танасидан бурқираб оққан қон билан қон ичишни жуда яхши кўрадиган акам Хираньякшани меҳмон қиламан. Шундагина қалбим тинчийди. 9. Томири қирқилиб ерга кулаган дарахтнинг шохалари кўп ўтмай қуриб қолади. Худди шунингдек, агар фаришталар учун жонидан ҳам азиз бўлган ўша заҳарли Вишнуни ўлдирсам, кудратининг манбаидан маҳрум бўлиб, кўп ўтмай улар ҳам адо бўладилар. 10. Мен Худованд Вишнуни ўлдириш учун қўлимдан келган барча чорани қўллайман, сизлар эса, ҳозир браҳманлар маданияти ва эзгу ниятли кшатрийлар ҳукмронлиги шарофати билан гуллаб яшнаётган Ер сайёрасига отланинглар. У ерда

одамлар риёзат чекиб, қурбонлик маросими ўтказадилар, Ведаларни ўрганиб, диний урф-одатларга амал қиладилар, хайр-эхсон қиладилар. Шундай одамларнинг барчасини яқсон қилинглар! 11. Брахманлар маданиятининг асл маъноси - барча қурбонликлар ва диний маросимларнинг олий мақсади бўлган Худованд Вишнуни мамнун қилиш. Худованд Вишну ҳақиқий дин қонунларининг олий мақсади ва фаришталар, буюк питалар ва оддий одамларнинг нажоткоридир. Агар брахманларни яқсон қилсак, ҳеч ким кшатрийларни қурбонлик маросими ўтказишга ундамайди. Шунда фаришталар, қурбонликдан олинадиган улушдан маҳрум бўлиб, тез вақт ичида ҳаётдан кўз юмадилар. 12. Қаерда одамлар брахманлар ва сигирларни химоя қилаётган бўлса, қаерда варнашрама-дхарма қонунлари асосида Ведаларни ўрганаётган бўлса, ўша жойга йўл олинглар. У ерларда ҳар хил ёнғинларни юзага келтиринглар, инсонларга ҳаёт бағишловчи дарахтларни томири билан кўпориб ташланглар. 13. Табиатан зулм қилишга мойил бўлган иблислар Хираньякашипунинг олдида кўрқинчли эҳтирос билан бош эгиб, унинг кўрсатмаларини диққат билан тингладилар. Кейин унга чуқур эҳтиром кўрсатдилар ва барча тирик мавжудотларга мусибат келтириб, амрини бажаришга киришдилар. 14. Иблислар шаҳар ва қишлоқларга, ўрмон ва боғларга, молхоналарга, қимматбаҳо маъданлар қазиб олинадиган қонларга, ўтлоқ ва далага ўт қўя бошладилар. Улар табаррук авлиё одамларнинг, ер эгаларининг уйларига ўт қўйиб, тоғдаги қишлоқларни ва сигир боқиб юнган подачиларнинг уйларини ёндириб юбордилар. Давлатларнинг пойтахтлари ҳам олов ичида қолди. Баъзи бир иблислар лом ва киркалар билан кўприкларни, кўрғонларнинг деворларини ва шаҳар дарвозаларини буза бошладилар. Бошқалари қўлига болта олиб, манго, нон дарахти ва бошқа мевали дарахтларни чопа бошладилар. Баъзи бир иблислар эса, одамларнинг уйига ўт қўя бошлади. 16. Хираньякашипунинг ҳамтовоқлари қилаётган даҳшатли зolimликлар натижасида одамлар Ведаларда кўрсатилган маросимларни ўтказиш имкониятидан маҳрум бўлдилар. Қурбонлик маҳсулларидан маҳрум бўлган фаришталар ҳам ташвишга туша бошладилар. Самовий даргоҳларини тарк этиб, улар ҳам ерга тушдилар ва иблисларнинг кўзига кўринмаган ҳолда жаҳон айланиб, бу ерда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кузата бошладилар. 17. Укасининг ўлик танаси устида дафн маросимини ўтказиб, мусибатга тушган Хираньякашипу жиянларини овутишга ҳаракат қилди.

18-19. Эй шох, Хираньякашипу қаттиқ ғазабланган эди, лекин у, буюк сиёсатчи сифатида замон ва макон шароитига қараб ўзини қандай тутишни биларди. Ширин сўзлари билан у жиянлари Шакуни, Шамбара, Дхришти, Бхугасантапана, Врика, Каланабха, Маханабха, Харишмашра ва Уткачаларни овуга бошлади. Хираньякашипу уларнинг онаси, ўзининг келини бўлган Рушабханани ҳам, ўзининг онаси Дитини ҳам овутиди. Уларнинг барчасига у шундай сўзлар билан мурожаат қилди.

20. Хираньякашипу шундай деди: - Эй азиз она, келин ва жиянларим! Хираньякашанинги ҳалокати учун қайғурманглар, чунки у буюк қахрамон эди. Қахрамон учун душман билан жангда ҳалок бўлиш - ўзи орзу қилиб юрган шавкатли ўлимдир. 21. Эй она, худди карвонсаройда, ёки муздай суви бор кудук ёнида

учрашиб, чанқоғини қондириб, ҳордик чиқаргандан кейин, яна ҳар ким ўз йўлига кетадиган йўловчиларга ўхшаб, тирик мавжудотлар ҳам бир жойга тўпланадилар, оила қурадилар, кейин эса, аввалги ҳаётларида қилган ишлари оқибатида ҳар ким ўз йўлига равона бўлади. 22. Рух(тирик мавжудот) ҳеч қачон ўлмади - мангу тирик ва ўчмас. У моддий унсурларга боғлиқ эмас ва моддий ёки рухий оламнинг хоҳлаган жойига бора олади. Рух мукаммал илмга тўла ва моддий танадан бутунлай фарқ қилади, аммо, қачонки ўзининг озгина мустақиллигини суистеъмол қилиб, ноғўғри йўлга кирса, у моддий қувват яратадиган нафис ва кўпол тана олишга ва моддий оламда ўткинчи бахт ва мусибат деган нарсалардан тотиб кўришга мажбур бўлади. Шунинг учун, рух танани тарк этиб кетгани сабабли мусибатга тушишини ҳожати йўқ. 23. Дарё сувлари бир жойда турмагани сабабли унинг қирғоғидаги дарахтлар ҳам оқим бўйлаб юраётгандай бўлиб кўринади. Ақли жойида бўлмаган маст кишининг кўзлари ўйнаб кетганида, унга оёғи остидаги ер ҳам кўзгалаётгандай бўлиб туюлади. 24. Худди шунингдек, эй онажоним, шартланган рухнинг ақли моддий табиат гуналари таъсирида ҳаловатини йўқотганида, гарчи рух, нафис ва кўпол танاداги ўзгаришларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаса ҳам, ўзини худди бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтаётгандай ҳис қилади. 25-26. Шу тарика адашган тирик мавжудот танаси ва ақлини ўзига қиёслаб, бировларни ўзининг қариндоши, бошқа бировларни эса бегона деб ҳисоблайди. Шунга ўхшаган адашишлар бизларни мусибатга тушишга мажбур қилади. Шартланган рухнинг бу моддий оламда бошидан кечирадиган барча мусибатларнинг ва ўткинчи шодликларнинг сабаби - унинг ўзи ўйлаб чиқарган ҳар хил моддий тасаввурларга берилиб кетганидир. Шундай ҳолатда рух ҳар хил ҳаёт турлари ичида туғилишга ва ўзига турли тана яратиб, ҳар хил онг билан ҳаракат қилишга мажбур бўлади. Моддий тирикликнинг мана шу чархпалаги самсара деб аталади. Туғилиш, ўлим, мусибат, нодонлик, ҳар хил ташвишга тушишлар - буларнинг барчаси ҳаёт ҳақида моддий тана тасаввурида бўлиш оқибатидир. Баъзида биз ҳаёт ҳақида ҳақиқий тасаввурга эга бўламиз, баъзида эса, яна адашишлар уммониға ғарқ бўламиз. 27. Ана шу ҳолатга боғлиқ бўлган қадимий бир ҳикояда, ўлган одамнинг қариндошларига Яиараджа қандай насиҳатлар бергани ҳикоя қилинади. Шу ҳикояни диққат билан тингланглар.

28. Бир замонларда Ушинара давлатига Суягья деган машхур шох ҳукмронлик қилган экан. Жангда душманлари шохни ўлдиргандан кейин, Суягьянинг қариндошлари, унинг ўлик танаси атрофиға тўпланиб, ўзлари учун азиз бўлган киши учун аза тутиб, йиғлай бошладилар. 29-30. Шохнинг қимматбаҳо тошлар билан безатилган олтин безаклари чил-парчин бўлиб синдирилганди; ундаги барча тақинчоқлар ва гулчамбарлар сочилиб, ерга тушиб кетганди; шохнинг сочлари тўзғиб, кўзларининг нури сўниб қолганди. Душман пайконлари юрагиға чуқур санчилган шох жанг майдонида қонға беланиб ётарди. Шох жангда жасорат кўрсатиш учун лабларини қаттиқ тишлаб турган пайтида ўлган ва шу ҳолати юзида акс этиб турарди. Аввал Суягьянинг сиймоси гўзаллиги билан нилуфар гулини эслатарди, аммо жанг пайтида унинг юзи чангдан қорайиб кетганди. Қалқон ва бошқа

куроллар ушлаган кўллари чопилган ёки синдириб ташланганди. Эрининг мажруҳ танасини кўрган шохнинг хотинлари аюҳаннос солиб йиғлай бошладилар: -"Вой бегим, сени олиб кетган ажал бизни ҳам олиб кетсин!" Кўксини муштлаб, бу сўзларни бир неча бор такрорлаб, улар ўлик шохнинг оёқларига йиқилдилар. 32. Суягъянинг хотинлари йиғлаб нола қилар, уларнинг кўз ёшлари кўксига томиб, қизил куркума билан бўялиб, шохнинг нилуфар қадамлари пойига томарди; уларнинг сочлари тўзғиб кетди, тақинчоқлари сирпаниб ерга тушди. Эрининг ўлимини шундай изтиробли сўзлар билан ифодалаётган маликаларнинг бу аҳволига ҳеч ким лоқайд қараб туролмасди.

33. "Эй ҳукмдор, бешафқат тақдир сени бизларнинг кўзимизга кўринмайдиган қилиб кўйди. Аввал сен Ушинара аҳолисига ғамхўрлик қилардинг ва улар бундан бахтиёр эдилар, аммо энди, сен кетгандан сўнг, улар чуқур мусибатга тушяптилар. 34. Эй шох, сен бизларнинг ҳар биримиз учун энг яхши дўст эдинг ва хамиша бизлардан миннатдор эдинг. Энди сенсиз бизлар қандай кун кечирамыз? Сен қаерга кетсанг ҳам, эй қахрамон шаҳаншоҳ, бизни ҳам ўзинг билан олиб кет. Биз сенга садоқат билан хизмат қилишда давом этамиз. Бизларни ташлаб кетма, ўзинг билан бирга олиб кет!"

35. Суягъянинг танасини дафн қилиш вақти келган, аммо маликалар уни кўйиб юбормасдилар. Улар ўлик танани кучганларича, дод-вой солишда давом этардилар, айни пайтда қуёш ўзининг кундузги йўлини адо этиб, горизонт ортига яширинишга ҳозирланаётган эди. 36. Эрининг жасади устида йиғлаётган маликаларнинг баланд овозлари ҳатто Яммараж даргоҳида ҳам эшитилиб турарди. Шунда Яммаражнинг ўзи ёш бола қиёфасига кириб, ўлган шохнинг қариндошлари олдида пайдо бўлди ва уларга насихатлар берди.

37. Шри Яммараджа шундай деди: - Қандай ғалати ҳол! Улар мендан анча катта ва жаҳонда минглаб тирик мавжудотлар ҳар куни тинмасдан туғилиб, ўлиб туришини жуда яхши биладилар. Шунга қараганда, бу одамлар ўзлари ҳам бир куни албатта ҳалок бўлишини яхши билишлари керак. Аммо, алданиш, ғофиллик домига тушган бу зотлар буни умуман тушунмайдилар шекилли. Шартланган рухнинг қаердан келганини ва танаси ўлганда қаерга кетишини ҳеч ким билмайди. Бу - моддий табиатнинг ўзгармас қонуни, ва уни ҳеч ким ўзгартира олмайди. Шундай экан, нимага улар ўлган эрининг устида дод-вой солиб йиғлаб ўтирибдилар. 38. Мен тушунган ана шу нарсаларни ёшлари анча жойга бориб қолган бу аёлларнинг билмаслигига ҳайронман. Демак, менинг юлдузим бахтли экан: ахир ота-онаси ташлаб кетган бир ожиз, нотавон, ҳимоясиз ёш бола бўла туриб, ҳаётда барча қийинчиликларни ўзим енгишга мажбур бўлсам ҳам, мен ўлмай қолдим, йирткич ҳайвон домига тушмадим. Шунинг учун, мени ҳали онамнинг қорнида пайтимда ҳимоя қилган Худои Таоло, бундан кейин ҳам хамиша, ҳамма жойда ҳимоя қилиб юради.

39. Кейин, маликаларга юзланиб, болакай шундай деди: - Ҳой ожиза аёллар! Бугун олам фақат Худои Таолонинг амри билан яратилади, мавжуд бўлиб туради ва емирилади, лекин Унинг Ўзи ҳеч қачон ўзгармайди. Ведалар бизга шундай таълим беради. Ичидаги барча кўзгалувчан ва кўзгалмас мавжудотлар билан бирга

бугун олам Худои Таолонинг кўлидаги қўғирчоққа ўхшайди. Худои Таоло Ўз хоҳиши билан оламни бузиши ҳам мумкин, ҳимоя қилиши ҳам. 40. Баъзан одам кўчада, ҳамма кўрадиган жойда пулини тушириб кўяди, аммо, тақдир тақозоси билан унинг пулини ҳеч ким кўрмаслиги мумкин, орадан анча вақт ўтгандан кейин пулини туширган жойидан яна топиб олади. Аксинча, Худонинг ҳимоясидан маҳрум бўлган киши, баъзида ҳатто пулларини уйида маҳкам сақласа ҳам, бир тийинсиз қолади. Худонинг Ўзи ҳимоя қилиб юрган киши, ёлғизлигига қарамай, ҳатто қалин ўрмонда ҳам соппа-соғ юриши мумкин. Аксинча, уйида, қариндош ва яқинларининг ҳимоясида юрган киши ҳам бирдан ўлиб қолиши мумкин. Уни ҳеч ким ажал домидан қутқара олмайди. 41. Ҳар бир тирик мавжудот ўзининг қармасига яраша маълум танага эга бўлади. Унинг шу танада бўлиш вақти тугаганида, танаси ҳалок бўлади. Гарчи мангу рух ҳаётнинг қайсидир турига мансуб бўлган қўпол ва нафис моддий тана ичида жойлашган бўлса ҳам, бу тана унга таъсир қилмайди, чунки рухнинг танага ҳеч қандай алоқаси йўқ. 42. Уй эгаси, гарчи уйи билан ўзи бир-бирига умуман алоқадор бўлмаса ҳам, уйини ўзига қиёслайди. Шунга ўхшаб, барча шартланган рухлар ҳам, танаси рухга нисбатан умуман бошқа нарса бўлишига қарамай, танасини ўзига қиёслайдилар. Тана ер, сув ва оловдан таркиб топган, ҳар турга ўзгариб туради ва бироз вақт ўтгандан кейин, яна шу таркибий қисмларга ажралиб кетади. Тана яратилади ва йўқолиб кетади, аммо бу ўзгаришларнинг мангу рухга ҳеч қандай алоқаси йўқ. 43. Олов ўтин ичига яширинган, аммо ўтиндан фарқ қилади; оғиз ва буруннинг ичида ҳаво борлигини сезиш мумкин, лекин ҳаво уларга боғлиқ эмас; эфир ҳамма нарсалар ичидан сингиб, ўтиб кетади, аммо ҳеч бир нарсага аралашиб кетмайди - худди шунингдек, рух ҳам, гарчи у моддий тана ичига қамалган бўлиб, унинг ҳаёт манбаи бўлса ҳам, ундан бутунлай фарқ қилади. 44. Агар сизлар шунчалик аҳмоқ бўлмасанглар, бундай дод-вой солиб йиғлаб ўтирмаган бўлардинглар. Ажалга сизлар мотам тутиб ўтирган шох Суягъя ҳеч қаерга кетгани йўқ: мана у, олдингизда ётибди. Сизлар нимага йиғлаяпсизлар? Шох аввал сизларнинг гапларингизга қулоқ солиб, уларга жавоб бериб юргани, энди эса у бундай қилмаётгани учун сизлар ташвишга тушяпсизлар. Ахир сизларнинг гапингизни тинглаб, уларга жавоб бериб юрган зот тананинг ичида эди-ку, сизлар уни ҳеч қачон ҳам кўрмаган эдинглар-ку. Шунча йиллар давомида сизлар кўриб юрган тана эса, ҳозир ҳам олдингизда ётибди. Шундай экан, нимага бунчалик йиғлайсизлар? 45. Танадаги энг асосий нарса - ҳаёт нафасидир, аммо у ҳам на гапиришни, на тинглашни билади. Бунинг устига, нафақат ҳаёт нафаси, ҳатто рух ҳам ўз ҳолича мустакил ҳаракат қила олмайди, чунки аслида ҳар бир алоҳида рухнинг истакларига яраша, ҳамма нарсани Олий Рух бошқариб туради. Гарчи Олий Рух тананинг фаолиятини бошқариб турса ҳам, У танадан ҳам, ҳаёт нафасидан ҳам фарқ қилади. 46. Қўпол ва нафис тананинг ҳар хил қисмларини яратиш учун беш унсур, ўн сезги ва ақл ўзаро бирикадилар. Ўз кудратига яраша тирик мавжудот юқори ривожланган ёки оддий моддий таналарнинг бири билан боғланади ва вақт ўтиши билан уни тарк этади. Тирик мавжудотнинг қай даражада кудратли экани унинг қайси тана билан боғланишига қараб аниқланади. 47. Токи рух ақл,

интеллект ва сохта ўзликдан таркиб топган нафис тана билан қопланган экан, у ўзининг аввалги қилмишлари оқибатини тотишга мажбур. Нафис тана руҳни моддий қувват билан боғлаб туради, ва шунинг учун рух, ўзи умрлар оша қайта-қайта тушаверадиган, бетиним ўзгариб турадиган моддий тирикчилик шароитларидан азоб чекишга мажбур. 48. Табиат гуналари келтириб чиқарадиган бахт ва мусибатларни ҳақиқатан ҳам мавжуд, муҳим нарсалар деб қабул қилиб, моддий табиат гуналари ҳаракатини кузатиш ва муҳокама қилишдан ҳеч қандай фойда йўқ. Баъзида одам кундуз куни ўзини жуда катта амалдор ҳис қилиши мумкин, кечаси эса, тушида уни чиройли аёл кучоқлаётган бўлиши мумкин. Униси ҳам, буниси ҳам алдамчи, сароб нарсалардир. Худди шунингдек, бизлар моддий сезгиларимиз билан ҳис қиладиган ҳар қандай бахт ва мусибатни хом хаёлдан бошқа нарса деб қабул қилмаслик керак. 49. Ўзининг руҳий табиатини тўлиқ англаб етган, руҳ мангу, тана эса ўткинчи нарса эканини чуқур англаб етган киши ҳеч қачон мусибатга тушмайди. Руҳий илмга эга бўлмаган кишилар эса, ҳамиша мусибат чекишга маҳқумдирлар. Алданиш домига тушган ғофил одамларга бирор нарсани тушунтириш жуда қийин. 50. Бир пайтлар "қушларни еса бўлади" деб ўйлаган бир овчи яшаб ўтган экан. Шу тушунчаси асосида у ов куриб қушларни тутаркан. Худди ажалнинг ўзи унга қушларни ўлдиришни буюргандай кўринарди. 51. Бир куни, ўрмонда айланиб юриб, у бир жуфт кулинг қушларини кўриб қолибди. Уларнинг биттаси, мода қуш, унинг тўрига илинибди. 52. Эй шох Суягъянинг хотинлари, жуфти ҳалоли дахшатли ҳалокат келтирадиган тўрга тушиб қолганини кўриб, эркак кулинг қаттиқ изтироб чекибди. Жуфтига қаттиқ боғланиб қолган, лекин уни қутқариб қолиш кўлидан келмайдиган, ночор кулинг оҳ-нола чека бошлабди. 53. "Э-воҳ, тақдир қанчалар маъшум, бешафқат! Жуфти-ҳалолим дахшатли ҳалокат домига тушиб қолди, унга ҳеч ким ёрдам бера олмайди, ва у мендан жуда ташвишланыпти. Нимага бешафқат тақдир мендан мана шу бахтиқаро қушни айириб олмоқчи бўлди экан? Бундан ким бирор яхшилик кўраркин? 54. Тақдир ёвузларча менинг хотинимни, танамнинг ярмисини олиб кетмоқчи бўлган экан, нимага энди у мени ҳам бирга олиб кетмайди? Танамнинг ярмисидан айрилиб, ҳижрон ўтида куйиб яшашдан нима фойда? Бундай ҳаётнинг кимга кераги бор? 55. Онасидан айрилган полапонлар, уяда қолиб онасининг бирор егулик олиб келишини кутяптилар. Улар ҳали жуда ёш, уларнинг ҳатто қанотлари ҳам ўсиб чиққани йўқ. Мен уларни қандай қилиб оёққа турғазаман?"

56. Шу тарика кулинг жуфтининг ҳалокатидан қаттиқ нола қиларди. Айни пайтда овчи яқин жойда яшириниб туриб, камонидан ўқ отиб, бу қушни ҳам ўлдирибди. 57. Ўзимизни ҳам ажал кутиб турганини кўрмай туриб, ҳалок бўлган шохни қайғуриб йиғлаш нодонлик эмасми? Сизлар ғофиллигингиз туфайли, агар ҳатто юз йил йиғласанглар ҳам эрингизни ҳаётга қайтара олмаслигингизни, кўп ўтмай ўзларингиз ҳам ўлиб кетишингизни тушунмаяпсизлар.

58. Хираньякашипу шундай деди: - Шох Суягъянинг жасади устида тўпланиб, мотам туғиб йиғлаётганларга ёш бола қиёфасидаги Ямараджа насиҳат берар экан, улар унинг фалсафий мулоҳазаларини диққат билан тингладилар. Шу тарика улар моддий нарсаларнинг барчаси ўткинчи эканини,

эртами-кечми бу дунёда ҳамма нарса албатта яксон бўлишини тушуниб олдилар. 59. Суягъянинг ғофил қариндошларига насиҳат қилиб, Ямаражнинг ўзи бўлган болақай, уларнинг кўзидан ғойиб бўлди. Ниҳоят шундан кейин шох Суягъянинг танасини дафн қилдилар. 60. Шундай экан, хоҳ ўзингизнинг, хоҳ ўзганинг танаси ҳалок бўлишидан ҳеч қачон мусибатга тушиб, изтироб чекманглар. Фақат ғафлат ботқоғига ботган одамларгина таналарнинг хилма-хиллигига катта эътибор беради ва "бу - мен, бу эса - улар, бу меники, бу уларники" деб ўйлайди.

61. Шри Нарада Муни давом этди: - Хираньякашипу ва Хираньякшанинг онаси Дити, келини, Хираньякшанинг бева қолган хотини Рушабхану билан бирга Хираньякашипунинг насиҳатларига диққат билан кулоқ солдилар. Шундан сўнг, у ўғлининг ҳалокати учун изтироб чекишни тарк этиб, бутун фикру-хаёли билан ҳақиқат илмини англаб олишга киришди.

Еттинчи кўшиқ.

Хираньякашипу ҳеч қачон ўлмайдиган бўлишга қарор қилади.

1. Шри Нарада Муни шундай деди: - Иблислар шоху Хираньякашипу душманлардан енгилмайдиган, кексалик ва тана касалликларига дучор бўлмасликни ният қилди. У анима, лағхима ва хоказо сингари барча сеҳр қудратларига, шунингдек мангу яшаб, коинотнинг барча сайёраларига, ҳатто Брахмалокага ҳам ҳукмронлик қилишга қарор қилди. 2. Мандара тоғи этагида Хираньякашипу фақат оёғининг бош бармоқларида тик туриб, кўлларини осмонга кўтариб, нигоҳини самога тикиб турган ҳолда риёзат чека бошлади. Бундай ҳолатда туриш жуда қийин, аммо ўзининг мақсадига эришиш учун у шундай ҳолатда турарди. 3. Хираньякашипунинг сочларидан, худди охир-замон пайтида қуёшдан чиқадиган нурдай кўзни камаштирувчи ёрқин ёғду чиқа бошлади. Хираньякашипунинг қаттиқ риёзатларга берилганини кўриб, ҳар хил сайёраларда сайр қилиб юрган фаришталар ўз даргоҳига қайтдилар. 4. Шундай қаттиқ риёзат оқибатида Хираньякашипунинг калласидан тутун аралаш кучли олов бутун коинотга таралиб, олий ва қуйи сайёраларни куйдира бошлади. 5. Хираньякашипунинг дахшатли риёзати дастидан дарё ва океанлар, қутура бошлади, тоғ ва ороллар билан бирга ер титрай бошлади, юлдуз ва сайёралар туша бошлади. Ҳар тарафдан ёнғин ловуллай бошлади. 6. Хираньякашипунинг риёзатидан ташвишга тушиб, иссиққа чидамаган фаришталар ўз даргоҳларини тарк этиб, коинотни яратган Тангри Брахма сайёрасига йўл олдилар.

Тангри Брахма олдида бориб, улар шундай дедилар: - "Эй фаришталар аълоси, эй коинот султони! Дахшатли риёзати туфайли Хираньякашипунинг бошидан чиқаятган олов бизларни шунчалик қийноққа соляптики, ўз даргоҳимизда қолишга қудратимиз етмаяпти. Шунинг учун сенинг олдинга келдик. 7. Эй коинотнинг шавкатли ҳукмдори, агар сен бизларнинг илтижоларимизга кулоқ солсанг, илтимос, сенга содик барча фуқароларинг ҳалок бўлмасдан аввал, барчага ҳалокат олиб келадиган бу офатни бартараф қил. 8. Хираньякашипу жуда дахшатли риёзатларга берилган. Гарчи унинг нияти сенга маълум бўлса ҳам, бизларнинг

гапимизга кулоқ сол.

9-10. "Коинотдаги энг буюк шахс Тангри Брахма, каттиқ риёзатларга берилиб, ўзининг сеҳр қудратини ривожлантириб, транс ҳолатига тушиб ҳозирги мартабасига эришди. Шу тарзда у бу коинотни яратиш имконига эга бўлиб, унда энг юқори лавозимдаги фаришта бўлишга эришди. Мен мангуман, вақт ҳам мангу, шунинг учун, жуда кўп умрлар давомида мен ҳам ана шундай риёзатга, сеҳр қудратига ва чуқур муруқбага интиламан. Охир-окибатда мен Тангри Брахманинг ўрнини эгаллайман! 11. Риёзат чекиб шундай қиламанки, одамлар гуноҳ ишлари учун мукофот олиб қувонадиган, савоб ишлари учун эса жазо олиб, азобланадиган бўлади. Мен оламда ўрнатилган барча тартибларни остин-устун қиламан. Ахир ҳатто Дхрувалока ҳам калпа охирида яқсон бўлади-ку. Унинг нима кераги бор? Мен эса барибир Тангри Брахманинг ўрнини эгаллайман" 12. Эй ҳукмдор, бизга аниқ маълумки, Хираньякашипу сенинг ўрнингни эгаллаш ниятида каттиқ риёзатга бериляпти. Сен - бутун уч олам ҳукмдорисан. Илтмос, дархол зарур бўлган чораларни кўр! 13. О Тангри Брахма, бутун оламни бошқариш билан сен шубҳасиз барчага, айниқса сигир ва браҳманларга катта саодат келтиряпсан. Браҳманлар маданияти ва сигирларни ҳимоя қилиш ҳақида тинмасдан жуда кўп гапириш мумкин, чунки браҳман ва сигирларнинг равнақи - моддий бахт, бойлик ва муваффақиятлар гаровидир. Лекин, Худо кўрсатмасин, агар сенинг ўрнингни Хираньякашипу эгалласа, ҳар қандай тараккиёт йўққа чиқади.

14. Эй шох, фаришталарнинг гапларини тинглаб туриб, ғайритабиий қудрат эгаси бўлган Тангри Брахма Бхригу, Дакша ва бошқа буюк донишмандлар ҳамроҳлигида Хираньякашипу риёзат чекаётган жойга йўл олди. 15-16. Баҳайбат оққуш елкасида учиб юрадиган Тангри Брахма Хираньякашипуни дарров топа олмади, чунки, иблисинг танаси устига майсалар, бамбуқлар кўкариб, чумолилар ин қуриб ташлаган эди. Хираньякашипу бу ерда узок вақтдан бери турган, шу вақт ичида чумолилар унинг бутун танасини - терисини, гўшт ва ёғларини, қонини еб ташлаган эди. Ниҳоят, риёзати билан бутун оламни қиздириб ва булутларни тарқатиб юборадиган қуёшга ўхшаган Хираньякашипуни Тангри Брахма ва бошқа фаришталар топиб олдилар. Каттиқ ҳайратга тушганидан Тангри Брахма қулиб қўйди ва Хираньякашипуга муружаат қилди.

17. Тангри Брахма шундай деди: - Тур, уйғон, о Кашьяпа Мунининг ўғли! Барча саодатлар сенга ёр бўлсин! Сен риёзат бобида камолот чўққисига эришдинг. Сенга фотиҳа бериб дуо қилишга тайёрман. Мендан истаган нарсангни сўра, сенинг истагингни амалга оширишга ҳаракат қиламан. 18. Мен сенинг шижоатингдан ҳайратга тушдим. Сени ҳар хил қурт-қумурскалар чақиб, еб илма-тешиқ қилиб юборибди, аммо сен ҳаёт нафасингни суяқларингда сақлаган ҳолда, риёзат чекишда давом этияпсан. Бу ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли ҳол. 19. Ҳатто сендан аввал туғилган Бхригу сингари авлиёлар ҳам бунчалик каттиқ риёзат чека олмаган, келажакда ҳам ҳеч ким бундай қаҳрамонликка қодир бўлолмайди. Бутун уч оламда яшовчиларнинг қайси бири бир томчи сув ичмасдан самовий юз йил мобайнида ҳаётини танасида сақлаб тура олади? 20. О Дитининг ўғли, ғайритабиий катъиятинг ва тенгсиз риёзатинг туфайли сен ҳатто

буюк авлиёлар қила олмайдиган ишни қилдинг, демак сен мени ҳам мағлуб қилдинг. 21. Шунинг учун, эй иблислар аълоси, мен сени ўзинг истагандай дуоифотиҳа қилишга тайёрман. Оддий тирик мавжудотлардан фарқли равишда, олий сайёраларда яшайдиган биз фаришталар ўлимга маҳқум эмасмиз. Гарчи сен ўлимга маҳқум бўлсанг ҳам, мен билан учрашганинг бекорга кетмайди.

22. Шри Нарада Муни давом этди: - Шундай деб, коинотдаги биринчи жонзот, ғайритабиий қудрат эгаси бўлган Тангри Брахма Хираньякашипунинг танасига кўзасидан сув сепди. Гарчи танасини қурт қумурскалар деярли еб битирган бўлса ҳам, ана шу илоҳий сув унга яна ҳаёт бахш этди. 23. Тангри Брахма кўзасидаги сув Хираньякашипунинг танасига тегиши билан у дарров ўз ҳолига келди ва танаси ҳатто яшин кучини ҳам қайтарадиган даражада мустаҳкам бўлди. Худди ўтин ичидан пайдо бўладиган олов сингари, Хираньякашипу чумоли уяси ичидан ёш навқирон йигит танасида пайдо бўлди, унинг қудратли танаси эриган олтиндай ярқираб турарди. 24. Осмонда олдига оққуш елкасида учиб келган Тангри Брахмани кўриб, Хираньякашипу жуда хурсанд бўлди. У Брахмага таъзим қилиши шошилди ва унинг олдида узала тушди. 25. Ўрнидан туриб Дайтъялар сардори кўз олдида яна Тангри Брахмани кўрди. У қувончдан яйраб кетди, танаси титраб, кўзлари ёшга тўлди, у қўлларини қовуштириб, тутила-тутила Тангри Брахмага илтижо қила бошлади.

26-27. Хираньякашипу шундай деди: - Мен бу олам ҳукмдори олдида чуқур эҳтиром билан бош эгаман. Унинг ҳаётининг ҳар бир қуни ниҳоясида, вақт таъсири остида бутун оламни чуқур зулмат қоплаб олади. Кейинги кун келганида, бу порлаган ҳукмдор, танасидан таралаётган ёғду билан бутун моддий оламни намоен қилади, мавжудлигини таъминлаб туради ва яқсон қилади. У бу ишларни уч гунадан иборат моддий қувват ёрдамида амалга оширади. Тангри Брахма - моддий табиат гуналари - саттва-гуна, раджа-гуна ва тамо-гуналар маконидир. 28. Мен бу коинотдаги биринчи тирик мавжудот Тангри Брахма олдида чуқур таъзим қиламан. У мукамал илмга эга. Ақли ва қудратли тафаккури ёрдамида у моддий оламни яратади. Айнан у оламдаги ҳамма нарсани бизнинг кўзимизга кўринадиган қилиб қўйибди. Шунинг учун, Тангри Брахма - барча намоен бўлган нарсаларнинг сабабчисидир. 29. Эй Ёруғ сиймоли зот, сен бу оламга ҳаёт бағишлайсан, демак, барча - кўзгалмас ва кўзгалувчан тирик мавжудотларнинг ҳукмдорисан, сен уларнинг онгини уйғотасан. Фақат сен туфайлигина ақл, ҳаракат қилиш ва сезиш органлари мавжуд. Барча моддий унсурлар ва уларнинг хусусиятлари сенга боғлиқ, барча орзу-истакларни, ниятларни сен ўзинг бошқариб турасан. 30. Эй ҳукмдор, - сен Ведалар тимсолисан, қурбонлик маросимларини ўтказадиган браҳманларга сен илм берасан. Шу тарзда сен ҳар ерда ведавий қурбонлик маросимларининг етти турини ўрнатиб юрасан, улардан энг асосийси - агништома. Айнан сен ведавий руҳонийларни уч ведаларда кўрсатилган маросимларни ўтказишга ундайсан. Сен - барча тирик мавжудотлар қалбида мавжуд бўлган Олий Рухсан, сенинг аввалинг ҳам, охириг ҳам мавжуд эмас. Сен ҳамма нарсадан воқифсан, замон ва макон чегаралари сенга таъсир қилмайди. 31. Эй буюк зот, сен ҳамиша сергаксан, ва ҳеч нарса сенинг нигоҳингдан четда қололмайди. Сен - мангу замонсан, ва унинг ҳар

хил бўлаклари - лаҳзалари, сониялари, дақиқалари ва соатлари билан барча тирик мавжудотларнинг умрини кискартирасан. Ўзинг эса ўзгармай, олий руҳ сифатида гувоҳ бўлиб, туғилмаган ва ҳар ерда мавжуд Худои Таоло - бутун борлиқнинг ҳаёт манбаи бўлиб бир жойда қолаверасан. 32. Барча кўзгалувчан ва кўзгалмас, олий ва куйи мавжудотлар ичида ҳеч нарса сендан ажралган ҳолда мавжуд бўлолмайди. Сенинг тананг Упанишада ва азалий ведаларга қўшимча қилиб ёзилган муқаддас китоблардан олинган илмдан таркиб топган. О Хираньягарбха, сен бутун оламни ўзингда мужассам қилгансан, шунга қарамай, моддий табиатнинг уч гунаси яратган моддий олам сенга ҳукмини ўтказма олмайди, чунки сен - унинг олий ҳукмдорисан. 33. Эй ҳар нарсага қодир зот! Ўз даргоҳингда ўзгармай қолган ҳолда, худди бу дунёда лаззатланишни истаётгандай, моддий оламда фазовий қиёфанинг намоен қиласан. Сен - Брахмансан, Олий Рухсан ва энг қадимий тирик мавжудот - Худои Шахсисан. 34. Мен Ўзининг намоен бўлмаган бекиёс сиймосидан моддий коинотни, бутун борлиқни яратган Парвардигор олдида чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. Худои Таолонинг ички ва ташқи қувватлари, шунингдек, оралиқ қувват деб аталувчи ва барча тирик мавжудотлардан таркиб топган аралаш қуввати бор. 35. Эй ҳукмдор, эй дуо қилувчилар ичида аълоси, агар менинг истақларимни бажаришга рози бўлсанг, шундай қилгинки, сен яратган мавжудотларнинг бирортаси менинг ажалимга сабабчи бўлмасин. 36. Шундай қилгинки, на бирор даргоҳнинг ичида, на унинг ташқарисида, на кундузи, на кечаси, на ерда, на ҳавода ажалим етмасин. Мени ҳар қандай қуроллардан ҳимоя қил ва на инсон, на хайвон, ва ҳатто на сен яратмаган бирор тирик мавжудотнинг мени ўлдиришига йўл қўйма. 37-38. Мени на жонли, на жонсиз бирор нарса ўлдира олмасин. Мени на фаришта, на иблис, на куйи сайёралардан бирор аждар ўлдирмасин. Жангда сенга тенг келадиган зот йўқ; ҳеч ким сени мағлуб қилишга қодир эмас. Шундай фотиҳа бергинки, менга ҳам куч-қудратда ҳеч ким тенг келолмасин. Сайёраларни бошқараётган илоҳлар билан бирга бутун тирик мавжудотлар устидан ҳукмрон бўлай, ва ана шу мартабага лойиқ бутун шон-шухратга эга бўлай. Ундан ташқари, менга узок вақт риёзат ва йога давомида эришиладиган ва ҳеч қачон сўнмайдиган барча сеҳр қудратларини ато қил.

Тўртинчи боб.

Хираньякашипу бутун коинот ахлини даҳшатга солади.

1. Шри Нарада Муни давом этди: - Тангри Брахма Хираньякашипунинг риёзатидан жуда мамнун бўлди, чунки бундай риёзат чекиш осон иш эмасди. Бундай синовдан ўтгани учун мукофот сифатида у Хираньякашипу сўраган ҳамма нарсани ато этди ва камдан кам зотларга насиб қиладиган дуои-фотиҳа қилди.

2. Тангри Брахма шундай деди: - О Хираньякашипу, сен сўраётган нарсаларга эга бўлиш жуда мушкул. Шунга қарамай, эй ўғлим, улар қанчалик нодир бўлса ҳам, мен сенга шу дуои-фотиҳаларни ато этаман.

3. Иблислар аълоси Хираньякашипунинг саждаларига шу тариқа жавоб бериб, дуолари

ижобатсиз қолмайдиган Тангри Брахма буюк донишмандлар ва авлиёларнинг олқишлари остида ўз даргоҳига қайтиб кетди. 4. Гарчи Хираньякашипу Тангри Брахмадан ўзи истаган барча дуоларни олган ва олтиндай ярқираб турган танага эга бўлса ҳам, укасининг ўлимини эслаб қолган, шу сабабли Худованд Вишнудан нафрратланарди. 5-7. Хираньякашипу бутун оламни забт этди. Бу буюк иблис олий, ўрта ва куйи сайёраларни, уларда яшайдиган одамлар, гандхарвалар, гарудалар, баҳайбат аждарлар, сиддхалар, чараналар ва видьядхаралар, буюк авлиёлар, Ямараджа, Ману, якшалар, рақшаслар, пишачилар ва уларнинг ҳукмдорлари, шунингдек асосий арвоҳ ва бхугалари билан бирга бутун уч оламни ўзига бўйсундириб олди. Шу таразда барча сайёраларни забт қилиб, у коинотнинг ягона ҳукмдори бўлиб олди. 8. Чексиз мол-дунёга эга бўлиб, Хираньякашипу жаннатга, фаришталарга лаззатланиш учун совға қилинган Нандана боғида ўрнашиб олди. У жаннат ҳукмдори Индранинг ҳашаматли саройида яшарди. Фаришталарнинг меъмори Вишвакарманинг ўзи қурган бу сарой шу қадар ажойиб эдики, худди унинг ичида оламнинг равнақ фариштаси яшаётгандай туюларди. 9-12. Индранинг даргоҳидаги зинапоялар коралллардан, пол - бебаҳо зумрад тошларидан, деворлар - хрусталдан, устунлар - вайдурья тошидан қилинган эди. У ерда рубинлар билан безатилган ғаройиб қошоналар, ўтиргичлар, марваридлар билан безатилган сутдай оппоқ ётоқлар бор эди. Бу саройда яшаётган, юзлари таърифлаб бўлмас даражада чиройли, табассуми оппоқ тишларини ошкор этадиган гўзал аёллар, қимматбаҳо тошларда ўз аксларини томоша қилиб, оёқларидаги кўнғироқчаларини ёқимли жаранглатиб сайр қилиб юрардилар. Аммо фаришталар, шунча ҳашаматли саройда турсалар ҳам, тушқунликда яшардилар, чунки улар Хираньякашипунинг оёғига бош эгишга мажбур эдилар. Хираньякашипу уларни ҳеч қандай сабабсиз, бетиним ҳақорат қилиб, жазоларди. Индранинг саройида яшар экан, Хираньякашипу ҳар бир зотга нисбатан жуда беаёв, бешафқат муносабатда бўларди. 13. Эй шоҳ, Хираньякашипу ўткир хидли маст қиладиган шаробларни ёқтирарди, шу боис у ҳаминша маст-аласт юрар, мис ранг кизғиш кўзлари ҳар тарафга олазарак алангларди. Атрофидагилар ундан жирканар, лекин, Хираньякашипу сеҳрли йога билан шуғулланиб, қаттиқ риёзат чекиб буюк куч-қудратга эга бўлгани учун, уч асосий фаришта - Тангри Брахма, Тангри Шива ва Худованд Вишнудан бошқа ҳамма ўз қўллари билан унга ҳар хил совғалар инъом қилиб, унинг кўнглини овлашга ҳаракат қиларди. 14. О Пандунинг ўғли, Индранинг тахтида ўтириб, ғайритабиий қудратга эга Хираньякашипу барча сайёралар аҳолисини ўзига бўйсундириб олди. Икки гандҳарва - Вишвавасу ва Тумбуру - шунингдек барча видьядхаралар, апсаралар ва донишмандлар тинмасдан уни олқишлаб, илтижо қилардилар. 15. Ўз варна-ашрами қодаларига биноан вазифаларини изчил бажариб юрганлар Хираньякашипуга қурбонлик маросимларидан кўплаб инъом-эхсонлар келтирарди. У эса, бу эҳсонларни фаришталарга тенг бўлиб бериш ўрнига, ҳаммасини ўзи олиб қўярди. 16. Худди Хираньякашипудан кўрққандай, етти оролдан иборат Ер ўзини ҳайдаб, чопиқ қилишларини кутиб ўтирмасдан мўл ҳосил берарди. Бу билан у руҳий оламдаги сурабхи сигирларига ёки жаннат сайёраларидаги кама-дугха

сигирларига ўхшаб кетарди. Ер барчани ғалла билан таъминлар, сигирлар мўл-кўл сут берар, осмон эса чиройли булутлар билан кўзни қувонтирарди. 17. Коинотдаги барча океанлар, шунингдек уларнинг хотинлари - океанга қуйиладиган дарёлар - тўлқинларида Хираньякашипуга атаб қимматбаҳо тошлар олиб келарди. Коинотда шўр сув, шакарқамиш шираси, сариёғ, сут, қатик ва чучук сув тўла океанлар бор. 18. Тоғлар орасида жойлашган водийлар Хираньякашипунинг хордиқ чиқарадиган жойларига айланди. У бу ерларда йилнинг ҳамма фаслида дарахт ва бошқа ўсимликлар гуллаб мўл-кўл мева берадиган килди. Суғориш, қуритиш ёки ёқиш сингари одатда Индра, Ваю ва Агни амалга оширадиган барча жараёнларни Хираньякашипу ўзининг қўлига олиб, фаришталар хизматини рад этди. 19. Гарчи Хираньякашипу бутун ҳокимиятни ва олам тарафларини ўзига бўйсундирган, натижада ўзи истаганча лаззатланиш имкониятига эга бўлса ҳам, у бунга қаноат қилмасди. Чунки, ўз ҳиссиётларини жиловлаш ўрнига у ҳамиша уларнинг қули бўлиб қолган эди. 20. Бойлиги билан жуда мағрурланиб кетган Хираньякашипу узоқ вақтгача муқаддас китобларда кўрсатилган қонун ва кўрсатмаларни бузиб юрди. Буюк брахманлар - тўрт кумарлар дуои-бад қилгандан кейин унинг ҳаёти шу тариқа ўта бошлади. 21. Ҳар хил сайёраларнинг ҳукмдорлари ва бошқалар Хираньякашипу бераётган даҳшатли жазоларидан қаттиқ изтироб чекарди. Қўрқув ва ҳаяжон ичида, бошқа бирор чора тополмасдан, улар бутун ихтиёрларини Худонинг Олий Шахси, Худованд Вишнуга топшириб қўйдилар. 22-23. "Бизлар горизонтнинг Худонинг Олий Шахси жойлашган тарафига, пок руҳлар, таркидунё қилган буюк авлиёлар йўл оладиган ва ҳеч қачон қайтиб келмайдиган тарафга чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз".

Шу тарзда муроқабага берилиб, бир лаҳза ҳам уйқуга кетмасдан, ақлини тўла назорат қилиб, фақат ҳаво билангина озикланиб, ҳар хил сайёраларга ҳукмронлик қилувчи фаришталар Хришикешага сажда қила бошладилар. 24. Шунда фаришталар момақалдиروقнинг гумбурлашига ўхшаб, ҳар қандай кўркувлардан халос этувчи илоҳий овоз эшитдилар. Моддий кўзларга кўринмайдиган Парвардигор фаришталарга шундай сўзлар билан мурожаат қилди.

25-26. Эй донишмандларнинг аълолари, ҳеч нарсадан кўркманлар! Ҳар бир ишда омад сизларга ёр бўлсин! Мен ҳақимдаги ҳикояларни тинглаш, гапириб бериш ва Менга илтижо қилиш билан Менга содиқ бўлинглар. Шундай фаолият барча тирик мавжудотлар учун энг яхши саодатлар манбаидир. Хираньякашипунинг ёвузликларидан Мен хабардорман ва тез орада бунга барҳам бераман. Ҳозирча сабр-тоқат қилиб туринглар. 27. Худонинг Олий Шахсининг вакиллари бўлган фаришталарни, вайшнавларни, брахманларни, сигирларни, ведавий илми ва диний кўрсатмаларни, охир-оқибат Мени - Худои Таолони ёмон кўрадиган, нафратланадиган кишилар ўзлари яратган маданияти билан бирга яксон бўладилар. 28. Хираньякашипу ўғли Прахладани - буюк содиқ, вазмин, мулоҳазали, ҳеч кимга душманлик қилмайдиган зотни қийнай бошлаганида, Брахмадан олган шунча дуоларига қарамай Хираньякашипуни ўлдираман.

29. Буюк донишманд Нарада Муни давом этди: - Ҳар бир тирик мавжудотнинг руҳий устози, Худои

Таоло шундай сўзлар билан жаннатда яшаётган фаришталарни овутиганида, фаришталар Унга чуқур эҳтиром кўрсатдилар ва аслида иблис Хираньякашипунинг аллақачон ўлиб бўлганига ишонган ҳолда ўзларининг даргоҳига қайтдилар. 30. Хираньякашипунинг жуда кўп фазилатларга эга бўлган тўрт ўғли бўлиб, уларнинг энг аълоси Прахлада эди. Прахлада барча илоҳий фазилатлар тимсоли эди, чунки Худои Таолонинг соф содиғи эди. 31-32. Ҳақиқий брахманларнинг барча фазилатларига эга бўлган ҳолда у хушхулқи билан ажралиб турар, Мутлақ Ҳақиқатга эришишга қатъий шижоат билан интиларди. У ақлини, ҳиссиётларини тўла назорат қилиб, жиловлаб олганди. Олий Руҳ сингари у ҳар бир тирик мавжудотнинг энг яхши дўсти, ҳаммага фақат яхшилиқни раво кўрарди. У ҳар бир хурматга сазовор кишига хизмат қилишга тайёр эди, камбағал гадоларга худди отаси фарзандига қарагандай, ғамхўрлик қиларди. Тенгдошларини у севимли ака, укадай, руҳий устозлари, мактабдаги ўқитувчилари, руҳан юксак катталарни эса Худонинг Олий Шахси баробарида хурмат қиларди. У ўзининг билимдонлиги, бойлиги, гўзаллиги ёки мартабали келиб-чиқиши билан мағрурланса арзирди, лекин унинг қалбида мағрурликдан асар ҳам йўқ эди. 33. Гарчи Махараж Прахлада асурлар хонадонидида туғилган бўлса ҳам, унинг ўзи Худованд Вишнунинг буюк содиғи эди. Қариндошларидан фарқли равишда унинг қалбида вайшнавларга нисбатан душманлик туйғуси йўқ эди. У ҳатто энг катта хавф-хатар олдида ҳам ўзини вазмин, хотиржам тутар, Ведаларда кўрсатилган кармали фаолият билан умуман қизиқмасди. Моддий нарсаларнинг ҳаммасини у мутлақо фойдасиз нарсалар деб ҳисоблар, шу боис ҳар қандай дунёвий орзу-истакларлардан пок эди. У ҳамиша ўз ҳиссиётини ва ҳаёт нафасини назорат қилар, уларни тўла жиловлаб олган эди, мустаҳкам тафаккур ва қатъияти ёрдамида эҳтиросига эрк бермай яшарди. 34. Эй шоҳ, буюк эзгу қароматлари учун авлиё донишмандлар ва вайшнавлар ҳали ҳозиргача Прахлад Махаражни олқишлайдилар. Барча ажойиб фазилатлар Худонинг Шахсида мангу мужассам бўлгани сингари, Унинг содиғи Прахлад Махаражда ҳам улар албатта мужассам эди. 35. О Махараж Юдхиштхира, қаерда авлиёларнинг сифатлари ва қароматлари ҳақида гап борса, оддий одамлар эмас, ҳатто иблисларнинг душмани фаришталар ҳам, Прахлад Махаражни буюк содиқ сифатида тилга оладилар. 36. Прахлад Махаражнинг барча илоҳий эзгуликларини ким санаб, саноғига ета оларди? У Парвардигор Васудевага, Кришнага қатъий иймон келтирган, Унинг соф содиғи эди. У туғилганиданок Худованд Кришнага боғланган эди, чунки аввал ҳам Унга садоқатли холис хизмат қилган эди. Гарчи Прахлад Махаражнинг эзгу ишларини санаб ниҳоясига етиб бўлмаса ҳам, ҳамма уни махатма, буюк руҳ деб тан олади. 37. Ёшлигиданок Прахлад Махараж ўйинчоқларга умуман қизиқмасди. У болалар эрмак қиладиган барча ўйинлардан юз ўгирганди, Кришна ҳақидаги ўйларга бутунлай ғарқ бўлган ҳолда ҳамиша жим ва осойишта юрарди. Фикру-хаёли ҳамиша Кришна билан банд бўлгани учун у бошқаларнинг қандай қилиб ҳиссий лаззатларга берилиб яшашини сира тушунмасди. 38. Прахлад Махараж Кришна ҳақидаги ўйларга бутунлай ғарқ эди, ва ҳамиша Парвардигорнинг қалбида бўлган ҳолда ҳатто ўзининг қандай юрганини, ўтирганини, ётганини, еб-ичганини

ёки гапираётганини ҳам сезмасди; унинг танасига зарур бўлган барча эҳтиёжлар ўз-ўзидан амалга ошарди. 39. Бутунлай Кришна онгида бўлган ҳолда у гоҳ йиғлар, гоҳида кулар, баъзида эса, яйраганидан лаззатга тушиб, бор овози билан кўшиқ куйларди. 40. Баъзан кўз олдида Худои Таолони кўриб, Прахлад Махараж қаттиқ ҳаяжонга тушар, баланд овоз билан Унга мурожаат қила бошларди. Гоҳида яйраганидан, ҳеч кимдан уялмай рақсга тушар, гоҳо Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб, ўзини Унга киёслар ва Унинг ўйинларига тақлид қилиб юрарди. 41. Баъзида Прахлад Махараж Парвардигорнинг нилуфар қўллари текканини ҳис қиларди. Шундай пайтларда уни илоҳий лаззат қамраб олар, тили калимага келмай қоларди. Қалбини тўлдирган Парвардигорга бўлган муҳаббат нашъасидан туклари хурпайиб, ярим юмук кўзларидан тирқираб ёш оқарди. 42. Прахлад Махараж ҳеч қандай моддий нарсалар билан қизиқмайдиган мукамал соф содиқлар билан ҳамсуҳбат бўлиб юргани туфайли, у ҳамиша Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш билан банд эди. Ундаги чуқур илоҳий лаззатли ҳолатларни кўриб, руҳий жиҳатдан энг ғофил одамлар ҳам покланарди. Бошқача қилиб айтганда, Прахлад Махараж уларга илоҳий лаззат улашарди. 43. О шох Юдхиштхира, иблис Хираньякашипу ўз ўғли бўлган ана шу улуғвор ва ғайритабиий бахтга эга содиқни ҳар хил азоблар билан қийнади.

44. Махараж Юдхиштхира шундай деди: - Эй руҳий устозлар аълоси ва фаришталар ичида буюк авлиё, нима сабабдан Хираньякашипу ўзининг ўғли Прахлад Махаражга шунча азоб берганди, ахир у пок, улуғвор, ҳақиқий авлиё зот эди-ку? Илтимос, шуни менга тушунтириб бер. 45. Ота-она ҳамиша ўз фарзандларига нисбатан меҳр-муҳаббатга тўла бўлади. Агар болалари уларга қулоқ осмаса, улар жазолайдилар, лекин, буни улар ўғлини ёмон кўрганидан эмас, унинг саодати учун қиладилар. Прахлад Махаражнинг отаси Хираньякашипу шундай улуғвор фарзандини қандай қилиб шундай қийноқларга мубтало қилди? Мен шуни тушуниб олишни жуда истардим. 46. Ота ҳам хушхулқли, итоаткор ва ўзини ҳурмат қиладиган ўғлига нисбатан шу қадар бешафқат бўладими? Эй ҳукмдор, фарзандини севадиган ота ўзининг одобли ўғлини ўлдириши ниятида жазолаши - қулоқ эшитмаган, ишониш қийин бўлган гап. О браҳман, нимага шундай бўлганини гапириб бер, бизларнинг гумонимизни тарқатиб юбор.

Бешинчи боб.

Хираньякашипунинг авлиё ўғли Прахлад Махараж.

1. Буюк донишманд Нарада Муни шундай деди: - Хираньякашипу бошлиқ иблислар Шукрачарьяни ўзларининг руҳий устози қилиб танладилар. Шукрачарья уларнинг саодати учун ҳар хил қурбонлик маросимларини ўтказа бошлади. Шукрачарьянинг икки ўғли, Шанда ва Амарка, Хираньякашипу саройига яқин жойда яшарди. 2. Прахлад Махаражнинг мактабда таълим олишининг ҳожати йўқ эди, чунки у садоқатли хизмат қилиш илмини тўлиқ эгаллаган эди. Аммо, Хираньякашипу уни Шукрачарьянинг ўғиллари олдига таълим олиш учун жўнатди. Улар бошқа иблисларнинг болалари билан бирга Прахлад Махаражни ҳам мактабга қабул қилдилар. 3. Гарчи Прахлад Махараж

мактабдаги устозларининг гапларини диққат билан тинглаб, уларнинг талаби билан сиёсат ва иқтисод қоидаларини ўргана бошласа ҳам, кўнглида тушунардики, бу қоидаларга асосланиб яшаш - атрофиндагиларни дўст ва душманларга ажратиш демакдир, ва шу боис бу дунёвий илм-фан унга сира ёқмасди.

4. О шох Юдхиштхира, бир гал иблислар султони Хираньякашипу Прахладани тиззасига ўтказиб, меҳр билан унга савол бера бошлади: - "Ўғлим, менга айтчи, сен мактабда эшитган насиҳатларингдан қайси бирини энг яхши деб ҳисоблайсан?"

5. Прахлад Махараж шундай деб жавоб берди: - О асуралар ичида аълоси, о иблислар шоҳи, руҳий устозим менга ўргатганки, ўткинчи танага эга бўла туриб, ўткинчи оила ташвишларига ғарқ бўлиб кетган киши ҳамиша ҳавотирда юради, чунки у ичида суви йўқ, аммо фақат мусибатлар тўла қудуққа йиқилиб тушган бўлади. Инсон дунёвий ҳаётни тарк этиши ва ўрмонга кетиши лозим. Бу демак, у ҳамиша, ҳар ерда Худо билан боғлиқ бўлган, Кришна онгидаги фаолият ҳукм сурган Вриндаванга йўл олиши керак. Шунда у Худои Таолонинг паноҳи остига кира олади.

6. Нарада Муни давом этди: - Прахлад Махараждан ўзликни англаш ва Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақидаги, ўз ўғли душманлари тарафида эканини тасдиқловчи гапларни эшитиб, иблислар шоҳи Хираньякашипу кулиб юборди ва шундай деди: - "Қаранг, душманларнинг гаплари ёшларнинг ақлини қандай чалғитади?"

7. Хираньякашипу ёрдамчиларини чақириб сўради: - "Азиз иблислар, илтимос, бу болани диққат билан кузатиб юринглар ва уни гурукулага оддий одамлар киёфасида кириб олиши мумкин бўлган вайшнавларнинг номаъқул таъсиридан ҳимоя қилинглар!"

8. Хираньякашипунинг хизматкорлари Прахлад Махаражни гурукулага қайтариб олиб келганида, иблисларнинг руҳонийлари, Шанда ва Амарка, унга мулойимлик билан мурожаат қила бошладилар. Иложи борица хотиржам ва мулойим бўлишга ҳаракат қилиб, улар Прахлад Махаражга савол бера бошладилар:

9. - Прахлада, ўғлим, умринг ҳамиша тинч ва бахтиёр бўлсин! Илтимос, бизларга тўғри жавоб бер. Сендан бошқа болалар сенга ўхшаб ғалати фикрларга бормайдилар. Сен бу насиҳатларни кимдан олгансан? Сенинг ақлинг қандай қилиб бундай ҳалоқатли фикрларга булғаниб қолди? 10. Эй оиласининг аълоси, ақлингни ўзинг булғаб юрибсанми ёки бу бирор душманнинг ишими? Устозинг сифатида бизлар сенинг жавобингни эшитишга мунтазирмиз. Илтимос, тўғриси айт!

11. Шри Прахлад Махараж шундай деб жавоб берди: - Мен Худо Шахси олдида чуқур эҳтиром билан таъзим қиламан. Унинг ташқи қуввати одамларнинг ақлини адаштиради, уларни атрофидагиларни дўст ва душманларга ажратишга мажбур қилади. Бу қувватнинг қандай ҳаракат қилишини мен ишонарли манбалардан эшитганман, мана энди унинг ҳаммани қандай адаштириб қўйганини ўз кўзим билан кўриб турибман. 12. Худо Шахсини Унга садоқатли хизмат қилиш билан мамнун қилган киши пандит даражасига кўтарилади ва дўст, душман ва ўзи орасида ҳеч қандай фарқ кўрмайди. Ҳақиқий соф тафаккуурга эга бўлган шундай руҳ бошқача фикр юритади: "Бизлар барчамиз - Худои

Таолонинг мангу хизматкорларимиз, шунинг учун, бир тирик мавжудот билан бошқа тирик мавжудот орасида ҳеч қандай фарқ йўқ". 13. Атрофидагиларни дўст ва душманларга ажратишга ўрганиб қолган киши қалбида мавжуд бўлган Олий Рухни кўришга қодир эмас. Ундай одамлар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин, - ахир ҳатто Тангри Брахма ва Ведалар илмининг бошқа билимдонлари ҳам баъзида садоқатли хизмат қилиш йўлидан қандай бориш кераклигини охиригача тушуниб ета олмайдилар. Буларнинг ҳаммаси Худои Таолонинг амри билан рўй беради, ва фақат Унинг Ўзи пок тафаккур ато этгани шарофати билангина мен, сизлар ўзингизга душман деб ҳисоблайдиган зот тарафига ўтиб олдим. 14. О брахманлар, худди темир магнит тарафга интилгани сингари, қўлида халқа ушлаган Худованд Вишнунинг амри билан ўзгарган менинг онгим ҳам, хамиша Парвардигорга талпинади. Шу боис мен У ҳақида ўйламасдан туролмайман.

15. Нарада Муни давом этди: - Устозлари Шанда ва Амаркага, Шукрачарьянинг ўғилларига шу гапларни айтиб, буюк Прахлад Махараж жим қолди. Брахман аталмиш у зотлар эса, унга ғазаб ва нафрат ўтини соча бошладилар. Улар Хираньякашипунинг хизматкорлари бўлгани учун, Прахлад Махаражнинг гаплари уларнинг жаҳлини чиқарди ва улар Прахладани сўка бошладилар. 16. "Қани, бу ерга қалтак олиб келинглар! Бу Прахлада бизнинг берган таълимимизга иснод келтирди. Ўзининг ғаразли эътиқоди билан у иблислар сулоласига ёниб турган чўғдай хавф соляпти. Унга бўйсунмайдиганларни бўйсундириш учун қўлланадиган охириги, тўртинчи чорани қўллаш керак. 17. Бу ярамас Прахлада - сандал дарахтлари ўсиб ётган ўрмонда пайдо бўлган чақиртиканакка ўхшайди. Сандал дарахтларини одатда дастаси тиканакли дарахтдан ясалган болта билан чопадилар. Худди шунингдек, Худованд Вишну - иблислар сулоласини таг томири билан чопадиган болта бўлса, Прахлад Махараж унинг дастаси.

18. Прахлад Махаражни қаттиқ сўкиб, уни ҳар хил жазолар билан кўрқиздилар. Прахладанинг устозлари Шанда ва Амарка унга қандай қилиб қурбонлик маросимини ўтказишни, моддий фаровонликка эришишни ва ҳиссиётларнинг талабини қандай қондириш йўллари ўргата бошладилар. Улар Прахладани фақат мана шуларга ўргатардилар. 19. Орадан анча вақт ўтгандан кейин устозлари, "энди Прахлад Махараж кўзғолончиларни қандай бостириш, яхши лавозимлар ваъда қилиб, уларни қандай тартибга чақиртириш, "бўлиб ол ва ҳукмронлик қил!" қондасини ҳаётда қандай қўллаш ва бўйсунмайдиганларни қандай жазолашни ўрганди" - деган қарорга келдилар. Бир куни, онаси Прахладани ювинтириб, янги кийим кийинтириб, ҳар хил тақинчоқлар тақиб бўлгандан кейин, устозлари уни отасининг олдига олиб келдилар. 20. Прахлад Махараж отасининг оёқларига эгилиб бош қўйди, мурғак болакайнинг эҳтиром билан оёқларига бош қўйганини кўриб, Хираньякашипу меҳр билан уни бағрига босиб, дуо қила бошлади. Ўғлини бағрига босишдан ҳар қандай отанинг қалби чексиз қувончга тўлади, Хираньякашипу ҳам ўзини жуда бахтиёр ҳис қилди.

21. О шоҳ Юдхитхира, Хираньякашипу Прахлад Махаражни тиззасига ўтказди ва унинг сочларидан таралаётган муаттар хидларни хидлай бошлади. Кўзларидан оқаётган оталик меҳри тўлган ёш билан

Прахладанинг табассум қилиб турган юзларини ювиб, Хираньякашипу ўғлига мурожаат қила бошлади. 22. Хираньякашипу шундай савол берди: - "Прахлада, ўғлим, илоё умринг узок бўлсин! Сен кўп вақтдан бери мактабда устозларингдан таълим олиб юрибсан. Улардан ўрганган энг яхши нарсаларинг ҳақида менга гапириб бер-чи?"

23-24. Прахлад Махараж шундай деди: - Худованд Вишнунинг илохий муқаддас номини ва Унинг қиёфасининг таърифини, сифатларини, атрофидагиларни ва кароматларини тинглаш, гапириб бериш ва эслаб юриш, Худонинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш, Унга ўн олти хил анжом билан сажда қилиш, Унга илтижо қилиш, Унинг хизматкори бўлиш, Худони энг яқин дўст деб билиш ва ўз ихтиёрингни бутунлай Унга топшириш(ақл, тил ва тана билан Унга хизмат қилиш) - Худого соф садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз тури мана шулардан иборат. Бутун умрини шу усулларни қўллаб Кришнага хизмат қилишга бағишлаган одам - энг олий маълумотли одамдир, чунки у тўлиқ илмга эга.

25. Ўғли Прахлада Худого садоқат билан хизмат қилиш ҳақида гапираётганини эшитиб, Хираньякашипу қаттиқ нафратланди. Унинг лаблари титраб кетди, ва устозининг ўғли Шандунин сўка бошлади.

26. - "Ҳой ярамас, брахманнинг жирканч ўғли, сен менинг гапларимга кулоқ солмай, душманларим томонига ўтиб олибсан. Сен бу бечора болани Худого садоқатли хизмат қилишга ўргатибсан! Шундай жирканч ишга қандай қўлинг борди? 27. Қачонлардир бир гуноҳ содир қилган одам, вақти келиб албатта касалга чалинади. Худди шунингдек, бу дунёда ҳам иккиюзламачи алдоқчилар кўп. Улар тилида ўзини бизга дўст қилиб кўрсатадилар, аммо уларнинг қилиб юрган ишларидан маълум бўладикки, аслида улар дўст эмас - душман бўлиб чиқади.

28. Хираньякашипунинг руҳий устозининг ўғли шундай деб жавоб берди: - О шоҳ Индранинг душмани, эй ҳукмдор! Сенинг ўғлинг айтган гапларни унга на мен ва на бошқалар ўргатгани йўқ. Худого садоқат билан хизмат қилишга мойиллик унда ўз-ўзидан пайдо бўлган. Шу боис бекорга биздан нафратланма. Брахманларни ҳақоратлаш яхши эмас.

29. Шри Нарада Муни давом этди: - Устозидан бундай жавобни эшитиб, Хираньякашипу яна ўғли Прахладага мурожаат қилди. У шундай савол берди: - "Ҳой ярамас, хонадонимизнинг энг пасткаши, устозинг сенга бу нарсаларни айтмаган бўлса, бундай жирканч фикрларни қаердан олдинг?"

30. Прахлад Махараж шундай деб жавоб берди: - Ҳаётий дунёга қаттиқ боғланиб қолган кишилар ҳиссиётини бошқара олмагани сабабли аста-секин дўзахга қараб кетаверадилар ва қайта-қайта "чайналган нарсани яна чайнайверадилар". Ҳеч нарса - на бошқаларнинг насихатлари, на ўзининг интилишлари ва на иккови биргаликда уларнинг қалбида Кришнага ҳолис хизмат қилиш истагини уйғотмайди. 31. Дунёвий лаззат ҳақидаги фикрларга ғарқ бўлган одамлар ўзларига йўлбошчи ёки устоз қилиб ўзлари сингари, - фақат моддий сезги органлари сеза оладиган ташқи нарсаларга боғланиб қолган кўр одамларни танлайдилар. Ундай одамлар яшашдан мақсад битта - ҳақиқий уйга, Худонинг даргоҳига қайтиш, ва бутунлай Унга хизмат қилиш билан банд бўлиш эканини тушунишга қодир эмаслар. Худди, кўр одамга эргашган

кўр ҳам адашиб, чуқурга йикилиши муқаррар бўлгани сингари, ўзига ўхшаган дунёвий одамни устоз ёки йўлбошчи қилиб олган дунёвий одамлар ҳам қармали фаолиятнинг жуда қаттиқ сиртмоқларига ўралиб қоладилар ва моддий тирикчиликнинг тубсиз чуқурига тушиб кетадилар. У ерда улар уч хил азоб-уқубатларга дучор бўлиб, такрор ва такрор мусибат чекаверадилар. 32. Дунёвий одам то дунёвий тирикчилик иллатидан мутлақо пок бўлган вайшнавининг нилуфар қадамлари пойидаги чангни бошига суртмагунча, ўзининг қалбида Худои Таолонинг нилуфар қадамлари пойига боғланиш туйғусини ривожлантира олмайди. Парвардигорни содиқлар ғайритабиий ишларини айтиб олқишлайдилар. Фақат Кришна онгига эга бўлиб, Худонинг Олий Шахсининг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган кишигина ўз умрини поклашга қодир бўлади.

33. Шу гапларни айтиб, Прахлад Махараж жим қолди. Нафратдан ғазаби қайнаган Хираньякашипу уни тиззасидан ерга улоқтирди. 34. Ғазаб ўтидан Хираньякашипунинг кўзлари қиздирилган мисдай қизариб кетди. У хизматкорларига шундай деди:

- Ҳой иблислар, бу болани кўзимдан йўқотинглар! Уни дарров ўлдириш керак. Ҳозирок уни ўлдириш керак! 35. Бу бола, Прахлада, укамнинг қотили бўлади, чунки у бизнинг душманамиз Худованд Вишнуга худди оддий хизматкордай садоқат билан хизмат қилиш учун ўз оиласидан юз ўгирди. 36. Прахлада ҳали эндигина беш ёшга тўлди, лекин у аллақачон ўзини ота-онаси билан боғлаб турган муҳаббат ришталарини узиб ташлаган. Шундай одамга ишониб бўладими? Вақти келиб у ҳали ўзининг Вишнусига ҳам сотқинлик қилмайди, деб айта олмайман. 37. Ўрмондаги ўсимликлар - одам эмас. Лекин улар доривор хусусиятга эга бўлса, одамлар уларни жуда эъзозлайдилар. Худди шунингдек, бошқа бир хонадонда туғилган одам сенга дўст бўлса, унга худди ўз ўғлингдай меҳрибон бўлиш керак. Аксинча, агар тананинг бир қисми хавфли касалга чалинган бўлса, тананинг қолган қисмини асраб қолиш учун уни кесиб ташлаш керак. Агар томирларида қонинг оқаётган ўз ўғлинг сенга нисбатан душманларча муносабатда бўлса, ҳатто ундан ҳам воз кечиш керак. 38. Жиловланмаган хиссиётлар - рухий юксалиш йўлидан бораётган ҳар қандай йогнинг душманидир. Шунга ўхшаб Прахлада, - гарчи дўст бўлиб кўринса ҳам, аслида ашаддий душманам бўлади, чунки мен уни ўзимга бўйсундира олмаяпман. Модомики, у душман экан, - уни ўлдириш керак. Ухлаётганидами, овқатланаётганидами ёки шунчаки ўтирганидами ҳар қачон ва ҳар қандай йўл билан уни йўқ қилиш керак.

39-40. Шундан сўнг Хираньякашипунинг хизматкорлари Прахлад Махаражнинг нозик танасига ўткир санчқи санча бошладилар. У иблисларнинг юз кўринишининг ўзиёқ одамни даҳшатга соларди; уларнинг тишлари бўртиб чиққан башаралари даҳшатли, қизғиш-мисранг соқоллари ва сочлари кўркинчли эди. "Чоп! Ўлдир! Санч!" - деган хайқириклар билан улар жим, ҳаракатсиз Худои Таоло ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб ўтирган Прахлад Махаражга ташландилар. 41. Агар одам ҳеч қачон яхши иш қилмаган бўлса, унинг биргина қилган яхшилиги унга сезиларли фойда бермайди. Худди шунингдек, Прахлад Махаражни ўлдириш учун иблислар қўллаётган қуроллар ҳам унга ҳеч қандай таъсир қилмади. Чунки Прахлад Махараж Худонинг

соф содиқ хизматкори бўлиб, моддий шарт-шароитларга боғланмаган, ҳамиша Худои Таоло ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрарди. У фақат бутун оламнинг Руҳи,- ўзгармас ва моддий сезгилар сеза олмайдиган Худого хизмат қилиш ҳақида ўйларди. 42. О шох Юдхитхира, Прахлад Махаражни ўлдириш учун қилган барча ҳаракатлари иш бермаганини кўрган Хираньякашипу жуда кўрқиб кетди. Иблислар шохни уни йўқотишининг бошқа усулларини ўйлай бошлади. 43-44. Хираньякашипу ўғлини қутурган баҳайбат филларнинг оёғи остига ҳам, даҳшатли катта захарли илонлар орасига ҳам, баланд тоғдан пастга, жарликка ҳам ташлаб кўрди; у Прахладани ҳар хил сеҳр-жоду йўли билан ҳам, қоронғи зиндонга ташлаб ҳам, захар ичириб ҳам, оч қолдириб ҳам, совуқ ва шамолга чиқариб қўйиб ҳам, оловга ва сувга ташлаб ҳам, катта-катта тошлар остида янчиб ҳам ўлдиришга уриниб кўрди. Лекин барибир уни ўлдира олмади. Бегунох Прахлад Махаражга ҳеч қандай зарар етказмаганидан қаттиқ ҳайратга тушган Хираньякашипу энди нима қилишини билмай чуқур ўйга толди.

45. Хираньякашипу шундай ўйларди: -"Прахладани ўлдиришга қанча уриндим. Уни ўлдириш учун шунча усулларни қўлладим, лекин унга заррача ҳам захмат етказма олмадим. У ўз қудрати билан ўзини ҳимоя қилиб, мен берган азоб-уқубатлардан ҳечам қийналгани йўқ. 46. Гарчи Прахлада ҳали ёш бола бўлса ҳам, ҳатто менинг ёнимда туриб ҳам ҳеч нарсдан кўрқмайди. У ўзининг ҳукмдори, Худованд Вишнуга садоқатли хизмат қилишни бир лаҳза ҳам эсидан чиқармайди ва унга нисбатан қилган номуносиб ишларимни эсида сақлайди; у худди ўралиб турган итнинг қуйруғига ўхшайди - уни ҳеч қандай йўл билан тўғрилаб бўлмайди. 47. Кўриниб турибдики, бу бола чексиз қудратга эга: мен қўллаган шунча усуллардан бирортаси унинг жасоратини синдириб, шижоатини қайтара олмайди. У ҳеч қачон ўлмайдиганга ўхшайди. Аксинча, унга қилган душманликларим сабабли мен албатта ўлсам керак. Балки ундай бўлмас.

48. Бундай фикрлардан Дайтъяларнинг шохни тушқунликка тушди, унинг танаси ўзининг аввалги нурафшонлигини йўқотди; у бошини кўтармай жим ўтирарди. Шунда Шанда ва Амарка, Шукрачарьянинг ўғиллари, Хираньякашипуни хилват жойга чақириб, унга насиҳат бера бошладилар.

49. - "Эй ҳукмдор, бизга маълумки, сен қовоғингни бир уйишинг билан бошқа сайёраларнинг ҳукмдорлари даҳшатга тушадилар. Бошқа бирор зотнинг ёрдамисиз, сен бир ўзинг бутун уч оламни забт этдинг. Шу боис бизлар сенинг бундай тушқунликка тушишингга ҳожат йўқ деб ўйлаймиз. Прахлада - шунчаки ёш бола, сенга ҳеч қандай зарар етказмайди. Охир оқибатда ундаги фазилатлар ва камчиликлар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. 50. Қўрқанидан қочиб кетмаслиги учун, рухий устоз Шукрачарья қайтиб келгунча, бу болани Варунанинг иплари билан боғлаб қўй. Ҳар ҳолда, у каттайганида бизларнинг насиҳатимизга қулоқ соладиган бўлади, рухий устозимизга хизмат қилиб, ақли жойига тушади. Шу боис сен ҳеч нарсдан хавотирланма.

51. Хираньякашипу рухий устозининг ўғиллари Шанда ва Амарканинг тақлифига рози бўлди, ва улардан Прахлад Махаражни шох хонадонининг аъзолари билиши керак бўлган нарсаларга ўргатишни илтимос қилди. 52. Шундан сўнг Шанда ва Амарка

итоаткор ва камтар Прахлад Махаражга дунёвий дин амалларини, шунингдек, моддий бойликларни кўпайтириш ва ҳиссиётларни лаззатлантириш йўлларини ўргата бошладилар. 53. Шанда ва Амарка Прахлад Махаражни моддий фаолиятнинг уч турига ўргатдилар:- диний маросимларни ўтказиш, моддий фаровонликни ошириш ва ҳиссиётларни лаззатлантириш. Лекин Прахлад Махаражнинг онги бундай насиҳатлардан устун эди, ва у буларни бирор аҳамиятга эга деб ҳисобламасди. Чунки ундай насиҳатлар моддий борлиқнинг қарама-қарши тушунчаларига асосланган бўлиб, одамни туғилиш, ўлиш, касаллик ва қариллик азобларига мубтало киладиган дунёвий ҳаёт кечиришга ундар эди. 54. Устозлари уйига овқатлангани кетганида, Прахлад Махаражга тенгдош бўлган бошқа шогирдлар танаффусда бирга ўйнашга уни ҳам таклиф қилишарди. 55. Шунда энг олий илмга эга бўлган Прахлад Махараж тенгдошларига мулоимлик билан мурожаат қиларди. Юзида табассум билан у моддий тушунчаларга асосланган ҳаётнинг бемаъни эканини тушунтирар, уларга ачинганидан насиҳатлар берарди. 56-57. Эё шох Юдхитхира, Прахлад Махаражнинг барча синфдошлари уни севиб ҳурмат қиларди; ҳали улар ёш бола бўлгани сабабли, қарама-қаршиликларга тўла моддий дунёга боғланиб қолган ва арзимас ҳиссий лаззатларга берилган устозларининг насиҳатлари билан уларнинг онги ҳали унчалик булганмаган эди. Ўйинчоқларини эсидан чиқариб, улар давра куриб Прахлад Махаражнинг атрофини ўраб олиб, унинг гапларини эшитардилар. Бутун қалби ва нигоҳлари унга тикилган, унинг сўзларини бутун қалби билан тинглардилар. Гарчи Прахлад Махараж иблислар оиласида туғилган бўлса ҳам, буюк содиқ эди ва бу болаларга фақат яхшилик қилишни истарди. Шунинг учун ҳам у дўстларига моддий ҳаётнинг алдамчи, арзимас мато эканини тушунтира бошлади.

Олтинчи боб.

Прахладанинг иблисларнинг ўғилларига берган насиҳатлари.

1. Прахлад Махараж шундай деди: - Етарли ақл-фаросати бор одам ёшлигиданок ўзининг инсон танасида ўтадиган умрини бошқа нарсаларга сарфламасдан Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш учун фойдаланиши лозим. Инсон бўлиб туғилиш - тирик мавжудот учун жуда нодир омад: инсон танаси, гарчи бошқа таналар сингари ўткинчи бўлса ҳам, жуда нодир хусусиятга эга, чунки у Худо Шахсига садоқат билан холис хизмат қилиш имконини беради. Худо учун чин юракдан самимий қилинган бир лахзалик холис хизмат ҳам инсонни энг олий камолот чўққисига кўтариши мумкин. 2. Инсон танасида дунёга келган тирик мавжудот ўз уйига, Худонинг даргоҳига қайтиш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун ҳамма, айниқса одамлар Худованд Вишнунинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилишлари ва Унга садоқат билан хизмат қилишлари лозим. Садоқатли хизмат билан машғул бўлиш ҳар бир руҳнинг табиий машғулоти, чунки Худованд Вишну, Олий Шахс-Худо барча тирик мавжудотлар учун жуда азиз, уларнинг ҳукмдори ва саодатмандидир. 3. Эй дўстларим, эй иблисларнинг ўғиллари! Моддий сезги органларимиз орқали хис қиладиган моддий бахтни қандай ҳаёт шаклида

бўлишига қарамай ҳар қандай танада ҳам хис қилиш мумкин. Бундай бахт - аввалги қилган кармали ишларимиз натижасидир, унга эришиш учун бизнинг уринишимизга ҳожат йўқ: бахт ҳам, худди мусибатлардай бизга ўз ўзидан келаверади. 4. Ҳиссий лаззатланиш имкониятини яратишга уринишнинг ва моддий фаровонлик келтирадиган бахтга интилишнинг ҳожати йўқ. Буларнинг барчаси вақтни ва кучни бекорга сарфлашдир; бундай фаолият билан машғул бўла туриб, биз ҳеч қачон ҳақиқий бахтга эриша олмаимиз. Лекин одам ўзида Кришна онгини ривожлантиришга, Худони англашга ҳаракат қилса, у албатта ҳақиқий ўзлигини, "Мен"ини англаб етади ва руҳий даражага эришади. Фақат моддий фаровонликка интилаётган кишилар бундай саодатга эриша олмайдилар. 5. Шунинг учун, агар моддий оламда яшаётган киши ҳақиқий ва сохта бахтнинг фарқини англаб етишга қодир бўлса, ҳали ёш ва кучга тўла, танаси ҳали касал ва яроқсиз кекса бўлиб қолмасдан аввал ҳаётнинг энг олий мақсадига интилиши лозим. 6. Ҳар бир одам юз йилгача умр кўриши мумкин, аммо ҳиссиётини жиловлай олмаган киши умрининг ярмисини бекорга йўқотади, чунки, туни билан, ғофиллик таъсирига берилиб ўн икки соатлаб ухлайди. Ундай одамнинг фақат элик йил умри қолади. 7. Ёшлигида, умрининг биринчи ўн йилида, одамнинг ақли ҳали тўлишмаган, иккинчи ўн йилини эса, ҳар хил ўйин ва эрмаклар билан ўтказади. Шу тарзда инсон яна йигирма йил умрини ўтказади. Бундан ташқари, одам қариганида, кексалиги ва ҳар хил касалликлар инсонни ҳатто моддий ишлар билан шуғулланиш имконидан ҳам маҳрум қилади, у яна йигирма йилини бекорга сарфлайди. 8. Ақли ва ҳиссиётларини жиловлай олмаган киши, тўймас эҳтироси ва энгиб бўлмас алданиши туфайли оилавий ҳаётга қаттиқ боғланиб қолади. Ана шундай ақлсиз нодоннинг қолган умри ҳам бекор кетади, чунки ҳатто қолган озгина умрида ҳам у Худога садоқат билан хизмат қила олмади. 9. Ҳиссиётини жиловлай олмайдиган ва шу сабабдан оилавий ҳаётга боғланиб қолган киши моддий тутқунликдан қутула оладими? Ундай одам ўзининг оиласига(болаларига, хотинига ва қариндошларига) узилмас иплар билан қаттиқ боғланиб қолган. 10. Пул дунёда ҳамма нарсдан ҳам кадрли. Ким ҳам бойлик орттириш истагидан қутула олади, айниқса оилали киши. Ўғрилар, ёлланган жангчилар ва савдогарлар пул топиш учун ҳатто ҳаётини ҳам гаровга қўйишга тайёр. 11-13. Яқинларига меҳр билан боғланган, уларни қалбининг тўрида асраб юрган қайси бир киши улар билан, айниқса хотини билан бирга бўлишдан воз кеча олади? Хотини эрига шунчалик меҳрибон ва ғамхўр; эри билан ёлғиз қолиб, у эрига жуда кўп лаззат келтиради. Суюкли ва севадиган хотинидан воз кечишга кимнинг кучи етади? Кичкина болалар шу қадар ширин чулдираб гапирадиларки, отаси уларнинг ширин тил билан айтганларини тез-тез эслаб юради. Қандай қилиб одам уларни унута олади? Кекса ота-онаси, катта ўғил-қизлари ҳам унинг учун жуда азиз. Айниқса қиз бола отаси учун жуда азиз бўлади, шунинг учун у турмушга чиқиб кетгандан кейин ҳам, отаси ҳамиша уни ўйлаб юради. Одам ўзига азиз бўлган шундай одамлардан қандай айрила олади? Бундан ташқари унинг хизматкорлари ва уй ҳайвонлари, шинам безатилган уйи бор. Одам шуларнинг ҳаммасини тарк эта оладими? Оилавий ҳаётга боғланиб

колган киши - ўзи тўқиган пилланинг ичига камалиб, ундан чиқолмай қоладиган пилла куртига ўхшайди. Ундай одамлар жинсий органларининг ва тили(нафси)нинг талабини қондириш учун моддий олам тутқунлигида мангу қолиб кетишга тайёр. Улар қандай озодликка чиқиши мумкин? 14. Оиласига қаттиқ боғланиб қолган киши, уни таъминлаш учун ўзининг нодир, бебаҳо ИНСОН танасидаги ҳаётини бекорга сарфлаётганини тушуна олмайди. Инсон ҳаёти унга Мутлақ Ҳақиқатни англаш учун ато этилганини билмасдан, ўзи билмаган ҳолда умрини хазон этади. Лекин у, ўз бойлигининг бир тийини ҳам бекорга сарфланмаслигини қаттиқ назорат қилади. Гарчи дунёвий ҳаётга боғланиб қолган одам ҳамиша уч хил азоб укубатларга дучор бўлиб яшаса ҳам, бундай ҳаётдан у нафратланмайди. 15. Оиласини боқиш ташвишига ботиб кетган одам ҳиссиётини жиловлаб олмаса, фақат кўпроқ пул тўплаш ҳақида бош қотиради. Гарчи бошқаларнинг бойлигига кўз олайтирган киши бу ҳаётда давлат қонунлари асосида, кейинги ҳаётида эса, Ямараж қонунлари асосида жазоланишини билса ҳам, у барибир пул топиш учун бошқаларни алдайди, ўғирлик қилади. 16. Эй дўстларим, эй иблис болалари! Моддий оламда ҳатто зиёли билимдон саналган кишилар ҳам одамларни ўзиники ва бегоналарга ажратадилар. Фақат оилавий ҳаёт тасаввуридан келиб чиқиб, улар оила аъзоларини ҳаёт учун зарур нарсалар билан таъминлаш билангина ҳаёт кечирадилар, демек, уларнинг ақли худди шундай ишлар билан машғул бўлган, ғафлат ботқоғига ботган ит ва мушукларникидан ортиқ эмас. Ундай одамлар руҳий илмга қизиқишга қодир эмаслар, шу боис адашган ҳолда ғафлат ботқоғига ботиб яшайдилар. 17-18. Дўстларим, Олий Шахс-Худо ҳақидаги илмга эга бўлмай туриб ҳали ҳеч қачон, ҳеч бир юртда, ҳеч ким моддий олам тутқунлигидан халос бўлган эмас. Худои Таоло ҳақида ҳеч нарса билмайдиган зотлар моддий табиат қонунлари ҳукми остида бўлади. Ундай одамлар фақат ҳиссий лаззатларга берилиб яшайдилар, уларнинг ҳаётдаги ягона интилиш объекти - аёллар. Шаҳвоний эҳтиросга тўла эркалар - чиройли аёллар кўлида қўғирчоқ бўлиб қоладилар. Уларнинг ўғиллари, неварачеваралари дунёга келади; шу тариха, дунёвий лаззатларга боғланганлиги туфайли, ундай одамлар моддий тириклик асирлигига тушиб қоладилар. Оилавий ҳаётга қаттиқ боғланиб қолган кишиларни демонлар, иблислар деб атайдилар. Гарчи сизлар иблислар хонадониди дунёга келган бўлсангиз ҳам, улардан узокрок юринглар ва барча фаришталарнинг манбаи, Олий Шахс, Худованд Нараянадан паноҳ изланглар. Фақат Худованд Нараянанинг содик хизматкорларигина инсон ҳаётининг олий мақсадига эриша оладилар - моддий тутқунликдан халос бўла оладилар. 19. Эй иблис болалари, Олий Шахс-Худо, Худованд Нараяна - барча тирик мавжудотларнинг Олий Руҳи, уларнинг азалий, бошланғич отаси. Демек, ёш болами, кекса чолми, ҳеч ким Худога сажда қилиб Уни мамнун қилиш учун ҳеч кимга халақит бера олмайди; буни ҳар қандай шароитда ҳам амалга ошириш мумкин. Тирик мавжудотлар ва Худои Таоло бир бири билан мангу муносабатлар билан боғланган, шу сбабали Худони рози қилиш қийин эмас. 20-23. Олий ҳукмдор, бегуноҳ ва чарчаш нималигини билмайдиган Парвардигор ўсимлик ва шунга ўхшаш кўзгалмас нарсалардан тортиб, то яралган энг буюк зот

Брахмагача барча тирик мавжудотларда мавжуд. Бунинг устига Худои Таоло моддий оламнинг ҳар ерида, моддий унсурларда, мужассам моддий қувватда, моддий табиат гуналарида ҳам мавжуд; у намоён бўлмаган моддий унсурда ҳам, сохта ўзликда ҳам мавжуд. Гарчи Худои Таоло ягона бўлса ҳам, У ҳар ерда мавжуд; У - барча сабабларнинг сабабчиси ва ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўла туриб, тирик мавжудотларнинг фаолиятини назорат қилиб туради. Уни "Ўзига ҳамма нарсани, бутун борлиқни сиғдира оладиган Зот" ва "ҳар ерда мавжуд Олий Руҳ кўринишида ҳар нарсанинг ичиди бор Зот" деб таърифлайдилар; лекин Парвардигорни тўлиқ таърифлашнинг иложи йўқ. У ўзгармас ва бўлинмас. Уни сач-чид-ананда(мангулик, илм ва лаззат)нинг энг олий тимсоли деб қабул қилдилар. Ташқи қувват пардаси Уни худосизлар кўзидан яшириб туради, шунинг учун улар Худони йўқ деб ўйлайдилар. 24. Шу боис, эй дўстларим, иблисларнинг ўғиллари, ҳамиша барча моддий тасаввурлардан устун бўлган Худои Таолони мамнун қилишга ҳаракат қилиб яшанглар. Иблисларга хос бўлган қилиқларингизни тарк этинглар, атрофингиздагиларни дўст, душман деб ажратманглар. Барча тирик мавжудотларга баробар равишда меҳрибон ва раҳмдил бўлинглар; уларга Худога холис хизмат қилишни ўргатиш билан марҳамат кўрсатинглар. 25. Барча сабабларнинг сабабчиси, бутун борлиқнинг манбаи бўлган Олий Шахс-Худони мамнун қилган киши эриша олмайдиган орзу йўқ. Парвардигор сон-саноксиз илохий бахт-саодатга, лаззатга тўла. Шунинг учун моддий табиат гуналаридан устун бўлган солиҳ инсонлар учун дунёвий эзгуликларга, бойликка, ҳиссий лаззатларга ва озодликка чиқишга интилишнинг нима ҳожати бор, - ахир уларнинг барчаси инсонга уч гунанинг ўзаро фаолияти натижасида ўз-ўзидан келаверади-ку? Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини ҳамиша шарафлаб юрган биз содикларнинг Ундан дхарма, артха, кама ёки мокша келтирадиган саодатларни сўрашимизнинг ҳожати йўқ. 26. Диний фаолият, моддий фаровонлик ва ҳиссиёт талабларини қондириш Ведаларда три-варга, яъни "халос бўлишнинг уч йўли" деб аталган. Улар ўз ичига таълим олиш ва ҳақиқий ўзлиги("мен")ни англаб етиш, ведавий маросимларни ўтказиш, мантик санъати, қонун ва вазифаларни ўрганиш, шунингдек тирикчилик учун пул топишнинг ҳар хил йўлларини олади. Бу фаолият турларининг барчаси ведавий илмнинг ташқи бўлимини ташкил этади, шу боис мен уларни моддий нарсалар деб ҳисоблайман. Фақат Худованд Вишнунинг нилуфар қадамлари пойига садоқат билан хизмат қилишигина руҳий фаолиятдир. 27. Барча тирик мавжудотларнинг дўсти ва саодатманди Худои Таоло Нараяна мана шу руҳий ҳақиқатларни буюк донишманд Нарада Мунига аён қилди. Нарада сингари авлиё зотнинг марҳаматисиз бу махфий илмнинг сирларини тушуниб етиш жуда мушкул, аммо, Нараданинг издошларидан бўлган бирор руҳий устознинг паноҳи остига қирган ҳар қандай киши бу ҳақиқатни англаб ега олади.

28. Прахлад Махараж давом этди: - Мен руҳий илмни буюк донишманд авлиё Нарада Мунидан ўргандим. У Парвардигорга бетиним хизмат қилиш билан машғул. Бхагавата-дхарма деб аталадиган бу билим - мулақо илмий. У мантик ва фалсафага асосланган, моддий иллатлардан бутунлай пок илм.

29-30. Иблисларнинг ўғиллари шундай деди: -

Азизим Прахлада, бизлар ҳам, сен ҳам Шукрачарьянинг ўғиллари Шанда ва Амаркадан бошқа бирор рухий устозни танймаймиз. Бунинг устига бизлар хали ёш болалармиз ва бутунлай уларнинг кўли остидамиз. Сен учун буюк руҳлар билан учрашиб ҳамсухбат бўлиш жуда ҳам мушкул, чунки сен отангнинг саройида яшайсан. Шунинг учун, тушунтириб берчи, сен қандай қилиб Нарада Муни билан учрашдинг? Бизларнинг гумонимизни тарқат!

Еттинчи боб.

Прахладанинг онаси қорнида пайтида олган илми

1. Нарада Муни шундай деди: - Гарчи Прахлад Махараж асурлар хонадонидида туғилган бўлса ҳам, у буюк содиқлардан эди. Иблисларнинг ўғиллари бўлган синфдошларининг саволига жавобан у менинг гапларимни эсига олиб жавоб бера бошлади.

2. Шри Прахлад Махараж шундай деди: - Отам Хираньякашипу қаттиқ риёзатга берилиш учун Мандарачала тоғига кетганида, Индра бошлиқ фаришталар Хираньякашипунинг йўқлигидан фойдаланиб, иблисларни тор-мор қилиш ниятида уруш билан бостириб келдилар. 3. "Худди илонни кумурсқалар еб ташлагани сингари, барчага мусибат келтириб юрган Хираньякашипу ҳам ўзининг гуноҳлари оқибатида ҳалокатга учрайди!" Шундай сўзлар билан Индра бошлиқ фаришталар иблислар билан жангга кирдилар. 4-5. Иблисларни бирин-кетин ўлдираётган фаришталарнинг қаттиқ ҳужумини кўриб, иблисларнинг йўлбошчилари ҳар ким ҳар тарафга қоча бошладилар. Уларнинг ҳар бири ўзининг жонини сақлаб қолишигина ўйлар, аросатда қолиб, хотинларини, бола-чақаларини, уйини, молу-дунёсини ҳам эсидан чиқарган эдилар. Жаҳонда ҳамма нарсани унутиб, иблислар тум-тарақай қочиб қолдилар. 6. Иблислар устидан ғалаба қозонган фаришталар Хираньякашипунинг шоҳона саройини талон-тарож қилдилар. Менинг онам - маликани эса, шоҳ Индра қамоққа олишни буюрди. 7. Фаришталар онамни ўзлари билан олиб кетаётганида у кўрққанидан, худди бургут панжасига тушган қурари куши сингари дод-вой солиб қичқира бошлади. Шунда фаришталар олдида бирдан, шу ердан ўтиб бораётган буюк донишманд Нарада Муни пайдо бўлди ва бу воқеанинг гувоҳи бўлди.

8. Нарада Муни шундай деди: - О Индра, эй фаришталар шоҳи, у - бегуноҳ аёл. Уни ўзинг билан олиб кетишга, унга бунчалик шафқатсиз азоб беришга ҳаққинг йўқ. Эй бахтиёр зот, у покдомон аёл ва бошқа бировнинг ҳалол хотини; сен уни дарров озод қилишинг лозим.

9. Шоҳ Индра шундай деди: - У Хираньякашипунинг хотини, унинг қорнида ўша буюк иблиснинг боласи бор. Шунинг учун у боласини тукканча бизларникида қамоқда қолсин, кейин уни қўйиб юборамиз.

10. Нарада Муни шундай деб жавоб берди: - Унинг қорнидаги фарзанд гуноҳлардан холи ва мутлақо пок зот. У - буюк содиқ, Олий Шахс-Худонинг қудратли хизматкори. Шунинг учун, сен уни ўлдира олмайсан.

11. Нарада Мунининг гапларига кулоқ солиб, бу буюк донишмандга бўлган чуқур ҳурмати юзасидан, шоҳ Индра онамни қўйиб юборди. Фаришталар менинг

Худонинг содиқ хизматкори эканимни билганларида, ҳурмат билан унинг атрофини айланиб ўтдилар ва самовий даргоҳига йўл олдилар. 12. Буюк донишманд Нарада Муни онамни ўзининг ашрамига олиб борди, бу ерда унга ҳеч ким тажовуз қилмаслигига ишонтириб, "Қизим, эринг қайтиб келгунча шу ерда яша!" - деди.

13. Деварши Нараданинг гапига кулоқ солиб, онам барча хавф хатарлардан холи бўлиб, отам, Дайтъяларнинг шоҳи риёзатини тамомлаб қайтиб келганча унинг паноҳида яшади. 14. Ҳомиладор онам қорнидаги боласи хавф-хатардан омон бўлишини ва фақат эри келгандан кейингина туғилишини истади. Шу ерда қолиб у Нарада Мунига садоқат билан хизмат қилди. 15. Нарада Муни ўзига хизмат қилаётган онамга ҳам, унинг қорнида ётган менга ҳам кўп насиҳатлар қилди. Нарада Муни табиатан адашган бандаларга жуда меҳрибон бўлгани учун, ҳаммаша илоҳий даражада юрган ҳолда, бизларга дин ва руҳий илм сирларини очиб берди. Унинг насиҳатлари моддий иллатлардан бутунлай пок эди. 16. Ундан бери кўп замонлар ўтди, аёл танасида бўлган онам чуқур ақл-заковатга эга бўлмагани учун, Нарада Муни айтган гапларнинг ҳаммасини унутиб юборди; лекин, буюк донишманднинг кўрсатган алоҳида марҳамати билан унинг гаплари ҳалигача менинг эсимда. 17. Эй дўстлар, агар гапларимга ишонсанглар, гарчи хали ёш бола бўлсанглар ҳам, чуқур иймон ва ишончингиз шарофати билан сизлар ҳам, худди мендай руҳий илмга эга бўласизлар. Руҳ ҳақидаги илмини аёллар ҳам англай оладилар: улар ҳам модда нима, руҳ нима эканини тушуна оладилар. 18. Дарахтдаги мева ёки гул вақт ўтиши билан олти хил ўзгаришга учрайди - пайдо бўлади, ўсади, мавжуд бўлиб туради, кўпаяди, сўла бошлайди ва ўлади. Ичига қандайдир сабаблар билан мангу руҳ кирган моддий тана ҳам ана шундай ўзгаришлар орқали ўтади. Мангу руҳнинг ўзи эса ўзгармай қолади. 19-20. "Атма" сўзи Худои Таолога ҳам, оддий алоҳида "руҳ"га, "жон"га ҳам тааллуқли. Улар иккови ҳам руҳий, туғилиш, сўлиш ва ўлиш қонунига бўйсунмайди ва моддий иллатлардан пок. Уларнинг ҳар бири тана ҳақидаги илмга эга бўлган шахсдир, ва бутун борлиқнинг асоси ва маконидир. Улар моддий ўзгаришларга маҳкум эмас ва барча сабабларнинг ҳар ерда мавжуд нурли сабабчисидир. Уларнинг моддий танага ҳеч қандай алоқаси йўқ, ва шу боис уларни ҳеч қандай парда яшира олмайди. Атманинг мана шу руҳий хусусиятларини англаб етган ҳақиқий билимдон киши ҳаёт ҳақидаги сохта тасаввурлардан халос бўлиши керак. Сохта тасаввурлар таъсири остида руҳ: -"Мен - моддий танаман, тана билан боғлиқ ҳамма нарса меники!" - деб ўйлайди. 21. Тажрибали олтин изловчи қаердан олтин излаш кераклигини ва уни қандай ажратиб олишни билади. Руҳий илмга эга бўлган киши ҳам руҳнинг танада қандай жойлашганини тушуниб олишга ва ўзининг руҳий илмини юксалтириб, ҳақиқий камолотга эришишга қодир. Аксинча, худди олтинни қаердан излашни билмайдиган, ҳеч қачон олтин тополмайдиган одам сингари, руҳий илмдан маҳрум бўлган нодон ҳам, тананинг ичида қандай қилиб руҳ мавжуд бўлишини тушуна олмайди. 22. Худои Таолонинг саккиз ажралган қуввати, моддий табиатнинг уч гунаси ва улар қабул қиладиган ўн олти шакл(ўн бир сезги, беш кўпол унсур) "жон", "руҳ" қирадиган танани ташкил этади. Мангу, бўлинмас "жон" шу тана ичига кириб, уларнинг

ўзаро ҳаракатини кузатади. Шунинг учун, барча буюк устозлар айтадиларки, шундай шароитга тушган алоҳида рух моддий унсурлар билан "шартланган". 23. Ҳар бир "шартланган рух" икки турли танага эга бўлади: беш кўпол унсурдан таркиб топган тана ва уч нафис унсурдан таркиб топган тана. Рух мана шу таналарнинг ичида жойлашган. Рухни топиш, англаб олиш учун, -"Бу рух эмас, бу рух эмас!"- деб, биринкетин уни ўраб олган нарсаларни таҳлил қилиш керак. Киши шу тарика моддадан руҳни ажрата билишни ўрганиши керак. 24. Чуқур мулоҳазали ва донишманд кишилар яратиладиган, мавжуд бўлиб турадиган ва яқсон қилинадиган нарсалар билан мангу рух орасидаги фарқ ва боғланишларни чуқур ўрганиш ёрдамида ақлини поклаб, руҳни излаши лозим. 25. Тафаккурнинг фаолияти уч ҳолатда намоён бўлади: сергаклик ҳолати, туш кўришлар рўй берадиган уйқу ҳолати ва чуқур уйқу. Ана шу ҳолатларни англай оладиган, уларнинг гувоҳи бўлган Зотни азалий хўжайин, ҳукмдор, Олий Шахс-Худо деб атайдилар. 26. Ҳавони у олиб келган хидлар орқали сезиш мумкин; худди шунингдек, ўз ихтиёрини Олий Шахс-Худого топширган киши ҳам, тафаккурининг уч ҳолатини таҳлил қилиш билан руҳни англаб етиши мумкин. Лекин, аслида бу ҳолатлар руҳнинг ўзидан фарқ қилади: улар уч гунадан таркиб топган ва у ёки бу фаолият натижасида юзага келади. 27. Тафаккури булганиши натижасида рух табиат гуналари асирлигига тушади ва моддий ҳаёт кечирishiга мажбур бўлади. Ғофилликка асосланган ана шундай ҳаётни киши ҳар хил мусибатларга дучор бўладиган босинқираш, аҳмоқона тушдан ҳам бадтарроқ хол деб ҳисоблаши керак. 28. Шунинг учун, эй дўстларим, иблисларнинг ўғиллари, сизлар ўзингизда Кришна онгини ривожлантиришингиз лозим, чунки шундай онг моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остида рух мубтало бўлган кармали фаолият уруғини ёқиб юборишга ва тафаккурнинг бетиним алмашиб турадиган уч ҳолатига(сергак, туш кўрадиган уйқу ва чуқур уйқу) чек қўйишга қодир. Бошқача қилиб айтганда Кришнани англаш йўлига кирган киши ғофиллик иллатидан дарров кутулади. 29. Рухга моддий ҳаёт чангалидан кутулиш имконини берадиган йўллар ичида Худои Таолонинг Ўзи тан олган ва тушунтириб берган йўл мукамалдир. Бу усулдан фойдаланиш - инсонга қалбида Худонинг Олий Шахсига нисбатан муҳаббат уйғотадиган фаолият билан шуғулланиш демакдир. 30-31. Рухий устоз қабул қилиш ва унга чуқур иймон ва садоқат билан хизмат қилиш керак. Инсон ўзида бор нарсаларнинг ҳаммасини устозига тақдим қилиши, авлиё одамлар ва содиқлар билан мулоқотда бўлиши, улар билан биргаликда Худои Таолога сажда қилиши, Парвардигор шарафига айтилган ҳамду-саноларга диққат билан қулоқ солиши, Унинг илоҳий сифат ва кароматларини олқишлаши, бутун ўй-фикрларини Унинг нилуфар қадамлари пойига қаратиши ва муқаддас китобларнинг ва руҳий устознинг кўрсатмаларига қатъий амал қилган ҳолда Илоҳга - Худонинг қиёфасига сажда қилиши лозим. 32. Олий Шахс-Худо Параматма кўринишида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд эканини ҳамиша эсда сақлаш керак. Шунинг учун, моддий оламдаги тутган ўрнига қараб, ҳар бир тирик мавжудотга ҳурмат кўрсатиш керак. 33. Ҳаётда шу тарзда ҳаракат қила туриб, инсон эхтирос, ғазаб, очкўзлик, алданиш, ақлсизлик ва рашк кўринишидаги ўз душманлари яқсон

қила олади. Уларни енгандан сўнг, у Худои Таолога хизмат қилиш имкониятига эга бўлади. Шундай одам Худонинг Олий Шахсига илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш даражасига албатта кўтарилади. 34. Худого садоқат билан хизмат қилиб юрган киши, шубҳасиз ўз хиссиётларини жиловлай олади, шу боис у озод руҳдир. Ана шундай киши, соф содиқ инсон Ўзининг эрмақларини намоён қилиш учун ҳар хил қиёфаларга кирадиган Парвардигорнинг илоҳий сифатлари ва кароматлари ҳақида тинглаганида, танасидаги туклари хурпайиб, кўзларидан ёш оқа бошлайди, руҳий кечинмалари таъсирдан овози титрай бошлайди. Баъзида у ҳеч тортинмасдан рақсга тушади, баъзида - баланд овозда куйлай бошлайди, баъзида эса - йиғлашга тушади. Шу тарзда у ўзининг илоҳий кечинмаларини ошкор этади. 35. Баъзида ақлдан озган кишидай қаҳ-қаҳа отиб кулиб, Парвардигорнинг эзгу ишларини ҳаммага эшиттириб шарафлай бошлайди. Баъзида у муроқаблага берилиш учун ўтириб олади, ва ҳар бир зотни Худонинг содиғи деб, барчага эхтиром кўрсата бошлайди. У одоб қоидаларига риоя қилишни ўйламай кўяди, ва ақлдан озган кишидай, оғир-оғир хўрсиниб: "Харе Кришна!, Харе Кришна! Эй Худойим, эй Парвардигор!" - деб хитоб қила бошлайди. 36. Шундай ҳолатда содиқ моддий иллатлардан биратўла покланади, чунки у Парвардигорнинг кароматлари ҳақида ўйлашни тарк этмайди, унинг ақли ва танаси руҳий сифатларга эга бўлади. У бутун вужуди билан садоқатли хизмат қилишга берилган бўлади, шунинг учун, унинг ғофиллиги, моддий онги ва шахсий истакларининг барчаси ёниб кул бўлиб кетади. Ана шундай даражага етишиб, инсон Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топади. 37. Барча шартланган руҳларнинг асосий мусибати шундан иборатки, улар, худди уларни гоҳида баланд кўтарадиган, гоҳида пастга қулатадиган чархпалак ғилдирагига бўйсунгандай, қайта-қайта туғилиб-ўлишга мажбур. Лекин, тирик мавжудот ўз ҳаётини Худонинг Олий Шахси билан боғлаганида, унинг учун, ана шу чархпалак ғилдираги айланишдан тўхтайд. Бошқача қилиб айтганда, Худого садоқатли хизмат қилиш билан банд бўлган киши, ҳамиша руҳий лаззатга ғарқ бўлиб юради ва шу лаззат уни моддий тириклик чангалидан биратўла озод этади. Бу ҳолат барча билимдон кишиларга яхши маълум. Шунинг учун, эй дўстларим, фикру-хаёлингизни ҳамиша Худои Таолода мужассам қилинглар ва Унга - ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рухга сажда қилинглар. 38. О асурларнинг ўғиллари, Олий Шахс-Худо Олий Рух кўринишида ҳар кимнинг қалбида ҳамиша мавжуд. Парвардигор - барча тирик мавжудотларнинг дўсти ва саодатманди, Унга сизиниш ҳеч қийин эмас. Нимага одамлар умрини Худого хизмат қилишга бағишламайдилар? Нимага уларга бемаъни хиссий лаззатларнинг янгидан-янги турларини ўйлаб топиш шунчалик ёқади? 39. Бойлик, чиройли хотин ва дугоналар, ўғиллар, қизлар, уй, сигирлар, филлар, отлар ва бошқа уй ҳайвонлари, ҳазина, моддий фаровонлик, хиссий лаззатлар, ҳатто шулар билан бутун умр давомида лаззатланиш имкони бўлган ҳаётнинг ўзи ҳам - ҳаммаси вақтинчалик, алдамчи нарсалардир. Инсон танаси бизга вақтинчалик, жуда оз вақтга берилган, шундай экан, ўзининг мангу руҳ эканига аниқ ишонган, ақли тўлиқ киши бу дунёнинг ўткинчи нарсаларига эътибор бериб ўтирадимиз? 40.

Ведавий битиклардан маълумки, буюк қурбонлик маросимларини ўтказиш шарофати билан жаннатий сайёраларга кўтарилиш мумкин. Лекин, гарчи жаннатда яшаш ерда яшашдан кўра минг марта яхшироқ бўлса ҳам, улар ҳам пок, моддий борлик иллатлардан мутлако холи эмас. Жаннат сайёралари ҳам, Ер сайёраси сингари вақтинчалик мавжуд, ва шунинг учун, уларга эришиш ҳам инсон ҳаётининг ҳақиқий олий мақсади бўла олмайди. Парвардигор, Худо Шахси эса, ҳар қандай номукамалликдан бутунлай пок: ҳеч ким, ҳеч қачон Унинг номаъқул ишлар қилганини кўрган ёки эшитган эмас. Шу боис, ўзингизнинг саодатингиз ва руҳий ўзлигингизни англаш учун, муқаддас китобларда кўрсатилгандай чуқур иймон ва садақат билан Худога сиғининглар. 41. Дунёвий одам ўзини жуда ақлли деб билиб, ҳар бир ишни ўзининг дунёвий манфаати учун қилади. Аммо, ведаларда тушунтирилганки, дунёвий фаолият унга ҳозирги ҳаётида, ёки кейинги ҳаётида фақат пушаймонлик келтиради. Унинг барча фаолиятининг оқибатлари ҳар гал ўзи кутган натижага тесқари бўлиб чиқаверади. 42. Бу дунёдаги барча дунёвий одамларнинг бутун фаолияти моддий бахтга эришишга ва мусибатлардан қутулишга қаратилган. Лекин, аслида инсон бахтли бўлишга интилмайд турганидагина бахтлидир: бахтнинг кетидан қувишга тушган заҳоти у дарров бахтсизликка дучор бўлади. 43. Тирик мавжудот ўзининг танасини ҳар турли қулайликлар билан таъминлашга интилади ва бунинг учун ҳар хил режалар тузади, лекин аслида унинг ўткинчи танаси бошқаларнинг мулкидир. У тирик мавжудотни вақтинча ўраб туради, кейин эса уни тарк этади. 44. Агар, тананинг ўзи вақти келиб ахлат ёки ерга айланиб кетадиган бўлса, у билан боғлиқ бўлган - хотин, уй, мол-мулк, болалар, қариндошлар, хизматкорлар, дўстлар, салтанат, ҳазина, уй хайвонлари, вазирлар каби нарсаларнинг ҳоли нима кечади? Уларнинг барчаси ўткинчи нарсалар. Улар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? 45. Тана мавжуд бўлиб турганида у билан боғлиқ нарсаларнинг барчаси инсон учун қадри, аммо, тана ҳалокатга учраганида, у шунча қадрлаган нарсасидан маҳрум бўлади. Демак, дунёвий нарсалар аслида инсонга керак эмас: инсон фақат ўзининг ғофиллиги сабабли уларни қадрлайди, зарур, муҳим нарсалар деб ўйлайди. Мангу бахт океани олдида бундай нарсалар шунчаки арзимас матолардир. Мангу тирик мавжудот учун бундай ўткинчи бойлик ва муносабатларнинг нима кераги бор? 46. Эй азиз дўстларим, иблисларнинг ўғиллари, рух ўзининг аввалги ишлари натижасига қараб у ёки бу танага эга бўлади. Ҳар бир танада у она қорнига тушган пайтдан бошлаб азоб-уқубатларга гирифтор бўлади. Шундай экан, ўйлаиб туриб жавоб беринглар-чи: агар шунча қийинчиликлар ва бахтсизликлар келтирадиган бўлса, тирик мавжудотнинг қармали фаолият билан шугулланишидан нима фойда? 47. Тирик мавжудотлар ўзининг аввалги қармали фаолияти натижасида маълум танага эга бўлади, ва у энди шу оқибатлардан қутулиши мумкин, лекин бу ҳали, у бошқа таналарда туғилмайди, дегани эмас. Тирик мавжудотлар ҳозирги танасида қилган ҳаракатлари билан ўзига навбатдаги тана ҳозирлайди. Шундай қилиб, ўзининг чуқур ғофиллиги туфайли у бир танадан иккинчи танага кўчиб, такрор ва такрор туғилиш ва ўлишга мажбур бўлади. 48. Руҳий юксалишнинг дхарма, артха, кама, мокша деб аталадиган тўрт йўлидаги одамнинг муваффақияти

Худонинг Олий Шахсининг марҳаматига боғлиқ бўлади. Шунинг учун, эй дўстларим, содиқлар йўлидан боринглар. Ҳеч қандай истакларсиз Парвардигорга, Олий Рухга таваккал қилинг ва Унга садақат билан хизмат қилиб сажда қилинглар. 49. Олий Шахс-Худо, Хари - барча тирик мавжудотларнинг ҳам руҳи, ҳам Олий Рухдир. Ҳар бир тирик мавжудот Худонинг қувватининг тирик руҳ ва моддий тана кўринишида намоён бўладиган бир заррасидир. Шу боис, тирик мавжудотлар учун Худои Таолодан қадрироқ Зот йўқ ва ҳамма Унинг ҳукми остида. 50. Озодликка чиқаришга қодир бўлган Муқунданинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш билан коинотда яшайдиган ҳар қандай зот - хоҳ фаришта, хоҳ иблис, одам, мажша ёки гандхарва бўлсин, ҳаётида биз(махаджанлар)лар ҳис қилаётган ҳақиқий бахтга эришади.

51-52. О иблис ўғиллари, мукамал брахман бўлиб, фаришта ёки буюк авлиё бўлиб, бенуксон хулқ одобга эга бўлиб ёки чуқур илмга эга бўлиб, Худонинг Олий Шахсини мамнун қилиб бўлмайди. Бу нарсаларнинг ҳеч бири Худони мамнун қила олмайди. Сизлар хайр-садақа бериш билан, қаттиқ риёзат чекиш билан, қурбонликлар билан, поклик ёки қасамларга риоя қилиш билан Уни мамнун қила олмайсизлар. Парвардигор қалбимиздаги пок, самимий, ўзгармас садақатни кўрганидагина биздан миннатдор бўлади. Агар одам Худога самимий садақат билан хизмат қилиш билан машғул бўлмаса, унинг барча эзгу фазилатлари, - кўзбўямачиликдан, ясама тақводорликдан бошқа нарса эмас. 53. Азиз дўстларим, иблисларнинг ўғиллари, худди ўзингизга хизмат қилаётгандай самимийлик ва ғамхўрлик билан Худои Таолога хизмат қилинглар ва Уни мамнун қилишга ҳаракат қилинглар. У барча тирик мавжудотларнинг Олий Рухи сифатида ҳар ерда мавжуд. 54. Эй дўстларим, сиз(яқша ва рақшас)лар ҳам, бефаросат аёллар ҳам, шудралар ҳам, подачилар ҳам, қушлар ҳам, қуйи турга мансуб хайвонлар ҳам, ва ҳатто энг гуноҳкор осий зотлар ҳам - ҳамма ўзининг азалий мангу руҳий ҳаётини қайта тиклай олади; бунинг учун фақат бхакти-йога йўлига кириш лозим. 55. Барча сабаблар сабабчиси Говинданинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш, Уни ҳар ерда ва ҳар бир нарсада кўра билиш - моддий оламдаги ҳар бир тирик мавжудот интилиши лозим бўлган мақсад мана шундан иборат. Муқаддас китоблар хулосасига кўра инсон ҳаётининг энг олий мақсади мана шундан иборат.

Саккизинчи боб.

Худованд Нрисимхадева иблислар шохини ўлдирди.

1. Шри Нарада Муни шундай деди: - Иблисларнинг ўғиллари Прахлад Махаражнинг руҳий насихатларини муносиб баҳоладилар ва уларни чин юракдан қабул қилдилар. Улар руҳий устозлари Шанда ва Амарка ўргатаётган дунёвий илм-фанлардан юз ўгирдилар. 2. Шукрачарьянинг ўғиллари, Шанда ва Амарка, Прахлад Махаражнинг гапларини тинглаб, ҳамма шоғирдлари қалбида Кришна онгини ривожлантираётганини кўрганида, қаттиқ даҳшатга тушиб кўркиб кетдилар. Улар шохнинг олдига келиб, бўлган гапларни очик ойдин гапириб бердилар. 34. Нима воқеалар содир бўлаётганини англаб етган Хираньякашипунинг

ғазабдан ғиғони ғалакка чикиб кетди. У ўғли Прахладни биратўла ўлдириб қутулишга қарор қилди. Хираньякашипу табиатан жуда бешафқат, золим эди, ҳозир ўзининг қаттиқ ҳақоратланганини ҳис қилиб, у худди биров босиб олган илондай қутурарди. Унинг ҳамиша хотиржам, осойишта ва итоаткор, хушхулқли ва ўзини тута биладиган вазмин ўғли, Прахлад Махараж эса, Хираньякашипу олдида эҳтиром билан кўл қовуштириб турарди. Прахлада ҳали жуда ёш бола, бунинг устига бенуксон одобли эди, шу боис уни сўкиб қойишнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ эди. Лекин Хираньякашипу Прахладага қаҳр тўла кўзини тикиб, ҳақоратли сўзлар билан уни қойий бошлади.

5. Хираньякашипу шундай деди: - Ҳой оиламизни бузувчи ярамас тирранча, ҳой инсонлар ичида энг ёмони, сен менга бўйсунушдан бош тортясанми? Мен шу бугуноқ сендай ўжар нодонни Ямаражнинг дарғоҳига жўнатаман! 6. Прахлада, ҳой ярамас, ахир сен, ғазабим келганида бутун уч олам сайёралари титраб, уларнинг ҳукмдорлари ҳам, кўрққанидан даҳшатга тушиб қалтирашини яхши биласанку. Ҳеч нарсадан кўрқмасдан, менинг амримга итоат этмасликка журъат этишга қодир бўлган кучни сенга ким бериб турибди?

7. Прахлад Махараж шундай деди: - Эй шоҳ, мендаги сен сўраётган кучнинг манбаи сендаги кучнинг ҳам манбаидир. Мавжуд ҳар қандай куч-қуддрат Унинг ўзидан чиқади. Унинг бир ўзи нафақат сен ва мени, балки бошқа барча тирик мавжудотларга ҳам куч-қудрат бериб қўйибди. Агар У бўлмаса ҳеч ким ҳеч қандай кучга эга бўлмасди. Кўзғалувчан ва кўзғалмас, олий ва қуйи тирик мавжудотларни, шу жумладан Тангри Браҳмани ҳам Олий Шахс-Худонинг қудрати бошқариб туради. 8. Худои Таоло - олий ҳукмдор ва замондир, у барча ҳиссиётлар кучи, ақлий ва жисмоний кучдир. У тана фаолиятининг манбаи. Унинг қудрати чексиз. У барча тирик мавжудотлар ичида энг аълоси, У моддий табиатнинг уч гунасини бошқариб туради. Ўз қудрати билан У моддий борлиқни яратиб, мавжудлигини таъминлаб туради ва вақти келганда яқсон қилади. 9. Отажон, илтимос, иблисона фикрларингни тарк эт. Атрофингдагиларни дўст ва душманларга ажратма; ҳаммага бир хил муносабатда бўлишни ўрган. Рухни нотўғри йўлдан олиб бораётган, жиловланмаган ақлдан бошқа бу дунёда бизнинг ҳеч қандай душманимиз йўқ. Киши барча тирик мавжудотларнинг баробар эканини англай бошлаганида Худого сифинишда камолотга эришади. 10. Жаҳонда инсоннинг барча эзгу фазилатларини тортиб олувчи олти душмани билан курашмайдиган сенга ўхшаган аҳмоқлар жуда кўп бўлган. Бу нодонлар манманлик билан -"Мен оламнинг барча ўн тарафидаги ҳамма душманларимни енгдим!" -деб ўйлайдилар. Аслини олганда, агар одам ўзининг олти душманини енгиб, барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлишни ўрганса, унинг бошқа ҳеч қандай душмани қолмайди.

11. Хираньякашипу шундай деди: - Ҳой ифлос, сен мени ўзининг ҳиссиётларини сендан ҳам ёмонроқ бошқарадиган аҳмоққа чиқардингми? Ўзингни жуда осмонда кўрясанми? Кўриниб турибдики, сен тезроқ менинг қўлимдан ўлишни истаясан: ажали етиб турган одамгина шундай аҳмоқона гапларни айта бошлайди. 12. Ҳой бахтиқаро Прахлада, сен менадан бошқа қандайдир олий зот ҳақида, ҳар ерда мавжуд бўлиб ҳар

кимни бошқариб турадиган олий ҳукмдор ҳақида шунча гапларни айтяпасан. Қани У? Агар У ҳақиқатан ҳам ҳар ерда мавжуд бўлса нимага Уни мана бу устунда кўрмайман? 13. Қаердаги йўқ бемаъни гапларни валдираётганинг учун ҳозир мен сенинг каллангни оламан. Кўрамиз, сен ишониб юрган Худойинг сенга қандай ёрдамга келаркан? Мен шуни кўришни жуда истардим!

14. Жаҳли кўзиган қудратли Хираньякашипу шу тарзда ўғли - буюк содиқ Прахлад Махаражни ҳақоратларди. Ўғлини аччиқ гаплар билан ҳақоратлашда давом этиб, Хираньякашипу кўлига қиличини олди, шоҳона тахтидан сакраб турди ва ғазаб билан устунга мушт туширди. 15. Шу пайт устундан гулдурос овоз эшитилди, гўё бу овоз дастидан коинотнинг қобиғи ёрилиб кетгандай бўлди. Хурматли Юдхистхира, бу гулдурос овоз ҳатто Тангри Браҳма ва бошқа фаришталарнинг дарғоҳидагиларга ҳам бориб етди. Бу шовқинни эшитиб, улар "Коинотимизнинг кун битди!" - деб ўйлайдилар. 16. Аввал ҳеч ким, ҳеч қачон эшитмаган бу қудратли гулдурос овоз, ўз ўғлини ўлдиришга интилаётган Хираньякашипу, мажлислар залида ўзининг ғайритабiiий қудратини намойиш қилмоқчи бўлган вақтда янграган эди. Бундай кўрқинчли гулдурос овозни эшитиб, иблисларнинг сардорлари кўрқиб кетдилар. Бу товуш қаердан чиққанини уларнинг ҳеч бири тушуна олмай турарди. 17. Ўзининг содиқ хизматкори Прахлад Махаражнинг сўзларини тасдиқлаш ва Олий Шахс-Худо ҳамма ерда - ҳатто мажлислар залининг устунда ҳам мавжуд эканини исботлаш учун, Худои Таоло, Хари мажонга ҳеч ким кўрмаган, ҳайратли қиёфасини намоён этди. У ярим одам, ярим арслон кўринишида эди. Шундай ғайритабiiий қиёфада Худои Таоло Хираньякашипу олдида пайдо бўлди. 18. Бу даҳшатли товуш қаердан чиқётганини тушунишга ҳаракат қилиб, Хираньякашипу ҳар тарафга аланглаб турганида, ҳам одам, ҳам арслонга ўхшаган ғайритабiiий қиёфада Худои Таоло устун ичидан чиқди. Хираньякашипу ҳайратга тушди: - "Ким бу? Ярим-одам, ярим-арслон..."

19-22. Хираньякашипу олдида турган ярим-одам - ярим-арслон Худованд Нрисимхадеванинг ким эканини тушунишга уриниб, диққат билан Уни кузата бошлади. Худои Таоло бу қиёфада жуда кўрқинчли эди: Унинг ғазабга тўлган кўзлари эритилган олтин рангида эди; баҳайбат ва даҳшатли сиймоси уни ўраб турган ярқироқ жунлар ичида яна ҳам даҳшатли кўринарди; кўриниб турган ўткир тишлари ўлғудай кўрқинчли, жангчининг қўлидаги ўткир қиличдай тили, тинмай уёқдан бу ёққа ҳаракат қиларди. Унинг кўзғалмас қулоқлари тикка, бурунлари ва очик оғзи катта ғорни эслатарди, очилган жағлари эса, кишини даҳшатга соларди. Худованд Нрисимхадеванинг танаси осмонга тегиб турарди. Унинг бўйни калта ва йўғон, кўкраги кенг, бели ингичка, бутун танасини ой нуридай қумушранг юнг қоплаган эди. Жасур жангчилар тўдасини эслатадиган қўллари ҳар тарафга чўзилиб турарди, чунки У Ўзининг - халқа, гурзи, сур, нилуфар ва бошқа қуроллари билан барча иблис ва бошқа худобехабар ярамасларни яқсон қиларди.

23. Хираньякашипу шундай деб гўлдиради: - "Менимча, катта сеҳр кучига эга бўлган Худованд Вишну мени ўлдириш учун бу нарсаларни ўйлаб топганга ўхшайди. Унинг бу уринишидан нима фойда? Жангда менга ким ҳам бас кела оларди?" Ўзининг

кудратига каттиқ ишонган Хираньякашипу гурзисини олиб, арслонга ташланган филдай, Парвардигорга ҳамла қилди. 24. Оловга тушганда кўринмай қоладиган майда хашарот сингари, Хираньякашипу куёшдай порлаб турган Парвардигорга ташланганида кўзга кўринмай қолди. Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ, чунки Парвардигор ҳамиша пок эзгуликда мавжуддир. Моддий олам яратилишдан аввал, У зулмат қоплаган коинотга кириб, уни Ўзининг рухий нури билан ёритган эди. 25. Кейин буюк иблис Хираньякашипу шиддат билан Худованд Нрисимхадевага ташланиб, Унга гурзиси билан зарба бера бошлади. Лекин Худованд Нрисимхадева, худди катта илонни тутиб олган Гаруда сингари, гурзи билан қуролланган хайбатли иблисини ушлаб олди. 26. О Бхаратларнинг шавкатли авлоди (Махараж Юдхистхира), худди тутган илони билан ўйнашиб, Гаруда унга чангалидан қочиш имконини бергани сингари, Худованд Нрисимхадева бир лаҳзага Хираньякашипуга чангалидан қутулиш имконини берди. Аммо, Хираньякашипудан кўрққанидан ўз даргоҳларидан айрилган фаришталар булуллар орасида яшириниб, жангни томоша қилар экан, бу ҳолатдан қувонолмасдилар. Улар аксинча каттиқ ҳаяжонга тушдилар. 27. Худованд Нрисимхадеванинг кўлидан қутулган Хираньякашипу, Парвардигор унинг жасоратидан кўрқди шекилли, деб ўйлади. Шунинг учун, у бироз нафасини ростлаб олди, кейин қилич ва қалқонини олиб, яна Парвардигорга ташланди. 28. Хираньякашипу гоҳ осмонда, гоҳ ерда худди бургутдай тез ҳаракат қилиб, қилич ва қалқонини моҳирлик билан ишга солиб, ўзига берилган зарбалардан химояланарди. Аммо чексиз қудратга эга Худованд Нараяна қаҳ-қаҳа уриб қулиб юборди ва Хираньякашипуни ушлаб олди. Хираньякашипу Худованд Нрисимхадеванинг кулгисидан кўрққанидан кўзларини юмиб олди. 29. Худди сичқонни тутган илондай ёки заҳарли илонни ушлаган Гаруда сингари, Худованд Нрисимхадева ҳам, хатто шоҳ Индранинг яшин қуроли бас келолмайдиган Хираньякашипуни ушлаб олди. Кўлга тушганидан ташвишга тушиб, Хираньякашипу ҳар тарафга талпинарди, аммо Худованд Нрисимхадева уни тиззаларига қўйди, мажлислар залининг бўсағасида тирноқлари билан иблиснинг танасини эрмак қилиб тилка-пора қила бошлади. 30. Худованд Нрисимхадеванинг оғзи ва тукларига қон сачраган, кўзлари ғазаб ўтида шу қадар қизарган эдики, уларга қараб бўлмасди. Хираньякашипунинг ичак-човоғидан ўзига гулчамбар таққан, яланиб турган Худованд Нрисимхадева, худди эндигина бир филни ўлдириб турган арслонга ўхшарди. 31. Худои Таоло, сонсаноксиз қўлларга эга Шри Нрисимхадева Хираньякашипунинг юрагини суғуриб олди ва улоқтириб ташлади, кейин бу иблиснинг жангчиларига юзланди. Хираньякашипуга чекксиз содиқ бўлган минглаб қуролланган жангчилар Парвардигор билан жангга кирдилар. Аммо Парвардигор уларнинг барчасини Ўзининг тирноқлари учидан ўлдириб ташлади. 32. Ёлини ўйнатиб, Худованд Нрисимхадева булулларни ҳар тарафга таркатиб юборди; унинг чакнаган кўзлари самодаги порлаган ёритгичларни хиралаштириб қўйди, олаётган нафаси эса, денгиз ва океанларни чайқатди. Унинг наърасини эшитиб, жаҳондаги барча филлар даҳшат ичида бўкириб юбордилар. 33. Худованд Нрисимхадеванинг сочлари ҳаракатидан барча ҳаво кемалари фазонинг ҳар

чеккасига, юқори сайёраларга учиб кетди. Унинг нилуфар қадамларининг оғирлигидан Ер ўзининг орбитасидан чиқиб кетгандай бўлди, унинг юзасида жуда кўп янги тоғлар пайдо бўлди. Парвардигорнинг танасидан чиқаётган ёғду дастидан осмонни ҳар тарафдан ёритиб турган нур ғиралашиб қолди. 34. Худованд Нрисимхадеванинг ғазабга тўла юзига қараб бўлмасди; Парвардигор кучли ёғду таратар, мажлислар залида куч ва ғаройибликда ўзига тенг келадиган бошқа зотни тополмай, У ажойиб безатилган шоҳона тахтга ўтирди. Тўпланганларнинг барчаси Парвардигорнинг олдида кўрқинчли ҳаяжон ичида, Унга эҳтиром кўрсатишга ботинолмай кўрқиб турардилар. 35. Хираньякашипу бутун уч оламнинг бошини оғритиб, ўтга солиб турган даҳшатли бош оғриғига ўхшарди. Шунинг учун, жаннат сайёраларидаги фаришталарнинг хотинлари Парвардигор Ўз кўли билан бу буюк иблисни ўлдирганини кўрганида, уларнинг юзи қувончдан яйраб кетди. Улар Худованд Нрисимхадевани осмондан ёғилаётган гуллар ёмғирига кўмиб ташладилар. 36. Бу пайтга келиб, Худои Таоло Нараянанинг кароматини томоша қилишга келган фаришталарнинг ҳаво кемалари бутун осмонни тўлдирган эди. Фаришталар барабан ва литавраларни чалиб юбордилар; бу овозни эшитган само аҳолиси рақсга туша бошлади, асосий гандҳарвалар ширин овоз билан куйлай бошладилар. 37-39. О шоҳ Юдхистхира, шундан кейин Худованд Нрисимхадеванинг олдида фаришталар яқин кела бошладилар. Уларни Тангри Брахма, шоҳ Индра ва Тангри Шива бошлаб борарди; улар орасида буюк авлиёлар ва донишмандлар, Питрилока, Сиддхалока, Видьядхаралока ва илонлар сайёраси вакиллари бор эди. Парвардигорнинг олдида Ману ва ҳар хил сайёраларнинг ҳукмдорлари келдилар. Улардан кейин парилардай гўзал раққосалар, гандҳарвалар, чараналар, яқшалар, веталалар, киннаралока ва кимпурушалок вакиллари, шунингдек Сунанда ва Кумуда билан бирга Вишнунинг шахсий хизматкорлари бор эди. Уларнинг барчаси бирма-бир, куёшдай порлаб турган Парвардигорнинг олдида келиб, қўлларини пешонасига қўйиб, сажда билан илтижо қилдилар.

40. Тангри Брахма шундай илтижо қилди: -Эй Парвардигор, Сен бенихоясан ва Сенинг қудратингнинг чегараси йўқ. Сенинг жасоратингни ва ғаройиб қудратингни ҳеч ким ўлчамай ёки баҳолай олмайди, чунки Сенинг кароматларинг ҳеч қачон моддий иллатлар билан булганмайди. Моддий табиат гуналаридан фойдаланиб, Сен осонлик билан бутун борлиқни яратасан, мавжудлигини сақлаб турасан ва яқсон қиласан, лекин Ўзинг ҳамиша ўзгармай қолаверасан. Мен чуқур эҳтиром билан Сенинг олдинда бош эгаман.

41. Тангри Шива шундай деди: - Сен калпа ниҳоясида бутун қаҳр-ғазабингни ишга соласан. Ҳозир эса, бу арзимас иблис ҳалок бўлгани сабабли, илтимос, шу ерда Сенинг олдинда турган унинг ўғли Прахлад Махаражга ғамхўрлик қил! Прахлада бутун қалби билан Сенга содиқ, ўз ихтиёрини бутунлай Сенга топширган. Сен ахир ҳамиша содиқ хизматкорларингга ғамхўрлик қиласанку.

42. Шоҳ Индра шундай деди: - Эй Худои Таоло, Сен бизларнинг ҳимоячимиз ва посбонимизсан. Сен Хираньякашипудан тортиб олиб, аслида Ўзингники бўлган қурбонлик эҳсонларини яна бизларга қайтариб бердинг. Бизларнинг қалбимиз - Сенинг маконинг,

аммо иблисларнинг хайбатли ҳукмдори Хираньякашипу, уларни тортиб олган эди. Сен бизларнинг олдимизда пайдо бўлиб, қалбимизни камраб олган зулмат ва хафаликни тарқатиб юбординг. Эй Парвардигор, Сенга садоқатли хизмат қилиш моддий тутқунликдан озод бўлишдан устун туради. Шунинг учун, Сенга чарчамасдан садоқат билан хизмат қилиб юрганлар учун ҳар қандай дунёвий бойликлар арзимас нарса бўлиб кўринади. Шундай буюк руҳлар кама, артха ва дҳарма у ёқда турсин, ҳатто озодликка чиқишга ҳам интилмайдилар.

43. Шу ерда тўпланган муқаддас авлиёлар шундай дедилар: - Эй Парвардигор, О азалий Худо Шахси, нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топган барча зотларнинг нажоткори! Аввал Сен Ўзинг бизларга ўргатган риёзат - Сенинг руҳий қудратингдир. Айнан риёзат кучи билан Сен ичингда кўринмай турган моддий оламни намоён этасан. Хираньякашипунинг дастидан одамлар деярли риёзат нималигини билмай қолган эдилар, аммо энди, Сен бизларни химоя қилиш учун Худованд Нрисимхадева қиёфасида намоён бўлиб, уни яқсон қилганингдан кейин, Сен риёзатнинг муҳим эканини яна тасдиқладинг.

44. Питрилока аҳолиси шундай илтижо қилдилар: - Биз бутун оламда дин қонунларининг химоячиси бўлган Худованд Нрисимхадева олдида чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз. У, бизларга ўлган қунимизни нишонлаб, шраддха маросимида ўғил ва невараларимиз тақдим этиб юрган ҳамма нарсани тортиб олиб юрган иблис Хираньякашипуни ўлдирди; Хираньякашипу зиёратгоҳларда покланган кунжуг қўшилган барча муқаддас сувларни ўзи ичиб кўярди. Эй Парвардигор, бу иблисни ўлдириб, унинг қорнини ёриб, Сен у ердан барча ўғирланган нарсаларни чиқардинг. Шунинг учун, биз Сенинг олдингда қайта-қайта сажда қиламиз.

45. Ситдхалока аҳолиси шундай дедилар: - О Худованд Нрисимхадева, сиддхалока аҳолиси бўлган бизларда ўз-ўзидан барча саккиз хил сеҳр қудрати ривожланади. Лекин уятсиз Хираньякашипу риёзат чекиш билан буюк қудратга эришгандан сўнг, бизлардан ана шу қобилиятларни тортиб олганди. У сеҳр қудратига эга бўлганидан жуда мағрур эди. Энди Сен панжаларинг билан шу иблисни ўлдирдинг, биз Сенинг олдингда чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз.

46. Видьядхара аҳолиси шундай деди: - Ҳар хил муқабаларга берилиб, бизлар истаган пайтда кўздан йўқолишни ва яна кўринадиган ҳолатга келишни ўрганган эдик, аҳмоқ Хираньякашипу эса, ўзининг қудратли жисмоний кучи ва бошқаларни мағлуб қилиш қобилиятидан мағрурланиб, бизларга бундай ишларни таъқиқлаб қўйди. Энди эса, у иблис эмас, худди оддий хайвондай, Парвардигор уни осонлик билан ўлдирди. Биз Худованд Нрисимхадева қиёфасида Ўзининг эрмақларини намоён этган Парвардигор олдида мангу сажда қилиб бош эгамиз.

47. Нағалока аҳолиси шундай деди: - Буюк гуноҳкор Хираньякашипу бизларнинг бошимиздаги қимматбаҳо гавҳарларни ва чиройли хотинларимизни тортиб олди. Шу боис, унинг кўкрагини тирноқларинг билан тилка-пора қилиб, Сен хотинларимизга катта қувонч келтирдинг. Энди бизлар улар билан биргаликда Сенга чуқур таъзим қиламиз.

48. Манулар шундай деди: - Эй Парвардигор, Сенинг амрингни бажариб, биз Манулар инсонлар жамяитининг қонунларини ўрнатамиз, аммо, иблис

Хираньякашипу бутун оламдан ҳукмронликни вақтинча ўз қўлига олгани сабабли, шу қонунларга асосланган варнашараматизими бузилиб кетган эди. Энди, Сен бу даҳшатли иблисни ўлдирганингдан кейин ҳамма нарса яна ўз жойига келди. Илтимос, энди айтчи, Сенинг мангу хизматкоринг бўлган бизлар нима билан машғул бўлайми?

49. Пражапатилар шундай илтижо қилдилар: - Ҳатто Тангри Браҳма ва Шива устидан ҳам ҳукмронлик қилувчи эй Парвардигор! Биз Пражапатиларни Сенинг амрингни бажариш учун Ўзинг яратган эдинг, лекин, Хираньякашипу бизга тақводор авлод қолдиришни таъқиқлаб қўйган эди. Мана энди ўша иблис жонсиз ётибди, чунки Сен унинг кўксини тилка-пора қилиб ташладинг. Бутун олам аҳолисининг саодати учун Сен бу ерга соф эзгуликдан таркиб топган танада намоён бўлдинг, биз Сенинг олдингда чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз.

50. Гандхарвалока аҳолиси шундай илтижо қилдилар: - Эй Парвардигор, ҳар хил рақсларга тушиб, кўшиқ куйлаб, биз ҳамиша сенга хизмат қиламиз, лекин иблис Хираньякашипу кўпол жисмоний кучи билан бизларни ўзига бўйсундириб қўйди. Энди Сенинг илохий амринг билан унинг ўзи ачинарли ҳолатга тушиб қолди. Ҳеч қачон Хираньякашипуга ўхшаган ғаламисларнинг ишлари бирор яхшиликка олиб келадими?

51. Чараналока аҳолиси шундай деди: - Эй Парвардигор, Сен барча эзгу ниятли одамлар қалбига санчилган тиконга ўхшаган иблис Хираньякашипуни ўлдирганингда, бизлар жуда энгил тортиб кетдик. Шу боис, биз ҳамиша шартланган руҳларни дунёвий иллатлардан халос этувчи Сенинг нилуфар қадамларинг пойида мангу паноҳ топишга тайёрмиз.

52. Яқшаллока аҳолиси шундай деди: - Эй моддий оламнинг йигирма тўрт унсурига ҳукмронлик қилувчи Зот, бизларни Сенинг энг яхши хизматкорларинг деб атайдилар, чунки ҳар хил хизмат қилиб, биз Сени жуда мамнун қиламиз; лекин Дитининг ўғли Хираньякашипунинг амри билан бизлар унинг паланкинини кўтариб юришга мажбур бўлдик. О Худованд Нрисимхадева, Хираньякашипу барчага азоб бераётганини билиб, Сен уни ўлдирдинг, энди унинг танаси беш моддий унсурларга қўшилиб кетади.

53. Кимпурушаллока аҳолиси шундай деди: - Бизлар арзимас тирик мавжудотлармиз, Сен эса - Худонинг Олий Шахси, олий ҳукмдорсан. Бизлар Сенга муносиб илтижо қила олармидик? Хираньякашипунинг золим қилмишларидан озор чеккан содиқлар бу иблисни қоралаганида, Сен уни ҳалокатга учратдинг.

54. Вайталикалока аҳолиси шундай деди: - Эй азиз Парвардигор, қурбонлик майдончаларида ва катта мажлисларда Сенинг бенуксон улугворлигинини шарафлаб куйлаш билан бизлар катта обрў қозонган эдик. Аммо Хираньякашипу, фақат унинг ўзини олқишлашни буюрган эди. Энди, бизларнинг бахтимизга худди тажрибали врач касал одамни сурункали касалликдан даволагани сингари, Сен бизларни шу буюк иблисдан халос этдинг.

55. Киннарлар шундай деди: - Эй олий ҳукмдор, бизлар Сенинг мангу хизматкорларингмиз, аммо, Сенга хизмат қилиш ўрнига, бизлар тинмасдан, ҳеч қандай муқофотларсиз Хираньякашипу учун хизмат қилишга мажбур эдик. Мана ниҳоят Сен шу гуноҳқорни ўлдирдинг. Эй Парвардигор Нрисимхадева, биз мангу

хукмдоримиз бўлган Сенинг олдинда чуқур эхтиром билан сажда қиламиз. Илтимос, бундан кейин ҳам бизларнинг мангу ишончли ҳимоячимиз бўл!

56. Вайкунтхада Худованд Вишну билан бирга яшайдиган Унинг ҳамроҳлари шундай деди: - Бизларга энг олий паноҳ берувчи эй Парвардигор, бугун Сени бутун оламга бахт келтирадиган ғаройиб Нрисимхадева киёфасида кўрдик. Эй Парвардигор, бизга маълумки, Хираньякашипу - брахманларнинг қарғишига учраб, иблис танасида туғилган Сенинг хизматкоринг, Джаянинг ўзи бўлади. Сен Хираньякашипуни ўлдириб, унга алоҳида марҳамат кўрсатдинг, деб ҳисоблаймиз.

2 9.08.2002

Еттинчи қўшиқ тамом

"Шримад-Бҳагаватам" Саккизинчи қўшиқ

Мундарижа

1. Ману, Коинотни бошқариб турган ҳукумат таркиби. 2. Гажендранинг мусибатга учраши. 3. Гажендранинг Худои Таолога садоқат билан қилган илтижолари. 4. Гажендранинг руҳий оламга қайтиб бориши. 5. Фаришталарнинг ҳимоя қилишини тилаб Парвардигорга қилган илтижолари. 6. Фаришталар ва иблислар тинчлик битими тузадилар. 7. Ҳамма захарни ичиб, Тангри Шива оламни ҳалокатдан қутқариб қолади. 8. Сут уммонини чайиш. 9. Парвардигорнинг Мохинимурти кўринишида намоён бўлиши. 10. Фаришталар билан иблислар орасида бўлиб ўтган жанг. 11. Шоҳ Индра иблисларни яксон қилади. 12. Мохини-муртининг Тангри Шивани маҳлиё қилиши. 13. Бўлғуси Манулар ҳақида башоратлар. 14. Коинотни бошқарув тизими. 15. Бали Махаражнинг жаннатий сайёраларни забт этиши. 16. Пайо-врата сиғиниш маросимини ўтказиш. 17. Парвардигорнинг Адитининг ўғли бўлишга рози бўлиши. 18. Парвардигор Вamanaдева, Худои Таолонинг пакана брахман кўринишидаги киёфаси. 19. Парвардигор Вamanaдева Бали Махараждан садақа сўрайди. 20. Бали Махараж бутун оламни эҳсон қилади. 21. Бали Махараж Худога бутунлай ўзини бахшида қилади. 22. Фаришталар яна жаннатий сайёраларга эришадилар. 23. Парвардигорнинг Балик киёфасида намоён бўлиши.

Биринчи боб.

Ману, Коинотни бошқариб турган ҳукумат таркиби.

1. Шоҳ Парикшит шундай деди: “Эй азиз хукмдорим, мен сендан Сваямбхува Ману сулоласи ҳақида ҳамма нарсани билиб олдим. Лекин ундан бошқа Манулар ҳам бор, мен шулар ҳақида ҳам билишни истайман. Илтимос, бизга улар ҳақида гапириб бер! 2. Эй билимдон брахман Шукадева Госвами, чуқур тафаккурга эга буюк шахслар Худонинг Олий Шахсининг ҳар хил манвантараларда намоён бўлиши ва кўрсатган кароматлари ҳақида гапириб юрадилар. Биз ана шу ҳикоялардан тинглашни жуда истаймиз. Илтимос шуларни гапириб бер. 3. Эй билимдон брахман, илтимос, бу мавжуд борлиқни яратган Худонинг Олий Шахси ўтган манвантараларда, ҳозирги манвантарада кўрсатган ва келажақда кўрсатадиган барча кароматлари ҳақида бизга гапириб бер!”

4. Шукадева Госвами шундай деди: “Ҳозирги калпада ҳалигача олти Ману келиб кетди. Мен сенга Сваямбхува Ману ва фаришталарнинг пайдо бўлиши ҳақида гапириб бердим. Тангри Брахманнинг ҳозирги калпасида Сваямбхува - биринчи Ману ҳисобланади. 5. Сваямбхува Манунинг икки кизи бор эди: Акути ва Девахути. Уларнинг фарзанди бўлиб, Худонинг Олий Шахси бу дунёда Ёаджнамурти ва Капила сифатида намоён бўлди. Уларнинг бу дунёдаги вазифаси ҳақиқат илмини ва ҳақиқий дин таълимотини тарғибот қилиш эди. 6. Эй Курулар аълоси, мен сенга Девахутининг ўғли Капиланинг фаолияти ҳақида гапириб берган эдим. Энди мен сенга Акутининг ўғли Ёаджнапатининг кароматлари ҳақида гапириб бераман.

7. Шатарупанинг эри Сваямбхува Ману табиатан хиссий лаззатларга боғланмаган буюк шахс эди. У роҳат-фароғатга тўла салтанатини, тахтини тарк этди ва хотини билан бирга риёзат чекиш учун ўрмонга йўл олди. 8. Эй Бхарат авлоди, Сваямбхува Ману хотини билан риёзат чекиш учун ўрмонга киргандан кейин, у Сунанда дарёси қирғоғида бир оёғида туриб, риёзат чека бошлади. Шу тарзда, ерга фақат бир оёғини қўйиб, у минг йил давомида қаттиқ риёзат чекди. Риёзат чекар экан, у чуқур ўйга толди.

9. Сваямбхува Ману шундай ўйларди: “Олий тирик мавжудот, Худои Таоло ҳар хил тирик мавжудотларга тўла бўлган бу моддий оламни бунёд этди; уларни моддий табиат яратган эмас. Оламда ҳамма нарса мавҳум ҳолатда, мудроқ ҳолатида бўлганида ҳам Олий мавжудот гувоҳ сифатида ҳамиша сергак ҳолатда бўлади. Тирик мавжудот Уни билмайди, аммо У ҳамма нарсадан хабардор, ҳамма нарсани билади. 10. Бу оламда Худонинг Олий Шахси Олий Рух сифатида хоҳ тирик зотлар бўлсин, хоҳ жонсиз нарсалар бўлсин, ҳар ерда, ҳамма нарсада мавжуд, шунинг учун ҳар ким фақат ўзига ажратилган нарсалар билангина қаноатланиши лозим; бировнинг нарсасига (насибасига, мулкига) зинҳор кўз олайтирмаслиги, қўл урмаслиги лозим. 11. Худонинг Олий Шахси оламнинг ҳар бир ишини ҳамиша кузатиб турган бўлса ҳам, ҳеч ким Уни кўрмайди. Лекин, “агар ҳеч ким Уни кўрмай турган бўлса, У ҳам ҳеч кимни кўрмайди” деб ўйламаслик керак, чунки ҳеч қачон Унинг кўзлари чарчамайди. Шунинг учун ҳар бир одам алоҳида руҳнинг энг яқин

дўсти сифатида ҳамиша у билан бирга юрадиган Олий Рухга сажда қилиб сиғиниши лозим.

12. Худонинг Олий Шахсининг на бошланиши, на ўртаси ва на охири йўқ. Шунингдек, У қайсидир бир миллатга ёки шахсга ҳам мансуб эмас. Унинг ички, ташқи тарафлари йўқ. Бу оламга хос бўлган “боши-охири”, “ўзимизники-бегона”, “меники-сеники” деган тушунчалар Худои Таолони таърифлашга тўғри келмайди. Ундан пайдо бўлган бу моддий олам, Коинот ҳам Парвардигорнинг бир сифатидир. Шунинг учун Худои Таоло якуний Ҳақиқат ва У улуғворликда мутлақо тўла бутундир. 13. Бутун фазовий борлик Худонинг Олий Шахсининг, миллионлаган номлари ва чексиз имкониятларга эга бўлган қувватлари бўлган Мутлақ Ҳақиқатнинг фазовий танасидир. У - ўзгармас, туғилмаган ва Ўзидан ёғду таратиб турувчи Зот. У - ҳар нарсаининг бошланиши, аввали, лекин Унинг Ўзининг аввали йўқ. Намоён бўлган бу фазовий борликни У Ўзининг ташқи қуввати ёрдамида яратгани боис, моддий оламни Унинг Ўзи яратгандай, мавжудлигини таъминлаб тургандай ва Унинг Ўзи яқсон қиладигандай туюлади. Аслида эса, У ҳеч қандай фаолият кўрсатмасдан, моддий қувватнинг фаолиятига аралашмасдан Ўзининг руҳий қувватида қолаверади.

14. Шу боис, одамларга ҳеч қандай натижа, оқибат, яъни карма келтирмайдиган фаолият билан шуғулланиш поғонасига кўтарилишга ёрдам бериш ниятида буюк донишманд авлиёлар одамларни аввалига ҳар хил натижа келтирадиган фаолият билан машғул қиладилар, чунки, агар одам муқаддас китобларда кўрсатилгандай фаолият билан машғул бўлмаса, натижа, карма келтирмайдиган илохий фаолият билан шуғулланиш даражасига эришолмайди, яъни озодликка чиқа олмайди. 15. Худонинг Олий Шахси Ўзини каттайтириш, кенгайиш қобилияти билан бойликка тўла бўлади, лекин У худди бу моддий оламнинг яратувчиси, ҳомийси ва яқсон қилувчиси сифатида ҳаракат қилади. Шунда ҳам У ҳеч қачон Ўз фаолиятининг натижаларига боғланиб қолмайди. Демак, Ундан ўртак олиб, Унинг изидан бораётган содиқлар ҳам ҳеч қачон ўз фаолиятининг натижаларига боғланиб қолмайдилар.

16. Худонинг Олий Шахси, Кришна бу оламда худди оддий одамдай ҳаракат қилади, аммо У Ўз фаолиятининг натижаларидан лаззатланишни истамайди. У муқаммал илмга эга, ҳар қандай моддий истак ва интилишлардан пок, бутунлай мустақил Зот. Инсонлар жамиятининг олий устози сифатида У Ўз ҳаракатлари билан бошқаларга ўртак кўрсатиб одамларга таълим беради ва шу тарзда уларга ҳақиқий дин(дхарма) йўлини очиб беради. Мен Ундан ўртак олишни ҳар бир одамдан илтимос қиламан”.

17. Шукадева Госвами давом этди: “Шу тарзда Сваямбхува Ману муроқабага берилиб, Упанишадлар деб аталадиган Ведавий муқаддас китоблардан мадҳиялар ўқиб, илохий жазаво ҳолатида турарди. Жуда очофат бўлган одамхўр рақшас ва асурлар уни кўриб, уни еб кўйишга қарор қилдилар. Шундай ният билан улар Мануга шиддат билан яқинлаша бошладилар. 18. Худои Таоло, ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор Вишну, Йаджнапати киёфасида пайдо бўлиб, рақшас ва иблисларнинг Сваямбхува Мануни ейишга ҳозирланаётганини кўрди. Ўзининг Йамалар деб аталадиган ўғиллари ва бошқа фаришталар билан бирга Парвардигор рақшас ва

иблисларни ўлдириб ташлади. Кейин У Индранинг ўрнига ўтириб, жаннат сайёраларига ҳукмронлик қила бошлади. 19. Агнининг Сварочиша деган ўғли иккинчи Ману бўлди. Унинг бир неча ўғли бўлиб, тўнғичлари Дйумат, Сушена ва Рочишмат.

20. Сварочиши Ману ҳукмрон бўлган пайтда Индранинг ўрнини Йаджнанинг ўғли Рочана эгаллаб турарди. Тушита ва бошқалар бошқа муҳим вазифаларни бажарувчи фаришталар бўлди, Урджа, Стамбха ва бошқалар етти авлиё донишманд бўлди. Уларнинг барчаси Худои Таолонинг чуқур иймонга эга содиқлари эдилар. 21. Ведашира жуда донг таратган машҳур риши эди. Унинг Тушита деган хотинидан Вибху деб ном олган аватара дунёга келди. 22. Вибху умр бўйи брахмачарий бўлиб қолди ва бутун умри давомида ҳеч қачон уйланмади. Бошқа саксон саккиз минг шахс Ундан риёзат, ахлоқ-одоб, ўзликни англаш ва ўзини тута билиш илмидан сабоқ олди.

23. Эй шоҳ, учинчи Ману Уттама, шоҳ Прийавратанинг ўғли эди. Павана, Сринджайа ва Йаджнахотра шу Манунинг ўғилларидан эди. 24. Учинчи Ману ҳукмрон бўлган даврда Васиштханинг Прамада деган ва бошқа ўғиллари етти донишманд бўлдилар. Сатйалар, Ведашруталар ва Бхадралар асосий фаришталар бўлдилар, Сатйаджит эса, осмон шоҳи Индра бўлиб тайинланган эди. 25. Ана шу манвантарода Худонинг Олий Шахси ҳақиқий дин фариштаси бўлган Дхарманинг хотини Сунритидан Сатйасена бўлиб дунёга келди. Парвардигор Сатйасена Сатйавраталар деган фаришталар билан бирга ташриф буюрган эди. 26. Сатйасена Осмон шоҳи Индра бўлиб турган дўсти Сатйаджит билан бирга бошқа тирик мавжудотларга оғир мусибатлар келтириб юрган, бадахлоқ Йакша, Рақшас ва арвоҳларга ўхшаган зотларнинг ҳаммасини яқсон қилди.

27. Учинчи Ману Уттаманинг оғаси Тамаса тўртинчи Ману бўлди. Тамасанинг ўн ўғли бўлиб, тўнғичлари Притху, Кхйати, Нара ва Кету эди. 28. Тамаса Манунинг ҳукмронлик даврида Сатйакилар, Харалар ва Виралар асосий фаришталар бўлдилар. Тришикха Осмон шоҳи Индранинг ўрнида эди. Саптаришидаги донишмандлар сардори Жйотирдхамма бўлди. 29. Эй шоҳ, Тамаса манвантарода Видхритининг Ваидхритилар деб шуҳрат қозонган ўғиллари ҳам фаришталарнинг лавозимини эгалладилар. Вақт ўтиши билан Ведалар илмининг обрўси, таъсири камайиб кетгани сабабли улар ўз қудрати билан Ведаларнинг обрўсини яна аввалги холига кўтардилар. 30. Шу Манвантарода Худои Таоло Вишну Харимедханинг хотини Харинининг ўғли бўлиб дунёга келди ва Уни Хари деб атардилар. Хари Ўзининг содиғи, филлар шоҳи Гажендрани тимсоҳ ҳамласидан қутқариб қолди”.

31. Шоҳ Парикшит шундай деди: “Эй ҳукмдорим, Бадарайани, биз сендан филлар шоҳига тимсоҳ ҳамла қилганида қандай қилиб уни Парвардигор Хари қутқариб қолгани ҳақида батафсил тинглашни истаймиз. 32. Худонинг Олий Шахсини, Уттамашлокани таърифлайдиган ва шуҳратини шарафлайдиган ҳар қандай асар ҳар тарафлама буюк, пок, шавкатли, эзгу ва улуғвор ҳисобланади”.

33. Шри Сута Госвами шундай деди: “Эй брахманлар, муқаррар ажалини кутиб ўтирган Махараж Парикшит Шукадева Госвамидан шу тарзда гапиришда давом этишни илтимос қилганида, шоҳнинг сўзларидан илҳомланган Шукадева Госвами шоҳга эҳтиром

кўрсатиб, уни тинглашга мушток бўлиб ўтирган донишмандларга қараб гапира бошлади.

Иккинчи боб.

Гажендранинг мусибатга учраши.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй азиз шаханшоҳ, Трикута деб аталадиган катта тоғ бор. Унинг баландлиги ўн минг йоджан(саккиз минг миль). Атрофи сут тўла океан билан ўралган бўлиб, у жуда чиройли жойлашган. 2-3. Тоғнинг кенлиги ҳам баландлиги билан баробар. Унинг олтиндан, кумушдан ва темирдан таркиб топган уч қояси осмону фалакнинг ҳамма тарафини безаб туради. Тоғнинг қимматбаҳо тошлардан ва нодир маъданлардан таркиб топган, чиройли дарахт, бутазор ва чирмовуқлар билан чиройли безанган бошқа қоялари ҳам бор. Қоялардан тушаётган шаршаралар товуши теварак-атрофни ғаройиб оҳанглар билан тўлдириб туради. Бу тоғ ўзининг кўриниши билан бутун оламнинг хуснига хусн қўшиб безаб туради. 4. Тоғ ён бағридаги ерлар ҳамиша оламнинг саккиз тарафида(шимол, жануб, ғарб, шарқ ва улар орасидаги томонлар: шимолий-шарқ ва ҳоказо.) ҳам зумрад тошлари пайдо қиладиган сут тўлқинлари билан ювилиб туради.

5. Олий сайёраларнинг аҳолиси - Сиддхилар, Чараналар, Гандхарвалар, Видйадхаралар, Илонлар, Киннарлар ва Апсарлар - ҳордиқ чиқариш учун мана шу тоғ бағрига келдилар. Шунинг учун тоғнинг барча ғорлари ҳамиша жаннат аҳолиси билан тўла бўлади. 6. Самовий зотларнинг ғорларда айтаётган кўшиқлари, чалаётган мусикаларининг ғаройиб товушларини эшитган арслонлар, ўзларининг кудратини кўз-кўз қилмоқчи бўлиб, ҳасад тўла овоз билан наъра тортадилар, чунки ғорлардан чиқаётган овозларни бошқа арслоннинг овози деб ўйлайдилар. 7. Трикута тоғининг ён-бағридаги водийларда ҳар хил ёввойи ҳайвонлар яшайди, фаришталарнинг боғларида ўсаётган дарахтларнинг шохаларида эса хилма-хил сайроқи қушлар ширин куйлар куйлайди. 8. Трикута тоғида жуда кўп дарё ва кўллар бўлиб, уларда қирғоқлари кум зарраларини эслатувчи майда қимматбаҳо тошлар билан тўшалган кўплаб ювиниш жойлари бор. У жойдаги сувлар шаффоф, осмондай тоза, фаришта қизлар унда чўмилганларида, уларнинг танасидан таралаётган анвойи ҳидлар сувни ҳам, бутун атрофни ҳам ёқимли ҳидлар билан тўлдиради.

9-13. Трикута тоғи ёнидаги водийда Ритумат деган боғ бор эди. Бу боғ буюк содиқ Варунаники бўлиб, фаришталарнинг қизлари шу ерда ҳордиқ чиқарадилар. Хилма-хил мевалар ва гуллар у ерда йилнинг ҳамма фаслида етилиб пишиб, гуллаб, очилиб ётади. Уларнинг орасида мандара, париджата, патала, ашока, чампака, чута, пийала, панаса, манго, амратака, крамука, кокос, финик ва анор дарахтлари бор. У ерда шунингдек пичумарда, ковидара, сарала, сура-дару, узум, шакарқамиш, банан, жамбу, бадари, акша, абхайа ва амалака дарахтлари ҳам бор. 14-19. Бу боғда олтинранг нур таратиб турувчи нилуфарлар, кумуда, кахлара, утпала ва шатапатра деб аталадиган чиройли гуллар билан тўла чиройли бир кўл жойлашган. У ерда билва, капитха, жамбира ва бхаллатака дарахтлари ҳам бор. Маст қовоғарилар асал ичиб ғувиллаб юрар, уларнинг

товушлари сайроқи қушларнинг ёқимли овозлари билан ҳамоҳанг бўлиб ғаройиб мусика яратарди. Кўлнинг юзи оккуш, карандава, чакравака, турна ва сув қушларининг жўжалари, датйухалар, кошайтийлар ва ға-ғалаб юрган бошқа сув қушларга тўла эди. Балиқ ва сувдаги тошбақаларнинг шўх ўйнаб сус сачратаётганидан, кўлнинг юзи нилуфар гулларининг япроқларидан томчилаётган майда сув томчиларидан чангиб турарди. Кўлнинг атрофи кадамба, ветаса, нала, нипа, ванджулака, кунда, курубака, ашока, шириша, кутаджа, ингуда, кубджака, сварна-йутха, нага, пуннага, джата, маллик, шатапатра, джалака ва мадхави-лата гуллари билан ўралган эди. Кўл бўйида йил бўйи ҳар хил мева ва гул бериб турадиган ҳар хил бошқа дарахтлар ўсиб ётарди. Шу тариқа тоғ ҳам, унинг ён бағри ҳам жуда ғаройиб, чиройли безанган, хушманзара жой эди.

20. Трикута тоғида яшайдиган филларнинг сардори бир кун и ургочи филлар билан бирга шу кўлга чўмилгани йўл олди. Йўл бўйи у дуч келган дарахтларни, бутазорларни, ўткир тиконларига ҳам эътибор бермасдан, ўсимликларни пайхон қилиб борарди. 21. Бу филнинг ҳидини сезган заҳоти бошқа филлар, йўлбарслар ва арслон, носорог, катта илонлар, қора ва оқ сарабха сингари бошқа йирткич ҳайвонлар даҳшатга тушиб тум-тарақай қочиб қолардилар. Чамара-кийиклар ҳам тезроқ пана жойга қочиб қолардилар. 22. Шу филнинг марҳамати билан тулки, бўри, кўтос, айиқ, боров, гопучча, диқобраз, маймун, куён, кийик ва бошқа майда ҳайвонлар ўрмоннинг ҳамма жойида беҳавотир яшардилар. Улар филдан кўрқмасдилар. 23-24. Бошқа филлар тўдаси билан ургочи филларнинг ҳамроҳлигидаги филлар сардори Гаджапати ўзининг оғир, ҳайбатли танаси билан Трикута тоғидаги ҳамма нарсани зир титратарди. У терлаган, оғзидан вино оқар, кўзлари мастлик таъсиридан кизарган эди. Унга асал ялаган қовоғарилар хизмат қилар, кўлда ўсаётган нилуфар гулларининг шамол келтирган анвойи ҳидидан узокдан туриб лаззат оларди. Шундай қилиб, ўзининг чанқоқ босган ҳамроҳлари даврасида у кўлнинг қирғоғига етиб келди.

25. Филлар шоҳи кўлга кирди, мазза қилиб чўмилиб, ҳордиғини чиқарди. Кейин, хартуми ёрдамида кўлнинг муздай совуқ, лайло ва нилуфар гулларининг нектари билан аралашган лаззатли ширин сувидан тўйганча ичди. 26. Рухий илмдан бенасиб бўлиб, оила аъзоларига қаттиқ боғланиб қолган одам сингари, Кришнанинг ташқи қуввати адаштирган бу фил ҳам хотинлари, болалари билан сувда чўмилиб, сув ичиб, яйраб ҳордиқ чиқара бошлади. У хартуми билан кўл сувини симирар, кейин уни хотинлари ва болаларига сочарди. Шундай ёқимли ўйинларга берилиб кетганидан у чарчоқ нималигини сезмасди.

27. Эй шоҳ, тақдир тақозоси билан анча вақтдан бери ана шу филга бир кудратли тимсоҳ ҳасад кўзи билан қараб, уни кўрганда ғазаби қайнаб юрарди. Ўша тимсоҳ сув ичидан бориб, бирдан филнинг оёғига ёпишди. Фил етарлича кудратли эди, шу боис тақдир юборган бу машъум хавфдан қутулиш учун у бор кучи билан ҳаракат қила бошлади. 28. Шундан сўнг, Гажендрани ана шундай қийин аҳволда кўриб, унинг хотинлари чуқур ҳамдардлик билан унга ачиниб, йиғлай бошладилар. Бошқа филлар Гажендрага ёрдам бермоқчи бўлдилар, аммо, тимсоҳ жуда кудратли бўлгани учун улар филга ҳеч қандай ёрдам бера олмасдилар.

29. Эй шох, шу тарика бир-бирини сувга итариб, сувдан чиқариб, фил билан тимсоҳ минг йил давомида яккама-якка дахшатли, даҳанаки жанг қилдилар. Уларнинг бу шиддатли жангига қараб туриб, фаришталар каттиқ хайратга тушдилар. 30. Кейин, сувда узоқ вақт жанг қилгани сабабли, ерда яшаб ўрганган фил ҳам жисмоний, ҳам аклий жихатдан чарчаб, сезгилари бутунлай ожизлашиб қолди. Тимсоҳ эса, аксинча, сувда яшайдиган махлуқ бўлгани сабабли сезгиларининг кучи, жисмоний қудрати ва шижоати тобора ошиб борарди. 31. Филлар шоҳи ўзининг тақдир тақозоси билан тимсоҳнинг қудратли қўлига тушиб қолганини, бу ҳалокатли хавф-хатардан қутулиб кетишга ожизлик қилаётганини кўриб, ҳалок бўлиши муқаррар эканидан кўрқиб кетди. Узоқ вақт чуқур ўйлаб, у шундай қарорга келди:

32. “Яқин дўстларим ва қариндошларим бўлган бошқа филлар мени бу хавфдан қутқара олмадилар. Шундай экан, энди хотинларимдан нима ҳам кута олардим? Уларнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Тақдир тақозоси билан мен бу тимсоҳ ҳамласига учрадим, шунинг учун энди мен фақат Худонинг Олий Шахсидан паноҳ излайман, У ҳамиша ҳар кимнинг, ҳатто буюк шахсларнинг ҳам ишончли нажот макони бўлиб келган. 33. Албатта, Худонинг Олий Шахсини ҳеч ким билмайди, аммо У жуда қудратли ва ҳаммага Ўз амрини ўтказа олади. Шунинг учун, бешафқат Замон илони ҳар кимни ўз домига ютиб юбориш учун ҳамиша пойлаб юрган бўлса ҳам, Замон илонидан кўрқадиган одам агар Парвардигордан ўзига нажот изласа, Худои Таоло уни албатта ҳимоя қилади, чунки Худои Таоло олдида ҳатто ажал фариштаси ҳам дахшатга тушиб титраб туради. Шунинг учун мен Унга, буюк ва қудратли Олий Шахсга, ҳар кимнинг ҳақиқий нажоткори бўлган Парвардигорга бутунлай ўз ихтиёримни топшираман”.

Учинчи боб. Гажендранинг Худои Таолога садоқат билан қилган илтижолари.

1. Шри Шукадева Госвами давом этди: “Шундан сўнг филлар шоҳи Гажендра чуқур тафаккур билан бутун ақлини ўзининг қалбида жамлади ва мантра тиловат қила бошлади. Бу мантрани у ўзининг аввалги ҳаётида, Индрадюмна киёфасида яшаганида ўрганган ва Кришнанинг марҳамати билан ҳозир шу мантрани эслашга қодир бўлган эди.

2. Филлар шоҳи Гажендра шундай деди: “*Ом намो бхагавате васудевайя*(Мен Олий Шахс, Васудевага чуқур эҳтиром билан сажда қиламан). Унинг шарофати билангина бу моддий тана ўзининг ичида мавжуд бўлган руҳнинг қудрати билан ҳаракатга келади, шу боис У ҳар кимнинг мавжудлигининг асосий сабабчиси. У - Тангри Брахма ва Шива сингари улғувор шахслар сиғинадиган Зотдир, У ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд. Менга бутун фикру-хаёлимни Унда мужассам қилиб, муруқабага берилишга изн беринг! 3. Худонинг Олий Шахси - ҳамма нарсани тутиб турган энг асосий, олий устун, бу борлиқдаги ҳамма нарсани келтириб чиқарган энг асосий таркибий унсур, бу мавжуд борлиқнинг ягона сабабчиси бўлган Шахсдир. Шунга қарамай, У сабаб ва оқибатлардан фарқ қилади. Мен Унга, ҳар жихатдан

Ўзига тўла бутун бўлган Худонинг Олий Шахсига бутунлай ўз ихтиёримни топшираман.

4. Худонинг Олий Шахси, Ўзининг қувватини кенгайтириб, бу борликни кўзга кўринадиган қилиб намоён этади, баъзан эса, яна уни кўзга кўринмайдиган мавҳум ҳолатга келтиради. У - ҳам олий сабаб, ҳам олий оқибат, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳар қандай жараённинг қузатувчиси ва гувоҳидир. Шу тарика У ҳамма нарсага нисбатан илоҳий табиатга эга. Ана шу Худонинг Олий Шахси мени ўз паноҳида асрасин! 5. Вақти келиб, бу оламнинг намоён бўлган барча сабаб ва оқибатлари, бошқарувчилари билан биргаликда барча сайёралар яқсон бўлганида борликни чуқур қоронғулик зулмати қоплаб олади. Ана шу зулмат чегарасидан ташқарида Худонинг Олий Шахси бор. Мен ана шу Худои Таолонинг нилуфар қадамлари пойидан ўзимга нажот излайман. 6. Ҳар хил либосларга ўраниб, саҳнада турли ҳаракатлар билан рақсга тушаётган артистни залда ўтирганлар тушуна олмадилар: шунга ўхшаб, Олий артистнинг фаолиятини ва сифатларини ҳатто фаришталар ёки буюк донишмандлар ҳам тушуниб ета олмадилар, шундай экан, ҳаётда худди ҳайвонларга ўхшаб яшаётган бепаросат одамларни-ку умуман айтишнинг ҳожати йўқ. На фаришталар ва донишмандлар, на бепаросат одамлар Парвардигорнинг сифатларини тўлиқ тушуна олишга, Унинг қандай эканини, ҳақиқий ҳолатини сўзлар билан таърифлаб беришга қодир эмаслар. Ана шу Худонинг Олий Шахси мени Ўз паноҳида асрасин! 7. Таркидунё қилган ва барча тирик мавжудотларга бир хил дўстона муносабатда бўладиган, ўрмонда брахмачарий, ванапрастха ва саннийасиларнинг муқаддас қасамларига қатъий риоя қилиб яшайдиган буюк донишмандлар Худонинг Олий Шахсининг барчага баробар чексиз саодат келтирадиган нилуфар қадамлари пойини кўришга интиладилар. Ана шу Худонинг Олий Шахси менинг ҳаётдаги ягона мақсадим бўлсин!

8-9. Худонинг Олий Шахсининг моддий табиатга эга бўлган туғилиши, фаолияти, номи, киёфаси, сифатлари ёки адашиш-омадсизликлари йўқ. Бу яралган моддий олам қандай мақсад билан яратилган ва яқсон қилинадиган бўлса, шу мақсадни амалга ошириш учун У Ўзининг азалий ички қуввати ёрдамида Парвардигор Рама ва Парвардигор Кришна сингари инсон киёфаларида бу дунёга келади. У чексиз қудратга эга ва моддий иллатлардан бутунлай пок бўлган ҳар хил киёфаларда хайратли қароматлар кўрсатади. Шунинг учун У - Олий Брахман. Мен Унга чуқур эҳтиром билан таъзим қиламан. 10. Мен Худонинг Олий Шахсига, ҳар бир одамнинг қалбида ҳамиша гувоҳ бўлиб турадиган, ҳар бир алоҳида руҳга ичдан таълим берадиган, нутқ, ақл ва онгни ривожлантириш орқали англаб олиш мумкин бўлмаган, Ўзидан илоҳий нур таратиб турувчи Олий Руҳга чуқур эҳтиром билан сажда қиламан! 11. Бхакти-йоганинг илоҳий борлигида ҳаракат қиладиган Парвардигорнинг соф содиқларигина Худонинг Олий Шахсини англай оладилар. У ҳеч қандай моддий нарса билан булганмаган, мутлақо пок бахт ато этадиган ва илоҳий, руҳий оламнинг ҳукмдори бўлган Зотдир. Шунинг учун мен Унга чуқур эҳтиром билан сажда қиламан.

12. Мен ҳамма ерга сингиб кетган Парвардигор Васудевага, дахшатли киёфада намоён бўлган Парвардигор Нрисимхадевага, ҳайвон(Варахадева) киёфасида намоён бўлган Парвардигорга,

имперсонализм фалсафасини тарғибот қилган Парвардигор Даттатрейага, Парвардигор Буддхага ва Худои Таолонинг бошқа қиёфаларига чуқур эхтиром билан сажда қиламан. Мен моддий сифатларга эга бўлмаган, лекин бу моддий оламда эзгулик, эхтирос ва ғафлат сифатларига эга бўладиган Парвардигорга сажда қиламан. Мен Брахманнинг шахсиятсиз ёғдусига ҳам чуқур эхтиром билан сажда қиламан. 13. Мен Олий Рух сифатида ҳамма нарсани бошқариб турган ва содир бўлаётган ҳар бир воқеанинг гувоҳи бўлиб турган Зотга сажда қиламан. Сен - Олий Шахс, моддий табиат ва бутун моддий қувватнинг манбаисан. Сен - моддий таналарнинг ҳам эгасисан. Шунинг учун энг олий даражада тўла бутун Зотсан. Мен Сенга чуқур эхтиром билан сажда қиламан.

14. Эй Парвардигор, Сен хиссиётимизнинг барча интилишларининг гувоҳисан. Сенинг марҳаматингсиз бу дунёда ҳар хил шубҳа-ю гумонларни келтириб чиқарадиган дунёвий муаммоларни ҳал қилишнинг мутлақо иложи, имконияти йўқ. Моддий олам худди Сенга ўхшаган сояни эслатади. Аслида бу моддий олам Сени акс эттириб тургани учунгина одамлар уни ҳақиқий деб қабул қиладилар. 15. Эй Худойим, Сен - барча сабабларнинг бошланғич сабабчисан, аммо Сен Ўзинг ҳеч қандай сабабсиз мавжудсан. Шу боис Сен - ҳамма нарсанинг ғаройиб сабабчисан. Мен чуқур эхтиром билан Сенга - Панчаратра ва Веданта-Сутра сингари муқаддас китобларда нозил қилинган Ведавий илмларнинг нажот макони бўлган Зотга сажда қиламан. Панчаратра ва Веданта-Сутра Сенинг вакилларинг ва *парампара* тизимининг манбаидир. Сен - барча илоҳиёт одамлари учун ягона нажот маконисан. Сенга чуқур эхтиром билан сажда қилишга рухсат бер. 16. Эй азиз Худойим, худди *арани* дарахтида яширинган олов сингари, Сен ва Сенинг чексиз илмингни ҳам моддий табиат гуналари бекитиб қўйибди. Рухий жиҳатдан юксалган одамлар учун Ведавий битикларда кўрсатилган қонун-қоидаларга амал қилиш шарт эмас, чунки рухий юксалган зотлар илоҳий сифатга эга бўлгани учун уларнинг пок ақлида, пок онгида шахсан Сен Ўзинг намоён бўласан. Шунинг учун мен Сенга чуқур таъзим қиламан.

17. Агар мендай бир ҳайвон энг олий даражада озод бўлган Сендай улуғвор Зотга ўз ихтиёрини бутунлай топширса, ҳеч шубҳасиз Сен уни бундай хатарли ҳолатдан қутқариб оласан. Аслида Сен барча тирик мавжудотларга чексиз меҳрибон, раҳмдил бўлганинг сабабли ҳаммиша мени озодликка чиқаришга ҳаракат қиласан. Ўзингнинг тўлиқ бўлмаган Параматма кўринишингда Сен барча шартланган тирик мавжудотларнинг қалбида жойлашгансан. Сен мукаммал илоҳий илм сифатида шухрат қозонгансан ва Сен бениҳоясан. Мен Сенга, Худонинг Олий Шахсига чуқур эхтиром билан сажда қиламан. 18. Эй азиз Худойим, барча дунёвий, моддий иллатлардан бутунлай халос бўлган одамлар қалбининг тўрида ҳаммиша Сенга муруқба қиладилар. Менга ўхшаб ҳар хил ақлу-хаёлларга, уйига, қариндошларига, дўстларига, мол-дунёсига, ўзининг ёрдамчи ва хизматкорларига қаттиқ боғланиб қолган одамларнинг Сенга эришиши жуда мушкул. Сен - моддий табиат гуналари билан ифлосланмаган Худонинг Олий Шахсисан. Сен - барча таълимотларнинг макони бўлган Олий Хукмдорсан. Шунинг учун мен Сенинг олдинда чуқур эхтиром билан сажда қиламан. 19. Ҳақиқий диннинг тўрт

қоидаси, тақводорлик(дхарма), иктисодий ривожланиш(артха), ҳиссий лаззатланиш(кама) ва озодликка чиқиш(мокша) билан қизикадиган одамлар Худонинг Олий Шахсига сиғиниб, покланиш шарофати билан Ундан ўзлари истаган нарсага эга бўладилар. Шундай экан, бошқа саодатлар ҳақида гапириб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Аслида Худои Таоло баъзида ана шундай ноқобил сиғинувчиларга ҳам рухий тана беради. Чексиз марҳаматли бўлган ана шу Худонинг Олий Шахси мени мана шу хатарли вазиятдан ва дунёвий ҳаёт кечириб йўлидан қутқариб олсин!

20-21. Худого садоқат билан хизмат қилишдан бошқа ҳеч нарсани истамайдиган соф содиқлар Унга ўз ихтиёрини бутунлай топшириб сажда қиладилар ва ҳаммиша Унинг кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглайдилар, бошқаларга гапириб берадилар. Уларнинг бундай фаолияти жуда ҳайратли ва одамларга чексиз саодат келтиради. Шу тарика улар ҳаммиша илоҳий лаззат уммонига ғарқ бўлиб яшайдилар. Шундай содиқлар ҳеч қачон Худои Таолодан ўзларига бирор нарса тиламайдилар. Лекин мен ҳозир катта хавф-хатар остида турибман. Шу боис мен ҳаммиша мавжуд бўлган, кўзга кўринмас, Тангри Брахма сингари барча буюк шахсларнинг ягона Парвардигори бўлган ва фақат илоҳий бхакти-його ёрдамида англаш мумкин бўлган Худонинг Олий Шахсига илтижо қиламан. Энг нафис нарсдан ҳам нафисроқ бўлган ҳолда У менинг сезгиларимнинг сезиш чегарасидан ташқарида жойлашган, У барча ташқи ўрганиш жараёнларига нисбатан илоҳий ҳолатда. Ягона Парвардигор бениҳоя, У ҳамма нарсанинг бошланғич сабабчиси, У ҳар жиҳатдан мукаммал бўлган Ўзига тўла бутун Зот. Мен шу Зотга чуқур эхтиром билан сажда қиламан.

22-24. Худонинг Олий Шахси Ўзининг бўлак ва заррачаларини: жива-таттвалар - Тангри Брахма, фаришталар ва Ведавий илм экспансиялари(Сама, Риг, Йаджур ва Атхарва ведалар)дан то ҳар хил ном ва сифатларга эга бўлган кўзгалувчан ва кўзгалмас бошқа тирик мавжудотларни яратади. Худди оловнинг учқунлари ёки Куёш нурлари бир манбадан таралиб чиқаётган ҳолда, тақрор ва тақрор унга қайтиб келавергани сингари, ақл, тафаккур, хиссиётлар, нафис ва кўпол моддий унсурлар, ҳар хил табиат гуналари - ҳаммаси Худои Таолодан таралади ва яна Унга бориб қўшилади. Худои Таоло фаришта ҳам эмас, иблис ҳам, одам ҳам, қуш ёки ҳайвон ҳам эмас. У эркак ҳам эмас, аёл ҳам эмас, ўрта жинсдан ҳам эмас, у қандайдир махлук ҳам эмас. У моддий сифатга эга эмас, намоён бўлган ёки намоён бўлмаган натижа келтирадиган фаолият ҳам эмас. У - “бу эмас, бу эмас”(ня таълимоти) йўли билан илм ўрганишнинг охириги, якуний хулосаси, У чексиз, бениҳоя. Ана шу Худонинг Олий Шахсига шон шарафлар бўлсин!

25. Тимсоҳнинг ҳамласидан қутулганимдан кейин мен бу дунёда мутлақо яшашни истамайман. Ҳам ташқарисидан, ҳам ичидан ғофиллик ботқоғига ботган филнинг танасида яшашдан нима фойда? Мен ғофиллик гунаси қобиғидан мангу озодликка чиқишни истаيمان. Бу қобиқ вақт ўтиши билан замон таъсири остида ўз-ўзидан яқсон бўлиб кетмайди. 26. Ҳозир, дунёвий ҳаётдан биратўла халос бўлиш ниятида мен, оламнинг яратувчиси, Ўзи борлиқнинг қиёфаси бўлган ва шунга қарамай, айни пайтда бу мавжуд борлиққа

нисбатан илохий табиатга эга бўлган Худонинг Олий Шахсига чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. У бу дунёдаги ҳамма нарсани мукамал билувчи Зот, оламнинг Олий Рухидир. У ҳамма нарсдан устун бўлган, туғилмаган ягона Парвардигордир. Мен Унга чуқур эҳтиром билан сажда қиламан.

27. Мен қалби ўзларининг кармали фаолияти оқибатларидан бхакти-йога ёрдамида биратўла халос бўлган комил сеҳргарлар бутунлай покланганида, ўзларининг қалбида кўра оладиган барча сеҳрли йогалар Устозига, Олий Рухга, Худои Таолога чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. 28. Эй азиз Худойим, Сен қувватнинг уч сифатидаги қудратли кучни бошқарувчи ягона Зотсан. Сен барча ҳиссий лаззатлар манбаи сифатида пайдо бўласан ва ўз ихтиёрини Сенга топширган руҳларнинг ҳимоячисан. Сен чексиз қудрат эгасан, аммо ўз ҳиссиётини бошқара олмайдиган зотлар Сени англаб етолмайдилар. Мен чуқур эҳтиром билан Сенга тақрор ва тақрор сажда қиламан.

29. Сенинг қувватинг ёрдамида жива, яъни Худонинг ажралмас бир заррачаси бўлган тирик мавжудот ҳаёт ҳақида танаси нуқтаи-назаридан қараб, моддий тасаввурга эга бўлиб, ҳақиқий ўзлигини эсидан чиқариб юборади. Мен Сенга чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. Мен шон-шухратини англаш қийин бўлган Худонинг Олий Шахсидан ўзимга паноҳ излайман”.

30. Оғир аҳволда қолиб Ўзига самимий илтижолар қилаётган Гажендрани кўриб, ҳамма жойда мавжуд бўлган Худонинг Олий Шахси шу заҳотиёқ Ўзига илтижо қилаётган фаришталар билан бирга шу ерда пайдо бўлди. Қўлида Сударшана халқасини ва бошқа қуролларини олиб, Гаруданинг елкасида яшин тезлигида учиб, Парвардигор Ўз хоҳиши билан филнинг олдида пайдо бўлди. 32. Гажендра сувнинг ичида тимсоҳнинг бешафқат исканжасига тушиб, қаттиқ изтироб чекарди, аммо у Гаруданинг елкасида кўлига халқа ушлаб келаётган Парвардигор Нарайанага кўзи тушган заҳоти, оғир изтиробдан қаттиқ қийналиб бўлса ҳам, хартуми билан битта нилуфар гулини олди ва шундай деб хитоб қилди: “Эй азиз Худойим, эй олампаноҳ, эй Худонинг Олий Шахси, мен чуқур эҳтиром билан Сенга сажда қиламан”.

33. Шундан сўнг, Гажендрани мана шундай ачинарли аҳволда кўриб, туғилиш нималигини билмайдиган мангу Зот, Худонинг Олий Шахси Хари, Гаруданинг елкасидан сакраб тушиб, чексиз марҳамат кўрсатиб филлар шоҳини тимсоҳ билан бирга сувдан кирғокқа олиб чиқди. Кейин, барча фаришталарнинг кўзи олдида халқаси билан тимсоҳнинг қалласини танасидан жудо қилди

Тўртинчи боб.

Гажендранинг руҳий оламга қайтиб бориши.

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: “Парвардигор филлар шоҳи Гажендрани қутқарганида, Тангри Брахма ва Шива бошлиқ барча фаришталар, донишмандлар ва гандҳарвалар Худонинг Олий Шахсининг бу ишини олқишлай бошладилар ва осмондан гуллар ёмғири ёғдириб, Парвардигорни ҳам, Гажендрани ҳам гулларга кўмиб ташладилар. 2.

Жаннатий сайёраларда караталалар жаранглай бошлади, Гандҳарвалока аҳолиси қўшиқ айтиб куйлай бошлади, буюк донишмандлар, Чараналока ва Сиддхалока аҳолиси Худонинг Олий Шахси, Пурушоттамага илтижо қила бошладилар.

3-4. Гандҳарваларнинг энг аълоси, шоҳ Хуку, Девала Мунининг қарғишига учраб тимсоҳ танасини олган эди. Энди, Худонинг Олий Шахси кўлидан озодликка эришиб, яна ўзининг аввалги ажойиб гандҳарва танасига эга бўлди. Бу иш кимнинг марҳамати билан рўй берганини тушуниб, у дарҳол чуқур эҳтиром билан бош эгиб, ажойиб кўшиқларда мадҳия этиладиган, энг олий даражада мангу, илохий Парвардигорга чуқур ҳурмат эҳтиром кўрсатиб, муносиб илтижо билан мурожаат қила бошлади. 5. Худонинг Олий Шахсининг бесабаб марҳаматига сазовор бўлиб, ўзининг аввалги танасига эга бўлган шоҳ Хуку Парвардигорнинг атрофини айланиб ўтди ва Унга сажда қилди. Кейин, Тангри Брахма бошлиқ барча фаришталар иштирокида у Гандҳарвалокага қайтиб кетди. У ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай халос бўлган эди.

6. Худонинг Олий Шахсининг бевосита қўли теккани туфайли филлар шоҳи Гажендра барча моддий иллатлардан ва моддий олам тутқунлигидан халос бўлди. Шу тариқа у озодликка чиқиб, сарупйа-муктига, яъни Парвардигор билан бир хил танага эга бўлди: энди унинг тўрт қўли бўлиб, ажойиб сариқ либосларга ўраниб олган эди. 7. Гажендра аввалги ҳаётида вайшнав бўлиб, Пандйя деган мамлакатнинг шоҳи эди. Бу мамлакат Дравида вилоятида жойлашган (Жанубий Ҳиндистон). Аввалги ҳаётида у Индрадюмна Махараж деган машҳур шоҳ эди. 8. Индрадюмна Махараж оилавий ҳаётни тарк этиб, Малайи тоғига йўл олди ва шу ерда ўзига ашрам қилиш учун кичкина қулба солди. У қаттиқ риёзатларга берилиб, соч-соқолини ўстириб юрарди. Бир куни у гапирмасликка муқаддас қасам ичиб, Худои Таолога сиғиниш билан бутунлай банд бўлиб, қалбида Худого бўлган муҳаббат туйғусидан лаззатланиб ўтирарди. 9. Индрадюмна Махараж Худонинг Олий Шахсига сиғиниб, жазавали муроқабага берилиб ўтирар экан, унинг олдида ўзининг шогирдлари билан бирга буюк донишманд Агастйя Муни келди. Хилват жойда, ўзининг муқаддас қасамларига амал қилиб, жазавали илохий муҳаббат лаззатига фарқ бўлиб ўтирган Индрадюмна Махараж ҳатто одоб юзасидан бўлса ҳам ўзига таъзим қилмаганини кўриб, Агастйя Мунининг қаттиқ жаҳли чиқди.

10. Агастйя Муни шоҳга қараб, уни шундай сўзлар билан дуои-бад қилди: “Бу шоҳ Индрадюмна одоб нималигини билмай қолибди. Ўзи пасткаш ва таълим-тарбиясиз бўлган ҳолда у браҳманни ҳақорат қилди. Шунинг учун у энди ғофиллик зулматида фарқ бўлиб, индамас, бефаросат фил танасига эга бўлсин!”

11-12. Шукадева Госвами давом этди: “Эй азиз шаҳаншоҳ, шоҳ Индрадюмнани шундай дуои-бад қилиб, Агастйя Муни шогирдлари билан бирга бу ерни тарк этди. Шоҳ Худонинг содиғи бўлгани учун, Агастйя Мунининг қарғишини ўзига кўрсатилган буюк марҳамат деб қабул қилди, чунки бу - Худонинг Олий Шахсининг истағи эди. Шунинг учун, гарчи кейинги танасида у фил танасини олган бўлса ҳам, аввалги ҳаётида Худого садоқат билан хизмат қилгани шарофати билан Парвардигорга қандай сиғиниш ва

илтижо қилиш усулларини эсида сақлаб қолган эди. 13. Филлар шохини тимсоҳнинг ҳамласидан ва тимсоҳга ўхшайдиган бу моддий олам туткунлигидан озодликка чиқариб, Парвардигор унга сарупйа-мукти ато этди. Гандҳарвалар, Сиддхалар ва илоҳий кароматлари учун Парвардигорга ҳамда-санолар айтиб турган бошқа фаришталарнинг кўзи олдида, Парвардигор Гаруданинг елкасига ўтириб, Гажендрани ҳам Ўзи билан бирга олиб, ҳар жиҳатдан ғаройиб бўлган Ўзининг мангу илоҳий даргоҳига йўл олди.

14. Эй азиз шаҳаншоҳ Парикшит, мен сенга филлар шохини кутқараётганда Парвардигор Кришна намён этган ғаройиб қудратни таърифлаб бердим. Эй Курулар хонадонининг аъло фарзанди, мана шу ҳикояни чуқур ишонч ва иймон билан тинглаган одам энг олий сайёраларга кўтарилишга муносиб инсон бўлади. Бу илоҳий ҳикояни чуқур ишонч билан тинглаган ҳар қандай одам Худонинг соф содиқ хизматкори даражасига кўтарилади, Кали-юга иллатига ботиб қолмайди ва ҳеч қачон ёмон туш кўрмайди. 15. Шунинг учун, эрталаб уйқудан уйғонгандан кейин, ҳақиқий бахт-саодатга интилаётган одамлар - айниқса браҳманлар, кшатрийлар, вайшйалар, шу жумладан вайшна-браҳманлар ёмон тушлар таъсиридан халос бўлиш учун мана шу ҳикояни мазмунини ўзгартирмасдан такрорлаши лозим.

16. Эй Курулар авлодининг аълоси, Худонинг Олий Шахси, ҳар кимнинг Олий Руҳи, ғоят мамнун бўлиб Гажендрага мурожаат қилди ва шу ердагиларнинг иштирокида уни дуо қилди.

17-24. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Туннинг охирида, эрта тонгда ўрнидан туриб, ақлу-тафаккурини диққат эътибор билан Менинг киёфамда, сенинг киёфангда, мана шу кўлда, мана шу тоғда, ғорларда, боғларда, қамишзорда, бамбукзорда, самовий дарахтларда, Менинг даргоҳимда, Тангри Браҳма ва Тангри Шивада, Трикута тоғининг олтин, қумуш ва темирдан бўлган уч чўққисиди, Менинг энг ёқимли маконим(Сут уммони)да, оқ оролда, хамиша рухий нур таратиб турадиган Шветадвипада, Менинг Шриватса белгимда, қимматбаҳо тош Каустубҳада, Менинг гулчамбарим Вайджайантида, Менинг гурзим Каумодакада, халқам Сударшанада ва илоҳий сурим Панчаджанйада, Мени олиб юрадиган кушлар шохи Гарудада, Менинг тўшагим Шеша Нагада, Менинг қувватимнинг экспансияси бўлган - равнақ фариштасида, Тангри Браҳмада, Нарада Мунида, Тангри Шивада, Прахлад Махаражда, Матсйа, Курма, Вараха сингари Менинг киёфаларимда, тинглаган одамларга иймон ато этадиган Менинг чексиз саодат келтирувчи кароматларимда, Қуёшда, Ойда, оловда, омқара мантрасида, Мутлак Ҳақиқатда, мужассам моддий қувватда, сигир ва браҳманларда, Худога садоқат билан хизмат қилишда, Сомада, айни пайтда шох Дакшанинг қизлари бўлган Кашйапанинг хотинларида, Ганга, Сарасвати, Нанда ва Йамуна(Калинди) дарёларида, фил Айраватада, Дхрува Махаражда, етти риши(донишманд)да ва олийжаноб такводор инсонларда мужассам қилган одамлар - барча қилган гуноҳлари оқибатидан халос бўлиб ҳақиқий озодликка чиққан инсонлардир.

25. Эй Менинг азиз содиқ хизматкорим, тун охирида, эрта тонгда туриб, сен тиловат қилган илтижоларни такрорлаб ҳар куни Менга мурожаат

қилиб юрган одамга ҳозирги умрининг охирида Менинг мангу рухий даргоҳимга эришиш имконини бераман.

26. Шри Шукадева Госвами шундай деди: “Хришикеша номи билан машҳур Парвардигор шундай насиҳатлар бериб, Ўзининг Панчажанйа сурини чалиб, Тангри Браҳма бошлиқ барча фаришталарнинг қалбини қувончга тўлдирди. Кейин У Гаруданинг елкасига ўтирди.

Бешинчи боб.

Фаришталарнинг Парвардигордан нажот ва паноҳ тилаб қилган илтижолари.

1. Шукадева Госвами давом этди: “Эй шох, мен сенга диққат билан тинглаган инсон учун энг яхши буюк бахт-саодат келтирадиган “Гажендра-моқшана” ҳикоясини гапириб бердим. Парвардигорнинг ана шундай кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юрган ҳар қандай одам ҳам ўзи содир қилган гуноҳ ишлари оқибатидан халос бўла олади. Энди эса, мен сенга Раивата Мануни таърифлаб бераман.

2. Тамаса Манунинг Раивата деган акаси бешинчи Ману бўлди. Унинг тўнғич ўғилларини Аржун, Бали ва Виндхйа деб атар эдилар. 3. Эй шох, Раивата Ману даврида Осмон шоҳи Вибху номи билан машҳур эди. Фаришталар орасида машҳури Бхугарайи, етти сайёрани бошқараётган етти донишманд Хиранийарома, Ведашира ҳамда Урдхвабаху ва бошқалар эди. 4. Шубхра билан хотини Викунтхадан Ўзининг шахсий экспансиялари бўлган фаришталар билан бирга Худонинг Олий Шахси Вайкунтха дунёга келди. 5. Равнақ фариштасига қувонч бағишлаш учун Худонинг Олий Шахси бўлган Вайкунтха унинг илтимоси билан яна битта Вайкунтха сайёрасини барпо этди, бу сайёрани ҳамма ҳурмат қилади.

6. Худонинг Олий Шахсининг ҳар хил киёфаларда намён бўлган шахсий (аватара)кўринишларининг намоиш этган буюк кароматлари ва уларнинг илоҳий сифатлари муқаддас китобларда ажойиб таърифланган бўлса ҳам, баъзан биз уларни тушуниб етишга қодир бўлмаймиз. Лекин, Парвардигор Вишну ҳамма нарсага қодир. Мабодо кимдир коинотдаги барча атомлар сонини санашга қодир бўлса, у Худонинг Олий Шахсининг сифатларини санашга ҳам қодир бўларди. Лекин ҳеч ким коинотдаги барча атомлар сонини билмайди, худди шундай, ҳеч ким Парвардигорнинг сифатларини таърифлаб ниҳоясига етолмайди.

7. Чакшуша Ману номи билан машҳур бўлган олтинчи Ману Чакшунинг ўғли эди. Унинг жуда кўп ўғиллари бор эди. Уларнинг тўнғичлари - Пуру, Пуруша ва Судйумна. 8. Чакшуша Манунинг ҳукмронлик даврида Осмон шоҳи Мантрадрума номи билан шухрат қозонган эди. Фаришталар орасида машҳури Апйа, етти донишманднинг сардори Хавишман ва Вирака бўлган.

9. Манвантаранинг мана шу олтинчи даврида оламнинг ҳукмдори Парвардигор Вишну Ўзининг тўлиқ бўлмаган экспансиясида бу дунёга келди. У Ваираджа ва унинг хотини Девасамбхутанинг ўғли бўлиб туғилди, Унга Аджити деб исм қўйдилар. 10. Сут уммонини чайиб, Аджити фаришталар учун мангулик шарбатини чиқариб берди. Тошбақа киёфасида у елкасида Мандара деган машҳур Тоғни кўтариб, ҳар ерга бориб юрарди”.

11-12. Шоҳ Парикшит шундай деди: “Эй буюк браҳман Шукадева Госвами, Парвардигор Вишну нимага ва қандай қилиб сут уммонини чайқади? Нима сабабдан у сувда тошбақа қиёфасида қолиб, елкасида Мандара тоғини олиб юрди? Фаришталар қандай қилиб мангулик шарбатини олдилар, океанни чайиш пайтида яна нималар пайдо бўлди? Илтимос, Парвардигорнинг мана шу хайратли ишларининг барчасини бизларга гапириб бер! 13. Дунёвий ҳаётнинг уч турли оғир азобларидан ҳафсаласи пир бўлган қалбим Худонинг Олий Шахси, барча содиқларнинг севимли ҳукмдори бўлган Парвардигор ҳақидаги сен гапириб бераётган шарафли ҳикояларини тинглаб сира тўймапти”.

14. Шри Сута Госвами шундай деди: “Эй, мана шу Наимишаранйя ўрмонида тўпланган билимдон браҳманлар, Дваипайананинг ўғли Шукадева Госвами бу саволларни эшитиб, шоҳни олқишлади ва Худонинг Олий Шахсини ажойиб равишда таърифлашда давом этди”.

15-16. Шукадева Госвами шундай деди: “Асурлар ўзларининг илонсифат қуроллари билан жангда фаришталарга ҳамла қилганида фаришталарнинг кўплари жароҳатланиб жон топширдилар. Аслини олганда улар соғлигини қайта тиклай олмадилар. Эй шоҳ, фаришталар Дурваса Мунининг қарғишига учраган эдилар. Шу боис бутун уч олам аҳли таназзулга юз тутган, Худога сиғиниш маросимлари ўтказилмай қолган эди. Бундай ҳолатнинг оқибатлари жуда ҳалокатли эди.

17-18. Тангри Индра, Варуна ва бошқа фаришталар уларнинг ҳаётини ана шундай ачинарли аҳволда кўриб, ўзаро маслаҳатлашиб, биргаликда Сумера тоғининг чўққисига йўл олдилар. Шу ерда, Тангри Браҳманинг саройида улар Тангри Браҳмага сажда қилиб бош эгдилар, кейин унга бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммасини гапириб бердилар. 19-20. Фаришталар ўзларининг барча бойликларидан, куч-қудратидан махрум бўлганини, шу боис бутун уч олам аҳли эзгулик йўлидан қайтиб бораётганини, фаришталарнинг жуда қийин аҳволга тушиб қолганини, айни пайтда худосиз иблисларнинг гуллаб-яшнаётганини кўриб, барча фаришталардан устун турувчи ва энг қудратли фаришта Тангри Браҳма, ақлу-хаёлини Худонинг Олий Шахсида мужассам қилди. Шу тариқа Худодан илҳом олиб, унинг юзлари ёришиб кетди ва фаришталарга гапира бошлади.

21. Тангри Браҳма шундай деди: “Мен, Тангри Шива, сиз фаришталар, иблислар, тердан дунёга келадиган, тухумдан туғиладиган тирик мавжудотлар, дарахт ва ўсимликлар ҳамда она қорнидан туғиладиган тирик мавжудотларнинг барчаси Худои Таолодан, Унинг *раджа-гуна* қиёфасидан(гуна-аватара - Тангри Браҳмадан) ва менинг таркибий қисмларим бўлган буюк донишманд(риши)лардан дунёга келгансизлар. Шундай экан, юринглар, Худои Таолонинг олдига бориб, Унинг нилуфар қадамлари пойидан нажот тилаймиз. 22. Худонинг Олий Шахсининг нуқтаи-назаридида ҳеч ким ўлдирилмайди, ҳеч ким - ҳимоя қилинмайди, ҳеч ким эътибордан четда қолмайди, ҳеч ким - алоҳида эътиборга эга бўлмайди. У ҳар хил қиёфаларга кириб, гоҳ эзгулик гунасида, гоҳ эхтирос гунасида ёки ғафлат гунасида намоён бўлади. 23. Ҳозир моддий тана олган барча тирик мавжудотларни эзгулик гунаси ўзига жалб этадиган пайт келди. Эзгулик гунаси оламнинг мавжудлигини таъминлаб турган Худои

Таолонинг ҳукмронлигини ўрнатиш учун мўлжалланган. Шунинг учун ҳозир паноҳ сўраб Худонинг Олий Шахсига мурожаат қилиш учун айни кулай пайт. Ўзининг табиатига кўра жуда меҳрибон бўлгани учун У шубҳасиз бизларга тенгсиз омад тухфа этади”.

24. Эй Махараж Парикшит, эй душманлар ғолиби, Тангри Браҳма фаришталарга шу гапларни айтиб бўлгандан кейин, улар билан бирга бу моддий оламдан юқорида жойлашган Худонинг Олий Шахсининг илохий даргоҳига йўл олдилар. Худонинг даргоҳи сут уммонидаги Шветадвипа деган оролда жойлашган. 25. Шу жойда(Шветадвипада), Тангри Браҳма гарчи ҳеч қачон Худои Таолони кўрмаган бўлса ҳам, Худонинг Олий Шахсига илтижо қила бошлади. Тангри Браҳма Худонинг Олий Шахси ҳақида Ведавий муқаддас китоблардан билгани учун, бутун ақлу-хаёлини мужассам қилиб, Парвардигорга Ведавий муқаддас китобларда ёзилгандай ёки уларда маъқуллангандай усуллар билан илтижо қилди.

26. Тангри Браҳма шундай деди: “Эй азиз Худойим, эй ўзгармас, бениҳоя Олий Ҳақиқат. Сен - бутун борлиқнинг манбаисан. Ҳамма жойга сингиб кетган ҳолда Сен ҳар кимнинг қалбида ҳам, ҳар бир атомда ҳам мавжудсан. Сен моддий сифатларга эга эмассан. Аслида Сени тўлиқ англаб етишнинг иложи йўқ. Инсон ўзининг ақли ёрдамида фикр юритиш билан Сени англай олмайди, Сени таърифлашга тил ожизлик қилади. Сен - ҳар кимнинг Олий Ҳукмдорисан, шу боис ҳар бир одам муносиб ҳурмат қилиши лозим бўлган Зот Сен Ўзингсан. Биз Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгамиз. 27. Худонинг Олий Шахси бевосита ва билвосита ҳамма нарсани, шу жумладан ҳаёт бағишловчи куч, ақл ва тафаккурни ҳам Ўзи тўла назорати остида сақлар экан, уларнинг қандай ҳаракат қилишини яхши билади. У - ҳамма нарсани ёритувчи ва ғофиллик зулматидан пок Зотдир. У моддий танага Ўзининг аввалги қилган ишлари оқибатида эга бўлмайди, Унда моддий дунёқарашлардан ва ғофиллик таъсиридаги эҳтирослардан асар ҳам йўқ. Шунинг учун мен хамиша барҳаёт, ҳамма жойга сингиб кетган ва осмон каби улғувор, уч юга(Сатйа, Трета ва Двапара-юга)да оламда барча олти хил мукамаллик соҳиби кўринишида намоён бўладиган Худои Таолонинг нилуфар қадамлари пойидан нажот истайман.

28. Дунёвий фаолият кўрсатиш жараёнида тирик мавжудотнинг моддий танаси ақл аравасининг ғилдирагага ўхшайди. Танадаги ўн ҳиссиёт(бештаси - ҳаракат учун, бештаси - сезиш, ахборот, илм олиш учун) ва ҳаёт бағишловчи беш ҳаво оқими араванинг ғилдирагининг ўн беш кегайдир. Табиатнинг уч гунаси - унинг фаолият маркази. Моддий табиатнинг саккиз таркибий қисми(ер, сув, олов, ҳаво, осмон, ақл, тафаккур ва сохта ўзлик) ғилдирак айланасини қоплаб туради. Ташқи моддий қувват бу ғилдиракни худди электр қувватидай айлантириб туради. Шундай қилиб, ғилдирак ўзининг ўқи - Худонинг Олий Шахси, яқиний ҳақиқат ва Олий руҳ бўлган Худои Таоло атрофида жуда тез айланиб туради. Биз ана шу Худои Таолога чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз.

29. Худонинг Олий Шахси соф эзгулик(*шуддха-саттва*)дан иборат, шу боис У *эка-варна-олкара(пранава)* ҳисобланади. Худои Таоло қоронғу зулмат ҳисобланган бу моддий космик оламдан ташқарида бўлгани туфайли, Уни моддий кўзлар билан

кўришнинг иложи йўқ. Шунга қарамай, У биздан вақт ёки фазо жиҳатдан ажралган эмас, У ҳамма ерда мавжуд. Ўзини олиб юрадиган Гаруданинг елкасида ўтиради, дунёвий эҳтирослардан озод бўлган зотлар Парвардигорнинг шу ҳолатида сеҳрли йога кучи ёрдамида Унга эҳтиром кўрсатадилар. Келинлар, барчамиз Унга чуқур эҳтиром билан сажда қилайлик!

30. Худонинг Олий Шахсининг алдамчи қуввати(майя)ни ҳеч ким енгишга қодир эмас. Майя шу қадар қудратлики, у ҳар қандай одамни ҳам алдаб, адаштириб, ҳаётда яшашдан мақсадини тушуниш қобилиятидан маҳрум қилади. Лекин ана шу майяни ҳар бир одамни бошқариб турган ва ҳар бир тирик мавжудотга бир хил муносабатда бўладиган Худонинг Олий Шахси бемалол енгишга қодир. Ана шу Парвардигорга эҳтиром билан сажда қилайлик!

31. Бизларнинг танамиз саттва-гунадан таркиб топгани сабабли биз фаришталар ичкаридан ҳам, ташқаридан ҳам эзгулик гунаси таъсирида яшаймиз. Барча буюк авлиё зотлар ҳам шундай. Шундай экан, ҳатто бизлар ҳам Худонинг Олий Шахсини англаб ета олмасак, эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида бўлган таналарга мужжасам бўлган тирик зотлар ҳақида нима дейиш мумкин? Улар қандай қилиб Худои Таолони англай оладилар? Ана шу Парвардигорга барчамиз эҳтиром билан сажда қилайлик!

32. Мана шу ерда Худои Таоло яратган тирик мавжудотларнинг тўрт тури бор. Моддий олам Унинг нилуфар қадамлари пойида жойлашган. У - бойлик ва қудратга тўла буюк Олий Шахс. Илоё ана шу Олий Зот биздан мамнун бўлсин! 33. Бутун моддий борлик сувдан пайдо бўлган, сувнинг мавжудлиги шарофати билан барча тирик мавжудотлар тирикчилик қилиб, яшаб ривожланадилар. Мана шу сув Худонинг Олий Шахсининг уруғлигидан бошқа нарса эмас. Ана шундай чексиз яратиш қудратига эга бўлган Худонинг Олий Шахси биздан рози бўлсин!

35. Қурбонлик маросимларида эҳсон қилинадиган нарсаларни қабул қиладиган олов Худонинг Олий Шахсининг оғзи ҳисобланади. Океан қаърида ҳам қазилма бойлик - маъданларни яратадиган олов мавжуд, тирик мавжудотлар ошқозонида ҳам овқат хазм қилиш олови мавжуд, тананинг мавжудлигини таъминлаб туриш учун зарур бўлган бошқа унсурлар ҳам олов ёрдамида ишлаб чиқарилади. Ана шу олий даражадаги қудратли Худо Шахси биздан рози бўлсин! 36. Куёш фариштаси *арчиради-вартма* деб аталадиган озодлик йўлини белгилаб қўйган. Куёш худоси - Ведалар илмини тушуниб олиш имконини берадиган асосий манба, у - Мутлақ Ҳақиқатга сиғиниш лозим бўлган даргоҳ, у - бизни озодликка олиб чиқа оладиган дарвоза, у - мангу ҳаёт манбаи ва ажалнинг сабабчиси. Куёш фариштаси - Худои Таолонинг кўзидир. Ана шу тенгсиз бойликка эга бўлган Худои Таоло биздан рози бўлсин!

37. Барча кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотлар ўзларининг ҳаётий кучини, жисмоний кучини ва ўз ҳаётини хаводан оладилар. Худди хизматкорлар шаҳаншоҳ изидан борганлари сингари, биз ҳам ҳаёт кучига эга бўлиш учун ҳавога бўйсунамиз. Ҳавонинг ҳаёт кучи Худонинг Олий Шахсининг азалий, бошланғич ҳаёт кучидан келиб чиқади. Ана шу Худонинг Олий Шахси биздан рози бўлсин! 38. Олий даражада қудратли бўлган Худонинг Олий Шахси биздан рози бўлсин! Ҳар хил йўналишлар Унинг

кўзларидан, танадаги ҳар хил ўйиқлар Унинг юрагидан, ҳаёт кучи, ҳиссиётлар, ақл, тананинг ичидаги ҳаво оқимлари ва тананинг макони бўлган эфир Унинг киндигидан пайдо бўлган. 39. Осмон шоҳи, Махендра Парвардигорнинг жасоратидан, фаришталар Парвардигорнинг марҳаматидан, Тангри Шива Парвардигорнинг ғазабидан, Тангри Брахма Унинг сокин, сергак тафаккуридан пайдо бўлган. Ведавий мантралар Парвардигорнинг танасидаги ўйиқлардан пайдо бўлган, буюк авлиё донишмандлар ва праджапатилар Унинг жинсий аъзосидан пайдо бўлган. Ана шу чексиз қудратли Парвардигор биздан рози бўлсин!

40. Равнак фариштаси Унинг кўксидан пайдо бўлган, Питрилока аҳолиси - Унинг соясидан, диний қонун-қоидалар - Унинг юрагидан, худосизлик эса - Унинг елкасидан пайдо бўлган. Самовий сайёралар Унинг калласининг юқори қисмидан, Апсаралар эса - Унинг ҳиссий лаззатларидан пайдо бўлган. Олий даражада қудратли бўлган ана шу Парвардигор биздан рози бўлсин!

41. Брахманлар ҳамда Ведалар илми Худонинг Олий Шахсининг оғзидан, кшатрийлар ва жисмоний куч Унинг қўлларидан, вайшйалар, бойлик келтирадиган хунармандлик илми ва бойлик Унинг сонидан, Ведавий илмдан ташқарида бўлган шудралар Унинг қадамлари пойидан пайдо бўлганлар. Жасорат кўрсатишда мукамал бўлган ана шу Худонинг Олий Шахси биздан рози бўлсин!

42. Очкўзлик Унинг пастки лабидан, боғланиш - Унинг юқори лабидан, тананинг нурафшонлиги, жозибадорлиги - Унинг бурнидан, ҳайвоний шахвоний эҳтирослар - Унинг тана сезгиларидан, Йамараджа - Унинг қошидан, мангу замон - Унинг киприкларидан бунёд бўлган. Ана шу Худои Таоло биздан рози бўлсин! 43. Барча билимдон олимлар тасдиқлайдиларки, беш моддий унсур, мангу замон, кармали(оқибат келтирадиган) фаолият, моддий табиат гуналари ва мана шу гуналар келтириб чиқарадиган ранг-барангликнинг барчасини *йогамайа* яратган. Шунинг учун бу моддий оламни тушуниш жуда қийин, аммо, мукамал илмга эга бўлган зотлар уни инкор эта оладилар. Ҳамма нарсани назорат қилиб турган ана шу Парвардигор биздан рози бўлсин!

44. Ҳамиша осойишта, ором олиб ётадиган, ташвиш, уринишлардан бутунлай пок ва ҳамиша Ўзининг ҳолатидан тўла мамнун бўлган ана шу Худонинг Олий Шахсига чуқур эҳтиром билан сажда қилайлик. У Ўзининг ҳиссиётлари билан моддий оламнинг фаолиятига боғланиб қолмаган. Аслида моддий оламда Ўзининг эрмакларини ўтказар экан, У худди ҳеч нарса юкмайдиган ҳавога ўхшайди. 45. Эй Худонинг Олий Шахси, биз ўзимизни бутунлай Сенга топширдик, биз Сени кўришни истаймиз. Илтимос, Ўзининг азалий киёфангни ва кулиб турган нилуфар юзингни бизларнинг кўзимиз кўра оладиган ва бошқа сезги аъзоларимиз сеза оладиган қил!

46. Эй Парвардигор, эй Худонинг Олий Шахси, Ўзининг ширин амру-ироданг билан Сен минг-минг йиллар оша ҳар хил киёфаларда намоён бўласан ва бизлар қодир бўлмаган ҳар хил хайратли фаолият билан машғул бўлиб, турли қароматлар кўрсатасан! 47. Кармилар ҳамиша ҳиссий лаззатларга берилиш имкониятига эга бўлиш учун бойлик орттириш билан банд, аммо ниятига эришиш учун улар меҳнат

килишлари лозим. Лекин улар шунча оғир меҳнат қилсалар ҳам, меҳнатининг натижалари уларни каноатлантирмайди. Аслида уларнинг барча қилган меҳнатлари бутунлай бекорга кетади. Аммо умрини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган содиқлар оғир меҳнат қилмасдан ҳам юксак натижаларга эришадилар. Содиқларнинг ҳаётда эришадиган натижалари ҳатто улар ўзлари кутганидан ҳам ортиқча бўлади. 48. Худонинг Олий Шахсига бағишланган фаолият, агар жуда озгина бўлса ҳам, ҳеч қачон натижасиз қолмайди. Худонинг Олий Шахси, барчанинг олий Отаси бўлган ҳолда, ҳамиша жуда азиз, кадрли ва тирик мавжудотларнинг бахт-саодати учун ҳаракат қилишга ҳамиша тайёр.

49. Дарахтнинг илдизига биров сув қуйса, дарахтнинг танаси, шоха ва барглари ҳам озиқланади. Худди шундай, қачон бирор одам Парвардигор Вишнунинг содиқ хизматкори бўлса, бундан ҳамма бахтиёр бўлади, чунки Парвардигор ҳар кимнинг қалбидаги Олий Рухдир. 50. Эй азиз Худойим, ҳамиша мангу, ўтмиш, ҳозир ва келажак чегараларига нисбатан илоҳий бўлган Сенга чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз. Сенинг ишларингни англаб бўлмайди, Сен - моддий табиат гуналарининг ҳукмдорисан, барча моддий сифатларга нисбатан илоҳий бўлган ҳолда Сен ҳар қандай моддий иллатлардан бутунлай поксан. Сен - моддий табиатнинг барча уч гунасининг ҳукмдорисан, аммо, ҳозир Сен эзгулик сифатига ҳомийлик қиляпсан. Бизга Сенинг олиндида чуқур эҳтиром билан сажда қилишга рухсат бер!

Олтинчи боб.

Фаришталар иблислар билан тинчлик битими тузадилар.

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: - Эй шох Парикшит, Худонинг Олий Шахси, Тангри Брахма ва бошқа фаришталар илтижо қилган Парвардигор Хари, шу тарзда уларнинг олдида намоён бўлди. Унинг илоҳий танасидан таралаётган ёғдунинг кучи осмонда бирданига чарақлаб турган минг қуёшни эслатарди. 2. Парвардигорнинг сиймосидан таралаётган кучли ёғду таъсирида фаришталарнинг кўзлари қамшиб кетди. Шу тарзда улар на осмонни, на теварак-атрофини, на ерни ва на ҳатто ўзларини кўролмасдилар. Шундай экан улар кўз олдида турган Парвардигорни қаердан кўра олардилар? 3-7. Тангри Брахма ва Тангри Шива Худонинг Олий Шахсининг беғубор пок илоҳий танасининг гўзаллигига маҳлиё бўлиб турардилар; Унинг қорамтир танаси қимматбаҳо *мараката* тошини эслатар, кўзлари нилуфар гулининг қизғиш рангида, устида эриган олтин рангидай сариқ либоси бўлиб, жуда чиройли безанган эди. Улар Парвардигорнинг ғаройиб, қимматбаҳо тошлар билан безанган тожи тагида кулиб турган, нилуфарсимон жамолини маҳлиё бўлганча томоша қилиб турардилар. Парвардигорнинг қошлари гўзал, ёноқларида чиройли исирға кўриниб турарди. Тангри Брахма ва Тангри Шива Парвардигорнинг белидаги камарини, қўлларидagi билагузукларини, кўксидаги маржон тошини, оёқларидаги қўнғирокчаларига маҳлиё бўлиб турардилар. Парвардигор янги гуллардан ясалган гулчамбар осиб олган, Унинг бўйнида қимматбаҳо

Каустубха тоши осилган, ёнида равақ фариштасини ҳамда Ўзининг халқа, гурзиси сингари шахсий курулларини олиб юрарди. Тангри Брахма ва Тангри Шива фаришталар билан биргаликда Худои Таолонинг илоҳий қиёфасини кўрган заҳоти чуқур эҳтиром билан сажда қилиш учун ерга йиқилдилар.

8. Тангри Брахма шундай деди: “Эй азиз Худойим, гарчи Сен ҳеч қачон туғилмаган бўлсанг ҳам, Сенинг ҳар хил кўриниш ва қиёфаларда намоён бўлиб яна йўқолиб кетишларинг сира адо бўлмайди. Сен моддий сифатлардан ҳамиша поксан, Сен - уммондай чексиз илоҳий бахт маконисан. Ўзининг илоҳий қиёфангга мангу қолган ҳолда, Сен энг нафис, сезилмас, энг нозик нарсалардан ҳам нозикроқсан. Шунинг учун биз Сенга, борлигини ҳеч ким англай олмайдиган Худои Таолога чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз. 9. Эй барча шахслар ичида энг аъло Зот, эй олий ҳукмдор, ҳаётда ҳақиқатан ҳам энг юксак омадга интилаётган одамлар Ведавий тантраларга асосан Сенинг мана шу шахсий қиёфангга сажда қиладилар. Эй Парвардигор, биз Сенинг бу қиёфангга бутун уч оламни яққол кўриб турибмиз. 10. Эй азиз Худойим, Сен ҳамиша мутлақо мустақилсан, мавжуд бутун борлиқ Сендан пайдо бўлган, Сенда жойлашган ва Сенда тамом бўлади. Худди кўзанинг пайдо бўлишининг сабабчиси ҳам, унинг мавжудлигини таъминлаб турган ҳам Ер бўлган ҳолда, кўза синиб, парчаланиб кетганда яна шу Ерга кўшилиб кетгани сингари, Сен ҳам бутун борлиқнинг аввали, мавжудлигини таъминлаб турувчи ҳозирги пайти ҳамда охирига нажот маконисан.

11. Эй азиз Худойим, Сен мутлақо мустақилсан ва бошқа бирор зотнинг ёрдамига муҳтож эмассан. Ўз қудратинг билан Сен бу фазовий борлиқ(қоинот)ни яратасан ва унинг ичига кирасан. Кришнани англаб етишда юксалишга эришган, ишонарли муқаддас китоблардан мукамал илм ўрганган ва бхакти-йога ёрдамида барча моддий иллатлардан бутунлай покланган зотлар ўзларининг пок ақллари билан кўрадиларки, гарчи Сен табиатнинг моддий сифатлари таркибида иштирок этаётган бўлсанг ҳам, барибир Сенга бу сифатлар умуман таъсир қилмайди. 12. Худди ҳар бир одам ўтиндан олов, соғин сигирнинг елинидан сут, ердан сув ва экин, саноат корхонасидан ўзининг дунёвий ишларида равақ топа олгани сингари, ҳатто бу моддий оламда ҳам бхакти-йога билан шўғулланиш ёрдамида ҳар бир одам Сенинг марҳаматингга эриша олади, яъни Сенга яқинлаша олади. Барча такводор зотлар мана шу ҳақиқатни тасдиқлайдилар.

13. Ўрмонда ёнғин ичида қолган филлар бирданига Ганга сувларига дуч келсалар ўзларини жуда бахтиёр сезадилар. Худди шундай, киндигидан нилуфар гули ўсиб чиқадиган эй азиз Худойим, Сен ҳозир бизнинг кўз олдимизда пайдо бўлганинг учун бизларнинг қалбимиз илоҳий бахтга лиммо-лим тўлиб кетди. Ўзимиз узоқ вақтдан бери орзу қилиб келган Сенинг Илоҳий улуғворлигини кўриб, биз ҳаётимизнинг охириги, якуний, энг олий мақсадига эришдик.

14. Эй азиз Худойим, биз, ҳар хил фаришталар, бу қоинотнинг ҳукмдорлари, Сенинг нилуфар қадамларинг пойига мурожаат қиламиз. Илтимос, бизлар бу ерга қандай ниятда келган бўлсак, бизларни ана шу ниятимизга етказ! Сен ҳамиша ҳам ташқаридаги, ҳам ичкаридаги ҳамма ҳодисаларнинг гувоҳисан. Сендан ҳеч нарсани яшириб қолишнинг мутлақо иложи йўқ. Шунинг учун қалбимиздаги ниятларимизнинг

хаммасини Сенга такрорлаб айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. 15. Мен(Тангри Браҳма), Тангри Шива ва Дакша сингари пражапатилар бошлиқ барча фаришталар - азалий, бошланғич олов сингари бўлган Сен ёндириб қўйган учқунлардан бошқа нарсалар эмасмиз. Агар бизлар шунчаки Сенинг бир арзимас заррачаларинг бўлсак, ўзимизнинг бахт-саодатимиз ҳақида нимани ҳам била олардик. Эй Олий Парвардигор, бизларга бошимизга тушган мусибатдан браҳман ва фаришталарга муносиб келадиган қутулиш йўлини кўрсат!"

16. Шукадева Госвами шундай деди: "Тангри Браҳма бошлиқ фаришталар шу тарзда Худои Таолога илтижо қилганларида Худои Таоло уларнинг нима мақсадда Ўзига илтижо қилаётганини дарров тушуниб етди. Шунинг учун, қўл қовуштириб сажда қилган ҳолда диққат билан кулоқ солиб турган фаришталарга худди момақалдироқ товушига ўхшаган гумбурлаган жарангдор овоз билан мурожаат қила бошлади. 17. Барча фаришталарнинг ҳукмдори бўлган Худонинг Олий Шахси барча фаришталарнинг вазифасини бир Ўзи бажаришга қодир бўлса ҳам, У океанни чайишни эрмак қилиб лаззатланишни истади. Шунинг учун У фаришталарга кўрсатмалар бера бошлади.

18. Худонинг Олий Шахси шундай деди: "Эй Тангри Браҳма, Тангри Шива ва бошқа фаришталар, Менинг гапларимга диққат билан кулоқ солинглар, Мен ҳозир сизларга катта омад келтирадиган гапларни айтаман. 19. Сизлар яна гуллаб-яшнаб, ривожланиб кетадиган фурсат этиб келгунга қадар ҳозир замон кулиб боқиб турган иблис ва асурлар билан тинчлик сулҳи тузишингиз лозим.

20. Эй фаришталар, ҳаётда ҳар ким ўзининг вазифасини бажариши шу қадар муҳим аҳамиятга эгаки, ҳаётда ўз бурчини бажариш учун одам ҳатто душмани билан ҳам дўст бўлиши мумкин. Ҳаётининг асосий мақсадига эришиш йўлида ҳар бир одам ҳаётда сичқон ва илоннинг мантикий хулосасига* асосланиб иш тутиши лозим.

21. Сизлар ҳозирнинг ўзидаёқ ҳалокатга маҳкум бўлган зотларни яна ҳаётга қайтариб, мангу барҳаёт қилишга қодир бўлган шарбат - мангулик шарбатини тайёрланглар. 22-23. Эй фаришталар, бунинг учун сут уммонига сабзавотларнинг, ўсимлик ва чирмовуқларнинг ҳамма туридан ташланглар. Кейин, иблислар билан биргаликда Мандара тоғини пишкак, илон Васукини пишкакни айлантирадиган арқон қилиб, сут уммонини диққат билан чайқанглар. Шу тарика иблислар ҳам иш билан машғул бўладилар,

*Бир куни илон ва сичқон иккови битта копнинг ичига камокка тушиб қолибди.

Сичқон илоннинг озиғи бўлгани сабабли, бу вазиятни илон учун омад келтирадиган ҳолат деб ўйлаш мумкин. Лекин, ҳозир улар иккови ҳам бир копнинг ичига камокка бўлгани учун, илон ҳатто сичқонни еб қўйса ҳам барибир камокда қолаверган бўларди. Шунинг учун илон чуқур мулоҳаза юритиб, сичқон билан ўзаро тинчлик сулҳи тузиб, ундан копнинг ичидан чиқишга тешиқ очишни илтимос қилишга қарор қилди. Сичқон копни кемириб тешиқ очиши биланоқ, илон уни еб, кейин копдан чиқиб кетишни режалаштирган эди. Мана шу илон ва сичқоннинг мантиги деб аталади.

сиз фаришталар эса, океан юзида мангулик шарбати пайдо бўлганида ўзларингиз кўзлаган мақсадга эришасизлар. 24. Эй азиз фаришталар, сабр-тоқат ва тинчлик йўли билан ҳар қандай ишни амалга ошириш мумкин, аммо, одамнинг жаҳли чиқиб, ғзаби келиб турган бўлса, у ҳеч қачон ўз мақсадига эриша

олмайди. Шунинг учун, иблислар сизларга қандай шарт қўйсалар ҳам сизлар рози бўлаверинглар. 25. Океанни чайишдан *калакута(халахала)* деган заҳар ҳам пайдо бўлади, лекин сизлар зинҳор ундан кўркмаслигингиз керак. Океанни чайишдан бошқа нарсалар пайдо бўлганда ҳам сизлар уларга эгалик қилишга интилмаслигингиз, айни пайтда ҳеч нарсдан жаҳлингиз чиқмаслиги лозим".

26. Шукадева Госвами давом этди: "Эй шоҳ Парикшит, фаришталарга шундай маслаҳатлар бериб, барча тирик мавжудотларнинг аълоси бўлган Худонинг Олий Шахси уларнинг кўзидан ғойиб бўлди. 27. Кейин, Тангри Браҳма ва Тангри Шива Парвардигорга чуқур эҳтиром билан сажда қилгандан сўнг, ўзларининг даргоҳига қайтиб кетдилар. Барча фаришталар Бали Махаражнинг саройига келдилар. 28. Иблисларнинг машҳур шоҳи Бали Махараж, ким билан қачон тинчлик сулҳи тузишни, ким билан қачон жанг қилишни яхши биларди. Лашкарбошилари фаришталарни биратўла яқсон қилишга тайёр бўлиб, сабрсизлик билан тиш қайраб турган бўлишига қарамай, Бали Махараж фаришталар ўзининг даргоҳига ҳеч қандай душманлик кайфиятини кўрсатмай, дўстона ташриф билан кириб келаётганини кўриб, жангчиларига уларни ўлдиришни таъқиқлаб қўйди. 29. Фаришталар Вирочананинг ўғли Бали Махаражнинг олдига бориб ўтирдилар. Бали Махаражни иблисларнинг саркардалари кўриқлаб турар, бутун оламни забт этиб олгани сабабли у ҳозир жуда бой-бадавлат яшарди. 30. Ширин сўзлар билан Бали Махаражни мамнун қилиб, фаришталар шоҳи, ўткир заковатли Тангри Индра унга Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Вишнунинг берган маслаҳатига асосланиб тузган режасини айтиб берди. 31. Шоҳ Индра баён этган режаларни Бали Махараж, унинг Шамбара ва Ариштанеми бошлиқ ёрдамчилари ҳамда Трипурининг бошқа аҳолиси дарров қабул қилдилар.

32. Эй душманларни муносиб жазоловчи Махараж Парикшит, шундан сўнг фаришталар билан иблислар ўзаро тинчлик сулҳи туздилар. Кейин улар биргаликда пухта тайёргарлик кўриб, Индра таклиф қилган режа бўйича мангулик шарбати чиқариб олишга киришдилар. 33. Жуда қудратли, қўллари узун, мустаҳкам фаришталар билан биргаликда қудратли иблислар Мандара тоғини томири билан суғуриб олдилар. Қаттиқ хайқириклар билан улар Мандара тоғини сут уммони томон кўтариб кетдилар. 34. Шундай катта тоғни узок жойга судраб боргани сабабли шоҳ Индра, Махараж Бали ҳамда бошқа фаришта ва иблислар қаттиқ чарчадилар. Тоғни кўтариб юра олмай улар йўлда уни ташлаб юбордилар.

35. Мандара тоғи соф олтиндан таркиб топган бўлиб, жуда оғир эди, у ерга тушаётган кўпплаб фаришталар ва иблисларни босиб қолди. 36. Фаришталар ва иблислар ҳафсаласи пир бўлиб, тушқунликка тушдилар, уларнинг қўллари, қорин ва қовургалари босилиб қолган эди. Шунинг учун ҳамма нарсдан хабардор бўлган, Гаруданинг елкасига миниб олган Худонинг Олий Шахси дарров шу ерда ҳозир бўлди. 37. Тоғнинг ерга қулаганидан иблис ва фаришталарнинг асосий қисми қаттиқ афсусланиб, тушқунликка тушганини кўриб, Парвардигор Ўзининг илоҳий нигоҳини ташлаб, уларга қайтадан ҳаёт, умид ва шодлик бағишлади. Шу тарзда улар кулфат ва ташвишлардан бутунлай халос бўлдилар, уларнинг

танасида хатто жароҳатларнинг кўқарган жойлари ҳам колмади.

38. Парвардигор бир кўли билан тоғни осонгина кўтариб олди ва уни Гаруданинг елкасига кўйди. Кейин Ўзи ҳам Гаруданинг елкасига чикди-да фаришта ва иблислар ҳамроҳлигида сут уммонига йўл олди. 39. Кейин кушлар шоҳи Гаруда Мандара тоғини елкасидан олиб, сут уммони ёнига кўйди. Кейин Парвардигорнинг кўрсатмаси билан Гаруда бу жойни тарк этди”.

Еттинчи боб.

Тангри Шива ҳамма захарни ичиб, бутун оламни ҳалокатдан қутқариб қолиши.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй Курулар аълоси, Махараж Парикшит, фаришталар иблислар билан биргаликда илонлар шоҳи Васукига мурожаат қилиб, ундан океанни чайишда ёрдам беришни илтимос қилдилар, бунинг эвазига унга мангулик шарбатидан ичиришни ваъда қилдилар. Улар Васукини Мандара тоғининг атрофига ўраб, арқон сифатида кўлландилар, зўр қатъият ва шижоат билан сут океанини чайқай бошладилар.

2. Худо Шахси, Аджита илоннинг калла томонини ушлаб олди, бошқа фаришталар ҳам унга эргашдилар.

3. Иблисларнинг сардорлари ўзларича фикр юритиб, “илоннинг куйруқ тарафини ушлаш бизлар учун шарафли иш эмас, уят бўлади!” - деган қарорга келдилар. Улар илоннинг Худо Шахси ва бошқа фаришталар ушлаб турган калла томонини ушлашни истадилар, уларнинг фикрича илоннинг калла томонини ушлаш ўзларига муносиброқ, шарафлироқ кўринди. Иблислар “бизлар барчамиз Ведалар илмининг машҳур билимдонларимиз, барчамиз обрўли хонадонда туғилганмиз, шу боис илоннинг калла тарафини бизлар ушлашга муносиброқмиз” деб даъво қилдилар.

4. Улар бу тўғрида фаришталарнинг гапларини эшитишни ҳам истамай, қарорида қатъий туриб олдилар. Иблисларнинг айтаётган гапларини тинглаб туриб, уларнинг фикрини билиб Худо Шахси кулиб кўйди. У ҳеч иккиланмасдан уларнинг таклифини қабул қилди ва илоннинг куйруқ тарафини ушлади, фаришталар ҳам Унга эргашди. 5. Кимлар илоннинг қайси тарафини ушлаши лозимлигини белгилаб олгандан кейин, Кашйапанинг ўғиллари - иблислар ва фаришталар океанни чайиб мангулик шарбати чиқаришга ҳаракат қила бошладилар.

6. Эй Панду хонадонининг ўғли, оғир Мандара тоғи океанни чайишда пишқак ўрнида ишлатилаётгани сабабли, тагида таянчи бўлмагани учун уни шунча қудратли фаришта ва иблислар ушлаб турганига қарамай, океан қаърига тушиб кетаверди. 7. Тоғ Худонинг амри билан океан қаърига тушиб кетаверганидан фаришталар ва иблислар қаттиқ ташвишга тушдилар, уларнинг юзлари буришгандай кўринарди. 8. Худонинг хоҳиши билан содир бўлган бу вазиятни кўриб, қарори бенуқсон бўлган чексиз қудратли Парвардигор ғаройиб баҳайбат Тошбақа қиёфасига кириб, сув тагига шўнғиди ва буюк Мандара тоғини елкасида кўтариб турди. 9. Фаришталар ва иблислар Мандара тоғининг юзага чиққанини кўриб,

қайфияти кўтарилиб, океанни чайишни қайтадан бошлашга киришдилар. Мандара тоғи саккиз юз минг миль атрофга ёйилиб, сув тагида худди бир оролдай турган баҳайбат тошбаканинг елкасига жойлашган эди.

10. Эй шоҳ, иблис ва фаришталар кўллари билан Мандара тоғини тошбаканинг устида айлантирганларида, тошбақа тоғнинг ҳаракатларини худди атайлаб елкасини қашийтгандай қабул қилди ва бундан жуда лаззатланди. 11. Шундан сўнг Парвардигор Вишну интилишларини кучайтириш ва куч-қувватини ошириш ниятида иблисларнинг қалбига эҳтирос, фаришталарнинг қалбига эса эзгулик бўлиб, Васукининг қалбига эса ғофиллик бўлиб кирди. 12. Ўзини минг кўлли қиёфада намоён қилиб Парвардигор бошқа катта тоғдай бўлиб, Мандара тоғининг тепасида пайдо бўлди ва Мандара тоғини кўллари билан ушлаб турди. Самодаги олий сайёраларда Тангри Брахма ва Тангри Шива осмон шоҳи Индра ва бошқа фаришталар билан биргаликда Парвардигорга илтижо қилиб, Уни гулларга кўмиб ташладилар. 13. Фаришталарнинг, иблисларнинг, Васукининг ва тоғнинг ҳам ичига кирган Парвардигорнинг илҳомлантираётгани шарофати билан фаришта ва иблислар мангулик шарбати олиш ниятида ақлдан озгандай шижоат билан ҳаракат қилардилар. Фаришта ва иблисларнинг кучи билан сут уммони қаттиқ чайқалар, ундаги тимсоҳлар қаттиқ ташвишга тушган эдилар. Шу тарзда океанни чайиш давом этарди.

14. Васукининг минг кўзи ва минг оғзи бор эди. У оғизларининг ҳаммасидан тутун ва куйдирувчи олов уфуриб турарди. Бу олов Паулома, Калейя, Бали ва Илвала бошлиқ иблисларни қаттиқ изтиробга соларди. Шу тариха иблислар ёнғин кетган ўрмонда қолган *сарала* дарахтларига ўхшаб, аста-секин ҳолдан тоя бошладилар. 15. Фаришталар ҳам Васукининг оғзидан чиқаятган олов таъсирида бўлгани сабабли уларнинг таналаридан таралаётган ёғду ҳам одатдаги кучини камайтирган, либослари, гулчамбарлари, қуруллари ва юзлари тутундан қорайиб кетган эди. Лекин, Худои Таолонинг марҳамати билан океан устида булут пайдо бўлиб, кучли ёмғир ёғди, шамол кучайиб кўпираётган денгиз сувларини олиб келди ва фаришталарнинг дардини енгиллатди.

16. Энг яхши фаришта ва иблисларнинг шунча уринаётганига қарамай, сут океанидан мангулик шарбати чиқавермаганини кўриб, Худонинг Олий Шахси, Аджитанинг шахсан Ўзи океанни чайқай бошлади. 17. Парвардигор худди қорамтир булут рангида эди. У сариқ либослар кийиб олган, исирғалари қулоғида чирокдай ёғду таратиб турар, қорамтир бўлик сочлари елкасини тўлдириб турарди. Унинг бўйнига гулчамбар тақилган, кўзлари эса кизғиш рангда эди. Бутун коинотга жасорат бағишловчи қудратли кўллари билан У Васукини ушлаб, Мандара тоғини пишқак ўрнида ишлатиб, океанни чайқай бошлади. Бу иш билан машғул бўлар экан, Парвардигор худди чиройли Индранила тоғини эслатарди. 18. Океандаги балиқлар, акулалар, тошбақалар ва илонлар қаттиқ ҳаяжонланиб ташвишга тушган эдилар. Бутун бошли океан тўла ҳаракатга келган эди, натижада сувда яшовчи кит, сув фили, тимсоҳ ва тимингала сингари катта ҳайвонлар ҳам қирғоққа чиқиб қолган эдилар. Океан шу тарзда қаттиқ чайилганда унинг юзида *халахала* деган ўта кучли захар пайдо бўлди.

19. Эй шоҳ, бу кучли захар ҳар тарафга, баланду-пастларни тўлдириб таркала бошлаганида Худои Таолонинг Ўзи билан фаришталар Тангри Шива(Садашива)га мурожаат қилдилар. Ўзларининг ночор аҳволда қолганини кўриб, қаттиқ кўркиб кетганидан улар Тангри Шивадан паноҳ сўрадилар. 20. Фаришталар Тангри Шивани Кайлас тоғининг тепасида рафиқаси Бхавани билан бирга бутун уч оламнинг саодатини ўйлаб, мушооба қилиб ўтирган ҳолда кўрдилар. Унга озодликка эришишга интилаётган буюк авлиё зотлар сиғинарди. Фаришталар унга чуқур эҳтиром билан сажда қилдилар.

21. Праджапатилар шундай дедилар: “Эй фаришталарнинг энг буюги, Махадева, барча тирик мавжудотларнинг Олий Руҳи, уларнинг бахт-саодати ва мусибатининг ягона сабабчиси, бизлар сенинг нилуфар қадамларинг пойидан нажот кутиб келдик. Илтимос, бизларни бутун уч оламга тарқаб кетаётган мана шу даҳшатли захардан қутқар! 22. Эй Парвардигор, бутун коинотнинг тутқунликка тушишига ҳам, озодликка эришишига ҳам сабабчи бўлган зот сен ўзингсан, чунки сен - уни бошқариб турган зотсан. Рухий онги камолотга эришган зотлар сенга сиғинадилар, шу боис сен уларнинг мусибатларининг камайишига ва озодликка чиқишига сабабчи бўласан. Шунинг учун бизлар Сенга сиғинамиз.

23. Эй азиз Худойим, сен ўзидан нур таратиб турувчи ва олий зотсан. Сен Брахма, Вишну ва Махешвара қиёфасига кириб, бу моддий оламни ўзининг қудратинг билан яратиб, мавжудлигини таъминлаб, керак пайтда яқсон қилиб турасан. 24. Сен - ўзидан нур таратиб турувчи, англаб бўлмас, азалдан Парабрахман бўлган, барча сабаблар сабабчиси - шахсиятсиз Брахмансан. Сен бу оламда ҳар хил қувватларда намоён бўласан. 25. Эй Парвардигор, сен - Ведалар адабиётининг бошланғич манбаисан. Сен - моддий оламнинг, ҳаёт кучининг, ҳиссиётларнинг, беш унсурнинг, уч гунанинг ва махат-таттвнинг бошланғич манбаисан. Сен - мангу замонсан, қатъият, аниқлик, таянч, *сатйа*(ҳақиқат) ва *рита*(ростгўйлик) деб аталадиган икки диний(илоҳий қонунлар) тизимсан. Сен уч - “о”, “у”, “м” ҳарфларидан таркиб топган муқаддас “ОУМ” бўғинининг маконисан. 26. Эй барча сайёраларнинг отаси, билимдон олимлар биладиларки, олов - сенинг оғзинг, Ер шарининг усти - сенинг нилуфар қадамларинг пойи, мангу замон - сенинг ҳаракатинг, оламнинг тарафлари - сенинг қулоқларинг, Варуна, сувлар султони эса - сенинг тилингдир. 27. Эй Парвардигор, осмон - сенинг киндигингдир, ҳаво - сенинг нафасинг, куёш - сенинг кўзларинг, сув - сенинг уруғлигинг. Сен - олий ва куйи турга мансуб барча тирик мавжудотларнинг нажот маконисан. Ой фариштаси - сенинг ақлинг, олий сайёралар тизими - сенинг калланг. 28. Эй Парвардигор, сен - уч Веда тимсолисан. Етти океан - сенинг қорнинг, тоғлар - сенинг суякларинг, барча ўсимликлар, чирмовуқ ва сабзавотлар - сенинг танангдаги туқлардир. Гайатри сингари ведавий мантралар - сенинг танангнинг етти кавати, Ведавий қонунлар тизими - сенинг юрагинг тўридир.

29. Эй Парвардигор, беш асосий мантра(Пуруша, Агхора, Садйоджата, Вамадева ва Ишана) - сенинг беш сиймонг бўлиб, улардан ўттиз саккизта шарафли Ведавий мантралар келиб чиққан. Тангри Шива номи билан машҳур бўлан сенинг қиёфанг ўзидан нурафшон

ёғду таратиб туради. Сен Параматма деган ном билан машҳур бўлган Олий Ҳақиқатнинг бевосита Ўзисан. 30. Эй Парвардигор, сенинг соянг худосизликдир, у ҳар хил худобеҳабар мавжудотларни яратади. Моддий табиат гуналари - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат - сенинг уч кўзларингдир. Урф-одатларга тўла барча Ведавий битиклар сендан чиққан, чунки уни яратган одамлар уларни сенинг илоҳий нигоҳинг, назоратинг остида ёзганлар.

31. Эй Парвардигор Гириша, шахсиятсиз Брахман таратаётган ёғду эзгулик, эҳтирос ва ғафлат кўринишидаги моддий табиат гуналарига нисбатан илоҳий даражада бўлгани сабабли, бу моддий оламнинг ҳар хил ҳукмдорлари албатта уни муносиб кадрлай олмайдилар ёки унинг қаердалигини ҳам англай олмайдилар. У ҳатто Тангри Брахма, Парвардигор Вишну ёки осмон шоҳи Индрага, Махендрага ҳам нотаниш. 32. Сенинг кўзларингдан таралаётган олов ва учқунлар таъсири остида охир-замон юзага келиб, олам яқсон бўлаётганда ҳамма нарса ёниб кул бўлиб кетади. Шунда ҳам сен бу қандай рўй беришини билмайсан. Шундай экан, сенинг Дакша-йаджна, Трипурасура номли яқсон қилишларинг, калакута(ҳалахала) деган захринг ҳақида нима дейиш мумкин? Бундай нарсаларни сенга илтижо қилаётган пайтда муҳокама қилиб бўлмайди.

33. Бутун жаҳон бўйлаб Худонинг хоҳишини, ягона Парвардигор Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилиб юрган улуғвор, ҳамиша ўз ҳаётидан мамнун бўлиб хотиржам, осойишта юрадиган шахслар қалбининг тўрида ҳамиша сенинг нилуфар қадамларинг пойи ҳақида фикр юритадилар. Лекин, сен чекаётган риёзатларингни тушунмайдиган одамлар, сен Ума билан бирга юрганингни кўриб, адашганидан сени “эҳтиросларга жуда берилган зот” деб ўйлайдилар ёки қабристонларда юрганингда улар сени “қаҳр-ғазабга тўла ва ҳасадгўй зот” деб ўйлайдилар. Ҳақиқатан ҳам улар ақлдан озган уятсиз одамлардир. Улар сен қилаётган ишларнинг чуқур мазмун-моҳиятини тушуниб ета олмайдилар. 34. Ҳатто Тангри Брахма ва бошқа фаришталар сингари буюк шахслар ҳам сенинг илоҳий ҳолатингни англай олмайдилар, чунки сен яралган кўзгалувчан ва кўзгалмас оламдан ташқаридасан. Агар сени ҳеч ким тўғри англай олмаса, қандай қилиб бировлар сенга илтижо қиларди? Бунинг илжи йўқ. Бундай бўлиши мумкин эмас. Бизнинг фикримизча, бизлар - Тангри Брахма яратган зотлармиз. Шунинг учун бизлар ҳеч қачон сенга муносиб илтижо қилишга қодир эмасмиз, лекин имкониятимиз борича бизлар сенга чуқур эҳтиром кўрсатиб сажда қилаверамиз. 35. Эй барча ҳукмдорларнинг энг буюги, сенинг ҳақиқий ҳолатингни англай олишга бизлар ожизлик қиламиз. Лекин биз аминмизки, сен ўз иштирокинг билан ҳар бир тирик мавжудотга чексиз бахт-саодат олиб келасан. Ҳеч ким сенинг фаолиятингни бундан юқорирак баҳолай олмайди. Биз фақат шунигина кўра оламиз, бошқа ҳеч нарсани кўришга қодир эмасмиз”.

36. Шрила Шукадева Госвами давом этди: “Тангри Шива бошқа тирик мавжудотларга ҳамиша ғамхўрлик қилади. Тирик мавжудотлар ҳар тарафга таралиб кетаётган кучли захардан қаттиқ ташвишга тушганини кўриб, Тангри Шива уларга жуда ачиниб кетди. У мангу рафиқаси Сатига мурожаат қилди.

37. Тангри Шива шундай деди: “Азизим Бхавани, океанни чайишдан чиққан кучли захарни кўриб бу тирик мавжудотларнинг қаттиқ ташвишга тушганини қара! 38. Тирикчилик учун курашиб юрган барча тирик мавжудотларни химоя қилиб, уларнинг хавфсизлигини сақлаш - менинг бурчим. Шубҳасиз, ҳар қандай хўжайиннинг, ҳукмдорнинг энг биринчи вазифаси - қўл остидагиларнинг хавфсизлигини сақлаб, уларни химоя қилишдан иборат. 39. Худонинг Олий Шахсининг алдамчи қуввати таъсири остига тушиб қолган одамларнинг кўпчилиги ҳамиша бир-бирига нисбатан душманлик муносабатида бўладилар. Аммо Худонинг содиқлари ҳатто ўткинчи ҳаётларини хавф остида кўйиб бўлса ҳам, уларни озодликка чиқаришга ҳаракат қиладилар.

40. Эй азиз, итоаткор хотиним Бхавани, ҳаётда бошқаларнинг манфаатини ўйлаб эзгу ишлар қилиб юрган одамдан Худонинг Олий Шахси, Хари жуда миннатдор бўлади. Худои Таоло мамнун бўлган ана шундай одамдан эса, бошқа барча тирик мавжудотлар билан биргаликда мен ҳам жуда мамнун бўламан. Шунинг учун менга мана шу захарни ичишга рухсат бер, шунда менинг бу хизматимдан барча тирик мавжудотлар бахтиёр бўладилар”.

41. Шрила Шукадева Госвами давом этди: Шу тарзда Бхаванини хабардор қилиб, Тангри Шива халахала деган захарни ича бошлади. Тангри Шиванинг қудратини, қобилиятини яхши биладиган Бхавани унинг бу ишни қилишига розилик билдирди.

42. Шундан сўнг ўзининг бутун ҳаётини инсониятнинг бахт-саодати учун қилинадиган фаолиятга бағишлайдиган Тангри Шива ҳовучига ҳамма захарни тўплаб, ичиб юборди. 43. Худди аччиғи чиққандай, океанни чайишдан чиққан захар ўзининг илоҳий қудратини кўрсатиб, Тангри Шиванинг бўйнида кўкимтир из қолдирди. Ана шу чизик Тангри Шиванинг бўйнида ҳозир ҳам худди бир тақинчоқдай кўриниб туради.

44. Буюк шахслар бутун инсониятнинг чекаётган оғир мусибатларини кўриб, уларга бахт-саодат келтириш ниятида ўз хоҳиши билан ҳамиша қаттиқ риёзатларга берилдилар. Бу усул ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Худонинг Олий Шахсига сиғинишнинг энг яхши усулидир. 45. Барча фаришталар ҳурмат қиладиган ва ҳаммага бахт тилайдиган Тангри Шиванинг бу қароматини кўриб, ҳамма, шу жумладан Бхавани, Тангри Браҳма, Парвардигор Вишну ва оддий одамлар ҳам унинг жасоратини жуда юқори баҳоладилар. 46. Чаёнлар, кобра илонлар, эҳарли ўсимликлар ва захари жуда ўткир бўлган бошқа ҳайвонлар Тангри Шива захарни ичаётганида қўлидан ерга томган захар томчиларидан тоттиш имконига эга бўлдилар.

Саккизинчи боб. Сут уммонини чайиш.

1. Шукадева Госвами давом этди: “Тангри Шива захарнинг ҳаммасини ичиб юборгандан кейин, фаришталар ва иблислар ундан жуда мамнун бўлиб, янги куч-ғайрат билан сут уммонини чайишни давом эттирдилар. Энди сут уммонининг юзида *сурабхи* деб аталадиган илоҳий сигир пайдо бўлди.

2. Эй Махараж Парикшит, Ведавий қурбонлик маросимларини мукамал биладиган буюк

донишмандлар *сурабхи* сигирини парвариш қилиш маъсулиятини ўз зиммасига олдилар. Бу сигир қурбонлик маросими пайтида оловга тақдим қилиш учун зарур бўлган сут, қатик ва сариёғ берарди. Улар покиза сариёғ олиш имконига эга бўлиш учун бу маъсулиятни ўзларига олдилар, чунки сариёғни қурбонлик маросимида ишлатиб, улар коинотнинг юқори сайёраларига, Браҳмалокага кўтарилишни ният қилган эдилар. 3. Ундан кейин уммон юзида ранги Ойдай оппоқ илоҳий от *Уччаихширава* пайдо бўлди. Бали Махараж бу отга эгалик қилмоқчи бўлди, осмон шоҳи Индра Худонинг Олий Шахси берган насихатларни эслаб, унга қаршилиқ қилмади. 4. Кейин сут уммонида филлар шоҳи *Айравата* пайдо бўлди. Фил оқ ранга бўлиб, унинг тўрт кураги гўзалликда Тангри Шиванинг шарафли даргоҳи бўлган Каилас тоғидан қолишмасди.

5. Эй Махараж Парикшит, шундан сўнг оламнинг хоҳлаган тарафида бемалол ҳаракат қила оладиган саккизта буюк фил пайдо бўлди. Уларнинг сардори Аиравана эди. Яна Абхрама бошлиқ саккиз урғочи фил ҳам пайдо бўлди. 6. Шундан сўнг буюк уммондан қимматбаҳо тошлар Каустубха-мани ва Падмагарамани пайдо бўлди. Уларни Парвардигор Вишну олиб, Ўзининг кўксига тақиб қўймоқчи бўлди. Шундан сўнг умоон юзида самовий сайёраларни бежаб турадиган *париджата* гул дарахти пайдо бўлди. Эй шоҳ, худди сен бу сайёрада ҳар кимнинг ниятига қараб, уларнинг барча истакларини рўёбга чиқарганинг сингари, бу *париджата* гул дарахти ҳам ҳамманинг барча орзуларини рўёбга чиқаради.

7. Кейин океан юзида апсаралар пайдо бўлди(улар жаннат сайёраларида фоҳиша вазифасини бажарадилар). Улар чиройли либосларга ўраниб олган бўлиб, ҳаммаси қимматбаҳо, олтин тақинчоқлар тақиб олган эдилар. Апсаралар самовий саёраларнинг аҳолисини ўзларига жалб қиладиган мақомда, нозукараш билан жуда секин ҳаракат қилардилар. 8. Кейин уммонда равнақ фариштаси, Рама пайдо бўлди. У Худонинг Олий Шахсини мамнун қилишга ўзини бутунлай бахшида қилади. У ҳатто мармар тоғи таратиб турадиган ёғдуни ҳам сўндирадиган чақмоқдай ярқираб пайдо бўлди. 9. Унинг ғаройиб гўзаллигидан, сарвқомат танасидан, ёшлигидан, чиройли юзидан ва шон-шухратидан ҳайратга тушиб, шу ердагиларнинг барчаси фаришталар, иблислару-одамлар дарров унга эгалик қилмоқчи бўлардилар. Равнақ фариштаси барча бойликларнинг манбаи бўлгани сабабли ҳаммани ўзига маҳлиё қиларди. 10. Осмон шоҳи Индра равнақ фариштаси учун муносиб ўтирғич, курси олиб келди. Ганга, Ямуна сингари барча муқаддас дарёлар ўзларини шахс сифатида намоён этиб, олтин кўзаларда равнақ фариштаси - она Лакшми учун покиза сувлардан келтирдилар. 11. Ер ҳам ўзини шахс сифатида намоён этиб, Илоҳларни яшаш учун зарур бўлган барча майса ва доривор гиёҳлар олиб келди. Сигирлар беш хил маҳсулот - сут, қатик, сариёғ, сийдик ва тезак ишлаб чиқдилар, баҳор ҳам шахс сифатида намоён бўлиб, Чаитра ва Ваишакха(апрел-май) ойларида етишган нарсаларни тўплади.

12. Буюк донишмандлар муқаддас китобларда кўрсатилгандай қилиб, равнақ фариштасини чўмилтириш маросимини ўтказдилар. Гандҳарвалар Ведавий мадҳияларни ижро этдилар, мохир раққосалар Ведаларда келтирилган ҳар хил қўшиқларни куйлаб,

чиройли раксга тушдилар. 13. Булутлар ҳам шахс сифатида намоён бўлиб, мриданга, панава, мураджа ва анака деб аталадиган ҳар хил барабанларни чалиб, *гомукха* деб аталадиган сурларни чалиб, сурнай ва торли мусика асбобларида куйлар чалиб юбордилар. Бу асбоблардан таралаётган куйлар биргаликда жўр бўлиб, баланд овозда янграрди. 14. Шундан сўнг дунёнинг ҳар тарафидан буюк филлар катта сув идишларини Ганга сувига тўлдириб олиб келдилар ва билимдон брахманлар тиловат қилаётган Ведавий мантралар садоси остида равнақ фариштасини чўмилтира бошладилар. Шу тарика сувда чўмилар экан, равнақ фариштаси кўлида нилуфар гулини ушлаб турган азалий қиёфасида жуда чиройли кўринар эди. Равнақ фариштаси энг покдомон фаришта-аёлдир, чунки уни Худонинг Олий Шахсидан бошқа ҳеч ким билмайди.

15. Барча қимматбахо гавҳар тошларнинг манбаи бўлган океан сариқ ипак либоснинг устки ва пастки қисмларини тақинчоқлар билан беади. Варуна атрофида асалдан маст бўлган олти оёқли асаларилар айланиб юрган нилуфар гулларидан қилинган гулчамбар совға қилди. 16. Праджапатилардан бири - Вишвакарма чиройли хилма-хил тақинчоқлар билан таъминлади. Билимдонлик фариштаси Биби Сарасвати чиройли маржон совға қилди. Тангри Брахма нилуфар гули совға қилди, *Нагалока* аҳолиси эса ажойиб сирға олиб келдилар. 17. Шундан сўнг, муносиб равишда ҳурмат эҳтиром кўрсатилган равнақ фариштаси она Лакшми ғувиллаб юрган қовоғарилар атрофида айланиб учаётган гулчамбарни кўлида ушлаб теварак-атрофни айланиб юра бошлади. Исирғалар беаб турган кизил ёноқлари, кулиб турган юзлари билан у жуда жозибдор бўлиб, хаммани ўзига мафтун қиларди. 8. Унинг сонлари келишган бўлиб, чиройли жойлашган икки кўкрагига *санда* пастаси ва *кункума* пудраси суртилган эди. У ҳар ерда сайр қилиб юганида оёқларидаги кўнғироқчалари майин жаранглар, унинг ўзи эса олтин чирмовукдай гўзал эди. 19. Гандхарва, Йакша, асурлар, Сиддхалар, Чарана ва жаннат аҳолиси орасида айланиб юрар экан, равнақ фариштаси Лакшмидеви уларни диққат билан бирма-бир кўздан кечирди, лекин табиий равишда барча эзгу сифатларга комил эга бўлган бирор зотни топа олмади. Уларнинг бирортаси бенуксон эмасди, шунинг учун у уларнинг бирортасидан ўзига паноҳ топа олмади.

20. Бошқаларни кўздан кечираётган равнақ фариштаси шундай ўйларди: “Чуқур риёзатларга берилган одам ҳали ўзининг ғазабини бутунлай енга олмаган бўлиб чиқади. Кимдир мукаммал илм эгаллагани билан, дунёвий орзу-истаклардан бутунлай халос бўлолмайди. Кимдир жуда буюк бўлгани билан ўзининг шахвоний эҳтиросини жиловлай олмайди. Ҳатто энг буюк зотнинг ҳам албатта бирор нуқсон бўлади. Шундай қилиб ким ҳам бир вақтнинг ўзида барча мукамалликлар соҳиби бўла туриб, яна Олий Хукмдор ҳам бўла олади?”

21. Кимдир ҳақиқий дин қонунларини тўлиқ эгаллаган бўлиши мумкин, аммо у барча тирик мавжудотларга бир хилда меҳрибон бўлолмайди. Бирор одам ёки фаришта ҳеч нарсага боғланмаган бўлиши мумкин, лекин бу ҳали унинг тўла озодликка чиқишига сабаб бўла олмайди. Кимдир буюк қудратга эга бўлиши мумкин, аммо барибир у мангу Замон қудратини енга олмайди. Кимдир бу моддий оламга боғланишни бутунлай тарк этиши мумкин, аммо у барибир

Худонинг Олий Шахси билан тенглаша олмайди. Шунинг учун бу дунёда ҳеч ким моддий табиат гуналари таъсиридан бутунлай озод эмас. 22. Кимдир узоқ умр кўриши мумкин, лекин унинг қалбида эзгулик туйғуси йўқ ёки одоб-ахлоқсиз бўлади. Кимдир қалби эзгуликка тўла бўлиб, хушхулқ бўлгани билан умри қисқа бўлиб чиқади. Тангри Шива каби фаришталар мангу яшагани билан қабристонларда яшаш сингари бемаъни одатлари бор. Ҳар тарафдан бенуксон бўлган одамлар эса, Худонинг Олий Шахсининг содиқлари эмас бўлиб чиқади”.

Шукадева Госвами давом этди: “Шундай қилиб, узоқ вақт пухта танлов ўтказгандан кейин равнақ фариштаси Мукундани ўзига эр қилиб танлади, чунки гарчи мутлақо мустақил бўлган ҳолда, Унинг Ўзи равнақ фариштасига интилаётган бўлмаса ҳам, барча илоҳий сифатларга ва сеҳр қудратларига эга бўлгани сабабли жуда ёқимли эди. Худонинг Олий Шахсига яқин бориб, равнақ фариштаси атрофида асал излаб юрган қовоғарилар ғувиллаб айланиб учаётган нилуфар гулларидан қилинган гулчамбарни Унинг бўйнига осди. Кейин, Парвардигорнинг кўксидан жой олиш учун Унинг ёнида кутиб турди, унинг чиройли юзи мафтункор табассум билан уялиб, кулиб турарди.

25. Худонинг Олий Шахси - бутун уч оламнинг олий Отаси, Унинг кўкси - равнақ фариштасининг, барча илоҳларнинг ҳукмдори бўлмиш она Лакшмининг мангу қароргоҳидир. Равнақ фариштаси ўзининг меҳрибон ва шафоат тўла нигоҳи билан бутун уч оламнинг ва унда яшаётган барча аҳолининг, фаришталарнинг бойлигини чексиз ошириб юборишга кодир. 26. Гандхарвалока ва Чараналока аҳолиси фурсатдан фойдаланиб, сур ва барабанларда ҳар хил мусикалар чала бошладилар. Улар ўзларининг рафиқалари билан бирга кўшиқ айтиб раксга туша бошладилар.

27. Тангри Брахма, Тангри Шива, буюк донишманд Ангира ва бошқа коинот раҳбарлари осмондан гуллар ёғдириб, Худонинг Олий Шахсининг илоҳий шухратини мадҳ этувчи мантраларни тиловат қила бошладилар. 28. Праджапати ва уларнинг уруғ-аймоқлари билан бирга барча фаришталар равнақ фариштасининг марҳаматли нигоҳи остида бир зумда яхши хулқ-атворга ва барча илоҳий сифатларга эга бўлдилар. Шу тарика улар ўзларидан жуда миннатдор, ҳаётидан гоят мамнун эдилар. 29. Эй шоҳ, равнақ фариштаси тан олмагани сабабли иблис ва рақшасларнинг ҳафсаласи пир бўлган, тушқунликка тушиб кайфияти бузилган эди, шу тарзда улар уятсиз бўлиб қолавердилар. 30. Шундан кейин океандан ароқхўр, маст-аласт кайфиятдаги одамлар ҳаётини назорат қилувчи нилуфар кўзли фаришта аёл Варуни пайдо бўлди. Худонинг Олий Шахси, Кришнанинг рухсати билан Махараж Бали бошлиқ иблислар ана шу ёш кизнинг бойлигини эгалладилар. 31. Эй шоҳ, шу тарика Кашьяпанинг ўғиллари бўлган иблислар ва фаришталар океанни чайишда давом этар экан, эркак жинсига мансуб бўлган яна бир шахс пайдо бўлди.

32. Бу эркак кишининг қомати жуда келишган эди: кўллари узун, кучли ва мустаҳкам эди; сурдаги чизикларга ўхшаган уч чизиғи бўлган йўғон бўйни жуда бақувват эди; кўзлари кизғиш рангда; танаси қорамтир рангда эди. У жуда ёш бўлиб, ҳар хил тақинчоқлар билан чиройли безалган танасига гуллардан қилинган гулчамбар осиб олган эди. 33. У сариқ

либосларга ўранган бўлиб, марвариддан килинган яркироқ сирға тақиб олган эди. Унинг сочлари мойланган, кўкраги кенг эди. Қомати келишган, арслондай кучли ва бақувват, оёқларига кўнғирокчалар осилган эди. У кўлида мангулик лаззати(амрита)га тўла кўза ушлаб турарди.

34. Бу шахс Дханвантари, Парвардигор Вишнунинг тўлиқ намоён бўлган қиёфаси эди. У тиббиёт фанидан мукаммал илмга эга бўлиб, фаришталарнинг бири сифатида қурбонлик маросимида тақдим этиладиган эҳсонлардан ўзига яраша улуш олишга ҳаққи бор эди. 35. Амрита шарбати тўла кўза ушлаган Дханвантарига қараб туриб, иблислар очкўзлик билан кўзани унинг кўлидан тортиб олдилар. 36. Мангулик шарбати тўла кўзани иблислар олиб қўйганини кўриб, фаришталарнинг кайфияти бузилди. Шу тариқа улар Худонинг Олий Шахси, Харининг нилуфар қадамлари пойидан нажот топдилар. 37. Ҳамиша содиқларининг истакларини амалга оширдиган Худонинг Олий Шахси, фаришталарнинг кайфияти бузилганини кўриб, уларга: “Хафа бўлманглар! Мен Ўзимнинг қудратим билан иблислар орасига низо солиб, уларни адаштираман. Шундан сўнг сизлар истаётган мангулик шарбатини улардан олиб бераман”.

38. Эй шох, кейин иблислар орасида ким биринчи бўлиб мангулик шарбати ичиши борасида низо чикди. Уларнинг ҳар қайсиси: “Мен биринчи бўлиб ичишим керак! Сен биринчи бўлиб ичишга ҳаққинг йўк!” - деб даъво қиларди.

39-40. Иблисларнинг баъзилари шундай дедилар: “Барча фаришталар сут океанини чайишда қатнашдилар. Мангу дин қонунлари бўйича ҳар қандай жамоат ишларида ҳар бир одам тенг ҳуқуқли бўлгани сабабли фаришталар ҳам шарбатнинг ўзларига тегишли қисмини олишга ҳақлидирлар”.

Эй шох, шу тариқа кучсизроқ иблислар кучлироқ иблисларга шарбатни олишга қаршилик қилардилар. 41-46. Худонинг Олий Шахси, ҳар қандай ноқулай вазиятни ўнглашга қодир бўлган Парвардигор Вишну жуда гўзал, мафтункор аёл қиёфасига кирди. Аёл қиёфасидаги Парвардигор, Мохини-мурти ҳар кимнинг аклини лол қолдиришга қодир эди. Унинг юзи энди ўсиб чиққан қорамтир гулгунчасини эслатар, танасининг ҳар бир аъзоси жозибатор эди. Унинг қулоқларида чиройли исирғалар бўлиб, ёноқлари гўзал, бурни бироз кўтарилган, юзидан ёшлик таровати уфуриб турарди. Унинг катта, келишган бўлиқ кўкраклари белини ингичка қилиб кўрсатарди. Унинг танаси ва юзидан таралаётган анвои ҳидга маҳлиё бўлган ковоғарилар унинг атрофида айланиб юрар, шундан Унинг кўзлари бироз ташвишлидай кўринарди. Унинг чиройли қора сочларининг учида *маллик* гулларида килинган чамбарак осилиб турарди. Унинг кишини лол қолдирувчи чиройли бўйнига маржон ва бошқа тақинчоқлар тақилган эди. Кўлларида биллагузук тақилган, танасига эса, ажойиб сари кийиб олган бўлиб, Унинг кўкраклари гўзаллик уммонидаги икки оролга ўхшаб кетарди. Унинг оёқларини кўнғирокчалар безаб турарди. У уялиб, ноз-карашма билан кулиб, чиройли қошларини ўйнатиб, иблисларга қиё боққанида барча иблисларнинг қалбида кучли шахвоний эҳтирос олови ёниб, уларнинг ҳар бири уни қаттиқ истаб қолди.

Парвардигорнинг Мохини-мурти кўринишида намоён бўлиши.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Шундан сўнг иблислар бир-бирларига душманлик кўзи билан қарай бошладилар. Мангулик шарбати солинган идишни талашиб улар аввалги ўзларининг ўзаро дўстона муносабатини бутунлай унутиб юбордилар. Шу пайтда улар ўзлари томонга оҳиста яқинлашиб келаётган чиройли аёлни кўриб қолдилар. 2. Тенгсиз чиройли бу аёлни кўриб, иблислар хайратга тушдилар: “Қаранг, унинг гўзаллиги қандай ажойиб, сарв қоматидан нур таралиб турибди, ундан гўзал ёшлик таровати барқ уриб турибди!” Шундай гаплар билан иблислар дарров Унга яқин бордилар ва шахвоний эҳтирослари кўзиб, Ундан ҳар хил нарсаларни сўрай бошладилар.

3. “Эй гўзалликда тенги йўк, соҳибжамол қиз, Сенинг кўзларинг нилуфар гулларидай чиройли, айтчи, Сен кимсан? Қаердан келдинг? Бу ерга келишдан мақсадинг нима? Сен кимникисан? Эй сонлари бекиёс гўзал малика, Сенга кўзимиз тушиши биланоқ бизлар бутунлай ақлимизни йўқотиб қўйдик. 4. Сенга оддий одамлар у ёқда турсин, ҳатто фаришталар, иблислар, Сиддхалар, Чараналар, Гандхарвалар ва коинотнинг бошқа ҳар хил даражадаги ҳукмдорлари ҳам ҳеч қачон қўл теккиза олмаган. Бу билан “биз Сени англаб ета олмаймиз” демоқчи эмасмиз. 5. Эй қошлари гўзал қиз, тақдирнинг Ўзи Сени бизларнинг ҳиссиётимизга ва ақлимизга лаззат бағишлаш учун шу ерга юборган. Шундай эмасми? 6. Бизлар ҳозир бир масала - мангулик шарбати тўла кўза устида жанжаллашиб турибмиз. Барчамиз бир оилада туғилганимизга қарамай, бизлар ҳозир бир-биримизга ашаддий душман бўлиб турибмиз. Эй гўзалликда тенги йўк, бели хипча аёл, Сендан илтимос, бу тортишувларимизни ҳал қилишда бизга ёрдам бер. 7. Бизлар барчамиз, иблислар ҳам, фаришталар ҳам бир отадан - Кашьяпадан туғилганмиз, шунинг учун ҳаммамиз оғайнилармиз. Лекин ҳозир бизлар ҳар биримиз ўз жасоратимизни ўзаро душманликда намоён этяпмиз. Шунинг учун бизлар Сендан бу шарбатни орамизда тенг бўлиштириб, бизларнинг жанжалимизга чек қўйишни илтимос қиламиз”.

8. Иблисларнинг бу илтимосини тинглаб туриб, чиройли аёл қиёфасига кириб олган Худонинг Олий Шахси, майин табассум билан кулиб қўйди. Иблисларга аёлларга хос маҳлиё қилувчи табассум билан чиройли нигоҳ ташлаб, Мохини уларга гапира бошлади.

10. “Эй иблислар, худди маймун, шоғол ва итлар жинсий алоқа қилишда тайини бўлмай, ҳар қуни бошқа биттаси билан алоқа қилишни истагани сингари, муस्ताқил, озод яшайдиган аёллар ҳам ўзларига ҳар қуни янги дўст ахтарадилар. Шундай аёллар билан дўст бўлиш ҳеч қачон ўзоққа чўзиламайди. Билимдон донишмандларнинг фикри шундай.

11. Шри Шукадева Госвами давом этди: “Худди истехзо билан гапираётгандай кўринган Мохини-муртининг гапларини эшитиб, иблисларнинг ҳаммаси қалбида дарров Унга тўла ишонч ҳосил қилдилар. Улар жиддий оҳангда кулиб, мангулик шарбати тўла идишни ишонч билан Унинг қўлига топширдилар. 12. Худонинг Олий Шахси шарбат тўла идишни қўлига олиб, енгил кулиб қўйди ва уларга ширин сўзлар билан гапира бошлади. Мохини-мурти шундай деди:

“Эй азиз иблислар, агар сизлар мен нимаики - яхшими, ёмонми, ҳақми, ноҳақми иш қилсам ҳам шунга рози бўлиб қабул қилсангларгина Мен мангулик шарбатини сизларнинг орангизда тенг тақсимлаб бериш маъсулиятини Ўз зиммамга ола оламан”.

13. Иблисларнинг сардорлари жанжалларни одилона ҳал қилишда уста эмасдилар. Мохини-муртининг ширин сўзларини тинглаб туриб, улар шу заҳотиёқ Унга рози бўлдилар. “Ҳа - деди улар, - Сен нима десанг, биз шунга розимиз!” Шу тариқа иблислар Унинг қарорини қабул қилишга рози бўлдилар. 14-15. Фаришталар ва иблислар шундан кейин маълум вақт рўза тутиб оч юрдилар. Сувда чўмилиб поклангандан кейин, улар муқаддас олов ёқиб, унга тозаланган ёғ эҳсон қилдилар, сигир ва браҳманларга, жамиятдаги бошқа табақага мансуб одамларга - қшатрийларга, вайшйаларга ва шудраларга ҳар кимнинг мартабасига муносиб хайр-садақалар улашдилар. Шундан сўнг фаришталар ва иблислар браҳманлар раҳбарлиги остида покланиш маросими орқали ўтдилар. Кейин улар ўз истакларига қараб янги либослар кийиб, таналарини ҳар хил тақинчоқлар билан безаб, куша майсаси устида шарққа қараб тартиб билан ўтириб олдилар.

16-17. Эй шоҳ, фаришталар билан иблислар ҳар хил гулчамбар ва чироқлар билан безатилган, анвойи мушк-анбар ҳидларига тўлган майдончада юзларини шарққа қаратиб, тартиб билан ўтириб олганида энг чиройли сари кийиб олган шу гўзал аёл қўлида кўза ушлаб, бўлиқ сонлари халақит берганидан охишта, чиройли қадам ташлаб, оёғидаги кўнғироччаларини жаранглайтиб, майдончага кириб келди. Ёшларга хос мағрурлигидан Унинг кўзлари нотинч эди, Унинг кўкраклари сув солинадиган кўзаларни, Унинг сонлари филнинг хартумини эслатар, Ўзи эса сув соладиган кўза кўтариб олган эди. 18. Чиройли бурни, ёноқлари ва олтин сирғалар тақилган қулоқлари Унинг юзини жуда мафтункор чиройли қилиб кўрсатарди. У ҳаракат қилганида кўкрагини бекитиб турган сариси озгина четга суриларди. Фаришталар ва иблислар ўзларига майин табассум билан иболи нигоҳ ташлаб юрган Мохини-муртининг ажойиб фазилатларини кўриб, ақл-хушини бутунлай йўқотиб, эсанкираб қолдилар.

19. Иблислар ўзларининг табиатига кўра худди илонлардай ноҳақ, адолатсиз бўладилар. Шунинг учун мангулик шарбатининг бир қисмини уларга бериш мутлақо мумкин эмасди, чунки бу худди заҳарли илонларни суг билан боқишга ўхшаган жуда бемаъни иш бўларди. Шундай хулосага келиб, ҳеч қачон хато иш қилмайдиган Худонинг Олий Шахси мангулик шарбатининг бирор қисмини ҳам иблисларга бермасликка қарор қилди. 20. Бутун борлиқнинг бекаси, Мохини-мурти киёфасидаги Худонинг Олий Шахси ўтириш жойларини кўрсатадиган чизиклар билан ҳар кимнинг мартабасига қараб ўтирадиган ўриндиқларни кўрсатиб, фаришталар ва иблисларни тартиб билан жойлаштириб чиқди. 21. Шарбат тўла идишни қўлига олиб, У аввалига иблисларнинг олдига борди, ширин сўзлар билан уларнинг ақлини олиб, уларга мангулик шарбати ўрнига оддий сувдан берди. Кейин улардан узокроқда ўтирган фаришталар олдига ўтиб, уларга касаллик, кексаллик ва ўлимдан бутунлай халос этувчи мангулик шарбатидан берди.

22. Эй шоҳ, иблислар бу аёл нима деса ҳам, хоҳ Унинг гапи ҳақ бўлсин, хоҳ ноҳақ бўлсин қабул

қилишга сўз бергани учун, аёл зотига берган шу сўзларининг устидан чиқишга ва ўзларининг ўзгармас, қатъий фикрга эга эканини кўрсатиб, аёл зотидан пастроқ бўлиб қолмасликка тиришиб, бирор гап айтиб Унга эътироз билдирмай ўтирдилар. 23. Иблислар Мохини-муртига боғланиб қолган бўлиб, Унга қаттиқ ишонардилар, шу боис У билан ўзаро муносабатларини бузиб қўйишдан кўрқардилар. Улар Унинг гапларини маъқуллаб, олқишладилар ва У билан ўзаро дўстона муносабатларига раҳна соладиган бирор гап айтмадилар.

24. Куёш ва Ойнинг тутилишини таъминлайдиган, Раху исми иблис фаришталарнинг либосини кийиб олди-да, ҳеч кимга билдирмай фаришталарнинг орасига бориб ўтириб, уларга қўшилиб, ҳатто Худонинг Олий Шахсига ҳам билдирмай мангулик шарбатидан ичди. Ҳамиша Рахуга нисбатан душманлик кайфиятида юрадиган Куёш ва Ой фаришталари бу маккорликни дарров сезиб қолдилар. Рахунинг сирини фаш бўлиб қолди. 25. Худонинг Олий Шахси, Хари, Ўзининг олмосдай ўткир тигли халқасини ишга солиб, бир пасда Рахунинг калласини кесиб ташлади. Рахунинг калласи танасидан ажралганида, танаси мангулик шарбати тегмагани сабабли дарров ҳалок бўлди. 26. Аммо, мангулик шарбати теккан Рахунинг калласи мангу тирик бўлиб қолди. Шу тариқа Тангри Браҳма Рахунинг калласини бир сайёра ўрнида қабул қилди. Раху Куёш ва Ойнинг мангу душмани бўлгани сабабли, у хамиша уларга тўлин ва қоронғу ой кечаларида ҳамла қилишга уринади.

27. Худонинг Олий Шахси бутун уч оламнинг энг яқин дўсти ва саодатманди ҳисобланади. Шу тариқа, фаришталар мангулик шарбатининг ҳаммасини деярли ичиб бўлган заҳоти барча иблислар иштирокида Худонинг Олий Шахси Ўзининг азалий, бошланғич киёфасини намоён этди. 28. Уммонни чайишда макон, замон, сабаб, мақсад, фаолият ва умид фаришталар учун ҳам, иблислар учун ҳам бир хил эди, аммо фаришталар бир натижага, иблислар эса бутунлай бошқа натижага эришдилар. Фаришталар хамиша Худои Таолонинг қадамлари пойининг паноҳида бўлганлари сабабли, улар мангулик шарбатидан ичиб, унинг шарофатли натижасига эга бўлдилар. Аммо, Худои Таолонинг нилуфар қадамлари пойидан нажот изламайдиган иблислар эса, ўзлари интилайётган натижага эриша олмадилар.

29. Инсонлар жамиятида бойлик, мол-дунёни ҳимоя қилишда сўз, ақл ва ҳаракатлар билан амалга ошириладиган ҳар хил фаолият турлари бор, аммо уларнинг барчаси тана билан боғлиқ бўлган шахсий манфаатларни кўзлаб, ҳиссий лаззатланиш учун амалга оширилади. Шундай фаолиятнинг ҳаммаси Худого садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмагани сабабли ҳеч қачон қутулган натижага олиб келмайди. Аммо, худди шундай фаолият Худои Таолони мамнун қилиш учун амалга оширилганда, унинг натижалари, худди дарахтнинг илдизига қуйилган сув бутун дарахтни озиклантиргани сингари, албатта ҳаммани мамнун қилади.

Ўнинчи боб.

Фаришталар билан иблислар орасида бўлиб ўтган жанг

1. Шукаева Госвами шундай деди: “Эй шох, иблислар ва Дайтйалар - ҳаммаси бутун диққат-эътиборини бериб шижоат билан океанни чайишда иштирок этгандилар, аммо Васудеванинг, Худонинг Олий Шахси Шри Кришнанинг содиқлари бўлмагани сабабли улар мангулик шарбатини ичишга муяссар бўлмадилар. 2. Эй шох, Худонинг Олий Шахси океанни чайишни охирига етказиб, мангулик шарбатини Ўзининг содиқлари бўлган фаришталарга бергандан кейин, у бу жойни тарк этди, Гаруда Уни Ўзининг илоҳий даргоҳига олиб борди. 3. Фаришталарнинг ғолиб чиққанини кўриб, иблислар уларнинг эришган тенгсиз бойлигини кўриб, қалбидаги ҳасад туйғуси таъсирида чидаб туролмадилар. Улар дарров қуролларини қўлга олиб фаришталарга ташландилар. 4. Мангулик шарбатини ичиб жонланган фаришталар ҳам, ҳаммиша Нарайананинг нилуфар қадамлари пойи паноҳида бўлган ҳолда, ҳар хил қуроллар билан иблисларнинг ҳужумига қарши чиқдилар. 5. Эй шох, шундай қилиб, сут уммони қирғоғида фаришталар билан иблислар орасида даҳшатли жанг бошланди. Бу жанг шу қадар даҳшатли эдики, шунчаки у ҳақда эшитган одамнинг тепа сочи тикка бўлиб кетади.

6. Бу жангда ҳар икки томондаги жангчиларнинг ҳам қонлари қайнаган, қалби ғазабга тўлган бўлиб, улар бир-бирларига қилич, пайкон ва бошқа қуроллар билан аёвсиз жароҳат келтирарди. 7. Сур, горн, барабан, бхери ва литавраларнинг, шунингдек филлар, отлар, жанг араваларида ва пиёда юрган жангчилар чиқараётган шовқинлар оламни ларзага солгудай даҳшатли эди. 8. Бу жанг майдонида жанг аравадагилар жанг аравадагилар билан, пиёдалар пиёдалар билан, отлиқлар отлиқ жангчилар билан, фил устидаги жангчилар фил устидагилар билан яккама-якка жанг қиларди. Шу тариқа улар орасида адолатли жанг борарди. 9. Баъзи бир жангчилар туянинг устида жанг қилардилар, баъзилар - филнинг, баъзилар - эшак, кўплари - оқ юзли ва қизил юзли маймунлар устида, баъзилари йўлбарслар, баъзилари - арслонлар устида жанг қилардилар. Шу тариқа уларнинг ҳаммаси жангга бутунлай киришиб кетган эдилар.

10-12. Эй шох, баъзи жангчилар бургут, калхат, ўрдак, лочин ва бхаса деган қушларнинг елкасида жанг қилардилар. Баъзи жангчилар ҳатто китларни ҳам ютиб юбора оладиган тимингилалар устида, баъзилари шарабхалар устида, баъзилари -кўтослар, буруншоҳ(носороғ)лар, сигирлар, хўкизлар, ёввойи сигирлар ва аруналар устида жанг қилардилар. Бошқа бирлари шоғол, каламуш, калтакесак, куён, одамлар, эчкилар, қора кийиклар, оққуш ва чўчкалар устида туриб жанг қилардилар. Шу тарзда ерда, сувда ва осмонда ва аралаш жойларда яшайдиган ҳайвонлар устида туриб, икки қўшин бир-бирига қарши ҳужумга ўтдилар.

13-15. Эй шох, о Махараж Панда авлоди, фаришталарнинг ҳам, иблисларнинг ҳам жангчилари балдахинлар, байроқлар, дастаси қимматбаҳо тошлар ва гавҳартошлар билан безатилган соябонлар билан жиҳозланган эдилар. Бундан ташқари уларнинг товус ва бошқа қушлар патидан қилинган елпиғичлари бор эди. Устидаги чиройли либослари шамолда хилпираб турган жангчилар табиий равишда жуда чиройли кўринарди, чараклаб турган куёш нурида уларнинг қалқонлари, тақинчоқлари, тозаланган ўтқир қуроллари кўзни

қамаштирарди. Шундай аҳволда икки қўшин жангчиларининг қарама-қарши юзма-юз туриши худди океанда яшовчи ҳайвонлар саф тортиб турган икки катта океанни эслатарди.

16-18. Бу жангда энг машҳур лашкарбоши Вирочананинг ўғли Бали Махараж Вайхайаса деган машҳур ҳаво кемасида ўтирарди. Эй шох, бу ғаройиб ҳаво кемасини иблис Майя ясаган бўлиб, у жангнинг ҳар турига мос келадиган қуроллар билан жиҳозланган эди. Аслида бу ҳаво кемаси баъзан кўзга кўринар, баъзан кўринмас эди. Уни таърифлаб, англаб олишнинг имкони йўқ эди. Мана шу ҳаво кемасида ўзини ҳимоя қилувчи ажойиб соябон остида энг яхши елпиғичлар билан елпиниб ўтирган Махараж Бали ўзининг лашкарбошилари даврасида худди кечқурун осмонда чиқиб кетма жойни нурафшон қиладиган тўлин ойга ўхшаб кетарди.

19-24. Бали Махаражни ҳар тарафдан ўраб, лашкарбошилар ҳам ўзларининг жанг араваларида ўтирардилар. Улар орасида куйидаги машҳур жангчилар бор эди: Намучи, Шамбара, Бана, Випрачитти, Айомукха, Двимурдха, Каланабха, Прахети, Хети, Илвала, Шакуни, Бхутасантапа, Ваджрадамштра, Вирочана, Хайагрива, Шанкушира, Капила, Мегхадундубхи, Тарака, Чакрадик, Шумбха, Нишумбха, Джамбха, Уткала, Аришта, Ариштанеми, Трипурадхира, Майя, Пуломанинг ўғиллари, Калейи ва Ниватакавача. Мана шу иблисларнинг ҳаммаси океанни чайишда иштирок этган бўлсалар ҳам, мангулик шарбатидан ўз улушини ололмай қолган эдилар. Энди улар фаришталарга қарши ҳужумга ўтиб, ўзларининг жангчиларини илҳомлантириш учун арслондай наъра тортиб, баланс овозда сурларини чалиб юбордилар. Балабхит, Тангри Индра рақибларининг мана шундай жангвор кайфиятда тизилиб турганини кўриб, қаттиқ ғазабланди.

25. Ҳамма жойда юра оладиган, жала куйдиришга қодир бўлган сув ҳамда ичиш учун май олиб юрадиган Айравата деган фил устида ўтирган Индра ўзининг ҳайбати билан худди шаршара бўлиб оқадиган сув ҳавзалари жойлашган Удайагри тоғи ортидан чиқадиган Куёшга ўхшаб кетарди. 26. Осмон шоҳи Индранинг атрофида ҳар хил қурол ва байроқлар билан безанган турли жанг араваларида қудратли лашкарбоши фаришталар ўтирарди. Улар орасида Вайу, Агни, Варуна ва ўзларининг ўртоқлари билан бирга турли сайёраларнинг ҳукмдорлари бор эди.

27. Фаришталар ва иблислар юзма-юз тўқнашдилар ва тўхтаб, бир-бирларининг ғазабини келтирадиган гаплар айтиб, бир-бирининг жаҳлини чиқара бошладилар. Кейин улар бир-бирларига ташланиб, жуфт-жуфт бўлиб яккама-якка жангга киришдилар. 28. Эй шох, Махараж Бали Индра билан жангга кирди, Картиккейя - Тарака билан, Варуна - Хети билан, Митра - Прахети билан. 29. Йамараджа - Каланабха билан, Вишвакарма - Майя Данава билан, Твашта - Шамбара билан, Куёш фариштаси - Вирочана билан жанг қилди. 30-31. Фаришта Апараджита Намучи билан, икки ака-ука Ашвинилар - Вришапарва билан жанг қилди. Куёш худоси Махараж Балининг Бана бошлиқ минг ўғли билан, Ой фариштаси Раху билан жанг қилди. Ҳавони бошқарувчи фаришта Пулома билан, Шумбха ва Нишумбха энг олий даражада қудратли бўлган, Бхадра Кали деб ном олган иблис Дургадеви билан жангга кирди.

32-34. Эй Махараж Парикшит, эй душманлар ғолиби (Ариндама), Тангри Шива - Джамбха билан, Вишвавасу - Махишасура билан жангга кирди. Укаси Ватапи билан бирга Илвала Тангри Браҳманинг ўғиллари билан жанг килди. Дурмарша - Купидон билан, иблис Уткала - Матрикалар билан, Брихаспати - Шукрачарйа билан, Шанаишчара(Сатурн) - Наракасура билан жангга кирди. Марутлар - Ниватакавача билан, Васулар - иблис Калакейалар билан, Вишвадевалар - иблис Пуломалар билан, Рудралар - ғазаб қурбони бўлган иблис Кродхавашалар билан жангга кирдилар.

35. Бу фаришта ва иблисларнинг барчаси жанговор руҳда жанг майдонида тўпланиб, бир-бирларига қудратли куч билан ташландилар. Уларнинг ҳар бири албатта ғалаба қилишга интилар, бир-бирига ўткир найза, қилич ва пайконларда жароҳатлар бериб, яккама-якка жанг қилардилар. 36. Бхушунди, чакра, гурзи, ришти, паттиша, шакти, улмука, праса, парашвадха, ништримша, санчки, паригха, мудгара ва бхиндипала сингари қуроллар билан улар бир-бирларининг каллаларини олишга интилардилар. Филлар, отлар, жанг аравалари, пиёда жангчилар ва жангчиларни олиб юрган ҳар хил уловлар эгалари билан бирга тилка-пора бўлганди. Жангчиларнинг қўллари, сонлари, бўйин ва оёқлари кесилган, байроқлари, камонлари, қалкон ва тақинчоқлари майда-майда бўлақларга бўлиниб ётарди. 38. Иблис ва фаришталарнинг, жанг араваларининг кўтарган чанги бутун осмону-фалакни тутиб, Қуёш юзини тўсиб қўйган эди. Жангчилардан сачраган қонларга қўшилган чанг зарралари осмонда туролмай яна пастга тушарди. 39. Жанг майдонида жангчи қахрамонларнинг кесилган каллалари қалашиб ётарди, лекин уларнинг кўзлари хали ҳам олға қараб, тишлари эса ғазаб билан лабини тишлаб ётар, бу кесилган каллалардан совут ва тожлар сирғалиб ерга тушиб кетган эди. Ҳар хил тақинчоқлар билан безанган, турли қуроллар ушлаган қўллар билан бирга филнинг хартумини эслатувчи кўплаган сонлар, оёқлар ҳам қалашиб ётарди. 40. Бу жанг майдонида жуда кўп бошсиз таналар қалашиб ётарди. Қўлларига ҳар хил қуроллар ушлаб олган ва арвоҳларга ўхшаган бу таналар, худди кесилган каллаларисиз ҳам кўра оладигандай рақиб жангчиларининг кўнглига гулгула соларди.

41. Кейин Махараж Бали Индрага хужум қилиб, ўн пайкон, Индранинг фили Айраватага эса уч пайкон йўллади. Тўрт пайкон билан у Айраватанинг оёқларини бошқарувчи тўрт отликқа, бир пайкон билан филни бошқариб турган филбонга хужум қилди. 42. Ҳали Махараж Балининг пайконлари нишонга бориб етмасданок, камон отишда тенги йўқ осмон шоҳи Индра кулиб қўйди-да рақибининг барча пайконларини *бхалла* деб аталадиган жуда ўткир пайконлар билан бир пасда парчалаб ташлади.

43. Бали Махараж Индранинг бундай маҳоратини кўриб, ғазабини тўхтатолмай қолди. У дарров қўлига худди оловдай ҳамма нарсани ёндириб кул қиладиган *шакти* деган қуролини олди. Индра бу қурол хали Балининг қўлида турган пайгидаёқ парчалаб ташлади. 44. Шундан сўнг Бали Махараж бирин-кетин найза, праса, томара, ришти ва бошқа қуролларини ишга солди, аммо у қўлига қандай қурол олмасин Индра шу заҳотиёқ уни чил-парчин қиларди.

45. Эй азиз шоҳ, кейин Бали Махараж кўздан ғойиб бўлиб, иблисларга хос фирибгарликка ўтмоқчи бўлди.

Шунда фаришталарнинг жангчилари устида фириб йўли билан яратилган сароб-бахайбат тоғ пайдо бўлди. 46. Ўша тоғдан жангчилар устига ўрмонга кетган ёнғинда ёнаётган ҳар хил дароҳлар туша бошлади. Ўткир қоя тошлари ҳам жангчиларнинг бошларига тушиб, уларга жароҳат еткази бошлади. 47. Фаришталарнинг жангчилари устига ўша тоғдан чаёнлар, катта-катта илонлар ва бошқа заҳарли ҳайвонлар, арслонлар, йўлбарслар, кўтос ва филлар тушиб, ҳамма жойни пайхон қила бошладилар.

48. Эй шаҳаншоҳ, кейин бирданига қўлларига санчки ушлаган минглаб одамхўр, қонхўр яланғоч иблислар пайдо бўлиб, “Янч, санч, ўлдирамиз!” - деган ҳайқириқлар билан фаришта жангчиларга ташландилар. 49. Кейин осмонда қаттиқ шамол билан даҳшатли булутлар пайдо бўлди. Қаттиқ момақалди овози билан булутлар ёнаётган кўмир чўғларини ёғдира бошлади. 50. Бали Махараж яратган буюқ даҳшатли олов фаришталарнинг жангчиларига беаёв широн келтира бошлади. Бу даҳшатли олов кучли шамол билан бирга қўшилиб, худди охир-замон пайтида келадиган Самвартака оловини эслатарди. 51. Шундан сўнг ҳамма жойда, ҳар бир жангчининг кўзи олдида сув ўпқонлари ва тўфонда кўтарилган денгиз тўлқинлари пайдо бўла бошлади. 52. Жанг майдонида бундай ишларга уста бўлган, кўзга-кўринмас иблислар макри билан мана шундай даҳшатли манзара ҳосил бўлганида, фаришталарнинг жангчилари тушқунликка тушиб қолдилар.

53. Эй шоҳ, иблисларнинг бундай ҳаракатига қарши ҳеч қандай чора тополмагандан кейин, фаришталар бутун фикру-хаёлини оламни яратган Худонинг Олий Шахсида мужассам қилдилар. Парвардигор шу заҳотиёқ бу ерда пайдо бўлди. 54. Кўзлари нилуфар гули гулбаргларини эслатувчи Худонинг Олий Шахси, Гаруданинг устида нилуфар қадамлари пойини Гаруданинг елкасига қўйиб ўтирарди. Сарик либос кийиб, қимматбаҳо тош Каустубха ва равнақ фариштаси билан безанган, бебаҳо тож ва сирға тақиб олган Худонинг Олий Шахси фаришталарнинг кўзи олдида саккиз қўлида ҳар хил қурол тутган ҳолда пайдо бўлди. 55. Худди уйқудан турган одам тушида кўраётган даҳшатлардан бирдан халос бўлгани сингари, иблисларнинг макр-ҳийласи билан юзага келтирилган сароб даҳшатлари Худонинг қудрати билан Худои Таолонинг Ўзи жанг майдонида қадам қўйиши биланок бирпасда ғойиб бўлди. Аслида, шунчаки Худонинг Олий Шахсини эсга олиш билан ҳар қандай одам ҳам ҳар қандай даҳшатли хавф-хатардан бирданига халос бўла олади.

56. Эй шоҳ, арслонга миниб олган иблис Каланеми Гаруда устида ўтирган Худонинг Олий Шахси жанг майдонида пайдо бўлганини кўриб, дархол қўлига санчкисини олди ва айлантриб туриб, уни Гаруданинг калласига отди. Худонинг Олий Шахси, Хари, барча уч олам ҳукмдори, дарров санчкини тутиб олдида, шу санчки билан Каланемини у миниб юрган арслон билан бирга яқсон қилди.

57. Кейин Худои Таоло Ўзининг халқаси билан икки қудратли иблис Мали ва Сумалининг каллаларини танасидан жудо қилиб, ўлдирди. Кейин бошқа бир иблис - Малйаван Парвардигорга хужум қилди. Арслонга ўхшаб наъра тортиб, иблис ўзининг гурзиси билан қушлар сардори, тухумдан чиққан Гарудага ҳамла қилди. Аммо Худонинг Олий Шахси, Хари

халқасини ишга солиб, бу иблисинг бошини ҳам танасидан жудо қилди.

Ўн биринчи боб.

Шоҳ Индра иблисларни яксон қилади.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Шундан сўнг, Худонинг Олий Шахси, Шри Харининг олий иродаси билан Индра ва Вайу бошлиқ барча фаришталар қайтадан ҳаётга қайтарилди. Энди фаришталар аввал ўзларини яксон қилган иблисларга қарши шиддатли жангга киришдилар. 2. Энг қудратли фаришта Индра Махараж Балини ўлдириш учун ғазаб билан қўлига яшин қуролини олганида, иблислар даҳшат ичида: “Э-воҳ! Аттанг!” - дея хитоб қила бошладилар. 3. Ҳар хил қуроллар билан яхши жиҳозланган, соғлом фикрли ва сабр-тоқатли Бали Махараж буюк жанг майдонида Индранинг олдида жасорат ва маҳорат билан ҳаракат қиларди. Ҳамиша қўлида яшин қуролини олиб юрадиган шоҳ Индра Бали Махаражга мурожаат қилди.

4. Шоҳ Индра шундай деди: “Ҳой ярамас, худди алдоқчи одам ёш боланинг кўзини боғлаб қўйиб, унинг ҳамма бойлигини тортиб олиб қўймоқчи бўлгани сингари, бизлар ҳам сеҳр қудратининг усталари эканимизни яхши билсанг ҳам, сен ўзининг сеҳр қудратингни ишга солиб бизларни алдамоқчи бўляпсанми? 5. Сеҳр қудрати ёки ҳар хил моддий, жисмоний қурилмалар ёрдамида олий сайёралар тизимига кўтарилишни ёки ҳатто олий сайёралар тизимидан ҳам ўтиб, озодликка чиқишга ёки руҳий сайёраларга кўтарилишни истаган аҳмоқ ва кўзбўямачиларни мен коинотнинг энг пастки дўзахларига жўнашга мажбур қиламан. 6. Энг қудратли шахс бўлган мен бугун минглаган ўткир тигли яшин қуролим билан сенинг каллангни танангдан жудо қиламан. Сеҳр қудратинг билан шунча сароб нарса ярата олсанг ҳам, аслида сен барибир илмсиз ғофил зотсан. Агар қўлингдан келса, ҳозир мана шу жанг майдонида дўстларинг ва қариндошларинг билан бирга мендан қутулиб қолишга ҳаракат қил!”

7. Бали Махараж шундай деди: “Бу жанг майдонидаги зотларнинг ҳаммаси мангу замон таъсири остидаги зотлардир. Уларга белгиланган бурч, тақдир тақозоси бўйича уларнинг ҳар бири бирин-кетин шон-шухрат, ғалаба, мағлубият ва ўлимни тотиб кўришга маҳкум этилган. 8. Замон ўтишини диққат билан кузатиб, ҳақиқатни англаб етган зотлар вазиятнинг ўзгаришига қараб, тақдирида дуч келадиган нарсалардан қаттиқ қувониб ҳам кетмайдилар, қаттиқ мусибатга ҳам берилмайдилар. Ўзининг ғалаба қилишингдан бундай қаттиқ қувониб турган экансан, демак, сен илмсиз ғофил, нодонсан. 9. Сиз фаришталар шон-шухрат ва ғалабага фақат ўз қудратимиз билан эришяпмиз деб ўйлайсизлар. Ўзингизнинг бундай ғофиллигингиз билан сизлар буюк авлиё донишмандларни сизлар учун уялишга мажбур қиляпсизлар. Шунинг учун, сизлар айтаётган гаплар аслида юракка бориб санчиладиган оғир гаплар бўлса ҳам, биз уларга заррача эътибор бермаймиз”.

Шукадева Госвами шундай деди: “Осмон шоҳи Индрага шу сўзларни айтиб, бошқа ҳар қандай қаҳрамонни енгишга қодир бўлган Бали Махараж, қулоқларини *нарочи* деган пайконлар билан тикиб олди.

ва Индрага ҳам шундай пайконлар билан ҳужум қилди. Кейин у аччиқ гаплар билан яна Индрани ҳақоратлади. 11. Гарчи, Бали Махаражнинг айтганлари аниқ ҳақиқат бўлса ҳам, худди филбоннинг қамчилари дастидан унча таъсирланмайдиган фил сингари, шоҳ Индра унинг гапларидан умуман хафа бўлмади. 12. Рақиблар ғолиби Индра яшин қуролини Бали Махаражга йўллаганида, Бали Махараж ўзининг ҳаво кемаси билан бирга худди тоғ қулагандай, ерга қулаб тушди.

13. Дўсти Балининг ерга улаганини кўриб, Бали Махаражга дўстлигини намоён этиш учун иблис Жамбхасура дарров душман Индра олдида пайдо бўлди. 14. Арслонга миниб олган қудратли Жамбхасура Индрага яқинлашиб, қудратли гурзиси билан унинг елкасига бир зарба берди. У Индранинг филига ҳам кучли зарба берди. 15. Жамбхасуранинг гурзиси зарбасидан Индранинг фили ҳушидан кетиб, тиз чўкиб ерга қулади. 16. Шундан сўнг Матали, Индранинг жиловдори, дарров Индранинг минг от қўшилган жанг аравасини ҳозир қилди. Индра филдан тушиб жанг аравасига ўтирди. 17. Маталининг кўрсатаётган бундай хизматини кўриб, иблислар аълоси Жамбхасура кулиб қўйди. Кейин у олов пуркаб турган санчки билан Маталига зарба берди. 18. Гарчи оғриқ жуда кучли бўлса ҳам, Матали унга сабот билан бардош берди. Лекин Индранинг Жамбхасурадан қаттиқ жаҳли чиқди. У яшин қуроли билан Жамбхасурага ҳамла қилиб, унинг бошини танасидан жудо қилди.

19. Народа Муни Жамбхасуранинг дўстлари ва қариндошларига унинг жангда ҳалок бўлганини айтганида, уч иблис - Намучи, Бала ва Пака шошилинч равишда жанг майдонига етиб келдилар. 20. Шоҳ Индрани кўпол, юракка бориб санчиладиган аччиқ сўзлар билан ҳақоратлаб, иблислар худди тоққа ёғайтган ёмғирдай, Индрани пайконларга кўмиб ташладилар. 21. Жанг майдонидаги вазиятни дарров қўлга олиб, иблис Бала минг пайкон йўллаб, Индранинг барча минг отини жароҳатлади. 22. Бошқа иблис Пака, бирданига икки минг пайкон йўллаб, жанг аравасига ва жиловдор Маталига ҳужум қилди. Бу амаллар жанг майдонидаги ҳар бир кишини ҳайратга солувчи жасоратли ҳаракатлар эди. 23. Кейин яна бир иблис, Намучи, сув тўла булутга ўхшаган, олтин патли ўн бешта қудратли пайкон билан шоҳ Индрага ҳужум қилди. 24. Худди ёмғир палласида булутлар куёш юзини тўсиб қўйгани сингари, бошқа иблислар ҳам араваси ва жиловдори билан бирга Индрани кетма-кет пайконлар ёмғири билан кўмиб ташладилар. 25. Рақибларининг қаттиқ ҳужумига учраган фаришталар, жанг майдонида Индрани кўролмай қаттиқ ташвишга тушгандилар. Лашкарбошисини йўқотиб, улар худди океан ўртасида чўкиб бораётган кемадаги савдогарлар сингари сарсимага туша бошладилар.

26. Шундан сўнг Индра мохирлик билан пайконлар тўридан осонлик билан чиқиб олди. Байроқ билан безанган ўзининг минг отлик жанг аравасида, жиловдори билан бирга осмонга, ерга ва оламнинг ҳар тарафига лаззат бағишлаб, Индра тун охирида пайдо бўлган куёшдай порлаб турарди. Индра ҳар кимнинг кўзига ёркин, чиройли бўлиб кўринар эди. 27. Ваджрадхара деб ҳам шухрат қозонган, яшин қуролига эга бўлган Индра, ўзининг жангчиларини душман жангчилари қуршови ичида кўриб, қаттиқ ғазаби қайнади. Кейин у душманларнинг қулини кўкка совуриш учун яшин қуролини қўлига олди.

28. Эй Махараж Парикшит, шоҳ Индра барча қариндошлари ва издошларининг кўзи олдида Бала ва Паканинг каллаларини танасидан жудо қилиш учун ўзининг яшин қуролини ишга солди. Шу тарзда Индра жанг майдонида даҳшатли муҳит яратди. 29. Эй шоҳ, бошқа бир иблис Намучи, Бала ва Паканинг ҳалокатини кўриб, қаттиқ қайғу ва изтиробга тушди. Кейин у ғазаб билан Индрани ўлдиришга уриниб кўрди. 30. Арслондай наъра тортиб, золим иблис Намучи ўзининг олтин билан безатилган, кўнғироқчалар тақилган пўлат найзасини осмонга кўтарди. У баланд овоз билан шундай деб ҳайқирди: “Индра, Ҳозир сенинг ажалинг етади!” Шу сўзлар билан Индрани ўлдириш ниятида унинг олдида пайдо бўлиб, Намучи унга ўзининг қуролини отди.

31. Эй шоҳ, осмон шоҳи Индра ёнаётган метеоритга ўхшаб ерга тушаётган бу қудратли найзага кўзи тушган заҳоти ўзининг пайконтлари билан уни чил-парчин қилиб бўлақларга бўлиб ташлади. Кейин қаттиқ жаҳли чиқиб, Намучининг бошини танасидан жудо қилиш учун унинг елкасига яшин қуроли билан бир зарба туширди. 32. Шоҳ Индра бор қудратини ишга солиб, яшин қуролини Намучига қараб отган бўлса ҳам, у хатто унинг терисига ҳам жароҳат етказа олмади. Бу жуда хайратланарли ҳол эди: Вритрасуранинг танасини яксон қилган қудратли яшин қуроли Намучининг хатто танасига ҳам зиғирча жароҳат етказа олмаганди. 33. Индра яшин қуроли рақибига бирор зарар етказа олмаганини кўриб жуда кўрқиб кетди. У қандайдир ғайритабиий куч таъсирида рўй бераётган бу мўъжизадан қаттиқ хайратга тушган эди.

34. Индра шундай деб ўйлади: “Аввал, бундан анча вақт илгари, осмонда қанотлари билан учиб юрган тоғлар ерга кулаб одамларни ўлдириши лозим бўлганида, мен уларнинг қанотларини мана шу яшин қуролим билан кесиб ташлаган эдим. 35. Вритрасура Тваштанинг чеккан барча риёзатларининг тимсоли эди, шунга қарамай яшин қуроли уни ҳам бемалол ҳалокатга учратганди. Аслида фақат у эмас, териларини хатто энг қудратли қуроллар жароҳатлай олмаган жуда кўп қаҳрамонлар менинг мана шу яшин қуролимдан ҳалокатга учраганлар. 36. Аммо ҳозир, бу яшин қуроли унча қудратли бўлмаган иблисга қарши ишлатилганида ҳеч қандай ёрдам бермаяпти. Гарчи у худди браҳма-астра сингари қудратли бўлса ҳам, ҳозир худди оддий калтакка ўхшаб, фойдасиз бўлиб қолди. Шунинг учун энди менга унинг мутлақо кераги йўқ”.

37. Шукадева Госвами давом этди: “Индра шу тарзда тушқунликка тушиб, ковоғини уйиб турар экан, самодан кўринмас, қудратли бир овоз унга шундай деб хитоб қилди: “Бу иблис Намучини қуруқ ёки хўл бўлган бирор қурол билан ўлдиришнинг иложи йўқ!” 38. Овоз яна шундай деди: “Эй Индра, мен бу иблисга “Сен ҳеч қачон қуруқ ёки хўл қурол дастидан ўлмайсан!” - деб дуо қилганим сабабли, уни ўлдириш учун бошқа бирор усул ўйлаб топ!”

39. Самодан бу овозни эшитиб, Индра бу иблисни қандай ўлдириш ҳақида чуқур мулоҳаза юрита бошлади. Ниҳоят у ўйлаб топдики, кўпик айна шундай қурол, чунки у хўл ҳам эмас, қуруқ ҳам эмас. 40. Шу тариха Осмон шоҳи Индра қуруқ ҳам, хўл ҳам бўлмаган кўпикдан қилинган қурол билан Намучининг калласини танасидан жудо қилди. Кейин барча донишмандлар улғувор шахс Индрани олқишлаб, уни самодан ёғилаётган гулчамбар ва гулларга кўмиб

ташладилар. 41. Гандхарваларнинг икки раҳбари, Вишваси ва Паравасу бахтиёр бўлиб кўшиқ куйлай бошладилар. Фаришталарнинг литавралари янгради, қувончдан янграб Апсаралар шодон рақсга туша бошладилар. 42. Вайу, Агни, Варуна ва бошқа фаришталар, худди ўрмондаги арслонлар кийикларни ўлдиргани сингари, қаршилик кўрсатаётган иблисларни бирин-кетин ўлдирди бошладилар.

43. Эй шоҳ, Тангри Браҳма бу жангда иблисларнинг биратўла қирилиб кетаётганини кўриб, Нарада орқали фаришталарга дарҳол жангни тўхтатиш ҳақида кўрсатма юборди.

44. Буюк донишманд Нарада мун шундай деди: “Ҳой фаришталар, сизлар барчангиз Худонинг Олий Шахси Нарайананинг қўллари билан ҳимояланасизлар, Унинг хоҳиши билан сизлар мангулик шарбатига эга бўлинганлар. Равнақ фариштасининг марҳамати билан сизлар ҳар қандай фаолиятда шухрат қозонасизлар. Шунинг учун илтимос, ҳозирок жангни тўхтатинлар!”

45. Шукадева Госвами шундай деди: “Нарада Мунининг гапларини тинглаб фаришталар ғазабидан тушиб, дарҳол жангни тўхтатдилар. Издошларининг олқишлари остида улар ўзлари яшайдиган жаннатий сайёраларга йўл олдилар. 46. Нарада Мунининг кўрсатмаси билан тирик қолган иблислар жароҳат дастидан қийин аҳволда ётган Бали Махаражни олиб, Астагири довоғига йўл олдилар. 47. Ана шу ерда Шукрачарйа калласи, кўл-оёқлари жароҳат олмай жойида қолган барча иблисларга қайтадан жон киритди. У бундай қобилиятга *сандживани* деган мантрани қўллаш орқали эришган эди.

48. Бали Махараж оламни бошқариш ишларида жуда тажрибали эди. Шукрачарйанинг ёрдами билан у ҳушига келиб, хотираси жойига тушганида ҳамма бўлиб ўтган нарсаларни дарров тушуниб етди. Шунинг учун гарчи жангда мағлубиятга учраган бўлса ҳам, қаттиқ мусибатга тушмади.

Ўн иккинчи боб.

Мохини-муртининг Тангри Шивани маҳлиё қилиши.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Худонинг Олий Шахси, аёл қиёфасидаги Хари иблисларни Ўзига мафтун этиб, фаришталарга мангулик шарбатини ичиш имконини берди. Парвардигорнинг бу эрмаги ҳақида эшитиб, хўкиз миниб юрадиган Тангри Шива Мадхусудана, Парвардигор яшайдиган даргоҳга йўл олди. Рафиқаси Ума, хамиша ўзига йўлдош бўлиб юрадиган ҳамроҳлари - арвоҳлар билан бирга у Парвардигорни аёл қиёфасида кўриш ниятида йўлга чиқди.

2. Худонинг Олий Шахси Ўзининг даргоҳида Тангри Шива ва Умани чуқур ҳурмат эҳтиром билан кутиб олди, улар ўрнашиб ўтириб олгандан кейин Тангри Шива Парвардигорга муносиб равишда сажда қилди ва табассум билан мурожаат қилди.

4. Тангри Шива шундай деди: “Эй худолар Худоси, эй бутун борликни қамраб олган Парвардигор, эй бутун борлиқнинг эгаси, Сен Ўз қудратинг билан бу мавжуд оламни намоён этасан. Сен бутун борлиқнинг илдизи ва бошланғич сабабисан. Сен моддий сифатларга эга эмассан. Аслида Сен - бутун борлиқнинг ҳаёт кучи,

Олий Рухисан. Шунинг учун Сен - Парамешвара, барча хукмдорларнинг олий Хукмдорисан. 5. Намоён бўлган, намоён бўлмаган, сохта ўзлик ва бу мавжуд оламни яратиши, мавжудлигини таъминлаш ва яксон қилиш - ҳаммаси Сендан, Худонинг Олий Шахсидан чиқади. Сен - Мутлақ Ҳақиқат, олий мутлақ рух, Олий Брахман бўлганинг сабабли, туғилиш, ўлиш, озикланиш сингари ўзгаришлар Сен учун мутлақо бегона. 6. Ҳаётда энг олий мақсадга эришишни истаган ва ҳиссий лаззатларга интилиш сингари барча моддий истаклардан бутунлай озод бўлган соф содиқлар ёки буюк авлиё шахслар ҳаммаша Сенинг нилуфар кадамларинг пойига илоҳий хизмат қилиш бўлашади машғул бўладилар.

7. Эй азиз Худойим, Сен Ўзига тўла бутун Олий Брахмансан. Бутунлай руҳий табиатга эга бўлган ҳолда Сен мангу, моддий табиат гуналари таъсиридан бутунлай озод ва илоҳий лаззатли бахтга тўласан. Аслида Сен учун мусибат деган нарсанинг ўзи йўқ. Сен олий сабаб, барча сабабларнинг сабаби бўлганинг учун, борлиқдаги бирор нарса Сенинг мавжуд бўлолмайдими. Лекин, бизлар сабаб ва оқибатлар борасида Сендан бутунлай фарқ қиламиз, чунки, қайсидир маънода сабаб оқибатдан фарқ қилади. Сен - мавжуд борлиқнинг яралиши, мавжуд бўлиб туриш ва яксон бўлишининг бошланғич сабабисан, Сен барча тирик мавжудотларга бахт-саодат келтирувчисан. Ҳар бир мавжудот ўз фаолиятининг натижаларида фақат Сенга боғлиқ, аммо Сен ҳеч кимга боғлиқ эмассан.

8. Эй азиз Худойим, Сенинг улуғворлигинг ҳам сабаб, ҳам оқибатдир. Шунинг учун гарчи Сен бир жуфтдай бўлиб кўринсанг ҳам, аслида ягона, бир бутун Мутлақ Ҳақиқатсан. Худди олтиндан ясалган тақинчок билан кондаги олтин бир-биридан фарқ қилмагани сингари сабаб ва оқибат ҳам бир-биридан фарқ қилмайди - улар иккови бир бутундир. Фақат ўзларининг ғофиллиги туфайли одамлар ҳар хил қарама-қаршиликларни ўйлаб чиқарадилар. Сен моддий иллатлардан бутунлай поксан, бутун борлиқ Сен туфайли яралиб, Сенинг кудратинг билан мавжуд бўлиб тургани сабабли, у Сенинг илоҳий сифатларингнинг оқибатидир. Шундай қилиб, “Брахман - ҳақиқий, моддий олам - сохта” деган тахмин нотўғри фикр. 9. Имперсоналист ведантистлар деб аталадиган одамлар Сени шахсиятсиз Брахман сифатида биладилар. Мимамсика таълимоти файласуфлари Сени ҳақиқий дин сифатида ҳурмат қиладилар. Санкхйя таълимоти файласуфлари Сени пракрити ва пурушадан устун турадиган ва ҳатто фаришталарга ҳам хукмронлик қиладиган илоҳий Шахс сифатида танийдилар. Худода садоқат билан хизмат қилишнинг “панчаратрика” деган қонунлар тизимига риоя қилиб яшайдиганлар Сени ҳар хил тўққиз қувватга эга бўлган Зот деб сиғинадилар. Патанжали Мунининг издошлари, патанжали файласуфлар Сени тенги йўқ, ҳеч ким устун бўлолмайдиган, олий даражада мустақил бўлган Худо Шахси деб тан оладилар.

10. Эй азиз Худойим, бошқалар фаришталарнинг энг аълоси деб ҳисоблайдиган мен, Тангри Брахма ва Маричи бошлиқ буюк ришилар эзгулик сифатидан пайдо бўлганмиз. Шунга қарамай бизлар Сенинг алдамчи қувватинг кудратидан ҳайратга тушганмиз ва бу қандай мавжудот эканлигини англай олмаемиз. Шундай экан, моддий табиатнинг асосий гуналари(раджо, тамо) таъсири остида бўлган одамлар

ва иблислар сингари зотлар ҳақида нима дейиш мумкин? Улар Сени қандай англай олинлар?

11. Эй азиз Худойим, Сен энг олий илм тимсолсан. Сен бутун борлиқ ҳақида ҳамма нарсани, Уни яратишни, мавжудлигини таъминлаб туришни ва яксон қилишни яхши биласан. Шунингдек Сен тирик мавжудотларни бу моддий оламга тутқун қилиб кўядиган ва шу тутқунликдан озодликка чиқарадиган уларнинг барча уринишларини ҳам яхши биласан. Худди ҳаво кенг осмонга ҳам, барча кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотларнинг танаси таркибига ҳам киргани сингари, Сен ҳам ҳамма жойда мавжудсан, шунинг учун Сен ҳамма нарсдан хабардор, ҳамма нарсани билгувчи Зотсан. 12. Эй азиз Худойим, мен Сен Ўзингнинг илоҳий сифатларинг ёрдамида намоён этган барча қиёфаларингни кўрганман, ҳозир эса, Сен Ўзингни ажойиб ёш чиройли қиз қиёфасида намоён этганинг учун, мен Сени шу қиёфангга кўришни истаيمان.

13. Эй азиз Худойим, биз бу ерга, иблисларни бутунлай мафтун қилиб, фаришталарга мангулик шарбатини ичиш имкониятини бериш учун, уларнинг олдида намоён этган қиёфангни кўриш учун келган эдик. Мен шу қиёфангни кўришни жуда истаيمان”.

14. Шукадева Госвами шундай деди: “Парвардигор Вишну қўлида санчки ушлаб юрадиган Тангри Шиванинг бу илтимосини тинглаб туриб, майин жилмайиб кулиб қўйди ва Тангри Шивага мурожаат қилди.

15. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Иблислар мангулик шарбати тўла кўзани олиб кўйганида, уларни махлиё этиб, адаштириш ва шу йўл билан фаришталарга ёрдам бериш ниятида Мен чиройли аёл қиёфасига киргандим. 16. Эй фаришталар аълоси, ҳозир Мен эҳтиросли одамлар учун жуда ёқимли бўлган шу қиёфамни сенга ҳам намоён этиб кўрсатаман. Сен ўзинг кўришни истаб турганинг учун Мен уни сенинг олдингда намоён этаман”.

17. Шукадева Госвами давом этди: “Шу гапларни айтиб, Худонинг Олий Шахси кўздан ғойиб бўлди, Тангри Шива эса хотини Ума билан бирга шу ерда қолиб, Парвардигорни олазарақ бўлиб ахтара бошлади. 18. Шундан сўнг, Тангри Шива шу ерга яқин жойдаги қизғиш барг ва ранг-баранг гулларга тўла дарахтлар ўсиб ётган ўрмон четида копток ўйнаётган битта ёш чиройли қизни кўриб қолди. Унинг белида белбоғ, сонларига эса яркироқ сари ёпилган эди.

19. У ўйнаётганида копток гоҳ баландга сапчир, гоҳ пастга тушарди, оғир кўкракларидан ва узун чиройли гулчамбаридан унинг кўкси чиройли чайқалар, унинг хипча бели эса, гавдасини зўрға кўтариб тургандай нозик ҳаракат қилар, кораллдай қизғиш рангли майин товонлари гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ҳаракат қиларди. 20. Аёлниг ёқимтой юзини чиройли, катта-катта, безовта, майин қўлида ўйнаётган копток билан бирга гоҳ юқорига, гоҳ пастга ҳаракат қиладиган кўзлар яна ҳам жозибатор қилиб кўрсатарди. Қулоғидаги икки бриллиант сирға кўкимтир рангда акс этиб, Унинг порлаб турган чиройли юзини безаб турарди, юзига тушиб турган сочлари Уни кўзга яна ҳам яқинроқ, чиройлироқ қилиб кўрсатарди.

21. У копток ўйнаётганида яркироқ сарисининг тахи бузилиб, сочлари тўзиб кетди. У сочларини чиройли чап қўли билан тузатмоқчи бўлар, айна пайтда ўнг қўли билан копток ўйнашда давом этарди. Унинг

харакатлари жуда чиройли эди, Худои Таоло Ўзининг ички қуввати билан ҳар кимни Ўзига махлиё қилишга қодир бўлган Зотдир. 22. Тангри Шива копток ўйнаётган гўзал аёлга қараб турар экан, аёл ҳам баъзан унга қиё боқиб, ибодат билан майин кулиб кўярди. Тангри Шива шу чиройли аёлга қараб, махлиё бўлиб турар экан, Унинг ўзини зимдан кузатаётганини кўриб, ўзининг қаердалигини ҳам, ёнидаги гўзал хотини Умани ҳам, шу ерда турган ҳамроҳларини ҳам бутунлай эсидан чиқариб қўйди. 23. Копток кутилмаганда қизнинг чиройли қўлларидан қочиб, узокроққа бориб тушди, У коптокнинг изидан чопа бошлади. Унинг ҳаракатларини Тангри Шива диққат билан кузатиб турарди. Баногоҳ энгил шабада аёлнинг чиройли танасини бекитиб турган либосини учириб юборди. 24. Шу тариқа Тангри Шива танасининг барча аъзолари бенуксон аёлнинг деярли яланғоч танасига махлиё бўлиб қараб турарди, соҳибжамол аёл ҳам унга диққат билан қараб турарди. “Бу аёл менга махлиё бўлиб қолди шекилли”, деб ўйлаб Тангри Шива ҳам Унга мафтун бўлиб қолди.

25. Шу гўзал аёлга нисбатан қалбида кўзгалган шахвоний эҳтирос таъсири остида фикри бузилган Тангри Шива шу қадар ақлини йўқотиб қўйдик, ёнида турган рафикаси Бхаванидан ҳам уялмасдан шу аёлга яқин бора бошлади. 26. Гўзал аёл ярим яланғоч эди, У Тангри Шиванинг Ўзига яқинлашаётганини кўриб, дарров Ўзини тутиб олди. Юзида майин табассум сақлаган ҳолда бугалар орқасига яшириниб, бир жойда туриб қолди. 27. Шахвоний эҳтироси кўзиган Тангри Шиванинг хиссиётлари ўзига бўйсунмай, худди урғочи фил кетидан югурган эркак филга ўхшаб, у ҳам шу аёлнинг изидан юра бошлади. 28. Тезлик билан аёлнинг ёнига бориб, Тангри Шива Унинг сочидан ушлаб олди ва ўзига тортиди. Қаршилик кўрсатишига қарамай у аёлни қўллари билан қаттиқ кучоқлаб олди. 29-30. Эркак фил кучган урғочи филга ўхшаб, Тангри Шиванинг кучоғидаги аёл, сочлари тўзиб, илондай товланарди. Эй шоҳ, чиройли сонлари баланд бу соҳибжамол аёл аслида Худонинг Олий Шахси намоён этиб турган йогамайя эди. Аёл Ўзини қандайдир йўллар билан Тангри Шиванинг кучоғидан қутқариб олиб, ундан қоча бошлади. 31. Шахвоний эҳтирослар кўринишидаги ашаддий душманлар қўлига тушиб қолган Тангри Шива Мохини киёфасига кириб, жуда мохирлик билан ҳаракат қилаётган Парвардигор Вишнунинг йўлидан борарди. 32. Худди, хомиладор бўлишни истаётган урғочи филнинг ортидан қолмай юрадиган эркак фил сингари, Тангри Шива ҳам бу чиройли аёлнинг изидан қолмай борар ва гарчи аввал ҳеч қачон уруғлигини бекорга кеткизмайдиган бўлса ҳам, энди у йўл бўйи тинмасдан уруғлик сочиб борарди.

33. Эй шоҳ, буюк зот Тангри Шиванинг уруғлиги ер юзининг қаерига тушмасин, ҳамма ерда олтин ва кумуш доналари пайдо бўларди. 34. Мохинининг изидан юриб, Тангри Шива - дарё ва қўллар кирғоғидан, тоғ ва ўрмонлар яқинидан, боғлар ва буюк донишманд яшайдиган жойлардан ўтиб, ҳамма жойни айланиб чиқди. 35. Эй Махараж Парикшит, эй шоҳлар аълоси, Тангри Шива ўзининг уруғлигини бутунлай тамомлаб бўлганида, ўзининг Худонинг Олий Шахси яратган алдамчи сароб таъсирига тушиб қолганини англаб етди. Шундагина у ўзини майя таъсирига берилишдан тўхтатишга муваффақ бўлди. 36. Шу тариқа Тангри Шива ўзининг ўрнини ва чексиз

қудратга эга бўлган Худонинг Олий Шахсининг тутган ўрнини аниқ англаб олишга муваффақ бўлди. Шунинг англаб етгандан сўнг у Парвардигор Вишнунинг ўзини бундай ғаройиб усул билан қандай алдаб, йўлдан адаштирганига хайрон бўлмади. 37. Тангри Шивани осойишта, хотиржам ва шахвоний эҳтироси уйғонмаган вазмин, ўзининг қилган ишларидан уялган ҳолатда кўриб, Парвардигор Вишну, Мадхусудана ундан жуда мамнун бўлди. Кейин У Ўзининг азалий киёфасини қайта тиклаб, Тангри Шивага гапира бошлади.

Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Эй фаришталар аълоси, гарчи Сен Менинг аёл киёфамда намоён этган қувватларим таъсиридан етарлича ташвишга тушган бўлсанг ҳам, ҳозир сен ўзининг асл ҳолатингни тўла тушуниб етдинг. Шунинг учун сенга омад ёр бўлсин! 39. Эй азизим Шамбу, бу моддий оламда сендан бошқа ким ҳам Менинг алдамчи қувватимни енга оларди? Аксарият одамлар ҳиссий лаззатларга қаттиқ боғланиб қолганлар ва унинг таъсирига бўйсунушга мажбур. Аслини олганда, уларга таъсир қилаётган қудратли моддий табиатни энгиш жуда мушкул. 40. Мен билан бу мавжуд оламни яратишда ҳамкор бўлган ва уч гуна кўринишида намоён бўладиган моддий, ташқи қувват(майя) бундан кейин сени ҳеч қачон ўзига махлиё этолмайди”.

41. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шоҳ, кўксида Шриватса маржони осиб юрадиган Худонинг Олий Шахсидан шундай мақтовли сўзларни эшитиб, Тангри Шива эҳтиром билан Унинг атрофини айланиб ўтди. Кейин Ундан рухсат олиб, ўзининг ҳамроҳлари билан бирга Кайлас тоғига, ўз даргоҳига қайтиб кетди.

42. Эй Махараж Бхарата авлоди, қувончдан яйраб кетган Тангри Шива шундан сўнг, ҳамма буюк зотлар Парвардигор Вишнунинг қувватининг тимсоли деб биладиган Бхаванига, ўзининг рафикасига мурожаат қила бошлади.

43. Тангри Шива шундай деди: “Эй фаришта, сен ҳозир туғилмаган ва бутун борлиқнинг эгаси бўлган Худонинг Олий Шахсининг алдамчи қувватини кўрдинг. Мен - У буюк Зотнинг ҳақиқий экпансияларидан бири бўлсам ҳам, Унинг алдамчи қуввати қудрати билан ҳатто мен ҳам алданиб қолдим. Шундай экан, бутунлай майя чангалида юрган бошқа тирик мавжудотлар ҳақида нима дейиш мумкин? 44. Мен минг йил давомида сеҳрли йога билан шуғулланишни тугатганимда сен мендан кимга мууроқабат қилганимни сўраган эдинг. Замон ўз таъсирини ўтказа олмайдиган ва Ведалар англаб ета олмайдиган Олий Шахс ҳозир мана шу ерда турибди”.

45. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй азиз шоҳ, сут уммонини чайиш пайтида буюк тоғни елкасида кўтариб турган Шахс ҳам Шарнгадханва(елкасида Шарнга камонини осиб олган) деган ном билан ҳам машҳур бўлган ўша Худонинг Олий Шахси бўлади. Ҳозир мен сенга унинг кароматини гапириб бердим. 46. Сут уммонини чайиш ҳақидаги бу ҳикояни мунтазам тинглаб, бошқаларга гапириб юрган одамнинг меҳнатлари ҳеч қачон зое кетиб, натижасиз қолмайди. Аслини олганда, Худонинг Олий Шахсининг шон-шухратини куйлаб юриш - бу дунёда ҳамма азоб-уқубатлардан халос бўлишнинг ягона йўлидир. 47. Ёш гўзал аёл киёфасига кириб, иблисларни Ўзига мафтун этган Худонинг Олий Шахси сут уммонини чайиш натижасида пайдо бўлган мангулик шарбатини фаришталарга, Ўзининг содиқларига берди. Ҳамиша

содикларининг барча истакларини амалга оширадиган Худонинг Олий Шахсига мен чуқур эҳтиром билан сажда қиламан”.

Ўн учинчи боб.

Бўлғуси Манулар ҳақида башоратлар

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Шраддхадева деб аталадиган ҳозирги Ману Куёш сайёрасининг ҳукмдори бўлган Вивасваннинг ўғли бўлади. Шраддхадева - еттинчи Ману. Энди мен сенга унинг ўғилларини таърифлаб бераман, кулоқ сол!

2-3. Эй шоҳ Парикшит, Манунинг ўн ўглининг катталари - Икшваку, Набхага, Дхришта, Шарйати, Нарийанта ва Набхага. Еттинчи ўғли Дишта. Кейин Таруша ва Пришадхра, ўнинчи ўғли - Васуман.

4. Эй шоҳ, бу манвантарада Адитйалар, Васулар, Рудралар, Вишвадевалар, Марутлар, ака-ука Ашвиникумарлар ва Рибхулар асосий фаришталардир. Уларнинг асосийси(Индра) Пурандара. 5. Кашйапа, Атри, Васиштва, Вишвамитра, Гаутама, Жамадагни ва Бхарадваджа - етти донишманд сифатида машхур. 6. Бу манвантарада Худонинг Олий Шахси Адитйаларнинг кенжа ўғли пакана Вамана қиёфасида Ўзини намоён этди. Унинг отаси Кашйапа, онаси Адити бўлди. 7. Мен сенга етти Мануни қисқача таърифлаб берган эдим. Энди мен сенга келажакда Парвардигор Вишну намоён бўладиган қиёфалар билан бирга келажак Манулар ҳақида гапириб бераман.

8. Эй шоҳ, аввал(олтинчи кўшиқда) мен сенга Вишвакарманинг икки қизи Самжна ва Чхайа ҳақида гапириб берган эдим. Улар Вивасваннинг биринчи икки хотини эдилар. 9. Айтишларига қараганда, Куёш худосининг Вадана деган учинчи хотини ҳам бўлган. Уч хотини орасидан Самжананинг уч фарзанди бўлган: Йама, Йами ва Шраддхадева. Энди мен Чхайанинг фарзандларини айтиб бераман. 10. Чхайанинг Саварни деган ўғли ва Тапати деган қизи бўлган. Қизи кейинроқ шоҳ Самварананинг хотини бўлади. Чхайанинг учинчи фарзанди Шанаишчара(Сатурн). Вадананинг икки ўғли - ака-ука Ашвинилар бўлган. 11. Эй шоҳ, саккизинчи Манунинг даври келганда, Саварни Ману бўлади. Унинг Нирмока ва Вираджаска деган ўғиллари бўлади. 12. Саккизинчи Ману даврида Сутапа, Вираджа ва Амритапрабха фаришталар бўладилар. Фаришталар шоҳи Индра эса - Вирочананинг ўғли Бали Махараж бўлади. 13. Бали Махараж Парвардигор Вишнуга уч кадам ер парчаси совға қилди, мана шу қилган эҳсони туфайли у ўзи эгаллаб турган бутун уч оламдан маҳрум бўлди. Аммо кейинроқ, ўзида бор нарсасининг ҳаммасини Худога таклиф қилгани шарофати билан Парвардигор Вишнуни мамнун қилиб, Бали Махараж ҳаётда ҳақиқий камолот чўққисига кўтарилди.

14. Худо Шахси чуқур муҳаббат билан Балини асир олиб, боғлаб қўяди, кейин уни Сутала салтанатининг тахтига ўтказди. Бу сайёранинг бойлиги жаннатий сайёраларникидан ҳам кўп. Махараж Бали ҳозир ана шу сайёрада яшайди ва у ерда ҳатто Индрадан ҳам яхшироқ шароитда яшайпти. 15-16. Эй шоҳ, саккизинчи манвантара давомида буюк шахслар Галава, Диптиман, Парашурама, Ашваттхама, Крипачарйа, Ришйашринга ва бизнинг отамиз Вйасадева - Нарайананинг бир қиёфаси, етти донишманд бўладилар. Ҳозир уларнинг барчаси ўзларининг ашрамларида яшайптилар. 17.

Саккизинчи манвантарада буюк қудратга эга бўлган Худо Шахси Сарвабхаума дунёга келади. Унинг отаси Девагухйа, онаси Сарасвати бўлади. У Пурандара(Тангри Индра)дан четлашган салтанатда туғилади ва уни Бали Махаражга беради.

18. Эй шоҳ, тўққизинчи Ману Варунадан туғилган Дакша-саварни бўлади. Унинг Бхутакегу ва Диптакегу деган ўғиллари бўлади. 19. Мана шу тўққизинчи манвантарада Паралар ва Маричагарбхилар фаришталар бўладилар. Осмон шоҳи Индранинг номи Адбхута бўлади, етти донишманд орасида Дйутиман ҳам бўлади. 20. Ришабхадева, Худонинг Олий Шахсининг қисман қиёфаси, отаси Айушман, онаси Амбудхарадан туғилади. У Адбхута деган Индрага бутун уч олам салтанатида лаззатланиш имконини беради.

21. Упашлоканинг Брахма-саварни деган машхур ўғли ўнинчи Ману бўлади. Унинг ўғиллари орасида Бхуришена ҳам бўлади. Хавишман бошлиқ брахманлар етти донишманд бўладилар. 22. Хавишман, Сукрита, Сатйа, Джайа, Мурти ва бошқалар етти донишманд бўладилар, Суvasанлар ва Вируддхалар асосий фаришталар бўладилар, Шамбху уларнинг шоҳи, Индра бўлади. 23. Вишвасраштаннинг уйида, Вишучидан Худонинг Олий Шахсининг тўлиқ қиёфаси Вишваксена туғилади. У Шамбху билан дўст бўлади.

24. Ўн биринчи манвантарада Дхарма-саварни Ману бўлади, у руҳий илмнинг жуда билимдони бўлади. Унинг Сатйадхарма бошлиқ ўн ўғли бўлади. 25. Вихангамалар, камагамалар, Нирванаручилар ва бошқалар фаришталар бўлиб туғилдилар. Фаришталар шоҳи Индра - Ваидхрита бўлади, етти донишманд сардори эса Аруна бўлади. 26. Арйаканинг Дхармасету деган машхур ўғли, Худонинг Олий Шахсининг қисман қиёфаси бўлиб, Арйаканинг хотини Ваидхритадан туғилади ва уч оламга ҳукмронлик қилади.

27. Эй шоҳ, ўн иккинчи Ману Рудра-саварни бўлади. Унинг ўғиллари орасида Деваван, Упадава ва Девашрештва бўлади. 28. Мана шу манвантарада Индранинг оти Ритадхама бўлади, фаришталар орасида Хариталар бўладилар. Донишмандлар орасида Тапомурти, Тапасви ва Агнихракалар бўлади. 29. Онаси Сунрита ва отаси Сатйасахадан Худонинг Олий Шахсининг қисман қиёфаси Свадхама туғилади. У мана шу манвантарада ҳукмрон бўлади.

30. Ўн учинчи Манунинг номи Дева-саварни бўлади, у ҳам руҳий илм билимдони бўлади. Унинг ўғиллари орасида Читрасена ва Вичитра бўлади. 31. Ўн учинчи манвантарада фаришталар орасида Сукармалар ва Сутрамалар бўладилар. Диваспати осмон шоҳи бўлади, етти донишманд орасида Нирмока ва Таттвадаршалар бўлади. 32. Девахотранинг Йогешвара деган ўғли Худонинг Олий Шахсининг қисман қиёфаси бўлиб туғилади. Унинг онасининг оти Брихати бўлади. У Диваспатининг бахт-саодати учун жуда кўп ишлар қилади.

33. Ўн тўртинчи Манунинг оти Индра-саварни бўлади. Унинг Уру, Гамбхира ва Будха деган ўғиллари бўлади. 34. Фаришталар орасида Павитралар ва Чакшушалар бўлади. Шучи осмон шоҳи, Индра бўлади. Агни, Баху, Шучи, Шуддха, Магадха ва бошқа чуқур такводор зотлар етти донишманд бўладилар. 35. Эй Махараж Парикшит, ўн тўртинчи манвантарада Худонинг Олий Шахсининг онаси Витана, отасининг номи Сатрайана бўлади. Худои Таолонинг бу қиёфаси

Брихадбхану деган ном билан машхур бўлади ва У рухий фаолиятни бошқарадиган бўлади.

36. Эй шох, мен hozир сенга ўтмишда бўлиб ўтган, hozир ҳукм сураётган ва келажакда бўладиган ўн тўрт Ману ҳақида гапириб бердим. Бу Мануларнинг ҳукмронлик қиладиган умумий вақти минг йуга-даврга тенг. Мана шу вақт *калпа* деб аталади ва у Тангри Браҳманинг бир кунига тенг.

Ўн тўртинчи боб. Коинотни бошқарув тизими.

1. Махараж Парикшит шундай деди: “Эй бойликда тенги йўқ Шукадева Госвами, илтимос, менга тушунтириб берчи, ҳар бир манвантарада Манулар қандай қилиб ўз вазифаларини бажарадилар, кимнинг бўйруғи билан, кимнинг амрига бўйсуниб улар иш олиб борадилар?”

2. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шох, Ману, Манунинг ўғиллари, буюк донишмандлар, Индралар ва барча асосий фаришталарни бу лавозимларга Йаджна сингари ҳар хил қиёфаларда намоён бўладиган Худонинг Олий Шахси тайинлайди. 3. Эй шох, мен сенга Парвардигорнинг Йаджна сингари ҳар хил қиёфалари ҳақида гапириб берган эдим. Ману ва бошқаларни Худои Таолонинг ана шу қиёфалари тайинлайдилар ва Уларнинг назорати остида фаришталар коинотни бошқариш ишларини олиб борадилар. 4. Ҳар бир тўрт йуганинг охирида, инсоният ўзининг мангу вазифаларини бажариш йўлидан бутунлай адашиб кетганини кўриб, буюк авлиё зотлар инсоният учун ҳақиқий дин қонунларини қайта тиклайдилар. 5. Шундан сўнг, эй шох, Худонинг Олий Шахсининг насиҳатлари асосида иш олиб борадиган Манунинг ўзи бевосита йуганинг тўрт қисми учун ҳар бир табақанинг вазифаларини белгилайди. 6. Дин қонунлари асосида ўтказилган қурбонлик маросимлари натижаларидан лаззатланиб яшаш учун оламнинг ҳукмдорлари - Манунинг ўғиллари ва неваралари то Манунинг ҳукмронлиги тугагунча Худонинг Олий Шахсининг амрини бажарадилар. Фаришталар ҳам қурбонлик маросимлари натижаларидан баҳраманд бўладилар. 7. Осмон шоҳи Индра, Худонинг Олий Шахсидан фатво олгандан сўнг, олий даражадаги бойликлардан лаззатланиб, барча сайраларга етарли миқдорда ёмғир юбориб, бутун уч оламдаги барча тирик мавжудотларнинг ҳаётини таъминлаб туради. 8. Ҳар бир йугада Худонинг Олий Шахси, Хари одамларга илоҳий илм ўргатиш учун Санака сингари Сиддхалар қиёфасига киради. Карма йўлини ўргатиш учун У Йаджнавалкя сингари буюк авлиё зотлар қиёфасига киради, сеҳрли йога тизимини ўргатиш учун эса, ҳар йугада Дататрейя сингари буюк йоглар қиёфасига киради.

9. Худонинг Олий Шахси Праджапати Маричи қиёфасига кириб бу дунёда ўздан авлодлар қолдиради; шоҳлар қиёфасига кириб, У ўғри ва қароқчиларни ўлдиради; замон қиёфасига кириб У бутун борликни яқсон қиладди. Моддий борлиқнинг ҳар хил сифатларининг барчаси Худонинг Олий Шахсининг сифатлари деб қабул қилиниши лозим. 10. Бу дунёда одамларнинг аксарият кўпчилиги Худонинг алдамчи қувватига маҳлиё бўлиб қолган, шунинг учун улар ҳар хил кашфиётлар ва фалсафий фикр юритишлар орқали

Худонинг Олий Шахсини, Мутлак Ҳақиқатни излаб топишга ҳаракат қиладилар. Лекин барибир улар Худои Таолони кўришга қодир эмаслар. 11. Бир калпа давомида, яъни Браҳманинг бир кунига *викалпа* деб аталадиган жуда кўп ўзгаришлар рўй беради. Эй шох, буларнинг ҳаммасини мен сенга тушунтириб берган эдим. Ўтмиш, hozир ва келажакни биладиган билимдон олимлар аниқлаганларки, Браҳманинг бир кунига ўн тўрт Ману алмашади.

Ўн бешинчи боб. Бали Махаражнинг жаннатий сайёраларни забт этиши.

1-2. Махараж Парикшит шундай деди: “Худонинг Олий Шахси - бутун борлиқнинг эгаси. Нима сабабдан У худди қашшоқ одам сингари Бали Махараждан уч кадам ер сўради? У Ўзи сўраган мукофотни олгандан кейин нимага Бали Махаражни боғлаб, қамокқа солди? Мен бундай қарама-қаршиликларнинг маъносини билишга жуда қизиқяпман”.

3. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шох, Бали Махараж жангда ҳалокатга учраб, бутун бойлигидан айрилганида, Бхригу Мунининг авлодидан бўлган Шукрачарйа уни қайтадан ҳаётга қайтарган эди. Шу тариқа буюк руҳ Бали Махараж Шукрачарйанинг шогирди бўлди ва унга бор бисотини тақдим этиб, чуқур иймон ва ишонч билан хизмат қила бошлади. 4. Бхригу Мунининг браҳман авлодлари Индранинг салтанатини босиб олишни ният қилиб юрган Бали Махараждан жуда мамнун бўлдилар. Шунинг учун, махсус покланиш маросимининг барча қонун-қоидаларига қатъий амал қилиб поклангандан кейин, улар Бали Махаражга *Вишваджит* деб аталадиган қурбонлик маросими ўтказишни буюрдилар. 5. Шу қурбонлик маросими пайтида муқаддас оловга тозаланган сарийёғ куйилганида олов ичидан олтин ва ипак билан безанган илоҳий жанг араваси пайдо бўлди. Шу оловдан Индранинг отларига ўхшаган сариқ отлар ва арслон тасвирланган жанговор байроқ ҳам пайдо бўлди. 6. Яна олтин қопланган камон, икки ўқдон тўла нишонга бенуқсон бориб тегадиган пайконлар, ҳамда самовий қалқон-совут пайдо бўлди. Бали Махаражнинг бобоси Прахлад Махараж Балига ҳеч қачон сўлмайдиган гулчамбар совға қилди, Шукрачарйа унга сур совға қилди. 7. Шундай қилиб, браҳманларнинг маслаҳати билан махсус қурбонлик маросими ўтказиб, уларнинг марҳамати билан жанг учун зарур бўлган барча нарсаларга эга бўлгандан кейин, Бали Махараж браҳманларнинг атрофини айланиб ўтиб, уларга чуқур эҳтиром билан сажда қилди. У бобоси Прахлад Махаражга ҳам сажда қилиб, муносиб ҳурмат кўрсатди.

8-9. Кейин, Шукрачарйа совға қилган жанг аравасига ўтириб, ажойиб гулчамбар осиб олган Бали Махараж қалқон-совутни танасига кийди ва қиличинини кўлига олиб, камони ва пайконларини елкасига осди. Кўлларида олтин билагузуклар, қулоғида сапфир сирғалар билан жанг аравасининг ўриндиғига ўтирар экан, Бали Махараж худди муқаддас оловдай порлаб нур сочиб турарди. 10-11. У ўзининг шахсий соқчилари ва куч-қудратда, бойлик ва гўзалликда ўзи билан баробар бўлган саркардалари билан бир жойга

тўпланганида, улар худди бутун осмонни ютиб юборгудай, ўзларининг ўтли нигоҳлари билан оламнинг ҳамма тарафининг кулини кўкка созуришга тайёрдай кўринарди. Шу тариқа иблис жангчиларни тўплаб, Бали Махараж Индранинг бойликка тўла пойтахтига қараб йўл олди. Аслини олганда у худди бутун олам аҳлини зир титрашга мажбур қиладигандай вазоҳатли кўринарди. 12. Шоҳ Индранинг шахри Нандана боғи сингари ҳар хил мевали ва манзарали боғ ва хиёбонларга тўла эди. Гуллар, барг ва мевалар оғирлиги остида мангу яшайдиган дарахтларнинг шохалари пастга эгилган эди. Бу боғларда жуфт-жуфт бўлиб, сайроқи қушлар чуғурлаб ёқимли хониш қилардилар. Атроф муҳит илоҳий даражада шинам, оромбахш эди.

13. Нилуфар гулларига, оққушларга, лайлакларга, чакравака ва ўрдакларга тўла ҳовузлари бор боғлар ичида фаришталарнинг ишончли ҳимояси остидаги чиройли аёллар ҳордиқ чиқариб, ўйнаб юрардилар. 14. Шаҳар атрофи Ганга сувлари билан тўлдирилган Акаша-ганга деган чуқур зовурлар, олов рангидаги баланд пахса-деворлар билан ўралган эди. Ана шу деворларда ташқаридаги душман билан жанг олиб бориш учун махсус тешиклар бор эди. 15. Эшиклар катта олтин тахталардан, дарвозалар эса аъло сифатли мрамрдан қилинган эди. Улар ҳар хил йўллар билан бириккан эди. Бутун шаҳарнинг лойиҳасини Вишвакарма ўйлаб чиққан эди. 16. Шаҳарнинг кўплаган катта-катта ҳовлилари, кенг равон йўллари, мажлис заллари бўлиб, унда камида юз миллион ҳаво кемаси бор эди. Чорраҳалар марваридлар билан безатилган бўлиб, у ерларда ўтириб ҳордиқ чиқариш учун олмос ва кораллдан қилинган юмшоқ ўриндиқлар қўйилган эди. 17. Ҳамиша ёш ва гўзал, топ-тоза ҳарир либосларга ўраниб олган жувонлар шаҳарда ловуллаб турган олов сингари порлаб сайр қилиб юрардилар. Уларнинг ҳаммасининг танаси шйамасифат(қишда иссиқ, ёзда салқин, кўкраклари дуркун) эди. 18. Шаҳар кўчаларидан эсаётган майин шабада атроф-муҳитни фаришталарнинг хотинлари сочидан тушаётган гулларнинг анвойи ҳидлари билан тўлдиради. 19. Апсаралар олтиндан нақш қўйилган деразалардан чиқаётган анвойи *агуру* тутунлари ўтириб қолган чиройли либосларга ўраниб кўчаларда айланиб юрардилар. 20. Шаҳарда жавоҳирлар билан безанган соябонлар кўп эди, саройларнинг гумбазлари марварид ва олтиндан ясалган байроқлар билан безатилган эди. Шаҳар ҳамиша товус, каптар ва асалариларнинг овозлари билан тўла бўлиб, шаҳар осмонида қулоққа ёқимли ашулалар айтаётган гўзал аёллар ўтирган ҳаво кемалари учиб юрарди. 21. Бутун шаҳар сайилларда чалинаётган мриданга, сур, литавра, най ва бошқа торли мусиқа асбобларининг овозларига тўлиб кетган эди. Бу ерда ҳамиша Гандҳарвалар кўшиқ қуйлаб рақсга тушардилар. Шуларнинг барчаси қўшилиб Индрапурина тенгсиз гўзаллик тимсолига айлантирган эди. 22. Бирор гуноҳкор, ҳасадгўй, бошқа тирик мавжудотларга нисбатан бераҳм, айёр, манман, шахвоний эҳтиросга берилган ёки очкўз одам бу шаҳарга қира олмасди. Бу шаҳарда яшаётган одамлар ана шундай нуқсонлардан бутунлай пок зотлар эди.

23. Сон-саноксиз жангчилар лашкарбошиси бўлган Бали Махараж қўшинини Индранинг бу даргоҳидан четроқда тўплаб, шаҳарга ҳар тарафдан ҳужум қилди. У Индранинг ҳимояси остида бўлган аёлларнинг

юрагига кўрқинчли ғулғула солиб, рухий устози Шукрачарйа совға қилган жанговор сурина баланд овоз билан чалиб юборди. 24. Бали Махаражнинг ниятини тушуниб, унинг шижоат билан уринишларини кўриб, шоҳ Индра бошқа фаришталар билан бирга рухий устози Брихаспатининг олдига бориб унга мурожаат қилди:

25. “Эй ҳукмдорим, бизнинг эски душманимиз Бали Махараж ҳозир янги куч-қудратга эга бўлиб келган, у ҳозир шундай шижоат билан жанговор ҳолатда турибдики, унинг ҳужумларига бизлар бардош беролмасак керак деб ўйлайман. 26. Бали Махаражнинг бу ҳужумига ҳеч ким бас келолмайди. Бали Махараж ҳозир бутун коинотни оғзи билан ютиб юборишга, оламнинг ҳамма тарафини тили билан ялаб олишга, кўзлари билан оламнинг ҳар тарафига ўт сочиб, уни бутунлай куйдириб юборишга тайёрдай кўриняпти. Аслини олганда унинг ҳозир пайдо бўлиши охир-замон пайтидаги самвартака оловини эслатади. 27. Илтимос, менга тушунтириб бер! Бали Махаражнинг бундай куч-қудрат, шижоат, таъсир кучи, мардонаворлик соҳиби бўлишининг сабаби нимада?”

28. Фаришталарнинг рухий устози Брихаспати шундай деди: “О Индра, сенинг душманинг қандай қилиб бунчалик қудратли бўлганининг сабабини мен яхши биламан. Унинг қилган хизматларидан мамнун бўлиб, Бхригу Мунининг браҳман авлодлари ўзларининг шогирди Бали Махаражга ана шундай ғайритабиий куч-қудрат ато этганлар. 29. Бу қудратли Бали Махаражга ҳозир на сен, на сенинг одамларинг бас келолмайсизлар. Аслини олганда, Худонинг Олий Шахсидан бошқа ҳеч ким ҳозир уни енгишга қодир эмас, чунки у ҳозир энг олий рухий қудрат(браҳма-теджас)га эга. Ҳеч ким Йамаражга қарши чиқолмагани сингари, ҳозир ҳеч ким Бали Махаражга бас келолмайди. 30. Шунинг учун, душманларинг мағлубиятга учрайдиган пайтгача сен бу самовий салтанатни тарқ этиб, кўзга кўринмай юра оладиган бошқа бирор жойга жўнашинг керак. 31. Бали Махараж ҳозир браҳманларнинг қилган дуои-фотиҳалари шарофати билан чексиз куч-қудратга эга бўлиб турибди, лекин кейинроқ у браҳманларни ҳақорат қилганида, яна куч-қудратидан айрилиб, ҳамроҳлари ва дўстлари билан бирга мағлубиятга учрайди”.

32. Шукадева Госвами давом этди: “Брихаспатидан бундай маслаҳат олган фаришталар унинг айтганларига амал қилдилар. Ўзлари истаган кўринмас қиёфаларга кириб, жаннатий салтанатдан иблисларга кўринмасдан чиқиб кетдилар. 33. Фаришталар кўздан ғойиб бўлганида Вирочананинг ўғли Бали Махараж жаннатий сайёралар пойтахтига кириб олди ва шу ердан туриб, бутун уч оламни ўзининг ҳукмига бўйсундирди. 34. Бутун коинотни забт эган шогирдидан жуда мамнун бўлган Бхригунинг браҳман авлодлари энди унга юз марта от қурбон қилиш, ашвамедха маросими ўтказишни буюрдилар. 35. Бали Махараж юз марта ашвамедха маросими ўтказгандан кейин оламнинг ҳамма ерида, бутун уч оламда катта обрў қозонди. Шу тариқа у осмондаги ойдай чараклаб, бутун оламда тенгсиз шон-шухрат қозонди. 36. Браҳманларнинг марҳаматига сазовор бўлган буюк руҳ Бали Махараж тенгсиз бойликка, салтанатга эришиб, лаззатланиб яшар, ўзининг ҳаётидан жуда мамнун эди”.

Ўн олтинчи боб. Пайо-врата сиғиниш маросимини ўтказиш.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шох, Адитининг фаришта ўғиллари шу тариқа жаннатдан қочиб кетиб, уларнинг ўрнига иблислар ўрнашиб олгандан кейин, Адити худди химоясиз қолгандай қаттиқ мусибат чека бошлади. 2. Орадан жуда кўп кунлар ўтгандан кейин қудратли буюқ донишманд Кашйапа Муни жававали муруқаба ҳолатидан чиқди ва мусибат чекаётган Адитининг ашрамига кириб ўтиш учун уйига қайтди. 3. Эй Қурулар аълоси, чуқур ҳурмат эътибор билан кутиб олинган Кашйапа Муни ўзининг ўриндигига ўтирди ва қаттиқ изтироб чекаётган хотини Адитига шундай сўзлар билан муружаат қилди:

4. “Эй энг итоаткор аёл, мен сенинг ҳолатингга хайрон бўляпман: браҳманларга, диний қонунлар билан боғлиқ бўлган ёки ажалнинг инжиқликлари таъсирига маҳкум бўлган одамларга бирор қор-ҳол рўй бердимиз? 5. Эй оилавий турмушга қаттиқ боғланиб қолган хотин, агар оилавий ҳаётда ҳақиқий дин(дхарма), иктисодий ривожланиш(артха), ҳиссий лаззатланиш(кама) қонун-қоидаларига қатъий амал қилиб яшаса, оилали одамнинг фаолияти ҳам илоҳий одамнинг ҳаёти сингари жуда яхши, саодатли бўлади. Ана шу қонун-қоидаларга амал қилишда бирор ўзгариш бўлдимиз? 6. Балки сен оила аъзоларингга қаттиқ боғланиб қолганинг сабабли чақирилмаган меҳмонларни муносиб кутиб олмагандирсан, шунинг учун улар қайтиб кетгандир? 7. Қутилмаган меҳмонларни яхши кутиб олиб, ҳеч бўлмаса озгина сув билан меҳмон қилмаган хонадон даладаги чиябўриларнинг уяси бўлган чуқурга ўхшайди. 8. Эй покдомон ва тақводор аёл, мен уйимдан бош олиб кетганимда сен қурбонлик маросими ўтказиб, муқаддас оловга сариеғ таклиф этмаганингдан қаттиқ ташвишланган эдинг. 9. Муқаддас оловга ва браҳманларга сиғиниш шарофати билан оилали одам жаннатга эришиш ниятига етади, чунки муқаддас олов ва браҳманлар барча фаришталарнинг Олий Рухи бўлган Парвардигор Вишнунинг оғзи ҳисобланади. 10. Эй чуқур тафаккурли аёл, барча ўғилларинг сен билан биратўла хўшлашиб кетдиларми? Сенинг сўниқ юзингдан кўриб турибманки, сенинг ақлинг паришон, ташвишли. Нима бўлди? Қандай нохуш воқеа рўй берди?”

11. Адити шундай деди: “Эй ҳурматли браҳман-эрим, браҳманларга, сигирларга, диний қонунларга ва бошқа одамларнинг фаровонлигига ҳеч нарса бўлгани йўқ. Эй уйнинг эгаси, дхарма, артха, кама қонунлари амал қилинадиган хонадонда ҳамма бахтиёр яшайди. 12. Эй севимли эрим, оловга ҳам, меҳмонларга ҳам, хизматкорларга ва гадойларга ҳам етарлича эътибор билан ғамхўрлик қилиб юрибман. Мен ҳаммиша сени ўйлаб юрганам сабабли оилада қайсидир дин қонунлари бажарилмай қолиш имконияти умуман бўлиши мумкин эмас. 13. Эй менинг ҳукмдорим, сен - Праджапати ва диний қонунлар бўйича менинг шахсий маслаҳатчим бўлганинг учун, қандай қилиб менинг бирор истагим амалга ошмай қолиши мумкин? 14. Эй Маричининг ўғли, буюқ шахс бўлганинг учун сен ўзининг танангдан ёки ақлингдан пайдо бўлган ва моддий табиат гуналари(*самтв*а-, *раджд*о-, *тама-гуна*)дан бирортаси таъсири остида бўлган

фаришталарга ҳам, иблисларга ҳам бир хил муносабатда бўласан. Аммо, Худонинг Олий Шахси, олий ҳукмдор, барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлгани билан барибир У ўзининг содиқларига алоҳида эътибор беради. 15. Шунинг учун эй машхур ҳукмдор, ўзининг садоқатли хизматкорингни дуои-фотиҳа қил. Душманларимиз, иблислар бизларни барча бойликларимиздан ва уйларимиздан маҳрум қилдилар. Илтимос, бизларни улардан химоя қил!

16. Дахшатли қудратга эга душманларимиз бўлган иблислар бутун бойлигимизни, гўзаллигимизни, шон-шухратимизни ва ҳатто яшайдиган даргоҳимизни ҳам тортиб олдилар. Ҳозир бизлар ўз уйимиздан қувилиб, ташвиш уммониға ғарқ бўлиб, сарсон бўлиб юрибмиз. 17. Эй донишмандлар аълоси, эй дуои-фотиҳа қилувчиларнинг аълоси, илтимос, бизларнинг аҳволимизни бир ўйлаб кўр, ўғилларим ўзларининг йўқотган нарсаларини қайтариб олишлари учун уларга бирор йўл кўрсат!”

18. Шукадева Госвами давом этди: “Хотини Атрининг бундай илтимосини тинглаб туриб, Кашйапа Муни мийиғида қулиб қўйди: “Афсус, - деб ўйлади у, - Парвардигор Вишнунинг алдамчи қуввати қанчалар қудратли! Унинг таъсири остида бутун жаҳон аҳли ўз фарзандларига нисбатан муҳаббат, боғланиш туйғусига ёпишиб олган!”

19. Кашйапа Муни давом этди: “Беш моддий унсурдан таркиб топган бу моддий тана нима ўзи? У илоҳий табиатга эга бўлган руҳдан фарқ қилади. Аслини олганда илоҳий руҳ, жон, танани ташкил этувчи моддий унсурлардан бутунлай фарқ қилади. Аммо танасига боғланиб қолгани сабабли ҳар бир одам бир-бирига “эрим”, “ўғлим” деб қарайди. Бу алдамчи муносабатлар ҳаёт ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлиш оқибатидир. 20. Азизим Адити, бутун оламнинг ҳақиқий эгаси бўлган ва ҳар кимнинг ҳар қандай душманини енга оладиган, ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилишда машғул бўл! Фақат ана шу Олий Шахс - Парвардигор Кришна яъни Васудева ҳар бир одамга энг буюқ саодат келтирадиган дуои-фотиҳа бериши мумкин, чунки У бутун борлиқнинг олий рухий устозидир. 21. Моддий жиҳатдан қашшоқ одамларга жуда меҳрибон бўлган Худонинг Олий Шахси сенинг барча истақларингни рўёбга чиқаради, чунки Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш бу дунёда энг бенуксон фаолиятдир. Худого садоқат билан хизмат қилишдан бошқа ҳар қандай фаолият бефойда, бемаъни фаолиятдир. Менинг фикрим шу”.

22. Шримати Адити шундай деди: “Эй браҳман, Худои Таоло мендан мамнун бўлиши ва менинг барча орзу-истақларимни рўёбга чиқариши учун менга бутун борлиқнинг эгаси ва рухий устозига садоқат билан хизмат қилишнинг қонун-қоидаларини тушунтириб бер. 23. Эй браҳманлар аълоси, менга Худонинг Олий Шахсига муқаммал сиғиниш усулини ўргат, токи Худои Таоло тез кунда мендан мамнун бўлиб, мени ва ўғилларимни биз ҳозир тушиб қолган бундай ачинарли, хавф-хатарга тўла аҳволдан тезроқ қутқариб олсин”.

24. Шри Кашйапа Муни шундай деди: “Авлод қолдиришни истаганда мен ҳам нилуфар гулидан пайдо бўлган Тангри Браҳмага шундай илтимос билан муружаат қилган эдим. Мен ҳозир сенга Тангри Браҳма менга ўргатган ўша сиғиниш жараёни таърифлаб

бераман, шу йўл билан сен Кешавани, Худонинг Олий Шахсини мамнун қила оласан.

25. *Пхалгуна*(феврал, март) ойининг икки ёруғ ҳафтасида, *Двадаши* билан тугайдиган ўн икки кун давомида, ҳар ким фақат сут ичиб юришга қасам ичиши ва нилуфар кўзли Худонинг Олий Шахсига мунтазам равишда чуқур муҳаббат ва садоқат билан сажда қилиб юриши лозим. 26. Тўнғиз қовлаб ташлаган лой топилса, ойнинг қоронғи куни ҳар ким танасини шу лой билан чаплаб, дарёда чўмилиб чиқиши керак. Ювинаётганда қуйидаги мантрани ўқиш керак.

27. “Эй она Ер, маълум турадиган жойинг бўлишини ўзинг истаганинг учун сени уммон қаъридан тўнғиз қиёфасига кирган Худонинг Олий Шахси, Вараха кўтариб чиққан эди. Менинг барча гуноҳларим оқибатини бартараф қилишингни сендан ялиниб илтижо қиламан. Мен сенга чуқур эҳтиром билан сажда қиламан”.

28. Шундан сўнг, ҳар ким ўзининг кундалик рухий вазифаларини бажариши лозим, кейин чуқур ҳурмат-эҳтиром билан Худонинг Олий Шахсига, меҳробга, Кўёшга, сувга, оловга ва рухий устозга сиғиниш маросими ўтказиши лозим.

29. “Эй Худонинг Олий Шахси, эй ҳар кимнинг қалбида яшайдиган ва ҳар ким Унда яшайдиган, ҳаммадан буюк Зот. Эй ҳамма нарсанинг гувоҳи бўлган Васудева, эй ҳамма жойни қамраб олган олий Шахс, мен Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгаман. 30. Мен Сенинг олдинда, Олий Шахс олдида эҳтиром билан сажда қиламан. Жуда нафис бўлган ҳолда Сен ҳеч қачон моддий кўзларга кўринмайсан. Сен - йигирма тўрт унсур билимдонисан ва Сен *санкхья-йога* тизимининг асосчисан. 31. Мен Сенга, икки калласи(*прайанийа* ва *удайанийа*), уч оёғи(*саванатрайа*), тўрт шохи(тўрт Веда) ва етти кўли(Гайатри сингари етти *чханд*) бўлган Худонинг Олий Шахсига чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. Қалби ва юраги ведаларда кўрсатилган уч турли маросим(*карма-канда*, *жнана-канда* ва *упасана-канда*) бўлган ва бу маросимларни қурбонлик маросими сингари сиғиниш маросимлари сифатида оламга таратган Сенга чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. 32. Мен Сенга, барча бойликлар манбаи бўлган Тангри Шива ёки Рудранинг, барча илмларнинг манбаи ва ҳар кимнинг рухий устози бўлган Зотга чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. 33. Мен Хиранийагарбха қиёфасида ҳар бир тирик мавжудотнинг Олий Руҳи, ҳаёт манбаи бўлган Сенга чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. Сенинг тананг - барча сеҳр қудратларининг манбаидир. Мен Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгаман. 34. Мен, азалий Худо Шахси, мангу гувоҳ сифатида ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлиб, Ўзини инсон қиёфасида Наранарайана Риши бўлиб намоён этган Зот олдида чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. 35. Мен сариқ либосга ўраниб олган, танасининг ранги *мараката* қимматбаҳо тошини эслатадиган, равнақ фариштасини тўла назорат қиладиган Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. 36. Эй энг буюк ва улугвор, ҳамма сиғинадиган ягона Парвардигор, эй бахт-саодат берувчиларнинг энг аълоси, Сен ҳар кимнинг орзусини рўёбга чиқара оласан, шунинг учун соғлом фикрлай оладиган зотлар ўзларининг бахти учун Сенинг нилуфар қадамларинг гарди пойига сажда қиладилар. 37. Барча фаришталар, шунингдек равнақ фариштаси ҳам Унинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш

билан шуғулланадилар. Аслини олганда улар ана шу нилуфар қадамлар пойининг муаттар ҳидини эъзозлайдилар. Ана шу Худонинг Олий Шахси мендан мамнун бўлсин!”

38. Кашйапа Муни давом этди: “Мана шу мантрани тиловат қилиб, Худонинг Олий Шахсини чуқур ишонч ва садоқат билан шарафлаб, Унга сиғиниш анжомларини(*падйа*, *архья* сингари) таклиф этиб, ҳар бир одам Кешавага, Хришикешага, Кришнага, Худонинг Олий Шахсига сиғиниши лозим. 39. Аввал содиқ хизматкор *двадашакашара*-мантрани тиловат қилиши, гулчамбар, мушк-анбар ва бошқа нарсаларни таклиф қилиши лозим. Шу тарзда Парвардигорга сиғиниб бўлгандан кейин, у Илохни сутда чўмилтириши, кейин ажойиб либослар кийинтириб, Унга муқаддас чилвир(зуннор) ва тақинчоқларни тақиши лозим. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини ювиш учун сув таклиф қилгандан кейин, содиқ Парвардигорга анвойи хид таратиб турган гуллар, мушк-анбарлар ва бошқа анжомлар билан яна сиғиниш маросими ўтказиши лозим. 40. Имкониятига қараб содиқ Илоҳга сутга *патока*(шира) ва тозаланган ёғ солиб қайнатилган гуруч таклиф қилиши лозим. Биринчи мантрани тиловат қилаётғиб, буларнинг ҳаммасини ҳар бир одам аввал оловга таклиф қилиши лозим. 41. Прасаднинг ҳаммасини вайшнавага таклиф этиш керак ёки унга бир қисмини бериб, қолган қисмини ўзи ейиши керак. Шундан сўнг Парвардигорга *ачаман*, кейин бетель таклиф этиб яна сажда қилиш керак. 42. Шундан сўнг ҳар ким ичида шу мантрани 108 марта зикр қилиши лозим ва Худои Таолони шарафлаб илтижо қилиши керак. Кейин ҳар ким Парвардигорнинг атрофини айланиб ўтиши лозим, кейин чуқур муҳаббат ва лаззат билан ерга юзтубан йиқилиб, Худого сажда қилиш керак. 43. Парвардигорга таклиф этилган гулларни бошига теккизиб тавоф этиб, таклиф этилган сувдан бошига сепиб, уларни муқаддас жойга қўйиш керак. Кейин ҳар ким ширин гуруч билан камида икки браҳманни меҳмон қилиши лозим. 44-45. Ҳар бир одам ўзи меҳмон қилган мўътабар браҳманларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши лозим, кейин улардан рухсат олиб, содиқ ўзининг дўстлари ва қариндошлари билан бирга *прасад* қабул қилиши лозим. Шу кеча давомида ҳар ким жинсий поклигини сақлаши лозим, эртасида эрталаб, ювиниб поклангандан кейин, покланган ҳолда ҳар ким диққат билан Парвардигор Вишнунинг Илоҳини сутда ювинтириши ва юқорида таърифланган усул билан Унга сиғиниш маросими ўтказиши лозим. 46. Чуқур иймон ва садоқат билан Парвардигор Вишнуга сиғиниб, фақат сут билан яшаб, ҳар ким мана шу қасамга амал қилиши лозим. Ҳар ким аввал айтилганидай оловга қурбонлик қилиб, браҳманларни меҳмон қилиши лозим. 47. Шу тариқа, ўн икки кун ўтганча ҳар ким, ҳар куни Худого сиғиниб, кундалик рухий вазифаларини бажариб, қурбонлик маросими ўтказиб ва браҳманларни меҳмон қилиб мана шу *пайо-врата* қондасига амал қилиши лозим.

48. Пратипатадан то Ойнинг кейинги ёруғ ўн учинчи (*шукла-трайодаши*) кунигача ҳар ким жинсий поклигини тўла сақлаши, тақир ерда ухлаши, кунига уч марта ювиниши керак. 49. Мана шу вақт мобайнида ҳеч ким заруратсиз дунёвий мавзуда ёки ҳиссий лаззатлар ҳақида суҳбат қилмаслиги керак, ҳар бир одам бошқа тирик мавжудотларга нисбатан ҳасад туйғусидан бугунлай пок бўлиши ва ҳар ким Парвардигор

Васудеванинг пок, соф виждонли, ростгуй содик хизматкори бўлиб юриши керак. 50. Шундан сўнг, билимдон брахманларнинг ёрдами билан муқаддас китобларнинг кўрсатмаларини бажариб, Ойнинг ўн учинчи кунда ҳар ким Парвардигор Вишнуни беш нарса(сут, қатик, сариёғ, шакар ва асал) билан чўмилтириши лозим. 51-52. Очкўзлик ва қизганиш туйғусини тарк этиб, ҳар ким ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Худонинг Олий Шахси, Вишнуга катта тантана билан сиғиниш маросими ўтказишга ҳозирланиши лозим. Чуқур эҳтиром билан ҳар ким сариёғ ва сутда қайнатилган дон маҳсулотларини тайёрлаши ва *Пуруша-сукта* илтижосини зикр қилиши керак. Парвардигорга таклиф этиладиган таомларнинг мазаси хилма-хил бўлиши керак. Шу тариқа ҳар ким Худонинг Олий Шахсига сиғиниши керак. 53. Ҳар бир одам Ведалар адабиётини яхши биладиган руҳий устозини ва унинг (*хота, удхата, адхварйа* ва *брахма* деган) ёрдамчиларини мамнун қилиши лозим. Уларни кийим кечак, тақинчоқлар ва сигирлар бериб мамнун қилиш лозим. Мана шу маросим *вишну-арадхана*, яъни Парвардигор Вишнуга сиғиниш деб аталади.

54. Эй олийжаноб аёл, ҳар ким мана шу маросимларни ачарйалар раҳбарлиги остида ўтказиб, уларни ва уларнинг руҳоний ёрдамчиларини мамнун қилиши керак. *Прасад* билан меҳмон қилиб ҳар бир одам брахманларни ва шу ерда иштирок этаётган бошқа одамларни мамнун қилиши керак. 55. Ҳар ким руҳий устозни ва унга ёрдам бераётган руҳонийларга кийим-кечак, тақинчоқлар, сигир ва бироз пул бериб мамнун қилиши лозим. Прасад тарқатиш билан ҳаммани, ҳатто энг пасткаш чандалларни ҳам мамнун қилиш керак. 56. Ҳар ким вишну-прасаддан ҳаммага, қашшоқларга, кўрларга, иймонсизларга ва брахман эмасларга ҳам бериши керак. Ҳар бир одам Вишну-прасаддан тўйганида Парвардигор Вишну жуда мамнун бўлишини билган ҳолда, ҳамма тўйгандан кейин қурбонлик маросими ўтказаетган одамнинг ўзи дўстлари ва қариндошлари билан бирга *прасад* ейиши мумкин.

57. Пратипатадан то *трайодаши* кунигача ҳар ким Худога сиғиниш маросимини рақсга тушиш, мадҳиялар куйлаш, каратала чалиш, илтижолар қилиш ва мантра тиловат қилиш, "Шримад Бхагаватам"дан парчалар ўқиш билан давом эттириши лозим. Шу тариқа ҳар бир одам Худонинг Олий Шахсига сиғиниши лозим. 58. Ҳар бир одам Худонинг Олий Шахсига сиғиниб, Уни мамнун қила олиши мумкин бўлган *пайо-врата* сиғиниш маросими мана шундан иборат. Мен бу гапларнинг ҳаммасини бобом Тангри Брахмадан эшитганман ва сенга ҳозир уни ўзгартирмадан батафсил таърифлаб бердим. 59. Эй омадли аёл, ақлингни яхши кайфиятда мужассам қилиб, мана шу *пайо-врата* жараёнини бажар ва шу тартибда чексиз кудратга эга бўлган Кешавага, Худонинг Олий Шахсига сиғин. 60. Бу *пайо-врата* маросими *сарва-паджна* деб ҳам аталади. Бошқача қилиб айтганда, мана шу қурбонлик маросимини ўтказиш билан одам бошқа барча қурбонлик маросимларини ўтказган бўлади. Бу маросим барча сиғиниш маросимларининг ичида энг аълоси ҳисобланади. Эй машхур аёл, мана шу маросим барча риёзатларнинг асосий маркази, эзгу ишлар қилиш ва Олий ҳукмдорни мамнун қилишнинг энг яхши усулидир. 61. Мана шу усул - Адхокшаджа деб аталадиган Худонинг Олий Шахсини мамнун

қилишнинг энг осон йўли ҳисобланади. Мана шу барча конун-қоидаларнинг, риёзатларнинг, хайр-эхсон қилишнинг ва қурбонлик маросими ўтказишнинг энг яхшисидир. 62. Шунинг учун эй азиз итоаткор маликам, барча конун-қоидаларга қатъий амал қилиб мана шу маросимни бажар. Шу ишларинг билан сен тез орада Худонинг Олий Шахсини мамнун қиласан ва У сенинг барча орзу-истакларингни рўёбга чиқаради.

Ўн еттинчи боб.

Парвардигорнинг Адитининг ўғли бўлиб дунёга келишга рози бўлиши.

1. Шукадева Госвами шундай деди: "Эй шох, Адити эри Кашйапа Мунидан шундай маслаҳат олгандан кейин, эринмасдан унинг барча кўрсатмаларига қатъий амал қила бошлади ва шу тарзда *Пайо-врата* сиғиниш маросимини ўтказди. 2-3. Адити ҳеч нарсага чалғимасдан бутун диққат-эътиборини жамлаб, Худонинг Олий Шахси ҳақида ўйлай бошлади, шу тарзда қутурган отлардай асов ақлини ва ҳиссиётини жиловлаб олди. У бутун ақлу-заковатини Худои Таолода мужассам қилди. Шу тарзда у *пайо-врата* номи билан машхур бўлган сиғиниш маросимини муваффақият билан ўтказди. 4. Эй азиз шох, шундан сўнг сарик либосларга ўранган, тўрт кўлида сур, халқа, гурзи ва нилуфар ушлаб олган Худонинг Олий Шахси Адитининг олдида пайдо бўлди. 5. Худонинг Олий Шахси Адитининг кўзи олдида пайдо бўлганида, Адитининг қалби илоҳий лаззатга шу қадар лиммо-лим тўлиб кетдики, у дарҳол ўрнидан сакраб турди ва Парвардигорга чуқур эҳтиром билан сажда қилиш учун ерга йиқилди. 6. Адити тили калимага келмай кўллларини қовуштирган ҳолда Парвардигор олдида жим турарди. Қалбини қамраб олган илоҳий бахт, лаззат туйғусидан унинг кўзлари жикқа ёшга тўлган, танасидаги туклари тикка бўлиб, хурпайиб кетган эди. Худонинг Олий Шахсини юзма-юз кўриб тургани сабабли у чексиз илоҳий лаззат уммонига ғарқ бўлган, танаси сезилар-сезилмас титраб турар эди. 7. Эй Махараж Парикшит, фаришта Адити чуқур муҳаббат билан овози титраб Худонинг Олий Шахсига илтижо қила бошлади. У гўё раванқ фариштасининг эри, барча қурбонлик маросимларидан ягона лаззатланувчи, бутун оламнинг эгаси ва руҳий устози бўлган Парвардигорни нигоҳи билан ичиб юборишга тайёрдай турарди.

8. Фаришта Адити шундай деди: "Эй ҳукмдор ва барча қурбонлик маросимларидан ягона лаззатланувчи Зот, эй бегуноҳ ва энг шавкатли, муқаддас номлари тилга олинганда ҳаммага омад ва бахт келтирувчи шахс! Эй азалий, бошланғич Худонинг Олий Шахси, эй олий ҳукмдор ва барча муқаддас саждагоҳлар паноҳи, Сен - барча қашшоқ, ночор ва мусибат чекаётганларнинг ҳимоячисан, Сен бизларнинг азоб-уқубатларимизни енгиллатиш учун бу ерда пайдо бўлдинг. 9. Эй азиз Худойим, Сен - бутун оламга сингиб кетган, бутунлай мустақил яратувчисан, бу оламнинг мавжудлигини таъминлаб турадиган ва уни яқсон қиладиган Зот Ўзингсан. Сен Ўзингнинг қувватларингдан моддий ишларни амалга ошириш учун фойдалансанг ҳам, Сен ҳамиша Ўзингнинг азалий киёфангда қолаверасан, Сен ҳеч қачон ўзгармайсан, чунки Сенинг илминг беҳато ва ҳамиша, ҳар қандай

вазиятда ҳам қудратли бўлиб қолаверади. Сен ҳеч қачон алданиш домига тушиб қолмайсан. Эй азиз Худойим, Сенга чуқур эҳтиром билан сажда қилишга рухсат бер! 10. Эй бенихоя Зот, агар Сен мамнун бўлсанг, Сени мамнун этган ҳар бир одам осонлик билан Тангри Брахманики сингари узоқ умрга, олий, ўрта ва пастки сайёралардан истаган бирида муносиб танага, чексиз моддий бойликка эга бўлиши, диндорликка, чексиз ҳиссий лаззатланиш имкониятига, тўлиқ илоҳий илмга, саккиз турли сеҳр қудратига эриша олади. Ўзининг рақиблари устидан ғалаба қозониш сингари арзимас ютуқларни айтмаса ҳам бўлади”.

11. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шох Париқшит, эй Бҳаратлар хонадони аълоси, Адити барча тирик мавжудотларнинг Олий Руҳи бўлган нилуфаркўзли Парвардигорни шундай сўзлар билан муносиб қарши олгандан кейин, Худои Таоло унга гапира бошлади.

12. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Эй фаришталар онаси, Мен аллақачон сенинг ниятингни англаб олганман: сен бутун бойлигидан айрилиб, душманлари ўз салтанатидан қувиб чиқарган ўғилларингнинг саодатини қайғуриб қийналяпсан. 13. Эй фаришта, о девӣ, сен жангда душманларни мағлуб қилгандан кейин ўз салтанатингизга келиб, яна фарзандларинг билан Менга сиғиниш учунгина яна болаларинг билан бирга бўлишни истаяпсан. 14. Сен Индра бошлиқ кўшин жангда иблисларни, фарзандларингнинг душманларини ҳалокатга учратганидан кейин иблисларнинг хотинлари эрларининг жасади устида зор йиғлашини истаяпсан. 15. Сен ўз ўғилларингнинг йўқотган обрўсини яна қайта тиклашини, аввалги бойликларига эга бўлиб, яна жаннатда яшашни истаяпсан. 16. Эй фаришталар онаси, Менимча ҳозир иблисларнинг барча сардорлари жуда қудратли, энгилмас, чунки уларни ҳозир Худои Таоло ҳамиша эъозлайдиган браҳманлар ҳимоя қилиб юрибдилар. Шунинг учун ҳозир уларга нисбатан куч ишлатиш ҳеч қандай бахт олиб келолмайди.

17. Лекин, шунга қарамай, эй фаришта Адити, Мен сенинг чеккан риёзатингдан жуда мамнун бўлганим сабабли, сени муносиб дуо қилиш учун бирор чора ўйлаб топишим керак, чунки ҳеч кимнинг Мен учун қилган бирор риёзати, сиғиниши ҳеч қачон бефойда, натижасиз қолмаслиги керак. Менга сиғиниш сиғинаётган одамнинг ниятига мос равишда албатта бирор натижага олиб келади. 18. Сен фарзандларингни ҳимоя қилиш ниятида барча қонун-қоидаларга амал қилиб *пайо-врата* деган сиғиниш маросимини ўтказдинг, Менга илтижо қилдинг. Кашйапа Мунининг чеккан буюк риёзатлари эвазига Мен сенинг ўғлинг бўлишга рози бўламан ва шу тарзда сенинг бошқа фарзандларингни ҳам ҳимоя қиламан. 19. Мени ҳамиша эринг Кашйапа Мунининг ичида мавжуд деб ўйлаб, ўзингнинг қаттиқ риёзатлар шарофати билан покланган эрингга сиғин, сажда қил. 20. Эй фаришта аёл, ҳатто бировлар сўраса ҳам сен ҳеч кимга бу сирни айтмаслигинг керак. Агар сен шу сирни сақлаб билсангина Мен режалаштирган ишлар албатта амалга ошади”.

21. Шукадева Госвами шундай деди: “Шу гапларни айтиб, Худонинг Олий Шахси бу шарафли жойни тарк этди. Адити Парвардигор ўзининг ўғли бўлиб туғилишини, ҳаётда ўзи жуда катта мукофотга эга

бўлганини ҳис қилганидан қалби чексиз қувончга тўлиб, чуқур садоқат билан эрига яқинлашди. 22. Чуқур мурукабада ўтирган, ҳеч қачон илоҳий нигоҳи адашмайдиган Кашйапа Муни Худонинг Олий Шахси тўлиқ қиёфасида ўзининг қалбига кирганини дарров сизди. 23. Эй шох, худди дарактнинг икки шохасини бир-бирига ишқалаб ёнғин чиқишига сабаб бўладиган шамол сингари, илоҳий ҳолати ҳамиша Худонинг Олий Шахсида мужассам бўлган Кашйапа Муни ҳам ўзининг эркаклик уруғини Адитининг ичига жойлади. 24. Тангри Брахма Худонинг Олий Шахси ҳозир Адитининг қорнида эканини билгандан кейин, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб, Парвардигорга илтижо қила бошлади.

24. Тангри Брахма шундай деди: “Эй Худонинг Олий Шахси, Сенга шон-шарафлар бўлсин, Сенинг қароматларинг ҳамиша ғайритабиий, илоҳий, Сени ҳамиша ҳамма улуғлаб шарафлайди. Мен Сенинг олдинда чуқур ҳурмат-эҳтиром билан сажда қиламан, эй илоҳий зотларнинг Парвардигори, эй моддий табиат гуналарининг ҳукмдори! Мен Сенга такрор ва такрор сажда қиламан! 26. Мен Сенга, барча тирик мавжудотларнинг қалбига кирган, ҳамма ерга сингиб кетган Парвардигор Вишнуга чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. Бутун уч олам Сенинг киндигинг ичидан жой олган, лекин барибир Сен бу уч оламдан юқоридасан. Аввал Сен Вришнининг ўғли сифатида бу оламда намоён бўлган эдинг. Сенга, фақат ведавий илмлар орқали англаб этиш мумкин бўлган Олий яратувчига мен чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. 27. Эй азиз Худойим, бутун уч оламнинг аввали, ўртаси ва охири Сен Ўзингсан, Сен ведаларда чексиз қувватлар манбаи бўлган Олий Шахс деб улуғлангансан. Эй азиз Худойим, худди сувга тушган шоха ва барглари ўзига тортадиган тўлқинлар сингари, Мангу Замон кўринишида Сен ҳам бу оламдаги ҳар бир тирик мавжудотни Ўзингга жалб этасан. 28. Эй азиз Худойим, барча кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотларнинг азалий қувват ва ҳаёт манбаи Сен Ўзингсан. Сен барча праджапатиларнинг ҳам ҳаёти ва қувват манбаисан. Эй азиз Худойим, сувда чўкаётган одамнинг ягона нажот манбаи кема бўлгани сингари, ҳозир жаннатдан ҳайдалган барча фаришталарнинг ҳам ягона паноҳи Сен Ўзингсан!”

Ўн саккизинчи боб.

Парвардигор Вamanaдева, Худои Таолонинг пакана браҳман қиёфаси.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Худои Таолонинг фаолияти ва жасоратини шарафлаб, Тангри Брахма шундай гапларни айтгандан кейин, оддий тирик мавжудотлар сингари ҳеч қачон ўлиш нималигини билмайдиган Худонинг Олий Шахси Адитининг қорнидан дунёга келди. Унинг тўрт кўлида сур, халқа, гурзи ва нилуфар гули бор эди. У сариқ либос кийиб олган, кўзлари худди гуллаган нилуфар гулидай порлаб турарди. 2. Худонинг Олий Шахсининг қорамтир танаси ҳар қандай сармастликдан пок эди. Акула кўринишидаги сирғалар билан безанган Унинг чиройли юзи жуда чиройли кўринар, кўксидан эса *Шриватса* белгиси бор эди. Унинг оёғида тақинчоқлар, билагида

билагузук, бошида чиройли тож, белида камар, елкаси оша муқаддас зуннор бўлиб, нилуфар қадамлари пойини қўнғироқчалар бебаб турарди. 3. Унинг кўксида ғайритабиий гулчамбар чиройли осилиб турар, ундаги гулларнинг муаттар, анвойи хидига маст бўлган асаларилар галаси ёқимли ғувиллаб, гулчамбар атрофида айланаб учиб юрарди. Бўйнига кимматбаҳо гавхартош *Каустубҳа* осиб олган Парвардигор пайдо бўлганида, Ундан таралаётган чароғон илохий нур ёғдусида Праджапати Кашйапанинг бутун хонадони ёришиб кетди. 4. Ана шу пайтда бутун оламда, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалби тошқин сув ҳавзалари сингари илохий бахтдан тўлиб-тошиб кетди. Йилнинг ҳар хил фасллари ўзларининг табиатларини намойиш этдилар, юқори, ўрта ва куйи сайёралардаги барча тирик мавжудотлар қувончдан яйраб кетдилар. Фаришталар, сигирлар, брахманлар, тоғлар, адирлар бахтга тўлиб яйраб кетган эдилар. 5. Парвардигор бу оламга *Шравана-двадаши* (Бхадра ойининг ёруғ ярмининг ўн иккинчи) куни, Ой *Шравани* ой уйига кирганида, шарофатли *Абхиджита* пайти келганда ташриф буюрди. Парвардигорнинг моддий оламга ташрифини шарафлаб, Қуёшдан то Сатурнгача бўлган юлдуз ва сайёраларнинг барчаси одамларга чексиз соҳоват кўрсатарди. 6. Эй шох, Парвардигор пайдо бўлганида, - Ойнинг ўн иккинчи куни - двадашида Қуёш меридианда эди. Буни ҳар бир билимдон олим яхши билади. Мана шу *двадаши* куни *Виджайя* деб аталади. 7. Ҳамма ерда сурлар, литавралар, барабанлар, панавалар ва анакалар ҳар тарафга ажойиб сирли оҳанг тарата бошладилар. Мана шу ва бошқа мусиқа асбобларининг баланд овозлари қулоқларни ларзага соларди. 8. Самовий раққосалар (апасаралар) мамнуният билан қувноқ рақсга туша бошладилар, энг аъло Гандҳарвалар қўшиқ куйлай бошладилар, буюк донишмандлар, фаришталар, Ману, Питалар ва олов фаришталари Парвардигорни мамнун қилиш ниятида илтижо қила бошладилар. 9-10. Сиддхилар, Видйадхаралар, Кимпурушалар, Киннарлар, Чараналар, Йакшалар, Ракшаслар, Супарналар, илонларнинг энг аълолари ва фаришталарнинг издошлари Худои Таолони олқишлаб, қўшиқ айтиб рақсга тушар экан, Адитининг хонадонига гуллар ёмғирини ёғдира бошладилар. 11. Адити ўзининг қорнидан, рухий қуввати ёрдамида илохий танага эга бўлиб дунёга келган Худонинг Олий Шахсини кўрганида, ҳайратга тушиб, ўзини жуда бахтиёр сеза бошлади. Чақалоқни кўриб, Пражапати Кашйапа қалбида ҳайрат ва чуқур бахтли ҳаяжон ҳис қилиб: “Жайа! Жайа!” - дея хитоб қилди.

12. Парвардигор ўзининг азалий қиёфасида, қўлларидаги қуроллари ва танасидаги тақинчоқлари билан пайдо бўлган. Парвардигорнинг мангу мавжуд бўлган бу илохий қиёфаси моддий оламда кўзга кўринмаса ҳам, У айнан ана шу илохий қиёфада намоён бўлган эди. Кейин, ота-онасининг кўзи олдида У Вamana, пакана-брахман, худди театрдаги артист сингари чиройли брахмачарий қиёфасига кирди. 13. Буюк донишмандлар Парвардигорни пакана-брахмачари Вamana қиёфасида кўрганларидан жуда мамнун эдилар. Кейин улар Кашйапа Муни ва Пражапатилар билан бирга фарзанднинг туғилиш маросимини ўтказдилар. 14. Вamanaдевага бархманлик муқаддас зуннори тақиш маросимида Қуёш фариштаси шахсан ўзи *Гайатри* мантрасини тиловат қилди,

Брихаспати муқаддас зуннор тақдим этди, Кашйапа Муни эса сомондан қилинган камар тақдим этди. 15. Она Ер Унга кийик терисини ҳадя қилди, ўрмонлар шоҳи бўлган Ой фариштаси Унга *брахма-данда* (брахмачарйаларнинг ҳассаси)ни совға қилди. Фарзанднинг онаси, Адити ич кийим совға қилди, жаннатий салтанатга ҳукмронлик қилувчи Илох эса, Парвардигорга соябон тақдим этди. 16. Эй шох, Тангри Брахма бениҳоя Худонинг Олий Шахсига сув соладиган кўза совға қилди, етти донишманд Унга *қуша* майсасини тақлиф қилдилар, Сарасвати она эса Унга *Рудрачакра* деб аталадиган тасбеҳ совға қилди.

17. Шу тариха Вamanaдева муқаддас брахманлик зуннорини олганида, Йакшалар шоҳи Кувера Унга садақа йиғадиган идиш совға қилди, Тангри Шиванинг хотини, оламнинг покдомон онаси Бхагавати эса - Унга биринчи бўлиб садақа берди. 18. Шу тариха ҳамма муносиб кутиб олган брахмачарйаларнинг аълоси, Парвардигор Вamanaдева ўзининг порлаб нур таратиб турган брахман қиёфасини намойиш этди. У ўзининг гўзаллиги билан шу ерда тўпланган буюк авлиё шахсларнинг барчасини ҳайратга солган эди.

19. Парвардигор Шри Вamanaдева муқаддас олов ёққандан кейин, Илохларга сифиниш маросими ўтказиб бўлиб, майдончада қурбонлик маросими ўтказди. 20. Парвардигор Бали Махараж Бхригу авлодига мансуб брахманлар раҳбарлиги остида Ашвамедха қурбонлик маросими ўтказётгани ҳақида эшитганида, ҳар жиҳатдан ўзига тўла бутун бўлган Худои Шахси Бали Махаражга ўзининг марҳаматини кўрсатиш учун ўша ёққа йўл олди. У ўзининг ташлаган ҳар бир қадами билан Ер сайёрасини ларзага солиб борарди. 21. Нармада дарёсининг шимолий қирғоғидаги машҳур *Бхригукачча* майдонида қурбонлик маросими ўтказётган Бхригу авлодига мансуб брахманларнинг кўзи яқингинада кўтарилган қуёш сингари порлаб турган Вamanaдевага тушди. 22. Эй шох, Вamanaдевадан таралаётган кучли ёғду олдида Бали Махараж ва маросимда қатнашаётган барча брахманлардан таралаётган ёғду кўзга кўринмай, сўниб қолди. Улар ҳайратга тушиб, бир-бирларидан Қуёш фариштасининг ўзи, Санат-кумар ёки олов фариштасининг ўзи шахсан қурбонлик маросимига ташриф буюрганмикан деб сўрай бошладилар. 23. Бхригу авлодига мансуб руҳонийлар ва уларнинг шогирдлари шу тариха ўзаро гаплашиб турар экан, Худонинг Олий Шахси, қўлларида ҳасса, соябон, сув тўла кўза ушлаб олган Вamanaдева *ашвамедха* қурбонлик маросими майдончасига кўтарилди. 24-25. Ёш бола, пакана-брахман қиёфасида, белида сомондан камар, бўйнида зуннор таққан, кийик терисини ёпиниб олган, сочлари тўзиган Парвардигор Вamanaдева қурбонлик маросими майдончасининг марказига кириб келди. Танасидан таралаётган ёғду билан бу ерга тўпланган барча руҳоний ва уларнинг шогирдларини ҳайратга солган Парвардигорни тўпланганларнинг ҳаммаси муносиб эҳтиром билан сажда қилиб, ўринларидан туриб қарши олдилар.

26. Парвардигор Вamanaдеван кўрганидан қалби қувончга тўлган, қомати ҳар тарафлама бенуқсон қилиб яралган Бали Махараж чуқур мамнуният билан Унга ўтириш учун муносиб жой кўрсатди. 27. Оздликка эришган руҳлар учун ҳамиша жозибадор бўлган Худонинг Олий Шахсини муносиб эҳтиром билан қарши олган Бали Махараж Унинг нилуфар оёқларини

ювди. 28. Фаришталар аълоси, пешонасида Ой белгисини кўйиб юрадиган Тангри Шива, Парвардигор Вишнунинг оёқларидан оқиб келадиган Ганга дарёси сувларини чексиз садоқат билан ўзининг бошига сепади. Бали Махараж буни яхши билар эди. Шунинг учун, Тангри Шивадан ўрнак олиб, у ҳам Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи ювилган сувни ўзининг бошига сепди.

29. Бали Махараж Парвардигор Вamanaдевага шундай деди: “О брахман, мен Сенинг олдингда чуқур эхтиром билан самимий бош эгаман. Илтимос, айтчи, Сени мамнун қилиш учун биз Сенга қандай хизмат қилишимиз мумкин? Биз Сени барча буюк донишманд брахманларнинг чекаётган риёзатлари тимсоли деб биламиз. 30. Эй азиз Худойим, чексиз марҳамат кўрсатиб, бизнинг хонадонимизга ташриф буюрган экансан, демак, бизларнинг барча авлодларимиз, бутун оиламиз ва сулоламининг барча аъзолари ўзларининг барча гуноҳларидан биратўла покландилар. Ҳозир бизлар ўтказаетган қурбонлик маросими ҳам Сен ташриф буюрганинг туфайли мукамал бўлди. 31. Эй брахманнинг ўғли, муқаддас китобларда кўрсатилишича, бутун қурбонлик маросими олови жуда ёрқин бўлади, Сенинг нилуфар қадамларинг пойини ювган сувдан бошимга суртиб, мен барча гуноҳларим оқибатидан покландим. Эй азиз Худойим, Сенинг кичкина нилуфар қадамларинг пойи теккани шарофати билан энди бутун олам гуноҳлардан покланди. 32. Эй брахманнинг ўғли, менимча Сен бу ерга мендан бирор нарса сўрагани келгансан. Шунинг учун Сен мендан истаган нарсангни сўрашинг мумкин. Эй, ҳурматга сазовор зотларнинг ичида энг аълоси, Сен мендан сигир, олтин, жиҳозланган уй, ширин таом ёки ичимлик, Ўзингга хотин қилиш учун бирор брахманнинг қизини, яшнаб турган кишлокларни, отлар, филлар, жанг аравалари ёки Ўзинг истаган бошқа бирор нарсани сўрашинг мумкин”.

Ўн тўққизинчи боб. Парвардигор Вamanaдева Бали Махараждан садақа сўрайди.

1. Шукадева Госвами давом этди: “Бали Махаражнинг бу гапларидан Худонинг Олий Шахси, Вamanaдева жуда хурсанд бўлди, чунки Бали Махараж ҳақиқий дин (*дхарма*) қонунлари асосида гапираётган эди. Шунинг учун Парвардигор уни олқишлай бошлади.

2. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Эй шох, сен ҳақиқатан ҳам улуғвор зотсан, чунки сенинг ҳақиқий маслаҳатчиларинг Бхригу авлодидан бўлган брахманлардир, чунки сенинг кейинги ҳаётингда маслаҳатчинг - руҳий осойишталикка эришган, ҳурматли бобонг Прахлад Махараж бўлади. Сенинг айтган гапларинг жуда тўғри ва ҳақиқий дин қонунларига тўла мос келади. Бу гапларинг сизларнинг хонадоннинг урф-одатларига муносиб бўлиб, сенинг мартабангни яна ҳам юқорирак кўтаради. 3. Мен биламанки, ҳозиргача сизларнинг хонадонда туғилган зотларнинг бирортаси хасис ёки ақлсиз зот бўлган эмас. Улардан ҳеч бири брахманларга садақа беришдан бош тортмаган, шунингдек, садақа бераман деб туриб, ҳеч қачон ўзининг ваъдасидан қайтмаган. 4. Эй шох Бали, сизларнинг авлодингизда, муқаддас саждагоҳда бирор

брахманнинг ёки жанг майдонида бирор жангчининг бирор илтимосни эшитгандан кейин унга меҳрибонлик кўрсатмаган, садақа бермаган бирор ақли паст шох туғилган эмас. Хонадонингизда осмондаги чиройли Ойга ўхшаган Прахлад Махараждай буюк зот туғилгани сабабли, бу хонадоннинг обрўси, мартабаси яна ҳам юксак даражага кўтарилди. 5. Сизларнинг хонадонда Хираниякша ҳам туғилган. Гурзи кўтариб олган ҳолда, бутун оламни забт этиш учун, ҳеч кимнинг ёрдамисиз унинг бир ўзи Ер юзини айланиб чиқди, шунда унга бирор жангчи қахрамон бас келолмаган эди. 6. Ерни Гарбходака Денгизи қаъридан олиб чиқаётганда, тўнғиз қиёфасига кирган Парвардигор Вишну олдига чиққан Хираниякшани ўлдирган эди. Улар орасида қаттиқ жанг бўлиб ўтган ва Парвардигор Хираниякшани мағлуб қилганди. Кейинроқ, Хираниякшанинг ғайритабиий жасоратини эслар экан, Парвардигор Ўзини ҳақиқатан ҳам унинг устидан машаққат билан ғалаба қозонганини ҳис қилган эди. 7. Хираниякашипу уқасининг ўлгани ҳақидаги хабарни эшитганида, қаҳр-ғазаби қайнаб, қасос олиш ниятида уқасининг қотилини ўлдириш учун Парвардигор Вишнунинг даргоҳига йўл олди. 8. Худди ажал тимсоли сингари, кўлига санчқи кўтариб олиб, шиддат билан келаетган Хираниякашипуни кўриб, сеҳргарлар аълоси ва замон ўзгаришини яхши биладиган Парвардигор Вишну шундай ўйга борган эди:

9. “Худди тирик мавжудотларни ажал ҳамиша таъқиб қилиб юргани сингари, Мен қаерга борсам ҳам энди Хираниякашипу изимдан қолмай юраверади. Шунинг учун Мен унинг қалбига кириб олганим яхши, чунки шунда у фақат ўзидан ташқаридаги нарсаларни кўришгагина қодир бўлгани туфайли қалбига яширинган Мени кўра олмайди”.

10. Парвардигор Вamanaдева давом этди: “Эй иблислар шох, Парвардигор Вишну шундай қарорга келгандан кейин, бор кучи билан изидан қувлаб юрган Ўзининг ашаддий душмани Хираниякашипунинг қалбига кириб олди. Қаттиқ ташвишга тушган Парвардигор Вишну Хираниякашипу англай олмайдиган нафис танада ҳаво оқими билан бирга бурни орқали унинг ичига кириб олган эди. 11. Парвардигор Вишнунинг даргоҳи бўм-бўш эканини кўриб, Хираниякашипу Парвардигор Вишнунинг ҳамма жойдан ахтара бошлади. Парвардигорни кўра олмаганидан алами келиб, Хираниякашипу бутун коинот бўйлаб, Ер юзининг ҳамма жойидан, барча гор, океанлардан Уни излаб, даҳшат билан чинқариб кичкирар эди. Лекин, буюк қахрамон Хираниякашипу Вишнунинг ҳеч қаердан топа олмасди. 12. Парвардигорни топа олмаганидан Хираниякашипу шундай деди: “Мен бутун коинотни излаб чиқдим, аммо укамни ўлдирган Парвардигор Вишнунинг ҳеч қаердан топа олмадим. Ҳойнаҳой У ҳеч ким қайтиб келмайдиган жойга кетган бўлса керак. 13. Хираниякашипунинг қалбидаги Парвардигор Вишнуга нисбатан ёнган ғазаб олови то у ўлганча сира пасаймади. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган бошқа одамларда эса, одатда сохта ўзлиги ва ғофиллиги таъсири остида ғазаб уйғонади. 14. Сенинг отанг Вирочана, Прахлад Махаражнинг ўғли, брахманларга нисбатан жуда меҳрибон, мулойим эди. Бир гал у брахманлар қиёфасига кириб, олдига келиб турган зотларнинг аслида фаришталар эканини яхши билиб турган бўлса ҳам, уларнинг илтимосларини бажариб, уларга ўзининг

қолган умрини ҳады қилиб юборган эди. 15. Сен ҳам улуғвор фаолияти туфайли шон-шуҳрат қозонган буюк қаҳрамонлар, брахманлар табақасига оид бўлган ота-боболаринг ва буюк шахслар амал қиладиган қонун-қоидаларга амал қилиб яшайсан.

16. Эй Даитғалар шоҳи, ана шундай олийнасабли хонадон вакили бўлган ҳолда чексиз саховат билан хайр-садақа бера оладиган Сендай буюк зотдан Мен Ўзимнинг қадамим билан ўлчаганда уч қадам келадиган ер парчаси ҳады қилишни тилайман. 17. Эй шоҳ, эй бутун коинот ҳукмдори, гарчи сен ғайритабиий равишда саховатли ва Мен истаган миқдорда кўп ер инъом қилишга қодир бўлсанг ҳам, Мен сендан бирор ортиқча нарса сўрамоқчи эмасман. Агар билимдон брахман бошқалардан фақат ўзининг энг зарур эҳтиёжини қондириш учунгина садақа сўраса, у гуноҳ ишлар чанғалига тушиб қолмайди”.

18. Бали Махараж шундай деди: “Эй брахманзода, Сенинг насиҳатларинг ҳам худди билимдон ва ёши улуғ одамларнинг гаплари сингари одамга жуда хуш ёқади. Лекин, Сен барибир ҳали ёш боласан ва ақлинг ҳали тўлиқ ривожланмаган. Шунинг учун Сен ҳали Ўзининг шахсий эҳтиёжларинг қанча эканини яхши билмайсан. 19. Мен Сенга бутун бир материкни ҳады қилишим мумкин, чунки мен бутун коинотнинг ҳукмдориман. Сен олдимга мендан бирор нарса сўраш ва ширин сўзларинг билан мени мамнун қилгани келгансан, лекин Сен мендан атиги уч қадам ер парчаси сўраясан. Демак, Сен унчалик фаросатли эмассан. 20. Эй кичкина болақай, билсанг, мендан бир марта садақа сўраган одам бошқа ҳеч қаерда, ҳеч қачон мендан яна бирор нарса сўрамаслиги керак. Шунинг учун агар истасанг мендан барча эҳтиёжларингни бемалол қондира оладиган миқдорда кўпроқ ер сўрашинг мумкин”.

21. Худонинг Олий Шаҳси шундай деди: “Эй азиз шоҳ, ҳиссиётини бошқара олмайдиган, нафсига кучи етмаган одамни ҳатто бутун уч оламдаги нарсаларнинг барчасига эғалик қилиш ҳам қаноатлантира олмайди. 22. Агар Мен ҳозир уч қадам ер билан қаноатланмасам, ҳатто етти оролнинг биттаси - тўққиз варшадан таркиб топган бир материк билан ҳам қаноатланмайман. Ҳатто Мен етти оролнинг биттасига эга бўлсам ҳам, барибир қолган ороллари ҳам олишни ният қилиб қолган бўлардим. 23. Биз эшитганмизки, Махараж Притху ва Махараж Гайа сингари қудратли шоҳлар ҳам, гарчи бутун етти материкка эғалик қилишга эришган бўлсалар ҳам, нафси қаноатланиб, қалбининг хотиржамлигига эриша олмаганлар. 24. Ҳар бир одам ҳаётда ўзининг аввалги ҳаётидаги фаолияти натижасида тақдирга ёзилган насибаси билан қаноатланиб, шукр қилиб яшаши лозим, чунки ношукурлик ҳеч қачон кишига бахт олиб келмайди. Ўзининг ҳиссиётини, нафсини жиловлай олмаган одам ҳатто бутун уч оламга ҳукмрон(эга) бўлса ҳам бахтли бўлолмайди. 25. Моддий оламдаги ҳаёт шахвоний эҳтиросларни қондириш ва тобора кўпроқ пул топиш билан боғлиқ бўлган норозилик, ношукурликни келтириб чиқаради. Туғилиш ва ўлишдан иборат бўлган дунёвий ҳаётнинг узлуксиз давом этишининг сабаби шунда. Лекин, ҳаётда ўзидан-ўзи келадиган, тақдирга ёзилган насибаси билан қаноатланиб юрган одам бу дунёвий ҳаёт, моддий олам туққунлигидан озодликка чиқишга муносиб зотдир. 26. Тақдирга ёзилган насибасидан қаноатланиб юрган шукронали, сабр-

қаноатли брахманнинг руҳий қуввати тобора ортаверади, лекин ҳаётдан норози бўлиб юрган ношукур брахманнинг руҳий қудрати, худди сув сепилаётган олов сингари, тобора камайиб кетаверади.

27. Шунинг учун, эй шоҳ, садақа берувчиларнинг энг аълоси бўлган сендан Мен фақат уч қадам ер парчаси сўрайман. Сенинг берган шу садақандан Мен жуда хурсанд бўламан, чунки ҳақиқий бахтга эришишнинг сири - инсон ўзининг нафсини эмас, эҳтиёжини қондиришдан мамнун бўла билишда”.

28. Худонинг Олий Шаҳси Бали Махаражга шу гапларни айтганида, Бали қулиб кўйди ва Унга шундай деди: “Хўп, Сен истаганча бўлсин!” Вamanaдевага Унинг Ўзи истаган ер бериш ваъдасини тасдиқлаб қасам ичиш учун у кўлига сув тўла идиш олди. 29. Парвардигор Вишнунинг мақсадини тушуниб, билимдон олимларнинг аълоси Шукрачарйа ўзининг Парвардигор Vamanaдевага ҳамма нарсани инъом этмоқчи бўлиб турган шогирдига юзланди.

30. Шукрачарйа шундай деди: “Ҳой Вирочананинг ўғли, бу пакана қиёфасига кирган брахмачари - Худонинг Олий Шаҳси, Парвардигор Вишну бўлади. Кашйапа Мунини ота, Адитини Ўзига она қилиб, У ҳозир фаришталарнинг истагини бажариш учун бу оламда намоён бўлган. 31. Унга сўраганча ер беришга ваъда бериб, сен қандай ноқулай вазиятга тушиб қолганингни билмайсан. Бу вадангни бажариш сенга яхшилиқ келтиради, деб ўйламайман. Бу иблисларга жуда катта талафот келтиради. 32. Ёлғондан Ўзини брахмачари қилиб кўрсатаётган бу Зот - аслида Худонинг Олий Шаҳси, сенинг бутун бойлигингни, ерларингни, гўзаллигингни, куч-қудратингни, шон-шуҳратингни ва илмингни тортиб олиш учун шу қиёфага кирган Парвардигор Хари бўлади. Ҳамма нарсани сендан тортиб олиб, У буларнинг барчасини сенинг душманинг бўлган Индрага беради. 33. Сен Унга уч қадам ер садақа қилишга ваъда бердинг, шу уч қадам ер билан кўшиб У бутун уч оламни сендан тортиб олади. Сен ғофил нодон, қаллобсан! Қандай катта хатога йўл қўйганингни ҳатто ўзинг ҳам билмайсан. Бутун бойлигингни Парвардигор Вишнуга берганингдан кейин, ўзингнинг тирикчилик қилишингга ҳеч нарса қолмайди. Кейин сен қандай тирикчилик қиласан? 34. Vamanaдева аввало бутун уч оламни қадами билан У ташқи оламни, бутун фазони қоплайди. Кейин бутун борлиқни забт этиш учун фазовий қиёфасини намоён этади. Унинг учинчи қадамини қаерга қўйишини кўрсатишга сен қаердан жой топасан? 35. Шубҳасиз, сен ўзинг берган ваъдангнинг устидан чиқолмай қоласан, ана шу қилган гуноҳинг сабабли сен дўзахга жўнайсан. 36. Билимдон олимлар садақа берувчи одам ўзининг тирикчилигини таъминлаб турган нарсага зарар берадиган даражада хайр-эхсон беришини олқишламайдилар, қўллаб-қувватламайдилар. Фақат ўзига тўқ одам, ўзининг тирикчилигини таъминлашидан ортадиган мол-дунё топиш қўлидан келадиган одамгина садақа бериши, қурбонлик маросими ўтказиши, риёзат чекиши, қармали фаолият билан шуғулланиши мумкин. (Ўзининг тирикчилигини ўзи таъминлай олмайдиган одамлар садақа бериши мумкин эмас).

37. Шунинг учун, илмли одам ўзининг мол-дунёсини беш қисмга бўлиб сарфлаши лозим: 1-ҳақиқий дин учун, 2 - жамиятда ўз обрўсини сақлаш

учун, 3 - бойлигини орттириш учун, 4 - ҳиссий лаззатланиш учун, 5 - оиласини таъминлаш учун. Ҳаётда ана шундай яшаган одам бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам бахтли яшайди. 38. Сенда агар ваъда бериб қўйган бўлсам, қандай қилиб энди берган ваъдамдан юз ўгираман, деган савол туғилиши мумкин. “Бахврича-шрути”да айтилганки, агар аввало муқаддас “оум” сўзи айтилмаган бўлса, одамнинг берган ваъдаси ҳақиқий ваъда ҳисобланмайди, агар муқаддас “оум” ибораси айтилган бўлсагина берилган ваъда ҳақиқий бўлади. 39. Ведаларда айтилганки, тана дарахтининг ҳақиқий натижаси - ундан олинган яхши гуллар ва мевалардир. Агар тана дарахти мавжуд бўлмаса, ҳақиқий гул ва мева олиш имкони бўлмайди. Ҳатто агар тана ёлгон сўз асосида мавжуд бўлса, ундай тана дарахтидан яхши гул ва мева олиб бўлмайди. 40. Дарахтни томиридан чопиб ташласалар, у шу заҳоти пастга кулаб, қурий бошлайди. Худди шундай, агар кимки ҳақиқий бўлмаган танасига ғамхўрлик қилмаса, яъни ёлгон томири билан чопиб ташланса, тана шубҳасиз қуриб қолади.

41. “Оум” иборасини тилга олиш - мол-дунёдан воз кечиш демакдир. Бошқача қилиб айтганда, бу сўзни айтиш билан ҳар бир одам пулларига боғланиш туйғусидан халос бўлади, чунки унинг пуллари тортиб олинади. Пулсиз, мол-дунёсиз бўлиш - бу дунёда яшаётган одам учун ёқимли ҳолат эмас, чунки бундай ҳолатда ҳеч ким ўзининг истакларини амалга ошира олмайди. Бошқача қилиб айтганда, муқаддас “оум” сўзини айтиш билан одам ўз-ўзидан қашшоқликда яшашга мубтало бўлади. Айниқса, камбағал одамга ёки садақа сўраган гадоёга садақа берган одам ўзининг ҳиссиётини, нафсини қондира олмай, истаган нарсага эришолмай қолади. 42. Шунинг учун, энг тўғри, бехатар йўл: уларга - “йўк!” деб айтиш. Гарчи бу аслида ёлгон сўз бўлса ҳам, у одамни ҳимоя қилади, бу сўз унга бошқаларнинг эътиборини қаратади, аксинча, бошқалардан ўзи учун пул тўплаш имконини беради. Лекин, шунга қарамай, ҳамшиша “ҳеч нарса йўк” деб юрган ҳасис одам гуноҳқор ҳисобланади ва у тирик мурда ҳисобланади, бошқаларнинг таънасига қолади, яъни ундай одамни ҳали “тириклигидаёқ ўлган одам” деб ҳисоблаш керак. 43. Бирор аёлни ўзига бўйсундириб олиш ниятида, ҳазиллашганда, никоҳ қураётганда, ҳаёти қил устида турганда, тирикчилик учун пул топиш ниятида, сигирларни ва браҳманлар маданиятини ҳимоя қилиш ёки бирор одамни унинг душмани қўлидан қутқариш учун ёлгон гапирилса, бу гуноҳ ҳисобланмайди.

Йигирманчи боб.

Бали Махараж бутун оламни садақа қилади.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шох Парикшит, оилавий рухий устози Шукрачарйадан шундай насиҳат олган Бали Махараж бироз вақт сукут сақлаб турди ва ҳар томонлама мулоҳаза юритиб, рухий устозига жавоб берди.

2. Бали Махараж шундай деди: “Сен айтганингдай, иқтисодий фаровонликка(артха), ҳиссий лаззатларга(кама), шон-шуҳратга ёки тирикчилик қилишга ундайдиган дин қонунларига(дхарма) амал қилиш - оилали одамнинг бурчидир. Менимча ана

шундай дин қонунлари тўғри қонунлардир. 3. Мен Прахлад Махаражнинг неварасиман. Мен ер беришга ваъда қилиб қўйгандан кейин, мол-дунёга очқўзлик қилиб, қандай қилиб ўзим берган ваъдамни бузаман? Мен қандай қилиб, айниқса браҳманга нисбатан оддий алдоқчи одамдай муносабатда бўла оламан? 4. Бу дунёда ёлгончи бўлишдан ҳам оғирроқ гуноҳ йўқ. Шунинг учун ҳам бир куни Она Ер шундай деган эди: “Мен ҳар қандай оғир юкни кўтара оламан, лекин ёлгон гапирадиган одамни кўтара олмайман!” 5. Мен дўзах азобидан, қашшоқ бўлишдан, мусибатлар уммонидан, ҳозирги мартабамдан айрилиб қолишдан, хатто ўлимдан ҳам қўрқмайман, лекин браҳманни алдаб қўйишдан қўрқаман. 6. Эй ҳукмдорим, сен биласанки, ажали етганда одам ўзининг бу дунёда тўплаган барча бойликларидан маҳрум бўлади. Шунинг учун, агар браҳман Вamanaдева оладиган садақасидан рози бўлса, ажал етганда барибир қўлдан кетадиган мол-дунё билан Уни мамнун қилишининг нимаси ёмон? 7. Дадхичи, Шиби ва бошқа кўпчилик буюк зотлар бутун инсониятнинг саодати учун хатто ўзларининг жонларини қурбон қилишга рози бўлганлар. Булар бизга инсоният тарихидан маълум. Шундай экан биз ҳам шу бир парча ердан воз кечсак нима бўлибди? Бунга қандай қаршилик бўлиши мумкин?

8. Эй браҳманлар аълоси, маълумки, ҳеч қачон жанг қилишдан бош тортмаган буюк иблис шохлар бу оламда ҳаётдан лаззатланиб яшаганлар, лекин вақти келганда уларнинг бутун мол-мулки тортиб олинган. Фақат уларнинг шон-шуҳрати қолган, шу шон-шуҳрати билан улар ҳозир ҳам тирик. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир одам бошқа нарсалар тўплагандан кўра ҳаётда эзгу ишлари билан яхши обрў орттириб, шон-шуҳрат қозонгани яхши. 9. Эй браҳманлар аълоси, жанг қилишдан қўрқмаган кўпчилик одамлар жанг майдонида жон берганлар, аммо ўзининг оғир меҳнат билан тўплаган бойлигидан борган жойини муқаддас саждагоҳга айлантирадиган авлиё одамга чин қалби билан эҳсон қилиш имкониятига қамдан-қам одам эга бўлади. 10. Айниқса сенга ўхшаган муносиб одамга садақа бериш билан меҳрибон ва эзгу ниятли одамнинг тақводорлиги бениҳоя ошиб кетади. Шунинг учун мен бу пакана браҳмачарига албатта Унинг Ўзи истаганча садақа беришим лозим. 11. Эй буюк донишманд, сенга ўхшаган буюк авлиё зотлар, барча ведавий қонун-қоидалардан, ўтказиладиган ҳар хил қурбонлик маросими ва йагялардан хабардор бўлган ҳолда, ҳар қандай шароитда ҳам Парвардигор Вишнуга сиғинадилар. Шунинг учун, агар ана шу Парвардигор Вишнунинг Ўзи ҳозир олдимга, мени дуо қилиш учунми ёки душман сифатида жазолаш учун келиб турган бўлса, мен албатта Унинг амрини бажаришим ва У сўраб турган ер парчасини ҳеч иккиланмасдан садақа қилишим лозим. 12. У - Парвардигор Вишнунинг Ўзи бўлса ҳам, менинг олдимга садақа сўраб қилиш учун Ўзини яшириб, оддий браҳман болакай қиёфасига кириб олган. Бундай вазиятда, У браҳман қиёфасига кириб олгани учун, агар У мени ҳибсга олса ёки хатто ўлдирса ҳам, гарчи У менинг душманим бўлса ҳам, мен Унга қаршилик қилмайман. 13. Агар шу браҳман болакай ҳақиқатан ҳам ведавий мадҳияларда шарафлаб қуйиландиган Худои Таоло, ягона Парвардигор Вишну бўлса, У ҳеч қачон Ўзининг обрўсини ерга урмайди: У ё менинг қўлимдан ажали етиб жанг майдонида қолади, ё ҳалол жангда мени ўлдиради”.

14. Шукадева Госвами давом этди: “Шундан кейин калбидаги Худои Таоло илҳомлантириб турган рухий устоз Шукрачарйа ўзининг улуғвор шогирди Бали Махаражни дуои бад килди. Бали Махараж ҳаётда олийжаноблик ва ростгўйликка шу қадар қатъий амал қилардики, бунинг учун рухий устозининг насиҳатларини хурмат қилиш ўрнига, унинг кўрсатмасини инкор этишга жазм этди.

15. Шукрачарйа шундай деди: “Сен ўзинг аслида илмсиз бўлганинга қарамай, ўзингни жуда билимдон деб биласан, шу боис шу қадар уятсиз бўлиб кетгансанки, менинг буйруғимни инкор этдинг. Менга нисбатан кўрсатган мана эътиборсизлигинг сабабли тез орада сен албатта барча мол-мулкингдан айриласан!”

16. Шукадева Госвами давом этди: “Ҳатто рухий устозининг қарғишига учрагандан кейин ҳам, буюк шахс бўлган Бали Махараж ўзининг қароридан қайтмади. Шунинг учун одатга кўра, у аввало Вamanaдевага сув таклиф қилди, кейин Унга ваъда қилган ер парчасини берди. 17. Бали Махаражнинг марварид безакли тақинчоқ тақиб олган хотини Виндхавати Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини ювиб сифиниш учун катта идишда сув олиб келди. 18. Парвардигор Vamanaдеванинг тарафдори бўлган Бали Махараж қалби қувончга тўлиб Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини ювди, кейин шу сувни бошига сепди, чунки бу сув бутун оламни қутқаришга қодир бўлган табаррук сув эди. 19. Айни пайтда Бали Махаражнинг бу содда, очиқ кўнгиллик билан қилаётган пок ҳаракатларини кўриб, олий сайёраларда яшайдиган зотлар - фаришталар, гандхарвалар, видйадхаралар, сиддхалар ва чараналар - жуда хурсанд бўлиб, унинг илоҳий сифатларини оқшишлай бошладилар ва унинг устига миллионлаган само гулларини ташладилар. 20. Гандхарвалар, Кимпурушалар ва Киннаралар минглаган литавралар ва сурнайларни такрор ва такрор чалиб, қувончдан яйраб куйлай бошладилар: “Бали Махараж қанчалик улуғвор зот ва у қандай қийин ишни амалга оширяпти! Гарчи у Парвардигор Вишну ўзининг душмани тарафда эканини билса ҳам, у Парвардигорга бутун уч оламни садақа қилиб берди!”

21. Vamana қиёфасига кириб олган чексиз Худонинг Олий Шахси Ўзининг танасини катталаштира бошлади. Моддий қувват тили билан айтганда У Ўзини то бутун борлиқ - Ер ва бошқа сайёралар тизими, осмон, дунёнинг томонлари, коинотдаги барча бўшлиқлар, океанлар, қушлар, ҳайвонлар, одамлар, фаришталар ва буюк авлиё шахслар билан бирга - Ўзининг ичида мужассам бўлгунча каттайтирди. 22. Бали Махараж барча руҳоний зотлар, ачарйалар ва мажлис аҳли билан бирга Худонинг Олий Шахсининг олти хил бойликка эга фазовий қиёфасини томоша қилиб турарди. Бу фазовий тана барча моддий унсурларни, хиссиётларни, хиссиётларга таъсир қиладиган нарсаларни, ақл, тафаккур, сохта ўзлик, тирик мавжудотларнинг барча турларини, моддий табиат гуналарининг барча ҳаракатларини ва уларнинг оқибатларини ўз ичига олган эди. 23. Шундан сўнг, Шоҳ Индранинги ўрнини эгаллаган Бали Махараж Парвардигорнинг қадамлари пойида Расатала сингари қуйи сайёралар тизимини кўрди. У Парвардигорнинг оёқлари остида Ер шарининг устини, Унинг тўпиғида барча тоғларни, Унинг тиззаларида ҳар хил қушларни, Унинг сонларида - турли ҳаво оқимларини кўрди. 24. Худои Таолонинг

ғаройиб ҳаракат қиладиган либоси остида Бали Махараж кечкурунги ғира-ширани кўрди. Парвардигорнинг жинсий аъзоларида Бали Махараж Праджапатиларни, қуймучида эса, яқин ҳамроҳлари билан бирга ўзини кўриб турарди. Парвардигорнинг киндигида у осмонни кўрди, корнида етти океанни кўрди, кўксиди эса - барча юлдузлар туркумини кўрди.

25-29. Эй хурматли шоҳ, у Парвардигор Мурарининг юрагида ҳақиқий динни кўрди; кўксиди ёқимли сўзлар билан ростгўйликни кўрди; ақлида - Ойни; кўксиди - қўлига нилуфар гули ушлаб турган раванқ фариштасини кўрди; бўйнида - барча Ведаларни ва ҳамма товуш тўлқинларини; қўлларида - шоҳ Индра бошлиқ барча фаришталарни; икки қулоғида - оламнинг барча томонларини; калласида - олий сайёралар тизимини; сочларида - булутларни; бурнида - шамолни; кўзларида - куёшни; оғзида - оловни кўрди. Унинг сўзларидан барча Ведавий мантралар чиқарди, Унинг тилида сув фариштаси Варуна, Унинг қошларида диний қонун-қоидалар, киприкларида кун ва тун бор эди. Унинг пешонасида ғазаб, лабларида очкўзлик бор эди. Эй шоҳ, Унинг танасининг тегиши(сирти)да барча шахвоний истаклар, Унинг уруғларида барча сувлар, Унинг орқасида динсизлик, Унинг ғаройиб фаолиятида ёки қадамлари изида қурбонлик олови бор эди. Унинг соясида ажал, Унинг табассумида алдамчи қувват, Унинг танасининг тукларида барча дори-дармонлар ва доривор гиёҳлар бор эди. Унинг қон томирларида ҳамма дарёлар, Унинг тирноқларида барча тошлар, Унинг тафаккурида Тангри Брахма, фаришталар ва буюк авлиё зотлар бор эди. Унинг бутун танаси ва хиссиёти бўйлаб барча кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотлар жойлашган эди. Шундай қилиб, Бали Махараж Парвардигорнинг баҳайбат фазовий қиёфасида ҳамма нарсани, бутун борлиқни кўрди. 30. Эй шоҳ, Бали Махаражнинг издошлари, ҳамроҳлари бўлган барча иблислар Худонинг Олий Шахсининг бутун борлиқни қамраб олган фазовий қиёфасини, Парвардигорнинг кўлидаги *Сударшана* деб аталадиган, чидаб бўлмас иссиқлик таратиб турадиган халқасини кўрганларида, Унинг камонининг қулоқни қар қиладиган даҳшатли овозини эшитганида хавотириганиб, саросимага тушиб, қалблари чексиз мусибатга тўлди. 31. Парвардигорнинг момақалдирак гумбурлашига ўхшаган даҳшатли товуш чиқарадиган *Панчажанйя* деган сури; *Каимодаки* деб аталадиган даҳшатли гурзиси; *Видйадхара* деб аталадиган қиличи, ойга ўхшаган минглаб айланалар билан безатилган қалқони; барча совутлар ичида аълоси бўлган *Акшайасайака* деган совути - барчаси Парвардигорга илтижо қилиш учун пайдо бўлдилар. 32-33. Парвардигорнинг Сунанда ва бошқа асосий яқин зотлар бошлиқ ҳамроҳлари ва бошқалар ҳамроҳлигида келган ҳар хил сайёраларнинг ҳукмдорлари бўлган илоҳлар Парвардигорга илтижо қила бошладилар. Парвардигорнинг бошида ярқирок тож, қўлларида браслетлар, қулоқларида балиқни эслатадиган шаклдаги сирғалар осилган эди. Парвардигорнинг кўксиди *Шриватса* деб аталадиган бир тугам тук ўсиб турар ва *Каустубҳа* деган илоҳий гавхартош осиглиқ эди. У чиройли белбоғ тортилган сариқ либосга ўранган эди, У атрофида асаларилар айланиб юрган чиройли гулчамбар осиб олган эди. Эй шоҳ, Ўзини шу қиёфада намоён этиб, кўрсатадиган фаолияти одамни ҳайратга соладиган Худонинг Олий Шахси, бутун Ер юзини

Ўзининг бир қадами билан, бутун Осмонни Ўзининг гавдаси билан, оламнинг барча тарафини қўллари билан қамраб олди.

34. Парвардигор иккинчи қадами билан барча самовий сайёраларни қамраб олди. У Ўзининг учинчи қадамини қўйишга бирор жой қолмади, чунки Унинг пойи қадамлари Махарлока, Жаналока, Таполока ва ҳатто Сатйалокадан ҳам ўтиб, тобора каттайиб борарди.

Йигирма биринчи боб. Парвардигор Бали Махаражни ҳибсга олади.

1. Шукадева Госвами давом этди: “Нилуфар гулидан туғилган Тангри Браҳма Парвардигор Вamanaдеванинг оёқларидаги тирноғидан таралаётган кучли ёғду таъсири остида ўз даргоҳи Браҳмалоканинг ёғдуси сусайиб қолганини кўриб, Худонинг Олий Шахсига яқин борди. Тангри Браҳмага Маричи бошлиқ барча буюк донишмандлар ва Санандана сингари йоглар ҳамроҳ эдилар, аммо Худои Таолодан таралаётган кўзни қамаштирувчи порлоқ ёғду таъсирдан ҳатто Тангри Браҳма ва унинг ҳамроҳлари ҳам арзимас, кўримсиз зотлардай бўлиб қолган эдилар. 2-3. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилишга келган зотлар орасида диний қонун-қондаларга риоя қилишда ва ўзини назорат қилишда мукамалликка эришган зотлар, шунингдек, мантик, тарих, дунёвий илмлар ҳамда Ведалар илмининг *калта*(тарихий воқеалар ёзилган) деб аталадиган бўлимнинг билимдонлари ҳам бор эди. Бу ерга келган бошқа бировлар Ведаларнинг “Брахма-самхита” сингари бўлимлари бўйича, Ведаларнинг бошқа бўлимлари(*Сама, Йаджур, Риг* ва *Атхарва*) ва қўшимча ведалар(*Айур-веда, Дханур-веда* ва ҳоказо)нинг билимдонлари эдилар. Бошқа бировлар йога билан шуғулланиш натижасида уйғонган илохий илми ёрдамида кармали фаолияти оқибатларидан озодликка чиққан зотлар эди. Яна бировлар оддий карма йўли билан эмас, балки Ведалар илмини чуқур ўрганиш натижасида Браҳмалокага эришган зотлар эди. Худои Таолонинг улуғвор нилуфар қадамлари пойига сув тақдим этиб, муносиб эҳтиром билан сажда қилиб бўлгандан кейин, Парвардигор Вишнунинг киндигида ўсган нилуфар гулидан пайдо бўлган Тангри Браҳма Парвардигорга илтижо қила бошлади.

4. Эй шоҳ, Тангри Браҳманинг камандаласидан оқаётган сувлар “ғаройиб ўйинчи” Урукрама деган ном билан машҳур Парвардигор Вamanaдеванинг нилуфар қадамлари пойини ювди. Шу тариқа бу сув шу қадар покландики, у Муқаддас Ганга сувларига айланди ва Худонинг Олий Шахсининг шухрати сингари бутун уч оламни поклаб, осмондан Ерга туша бошлади. 5. Тангри Браҳма ва ҳар хил сайёралар тизимига ҳукмрон бўлган фаришталар ўзларининг олий руҳий устозига ва ҳукмдорига - бутун борлиқни қамраб олган фазовий киёфасини кичрайтириб, Ўзининг аввалги азалий ҳолатига қайтган Парвардигор Вamanaга сажда қила бошладилар. Улар Худои Таолога муносиб сажда қилиш учун зарур бўлган ҳамма нарсани тўплаган эдилар.

6-7. Улар Парвардигорга ёқимли муаттар хид таратиб турадиган гуллар, сув, *падйя* ва *аргхйя*, *сандал*

ва *агуру* пастаси, фимиам, шамчиروق, пишган гуруч, янчилмаган дон, мевалар, илдиз ва куртаклар таклиф этдилар. Улар: “Жая!” “Жая!” - деган ҳайкириқлар билан Парвардигорнинг шарафли қароматларини олқишлаб, Унга илтижо қилдилар. Шу тарзда улар Парвардигорга сиғиниб, рақсга тушдилар, ҳамдусанолар куйладилар, ёқимли куйлар чалдилар, литавраларни қоқиб, сурларини чалдилар. 8. Айиқлар шоҳи Жамбаван ҳам сиғиниш маросимига қўшилиб, ўзининг сури овозини оламнинг ҳар тарафига йўллади. Бу билан у Парвардигор Вamanaдеванинг ғалаба байрамини бутун оламга овоза қилган эди. 9. Бали Махаражнинг иблис издошлари ўзларининг қурбонлик маросими ўтказишда шунча қатъият намоён этган ҳукмдори уч қадам Ер парчаси сўраш баҳонаси билан келган Вamanaдева сабабли бутун салтанатидан маҳрум бўлганини кўриб, қаттиқ ғазабландилар ва ўзаро шундай гапириша бошладилар:

10. “Бу Вamana - албатта ҳеч қандай браҳман эмас, балки алдоқчиларнинг энг каттаси - Парвардигор Вишну бўлади. Браҳман киёфасига кириб У Ўзининг асл киёфасини яширган, бу билан у фаришталарнинг фойдаси учун ҳаракат қилган. 11. Бизларнинг ҳукмдоримиз Бали Махараж, *йаджна* ўтказётгани сабабли Уни муносиб жазолаш ҳуқуқига эга эмас. Шу қондани яхши билгани учун мангу душманамиз Вишну, садақа сўрайдиган *браҳмачарий* киёфасига кириб, маккорлик билан унинг бутун салтанатини тортиб олди”.

12. “Бизларнинг ҳукмдоримиз, Бали Махараж ҳамиша ростгўйликка амал қилади. У ҳозир қурбонлик маросими ўтказётгани учун бу қоидага алоҳида аҳамият билан амал қилади. У жуда меҳрибон ва браҳманларга ҳамиша ғамхўрлик қилади, у ҳеч қачон ёлгон гапирмайди”.

13. “Шунинг учун, Парвардигор Вишнунини, мана шу Вamanaдевани ўлдириш - бизларнинг муқаддас бурчимиз. Мана шу - бизнинг муқаддас диний бурчимиз ва ҳукмдоримизни ҳалокатдан қутқаришнинг ягона йўлидир”.

Ана шундай қарорга келиб, Бали Махаражнинг иблис издошлари Вamanaдевани ўлдириш учун қўлларига ҳар хил қуролларини олдилар.

14. Эй шоҳ, табиатан жуда жажлдор, серғазаб бўлган иблислар найзаларини, санчқиларини қўлига олдилар ва Бали Махаражнинг амрига қулоқ солмай, Парвардигор Вamanaдевани ўлдириш ниятида олға интилдилар. 15. Эй шоҳ, Парвардигор Вишнунинг ҳамроҳлари шиддат билан олдинга чиққан иблис жангчиларни кўриб, жилмайиб кулиб қўйдилар. Қўлларига қуролларини олиб, улар иблисларни бу аҳмоқона уринишларини бас қилишга мажбур қилдилар. 16-17. Нанда, Сунанда, Жайа, Вижайа, Прабала, Бала, Кумуда, Кумудакша, Вишваксена, Пататтритат(Гаруда), Жайанта, Шругадева, Пушпаданга ва Сатвата - ҳаммаси Парвардигор Вишнунинг мангу ҳамроҳлари эди. Уларнинг ҳар бири ўн минг фил қудратига эга эдилар, улар иблисларнинг жангчиларини ўлдира бошладилар.

18. Бали Махараж Парвардигор Вишнунинг ҳамроҳлари ўзининг жангчиларини ўлдира бошлаганини кўрганида устози Шукрачарйанинг қарғишини эслади ва ўз жангчиларига жангни давом эттиришни бас қилишни буюрди:

19. “О Випрачитти, О Раху, О Неми, илтимос, менинг гапларимга кулоқ солинглар! Жанг қилманглар! Ҳозирок жанг қилишни бас қилинглар, чунки ҳозир Замона зайли биз тарафда эмас. 20. О Даитилар, барча тирик мавжудотларга бахт ҳам, мусибат ҳам келтирадиган Худонинг Олий Шахсига ҳеч ким қарши чиқа олмайди. 21. Худонинг Олий Шахсининг олий вакили бўлган, аввал биз томонда бўлиб, фаришталарга қарши бўлган Замона зайли ҳозир бизларга қарши турибди. 22. Ҳеч ким на моддий қувват ёрдами билан, на вазирларининг маслаҳати билан, на ўз тафаккури кучи билан, на сиёсат, на сеҳрли мантралар қудрати билан, на дори-дармон, гиёҳлар ёки бошқа бирор нарсалар қудрати билан Худои Таолонинг Замон кўринишидаги тимсолини енга олмайди. 23. Тақдир тақозоси билан сизлар аввал Парвардигор Вишнунинг буларга ўхшаган сон-саноксиз жангчиларини бемалол енган эдинглар. Лекин бутун ана шу жангчилар сизларни мағлубиятга учратиб, яйраганидан арслонлардай қутуряптилар. 24. Агар тақдиримизга ёзилмаган бўлса, бизлар ҳеч қачон ғалаба қилолмаймиз. Шунинг учун бизлар энди то тақдир бизга кулиб боққунгача кутиб туришимиз лозим, шунда бизлар улар устидан ғалаба қозона оламиз”.

25. Шукадева Госвами давом этди: “Эй шоҳ, ўзларининг ҳукмдори Бали Махаражнинг кўрсатмаси билан иблисларнинг ва Даитиларнинг барча лашкарбошилари коинотнинг куйи сайёраларига кирдилар, уларни Парвардигор Вишнунинг жангчилари кузатиб қўйди. 26. Шундан сўнг, *сома-пана* куни қурбонлик маросими тугагандан кейин, кушлар шоҳи Гаруда ҳукмдорининг ниятини тушуниб, Бали Махаражни Варунанинг арқонлари билан боғлади. 27. Бали Махараж шу тариқа энг қудратли Парвардигор Вишну томонидан ҳибсга олинганида оламнинг бутун тарафи, барча куйи ва олий сайёралар тизими бўйлаб оғир мусибат йиғиси эшитилди.

28. Эй шоҳ, Худонинг Олий Шахси, Вamanaдева, Ўзи Варунанинг арқонлари билан боғлаб, ҳибсга олган, энг эркин ва шавкатли шахс Бали Махаражга қараб гапира бошлади. Бали Махаражнинг танасидан таралиб турган ёғду сўниб қолган эди, лекин шунга қарамай у халигача ўзининг қарорида қатъий турарди.

29. “Эй иблислар шоҳи, сен Менга уч қадам ер парчаси беришга ваъда бергандинг, аммо Мен бутун оламни икки қадам билан босиб олдим. Энди Мен учинчи қадамимни қаерга қўйишим ҳақида ўйла! 30. Худди жуда узокда Куёш ва Ой юлдузлар билан нур таратиб тургани сингари, худди жуда узокда булутлар ёмғир ёғдираётгани сингари бутун оламдаги ҳамма ерларнинг сенинг мулкинг бўлиши ҳам энди сен учун шунча узокда. 31. Сенинг мана шу бутун салтанатингдан Мен бир қадамим билан Бхурлокани, танам билан бутун осмонни ва оламнинг барча томонларини босиб олдим. Сенинг кўзинг олдида иккинчи қадамим билан Мен олий сайёралар тизимини ишғол қилдим. 32. Менга сен ўзинг ваъда қилган микдорда садақа беролмаганинг сабабли, қоидага кўра сен дўзахий сайёраларда яшашга маҳкум бўлишинг керак. Шунинг учун рухий устозинг Шукрачарйанинг кўрсатмаси билан сен ҳозир дўзахга йўл ол ва шу ёқда яша. 33. Садақа сўраган одамга ўзи ваъда берган микдорда садақа беролмаган одам жаннатга кўтарилишга ёки ўзининг ниятларига етишга эриша олмайди, аксинча, дўзахга равона бўлади.

34. Ўзининг бойлигиндан жуда мағрурланиб кетганингдан, сен Менга уч қадам ер парчаси беришга ваъда бердинг, аммо ўз сўзининг устидан чиқа олмадинг. Шу боис, берган ваъдангинг устидан чиқолмаганинг учун сен бир неча йил дўзахда яшашинг лозим”.

Йигирма иккинчи боб. Бали Махараж Худога бутунлай ўзини бахшида қилади.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шоҳ, Худонинг Олий Шахси Бали Махаражга нисбатан адолатсизлик қилаётгандай бўлиб кўринса ҳам, Бали Махараж ўзининг қарорида қатъий турарди. У ўз ваъдасининг устидан чиқолмаганини тан олиб шундай деди:

2. “Эй, фаришталар учун энг ҳурматли бўлган Худои Таолонинг аъло Шахси, агар Сен мени ўз ваъдасининг устидан чиқолмади, деб ҳисобласанг, мен бу хатоимни тўғрилашга ҳаракат қиламан. Мен ҳеч қачон ўз сўзимнинг ёлғон бўлиб қолишига йўл қўя олмайман. Шунинг учун илтимос, Сен учинчи қадамингни менинг бошимга қўй! 3. Мен бутун бойлигимдан айрилиб қолишдан, дўзахда яшашдан, қамбағаллигим сабабли Варунанинг арқонлари билан боғланиб қолишдан ёки Сен мени қаттиқ жазолашингдан кўркмайман, лекин мен ноҳақ, ёлғончи бўлиб қолишдан кўрқаман. 4. Гарчи кимнидир отаси, онаси, акаси ёки дўсти яхшилик қилиш ниятида жазоласалар ҳам, улар ҳеч қачон қўл остидаги одамларни жазоламайдилар. Лекин Сен энг ҳурматли Худои Таоло бўлганинг учун Сенинг менга совға қилган бу жазойингни мен энг буюк мукофот сифатида қабул қиламан. 5. Сен ҳазрати олийлари биз иблисларнинг энг яхши саодатманди бўлганинг учун Ўзингни бизларга душман қилиб кўрсатиб, аслида ҳамиша бизларга яхшилик қиласан. Бизга ўхшаган иблислар ҳамиша сохта обрў-эътиборга интилиб юрганлари сабабли, бизларни жазолаш билан Сен бизларга ҳаётда тўғри йўлни кўришга қодир бўлган чуқур тафаккур, тўғри дунёқараш ато этасан.

6-7. Ҳамиша Сенга душманлик муносабатиде юрган иблисларнинг барчаси охир-оқибатда буюк сеҳргар-йоглар эришадиган рухий камолотга эришдилар. Сен Олий ҳазратлари бир амал билан жуда кўп мақсадларни кўзда тутиб иш қилишга қодирсан, шунинг учун Сен мени ҳар хил йўллар билан жазолаганингдан уялмайман, мени Варунанинг арқонлари билан ҳибсга олганингдан Сендан мутлақо хафа бўлмайман. 8. Бобом Прахлад Махараж - барча содиқларинг тан олган Сенинг буюк содиқ хизматкоринг бўлади. Гарчи отаси Хираниакашину уни ҳар хил қўйларга солиб қийнаган бўлса ҳам, у Сенинг нилуфар қадамларинг пойи паноҳига кириб, Сенга бўлган чуқур ишончини, иймонини сақлаб қолган. 9. Охир-оқибатда барибир эгасини ўзидан-ўзи тарк этиб кетадиган бу моддий тананинг менга нима кераги бор? Аслида Худои Таолога илоҳий хизмат қилиш учун зарур бўлган пулларни сарфлайдиган қароқчи-ўғрилар бўлган оиланинг барча аъзоларидан нима фойда? Хотиндан нима фойда? Хотин - фақат тобора кенгайиб борадиган моддий шароитларнинг, ташвишларнинг манбаи, холос. Оиланинг, уй-рўзгорнинг, мамлакатнинг ёки жамиятнинг нима кераги бор? Уларга боғланиш

туйғуси бизга вақтинчалик берилган инсон умрининг кимматбаҳо вақтини ўғирлаб, бекорга хазон этади, холос.

10. Менинг бобом, чексиз илм эгаллаган одамлар орасида аълоси эди. Уни ҳамма ҳурмат қиларди, у бу дунёдаги ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган оддий одамлардан кўрқарди. У Сенинг нилуфар кадамларинг пойи берадиган қудратли химояга тўлиқ иймон келтириб ишонгани туфайли, охир-оқибатда Сенинг қўлингдан ҳалок бўлган отасининг ва отасининг дўстларининг иблисона амру-фармонларига қарши чиқиб, Сенинг нилуфар пойи кадамларинг паноҳига кирган эди. 11. Фақат тақдир тақозоси билан мен Сенинг нилуфар пойи кадамларинг остига киритилган ва бутун бойлигимдан маҳрум бўлган эдим. Вақтинчалик бойлик ёрдамида яратиладиган алданиш таъсири остида бу моддий дунёда яшайдиган, ҳар куни муқаррар ўлимнинг, бешафқат ажалнинг юзига қараб юрган одамларнинг аксарият кўпчилиги аслида бу ҳаёт ўткинчи эканини тушунмайдилар. Фақат тақдир тақозоси билангина мен ана шундай шароитлардан ҳалос бўлдим”.

12. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй Курулар аълоси, Бали Махараж шу тарзда ўзининг омадли ҳолатини олқишлар экан, шу ерда кечаси чиққан тўлин ойдай ярқираб, Парвардигорнинг энг азиз содиқ хизматкори Прахлад Махараж пайдо бўлди. 13. Бали Махаражнинг кўзи илохий танаси кўзга суриладиган қора суртмани эслатадиган энг омадли шахс бўлган бобосига тушди. Унинг баланд бўйли, келишган қомати сариқ либосларга бурканган, қўллари узун, ажойиб кўзлари нилуфар гул баргларига ўхшарди. У ҳар ким учун азиз ва ёқимли эди. 14. Варунанинг арқонлари билан боғлангани сабабли Бали Махараж Прахлад Махаражга аввалгидай муносиб сажда қила олмади. Бунинг ўрнига у бобосига бошини эгиб, жикқа ёшга тўлган кўзлари ва уялганидан пастга қараган юзи билан сажда қилди. 15. Буюк шахс Прахлад Махараж шу ерда Сунанда сингари ўзининг яқин ҳамроҳлари билан Худои Таолонинг Ўзи ўтирганини кўриб, қалби қувончга тўлиб яйраб кетди, унинг кўзларини қувонч ёшлари тўлдирди. Парвардигорга яқинлашиб, у ерга узала йиқилиб, бош эгиб сажда қилди.

16. Прахлад Махараж шундай деди: “Эй азиз Худойим, бу аввал Балига осмон шоҳининг мартабасини берган Сен ўзинг эдинг, буларнинг барчасини бугун қайтариб олган ҳам Сен ўзингсан. Мен бу икки ишни ҳам Сен олий ҳазратлари жуда чиройли амалга оширдинг, деб ҳисоблайман. Осмон шоҳи ўрнида ўтирган улуғвор мартабаси уни ғофиллик зулматига ғарқ қилгани учун, унинг бутун мол-дунёсини қайтариб олиб, аслида Сен унга жуда катта марҳамат кўрсатдинг. 17. Моддий бойлик шу қадар жозибалики, у ҳатто ўзининг нафсини жиловлаб олган билимдон одамни ҳам инсон умрининг асосий мақсадини излашни бутунлай унутиб юборишга мажбур қилади. Аммо, Худонинг Олий Шахси, бутун олам Парвардигори Нарайана, ўзининг истаги билан ҳамма нарсани кўра олади. Шунинг учун мен Унга чуқур эҳтиром билан сажда қиламан”.

18. Шукадева Госвами давом этди: “Эй шоҳ Парикшит, шу ерда қўл қовштириб турган Прахлад Махараж иштирокида Худонинг Олий Шахсига Тангри Брахма мурожаат қила бошлади.

19. Аммо, Бали Махаражнинг садоқатли хотини, эри хибсга олинганидан кўрқиб, қаттиқ хафа бўлганидан дарров Парвардигор Вamanaдева(Упендра)га сажда қилди. У қўлларини қовштириб илтижо қила бошлади.

20. Шримати Виндхйавали шундай деди: “Эй азиз Худойим, Сен бутун коинотни ўзининг эрмакларинг билан лаззатланиш учун яратгансан, аммо аҳмоқ, нодон одамлар бу моддий оламдан ўзлари лаззатланишга даъво қила бошладилар. Шубҳа йўқки, улар - уятсиз даъвогарлардир. Бу дунёдаги нарсаларга сохта эғалик даъво қилиб, улар ўзларини бировларга садақа беришга, лаззатланишга ҳаққи бор деб ўйлайдилар. Ана шундай ҳолатда улар бу коинотнинг мустақил яратувчиси, таъминлаб турувчиси ва яқсон қилувчиси бўлган Сенга бирор яхшилик қила олармидилар?”

21. Тангри Брахма шундай деди: “Эй барча тирик мавжудотларнинг эгаси ва уларнинг саодатманди, эй барча фаришталар сажда қиладиган яғона Илох, эй бутун борлиқни қамраб олган Худо Шахси, бу одам ҳозир ўзига етарлича жазо олди, чунки Сен унинг бор мол-мулкни тортиб олдинг. Энди Сен уни озод қилишинг мумкин. У бундан ортиқ жазога муносиб эмас. 22. Бали Махараж Сенга ўзининг бор мол-мулкнинг ҳаммасини эҳсон қилди. У ҳеч иккиланмасдан ўзининг савоб ишлари натижасида эришган бутун бойлигини, ерини, сайёраларини ҳатто ўзининг танасини ҳам Сенга тақдим этди. 23. Сенга ҳатто фақат сув, озгина майса ёки гул гунчасини таклиф этиб, ақлий қарама-қаршиликларга эътибор бермайдиган донишмандлар руҳий оламдаги энг юксак даражага эриша оладилар. Бу Бали Махараж эса, ҳозир Сенга ҳеч иккиланмасдан бутун уч оламни таклиф этди. Наҳотки у бунинг учун хибсга олинишга муносиб бўлса?”

24. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Азизим Тангри Брахма, моддий бойлиги туфайли нодон одам бутунлай ақлини йўқотиб қўяди ва бефаросат бўлиб қолади. Шу тариқа у бутун уч оламда ҳеч кимни назар-писанд қилмай, ҳатто Мени ҳам тан олмай қўяди. Ана шундай одамнинг аввало бутун бойлигини тортиб олиб, Мен унга алоҳида марҳамат кўрсатаман. 25. Ҳаётнинг турли шаклларида такрор ва такрор пайдо бўлиб туғилиб-ўлишлар чархпалагида саргардон бўлиб айланиб юрар экан, шартлиани қолган тирик мавжудот ниҳоят нодир омадга дуч келиб, инсон танасига эга бўлади. Тирик мавжудот учун инсон танасидаги ҳаётга эришиш жуда мушкул, бу - энг нодир омад ҳисобланади. 26. Агар одам обрўли хонадонда ёки олий табақага мансуб оилада, улуғвор ҳаёт кечирадиган одамлар орасида туғилган, ҳаётда ажойиб эзгу амаллар қилиб юрган, ёш ва навқирон, гўзал, бой-бадавлат ва илмли бўлса-ю, лекин ўзининг ана шу бойликлари, мартабаси билан ҳеч қачон мағрурланмайдиган бўлса, уни Худои Таолонинг алоҳида марҳаматига сазовор бўлган одам деб билиш лозим.

27. Юқори табақага мансуб бўлган обрўли хонадонда туғилиш ва бошқа шу каби бойликлар, сохта обрў ва манманликка сабаб бўлгани туфайли, Худого садоқат билан хизмат қилиш йўлида катта тўсиқ бўлишига қарамай, Худонинг Олий Шахсининг соф содиқ хизматкорига бу бойликлар ҳеч қачон ташвиш келтира олмайди. 28. Бали Махараж барча иблис ва иймонсиз одамлар ичида энг машҳур зотга айланди, чунки у, барча мол-дунёсидан айрилганига қарамай,

Худого садоқат билан хизмат қилишда мустаҳкам туриб олди. 29-30. Бутун бойлигидан ажралганига, ўзининг юксак мартабасидан маҳрум бўлганига, душманидан мағлуб бўлиб асир олинганига, дўстлари ва қариндошлари ундан юз ўгирганига, асирлик азобини тортаётганига, руҳий устози танбех бергани ва дуои-бад қилганига қарамай, Бали Махараж ўзининг муқаддас қасамига қатъий амал қилиб, ростгўйлик қондасига содиқ қолди. Мен дин қонунларини тилга олганимнинг сабаби бор, лекин у дин қонунларига хилоф иш қилмади, чунки у ўзининг муқаддас қасамини бузмади”.

31. Парвардигор давом этди: “Унинг ана шу буюк сабр-бардоши учун Мен унга ҳатто фаришталар ҳам эриша олмайдиган бир сарой совға қиламан. У Саварни деб аталадиган Ману ҳукмронлик қиладиган давр мобайнида Жаннат сайёраларининг шоҳи бўлиб қолади. 32. Токи осмон шоҳи бўлиб тайинлангунга қадар, Бали Махараж Менинг амрим билан Вишвакарма яратган Сутала деган ғаройиб сайёрада яшайди. Уни Мен Ўзим алоҳида ҳимоя қилиб турганим сабабли, бу сайёра ақл ва тана келтирадиган барча азоб-укубатлардан, чарчашдан, бош айланишидан, жароҳат олиш ва бошқа ташвишлардан бутунлай озоддир. Бали Махараж, сен ҳозир шу жойга бориб тинчгина яшай бошлашинг мумкин. 33. О Бали Махараж(Индрасена), ҳозир сен ҳатто фаришталар ҳам ҳавас қиладиган ана шу Сутала деган сайёрага йўл олишинг мумкин. Шу жойда ўзининг дўстларинг ва қариндошларинг билан бирга тинч, очойишта ҳаёт кечиравер. Сенга омад ёр бўлсин! 34. Сутала сайёрасида сени оддий одамлар нари турсин, ҳатто ҳукмрон фаришталар ҳам мағлубиятга учрата олмайдилар. Агар мабодо айрим иймонсиз иблислар сенинг ҳукмронлигингга раҳна соладиган бўлсалар, Менинг қудратли халқам шу заҳотиёқ уларни яқсон қилади. 35. Эй буюк қаҳрамон, Мен ҳамиша сенинг ёнингда бўламан ва ҳар тарафлама сени, сенинг ҳамроҳларингни ва мол-мулкингни ҳимоя қилиб юраман. Бунинг устига Сен у жойда ҳамиша Мени кўриб юришинг мумкин. 36. Сен у жойда Менинг олий жасоратимни кўриб юрганнинг туфайли қалбингда иблислар ва Данавалар билан ҳамсухбат бўлганинг сабабли пайдо бўлган ташвиш ва моддий орзу-истакларингни шу заҳотиёқ мағлуб қиласан.

Йигирма учинчи боб. Фаришталарнинг яна жаннатий сайёраларни эгаллаши.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Бутун оламда Худои Таолонинг соф содиқ хизматкори сифатида тан олинган ва шу боис пок руҳ бўлган Бали Махаражга Худонинг Олий, азалий, мангу Шахси шу гапларни айтганида, Бали Махаражнинг кўзлари севинчдан лаззат ёшларига тўлиб, кўлларини қовуштириб, садоқат лаззатидан титраётган овоз билан Парвардигорга жавоб бера бошлади.

2. Бали Махараж шундай деди: “Во ажаб! Сенга шунчаки эҳтиром билан сажда қилишга озгина ҳаракат қилишнинг ўзи инсонга қанчалик ғаройиб, мисли кўрилмаган натижа, самара беради! Мен фақат Сенга сажда қилишга озгина ҳаракат қилдим, холос, шунга қарамай менинг бу ҳаракатим худди Сенинг соф содиқларинг қилган саждаси сингари менга ғаройиб

муваффақият келтирди. Мендай бир адашган иблисга Сенинг кўрсатаётган бундай бесабаб марҳаматингга ҳатто ҳар хил сайёраларнинг қудратли ҳукмдорлари ёки буюк фаришталар ҳам ҳеч қачон сазовор бўлмаганлар”.

3. Шукадева Госвами давом этди: “Шундай гапларни айтиб, Бали Махараж аввало Худонинг Олий Шахси, Харига кейин Тангри Браҳмага ва Тангри Шивага эҳтиром билан сажда қилди. Шу тариқа у *нага-паша*(Варуна-арқони) асирлигидан озодликка чиқди ва тўла мамнуният билан Сутала деган сайёрага кирди. 4. Шу тариқа, жаннатий сайёралар ҳукмронлигини яна Индрага олиб бериш билан фаришталарнинг онаси Адитининг қалбидаги истагини амалга ошириб, Худонинг Олий Шахси коинот ишларини тартибга солди.

5. Прахлад Махараж невараси Бали Махаражнинг асирликдан халос бўлганини ҳамда Худои Таолонинг буюк марҳаматига сазовор бўлганини эшитганида ҳуқур жававали лаззатга тўла садоқат туйғуси остида Худои Таолога мурожаат қила бошлади.

6. Прахлад Махараж шундай деди: “Эй Худонинг Олий Шахси, Сенга бутун борлиқ сифини; ҳатто Тангри Браҳма ва Тангри Шива Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қиладилар. Шунчалик буюк, улғувор Шахс бўлишингга қарамай, Сен чексиз марҳамат кўрсатиб, биз иблисларни ҳам ҳимоя қилишга ваъда бердинг. Ўйлайманки, Сенинг бундай марҳаматингга оддий одамлар ёки бошқа фаришталар нари турсин, ҳатто Тангри Браҳма, Тангри Шива ёки равақ фариштаси Лакшми ҳам сазовор бўлмаган. 7. Эй, ҳар бир тирик мавжудотнинг энг олий нажоткори, Браҳма сингари буюк шахслар Сенинг нилуфар қадамларинг пойига муносиб эҳтиром билан сажда қилишнинг ширин асалининг таъмини тотишдан мукамалликка эришиб лаззатланадилар. Аммо, ҳасадгўй иблислар хонадонида туғилган қароқчи ва бузғунчилар бўлган бизлар қандай қилиб Сенинг бундай буюк марҳаматингга эришдик? Сенинг марҳаматинг ҳеч қандай сабабсиз, бесабаб бўлгани учунгина бундай ишлар амалга ошиб турибди. 8. Эй азиз Худойим, Сенинг ғаройиб эрмакларингнинг барчасини Сенинг англаб бўлмас илоҳий қувватинг амалга оширади; унинг бузилган акси бўлган моддий қувват ёрдамида Сен барча коинотларни яратдинг. Барча тирик мавжудотлар қалбидаги Олий Рух сифатида Сен ҳамма нарсдан хабардорсан, шунинг учун Сен шубҳасиз барчага бир хил муносабатда бўласан. Аммо барибир Сен Ўзининг содиқ хизматкорларингга алоҳида марҳамат кўрсатасан. Лекин бу Сенинг уларга ён босишинг эмас, чунки Сенинг азалий ўзгармас табиатинг худди ҳар кимнинг ўз истагига мос равишда мева берадиган истаклар дарахтига ўхшайди”.

9. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Эй азиз ўғлим Прахлад, ҳамиша омад сенга ёр бўлсин! Ҳозир сен Сутала деган жойга йўл ол, шу жойда неваранг ва бошқа қариндошларинг, дўстларинг билан бирга роҳатланиб яша!”

10. Худонинг Олий Шахси Прахлад Махаражни ишонтириб шундай деди: “Шу жойда сен Мени азалий киёфамда - кўлларимга сур, халқа, гурзи ва нилуфар гули ушлаган кўринишда ҳамиша кўриб юрасан. Мен билан ҳамиша бевосита юзма-юз учрашиб юрганнинг шарофати билан сен бундан кейин ҳеч қачон қармали фаолият оқибатларига боғланиб қолмайсан”.

11-12. Шрила Шукадева Госвами шундай деди: “Эй азизим Махараж Парикшит, Бали Махараж ҳамроҳлигида барча иблис ҳукмдорларининг ҳукмдори Прахлад Махараж Худонинг Олий Шахсининг амрини кўл қовуштириб тинглади. “Хўп бўлади!” деб, Унинг атрофини айланиб ўтиб, эҳтиром билан сажда қилиб, Сутала деган қуйи сайёралар тизимига йўл олди.

13. Хари, Худонинг Олий Шахси Нарайана шу ерда қурбонлик маросими ўтказувчи руҳонийлар (*брахма, хота, удхата, адхварйа*) орасида ўтирган Шукрачарйага юзланди. Эй Махараж Парикшит, бу руҳонийларнинг барчаси браҳма-вадилар - Ведавий қурбонлик маросими ўтказиш қонун-қоидаларининг издошлари эдилар.

14. “Эй браҳманлар аълоси, Шукрачарйа, илтимос, қурбонлик маросимини ўтказиш билан машғул бўлган шогирдинг Бали Махаражнинг ҳаракатидаги хато ёки камчилигини таърифлаб бер. Билимдон браҳманлар иштирокида кўриб чиқилса, унинг хатоси албатта тўғриланади”.

15. Шукрачарйа шундай деди: “Эй азиз Худойим, барча қурбонлик маросимларининг қонун-қоидаларини яратадиган ҳам, улардан лаззатланадиган ягона Зот ҳам Сен Ўзингсан, *йаджна-пуруша*, барча қурбонлик эҳсонлари тақдим қилинадиган шахс ҳам Ўзингсан. Агар кимдир оқибат-натигада Сени мамнун қила олган бўлса, унинг ўтказган қурбонлик маросимида қандай хато ёки камчилик бўлиши мумкин? 16. Қурбонлик маросими ўтказиш жараёнида мантраларни тиловат қилганда ёки баъзи қонун-қоидаларга риоя қилишда, шунингдек, замон, макон, шахс ва анжомлар билан боғлиқ бўлган камчиликлар бўлиши мумкин. Лекин, Сенинг муқаддас номларинг шарафлаб қуйланганида ҳар қандай ишлар ҳам бениқсон, мукамал бўлади. 17. Эй Парвардигор Вишну, шунга қарамай мен Сенинг амрингга бўйсуним лозим, чунки, Сенинг амрингни бажариш инсон учун энг шарафли, саодатли амал ва ҳар кимнинг ҳаётдаги энг асосий бурчидир”.

18. Шукадева Госвами давом этди: “Шу тарзда энг қудратли донишманд ачарйа Шукрачарйа Худонинг Олий Шахсининг амрини чуқур эҳтиром билан қабул қилди. Бошқа аъло браҳманлар билан биргаликда у Бали Махараж ўтказган қурбонлик маросимидаги нуқсон ва камчиликларни тўғрилай бошлади. 19. Эй шоҳ Парикшит, шундай қилиб, садақа сўраш баҳонаси билан Бали Махаражнинг бутун салтанатини тортиб олиб, Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Вamanaдева душмандан тортиб олинган бу салтанатни акаси Индрага берди. 20-21. Фаришталар, буюк авлиё донишмандлар, Питрилока аҳолиси, Манулар, Мунилар, Дакша, Бхригу ва Ангира, Карттикейа ва Тангри Шива ҳамроҳлигида Тангри Браҳма (Шоҳ Дакша ва бошқа барча Праджапатиларнинг устози) Парвардигор Вamanaдевани ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳимоячиси сифатида қабул қилди. У Кашйапа Мунини ва унинг хотини Адитини мамнун қилиш учун ҳамда барча ҳукмдорлари билан бирга коинотнинг бутун аҳолиси гуллаб яшнаши учун шундай қилган эди.

22-23. Эй шоҳ Парикшит, Индра бутун коинотнинг ҳукмдори эди, аммо Тангри Браҳма бошлиқ фаришталар Ведаларнинг, ҳақиқий дин қонунларининг, шон-шухратнинг, бойликларнинг, фаровонлиқнинг, муқаддас қасамларнинг, жаннатий сайёраларга кўтарилиш ва озодликка чиқишнинг ҳимоячиси бўлиб

Упендра, Парвардигор Вamanaдева тайинланишини истадилар. Шу тариқа улар Упендра - Парвардигор Вamanaдевани бутун борлиқнинг олий Эгаси, Ҳукмдори деб қабул қилдилар. Уларнинг бу қарори барча тирик мавжудотларни ғоят бахтиёр қилди. 24. Шундан сўнг, жаннатий сайёраларнинг бошқа ҳукмдорлари билан биргаликда осмон шоҳи Индра, Парвардигор Вamanaдевани кеманинг олдига ўтқазиб, Тангри Браҳманинг рухсати билан ўзининг самовий кемасида жаннатга олиб чиқди. 25. Худонинг Олий Шахси Вamanaдеванинг ҳимояси остида осмон шоҳи Индра жуда мамнун ва жасоратга тўлиб, яна ўзининг аввалги мартабасига - бутун уч олам ҳукмронлигига ва чексиз бойликка эришди. 26-27. Тангри Браҳма, Тангри Шива, Карттикейа, буюк донишманд Бхригу, бошқа авлиё зотлар, Питрилока аҳолиси ва шу ерда иштирок этган бошқа тирик мавжудотлар, шу жумладан Сиддхалока аҳолиси ва самовий кемаларда коинот осмонида сайр қилиб юрадиган тирик мавжудотларнинг барчаси Парвардигор Вamanaдеванинг ғайритабиий кароматларини олқишладилар. Эй шоҳ, Парвардигорни ва Унинг кароматларини шарафлаб қуйлаб, уларнинг ҳар бири ўзининг мангу даргоҳига йўл олди. Улар Адитининг фаолиятини ҳам олқишлар эдилар. 28. Ўз авлодининг ғурури бўлган эй Махараж Парикшит, мен сенга Худонинг Олий Шахси Вamanaдеванинг кўрсатган ғаройиб каромати ҳақида гапириб бердим. Бу илоҳий ҳикояни чуқур иймон билан тинглаган ҳар бир одам ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади. 29. Ўлимга маҳкум одам Ер сайёрасидаги барча атомлар сонини билмагани сингари, Худонинг Олий Шахсининг, Тривикраманинг, Парвардигор Вишнунинг шон-шухратини ҳам англаб етишга қодир эмас. Бу моддий оламда туғилган ва ҳали туғилиб улгурмаган бирор зот бунга қодир эмас. Буюк донишманд Васиштха шундай деган эди.

30. Худонинг Олий Шахсининг ҳар хил қиёфаларда кўрсатган ғаройиб кароматлари ҳақидаги илоҳий ҳикояларни чуқур иймон ва ишонч билан тинглаган ҳар бир одам шубҳасиз олий сайёраларга кўтарилади ёки ҳатто Худонинг даргоҳига, ўзининг мангу уйига қайтиб боради. 31. Фаришталарга аталган қурбонлик маросимидами, Питрилокадаги аждодларга атаб ўтказилган маросимдами, ёки никоҳ тўйи сингари бирор маросимдами - қайси маросим пайтида Парвардигор Вamanaдеванинг кароматлари ҳақида ҳикоя қилинса, шу маросимни энг шарофатли маросим деб ҳисоблаш лозим.

Йигирма тўртинчи боб. Парвардигорнинг Балиқ қиёфасида намоён бўлиши.

1. Махараж Парикшит шундай деди: “Ғарчи бу моддий оламга ташриф буюриб, ҳар хил қиёфаларда Ўзини намоён этса ҳам, Худонинг Олий Шахси, Хари ҳамиша Ўзининг илоҳий даргоҳида мангу қолаверади. Унинг бу оламда намоён этган биринчи қиёфаси баҳайбат Балиқ кўринишида эди. Эй қудратли Шукадева Госвами мен сендан Худои Таолонинг ана шу қиёфада кўрсатган кароматлари ҳақида билиб олмоқчиман. 2-3. Худди, оддий тирик мавжудотлар ўзларининг кармаси бўйича ҳар хил қиёфаларга

киргани сингари, Худонинг Олий Шахси қандай мақсадни кўзлаб шундай жирканч тирик мавжудот бўлган балиқ киёфасига кирган эди? Балиқнинг танаси жуда ярамас ва даҳшатли азоб-уқубатга тўла тана ҳисобланади. Эй ҳукмдорим, шундай танада намоён бўлишдан Худои Таолонинг мақсади нима эди? Илтимос, шуни бизларга тушунтириб бер, чунки Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ҳаммага бирдай буюк саодат келтиради”.

4. Сута Госвами шундай деди: “Махараж Парикшит Шукадева Госвамидан илтимос қилганида қудратли авлиё инсон Шукадева Госвами Парвардигорнинг моддий оламда Балиқ киёфасида намоён бўлиб кўрсатган кароматларини таърифлай бошлади”.

5. Шри Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шоҳ, сигирларни, брахманларни, фаришталарни, Ведавий асарларни, ҳақиқий дин қонуларини ва инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришиш қоидаларини химоя қилиш учун Худонинг Олий Шахси моддий оламда ҳар хил киёфаларда Ўзини намоён этади. 6. Атмосферанинг барча қатламлари орқали бемалол ўтадиган ҳаво сингари, гарчи баъзида инсон танасида, баъзида қуйи тирик мавжудот танасида кўринса ҳам, Худонинг Олий Шахси ҳамиша илоҳий ҳолатда қолаверади. Моддий табиат сифатларидан устун бўлгани туфайли, У олий ва қуйи ҳаёт шаклларида кўрсатган фаолияти таъсирига берилмайди.

7. Эй шоҳ Парикшит, моддий оламнинг аввалги мавжудлик даврининг охирида, Тангри Браҳма тун бўйи уйқуда бўлиши сабабли, Тангри Браҳманинг куни ниҳоясига етганда коинотда охир-замон, қиёмат-қойим рўй бериб, бутун уч олам океан суви остига фарқ бўлган эди. 8. Браҳманинг куни охирида, Тангри Браҳма уйқуси келиб, ётиб ухламоқчи бўлганида, унинг оғзидан Ведалар чиқди. Хайагрива деган буюк иблис Ведалар илмини ўғирлаб кетди. 9. Иблис Хаягриванинг бу қилиғидан хабардор бўлган Худонинг Олий Шахси, барча бойлиқлар соҳиби бўлган Хари, ана шу иблисни ўлдириб, Балиқ киёфасига кириб Ведалар илмини қутқариб қолди. 10. Чакшуша-манвантара даврида Сатйаврата деган буюк шоҳ бўлиб, у Худонинг Олий Шахсининг буюк содиқ хизматкори эди. Сатйаврата фақат сув билан тирикчилик қилиб, қаттиқ риёзатларга берилиб яшарди. 11. Ҳозирги даврда шоҳ Сатйаврата Куёш сайёрасининг шоҳи Вивасваннинг ўғли бўлиб, Шраддхадева номи билан машҳур. Худонинг Олий Шахсининг марҳамати билан у Ману лавозимига кўтарилган.

12. Бир куни, шоҳ Сатйаврата риёзат чекиб, Критамала дарёси ёқасида Худои Таолога сув таклиф қилаётганида, унинг ҳовучидаги сувда кичкина балиқча пайдо бўлди. 13. Бхаратлар авлодидан бўлган эй шоҳ Парикшит, Дравидадеша шоҳи Сатйаврата ҳовучидаги сув билан бирга балиқни дарё сувига қўйиб юборди. 14. Табиатан жуда меҳрибон бўлган шоҳ Сатйавратага қараб, кичкина балиқ илтижо билан шундай деди: “Эй ҳурматли шоҳ, эй ночорларнинг химоячиси, нимага сен Мени дарёга ташлаб юбординг? Бу ерда катта сув хайвонлари яшайди, улар Мени ўлдириб ташлайдилар. Мен улардан жуда қўрқаман!”

15. Бу кичкина балиқ Худонинг Олий Шахси эканидан беҳабар, шоҳ Сатйаврата чуқур мамнуният билан балиқни ўзининг химоясига олмоқчи бўлди. 16. Балиқнинг илтимоси билан меҳрибон шоҳ Уни сув тўла кўзага солиб ўзининг уйига олиб келди. 17. Аммо, бир

кечада балиқ шу қадар каттайиб кетдики, кўзадаги сувда бемалол ҳаракат қилолмай қолди. Кейин у шоҳга шундай деди: 18. “Эй ҳурматли шоҳ, бундай тор идишда яшаш Менга ёқмайди. Шунинг учун илтимос, Мен учун кенгрок сув идиши топ!”

19. Кейин шоҳ балиқни кўзадан олиб бир қудуққа ташлади. Балиқ бир зумда уч қулоч катталикка кирди. 20. Балиқ яна шоҳга мурожаат қилди: “Эй азиз шоҳ, Мен бу сувда яйраб яшай олмайман. Мен сенинг химоянг остидаман, шунинг учун Менга каттарок сув ҳавзаси бер!”

21. Эй Махараж Парикшит, шоҳ балиқни қудуқдан олиб қўлга ташлади, аммо балиқ бир зумда катталашиб, қўлнинг ўлчами билан тенглашди. 22. Балиқ шоҳга шундай деди: “Эй шоҳ, Мен катта сувда яшайман, бу кичкина сув Менга камлик қилади. Мени қутқаришининг иложини қил. Мени ҳеч қачон суви қамаймайдиган қўлга оборсанг яхши бўларди”.

23. Шоҳ Сатйаврата балиқнинг илтимосига кўра Уни энг катта қўлга қўйиб юборди. Балиқча бу қўлнинг суви ҳам торлик қилганида, ниҳоят шоҳ Уни океанга туширди. 24. Океанга тушгандан кейин балиқ шоҳ Сатйавратага шундай деди: “Эй қаҳрамон, бу сувда жуда катта ва кучли, даҳшатли ақулалар яшайди, улар Мени еб қўядилар. Шунинг учун сен Мени бу сувга ташламаслигинг керак!”

25. Балиқ киёфасидаги Худонинг Олий Шахсидан бундай ширин сўзларни тинглаб, хайратга тушган шоҳ Ундан сўради: “Эй Зот, Сен аслида кимсан? Сен бизларни бутунлай саросимага тушириб қўйдинг! 26. Эй Худойим, Сен бир кунда дарё ва океаннинг сувини бўйлаб, юз километрга каттайдинг. Мен шу пайтгача сувда яшайдиган бундай тирик мавжудот ҳақида эшитмаганман ҳам, кўрмаганман ҳам. 27. Эй Худойим, шубҳасиз Сен туганмас Худонинг Олий Шахси, Нарайана, Шри Харисан. Тирик мавжудотларга Ўз марҳаматингни кўрсатиш учун Сен ҳозир сув хайвони - балиқ киёфасига киргансан. 28. Бутун борлиқни яратиш, мавжудлигини таъминлаш ва яқсон қилиш ҳукмдори бўлган эй Худойим, эй барча лаззатланувчиларнинг аълоси, эй Парвардигор Вишну, Шунинг учун Сенга чуқур эҳтиром билан сажда қилишимга рухсат бер. 29. Сенинг барча эрмакларинг ва киёфаларинг барча тирик мавжудотларга бахт-саодат келтиради. Шунинг учун эй азиз Худойим, қандай мақсадда Сен балиқ киёфасига кирганингнинг сабабини билмоқчиман. 30. Эй кўзлари нилуфар гулбаргларини эслатдиган азиз Худойим, ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган одамларнинг фаришталарга сиғиниб юриши ҳар тарафлама бефойда ҳисобланади. Аммо, Сен ҳар бир тирик мавжудотнинг энг яқин дўсти ва энг азиз Олий Рухи бўлганинг учун, Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қилиш ҳеч қачон бемаъни, бефойда бўлиб, бекорга кетмайди. Шунинг учун Сен Ўзингни Балиқ киёфасида намоён қилдинг”.

31. Шукадева Госвами шундай деди: “Шоҳ Сатйаврата шундай дегандан сўнг, Ўзининг содиқ хизматкорининг бахти учун *йуга* охирида балиқ киёфасига кирган ва охир-замон сувларида Ўзининг эрмакларидан лаззатланаётган Худонинг Олий Шахси унга жавоб берди.

32. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Эй, ўзининг барча душманларини мағлуб этишга қодир

бўлган шох, етти кундан кейин бутун уч олам - Бхух, Бхувах ва Сваҳ - барчаси катта сув тошқини остида қолади. 33. Бутун уч олам сув остига ғарқ бўлаётганда Мен сенинг олдинга бир катта кема юбораман. 34-35. Шундан кейин, эй шох, сен ҳар бир ўсимлик уруғларидан биро жуфтдан тўплаб ана шу кемага жойлайсан. Кейин, етти буюк донишманд ва тирик мавжудотларнинг ҳар хил турлари билан биргаликда ўзинг ана шу кемага чиқасан. Етти буюк донишманд ёруғлиги остида сен мана шу сув тошқинидан бемалол кутулиб қоласан. 36. Кейин, кема кучли бўронда юзага келган тўлқинлар дастидан қаттиқ чайқала бошлаганида, уни буюк илон Васуки билан Менинг мўйловимга боғла, Мен сенинг ёнингда бўламан. 37. Сен ва буюк донишмандлар чиқиб олган кемани судраб Мен то Браҳманинг туни тамом бўлгунча сайр қилиб юраман.

38. Мен сенга ҳар хил маслаҳатлар бериб тураман, сенинг берган саволларинг туфайли Менинг *парам брахма* деган шухратим ҳақида ҳамма нарса сенинг қалбингда намоён бўлади. Шу тариқа сен Мен ҳақимда ҳамма нарсани мукамал билиб оласан”.

39. Шохга шу гапларни айтиб Худонинг Олий Шахси кўздан ғойиб бўлди. Кейин шох Сатйаврата Худои Таолонинг айтган пайти келишини кута бошлади. 40. Куша майсаларининг учларини шарққа қаратиб тўшаб, авлиё шохнинг ўзи юзини шимолий-шарққа қаратиб, майса устига ўтириб олди ва балик киёфасига кирган Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Вишнуга муруқабга қила бошлади. 41. Шундан сўнг, тинимсиз ёмғир ёғдираётган баҳайбат булут океан сувларини тобора кўпайтира бошлади. Шу тарзда океан тошиб, бутун оламни сув боса бошлади. 42. Сатйаврата Худонинг Олий Шахсининг буйруғини эслаганида, ўзига яқинлашаётган катта кемага кўзи тушди. Шундай қилиб, у ҳар хил майса ва ўсимликлардан тўплади ва авлиё донишмандлар билан бирга кемага кўтарилди.

43. Шохдан мамнун бўлган авлиё браҳманлар унга шундай дедилар: “Эй шох, илтимос, Худонинг Олий Шахси Кешавага муруқабга қил. У бизларни ҳар қандай даҳшатли ҳалокатдан қутқариб қолади ва соғ-саломат қолишимиз учун ҳамма нарсанинг иложини қилиб кўяди”.

44. Кейин, шох Худонинг Олий Шахсига бетиним муруқабга қила бошлаганида сув юзида катта олтин балик пайдо бўлди, балиқнинг битта мўйлови бўлиб, унинг узунлиги саккиз миллион км эди. 45. Худонинг Олий Шахсининг аввал берган маслаҳатига кўра, шох илон Васукадан арқон сифатида фойдаланиб, кемани балиқнинг мўйловига боғлади. Шу тариқа қалбида тўла мамнуният ҳосил қилиб, у Парвардигорга илтижо қила бошлади.

46. Шох шундай деди: “Қачонлардир ўзининг пок руҳий илмидан маҳрум бўлган ва ғофиллиги сабабли бу оламда мусибатларга тўла дунёвий ҳаёт кечиришга маҳкум бўлиб юрган шартланган руҳлар Худои Таолонинг бесабаб марҳамати билан ўзининг бу дунёдаги ҳаёт йўлида Худонинг содиқ хизматкорини учратиш бахтига муяссар бўладилар. Мен Худои Таолонинг ана шу Олий Шахсини энг олий руҳий устозим сифатида қабул қиламан. 47. Ғофиллик ботқоғига ботиб кетган нодон шартланган руҳлар бу дунёда бахтли бўламан деган умидда, охир-оқибатда барибир мусибат билан тугайдиган ҳар турли кармали фаолият билан машғул бўлиб яшайдилар. Аммо,

Худонинг Олий Шахсига садоқат билан холис хизмат қилиш шарофати билан ҳар қандай одам ҳам қалбидаги ана шундай сохта бахтга интилиш истагидан халос бўлади. Илоё менинг руҳий устозим қалбимнинг тўрида яшириниб ётган ана шундай сохта, ўткинчи дунёвий истақлар тугунини биратўла узиб ташласин. 48. Моддий оламдаги дунёвий нарсаларга боғланишлардан халос бўлишни истаган одам Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлиб, ўзини ҳар хил гуноҳ ва савоб ишларга мажбур қиладиган ғофиллик иллатидан кутулишга инитилиши керак. Худди оловда қиздирилганида олтин ёки қумуш парчаси ҳар хил ғуборлардан покланиб асл ҳолига қайтгани сингари, шу тариқа ҳар бир тирик мавжудот ҳам ўзининг аввалги, бошланғич руҳий ҳолатига кўтарилиши лозим. Мана шу туганмас Худонинг Олий Шахси бизларнинг руҳий устозимиз бўлсин, чунки У барча руҳий устозларнинг азалий, бошланғич руҳий устозидир.

49. На барча фаришталар, на бошқа руҳий устозлар, на бошқа одамлар - на уларнинг ҳаммаси биргаликда, на ҳар қайси алоҳида - тирик мавжудотга Сен кўрсатишга қодир бўлган марҳаматининг ўн мингдан бир қисмини ҳам кўрсатишга қодир эмаслар. Шунинг учун мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан ўзимга мангу паноҳ излайман. 50. Худди, кўриш қобилиятини йўқотган одам ўзининг кўрлиги сабабли бошқа бир кўр одамни ўзига раҳбар қилиб олгани сингари, инсон ҳаётининг асосий мақсади нимадан иборат эканини англаб етмаган одамлар ҳам ҳаётда ярамас, аҳмоқ, нодон одамларни ўзларига руҳий устоз қилиб оладилар. Лекин бизлар энг аввало ҳақиқий, руҳий ўзлигимизни англаб олишга интиламиз. Шунинг учун биз Сени, Худонинг Олий Шахсини ўзимизга руҳий устоз сифатида қабул қиламиз, чунки Сен куёш сингари оламнинг ҳамма жойини кўришга қодирсан ва ҳамма нарсани билгувчи Зотсан. 51. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган гурулар ўзларига ўхшаган шогирдларига моддий фаровонлик ва хиссий лаззатланиш йўллари ҳақида насиҳат берадилар. Ана шундай нотўғри насиҳатларга асосланиб, нодон шогирдлар ғофиллик ботқоғига ботган ҳолда моддий ҳаёт кечиришда давом этаверадилар. Аммо, Сен олий ҳазратлари инсонларга мангу илоҳий илм ўргатасан, ана шундай илмга эга бўлган фаросатли одам жуда тез вақт ичида ўзининг бошланғич руҳий ҳолатига эришади.

52. Эй азиз Худойим, Сен - ҳар бир тирик мавжудотнинг саодат келтирувчи энг яқин дўстисан, уни бошқариб турувчи олий насиҳатгўй, Олий Рухсан, кишига энг олий илм берувчи ва барча истақларини амалга оширувчи Зотсан. Аммо, Сен ҳарр бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлсанг ҳам, қалби шахвоний эҳтиросларга тўла бўлгани сабабли, нодон одамлар Сени тушуна олмайдилар. 53. Эй Парвардигор, руҳий камолотга эришиш учун мен ўз ихтиёримни барча фаришталар бутун борлиқнинг олий назоратчиси сифатида сиғинадиган Сенинг Ўзингга топшираман. Инсон ҳаётининг энг олий мақсадини очиб берадиган Ўзингнинг насиҳатларинг билан менинг қалбим тўридаги дунёвий боғланиш туйғуларини яқсон қилиб, менга ҳозирги ҳаётимнинг асосий мақсадини, мазмунини англашимга имкон бер!”

54. Шукадева Госвами давом этди: “Шох Сатйаврата шу тариқа балик киёфасига кирган

Худонинг Олий Шахсига илтижо қилганида, тошқин сув устида юрган Парвардигор унга Мутлақ Ҳақиқатни батафсил тушунтириб берди. 55. Худонинг Олий Шахси шох Сатйавратага *санкхйа-йога* деган рухий, илоҳий илмни, Пураналар ва самхиталардаги илоҳий кўрсатмаларни таърифлаб берди. Бу илм ёрдамида ҳар бир одам модда ва руҳ орасидаги фарқни тушуна олади. 56. Кемада буюк донишмандлар билан бирга ўтирар экан, шох Сатйаврата Худонинг Олий Шахсидан ўзликни англаш ҳақида насихатлар тинглади. Бу насихатларнинг барчаси мангу Ведалар илми(брахмалар)дан олинган эди. Шундай қилиб, шох ва буюк донишмандлар Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги барча шубҳаю-гумонлардан бутунлай покландилар. 57. Охириги (Сваямбхува Ману давридаги) сув тошқини пайтида Худонинг Олий Шахси Хайагрива деган иблисни ўлдирди ва Ведавий адабиётларнинг барчасини уйқудан уйғонган Тангри Браҳмага берди. 58. Парвардигор Вишнунинг марҳамати билан Шох Сатйаврата барча Ведавий илмларни эгаллаб олди ва ҳозирги даврда Куёш фариштасининг ўғли Вайвасвата Ману бўлиб туғилди. 59. Шох Сатйаврата ва Худонинг Олий Шахси Вишнунинг балиқ қиёфасида намоён бўлгани ҳақидаги бу ҳикоя илоҳий қудратга эга ҳикоядир. Уни чуқур иймон билан тинглаган ҳар бир одам барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади. 60. Парвардигорнинг Матсйа қиёфаси ва шох Сатйаврата ҳақидаги бу ҳикояни бошқаларга гапириб берган одам ўзининг барча орзуларига эришади ва умрининг охирида шубҳасиз ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтади.

61. Баҳайбат балиқ қиёфасига кириб, Ведавий адабиётларни уйқудан уйғонган Тангри Браҳмага қайтариб берган ва Ведалар илмининг мазмунини шох Сатйавратага ва буюк авлиё зотларга ўргатган Худонинг Олий Шахси олдида мен чуқур эҳтиром билан сажда қиламан.

Сакқизинчи қўшиқ тамом

"Шримад-Бхагаватам" Тўққизинчи қўшиқ

Мундарижа

1. Шох Судйумнанинг аёл зотига айланиши. 2. Ману ўғилларининг сулоласи. 3. Суканянинг уйланиши ва Чйавана Муни. 4. Дурваса Мунининг Амбариша Махаражни ҳақоратлаши. 5. Дурваса Мунининг ҳаётини ҳалокатдан қутқариб қолиш. 6. Саубхари Мунининг рухий юксалиш йўлидан адашиши. 7. Шох Мандхатанинг авлодлари. 8. Сагаранинг ўғилларининг Парвардигор Капиладевани кутиб олишлари. 9. Амшумананинг сулоласи. 10. Парвардигор Рамачандранинг эрмаклари. 11. Парвардигор Рамачандранинг бутун оламга ҳукмронлик қилиши. 12. Парвардигор Рамачандранинг ўғли Кушининг авлодлари. 13. Махараж Нимининг

авлодлари. 14. Урвашининг шох Пуруравани мафтун этиши. 15. Парвардигорнинг жанговор қиёфаси - Парашурама. 16. Парвардигор Парашурама бутун жаҳон кшатрийлар табақасини яқсон қилади. 17. Пурураванинг ўғилларининг сулоласи. 18. Шох Йайатининг яна ўз ёшлигини қайтиб олиши. 19. Шох Йайатининг озодликка эришиши. 20. Пурулар сулоласи. 21. Бхаратлар сулоласи. 22. Аджамидхининг авлодлари. 23. Йайати ўғилларининг сулоласи. 24. Кришна, Худонинг Олий Шахси.

Биринчи боб.

Шох Судйумнанинг аёл зотига айланиши

1. Шох Парикшит шундай деди: “Эй ҳукмдорим, Шукрадева Госвами, сен менга ҳар хил Манулар ҳукмронлик қилган даврларни ва Худонинг Олий Шахсининг шу даврлардаги чексиз илоҳий қудратга эга бўлган ғаройиб эрмакларини батафсил таърифлаб бердинг. Мен буларнинг барчасини бевосита сенинг табаррук оғзингдан эшитиш бахтига муяссар бўлдим. 2-3. Аввалги даврнинг охирида Худонинг марҳамати билан илоҳий илмга эга бўлган Дравидадешанинг авлиё шох Сатйаврата кейинги манвантарада Вивасваннинг ўғли бўлиб туғилиб, Вайвасвата Ману бўлди. Мен бу илмни сендан ўргандим. Шох Икшваку сингари шохлар унинг ўғиллари эканини ҳам сендан билиб олдим. 4. Эй буюк омад соҳиби бўлган Шукрадева Госвами, эй буюк браҳман, марҳамат қилиб, мана шу шохларнинг сулоласи ҳақида, уларнинг фаолияти, кароматлари, фазилатлари ҳақида гапириб бер, чунки биз хамиша сендан ана шундай ҳикояларни тинглашни истаймиз. 5. Илтмос, бизга Вайвасвата Ману сулоласида туғилган ва аввал шон-шухрат қозониб ўтган, ҳозир яшаётган ва келажакда дунёга келадиган барча шохларнинг кароматлари ҳақида гапириб бер”.

6. Сута Госвами шундай деди: “Ҳақиқий дин қонунларининг машҳур билимдони бўлган Шукрадева Госвами ведалар илмининг барча билимдонлари даврасида Махараж Парикшитнинг шундай савол берганини эшитиб, ҳикоя қилишни давом эттирди”.

7. Шукрадева Госвами давом этди: “Эй шох, эй душманларининг ғолиби, энди мендан Манулар сулоласи ҳақида эшит. Гарчи улар ҳақида ҳатто юз йил давомида ҳам ҳеч ким батафсил гапириб беришга қодир бўлмаса ҳам, мен улар ҳақида сенга иложи борича батафсилроқ қилиб гапириб беришга ҳаракат қиламан. 8. Ҳар хил қуйи ва олий ҳаёт шаклларида мавжуд бўлган, барча тирик мавжудотларнинг Олий Руҳи, Илоҳий Олий Шахс аввалги давр охирида, ҳали Унинг Ўзидан бошқа на бу мавжуд коинот, на бошқа бирор борлик намоён бўлмаган пайтда ҳам мавжуд эди.

9. Эй Махараж Парикшит, Худонинг Олий Шахсининг киндигидан олтин нилуфар гули ўсиб чиқди, унда Тангри Браҳма дунёга келди. 10. Тангри Браҳманинг ақлидан Маричилар дунёга келдилар, Дакши Махаражнинг қизи Маричининг уруғидан Кашйапа Мунини туғди. Кашйапа Муни билан Адитининг ўғли бўлиб Вивасван туғилди. 11-12. Эй шох, эй Бхаратлар сулоласининг аълоси, Вивасван ва Самджднанинг ўғли бўлиб, Шраддхадева Ману туғилди.

Ҳиссиётини жиловлаб олган Шраддхадеванинг хотини Шраддха ўн фарзанд кўрди. Улар: Икшваку, Нрига, Шарйати, Дишта, Дхришта, Карушака, Нарийанта, Пришадхра, Набхага ва Кави.

13. Ману аввалига фарзандсиз эди. Шу боис, у ўғил фарзанд кўриш ниятида руҳий илмда жуда қудратли бўлган буюк донишманд Васиштха раҳбарлиги остида фаришталар Митра ва Варунани мамнун қилиш учун қурбонлик маросими ўтказди. 14. Қурбонлик маросими ўтказилаётган пайтда Манунинг хотини - фақат сут ичиб тирикчилик қилиб юрган Шраддха, қурбонлик маросими ўтказаетган руҳонийга сажда қилиб, ундан Худодан қиз фарзанд сўрашини илтимос қилди.

15. Асосий руҳонийдан: “Энди эҳсон қилишни бошла!” - деган буйруқни олганда, эҳсон қилишга маъсул руҳоний қўлига муқаддас Оловга эҳсон қилиш учун сарийёғ олди. Кейин у Манунинг хотинининг илтимосини эслаб туриб, “*вашат*” деб, оловга сарийёғ куйди.

16. Ману бу қурбонлик маросимини ўғил фарзанд кўриш ниятида ўтказаетган эди, лекин, унинг хотинининг илтимоси билан руҳонийнинг фикри чалғиб кетгани сабабли уларда Ила деган қиз фарзанд туғилди. Қиз бола туғилганини кўриб, Ману унчалик хурсанд бўлмади. Шунинг учун у руҳий устози Васиштхага шундай деди:

17. “Эй ҳукмдор, сизларнинг барчангиз Ведавий мантраларни тиловат қилишда комил зотсизлар. Қандай қилиб қурбонлик маросимининг натижаси тескари бўлиб чиқди? Мен шунинг учун хафа бўляпман. Ведавий мантраларни тиловат қилиш натижасида бундай омадсизлик бўлмаслиги керак эди. 18. Сизларнинг барчангиз руҳий ўзлигини англаб етган, ҳамиша руҳий осойишталикда юрадиган, Мутлак Ҳақиқатни мукамал англаб етган зотларсиз. Чеккан риъзатларингиз ва тавба-тазарруларингиз шарофати билан сизлар барча моддий иллатлардан бутунлай поксизлар. Сизларнинг айтган гапларингиз худди фаришталарнинг гаплари сингари, ҳеч қачон ёлғон бўлмайди. Қандай қилиб сизларнинг режангиз қутилганидан бошқача натижа берди?”

19. Энг қудратли буюк бобокалон Васиштха муни Манудан бундай гапларни эшитиб, қурбонлик маросими пайтида руҳонийнинг нотўғри ҳаракат қилганини тушуниб етди. Шу боис у Куёш Худосининг ўғлига шундай деди:

20. “Қурбонлик маросими пайтида сенинг руҳонийнинг қилган хатоси сабабли бизлар бу маросимдан қутилган мақсадга эриша олмадик. Лекин, илоҳий қудратим билан мен ўзим сенга яхши ўғил фарзанд ато этаман”.

21. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шоҳ Парикшит, энг машхур ва қудратли Васиштха ана шундай қарорга келгандан кейин, у Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Вишнуга илтижо қилиб, Илани эркак зотига айлантиришни сўради.

22. Худонинг Олий Шахси, Олий Ҳукмдор, Васиштханинг илтижосидан мамнун бўлиб, унинг истагини амалга оширди. Шундай қилиб, Ила жуда чиройли ўғил болага айланди, энди уни Судйумна деб атай бошладилар.

23-24. Эй шоҳ Парикшит, мана шу қахрамон Судйумна, бир неча вазирлар ва ўртоқлари билан Синдхупрадешда туғилган отга ўтириб, ов қилиш учун катта ўрмонга кириб борди. Унинг қўлларида ҳар хил

қуроллар, камон ва пайконлар бўлиб, ўзи жуда чиройли кўринарди. Ҳар хил ёввойи ҳайвонларни ўлдириб, уларнинг изидан қувиб, у ўрмоннинг шимолий чеккасига бориб қолди. 25. Ўрмоннинг шимолида, Меру тоғининг ёнбағрида Сукумара деган ўрмон бор. Шу ерда Тангри Шива ҳамиша рафикаси Ума билан лаззатланиб ҳордиқ чиқаради. Судйумна ҳам ана шу ўрмонга кириб қолган эди.

26. Эй шоҳ Парикшит, душманларни мағлуб қилишга уста бўлган Судйумна ўрмонга кириши билан бирданга ўзи аёл зотига, оти эса байтал(урғочи от)га айланиб қолганини кўрди. 27. Унинг ҳамроҳлари ҳам, ҳаммаси бир бирининг аёл зотига айланиб қолганини кўриб, бир бирларига ҳайрон бўлиб қараб турардилар”.

28. Махараж Парикшит шундай деди: “Эй қудратли браҳман, нимага бу жой шундай қудратга эга эди? Унга бу қудратни ким ато этган эди? Менга шу ҳақда гапириб бер, мен шуни билишга жуда қизиқяпман”.

29. Шукадева Госвами шундай деб жавоб берди: “Бир куни руҳий ҳаёт қонунларига қатъий амал қилиб юрган, сиймоларидан порлаб турган илоҳий нур бутун оламни ёритиб турган буюк авлиё зотлар мана шу ўрмонга Тангри Шивани кўргани келган эдилар. 30. Буюк авлиё зотларни кўриб, фаришта Амбика жуда ҳижолат бўлди, чунки шу пайт у қип яланғоч эди. У дархол ўрнидан сакраб туриб, ўзининг кўксини бекитишга уринди.

31. Тангри Шива ва Парватини ишқий ўйинларга берилиб ўтирган ҳолда кўриб, барча авлиё зотлар келган жойида қўзғалмай туриб қолдилар ва йўлларини ўзгартириб, Нара-Нарайананинг ашрамига йўл олдилар. 32. Кейин, рафикасини мамнун қилиш учун Тангри Шива шундай деди: “Бундан кейин мана шу ўрмонга қадам қўйган ҳар қандай эркак зоти аёл зотига айланади!”

31. Шундан бери бу ўрмонга ҳеч ким кирмаган эди. Лекин, ҳозир аёл зотига айланиб қолган шоҳ Судйумна ўзининг ҳамроҳлари билан бир ўрмондан иккинчи ўрмонга ўтиб, айланиб юрарди. 34. Судйумна эркакларда шахвоний эҳтирос туйғусини уйғотадиган энг гўзал аёлга айланган, атрофида ҳам унга гўзал аёллар ҳамроҳ бўлиб борар эди. Ўзининг ашрамига яқин жойда айланиб юрган Будха, Ой фариштасининг ўғли ана шу гўзал аёлни кўриб, бир кўришда унга махлиё бўлиб қолди. 35. Гўзал аёл ҳам уни ёқтириб, Ойнинг ўғли Буддхани ўзига эр қилишга мойиллик билдирди. Шундай қилиб, Будха билан унинг қўшилишидан Пурурава деган ўғил фарзанд дунёга келди. 36. Ишонарли манбалардан эшитишимча, Манунинг ўғли, аёл зотига айланиб қолган шоҳ Судйумна, оилавий руҳий устози Васиштхани эслади. 37. Судйумнанинг бундай ачинарли ҳолатга тушиб қолганини кўриб, Васиштха қаттиқ хафа бўлди. Унинг яна эркак зотига айланишини истаб, Васиштха яна Тангри Шива(Шанкара)га илтижо қилиб сиғина бошлади.

38-39. Эй шоҳ Парикшит, Тангри Шива Васиштханинг чеккан риъзатларидан жуда мамнун бўлди. Унинг илтижосини амалга ошириш, айна пайтда Парватига берган сўзининг устидан чиқиш учун, бу авлиё зотга Тангри Шива шундай деди: “Сенинг шогирдинг Судйумна бир ой аёл, бир ой эркак бўлиб яшайди. Шу тариқа оламни ўзи истаганча бошқара олади”.

40. Тангри Шиванинг сўзлари ва рухий устозининг марҳамати билан шох Судйумна ҳар ойда такрор ва такрор жинсини ўзгартириб, салтанатини бошқарди, лекин унинг бу ҳолатидан салтанат фуқаролари норози эди. 41. Эй шох, Судйумнанинг жуда олийжаноб уч ўғли бор эди, уларнинг исмлари Уткала, Гайа ва Вимала бўлиб, Дакшина-патханинг шохлари бўлдилар. 42. Шундан сўнг, оламни бошқариб турган шох Судйумна вақти келиб кексайиб қолганида, бутун салтанатни ўғли Пуруравага топшириб, ўзи риёзатга берилиш учун ўрмонга жўнади.

Иккинчи боб.

Ману ўғилларининг сулоласи.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Ўғли Судйумна ванапрастха турмуш тарзи билан яшаш учун ўрмонга кетганидан кейин, Вайвасвата Ману(Шрадххедева) яна ўғил фарзандлар кўринишида Йамуна қирғоғига келиб, юз йил давомида қаттиқ риёзатларга берилди. 2. Кейин, Шрадххедева деган ном билан машҳур бўлган Ману яна ўғил фарзанд сўраб, барча фаришталарнинг ягона Худосига, Худонинг Олий Шахсига илтижо қила бошлади. Шу тариқа у худди ўзига ўхшаган ўн ўғил фарзандга эга бўлди. Уларнинг тўнғичи Икшваку эди. 3. Уларнинг ичида Пришадхра, рухий устозининг кўрсатмаси билан сигирларни ҳимоя қиларди. У сигирларни ҳимоя қилиш учун, бутун тун бўйи кўлига қиличини ушлаб турарди. 4. Бир куни тун қоронғусида, ёмғир қуйиб турганида, сигирлар турадиган жойга бир оч йўлбарс кириб қолди. Йўлбарсни кўриб, сигирлар дарров ётган ўринларидан сакраб туриб, ҳар қайси ҳар ёққа қоча бошладилар. 5-6. Кучли йўлбарс ҳамла қилиб битта сигирга осилди, сигир кўрққанидан ва оғриқдан қаттиқ бақариб юборди. Прашадхра товуш келган томонга қараб илдам етиб борди. Прашадхра қиличини баланд кўтариб, тун қоронғусида йўлбарс деб ўйлаб, сигирнинг калласини зарб билан узиб ташлади.

7. Қиличнинг учи эса, йўлбарснинг қулоғини кесиб ташлаган эди. Шундан кўрққан йўлбарс қон изларини қолдириб, ўрмонга кириб кетган эди. 8. Эрталаб, душманларини яқсон қилиш учун етарли қудратга эга бўлган Прашадхра, йўлбарс ўрнига сигирни ўлдириб қўйганини кўриб, қаттиқ пушаймон бўлиб, ҳасрат чека бошлади. 9. Гарчи Прашадхра бу гуноҳни билмасдан содир қилган бўлса ҳам, оилавий рухий устози Васиштха уни дуои-бад қилиб қарғади: “Кейинги ҳаётингда сен кшатрий бўлиб туғилмайсан. Сигирни ўлдириганинг гуноҳи учун сен шудра бўлиб туғиласан!”

10. Прашадхра рухий устозининг бу қарғишини қўл қовуштириб қабул қилди. Кейин, ўзининг ҳиссиётини жиловлаб олиб, барча донишмандлар олқишлайдиган брахмачари турмуш тарзини қабул қилди. 11-13. Шундан сўнг Прашадхра барча дунёвий ташвишлардан бутунлай озод бўлиб, ақлини, ҳиссиётини жиловлаб олиб, хотиржам, осойишта яшай бошлади. Ҳеч қандай моддий шароитлар таъсир қилмайдиган, ҳамшира ҳаётидан мамнун, Худонинг марҳамати билан танаси ва руҳини бирга сақлаб туриш учун ўзидан-ўзи келадиган нарсалар билан қаноатланиб, ҳар бир тирик мавжудотга бир хил муносабатда бўлиб, у ўзининг бутун ақлу-этиборини Худонинг Олий Шахсига - моддий иллатлардан бутунлай пок бўлган илоҳий Олий Рух,

Васудевада мужассам қилди. Шу тариқа пок рухий илмга эга бўлган Прашадхра, ақлини ҳамшира Худонинг Олий Шахсига мужассам қилиб, Худого соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига эришди ва бутун олам бўйлаб, ҳеч қандай моддий нарсаларга боғланмасдан, дунёвий фаолиятни бутунлай тарк этиб, худди гунг, қар ва кўзи кўр одамдай сайр қилиб айланиб юрарди. 14. Шу тарзда Прашадхра буюк авлиё зот бўлиб етишди. У бир ўрмонга кириб, қатта ёнғинга дуч келди, у ўрмондаги ёнғинни ўзининг моддий танасини ёқиб юбориш учун ажойиб имконият деб қабул қилди. Шу тарзда у илоҳий рухий оламга эришди.

15. Манунинг Кави деган кичик ўғли дунёвий лаззатлардан бутунлай воз кечиб, ҳали ёшлигиданок салтанатни тарк этди. Ўзининг ҳамроҳлари билан бирга у бутун қалби билан ҳамшира Худонинг Олий Шахси ҳақидаги фикрларга ғарқ бўлиб, қалин ўрмонга йўл олди. Шу тариқа у рухий камолотга эришди.

16. Манунинг бошқа бир ўғли Карушадан кшатрийлар хонадонининг Карушалар деган сулоласи бошланди. Карушалар оламнинг шимолий тарафининг ҳукмдорлари бўлдилар. Уларнинг барчаси тақводор зотлар бўлиб, брахманлар маданиятининг шуҳрат қозонган ҳимоячилари эди. 17. Манунинг Дхришта деган ўғлидан Дхаршталар деб аталган кшатрийлар сулоласи дунёга келди. Уларнинг ҳаммаси бу дунёда брахманлик мартабасига эришдилар.

Кейин, Манунинг Прига деган ўғлидан Сумати туғилди. Суматидан Бхутагджйоти, Бхутагджйотидан Васу туғилди. 18. Васунинг ўғли Пратика эди, унинг ўғли Огхаван бўлди. Огхаваннинг ўғли ҳам Огхаван номи билан шуҳрат қозонди, унинг қизи Огхавати эди. Шу қизга Сударшана уйланди. 19. Улардан Нарийантани, Нарийантадан Читрасена деган ўғил туғилди, ундан - Рикша деган ўғил бўлди. Рикшадан - Мидхаван, Мидхавандан - Пурна, Пурнадан - Индрасена туғилди. 20. Индрасенадан Витихотра дунёга келди, Витихотрадан - Сатйашрава, Сатйашравадан - Урушрава деган ўғил бўлди, Урушравадан - Девадатта деган ўғил бўлди. 21. Девадаттадан Агневешья деган ўғил туғилди, аслида у олов фариштаси Агни эди. Машҳур авлиё зот бўлган мана шу ўғил Канина ва Жатукарниа деган номлар билан машҳур бўлди.

22. Эй шох, Агневешьядан Агневешьяна деган брахманлар сулоласи бошланди. Мен сенга Нарийантининг авлодларини таърифлаб бердим. Энди сенга Диштанинг авлодлари ҳақида гапириб бераман, қулоқ сол.

23-24. Диштанинг Набхага деган ўғли бор эди. Аввал айтиб ўтилган Набхагадан бошқа бу Набхага, жамиятда вайшйаларнинг вазифасини бажариб яшай бошлади. Набханинг ўғли машҳур Бхаландана эди, Бхаландананинг ўғли Ватсаприти бўлди, унинг ўғли Прамшу бўлди. Прамшунинг Прамати деган ўғли бўлди, Праматининг Кханитира деган ўғли бўлди, Кханитранинг ўғли Чакшуша, Чакшунанинг ўғли Вивимшати эди. 25. Вивимшатининг ўғли Рамбха бўлди, Рамбханинг ўғли - буюк ва тақводор шох Кханинетра бўлди. Эй шох, Кханинетранинг ўғли шох Карандхама бўлди. 26. Карандхамадан Авикшит деган ўғил бўлди, Авикшитнинг Марутта деган ўғли бўлди, у бутун оламга ҳукмрон бўлган император эди. Ангиранинг ўғли, буюк сеҳргар Самварта Маруттани

яғйа, қурбонлик маросими ўтказиш билан машғул килди.

27. Шоҳ Маруттанинг қурбонлик маросимиға тайёрлаган анжомлари жуда чиройли эди, чунки ҳаммаси соф олтиндан тайёрланган эди. Аслида бошқа хеч бир қурбонлик маросими шу қурбонлик маросими билан тенглаша олмасди. 28. Ана шу қурбонлик маросимида сома-раса шарбатидан жуда кўп ичиб кўйган Индра қаттиқ маст бўлиб қолган эди. Браҳманлар ҳам жуда бой хайр-эхсон олдилар, шунинг учун улар шоҳ Маруттадан жуда мамнун бўлдилар. Бу қурбонлик маросими учун шамолни бошқариб турган турли фаришталар озик-овқат етиштириб бердилар, қурбонлик маросими мажлисида эса Вишвадевалар иштирок этган эдилар.

29. Маруттанинг ўғли Дама бўлди, Даманинг ўғли Раджайавардхана эди, Раджайавардхананинг ўғли Судхрита эди, унинг ўғли Нара бўлди. 30. Наранинг ўғли Кевала бўлди, унинг ўғли Дхундхуман бўлди, унинг ўғли Вегаван эди. Вегаванинг ўғли Будха эди, Будханинг ўғли Тринабинду бўлди, у мана шу Ер сайёрасининг шохи бўлди. 31. Ажойиб фазилатларга эга бўлган апсарларнинг аьлоси, Аламбуша деган қиз ўзи сингари юксак фазилатларга эга бўлган Тринабиндуга эрга чиқди. У Илавилалар деб аталадиган бир неча ўғил ва қиз фарзандларни туғди. 32. Сеҳрли йогларнинг устози, буюк авлиё зот Вишрава, отасидан мутлак илм ўрганганидан кейин Илавила билан қўшилиб, бутун оламга шуҳрат қозонган Куверани дунёга келтирди, у барчага бойлик келтирадиган жаннатнинг хазинабони бўлди. Тринабиндунинг уч ўғли бор бўлиб, улар Вишала, Шунйабандху ва Дхумракету эди. Уларнинг ичида Вишала сулолага бош бўлиб, Ваишали деган катта сарой қурдирди.

34. Вишаланинг ўғли машҳур Хемачандра бўлди, унинг ўғли Дхумракша эди, унинг ўғли эса - Самйама эди. Самйаманинг ўғиллари Деваджа ва Кришашва эди. 35-36. Кришашванинг ўғли ашвамедха қурбонлик маросими ўтказиб, Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Вишнуни мамнун қилган Сомадатта эди. У Худонинг Олий Шахсига сиғиниб, энг юксак поғонага, фақат буюк сеҳргар йоглар кўтарила оладиган сайёрага эришди. Сомадаттанинг ўғли Сумати бўлди, унинг ўғли Жанамеджайа бўлди. Вишаланинг сулоласида дунёга келган бу шоҳларнинг барчаси шоҳ Тринабиндунинг шон-шуҳратини сўндирмай сақладилар.

Учинчи боб.

Суканйанинг уйланиши ва Чйавана Муни.

1. Шукадева Госвами давом этди: “Эй шоҳ, Манунинг бошқа ўғли Шарйати, Ведалар илмини тўлиқ эгаллаган ҳукмдор эди. У Ангиранинг авлодлари Худои Таолога сиғинишлари учун, қурбонлик маросимининг иккинчи куни бажариладиган вазифалар бўйича кўрсатмалар бериб кетган. Шарйатининг Суканйа деган нилуфар кўзли чиройли бир қизи бор эди. Бир куни у қизи билан бирга Чйавана Мунининг ашрамини кўриш учун ўрмонга йўл олди. 3. Дугоналари билан ўрмонда ҳар хил мевалар териб юрган Суканйа ердаги бир

чаённинг инида ўзидан нур таратиб турган иккита ажойиб жониворларни кўриб қолди. 4. Худди Тақдир бошқариб тургандай, Суканйа билмасдан ана шу икки чаённи учи ўткир тикон билан туртиб, санча бошлади, тикон киргач, уларнинг танасидан қизил қон оқа бошлади. 5. Шу заҳотиёқ Шарйатининг барча жангчиларининг сийдиги тугилиб, ичлари қотиб қолди. Буни кўриб Шарйати ҳайрон бўлиб, ҳамроҳларига қараб гапира бошлади: 6. ”Орамиздан кимдир Бхригунинг ўғли Чйавана Мунига бирор ёмонлик қилиб кўйган шекилли. Аниқ маълумки, бизлардан кимдир бу ашрамни ҳақорат қилган”.

7. Қаттиқ кўрқиб кетган Суканйа отасига шундай деди: “Менимча бунга сабабчи бўлган мен бўлсам керак, чунки мен билмасдан иккита ялтирок мавжудотга тикон санчган эдим”.

8. Қизининг гапларини эшитиб, шоҳ Шарйати жуда кўрқиб кетди. У ҳар хил йўллар билан Чйавана Мунини овутишга ҳаракат қилди, чунки чаённинг уясида ўтирган Чйавана мунининг ўзи экан. 9. Жуда сеҳрли бўлган шоҳ Шарйати, Чйавана Мунининг ниятини сезиб, қизини донишмандга эҳсон қилиб берди. Шу тариқа катта ҳалокатга учрашдан зўрға қутулиб, Чйавана Мунининг рухсати билан у эсон-омон уйига қайтиб кетди. 10. Чйавана Муни жуда тажанг, сержаҳл зот эди, Суканйа унинг хотини бўлгандан кейин, унинг кайфиятига қараб, жуда меҳрибонлик билан, мулоим хизмат қила бошлади. Эрининг кайфиятини тушуниб, у ҳаммаша эрига бенуқсон хизмат қиларди. 11. Орадан анча вақт ўтгандан кейин, самовий табиблар бўлмиш ака-ука Ашвини кумарлар Чйавана Мунининг ашрамига келдилар. Уларга эҳтиром билан сажда қилиб, Чйавана Муни улардан ёшлигини қайтариб беришни сўради, чунки улар шундай қаромат кўрсатишга қодир эдилар.

12. Чйавана Муни шундай деди: “Тарчи сизларга қурбонлик маросимларида сома-раса шарбатидан ичиш мумкин бўлмаса ҳам, мен қурбонлик маросими ўтказиб, сизларга сома-раса тўла бир кўза беришга ваъда берман. Илтмос, менга ёшлигим ва гўзаллигимни қайтариб беринглар, чунки шунда мен ўзимнинг ёш аёлимга ёқадиган бўламан”.

13. Буюк табиблар, Ашвини-Кумарлар Чйавана Мунининг бу таклифини хурсанд бўлиб қабул қилдилар. Шундай қилиб, улар браҳманга шундай дедилар: “Мана шу “омадли ҳаёт” деган кўлдаги сувга бир чўмилиб чиқ!” (Бу кўлда чўмилган одамнинг ҳамма истаги амалга ошади).

14. Шундай деб, Ашвини-Кумарлар кекса, касалга чалинган, териси буришиб қолган, сочлари оқариб, бутун танасидаги томирлари кенгайиб кетган Чйавана Мунининг кўлидан ушлаб, у билан бирга кўл сувига тушдилар. 15. Шундан сўнг кўлдан чиройли, келишган қоматли ёш, навқирон уч йигит чиқиб келди. Улар чиройли кийинган, сирға ва нилуфар гулларидан гулчамбарлар тақиб олган эди. Уларнинг учови ҳам бир бирига жуда ўхшаш эди.

16. Покдомон ва гўзал Суканйа ўзининг эрини эгизак Ашвини-Кумарлардан ажрата олмади, чунки улар ҳаммаси бир бирига жуда ўхшарди. Улардан қайси бири эри эканини билмай, у Ашвини-кумарларнинг паноҳига кирди. 17. Ашвини-Кумарлар Суканйанинг покдомонлиги ва садокатидан жуда мамнун бўлдилар. Улар Чйавани Мунига уни, унга эса ҳақиқий эрини кўрсатдилар, кейин донишманддан

рухсат олиб, самовий кемаларига ўтириб, жаннатга кўтарилдилар.

18. Шундан сўнг, қурбонлик маросими ўтказмоқчи бўлган шоҳ Шарйати Чйавана Мунининг ашрамига йўл олди. Бу ерга келиб, у қизининг ёнида турган ёш, чиройли, Куёшдай порлаб турган бир навқирон йигитни кўрди. 19. Қизининг таъзимларини қабул қилиб, шоҳ унга оқ фотиҳа бериш ўрнига, қизидан қаттиқ хафа бўлиб шундай деди:

20. “Эй уятсиз киз, сен нима ишлар қилиб юрибсан ўзи? Сен ҳамма ҳурмат қиладиган обрўли, табаррук бир зотни алдадинг, чунки, кўриб турибманки, эринг кекса, касал ва сенга ёқимсиз бўлгани сабабли, кўчадаги девонларга ўхшайдиган мана бу йигитга эрга чиқиш учун ўз эрингни ташлаб кетгансан. 21. Эй қизим, сен обрўли хонадонда туғилгансан, қандай қилиб бундай бемаъни ўйларга бориб юрибсан? Сен уялмасдан қандай қилиб ўзинга ўйнаш туггансан? Бу билан сен отангнинг авлодларини ҳам, эрингнинг авлодларини ҳам дўзахга равона этасан!”

22. Аммо, Суканья ўзининг поқдомонлигидан мағрурланиб, отасининг танбеҳларига жилмайиб кулиб кўйди. У кулиб туриб, отасига шундай деди: “Эй отажон, ёнимда турган бу ёш йигит - сенинг ҳақиқий куёвинг, Бхрига хонадонда дунёга келган буюк доғишманд Чйавананинг ўзи бўлади!”

23. Шундай қилиб, Суканья эрининг қандай қилиб бундай ёш навқирон йигит танасига эга бўлганини гапириб берди. Шоҳ бу гапларни эшитиб жуда ҳайрон бўлди ва севимли қизидан мамнун бўлиб уни бағрига босди.

24. Чйавана Муни ўзининг илоҳий қудрати билан шоҳ Шарйатига сома-йаджна қурбонлик маросимини ўтказиш имконини берди. Муни қурбонлик маросимида бир кўза сома-раса ичимлигини гарчи муносиб бўлмаса ҳам Ашвини-Кумарларга эҳсон қилди. 25. Шоҳ Индра бундан қаттиқ жаҳли чиқиб, Чйавана Мунини ўлдирмоқчи бўлди ва шу ниятда ўзининг яшин қуролини қўлига олди. Аммо Чйавана Муни ўзининг илоҳий қудрати билан Индранинг қурол ушлаган қўлларини шол қилиб кўйди. Шундан сўнг фаришталар қурбонлик маросимида Ашвини-Кумарларга ҳам сома-раса шарбатидан ичишга рухсат берадиган бўлдилар. Улар табиб бўлганлари сабабли бу шарбатдан ичиш таъқиқланган эди.

27. Шоҳ Шарйатининг уч ўғли бор эди: Уттанабархи, Анарта ва Бхуришена. Анартадан Ревата деган ўғил туғилди. 28. О Махараж Парикшит, эй душманлар ғолиби, ана шу Ревата океан қаърида Кушастхали деган салтанат барпо этди. Шу ерда у Анарта ва шу каби ерларга ҳукмронлик қилди. Унинг ажойиб фарзандлари бор эди, уларнинг тўнғичи Какудми эди.

29. Қизи Реватини бирга олиб, Какудми моддий табиат гуналарига нисбатан илоҳий бўлган Брахмолокага Тангри Брахманинг олдига борди ва ундан қизига яхши куёв беришини сўради. 30. Какудми келганида Тангри Брахма Гандҳарваларнинг кўшиқларини тинглаб ўтирар, у билан суҳбатлашишга сира вақти йўқ эди. Шунинг учун Какудми бу тантана тамом бўлганча кутиб турди ва вақти келганда Тангри Брахмага сажда қилиб, ўзининг истагини айтди. 31. Унинг гапларини тинглаб бўлиб, коинотдаги энг қудратли зот бўлган Тангри Брахма қаттиқ кулиб юборди ва Какудмига шундай деди: “Эй шоҳ, сен

қалбинг тўрида куёв қиламан деб юрган одамларнинг барчаси аллақачон ҳалок бўлиб кетдилар. 32. Ҳозиргача йигирма етти юга вақт ўтиб бўлди. Сен танламоқчи бўлган одамлар аллақачон ўлиб кетдилар, ҳатто уларнинг ўғиллари, невара-чеваралари ҳам аллақачон оламдан ўтдилар. Сен ҳатто уларнинг номларини ҳам билиб олишинг мумкин. Эй шоҳ, яхшиси мана шу ерда қолавер, қизингни эса, ҳозир шу ерда бўлган Парвардигор Баладевага таклиф эт! У - энг қудратли Зот. Аслида У - Худонинг Олий Шаҳси, Унинг тўлиқ қисми Парвардигор Вишну. Сенинг қизинг Унга муносиб ҳадя бўлишга арзийди. 34. Парвардигор Баладева - Худонинг Олий Шаҳси. У ҳақидаги ҳикояларни шарафлаб куйлаган ва уларни тинглаган одам барча гуноҳларидан покланади. У барча тирик мавжудотларнинг саодатманди бўлгани сабабли, бутун оламни поклаш ва унинг мусибатини енгиллатиш учун ўзининг барча анжомлари билан бу дунёга ташриф буюрган.

35. Тангри Брахмадан шундай кўрсатма олиб, Какудми унга сажда қилди ва ўзининг даргоҳига қайтди. Кейин у ўзининг даргоҳини бўм-бўш ҳолда кўрди. Унинг қариндошлари Йакшалар сингари олий зотлардан кўрқиб, жаҳоннинг ҳар тарафига тарқалиб кетган эдилар. 36. Шундан сўнг шоҳ ўзининг гўзалликда тенги йўқ қизини тенгсиз илоҳий қудрат соҳиби бўлган Парвардигор Баладевага берди ва дунёвий ҳаётни тарк этиб, ўзининг хизматлари билан Нара-Нарайанани мамнун қилиш учун Бадарикашрамга йўл олди.

Тўртинчи боб. Дурваса Мунининг Амбариша Махаражни ҳақоратлаши.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Набхаганинг Набхага деган ўғли узоқ вақтгача руҳий устозининг ашрамида яшади. Шунинг учун унинг ака-укалари энди у қайтиб келмайди, грихастха бўлиб яшамаса ҳам керак деб ўйладилар. Шу боис, отасидан қолган мол-дунёни унга қолдирмасдан ўзаро бўлишиб олдилар. Набхага руҳий устозининг ашраמידан қайтиб келганида ака-укалари унга меросдан улуш сифатида отасининг ўзини бердилар.

2. Набхага ака-укаларидан сўради: “Ҳой ака-укалар, отамнинг мол-дунёсидан мерос сифатида менга нима берасизлар?” Унинг қатта акалари шундай деб жавоб бердилар: “Бизлар сенга мерос сифатида отангнинг ўзини саклаб қўйдик!” Набхага отасининг олдига келиб: “Отажон, акаларим сизнинг мулкингиздан менинг улушим сифатида менга сизни берибдилар!” - деганида, отаси унга шундай жавоб берди: “Эй азиз ўғлим, уларнинг ёлғон гапларига ишонма. Мен сенинг мулкинг эмасман”.

3. Набхаганинг отаси шундай деди: “Ангиранинг барча авлодлари ҳозир буюк қурбонлик маросими ўтказишга ҳозирланиптилар, аммо, гарчи улар жуда ақл-заковатли бўлсалар ҳам, қурбонлик маросими ўтказилаётган ҳар олтинчи кунда улар адашиб, ўз вазифаларини хато бажарадилар”.

4-5. Набхагининг отаси давом этди: “Ана шу буюк зотларнинг олдига бор-да, уларга Вайвадеванинг икки Ведавий дуосини айтиб бер. Буюк доғишмандлар қурбонлик маросимини тугатиб, жаннатга кўтарилишдан олдин, қурбонлик маросими учун олган

мол-дунёларини сенга қолдириб кетадилар. Шунинг учун сен ҳозироқ шу жойга жўна!”

Набхага худди отаси айтгандай ҳаракат қилди. Ангира Мунининг авлодлари ўзларининг бутун бойлигини унга қолдириб, ўзлари жаннатга кўтарилидилар.

6. Набхага бойликларга эга бўлгандан кейин, шимол томондан бир қора танли одам яқинлашди ва унга шундай деди: “Бу қурбонлик маросими майдончасидаги ҳамма нарса меники!”

7. Набхага унга шундай деди: “Бу бойликларнинг ҳаммаси меники. Буюк донишмандлар уларни менга бериб кетдилар!” Набхагага қора танли одам шундай деди: “Юр, отангнинг олдига борамиз, у бизга тўғри маслаҳат беради!” Улар иккови биргаликда Набхаганинг отасининг олдига келдилар.

8. Набхаганинг отаси шундай деди: “Буюк донишманд Дакша-йажна қурбонлик маросими пайтида нима эҳсон қилган бўлса, уларнинг барчасини Тангри Шиванинг улуши сифатида эҳсон қилган. Шунинг учун қурбонлик маросими майдончасидаги ҳамма нарса албатта Тангри Шиваники бўлади”.

9. Кейин, Тангри Шивага сажда қилиб, Набхага шундай деди: “Эй хурматли ҳукмдор, бу майдончадаги ҳамма нарса сеники. Отангнинг айтгани шундай. Мен сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгаман, мендан ўз марҳаматингни дариг тутма!”

10. Тангри Шива шундай деди: “Отангнинг ҳамма гаплари тўғри, сен шу ҳақиқатни тақрорляпсан. Шу боис, барча Ведавий мантраларни мукамал билганим учун мен сенга илоҳий илмни ўргатаман”.

11. Тангри Шива шундай деди: “Энди сен қурбонлик маросимидан қолган ҳамма бойликларни олиб кетишинг мумкин, мен уларни сенга ҳадя қиламан!” Шу гапларни айтиб, ҳақиқий дин қонунларига ҳаммадан ҳам қатъийроқ амал қиладиган Тангри Шива кўздан ғойиб бўлди. 12. Мана шу илоҳий қудратга эга ҳикояни эрталаб ва кечқурун чуқур ишонч ва иймон билан шарафлаб қуйлаган ёки тинглаган одам шунҳасиз Ведалар илмининг билимдони бўлади, руҳий ўзлигини англаб етади.

13. Набхагадан Махараж Амбариша туғилди. Махараж Амбариша ўзининг юксак фазилатлари билан шухрат қозонган Худонинг буюк содиғи эди. Гарчи уни бегуноҳ брахман дуои-бад қилган бўлса ҳам, қарғиш унга мутлақо таъсир қилмади.

14. Шоҳ Парикшит шундай деди: “Эй буюк шахс, Махараж Амбариша шубҳасиз ҳар қандай мактовга лойиқ бўлган улугвор шахс эди. Мен у ҳақида тинглашни истайман. Қандай қилиб брахманнинг ҳамма учун муқаррар бўлган қудратли қарғиши унга таъсир қилмагани кишини хайратга солади”.

15-16. Шукадева Госвами шундай деди: “Энг омадли Махараж Амбариша етти оролдан иборат бутун оламга ҳукмронлик қилишга муваффақ бўлиб Ер юзида туганмас, чекси бойликка эга бўлди. Гарчи бундай мартаба камдан-кам одамга насиб қиладиган бўлса ҳам, Махараж Амбариша бу бойликлар билан мутлақо кизикмасди, чунки у буларнинг ҳаммаси ўткинчи, моддий бойликлар эканини жуда яхши биларди. Худди тушдагидай, бундай бойликлар бир кун келиб барибир албатта қўлдан кетади. Ана шундай бойликка эга бўлган ҳар қандай иймонсиз одам албатта ғафлат гунасининг ботқоғига чуқур ботиб кетишини шоҳ яхши биларди. 17. Махараж Амбариша Худонинг Олий

Шахси, Васудеванинг ва Худонинг соф содиқлари бўлган авлиё зотларнинг буюк содиқ хизматкори эди. Ана шу садоқати туфайли у бутун коинотни худди бир кичкина тош сингари арзимас нарса деб ҳисобларди. 18-20. Махараж Амбариша ўзининг ақлини ҳамиша Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини муруқаба қилиш, нутқини Худои Таолонинг шухратини таърифлаш, қўлларини Парвардигорнинг эҳромини ювиш, қулоқларини Кришнанинг айтган гапларини ёки Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглаш билан машғул қилиб яшади. У кўзларини Кришнанинг Илоҳларини, Кришнанинг эҳромларини ва Матхура, Вриндаван сингари Кришна билан боғлиқ бўлган муқаддас саждагоҳларни кўриш билан, терисини эса Кришнанинг содиқларининг таналарига теккизиш билан, бурнини - Парвардигорга таклиф қилинган туласи барглари ва гулларининг ҳидини ҳидлаш билан, тилини эса - Парвардигорнинг прасади - табаррук овқати мазасини тотиш билан машғул қилди. У оёқларини муқаддас саждагоҳларга ва Кришнанинг эҳромларига бориш билан, бошини Парвардигорнинг олдида эгиш билан, ўзининг бутун орзу-истакларини сутканинг йигирма тўрт соати мобайнида Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул қилди. Шундай қилиб, Махараж Амбариша ҳеч қачон ўзи лаззатланиш учун бирор нарсага интилмас, Худо билан боғлиқ бўлмаган бирор нарсага истамас эди. У ўзининг бутун ҳиссиётини Худога садоқат билан хизмат қилиш билан, Худои Таоло билан боғлиқ бўлган ҳар хил машғулотлар билан машғул қиларди. Худои Таолога боғланишнинг ва ҳар хил дунёвий истақлардан биратўла озод бўлишнинг йўли шундай. 21. Ўзининг муқаддас бурчини бажаришда Махараж Амбариша шоҳона фаолиятининг барча натижаларини Худонинг Олий Шахсига, ҳамма нарса билан ягона лаззатланувчи ва моддий ҳиссиётларнинг сезиш чегарасидан ташқарида бўлган Парвардигор Кришнага эҳсон қиларди. Албатта, у чуқур иймонли Худонинг содиқлари бўлган брахманларнинг насиҳатларига қатъий амал қилар ва ҳаётда ҳеч қандай муаммоларга дуч келмасдан Ер сайёрасини мохирлик билан бошқарди. 22. Сарасвати дарёси оқиб ўтадиган, аҳоли яшамайдиган жойларда Махараж Амбариша ашвамедха-йажна сингари буюк қурбонлик маросимларини ўтказди, шу тариқа барча қурбонликлар эгаси бўлган Худонинг Олий Шахсини мамнун қилди. Бундай қурбонлик маросимлари катта тантана, муносиб қимматбаҳо анжомлар ва брахманларга саховат билан бериладиган мўл-кўл дақшина(эҳсон)лар билан ўтказилар эди. Уларнинг тўғри ўтказилишини шоҳнинг вакиллари бўлган Васиштга, Асида ва Гаутама сингари буюк зотлар назорат қилардилар. 23. Махараж Амбариша ўтказган қурбонлик маросимларида мажлис иштирокчилари ва руҳонийлар(хота, удхата, брахма ва адхварйу) чиройли либослар кийган, уларнинг ҳаммаси худди фашишталардай кўринарди. Улар маросимнинг барча амаллари тўғри ўтказилишини қаттиқ назорат қилардилар. 24. Махараж Амбарिशанинг салтанатидаги бутун аҳоли Худои Таолонинг кароматларини шарафлаб қуйлаш ва тинглашга ўргатилган эди. Шу тариқа улар ҳеч қачон хатто фашишталар учун ҳам жуда қадрли бўлган жаннатий сайёраларга кўтарилишни ҳам орзу қилмас эдилар. 25. Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилиб юрган одам хатто буюк сеҳргарлар эришадиган

муваффақият билан ҳам қизикмайдилар, чунки ундай муваффақиятлар Парвардигор Кришна ҳақида ҳамиша қалбининг тўрида чуқур илоҳий муҳаббат билан ўйлаб юрадиган одамнинг олаётган илоҳий лаззатини зиғирча ҳам кўпайтира олмайди. 26. Ер сайёрасининг ҳукмдори Махараж Амбариша Худонинг Олий Шахсига шу тарзда садоқат билан хизмат қилар, бунинг учун у қаттиқ риёзатларга берилган эди. Ўзининг муқаддас бурчларини сидқидилдан, ихлос билан бажриши туфайли у ҳамиша Худонинг Олий Шахсини мамнун қилиб яшарди, шу тарзда у аста-секин қалбидаги барча дунёвий истаклардан бутунлай халос бўлди.

27. Махараж Амбариша уй ишларига, хотинига, болаларига, дўстларига ва қариндошларига, энг яхши филларга, жанг араваларига, зотдор отларга, қимматбаҳо тошларга, ҳар хил тақинчоқларга, кийим-кечакларга, туганмас хазинасига бўлган боғланиш туйғусини бутунлай тарк этди. 28. Махараж Амбарининг шундай пок садоқатидан жуда мамнун бўлиб, Худонинг Олий Шахси унга ҳамиша Кришнанинг содиқларини ҳар хил фалокатлардан ҳимоя қилиб юрадиган ва душманларга қирон келтирадиган Ўзининг халқасини берди.

29. Парвардигор Кришнага сиғиниш учун Махараж Амбариша, ўзи сингари садоқатли бўлган маликаси билан бирга бир йил давомида Екадаши ва Двадаши қасамларига риоя қилди. Йил давомида шу қасамга риоя қилгандан кейин, Карттика ойида, уч тун давомида оч юриб, рўза туггандан кейин, Йамуна дарёсида чўмилиб Махараж Амбариша Мадхуванда Худонинг Олий Шахси, Харига сажда қилди.

31-32. Махабхисеканинг барча қоидаларига риоя қилган ҳолда, Махараж Амбариша Парвардигор Кришнанинг Илоҳини ювинтирадиган барча нарсалар билан ювинтириш маросимини ўтказди, кейин Илоҳга чиройли либослар кийинтирди, тақинчоқлар ва гулчамбарлар тақди, Худога сиғиниш маросими пайтида зарур бўлган бошқа барча ишларни қилди. Қалбида чуқур садоқат туйғуси билан у Парвардигор Кришнага ва ҳар қандай дунёвий истаклардан озод бўлган браҳманларга сажда қилди. 33-35. Шундан сўнг Махараж Амбариша уйига келган барча меҳмонларни, айниқса браҳманларни мамнун қилди. У уларга шохлари олтин билан, туёқлари кумуш билан безатилган олтмиш қроп сизир эҳсон қилди. Сизирларнинг барчаси чиройли попуқлар билан безатилган, елинлари сутга тўла эди. Улар табиий равишда мулойим, ёш, чиройли ва бузоқлари билан бирга эдилар. Сизирларни тарқатиб бўлгандан кейин шох аввал барча браҳманларни прасад билан меҳмон қилди, улар тўла мамнун бўлгандан кейин, уларнинг рухсати билан рўзасини очиб, Экадашни тамомламоқчи бўлди. Лекин, айна шу пайтда шу ерда қутилмаган меҳмон - буюк ва қудратли сеҳргар йог - Дурваса Муни пайдо бўлиб қолди.

36. Дурваса Мунини кутиб олиш учун шох ўрнидан туриб, унга ўтиришга ўриндиқ ва сиғиниш анжомлари таклиф этди. Кейин, унинг оёқ учига ўтириб, шох буюк донишманддан прасад ейишни илтимос қилди. 37. Дурваса Муни Махараж Амбарининг таклифини жон деб қабул қилди, лекин аввал кундалик муқаддас вазифаларини тамомлаш учун Ямуна дарёсига борди. Шу ерда у Йамунанинг муқаддас сувига шўнғиб, шахсиятсиз Браҳманга муроқаба қила бошлади.

38. Айна пайтда рўзанинг тамомлаш зарур бўлган Двадаши муҳурта вақти келиб қолган, яъни шох хозирок рўзасини очиши лозим эди. Бундай қалтис ҳолатдан қандай чиқишни сўраб, шох билимдон браҳманларга муурожаат қилди.

39-40. Шох шундай деди: “Браҳманларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатмаслик - албатта оғир гуноҳ ҳисобланади. Бир тарафдан эса, Двадаши пайтида одам ўз вақтида рўзасини очмаса, унинг тугган рўзаси, чеккан риёзати нуқсонли бўлади. Шунинг учун эй браҳманлар, агар сизлар нотўғри деб ҳисобламасанглар, мен сув ичиб, рўзамни очаман”.

Шундай қилиб, браҳманлар билан бамаслаҳат, шох шундай қарорга келди, чунки браҳманларнинг фикрига кўра, сув ичиш бир вақтнинг ўзида овқатланиш ҳам, овқатланмаслик ҳам деб ҳисобланиши мумкин. 41. Эй Курулар сулоласининг аълоси, қалбининг тўрида ҳамиша Худонинг Олий Шахсини мууроқаба қилиб юрадиган шох Амбариша озгина сув ичдида, буюк сеҳргар Дурваса Мунининг қайтишини кута бошлади. 42. Кун ярмида амал қилинадиган маросимларини ўтказиб бўлиб, Дурваса Муни Йамуна қирғоғидан қайтиб келди. Шох уни чуқур ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олди, аммо, Дурваса Муни ўзининг сеҳр қудрати билан шох Амбариша унинг рухсатсиз сув ичганини билиб қолди.

43. Ҳалигача қорни оч бўлган Дурваса Муни, бутун вужуди титраб, афтини буриштириб, қошини чимириб, ғазаби қайнаб, олдида қўл ковуштириб турган шох Амбаришага шундай деди:

44. “Афсус, мана бу бағритош одамнинг қилган ишига қаранглар! У Парвардигор Вишнунинг содиғи эмас. Ўзининг бойлиги ва мартабасидан гердайиб, у ўзини Худо деб билади. Унинг индамасдан Худонинг қонунларини тап тортмай бузишини кўринг. 45. Махараж Амбариша, сен меҳмон сифатида мени овқатга таклиф этдинг, лекин, аввал мени тўйғазиб ўрнига, ўзинг овқатланиб олдинг. Сенинг бундай бемаъни ишинг учун мен сени қаттиқ жазолаш учун бир иш қиламан!”

46. Дурваса Муни шундай деганида, ғазабдан унинг юзи қизариб кетди. У сочидан бир тутам олиб, Махараж Амбарининг жазолаш учун оламни ёқиб юборишга қодир бўлган оловдай қудратли иблисни яратди. 47. Қўлларида санчки ушлаб, оёқлари билан ер юзини титратиб, ана шу оловдан бўлган даҳшатли махлук Махараж Амбарининг олдида келди. Аммо шох, бу махлукни кўриб пинагини ҳам бузмасдан, ўрнидан бир қадам ҳам жилмай тураверди. 48. Худди ўрмондаги олов бир зумда жаҳлдор илонни ёқиб қулга айлантиргани сингари, Худонинг Олий Шахсининг амри билан Унинг Сударшана чакра халқаси Худонинг содиқ хизматкорини ҳимоя қилиш учун иблисни бир зумда ёқиб қулга айлантирди.

49. Ўзининг амали бекор кетганини ва Сударшана чакра ўзига қараб келаётганини кўриб, Дурваса Муни қаттиқ кўркиб кетди ва ўзининг ҳаётини сақлаб қолиш учун оламнинг ҳар тарафига қараб қоча бошлади. 50. Ёнгин кетган ўрмондаги оловнинг тиллари илонни қувлаб юргани сингари, Худонинг Олий Шахсининг оловли халқаси ҳам Дурваса Мунини тинмасдан таъқиб қила бошлади. Дурваса Муни халқанинг яқинлашиб қолганини кўриб, тезроқ қочиб Сумера тоғидаги ғорга киришга ҳаракат қилди. 51. Ҳаётини сақлаб қолиш учун Дурваса Муни Худонинг ҳалокатли халқасидан қочиб,

оламнинг ҳамма жойига, осмонда, ерда, ғорларда, океанда, бутун уч оламнинг ҳукмронларининг сайёраларида, ҳатто жаннатий сайёраларда ҳам қочиб юрди, лекин қаерга бормасин, шу заҳотиёқ орқасида уни таъкиб қилиб юрган Сударшана Чакранинг даҳшатли оловини кўрарди. 52. Даҳшатга тушган Дурваса Муни паноҳ излаб ҳамма жойга бош уриб кўрди, ниҳоят бирор жойдан нажот топа олмай у Тангри Браҳманинг олдига борди ва унга шундай деди: “Эй ҳукмдорим, эй Тангри Браҳма, илтимос, мени Худонинг Олий Шахси юборган Сударшана Чакра оловидан ҳимоя қил!”

53-54. Тангри Браҳма шундай деди: “Худои Таолонинг бу оламдаги эрмаклари ниҳоясига етганида, двипарадхананинг охирида, Парвардигор Вишну қошларини бир чимириш билан бутун оламни, ҳатто бизларнинг даргоҳни ҳам яқсон қилади. Мен, Тангри Шива, Дакша, Бхригу сингари, барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдорларининг сардори бўлган буюк зотлар, инсоният ва фаришталарнинг ҳукмдорлари - барчамиз ўз ихтиёримизни Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Вишнуга топширамиз ва барча тирик мавжудотларнинг бахт-саодати учун Унинг амрини бажаришга тайёр бўлиб турамыз.

55. Сударшана чакранинг иссиқ тафтидан жароҳатланган Дурваса Муни Тангри Браҳмадан шундай рад жавобини олгандан кейин, ҳаммиша ўзининг Кайлас деган даргоҳида ором олиб ўтирадиган Тангри Шиванинг паноҳига қирмоқчи бўлиб шошилди.

56. Тангри Шива шундай деди: “Эй азиз ўғлим, мен, Тангри Браҳма ва ўзининг улўғворлигини тўғри тушуна олмайдиган бошқа фаришталар Худонинг Олий Шахсига тенг бўлишга қодир бўлган ҳеч қандай куч ишлата олмаймиз, чунки сон-саноксиз коинотлар ва уларнинг аҳолиси шу Парвардигорнинг амри билан бунёд бўлади ва унинг амри билан яқсон бўлади. 57-59. Ўтмиш, ҳозир ва келажак ҳақидаги ҳамма нарса менга, Санат-Кумарга, Нарادا Мунига, Тангри Браҳмага, Капилага, Апантаратма(Парвардигор Вйасадева)га, Девалага, Йамаражга, Асурига, Маричига ва уларнинг раҳбарлиги остидаги кўплаб авлиё зотларга, шунингдек рухий камолотга эришган бошқа кўплаб донишмандларга маълум. Шунга қарамай, ўзларимиз ҳам Парвардигорнинг алдамчи қуввати таъсири остида бўлганимиз сабабли, Унинг алдамчи қуввати қанчалик бепоён эканини ҳатто бизлар ҳам англай олмаймиз. Сен нажот топиш учун Худонинг Олий Шахсининг олдига боришинг лозим, чунки бу Сударшана чакра ҳатто бизлар учун ҳам катта ҳалокат олиб келади. Парвардигор Вишнунинг олдига бор. У барчага жуда меҳрибон ва сенга албатта омад тилайди”.

60. Шундан сўнг, ҳатто Тангри Шиванинг паноҳидан ҳам нажот топа олмаган Дурваса Муни Вайкунтга-дҳамага йўл олди. Бу ерда Худонинг Олий Шахси Нарайана Ўзининг рафиқаси, равнақ фариштаси билан яшайди. 61. Сударшана чакранинг олови тобора куйдириб бораётган буюк сеҳргарр Дурваса Муни Парвардигор Нарайананинг нилуфар қадамлари пойига бош қўйди. Бутун вужуди титраб, у шундай деди: “Эй бегуноҳ зот, эй бениҳоя Парвардигор, эй олампаноҳ, барча содиқларнинг интиладиган энг буюк даргоҳ Сен Ўзингсан. Мен эса энг буюк гуноҳқорман, эй ҳукмдорим, илтимос, мени Ўз ҳимоянгга ол! 62. Эй азиз Худойим, эй олий Ҳукмдор, Сенинг жасоратинг чексиз эканидан беҳабар қолиб, мен билмасдан Сенинг

энг азиз содиқ хизматкорингни ҳақоратлаб қўйдим. Менга раҳминг келсин, мана шу гуноҳим оқибатидан мени халос қил! Сен ҳамма нарсага қодирсан, ҳатто одам ўзи қилган гуноҳлари сабабли дўзахга равона бўлаётган бўлса ҳам, унинг қалбида Худонинг муқаддас номларини уйғотиб, Сен уни озодликка чиқара оласан”.

63. Худонинг Олий Шахси браҳманга шундай деди: “Мен Ўз ихтиёримни бутунлай содиқларимга топшириб қўйганман. Аслида Мен бутунлай мустақил Зот эмасман. Менинг содиқ хизматкорларим дунёвий истаклардан бутунлай озод бўлгани сабабли Мен уларнинг қалбидан жой олганман. Фақат Менинг содиқ хизматкорларим эмас, ҳатто Менинг содиқ хизматкоримга хизмат қилиб юрганлар ҳам Мен учун жуда азиз. 64. Эй браҳманлар аълоси, ҳаётдаги ягона мақсади Менга эришиш бўлган авлиё зотларсиз Мен Ўзимнинг чексиз бойликларимдан ва илоҳий лаззатларимдан ёлғиз Ўзим лаззатланишни истамайман. 65. Агар Худонинг соф содиқлари Менга хизмат қилиш учун бу ҳаётда ҳам, кейинги ҳаётда ҳам ҳеч қандай дунёвий нарсаларга интилмасдан, ўзларининг уйини, хотинларини, болаларини, қариндошларини, мол-дунёсини, баъзида ҳаётини тарк этсалар, Мен қандай қилиб уларни ҳатто бир лаҳза ҳам тарк эта оламан? 66. Покдомон, садоқатли аёллар ўзларининг садоқат билан қилаётган хизматлари шарофати билан қудратли эрларини ўз амрига бўйсундириб қўйгани сингари, барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўладиган, бутун қалби билан Менга боғланиб қолган соф содиқлар ҳам, ўзларининг соф, холис муҳаббати билан Мени ўзларига бутунлай бўйсундириб қўйганлар. 67. Менга чуқур муҳаббат билан хизмат қилишдан ҳаммиша мамнун бўлиб юрган содиқ хизматкорларим ҳатто рухий озодликка чиқишнинг тўрт қоидаси(салокйа, сарупйа, самипйа ва саршти) билан ҳам қизиқмайдилар. Чунки улар Худога садоқат билан хизмат қилиб юришлари шарофати билан буларга ўз-ўзидан эришадилар. Шундай экан, бу ўткинчи моддий оламдаги олий сайёралар тизимига кўтарилиш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? 68. Соф содиқларим ҳаммиша Менинг қалбимнинг тўрида. Мен ҳам ҳаммиша соф содиқларимнинг қалбининг тўрида яшайман. Менинг содиқларим Мендан бошқа ҳеч нарсани билмайдилар, Мен ҳам улардан бошқа ҳеч кимни билмайман. 69. О браҳман, сен нажот топишинг учун Мен сенга бир насиҳат қиламан. Қулоқ сол! Сен қалбингдаги ҳасад туйғуси тъсири остида Махараж Амбаришани ҳақорат қилдинг. Шунинг учун сен ҳозироқ унинг олдига боришинг керак. Ким ҳасад қилганидан Менинг содиқларимга нисбатан “жасорат” кўрсатмоқчи бўлса, шу жасорати албатта унинг ўзига қаратилади. Шундай қилиб, ҳасадгўй одам ўзи қазиган чоҳга ўзи йиқилади. 70. Риёзат чекиш ва илм ўрганиш браҳман учун албатта яхши, лекин қалби олийжаноб ва осойишта бўлмаган одам илм ва риёзат натижасида қудратга эришса, бу жуда хатарли бўлади. 71. Эй браҳманлар аълоси, шунинг учун сен ҳозироқ Махараж Набхаганинг ўгли бўлган шоҳ Амбаришанинг олдига боришинг керак. Мен сенга омад тилайман. Агар сен Амбариша Махаражни мамнун қила олсанг, бу ҳалокатдан албатта озод бўласан.

Дурваса Мунининг ҳалокатдан ҳалос бўлиши

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Парвардигор Вишнудан шундай маслаҳат олиб, Сударшана чакра таъкиб қилавериб, роса ҳолдан тойиб, мадори қуриган Дурваса Муни дарҳол Махараж Амбаришанинг ёнига келди. Қаттиқ ҳаяжонга тушиб, Муни шохнинг олдига узала йиқилиб, унинг оёғини ушлади. 2. Дурваса Муни ўзининг нилуфар қадамлари пойига қўлини теккизганидан Махараж Амбариша қаттиқ уялиб кетди. Дурваса Мунининг эҳтиром билан ўзига сажда қилаётганини кўриб, табиатан жуда камтар бўлганидан Амбариша Махараж бадтар хафа бўлиб кетди. Шунинг учун у дарров Худонинг Олий Шахсининг буюк қуроли Сударшана чакрага илтижо қила бошлади.

3. Махараж Амбариша шундай деди: “Эй Сударшана чакра, сен - оловсан, сен - энг қудратли куёшсан, сен - барча ёритгичларнинг ҳукмдори бўлган Ойсан. Сен - сув, ер ва осмонсан, сен - ҳавосан, сен - ҳиссиётларга таъсир қиладиган беш объектсан (товуш, тегиш, шакл, таъм ва ҳид), сен - ҳиссиётларнинг ўзисан. 4. Эй Ачйутанинг, Худонинг Олий Шахсининг сеvimлиси, сенинг мингта кегайинг бор. Эй моддий олам ҳукмдори, эй барча қуролларни яқсон қилувчи, эй Худо Шахсининг азалий нигоҳи, мен сенга чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. Илтимос, бу браҳманга раҳм қил, унга нажот бер! 5. Эй Сударшана ғилдираги, сен - ҳақиқий динсан, сен - ҳақиқатсан, сен - инсонга илҳом берувчи сўзсан, тилу-забонсан, сен - қурбонлик маросимсан, сен - қурбонлик маросимининг натижаларидан лаззатланувчи зотсан. Сен бутун олам посбонисан, сен - Худонинг Олий Шахси қўлидаги илоҳий жасоратсан. Сен - Парвардигорнинг бошланғич нигоҳисан, шунинг учун сени Сударшана (“шарофатли нигоҳ”) деб айтадилар. Ҳамма нарса сенинг кароматинг билан яратилган эди, шу боис сен - ҳамма ерга сингиб кетгансан. 6. Эй сударшана, сенинг жуда шарофатли кегайларинг бор, шунинг учун сен - барча динларнинг посбонисан. Сен худди иймонсиз атеистлар учун нохуш сайёрага ўхшайсан. Аслида эса сен - бугун уч олам посбонисан, сен - илоҳий нурга тўласан, сен - ҳаёлдан ҳам тез югурасан, сен ҳар хил мўъжизалар кўрсатишга қодир бўлган зотсан. Мен эса фақат чуқур эҳтиром билан сенга сажда қилиб, чин қалбимдан “намах” деб айта оламан. 7. Эй нутқ султони, ҳақиқий дин қоидаларига тўла бўлган сенинг нурларинг ёғдусида олам зулмати нурафшон бўлади, билимдон зотларнинг ёки буюк руҳларнинг илми намоён бўлади. Аслида ҳеч ким сендан таралаётган ёғдуга қарши чиқа олмайди, чунки намоён бўлган ва намоён бўлмаган, кўпол ва нафис, ҳукмрон ва бўйсунувчан бўлган барча мавжуд зотлар шунчаки сенинг нурларинг ёғдусида намоён бўлган ўзининг турли кўринишдаги шаклларингдир. 8. Эй чарчамас зот, Худонинг Олий Шахси сени Даитилар ва Данавалар кўшини ичига юборганида, сен жанг майдонида туриб, тинмасдан уларнинг қўлларини, қоринларини, сонларини, тиззаларини ва каллаларини узиб ташлайсан. 9. Эй бутун олам посбони, Худонинг Олий Шахси ўзининг ҳасадгўй душманларни яқсон қилиш учун қудратли қуроли сифатида сендан фойдаланади. Бизларнинг бутун авлодимизнинг саодати учун сендан илтимос қиламан, мана шу браҳмандан ўз марҳаматингни дариг тутма! Бу бизларнинг барчамиз учун албатта буюк саодат келтиради. 10. Агар

бизларнинг хонадонимиз аъзолари муносиб одамларга бирор хайр эҳсон қилган бўлса, агар биз қандайдир диний маросимлар ўтказган бўлсак, агар бизлар бирор диний қоидаларга тўғри амал қилган бўлсак, агар бизлар билимдон браҳманларнинг насиҳатларига амал қилган бўлсак, шуларнинг барчасининг савоби эвазига мен мана шу браҳманнинг Сударшана чакра яратган олов ҳамласидан қутулиб қолишини истаيمان. 11. Агар ягона Парвардигор, барча илоҳий сифатлар манбаи ва барча тирик мавжудотларнинг ҳаёти бўлган Худонинг Олий Шахси, бизлардан озгина миннатдор бўлган бўлса, биз мана шу браҳман, Дурваса Муни сенинг куйдирувчи оловинг тафтидан ҳалос бўлишини истаимиз”.

12. Шукадева Госвами давом этди: “Шоҳ Сударшана чакрага ва Парвардигор Вишнуга мурожаат қилганида, унинг илтижоларини инобатга олиб Сударшана чакра хотиржам бўлиб, браҳман Дурваса Мунини бешафқат куйдиришни тўхтатди.

13. Дурваса Муни, буюк қудратли сеҳргар, Сударшана чакранинг ҳамласидан озод бўлганидан жуда мамнун бўлди. У Махараж Амбаришанинг эзгу фазилатларини олқишлаб, уни энг яхши тилаклар билан дуо қилди.

14. Дурваса Муни шундай деди: “Эй азиз шоҳ, бугун мен Худонинг Олий Шахсининг соф содиқлари қанчалик улўғвор эканини англаб етдим, чунки аслида мен сени қаттиқ ҳақорат қилганимга қарамай, сен менга яхшилик қилиб, мени даҳшатли ҳалокатдан қутқариб қолиш учун чин қалбингдан Худога илтижо қилдинг. 15. Худонинг Олий Шахсини, соф содиқларнинг Ҳукмдорини англаб етган одамлар бу дунёда нималарга қодир эмаслар, қандай балоларни тўхтата олмайдилар? 16. Умуман олганда, Худонинг содиқлари учун иложи бўлмаган ишнинг ўзи борми бу дунёда? Ҳатто Худонинг муқаддас номларини шунчаки тинглаш шарофати билан ҳар қандай одам ҳам гуноҳларидан покланади. 17. Менинг ҳақоратларимни эътиборга олманган эй олийжаноб шоҳ, сен менинг ҳаётимни ҳалокатдан сақлаб қолдинг. Шундай қилиб, мен сенинг олдингда жуда ҳам қарздорман, чунки сен бугун менга ўзининг чексиз марҳаматингни кўрсатдинг”.

18. Дурваса Мунининг қайтиб келишини кутиб, шоҳ овқатланмай турган эди. Шунинг учун донишманд келганида шоҳ унинг оёқларига йиқилиб сажда қилди ва ундан бутунлай мамнун бўлиб, яхшилаб меҳмон қилди. 19. Шу тарика Шоҳ Дурваса Мунини хурмат-иззат билан қабул қилди, ҳар хил таомлардан тўйиб овқатланиб, мамнун бўлган донишманд меҳр билан шоҳга: “Марҳамат, сен ҳам овқатланиб ол!” - деди.

20. Дурваса Муни шундай деди: “Эй хурматли шоҳ, мен сендан жуда миннатдорман. Аввалига мен сени оддий одам деб ўйлаб юрардим, сенинг уйингга меҳмон бўлардим, лекин чуқур ўйлаб кўриб, сен - Худои Таолонинг энг улўғвор содиқ хизматкори эканингни англаб етдим. Шунинг учун шунчаки сени кўриш билан, сенинг нилуфар қадамларинг пойига қўл теккизиш ва сен билан ҳамсухбат бўлиш шарофати билан мен чуқур илоҳий лаззат олдим ва бунинг учун сендан чексиз миннатдорман. 21. Жаннатий сайёралардаги барча саодатли аёллар сенинг бенуксон одоб-ахлоқингни ҳамиша, ҳар лаҳзада шарафлаб куйлаб юрадилар, бу оламдаги одамлар ҳам ҳамиша сенинг шухратингни куйлаб юрадилар”.

22. Шри Шукадева Госвами шундай деди: “Шундай килиб, шохдан ҳар тарафлама мамнун бўлган буюк сеҳргар йог кетишга рухсат сўраб, ҳамиша шохни шарафлаб ҳамда-санолар ўқиб, йўлига равона бўлди. Само йўллари бўйлаб у қуруқ сафсатабоз-файласуфлардан ва ҳиссий лаззатларга берилган одамлардан пок бўлган Брахмолокага йўл олди. 23. Дурваса Муни Амбариша Махаражнинг даргоҳини тарк этди. Шох эса, у қайтиб келгунча - бутун бир йил давомида - риёзат чекиб, фақат сув билан тирикчилик килиб рўза тутди. 24. Орадан бир йил ўтгандан кейин, Дурваса Муни қайтиб келганида, шох Амбариша уни тўкин-сочин таомлар билан меҳмон қилди, кейин ўзи ҳам овқатланди. Брахман Дурваса Сударшана чакра оловидан озод бўлганини кўриб, Худонинг марҳамати билан у ўзининг ҳам кучли илоҳий қудратга эга эканини англаб етди, лекин у бундан мағрурланиб кетмади, чунки асида ҳамма ишни Худои Таолонинг ўзи қилган эди. 25. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиши шарофати билан, турли илоҳий сифатларга эга бўлган Махараж Амбариша Брахманни, Параматмани ва Худонинг Олий Шахсини мукамал англаб етди ва Худога садоқат билан мукамал хизмат қила бошлади. Ўзининг Худои Таолога бўлган чексиз садоқати шарофати билан у бу оламнинг хатто энг буюк сайёрасини ҳам дўзахий сайёралардан яхши деб билмасди”.

26. Шукадева Госвами давом этди: “Худога садоқат билан хизмат қилишда эришган улуғвор ҳолати таъсири остида моддий, ўткинчи нарсаларга боғланиб яшашни истамаган Махараж Амбариша фаол оилавий турмуш кечиришни тарк этди. У бутун салтанатини ўзи сингари тақводор зотлар бўлган болаларига тақсимлаб бериб, ўзи ванапрастҳа турмуш тарзини қабул қилди ва ақлини Парвардигор Васудевада бутунлай мужассам қилиш учун ўрмонга йўл олди.

27. Махараж Амбариша ҳақидаги мана шу илоҳий ҳикояни тақдорлаган ёки уни шунчаки эслаган ҳар қандай одам албатта Худонинг соф содиғи бўлади. 28. Парвардигорнинг марҳамати билан Худонинг буюк содиғи Махараж Амбаришанинг кароматлари ҳақидаги бу ҳикояни тинглаган ҳар бир одам шу захотийёқ озодликка эришади, яъни Худонинг содиқ хизматкори бўлади.

Олтинчи боб.

Саубхари Мунининг руҳий юксалиш йўлидан адашиши.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй Махараж Парикшит, Амбариша Махаражнинг уч ўғли бор эди - Вирупа, Кетуман ва Шамбху. Вирупадан Пришадашва деган ўғил туғилди, Пришадашвадан Ратхитара туғилди. 2. Ратхитаранинг ўғиллари йўқ эди, шунинг учун у Ангира Мунидан ўзи учун фарзандлар ато этишни илтимос қилди. Унинг илтимоси билан Ангирадан Ратхитаранинг хотини ўғил фарзандлар туғди. Уларнинг барчаси брахман сифатига эга эдилар. 3. Ратхитаранинг хотинидан бўлган бу фарзандлар Ратхитаранинг авлодлари номи билан ҳам, Ангирадан туғилгани сабабли Ангиранинг авлодлари номи билан ҳам шуҳрат қозондилар. Ратхитаранин бу авлодлари

жуда муҳим аҳамиятга эга зотлар эдилар, чунки уларнинг барчаси туғилиши бўйича брахман эдилар.

4. Манунинг яна бир ўғли Икшваку эди. Шох Икшвакунинг юз фарзанди бор бўлиб, уларнинг ичида Викукши, Ними ва Дандака энг асосийлари эди. 5. Унинг юз ўғлидан йигирма беш нафари Арйавартанинг - Ҳимолай ва Виндхйа тоғлари орасидаги жойларнинг ғарбий тарафида ҳукмронлик қилувчи шохлар бўлди. Бошқа йигирма беш нафари Арйавартанинг шарқий томонида шохлик қилдилар, асосий, муҳим аҳамиятга эга уч ўғли марказда ҳукмронлик қилдилар. Қолган ўғиллари бошқа ерларда ҳукмронлик қилдилар. 6. Январ, феврал ва март ойларида аждоқларга эҳсон қилинадиган қурбонликлар аштака-шраддха деб аталади. Шраддха маросими ойнинг қоронғу ярмида ўтказилади. Шу маросимни ўтказётган пайтда Махараж Икшваку ўғли Викукшига дарров ўрмонга бориб, бирор пок гўшт топиб келишни буюрди. 7. Икшвакунинг ўғли ўрмонга бориб, қурбонлик қилишга ярайдиган кўплаб ҳайвонларни ўлдирди. Ҳолдан тойиб, қорни очганда, чидамасдан ўзи ўлдирган қуён гўштидан бироз еб қўйди. 8. Викукши гўштнинг қолганини шох Икшвакуга таклиф қилди, у поклаш учун уларни Васиштха Мунига берди. Аммо Васиштха гўштнинг бир қисмини Викукши еганини дарров пайқади, шунинг учун бу гўшт энди шраддха маросими учун яроқсиз деди.

9. Васиштхадан бу гапларни эшитиб, шох Икшваку ўғли Викукшининг бу қилмишидан қаттиқ ғазабланди. Шу боис, у Худонинг қонунларини бузгани учун Викукшига ҳозирок салтанатдан чиқиб кетишни буюрди. Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган буюк ва билимдон брахман Васиштханинг маслаҳати билан Махараж Икшвакунинг ўзи ҳам таркидунё қилишга қарор қилди. Йога қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиб, у моддий танасини ташлагандан кейин энг юксак руҳий камолотга эришди.

11. Салтанатдан чиқиб кетган Викукши отаси танасини тарк этгандан кейин яна салтанатга қайтиб келди ва бутун Ер сайёрасига ҳукмрон шох бўлди. У Худонинг Олий Шахсини мамнун қилиш учун ҳар хил қурбонлик маросимларини ўткази бошлади. Кейинчалик Викукши Шашада деган ном билан шуҳрат қозонди. 12. Шашаданинг ўғли Пуранджайа бўлди, у ҳам Индраваха, баъзан эса Какутстха номи билан машҳур эди. Эй шох, қулоқ сол, у ўзининг турли фаолияти билан қандай қилиб турли номларда шуҳрат қозонганини мен сенга гапириб бераман. 13. Аввал фаришталар ва иблислар орасида қаттиқ жанг бўлиб ўтган эди. Фаришталар мағлуб бўлиб, Пуранджайани ўзларига ёрдамчи қилиб олдилар ва иблислар устидан ғалаба қозондилар. Шунинг учун бу қаҳрамон Пуранжайа, яъни “иблислар маконини яқсон қилган зот” деб шуҳрат қозонди. 14. Пуранжайа, агар Индра унинг тахтини кўтариб юрадиган ҳаммол бўлса, барча иблисларни ўлдиришга ваъда берди. Ўзининг мағрурлиги сабабли Индра унинг бу таклифига рози бўлмади, лекин, кейин Худои Таолонинг, Парвардигор Вишнунинг буйруғи билан Индра унинг бу таклифни қабул қилди ва Пуранджайани олиб юрадиган катта ҳўкизга айланди.

15-16. Ажойиб қалқон билан ҳимояланиб олган ва шиддат билан жанг қилишга интилиб турган, барча фаришталар чуқур ҳурмат қиладиган Пуранжайа ўзининг илоҳий камонини ва жуда ўткир пайконларини

кўтарди ва катта ҳўкиз(Индра)нинг устига чиқиб ўтириб олди. Шу сабабли у Какутстха деган ном билан шуҳрат қозонди. Олий Шахс ва Олий Рух бўлган Парвардигор Вишнунинг берган ваколати билан Пуранжайа буюк ҳўкизга ўтириб, Индраваха деган ном қозонди. Фаришталар билан бирга у иблисларнинг даргоҳига ғарб томондан ҳужум қилди. 17. Пуранжайа билан иблислар орасида даҳшатли жанг бўлиб ўтди. Аслида бу жанг шу қадар даҳшатли эдики, бу ҳақда эшитган одамнинг бутун вужуди титраб, туклари хурпайиб кетади. Пуранжайанинг йўлини тўсишга қодир бўлган барча иблислар шу заҳотиёқ унинг пайконлари зарбидан Ямаражнинг даргоҳига равона бўлдилар. 18. Индраваханинг охир-замон пайтида бўладиган ёнғин тиллари сингари, кўйдирувчи пайконлари зарбидан ўзини қутқариб қолиш учун иблисларнинг яқсон бўлган кўшинидан қолган аскарлар, уйларига қараб қочиб қолдилар. 19. Душманни тор-мор қилгандан кейин авлиё шох Пуранжайа ўлжа олинган ҳамма нарсани, душманларнинг хотинларини ҳам қўлида яшин қуролини олиб юрадиган шох Индрага тақдим этди. Шу боис у Пуранжайа деган ном билан шуҳрат қозонди. Ўзини кўрсатган ғаройиб қароматлари билан у турли номлар билан шуҳрат қозонди.

20. Пуранжайанинг ўғли Анена, Аненанинг ўғли Притху, Притхунинг ўғли Вишвагандхи. Вишвагандханинг ўғли Чандра, Чандранинг ўғли Йуванаашва. 21. Йуванаашванинг ўғли Шраваста-пури деган шаҳарни барпо этган Шраваста бўлди. Шравастанинг ўғли Брихадашва, унинг ўғли Кувалайашва бўлиб, шу тариқа бу сулола кенгая борди. 22. Утанкани мамнун қилиш учун буюк қудратга эга бўлган Кувалайашва Дхундху деган иблисни ўлдирди. У бу ишни ўзининг йигирма бир минг ўғли ёрдамида амалга оширди.

23-24. Эй Махараж Парикшит, шу сабабли Кувалайашва Дхундхумара(Дхундхунинг қотили) деган ном қозонди. Аммо Дхундхунинг оғзидан чиқаётган оловда унинг уч ўғлидан бошқа барча ўғиллари ёниб кулга айландилар. Унинг тирик қолган ўғиллари Дридхашва, Харйашва ва Бхадрашва эди. Дридхашвадан Харйашва деган ўғил бўлди, унинг ўғли машхур Никумбха бўлди. 25. Никумбханинг ўғли Бахулашва бўлди, Бахулашванинг ўғли Кришаашва бўлди, унинг ўғли Сенаджит, Сенаджитнинг ўғли Йуванаашва. 26. Гарчи Йуванаашва ўзининг минг бир хотини билан ўрмонга кетган бўлса ҳам, уларнинг барчаси ғамгин, маюс эдилар. Аммо ўрмондаги донишмандлар шохга нисбатан жуда меҳрибон бўлганлари туфайли шох ўғил фарзанд кўриши учун Индра-йажна маросимини ўтказишга пухта тайёрлик кўра бошладилар. 27. Бир куни, тунда қаттиқ чанқаган шох қурбонлик маросими майдончасига чиқди, барча браҳманлар ухлаб ётганини кўриб, билмасдан хотини учун мўлжалланган табаррук сувни ичиб қўйди. 28. Браҳманлар уйқудан туриб, сув идишни бўм-бўш қўриб, фарзанд кўриш учун аталган сувни ким ичганини сўрадилар. 29. Тақдир тақозоси билан бу табаррук сувни шохнинг ўзи ичиб қўйганини эшитган браҳманлар ҳайратга тушдилар: “Э-воҳ, тақдирнинг қудрати - ҳақиқатан ҳам чексиз. Ҳеч ким Худонинг амрига қарши чиқолмайди”. Шу тариқа улар Парвардигорга чуқур эҳтиром билан сажда қилдилар. 30. Шундан сўнг, орадан маълум вақт ўтгандан кейин

шох Йуванаашванинг қорнининг ўнг томонидан қудратли шох бўладиган аломатларга эга бўлган ўғил фарзанд туғилди.

31. Гўдак сут истаб шу қадар қаттиқ йиғлай бошладики, барча браҳманлар нима қиларини билмай ҳайрон бўлдилар. “Ким бу болага қарайди?” - деди улар. Кейин қурбонлик маросими аталган фаришта Индра келди, у болани овуғди. “Йиғлама!” - деди Индра ва гўдакнинг оғзига кўрсаткич бармоғини солиб, шундай деди: “Ма, мен билан озиқлана қол!”

32. Гўдакнинг отаси шу тариқа браҳманларнинг дуосини олиб, ҳалокатдан қутулиб қолди. Шу воқеадан кейин у қаттиқ риёзатларга берилиб, шу ернинг ўзидаёқ руҳий камолотга эришди. 33-34. Йуванаашванинг ўғли Мандхата Равананинг ҳамда одамларга турли ташвиш келтирадиган бошқа ўғри ва қароқчиларнинг даҳшатга тушишига сабаб бўлди. Эй шох Парикшит, улар бу шохдан жуда кўрққанлари сабабли Йуванаашванинг ўғли Трасадасйу, яъни “ўғри ва қароқчиларни даҳшатга солувчи” деган номга эга бўлди. Унга бу номни Индра қўйди. Худонинг Олий Шахсининг марҳамати билан Йуванаашванинг ўғли шу қадар қудратли эдики, у бутун оламга император бўлди - унинг ёлғиз ўзи етти оролдан иборат бутун жаҳонни бошқарди.

35-36. Худонинг Олий Шахси буюк қурбонлик маросимларининг таркибий қисмлари, Ведавий мантраларни тиловат қилиш, ссиғиниш қонун-қоидалари, қурбонлик маросимини ўтказувчи, авлиё зотлар, қурбонлик маросими натижаси, қурбонлик маросими ўтказиладиган майдонча, қурбонлик маросими ўтказиладиган вақт сингари шарофатли кўринишларидан фарқ қилмайди. Ўзликни англаш қонун-қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда Мандхата ҳамиша илоҳий ҳолатда қоладиган Олий Рухга, барча фаришталарни ёлғиз ўзида мужассам қилган Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Вишнуга сажда қиларди. Шунингдек у браҳманларга жуда кўп хайр-эҳсонлар қилар ва шу тариқа Парвардигорга сиғиниш маросими ўтказарди. 37. Қуёш эрталаб уфқдан порлаб чиқадиган жойдан то кечқурун ботадиган жойларгача Йуванаанинг ўғли Мандхатанинг салтанати ҳисобланарди. 38. Мандхата хотини Виндуматадан уч ўғил кўрди. Виндумата Шашабиндунинг қизи эди. Унинг ўғиллари Пурукутса, Амбариша ва Мучукунда бўлиб, улар буюк сеҳргар йоглар эди. Бу уч оғайнининг эллиқ синглиси бор эди. Уларнинг барчаси буюк донишманд Саубхарига эрга чиқдилар.

39-40. Саубхари Риши узок вақт Ямуна дарёсининг суви тагида ўтириб, қаттиқ риёзатга берилган эди. Ишқий ўйинларга берилиб юрган икки балиқчага кўзи тушиб, қалбида жинсий алоқа келтирадиган ҳиссий лаззатни ҳис қилди. Шу тариқа у шахвоний эҳтирос домига тушиб қолиб, шох Мандхатанинг олдига борди ва ундан қизларининг биттасини хотинликка беришни илтимос қилди. Унинг бу илтимосига жавобан шох шундай деди: “О Браҳман, менинг қизларимнинг ҳар бири фақат ўз хоҳиши билан, ўзи истаган одамга эрга чиқиши мумкин”.

41-42. Саубхари Муни ўйлашиб қолди: “Мен ҳозир кексалигим туфайли жуда ожиз, кўримсизман. Сочларим оқариб, юзимга ажинлар тушиб қолган, бошим ҳам титраб туради. Бунинг устига мен - қудратли йогман. Шунинг учун ҳозирги кўринишимда бирор аёл мени ёқтирмайди. Шох менга қизларидан

бирортасини хотинликка беришдан бош тортгани учун, мен танамни шундай қилиб ўзгартираманки, ер сайёрасидаги бу шохнинг қизлари эмас, ҳатто жаннатдаги фаришталар ҳам мени ёқтириб қоладиган бўлади”.

43. Саубхари Муни ўзининг сеҳр қудрати билан ёш ва тенгсиз гўзал бир навқирон йигитга айланди. Сарой хизматкори уни маликаларнинг хоналарига олиб борди. Бу хоналар жуда гўзал ва қимматбаҳо нақшлар билан жуда ҳашаматли ва чиройли қилиб безатилган эди. Кейин, гарчи донишманд битта ўзи бўлса ҳам, эллик маликанинг барчаси унга эрга чиқишни истаб қолдилар. 44. Маликалар бир кўришда Саубхарига ошиқ бўлиб қолиб, ўзлари қариндош опа-сингил эканларини ҳам унутиб, ўзаро жанжаллаша бошладилар. Уларнинг ҳар бири бошқасига шундай дерди.: “Бу эркак менга мос келади, сенга эмас!” 44-46. Саубхари Муни турли мантраларни ўқиш сирларини яхши билгани учун, шунча вақт чеккан қаттиқ риёзатлари қудрати билан ажойиб бир чиройли уй барпо этди. Бу уйда ҳамма нарса - ҳар хил либослар, тақинчоқлар, чиройли кийинган ва ясашиб олган канизаклар, тоза ҳовузлар ва боғ-гулзорлар бор эди. Турли хил гулларга бурканган боғда сайроқи кушлар хониш қилиб, асаларилар ғувиллаб юрар, машшоқлар кўшиқ айтардилар. Саубхари Мунининг уйи бой-ҳашаматли кроватлар, ўтиргичлар, ювиниш учун зарур бўлган чиройли анжомлар билан жиҳозланган бўлиб, у ерда ҳар турли сандал пасталари, гулчамбарлар ва ширин таомлар бор эди. Шундай қилиб, донишманд ўзининг элликта хотини даврасида роҳатланиб оилавий турмуш кечира бошлади.

47. Барча етти оролдан иборат Ер юзига ҳукмрон бўлган шох Мандхата Саубхари Мунининг бадавлатлигини кўриб ҳайратга тушди. Шундай қилиб, у ўзининг аввалги бутун олам императориман деган манманлигини тарк этди. 48. Шундай қилиб, Саубхари Муни бу оламда хотинлари билан ҳиссий лаззатларга берилиб яшади, лекин, худди бир томондан ёғ куйиб турган олов ҳеч қачон сўнмагани сингари, у қалбининг тўрида бу моддий ҳаётдан сира қаноат, мамнуният топа олмасди. 49. Шундан сўнг, ведавий мантраларни тиловат қилишда камолотга эришган Саубхари Муни хилватда ёлғизқолиб, чуқур мулоҳаза юритиб, ҳаёл суриб ўтирар экан, сув тагидаги балиқларнинг ишқий ўйинларига ногаҳон кўзи тушиб қолгани сабабли ўзининг руҳий юксалиш йўлидан адашгани сабабини тушуниб етди.

50. “Э-воҳ! Минг афсус! Ҳатто муқаддас дарё суви тагида узок вақт риёзатга берилиб, авлиё зотлар амал қиладиган барча қонун-қоидаларга риоя қилиб юрган бўлсам ҳам, шунчаки балиқларнинг ишқий ўйинларига кўзим тушиши билан мен шунча вақт чеккан риёзатларим натижасидан бир зумда маҳрум бўлдим. Ҳар бир фаросатли одам мана шу адашишга эътибор бериб, ундан ўзига керакли хулоса чиқариб олиши лозим. 51. Мусибатларга тўла бу моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга интилаётган киши жинсий ҳаёт билан кизиқадиган одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишни умуман тарк этиши, бунинг учун ўзининг ташқи олам билан алоқа қиладиган сезги аъзолари(кўриш, эшитиш, гапириш ва ҳок.)дан умуман фойдаланмаслиги лозим. Одам ақлу-хаёлини чексиз Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қилиб, ҳамиша хилват жойда ёлғиз қолиши, фақат ўзи

сингари руҳий юксалиш йўлидан бораётган одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиб яшаши лозим. 52. Аввалига мен ўзим ёлғиз ҳолда сеҳрли йога қодалари асосида риёзат чекардим, кейин жинсий алоқа қиладиган балиқларга эътибор бериб қараганим сабабли уйланиш ҳақида ўйланиб қолдим. Натижада мана, элликта хотиннинг эри бўлдим, уларнинг ҳар биридан юзтадан фарзанд кўрдим, шу тариқа менинг оилам энди беш минг одамдан ҳам кўпайиб кетди. Моддий табиат гуналари таъсири остида мен руҳий юксалиш йўлидан адашиб, бу моддий оламда бахтли бўла оламан деб ўйлабман. Шу тариқа менинг ҳиссий лаззатланишга бўлган истақларим, интилишим бу ҳаётда ҳам, кейинги ҳаётда ҳам сира адо бўлмайди”.

53. Шундай қилиб, у анча вақтини оилавий ишларга банд бўлиб ўтказди, кейин дунёвий лаззатлардан бутунлай юз ўгирди. Дунёвий ишлар билан машғул одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишни бутунлай тарк этиш учун у ванапрастха турмуш тарзини қабул қилиб, ўрмонга йўл олди. Унинг садоқатли хотинлари ҳам унга эргашилди, чунки ўзининг эридан бошқа уларнинг бошқа бирор паноҳи йўқ эди. 54. Ҳақиқий ўзлигини анча англаб етган Саубхари Муни ўрмонга бориб, хилват жойда жуда қаттиқ риёзатларга берилди. Шундай қилиб, ажали етганда у Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилиш даражасига эришди.

55. О Махараж Парикшит, эрининг руҳий ҳаётда қандай юксалаётганини кўриб, худди олов ўчганида унинг тиллари ҳам йўқолиб кетгани сингари, Саубхари Мунининг хотинлари ҳам унинг руҳий қудрати ёрдамида руҳий оламга кўтарилиш имкониятига эга бўлдилар”.

Еттинчи боб.

Шох Мандхатанинг авлодлари

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Мандхатанинг ўғиллари орасида Амбариша Махараж деган ном билан шуҳрат қозонган ўғли жуда муҳим аҳамиятга эга. Амбаришани бобоси Йуванашва асраб олган эди. Амбаришанинг ўғли Йауванашва бўлди, Йауванашванинг ўғли эса Харита бўлди. Мандхатанинг авлодлари орасида энг машҳурлари Амбариша, Харита ва Йауванашвалар эди. Нармаданинг илон қиёфасидаги оғайнилари Нармадани Пурукутсага эрга бердилар. Илон Васуки юборган Нармада Пурукутсуни коинотнинг қуйи қисмига олиб кетди. 3. Коинотнинг қуйи сайёраси бўлган Расаталада Парвардигор Вишнунинг амри билан Пурукутса барча ўлимга маҳкум этилган Гандхарваларни ўлдирди. Пурукутса илонлардан шундай фотиҳа олди-ки, Нармаданинг Пурукутсуни коинотнинг қуйи қисмига олиб кетгани ҳақидаги мана шу ҳикояни эслаган ҳар бир киши илонлар ҳужумидан бутунлай ҳимояланган бўлади.

4. Пурукутсунининг ўғли Трасадасйа бўлди, у Анаранйага ота бўлди. Анаранйанинг ўғли Харйашва бўлди, у Прарунига ота бўлди. Праруна Трибандханага ота бўлди. 5-6. Трибандхананинг ўғли Сатйаврата бўлди, у Тришанка деган ном билан машҳур бўлди. У браҳманнинг кизи турмушга чиқаётганида ўғирлаб кетгани учун,

*Вишвамित्रа билан Васиштха хамиша бир бирига душман бўлиб юрардилар.

Бир вақтлар Вишвамित्रа кшатрий эди, каттиқ риёзатларга берилиб, у брахман бўлишга аҳд қилди, аммо Васиштха уни қабул қилмади. Шунинг учун улар хамиша бир бирига душманлик муносабатида юрардилар. Лекин, орадан анча вақт ўтгандан кейин, Вишвамित्रанинг ажойиб фазилати - жуда кечиримлилиги учун Васиштха барибир уни брахманликка қабул қилди. Бир куни Харишчандра қурбонлик маросими ўтказайтган эди, унга Вишвамित्रа раҳбарлик қилаётган эди, аммо Вишвамित्रа Харишчандрадан хафа бўлиб, жакли чиққанидан унинг бутун мол-мулкни эҳсон(дакшина) сифатида тортиб олди. Унинг бу қилиги Васиштхага ёқмади, шу сабабли Вишвамित्रа билан Васиштха орасида яна жанжал бўлиб ўтди. Бу жанжал жуда дахшатли бўлиб, уларнинг ҳар бири бошқасини бешафқат қарғаб, дуо бад қиларди. Бири иккинчисига: “Қуш бўлгaysан!” - деди, иккинчиси унга: “Ўрдак бўлгaysан!” - деди. Шу тарика улар иккови ҳам парранда танасига эга бўлиб, Харишчандра сабабли узок йиллар давомида бир бири билан жанг қилдилар. Ҳиссиётининг, нафсининг кули бўлиб қолган Саубхари Муни сингари буюк сеҳргар ҳам йўлдан адашганини, Васиштха ва Вишвамित्रа сингари буюк донишмандлар ҳам гафлатта ботган қуш танасига эга бўлиб қолганини кўриб, моддий оламнинг қанчалик бешафқат эканига яна бир бор амин бўламиз...

отаси уни дуои-бад қилиб, шудрадан ҳам пастроқ табақада туғилишини тилаб қарғади. Шундан кейин Вишвамित्रанинг илоҳий қудрати ёрдамида у ўзининг ҳозирги моддий танасида олий сайёралар тизимига, жаннатий сайёраларга йўл олди, аммо фаришталарнинг жасорати билан у боши билан пастга қараб қулади. Вишвамित्रанинг илоҳий қудрати билан барибир у ерга бутунлай қулаб тушмади. Ҳатто ҳозир ҳам унинг боши пастга қараган ҳолда осмонда муаллақ турганини кўриш мумкин.

7. Тришанқунинг ўғли Харишчандра бўлди. Харишчандра туфайли Вишвамित्रа билан Васиштха орасида жанжал юзага келди. Улар қушларга айланиб, узок йиллар давомида бир бири билан жанг қилдилар*.

8. Харишчандранинг ўғли йўқ эди, шу боис у ўзини ҳаётда жуда бахтсиз ҳис қиларди. Бир куни Нарада Мунининг насиҳати билан у Варунадан паноҳ сўраб, унга шундай деди: “Эй ҳукмдоррим, менинг ўғлим йўқ. Менга бирор фарзанд ато эта олмайсанми?”

9. Эй шоҳ Парикшит, Харишчандра Варунага шундай деди: “Эй ҳукмдор, агар мендан ўғил фарзанд туғилса, мен уни сен учун қурбонлик сифатида эҳсон қиламан!”. Харишчандрадан бу гапни эшитиб, Варуна: “Сен айтгандай бўлсин!” - деди. Варунанинг дуоси билан Харишчандра Рохита деган ўғилга ота бўлди. 10. Фарзанд туғилганда Варуна Харишчандранинг олдига келиб, шундай деди: “Мана ўғил фарзандга эга бўлдинг. Энди шу ўғлингни менга қурбонлик сифатида эҳсон қилишинг мумкин!” Унга жавобан Харишчандра шундай деди: “Тирик мавжудот туғилганидан ўн кун ўтгандан кейин қурбонлик сифатида эҳсон қилишга лойиқ бўлади”. 11. Орадан ўн кун ўтгандан кейин Варуна яна унинг олдига келди ва Харишчандрага шундай деди: “Энди сен қурбонлик маросими ўтказишинг мумкин!” Харишчандра: “Тирик мавжудотнинг тишлари чиққандан кейин қурбонлик маросимида эҳсон қилишга яроқли бўлади!”

12. Туғилган ўғилнинг тишлари чиққанида Варуна яна Харишчандранинг олдига келди ва шундай деди: “Сен энди қурбонлик маросими ўтказишинг мумкин, унинг тишлари чиқди!” Харишчандра шундай деди: “Тирик мавжудотнинг ҳамма тишлари тўкилиб бўлганда уни эҳсон қилиш мумкин!”

13. Фарзанднинг ҳамма тишлари тўкилиб бўлганида Варуна яна келиб шундай деди: “Энди унинг ҳамма тишлари тўкилиб бўлди, сен энди қурбонлик маросими ўтказишинг мумкин”. Аммо Харишчандра

шундай деди: “Тирик мавжудотнинг яна ҳамма тишлари чиққанида у қурбонлик маросимида эҳсон қилишга муносиб равишда пок бўлган ҳисобланади”. 14. Боланинг яна ҳамма тишлари чиқиб бўлганда Варуна қайтиб келди ва Харишчандрага шундай деди: “Сен энди қурбонлик маросими ўтказишинг мумкин”. Аммо Харишчандра шундай деди: “Эй шоҳ, тирик мавжудот кшатрий бўлиб, душман билан бўлган жангда ўзини ҳимоя қила олишга қодир бўлганида эҳсон қилишга муносиб пок бўлади”.

15. Харишчандра ўзининг ўғлига қаттиқ боғланиб қолган эди. Ана шу дунёвий муҳаббат, боғланиш сабабли ҳар гал у фаришта Варунадан яна кутишни илтимос қиларди. Шу тарика у Варунанинг яна қайтиб келишига қутиб юрарди.

16. Рохита отаси уни қурбонлик маросимида қурбонлик сифатида эҳсон қилмоқчи эканини англаб етди. Шу боис у ўзининг ҳаётини сақлаб қолиш учун кўлига камон ва пайконлар олиб ўрмонга йўл олди. 17. Отаси Варунанинг қарғишига учраб, шиш касалига учраганини, унинг қорни жуда катталашиб кетганини эшитиб, пойтахтга қайтмоқчи бўлди, аммо Шоҳ Индра унга бундай қилмасликни маслаҳат берди. 18. Шоҳ Индра унга ҳар хил муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилишни маслаҳат бериб, бундай фаолият ҳар томонлама шарофатли ва савобли иш эканини айтди. Унинг маслаҳати билан Рохита яна бир йилга ўрмонга кетди. 19. Шу тарика ҳар гал, орадан бир, икки, уч, тўрт ва беш йил ўтганда, Рохита пойтахтга қайтмоқчи бўлганида Индра унинг олдига кекса брахман кўринишида келиб, худди аввалги йили айтган гапларини такрорлаб, йўлдан қайтараверарди. 20. Охири, ўрмонда юришининг олтинчи йилида Рохита отасининг шаҳрига кириб келди. У хотини Аджигартадан Шунахшепха деган иккинчи ўғлини кўрди. Кейин отаси Харишчандрага сажда қилиб, ўғли Шунахшепхани унга таклиф қилди ва уни қурбонлик маросимида қурбонлик сифатида эҳсон қилиши мумкинлигини айтди.

21. Шундан кейин шоҳ Харишчандра - инсоният тарихидаги улуғвор шахслардан бири катта қурбонлик маросими ўтказиб, унда қурбонлик сифатида инсон зотини қурбонлик ўрнида эҳсон қилиб барча фаришталарни мамнун қилди. Шу тарика Харишчандра Варуна сабабли юзага келган шиш касалидан халос бўлди.

22. Ана шу буюк қурбонлик маросимида Вишвамित्रа катта руҳоний вазифасини бажарётган эди, руҳий ўзлигини англаб етган Жамадагни эса, Йаджур Ведадан мантралар тиловат қилишга маъсул эди, Васиштха асосий брахман-руҳоний, донишманд Агастья эса - Сама Ведадан мантралар тиловат қиладиган брахман эди. 23. Харишчандрадан жуда мамнун бўлган шоҳ Индра, унга олтиндан ясалган жанг араваси совға қилди. Мен сенга Шунахшепханинг шон-шуҳратини Вишвамित्रанинг ўғлининг таърифи билан бирга айтиб бераман. 24. Буюк донишманд Вишвамित्रа Махараж Харишчандра ҳамда унинг хотини покдомон, сабр-тоқатли ва инсон ҳаётининг мазмунини тушунишга интиладиган одамлар эканини тушунди. Шу боис уларга инсон ҳаётининг маъноси ҳақида, уни қандай яшаш лозимлиги ҳақида ўзгармас илм ато этди. 25-26. Махараж Харишчандра аввалига ҳар хил ҳиссий лаззатланиш истакларига тўла ўзининг ақлини ер билан бирлаштириб поклади. Кейин у ерни

сув билан бириктирди, сувни олов билан, оловни ҳаво билан, ҳавони осмон билан бириктирди. Кейин осмонни бутун моддий қувват билан, моддий қувватни эса рухий илм билан бириктирди. Ана шу рухий илм инсоннинг ўзини мангу рухий зарра, жон эканини, Худои Таолонинг ажралмас бир заррачаси эканини англаб етишидир. Шу тариқа ўзининг ҳақиқий ўзлигини англаб етган жон, алоҳида рух Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган пайтида мангу ва англаб бўлмас рухий ҳолатда юрган бўлади. Шу тариқа у рухий илмга эга бўлиб, ўзининг мангу рухий ҳолатини қайта тиклаб, моддий олам тутқунлигидан бутунлай озод бўлди.

Саккизинчи боб.

Сагаранинг ўғилларининг Парвардигор Капиладевани кутиб олишлари.

1. Шукадева Госвами давом этди: “Рохитанинг ўғли Харита бўлди, Хаританинг ўғли Чампа бўлди, у Чампапури деган шаҳар барпо қилди. Чампанинг ўғли Судава бўлди, унинг ўғли Виджайа бўлди. 2. Виджайанинг ўғли Бхарука бўлди, Бхаруканинг ўғли Врика, Вриканинг ўғли Бахука бўлди. Шох Бахуканинг душманлари унинг бутун бойлигини тортиб олдилар, шу боис шох ванапрастха турмуш тарзига ўтиб, риёзатга берилиш учун хотини билан ўрмонга йўл олди. 3. Бахука кексайиб оламдан ўтди, унинг хотинларидан бири сати маросими қодаларига риоя қилиб, у билан бирга муқаддас оловда ёнмоқчи бўлди. Лекин, унинг ҳомиладор эканини кўриб, Аурва Муни унинг гулханга киришини таъқиқлаб қўйди. 4. Унинг ҳомиладор эканини билиб, Бахуканинг бошқа хотинлари унинг овқатига захар кўшиб бермоқчи бўлдилар, лекин уларнинг нияти амалга ошмай қолди. Захар билан бирга унинг ўғил фарзанди дунёга келди. Шу боис бу фарзанд дунёга Сагара (“захар билан бирга туғилган”) деган ном билан машҳур бўлди. Кейинроқ Сагара бутун оламга ҳукмрон бўлган император бўлиб етишди. Гангасагара деган машҳур жойни унинг ўғиллари излаб топган эдилар. 5-6. Сагара Махараж рухий устози Аурва Мунининг кўрсатмасига амал қилиб, Таладжангхалар, Яванлар, Шаклар, Хаихайлар ва Варварлар сингари маданиятсиз одамларни ўлдирмади. Бунинг ўрнига у уларнинг баъзи бирларини ўнғайсиз кийинишга мажбур қилди, баъзиларининг соч-соқолини кириб, фақат мўйлов қўйишга, баъзиларининг узун соч қўйиб юришга, баъзиларининг бошидаги сочининг ярмини тақирлаб олишга, баъзиларини ич кийимсиз юришга, баъзиларини эса - устки кийимсиз юришга мажбур қилди. Шу тариқа турли маданиятсиз халқларга мансуб одамлар бир биридан ажралиб турадиган турлича кийимлар кийиб юришга мажбур бўлдилар, лекин шох Сагара уларни ўлдирмади.

7. Буюк донишманд Аурванинг кўрсатмаси билан Сагара Махараж ашвамедха қурбонлик маросими ўтказди ва шу билан олий ҳукмдор, барча билимдон олимларнинг Олий Руҳи ва барча Ведалар илмининг билимдони бўлган Худонинг Олий Шахсини мамнун қилди. Аммо осмон шоҳи Индра, бир куни қурбонлик маросимида эҳсон қилишга мўлжалланган отни ўғирлаб кетди.

8. Сагаранинг икки хотини бор эди: Сумати ва Кешини. Ўзларининг жасорати ва обрўси билан

мағрурланадиган Суматининг ўғиллари отасининг амри билан йўқолган отни излаб кетдилар. Улар отни излашга киришиб, ҳамма жойда чуқур казиб ташладилар. 9-10. Шундан сўнг, шимолий шарқ томонда улар Капила Мунининг ашрами олдида турган отни кўриб қолдилар. “Отни ўғирлаган одам мана шу ерда!” - деб ўйлади улар. “У бу ерда кўзларини юмган ҳолда ўтирибди. Жуда гуноҳкор бўлса керак. Уни дарров ўлдириб ташлаймиз! Дарров ўлдираемиз!” Шунга ўхшаган гапларни қичқиришиб, олтмиш минг жангчи кўлларига қурол олдилар. Улар донишмандга яқинлашганида донишманд кўзларини очди.

11. Осмон шоҳи Индранинг таъсири билан Сагаранинг ўғиллари ақлини йўқотиб, буюк зотга ҳурматсизлик қилдилар. Бунинг оқибатида уларнинг таналаридан кучли олов чиқиб, ўзларини ёқиб бир қисим кулга айлантирди. 12. Баъзида Сагаранинг ўғилларини Капила Мунининг кўзларидан чиққан ғазаб олови ёндириб кулга айлантирди деб айтадилар, лекин бундай тахминларни буюк донишмандлар тасдиқламайдилар, чунки Капила Мунининг илоҳий танаси ҳамиша соф эзгулик гунасида бўлади, шу боис, худди беғубор осмон ердан кўтарилган чанг билан ифлосланмагани сингари, у ғазаб кўринишидаги ғафлат гунасини намоён этиши мумкин эмас.

13. Капила Муни бу оламга Санкхйа йога фалсафасини олиб келди, бу таълимот ғофиллик уммонини кечиб ўтишга қодир бўлган мустаҳкам кемага ўхшайди. Аслини олганда моддий олам уммонини кечиб ўтишга интилаётган шахс ана шу фалсафа паноҳидан нажот топиши мумкин. Ана шундай юксак рухий поғонада турган зот қандай қилиб бировларни дўст ёки душманга ажратиши мумкин?

14. Сагаранинг ўғилларининг орасида Асаманджаса деган биттаси бор бўлиб, у Кешинидан туғилган эди. Асаманжасанинг Амшуман деган ўғли бўлиб, у ҳамиша бобоси Сагара Махаражнинг фойдасини ўйлаб иш қиларди. 15-16. Ўзининг аввалги ҳаётида Асаманжаса буюк сеҳргар йог эди, аммо, иймонсиз одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўзининг ана шу улуғвор ҳолатидан маҳрум бўлган эди. Энди, ҳозирги ҳаётида шох оиласида туғилиб, жатисмара, яъни ўзининг аввалги ҳаётларини эслаш қобилиятига эга бўлган эди. Шунга қарамай у ўзини ярамас одам қилиб кўрсатишга ҳаракат қиларди, шунинг учун у ҳамиша одамлар ва қариндошларнинг кўзига ёқимсиз бемаъни бўлган ишларни қилиб юрарди. У Сарайу дарёсида чўмилиб юрган болаларни сувнинг ўртасига ташлаб безовта қиларди. 17. Асаманжаса ана шундай фаолият билан шуғуллангани учун отаси унинг қилиқларидан безиб, уни уйдан ҳайдаб юборган эди. Кейин Асаманжаса ўзининг сеҳр қудратини кўрсатиб, ўзи сувга ташлаб ўлдирган болаларнинг барчасини сувдан чиқариб, отасининг ва болаларнинг ота-оналарининг кўзи олдида қайтадан ҳаётга қайтарди. Шундан сўнг Асаманжаса Айодхйани тарк этди.

18. Эй шох Парикшит, ўлган болаларнинг қайтадан тирилганини кўриб, Айодхйа аҳолиси хайратга тушди, шох Сагара ўғлининг кетганидан қаттиқ пушаймон бўлиб қийналди. 19. Шундан кейин Амшуман, Махараж Сагаранинг невараси йўқолган отни излаб топишга буйруқ олди. Тоғалари борган йўл билан бориб, Амшуман бир парча кул уюмига дуч келди ва шу ердан отни топди. 20. Буюк Амшуман отнинг ёнида ўтирган Парвардигор Вишнунинг намоён бўлган

киёфаларидан бири бўлган донишманд Капилани кўрди. Амшуман Унга чуқур ҳурмат-эҳтиром билан сажда қилди, кўлларини қовуштириб, ажойиб самимий илтижолар билан мурожаат қилди.

21. Амшуман шундай деди: “Эй азиз Худойим, ҳатто Тангри Брахма ҳам ҳали ҳозиргача Сенинг илоҳий ҳолатингни англаб ета олгани йўқ, чунки Сенинг улуғворлигинг муроқаба соҳасида ҳам, ақлий фикр юритишлар соҳасида ҳам ундан жуда юқорида туради. Шундай экан, фаришталар, ҳайвонлар, қушлар ва одамлар сингари Тангри Брахма яратган тирик мавжудотлар ҳақида нима дейиш мумкин? Бизлар бутунлай ғофиллик ботқоғига ботиб кетганмиз. Бизлар Илоҳий табиатга эга бўлган Сени қандай англай олишимиз мумкин? 22. Эй азиз Худойим, Сен ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам Ўзингнинг тўлиқ киёфангда мавжудсан, аммо, моддий тана билан қопланган тирик мавжудотлар Сени кўра олмайдилар, чунки улар моддий табиат гуналарини бошқариб турган Сенинг ташқи қувватинг ҳукми остида яшайдилар. Ўзларининг саттва-гуна, раджа-гуна ва тамо-гуна билан қопланган тафаккури ёрдамида улар моддий табиат гуналарининг ҳаракатларини ва шу ҳаракатларнинг оқибатларини кўра оладилар, холос. Ғафлат гунасининг ҳаракатлари ва шу ҳаракатларнинг оқибатлари таъсири остида тирик мавжудотлар уйқудами, сергак ҳолатидами, фақат моддий табиатнинг ишларини кўришга қодир; улар Сени кўра олмайдилар. 23. Эй азиз Худойим, моддий табиат гуналари таъсиридан озод бўлган тўрт Кумар сингари донишмандларгина барча илмлар маркази бўлган Сен ҳақингда фикр юритишга қодир. Менга ўхшаган ғофил одамлар қандай қилиб Сен ҳақингда фикр юрита олсин? 24. Эй бутунлай тинчликсевар бўлган Парвардигор, гарчи моддий табиат, кармали фаолият ва ундан келиб чиқадиган ҳар хил номлар ва киёфаларни Сен Ўзинг яратиб қўйган бўлсанг ҳам, улар Сенга таъсир қилмайдилар. Шунинг учун Сенинг илоҳий номларинг моддий номлардан фарқ қилади, Сенинг илоҳий киёфанг моддий киёфалардан фарқ қилади. Сен бизларга "Бхагавад Гита"даги сингари ҳар хил кўрсатмалар бериш учунгина моддий танани эслатадиган илоҳий танага кирасан, лекин аслида Сен Олий бошланғич илоҳий Шахссан. Шунинг учун мен чуқур ҳурмат-эҳтиром билан Сенга сажда қиламан. 25. Эй азиз Худойим, қалблари шахвоний эҳтирос, очкўзлик, ҳасад ва алданиш таъсири остида адашган одамлар бу дунёда Сенинг алдамчи қувватинг майя яратиб қўйган уйига, шинам, қулай хонадонига боғланиб қоладилар. Оиласи, хотини ва фарзандларига боғланиб, улар бу моддий оламда мангу айланиб юраверадилар. 26. Эй барча тирик мавжудотларнинг Олий руҳи, эй Худонинг Олий Шахси, шунчаки Сенга кўзим тушиши биланоқ мен тирик мавжудотнинг бу оламда алданиб, тутқун бўлиб юришига сабаб бўлувчи барча шахвоний эҳтирослар истагидан ҳалос бўлдим”. 27. Эй Махараж Парикшит, Амшуман шундай илтижолар билан Парвардигорни олқишлаганида, Парвардигор Вишнунинг бу дунёда намоён бўлган қудратли киёфаларидан бири, буюк донишманд Капила чексиз марҳамат кўрсатиб, унга илоҳий илм олиш йўлини ўргатди.

28. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Азизим Амшуман, бу ерда Сенинг отанг қурбонлик маросими ўтказиш учун излаётган ҳайвон(от) турибди. Илтимос,

уни олиб кет. Ёниб кулга айланган сенинг қариндошларинг эса фақат муқаддас Ганганинг сувлари ёрдамида озодликка чиқа оладилар. Уларни кутқаришнинг бошқа ҳеч қандай иложи йўқ”.

29. Шундан кейин Амшуман Капила Мунининг атрофини айланиб ўтди ва Унга эҳтиром билан сажда қилди. Шу тарзда Уни тўла мамнун қилиб, Амшуман қурбонлик маросимига аталган отни қайтариб олиб келди. Шу от билан Махараж Сагара ўзи бошлаган қурбонлик маросимини охирига етказди. 30. Ўзининг салтанатини Амшуманга топшириб, барча дунёвий тутқунлик ва ташвишлардан ҳалос бўлиб, Сагара Махараж Аурва Муни ўргатган йўлдан бориб руҳий юксалишда қамолотга эришди”.

Тўққизинчи боб. Амшуманнинг сулоласи.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Бобоси сингари шоҳ Амшуман ҳам жуда узоқ вақт риёзат чекди. Шунда ҳам барибир у Ганга дарёсини бу моддий оламга олиб кела олмади, вақти келганда ажали етиб у бу оламни тарк этди. Амшуман сингари унинг ўғли Дилипа ҳам Гангани бу дунёга олиб кела олмади, у ҳам ажали етганда бу дунёни тарк этди. Кейин, Дилипанинг ўғли Бхагиратха Ганга дарёсини моддий оламга олиб келиш ниятида жуда қаттиқ риёзатларга берилди. 3. Шунда она Ганга шоҳ Бхагиратханинг олдида пайдо бўлди ва шундай деди: “Мен сенинг чеккан риёзатларингдан жуда мамнунман, мендан истаган нарсангни сўрашинг мумкин, мен сенинг истагингни бажаришга тайёрман!” Она Ганга олдида эҳтиром билан бош эгиб, Бхагиратха унга қалбидаги ниятини изҳор қилди.

4. Она Ганга шундай деб жавоб берди: “Мен осмондан Ерга тушганимда сув босими жуда кучли бўлади. Бу дунёда ана шу қудратли босимга ким бардош бера олади? Агар мени Ер юзида тўхтатиб қолмасалар, мен Ер қобиғини тешиб ўтиб, қуйи сайёраларга, Расаталага, коинотнинг Патала қисмига ўтиб кетаман. 5. Эй шоҳ, аслида мен Ер сайёрасига тушишни истамайман, чунки унда ер юзидаги одамларнинг ҳаммаси гуноҳларидан поклаиш учун фақат менинг сувимда ювинадилар. Уларнинг гуноҳларининг барчаси менда тўпланиб қолганида мен улар оқибати таъсирида булғаниб, одамларни қандай озодликка чиқара оламан? Сен бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришинг керак”.

6. Бхагиратха шундай деди: “Худога соф садокат билан хизмат қилиб юргани шарофати билан табаррук авлиё бўлган ва шу боис таркидунё қилиб яшаб юрган пок зотлар, Худои Таолонинг қалби ҳар қандай дунёвий истаклардан бутунлай пок бўлган соф содиқлари, Ведавий қонун-қоидаларга қатъий риоя қилиб юрган пок зотлар, ҳамиша намунали хулқ-атворга эга бўлган мўътабар зотлар бу дунёдаги барча адашган руҳларни поклашга қодирдилар. Ана шундай соф содиқлар сенинг сувларингда чўмилганида сенинг сувларингда гуноҳкорлар чўмилганида тўпланган гуноҳларнинг барча оқибатлари яқсон бўлиб кетади, чунки Худонинг содиқлари қалбининг тўрида ҳамиша барча гуноҳлар оқибатини яқсон қилишга қодир бўлган Худонинг Олий Шахсини олиб юрадилар. 7. Бўйига ва энига таралиб кетган иплардан тўқилган мато сингари, бутун

борлиқни ҳам бўйига ва энига Худонинг Олий Шахсининг ҳар хил қувватлари камраб олиб ҳукмронлик қилади. Тангри Шива Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўлган қиёфасидир, шу боис у шартланган руҳлар қалбидаги Олий Руҳ ҳисобланади. Унинг ўзи сенинг шиддат билан осмондан тушаётган қудратли сувларингни ўзининг боши билан ушлаб қолади”.

8. Шундан сўнг Бхагиратҳа яна қаттиқ риёзатларга берилиб, Тангри Шивани мамнун қилди. Тангри Шива бир пасда унинг риёзатларидан мамнун бўлди. 9. Шоҳ Бхагиратҳа Тангри Шиванинг олдига бориб, ундан Ганганинг қудратли сувларини тўхтатиб қолишни илтимос қилди, Тангри Шива унга: “Сен айтгандай бўлади!” - деб рози бўлди. Тангри Шива қалби қувончга тўлиб, Ганга сувларини ўзининг бошига қабул қилди, чунки Ганганинг сувлари Парвардигор Вишнунинг нилуфар қадамлари пойидан тушиб покланган табаррук сувлардир.

10. Буюк ва табаррук шоҳ Бхагиратҳа барча адашган руҳларни поклашга қодир бўлган муқаддас Ганга сувларини қариндошларининг таналари ёқиб кул қилинган жойга олиб келди. 11. Бхагиратҳа ўзининг чопқир отлар қўшилган жанг аравасига миниб, она Ганганинг олдида борарди. Ганга ўзи ўтган ҳамма жойларни поклаб, унинг орқасидан то шоҳнинг қариндошлари бўлган Сагаранинг ўғилларининг жасадларининг кули ётган жойгача борди. Уларга Ганга сувларидан сепдилар. 12. Сагара Махаражнинг ўғиллари буюк шахсни ҳақорат қилгани сабабли таналарининг ҳарорати ошиб, ўзидан-ўзи ёниб кул бўлиб кетган эдилар. Аммо, муқаддас Ганганинг табаррук сувлари теккандан кейин улар жаннатий сайёраларга кўтарилиш имконига эга бўлдилар. Шундай экан, Ганга сувларига чуқур ҳурмат эҳтиром билан сажда қилиб юрган одамларнинг тақдири ҳақида нима дейиш мумкин? 13. Ёниб кул бўлиб кетган таналарининг қулига муқаддас Ганганинг сувлари теккани шарофати билан Махараж Сагаранинг ўғиллари жаннатга эришдилар. Шундай экан, муқаддас қасамларига риоя қилиб, ҳар куни она Гангага сиғиниб юрган тақводор одам ҳақида нима дейиш мумкин? Ана шундай содиқнинг эришадиган руҳий поғонасини ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг!

14. Муқаддас Ганга сувлари Худонинг Олий Шахси Анантадеванинг оёгининг нилуфар бармоқларидан чиқаётгани учун ҳар қандай одамни ҳам моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқаришга қодир. Шу боис бу ерда муқаддас Ганга ҳақида айтилган гапларнинг ҳечам ҳайратланарли жойи йўқ. 15. Шаҳвоний эҳтирослардан бутунлай халос бўлган буюк донишмандлар ўзларининг бутун ақлу-заковатини Худого садоқат билан хизмат қилишга бағишлайдилар. Шундай шахслар моддий олам тутқунлигидан осонлик билан озодликка чиқа оладилар, улар Худои Таолонинг руҳий сифатларига эга бўлиб, илохий поғонага кўтариладилар. Худонинг Олий Шахсининг шуҳрати шундай.

16-17. Бхагиратҳанинг Шоуга деган ўғли бўлди, унинг эса Набха деган ўғли бўлди. Бу Набха юқорида баён этилган Набхадан бошқа шахс. Набханинг Синдхувипа деган ўғли бўлди, Синдхувипанинг Айугайу деган ўғли бўлди, Айугайунинг Ритупарни деган ўғли бўлди, у Налараджанинг дўсти бўлди. Ритупарна Налараджага қимор ўйнаш сирларини ўргатди, Налараджа эса, Ритупарнага отларни

парваришlash ва уларни бошқариш сирларини ўргатди. Ритупарнанинг ўғли Сарвакама бўлди. 18. Сарвакаманинг Судаса деган ўғли бўлди, унинг Саудаса деган ўғли Мадайнтининг эри бўлди. Саудаса баъзан Митрасаха ёки Калмашапада деган номлар билан ҳам тилга олинади. Ўзининг золимлиги туфайли Митрасаха ўғилларидан маҳрум бўлган, донишманд Васиштҳанинг қарғишига учраб, Ракшас(гўштхўр)га айланган эди”.

19. Махараж Парикшит шундай деди: “Эй Шукадева Госвами, Саудасанинг руҳий устози Васиштҳа нимага шундай буюк зотни дуои бад қилди? Мен шу ҳақда билиб олишни истайман. Агар сир бўлмаса, менга шу ҳақда гапириб бер”.

20-21. Шукадева Госвами шундай деди: “Бир куни Саудаса яшаш учун ўрмонга йўл олди, у ўрмонда бир Ракшасни ўлдирди, лекин шу Ракшаснинг укасининг гуноҳини кечириб, ўлдирмасдан тирик қўйиб юборди. Кейинчалик Ракшаснинг укаси акаси учун ундан ўч олишга аҳд қилди. Шоҳга қандай зарар етказсам экан, деб у шоҳнинг саройига ошпаз бўлиб ишга кирди. Бир куни шоҳнинг руҳий устози Васиштҳа Муни тушликка таклиф этилган эди, шунда Ракшас унга одам гўштидан таом тайёрлаб берди.

22. Олдига қўйилган овқатни кўриб, Васиштҳа Муни ўзининг сеҳр қудрати билан таомнинг ҳаром, яъни одам гўшtidан тайёрланганини англаб олди. Унинг ғазаби қайнаб, шу заҳотиёқ Саудасани дуои бад қилиб: “Илоё Ракшас бўлгайсан!” - деб қарғади. 23-24. Васиштҳа Муни таомни тайёрлаган шоҳ эмас, ракшас эканини билганидан кейин, бегуноҳ шоҳни қарғаб қилган ҳақорати оқибатидан покланиш учун ўн икки йил қаттиқ риёзат чекди. Айни пайтда шоҳ Саудаса ҳам кўлига сув олиб покланиб, Васиштҳани дуои бад қилишга ҳозирланиб Шапа-мантрани зикр қила бошлади. Аммо унинг хотини Мадайнанти уни бу ишдан қайтарди. Кейин шоҳ кўрдик, оламнинг барча ўн томони, осмон ва ер юзининг ҳамма жойи тирик мавжудотлар билан қопланган.

25. Шу тариқа шоҳ Саудаса одамхўр Ракшасга айланди ва оёғида бир хол пайдо бўлди, шу сабабли у Калмашапада деган ном қолдирди. Бир куни шоҳ Калмашапада ўрмонда жинсий алоқа қилиш билан машғул бўлган эр-хотин браҳманларни учратиб қолди. 26-27. Ракшаслик табиатининг таъсири остида қорни жуда оч бўлгани сабабли, шоҳ Саудаса дарров браҳманни ушлаб олди. Кейин, браҳманнинг хотини шоҳга шундай деди: “Эй қахрамон, сен ҳақиқатан ҳам одамхўр золим экансан; бунинг устига сен буюк Махараж Икшваку сулоласидан экансан. Аслида сен - Мадайнтининг эри, буюк жангчисан. Сен иймонсизларча бундай иш қилмаслигинг керак. Мен фарзанд кўришни истайман. Шунинг учун илтимос, эримни қайтариб бер, у ҳали мен билан жинсий алоқа қилгани йўқ. 28. Эй шоҳ, эй қахрамон, аёл зотининг танаси ҳар турли лаззатлар учун яратилган. Агар сен унинг танасини бевақт яқсон қилсанг, тирик мавжудотни унга инсон ҳаёти берадиган барча саодатлардан маҳрум қиласан. 29. Бу танада бир билимдон браҳман бор, у қаттиқ риёзатга берилиб, Олий Руҳ кўринишида барча тирик мавжудотларнинг қалбида мавжуд бўлган Худои Таолога сиғиниб яшайди. 30. Эй ҳукмдор, сен ҳақиқий дин қонун-қоидаларидан тўла хабардорсан. Ҳеч қачон фарзанд отасини ўлдириши мумкин бўлмагани сингари, бу

брахманни ҳам шоҳ ҳимоя қилиши, асло ўлдирмаслиги лозим. Қандай қилиб бу бегуноҳ брахман сендай авлиё шоҳ қўлидан ҳалок бўлиши мумкин? 31. Сени барча билимдон донишмандлар ҳурмат билан тилга оладилар. Сен нимага табаррук, авлиё, Ведалар илмини мукаммал биладиган бу бегуноҳ брахманни ўлдирмоқчи бўляпсан? Уни ўлдириш худди ҳали онасининг қорнидаги чақалоқни ёки сигирни ўлдирган билан баробар бўлган жуда оғир гуноҳ бўлади. 32. Эрим бўлмаса мен бир лаҳза ҳам яшай олмайман. Агар сен менинг эримни емоқчи бўлсанг, аввал мени е, чунки эрим бўлмаса мен шунчаки бир жонсиз мурда бўлиб қоламан”.

33. Васиштҳанинг қарғишига учраган шоҳ Саудаса худди ўлжасини ҳеч иккиланмай ейдиган йўлбарсдай, бир пасда брахманни еб қўйди. Брахманнинг хотини шунчалик зорланиб гапирганига қарамай, Саудасанинг унга зиғирча раҳми келмади. 34. Брахманнинг покдомон хотини ўзи билан жинсий алоқа қилишга улгурмаган эрини одамхўр Ракшас еб қўйганини кўриб, қаттиқ мусибатга тушди. У ғазабга тўлиб, шоҳни дуои бад қилди:

35. “Эй нодон, гуноҳқор инсон, мен фарзанд кўриш ниятида эрим билан жинсий алоқа қилаётганимда, ҳали хомиладор бўлиб улгурмасимдан аввал эримни ёвузларча ўлдириб еб қўйганинг учун илоё сен ҳам хотининг билан энди қўшилмоқчи бўлган пайтингда жон бергайсан! Сен жинсий алоқа қилиш учун хотинингга интилган заҳоти жон таслим қиласан!”

36. Брахманнинг хотини Митрасаха деган ном билан машҳур бўлган шоҳ Саудасани шундай дуои бад қилди. Кейин, эрининг изидан кетишга ҳозирланиб бу аёл эрининг суякларини ёқиш учун муқаддас гулхан ёқди, гулханга ўзи ҳам қириб, эри билан бирга бу дунёни тарк этди. 37. Орадан ўн икки йил ўтгандан кейин, Васиштҳанинг қарғиши таъсиридан озод бўлганида, шоҳ хотини билан қовушмоқчи бўлди. Аммо малика унга брахманнинг хотинининг қарғишини эслатиб қўйди, шунинг учун у хотини билан қўшилмади. 38. Шундан кейин шоҳ жинсий ҳаёт лаззатидан маҳрум бўлиб, бепарзанд ўтишга мажбур бўлди. Кейинроқ, шоҳнинг рухсати билан буюк донишманд Васиштха Муни Мадайанти билан қўшилиб, уларга битга ўғил фарзанд ато этди. 39. Мадайанти бу фарзандни туғмасдан қорнида етти йил олиб юрди. Шунинг учун донишманд Васиштха унинг қорнини тош билан уриб жароҳатлади, шундан кейин ўғил фарзанд дунёга келди. Шунинг учун унинг исми Ашмака(“тошдан туғилган бола”) бўлди.

40. Ашмакадан Балика туғилди. Балика аёллар қуршовида ичида Парашураманинг ғазабидан қутулиб қолгани учун уни Нарикавача(“Аёллар ҳимоя қилган зот”) деб атайдилар. Парашурама барча қшатрийларни яксон қилгандан кейин Балика жуда кўп қшатрийларнинг бобокалони бўлди. Шунинг учун у Мулака, яъни “қшатрийлар сулоласининг илдиизи” деган ном билан ҳам машҳур.

41. Баликадан Дашаратха деган ўғил туғилди, Дашаратхадан Аидавиди туғилди, Аидавидидан шоҳ Вишвасаха туғилди. Шоҳ Вишвасанинг ўғли машҳур Махараж Кхатванга бўлди. 42. Шоҳ Кхатванга ҳеч қандай жангда енгилмас жангчи эди. Фаришталар ундан иблисларга қарши жангда ўзлари билан бирга бўлишни таклиф қилдилар, у фаришталар томонида туриб иблислар устидан ғалаба қозонди, фаришталар

ундан жуда мамнун бўлиб, уни дуо қилмоқчи бўлдилар. Шунда шоҳ улардан қанча умри қолганини сўради, фаришталар унинг атиги бир лаҳза умри қолганини айтдилар. Шунда у шу заҳотиёқ саройини тарк этиб, бутун фикру-хаёлини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига жамлади.

43. Махараж Кхатванга шундай деб ўйлади: “Хатто менинг ўз ҳаётим, жоним ҳам мен учун брахманлар маданияти ва оилам аъзолари сиғинадиган брахманлардан қадрлироқ эмас. Шундай экан, салтанатим, хотиним, бойлигим ва болаларим ҳақида нима дейиш мумкин? Менга ҳаётда брахманлардан азизроқ ҳеч нарса йўқ. 44. Мен ҳеч қачон, ҳатто болалик пайтларимда ҳам арзимас, ўткинчи, Худои Таоло билан боғлиқ бўлмаган нарсалар билан қизиқмасдим. Мен умримда Худонинг Олий Шахсидан бошқа бирор нарсага интилмаганман. 45. Бутун уч оламни бошқариб турган фаришталар мени дуо қилиб, истаган нарсамни бермоқчи эдилар. Лекин мен уларнинг ваъда қилган дуолари билан қизиқмадим, чунки мен бу моддий оламдаги ҳамма нарсани яратиб қўйган Худонинг Олий Шахсига интиламан, фақат У билан қизиқаман. Мен ҳаётдаги ҳар қандай дунёвий дуолардан, бахт-саодатлардан ҳам кўпроқ Худонинг Олий Шахси билан қизиқаман. 46. Гарчи фаришталар олий сайёралар тизимида яшасалар ҳам. Уларнинг ақллари, ҳиссиёти ва тафаккури моддий шароитлар таъсири остида булганган бўлади. Шу боис ҳатто ана шундай улуғвор зотлар ҳам тирик мавжудотнинг қалбининг тўрида мавжуд бўлган Худонинг Олий Шахсини англаб ета олмайдилар. Шундай экан, улардан анча кам имкониятга эга бўлган инсон танасидаги тирик мавжудотлар ҳақида нима дейиш мумкин? 47. Шунинг учун мен ҳозир Худонинг Олий Шахсининг ташқи қуввати яратган нарсаларнинг барчасига бўлган боғланишларимни ҳозироқ тарк этишим лозим. Мен Парвардигор ҳақидаги фикру-хаёлларга ғарқ бўлиб, шу тариқа Унга ўз ихтиёримни бутунлай топширишим лозим. Аслида Парвардигорнинг ташқи қуввати яратган бу моддий олам одамнинг кўзига худди ўрмонда ёки тоғда кўринадиган сароб, мавҳум шаҳарга ўхшаб кўринади. Ҳар бир шартланган руҳнинг қалбида табиий равишда дунёвий нарсаларга боғланиш туйғуси мавжуд, лекин ҳар ким ана шу боғланиш туйғусини тарк этиб, ўз ихтиёрини Худои Таолога топшириши лозим”.

48. Шу тариқа Махараж Кхатванга Худого садоқат билан хизмат қилиш билан уйғунлашган ўткир тафаккури ёрдамида ўзини ғафлатга ботган моддий танасига кёслашни бутунлай тарк этди. Ўзининг азалий мангу рухий танасида у Худого соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилди.

49. Худонинг Олий Шахсини шахсиятсиз ёки бўшлиқ деб тасаввур қиладиган маданиятсиз ғофил одамлар Васудевани, Парвардигор Кришнани англаб етиши жуда мушкул. Шунинг учун ягона Парвардигорни, Худонинг Олий Шахсини фақат Унинг соф содиқларигина муносиб шарафлаб қуйлай оладилар.

**Ўнинчи боб.
Парвардигор Рамачандранинг
эрмаклари.**

1. Шукаева Госвами шундай деди: “Махараж Кхатванганинг ўгли Диргхабаху бўлди, унинг ўгли машхур Махараж Рагху бўлди. Махараж Рагхундан Ажда туғилди, Аждадан буюк зот Махараж Дашаратха дунёга келди. 2. Фаришталарнинг илтижосини инобатга олиб, Худонинг Олий Шахси, Муғлак Ҳақиқатнинг Ўзи, Ўзининг экспансияси ва экспансиясининг экспансияси билан бу оламда намоён бўлди. Уларнинг муқаддас номлари Рама, Лакшмана, Бхарата ва Шатругна эди. Мана шу машхур киёфалар бу дунёда Ўзларини Махараж Дашаратханинг ўғиллари сифатида намоён этдилар.

3. Эй шоҳ Парикшит, Парвардигор Рамачандранинг илоҳий фаолиятини ҳақиқатни кўра биладиган кўплаган буюк авлиё зотлар тўлиқ таърифлаб берганлар. Сен она Ситанинг эри бўлган Парвардигор Рамачандра ҳақида жуда кўп эшитгансан, шунинг учун мен сенга Унинг фаолиятини фақат қисқача гапириб бераман. Кулоқ сол.

4. Отаси ўзининг берган ваъдасининг устидан чиқиши учун Парвардигор Рамачандра саройдаги шоҳона ҳаётини тарк этиб, хотини она-Сита билан бирга ўрмонма-ўрмон ялангоёқ пиёда йўлга тушди. Унинг нилуфар қадамлари пойи шу қадар нозик эдики, уларга нафақат ўрмондаги чақиртиканаклар ўсиб ётган сўкмоқлар, ҳатто она-Ситанинг юмшоқ кўллари ҳам кўполлик қиларди. Парвардигорга маймунлар шоҳи Хануман, яна бир маймун Сугрива, укаси Парвардигор Лакшмана ҳамроҳ бўлиб, Унинг машаққатли сафардаги қийинчиликларини баргараф этиб юрдилар. Шурпанакханинг кулоқ-бурнини кесиб, уни бадбашара кўринишга келтиргандан кейин Парвардигор она-Ситадан айрилиб қолган эди. Шунинг учун У газаби қайнаб қошни чимириб, Ўзининг ўтли нигоҳи билан Океанни кўрқитди, Океан даҳшатга тушиб, уни кесиб ўтиш учун кўприк қуришга рухсат берди. Кейин, Парвардигор Рамачандра худди ўрмонни ютиб юборадиган қудратли ёнғин сингари, иблис Раванни ўлдирди шунинг салтанатига бостириб борди. Илоё ана шу Парвардигор Рамачандранинг Ўзи бизларни бу дунёдаги барча фалокатлардан ҳимоя қилиб юрсин!

5. Вишвамित्रа ўтказётган қурбонлик маросими майдонида Айодхя шоҳи Парвардигор Рамачандра жуда кўп иблисларни, рақшасларни ва ғофиллик зулматига ғарқ бўлиб, тунда санғиб юрадиган жуда кўп маданиятсиз одамларни ўлдирди. Лакшман иштирокида шу иблисларни ўлдирган ана шу Парвардигор Рамачандра меҳрибонлик ва ғамхўрлик билан бизларни ҳар хил офатлардан ҳимоя қилсин!

6-7. Эй шоҳ, Парвардигор Рамачандранинг ўйинлари худди фил боласининг ўйинлари сингари жуда ажойиб эди. Она Сита ўзига қайлик танлаши лозим бўлган маросимда У бу оламнинг жуда кўп буюк қахрамонларининг кўзи олдида Тангри Шиванинг камонини синдирди. Бу камон шу қадар оғир эдики, уни уч минг одам зўрға кўтарарди. Худди филнинг боласи шакарқамишни синдиргани сингари, Парвардигор Рамачандра ҳеч қийналмасдан камонни кўтариб, ип ўтказиш учун эгаётганида уни қоқ ўртасидан синдириб қўйди. Шу тариқа Парвардигор Рамачандра она Ситанинг кўлига эга бўлди. Она Сита Ўзининг барча илоҳий сифатлари, гўзаллиги, хулқ-атвори, ёши ва табиати билан Унга жуда мос келарди. Аслида у ҳаминша Парвардигорнинг кўксига жойлашган равнақ фариштаси эди. Ситанинг кўлига эга бўлиб қайтиб

келаётган Парвардигор Рамачандра йўлда Парашурамани учратди. Гарчи Парашурама ер юзини хукмрон шоҳлардан йигирма бир марта тозалагани билан жуда мағрур бўлса ҳам, шоҳлар сулоласида кшатрий бўлиш учун келган Парвардигор Рамачандра Уни мағлуб қилди.

8. Хотинига берган ваъдасига қаттиқ боғланиб ноилож қолган отасининг амрига бош эгиб*, худди рухий озодликка эришган руҳ танасини осонлик билан тарк этгани сингари, Парвардигор Рамачандра ҳам Ўзининг салтанатини, бойлигини, дўстларини, яхшилик истовчи оғайниларини, ватанини ва бошқа нарсаларини ортда қолдириб, ҳеч иккиланмасдан хотини Сита билан ўрмонга йўл олди.

9. Қаттиқ қийинчиликларни бошидан кечириб, ўрмонда кўлига енгилмас камон ва пайконларини олиб юриб, Парвардигор Рамачандра Раваннинг шаҳвоний эҳтиросга берилган сингисининг кулоқ ва бурнини кесиб, бадбашара қилди. Шунингдек Парвардигор унинг Кхара, Тришира ва Душана бошлиқ ўн тўрт минг рақшас-дўстларини яқсон қилди.

10. Эй шоҳ Парикшит, елкасида ўн калласи бўлган Равана Ситанинг ажойиб ва кишини ҳайратга соладиган илоҳий фазилатлари ҳақида эшитганида, унинг ақли шаҳвоний эҳтирос таъсирида бузилиб, она-Ситани ўғирлаб олиб кетишга аҳд қилди. Парвардигор Рамачандрани ашрамдан узоқлаштириш учун Раван Унинг олдида олтин қийик қиёфасига кирган иблис Маричини юборди. Парвардигор Рамачандра ана шу ғаройиб қийикни кўрганида ашрамини ташлаб, уни қувлашга тушди. Кейин худди Тангри Шива Дакшани ўлдиргани сингари, Ўзининг ўтқир пайкони билан қийикни ўлдирди.

11. Рамачандра ўрмон ичкарасига кириб кетганида, ашрамда Лакшман ҳам йўқлигидан фойдаланиб, худди йўлбарс ҳимоясиз қолган кўзичокни ўғирлагани сингари, Рақшаслар ичида энг жирканчи бўлган Равана Видеха шоҳи Ситадевини ўғирлаб олиб кетди. Кейин, Парвардигор Рамачандра хотини Ситадан

*Махараж Дашаратханинг уч хотини бор эди. Уларнинг биттаси Канкейи эрига жуда яхши хизмат қиларди. Шунинг учун шоҳ унга бирор совға қилмоқчи бўлди ва ундан истаган икки нарсасини тилашни сўради. Лекин Канкейи илтимосини ўзи истаган пайтда айтишни ихтиёр қилди. Шахзода Рамачандрани тахтга ўтказиш маросими олдида Канкейи тахтга ўгли Бхаратани ўтказишни, Рамачандрани эса, ўрмонга сургун қилишни илтимос қилди. Махараж Дашаратха аввал ваъда бериб қўйгани учун, суюкли хотинининг илтимоси билан Парвардигор Рамачандрани ўрмонга сургун қилди. Парвардигор итоаткор ўғил сифатида отасининг амрини ҳеч иккиланмай қабул қилди. У озод руҳ ёки йоғ ҳеч боғланмасдан танасини тарк этгани сингари, ҳамма нарсани бемалол тарк этиб кетди.

айрилганидан қаттиқ қийналгандай бўлиб, ўрмонда укаси Лакшмана билан узоқ вақт дайдиб юрди. Бу билан У Ўз мисолида аёлларга қаттиқ боғланиб қолган одамнинг қандай ҳолатга тушишини кўрсатиб берди.

12. Нилуфар қадамлари пойига Тангри Брахма ва Тангри Шива ҳам сажда қиладиган Парвардигор Рамачандра бу оламга инсон танасида келган эди. Шу тариқа У Равана ўлдирган куш Жатайанинг дафн маросимини ўтказди*. Кейин, Парвардигор Кабандха деган иблисни ўлдирди, маймунлар сардори билан дўстлашиб, Валини ўлдирди, она-Ситани қутқариш ниятида океан қирғоғига йўл олди.

13. Океан қирғоғига етиб боргандан кейин Парвардигор Рамачандра уч кун рўза тутиб, океан тимсоли бўлган фариштанинг келишини кутди. Океан

фариштаси келавермагандан кейин Парвардигор Ўзининг илоҳий кудратини намоён этиб, ғазаб тўла нигоҳини океанга тикди. Унинг оловдай кудратли нигоҳидан океандаги барча тирик мавжудотлар - ҳатто катта крокодил ва акулалар ҳам куйиб, даҳшатга тушдилар. Океан фариштаси даҳшатга тушиб, дарров Парвардигор олдида пайдо бўлди, ҳар хил анжомлар билан Унга сажда қилиб, сиғиниш маросими ўтказиб, Унинг нилуфар қадамлари пойига йиқилиб илтижо кила бошлади.

14. “Эй бутун борликни қамраб олган Олий Шахс, бизлар жуда ғофил-нодон зотлармиз, шу боис Сенинг ким эканингни тушунолмайд қолдик. Лекин энди англаб етдикки, Сен - бутун борлиқнинг эгаси, ўзгармас ва азалий Худонинг Олий Шахсисан. Фаришталарни эзгулик гунаси, Праджапатиларни - эҳтирос гунаси, арвоҳларнинг ҳукмдорларини эса - ғафлат гунаси йўлдан адаштиради, лекин Сен ана шу барча гуналарнинг ҳукмдорисан. 15. Эй азиз Худойим, Сен менинг сувларимдан Ўзинг истаганча фойдаланишинг мумкин. Аслида Сен уни кечиб ўтиб, бутун уч оламга ташвиш ва азоб келтираётган Равананинг даргоҳига киришга қодирсан. У Вишраванинг ўғли бўлиб, ўзи худди сийдикдай жирканч зот. Илтимос, Уни ўлдири ва хотининг Ситадевини кутқариб ол. Эй буюк қаҳрамон, гарчи менинг сувларим Сенинг Ланкага ўтишинга халақит беришга қодир бўлмаса ҳам, илтимос, бу оламда Ўзингнинг илоҳий қароматларингни намоён этиш учун унинг устига ғаройиб

*Равана Ситани ўғирлаб бораётганида унинг йўлини баҳайбат куш Жатайя тўсди. Аммо кудратли Равана жангда Жатайяни мағлуб қилди ва унинг қанотини чопиб ташлади. Парвардигор Рамачандра Ситани излаб юрганида У холдан тойган Жатайяни учратди. Ундан Ситани Раван ўғирлаб кетганини билиб олди. Жатайя ўлганида Парвардигор Рамачандра унинг ўғлининг бурчини бажариб, уни дафн қилиш маросимини ўтказди. Кейин Ситани кутқариб олиш учун маймунлар билан дўстлашди.

кўприк қур. Сенинг ана шу ғайритабиий мўъжизангни кўриб, келажакда барча қаҳрамонлар ва шохлар Сенинг шуҳратингни куйлаб юрадилар”.

16. Шукадева Госвами шундай деди: “Океан устига тоғ тошларини, қояларини ташлаб, улардан катта кўприк қуриб, Парвардигор Рамачандра Ситадевини Раваннинг қамоғидан кутқариш учун Ланкага йўл олди. Раваннинг укаси Вибхишаннинг бевосита ёрдами ва кўрсатмалари билан Парвардигор Сугрива, Нила ва Хануман бошлиқ маймун-жангчилар билан бирга Раваннинг салтанати Ланкага кирдилар. Ланкага Хануман ўт қўйиб юборган эди. 17. Сугрива, Нила Хануман сингари лашкарбошилар бошчилигида маймун-жангчилар Ланкага кириб, барча омборларни, хазиналарни, шаҳар дарвозаларини, мажлис залларини босиб олдилар. Шаҳарнинг барча чорраҳалари, майдонлари, гумбазлари бутунлай яқсон қилинганда, бутун Ланка шаҳри филлар тўдаси кесиб ўтган дарё ўзани сингари харобага айланиб қолган эди. 18. Ракшаслар ҳукмдори Равана маймун-жангчилар харобага айлантирган шаҳарни кўриб Никумбха, Кумбха, Дхумракша, Дурмуқша, Сурантака, Нарантака ва бошқа рақшасларни, шунингдек ўғли Индражитни олдига чақирди. Кейин у Прахастани, Атикайяни, Викампанани ва ниҳоят Кумбхакарнани чақирди. У ўзининг барча қўшинини душманга қарши жангга ташлади. 19. Лакшман ҳамда Сугрива, Хануман, Гандҳамада, Нила, Ангада, Жамбаван ва Панаса

сингари маймун-жангчилар билан бирга Парвардигор Рамачандра ҳар хил енгилмас қуроллар - қилич, найза, камон, праса, ришти, шакти пайкони, кхадга ва томаралар билан қуролланиб олган Ракшасларнинг қўшинига қарши ҳужум қилди. 20. Рамачандранинг Ангада ва бошқа лашкарбошиларни душманнинг филлари, пиёда аскарлари, отлиқлари ва жанг аравалари билан тўқнашиб, уларга катта-катта дарахтларни, катта тоғ қояларини, гурзи ва пайконларни отдилар. Шундай қилиб, Парвардигор Рамачандранинг аскарлари Раваннинг жангчиларини тор-мор қилди. Улар бор нарсаларидан айрилиб, мағлуб бўлдилар, чунки Равана она Ситанинг ғазабига учраб, ундан дуои-бад қарғиш олган эди.

21. Ракшаслар шоҳи Равана ўз қўшинидаги жангчилар тор-мор бўлганини кўриб, қаттиқ ғазабланди. У ўзининг гуллар билан безатилган жангвор ҳаво кемасига ўтирди ва Индранинг жиловдори Матали олиб келган ярқироқ жанг аравасида ўтирган Парвардигор Рамачандранинг олдига борди. Кейин Равана Парвардигор Рамачандрани ўткир пайконлар билан жароҳатлади. 22. Парвардигор Рамачандра Раванага шундай деди: “Сен барча гўшт ейдиган махлуқлар ичида энг жирканчлиси бўлган зотсан. Аслида сен уларнинг ахлатига ўхшайсан. Сен худди итга ўхшайсан, чунки ит ҳам хўжайини уйида йўқ пайтда ошхонадан овқат ўғирлайди. Сен ҳам Мен йўқлигимда хотиним Ситадевини ўғирлаб кетгансан. Шунинг учун худди Ямараж гуноҳкорларни жазолагани сингари, Мен ҳам сенинг таъзирингни бериб жазолайман. Сен - энг жирканч, гуноҳга ботган ва уятсиз зотсан. Бугун Мен сени албатта жазолайман!”

23. Шу гапларни айтиб, Парвардигор Рамачандра қўлига қамонини олиб, Раванни нишонга олиб пайкон йўллади. Пайкон яшиндай чакнаб, Раваннинг юрагини тешиб ўтди. Буни кўрган Раваннинг издошлари даҳшатга тушиб, қичқириб юбордилар: “Э-вох! Эҳ аттанг! Нима бўлди! Нимага бундай бўлди!” Айни пайтда Равана ўзининг ўн оғзидан қони оқиб, худди савоб ишларининг натижаси тугаганида жаннатдан пастга қараб қулайдиган фаришта сингари, ўзининг ҳаво кемасидан ерга қулаб тушди. 24. Шундан сўнг, эрлари жангда ҳалок бўлган барча хотинлар, Раваннинг хотини Мандодари бошчилигида Ланкадан ташқарри чиқдилар. Тинмасдан дод-вой солиб йиғлаб, улар Раван ва бошқа рақшасларнинг ўлиб ётган жасадларига яқинлашдилар. 25. Лакшманнинг пайконлари зарбидан ҳалок бўлган эрларининг жасадини қучоқлаб, мусибатдан кўксига муштлаб, ҳар қандай тошбағир одамнинг ҳам қалбини ларзага соладиган даражада аюҳаннос солиб йиғлардилар. 26. “Эй ҳожама, эй ҳукмдорим! Сен барчага азоб келтирар эдинг, шу боис Сени Равана (“бошқаларни йиғлашга мажбур қиладиган зот”) деб атаганлар. Энди сен яқсон бўлганиндан кейин биз ҳам мағлуб бўлдик, чунки сенин Ланка давлати душман қўлига ўтади. Энди бизлар кимдан паноҳ сўраймиз? 27. Эй буюк омадли зот, сен шахвоний эҳтирос домига тушиб қолдинг, шу боис сен она Ситанинг кудратини англаб ета олмадинг. Энди Унинг қарғиши сабабли сен Парвардигор Рамачандранинг дастидан мана шундай ночор аҳволга тушиб қолдинг. 28. Эй Ракшаслар сулоласининг фаҳри, сен сабабли Ланка давлати ҳам, бизлар ҳам энди бутунлай химоясиз қолдик. Ўз қилмишларинг билан сен танангни қарға-

кузгунларга емиш қилиб, рухнингни дўзах азобига мубтало қилдинг”.

29. Шукадева Госвами шундай деди: “Вибхишанини, Раваннинг такводор, Худои Таолоннинг содик хизматкори бўлган укаси Косала шоҳи ҳамда Парвардигор Рамачандра қўллаб-қувватлади. У ўзининг қариндошларини дўзах азобидан сақлаб қолиш учун уларга дафн маросими ўтказди. 30. Шундан сўнг Парвардигор Рамачандра Ситадевини ашока дарахтлари ўсиб ётган ўрмонда Шимшала деган дарахт тагида кичик ўтиргичда ўтирган ҳолда учратди. У Парвардигор Рамачандрандан айрилиқ ўтида қуйиб, озиб, тўзиб қолган эди. 31. Хотинини бундай аҳволда кўриб, Парвардигор Рамачандранинг қалбига Ситага нисбатан чуқур ҳамдардлик, ачиниш туйғуси пайдо бўлди. Парвардигор олдига келганида у севгилисини учратганидан қалби чексиз қувончга тўлган, юзидаги табассуми унинг шодлигини кўрсатиб турарди. 32. Ланканинг рақшаслардан иборат аҳолисига бир қалпа давомида ҳукмронлик қилишни Вибишанага тайинлаб, Худонинг Олий Шаҳси, Ситадевини Ўзининг гуллар билан безатилган чиройли ҳаво кемасига ўтказди, кейин унга Ўзи ҳам ўтирди. Унинг ўрмонда ўтказиши лозим бўлган сургунилик вақти ниҳоясига етгани сабабли Парвардигор Хануман, Сугрива ва укаси Лакшман билан бирга Айодхйага қайтиб келди.

33. Парвардигор Рамачандра Ўзининг пойтахти Айодхйага қайтиб келганида, барча фуқаролар Уни шоҳона тантана билан кутиб олди. Тангри Браҳма ва бошқа буюк зотлар Унинг илоҳий қароматларини шарафлаб қуйлар экан, одамлар Уни чиройли ва муаттар гулларга кўмиб ташладилар. Парвардигор Рамачандра Айодхйага келганида эшитдики, укаси Бхарата Рамачандранинг йўқлигида танасини дарахт пўстлоғи билан бекитиб, фақат сигир сийдиғида пишган арпа билан озикланиб, қаттиқ риёзатларга берилиб, соч-соқолини олмасдан, куша майсаси тўшалган тақир ерда ётиб кун кечирган. Қалби меҳрга тўла Парвардигор бу гапларни эшитиб укасини қаттиқ қайғурди.

35-38. Парвардигор Рамачандранинг Айодхйага қайтиб келганини эшитиб, Парвардигор Бхарата Парвардигор Рамачандра қолдириб кетган оёқ кийимини олиб, Ўзининг ашраמידан чиқиб акасини кутиб олишга йўл олди. Парвардигор Бхаратага вазирлар, руҳонийлар, машшоқлар, Ведалардан қироат билан мантралар тиловат қиладиган билимдон донишмандлар ҳамроҳ бўлиб борарди. Бу тантанали юришда чиройли отлар қўшилган, олтин тизгинли ажойиб жанг аравалари ҳам бор бўлиб, уларга олтиндан зарҳал нақшлар билан безатилган ҳар хил байроқлар осилган эди. Уларнинг ёнида олтин совутлар кийиб олган жангчилар, бетел ёнғоғи олиб юрган хизматкорлар, чиройли ва гўзал фоҳишалар ҳам бор эди. Кўп хизматкорлар соябон, ҳар хил қимматбаҳо тошлар ва шоҳни муносиб кутиб олиш учун зарур бўлган бошқа кўп нарсаларни олиб пиёда борардилар. Ана шундай тантана ичида пойтахтга бориб, Парвардигор Бхарата Парвардигор Рамачандрага яқинлашиб, жазавали муҳаббат таъсирдан кўзлари жикка ёшга тўлиб, меҳр билан Унинг нилуфар қадамлари пойига бош қўйди.

39-40. Оёқ кийимини Парвардигор Рамачандрага тақлиф этиб, Парвардигор Бхарата кўзлари ёшга тўлиб, қўлларини қовуштириб, итоаткорона ҳолда кутиб турди.

Парвардигор Рамачандра Уни қаттиқ бағрига босиб, меҳр кўз ёшлари билан унинг устини хўл қилди. Парвардигор Рамачандра кейин билимдон браҳманларга ва оиланинг ёши катталарига ҳурмат билан сажда қилди. Айодхйанинг бутун халқи Парвардигорга эҳтиром билан сажда қилди. 41. Шохнинг узоқ сафардан қайтиб келганини кўриб, Айодхйанинг халқи Унга гулчамбарлар тақлиф қилдилар, Уни ўзларининг кийимлари билан елпиб, қувончдан яйраб Унинг олдида рақса тушдилар.

42-43. Эй шох, Парвардигор Бхарата Парвардигор Рамачандранинг ёғоч туфлисини олиб юрди, Сугрива ва Вибишана супурги ва чиройли елпиғич, Хануман оқ соябон, Шатругхна камон ва икки ўқдон, Ситадеви муқаддас саждаҳоҳларнинг суви солинган кўза олиб юрди. Ангада қилич, Рикшалар шоҳи Жамбаван эса олтин қалқон олиб юрарди.

44. Эй Махараж Парикшит, Парвардигор гулларга бурканган ҳаво кемасига ўтирар экан, Унга илтижо қилаётган аёллар, Унинг илоҳий сифатларини олқишлаётган воизлар орасида У худди юлдуз ва сайёралар орасидаги тўлин ойни эслатарди. 45-46. Шундан сўнг Парвардигор Рамачандра байрам тантаналари айна қизиган пайтда Айодхйага кириб борди. У саройга кириб, оналарига - она Кайкейига ва шох Дашаратҳанинг бошқа хотинларига, айниқса Ўзининг онаси Каушалйага чуқур эҳтиром билан сажда қилди. У Васиштҳа ва бошқа руҳий устозларга сажда қилди. Ўзи билан ёши тенг дўстлари, ёши кичик укалари Лакшман ва Сита сингари Унга ҳурмат билан сажда қилдилар. Шу тариқа уларнинг барчаси саройга кириб келдилар.

47. Ўғилларини кўриб, Рамачандранинг, Лакшманнинг, Бхаратанинг ва Шатругхнанинг оналари худди жонсиз тана тирилгандай, дарров ўринларидан турдилар. Оналар ўғилларини тиззаларига ўтказиб эркалаб, уларни меҳр тўла кўз ёшлари билан ювиб, ўзларининг қалбини узоқ вақт давом этган ҳижрон азобидан халос этдилар. 48. Оилавий руҳоний, руҳий устоз Васиштҳа Парвардигор Рамачандранинг тўзиб кетган узун сочларини тақирлаб олди. Кейин, оиланинг ёши катта аъзолари ёрдами билан худди шох Индрадай, Парвардигор Рамачандрани тўрт денгизнинг суви ва бошқа анжомлар билан ювинтириш(абхишека) маросимини ўтказди.

49. Яхшилаб ювиниб покланган, сочлари тақирлаб олинган Парвардигор Рамачандра чиройли кийиниб, гулчамбар ва тақинчоқлар билан безанди. У худди Ўзи сингари ювиниб, чиройли либослар кийиб олган укалари даврасида худди қуёшдай порлаб турарди. 50. Парвардигор Бхаратнинг садокати ва тўлиқ итоаткорлигидан жуда мамнун бўлган Парвардигор Рамачандра Ундан салтанат тахтини қабул қилиб олди. У фуқароларга худди уларнинг отаси сингари меҳрибонлик қиларди, Унинг салтанатидаги фуқароларнинг ҳар бири варна-ашрам қоидалари бўйича ўзига юклатилган вазифаларни виждон билан ҳалол бажариб, Рамачандрани ўзларининг отаси сингари меҳр билан севардилар. 51. Парвардигор Рамачандра бутун Трета-юга даври давомида шоҳлик қилди, Унинг адолатли ҳукмроонлиги шарофати билан бу давр худди Сатйа-югани эслатарди. Салтанатдаги ҳар бир фуқаро художўй, такводор ва бахтга тўла ҳаёт кечирарди.

52. Эй Махараж Парикшит, эй Бхаратлар сулоласининг аълоси, Парвардигор Рамачандра шохлик қилган даврда ўрмонлар, дарёлар, тоғ ва адирлар, етти орол, етти денгиз жуда шарофатли бўлиб, барча тирик мавжудотлар учун етарли озуқа етказиб берарди. 53. Бу оламда Парвардигор Рамачандра, Худонинг Олий Шахси ҳукмронлик қилганида одамларни танаси ва ақли, ҳар хил касалликлар, кексалик, оғир жудоликлар бахтсизликлар, кўрқув ва чарчоқ мутлақо безовта қилмас, ер юзидаги барча одамлар жуда бахтиёр яшардилар. Ўлгиси келмаган одамга ҳатто ажал ҳам яқин келмасди. 54. Парвардигор Рамачандра биргина хотин билан яшашга ва бошқа ҳеч қандай аёл билан алоқа қилмасликка муқаддас қасам ичди. У авлиё шох эди, Унинг табиатиға хос бўлган одатларнинг барчаси яхшилик, эзгулик бўлиб, ҳеч қачон ғазаб сингари пасткаш туйғулар билан булганмаган эди. У салтанат фуқароларини, айниқса оилали одамларни варнашрама-дхарма қонунлари асосида яхши одоб-ахлоқ билан яшашга ўргатди. Шу тариқа У аҳолининг аксарият қисмини Ўзининг шахсий намуналари билан соғлом турмуш тарзи билан яшашга ўргатди. 55. Она Сита жуда итоаткор, садоқатли, уялчан ва покдомон бўлиб, хамиша эрининг кайфиятини тушунар эди. Шундай қилиб, у ўзининг характери ва мухаббати, садоқати билан Парвардигорнинг ақлини бутунлай ўзига жалб қилиб олган эди.

Ўн биринчи боб. Парвардигор Рамачандранинг бутун оламга ҳукмронлик қилиши

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Шундан сўнг Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Рамачандра Ўзига руҳий устоз, ачарйа қабул қилиб, қимматбаҳо анжомлар билан қурбонлик маросими(яғйа) ўтказди. Шу тариқа У Ўзига сиғиниш маросимини ўтказди, чунки Унинг Ўзи барча фаришталарнинг Парвардигоридир. 2. Парвардигор Рамачандра бутун шарқни руҳоний Хотага, бутун жанубий ерларни Брахмага, ғарбий ерларни Адхварйага, шимолий ерларни руҳоний Удгатага - Сама Ведадан мантра ўқийдиган браҳманга тухфа қилди. Шу тариқа У Ўзининг бутун салтанатини қурбонлик маросимида браҳманларга эҳсон қилиб берди. 3. Шундан кейин, бу дунёда ҳеч қандай моддий, дунёвий истаклари бўлмагани туфайли айнан браҳманлар бутун оламнинг ҳақиқий соҳиби бўлишлари лозим, деб ҳисоблаб, Парвардигор Рамачандра шарқ ва ғарб, шимол ва жануб орилиғидаги ерларни Ўзининг руҳий устози - ачарйасига инъом этди.

4. Шу тариқа бор мулкни браҳманларга эҳсон қилиб, Парвардигор Рамачандра Ўзига фақат шахсий кийимлари ва тақинчоқларини қолдирди. Худди шундай она-Сита ҳам фақат бурнига осадиган тақинчоғи ва устидаги либоси билан қолди. 5. Қурбонлик маросими пайтида ҳар хил ишлар билан машғул бўлган браҳманларнинг ҳаммаси Парвардигор Рамачандрадан жуда миннатдор эдилар, Парвардигор браҳманларни жуда эъзозлар, улар хамиша ғамхўрлик қилар эди. Шу тариқа, чексиз меҳр-мухаббатдан калблари эриб кетган браҳманлар эҳсон сифатида олган

нарсаларининг барчасини Рамачандрага қайтариб бердилар ва Парвардигорга шундай дедилар:

6. “Эй азиз Худойим, Сен - бутун оламнинг ҳукмдорисан. Сен бизларга ҳамма нарсани ато этиб кўйибсан. Сен бизларнинг қалбимиз тўрига кириб олгансан, Ўзингнинг порлоқ нуринг билан қалбимиздаги ғофиллик зулматини нурафшон қилиб ёритиб турибсан. Шунинг ўзи бизлар учун энг нодир тухфа. Бизларга шундан бошқа моддий эҳсонларнинг мутлақо кераги йўқ. 7. Эй азиз Худойим, Сен - браҳманларни Ўзинг сиғинадиган Илоҳ қилиб олган Худонинг Олий Шахсисан. Сенинг илминг ва хотирангнинг ҳеч қачон ҳеч қандай ташвиш безовта қилмайди. Сен - бу дунёдаги барча машхур шахсларнинг сардори Ўзингсан, жазо чегарасидан устун бўлган буюк донишмандлар Сенинг нилуфар қадамларинг пойига эҳтиром билан сажда қиладилар. Эй Парвардигор Рамачандра, Сенга чуқур эҳтиром билан сажда қилишимизга руҳсат бер!”

8. Шукадева Госвами давом этди: “Бир куни Парвардигор Рамачандра кийимини ўзгартириб, одамларга танилмасдан, аҳолининг Ўзига бўлган муносабатини билиб олиш ниятида тунда шаҳар айланаб юрган эди. У бир хонадонда кимнингдир Ўзининг хотини Ситадеви ҳақида айтаётган гапларини эшитиб қолди. 9. (Ўзининг покдомон хотинига қараб бир эркак киши шундай дерди:) “Сен бошқа бир эркакнинг уйига борасан, шунинг учун сен покдомон эмассан, сен ҳароми аёлсан. Бундан кейин сенинг менга мутлақо керагинг йўқ. Парвардигор Рамачандра сингари Ўз хотинининг оёғи остида юрган эркак киши Сита сингари бошқа бир эркакнинг уйига борган хотинини яна қабул қилиши мумкин, аммо мен Ундан фарқи равишда сенинг оёғинг остида эмасман, шунинг учун мен сени қабул қилмайман”.

10. Шукадева Госвами шундай деди: “Ғофил, илмсиз, нодон ва золим одамлар ҳар хил бемаъни гапларни айтаверадилар. Ана шундай ифлос фирибгар, қаллобларнинг ҳарр хил бемаъни гапларни тарқатишидан кўрқиб, Парвардигор Рамачандра гарчи садоқатли хотини ҳомилалдор бўлса ҳам, Ситадевидан воз кечди. Шу тариқа она Ситадеви Валмика Мунининг ашрамига йўл олди. 11. Вақти келганда она Ситадеви кейинроқ Лава ва Куша деб шуҳрат қозонган эгизак ўғилларни туғди. Уларнинг туғилиш маросимларининг барчасини Валмики Муни ўтказди.

12. Эй Махараж Парикшит, Парвардигор Лакшмананинг ҳам икки ўғли бор эди - Ангада ва Читракету, Парвардигор Бхаратанинг ҳам икки ўғли бўлди - Такша ва Пушкала. 13-14. Шатругхнанинг ҳам икки ўғли бўлди - Субана ва Шуграсена. Парвардигор Бхарата оламнинг барча томонларини забт қилишга отланганида жуда кўп миллион гандхарваларни ўлдиришга мажбур бўлди, аслида уларнинг ҳаммаси гердайган сохта гандхарвалар эди. Бхарата уларнинг бутун бойлигини тортиб олиб, уларни Парвардигор Рамачандрага таклиф қилди. Шатругхна рақшас Мадхунинг ўғли бўлган Лаван деган бир рақшасни ҳам ўлдирди. Шундай қилиб, у Мадхуван деган машхур ўрмон ичида Матхура деган шаҳар барпо қилди.

15. Эри ташлаб кетган она Ситадеви икки фарзандининг тарбиясини донишманд Валмики Мунига топширди. Кейин, Парвардигор Рамачандранинг нилуфар қадамлари пойига муроқабга қилиб, ўзи ер қаърига кирди. 16. Она Ситанинг ер қаърига кириб

кетгани ҳақидаги хабарни эшитиб, Парвардигор Рамачандра албатта қаттиқ қийналди. Гарчи У - Худонинг Олий Шахси бўлса ҳам, она Ситанинг улугвор эзгу фазилатларини эслар экан, қалбидаги унга бўлган илоҳий муҳаббат таъсири остида юзага келган чуқур мусибат, ҳижрон азобини тўхтата олмасди. 17. Эркак ва аёл кишининг ёки эркак ва урғочи ҳайвонларнинг бир бирига бўлган боғланиши ҳамиша мавжуд, аслида ана шу интилиш, боғланиш туйғуси уларни бу дунёда ҳар нарсадан қўриқшига мажбур қилади. Бундай ҳис-туйғулар ҳатто Тангри Брахма ва Тангри Шива сингари буюк ҳукмдорларда ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг қалбидаги қўрқув туйғусига сабаб бўлади. Шундай экан, бу моддий оламда оиласига боғланиб қолган оддий одамлар ҳақида нима дейиш мумкин.

18. Она Сита Ер қаърига кириб кетгандан кейин Парвардигор Рамачандра жинсий поклигини сақлаб, ўн уч минг йил давомида бетиним Агни-хотра-яғйа қурбонлик маросимини ўтказди. 19. Қурбонлик маросимини ўтказиб бўлгандан кейин, Дандакарания ўрмонида бадарғаликда юрганида тиконлар кириб қолган нилуфар қадамлари пойини ҳамиша Ўзи ҳақида фикрлаб, ўйлаб, эслаб юрадиган одамларнинг қалбига жойлади. Кейин У Брахмажйотининг нариги томонида жойлашган Ўзининг мангу даргоҳи Ваикунтха сайёрасига кўтарилди. 20. Фаришталарнинг илтимоси билан Парвардигор Рамачандранинг Раванини ўлдириши ва океан устига кўприк қуриши - ҳамиша турли кароматлар кўрсатиб юрган Худонинг Олий Шахсининг ҳақиқий шухрати эмас. Парвардигор Рамачандрага тенг келадиган ёки Ундан устунроқ бўлган бирор Зот йўқ, шунинг учун У Равана устидан ғалаба қозониш учун маймунларнинг ёрдамига муҳтож эмасди. 21. Жангда ғалаба қилган ғолиб филнинг чиройли либоси сингари, Парвардигор Рамачандранинг инсонни барча гуноҳлари оқибатидан халос этадиган бенуқсон шухрати ва муқаддас номи оламнинг ҳар тарафида шарафлаб қуйланади. Маркандея Риши сингари буюк авлиё зотлар ҳали ҳозиргача Махараж Юдхитхира сингари буюк шохлар даврасида Унинг намунали, бенуқсон одоб-ахлоқини олқишлаб гапириб юрадилар. Худди шундай барча авлиё шохлар ва барча фаришталар, шу жумладан Тангри Брахма ва Тангри Шива ҳам - бош эгиб Парвардигор Рамачандра олдида сажда қиладилар. Менга ҳам Унинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилишга рухсат бер!”

22. Парвардигор Рамачандра бхакти-йоглар умрининг охирида эришадиган Ўзининг мангу даргоҳига кўтарилди. Парвардигор Рамачандранинг бу дунёда намоён этган эрмаклари давомида Унга хизмат қилган, Унга сажда қилган, нилуфар қадамлари пойини тавоф этган, шох сифатида ҳамиша Унга ғамхўрлик қилган, худди отаси сингари ҳатти-ҳаракатларини кузатиб Ундан ўрнак олган, У билан тенгқур сифатида бирга ўтириб, бирга ётиб ёки Унга ҳамроҳ бўлиб юрган Айодхйа аҳолисининг барчаси ана шу мангу даргоҳга кўтарилдилар. 23. Эй Махараж Парикшит, Парвардигор Рамачандранинг илоҳий ўйинларининг алоҳида аҳамияти ҳақидаги гапларга диққат билан кулоқ солган ҳар бир киши охир-оқибатда қалбидаги заҳарли ҳасадгўйлик касалидан халос бўлиб, ўзининг аввалги гуноҳлари оқибатида бу оламда тутқунликда юрган ҳозирги ачинарли ҳолатидан озодликка чиқади.

24. Махараж Парикшит Шукадева Госвамидан шундай деб сўради: “Парвардигор Ўзини қандай тутарди, У Ўзининг шахсий экспансиялари бўлган укаларига нисбатан қандай муносабатда бўларди? Унинг укалари ва Айодхйа аҳолиси Унга нисбатан қандай муносабатда эдилар?”

25. Шукадева Госвами шундай деди: “Уқаси Бхаратнинг қаттиқ илтимоси билан салтанат тахтини қабул қилиб, Парвардигор Рамачандра укаларига бутун оламни забт этишни буюрди. Ўзи эса, барча аҳоли ва сарой аҳли билан бирга бўлиб, ҳукумат ёрдамчилари билан давлат ишларига қараб пойтахтда қолди. 26. Парвардигор Рамачандра шохлик қилган даврда пойтахт Айодхйанинг кўчаларига филлар хартуми билан муаттар хид таратиб турадиган сув ва шароб сепарди. Шаҳардаги ишларни Парвардигорнинг шахсан Ўзи назорат қилаётганини кўрган аҳоли Унинг бундай бойлигини жуда қадрлардилар. 27. Саройлар, сарой дарвозалари, мажлис заллари, учрашув майдонлари, эҳромлар ва бошқа иморатлар ҳар хил байроқлар билан безатилган эди. 28. Парвардигор Рамачандра қаерга борса ҳам, гул ва меваларга тўла банан ва бетел ёнғоғи дарахтларидан чиройли кириш дарвозалари қурилар эди. Дарвозалар ҳар хил байроқлар, гобеленлар, ойналар ва гулчамбарлар билан безатиларди. 29. Парвардигор қаерга борса ҳам одамлар Уни ҳар хил сиғиниш анжомлари билан кутиб олар ва Ундан дуоифотиҳа сўрадилар: “Эй азиз Худойим, - дерди улар, - Сен Тўнғиз қиёфасида келганингда Ер сайёрасини денгиз қаъридан олиб чиққанинг сингари, ҳозир ҳам унинг фаровонлиги қўллаб-қувватлаяпсан. Биздан Ўз марҳаматингни аямаслигингни сўраймиз”.

30. Кейин, Парвардигорни узоқ вақт кўролмаб қолганда аёллар, болалар, эркаклар Уни соғиниб, уйлари ташлаб кетардилар. Улар Парвардигорнинг нилуфарсимон гўзал сиймосини кўрганида, Унинг жамолига тўёлмай, Уни ҳар хил гулларга кўмиб ташлардилар. 31-34. Кейин, Парвардигор Рамачандра авлодларидан мерос қолган саройга кирарди. Саройда ҳар хил хазиналар ва жавохирлар тўла сандиқлар бор эди. Кириш эшигидан икки томонга қўйилган ўтиргичлар қимматбаҳо коралл тошларидан ясалган эди, омборлар Вайдурйа-мани гавҳартошидан, пол эса ярқираб ишлов берилган мараката-мани тошидан, фундамент эса - мармартосдан қилинган эди. Бутун сарой байроқ ва гулчамбарлар билан безатилган ва куёш нурида товланиб турган қимматбаҳо тошлар билан нақш қўйилган эди. Саройнинг ҳамма ери марваридлар билан безанган бўлиб, фимиам ва шамчироклар осиб қўйилган эди. Сарой ичидаги эркак ва аёллар худди фаришталардай чиройли безанган бўлиб, чиройли тақинчоқлари уларнинг гўзал таналарида яна ҳам жозибалироқ бўлиб кўринарди.

35. Парвардигор Рамачандра, барча билимдон олимларнинг энг аълоси бўлган Худонинг Олий Шахси, ана шу саройда Ўзининг лаззатланиш қуввати бўлган она Сита билан бирга роҳатланиб яшарди. 36. Худои Таолонинг қонунларини бузмаган ҳолда, Худонинг содиқлари ҳаёлида муруқабба қилиб нилуфар қадамлари пойига сажда қиладиган Парвардигор Рамачандра Ўзи истаганча илоҳий лаззатларга берилиб яшади.

Ўн иккинчи боб.

Парвардигор Рамачандранинг

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Парвардигор Рамачандранинг ўғли Куша бўлди, Кушанинг ўғли Атитхи, Атитхининг ўғли Нишадха, Нишадханинг ўғли Набха бўлди. Набханинг ўғли Пундарика, пундарикадан Кшемадханва деган ўғил дунёга келди. 2. Кшемадханванинг ўғли Деваника, Деваниканинг ўғли Аниха, Аниханинг ўғли Парийатра, Парийатранинг ўғли Баластхала. Баластхаланинг ўғли Ваджранабха бўлди. Уни куёш фариштасининг нуридан туғилган деб айтадилар. Ваджранабханинг ўғли Сагана, Сагананинг ўғли Видхрити, Видхритининг ўғли Жайминининг шогирди бўлиб, сеҳрли йога бўйича буюк ачарйа бўлиб етишган Хиранйанабха бўлди. Хиранйанабхадан буюк авлиё зот Йажнавалкйа сеҳрли йоганинг адхйатма-йога деган улуғвор тизимини ўрганди, йоганинг бу тизими инсон қалбидаги моддий боғланишлар тугунини узишга қодир таълимот ҳисобланади. 5. Хиранйанабханинг ўғли Пушпа эди, Пушпанинг ўғли Дхрувасандха, Дхрувасандханинг ўғли Сударшана, унинг ўғли Агниварна бўлди. Агниварнанинг ўғли Шигхра, унинг ўғли Мару. 6. Сеҳрли йога билан шуғулланиб, йоганинг комил қудратига эришган Мару ҳозир ҳам Калапа-грама деган машҳур жойда яшайди. Кали-йуганинг охирида у ўғил фарзанд кўриб, Сурйанинг йўқолиб кетган сулоласини қайта тиклайди. 7. Марудан Прасушрута дунёга келди, Прасушрутадан Сандхи, Сандхидан Амаршана, Амаршанадан Махасван деган ўғил дунёга келди. Махасвандан Вишвабаху дунёга келди. 8. Вишвабахудан Прасенаджит туғилди, Прасенаджитдан Такшака, Такшакадан Брихадбала туғилди. У отаси билан жанг қилиб ҳалок бўлди. Икшваку сулоласида дунёга келган бу шоҳларнинг барчаси оламдан ўтган зотлар эди, энди мен сенга келажакда туғиладиган шоҳларни гапириб бераман. Брихадбаладан Брихадрана туғилади.

10. Брихадрананинг ўғли Урукрийа бўлади, ундан Ватсавридха туғилади. Ватсавридхадан Пративйома туғилади, Пративйомадан Бхану деган ўғил туғилади, ундан буюк жангчи Дивака туғилади. 11. Дивакадан Сахадева деган ўғил туғилади, Сахадевадан буюк қаҳрамон Брихадашва туғилади. Брихадашвадан Бхануман, Бханумандан Пратикашва, Пратикашвадан Супратика туғилади. 12. Супратикадан Марудева; Марудевадан - Сунакшатра; Сунакшатрадан - Пушкара; Пушкарадан - Антарикша, Антарикшадан Сутапа, Сутападан Амित्रаджит туғилади. 13. Амित्रаджитдан Брихадраджа туғилади, Брихадраждадан Бархи, Бархидан Кританжайа. Кританжайадан Рананжайа, ундан Санджайа туғилади. 14. Санжайадан Шакйа, Шакйадан Шуддхода, Шуддходадан Лангала туғилади. Лангаладан Прасенаджит, Прасенаджитдан - Кшудрака туғилади. 15. Кшудракадан Ранака туғилади, Ранакадан Суратха туғилади, Суратхадан Сумитра туғилиб, у мазкур сулоланинг охири бўлади. Брихадбала сулоласининг таърифи шундан иборат.

16. Икшваку сулорласининг охирги шоҳи Сумитра бўлади; Сумитрадан кейин Куёш фариштаси сулоласида ўғил фарзанд туғилмайди. Шу тарика сулола ниҳоясига етади.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Қурбонлик маросими бошлангандан кейин Икшвакунинг ўғли Махараж Ними буюк донишманд Васиштхадан бу маросимда асосий руҳоний лавозимини эгаллашни илтимос қилди. Унга жавобан Васиштха: “Азизим Махараж Ними, мен Тангри Индра бошлаган қурбонлик маросимида шундай лавозимни эгалладим. Мен бу ерга Индранинг қурбонлик маросими тугагандан кейин келаман. Марҳамат қилиб бироз кутиб тур!” - деди. Унинг бу гапларига Махараж Ними индамай қўйди. Васиштха Муни Тангри Индра учун қурбонлик маросими ўтказа бошлади.

3. Махараж Ними руҳий ўзлигини англаб етган зот бўлгани учун бу дунёдаги ҳаёти тугаб бораётганини сезиб, инсон танасидаги умри истаган пайтда ниҳоясига етиши мумкин деб ўйлади. Шунинг учун Васиштха Мунини кутиб ўтирмасдан, бошқа руҳонийлар раҳбарлиги остида қурбонлик маросими ўтказишни бошлаб юборди. 4. Шоҳ Индранинг қурбонлик маросимини ўтказиб бўлиб, руҳий устоз Васиштха Муни қайтиб келиб, шогирди Махараж Ними унинг кўрсатмасини инкор этганининг гувоҳи бўлди. Васиштха Мунининг бундан қаттиқ ғазаби келиб, шогирдини дуои-бад қилди: “Ўзини билимдон олим деб ҳисоблаб юрган Нимининг танаси ҳозирок ҳалок бўлсин!”

5. Ҳеч қандай гуноҳ қилмаган бўлса ҳам, ўзини дуои-бад қилган руҳий устозидан хафа бўлиб, Махараж Ними ҳам руҳий устозини дуои бад қилди: “Осмон шоҳидан хайр-эхсон олиш ниятида сен ўзингнинг пок тафаккурингни булғадинг. Шунинг учун мен сенинг қарғишингни ўзингга қайтараман: сенинг тананг ҳам ҳалок бўлсин!”

6. Шундай деб, Махараж Ними руҳий илмга мукамал эга бўлган танасини тарк этди. Буюк бобокалон Васиштха ҳам шу заҳоти танасини ташлади, аммо Митра ва Варуна Урвашини кўрганида беихтиёр чиқариб юборган эркаклик уруғидан у бу дунёда қайта туғилди.

7. Қурбонлик маросими ўтказиш жараёни давомида Махараж Ними тарк этган танани балзам ва бошқа муаттар ҳидли мойларга солиб қўйдилар. Сатйа-йуга охирида буюк донишмандлар шу ерда тўпланган фаришталарга шундай мурожаат қилдилар:

8. “Агар сизлар ўтказилган мана шу қурбонлик маросимидан мамнун бўлсангизлар, агар қўлингиздан келса. Махараж Нимини яна мана шу танасига қайтаринглар!” Буюк донишмандларнинг бу илтимосига фаришталар: “Хўп бўлади!” - деб жавоб бердилар, аммо Махараж Ними уларга: “Илтимос, мени яна моддий танага қамаманг!” - деди.

Махараж Ними давом этди: “Майвадилар асосан моддий тана олишдан озод бўлишга интиладилар, чунки улар тана ташлашдан, ўлишдан кўрқадилар. Аммо, қалби, фикру-хаёли Худоба садоқат билан хизмат қилиш билан ҳамиша машғул бўлган Худонинг содиқлари бу дунёда ҳеч нарсадан кўркмайдилар. Аслини олганда улар моддий танасининг имкониятларидан ҳам Худоба соф садоқат билан илохий хизмат қилиш учун фойдаланадилар. 10. Мен моддий тана олишни истамайман, чунки, худди ажалдан кўркиб ҳамиша хавогирда яшайдиган океандаги балиқ сингари, оламнинг ҳамма жойида ҳам

моддий тана ҳам факат ҳар хил касалликлар, кайғу-хасратлар, кўрқув ва хавотирлар манбаи бўлади”.

11. Фаришталар шундай дедилар: “Махараж Ними моддий танасиз яшайверсин. У ўзининг рухий танасида Худонинг Олий Шахсининг мангу ҳамроҳи бўлиб яшасин. Бу дунёда моддий тана ичида яшаётган одамларнинг кўзига у ўз хоҳиши билан намоён бўлиши ҳам, намоён бўлмаслиги ҳам мумкин”.

12. Шундан сўнг, одамлар ҳукмронсиз қолиб, тартибсизликлар содир қилмаслиги учун донишмандлар Махараж Нимининг танасини чайқадилар, натижада ундан ўғил фарзанд дунёга келди. 13. Ана шундай ғайритабиий йўл билан дунёга келгани учун уни Жанака деб атадилар. Отасининг ўлик танасидан туғилгани учун уни Ваидеха деб ҳам атардилар. Отасининг моддий танасини чайқаш натижасида дунёга келгани учун кўплар уни Митхила деб ҳам атардилар. У барпо этган шаҳар ҳам Митхила деб аталади. 14. Эҳ, Махараж Парикшит, Митхиладан Удавасу деган фарзанд туғилди; Удавасудан - Нандивардхана; Нандивардханадан - Сукету; Сукетудан - Деварата. 15. Деваратадан Брихадратха деган ўғил туғилди, Брихадратхадан Махавирья деган ўғил туғилди, у Судхритининг отаси бўлди. Судхритининг ўғли Дхриштaketу бўлди, Дхриштaketудан Харйашва дунёга келди. Харйашвадан Мару деган ўғил туғилди. 16. Марунинг ўғли Пратипака эди, Пратипаканиннг ўғли Критаратха эди. Критаратхадан Девамидха туғилди. Девамидхадан - Вишрута туғилди; Вишрутадан - Махадхрити туғилди. 17. Махадхритидан Критирата деган ўғил туғилди. Критиратадан Махарома туғилди, Махаромадан Сварнарома туғилди, Сварнаромадан Храсварома дунёга келди. 18. Храсваромадан Ширадхваджа дунёга келди(уни Жанака деб ҳам атардилар). Ширадхваджа ер ҳайдаётганида унинг омочининг олдинги қисмидан Ситадеви деган қиз дунёга келди. Ана шу қиз кейинчалик Парвардигор Рамачандраниннг хотини бўлди. Шу тариқа у Ширадхваджа деган ном билан машҳур бўлди. 19. Ширадхваджаниннг ўғли Кушадхваджа бўлди, унинг ўғли шох Дхармадхваджа бўлиб, ундан икки ўғил фарзанд дунёга келди - Критадхваджа ва Митадхваджа.

20-21. О Махараж Парикшит, Критадхваджаниннг ўғли Кешидхваджа бўлди, Митадхваджаниннг ўғли Кхандикья бўлди. Критадхваджаниннг ўғли рухий илм билимдони, Митадхваджаниннг ўғли эса, Ведавий маросимлар билимдони эди. Кхандикья Кешидхваджадан кўрқиб қочарди. Кешидхваджаниннг ўғли Бхануман, Бхануманниннг ўғли Шатадйумна бўлди. 22. Шатадйумнаниннг ўғли Шучи эди. Шучидан Санадхваджа, Санадхваджадан Урджакету деган ўғил туғилди. Урджакетунинг ўғли Ажда эди, Аджаниннг ўғли Пуруджит. Пуруджитниннг ўғли Ариштанеми, унинг ўғли Шрутайу. Шрутайунинг ўғли Супаршвака, Супаршваканиннг ўғли Читракету бўлди. Читратханиннг ўғли Кшемадхи Митхиланиннг шохи бўлди. 24. Кшемадхининг ўғли Самаратха бўлди, унинг ўғли Сатйаратха. Сатйаратханиннг ўғли Упагуру, Упагуруниннг ўғли олов фариштасининг қисман тимсоли бўлган Упагупта бўлди.

25. Упагуптаниннг ўғли Васвананта, Васванантаниннг ўғли Йуйудха, Йуйудханиннг ўғли Субхашана, Субхашананиннг ўғли Шруга бўлди. Шруганиннг ўғли Жайа бўлиб, ундан Виджайа туғилди. Виджайаниннг ўғли Рита бўлди. 26. Ританиннг ўғли Шунака бўлди,

Шунаканиннг ўғли Витахавья, Витахавьяниннг ўғли Дхрити, Дхритининг ўғли Бахулашва. Бахулашваниннг ўғли Крити, унинг ўғли Махавиши бўлди.

27. Шукадева Госвами шундай деди: “Азизим Махараж Парикшит, Митхила шоҳлари сулоласининг барча шоҳлари ўзларининг рухий ўзлигини англаб етган зотлар эдилар. Шунинг учун улар ҳатто уйларида пайтида ҳам моддий тирикчиликниннг қарама-қаршиликлари таъсиридан озод зотлар эди.

Ўн тўртинчи боб.

Урвашининг шоҳ Пуруравани мафтун этиши.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шоҳ Парикшит, сен Куёш фариштаси сулоласининг шоҳлари ҳақида батафсил эшитдинг. Энди Ой фариштасининг сулоласи таърифловчи энг асосий ва покловчи ҳикояларни эшит. Сен унда Аила(Пурурава) сингари, таърифи кишини лол қолдирадиган шоҳлар ҳақида билиб оласан.

2. Парвардигор (Гарбходакашайи)Вишнуни Сахасра-ширша Пуруша деб ҳам атайдилар. Унинг киндигидаги чуқурчадан нилуфар гули ўсиб чиқади, ундан Тангри Брахма дунёга келади. 3. Атрининг қувонч ёшларидан Сома деган ўғил, кишига ором берувчи нурларга тўла Ой дунёга келди. Тангри Брахма уни брахманлар, дориворлар ва ёритгичлар ҳукмдори қилиб тайинлади.

4. Бутун уч олам(олий, ўрта ва куйи сайёралар тизими)ни забт қилгандан кейин, Ой фариштаси Сома, Раджасуйя-йаджна деган буюк қурбонлик маросими ўтказди. У жуда мағрур ва манман бўлгани учун Брихаспатининг Тара деган хотинини зўрлик билан ўғирлаб кетди. 5. Фаришталарниннг рухий устози Брихаспатининг такрор ва такрор илтимосларига қарамай, Сома Тарани унга қайтариб бермади. У ўзига жуда бино қўйгани учун шундай қилди. Натижада фаришталар ва иблислар орасида қатик жанг бошланди. 6. Брихаспати билан Шукра ўзаро душман бўлгани учун Шукра Ой фариштасининг тарафини олиб, иблислар билан бирлашди. Тангри Шива рухий устозининг ўғлига бўлган муҳаббати юзасидан Брихаспатининг тарафида бўлди, унга барча “ажина” ва даҳшатли арвоҳлар ҳамроҳ бўлди. 7. Барча фаришталар ҳамроҳлигида бораётган шоҳ Индра Брихаспати тарафда эди. Шу тариқа, Брихаспатининг хотини Тара сабабли фаришталарга ҳам, иблисларга ҳам бешафқат қирон келтирган буюк жанг бўлиб ўтди.

8. Тангри Брахма бўлиб ўтган воқеалар ҳақида Ангира Мунидан эшитиб, Ой фариштаси Сомани қаттиқ жазолади. Шундай қилиб, Тангри Брахма Тарани эрига қайтариб берди, лекин унинг ҳомиладор бўлганини тушуниб етди.

9. Брихаспати хотинига қараб шундай деди: “Ҳой аҳмоқ хотин, сен факат мендан фарзанд кўришинг керак эди, лекин сен аллақачон ҳомиладор бўлибсан. Ҳозироқ болангин олиб ташла! Ҳозироқ қорнингдан уни озодликка чиқар! Кўрқма, боланг туғилгандан кейин мен сени ёқиб қулга айлантириб юбормайман. Биламан, гарчи сен покдомон бўлмасанг ҳам, ўғил фарзанд кўришни истайсан. Шу боис мен сени жазоламайман”.

10. Шукадева Госвами шундай деди: “Қилмишидан каттиқ пушаймон бўлиб уялган Тара Брихаспатиининг буйруғи билан дарров қорнидаги фарзандини туғди. Чақалоқ жуда чиройли бўлиб, танаси олтиндай яркираб товланиб турарди. Туғилган фарзандни кўрган захоти Брихаспати ҳам, Ой фариштаси ҳам ўзига ўғил қилишни истаб қолдилар.

11. Брихаспати билан Ой фариштаси орасида яна жанжал юзага келди: уларнинг ҳар бири “Бу менинг ўғлим, сеники эмас!” - деб даъво қиларди. Шу ерда тўпланган барча авлиё зотлар ва фаришталар Тарадан бу туғилган чақалоқ кимнинг ўғли эканини сўрадилар, лекин, қаттиқ уялганидан Тара уларга дарров жавоб бера олмади.

12. Шундан сўнг чақалоқнинг жаҳли чиқиб, онасидан дарров ҳақиқатни айтишни талаб қилди: “Сен нопок аёлсан - деди у, - энди бундай уялиб туришининг қандай маънисини бор? Ҳозирок менга ўзининг хато қилмишингни айтиб бер!”

13. Тангри Браҳма Тарани хилват жойга олиб ўтди, уни овутиб, туғилган фарзанд аслида кимники эканини сўради. Тара жуда паст овозда: “Бу фарзанд Ой фариштаси Соманики бўлади” - деди. Шундан кейин Ой фариштаси болани асраб тарбиялаш учун ўзи билан бирга олиб кетди.

14. О Махараж Парикшит, Тангри Браҳма боланинг чуқур тафаккурга эга эканини кўриб, унга Буддха деб ном қўйди. Юлдузлар шоҳи Ой фариштаси ана шу ўғли шарофати билан чуқур лаззатланиб яшарди. 15-16. Шундан сўнг, Буддха ва унинг хотини Иладан Пурурава деган ўғил фарзанд туғилди. У ҳақда тўққизинчи кўшиқнинг бошида маълумот берилган эди. Шоҳ Индранинг саройида Нарادا Муни Пурураванинг шахсий сифатлари, улуғворлиги, хулқ-атвори, бойлиги ва қудрати ҳақида гапириб берганида, жаннатий париваш аёл унга ошиқ бўлиб қолган эди. Купидон пайконида заҳарланиб, Урваши унга яқинлашди. 17-18. Митра ва Варунанинг қарғишига учраган самовий аёл Урваши инсон зотининг одатларига эга бўлган эди. Шу боис, гўзаллиги севги фариштаси Купидонни эслатадиган эркаклар ичида аълоси Пуруравани кўриб, у ўзини зўрға тутиб олди ва оста-секин унга яқинлашди. Шоҳ Пурурава Урвашини кўрганида кўзлари қувончдан яйраб, эҳтирос таъсиридан танасидаги туқлари хурпайиб кетди. Мулойим ширин овоз билан Пурурава аёлга мурожаат қилди.

19. Шоҳ Пурурава шундай деди: “Эй энг гўзал аёл, хуш келибсан. Илтимос, бу ерга ўтир, сенга қандай ёрдамим тегиши мумкин. Сен мен билан ўзинг истаганча лаззатланиб яшашинг мумкин. Кел, жинсий ҳаётдан лаззатланиб умримизни биргаликда ўтказайлик!”

20. Урваши шундай жавоб берди: “Эй энг сарвқомат паҳлавон, бу дунёда ақли ва кўзлари сенга махлиё бўлмайдиган бирор аёл зоти топилармикан? Сенинг қучоғингдан паноҳ топган бирор аёл сен билан жинсий алоқа қилиб лаззатланишдан бош тортишга кучи етмайди. 21. Азизим Пурурава, илтимос, мен билан бирга тушган мана бу икки кўзичокни ҳам ўз химоянгга ол. Гарчи мен жаннатий сайёрадан келган, сен эса Ерлик инсон бўлганингга қарамай, сен билан қўшилиб лаззатланиб яшашга розиман. Мен сенга эрга чиқишга қарши эмасман, чунки сен ҳар тарафлама ажойиб инсонсан”.

22. Урваши шундай деди: “Эй азиз қахрамон, лекин мен фақат соф сариёғда пишган таом билан овқатланаман, жинсий алоқа пайтидан бошқа бирор вақтда мен сени яланғоч ҳолда кўрмаслигим керак”.

Чуқур тафаккурга эга бўлган Пурурава унинг бу таклифларини қабул қилди.

23. Пурурава шундай жавоб берди: “Эй гўзал, сенинг тенгсиз гўзаллигинг кишини ҳайратга солади, сенинг ҳаракатларинг ҳам ажойиб. Аслини олганда сен ҳар қандай инсонни ўзингга махлиё қиласан. Шундай экан, ўз ихтиёри билан жаннатдан тушиб келган сендай фариштага хизмат қилишдан қандай эркак ҳам бош торта оларди”.

24. Шукадева Госвами шундай деди: “Одамлар ичида аълоси Пурурава, фаришталар лаззатланадиган Чаитрататха ва Нандана-канана сингари кўплаб жаннатий жойларда Урваши билан лаззатланиб яшай бошлади. 25. Урвашининг танаси ўзидан шафран нулуфари сингари муаттар ҳид таратиб турарди. Унинг юзи ва танасидан таралаётган муаттар ҳиддан маст бўлиб, Пурурава жуда кўп вақтлар у билан бирга лаззатланиб яшади.

26. Даргоҳида Урвашининг кўринмай қолганини кўриб, осмон шоҳи Индра шундай деди: “Урваши бўлмаса бизнинг даврамиз ўзининг гўзаллигини йўқотиб қўяркан”. Индра Гандҳарвалардан Урвашини яна жаннатга қўтариб қўйишни илтимос қилди.

27. Гандҳарвалар Ер сайёрасига тушиб, ярим тунда, ҳамма уйқуга кетганида Пурураванинг уйда пайдо бўлиб, унга Урваши топшириб қўйган икки кўзичокни ўғирлаб кетдилар. 28. Урваши кўзичокларни худди ўзининг фарзандларидай яхши кўрарди. Гандҳарвалар олиб кетаётганида кўзичоклар йиғлай бошладилар. Уларнинг овозини эшитиб, Урваши эрига танбех берди: “Вой-дод! Энди мен ўлдим!” - деди у, - ўзини буюк қахрамон деб ҳисоблайдиган бу кўрқок ва хотинчалиш эркак мени ҳимоя қилолмади!”

29. “Мен шундай нокасга ишонганим учун қароқчилар икки кўзичоғимдан айирдилар, энди мен унинг учун йўқман. Кундузи ўзини эркак деб билади-ю, ҳозир, тунда худди хотинлардай кўрқиб ўрнидан кўзгалмай ётибди!”

30. Урвашининг заҳардай аччиқ гапларидан худди филбоннинг учли хина-қамчисидан зарба еган филдай, Пурураванинг ғазаби қаттиқ қайнади. У ҳатто кийиниб ҳам ўтирмасдан қўлига қиличини олди ва кўзичокни ўғирлаган гандҳарвалар ортидан яланғоч ҳолда югуриб кетди. 31. Икки кўзичокни қолдириб, Гандҳарвалар худди яшиндлай кучли нур таратиб, Пурураванинг уйини ёритиб юбордилар. Урвашининг кўзи икки кўзичоғини олиб келаётган эрига тушди, эрини яланғоч ҳолда кўргани учун у яна жаннатга кетиб қолди.

32. Урвашини ўзининг тўшагида кўрмай, Пурурава қаттиқ ташвишга тушди. Унга қаттиқ боғланиб қолгани туфайли у ҳозир қаттиқ қийналар эди. Шундай қилиб, қалби ғамга тўлиб у телбалардай ер юзини айланиб дайдиб юрди. 33. Бир куни айланиб юриб, Пурурава Курукшетра яқинидаги Сарасвати дарёсининг бўйида ўзининг беш дугонаси билан бирга юрган Урвашини кўриб қолди. Кейин юзлари қувончдан яйраб у Урвашига ширин сўзлар билан мурожаат қилди:

34. Эй азиз хотиним, эй бағритош аёл, илтимос мен билан қол! Мен то бугунгача, ҳеч қачон сени бахтиёр қилолмаганимни биламан, аммо сен бунинг учун мени ташлаб кетмаслигинг керак. Бу сенга ярашмайди. Ҳатто

сен мен билан бирга бўлишни истамасанг ҳам, бироз вақт суҳбатлашиб олайлик. 35. Эй фаришта, агар ҳозир сен мени рад этсанг, менинг танам ҳозирнинг ўзидаёқ ерга жонсиз қулаб тушади. Сенга лаззат бера олмагани учун бу танам тулки ва кузгунларга ем бўлади”.

36. Урваши шундай деди: “Эй азиз шох, сен қахрамон эркак кишисан. Хотинчалиш одамлардан номардлик қилиб бу ҳаётингни ўзинг тарк этма. Соғлом фикрлаб, сергак бўл, ҳиссиётинг худди тулкиларга ўхшаб сени титиб еб юборишига йўл қўйма! Бошқача қилиб айтганда сен ўз ҳиссиётинг ҳукмига бўйсунгани тарк этишинг, ўз нафсингнинг қули бўлиб қолмаслигинг керак. Сен яна шуни ҳам яхши билиб олишинг керакки, аёлларнинг қалби ҳам ана шу тулкига ўхшаган маккор бўлади. Аёл зоти билан дўст бўлишни ҳеч қандай маъноси йўқ. Аёл зоти жуда бешафқат, бераҳм ва айёр бўлади. Улар ҳатто озгина ҳақоратни ҳам кўтара олмайдилар. Ўзининг манфаати, лаззати учун улар ҳар қандай гуноҳ ишга қўл уришдан ҳам қайтмайдилар, шунинг учун улар ҳатто ўзининг вафодор эрини ёки укасини ҳам ўлдириб юборишдан жирканмайдилар. 38. Эркаклар аёлларни осонлик билан йўлдан ура оладилар. Шунинг учун баъзи бузуқи, ифлос аёллар ўзларига яхшилик қилиб юрган садоқатли эрини ташлаб, дарров бошқа аҳмоқ нодон эркаклар билан дўстлашиб кетадилар. Аслида аёллар ўзларига бирин-кетин янгидан-янги дўст излайдилар.

39. Эй азиз шох, сен эрим сифатида мен билан ҳар йилнинг охирида бир тун давомида лаззатланишинг мумкин. Шу тариқа сен бирин-кетин кўплаб фарзандларга эга бўласан”.

40. Урвашининг ҳомиладор эканини тушунган Пурурава ўзининг саройига қайтиб келди. Йил охирида, Курукшетрада у яна Урваши билан учрашди, шунда у жасоратли ўғилга ота бўлди. 41. Йил охирида Урваши билан учрашиб, шох Пурурава ниҳоятда яйраб кетди, тун бўйи у билан жинсий яқинлик қилиб лаззатланди. Лекин кейинроқ ундан айрилиш ҳақида ўйлаб, у каттиқ хафа бўлди. Буни кўриб Урваши унга маслаҳат берди.

42. Урваши шундай деди: “Эй азиз шох, сен Гандҳарвалардан паноҳ сўра, улар мени яна сенинг олдинга юборишга қодир”. Унинг маслаҳати билан шох Гандҳарваларга илтижо қилиб, уларни мамнун қилди. Ундан мамнун бўлган Гандҳарвалар унга худди Урвашига ўхшаган Агнистхали деган чиройли қизни совға қилдилар. Бу қизни Урваши деб қабул қилиб, шох у билан ўрмонда сайр қила бошлади. Шундан сўнг у бу қиз аслида Урваши эмас, Агнистхали эканини билиб қолди. 43. Кейин шох Пурурава Агнистхалини ўрмонда қолдириб, уйига келди ва тун бўйи Урвашини ўйлаб, муроқабга берилиб чиқди. У муроқабга берилиб ўтирган пайтда бу дунёда Трета-юга бошланди, шу боис унинг қалбида уч Веданинг қонун-қоидалари намоён бўлди. Бу қоидаларнинг таркибида бирор натижага эришишни кўзлаб фаолият кўрсатиш учун ўтказиладиган қурбонлик маросими жараёни ҳам бор эди.

44-45. Бирор натижа кўзлаб ўтказиладиган қурбонлик маросими жараёни унинг қалбида намоён бўлганида шох Пурурава Агнистхалини ташлаб келган жойига қайтиб борди. Бу ерда у шами дарахти ичидан ашваттха дарахти ўсиб чиққанини кўрди. Кейин у ана шу дарахтдан бир бўлак олиб уни икки арани дарахтига айлантирди. Урваши яшайдиган сайёрага кўтарилиш учун у мантра тиловат қилиб, арани дарахтининг паст

қисмига худди Урвашига қарагандай, юкори аранига ўзига қарагандай, улар орасидаги дарахт бўлагига эса, ўғлига қарагандай ҳис қилиб чуқур муроқабга берилди. Шу тариқа у муқаддас олов ёқа бошлади.

46. Пурурава арани дарахтини бир-бирига ишқалашти натижасида олов юзага келди. Ана шундай олов ёрдамида ҳар бир одам ҳар қандай дунёвий лаззат(мақсад)ларга эришиши ҳамда яна бу дунёда она қорнидан туғилишдан, бағишловдан ҳамда муқаддас уч ҳарф - “о-у-м” бирикмасини тиловат қилиш билан ўтказиладиган қурбонлик маросимидан покланиши мумкин. Шундан бери қурбонлик маросими ўтказишда ишлатиладиган муқаддас олов шох Пурураванинг ўғли бўлиб ҳисоблана бошлади.

47. Урваши яшайдиган сайёрага кўтарилишга интилаётган Пурурава ана шу олов воситасида қурбонлик маросими ўтказиб, барча қурбонлик маросимлари натижасидан лаззатланидиган Хари, Худонинг Олий Шахсини мамнун қилди. Шу тариқа у моддий ҳиссиётимизнинг қабул қилиш имкониятидан ташқаридаги, барча фаришталарнинг манбаи бўлган Худои Таолога хизмат қилиш маросимини ўтказди. 48. Биринчи давр - Сатйа-югада барча Ведавий мантралар битта мантрада - барча мантраларнинг негизи бўлган пранава(“о-у-м”)дан иборат эди. Бошқача қилиб айтганда, Сатйа-югада битта Атхарва Веда барча Ведавий илмларнинг манбаи эди. Худонинг Олий Шахси Нарайана ҳамма сиғинадиган ягона Илоҳ эди; фаришталарга сиғинишни тавсия қиладиган ҳеч қандай битиклар йўқ эди. Худои Таоло фақат битта эди, инсонлар жамиятида ҳамса деб аталадиган фақат битта турмуш тарзи мавжуд эди.

49. Эй Махараж Парикшит, Трета-йуганинг бошида шох Пурурава одамларга карма-кандага оид бўлган қурбонлик маросимини тантана билан бошлаб берди. Шу тариқа, қурбонлик маросимида ишлатиладиган оловни ўзининг ўғли деб ҳисоблайдиган Пурурава ўзи истагандай Гандҳарвалокага кўтарилишга муваффақ бўлди.

Ўн бешинчи боб.

Парвардигорнинг жанговор қиёфаси - Парашурама

1. Шукадева Госвами давом этди: “Эй шох Парикшит, Пурураванинг Урвашидан олти ўғли бўлди. Улар Айу, Шругайу, Сатйайу, Райа, Виджайа ва Жайа. 2-3. Шругайунинг ўғли Васуман; Сатйайунинг ўғли - Шруганжайа; Райанинг ўғли - Ека; Жайанинг ўғли - Амида; Виджайанинг ўғли - Бхима. Бхиманинг ўғли Канчана; Канчанининг ўғли Хотрака; Хотраканинг ўғли - Ганганинг ҳамма сувини бир ҳўплаб ичиб қўйган Жахну эди. Жахнунинг ўғли Пуру, Пурунинг ўғли Балака, Балаканинг ўғли - Аджак, Аджаканинг ўғли Куша. Кушанинг тўрт ўғли бор эди: Кушамбу, Танайа, Васу ва Кушанабха. Кушамбунинг ўғли Гадхи.

5-6. Гадхининг Сатйавати деган қизи бор эди, шу қизни Ричика деган брахман ўзига хотинликка сўради. Аммо шох Гадхи Ричикани қизига муносиб эмас деб ҳисоблаб, брахманга шундай деди: “Эй ҳукмдорим, мен Куша сулоласига мансубман. Бизлар қшатрийлар тоифасиданмиз, шу боис сен қизим учун қалин тўлашинг лозим. Сен қалин сифатида хар бири қуёшдай

порлаб турган, чап ёки ўнг қулоғи қора рангда бўлган мингта от топиб беришинг керак”.

Шоҳ Гадхнинг бу гапларидан буюк донишманд Ричика унинг ҳаёлидан ўтган гапларни англаб етди. Шу боис у фаришта Варунанинг олдига бориб, Гадхи талаб қилаётгандай сифатларга эга бўлган мингта от сўраб олди. Шоҳга отларни бериб, донишманд унинг чиройли кизига уйланди. 8. Кейин ҳар бири ўғил фарзанд кўришни истаётган Ричика Мунининг хотини ва қайнонаси ундан қурбонлик маросимига эҳсон тайёрлашни илтимос қилдилар. Шундай қилиб, Ричика Муни битта эҳсонни брахманлик мантриси билан ўзининг хотини учун, иккинчисини кшатрийларнинг мантриси билан қайнонаси учун тайёрлади. Кейин у ювиниб покланиш учун чиқди. 9. Шу пайтда Сатйаватининг онаси Ричиканинг хотини учун тайёрланган эҳсон албатта яхшироқ бўлса керак деб, кизидан ана шу эҳсонни сўраб олди. Шундай қилиб, Сатйавати ўзига тайёрланган эҳсонини онасига берди, ўзи эса онаси учун тайёрланган эҳсонни еб қўйди. 10. Буюк донишманд Ричика ювиниб поклангандан кейин уйига келиб нима содир бўлганини тушуниб етганида, хотини Сатйаватига шундай деди: “Сен жуда катта хато иш қилибсан. Энди сенинг ўғлинг ҳар қандай одамни бешафқат жазолайдиган жасоратли кшатрий бўлади, сенинг уканг эса - рухий илмни мукамал эгаллайдиган билимдон брахман бўлиб туғилади”.

11. Сатйавати Ричика Мунини ширин сўзлар билан овутиб, ундан ўғлим шафқатсиз кшатрийга ўхшамасин деб каттик илтимос қилди. Ричика Муни унга жавоб бериб шундай деди: “Унда сенинг неваранг кшатрийлар руҳи билан туғилади!” Сатйаватининг ўғли Джамадагни шу тариқа дунёга келган эди.

12-13. Кейинчалик Сатйавати бутун оламни поклаш учун муқаддас Каушика дарёсига айланди, унинг ўғли Жамадагни эса, Ренунинг қизи Ренукага уйланди. Жамадагнининг уруғлигидан Ренука жуда кўп ўғил фарзандлар кўрди. Уларнинг тўнғичи - Васуман эди. Уларнинг кенжаси Рама, яъни Парашурама эди.

14. Билимдон донишмандлар ана шу Парашурамани “Картавирийанинг бутун авлодини яқсон қилган шавкатли Васудеванинг бу дунёда намоён бўлган қиёфаси” деб қабул қиладилар. Парашурама ер юзида барча кшатрийларни йигирма бир марта яқсон қилди. 15. Дунёвий эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсири остида жуда мағруроланиб кетган шоҳлар табақаси бутунлай иймонларини йўқотиб, брахманлар кўрсатган қонун-қоидаларга риоя қилмай қўйганида Парашурама уларни бешафқат яқсон қилиб ташлади. Гарчи кшатрийларнинг қилган ҳақорати унчалик оғир бўлмаса ҳам, бутун оламнинг дардини енгиллатиш учун Парашурама уларни яқсон қилган эди.

16. Махараж Парикшит Шукрадева Госвамидан шундай деб сўради: “Ўз хиссиётини жиловлай олмаган кшатрийлар Худонинг Олий Шахсининг бу дунёда намоён бўлган кўриниши бўлмиш Парашурамани қандай ҳақорат қилган эдиларки, Парвардигор кшатрийлар сулоласини такрор ва такрор яқсон қилиб ташлади?”

17-19. Шукадева Госвами шундай деди: “Кшатрийларнинг энг аълоси, Хайхайларнинг шоҳи Картавирийаржуна Худонинг Олий Шахси, Нарайананинг тўлиқ намоён бўлган кўриниши Дататрейага сажда қилиш шарофати билан қудратли минг қўлга эга бўлишга эришди. Шунингдек у ҳеч

қандай душмандан енгилмайдиган бўлиб, кучли хиссиётларга, гўзалликка, куч-қудратга, шон-шухратга ҳамда “анима”, “лакхима” сингари барча сеҳр қудратларига эга бўлди. Шундай қилиб, жуда бой бадавлат бўлиб, у худди қудратли шамолдай ҳеч қандай қаршиликка учрамай жаҳон бўйлаб айланиб юрди.

20. Бир куни Нармада дарёсининг сувларида чиройли аёллар даврасида, бўйнига ғалаба гулчамбарларини осиб, чўмилиб юрган димоғдор Картавирийаржуна қўллари билан дарё оқимини тўхташиб қўйди. 21. Картавирийаржуна дарё сувларини тескари оқизгани сабабли Раваннинг Нармада дарёси кирғоғида, Махишмати шаҳри ёнида жойлашган қароргоҳини сув босиб кетди. Бу ҳол ўзини буюк қахрамон деб ҳисоблаб, Картавирийаржунининг эриган кучини кўролмайдиган ўн бошли Раван учун чидаб бўлмас ҳақорат эди.

22. Равана Картавирийаржунани хотинлари олдида ҳақоратлаб, шарманда қилмоқчи бўлганида, Картавирийаржуна осонлик билан Раванни асир олди ва худди одам бирор маймунни қафасга солганидай, уни Махишмати шаҳрида қамоққа солиб қўйиб, бироз вақтдан кейин шарманда қилиб чиқариб юборди. 23. Бир куни Картавирийаржуна ўрмонда ёлғиз ўзи бирор мақсадсиз сайр қилиб юриб, Жамадагнининг қароргоҳига яқинлашиб қолди. 24. Ўрмонда каттик риёзатга берилиб ўтирган донишманд Жамадагни шохни унинг барча аскарлари, вазирлари ва ҳамроҳлари билан биргаликда муносиб кутиб олди. У меҳмонларга зарур барча нарсаларни муҳайё қилди, чунки унинг камадхену деган сеҳрли сигири бўлиб, у истаганча озик-овқат беришга қодир сигир эди. 25. Картавирийаржуна Жамадагнининг камадхену сигири шарофати билан ўзидан анча бой ва қудратли эканини кўрди. Шу боис шоҳ ва унинг одамлари Хайхайлар Жамадагнининг кутиб олганидан унчалик миннатдор эмасдилар. Аксинча, улар қалбида донишманд брахман учун агнихотра қурбонлик маросими ўтказишга жуда зарур бўлган ана шу камадхену сигирига эга бўлишни пинҳон ният қилдилар. 26. Ўзининг моддий қудратига каттик ишонган Картавирийаржуна одамларини Жамадагнининг камадхену сигирини ўғирлаб кетишга тайёрлади. Шу тариқа шохнинг одамлари камадхену ва унинг бузоғини кўзларидан ёш оқизиб, зўрлик билан Картавирийаржунанинг пойтахти Махишматига олиб кетдилар.

Картавирийаржуна камадхенуни олиб кетгандан кейин ашрамга Парашурама кириб келди. Жамадагнининг кенжа ўғли Парашурама Картавирийаржунанинг бундай ёвузлигини кўриб, худди биров босиб олган заҳарли илондай ғазаби қайнади. 28. Ўзининг даҳшатли ойболтасини, қалқонини, камон ва пайконларини олиб, каттик ғазабга минган Парвардигор Парашурама худди филини таъқиб қилаётган арслондай бўлиб, Картавирийаржуннинг изидан кува бошлади. 29. Картавирийаржуна пойтахти Махишмати Пурига кириши билан изма-из келаётган, қўлида ойболта, қалқон, камон ва пайконлар ушлаб олган Бхригу сулоласининг аълоси, Парвардигор Парашурамани кўрди. Парвардигор Парашурама қора кийик терисини ёпиниб олган бўлиб, чирмашиб ётган узун сочлари қуёш нурида порлаб кучли ёғду таратиб турарди.

30. Парашурамани кўриб, Картавирийаржун жуда кўрқиб кетди ва Унга қарши гурзи, қилич, найза,

ришти, шатагни, шакти ва бошқа кўплаб куроллар билан куролланиб олган пиёда, отлик, жанг аравалик, филга минган жангчиларини жангга ташлади. Картавирийаржуна Парвардигор Парашурамага қарши ўн етти акшаухини(21.879 жанг араваси ва филлар, 109350 пиёда ва 65610 отлик)дан иборат катта кўшин юборди. Аммо Парвардигор Парашурама бир ўзи уларнинг барчасини яксон қилиб ташлади. 31. Душман кўшинини яксон қилишга уста бўлган Парвардигор Парашурама ойболтаси билан душман кўшинини тилка-пора қилар экан, ақл ва шамол тезлигида ҳаракат қиларди. У қаерга борса ҳам душман кўшини тутдай тўкилиб, қўл, оёқлари, елкалари қонга беланиб, мажақланиб ётар, филлари, жиловдорлари ўлиб, отлари ерга жонсиз йиқиларди. 32. Ойболтаси ва пайконларини ишлатиб, Парвардигор Парашурама Картавирийаржуннинг кўшинидаги жангчиларнинг барчасини яксон қилиб, уларнинг қони билан ерни қип-қизил рангга бўяди. Бу даҳшатни кўриб, ғазаби қайнаган Картавирийаржуна ўзи жанг майдонига ташланди. 33. Кейин Картавирийаржуна ўзининг минг кўли билан Парвардигор Парашурамани ўлдириш учун беш юз камонга бирданига пайкон жойлади. Аммо жангчилар аълоси Парвардигор Парашурама унга қарши битта камон қўллаб Картавирийаржуннинг кўлидаги пайконларни ва камонларини яксон қилиш учун етарли бўлган пайконлар йўллади.

34. Камон ва пайконлари чил-парчин бўлган Картавирийаржуна қўллари билан дарахт ва тоғ қояларини кўпориб олиб, Парвардигор Парашурамага ташланди. Аммо Парвардигор Парашурама моҳирлик билан ойболтасини ишлатиб, худди кўп бошли илоннинг каллаларини чопгандай Картавирийаржуннинг қўллари чопа бошлади. 35-36. Шундан кейин Парашурама қўлларидан айрилган Картавирийаржуннинг тоғ қоясидай калласини шарт кесиб ташлади. Отасининг ҳалок бўлганини кўрган Картавирийаржуннинг ўн минг ўғли даҳшатга тушиб, тум-тарақай бўлиб ҳар тарафга қочиб кетди. Душманини ўлдирган Парашурама қаттиқ қийналиб қолган сигир камадхенуни озод қилиб, бузоқчаси билан бирга уни ўрмондаги ашрамга олиб келиб, отаси Жамадагнига топширди.

37. Парашурама отасига ва акаларига Картавирийаржунни ўлдиришда қилган ишларини гапириб берди. Унинг жасоратини эшитиб, Жамадагни ўғлига шундай деди: 38. “Эй буюк қаҳрамон, эй ўғлим Парашурама, барча фаришталарнинг тимсоли бўлган шохни Сен бекорга ўлдирибсан. Сен катта гуноҳ иш қилибсан. 39. Эй азиз ўғлим, бизлар барчамиз - брахманлармиз, шу боис кечиримли бўлиб, ҳаммага бир хилда ҳурмат билдиришимиз лозим. Фақат кечиримлилиги шарофати билан бу оламнинг олий рухий устози Тангри Брахма шундай юксак мартабага кўтарилган. 40. Брахманнинг ҳаётдаги ягона бурчи - ўзининг қалбида қуёшдай порлаб турадиган кечиримлилиги туйғусини ривожлантиришдан иборат. Худонинг Олий Шахси, Хари ўзини хафа қилган одамни кечира билган одамдан жуда мамнун бўлади. 41. Эй азиз ўғлим, бутун олам императори бўлган шохни ўлдириш брахманни ўлдиришдан ҳам оғирроқ гуноҳ ҳисобланади. Энди сен Худои Таолони англаб етиб, ҳаётингда Парвардигор Кришна онги билан яшаб, барча муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилсанг, ана шу оғир гуноҳинг оқибатидан покланасан.

Ўн олтинчи боб.

Парвардигор Парашурама бутун жаҳон кшатрийлар табақасини яксон қилади

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Азизим Махараж Парикшит, Курулар сулоласининг ўғли, Парвардигор Парашурама отасининг бу маслаҳатига дарров: “Хўп, худди шундай қиламан!” - деб жавоб берди. Йил бўйи у муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиб айланиб юрди. Кейин отасининг уйига қайтиб келди. 2. Бир куни Жамадагнининг хотини Ренука, сув олиб келиш учун Ганганинг қирғоғига борди. Бу ерда у апсаралар билан хордиқ чиқараётган, бўйнига нилуфар гулларидан гулчамбар тақиб олган Гандҳарвалар шохини кўриб қолди. 3. У Гангадан сув олиб қайтиб кетмоқчи эди, лекин, самовий гўзаллар билан роҳатланиб, хордиқ чиқараётган Гандҳарвалар шохни Читратратхани кўриб, унга маҳлиё бўлиб анча туриб қолганидан қурбонлик маросими ўтказиш пайти бўлиб қолганини ҳам сезмай қолди. 4. Кейин, қурбонлик маросими ўтказиш пайти ўтиб кетганини тушуниб, Ренука эрининг қарғишига учрашдан қаттиқ кўрқди. Шу боис ашрамга қайтиб бориб, сув тўла кўзани эрининг олдида қўйиб, қўлларини қовуштирган ҳолда тураверди.

5. Буюк донишманд Жамадагни хотини ўзининг хаёлида эрига хиёнат қилганини англаб етди. Шунинг учун у ғазаби қайнаб, ўғилларига шундай деди: “Эй азиз ўғилларим, мана бу гуноҳкор аёлни ҳозирок ўлдиришлар!” Аммо катта ўғиллари унинг буйруғини бажармадилар.

6. Кейин Жамадагни кенжа ўғли Парашурамага отасининг амрини бажармаган ўзининг акаларини ҳам, хаёлан эрига хиёнат қилган онасини ҳам дарров ўлдириб ташлашни буюрди. Парвардигор Парашурама риёзат ва муроқабани борасида юксак даражага кўтарилган отасининг илоҳий қудратини яхши билгани учун шу заҳотиёқ акаларини ва онасини ўлдириб ташлади. 7. Сатйаватининг ўғли Жамадагни Парашурамадан жуда мамнун бўлди. У ўғлига ўздан истаган дуои-фотиҳа сўраши мумкинлигини айтди. Парашурама шундай деди: “Менинг онам ва акаларим қайта тирилсинлар ва ҳамиша уларни мен ўлдирганимни эсида сақлаб қоладиган бўлсинлар! Мен бошқа ҳеч нарса тиламайман”.

8. Шундан сўнг Жамадагнининг дуоси билан Парвардигор Парашураманинг онаси ва акалари шу заҳотиёқ қайта тирилдилар, улар худди қаттиқ уйқудан уйғонгандай, ўзларини жуда бахтиёр ҳис қилардилар. Парвардигор Парашурама қариндошларини отасининг амри билан ўлдирди, чунки у отасининг қанчалик қудратли эканини, унинг риёзат ва билимдонлик бобида қанчалик кучли эканини яхши биларди.

9. Азизим Махараж Парикшит, Парашураманинг қудратидан мағлуб бўлган Картавирийаржунанинг ўғиллари ҳаётда ҳеч қачон бахтиёр яшай олмадилар, чунки улар ҳамиша отасининг даҳшатли ҳалок бўлганини эслаб юрардилар. 10. Бир куни Парашурама Васуман ва бошқа акалари билан бирга ашрамдан узоқлашиб ўрмонга кетганида, Картавирийаржунанинг ўғиллари отаси учун қасос олиш ниятида фурсатдан фойдаланиб, Жамадагнининг даргоҳига яқинлашдилар.

11. Картавирийаржунанинг ўғиллари гуноҳ ишга қўл урмоқчи эдилар. Улар Жамадагни муқаддас гулхан ёнида қурбонлик маросими ўтказиб, ажойиб илтижоларда шарафланадиган Худонинг Олий Шахсини эслаб, чуқур муроқабга берилиб ўтирганини кўриб, уни ўлдиришга ҳозирландилар. 12. Парашураманинг онаси, Жамадагнининг хотини Ренука дод-вой солиб, эрига раҳм қилишларини илтижо қилиб уларга ялинди. Аммо, Картавирийаржунанинг ҳақиқий кшатрийларнинг олийжаноб сифатларига эга бўлмаган ўғиллари шу қадар бешафқат эдиларки, унинг зорланиб қилган илтижоларига заррача эътибор ҳам бермасдан, донишманднинг бошини ёвузларча ваҳшийлик билан танасидан жудо қилиб кетиб қолдилар. 13. Эрининг халок бўлганидан қаттиқ мусибатга тушган покдомон Ренука аламдан ўзининг танасини қўллар билан тимдалар ва аюҳаннос солиб, зорланиб йиғларди: “Оҳ Рама, ҳой ўғлим Рама!”

14. Парашурама билан бирга Жамадагнининг бошқа ўғиллари гарчи ашрамдан анча узоқда юрган бўлсалар ҳам, Ренуканинг аччиқ товушларини эшитиб шу заҳотиёқ ашрамга қайтиб келдилар ва отасини ўлган ҳолда учратдилар. 15. Жамадагнининг чуқур қайғу, ҳасрат, мусибат, алам ва оғир дардга ботган ўғиллари қаттиқ нола чека бошладилар: “Вой отажон, энг тақводор, энг табаррук зот, наҳот сен бизларни ташлаб, ўзинг жаннат сари йўл олдинг!”

16. Шу тарика ғамга чўкиб, Парвардигор Парашурама отасининг ўлик танасини акаларига топшириб, Ўзи бутун ер юзидаги кшатрийлар уруғини битта қўймай қириб ташлашга қарор қилиб қўлига ойболтасини олди.

17. Эй шоҳ, кейин Парвардигор Парашурама браҳманни ўлдириш гуноҳига ботиб, муқаррар халокатга маҳкум бўлган Махешмати шахрига қараб йўлга тушди. Шаҳар ўртасида У Картавирийаржунанинг ўғилларининг таналаридан жудо бўлган каллаларини тахлаб катта бир тоғ ясади. 18-19. Уларнинг танасидан оққан қондан эса, браҳманлар маданиятини эъзозламайдиган шоҳларнинг қалбига қўрқинчли даҳшат соладиган катта бир дарё юзага келди. Кшатрийлар, ҳукумат раҳбарлари ҳар хил гуноҳи-азимларга ботиб кетгани сабабли, Парвардигор Парашурама отасининг ўлгани учун қасос олиш баҳонаси билан бутун Ер юзини иймонсиз, ҳароми кшатрийлардан йигирма бир марта тозалади. Аслини олганда Саманта-панчака деган машхур жойда У иймонсиз кшатрийлар қони билан тўлган тўққиз қўл барпо қилди.

20. Шундан сўнг Парашурама отасининг калласини ўлик танасига қўйиб, бутун танасини куша майсаси устига қўйди. Эҳсон қурбон қилиш билан У барча фаришталарнинг ҳамда ҳар бир тирик мавжудотнинг калбида мавжуд бўлган, ҳамма жойни қамраб олган Олий Руҳи бўлган Парвардигор Васудевага сифиниш маросимини ўткази бошлади. 21-22. Қурбонлик маросимини ўтказиб бўлгандан кейин Парвардигор Парашурама шарқий томонни Хотага, жанубий томонни - браҳмага, ғарбий томонни - адхварйага, шимол томонни - удхатага, ораликдаги тўрт бурчак - шимолий-шарқ, жанубий шарқ, шимолий ғарб, жанубий-ғарб томонларни қолган руҳонийларга бўлиб берди. Ўртадаги жойни у Кашйапага, Арйаварта деган жойни эса - упадраштага эҳсон қилди. Қолган

нарсаларнинг барчасини У садасйаларга, руҳонийларнинг ёрдамчиларига улаштириб берди.

23. Шундан сўнг, маросимнинг қолган амалларини бажариб бўлиб, Парвардигор Парашурама авабхритхаснана деган ювиниб покланиш маросимини ўтказди. Барча гуноҳлардан покловчи буюк Сарасвати дарёси кирғоғида турар экан, Парвардигор Парашурама худди булутсиз беғубор осмонда чарақлаб турган қуёшга ўхшар эди. 24. Шундай қилиб, Парвардигор Парашурама эъзозлаган Жамадагни ўзининг бутун фикру-хаёли, эси-хуши билан бирга яна ҳаётга қайтарилди, энди у етти юлдуз туркумида етти донишманднинг бирига айланди.

25. Эй ҳурматли Махараж Парикшит, кейинги манвантарада нилуфарқўзли Парвардигор Парашурама, Худо Шахси, Жамадагнининг ўғли Ведалар илмининг буюк тарғиботчиси бўлади. Бошқача қилиб айтганда у етти буюк донишманднинг биттаси бўлади. 26. Парвардигор Парашурама ҳозир ҳам чуқур тафаккурга эга браҳман сифатида Махендра деган тоғли мамлакатда истиқомат қилади. Қалби бутунлай осойишта, кшатрийларнинг барча қуролларини тарк этган У Зотга Сиддхилар, Чараналар ва Гандхарвалар сингари самовий зотлар улуғвор хулқ-атвори ва кўрсатган қароматлари учун ҳурмат эҳтиром билан сажда қилиб, илтижо қиладилар.

27. Шундай қилиб, олий руҳ, Худонинг Олий Шахси, Парвардигор ва Ягона Хукмдор моддий оламда жанговор кўринишда Бхригу сулоласида дунёга келиб, нопок кшатрийларга бешафқат қирон келтириб, Ер юзини бир неча бор ёқимсиз шоҳлардан тозалади.

28. Махараж Гадхнининг ўғли Вишвамित्रа худди олов ёлкинидай қудратли эди. У қаттиқ риёзатларга берилиб, кшатрий мартабасидан қудратли браҳман мартабасига кўтарилди. 29. Эй шоҳ Парикшит, Вишвамитранинг 101 ўғли бор эди. Уларнинг ўртанчаси Махуччханда номи билан машхур бўлган. Унинг обрўси билан унинг бошқа ўғиллари ҳам Мадхуччхандалар деб атала бошладилар. 30. Вишвамित्रа Бхригу сулоласида туғилган Аджигартанинг Шунахшепха, Деварата деган номлар билан машхур бўлган ўғлини асраб олди, у ҳам худди ўз ўғлидай эди. Вишвамित्रа ўғилларига Шунахшепхани ака ўрнида қабул қилишни буюрди. 31. Шунахшепханинг отаси уни шоҳ Харишчандра ўтказадиган қурбонлик маросимида эҳсон сифатида қурбон қилиш учун сотган эди. Шунахшепхани қурбонлик маросими майдончасига олиб келганларида у озодликка чиқаришларини тилаб фаришталарга илтижо қилди ва уларнинг марҳамати билан озод бўлганди. 32. Шунахшепха Бхригу сулоласида туғилган бўлишига қарамай, руҳий жиҳатдан жуда юксалган эди, шу боис қурбонлик маросимида иштирок этган фаришталар уни ҳимоя қилдилар. Шу боис у Гадхнининг Деварата деган ўғли сифатида ҳам машхур бўлди. 33. Отаси Шунахшепхани катта ака ўрнида қабул қилишни буюрганида Вишвамитранинг элликта катта ўғиллари - Мадхуччхандлар бунга рози бўлмадилар. Бундан жажли чиққан Вишвамित्रа уларни дуои бад қилди: “Хиёнатли фарзандлар бўлганингиз учун сизлар Ведалар маданиятига нисбатан душманлик қиладиган энг пасткаш млеччхаларга айланинглар!”

34. Катта Мадхуччхандалар қарғишга учрагандан кейин, қолган элликта Мадхуччхандалар, Мадхуччханданинг ўзи билан бирга отасининг олдига

келиб, унинг маслахатига кулоқ солдилар. “Эй хурматли ота, - дедилар улар, - бизлар сен истаган тартибга бўйин эгамиз!”

35. Шундай қилиб, кичик Мадхуччхандалар Шунахшепхани ўзларининг катта оғаси сифатида қабул қилдилар ва унга шундай дедилар: “Бизлар сенинг амрингга мунтазирмиз!” Кейин Вишвамित्रа ўзининг одобли ўғилларига шундай деди: “Сизлар Шунахшепхани катта оға деб қабул қилганингиздан мен жуда хурсанд бўлдим. Менинг амримга бўйсуниб, сизлар мени муносиб фарзандларнинг отаси қилдинглар, шу боис мен сизларни ҳам шундай муносиб фарзандларга ота бўлинглар деб дуо қиламан!”

36. Вишвамित्रа шундай деди: “Эй Кушиқилар (Каушиқаларнинг авлоди), бу Деварата менинг ўғлим, сизларнинг бирингиз бўлади. Илтимос хамиша унинг амрига бўйсунинглар”.

Эй шоҳ Парикшит, Вишвамитранинг Аштака, Харита, Жайа ва Кратуман сингари бошқа кўплаган фарзандлари бор эди. 37. Вишвамित्रа ўғилларидан баъзиларини дуои-бад қилиб, баъзиларига оқ фотиҳа берди, яна бир фарзандни асраб олди. Шундай қилиб, Каушиқалар сулоласида ҳар хил фарзандлар бўлди, аммо унинг барча фарзандлари ичида Деварата тўнғич ўғил ҳисобланади.

Ўн еттинчи боб.

Пурураванинг ўғилларининг сулоласи.

1-3. Шукадева Госвами шундай деди: “Пуруравадан Айу деган ўғил бўлди, унинг Нахуша, Кшатравриддха, Раджи, Рабха ва Анена деган қудратли ўғиллари бўлди. Эй Махараж Парикшит, энди Кшатравриддханинг сулоласи ҳақида эшит. Кшатравриддханинг ўғли Сухотра бўлди, унинг уч ўғли бор эди: Кашйа, Куша ва Гритсамада. Гритсамададан Шунака туғилди, ундан буюк авлиё, Риг-Ведани биладиганлар ичида аълоси бўлган Шаунака туғилди.

4. Кашйанинг ўғли Каши, унинг ўғли Раштра, унинг ўғли Диргхатама бўлди. Диргхатаманинг Дханвантара деган ўғли бўлди, У тиббиёт илмининг асосчиси бўлиб, қурбонлик маросими натижаларидан лаззатланадиган Парвардигор Васудеванинг намоён бўлган киёфаси эди. Дханвантара номини эслаб юрган одам барча касалликлардан халос бўлади. 5. Дханвантаранинг ўғли Кетуман бўлди, унинг ўғли Бхимаратха. Бхимаратханинг ўғли Диводаса, Диводасанинг ўғли Дйуман бўлиб, уни Шатруджит, Ватса, Ритадхваджа ва Кувалайашва деб ҳам атардилар. Ундан Аларка ва бошқа фарзандлар дунёга келди.

7. Дйумананинг ўғли Аларка Ер юзида олтмиш олти минг йил давомида ҳукмронлик қилди, азизим Махараж Парикшит. Ҳеч ким Ер юзида ана шу ёш йигитчалик узоқ вақт ҳукмронлик қилмаган. 8. Аларкадан Сангати деган ўғил туғилди, унинг Сунитха деган ўғли бўлди, Сунитханинг ўғли Никетана, Никетананинг ўғли Дхармакету, Дхармакетунинг ўғли Сатйакету бўлди. 9. Эй шоҳ Парикшит, Сатйакетудан Дхриштaketу туғилди, Дхриштaketудан бутун олам императори Сукумара дунёга келди. Сукумарадан Витихотра туғилди, Витихотрадан Бхарга, Бхаргадан - Бхаргабхуми.

10. Эй Махараж Парикшит, бу шоҳларнинг барчаси Кашининг авлодлари эди, уларни Кшатравриддхилар деб ҳам атайдилар. Рабхининг ўғли Рабхаса, Рабхасанинг ўғли Гамбхира, Гамбхиранинг Акрийа деган ўғли бўлди. 11. Акрийанинг ўғли Брахмавит бўлди. Эй шоҳ, энди мендан Аненанинг авлоди ҳақида эшит. Аненанинг Шуддха деган ўғли бўлди, унинг ўғли Шучи бўлди. Шучининг ўғли Дхармасаратха бўлди, уни Читракрит деб ҳам атайдилар. 12. Читракритдан Шантараджа деган ўғил туғилди, у руҳий ўзлигини англаб етган зот бўлиб, барча Ведавий қурбонлик маросимларини ўтказди, шу боис у бирорта фарзанд кўрмади. Раджининг беш юз ўғли бор эди, уларнинг барчаси қудратли зотлар эди. 13. Фаришталарнинг илтимоси билан Раджи иблисларни ўлдирди ва шундай қилиб, осмон салтанатини иблислардан Индрага қайтариб олиб берди. Аммо Индра Прахлада сингари иблислардан кўрқиб, осмон шоҳлигини Раджиге қайтариб берди ва ўз ихтиёрини Раджининг нилуфар қадамлари пойига топширди.

14. Раджи оламдан ўтгандан кейин Индра Раджининг ўғилларидан жаннат сайёрасини қайтариб беришни илтимос қилди. Лекин улар жаннатни қайтариб бермадилар, лекин улар қурбонлик маросими пайтида Индранинг улушини бериб туришга ваъда бердилар. 15. Шундан сўнг фаришталарнинг руҳий устози Брихаспати муқаддас оловга эҳсон қилиб, Раджининг ўғиллари диний одоб-ахлоқ қонун-қоидаларидан четга чиқиб кетишини тилади. Улар ҳақиқат йўлидан адашганида ғофилликлари сабабли Индра уларни осонлик билан яқсон қилди. Улардан бирортаси тирик қолмади.

16. Кшатравриддхининг невараси Кушидан Прати деган ўғил туғилди. Пратининг ўғли Санджайа бўлди, Санджайанинг ўғли Жайа бўлди. Жайадан Крита туғилди, Критадан - шоҳ Харйабала туғилди. 17. Харйабаладан Сахадева деган ўғил, Сахадевадан Хима туғилди. Химанинг ўғли Жайасена, Жайасенанинг ўғли Санкрити. Санкритининг ўғли қудратли ва моҳир жангчи Жайа бўлди. Бу шоҳларнинг барчаси Кшатравриддхи сулоласининг аъзолари эди. Энди мен сенга Нахушининг сулоласини таърифлаб бераман.

Ўн саккизинчи боб.

Шоҳ Йайатининг яна ўз ёшлигини қайтиб олиши.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шоҳ Парикшит, моддий тана ичида шартланган руҳнинг олти сезгиси бўлгани сингари, шоҳ Нахушанинг ҳам олти ўғли бор эди: Йати, Йайати, Самйати, Айати, Вийати ва Крити. Одам шоҳлик тахтида ўтирганида ёки ҳукумат бошлиғи бўлиб турганида руҳий ўзликни англашнинг аҳамиятини, қадрини тушуна олмайди. Шунини билгани учун Нахушининг тўнғич ўғли Йати гарчи отаси таклиф қилган бўлса ҳам, ҳукумат тахтидан юз ўғирди. 3. Йайатининг отаси Нахуши Индранинг хотини Шачига кўз олайтирган эди. У Агастйа ва бошқа браҳманларга арз қилди. Браҳманлар бу қилмиши учун Нахушини дуои-бад қилиб қарғадилар, натижада Нахуши жаннатдан қувлиб, ер юзида бўлма илон танасида туғилди. 4. Шоҳ Йайатининг тўрт укаси бор бўлиб, Йайати уларга оламнинг тўрт тарафига

хукмронлик қилишни буюрди. Йайатининг ўзи Шукрачарйанинг кизи Девайанига ва Вришапарванинг кизи Шармиштхага уйланиб, бутун ер юзига хукмронлик қилди”.

5. Махараж Парикшит шундай деди: “Шукрачарйа жуда кудратли брахман, Махараж Йайати эса кшатрий эди. Шу боис брахман билан кшатрий орасида қандай қилиб бундай пратилома(аралаш) никоҳ қурилгани мени қизиқтиряпти”.

6-7. Шукадева Госвами шундай деди: “Бир куни Вришапарванинг кизи бегуноҳ табиатли, лекин табиатан қизикқон бўлган Шармиштха Шукрачарйанинг кизи Девайани ва яна минг дугонаси билан бирга сарой боғида сайр қилиб юрарди. 8. Ёш нилуфаркўзли қизлар шу ердаги кўл бўйига келганида чўмилиб хордиқ чиқаришни истаб қолдилар. Шу боис улар кийимларини кирғоқда қолдириб, сувга тушиб, бир бирларига сув сепиб яйраб ўйнай бошладилар. 9. Сувда ўйнаб юрганида улар бирдан шу ерга яқин жойдан хўкизига миниб, хотини Парвати билан бирга ўтиб бораётган Тангри Шивани кўриб қолдилар. Қизлар яланғоч бўлгани учун дарров сувдан чиқиб кийимлари билан яланғоч таналарини бекитиб олдилар.

10. Шармиштха шошилганидан билмай Девайанининг кийими билан танасини бостирган эди. Бу билан у Девайанининг қаттиқ жаҳлини чиқарди, Девайани унга шундай деди: 11. “Вой, мана бу чўри Шармиштханинг ишига қаранглар! Худди баъзида ит ҳам қурбонлик маросимига тайёрлаб қўйилган ёғни олиб қочгани сингари, у ҳам одоб-ахлоқ қоидаларини бузиб, дарров менинг кийимларимни кийиб олибди. 12-14. Бизлар Худонинг Олий Шахсининг юзи ҳисобланадиган буюк билимдон брахманлар табақасига мансуб зотлар бўламиз. Брахманлар ўзларининг қаттиқ риёзатлари билан бутун борлиқни яратиб қўйибдилар, улар Мутлак Ҳақиқатни ҳамisha қалбининг тўрида сақлайдилар. Улар барчага яхшилик, бахт-саодат йўлини, Ведалар маданиятига амал қилиб яшаш йўлини ўргатадилар. Улар бу дунёда сиғиниш лозим бўлган ягона зотлар бўлгани сабабли уларга илтижо қилиб, фаришталар ҳам, ҳар хил сайёраларнинг хукмдорлари ҳам, ҳатто Худонинг Олий Шахси, энг буюк покловчи, равнақ фаришгасининг эри Олий Рух, Худои Таолонинг Ўзи ҳам брахманларга сажда қиладилар. Бизларнинг мартабамиз эса ундан ҳам юксакроқ, чунки бизлар кудратли Бхригу Муни авлодидан бўламиз. Лекин барибир, бу қизнинг отаси аслида бизнинг иблислар орасида юрган шогирдимиз бўлса ҳам, худди Ведалар илмининг маъсулиятини ўз бўйига олган пасткаш шудра сингари, у ҳам уялмасдан менинг кийимимни кийиб олибди”.

15. Шукадева Госвами шундай деди: “Шармиштха дугонасининг бундай аччиқ гапларидан қаттиқ хафа бўлди. Худди жаҳли чиққан илондай тишлари билан пастки лабини тишлаб, у Шукрачарйанинг қизига шундай деди: 16. “Ҳой девона, гадоё қиз, ўзининг ким эканингни билмай туриб, нимага бунча валдирайверасан? Ахир сизлар худди қарғалардай, тирикчилик қилиш учун бирор егулик таъма қилиб, бизларнинг эшигимиз олдида термулиб турасизлар-ку”.

17. Ана шундай ҳақоратли гаплар билан Шармиштха Шукрачарйанинг кизи Девайанини койиб берди. Жаҳл билан у Девайанининг кийимларини йиртиб ташлади, унинг ўзини қудуққа итариб юборди. 18. Девайанини қудуққа ташлаб, Шармиштха уйига

кетиб қолди. Айна пайтда, шу ерларда ов қилиб юрган шоҳ Йайати сув ичиш ниятида қудуқ бошига келди ва тасодифан Девайанини кўриб қолди.

19. Қудуқда яланғоч ўтирган Девайанини кўриб, шоҳ Йайати унга ўзининг уст кийимини ечиб берди. Унга меҳрибонлик қилиб, ўнг қўлидан ушлаб қудуқдан тортиб олди. 20-21. Меҳр-мухаббатга тўла сўзлар билан Девайани шоҳ Йайатига гапира бошлади:

“Эй буюк қахрамон, эй шоҳ, эй душманлари шаҳрини яқсон қилувчи зот, менинг қўлимни ушлаш билан сен мени қонуий хотининг қилиб олдинг. Энди ҳеч қачон бошқа бировнинг қўли менга тегмаслигининг иложини қил, чунки бизлар бирор инсон зотининг амри билан эмас, тақдир тақозоси билан эр-хотин бўлдик. 22. Қудуққа тушиб қолганим сабабли мен сени учратдим. Аслини олганда бу ҳам тақдирнинг иши. Мен билимдон донишманд Брихаспатининг ўғли Качани дуои-бад қилганимда, у ҳам мени қарғаб, сен ҳеч қачон брахманга эрга чиқолмайсан деган эди. Шунинг учун, эй билаги кудратли зот, мен брахманга эрга чиқа олмайман”.

23. Шукадева Госвами шундай деди: “Муқаддас китобларда бундай никоҳга рухсат бўлмагани сабабли бу гаплар шоҳ Йайатига ёқмади, аммо шоҳ Девайанининг гўзаллигига маҳлиё бўлиб қолгани учун унинг илтимосини қабул қилди. 24. Шунинг учун билимдон шоҳ саройига қайтиб кетганида Девайани дод-вой солиб отаси Шукрачарйага Шармиштха билан ўзи орасида бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммасини гапириб берди. У қандай қилиб қудуққа тушиб қолганини, шоҳ қандай уни қутқариб олганини айтиб берди. 25. Шукрачарйа Девайанининг гапларини тинглаб туриб, қаттиқ хафа бўлди. Шоҳларга рухонийлик қилиб яшаётганини қоралаб, пушаймон бўлиб, унчха-вритти(даладан бошқо териб ейиш) турмуш тарзи қанчалик улғувор эканини шарафлаб, кизи билан бирга уйдан чиқиб кетди.

26. Шоҳ Вришапарва Шукрачарйа ўзини жазолаб дуои-бад қилиш учун кетиб бораётганини дарров тушуниб етди. Шу боис уни овутиш ва ғазабдан тушириш учун дарров Шукрачарйанинг олдига югуриб чиқди-да, йўлнинг ўртасида руҳий устозининг олдида узала тушиб сажда қилди. 27. Кудратли Шукрачарйа бир оз вақт ғазабланиб турди-да, кейин шоҳнинг камтарлигидан мамнун бўлиб, унга шундай деди: “Эй азиз шоҳ, марҳамат қилиб қизим Девайанининг истагини бажо келтир. У менинг қизим бўлади, бу дунёда мен уни қолдириб ёки хафа қилиб қўёлмайман”.

28. Шукрачарйанинг илтимосини тинглаб, Вришапарва Девайанининг истагини бажаришга рози бўлиб, унинг гапиришини кутиб турди. Девайани шоҳга ўзининг истагини шундай изҳор этди: “Мен отамнинг амри билан қачон эрга чиқсам ҳам, дугонам Шармиштха ҳам ўзининг дугоналари билан бирга менга канизак бўлиб, мен билан бирга бориши лозим”.

29. Вришапарва чуқур мулоҳаза юришиб, Шукрачарйанинг норозилиги ўзига катта хавф-хатар, оғир кулфатлар келтиришини, уни рози қилиш эса анча моддий фойда келтиришини англаб етди. Шу боис у ҳеч иккиланмай Шукрачарйанинг буйруғини бажарди ва худди хизматкордай унга хизмат қила бошлади. У қизи Шармиштхани Девайанига берди, Шармиштха ўзининг минг дугонаси билан бирга Девайанига канизак бўлиб хизмат қила бошлади.

30. Шукрачарйа Девайанини шоҳ Йайатиға хотинликка берганида, Шармиштхани ҳам қизи билан бирга жўнатди, лекин, шоҳни огоҳлантириб қўйди: “Эй азиз шоҳ, ҳеч қачон мана бу қиз Шармиштханинг сен билан бир тўшақда ётишига йўл қўйма!”

31. Эй шоҳ Парикшит, Девайанини ажойиб ўғли билан бирга кўриб, Шармиштха бир куни ҳомиладор бўлиш пайти келганда шоҳ Йайатиға мурожаат қилди. Хилват жойда, у дугонасининг эри бўлган шоҳдан ўзига ҳам ўғил фарзанд ато этишни илтимос қилди. 32. Малика Шармиштха шоҳ Йайатидан ўғил ато қилишни илтимос қилганида, диний қонунлардан хабардор бўлган шоҳ албатта унинг илтимосини бажо келтирди. Шукрачарйанинг огоҳлантиргани эсида бўлса ҳам, шоҳ бу алоқани Худонинг хоҳиши деб билди ва хилват жойда Шармиштха билан қўшилди.

33. Девайанининг Йаду ва Турвасу деган ўғиллари, Шармиштханинг эса Друхйу, Ану ва Пуру деган ўғиллари бўлди. 34. Мағрур Девайани ташқи манбалардан Шармиштха ҳам ўзининг эридан ҳомиладор бўлиб, уч фарзанд кўрганини билганида ғазаби қаттиқ қайнаб кетди. Шу тариқа у отасининг уйига йўл олди. 35. Қалби эҳтиросга тўлган шоҳ Йайати хотинининг изидан бориб, уни тўхтатиб, ҳар хил ширин гаплар билан, оёқларини силаб, овутишга уринди, лекин барибир хотинини ғазабидан туширишга эриша олмади.

36. Шукрачарйа бу гаплардан хабардор бўлиб қаттиқ ғазабланди. “Ҳой, хотинларга ёпишиб қолган хиёнатчи нодон, сен жуда оғир гуноҳ иш қилдинг! - деди у - Шу боис мен сени дуои-бад қиламан. Бугунданок сен ҳеч нарсага яроқсиз, бадбашара, касалванд қари чол бўлиб қоласан!”

37. Шоҳ Йайати шундай деди: “Эй билимдон, мўътабар браҳман, мен ҳали сенинг қизинг билан жинсий ҳаёт лаззатига тўймадим”. Бунга жавобан Шукрачарйа унга шундай деди: “Агар бирор одам сенинг кексалигинга ўзининг ёшлигини алмашишга рози бўлса, мен сенга шундай қудрат ато этаман!”

38. Шукрачарйадан ана шундай дуои-фотиҳа олиб, шоҳ Йайати тўнғич ўғлиға мурожаат қилди: “Эй азиз ўғлим Йаду, илтимос, менинг кексалик ва касаллигимни олиб, ўзининг ёшлигини менга бер. Азиз ўғлим, мен ҳали бу ҳаёт лаззатларига тўйиб улгурмадим. Лекин агар сен менга меҳрибонлик қилсанг, онангининг отаси мени мубтало қилган бу қарилик азобидан қутқара оласан, мен эса сенинг ёшлигингни олиб яна бир неча йил ҳаёт гаштини сура оламан”.

40. Йаду отасига қараб шундай деб жавоб берди: “Эй азиз отажон, сен ҳали ёш бўлсанг ҳам, барибир кексайиб қолдинг. Лекин мен сенинг кексалигинг ва касаллигингни қабул қила олмайман, чунки агар одам дунёвий бахтдан тўйиб лаззатланмаса, таркидунё қилишга қодир бўлмайди”.

41. Эй Махараж Парикшит, Йайати шу тарзда ўғиллари Турвасу, Друхйу ва Анулардан ҳам ўзининг кексалигига ёшлигини алмашишни илтимос қилди. Лекин улар, диний қонун-қоидалардан беҳабар бўлгани сабабли ўзининг ёшлиги мангу қолади, ҳеч қачон сўнмайди деб ўйлардилар, шунинг учун отасининг илтимосини рад этдилар. 42. Кейин шоҳ Йайати акаларидан анча ёш, лекин рухий илмдан хабардор бўлган Пуруга мурожаат қилди: “Эй азиз ўғлим,

акаларингга ўхшаб сен ҳам одобсизлик қилма, бу сенга ярашмайди”.

43. Пуру отасига шундай деб жавоб берди: “Эй жаноби олийлари, бу дунёда қайси бир одам ўзининг отаси олдидаги қарзини ўза оларди? Отасининг марҳамати билан одам бу дунёда инсон бўлиб туғилади. Инсон танаси эса тирик мавжудотга Худонинг даргоҳига эришиш имконини беради. 44. Отасининг қалбидаги орзусини олдиндан билиб бажарадиган ўғил биринчи даражали, аъло ўғил, отасининг айтганини қиладиган ўғил - иккинчи даражали, отасининг айтганини ҳурматсизлик билан қийналиб бажарадиган ўғил эса - учинчи нав ўғил бўлади. Отасининг хоҳишини, амрини бажармайдиган ўғил - фарзанд эмас, шунчаки чиқинди, ахлат ҳисобланади”.

45. Шукадева Госвами шундай деди: “Шундай қилиб, эй Махараж Парикшит, Йайатининг Пуру деган ўғли отасининг кексалигини олиб, унга ўзининг ёшлигини беришдан жуда бахтиёр эди. Ўғлининг ёшлигини олиб, шоҳ Йайати бу моддий оламда ўзи истаганча лаззатланиб яшади. 46. Шундан сўнг шоҳ Йайати етти оролдан иборат бутун оламнинг ҳукмдори бўлди ва фуқароларни худди уларнинг отасидай меҳрибонлик билан бошқарди. Ўғлининг ёшлигини олгани учун унинг ҳиссиёти жуда қудратли эди, шу боис у моддий, дуунёвий бахтдан ўзи истаганча тўйиб лаззатланиб яшарди. 47. Махараж Йайатининг хотини Девайани ўзининг ақли, ширин тили, нозик танаси ва бошқа анжомлардан фойдаланиб, хилват жойларда унга чуқур лаззат бағишлаб, бахтиёр қиларди. 48. Шоҳ Йайати жуда кўп қурбонлик маросимлари ўтказди, уларда барча фаришталарнинг манбаи ва бутун Ведалар илмининг мазмуни бўлган Худои Таоло Харини мамнун қилиш учун браҳманларга саховат билан эҳсонлар улашди.

49. Худои Таоло, бу оламни яратган Васудева Ўзини бу дунёда худди булутларни ушлаб турган осмон сингари намоён этади. Бутун олам яқсон бўлганида ҳамма нарса Худои Таолога, Вишнуга кириб кетади ва бу ранг-баранглик бошқа намоён бўлмайди. 50. Қалбида ҳеч қандай моддий манфаат кўзламасдан Махараж Йайати Нарайана қиёфасида ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган, ҳамма жойда мавжуд бўлса ҳам моддий кўзларга кўринмайдиган ягона Парвардигорга сажда қиларди. 51. Гарчи Махараж Йайати бутун оламнинг ҳукмдори бўлса ҳам, ўзининг бутун умрини ақлидан ва беш ҳиссиётдан минг йил давомида моддий бойликлардан лаззатланиш учун фойдаланишга сарфлаган бўлса ҳам, у сира тўйиб қаноатлана олмас, лаззатланишга бўлган нафсини сира тўйдира олмас эди.

Ўн тўққизинчи боб. Шоҳ Йайатининг рухий озодликка эришиши.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй Махараж Парикшит, Йайати хотинига жуда боғланиб қолган эди. Лекин вақти келиб, жинсий алоқа лаззатидан ва унинг бемаъни оқибатларидан жиркана бошлади ва ҳаётда бундай яшашни бутунлай тарк этди. У ўзининг севимли хотинига мана шу ҳикояни гапириб берди.

2. Эй азиз, суюкли хотиним, эй Шукрачарйанинг кизи, бир вақтлар бу дунёда менга ўхшаган бир одам яшаб ўтган экан. Илтимос, кулоқ сол, мен унинг ҳаёти ҳақида сенга гапириб бераман. Шундай оилали одамнинг ҳаёти ҳақидаги ҳикояни тинглаб, оилавий ҳаётни тарк этган одамларнинг барчаси ҳамиша чуқур қайғуга ботадилар. 3. Ҳиссиётининг талабини қондиришни ўйлаб, ўрмонда айланиб юрган эчки тасодифан бир қудуққа дуч келибди. Унинг ичида ўзининг қилмиши(кармаси) оқибатида шу қудуққа кулаб тушган, ночор аҳволда турган бошқа эчкига кўзи тушибди. 4. Эчкини қудуқдан чиқариш йўлини ўйлаб, эчки бемалол чиқа олиши учун, шохи билан қудуқ ёнидан чуқурча қазий бошлабди. 5-6. Қудуқ ичидаги чиройли урғочи эчки ўзини қутқарган хушбичим эркак эчкини кўриб, унга эрга чиқишни истаб қолибди. Буни кўриб бошқа эчкилар ҳам шу эчкига эрга чиқишни истаб қолибдилар, чунки бу эркак эчкининг бўйи-басти келишган, мўйловлари чиройли, жинсий алоқа қилишга жуда уста экан-да. Шу боис, худди жин урган одамда дарров телбалик аломатлари намоён бўла бошлагани сингари, жуда кўплаган урғочи эчкилардан боши гангиб қолган эркак эчки ҳам жинсий ҳаётга қаттиқ берилиб кетиб, табиий равишда ҳаётдаги ўзининг асосий мақсадини, ҳақиқий ўзлигини англашни эсдан чиқариб юборди. 7. Қудуққа қулаган эчки ўзининг сеvimли эчкиси бошқа бир урғочи эчки билан жинсий алоқа қилиб турганини кўриб, унинг бу қилмишига чидаб тура олмабди. 8. Эрининг бошқа эчки билан қилаётган бу қилиғидан қаттиқ хафа бўлган эчки, эри аслида унга ҳақиқий дўст эмаслигини, фақат вақтинчалик овунчоқ бўлганини, аслида у тошбағир бир зот эканини тушуниб етибди. Шу боис, у эҳтиросларга берилган эрини тарк этиб, ўзининг аввалги ҳомийси олдига қайтиб кетибди. 9. Хотини олдида гуноҳкор бўлган эчки пушаймон бўлиб, унинг изидан борибди. Ҳар хил тилёғламалик қилиб, уни овутишга ҳаракат қилибди, лекин барибир хотинини овута олмабди. 10. Урғочи эчки бошқа бир эчкининг ҳомийси бўлган брахманнинг даргоҳига кириб борибди, бу воқеадан брахманнинг жаҳли чиқиб, эркак эчкининг осилиб турган моягини кесиб ташлабди. Лекин, эчкининг қаттиқ илтимоси билан брахман яна ўзининг сеҳр қудратидан фойдаланиб унинг моягини жойига қўйибди. 11. Эй азиз хотиним, мояги қайтариб қўйилган эркак эчки қудуқдан чиқариб олган эчки билан яна жинсий ҳаётдан лаззатланиб яшай бошлабди. Лекин, жуда узоқ йиллар давомида, ҳатто хали ҳозиргача шу эчки бундай лаззатдан қаноат топа олмаган, ҳалигача қалбининг осойишталигига эриша олмаган экан.

12. Эй азиз, қошлари чиройли хотиним, мен ҳам ана шу эчкига ўхшайман, чунки мен ҳам шу қадар бефаросатманки, сенинг гўзаллигинга маҳлиё бўлиб, ўзимнинг ҳаётдаги асосий бурчимни, руҳий ўзлимни англашни бутунлай эсимдан чиқариб юбордим. 13. Эҳтиросга берилган одам гарчи бу дунёда ҳамма нарса - гуручи, арпаси, буғдойи ва бошқа ғалласи, олтини, чорва моллари ва хотинлари етарли бўлса ҳам, ҳеч қачон ўзининг ақлини қаноатлантира олмайд. У ҳеч қачон ўзининг нафсини тўйдириб, қаноат топиб, хотиржам осойишта ҳаёт кечири олмайд. 14. Худди оловга ёғ қуйиб турган билан ўчмагани, аксинча уни бадтарроқ кучайтиргани сингари, лаззатланишда давом этавериш билан ҳеч қачон моддий лаззатлардан воз кечишга эришиб бўлмайди. (Аслида ҳар бир фаросатли

одам ўз ихтиёри билан ҳиссий лаззатлардан воз кечиши керак). 15. Қачон одам бошқаларга ҳасад қилмаса, қалбида бирор одамга ёмонлик, зулм қилиш истаги бўлмаса у ҳамиша хотиржам, осойишта бўлади. Шундай одамнинг кўзига бутун олам бахтга тўладай бўлиб кўринади. 16. Дунёвий моддий лаззатларга қаттиқ боғланиб қолган одамнинг ҳиссий лаззатларни тарк этиши жуда қийин. Ҳатто кексайиб, оғир касалликка чалинган одам ҳам ҳиссиётларини лаззатлантириш ҳақидаги ўй-хаёллардан покланишга кодир бўлмайди. Шунинг учун ҳақиқатан ҳам мангу бахтга интилиб юрган одам бу дунёдаги бемаъна мусибатларнинг манбаи бўлган ана шундай бемаъна интилишларни ўз ихтиёри билан тарк этиши лозим.

17. Одам ҳатто ўзининг онаси, синглиси ёки кизи билан ҳам бир ўтирғичда ёнма-ён ўтирмаслиги керак, чунки ҳиссиётлар шу қадар қудратлики, улар ҳатто чуқур билимга эга бўлган донишманд одамни ҳам йўлдан уриб, жинсий алоқа лаззатига маҳлиё қилиши мумкин. 18. Мен ҳиссий лаззатларга берилиб минг йил яшадим, шунга қарамай, жинсий алоқа билан лаззатланиш истагим кун сайин ортиб борапти. 19. Шунинг учун, энди мен бундан кейин бундай ўткинчи истакларнинг ҳаммасини ўз ихтиёрим билан бутунлай тарк этман ва Худонинг Олий Шахсига узлуксиз муроқаба қилишни бошлайман. Ақлнинг ҳар хил қарама-қарши фикрларидан, сохта ўзлик таъсиридан халос бўлиб, қалин ўрмонда ҳайвонлар орасида дайдиб юраман. 20. Яхшими-ёмонми, бу ҳаётдами - кейинги ҳаётдами, бу сайёрадами - жаннатдами, дунёвий, моддий бахт барибир ўткинчи, вақтинчалик ва бефойда эканини англаб етган фаросатли одам бундай нарсалар билан лаззатланмаслиги ёки ҳатто улар ҳақида ўйламаслиги кераклигини билган киши ҳақиқий ўзлигини англаб етган инсондир. Ана шундай, ҳақиқий ўзлигини англаб етган шахс яхши биладик, моддий, дунёвий бахтга интилиш - бизнинг бу моддий оламда тутқун, асир бўлиб қолишимизга, ўзимизнинг азалий, мангу руҳий ҳолатимизни эсдан чиқаришга сабаб бўлади”.

21. Шуқадева Госвами шундай деди: “Хотини Девайанига шу сўзларни айтиб, барча моддий истаклардан озод бўлган шоҳ Йайати кенжа ўғли Пуруни олдига чақирди ва унга ёшлигини қайтариб бериб, ундан ўзининг кексалигини қайтариб олди. 22. Шоҳ Йайати салтанатининг жанубий-шарқ томонини ўғли Друхйуга, жануб томонни - ўғли Йадуга, ғарб томонни - ўғли Турвасуга, шимол томонни - ўғли Ануга берди. Шу тариқа у салтанатини ўғилларига улашиб берди.

23. Йайати салтанат тахтига бутун олам императори, барча бойликлар эгаси сифатида кенжа ўғли Пуруни ўтқазди ва унга ҳамма акаларини бўйсунадиган қилди. 24. Эй шоҳ Парикшит, шоҳ Йайати жуда узоқ йиллар давомида ҳиссий лаззатларга берилиб яшаб, бундай ҳаётга жуда ўрганиб қолган эди. Лекин худди қаноти ўсиб чиққан қуш ҳеч ачинмасдан уясини бир зумда тарк этгани сингари, у ҳам барча дунёвий лаззатларни бир зумда тарк этди.

25. Шоҳ Йайати ўз ихтиёрини бутунлай Худонинг Олий Шахсига, Васудевага топшириб қўйгани учун у моддий табиат гуналари илатидан бутунлай пок эди. Шу тариқа руҳий юксалишга эришгани туфайли у бутун ақлини Мулқак Ҳақиқатда, Парабрахманда, Васудевада мужассам қилишга кодир бўлди ва охир-оқибатда

Парвардигорнинг мангу хамроҳи бўлиш шарафига муяссар бўлди.

26. Махараж Йайатининг эчкилар ҳақидаги ҳикоясини тинглаб бўлган Деваяни, эр-хотиннинг орасидаги ҳазил-мутойибага ўхшаган бу ҳикоя аслида уни рухий ўзлигини англашга ундаш учун айтилганини англаб етди. 27-28. Шундан сўнг Шукрачарйанинг қизи Девайани англаб етдики, бу дунёда эри, дўстлари ва қариндошлари билан бирга бўлиш худди сайёҳларнинг йўлда бир жойда дам олишга учрашишига ўхшайдиган ўткинчи ҳолат. Жамиятдаги дўстлик ва муҳаббат муносабатларини, худди уйқудагидай, Худонинг Олий Шахсининг ташқи қуввати, майя юзага келтиради. Кришнанинг марҳамати билан Девайани моддий оламдаги ўткинчи, ёлғончи ҳолатини тарк этди. Бутун ақлини Кришнада мужассам қилиб, у кўпол ва нафис моддий таналаридан халос бўлиб рухий озодликка чиқди.

29. Эй Парвардигор Васудева, эй Худонинг Олий Шахси, Сен - бутун оламни яратган Зотсан. Сен Олий Рух сифатида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида яшайсан, энг кичик заррадан ҳам кичиксан, лекин шунда ҳам энг катта нарсадан катта бўлиб, ҳамма жойни қамраб олган буюк Зотсан. Сен бутунлай жим тургандай, ҳеч нарса қилмаётгандай кўринасан, лекин Сенинг ҳамма ерга сингиб кетувчан табиатинг туфайли барча бойликларнинг ягона эгаси бўлганинг учун шундай кўринади. Шунинг учун мен Сенга чуқур эҳтиром билан сажда қиламан”.

Йигирманчи боб. Пурулар сулоласи.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй Махараж Парикшит, эй Махараж Бхаратнинг авлоди, мен энди сенга Пурунинг сулоласини таърифлаб бераман. Сен ҳам шу сулолада дунёга келгансан, бу сулолада бошқа жуда кўп авлиё шоҳлар, жуда кўп брахманлар дунёга келган. 2. Мана шу Пуру сулоласида шоҳ Жанамеджайа дунёга келган. Жанамеджайанинг ўғли Прачинван, унинг ўғли Правира, Правиранинг ўғли Мануший бўлди. Манушийунинг ўғли Чарупада. 3. Чарупаданинг ўғли Судйю, Судйюнинг ўғли Бахугава, Бахугаванинг ўғли Самйати. Самйатидан Ахамйати деган ўғил дунёга келди, ундан Раудрашва дунёга келди. 4-5. Раудрашванинг ўн ўғли бор эди: Ритейю, Какшейю, Стхандилейю, Критейюка, Жалейю, Саннатейю, Дхармейю, Сатйейю, Вратейю ва Ванейю. Буларнинг ичида Ванейю кенжаси эди. Бутун борлиқ ҳаётининг масхулоти бўлган ҳолда, ҳаёт назорати остида ҳаракат қиладиган ўн сезги сингари, Раудрашванинг бу ўн ўғли ҳам Раудрашванинг тўла назорати остида ҳаракат қиларди. Уларнинг барчаси Гхритачи деган апсардан дунёга келган эдилар. 6. Ритейюнинг Рантинава деган ўғли бор эди. Унинг Сумати, Дхрува ва Апратиратха деган уч ўғли бўлди. Апратиратханинг Канва деган ёлғиз ўғли бўлди. 7. Канванинг ўғли Медхатитхи бўлди, унинг ўғилларининг барчаси брахман мартабасига эришиб, уларнинг тўнғичи Прасканна бўлди. Рангидеванинг Сумати деган ўғли Ребхи деган ўғил кўрди. Махараж Душманта Ребхининг ўғли сифатида шуҳрат қозонди.

8-9. Бир куни шоҳ Душманта ўрмонга овга чиқиб, қаттиқ чарчаганида Канва Мунининг ашрамига бориб қолди. Шу ерда у энг чиройли бир қизни учратиб қолди. У худди равнак фариштасидай порлаб, бутун ашрамни жамолининг нури билан ёритиб ўтирарди. Шоҳ табиий равишда унинг гўзаллигига махлиё бўлиб қолди ва бир неча ҳамроҳ жангчиси билан яқин бориб, унга мурожаат қилди. 10. Соҳибжамол аёлни учратиб, шоҳ жонланиб кетди, ов қилиб қаттиқ чарчагани ҳам бутунлай унинг эсидан чиқиб кетди. Шубҳасиз, у эҳтирос домига тушиб қолиб, эс-хушини йўқотиб кўйган эди. Шу боис қизга ҳазил мутойиба билан гапирга бошлади:

11. “Ҳой соҳибжамол гўзал, кимсан? Кимнинг қизисан? Бу кимсасиз ўрмонда нима қилиб ўтирибсан? Нимага бу ерларда қолиб кетгансан? 12. Эй гўзалликда тенги йўқ қиз, менимча сен қшатрийлар табақасига мансуб бўлсанг керак. Мен Пурулар сулоласидан бўлганим учун менинг ақлим ҳеч қачон бошқа бирор табақага оид нарсага учмайди”.

13. Шакунтала шундай деди: “Мен донишманд Вишвамитранинг қизи бўламан. Менинг онам - Менака, у мени ўрмонда қолдириб кетган. Эй қахрамон, энг қудратли авлиё донишманд Канва Муни буларнинг ҳаммасини яхши билади. Энди айтчи, мenden нима истайсан? 4. Эй, кўзлари нилуфар гулига ўхшаган чиройли шоҳ, марҳамат, келиб хонадонимизда меҳмон бўл, қўлдан келганча сенга хизмат қиламиз. Бизда бироз нивара гуручидан бор, истасанг овқатланиб олишинг мумкин. Агар истасанг, ҳеч тортинмасдан шу ерда қолишинг мумкин”.

15. Шоҳ Душманта қизга шундай деди: “Эй қошлари гўзал Шакунтала, сен буюк авлиё Вишвамитранинг хонадонида дунёга келгансан ва меҳмондорчилигинг ҳам шунга муносиб. Шоҳнинг қизи ўзига фақат шоҳлардан эр танлайди!

16. Шакунтала Махараж Душмантанинг таклифига индамади, шу билан у ўзининг розилигини билдирган эди. Шундан сўнг, никоҳ қуриш қонунларини яхши биладиган шоҳ Гандхарваларга хос никоҳ маросими асосида Ведавий пранава(омкара) мантрасини тақрорлаб, қизга уйланди.

17. Ҳеч қачон уруғлигини натижасиз чиқармайдиган шоҳ Душманта тунда малика Шакунтала билан қовушди ва эрталаб саройига қайтиб кетди. Вақти келиб Шакунтала ўғил фарзанд кўрди. 18. Янги туғилган чақалоққа барча покланиш маросимларини ўрмонда Канва Мунининг ўзи ўтказди. Кейинчалик бу фарзанд шу қадар қудратли бўлиб ўсдики, арслонларни асир олиб, улар билан ўйнаб юрарди. 19. Гўзал аёллар ичида соҳибжамоли бўлган Шакунтала Худои Таолонинг қисман намоён бўлган қиёфаси бўлган ўзининг енгилмас қудратли ўғли билан бирга эри Душмантанинг саройига кириб келди. 20. Шоҳ ўзининг бегуноҳ хотини ва ўғлини тан олиб, қабул қилишдан бош тортганида самодан илоҳий овоз келди. Бу овозни шу ердагиларнинг барчаси эшитдилар.

21. Илоҳий овоз шоҳга шундай деди: “Ҳой Махараж Душманта, ўғил ҳақиқатан ҳам ўз отасининг фарзанди бўлади. Онаси эса фарзанд учун шунчаки тери қопга ўхшаган идиш ҳисобланади. Ведалар қонунига кўра ота бўлган инсон ўғли қиёфасида бу дунёга қайта келади. Шу боис ўз ўғлини қабул қилиб ол ва Шакунталани бундай ҳақорат қилма! 22. Эй шоҳ Душманта, уруғлик берган фарзанднинг зот ҳақиқий

отаси бўлади, ўғил фарзанд отасини Азроилнинг жаханнамидан қутқариб қолади. Сен ҳақиқатан ҳам мана шу ўғилнинг отаси бўласан. Шакунталанинг гаплари айна ҳақиқатдир!”

23. Шукадева Госвами шундай деди: “Махараж Душманта оламдан ўтганида унинг ўғли етти оролдан иборат бутун оламнинг ҳукмдори бўлди. Унга барча донишмандлар Худонинг Олий Шахсининг бу дунёдаги қисман намоён бўлган кўриниши сифатида сажда қиладилар.

24-26. Душмантадан туғилган Махараж Бхаратанинг ўнг қўлининг оясида Парвардигор Кришнанинг халқасининг белгиси, товонида эса нилуфар гулбаргининг белгиси бор эди. Худонинг Олий Шахсига тантанали қурбонлик маросими ўтказиб сажда қилиб, у бутун оламнинг эгаси ва императори бўлди. Кейин, Маматейанинг, Бхригу Мунининг рухий раҳбарлиги остида Ганганинг чиқиш жойидан охиригача, дарё қирғоғида эллик беш марта от қурбонлик қилиш маросимини, Йамунанинг Прайагда Гангага қўшилган жойидан то охиригача унинг қирғоғида етмиш саккиз марта от қурбонлик маросимини ўтказди. У ажойиб жойда қурбонлик маросими учун муқаддас гулхан ёқиб, брахманларга катта бойлик улашди. Аслида у шунчалик кўп сигир эҳсон қилдики, минглаб брахманларнинг ҳар бири бир бадва(13.084)дан кўпроқ сигирга эга бўлдилар.

27. Махараж Душмантанинг ўғли Бхарат ана шу қурбонлик маросимлари учун ўттиз уч юзлик(3300) от асир қилиб, бошқа барча шохларни хайратга солди. У хатто фаришталардан ҳам бой-бадавлат бўлиб кетди, чунки у олий рухий устоз Харига эришган эди. 28. Махараж Бхарата Машнара деган қурбонлик маросими ўтказган пайтда эҳсон сифатида ўн тўрт лакх(1лакх = 100000)та курак тишлари оқ, танаси қора, устига олтин тақинчоқлар тақилган филни эҳсон сифатида брахманларга таратди. 29. Ҳеч ким ўз кучи билан жаннатга эриша олмагани сингари, Махараж Бхаратнинг бу дунёда кўрсатган кароматларини ҳам ҳеч ким такрорлашга қодир эмас. Ҳеч ким аввал бундай кароматлар кўрсатган эмас ва ҳеч ким келажакда бундай кароматларни кўрсата олмайди.

30. Махараж Бхарата юришга чиққанида барча Киратларни, Хунларни, Йаванларни, Паундраларни, Канкаларни, Кхашаларни, Шақларни ва брахманлар маданиятининг қонун-қоидаларига қарши бўлган бошқа шохларни яқсон қилди. 31. Аввал, фаришталардан мағлуб бўлган барча иблислар Расатала деган қуйи сайёралар тизимида паноҳ топиб, шу ерга фаришталарнинг хотинларини, қизларини ҳам олиб ўтган эдилар. Махараж Бхарата ана шу аёлларнинг барчасини иблислар қўлидан озод қилиб, яна фаришталарга қайтариб берди. 32. Махараж Бхарата ўзининг бу ердаги ва жаннатдаги барча фуқароларини йигирма етти минг йил давомида ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса билан етарлича таъминлаб турди. У ўз фармонларини чопарлар билан дунёнинг ҳамма жойига юборарди. 33. Бутун олам императори сифатида Махараж Бхарата буюк салтанат бойлигига ва энгилмас қўшинга эга эди. Ўғиллари ва оиласи унга ўз ҳаётидай азиз кўринар эди. Лекин, охир-оқибатда у буларнинг барчасини рухий юксалиш йўлида катта ғов бўлади деб, улар билан бирга лаззатланишни тарк этди.

34. Эй шох Парикшит, Махараж Бхаратанинг уч чиройли хотини бўлиб, улар шох Видарбханинг

қизлари эди. Улар ҳар бири ўғил фарзанд туғиб, уларнинг эрига ўхшамаганини кўриб, эрининг ўзларини хиёнат қилганликда айблашдан кўриб, ўғилларини ўлдириб ташладилар. 35. Зурёд қолдиришга интилаётган шохнинг режалари шу тариқа барбод бўлгандан кейин, шох ўғил фарзанд кўриш ниятида Маруг-сома деб аталадиган қурбонлик маросими ўтказди. Маруглар деб аталадиган фаришталар ундан мамнун бўлиб, унга Бхарадваджа деган ўғил фарзанд ато этдилар.

36. Жаннатда Брихаспати деган фаришта укасининг Мамати деган ҳомиладор хотинига ошиқ бўлиб, унга ўзи билан қўшилишни таклиф қилди. Маматининг қорнидаги ўғил бунга қаршилик кўрсатди, аммо Брихаспати уни дуои-бад қилиб, зўрлик билан Маматига қўшилиб, унинг қорнига уруғлигини жойлади.

37. Ноконуний фарзанд кўргани учун эридан кўриб, Мамата фарзандини ташлаб юбормоқчи бўлди. Аммо фаришталар унинг ўғлига ном қўйиб, бу муаммони хал қилдилар.

38. Брихаспати Маматага шундай деди: “Ҳой нодон аёл, гарчи бу ўғил сенинг эрингдан бошқа бировдан бўлган бўлса ҳам сен барибир уни парваришлашинг керак”. Унга жавобан Мамата шундай деди: “Ҳой Брихаспати, уни ўзинг асраб ол!” Шу гаплар билан Брихаспати ва Мамата тарқаб кетдилар. Шу тариқа ўғил фарзанднинг исми Бхарадваджа, яъни “гарчи бегона эрақдан бўлса ҳам парвариш қил” бўлиб қолди.

39. Гарчи уни парваришлашини ҳамма қўллаб қувватлаган бўлса ҳам, Мамата ноконуний фарзанд бўлгани учун уни тарк этди. Шу боис Маруглар деб аталадиган фаришталар уни асраб олдилар. Махараж Бхарата ўғил фарзанд кўришни тилаганида улар унга шу фарзандни совға қилдилар.

Йигирма биринчи боб. Бхаратлар сулоласи

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Бхарадваджани фаришта Маруглар асраб олгани учун у Витатха деган ном билан ҳам шуҳрат қозонди. Витатханинг Манйу деган ўғли бўлди. Ундан беш ўғил - Брихаткшатра, Жайа, Махавирйа, Нара ва Гарга туғилди. Улардан Наранинг Санкрити деган ўғли бўлди. 2. Эй Махараж Парикшит, эй Пандунинг авлоди, Санкритининг Гуру ва Рантидева деган икки ўғли бўлди. Рантидева бу дунёда ҳам у дунёда ҳам машхур, чунки уни одамлар ҳам, фаришталар бирдай ҳам шарафлаб улуғлайдилар. 3-5. Рантидева ўзининг ҳаётида ҳеч қачон бирор нарсага эришиш учун ҳаракат қилган эмас. У такдирига ўзидан-ўзи келган нарсалар билан лаззатланиб яшарди, уйига меҳмонлар келиб қолгудай бўлса, уйда бор нарсасини уларга инъом этарди. Шу тариқа у оила аъзолари билан биргаликда жуда қаттиқ қийинчиликларга дучор бўлиб яшарди. Аслида у ва унинг оила аъзолари очлик ва чанқоқликдан қийналиб, ҳамиша титраб юрардилар, лекин шунга қарамай Рантидеванинг ақли ҳамиша хотиржам юрарди. Бир куни, қирқ саккиз кунлик рўзадан кейин эрталаб Рантидева озгина сув билан сут ва сариёғда пишган егуликка эга бўлди. Аммо оила аъзолари билан биргаликда энди овқатлангани ўтирганида уйига бир брахман меҳмон бўлиб келди.

6. Рантидева ҳамма жойда ва ҳар бир тирик мавжудотда Худонинг Олий Шахсини кўриб юргани сабабли, у меҳмонни ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олди, ҳамда уни ўзининг овқатидан меҳмон қилди. Брахман овқатланиб, ўзининг йўлига кетди. 7. Қолган овқатни уйидагилар билан бўлишиб, энди ўз улушини ейман деб турганида яна бир шудра меҳмон бўлиб келиб қолди. Худонинг Олий Шахси билан ўзаро муносабатда бўлган шудрага ҳам ўзининг овқатининг бир қисмини бериб, Рантидева уни ҳам меҳмон қилди. 8. Шудра ўз йўлига кетганида, бир неча ити билан бошқа бир меҳмон келди ва Рантидевага шундай деди: “Эй шоҳ, мен ва менинг итларим жуда оч. Илтмос бизларга бирор егулик бер!”

9. Шоҳ Рантидева ҳурмат эҳтиром билан қолган овқатни меҳмонга ва унинг итларига улаштириб берди. Шоҳ уларга эҳтиром билан сажда қилди. 10. Шундан сўнг фақат бир одамга етгудай ичимлик суви қолган эди. Шоҳ энди сув ичмоқчи бўлиб турганида бир чандал келиб, шундай деди: “Эй шоҳ, гарчи мен пасткаш одам бўлсам ҳам, ичиш учун менга озгина сув бер!”

11. Қаттиқ чарчаган бечора чандалнинг аламли сўзларини эшитиб, унга ачиноиб кетган Махараж Рантидева куйидаги ширин сўзларни хитоб қилди: 12. “Мен Худонинг Олий Шахсига сеҳрли йогада саккиз турли қудратга эришиш учун ёки кетма-кет туғилиб-ўлишлардан халос бўлиш учун илтижо қилиб сиғиниб юрганим йўқ. Мен барча тирик мавжудотлар орасида қолиб, уларга ҳамдард бўлишни, уларни барча мусибатлардан халос этишни истайман. 13. Тирикчилик учун курашаётган мана шу бечора чандалнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун унга сув бериб, мен ўзим очлик, чанқоқлик, чарчашдан, танамнинг титрашидан, барча нохушликлардан, бахтсизликдан, изтироб ва алданишлардан халос бўламан”.

14. Шу гапларни айтиб, шоҳ Рантидева чанқоганидан ўлим арафасида турган бўлса ҳам, ўзи ичмоқчи бўлиб турган сувини ҳеч иккиланмасдан чандалга берди, чунки шоҳ табиатан жуда меҳрибон ва хотиржам эди. 15. Моддий оламдаги барча одамларга улар ўзлари истаган нарсаларини ато этиб, уларни мамнун қиладиган Тангри Брахма ва Тангри Шива сингари фаришталар шоҳ Рантидеванинг олдида ўзларининг ҳақиқий киёфаларида пайдо бўлдилар. Брахман, шудра, чандал ва овчи киёфасида меҳмон бўлиб келган зотлар аслида уларнинг ўзлари эди.

16. Шоҳ Рантидева фаришталар берадиган моддий бойликлар билан лаззатланишни истамас эди. У уларга эҳтиром билан сажда қилди, чунки у ҳақиқатан ҳам Парвардигор Вишнуга, Худонинг Олий Шахси, Васудевага қаттиқ боғланиб қолган эди. У ўзининг бутун фикру-хаёлини Парвардигор Вишнунинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қилди.

17. Эй Махараж Парикшит, шоҳ Рантидева ҳамиша Кришна онги билан иш қиладиган ва ҳар қандай дунёвий истаклардан озод бўлган Худои Таолонинг соф содиқ хизматкори бўлгани сабабли, унинг ҳаётида Парвардигорнинг алдамчи қуввати, майя ҳеч қачон унга дуч келмасди. Аксинча, худди уйқусини енгган одамдай, у майяни бугунлай мағлуб қилиб қўйган эди. 18. Бу дунёда шоҳ Рантидеванинг яшаш қонун-қоидаларига амал қилиб юрганларнинг барчаси унинг марҳаматига эришиб, Худонинг Олий Шахси Нарайанага боғланган Худонинг соф содиқларига

айландилар. Шу тарзда уларнинг барчаси энг аъло йоглар даражасига кўтарилдилар.

19-20. Гарганинг Шини деган ўғли бўлди, унинг Гаргйа деган ўғли бўлди. Гаргйа кшатрий бўлса ҳам, ундан брахманлар сулоласи дунёга келиб ер юзига таралди. Махавирйадан Дуритакшайа деган ўғил дунёга келди, унинг ўғиллари Трайаруни, Кави ва Пушкараруни бўлди. Дуритакшайанинг бу ўғиллари кшатрийлар сулоласида туғилган бўлишига қарамай, улар ҳам брахман мартабасига кўтарилдилар. Брихаткшатранинг Хаста деган ўғли бўлди, у Хастинапур деган шаҳар барпо қилди(ҳозирги Дехли). 21. Шоҳ Хастидан уч ўғил дунёга келди - Аджамидха, Двимида ва Пурумидха. Аджамидханинг Приямедха бошлиқ авлодларининг барчаси брахман даражасига эришдилар. 22. Аджамидхадан Брихадишу деган ўғил дунёга келди, Брихадишудан Брихаддхану деган ўғил, ундан Брихаткайа деган ўғил, Брихаткайдан - Жайадратха дунёга келди. 23. Жайадратханинг ўғли Вишада, Вишаданинг ўғли Сйенаджит бўлди. Сйенаджитнинг ўғиллари Ручирашва, Дридхахану, Кашйа ва Ватса бўлди. 24. Ручирашванинг ўғли Пара, Паранинг ўғиллари Притхушена ва Нипа. Нипанинг юз ўғли бор эди. 25. Шоҳ Нипа хотини Критви - Шуканинг қизидан Брахмадатта деган ўғли бўлди(*). Буюк сеҳргар йог бўлган Брахмадатта хотини Сарасватидан Вишваксена деган ўғил кўрди.

26. Буюк донишманд Жаигишавйанинг маслаҳати билан Вишваксена сеҳрли йога тизимини батафсил таърифлаб берди. Вишваксенадан Удаксена туғилди, Удаксенадан - Бхаллата дунёга келди. Уларнинг барчаси Брихадишунинг авлодлари сифатида шуҳрат қозондилар. 27. Двимидахининг ўғли Йавинара бўлди, унинг ўғли Критиман. Критиманнинг ўғли машхур Сатйадхрити. Сатйадхритидан Дридханеми деган ўғил бўлди, у Супаршванинг отаси бўлди. 28-29. Супаршвадан Сумати деган ўғил туғилди, Суматидан Саннатиман, Саннатимандан Крити туғилди. У Брахмадан сеҳр қудратига эришиб, Сама Ведадан олти Прачйасама самхит шеърини ўргатди. Критининг ўғли Нипа бўлди, Нипанинг ўғли - Удграйудха; Удграйудханинг ўғли - Кшемйа; Кшемйанинг ўғли - Сувира; Сувиранинг ўғли - Рипунджайа. 30. Рипунджайанинг ўғли Бахуратха. Пурумидха бефарзанд ўтди. Аджамидханинг Налини деган хотинидан Нила деган ўғли бўлди, Ниланинг хотини Шанти бўлди. 31-33. Шантининг ўғли Сушанти, Сушантининг ўғли Пуруджа, Пуруджанинг ўғли Арка. Аркадан Бхармйашва дунёга келди, Бхармйашвадан беш ўғил дунёга келди - Мудгала, Йавинара, Брихадвишва, Кампилла ва Санджайа. Бхармйашва ўғилларига шундай деди: “Эй ўғилларим, илтмос, мен учун мана шу беш салтанатни бошқаринглар, бу сизларнинг қўлингиздан келади”. Шу тариқа унинг ўғиллари Панчалалар деган ном билан шуҳрат қозондилар. Мудгаладан Маудгалйалар деган машхур брахманлар сулоласи дунёга таралди. 34. Бхармйашванинг

* Бу ерда кўрсатилган Шука "Шримад Бхагаватам"ни ёзган Шукадева Госвамидан бошқа шахс. Вйасадеванинг ўғли Шукадева Госвамнинг хаёти "Брахмаваиварта-пурана"да барча тафсилотлари билан ёритилган. Унда айтилишича, Вйасадева ўзининг хотини сифатида Жабалининг кизини олиб қўйган эди. Узок йиллар давомида иккови ҳам қаттиқ риёзатга берилгандан кейин улар фарзанд кўриш ниятида қўшилдилар. Бола онасининг корнида ўн икки йил қолиб кетди. Отаси ундан ташқарига чиқишни илтмос қилганида, ўғли агар майя таъсиридан бугунлай озод

бўлмаса бу ердан ҳеч қачон чиқмаслигини айтди. Вйасадева уни ишонтириб айтдики, унга майя таъсир қилмайди. Аммо бола отасининг гапига ишонмади, чунки отаси халигача хотини ва болаларига боғланган эди. Кейин Вйасадева Дваракага йўл олди ва Худо Шахсига ўзининг муаммосини гапириб берди. Худо Шахси Вйасадеванинг илтимоси билан унинг ашрафига келди ва болакайни унга майя таъсир қилмаслигига ишонтирди. Шндай кейин болакай тўлиқ ишонч ҳосил қилиб, онаси қоридан ташқарига чиқди, лекин шу захотиёқ паривраджакачарйа сифатида уйини тарк этди. Ҳижрон ўтига чидамай, отаси боласи изидан эргашганини кўриб, Шукадева Госвами ўзининг яна бир тўлиқ қиёфасини намоён этди. Ана шу Шукадева кейин оилали бўлди. Шунинг учун бу ерда кўрсатилган шука-кайя, яъни Шуканинг кизи ана шу Шуканинг кизи бўлади. Ҳақиқий Шукадева Госвами умр бўйи брахмачари бўлиб ўтган.

Ўғли Мудгаланинг ўғил ва киз эгизак фарзандлари бор эди. Ўғилнинг исми Диводаса, қизнинг исми - Ахалйя. Ахалйя эри Гаутамадан Шатананда деган ўғил кўрди. 35. Шатананданинг Сатйадхрити деган ўғли бўлди, у камондан ўқ отишда жуда моҳир эди. Сатйадхритининг ўғли Шарадван. Шарадван Урвашини кўрганида эҳтиросга берилиб эрлик уруғлигини окизиб юборди. Уруғлик шара майсасининг устига тушди. Ана шу уруғликдан ажойиб эгизак чақалоқлар - ўғил ва киз дунёга келди. 36. Махараж Шантану ов қилиб юрганида ўрмонда ётган ана шу ўғил ва киз эгизак болаларни кўриб қолди. Ачинганидан раҳми келиб, уларни уйига олиб кетди. Шу боис ўғил боланинг исми Крипа(“ачиниш”), киз боланики эса Крипи бўлди. Крипи кейинчалик Дроначарйанинг хотини бўлди.

Йигирма иккинчи боб. Аджамидханинг авлодлари.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шоҳ, Диводасанинг ўғли Митрайу бўлди, Митрайудан тўрт ўғил дунёга келди - Чйавана, Судаса, Сахадева ва Сомака. Сомака Жантунинг отаси бўлди. 2. Сомаканинг юз ўғли бор эди, уларнинг кенжаси Пришата бўлди. Пришатадан шоҳ Друпата туғилди. У буюк қудратга эга бадавлат шоҳ эди. 3. Махараж Друпададан Драупади туғилди. Друпаданинг Дхриштадйумна бошлиқ кўплаб ўғиллари ҳам бўлди. Дхриштадйумнадан Дхриштакету туғилди. Бу зотларнинг барчаси Бхармйашванинг авлодлари, ёки Панчала сулоласи деган ном билан машҳур бўлдилар.

4-5. Аджамидханинг бошқа ўғли Рикша эди. Рикшадан Самварана деган ўғил туғилди, Самварана Куёш фариштасининг кизи бўлмиш Тапати деган хотинидан Курукшетранинг шоҳи Куру дунёга келди. Курунинг тўрт ўғли бор эди - Парикши, Судхана, Жажну ва Нишадха. Судханудан Сухотра туғилди, Сухотрадан Чйавана туғилди. Чйаванадан Крити туғилди. 6. Критининг ўғли Упаричара Васу бўлди. Унинг Брихадратха бошлиқ ўғиллари орасида Кушамба, Матсйя, Пратйагра ва Чедиралар бор. Васунинг барча ўғиллари Чеди вилоятида ҳукмдор бўлдилар. 7. Брихадратхадан Кушагра туғилди; Кушаградан - Ришабха, Ришабхадан - Сатйахита туғилди. Сатйахитанинг ўғли - Пушпаван, Пушпаваннинг ўғли - Жаху. 8. Брихадратха бошқа хотинидан иккита ярим ўғил туғилди. Онаси уларни кўриб, улардан воз кечди. Лекин кейинчалик Жара деган иблис уларни ўрмондан топиб олиб, ҳазил билан бир бирига кўшиб: “Тирил! Тирил!” - деб айтди. Шу тариқа Жарасандха деган фарзанд дунёга келди.

9. Жарасандханинг Сахадева деган ўғли бўлди; Сахадевадан - Сомали, Сомалидан - Шруташрава

туғилди. Курунинг Парикши деган ўғли бепарзанд эди, лекин Курунинг Жажну деган ўғлининг Сурагха деган ўғли бўлди. 10. Сурагхадан Видуратха туғилди, ундан Сарвабхаума, Сарвабхаумадан Жайасена, Жайасенадан Радхика, Радхикадан Айугайу дунёга келди. 11. Айугайудан Акродхана туғилди, унинг ўғли Деватитха бўлди. Деватитханинг ўғли Рикша, Рикшанинг ўғли Дилипа, Дилипанинг ўғли Пратипа бўлди.

12-13. Пратипанинг ўғли Девапи, Шантану ва Бахлика бўлди. Девапи отасининг салтанатини тарк этиб, ўрмонга кетди. Шу боис Шантану салтанатга шоҳ бўлди. Аввалги ҳаётида Махабхиша номи билан машҳур бўлган Шантану шунчаки ўзининг кўлини теккизиши билан ҳар қандай кекса одамни ёшартириш қудратига эга эди. 14-15. Шоҳ шунчаки кўл теккизи билан ҳар бир одамни ҳиссий лаззатланиш билан бахтиёр қилиш қудратига эга бўлгани учун уни Шантану деб атардилар. Бир куни, йигирма йил мобайнида салтанатда ёмғир бўлмагани сабабли шоҳ маслаҳатчи-брахманларга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Брахманлар унга: “Сен акангнинг салтанатидан ноҳақ лаззатланисан, салтанат ва хонадонинг фаровон яшаши учун сен салтанатни унга қайтариб беришинг керак” - дедилар.

16-17. Брахманлардан бу гапни эшитиб, Шантану дарров ўрмонга йўл олди ва акаси Девапидан салтанатни бошқаришни илтимос қилди, чунки шоҳнинг бурчи - ўз фуқароларига ғамхўрлик қилишдан иборат. Аммо, бундан аввалроқ, Шантанунинг вазирларидан бири Ашвавара, баъзи брахманлар билан тил бириктириб, Девапини Ведаларнинг қондаларини бузишга, шу тариқа у ҳукмдор бўлиш муносиб бўлмай қолишга мажбур қилди. Брахманлар Девапини Ведалар қонун-қоидалари буюрган тўғри йўлдан адаштирдилар. Шу боис Шантану салтанат тахтини эгаллашни илтимос қилганида у рад жавобини берди. Аксинча, Ведавий қонун-қоидалар ҳақида бўлмағур гапларни айта бошлади ва охири бутунлай йўлдан адашди. Шундан кейин Шантану яна шоҳлик қилишга мажбур бўлди, бундан мамнун бўлган Индра мўл-кўл ёмғир юборди. Кейин Девапи ақли ва ҳиссиётини жиловлаб олишни ўрганиш учун сеҳрли йога йўлига кирди ва Калапа-грама деган қишлоққа йўл олди, у ҳозир ҳам шу жойда истиқомат қилади.

18-19. Кали-юганинг ҳозирги даврида Ой фариштасининг сулоласи ниҳоясига етганида, навбатдаги Сатйя-йуга даврида Девапи бу дунёда Сом сулоласини қайта тиклайди. Бахликадан Сомадатта дунёга келди, унинг уч ўғли бўлди - Бхури, Бхуришрава ва Шала. Шантанунинг Ганга деган хотинидан Бхишма - улўғвор, руҳий ўзлигини англаб етган Худонинг содиқ хизматкори, авлиё-дошишманд, қудратли билимдон зот дунёга келди.

20. Бхишмадева барча жангчилар ичида энг аълоси эди. Жангда у Парашурамани мағлуб қилганида Парвардигор Парашурама ундан жуда мамнун бўлди. Шантану балиқчининг кизи Сатйаватидан Читрагада деган ўғил кўрди. 21-24. Вичитравирйанинг акаси бўлган Читрагада адаши Читрагада деган Гандхарва билан бўлган жангда ҳалок бўлди. Сатйавати Шантануга эрга чиқмасдан олдин Ведалар илмининг билимдони бўлган буюк Зот Вйасадевага ҳаёт бағишлаган эди. У Кришна Двайапайана номи билан машҳур бўлиб, Парашара Муни уругидан дунёга келган эди. Вйасадевадан мен (Шукадева Госвами) дунёга

келдим. Мен мана шу буюк асар - "Шримад Бхагаватам"ни ундан ўрганганман. Худои Таолонинг тимсоли бўлган Ведавйаса ўзининг Паила бошлик шогирдларини инкор этиб, "Шримад Бхагаватам"ни менга гапириб берди, чунки мен ҳар қандай дунёвий истаклардан бутунлай пок эдим. Кашираджанинг икки кизи Амбика ва Амбалика зўрлик билан олиб кетилганида, Вичитравирйа уларга уйланди, аммо у ана шу икки хотинига қаттиқ боғланиб қолгани сабабли юрак касалига дучор бўлиб, ўпка касалидан ҳалок бўлди. 25. Бадарайана, Шри Вйасадева онаси Сатйаватининг илтимоси билан укасининг икки хотини Амбика ва Амбаликалар билан қўшилиб, икки ўғил, Вичитравирйанинг канизаги билан қўшилиб учинчи ўғилни дунёга келтирди. Улар Дхритараштра, Панду ва Видуралар эди.

26. Дхритараштранинг хотини Гандхари бир кечада юз ўғил туғди. Тўнғич ўғли Дурёдхана, кизининг исми эса Духшала эди. 27-28. Панду бир донишманднинг қарғишига учраб, хотини билан жинсий алоқа қилишдан маҳрум бўлган эди, шунинг учун унинг уч ўғли - Йудхиштхира, Бхимасена ва Аржунни хотини Кунти билан қўшилиб уч фаришта Дхармаараджа, шамол фариштаси Вайу, ёмғир фариштаси Индра дунёга келтирди. Пандунинг иккинчи хотини Мадри Ашвини-Кумарлар билан қўшилиб, Накула ва Сахадевани дунёга келтирди. Йудхиштхира бошлик беш пандузода Драупадига уйланиб, ундан беш ўғилни дунёга келтирдилар. Улар сенинг тоғаларинг бўлади.

29. Йудхиштхирадан Пративиндхйа, Бхимадан - Шрутасена, Аржундан - Шрутакирти, Накуладан - Шатаника туғилди. 30-31. Эй шоҳ, Сахадеванинг ўғли Шрутакарма эди. Бундан ташқари Йудхиштхира ва унинг укалари бошқа хотинларга уйланиб, улардан яна бошқа фарзандларни ҳам дунёга келтирдилар. Йудхиштхира хотини Пауравадан Девака деган, Бхимасена хотини Хидимбадан Гхатоткач исмли, Кали деган хотинидан Сарвагата исмли ўғил кўрди. Худди шундай Сахадева хотини - тоғлар шоҳининг кизи Виджайадан Сухотра деган ўғил кўрди. 32. Накула хотини Каренуматидан Нарамитра деган ўғил кўрди. Аржун Улупи деган хотинидан Ираван деган, малика Манипурадан эса Бабхрувахан деган ўғил кўрди. Бабхрувахан шоҳ Манипурунинг асранди ўғли бўлди.

33. Азизим Парикшит, сенинг отанг Абхиманйу, Аржуннинг ўғли бўлиб, Субхадрадан дунёга келган. У жанг майдонида барча атиратхаларни мағлуб қилган эди. Унинг хотини - Вирадараджанинг кизи Уттарадан сен дунёга келдинг. 34. Курукшетрадаги киргинбарот жангда Курулар сулоласи бутунлай яқсон бўлгандан кейин, сен ҳам Дроначарйанинг ўғли қўллаган брахма-астра қуроли дастидан ҳалок бўлаёзган эдинг. Аммо, Худонинг Олий Шахси Кришнанинг марҳамати билан сен ажал чангалидан кутулиб қолдинг.

35. Эй азиз шоҳ, сенинг тўрт ўғлинг - Жанамеджайа, Шрутасена, Бхимасена ва Уграсена - буюк илохий кудратга эга зотлардир. 36. Сен Такшака илони чакиб, унинг захри таъсирдан ҳалок бўлганидан кейин ўғлинг Жанамеджайа бундан қаттиқ ғазабланади ва бу дунёдаги барча илонларга кирон келтириш учун буюк қурбонлик маросими ўтказди. 37. Бутун дунёни забт этиб, Каласанинг ўғли Турани ўзига рухоний, рухий устоз қилиб танлагандан кейин Жанамеджайа от эҳсон қилиш қурбонлик

маросими, ашвамедха-яғйа ўтказиб, Турага-медхашат деган ном билан шухрат қозонади.

38. Жанамеджайанинг Шатаника деган ўғли Йаджнавалкйадан уч Ведани ва диний маросимларни ўтказиш қоидаларини ўрганади. У Крипачарйадан ҳарбий илм санъатини, донишманд Шаунакадан илохий илми ҳам ўрганади. 39. Шатаниканинг ўғли Сахасраника бўлади, ундан Ашвамедхаджа деган ўғил дунёга келади. Ашвамедхаджандан Асимакришна туғилади, унинг ўғли Немичакра бўлади. 40. Хастинапурр шаҳри дарё суви остиди қолганида Немичакра Каушамби деган жойда яшайди. Унинг ўғли Читратратха деган ном билан шухрат қозониб, Шучиратха деган ўғилга ота бўлади. 41. Шучиратхадан Вриштиман дунёга келади, унинг ўғли Сушена бутун олам императори бўлади. Сушенанинг ўғли Сунитха бўлади, унинг ўғли Нричакшу, Нричакшунинг ўғли Сукхинала бўлади. 42. Сукхиналанинг ўғли Париплава, унинг ўғли Сунайа; Сунайанинг ўғли Медхави; Медхавининг ўғли Нрипанжайа; Нрипанжайанинг ўғли Дурва, Дурванинг ўғли Тими бўлади.

43. Тимининг ўғли Брихадратха бўлади, Брихадратханинг ўғли Судаса, Судасанинг ўғли - Шатаника, Шатаниканинг ўғли Дурдамана, унинг ўғли Махинора бўлади. 44-45. Махиноранинг ўғли Дандапани, унинг ўғли Ними, ундан шоҳ Кшемака туғилади. Мен сенга брахман ва кшатрийларнинг манбаи бўлган ва барча буюк донишмандлар, фаришталар эъзозлайдиган Ой фариштасининг сулоласини таърифлаб бердим. Ҳозирги Кали-югада Кшемака жаҳондаги охириги монарх бўлади. Энди мен сенга Магадха сулоласининг келажагини таърифлаб берман, кулоқ сол.

46-48. Жарасандханинг ўғли Сахадеванинг Марджари деган ўғли бўлади. Маржаридан Шругашрава туғилади; Шругашравадан - Йугайу, Йугайудан - Нирамитра, Нирамитрадан - Сунакштра, Сунакштрадан Брихатсена, Брихатсенадан - Кармаджит, Кармаджитдан - Сутанжайа, Сутанжайадан - Випра, Випрадан - Шучи туғилади. Шучининг ўғли Кшема бўлади, Кшемадан - Суврата, Сувратадан - Дхармасутра, Дхармасутрадан - Сама, Самадан - Дйуматсена, Дйуматсенадан - Сумати, Суматидан - Субала туғилади. 49. Субаладан - Сунитха, Сунитхадан - Сатйаджит, Сатйаджитдан - Вишваджит, Вишваджитдан - Рипунжайа дунёга келади. Бу шахсларнинг барчаси Брихадратха сулоласига мансуб бўладилар ва улар минг йил давомида оламга ҳукмронлик қиладилар.

Йигирма учинчи боб.

Йайати ўғилларининг сулоласи.

1. Шукадева Госвами шундай деди: "Йайатининг тўртинчи ўғли уч ўғил фарзанд кўрди - Сабханара, Чакшу ва Парешну. Эй шоҳ, Сабханарадан - Каланара, Каланарадан - Сринджайа дунёга келди. 2. Сринджайадан - Жанамеджайа, Жанамеджайадан - Махашала, Махашаладан - Махамана, Махаманадан икки ўғил - Ушинара ва Титикшу дунёга келди. Ушинаранинг тўрт ўғли бўлди - Шиби, Вара, Крими ва Дакша. Шибининг ҳам тўрт ўғли бўлди - Вришадарбха, Судхира, Мадра ва атма-татва-вит Кекайя. Титикшунинг ўғли Рушадратха, Рушадратханинг ўғли

Хома, Хоманинг ўгли Сутапа, Сутапанинг ўгли Бали бўлди. 5. Диргхатама уруғидан жаҳон императори Балининг хотини олти фарзанд кўрди - Анга, Ванга, Калинга, Сухма, Пундра ва Одра. 6. Анга бошлиқ бу олти ўғил кейинчалик Ҳиндистоннинг шарқий қисмида олти салтанатнинг ҳукмдори бўлдилар. Анганинг Кхалапана деган ўғли бўлди. Кхалапанадан Дивиратха дунёга келди.

7-10. Дивиратхадан - Дхармаратха, ундан Ромапада деб ном қолдирган Читратратха дунёга келди. Ромапада бефарзанд эди, шунинг учун унинг дўсти Дашаратха унга Шанта деган қизини берди. Ромапада уни қиз қилиб асраб олди, кейин у Ришйашрингуга эрга чиқди. Жаннатдаги фаришталар ёмғир ёғдира олмаганида Ришйашринга қурбонлик маросими ўтказиш учун бош руҳоний қилиб тайинланди. У ўрмонда ўйнаб, рақсга тушиб юрган фоҳиша аёлларнинг тузоғига илиниб қолганди. Ришйашринга келгандан кейин ёмғир ёға бошлади. Шундан сўнг Ришйашрингга Махараж Дашаратха ўғил фарзанд кўриши учун қурбонлик маросими ўтказди. Дашаратха зурёдсиз эди, шундан сўнг Дашаратха ўғил фарзандлар кўрди. Ришйашрингининг марҳамати билан Ромападанинг Чатуранга деган ўғли бўлди, Чатурангадан Притхулакша дунёга келди. 11. Притхулакшанинг ўғиллари Брихадратха, Брихаткарма ва Брихадбхану бўлди. Брихадратхадан Бриханмана, Бриханманадан Жайадратха деган ўғил дунёга келди.

12. Жайадратха хотини Самбхутидан Виджайа деган ўғил кўрди, Виджайадан Дхрити туғилди. Дхритидан - Дхритаврата, Дхритавратадан - Саткарма, Саткармадан - Адхиратха дунёга келди. 13. Ганга қирғоғида сайр қилиб юриб, Адхиратха сават ичида ётиб Гангада оқиб бораётган бир чақалоқни топиб олди. Болани малика Кунти ташлаб кетган эди, чунки бу бола ҳали Кунти эрга чиқмасидан аввал туғилган эди. Адхиратханинг ўғли бўлмагани учун бу болани ўзига ўғил қилиб асраб олди. (Бу бола кейинчалик Карна деган ном билан шуҳрат қозонди).

14. Эй шоҳ, Карнанинг ёлғиз ўғли Вришасена эди. Йайатининг учинчи ўғли Друхйунинг Бабхру деган ўғли бўлди, унинг ўғли Сету бўлди. 15. Сетунинг ўғли Арабдха, Арабдханинг ўғли Гандхара, Гандхаранинг ўғли Дхарма бўлди. Дхарманинг ўғли Дхрита, Дхританинг ўғли Дурмада, Дурмаданинг ўғли Прачета бўлиб, Прачетанинг юз ўғли бўлди.

16. Прачеталар(Прачетанинг ўғиллари) Ҳиндистоннинг шимолий томонини эгаллаб ҳукмрон бўлдилар, бу жойлар Ведалар маданиятидан маҳрум бўлган қолоқ маданиятли жойлар эди. Йайатининг иккинчи ўғли Турвасунинг Вахни деган ўғли бўлди. Вахнининг ўғли - Бхарга, Бхарганинг ўғли Бхануман бўлди. 17. Бхануманнинг ўғли Трибхану, унинг ўғли олийжаноб Карандхаман, унинг ўғли Маруга бўлди. Маруга бефарзанд эди, шунинг учун Пурулар сулоласидан ўғил асраб олди(Махараж Душмантани).

18-19. Сахараж Душманта гарчи Марутни ўзининг отаси деб ҳисобласа ҳам, тахтни эгаллаш учун ўзининг ҳақиқий (Пуру)сулоласига қайтиб келди. Эй Махараж Парикшит, энди мен сенга Йайатининг тўнғич ўғли Йадунинг сулоласи ҳақида гапириб бераман. Бу ҳикоя юксак даражада шарофатли бўлиб, у инсонлар жамиятида бўлаётган гуноҳ ишлар оқибатини яқсон қилади. Бу ҳикояни шунчаки тинглаш шарофати билан ҳар қандай одам ҳам ўзининг гуноҳ ишлари оқибатидан

халос бўлади. 20-21. Йадулар сулоласида, яъни Ядулар хонадонидан Худонинг Олий Шахси, барча тирик мавжудотлар қалбида мавжуд бўлган Олий Рух Кришна Ўзининг азалий инсоний кўринишдаги қиёфасида дунёга келди. Йадунинг тўрт ўғли бор эди - Сахасраджит, Крошта, Нала ва Рипу. Улардан тўнғичи Сахасраджитнинг Шатаджит деган ўғли бўлди, унинг уч ўғли бор эди - Махатхайа, Ренухайа ва Хаихайа. 22. Хаихайанинг ўғли Дхарма, Дхарманинг ўғли Кунтининг отаси Нетра бўлди. Кунтининг Соханджи деган ўғли бўлди, Соханджининг Махишман деган, Махишманнинг - Бхадрасена деган ўғли бўлди. 23. Бхадрасенанинг ўғиллари Дурмада ва Дханака эди. Дханака Критавирийанинг, Критагнининг, Критаварма ва Критауджанинг отаси бўлди. 24. Критавирийанинг ўғли Аржун бўлди. Критавирийаржун етти оролдан иборат бутун олам императори бўлди ва Худонинг Олий Шахсининг намоён бўлган қиёфаси Дататрейадан сеҳр қудратини ўрганди. Шу тариха у сеҳрли йоғада ашта-сиддхи деб аталадиган камолот поғонасига эришди. 25. Бу дунёда бирор шоҳ қурбонлик маросимлари ўтказишда, саховат билан эҳсон таратишда, риёзатда, сеҳр қудратида, билимдонликда, жисмоний қудратда ва меҳрибонликда Картавирийаржунга тенглаша олмасди. 26. Картавирийаржун саксон беш минг йил давомида ўчмас хотира ва сўнмас жисмоний куч билан моддий бойликлардан узлуксиз лаззатланиб яшади. Бошқача қилиб айтганда, у ўзининг олти ҳиссиёти ёрдамида туганмас бойликларидан лаззатланиб, роҳатланиб яшади.

27. Парашурама билан бўлиб ўтган жангдан кейин Картавирийаржуннинг минг ўғлидан фақат бештаси тирик қолди. Улар Жайадхаджа, Шурасена, Вришабха, Мадху ва Уржита. 28. Жайадхаджанинг Таладжангха деган ўғли бўлди, Таладжангханинг юз ўғли бўлди. Бу сулоланинг Таладжангхалар деб шуҳрат қозонган барча қшатрийлари Махараж Сагаранинг Аурва Ришидан олган илоҳий қудрати ёрдамида яқсон қилинган эди. 29. Таладжангханинг тўнғич ўғли Витихотра эди. Витихотранинг Мадху деган ўғли Вришни деган машҳур ўғилнинг отаси бўлди. Мадхунинг юз ўғли бўлиб, Вришни унинг тўнғич фарзанди эди. Йадаввалар, Мадхавалар ва Вришнилари деган сулолалар Йаду, Мадху ва Вришнидан таралган.

30-31. Эй Махараж Парикшит, Йаду, Мадху ва Вришни сулолалари бошлаб бергани учун уларнинг сулолалари Йадаввалар, Мадхавалар ва Вришнилари деб аталади. Йадунинг Крошта деган ўғли Вриджинаван деган ўғил кўрди. Вриджинаваннинг ўғли Свахита

*Маркандея Пуранада ўн тўрт қимматбаҳо гавҳартош тури қуйидагича таърифланади: 1. Фил, 2. От, 3. Жанг араваси, 4. Хотин, 5. Пайконлар, 6. Фаровон бойлик манбаи, 7. Гулчамбар, 8. Қимматбаҳо либослар, 9. Дарахтлар, 10. Дротик найзаси, 11. Аркан, 12. Қимматбаҳо тошлар, 13. Соябон, 14. Диний қонун-қодалар. Одам бутун олам ҳукмдори бўлиш учун ана шу ўн тўрт бойликка эга бўлиш керак. Шашабиндуда уларнинг барчаси бор эди.

бўлди. Свахитанинг ўғли Вишадгу; Вишадгунинг ўғли - Читратратха, Читратратханинг ўғли Шашабинду бўлди. Буюк сеҳр қудратига эга, юксак омадли Шашабинду ўн тўрт турли бойликка эга бўлиб, ўн тўрт қимматбаҳо гавҳартош соҳиби эди*. Шу тариха у бутун олам императори бўлди.

32. Машҳур Шашабиндунинг ўн минг хотини бўлиб, уларнинг ҳар биридан у бир лакх(100.000)дан

ўғил кўрди. Шу боис унинг ўғилларининг сони минг лакх(бир миллион)га етди. 33. Бу ўғилларнинг ичида олтиси Притхушрава ва Притхукирти сингари энг машхур зотлар бўлди. Притхушраванинг ўғли Дхарма бўлди, унинг ўғли Ушана. Ушана юз марта от курбонлик маросими ўтказди. 34. Ушанининг ўғли Ручака бўлиб, Ручаканинг беш ўғли бўлди: Пуруджит, Рукма, Рукмешу, Притху ва Жйамагха. Энди мендан ана шулар ҳақида эшит. 35-36. Жйамагханинг ўғли бўлмади. У хотини Шайбйадан кўрққани учун бошқа хотинга уйлана олмас эди. Жйамагха бир куни шох душманларининг уйдан бир фохиша қизни олган эди, уни кўриб қолган хотини Шайбйа қаттиқ ғазабланиб, эрига шундай деди: “Ҳой эрим, сен ҳам худди менинг тўшагимда ўтирган мана бу фохиша аёлдай алдоқчисан!” Жйамагха унга шундай деди: “Бу қиз сенинг келининг бўлади!” Бундай кулгили гапларни эшитиб Шайбйа истехзо билан жавоб берди.

37. Шайбйа шундай деди: “Мен зурёдсизман, менинг кундошим ҳам йўқ. Қандай қилиб бу қиз менинг келиним бўлиши мумкин? Тушунтириб берчи!” Жйамагха шундай деб жавоб берди: “Эй азиз маликам, мен башорат қилиб айтаманки, сен ҳақиқатан ҳам ўғил фарзанд кўрасан, бу қиз эса сенинг келининг бўлади”.

38. Бир вақтларда Жйамагха сажда қилиб, фаришталарни ва Питаларни мамнун қилган эди. Уларнинг марҳамати билан энди Жйамагханинг айтган гаплари рўёбга чиқди. Гарчи Шайбйа бефарзанд бўлса ҳам, фаришталарнинг марҳамати билан у хомиладор бўлиб, вақти келганда Видарбха деган ўғил фарзандли бўлди. Бола туғилмасдан аввал шу қиз болани келин деб танлаган эдилар, шунинг учун Видарбха вояга етгандан кейин унга уйланди.

Йигирма тўртинчи боб. Кришна, Худонинг Олий Шахси

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Отаси олиб берган қиздан Видарбха уч ўғил кўрди - Куша, Кратха ва Ромапада. Ромапада Видарбха сулоласидаги ёрқин юлдуз эди. 2. Ромападанинг ўғли Бабхру, унинг ўғли Крити, Критининг ўғли Ушика, Ушиканинг ўғли Чеди бўлди. Чедидан Чаидйа деган шох ва бошқалар дунёга келди. 3-4. Кратхининг ўғли Кунти, Кунтининг ўғли Вришни, Вришнининг ўғли Ниврити, Нивритининг ўғли Дашарха бўлди. Дашархадан Вйома, Вйомадан - Жимута, Жимутадан - Викрити, Викритидан - Бхимаратха, Бхимаратхадан - Наваратха, Наваратхадан - Дашаратха дунёга келди. 5. Дашаратхадан Шакуни, Шакунидан Карамбхи деган ўғил дунёга келди. Карамбхининг ўғли Девадата, унинг ўғли Девакшатра бўлди. Девакшатранинг ўғли Мадху, унинг ўғли Куруваша, ундан Ану дунёга келди.

6-8. Анунинг ўғли Пурухотра, Пурухотранинг ўғли Айу, Айунинг ўғли Сатвата. Эй Арийанларнинг буюк шоҳи, Сатватанинг етти ўғли бўлди, улар Бхаджамана, Бхаджи, Дивйа, Вришни, Девавидхадан, Андхака ва Махабходжа. Бхаджамана бир хотинидан уч ўғил кўрди - Нимлочи, Кинкана ва Дхришти. Иккинчи хотинидан ҳам у уч ўғил кўрди - Шатаджит, Сахасраджит ва Айутаджит. 9. Девавидхининг ўғли Бабхру бўлди. Девавидхи ва Бабхру ҳақида икки машхур илтижо мавжуд бўлиб, уларни биздан аввалги авлодлар айтиб

ўтган бўлиб, улар бизгача етиб келган. Мен шу илтижоларни ҳозир ҳам тез-тез эшитиб юраман.

10-11. “Одамлар орасида энг аълоси Бабхру ҳисобланади, Девавидхадан фаришталарга тенг. Бабхру ва Девавидхадан билан ҳамсухбат бўлиш шарофати билан уларнинг 14.065 авлодининг барчаси рухий озодликка эришдилар”. Жуда тақводор зот бўлган шох Махабходжанинг сулоласида Бходжа шохлари дунёга келди. 12. Эй, душманларини яқсон қилишга қодир бўлган Махараж Парикшит, Вришнининг ўғиллари Сумитра ва Йудхаджит эди. Йудхаджитдан Шини ва Анамитра дунёга келди, Анамитрадан Нигхна деган ўғил туғилди. 13. Нигхнанинг икки ўғли Сатраджит ва Прасена бўлди. Анамитранинг яна бир ўғли ҳам Шини эди, унинг ўғли Сатйака бўлди. 14. Сатйаканинг ўғли Йуйудхана бўлди, унинг ўғли Жайа эди. Жайанинг Куни деган ўғли бўлди, Кунидан Йугандхара дунёга келди. Анамитрининг бошқа ўғли Вришни эди. 15. Вришнидан Швапхалка ва Читрататха деган ўғиллар дунёга келди. Швапхалка хотини Гандинидан Акрура деган ўғил кўрди. Акрура тўнғич ўғил эди, унинг яна ўн икки укаси бўлиб, уларнинг барчаси шавкатли зотлар бўлди. 16-18. Унинг ўн икки укасининг исмлари - Асанга, Сарамейя, Мридура, Мридувти, Гири, Дхармавидхадан, Сукарма, Кшетропекша, Аримардана, Шатругхна, Гандхамада ва Пратибаху. Бу ака-укаларнинг Сучара деган синглиси ҳам бор эди. Акрурадан Деваван ва Упадава деган икки ўғил дунёга келди. Читрататха Притху ва Видуратха бошлик кўплаган ўғилларга ота бўлди. Улар Вришни сулоласига мансублиги билан машхур эдилар.

19. Кукура, Бхаджамана, Шучи ва Камбалабархиша Андхаканинг тўрт ўғли эди. Кукуранинг ўғли Вахни, Вахнининг ўғли Вилома эди. 20. Виломанинг ўғли Капотарома, унинг ўғли Ану бўлиб, Тумбуру унинг дўсти эди. Анудан - Андхака, Андхакадан - Дундубхи, Дундубхидан - Авидйота, Авидйотадан - Пунарвасу деган ўғил дунёга келди. 21-23. Пунарвасунинг ўғли ва кизи бўлиб, улар Ахука ва Ахуки эди. Ахуканинг икки ўғли бўлди - Девака ва Уграсена. Деваканинг тўрт ўғли - Деваван, Упадава, Судева ва Девавардхана, яна етти кизи бўлди - Шантидева, Упадава, Шридева, Деварақшита, Сахадева, Деваки ва Дхритадева. Дхритадева тўнғич кизи эди. Кришнанинг отаси Васудева мана шу опа-сингилларнинг ҳаммасига уйланди. 24. Уграсенанинг ўғиллари Камса, Сунама, Нйагродха, Канка, Шанку, Суху, Раштрапала, Дхришти ва Туштиман эди.

25. Уграсенанинг қизлари Камса, Камсавати, Канка, Шурабху ва Раштрапалика эди. Улар Васудеванинг укаларига эрга чиқдилар. 26. Читрататханинг ўғли Видуратха, Видуратханинг ўғли Шура, унинг ўғли Бхаджамана эди. Бхаджаманининг ўғли Шини, Шинининг ўғли Бходжа, Бходжанинг ўғли Хридика бўлди. 27. Хридиканинг уч ўғли Девамидхадан, Шатадхану ва Критаварма эди. Девамидханинг ўғли Шура бўлиб, унинг хотини Мариша эди. 28-31. Шох Шура хотини Маришадан Васудева, Девабхага, Девашрава, Анака, Сринджайя, Шйамака, Канка, Шамика, Ватсака ва Врика деган ўғиллар кўрди. Бу ўн ўғил бенуксон тақводор, покдомон зотлар эди. Васудева дунёга келганида жаннатдаги фаришталар қувонганидан яйраб, литавралар чалиб юбордилар. Шунинг учун Худонинг Олий Шахси Кришна келиши учун муносиб жой ҳозирлаган Васудева Анакадундубхи

деган ном билан ҳам шуҳрат қозонди. Шоҳ Шуранинг беш қизи - Притха, Шрутадева, Шрутакирти, Шругашрава ва Раджадхидеви Васудеванинг сингиллари эди. Шура Притхини бефарзанд бўлган дўсти Кунтига берди, шу боис Притхининг яна бир исми Кунти бўлди. 32. Бир куни Дурваса Муни Притхи, Кунтининг уйида меҳмон бўлганида Кунти ўзининг унга кўрсатган ҳурмат эҳтироми, хизмати билан уни жуда мамнун қилди. Шунинг учун у Кунтини дуо қилиб, унга ўзи истаган фариштани чакира олиш қудратини ато этди. Ана шу сеҳр қудратини амалда синаб кўриш учун покдомон Кунти шу заҳотиёқ Куёш фариштасини чақирди.

33. Кунти Куёш фариштасини чақирган заҳоти фаришта унинг олдида пайдо бўлди, Кунти бундан қаттиқ ҳайратга тушди. У Куёш фариштасига шундай деди: “Мен шунчаки дуонинг сеҳр қудратини синаб кўрмоқчи бўлган эдим. Сизни ҳеч қандай заруратсиз тақлиф қилганим учун сиздан узр сўрайман. Илтимос, мени кечиринг ва даргоҳингизга қайтиб кетаверинг!”

34. Куёш фариштаси: “Эй соҳибжамол Притхи, сенинг фаришталар билан учрашишиг ҳеч қачон натижасиз қолиши мумкин эмас. Шунинг учун сен билан кўшилиб, сенга ўғил фарзанд ато этишга рухсат бер. Мен сенинг яна бокира қиз бўлиб қолишинга қафолот бераман, чунки сен ҳалигача эрга чиқмаган покдомон қизсан”.

35. Шундай деб, куёш фариштаси Притхи билан кўшилиб, самовий салтанатига қайтиб кетди. Шундан сўнг Кунти Куёш фариштасига ўхшаган ўғил фарзандга она бўлди. 36. Кунти одамларнинг гапларидан кўрқиб, ўзининг фарзандига бўлган меҳр-муҳаббатидан зўрға воз кечди. Қалб амрига қарши у боласини саватга солиб, Ганга сувларига қўйиб оқизиб юборди. Эй Махараж Парикшит, кейин Кунтига сенинг бобонг, покдомон ва тақводор шоҳ Панду уйланди.

37. Вриддхашарма, шоҳ Каруши Шрутадевага уйланди, ундан Дантавакра дунёга келди. Санака бошлиқ авлиё донишмандларнинг қарғишига учраб, у аввал Дитининг ўғли Хиранийакша бўлиб туғилган эди.

38. Кекайя шоҳи Дхриштaketу Кунтининг яна бир синглиси Шрутакиртига уйланди. Шрутакиртининг Сантардана бошлиқ беш ўғли бўлди. 39. Жайасена хотини Раджадхидеви - Кунтининг яна бир синглисидан икки ўғил кўрди - Винда ва Анувинда. Чеди шоҳи Дамагхоша Шругашравага уйланди. 40. Шругашраванинг ўғли Шишупала эди, уни мен сенга (еттинчи кўшиқда) таърифлаб берган эдим. Васудеванинг Девабхага деган укаси хотини Камсадан икки ўғил кўрди - Читракету ва Брихадбала. 41. Васудеванинг Девашрава деган бошқа укаси Камсаватига уйланди ва ундан икки ўғил фарзандли бўлди - Сувира ва Ишуман. Канка, хотини Канкидан уч ўғил кўрди - Бака, Сатйаджит ва Пуруджит.

42. Шоҳ Сринджайя хотини Раштрапалика билан жуда кўп фарзандларни дунёга келтирди, уларнинг тўнғичлари Вриша ва Дурмаршана. Шоҳ Шйамака хотини Сурабхумидан икки фарзанд кўрди - Харикеша ва Хиранийакша. 43. Шоҳ Ватсака алсара хотини Мишракеши билан жуда кўп фарзандлар дунёга келтирди, уларнинг тўнғичи Врика эди. Вриканинг хотини Дурвакша Такша, Пушкара, Шапу ва ҳоказо ўғилларга она бўлди. 44. Самиканинг хотини Судамани Сумитра, Аржунапала ва бошқа ўғилларни туғди. Шоҳ Анака хотини Карникидан икки ўғил кўрди - Ритадхама

ва Жайа. 45. Деваки, Паурави, Рохини, Бхадра, Мадира, Рочана, Ила ва бошқалар ҳаммаси Анакадундубхи(Васудева)нинг хотинлари эди. Уларнинг орасида Деваки асосийси эди.

46. Васудева хотини Рохини билан Бала, Гада, Сарана, Дурмада, Випула, Дхрува, Крита ва бошқа фарзандларни дунёга келтирди. 47-48. Пауравидан ўн икки ўғил туғилди, Бхута, Субхадра, Бхадрабаху, Дурмада ва Бхадра ҳам шулар жумласидан. Нанда, Упананда, Критака, Шура ва бошқаларнинг онаси Мадира бўлди. Бхадра(Каушалйя)нинг Кеши деган фақат битта ўғли бўлди. 49. Васудева Рочана деган яна бир хотини билан Хаста, Хемангада ва бошқа ўғилларни дунёга келтирди. Ила деган хотини билан Урувалка бошлиқ фарзандларни дунёга келтирди, улар Йадулар сулоласининг асосий шахсларига айландилар. 50. Васудеванинг яна бир хотини Дхридадеви Виприштха деган ўғил туғди. Васудеванинг Шантидева деган бошқа хотини Прашама, Прасита ва бошқа фарзандларни дунёга келтирди. 51. Васудеванинг Упадава деган яна бир хотини бор эди. Унинг Раджанйя, Калпа ва Варша бошлиқ ўн ўғли бўлди. Васудеванинг Шридева деган хотини олти фарзанд кўрди, уларнинг тўнғичлари Васу, Хамса ва Сувамша. 52. Васудеванинг уруғидан унинг хотини Деваракшита Гада бошлиқ тўққиз ўғил туғди. Диний қонунлар тимсоли бўлган Васудеванинг Сахадева деган хотини бўлиб, ундан Шрута ва Правара бошлиқ саккиз фарзанд туғилди.

53-55. Сахадеванинг Правара ва Шрута сингари саккиз ўғли жаннатдаги саккиз фаришта Васунинг тўлиқ қиёфалари эди. Васудева хотини Деваки билан илоҳий қудратга эга бўлган саккиз ўғилни дунёга келтирди. Улар Киргиман, Сушена, Бхадрасена, Риджу, Самардана, Бхадра ҳамда Олий ҳукмдор ва Худои Таолонинг илон қиёфасидаги кўриниши Санкаршана. Унинг саккизинчи ўғли Худонинг Олий Шахсининг Ўзи - Кришна эди. Юксак омадли ёлғиз қиз Субхадра сенинг бувинг бўлади. 56. Қачон ер юзида ҳақиқий дин қонунлари таназулга юз тўтса, қачон инсонлар жамиятида худосиз, иймонсиз қонунлар ҳукмрон бўла бошласа олий ҳукмдор, Худонинг Олий Шахси Шри Хари Ўз хоҳиши билан бу дунёга келади.

57. Эй шоҳ, Махараж Парикшит, ягона Парвардигор, Худои Таолонинг бирор нарсани исташи, Унинг бу оламга келиши, кетиши ва турли қароматлар кўрсатиши учун бирор сабаб бўлиши мумкин эмас. Олий Рух сифатида У ҳамма нарсани билади. Демак, Унга таъсир қиладиган бирор сабаб ҳам йўқ, бирор қармали фаолиятнинг натижаси ҳам йўқ. 58. Худонинг Олий Шахси бу моддий оламни яратиш, унинг мавжудлигини таъминлаб туриш ва яқсон қилиш учун Ўзининг ташқи, моддий қувватидан фақат шартланган руҳларга, адашган тирик мавжудотларга ачинганидан уларнинг туғилиб-ўлишлар уммонида фарқ бўлиб юришига чек қўйиш учун фойдаланади. Шундай қилиб, У тирик мавжудотга ўзининг ҳақиқий, мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб кетишга имкон беради. 59. Салтанат ҳукуматини эгаллаб олган иймонсиз иблислар гарчи ҳукумат одамларидай кийиниб олган бўлсалар ҳам, аслида улар ҳукуматнинг жамият олдидаги бурчи нимадан иборатлигини билмайдилар. Шунинг учун Худонинг хоҳиши билан, буюк ҳарбий қудратга эга бўлган ана шундай иймонсиз иблислар бир бири билан ўзаро жангга қирадилар, натижада Ер юзи иймонсиз

иблислар асоратидан покланади. Иблислар ўзларининг ҳарбий қудратларини Худонинг хоҳиши билан кучайтирадилар, уларнинг ўзаро қурашлари натижасида иблис табиатли одамларнинг сони камаяди, шунда Худонинг содиқлари Кришнани, Худои Таолони англашда руҳий юксалишга эришиш имконига эга бўладилар. 60. Худонинг Олий Шахси, Кришна, Санкаршана ва Балорама билан биргаликда ҳатто Тангри Браҳма ва Тангри Шива сингари буюк зотларнинг ақлига сиғмайдиган кароматлар кўрсатди.(масалан, Ер юзини иймонсиз иблислардан тозалаш учун Кришна Курукшетрада қирғинбарот уруш уюштирди).

61. Келажакда, Кали югада туғиладиган Худонинг содиқлари учун алоҳида марҳамат кўрсатиб, Уни элаган ҳар бир одам моддий оламдаги ҳар қандай мусибат ва бахтсизликлардан озод бўлиши учун Худонинг Олий Шахси, Кришна ер юзида ана шундай фаолият кўрсатди.(Кришнанинг Курукшетрада "Бхагавад Гита"да берган кўрсатмаларига амал қилиб, ҳар қандай одам дунёвий ҳаёт қийинчиликларини бемалол енга олади). 62. Худои Таолонинг шуҳратини покланган илоҳий қалблари билан эшитган Худонинг содиқлари ҳар қандай дунёвий фаолиятга интилишдан, ўткинчи моддий истаклардан халос бўладилар. 63-64. Бходжа, Вришни, Андхака, Мадху, Шурасена, Дашарха, Куру, Сринжайа ва Пандунинг авлодлари ёрдамида Парвардигор Кришна бу оламда турли фил фаолият кўрсатди. Ўзининг ёқимли табассумлари, хуш хулқи, насиҳатлари, Говардхана тоғини кўтариш сингари ғаройиб эрмаклари билан Парвардигор Ўзининг илоҳий танасида намоён бўлиб, бутун инсониятга чексиз шодлик бағишлади.

65. Кришнанинг юзи акулани эслатадиган сирға сингари тақинчоқлар билан безалган. Унинг қулоқлари чиройли, ёноқлари ёниб турган, табассуми ҳар кимни ўзига мафтун этади. Парвардигор Кришнани кўрган одамнинг қалби байрамонга қувончга, чексиз шодликка тўлади. Унинг жамоли ва танаси ҳар бир одамни ўзига мафтун этади, шу боис, Унинг жамолидан бир лаҳза ҳам кўзини узишни истамаган содиқлар ўзларининг киприкларини очилиб-ёпилиб турадиган қилиб яратган Тангри Браҳмадан шикоят қиладилар. 66. Худонинг Олий Шахси, лила-пурушотгама сифатида машҳур бўлган Шри Кришна, Васудеванинг ўғли сифатида дунёга келди ва шу захотийёк Ўзининг яқин содиқлари билан ишқий муносабатларини кенгайтириш ниятида Вриндаванга борди. Вриндаванда Парвардигор кўплаган иблисларни яқсон қилди, кейинчалик У Дваракага қайтиб келди ва Ведавий қоидалар асосида аёлларнинг аълоси бўлган кўплаб маликаларга уйланди, улардан юзлаб фарзандлар кўрди, Ер юзида оилавий турмуш қонунларини ўрнатиш ниятида Ўзига сиғиниш учун ҳар хил қурбонлик маросимлаини ўтказди.

67. Шундан сўнг Парвардигор Шри Кришна Оламнинг мусибатини енгиллатиш ниятида оила аъзолари орасига низо солиб қўйди. У шунчаки Ўзининг нигоҳини ташлаб қўйиш билан Курукшетра жанггоҳидаги барча иймонсиз иблис шоҳларни ер билан яқсон қилди ва Аржуннинг ғалабасини таъминлади. Ниҳоят У Удхвага руҳий ҳаёт кечириш ва Худого садоқат билан хизмат қилиш ҳақида насиҳатлар берди ва Ўзининг азалий қиёфасида руҳий оламга, Ўзининг мангу даргоҳига қайтиб кетди.

Тўққизинчи қўшиқ тамом.

"Шримад-Бхагаватам" Ўнинчи қўшиқ

Мундарижа

1. Парвардигор Кришнанинг моддий оламга келиши. Кириш. 2. Онасининг қорнида ётган Парвардигор Кришнага фаришталарнинг илтижолари. 3. Парвардигор Кришнанинг туғилиши. 4. Шоҳ Камсанинг кирдикорлари. 5. Нанда Махаражнинг Васудева билан учрашиши. 6. Ялмоғиз Пуганани ўлдириш. 7. Иблис Тринавартани ўлдириш. 8. Парвардигор Кришна оғзида Ўзининг фазовий қиёфасини намоён этади. 9. Йашода Кришнани боғлаб қўяди. 10. Йамала-аржуна дарахтларини қутқариш. 11. Кришнанинг болаликдаги шўхликлари. 12. Иблис Агханинг ҳалокати. 13. Тангри Браҳма бузоқларни ва подачи болаларни ўғирлаб кетади.

**Биринчи боб.
Парвардигор Кришнанинг
моддий оламга келиши.**

1. Шох Парикшит шундай деди: “Эй хурматли хукмдор, сен Ой фаришитасининг сулоласини ҳам, Куёш фариштасининг сулоласини ҳам, уларда дунёга келган шоҳларнинг ғаройиб ва улуғвор сифатлари билан бирга батафсил таърифлаб бердинг. 2. Эй донишмандлар ичида аълоси, сен жуда такводор бўлиб ўтган, диний қонунларга қатъий амал қиладиган Йадулар авлодини ҳам таърифлаб бердинг. Энди, агар сен истасанг, илтимос, мана шу Йадулар хонадониди Ўзининг тўлиқ экспансияси бўлган Баладева билан бирга дунёга келган Парвардигор Вишну, яъни Парвардигор Кришнанинг оламга доврўғи кетган кароматлари ҳақида гапириб бер. 3. Олий Рух, Худонинг Олий Шахси, олам яралишининг сабабчиси Шри Кришна бу оламга Йадулар сулоласида ташриф буюрди. Менга иложи борича батафсилроқ қилиб Унинг бу ерда умрининг бошидан охиригача ўтказган, бутун оламга Унинг шон-шуҳратини таратган кароматлари ва хулқ-атвори ҳақида гапириб бер. 4. Худонинг Олий Шахсини шарафлаб қуйлаш *парампара* - шогирдлар силсиласи орқали устоздан шогирдга ўтиб келади; илм рухий устоздан шогирдга ўтади. Худои Таолони ана шундай шарафлаб қуйлаш бу моддий оламнинг сохта, вақтинчалик намоён бўлишини шарафлаб қуйлашни истамайдиган одамлар учун жуда ёқимли лаззат бағишлайди. Парвардигорни таърифлаш - туғилиш ва ўлишлар гирдобига тушиб қолган шартланган руҳларнинг дардига малҳам бўладиган ҳақиқий дармондир. Шундай экан, ўзини ўзи ўлдирадиган ғофил қассобдан бошқа қандай нодон Парвардигорни ана шундай шарафлаб-қуйлашдан қочади? 5-7. Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи кемасига чиқиб, бобом Аржун ва бошқалар Курукшетрадаги жанг уммонини бемалол кечиб ўтдилар. Бу жангда Бхишмадева ва Карна сингари жангчилар уларни ютиб юборишга қодир бўлган буюк наҳанг балиқларни эслатарди. Кечиб ўтиш жуда қийин бўлган мана шу уммонни менинг боболарим Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан худди бузукнинг туёқ изида қолган қўлмақдан ўтгандай, бемалол кечиб ўтдилар. Онам Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига ўзини топширгани шарофати билан қўлида Ўзининг Сударшана-чакрасини ушлаган ҳолда Парвардигор унинг қорнига кириб, мени - Курулар ва Пандавларнинг қолиб турган ягона зурёдини Ашваттхаманинг даҳшатли ёнғин қуролидан деярли ҳалок бўлаётган пайтимда муқаррар ўлимдан қутқариб қолди. Моддий танага қамалган барча шартланган руҳларнинг ҳам ичида, ҳам ташқарисида Ўзининг қуввати ёрдамида Параматма ва *вират-рупа* кўринишида мавжуд бўлган Парвардигор Кришна - ҳаммага тўла мустақиллик бериб қўйган: ҳар ким ўз хоҳиши билан даҳшатли ўлимга мубғало бўлиши ёки ўз хоҳиши билан мангу лаззатли ҳаётга интилиши мумкин. Ўз марҳаматингни мендан дариг тугмай, Парвардигорнинг илоҳий сифатларини таърифлаш билан менинг мангу ҳаётга бўлган қизиқишимни жонлантир. 8. Азизим Шукадева Госвами, сен тушунтириб бердингки, Парвардигорнинг тўртламчи экспансияси бўлган Санкаршана Рохинининг ўғли Балорам кўринишида бу дунёга келган. Агар Балорам бир танадан иккинчи танага ўтиб юрмаган бўлса, у қандай қилиб аввалига Девакининг

қорнида, кейин эса Рохинининг қорнида пайдо бўлиб қолди? Илтимос, менга шуни тушунтириб бер. 9. Нимага Парвардигор Кришна, Худонинг Олий Шахси отаси Васудеванинг уйини тарк этиб, Вриндаванга Нанданинг уйига ўтиб яшади? Йадулар сулоласининг сардори, Парвардигор Кришна Ўзининг қариндошлари билан биргаликда Вриндаваннинг қаерида яшади? 10. Парвардигор Шри Кришна Вриндаванда ҳам, Матхурада ҳам яшаган. Парвардигор Кришна бу ерларда нима ишлар қилди? Нимага У шоҳ Камсани, Ўзининг онасининг акасини ўлдирди? Бундай қотилликни бирор муқаддас китоб маъқулламайди-ку? 11. Кришна, Худонинг Олий Шахси моддий танага эга эмас, шунга қарамай У бу оламга худди инсон зотига ўхшаб ташриф буюрган. Вришниллар хонадонидигилар билан биргаликда У ер юзиди неча йил яшади? У неча хотинга уйланди ва Дваракада неча йил яшади? 12. Эй буюк донишманд, сен Парвардигор Кришна ҳақида ҳамма нарсани биласан, илтимос, мен сендан сўраган ва ғофиллигим туфайли сўрай олмаган ҳамма нарсалар ҳақида менга гапириб бер, мен сенга тўла ишонаман ва Парвардигор Кришна ҳақида ҳамма нарсани билиб олишни истайман. 13. Ажал бўсағасида турганим сабабли, мен ҳатто сув ичишни ҳам тарк этдим, шунга қарамай, сенинг оғзингдан томаётган Парвардигор Кришна ҳақидаги илоҳий ҳикоялар шарбатидан тўйиб ичаётганим туфайли, одатда чидаш қийин бўлган очлик ва чанқоқлик азоблари менга умуман халақит бермаяпти”.

14. Сута Госвами шундай деди: “Эй Бхригунинг ўғли(Шаунака Риши), энг хурматли содиқ хизматкор, Вйасадеванинг ўғли Шукадева Госвами Махараж Парикшитнинг покдомон саволларини тинглаб туриб, шоҳга чуқур миннатдорчилик билдирди. Кейин у Парвардигор Кришна билан боғлиқ бўлган ҳикояларни гапира бошлади. Бу ҳикоялар Кали-юга даврида одамларни барча азоб-уқубатлардан халос этувчи хаммабоп дармон ҳисобланади”.

15. Шрила Шукадева Госвами шундай деди: “Эй барча авлиё шоҳлар ичида аълоси, Васудева ҳақидаги ҳикоялар сени шунчалик қизиқтирар экан, демек шубҳасиз сенинг тафаккуринг рухий ўзлигингни тўлиқ англаб олган. Инсониятнинг ягона ҳақиқий максоди - мана шу. Агар ана шундай интилиш, қизиқиш ўзгармас, узилмас бўлса, бу ҳақиқатан ҳам жуда улуғворликдан далолат беради. 16. Парвардигор Вишнунинг оёқлари учидан оқиб тушаётган Ганга сувлари бутун уч олам ахлини - олий, ўрта ва қуйи сайёралар тизимини поклайди. Худди шундай, қачон бирор одам Парвардигор Васудева, Кришнанинг ўйинлари ва сифатлари ҳақида сўраса, уч тоифа одамлар гуноҳлари оқибатидан покланади: Парвардигорнинг ўйинлари ҳақида гапираётган одам; савол бериб сўраган одам; бу ҳикояларни тинглаётган одамлар.

17. Бир куни сурбетларча хукмрон шоҳлар либосини кийиб олган ҳар хил иймонсиз иблисларнинг юз минглаган қуролланган қўшинлари дастидан қаттиқ қийналиб кетган Она-Ер ёрдам сўраб Тангри Брахмага мурожаат қилди. 18. Она-Ер сигир киёфасига кириб олган эди. Қаттиқ ташвишга тушиб, кўзлари аччиқ ёшга тўлиб, у Тангри Брахма олдида пайдо бўлди ва унга ўзининг мусибатлари ҳақида гапириб берди. 19. Шундан сўнг Она-Ернинг бахтсизлигини тинглаб туриб, Тангри Брахма Она-Ер, Тангри Шива ва бошқа фаришталар билан биргаликда сут уммони қирғоғига

йўл олдилар. 20. Сут уммонининг кирғоғига бориб, фаришталар Худонинг Олий Шахсига, Парвардигор Вишнуга сажда қилиб сиғина бошладилар. Парвардигор Вишну бутун олам ҳукмдори бўлиб, У ҳаммани барча зарур нарсалар билан таъминлаб туради ва ҳар кимни барча мусибатлардан халос этади. Улар чуқур ҳурмат-эҳтиром билан “Пуруша-сукта” деган машҳур илтижони такрорлаб, сут уммонида ором олиб ётган Парвардигор Вишнуга сажда қилдилар.

21. Илоҳий жазава ҳолатига тушиб, Тангри Брахма Парвардигор Вишнунинг самода янграган гапларини эшитди. Кейин у фаришталарга юзланди: “Эй фаришталар, мендан Кширодакашайи Вишну, Худо Шахсининг буйруғини эшитинглар ва пайсалга солмасдан уни зудлик билан пухта амалга оширинглар”.

22. Тангри Брахма фаришталарга шундай деди: “Ҳали бизлар арз қилмасимиздан аввал Парвардигор Ер сайёрасининг бу мусибатидан хабардор экан. Шунинг учун, Парвардигор ҳали Ўзининг мангу Замон кўринишидаги қудрати билан Она-Ернинг мусибатини енгиллатиш учун Ер юзида пайдо бўлмасдан аввал, сизларнинг барчангиз тўла намоён бўлган қиёфангизда Ер юзидаги Йадулар хонадошида уларнинг ўғиллари ва неваралари бўлиб туғилишларингиз лозим. 23. Худонинг Олий Шахси, ҳар нарсага қодир қудратли ҳукмдор бўлган Шри Кришнанинг шахсан Ўзи Васудеванинг ўғли бўлиб туғилади. Шу боис Уни мамнун қилиш учун ҳамма фаришталарнинг хотинлари ҳам Ер юзида туғилишлари лозим. 24. Парвардигор Кришнанинг энг асосий намоён бўлган қиёфаси - ҳамма Ананта деб биладиган Санкаршана бўлади. У - бу моддий оламда намоён бўлган барча кўринишларнинг манбаидир. Парвардигор Кришна Ер юзида пайдо бўлишдан аввалроқ ана шу азалий, бошланғич Санкаршана Ер юзидаги илоҳий эрмаклариди Худонинг Олий Шахси Кришнага лаззат бағишлаш учун Баладева кўринишида дунёга келади. 25. Худонинг Олий Шахсининг Ўзи сингари саодатли бўлган Парвардигорнинг Вишну-майя деб аталадиган қуввати ҳам Парвардигор Кришна билан бирга Ер юзида пайдо бўлади. Ана шу қувват ҳар хил кўринишда ҳаракат қилиб бутун борлиқни, ҳам руҳий, ҳам моддий оламни ўзига мафтун этади. Хўжайинининг амри билан у Худои Таолонинг эрмаги учун ҳар хил ишларни бажариш ниятида ўзининг турли қувватлари билан бирга ташриф буюради”.

26. Шукадева Госвами давом этди: “Фаришталарга шундай маслаҳатлар бериб, барча праджапатиларнинг ҳукмдори бўлгани туфайли “*Праджапати-пати*” деган ном билан ҳам шуҳрат қозонган қудратли фаришта Тангри Брахма ўзининг Брахмалока деб аталадиган даргоҳига қайтиб кетди.

27. Ўша пайтларда Ер сайёрасидаги Йаду хонадонининг ҳукмдори Шурасена муқим яшаш учун Матхура шаҳрига йўл олди. Шу ерда у Матхура ва Шурасена деган жойларда роҳат-фароғатда яшади. 28. Ўша пайтларда Матхура шаҳри барча Йаду сулоласидаги шоҳларнинг пойтахти эди. Матхура шаҳри ва Матхура вилояти Парвардигор Кришна билан жуда қалин боғланган жойлардир, чунки Парвардигор Кришна шу ерларда мангу яшайди. 29. Орадан бир неча йил ўтгандан кейин фаришта Шура авлодидан дунёга келган Васудева, Девакига уйланди. Никоҳ маросимлари тугагандан кейин янги келин - ўзининг ёш

хотинини олиб уйига қайтиб кетиш учун у ўзининг жанг аравасига чиқди. 30. Шоҳ Уграсенанинг ўғли Камса янги турмуш қурган синглиси Девакини хурсанд қилиш учун уларнинг аравасига чиқиб жиловдорлик вазифасини бажара бошлади. Улар юзлаган олтин жанг аравалари қуршовида борардилар.

31-32. Девакининг отаси, шоҳ Девака қизига қаттиқ боғланиб қолган эди. Шунинг учун қизи ва куёви тўйдан кейин уйини тарк этиб кетаётганида у қизининг сепи сифатида куёвига олтин пўпақлар билан безатилган тўрт юзта ажойиб фил совға қилди. У яна ўн минг от, бир минг саккиз юз жанг араваси, бошидан оёғигача ҳар хил қимматбаҳо тақинчоқлар билан безанган икки юз нафар чиройли ёш канизақлар ҳам совға қилди.

33. Эй суюкли фарзанд, Махараж Парикшит, жанг аравалар ва жиловдорлар сафи йўлга жўнашга тайёр бўлганида уларга оқ йўл тилаб жарангдор мусиқа овози янгради: сон-саноксиз сурлар, барабанлар, литавралар ва караталалар садоси бутун осмону-фалакни тутиб кетди. Улар йўлда борар экан, энг асосий аравани бошқариб бораётган Камсага самодан бир овоз эшитилди: “Эй ақлсиз нодон, ҳозир сен олиб бораётган аёлнинг саккизинчи ўғли сени ўлдирди!”

35. Камса Бходжалар сулоласидан чиққан иймонсиз одам бўлиб, жуда ҳасадгўй, ҳар хил гуноҳларга ботиб кетган эди. Шунинг учун самодан бундай башоратни эшитган заҳоти у чап кўли билан синглисининг сочидан маҳкам ушлаб олди ва шу ердаёқ калласини олиб ташлаш учун унинг бўғзига қиличини қўйди. 36. Виждони зиғирча қийналмасдан ўз синглисини ўлдиришдан ҳам қайтмайдиган ёвуз ва ҳасадгўй Камсани биров овутиш учун тақдирига Парвардигор Кришнанинг отаси бўлиш ёзилган буюк зот Васудева унга мурожаат қила бошлади.

37. Васудева шундай деди: “Эй азиз қайноғам Камса, сен ўз оилангнинг, Бходжа сулоласининг фахрисан, барча буюк қаҳрамонлар сенинг улғувор сифатларингни олқишлайдилар. Ана шундай обрў-эйтиборли одам бўла туриб, сен қандай қилиб аёл кишига, ўзингнинг синглинга, бунинг устига мана шундай қувончли никоҳ тўйи қунида қўл кўтаришга журъат этдинг? 38. Эй буюк қаҳрамон, туғилган одам барибир ўлади, чунки ўлим, ажал дегани тана билан бирга дунёга келади. Бугун ўласанми ёки бир неча йилдан кейинми, фарқи йўқ, ҳар бир жон албатта ўзининг муқаррар ажали билан учрашади. 39. Ҳозирги тана парчаланиб, яна ўзи таркиб топган ер, сув, олов, ҳаво ва эфирга қўшилиб кетганида - тананинг эгаси бўлган тирик мавжудот бу ҳаётда ўзининг қилган ишлари натижасига қараб, ўзидан-ўзи яна ана шундай унсурлардан таркиб топган бошқа бир тананага эга бўлади. Навбатдаги тананага эга бўлиш учун тирик мавжудот ҳозирги танасини тарк этиб кетади. 40. Худди одам йўлда бораётганида аввал бир оёғини ерга қўйганида, иккинчи оёғини ердан кўтаргани, ёки, дарахтда юрган қурт бир япроқни ташлаб иккинчи япроққа ўтгани сингари, шартланган руҳ ҳам бир танани ташлаб иккинчи тана ичига киради. 41. Бирор воқеа-ҳодисани кўзи билан кўриб ёки у ҳақида эшитиб туриб, одам шу воқеани кўз олдига келтириб, шу ҳақда фикр юрита бошлайди. Ўзининг ўй-фикрларига берилиб кетиб, у ўзининг ҳозирги танасини унутиб юборади. Худди шундай, ақлнинг ажойиб тузилишга эга бўлгани сабабли, одам ухлаганида ўзининг ҳақиқий

ҳолати қандайлигини эсидан чиқариб, тушида ҳар хил вазиятларга, ҳар хил таналарга тушиб қолади. Худди шунга ўхшаб тирик мавжудот, алоҳида руҳ аввалги танасини ташлаб бошқа танага эга бўлади. Ҳар хил дунёвий, кармали фаолиятга машғул бўлган ўй-фикрлари, хиссиёти ва ақлининг истаклари асосида руҳ ажали етганида маълум кўринишдаги бошқа танага эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, тирик мавжудотнинг танаси ақлининг кўрсатаётган фаолиятига қараб ривожланади. Тананинг ўзгариши ақлининг ўзгариши натижасида юзага келади, чунки акс ҳолда руҳ ўзининг азалий, рухий танасида қолиши мумкин эди. 43. Ой, Куйёш ва юлдузлар сингари осмондаги ёриткичлар ёғ ёки сувга ўхшаган суюқликлар юзида акс этганида шамол таъсирида улар ҳар хил кўринишларга - баъзан қийшиқ айлана, баъзида чўзинчоқ ой шаклига эга бўлгандай бўлиб кўринади. Шунга ўхшаб, тирик мавжудот моддий ўй-фикрларга ғарқ бўлганида, у ғофиллиги сабабли ўзини бу дунёда намоён бўлган ҳар хил кўринишларга, атамаларга қиёслаб бошлайди. Бошқача қилиб айтганда, тирик мавжудот моддий табиат гуналари таъсири остида ақли адашиб, ўзини йўқотиб қўяди. 44. Шунинг учун, агар одамнинг ҳозирги қилаётган гуноҳ ишлари, унинг келгусида азоб-уқубат чекиб қийналишига сабаб бўладиган моддий тана олишига сабабчи бўладиган бўлса, нимага энди фаросатли одам шундай гуноҳ ишлар қилиши керак? Ўзининг келажагини ўйлайдиган одам ҳеч бўлмаса ўзининг манфаати, келажаги учун ҳеч кимга ҳасад қилмаслиги керак, чунки ҳасадгўй одам хоҳ ҳозирги ҳаётида бўлсин, хоҳ кейинги ҳаётида бўлсин, ҳаммаша ўзининг душманларидан бирор зарар кўришдан кўрқиб яшашга маҳқум бўлади. 45. Сенинг синглинг бўлгани туфайли бу бегуноҳ, беозор қизга сен худди ўз қизингдай муносабатда бўлиб, унга ғамхўрлик қилишинг керак. Сен жуда меҳрибон одамсан, шу боис уни ўлдирмаслигинг керак. Аслини олганда у сенинг оталарча меҳр-муҳаббатингга муносиб қиз”.

46. Шукадева Госвами давом этди: “Эй Курулар сулоласининг аълоси, Камса жуда золим одам бўлиб, аслида ёвуз Ракшасларнинг издоши эди. Шу боис Васудеванинг айтган бу ажойиб гаплари унинг тошдай қалбини юмшата олмади, у ҳалигача сира шаштидан қайтмай турарди. Гуноҳ ишларнинг келажакда хоҳ ҳозирги ҳаётида бўлсин, хоҳ кейинги ҳаётида бўлсин албатта келадиган оқибатлари уни мутлақо қизиктирмас эди. 47. Камса барибир ўз синглиси Девакини ўлдиришга ҳозирланиб турганини кўриб, Васудева чуқур ўйланиб қолди. Девакининг бошига муқаррар ажал тажовуз қилиб турганини кўриб, Васудева Камсани бу ишдан тўхтатиб қолишининг бошқа режасини ўйлаб топди. 48. Токи одамнинг ақли, тафаккури ва жисмоний кучи жойида экан, у ажални четлаб ўтишга ҳаракат қилиши лозим. Бу - инсон танасига эга бўлган тирик мавжудотнинг бурчи. Ҳар қанча уринишларга қарамай, барибир ажалнинг олдини олиб бўлмаса, ўз ўлимини бамайлихотир кутиб олган одам гуноҳ қилмаган бўлади.

49-50. Васудева шундай фикр юрита бошлади: “Туғиладиган барча фарзандларимизни ажал тимсоли бўлган мана шу Камсага беришга ваъда бериб, Девакининг ҳаётини сақлаб қолишим мумкин. Балки ҳали бизларнинг фарзандимиз туғилмасдан аввал Камсанинг ўзи ҳалок бўлар, ёки агар башоратга кўра менинг ўғилларимдан бири уни ўлдириши рост бўлса,

уни барибир менинг фарзандим ўлдиради. Шунинг учун яхши замонлар келгунча, Камсага: “туғилаган фарзандларимни сега бераман!” - деб ваъда бераман. Шунда у ўзининг ҳозирги шаштидан қайтади. Агар вақт ўтиши билан Камсанинг ўзи ҳалок бўлса, ваъдамни бажаришга ўрин қолмайди. 51. Қандайдир номаълум сабабларга кўра олов бир дарахтдан иккинчи дарахтга, бир ўтиндан иккинчи ўтинга ўта бошласа, бу - тақдир тақозоси деб аталади. Худди шундай, тирик мавжудот бир танани ташлаб иккинчи танага эга бўлганида ҳам бунга кўринмас тақдир тақозосидан бошқа ҳеч қандай сабаб бўлмайди. 52. Олган илмлари йўл кўядиган даражада мана шулар ҳақида фикр юритиб, Васудева ўзининг ҳаёлидаги гапларни чуқур ҳурмат-эҳтиром билан гуноҳкор Камсага айта бошлади. 53. Васудеванинг ақли қаттиқ ташвишга тушган эди, чунки унинг ёш хотинининг боши устида ажал қиличи ҳамла қилиб турарди. Лекин, ёвуз, бағритош, уятсиз ва гуноҳкор Камсани мамнун қилиш учун унга юзида табассум билан мурожаат қила бошлади.

54. Васудева шундай деди: “Эй фаросатли зотларнинг ичида аълоси, башорат қилган овоздан маълумки, сенинг ажалинг синглинг Девакининг кўлидан бўлмайди. Фақат унинг ўғиллари сенинг ҳалок бўлишинга сабаб бўлади. Ш боис мен сенга ваъда бериб айтаманки, бизда ўғил фарзанд туғилган заҳоти мен уни сенга топшираман, ахир сен фақат бизнинг ўғилларимиздан кўрқяпсан-ку!”

55. Шрила Шукадева Госвами давом этди: “Камса Васудеванинг мантиқли гапларига қулоқ солиб, унинг шартига рози бўлди. Унинг гапларига тўла ишониб, Камса синглисини ўлдириш ниятидан қайтди. Васудева Камсадан мамнун бўлиб, яна бир икки ширин сўз билан уни овутиб, ўзининг уйига кирди. 56. Бўлиб ўтган мана шу воқеалардан кейин ҳар йили вақти келиб бўлуши Парвардигорнинг онаси Деваки биттадан ўғил фарзандни дунёга келтирарди. Шу тариқа у биринкетин саккиз ўғил ва Субҳадра деган битта қиз туғди. 57. Берган ваъдасининг устидан чиқолмай ёлғончи бўлиб қолишдан Васудева жуда ташвишга тушган эди. Шу боис у қалби қаттиқ изтиробга тўлиб, биринчи туғилган Киртиман деган тўнғич ўғлини Камсанинг кўлига топширди. 58. Ростгўйликка қатъий риоя қилиб яшайдиган авлиё одамнинг қалби қанчалик мусибат чекади? Худои Таолонинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигига ҳақиқатан ҳам ишонадиган соф содиқларнинг қалбида қаердан ҳам тўла мустақиллик бўлмасин? Пасткаш одамларга қандай ишларни таъқиқлаб бўларди? Ўз ихтиёрини бутунлай Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига топширган зотлар Парвардигор Кришна учун нималарни қурбон қилишга қодир эмас?

59. Эй азизим Парикшит, Васудева ўзига берган ваъдасининг устидан чиқиб, ўзини бутунлай хотиржам тутган ҳолда туғилган ўғил фарзандини олдиға олиб келиб турганини кўриб, Камсанинг қалби бахтга тўлди. Шунинг учун у юзида табассум билан шундай деди:

60. “О Васудева, сен бу фарзандингни ўзинг билан бирга олиб бемалол уйинга кетишинг мумкин. Мен сенинг биринчи фарзандингдан кўрқмайман. Мен Деваки билан сенинг саккизинчи ўғлингдан кўрқаман, чунки айнан саккизинчи ўғлингизнинг кўлидан ўлишим башорат қилинган”.

61. Васудева унинг гапига рози бўлиб, ўғлини олиб уйига қайтиб кетди, аммо Камса иродасиз, ожиз табиатли, ўз сўзида туролмайдиган одам бўлгани

сабабли, унга ишониш мумкин эмаслигини Васудева яхши биларди.

62-63. Нанда Махараж бошлиқ Вриндаван аҳолиси, унинг ҳамма дўстлари ва хотинларининг ҳаммаси аслида жаннатдан тушган фаришталар эдилар. Эй Махараж Парикшит, эй Бхарат авлодининг аълоси. Васудева бошлиқ Вришни сулоласининг одамлари ва Деваки бошлиқ Йадулар хонадонининг бошқа хотинлари ҳам фаришталар эди. Нанда Махаражнинг ҳам, Васудеванинг ҳам барча қариндошлари ва ошнолари, ҳатто бир қараганда Камсанинг тарафдорлари бўлиб кўринган зотлар ҳам аслида фаришталар эди.

64. Бир куни авлиё донишманд Нарада Муни Камсанинг олдига келиб, Ер юзига мусибат келтириб турган иблиссифат шоҳларнинг ҳаммаси тез кунлар ичида нариги дунёга жўнаши кераклигини айтди. Шундай қилиб, Камса яна қаттиқ ташвиш ва хавотирга тушиб, кўрқиб қолди. 65-66. Буюк авлиё донишманд Нарада Муни кетгандан кейин Камса Йадулар сулоласида туғилган болаларнинг ҳаммаси фаришта эканини эслаб, Девакидан туғилган ҳар бир ўғил фарзанд ҳам Парвардигор Вишну бўлиб қолиши мумкин деб ўйлади. Ўзининг ажалидан кўрқиб, Камса Деваки билан Васудевани хибсга олди ва уларни занжирбанд қилиб қўйди. Уларнинг ҳар бир ўғли Вишну бўлиб ўзини ўлдириб қўйишидан кўрқиб, у бирин-кетин уларнинг ҳамма фарзандларини ўлдирди. 67. Ер юзига лаззатланишга интилиб, айшу-ишратдан тўймай юрган шоҳлар ўз душманларини ҳеч ўйланиб ўтирмасдан ўлдириб юбораверадилар. Фақат ўз манфаатини ўйлаб улар ҳар қандай одамни, ҳатто ўзларининг ота-онасини, ака-укаларини ёки дўстларини ҳам ўлдирадилар. 68. Аввалги ҳаётида Камса Каланеми деган буюк иблис бўлиб, Вишнунинг қўлидан ҳалок бўлган эди. Нарада Мунидан бу хабарни эшитиб, Камса Йадулар хонадони билан боғлиқ бўлган ҳар бир одамга ҳасад кўзи билан қарай бошлади. 69. Уграсенанинг ўғилларининг энг қудратлиси бўлган Камса ҳатто ўзининг отасини ҳам зиндонга ташлади. Йадуларнинг, Бходжаларнинг ва Андхакаларнинг шоҳларини асир олиб, Шурасена салтанатига шахсан ўзи тўла ҳукмронлик қила бошлади.

Иккинчи боб.

Онанинг қорнида ётган Парвардигор Кришнага фаришталарнинг илтижолари.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Магадхараджа, Жарасандхаларнинг қўллаб-қувватлаши билан қудратли Камса Йаду сулоласининг шоҳларини таъкиб қила бошлади. Бунинг учун у Праламба, Бака, Чанура, Тринаварта, Агхасура, Муштика, Аришта, Двивида, Пугана, Кеши, Дхенука, Бана, Нарака сингари иблислар ва Ер юзидаги бошқа кўплаган иблиссифат шоҳлар билан иттифоқ тузди. 3. Иблиссифат шоҳларнинг таъкиби остига тушиб қолган Йадавалар ўз салтанатини тарк этиб Кауравлар, Панчалалар, Кекайалар, Шалвалар, Видарбхалар, Нишадлар, Видехалар ва Кошалалар салтанати сингари бошқа қўшни юртларга кетдилар. 4-5. Аммо уларнинг баъзи қариндошлари Камсанинг қонун-қоидаларига

бўйсуниб, унинг амрини бажара бошладилар. Уграсенанинг ўғли Камса Девакининг бирин-кетин олти ўғлини ўлдиргандан кейин Кришнанинг тўлик намоён бўлган қиёфаси еттинчи ўғил сифатида Девакининг қорнига кирди. Бу билан У Девакининг чексиз қувончдан яйраб кетиш билан бирга қаттиқ кўрқувдан титрашига сабаб бўлди. Парвардигорнинг ана шу тўлик қиёфасини донишмандлар *Ананта* деб шарафлайдилар, У Кришнанинг тўртламчи экспансияси ҳисобланади. 6. Йадуларни, Ўзининг соф содиқларини Камсанинг кирдикорлари келтираётган ташвишлардан ҳимоя қилиш учун Худо Шахси, ҳар кимнинг қалбидаги Олий Рух - Вишва-атма, Йога-майяга буйруқ берди.

7. Парвардигор Йогамайяга шундай деди: “Эй Менинг қувватим, сенга бутун олам сажда қилади, сенинг табиатинг - барча тирик мавжудотларга ҳаммиса яхши омад келтириш, сен ҳозир Враджага бор, у ерда жуда кўп подачилар хотинлари билан бирга яшайдилар. Сон-саноксиз сигирлар ўтлаб юрган ана шу гўзал жойларда Васудеванинг хотини Рохини Нанда Махаражнинг уйида истиқомат қилади. Васудеванинг бошқа хотинлари ҳам шоҳ Камсадан кўрққани сабабли шу ерларда яширин ҳолда яшайдилар. 8. Ҳозир Менинг тўлик намоён бўлган қиёфам бўлмиш Санкаршана, яъни Ананта-Шеша Девакининг қорнида. Сен Уни ҳеч қандай талафотсиз Рохинининг қорнига ўтказ. Эй барчага саодат бағишловчи Йогамайя, шундан кейин Мен Ўзимнинг мукамал олти хил бойлигим билан бирга Девакининг ўғли бўлиб ташриф буюраман, сен эса Нанда Махаражнинг маликаси Йашоданинг қизи бўлиб туғиласан. Ҳайвонларни қурбон қилиш орқали оддий одамлар сенга катта тантана билан ҳар хил анжомлар таклиф этиб, сажда қилиб сиғинадилар, чунки сен моддий оламдаги ҳар бир одамнинг дунёвий истакларини бажаришга қодир бўлган қудратга эгасан”.

11-12. Парвардигор Кришна Майадевини дуоифотиха қилиб шундай деди: “Ер юзининг турли жойларида одамлар сенга Дурга, Бхадракали, Виджайя, Ваишнави, Кумуда, Чандика, Кришна, Мадхави, Канйака, Майя, Нарайани, Ишани, Шарада ва Амбика сингари ҳар хил номлар билан сиғинадилар. 13. Рохинининг ўғли Девакининг қорнидан Рохинининг қорнига ўтказилгани сабабли Санкаршана деган ном билан шуҳрат қозонади. Гокула аҳолисига чексиз қувонч бағишлагани сабабли Уни Рама деб чақирадиган бўладилар, чексиз жисмоний куч-қудратга эга бўлгани туфайли Уни Балабхадра деб ҳам чақирадилар”.

14. Худонинг Олий Шахсидан ана шундай кўрсатмалар олган Йогамайя жуда мамнун бўлди. Ведавий “оум” бўғинини тиловат қилиб, у Парвардигорнинг бу кўрсатмаларини ҳозирок бажаришга киришишга тайёр эканини тасдиқлади. Шу тариқа Худонинг Олий Шахсидан кўрсатмалар олиб, у эҳтиром билан Парвардигорнинг атрофини айланиб ўтди ва Ер сайёрасидаги Нанда-гокула деган жойга йўл олди. Шу ерда у ўзига буюрилган ҳамма ишларни амалга оширди. 15. Йогамайя Девакининг қорнидаги ўғлини Рохинининг қорнига олиб ўтганида, Деваки: “Мен қорнимдаги фарзандимни вақтидан олдин тушириб қўйдим, шекилли!” - деб ўйлади. Шу боис саройдаги одамлар: “Э-воҳ, Деваки ўзининг фарзандини нобуд қилиб қўйди!” - деб ўйладилар.

16. Шундай қилиб, барча тирик мавжудотларнинг олий руҳи, Ўзининг содиқларини ҳаётда барча

кўркувлардан халос этадиган Худонинг Олий Шахси, Ўзининг бутун бойлиги билан бирга шоҳ Васудеванинг ақлига кирди. 17. Худонинг Олий Шахсининг киёфасини қалбининг тўрига жойлаган Васудевага Парвардигордан илохий порлоқ нур ўта бошлади, шунда у ўзидан худди Куёшдай порлаб турган ғаройиб нур тарата бошлади. Бирор одамнинг унга нигоҳ ташлаши ва оддий хиссиётлар билан уни кўриши жуда қийин эди. Аслини олганда уни ҳатто Камса сингари қудратли зотлар ҳам кўра олмас эди, фақат Камса эмас, балки барча тирик мавжудотлар уни кўришга қодир эмасдилар. 18. Шундан кейин Ўзининг тўлиқ экспансиялари ҳамроҳлигида, бутун олам учун фақат эзгулик келтирадиган Худои Таоло Васудеванинг ақлидан Девакининг ақлига ўтди. Худди осмонга чиқаётган тўлин Ойни олиб юргани сабабли ёруғ бўлган шарқ сингари, Васудева орқали рухланган Деваки ҳам ғаройиб даражада тенгсиз гўзалликка эга бўлди, чунки у ҳар кимнинг азалий онги ҳамда барча сабаблар сабабчиси бўлган Парвардигор Кришнани қалбининг тўрида олиб юрарди. 19. Деваки қалбининг тўрида барча сабаблар сабабчиси, бутун коинотнинг таянчи бўлган Худонинг Олий Шахсини олиб юрарди, аммо, Камсанинг уйида зиндонда қамалиб ётгани сабабли, у худди кўзанинг ичига яширинган оловга, ёки илмга эга бўлган, лекин шу илмини атрофидаги бошқа одамларга ўргата олмайдиган билимдон одамга ўхшарди. 20. Қалбининг тўрида Худонинг Олий Шахси мавжуд бўлгани шарофати билан Деваки қамалиб ётган жойини ўзидан таралаётган порлоқ нур билан ёритиб турарди. Унинг куёшдай порлаб, яйраб юрганини, поклигини ва юзидаги табассумини кўриб, Камса чуқур ўйга толди: “Худонинг Олий Шахси, мени ўлдириши лозим бўлган Вишну шубҳасиз ҳозир унинг қорнида. Деваки авваллари ҳечам бундай чиройли ва порлаб турган эмасди?”

21. Камса ўйлашда давом этди: “Нима қилсам экан? Ўзининг ишини яхши биладиган Худои Таоло ҳеч қачон Ўз жасоратидан айрим юрмайди. Деваки - аёл зоти, у - менинг синглим бўлади, бунинг устига у ҳозир ҳомилдор. Агар мен уни ҳозирок ўлдирсам, обрўйим, бойлигим ва бутун ҳаётим албатта таназзулга юз тутади. 22. Бешафқат, ёвуз одам аслида тирик мурда хисобланади, чунки ҳозирги ҳаётида ҳам, ўлганидан кейин ҳам уни ҳамма қоралайди. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган одам танасида яшаб, ажали етиб ўлгандан кейин ундай одам албатта Андхатама деган даҳшатли дўзахга равона бўлади”.

23. Шукадева Госвами шундай деди: “Шундай фикр-мулоҳаза юритар экан, Камса гарчи барибир Худонинг Олий Шахсига нисбатан душманлик қилишда давом этаётган бўлса ҳам, гуноҳга ботиб, ҳозирок синглисини ўлдиришга журъат этмади. У Худои Таолонинг туғилишини кутиб туришга, шундан кейин ўзи режалаштирган ишини амалга оширишга қарор қилди. 24. Тахтда ёки оромгоҳида ўтирганида, ётганида, турганида ёки бошқа бирор иш билан машғул бўлганида, овқатланаётганида, ухлаганида ёки сайр қилиб юрганида - ҳамма жойда Камса ҳаммиша кўзи олдида фақат ўз душманини, Худонинг Олий Шахсини, Хришикешани кўриб юрарди. Бошқача қилиб айтганда, ўзининг ҳамма жойни қамраб олган душманини ҳаммиша ўйлаб, эслаб юриш билан Камса салбий равишда бўлса ҳам ҳаммиша Кришна онги билан яшарди.

25. Тангри Брахма ва Тангри Шива Нарада Муни, Девала, Вйаса сингари барча буюк донишмандлар ҳамда Индра, Чандра ва Варуна сингари фаришталар билан бирга бошқа одамлар кўзига кўринмасдан Деваки ётган хонага кирдилар. Шу ерда улар эҳтиром билан Худонинг Олий Шахсига сажда қилиш ҳамда ҳар кимга чексиз марҳамат ато этадиган Зотни мамнун қилиш ниятида илтижо қилиш учун бир танага бирилашдилар.

26. Фаришталар шундай илтижо қила бошладилар: “Эй азиз Худойим, Сен ҳеч қачон Ўзинг берган муқаммал ваъдага нолайиқ иш қилмайсан. Сен қарор қилган ҳар бир амал - энг тўғри амал бўлиб, албатта амалга ошади, унга ҳеч ким қаршилик қила олмайди. Намоён бўлган моддий оламнинг уч хил - яралиш, мавжудлик ва яқсон бўлиш даврида иштирок этган ҳолда Сен - Мутлақ Ҳақиқатнинг Ўзисан. Аслини олганда, токи одам соф ростиғулик даражасига кўтарилмас экан, у Сенинг марҳаматингга эриша олмайди. Иккиюзламачи, фирибгарлар Сенинг марҳаматингдан маҳрумдирлар. Сен - оламнинг ҳамма жойида мавжуд бўлган Ҳақиқат, ҳамма ерда албатта амалга ошувчи Қонунсан, шу боис Сени *антарйами*, яъни “ички қувват” деб атайдилар. Сен барчага бирдай муносабатда бўласан, Сенинг кўрсатмаларинг, буйруқларинг мангу, ўзгармас бўлган ҳолда ҳамма вақт, ҳаммага бирдай тааллуқлидир. Сен - барча ҳақиқатлар манбаисан. Шу боис Сенга сажда қилган ҳолда биз ўз ихтиёримизни бутунлай Сенга топширамиз. Ўз марҳаматингни дариғ тутмай, бизларни химоя қил. Бу моддий танани “бошланғич дарахт” деб аташ мумкин. Илдизи моддий табиатда таянч топган бу дарахт икки турли хосид беради - бахтдан лаззатланиш ҳамда мусибатдан қийналиш. Дарахтнинг сабабчиси - унинг уч илдизини шакллантирадиган, моддий табиат гуналари - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат билан алоқада бўлишдир. Тана билан боғлиқ бўлган бахтнинг тўрт таъми бўлади - тақводорлик(дхарма), иқтисодий фаровонлик(артха), ҳиссий лаззатланиш(кама) ва рухий озодликка чиқиш(мокша). Улар беш хиссиёт орқали олти ҳолатда қабул қилинади: мусибат(скорбь), алданиш(иллюзия), куексалик, ўлим, очлик ва чанқоқлик. Дарахт етти турли пўстлоқ билан қопланган - тери, қон, мускуллар, ёғ, суяк, суяк мияси ва уруғлик. Дарахтнинг саккиз шохаси бор - беш қўпол ва уч нафис унсур. Тана дарахтининг тўққиз дарвозаси бор - кўзлар, қулоқлар, бурун тешиклари, оғиз, йўғон ичак ва жинсий аъзо. Дарахтнинг ўн барги - бутун тана орқали ўтадиган ўн турли ҳаво оқимлари мавжуд. Мана шу тана дарахтида иккита қуш ўтирибди: улардан биттаси - алоҳида руҳ, бошқаси - Олий Руҳ. 28. Ана шундай сон-саноксиз дарахтлар билан бирга намоён бўлган бу моддий оламни ҳаракатга келтириб турган бошланғич сабаб - Сен бўласан. Эй Парвардигор, бу моддий оламнинг мавжудлигини таъминлаб турган ҳам Сен Ўзингсан, яқсон бўлгандан кейин ҳамма нарса паноҳ топадиган ягона Макон ҳам Сен Ўзингсан. Сенинг ташқи қувватинг қоплаб олган зотлар ана шу намоён бўлган моддий олам ортида турган Сени кўришга қодир эмаслар, уларнинг кўриш қобилиятлари Сенинг билимдон содиқларинг назаридан фарқ қилади.

29. Эй азиз Худойим, Сен ҳаммиша илмга тўлиқсан, барча тирик мавжудотларга омад келтириш учун Сен бу моддий оламга нисбатан мутлақо илохий бўлган ҳар

хил қиёфаларда пайдо бўласан. Сен ана шундай қиёфаларда намоён бўлганингда такводор ва покдомон содиқларингга чексиз лаззат бағишлайсан, лекин иймонсиз, атеистлар учун ҳалокат олиб келасан. 30. Эй нилуфар кўзли Парвардигор, ўзининг диққат-эътиборини бутун борлиқнинг манбаи бўлган Сенинг нилуфар қадамларинг пойида мужжасам қилиб, мана шу нилуфар қадамларинг пойини ғофиллик уммонини кечиб ўтиш учун ишончли кема сифатида қабул қилиб олган инсон маҳажанларнинг - буюк авлиё зотларнинг, донишманд ва содиқларнинг изидан бораётган бўлади. Мана шу оддий жараён ёрдамида худди бузоқнинг оёқ изида қолган қўлмақдан ўтгандай осонлик билан илмсизлик, ғофиллик уммонини кечиб ўтиш мумкин. 31. Эй худди Куёшга ўхшаган порлоқ Худойим, Ўзингнинг содиқ хизматкоринг истагини амалга ошириш учун Сен ҳамиша тайёр турасан, шу боис содиқларинг Сени истақлар дарахти - *ванчха-калтатару* деб атайдилар. Ачарйа, руҳий устозлар ғофиллик уммонини кечиб ўтиш учун бутунлай Сенинг нилуфар қадамларинг пойи паноҳига кирганида, улар ўзлари қўлланган мана шу осон усулни ғофиллик уммони кирғоғида қолдириб кетадилар. Бошқа содиқларга нисбатан чексиз меҳрибон, ғамхўр бўлганинг туфайли Сен шу усулни уларга ҳадя қиласан. 32. Эй нилуфар кўзли Парвардигор, гарчи олий мартабага эришиш учун қаттиқ риёзатларга берилган, муқаддас қасамларга амал қилиб юрган иймонсиз одамлар ўзларини “озодликка чиққан зот”лар деб ҳисобласалар ҳам, уларнинг тафаккури пок эмас. Улар ўзларининг хом-хаёлидаги юксак мартабасидан пастга кулаб тушадилар, чунки улар Сенинг нилуфар қадамларинг пойи ҳақида ўйламайдилар. 33. Эй Мадхава, эй Худонинг Олий Шахси, эй равнақ фариштасининг ҳукмдори, агар Сенинг суюкли содиқ хизматкорларинг баъзан соф садоқат йўлидан адашсалар ҳам, улар иймонсиз, Сенга содиқ бўлмаган зотлар сингари тубанликка куламайдилар, чунки Сен Ўз содиқларингни ҳимоя қиласан. Шу тариқа улар ҳеч нарсдан кўркмасдан *бхакти* йўлига қаршилиқ қилаётган душманлар устидан ғолиб келиб, Худога садоқат билан хизмат қилишда тобора юксалаверадилар.

34. Эй Парвардигор, моддий оламнинг мавжудлигини таъминлаб туриш давомида Сен илоҳий таналарда моддий табиат гуналаридан устун турадиган ҳар хил қиёфаларда намоён бўласан. Сен шу тариқа моддий оламда намоён бўлганингда, барча тирик мавжудотларга Ведаларнинг қурбонлик маросимлари ўтказиш, сеҳрли йога, риёзат чекиш, муқаддас қасамларга амал қилиш ва ниҳоят *самадхи* - Сен ҳақингдаги ўйларга бутунлай ғарқ бўлиш бўйича берилган кўрсатмаларига қандай амал қилиш кераклигини ўргатиб, уларга чексиз омад келтирасан. Шундай қилиб, Сенга одамлар Ведаларнинг қонун-қоидалари асосида сиғнадилар. 35. Эй Парвардигор, эй барча сабаблар сабабчиси, агар Сенинг илоҳий тананг моддий табиат гуналаридан устун турмаганда эди, илоҳий нарсалар ва моддий унсурлар орасидаги фарқни тушуниб бўлмас эди. Сен иштирок этиб турганинг туфайли моддий табиат ҳукмдори бўлган Сен Олий Зотнинг илоҳий табиатингни тушуниб олиш мумкин. Токи Сенинг илоҳий қиёфангни кўрмагунча, тирик мавжудотлар Сенинг илоҳий табиатингни тушуниб олиши жуда мушкул. 36. Эй Парвардигор,

фақат хом хаёл суриш билан банд бўлган одамлар Сенинг илоҳий табиатли номларинг ва қиёфаларингни англай олмайдилар. Сенинг номларинг, қиёфаларинг ва атрофингдаги анжомларингни фақат Сенга садоқат билан хизмат қилиш орқали билиб олиш мумкин. 37. Бутун фикру-хаёли Сенинг нилуфар қадамларинг пойида мужжасам бўлган, ҳамиша Сенинг илоҳий муқаддас номларинг, қиёфаларинг ҳақида гапирадиган, тинглайдиган, уларни кўриб юрадиган, бошқаларни Сени эслашга ундаб юрадиган содиқларинг, ҳатто бу дунёда ҳар хил фаолият билан машғул бўлиб юрсалар ҳам, улар ҳамиша илоҳий, руҳий поғонада юрган бўладилар ва шу тариқа улар Худонинг Олий Шахсини тушуна оладилар.

38. Эй Парвардигор, бизлар жуда омадли зотлармиз, чунки Сен пайдо бўлган заҳоти Ер сайёраси оғир мусибатдан халос бўлади. Аслида бизларга чексиз бахт кулиб боқди, чунки энди Ер сайёрасининг устида ва жаннатий сайёраларда Сенинг нилуфар қадамларинг пойини безаб турган нилуфар, сур, гурзи ва халқа белгиларини кўришга муяссар бўламиз. 39. Эй азиз Парвардигор, Сен бу оламда ўзининг кармали фаолияти оқибатида пайдо бўладиган оддий тирик мавжудот эмассан. Шу боис Сенинг бу дунёда пайдо бўлишинг ёки туғилишинг сабабчиси - Ўзингнинг лаззатланиш истагингдан, қувватингдан бошқа нарса бўлолмайди. Худди шундай, Сенинг ажралмас заррачаларинг бўлган тирик мавжудотлар ҳам Сенинг ташқи қувватинг исканжасига тушиб қолган ҳоллардан ташқари ҳолларда туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексалик сабабли қийналмайдилар. 40. Эй қудратли олий Ҳукмдор, Сен Ўз марҳаматинг билан оламни ҳалокатдан қутқариш учун аввал балиқ, от, тошбақа, Нрисимхадева, тўнғиз, оққуш, Парвардигор Рамачандра, Парашурама, Вamanaдева қиёфаларида намоён бўлган эдинг. Энди эса, оламнинг пала-партишлигини даф қилиб, яна бизларни ҳалокатдан қутқар. О Кришна, эй Йадулар аълоси, бизлар Сенга чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз. 41. Эй Она Деваки, сенинг ва бизларнинг бахтимизга ҳозир Худонинг Олий Шахси Ўзининг тўлиқ қисмлари билан биргаликда сенинг қорнингда. Шунинг учун сен Камсадан кўрқиб ўтиришингнинг мутлақо ҳожати йўқ. Камса Парвардигор қўлидан халок бўлади. Сенинг мангу ўғлинг, Парвардигор Кришна, бутун Йадулар хонадонининг ишончли ҳимоячи посбони бўлади”.

42. Худонинг Олий Шахси, Илоҳий Зот Парвардигор Вишнуга шундай илтижолар билан мурожаат қилгандан кейин барча фаришталар Тангри Брахма ва Тангри Шива билан биргаликда жаннатий сайёралардаги ўзларининг даргоҳига қайтиб кетдилар.

Учинчи боб.

Парвардигор Кришнанинг туғилиши.

1-5. Шундан сўнг, Парвардигорнинг пайдо бўлиши учун шарофатли пайт келиб бутун олам эзгулик, гўзаллик ва ором, осойишталик сифатлари билан лиммо-лим тўлди. Саховатли Ашвини юлдузлар туркуми сингари осмону фалақда Рохини юлдузлар туркуми ва бошқа юлдузлар ҳам пайдо бўлди. Куёш, Ой, бошқа юлдузлар ва сайёралар бутунлай осойишта ҳолатга келган эдилар. Оламнинг ҳамма тарафи жуда ёқимли бўлиб, булутсиз осмонда юлдузлар ажойиб

чарақлаб турарди. Шахарлар, қишлоқлар, конлар ва ўтлоқлар билан безанган Ер сайёраси ҳаммага бахт келтирадигандай кўринарди. Дарёларда тиниқ, топ-тоза сувлар тўлиб оқарди, кўллар ва катта-катта булоқларнинг юзи лайло ва нилуфар гулларига тўла бўлиб, ғайритабиий равишда чиройли кўринарди. Кўзни қувонтирадиган яшил барглар ва чиройли гулларга тўла дарахтларда, яшил бутазорларда какку сингари сайроқи кушлар ва асалари галалари фаришталарни шарафлаб чиройли хониш қиларди. Таналарга роҳат бағишлаб, гулларнинг анвойи хидларини ҳар тарафга таратиб майин шабада эсарди, аммо, қурбонлик маросими ўтказаятган брахманлар Ведавий қонун-қоидалар асосида муқаддас оловга ўт кўйганида, муқаддас қурбонлик олови шамолсиз, бир маромда ёнарди. Шундай қилиб, тўғилмаган Парвардигор Вишну, Худонинг Олий Шахси, энди дунёга келай деб турганида, Камса ва унинг ҳамтовоқлари сингари ҳар хил иблислар дастидан хамиша ташвишга тушиб юрадиган авлиё зотлар ва брахманлар бирданига қалбининг тўрида ўзидан-ўзи чуқур хотиржамлик, осойишталик ҳис қила бошладилар, айна пайтда олий сайёралар тизимидан литавалар товуши эшитилди.

6. Киннарлар ва Гандхарвалар шарофатли кўшиқлар куйлай бошладилар, Сиддхи ва Чараналар - саховат келтирадиган илтижолар қилиб, Видйадхаралар Апсаралар билан бирга қалби қувончга тўлиб, чексиз бахтдан яйраб рақсга туша бошладилар. 7-8. Фаришталар ва буюк авлиё зотларнинг қалби қувончга тўлиб, ерга гуллар ёмғирини ёғдирдилар, осмонда тўпланган булуғлар худди денгиз тўлқинининг овозига ўшиган товуш чиқариб майин гулдурай бошладилар. Кейин, ҳар кимнинг қалбининг тўрида мавжуд бўлган Вишну, Худонинг Олий Шахси, худди уфқдан кўтарилган тўлин Ой сингари, ярим тунда Девакининг қалбидан ташқарига чиқди, чунки Деваки ҳам Парвардигор Кришнанинг Ўзининг тоифасидан эди. 9-10. Кейин Васудеванинг кўзи дунёга янги келган чақалоққа тушди, Унинг кўзлари нилуфар гулбарги сингари чиройли эди, У ўзининг тўрт кўлида сур, халқа, гурзи ва нилуфар гулини ушлаб турарди. Унинг кўксиде Шриватса белгиси, бўйнида эса порлаб турган қимматбахо гавхартош - Каустубха бор эди. Танаси ёмғирли булут рангида, сариқ либосга ўраниб олган, қалин тўлқин-тўлқин қора сочлари, бошида тож, қулоқларида Вайдурйа сеҳрли тошининг нурида ярқираб турган ажойиб сирғалар билан чақалоқ белига ярқираган камар, оёқ-кўлларига кўнғирокча ва билагузуклар тақиб олганидан жуда чиройли, жозибдор бўлиб, Унга кўзи тушган ҳар қандай одамни ҳам Ўзига бутунлай махлиё қиларди. 11. Васудева ўзининг бу ғайритабиий ўғлини кўрганида кўзлари хайратдан чақнаб кетди. Қалбиде жўш урган илохий шодликдан у дарров хаёлида ўн минг чиройли безатилган сигирни тўплаб, бундай илохий байрам муносабати билан брахманларга эҳсон сифатида ҳадя қилди. 12. Эй Махараж Парикшит, эй шоҳ Бхарат авлоди, Васудева бу чақалоқ аслида Худонинг Олий Шахси, Нарайана эканини англаб етган эди. Шу боис шоҳ Камсадан кўрқув туйғуси унинг қалбини бутунлай тарк этди. Кўлларини қовуштириб, бутун диққатини бир жойга жамлаб, у тўғилган жойини Ўзидан табиий равишда чарақлаб таралиб турган илохий нур билан нурафшон қилган чақалоққа илтижо қила бошлади.

13. Васудева шундай деди: “Эй азиз Худойим, Сен - бу моддий оламдан юқорида бўлган Худонинг Олий Шахсисан, Сен - Олий Рухсан. Сенинг бу қиёфанга илохий илм ёрдамида эришиш мумкин, шундагина Сен Худонинг Олий Шахси эканингни англаб етиш мумкин. 14. Эй Худойим, Сен - бу моддий оламни Ўзининг шахсий ташқи қуввати ёрдамида яратган Зотнинг Ўзисан. Уч гунадан иборат бу оламни яратгандан кейин Сен унинг ичига киргандай бўлиб кўринасан, аммо аслида ундай эмас. 15-17. Махат-таттва, моддий қувват мажмуи аслида бўлинмасдир, лекин, моддий табиат гуналари сабабли у ер, сув, олов, ҳаво ва эфирга бўлингандай бўлиб кўринади. Ҳаёт қуввати (*жива-бхута*) туфайли ана шу айрим унсурлар бу фазовий мавжудликни кўзга кўринадиган қилиш учун ўзаро бирикадилар, лекин аслида, оламни яратишдан аввал ҳам қувват мажмуи мавжуд эди. Шунинг учун моддий қувват мажмуи, махат-таттва ҳеч қачон ҳақиқатан ҳам бу борлиққа кирмайди. Худди шундай, гарчи Сен, шу ерда иштирок этаётганинг туфайли сезги аъзоларимиз орқали бизга кўриниб турган бўлсанг ҳам, сезгилар Сени қабул қилишга қодир эмас, бунга ҳатто ақлимиз ва нутқимиз ҳам қодир эмас. Биз ўз сезгиларимиз ёрдамида қандайдир нарсаларни қабул қилишимиз мумкин, лекин, афсуски ҳамма нарсани эмас: масалан, биз кўзларимиздан фойдаланиб бирор нарсани кўришимиз мумкин, лекин эшита олмаймиз. Шунинг учун Сен бизнинг ҳиссиётимизнинг қабул қилиш чегарасидан ташқарида бўлган Зотсан. Гарчи Сен бу оламда моддий табиат гуналарига аралашиб юрсанг ҳам, улар Сенга таъсир қилмайди. Сен - ҳамма нарсанинг асоси, ҳамма ерга сингиб кетган, бўлинмас Олий Рухсан. Шу боис Сен учун ички ва ташқи деган тушунчалар мавжуд эмас. Сен ҳеч қачон Девакининг қорнига кирган эмассан; тўғрироғи, Сен хамиша шу ерда эдинг. 18. Ким ўзининг кўзга кўриниб турган танасини, моддий табиат гуналарининг маҳсулини руҳдан, жондан мустақил ҳолда мавжуд деб ҳисобласа, у тирикликнинг асоси ҳақида ҳеч қандай илмга эга эмас, шу боис у адашган одамдир. Донишманд одамлар унинг бундай хулосасини инкор этадилар, чунки чуқур фикр-мулоҳаза юритиб, тушуниб олиш мумкинки, агар руҳ бўлмаса тана ва сезгилар ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлмасди. Шунда ҳам, бундай хулосаси нотўғри эканига қарамай, ғофил, нодон одам уларни ҳақиқатан ҳам алоҳида мавжуд деб ҳисоблайди.

19. Эй азиз Худойим, билимдон донишмандларнинг хулосасига кўра, бутун борлиқни яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яқсон қилишни Сен Ўзинг, ҳеч қийналмасдан, моддий табиат гуналари таъсирига берилмасдан, руҳий ҳолатингни умуман ўзгартирмасдан амалга оширасан. Сенда, Худонинг Олий Шахси, Парабрахманда ҳеч қандай қарама-қаршиликка ўрин йўқ. Моддий табиатнинг уч гунаси - *самттва*, *раджа* ва *тамас* - Сенинг ҳукминг остида бўлгани сабабли, ҳамма ишлар ўзидан-ўзи амалга ошади. 20. Эй азиз Худойим, Сенинг қиёфанг моддий табиат гуналарига нисбатан илохий, шунда ҳам, бутун уч оламнинг мавжудлигини таъминлаб туриш учун Сен оқ рангли эзгулик гунасидаги Вишну қиёфасида; яратишни амалга оширадиган эҳтирос гунасида қизғиш рангли; замон охирида, борлиқни яқсон қилиш зарурати пайдо бўлганида қорамтир рангли қиёфаларда намоён бўласан. 21. Эй азиз Худойим, эй фаришталар ҳукмдори, самодан келган башорат орқали Сен бизнинг

оилада туғилиб, Камсани ўлдиришинг ҳақида хабарни олгандан кейин бу ёввойи йиртқич Камса Сенинг барча акаларингни ёвузларча ўлдириб ташлади. Қароқчилардан Сенинг дунёга келганингни эшитган заҳоти кўлига қуролини олиб Сени ҳам ўлдириш учун у албатта бу ерга етиб келади”.

22. Шукадева Госвами шундай деди: “Шундан кейин, ўғли Худонинг Олий Шахсининг барча белгиларига эга эканини кўриб, Камсадан жуда кўрқиб колган Деваки қаттиқ ҳайратга тушди ва Парвардигорга илтижо қила бошлади.

24. Шри Деваки шундай деди: “Эй азиз Худойим, ҳар турли Ведалар мавжуд, улардан баъзилари Сени инсон ўзининг ақли ва нутқи билан англашга қодир эмас деб таърифлайдилар. Лекин барибир Сен бутун борлиқнинг манбаисан. Сен - ҳаммадан буюк, Қуёшдай порлаб турган нурга тўла Брахмансан. Сенга моддий сабаблар таъсир қилмайди, Сен ўзгариш ва тубанликка юз тутишдан пок бўлган Зотсан, Сенинг ҳеч қандай дунёвий истакларинг йўқ. Шу тариқа Ведалар айтқиларки, бутун борлиқнинг бошланғич асоси, моҳияти - Сен Ўзингсан. Шунинг учун эй азиз Худойим, Сен - барча Ведавий хулосаларнинг манбаисан, Сени англаб етган одам ҳаётда ҳамма нарсани тўла тушуниб етган бўлади. Сен Брахманнинг ёғдусидан ва Параматмадан фарқ қиласан, айни пайтда Сен улар билан бирсан, улардан фарқинг йўқ. Борлиқдаги ҳамма нарса Сендан чиққан. Аслини олганда Сен барча сабаблар сабабчиси, барча илоҳий илмлар нури бўлган Парвардигор Вишнусан. 25. Орадан миллион йиллар ўтгандан кейин, замона зайли билан борлиқда барча намоён бўлган ва намоён бўлмаган нарсаларнинг барчаси яксон бўлганида беш кўпол унсур нафис унсурларга киради, бутун намоён бўлган борлиқ намоён бўлмаган мавҳум ҳолатга ўтади. Ана шу пайтда Сен ёлғиз Ўзинг қоласан, шунда Сени Ананта, Шеша-Нага деб атайдилар. 26. Эй моддий қувватнинг бошланғич манбаи, бу ғаройиб борлиқ қудратли Замон назорати остида ҳаракат қилади. Замон секунд, минут, соат, кун ва йилларга бўлинади. Миллион йилларга чўзиладиган Замон, вақт унсури аслида Парвардигор Вишнунинг қиёфаларидан биридир. Илоҳий эрмакларинг билан лаззатланиш учун Сен Замон ҳукмдори бўлиб ҳаракат қиласан, аммо Сен барча эзгу омадлар манбаи бўлиб намоён бўласан. Ўз ихтиёримни бутунлай Сенга топширишга рухсат бер! 37. Бу моддий оламда ҳатто барча сайёраларга бориб чиқса ҳам, ҳеч ким туғилиш, касаллик, кексалик ва ўлимдан қочиш кутула олмайди. Аммо, энди Сен Ўзинг бу ерда пайдо бўлганингда, эй азиз Худойим, Сендан кўрққанидан ажал ҳам ғойиб бўлди, Сенинг марҳаматинг билан Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топган тирик мавжудотлар ҳам энди хотиржам, қалби осойишта бўлиб, бемалол нафасини ростлаб олишлари мумкин. 28. Эй азиз Худойим, Ўзингнинг соф содиқларинг қалбидан кўрқув туйғусини тарқатиб юборадиган Зот бўлганингу туфайли, мен Сендан бизларни Камса олдидаги даҳшатли кўрқув туйғусидан ҳимоя қилишингни илтимос қиламан. Сенинг Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Вишну кўринишидаги қиёфангни йоғлар яққол кўриб, муроқабача ҳолатида муносиб қадрлайдилар. Илтимос, ана шу қиёфангни ҳаёт ҳақида моддий тасаввурда бўлган одамлар кўзига кўринмайдиган қил!

29. О Мадхусудана, Сен пайдо бўлганингу сабабли мен Камсанинг кирдикорларидан тобора қаттиқроқ кўрқиб кетяпман. Шунинг учун илтимос, шундай қилгинки, Сенинг бу ерда туғилганингни шу гуноҳкор Камса билмасин. 30. Эй азиз Худойим, Сен ҳамма ерга сингиб кетган Худонинг Олий Шахсисан, тўрт кўлида сур, халқа, гурзи ва нилуфар гули ушлаб турган Сенинг илоҳий қиёфанг бу дунёдаги одамлар кўзига жуда ғалати бўлиб кўринади. Илтимос, бу қиёфангни яшириб, оддий чақалоқларга ўхшаган қиёфага кир. 31. Охир замон пайтида бутун борлиқ ўзидаги барча кўзғалувчан ва кўзғалмас мавжудотлар билан бирга Сенинг илоҳий тананга киради ва ҳеч қандай муаммосиз Сенда қоладилар. Ана шу илоҳий тана ҳозир мана шу ерда мендан туғилиб дунёга келди. Одамлар бунга ишона олмайдилар, мен ҳаммага қулги бўлиб қоламан, холос”.

32. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Эй азиз онажон, эй покдомон аёллар ичида аълоси, аввалги ҳаётингда, Сваямбхува Ману ҳукмрон бўлган даврда сен Пришни деган аёл эдинг, Васудева эси, Праджapatiларнинг энг аълоси бўлган Сутапа эди. 33. Икковингиз Тангри Брахмадан олам аҳлини кўпайтиришга кўрсатма олганингузда, аввало ҳиссиётингизни жиловлаб олиб қаттиқ риёзатларга берилган эдинглар. 34-35. Эй азиз ота-онам, сизлар ёмғир, изғирин шамол, жазирама Қуёш иссиғи, қаттиқ совуқлар дастидан йил бўйи қаттиқ азоб чекинглар. *Пранайама* билан шуғулланиб, йоғ усули билан танангиздаги ҳаво оқимларини назорат қилиб, фақат ҳаво ва қуриган япроқлар билан озиқланиб, ақлингизни барча моддий иллатлардан покладинглар. Шундай қилиб, Менинг марҳаматимга эришиш ниятида чуқур муҳаббат билан Менга сажда қилиб сиғиндинглар. 36. Шундай қилиб, сизлар Мени англаб етиш учун қаттиқ риёзат чекиб, фаришталар ҳисоби билан ўн икки минг йил азият чекинглар. 37-38. Эй бегуноҳ онажон Деваки, қалбингизнинг тўрида чуқур ишонч ва иймон билан ҳаммиша Мени ўйлаш билан машғул бўлиб, орадан садақат ва риёзатга берилган самовий ўн икки минг йил ўтгандан кейин, Мен сизлардан жуда мамнун бўлгандим. Шундан кейин омад, бахт келтирувчиларнинг энг аълоси бўлган Мен, сизларга Мендан истаган нарсангизни ато қилиш учун сизларнинг олдингизда мана шу кўринишда пайдо бўлдим. Шунда сизлар Мендан Менинг ўзимга ўхшаган фарзандингиз бўлишини тиладинглар. 39. Эр-хотин бўла туриб, ҳали ҳеч қандай фарзандингиз бўлмагани сабабли, сизлар жинсий ҳаёт билан қизиқиб қолдинглар, чунки девамайя - илоҳий муҳаббат таъсири остида Мени ўғил сифатида кўрдингиз келиб қолди. Шу боис сизлар бу моддий оламдан руҳий озодликка чиқишни истамадинглар. 40. Сизларга ана шу ниятларингизга етишга фотиҳа бериб, Мен ғойиб бўлганимдан кейин, сизлар Менга ўхшаган фарзанд кўриш ниятида жинсий алоқа қилдинглар. Мен сизларнинг ниятингизни амалга оширдим. 41. Бу дунёда сизларга ўхшаган улуғвор, соддадил ва бошқа эзгу фазилатларга эга бўлган одамларни топа олмаганим учун Мен сизларнинг ўғлингиз бўлиб дунёга келдим ва Пришнигарбха (“Пришнидан туғилган”) деган ном билан машҳур бўлдим.

42. Кейинги даврда Мен яна сизларнинг ўғлингиз бўлиб туғилдим, унда сизлар Адити ва донишманд Кашйапа эдинглар. Мен эса Упендра эдим, пакана

брахман бўлганим учун Мени Вамана деб ҳам атардилар. 43. Эй энг олий даражада покдомон бўлган онажоним, худди ўша шахс бўлган ҳолда Мен Ўзим ҳозир учинчи марта сизларнинг фарзандингиз бўлиб туғилиб турибман. Мен сенга бор ҳақиқатни очик айтиб бердим. 44. Мен аввалги киёфаларимни сизларга эслатиб кўйиш учун бу ерда ҳам Парвардигор Вишну киёфасини намоён этган эдим. Акс ҳолда, агар мен оддий чақалоқдай дунёга келсам, сизлар Мен аслида Парвардигор Вишну, Худонинг Олий Шахси эканимга ишонмас эдинглар. 45. Сизлар эр-хотин икковингиз ҳам, ҳамини Мени ўзларингизнинг ўғлингиз деб ўйлаб юрасизлар, лекин ҳамини аслида Мен - Худонинг Олий Шахси эканимни англаб юрасизлар. Мен ҳақимда шу тарика меҳр-муҳаббат билан ўйлаб, сизлар энг юксак камолот чўққисига эришасизлар: Худонинг даргоҳига, ўз уйингизга қайтиб кетасизлар”.

46. Шукадева Госвами шундай деди: “Буларнинг ҳаммасини Ўзининг ота-онасига билдириб, Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна жим бўлиб қолди. Улар иштирокида, Ўзининг ички куввати ёрдамида У икки қўлли кичкина чақалоққа айланди. 47. Худонинг Олий Шахси илҳомлантирган Васудева янги туғилган чақалоқни хонадан олиб чиқмоқчи бўлиб турганида, Парвардигорнинг рухий куввати Йогамайя Нанда Махаражнинг кизи бўлиб дунёга келди. 48-49. Йогамайя таъсири остида зиндондаги барча соқчилар қаттиқ уйқуга кетдилар, улар бутунлай ҳушидан кетиб қолган эдилар, саройдаги бошқа одамлар ҳам қаттиқ уйқуга кетган эдилар. Кўёш чиққанида зулмат ўз-ўзидан ёришиб кетади. Худди шундай Васудева қулф билан ёпилган эшиклар олдида яқин келганида улар ўзидан-ўзи очилиб кетди. Осмонда булутлар тўпланиб, энгил ёмғир ёғиб тургани сабабли, Ананта-нага, Худонинг Олий Шахсининг экспансияси, Васудевани ва унинг илоҳий ўғлини ёмғирдан ҳимоя қилиш учун уларнинг устига соябон бўлиб борди. Ёмғир кучайиб қаттиқ жалага айланди, сув тўла Йамуна дарёси тўлқинланиб, қўпира бошлади. Аммо, аввал буюқ Ҳинд уммони кўприк қуришга имкон бериб Парвардигор Рамачандрага йўл бергани сингари, Йамуна дарёси ҳам Васудева олдида иккига ажралиб, унга осонлик билан дарёдан ўтиш имконини берди. 51. Васудева Нанда Махаражнинг уйига етиб борганида у ердаги ҳамма подачиларнинг қаттиқ уйқуда ётганини кўрди. У ўзининг ўғлини Йашоданинг тўшагига қўйди, у ердан эса унинг янги туғилган қизини - Йогамайянинг экспансиясини қўлига олиб, ҳеч нарса бўлмагандай Камсанинг зиндонига қайтиб келди. 53. Туғруқдан ҳолдан тойган Йашода қаттиқ уйқуга кетган, шу боис туғилган чақалоғи ўғилми, қизми ажрата олмас эди.

Тўртинчи боб.

Шоҳ Камсанинг кирдикорлари.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Азизим Махараж Парикшит, зиндон эшиклари худди аввалгидай ўзидан-ўзи сиртдан ҳам ичкаридан ҳам қулфланди. Шундан кейин саройдагилар, биринчи бўлиб зиндон соқчилари янги туғилган чақалоқнинг овозини эшитиб ухлаб ётган ўринларидан сакраб турдилар. 2. Кейин барча соқчилар чопиб Бходжа сулоласининг шоҳи Камсанинг олдида бориб, унга Девакининг фарзанди дунёга келгани ҳақида хабар

бердилар. Бу янгиликни интизор бўлиб кутаётган Камса шу заҳотиёқ режалаштириб қўйган ниятини амалга оширишга киришди. 3. Камса миясига келган қаттиқ санчикли оғриқдай фикрдан ётган ўрнидан сакраб турди: “Мени ўлдириш учун дунёга келган вақт тимсоли Кала(Замона зайли) ниҳоят шу ерга етиб келди!” Шу тарика саросимага тушган Камса сочлари тўзиган ҳолда чақалоқ туғилган хонага отилиб кирди.

4. Деваки ноилож, ночор ҳолда илтижо билан Камсага мурожаат қилди: “Азиз акажон, илоё ҳеч қачон бахтинг ётмасин! Бу қиз болани ўлдирма! У сенинг жиянинг бўлади. Аёл зотининг қотили бўлиш сенга ярашмайди. 5. Ҳой акажон, тақдир тақозоси билан сен, гарчи уларнинг ҳар бири оловдай порлаб турган зотлар бўлса ҳам, шунча чақалоқларни ўлдирдинг. Аммо, сендан илтимос, бу қизалоққа раҳминг келсин. Бу қизалоқ сенинг менга берган совған бўлсин! 6. Эй ҳукмдорим, акажон, барча фарзандларимдан айрилиб мен шунчалик бахтиқаро бўлдим, ахир мен сенинг жонажон синглинман-ку, шу охири фарзандимни тирик қолдирсанг - ўзингнинг обрўйинг бўлди-ку!”

7. Шукадева Госвами шундай деди: “Қизини табиий равишда бағрига босиб, акасидан шифат қилишни зорланиб сўраб, Деваки Камсадан чақалоққа раҳм қилишни илтимос қиларди, лекин у шунчалик ёвуз, золим эдики, синглисини зарб билан итариб юбориб, унинг қўлидан чақалоқни куч билан тортиб олди. 8. Фақат ўз манфаатини ўйлаб, синглисининг зорланиб йиғлаётганига парво ҳам қилмасдан, Камса янги туғилган чақалоқни оёғидан ушлаб олди ва унинг калласини зарб билан тошга уришга ҳозирланди. 9. Аслида Парвардигор Вишнунинг синглиси Йогамайя-деви бўлган чақалоқ Камсанинг қўлидан чиқиб кетди ва фаришта Деви, ўзини саккиз қўлида ҳар хил қурол ушлаб осмонда муаллақ турган Дурга киёфасини намоён этди. 10-11. Фаришта Дурга чиройли гулчамбарлар билан безанган, юзларига сандал пастаси сурган қимматбаҳо тошлардан ясалган тақинчоқларга тўла чиройли либос кийиб олган эди. Қўлларига камон, санчки, пайконлар, қалқон, сур, халқа ва гурзи ушлаган, атрофида унга ҳамду-санолар айтиб, турли сиғиниш анжумлари тақлиф этиб сажда қилиб турган Апсаралар, Киннаралар, Урагалар, Сиддхалар, Чараналар ва Гандхарвалар сингари илоҳий зотлар даврасида турган ҳолда фаришта Дурга Камсага шундай деди:

8. “Эй ғофил, нодон Камса, мени ўлдиришдан сен нима фойда кўрасан? Азалдан сенинг душманинг бўлган, ҳеч шубҳасиз сени Ўз қўли билан албатта ўлдирадиган Худонинг Олий Шахси аллақачон бошқа бир жойда дунёга келган. Шунинг учун энди бошқа болаларни ўлдириб юришининг мутлақо ҳожати йўк!”

13. Фаришта Дурга Камсага шу гапларни айтиб, Йогамайя, Варанаси сингари ҳар хил жойларда ўзини Аннапурна, Дурга, Кали ва Бхадра сингари номлар билан намоён этди. 14. Фаришта Дурганинг айтган гапларини тинглаб, Камса худди яшин ургандай эсанқираб, гангиб қолди. Шу ахволда у синглиси Деваки ва поччаси Васудеванинг олдида келиб, уларни занжирдан озод қилди ва жуда камтарин ҳолда уларга шундай деди:

15. “Эҳ аттанг, сингилжон! Эҳ аттанг, поччажон! Мен шунчалик гуноҳкорманки, худди ўз фарзандларини ўлдириб гўштини ейдиган одамхўр Ракшасга ўхшайман. Мен сизларнинг шунча фарзандларингизни ёвузларча ўлдирдим! 16. Бераҳм, бешафқат бўлиб, мен

ўз қариндошларимдан ва дўстларимдан юз ўгирдим. Шунинг учун брахманни ўлдирган гуноҳкор сингари ўлганимдан кейинми ёки ҳозирги ҳаётимда мени бу гуноҳларим учун қаерга боришимни билмайман. 17. Минг афсуски, фақат одамлар эмас, баъзан ҳатто тақдир, самодан келган башорат ҳам ёлғон гапиради. Мен шунчалик аҳмоқ бўлиб, самодан келган овозга ишониб, ўз синглимнинг шунча фарзандини нобуд қилдим. 18. Эй буюк зотлар, сизларнинг фарзандларингиз ўзларининг омадсизлиги сабабли ҳалок бўлдилар. Шу боис, илтимос, улар учун бекорга кўз ёши тўкиб ўтирманглар. Барча тирик мавжудотлар Худои Таолонинг назорати остида яшайди, улар ҳеч қачон ҳам бу оламда мангу бирга яшай олмайдилар. 19. Бу дунёда кузатиб кўришимиз мумкинки, кўзалар, кўғирчоқлар ва лойдан ясаладиган бошқа нарсалар аввал намоён бўладилар, кейин синиб, парчаланиб, яна ерга қўшилиб кетадилар. Худди шундай, барча тирик мавжудотларнинг таналари ҳам охир-оқибатда ерга қўшилиб кетади, аммо тирик мавжудотлар худди ерга ўхшаб, ҳеч қачон ўзгармайди ва ҳеч қачон йўқолиб кетмайди. 20. Рух ва тананинг ҳолатини тушуниб етмаган одам ҳаёт ҳақидаги ўзининг моддий тасаввурига қаттиқ боғланиб қолган бўлади. Шу боис танасига ва танаси билан боғлиқ бўлган, танаси келтириб чиқарган нарсаларга қаттиқ боғланиб қолгани туфайли, у қалбида оиласи, жамият ва миллати билан бирга бўлиш ва улардан айрилиш туйғуси тасъирини ҳис қилиб юради. Токи қалбида ана шундай туйғулар бор экан одам дунёвий, моддий ҳаёт чангалидан қутула олмайди. 21. Эй азиз синглим Деваки, сенга хамиша омад ёр бўлсин! Тақдир тақозоси билан ҳар ким ўз фаолиятининг натижасига қараб бу дунёда гоҳида азоб-уқубатга дучор бўлади, гоҳида бахтдан лаззатланади. Шунинг учун, гарчи сенинг ўғилларинг бахтга қарши ҳалок бўлган бўлса ҳам, илтимос, уларни ўйлаб қаттиқ тасаввурга берилаверма. 22. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлганда ҳар бир одам ғофиллик ботқоғига ботган бўлади ва ўзининг аслида ким эканини билмасдан: “Мени ўлдираптилар!” ёки “Мен ўлдираман!” - деб ўйлайди. Токи шундай ғофил одам ўзини “ўлдириладиган” ёки “ўлдирган” зот деб ўйлар экан, у ўзининг қилаётган моддий ҳаракатлари, дунёвий ишлари учун жавобгар бўлади, шу боис кетма-кет бахт ва мусибатларни бошидан кечиради”.

Бешинчи боб.

Нанда Махаражнинг Васудева билан учрашиши.

1-2. Шукадева Госвами шундай деди: “Нанда Махараж ўзининг табиатига кўра жуда олийжаноб зот эди, Парвардигор Кришна уйига келганида унинг қалби қувончдан яйраб кетди. Шу боис покланиш маросимларини ўтказиб, муносиб равишда янги кийимларни кийиб, Ведалардан турли мантраларни яхши қироат қилишни биладиган брахманларни уйига тақлиф қилди. Ана шундай билимдон брахманларни уйига чақириб, у чақалоқ туғилиши муносабати билан ўтказиладиган маросимни барча қонун-қоидалар асосида ўтказмоқчи бўлди. Шунингдек, у аждодларга ва фаришталарга сиғиниш маросимини ўтказиш учун

зарур бўлган нарсаларни ҳам ҳозирлаб қўйди. 3. Нанда Махараж брахманларга эҳсон сифатида қимматбаҳо тошлар ва ёпинчиқлар билан чиройли безатилган икки миллион сигир совға қилди. У брахманларга устига қимаатбаҳо тошлар билан безатилган либослар ёпилган етти уюм турли хил ғалла ҳам инъом этди.

4. Эй шоҳ, вақт ўтиши билан Ер юзи ва бошқа мулк покланади, ювининиш орқали танамиз покланади, ювиш билан эса қирлаган нарсалар покланади. Покланиш маросими ёрдамида одамнинг туғилиши покланади, риёзат ёрдамида ҳиссиётлар покланади, сажда қилиш, Худога сиғиниш ва хайр-садақа қилиш билан моддий бойлик, мол-дунё покланиб ҳалол бўлади. Қаноат, шукр қилиш билан ақл покланади, ўзликни англаш билан эса руҳ покланади. 5. Брахманлар Ведалардан шарофат келтирадиган, товуши билан теварак-атрофни поклайдиган турли мантраларни куйлай бошладилар. Хонандаларнинг хонишлари, *бхери* ва *дундубхи* сингари мусиқа асбобларининг садолари остида Пураналар сингари тарихий воқеаларни биладиган брахманлар, шоҳ хонадонининг аъзолари ҳақидаги ҳикояларни яхши биладиган ва шунчаки оддий ҳикояларни яхши гапира оладиган брахманлар бири олиб, бири қўйиб тинмасдан ҳикоя қилардилар. 6. Нанда Махаражнинг мулки, бутун Ваджапура қишлоғи ҳар хил байроқчаар билан безатилган, турли жойларда дарвоза аркаларига гулчамбарлар, чиройли матолар ва яшил манго япроқлари осилган эди. Саройлар, дарвозалар ва уйларнинг барча хоналари тоза сипурилиб, сув билан тозалаб ювилган эди. 7. Сигирлар, хўкизлар ва бузоқлар кункума ва турли бўёқлар қўшилган мойлар билан чиройли бўялиб, каллаларига товус патлари, попуқлар тақилиб, қимматбаҳо тақинчоқлар билан безатилди.

8. Эй шоҳ Парикшит, байрам шарофати билан подачилар ҳам чиройли либосларини кийиб олган эдилар. Уларнинг янги либосларини оғир қимматбаҳо тақинчоқлар, каллаларини катта чиройли саллалар бебаз турарди. Қўлларига ҳар хил совғалар олиб улар Нанда Махаражнинг уйига ҳар тарафдан оқиб кела бошладилар. 9. Йашоданинг ўғил фарзанд тукқанини эшитиб, подачиларнинг хотинлари жуда хурсанд бўлдилар ва байрам тантанасига чиройли либосларини кийиб, қимматбаҳо тақинчоқларини тақиб, рангли бўёқлар билан пардоз-андоз қила бошладилар. 10. Қўлларига турли совғалар олиб, эрлари билан бирга Йашоданинг уйига борар экан, уларнинг шафран ва янги кункума суртилган нилуфарсимон чиройли юзлари жуда жозибадор кўринарди. Барча аёлларнинг бўлик сонлари ва чиройли кўкраклари уларнинг босган қадамларига мос равишда бир маромда чиройли тебраниб борарди. 11. Гопиларнинг кулоқларида қимматбаҳо тошлар билан безатилган ярқирок сирғалар, бўйнида металл маржонлар осилган эди. Уларнинг қўлларига билагузак тақилган, устидаги либослари эса ҳар хил чиройли рангларда товланарди, гуллар ёмғирини эслатиб, уларнинг чиройли қора сочларидан ерга гуллар сирпаниб тушарди. Нанда Махаражнинг уйига бораётган гопилар кулоқларидаги сирғаларнинг, бўйнидаги гулчамбарларнинг ва бўлик кўкракларининг бир маромдаги чиройли ҳаракатлари билан кўзга жуда жозибали бўлиб кўринарди.

12. Янги туғилган чақалоққа сажда қилиб, подачиларнинг хотинлари ва қизлари шундай дедилар: “Бизлар Сенга Ваджабхумининг шоҳи бўлишингни ва

узок йиллар унинг аҳолисини қўллаб-қувватлаб юришингни тилаймиз!” Улар Парвардигорга кункума кукуни, қатиқ, мой ва сув сепиб, Унга илтижо қила бошладилар. 13. Энди, ҳамма жойга сингиб кетган, бутун борлиқнинг хўжайини, бегуноҳ Парвардигор Шри Кришна Махараж Нанданинг салтанатида пайдо бўлгани шарафига билан бундай шарофатли тантанани нишонлаш учун ҳамма жойда турли мусика асбоблари янграй бошлади. 14. Чексиз мамнун бўлган подачилар бир-бирига сув, сут, қатиқ ва пишлок аралашмаларини сепиб, яйраб байрам қилардилар. Улар бир-бирининг устига сариеғ сепиб, таналарига суртардилар. 15-16. Чуқур фикрлайдиган Нанда Махараж Парвардигор Вишнуни мамнун қилиш орқали ўғлининг келажагини ҳар тарафлама таъминлаш ниятида саховат билан подачиларга ҳар хил либослар, тақинчоқлар ва сигирлар эҳсон қилди. У сугаларга, магадхаларга, вандиларга ва бошқа хунар эгаларига, ҳар кимнинг маълумотига, касбига қараб, ҳар кимнинг истагини бажариб ҳар турли хайр-эҳсонлар улашди. 17. Нанда Махараж ва Йашода чуқур хурмат-эҳтиром билан чексиз омадга тўла Рохинини, Баладеванинг онасини олқишладилар. У ҳам чиройли либосларини кийиб, гулчамбар ва бошқа тақинчоқлар тақиб безаниб олган эди. У байрам муносабати билан меҳмон бўлиб келган аёлларни кутиб олиш билан машғул эди. 18. Эй Махараж Парикшит, Нанда Махаражнинг уйи Худонинг Олий Шахсининг ва Унинг илоҳий сифатларининг мангу макони ҳисобланади, шу боис бу даргоҳда табиий равишда ҳамиша фаровонлик, мўл-кўлчилик ҳукм суради. Шунга қарамай, Парвардигор Кришна келиши билан бу даргоҳ равнақ фариштаси ўзининг эрмакларини ўтказадиган фаровон жойга айланди.

19. Шукадева Госвами шундай деди: “Шундан сўнг, эй шоҳ Парикшит, эй Курулар сулоласининг энг яхши химоячиси, Нанда Махараж бир неча тажрибали подачиларга Гокулани қўриқлашни буюрди ва ўзи шоҳ Камсага йиллик даромадидан товон тўлаш учун Матхурага йўл олди. 20. Васудева ўзининг қариндоши ва яқин дўсти Нанда Махаражнинг Матхурага келганини, бу ерда у ўзининг барча ишларини тамомлаганини эшитиб, у билан дийдор кўришгани борди. 21. Нанда Махараж олдида дўсти Васудева келганини кўриб, худди ҳаётга янгидан келгандай бўлиб, қалби меҳр ва қувончга тўлиб, яйраб кетди. У ўрнидан туриб, уни кучоқлаб, бағрига қаттиқ босди. 22. Эй Махараж Парикшит, Нанда Махараж ўзини шунчалик қувонч билан қарши олганини кўриб, Васудева у билан бирга ўтириб, қалбида чуқур меҳр-муҳаббат билан ундан ўғиллари ҳақида сўраб суриштирди.

23. Васудева шундай деди: “Эй азиз оға, Нанда Махараж, сен ёшинг ўтиб қолганинг сабабли энди фарзанд кутмаган эдинг. Шу боис, ўғил фарзанд туғилиши сенинг буюк омадга, бахтга эришганинг аломатидир. 24. Мен ҳам ҳозир сени бахтли тасодиф билан кўриб турибман. Бундай имкониятга эга бўлганимдан мен ўзимни худди қайтадан ҳаётга келгандай сезяпман. Инсон бу моддий оламда яшар экан, ҳаётда унинг ҳатто яхши одамларни, ҳақиқий дўстларни учратиши, улар билан дийдор кўришиши ҳам камдан-кам учрайди. 25. Сув юзида оқиб юрган чўплар узок вақт бирга бўлмайдилар - тўлқинлар дарров уларни бир-биридан ажратиб юборадилар.

Худди шундай гарчи бизлар қариндошларимизга ва дўстларимизга қаттиқ боғланиб қолган бўлсак ҳам, Замон дарёсининг тўлқинлари ва ўзимизнинг аввалги ишларимиз оқибати таъсири остида ҳаётда улар билан узок вақт бирга қололмаймиз. 26. Азиз дўстим Махараж Нанда, сен дўстларинг билан бирга яшаётган жойда чорва молларини, сигирларни боқиш учун яхши ўтлоқлар етарлими? У ерларда ҳар хил касаллик ва бошқа кийинчиликлар йўқ бўлса керак деб умид қиламан. Сен яшаётган жойларда сув, ўтлоқлар ва бошқа нарсалар етарли бўлса керак? 27. Сенинг ва хотининг Йашодадевининг олқишларингизни, дуоифотихаларингизни олиб, ўғлим Баладева сизларни ўзининг ота-онаси деб билади. У ўзининг туққан онаси Рохинини ҳам шундай севадими? 28. Ҳамма дўстлари ва қариндошлари соғ-саломат бўлса, инсон ҳаётнинг ведаларда кўрсатилган уч мақсадига осонлик билан эришиб, умрини бахтиёр яшайди. Аксинча, агар дўстлари ва қариндошлари бахтсиз бўлса, одамнинг ўзи ҳам ҳаётда омадсиз бўлади”.

29. Нанда Махараж шундай деди: “Э-воҳ, золим шоҳ Камса Девакидан туғилган сенинг шунча ўғилларингни нобуд қилди! Сенинг ёлғиз қизинг, энг кенжа фарзандинг ҳам жаннатга кўтарилди. 30. Бу дунёда ҳар бир одамнинг тақдири пешонасига ёзилган бўлади. Одамнинг аввалги ишларининг оқибатини Тақдир белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, кўринмас Тақдир тақозоси билан кимдир ўғил ёки қиз фарзандга эга бўлади, шу Тақдир тақозоси билан ўғил ва қиз фарзанд уларни тарқ этиб кетади. Тақдир ҳар кимнинг олий ҳукмдоридир. Шуни ҳақиқатан ҳам яхши тушуниб етган киши ҳаётда ҳеч қачон адашмайди”.

31. Васудева Нанда Махаражга шундай деди: “Энди эса, оғажон, Камсага солиқларингни тўлаб бўлдинг, мен билан ҳам учрашдинг, бу ерда кўп қолиб кетма. Сен тезроқ Гокулага қайтиб кетганинг маъқул, тез орада у ёқда бирор қор-ҳол рўй беришидан кўнглим жуда хавотирга тушяпти”.

32. Шукадева Госвами шундай деди: “Васудева Нанда Махараж ва подачиларга шундай маслаҳат бергандан кейин, подачилар Васудевадан рухсат олиб, хўкизларини араваларга қўшдилар ва ўзларининг юрти Гокулага қайтдилар.

Олтинчи боб.

Ялмоғиз Путанани ўлдириш.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй азиз шоҳ, Нанда Махараж Гокулага томон йўлда борар экан, у Васудеванинг айтган гаплари ҳақида ўйлаб борди, чунки унинг гаплари ёлғон ёки бемаъни бўлиши мумкин эмасди. Демак, ҳақиқатан ҳам Гокула аҳолисининг тинчлигини бузадиган бирор қор-ҳол бўлиши мумкин. Нанда Махараж ўзининг ажойиб ўғли Кришнанинг хавфсизлигини ўйлар экан, қаттиқ қўрқиб кетди ва ўзини бутунлай Худого топшириб, Олий Ҳукмдор Харининг паноҳидан нажот тилади. 2. Нанда Гокулага қайтиб келаётган пайтда, авваллари Камса кичкина болаларни ўлдириш учун ёллаб юрган дахшатли ялмоғиз Путага ўзининг қора ниятли ишини амалга ошириб, шаҳар ва қишлоқларни айланиб юрарди. 3. Эй азиз шоҳ, одамлар бу дунёда Худои Таоло ҳақида тинглаш, гапириш орқали жаҳоннинг қайси бурчагида бўлса ҳам Худого садоқат билан

хизмат қилишда Ўз бурчини бажариб юрган бўлса уларга қора ниятли кучлар ҳеч қачон хавф-хатар соломмайди. Шу боис Гокула учун ташвишга тушишнинг умуман ҳожати йўқ, чунки бу ерда Худонинг Олий Шахсининг шахсан Ўзи яшайди. 4. Ўша қуни жаҳоннинг истаган жойига бир лахзада бора олиш, ҳатто самода ҳам сайр қилиш қудратига эга бўлган Ракшаси Пугана сеҳр қудрати билан чиройли келинчак қиёфасига кириб Гокулага, Нанда Махаражнинг даргоҳига кириб келди. 5-6. Унинг сонлари семиз, кўкраклари нозик бели учун жуда каттадай кўринар, бўлиқ ва дуркун эди. У жуда чиройли либосларга ўраниб олган эди. Маллик гулларидан қилинган чамбарак тақилган сочлари нилуфарсимон юзи атрофида ёйилиб турарди. Унинг сирғалари ярқираб турар, ён атрофга ширин табассум билан қарар экан, унинг беқиёс гўзаллиги Враджа аҳолисининг ҳаммасини, айниқса эркакларни ўзига бутунлай мафтун этиб қўйди. Гопилар уни кўрганида, кўлида нилуфар гули ушлаб олган раванқ фариштаси ўзининг мангу рафиқаси Кришнани кўргани келган бўлса керак, деб ўйладилар. 7. Қиладиган қабих иши ёш болаларни ўлдириш бўлган, шу ниятда ёш бола излаб юрган Пугана Парвардигорнинг олий қудратининг амри билан ҳеч қандай тўсиққа учрамасдан Нанда Махаражнинг ҳовлисига кирди. Ҳеч кимдан руҳсат ҳам сўрамай у Нанда Махаражнинг хонасига кириб, шу ерда бешикда ухлаб ётган чақалоққа кўзи тушди. Худди оловнинг куйдирувчи қудрати кўмир кўринишида яшириниб тургани сингари, Кришнанинг чексиз қудрати ҳам Унинг чақалоқ қиёфасидаги кўринишида яшириниб турар эди. Аммо Пугана бу чақалоқ оддий болалардан эмаслигини, У ҳеч қийналмасдан ҳар қандай иблисининг таъзирини беришига қодир Зот эканини англаб етган эди. 8. Парвардигор Кришна, ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рух бемалол ором олиб бешикда ётар ва ёш болаларни ўлдиришга жуда уста бўлган ялмоғиз Пугана ҳозир Ўзини ўлдириш ниятида бу ерга келиб турганини яхши биларди. Шу боис, Парвардигор Кришна худди ундан кўрқиб кетгандай бўлиб, кўзларини чирт юмди олди. Шундан сўнг худди ғофил одам билмасдан арқон деб ўйлаб, илонни тиззаларига олгани сингари, Пугана ҳам Уни ўзининг тиззаларига олди. 9. Ракшаси Пугана аслида бағри тош ва бераҳм, бешафқат аёл бўлса ҳам, ҳозир сиртдан қараганларга жуда меҳрибондай бўлиб кўринарди. Ўзининг бу кўриниши билан у худди чиройли безанган қин ичида турган тиғи ўткир қиличга ўхшарди. Йашода ва Рохини унинг Кришна ётган хонада эканини кўрдилар, лекин унинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб, халақит бермасдан унинг қилаётган ишларини жим кузатиб турдилар, чунки Пугана Кришнага худди онасидай меҳрибонлик қиларди. 10. Уларнинг кўзи олдида даҳшатли равишда хавфли бўлган ялмоғиз Пугана чақалоқ Кришнани кўлларига олди ва Унга кўксини тутиб эмиза бошлади. Унинг кўксига ҳалокатли, жуда кучли таъсир қиладиган захар суртилган эди, аммо Худонинг Олий Шахси, Кришна, худди жаҳли чиққандай бўлиб, унинг кўксига ёпишиб, уни икки қўли билан маҳкам ушлаб олди ва унинг кўксидан захар билан бирга Ракшаси Пугананинг ҳаётини ҳам сўриб олди. 11. Бутун вужудида даҳшатли оғриқ ҳис қилиб, ялмоғиз Пугана даҳшат ичида чинқириб юборди: “Кўйиб юбор! Кўйиб юбор мени! Сўришни бас қил!” Ялмоғиз Пугана қора терга ботиб

кетди, унинг кўзлари катта-катта очилиб, жон ҳолатда дод-вой солиб овози борича кичқири бошлади. 12. Ялмоғиз Пугананинг қаттиқ чинқириғидан Ер юзи ва тоғу-тошлар титраб кетди. Осмондан юлдузлар тўкилиб туша бошлади, жаҳоннинг ҳамма тарафи титраб, яшин чакнашидан кўрққан одамлар апил-тапил ерга йиқилдилар. 13. Шундай қилиб, Кришна кўксини қаттиқ қисиб ушлаб олган ялмоғиз Пугана қаттиқ оғриққа бардош беролмай, жон таслим қилиб, бу ўткинчи дунёни тарк этди. Эй шоҳ Парикшит, оғзини катта очиб, кўл-оёқларини ҳар ёққа чўзиб, сочини тўзғитиб у ўзининг даҳшатли ялмоғиз Ракшаси танасидаги ҳақиқий қиёфасида, худди Индра ўлдирган Вритрасурага ўхшаб, Вриндаван яқинидаги ўтлоққа узаласига қулаб тушди.

14. Эй шоҳ Парикшит, Пугананинг баҳайбат танаси ерга ўлик ҳолатда қулаб тушганида, унинг танаси ўн икки чақирим атрофдаги дарахтларни синдириб, парчалаб ташлади. Ўзининг баҳайбат танаси билан у ҳеч қачон одамларнинг эсидан чиқмайдиган кўрқинчли мўъжиза намоён этган эди. 15-17. Ракшасининг оғзи катта омочларни эслатадиган тишларга тўла, бурун тешиклари тоғдаги ғорлар каби катта, кўкраклари эса катта харсанг тошларни эслатарди. Унинг тўзиган сочлари эриган мис рангида эди. Унинг кўз чаноклари тубсиз жарликка ўхшар, баҳайбат сонлари дарё кирғоқларини эслатарди, кўллари, оёқлари ва товонлари катта кўприқларга, қорни қуриб қолган катта кўлга ўхшарди. Подачи ва аёлларнинг қулоқларида, қалбида ва ақлу-хаёлида ҳалигача Ракшас Пугананинг ўлим олдида даҳшатли чинқирган овози кетмаган бўлиб, ялмоғизнинг даҳшатли танасини кўриб, улар бадтар даҳшатга тушган эдилар. 18. Жажжи Кришна ҳеч нарсадан кўрқмай Ракшаси Пугананинг кўкси устида бемалол ўйнаб ўтирарди. Гопилар чақалоқнинг бу ҳайратли ҳаракатларини кўрган заҳоти қувонганидан югуриб бориб Уни кўлларига кўтариб олдилар. 19. Шундан сўнг Йашода ва Рохини бошқа катта гопилар билан бирга Шри Кришнани ҳар хил офатлардан тўла ҳимоя қилиш ниятида Уни сизир қуйруғидан қилинган елпигич билан елпиб, эҳтиром билан чақалоқнинг атрофини айланиб ўтдилар. 20. Кейин чақалоқни сизирнинг сийдигида чўмилтирдилар, Унинг бутун танасини сизирнинг туёқларидан кўтарилган чангга булгадилар. Кейин Унинг танасига тилака қўйиш тартиби билан турли мантралар тиловат қилиб, ўн икки жойига сизир тезагини суртдилар. Шундай қилиб, гопиларнинг фикрига кўра бу чақалоқнинг тўла хавфсизлиги таъминланган эди. 21. Аввалига гопилар ўнг қўлининг кафтидан бир қултум сув ичиб, ачаман қилдилар. Кейин тана ва кўлларини нйаса-мантра айтиб покладилар, кейин шу мантраларни чақалоқнинг танаси учун такрорладилар.

22-23. (Гопилар шундай деб тиловат қилдилар:) “Парвардигор Аджа Сенинг оёқларингни асрасин! Парвардигор Махиман Сенинг тиззаларингни асрасин! Парвардигор Йаджна Сенинг сонларингни асрасин! Парвардигор Ачйута Сенинг белингни асрасин! Парвардигор Хайагрива Сенинг қорнингни асрасин! Сенинг юрагингни Парвардигор Кешава асрасин! Сенинг бўйинингни Куёш худоси асрасин! Сенинг кўлларингни Парвардигор Вишну асрасин! Сенинг юзларингни Парвардигор Урукрама асрасин! Сенинг бошингни Парвардигор Ишвара асрасин! Олд томондан Сени Парвардигор Чакра асрасин! Орқа томондан Сени

Парвардигор Шри Хари, гурзи олиб юрган Гададхари, асрасин! Ўнг ва чап тарафдан Сени иблис Мадхунинг камон олиб юрган душмани ва қилич олиб юрган Парвардигор Аджана асрасин! Тўрт томондан Сени сур олиб юрган Парвардигор Уругайа асрасин! Юқоридан Сени прр Упендра асрасин! Паст тарафдан Сени Гаруда асрасин! Ҳар тарафдан келадиган турли офатлардан Сени Парвардигор Халадхара, Худонинг Олий Шахси асрасин! 24. Сенинг сезгиларингни Парвардигор Хришикеша асрасин! Сенинг ҳаёт нафасингни Парвардигор Нарайана асрасин! Сенинг қалбинг тўрини Шветадвипанинг Парвардигори асрасин! Сенинг ақлингни Парвардигор Йогешвара асрасин! Сенинг тафаккурингни Парвардигор Пришнигарбха асрасин! Сенинг ўлмас руҳингни Худонинг Олий Шахси асрасин! Ўйнаб юрган пайтларингда Сени Парвардигор Говинда асрасин! Уйқуда ётган пайтингда Сени Парвардигор Мадхава асрасин! Юрган пайтларингда Сени Ваикунтханинг Парвардигори асрасин! Ўтирган пайтларингда Сени равнақ фаришгасининг эри, Парвардигор Нарайана асрасин! Лаззатланиб юрган пайтларингда Сени барча касофатли сайёраларнинг даҳшатли душмани Парвардигор Йаджнабхук асрасин! 27-29. Дақини, Йатудхани ва Кушманда сингари ёвуз ялмоғизлар ёш болаларнинг ашаддий душманидилар. Бхугалар, Преталар, Пишачилар, Йакшалар, Ракшаслар ва Винайакаларга ўхшаган, шунингдек Котара, Ревата, Жийештха, Путана ва Матрика сингари ялмоғизлар хушдан кетказиш, ақлдан оздириш ва даҳшатли тушлар кўришга мубғало қилиб одамларнинг танасига, ҳаёт нафасига ва ҳиссиётларига зарар етказишга ҳамиша тайёр бўлиб юрадилар. Энг кучли таъсир қиладиган ёвуз юлдузлар сингари уларнинг ҳаммаси одамларга, айниқса ёш болаларга жуда кўп ташвиш келтирадидлар. Лекин шунчаки Парвардигор Вишнунинг номларини зикр қилиш орқали уларнинг ҳаммасини енгиш, улар келтирадиган ташвиш-безовталикларни бартараф қилиш мумкин, чунки Парвардигор Вишнунинг номи тилга олинган захоти уларнинг барчаси даҳшатга тушиб қочиб қоладилар”.

30. Шрила Шукадева Госвами давом этди: “Йашода бошлиқ гопиларнинг барчаси Кришнага оналик меҳри билан қаттиқ боғланган эдилар. Чақалокни химоя қилиш учун ҳар хил мантраларни тиловат қилгандан кейин Йашода Уни эмизиб, ухлатгани ўрнига ётқизди. 31. Айни пайтда Махараж Нанда бошлиқ подачиларнинг ҳаммаси Матхурадан қайтиб келдилар. Йўл ёқасида ётган Путананинг баҳайбат мурдасини кўриб, улар бу мўъжизадан хайратга тушдилар.

32. Нанда Махараж ва бошқа подачилар хайрат билан хитоб қилдилар: “Эй азиз дўстлар, билиб қўйинглар: Анакадундубхи, Васудева буюк авлиё ёки сеҳр қудратига эга бўлган зот. Акс ҳолда у қандай қилиб бизларни мана шу даҳшатли мусибатдан хабардор қилиб огоҳлантирган бўларди?”

33. Враджа аҳолиси Путананинг баҳайбат танасини катта болталар билан бўлақларга бўлдилар, бу бўлақларни бир жойга тўплаб, атрофига ўтин қалаб ёқиб юбордилар. 34. ўлдираётганида Кришна унинг кўксидан суг эмганида Ракшаси Путана барча моддий иллатлардан биратўла халос бўлиб покланган эди. Унинг барча гуноҳлари оқибати бир пасда ўзидан-ўзи йўққа чиққан эди, шу боис унинг баҳайбат танасини гулханда ёққанларида, ундан кўтарилаётган тутуннинг

ҳиди агуру пастасининг ҳиди сингари жуда ёқимли эди. 35-36. Путана ҳамиша ёш болаларнинг қонини ичиш имконини излаб юрарди, у Кришнани ҳам шундай кабиҳ ниятда ўлдириш учун келган эди; аммо, Худои Таолога суг бериш учун ўзининг кўксини таклиф қилгани тугайли рухий камолот чўққисига эришган эди. Шундай экан, Парвардигор Кришнага нисбатан табиий равишда оналарча меҳр-муҳаббат ва садоқат билан боғланган, Унга меҳр билан кўксини тугиб юрган, онасидай муҳаббат билан Унга ҳар хил совғалар таклиф қилиб юрган зотлар ҳақида нима дейиш мумкин? 37-38. Худонинг Олий Шахси, Кришна ҳамиша соф содиқ хизматкорининг қалбининг тўрида бўлади. Унга Тангри Брахма ва Тангри Шива сингари мўътабар зотлар илтижо билан мурожаат қиладилар. Парвардигор Кришна Путананинг танасини кучоқлаб, роҳатланиб кўксини сўра бошлагани шарофати билан, гарчи у энг буюк ялмоғиз бўлса ҳам, рухий оламда Парвардигорнинг онаси мартабасига кўтарилди ва шу тариқа энг олий камолот чўққисига эришди. Шундай экан Кришна лаззатланиб елинини ҳар куни сўриб юрган, Унга ҳар куни меҳрибон онасидай ўзининг сутини бериб юрган сигирлар ҳақида нима дейиш мумкин? 39-40. Худонинг Олий Шахси, Кришна тирик мавжудотга ҳар хил бахт-саодат, шу жумладан рухий озодлик - *кайвалия*, яъни Брахманнинг нури билан қўшилиб кетиш имконини ато этувчи Зотдир. Ана шу Худонинг Олий Шахсига гопилар ҳамиша оналик меҳри билан қараганлар, Кришна уларнинг кўкракларини ҳар куни чуқур лаззат билан эмиб юрарди. Шу боис, уларнинг ўзаро она-боладай меҳрли муносабатлари сабабли гопилар, гарчи ҳозир ҳар хил оилавий ишлар билан банд бўлиб юрган бўлсалар ҳам, бу ўткинчи таналарини тарк этгандан кейин ҳеч қачон бу моддий оламга қайтиб келмайдилар. 41. Путананинг гулханда ёнаётган мурдасининг ҳидини сезиб, Враджабхуманинг кўпчилик аҳолиси хайрон бўлиб бир-бирдан сўрай бошладилар: “Бундай ёқимли хид қаердан келяпти?” Кейин улар: “Бу хид албатта Путананинг ёнаётган жасадидан келяпти!” - деган қарорга келдилар. 42. Враджанинг узоқдан келган аҳолиси ялмоғиз Путана аввалига Кришнани ўлдириш ниятида келгани, лекин кейин ўзи Кришнанинг қўлидан ҳалок бўлгани ҳақида эшитганида, хайратга тушиб, мўъжизавий жасорат кўрсатиб даҳшатли Путанани ўлдиригани учун чақалокни узоқ дуои-фотиҳа қилдилар. Нанда Махараж бу воқеадан ўзини хабардор қилиб огоҳлантирган Васудевадан жуда миннатдор эди, шу боис қалбида Васудеванинг қанчалик ажойиб эканини эслаб, унга ўз миннатдорчилигини билдирди.

43. Эй Махараж Парикшит, эй Курулар сулоласининг аълоси, гўё Кришна ҳаётда қайтадан туғилгандай, Нанда Махараж ўғлини дарров қўлига кўтариб олди ва Унинг бошидан келаётган анвойи хиддан тўйиб ҳидлаб, чуқур илоҳий лаззатга чўмди. 44. Худонинг Олий Шахси, Кришна қандай қилиб Путанани ўлдиригани ҳақидаги ҳикояни чуқур иймон ва садоқат билан тинглаган ва шу тариқа Кришнанинг болаликдаги эрмакларига фарқ бўлган ҳар бир одам албатта қалбида Худонинг Олий Шахси Говиндага боғланиш туйғусини ривожлантиради”.

Еттинчи боб.

Иблис Тринавартани ўлдириш.

1-2. Махараж Парикшит шундай деди: “Эй хукмдорим Шукадева Госвами, Худонинг Олий Шахсининг бу оламда намоён бўлган қиёфаларининг кўрсатган барча кароматлари ҳақидаги ҳикоялар шубҳасиз қулоққа ҳам, ақлга ҳам жуда ёқимли. Шунчаки ана шундай кароматлар ҳақида тинглаш шарофати билан одам ўз ақлида пайдо бўладиган барча иллатлардан халос бўлади. Асосан бизлар Парвардигорнинг ҳар хил кароматлари ҳақидаги ҳикояларни унчалик ёқтирмай тинглаймиз, аммо Кришнанинг болаликдаги ўйинлари, шўх эрмаклари шунчалик жозибали, ёқимлики, улар ўздан-ўзи одамнинг ақлига ҳам, қулоғига ҳам чексиз лаззат бағишлайди. Шу тариқа одамнинг табиий равишда бу моддий оламда тутқунликда бўлишга сабаб бўладиган моддий, ўткинчи, дунёвий нарсалар ҳақидаги ҳикояларни тинглашга бўлган қизиқиши камайиб, аста-секин қалбида Худога садоқат билан хизмат қилишга ихлоси ортиб, Унга боғланиши, одамларга энг нодир, буюк неъмат, Кришна онгини ҳаё этадиган Худонинг содиқларига дўстлиги ортади. Агар малол келмаса, илтимос, марҳамат қилиб Парвардигорнинг ана шундай эрмаклари ҳақида гапириб бер. 3. Илтимос, бизларга бу сайёрада оддий подачи болакай кўринишида намоён бўлиб, ялмоғиз Путанани ўлдириш сингари ғаройиб кароматлар кўрсатган Кришнанинг бошқа ўйинлари ҳақида ҳам гапириб бер.

4. Шукадева Госвами шундай деди: “Она Йашоданинг боласи энди ўтиришга, ўрнидан туришга ва айланиб ётишга ҳаракат қила бошлаганида, бундай уринишлар махсус Ведавий маросимлар билан нишонланди. Ёш бола биринчи бор уйдан узокроқ кетишга уринганида ўтказиладиган *уттхана* деб аталадиган ана шундай маросим ўтказишдан олдин болани сувда яхшилаб чўмилтириб ювинтирадилар. Кришна уч ойлик бўлганида Йашода кўшни уйлардаги ёши катта гопилар билан биргаликда ана шундай маросим ўтказди. Ўша куни Ой Рохини юлдузлар туркумида турган эди. Ведавий мадҳиялар тиловат қилинаётган ва мусика асбоблари жаранглаб турган муҳитда Йашода ана шу буюк маросимни ўтказди. 5. Нанда Махаражнинг хотини ва бошқа гопилар болани чўмилтиришни тугатганларидан кейин Йашода эҳтиром билан браҳманларга сажда қилди, уларни дон ва бошқа махсулотлардан қилинган ширин таомлар билан тўқин-сочин меҳмон қилди, уларга кийим-кечак, сигир ва гулчамбарлар эҳсон қилди. Бу шарофатли маросимни муносиб нишонлаш учун браҳманлар маҳорат билан Ведавий мантраларни тиловат қилдилар. Браҳманлар ишларини тугатгандан кейин Йашода қараса, уйқуси келганидан жажжи ўғлининг кўзлари юмилиб кетяпти. Шу боис ўғлини қўлига олиб, Уни ухлатиш учун юмшоқ тўшақда то ўғлини ухлатгунча У билан бирга ётди. 6. Уттхана маросимини ўтказиш ташвишлари билан бугунлай овора бўлиб, Йашода меҳмонларни кутиб олиш, уларга эҳтиром билан сажда қилиш, уларга кийим, сигир, гулчамбар ва ҳар хил таомлар таклиф қилиш ишлари билан банд эди. Шу тариқа у ўғлининг уйқудан уйғониб, онасини чорлаб йиғлаган овозини умуман эшитмас эди. Кришна эса, бу пайтда она сути билан Ўзининг қорнини тўйдиришларини талаб қилиб, жажжи оёқларини алам билан тез-тез тебратиб йиғлаб ётарди. 7. Парвардигор Шри Кришна ҳовлининг бир чеккасида арава тагида сояда ётарди. Гарчи Унинг

оёқлари ҳали худди яшил япроқдай майин бўлса ҳам, У аравани оёғи билан тешиб юборганида, арава ағдарилиб, чил-парчин бўлиб бўлақларга бўлиниб парчаланиб кетди. Араванинг ғилдираклари ўқидан чиқиб, кегай ва гупчаклари ҳар тарафга сочилиб, арава бугунлай яқсон бўлди. Араванинг устида жуда кўп ҳар хил метал идиш-товоклар бор бўлиб, улар ҳовли бўйлаб ҳар тарафга сочилиб кетди. 8. Йашода ва утгхана байрам маросимига тўпланган бошқа аёллар, Нанда Махараж бошлик эрмаклар бу ғаройиб манзарани кўриб, қандай қилиб бу арава ўздан-ўзи чил-парчин бўлиши мумкинлигини тушунмай ҳайратга тушдилар. Улар зўр бериб бу ҳодисанинг бирор сабабини топишга уринардилар, лекин улар бу мўъжизага бирор ишонарли сабаб топа олмадилар. 9. Шу ерга тўпланган подачилар ва уларнинг хотинлари нима бўлганини ўзаро муҳокама қила бошладилар: “Бу қандайдир иблисининг ёки касофатли сайёранинг иши бўлса керак!” - ҳайратга тушиб савол берарди улар. Шунда арава ёнида юрган ёш болалар чулдирашиб, аравани Кришна оёғи билан тешиб синдирганига катталарни ишонтиришга зўр бериб урина бошладилар: “Йиғлаб ётган Кришна алам билан аравани тешиб юборди, шундан кейин арава ағдарилиб кетиб, бўлақларга бўлиниб кетди! Биз буни ўз кўзимиз билан кўриб турган эдик.” 10. Аммо, шу ерга тўпланган гопи ва гопалар, Парвардигор Кришна хамиша чексиз эканидан беҳабар бўлгани сабабли, Унинг бундай ғайритабиий куч-қудратга эга эканига сира ишонгилари келмасди. Улар бу гапларни болаларнинг одатдаги беъмани чулдирашлари деб ҳисоблаб, болаларга ишонмадилар. 11. Қандайдир ёвуз сайёра Кришнага ҳамла қилганига ўзини ишонтириб, Йашода халигача йиғлаб ётган Кришнани дарров қўлига олди ва Унга кўксини тутди. Шундан кейин у чақалоққа покляниш маросими ўтказиш учун Ведавий мантраларни яхши тиловат қиладиган тажрибали браҳманларни уйига чақирди. 12. Биалақлари кучли, забардаст подачилар аравани тузатиб, ичидаги кўза ва идиш-товокларни аввалгидай жойига тахлаб қўйганларидан кейин, ёвуз сайёранинг таъсирини бартараф қилиш учун браҳманлар муқаддас гулхан ёқиб, махсус маросим ўтказдилар. Кейин улар гуруч, куша майсаси, сув ва пишлоқ таклиф қилиб Худои Таолога сиғиниш маросимини ўтказдилар. 13-15. Агар браҳманларнинг қалби ҳасад, ёлғон, сохта манманлик, ношукурлик, бошқаларнинг бойлигини қайғуриш ва димоғдорлик иллатларидан пок бўлса, уларнинг берган дуои-фотиҳалари ҳеч қачон бекорга кетмайди, албатта ижобат бўлади. Шундай мулоҳазалар асосида Нанда Махараж жажжи Кришнани қўлига олиб, муқаддас Сама, Риг, Йаджур ведалар асосида қурбонлик маросими ўтказиш учун ана шундай поқдомон, такводор браҳманларни уйига таклиф қилди. Кейин, ведалардан мадҳиялар тиловат қилиниб бўлганда у ўғлини ҳар хил доривор гиёҳлар аралаш сувда чўмилтирди. Тантана билан қурбонлик маросими ўтказиб бўлиб, браҳманларни тансиқ таомлар билан тўқин-сочин меҳмон қилди.

16. Нанда Махараж ўғли Кришнанинг келажаги порлоқ бўлишини талаб браҳманларга туғидан шохигача кийимлар, гулчамбар ва қимматбаҳо тақинчоқлар осилган сигирлар совға қилди. Мўл-кўл суг берадиган бу сигирлар браҳманларга эҳсон, садака сифатида берилди, браҳманлар эса уларни мамнуният билан қабул қилиб бу оила аъзоларини, айниқса

Кришнани дуои-фотиҳа қилдилар. 17. Ведавий мантраларни куйлаш санъатини мукамал биладиган брахманларнинг барчаси сеҳр қудратига мукамал эга бўлган сеҳргар йоглар эди. Уларнинг бирор айтган сўзи ҳеч қачон бекор кетмасди. 18. Бир куни, Кришна бир ёшга тўлганида Йашода ўғлини тиззасига олиб, меҳр билан Унинг бошини силаб эркалай бошлади. Бирданига унга Кришна гўё катта тоғдай тобора оғирлашиб бораётгандай туюла бошлади ва Йашода Уни кўтара олмай қолди. 19. Фарзанди ҳатто бутун коинотдан ҳам оғирроқ бўлиб кетганини ҳис қилиб, Унга албатта бирор иблис ёки ёвуз ажина ҳамла қилаётган бўлса керак, деган фикрдан қўрқиб кетган Йашода Кришнани ерга туширди ва қалбида Парвардигор Нарайанага муроқаба қила бошлади. Бироз вақт шундай муроқаба билан машғул бўлгандан кейин у ўзининг одатдаги ишлари билан машғул бўлди. 20. Жажжи Кришна шу ерда ўтирар экан, Камсанинг ҳамтовоғи бўлган Тринаварта деган иблис Камсанинг буйруғи билан кучли қуюн қиёфасида шу ерда пайдо бўлди ва Кришнани олиб баланд осмонга кўтариб кетди. 21. Гокуланинг устини қалин чанг-тўзонга тўлдириб, кучли қуюн кўринишида ҳаракат қилаётган иблис ҳар бир одамнинг кўзига ҳеч нарса кўринмайдиган қоронғу-зулмат яратди ва даҳшатли изғириндай товуш чиқара бошлади. 22. Қуюн дастидан бутун ўтлоқ ва қишлоқ анча вақт мобайнида қоронғу зулмат ичида қолди. Йашода ўзининг ширин ўғилчасини қаерда қолдирганини сира тополмай овора эди. Тринаварта кўтарган чанг-тўзон дастидан одамлар бир-бирини, атрофидаги нарсаларни бутунлай кўролмай қолган эдилар. 24. Куён осмонга кўтарган чанг-тўзон туфайли она Йашода ўғлини тополмай қийналар, нимага бундай бўлаётганини сира тушунолмасди. Худди бузоғини йўқотган сигирдай мусибатга тушиб, у қаттиқ изтироб ичида мадори қуриб, аччиқ-аччиқ йиғлаганча ерга йиқилди. 25. Чанг-тўзон, қуюн тўхтагандан кейин Йашоданинг дўғоналари, бошқа гопилар унинг йиғи овозини эшитиб, дарров чопиб келдилар. Кришнанинг ғойиб бўлганини эшитиб улар ҳам мусибатга тушиб, аччиқ-аччиқ кўз ёшларини тўкиб Йашода билан бирга йиғлашга тушдилар. 26. Қудратли қуюн қиёфасига кириб, иблис Тринаварта Кришнани булутлар остигача баланд кўтарди, лекин Кришна иблис қуюннинг ўзидан ҳам оғирроқ бўла бошлаганида, иблис Уни кўтаришга мадори етмай, бошқа юқори кўтарила олмай қолди. 27. Кришна жуда оғирлашиб кетганидан Тринавартага Кришна шунчаки ёш бола эмас, балки катта темир тоғдай туюла бошлади. Лекин Кришна қўллари билан иблиснинг бўйнига маҳкам осилиб олгани сабабли иблис Уни ташлаб ҳам юбора олмас эди. Шу боис у: “Бу болани на ташлаб юбориб бўлмаса, на кўтариб юриб бўлмаса, У жуда ғаройиб бола экан!” - деб ўйлай бошлади. 28. Кришна бўйнидан маҳкам қисаётгани сабабли иблис нафас ололмай бўғила бошлади, у на қичқира олар, на бошқа бирор ҳаракат қила оларди. Унинг кўзлари хонасидан чиқиб кетди, иблис ҳаётдан кўз юмиб, бўйнига осилган жажжи Кришна билан бирга Ваджа ёнига қулаб тушди. 29. Бир жойга тўпланган гопилар Кришнанинг ҳолига аччиқ-аччиқ йиғлаб турар эканлар, иблис баланд осмондан катта харсанг тош устига йиқилиб тушиб, худди Тангри Шива ўлдирган Трипурасура сингари қўл ва оёқларини синдирди. 30. Гопилар дарров Кришнани даҳшатли

иблиснинг кўкси устидан кўтариб олиб, соппа-соғ, ҳамиша ҳар қандай офатлардан устун бўлган Уни она Йашоданинг бағрига топширдилар. Иблис осмонга олиб кетган болакай соғ-саломат, бирор жойи шикаст емаганидан, энди онасининг бағрида хавф-хатардан бутунлай халос бўлганидан Нанда Махараж ва Йашода бошлик барча гопилар чексиз бахтиёр эдилар. 31. Энг ҳайратланарли жойи шундан иборат эдики, гарчи бу бегуноҳ болакайни иблис Ракшас нонушта қилиш учун олиб кетган бўлишига қарамай, У бирор жойи шикаст емаган ҳолда соппа-соғ қайтиб келган эди. Ҳасадгўй, тошбағир, бешафқат ва гуноҳларга тўла бўлгани сабабли иблис Тринаварта ўзининг гуноҳлари учун муносиб жазо олган эди. Табиат қонуни шундай. Бегуноҳ содиқ хизматқорни Худонинг Олий Шахсининг Ўзи ҳамиша химоя қилиб юради, гуноҳкор одам эса ўзининг гуноҳлари сабабли ҳамиша азоб-уқубатда яшайди.

32. Нанда Махараж ва бошқалар шундай дедилар: “Бизлар аввалги ҳаётларимизда қаттиқ риёзатлар чеккан, Худонинг Олий Шахсига сиғинган, барча одамларнинг саодати учун кўплаб хайрли ишлар қилган, йўллар қуриб, қудуқлар қазиган, шунингдек жуда кўп хайр-эҳсон қилган бўлсак керакки, шу сабаб ишларимиз шарофати билан бу болакай нақ ажалнинг чангалига тушиб, қариндошларининг бахтига эсон-омон қайтиб келди. 33. Брихадванада бундай воқеалар кетма-кет содир бўлар экан, Нанда Махараж кун сайин ҳайратга туша борар, Матхурада Васудева айтган гаплар тез-тез унинг ҳаёлидан ўтиб турарди.

34. Бир куни она Йашода Кришнани тиззасига олиб, қалбида оналик меҳри жўш уриб, Уни эркалаб эмиза бошлади. Унинг кўрагидан тўлиб-тошиб сут келар, жажжи Кришна эса мириқиб сут эмиб, лаззатланиб ётарди. 35-36. Эй шоҳ Парикшит, жажжи Кришна сут эмишни деярли тамомлаётганида, Йашода меҳр билан Унинг ширин табассум билан қулиб турган юзларини силай бошлади. Кришна эмишдан тўхтаб, оғзини катта очиб эснади. Шунда она Йашода Кришнанинг оғзи ичида бутун осмонни, олий сайёралар тизимини, Ер сайёрасини, осмондаги барча ёриткичларни, Қуёш, Ой, олов, хаво, денгизлар, ороллар, тоғлар, дарёлар, ўрмонлар ва барча кўзгалукван-кўзгалмас тирик мавжудотларни кўрди. 37. Боласининг оғзида бутун коинотни кўрган Йашоданинг юраги гупиллаб уриб, ўзи қаттиқ ҳаяжонланиб кетди, у ҳайратга тушиб, кўзларини чирт юмиб олди.

Саккизинчи боб.

Парвардигор Кришна оғзида Ўзининг фазовий қиёфасини намоён этади.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй Махараж Парикшит, Васудева бир куни Йадавалар сулоласининг риёзат чекишда ва муқаддас қасамларга риоя қилишда камолотга эришган Гаргамуни деган руҳонийсини Нанда Махараж билан учрашишга юборди. 2. Нанда Махараж уйига келган Гаргамунини кўриб жуда қувониб кетди ва сакраб туриб, қўл ковуштириб унга эхтиром билан сажда қилди. Гаргамунини зимдан кўздан кечирар экан, Нанда Махараж қалбининг тўрида бу одам аслида оддий одам эмас, балки *адхокшаджа*,

яъни моддий сезгилар оркали билиб бўлмайдиган авлиё, мўътабар зот эканини хис қиларди. 3. Гаргамунини мартабасига муносиб равишда кутиб олиб, юмшоқ ўриндиққа ўтқазиб меҳмон қилгандан кейин Нанда Махараж унга мулоимлик билан ширин сўзлар айтиб мурожаат қила бошлади:

“Эй азиз ҳукмдорим, Худои Таолонинг содик хизматкори бўлганинг туфайли сен ҳар тарафдан комил бўлган зотсан. Менинг бурчим - итоаткорлик билан сенга хизмат қилишдан иборат. Илтимос, менга айт, қандай хизматим билан сени мамнун қилишим мумкин? 4. Эй ҳукмдорим, эй Худои Таолонинг буюк содик хизматкори, сен сингари улуғ зотлар бир жойдан яна бир жойга ўз манфаатини ўйлаб эмас, балки бизга ўхшаган ночор, иродасиз грихастхаларнинг бахтини ўйлаб ўтиб юрадилар. Сендай буюк содиқларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришига бундан бошқа бирор зарурат йўқ. Эй буюк авлиё зот, сен одамларнинг бахт-саодати учун башорат илмини комил таърифлаб бергансан, бу илм ёрдамида ўтмиш ва келажакни билиб олиш мумкин. Ана шу илм кучи билан ҳар бир одам ўзининг аввалги ҳаётида нима ишлар қилгани, аввалги ҳаёти ҳозирги ҳаётига қандай таъсир қилиши ҳақида тўлиқ билиб олиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси сенга кундай равшан. 6. Эй ҳукмдорим, айниқса *жйотих-шастра*, яъни башорат, астрология илмини мукамал эгаллаганинг туфайли сен барча брахманлар ичида аълосисан. Шу боис сен ўз табиатингга кўра ҳар бир одамнинг рухий устозисан. Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай. Менинг уйимга келиш билан сен менга чексиз марҳамат кўрсатдинг. Энди ўз марҳаматингни бизлардан дариг тутмай, менинг ўғилларим учун покланиш маросимини ўтқазиб бер!”

7. Гаргамуни шундай деди: “Азизим Нанда Махараж, мен - Йадавалар сулоласининг рухий устози бўламан. Буни ҳамма яхши билади. Шу боис, агар мен сенинг ўғилларинг учун покланиш маросимини ўтқазсам, Камса уларни Девакининг ўғиллари деб ҳисоблайди. 8-9. Камса энг ашаддий гуноҳкор бўлиш билан бир вақтда жуда зехнли одам, ўз манфаати учун ким билан қандай муносабатда бўлишни яхши билади. Шу боис, Девакининг қизи бўлган Йогамайдан ўзини ўлдириши башорат қилинган фарзанд аллақачон шу ерларда туғилганини эшитиб, Девакининг саккизинчи фарзанди ўғил бола бўлиб туғилмаганини, сизлар Васудева билан қалин дўст эканигини билган ҳолда, мен Йадавалар сулоласининг рухий устози бўла туриб бу ерда покланиш маросимини ўтқазганим ҳақида эшитиб қолса, бу воқеаларнинг ҳаммасини таҳлил қилиб, у албатта Кришна аслида Васудева ва Девакининг ўғли бўлиши керак деб гумон қилади. Кейин у Кришнани ўлдириш учун турли йўллار билан ҳаракат қила бошлайди. Бу эса сизлар учун катта хавф-хатар тўғдиради.

10. Нанда Махараж шундай деб жавоб берди: “Эй ҳурматли донишманд, агар сен ўтқазган покланиш маросими Камсанинг қалбида бирор гумон пайдо қилиши мумкин, деб ўйласанг, Ведавий мантраларни яширин ҳолда тиловат қилишинг мумкин, фарзандларимга иккинчи бор туғилиш маросимини оғилхонада, ҳамма эшиқларни яхшилаб бекитиб ўтқазилишини илтимос қиламан, чунки бу маросимни ўтқазиб мен учун жуда муҳим”.

11. Шукрадева Госвами шундай деди: “Гаргамуни, ўзи ҳаёлида аввалдан қилишни ўйлаб юрган ишларни

Нанда Махараж ҳозир ундан илтимос қилиб турганини таажжубга тушиб тинглаб, Кришна ва Балорам учун покланиш маросимини хилват жойда пинҳон ўтқазса бошлади.

12. Гаргамуни шундай деди: “Мана бу бола, Рохинининг ўғли, Ўзининг барча қариндошларига ва дўстларига илоҳий фазилатлари билан чексиз қувонч бағишлайди. Шу боис Уни Рама деб атайдилар. Жуда катта жисмоний куч-қудратга эга бўлгани учун Уни Бало, Балорам деб ҳам атайдилар. Бунинг устига У икки оилани - Васудева ва Нанда Махаражнинг оиласини бириктиргани учун Уни Санкаршана деб ҳам атайдилар. 13. Сенинг ўғлинг Кришна ҳар бир минг йиллик даврда бу оламда Ўзини намоён этади. Аввалги даврларда У моддий оламга ҳар хил рангда - оқ, қизил ва сариқ рангли таналарда уч марта келган эди, ҳозир У қорамтир булут рангли танада пайдо бўлди. 14. Жуда кўп сабабларга кўра сенинг бу ажойиб ўғлинг авваллари Васудеванинг ўғли бўлиб дунёга келган. Шу боис донишманд, зукко одамлар Уни Васудева деб атайдилар. 15. Бу фарзанднинг илоҳий сифатлари ва кароматларини кўрсатадиган жуда кўп қиёфалари ва номлари мавжуд. Уларнинг ҳаммаси менга аён, лекин оддий одамлар буни тушунмайдилар. 16. Гоқулалик подачиларнинг илоҳий лаззатини кучайтириш учун бу бола хамиша сизларнинг саодатингизни ўйлаб иш қилади. Фақат Унинг марҳамати билан сизлар барча қийинчиликларга бардош берасизлар.

17. Эй Нанда Махараж, тарихдан маълумки, ҳукумат тепасига иймонсиз, ярамас одамлар чиқиб олганида, Индра ҳокимиятдан четлатилиб, одамларни йўлтўсар-қароқчилар қаттиқ қийнаб кўйганида бу бола эзилган ҳалол, тақводор одамларни ҳимоя қилиш ва уларга фаровон турмуш кечириш имкониятини бериш учун вақти-вақти билан бу дунёга келиб, ўғри ва қароқчиларнинг танобини тортиб турган. 18. Иблис(асур)лар фаришталарга зиён етказа олмайдилар, чунки Парвардигор Вишну хамиша фаришталар тарафда туради. Худди шундай, Кришнага боғланган ҳар қандай одам ёки ҳар қандай гуруҳ ҳам ҳаётда хамиша муваффақият қозонади, хамиша уларга омад ёр бўлади. Шундай одамлар Кришнага нисбатан меҳр-муҳаббат ришталари билан қаттиқ боғлангани сабабли Камсанинг ҳамтовоқларига ўхшаган иблислар уларга ҳеч қачон ҳам келолмайдилар. 19. Шунинг учун, эй Нанда Махараж, сенинг бу ўғлинг Ўзининг сифатлари билан Парвардигор Нарайанага ўхшайди. Ўзининг илоҳий сифатлари, бойлиги, номи, шон-шухрати ва ҳокимлиги билан У Парвардигор Нарайанага тенг. Бу фарзандга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш учун сен кўлингдан келганча ҳаракат қилишинг керак”.

20. Шрила Шукрадева Госвами шундай деди: “Нанда Махаражга Кришна ҳақида гапириб, Гаргамуни уйини тарк этгандан кейин Нанда Махараж қалбида чуқур илоҳий лаззат сезиб, ўзини бу дунёдаги энг бахтли, энг омадли одам деб ҳис қила бошлади. 21. Бу воқеалардан кейин бироз вақт ўтгач, икки ака-ука, Рама ва Кришна Враджа қишлоғи кўчаларида эмаклаб юриб, болаларча лаззатланиб ўйнаб юрдилар. 22. Кришна билан Балорам эмаклаб юриб Врадждаги оғилхоналарга кириб, сигирларнинг ахлатига булганиб юрганларида, Уларнинг бу юришлари худди илонларнинг юришларини эслатарди. Уларнинг оёқларидаги чиройли кўнғирокчаларнинг овозлари жуда жозибадор эди. Бошқа одамларнинг оёқларидаги

кўнғирокчаларнинг жарангига махлиё бўлиб, Улар шу одамларни Ўзларининг онаси деб ўйлаб, уларнинг изидан борар, уларнинг бегона одам эканини билиб қолганларида эса, кўрқканидан апил-тапил Ўзларининг хақиқий оналари - Йашода ва Роҳини олдига шошилардилар. 23. Балчиқ, сигирнинг тегаги ва сигир сийдигига булганган бу болалар жуда ширин, чиройли кўринар, оналари Йашода ва Роҳини олдига келганларида улар меҳр билан Уларни кўтариб олар, бағрига босиб, кўкраklarини тутиб эмизардилар. Болалар уларнинг кўкрагини сўриб, мириқиб эмар экан, кичкина тишларини кўрсатиб чиройли жилмаярдилар. Ана шу чиройли тишларга қараб туриб Уларнинг бахтиёр оналари чексиз илоҳий лаззатга ғарқ бўлардилар. 24. Нанда Махаражнинг уйида Рама ва Кришнанинг болалик ўйинларини кўриб, фақат шу ерга кирган подачи қизлар лаззатланардилар. Болалар бузоқларнинг куйруқларига осилиб олар, бузоқлар эса, уларни ҳар тарафга судраб чошиб юрарди. Бу ўйинларни кўрган гопилар қилаётган ишларини кўя туриб, болаларнинг эрмаklarидан Улар билан биргаликда лаззатланиб кулардилар. 25. Йашода ва Роҳини болаларини ўткир шохли сигирлардан, оловдан, маймун, ит ва мушук сингари тирноғи ва тишлари ўткир ҳайвонлардан, ерда ётган тикон, пичоқ ва бошқа ўткир тигли нарсалардан келадиган ҳар турли офатлардан химоя қилолмаган пайтларида қаттиқ хаяжонланиб, қўллари ишга бормади қоларди. Ана шундай пайтларда улар чуқур оналик меҳри туфайли юзага келадиган чексиз қайғу сифатида намоён бўладиган илоҳий раса жазавага ғарқ бўлардилар, чунки бундай илоҳий жазава уларда ўзидан-ўзи юзага келарди.

26. Эй шох Парикшит, жуда қисқа вақт ичида Рама ва Кришна бутун Гокула қишлоғини айланиб чиқдилар. Улар энди эмаклар юрмасдилар, чунки Улар бемалол қадам босишни ўрганган эдилар. 27. Шундан сўнг Кришна ва Балорам Ўзларининг эрмаklarи билан подачиларнинг хотинлари қалбида чуқур илоҳий лаззат уйғотиб, бошқа подачи болалар билан бирга ўйнай бошладилар. 28. Кришнанинг ҳаммани ўзига жалб этувчи қилиқларини кузатиб, кўшни гопилар Кришнанинг ҳар хил ёқимли шўх қилиқлари ҳақида эшитиш учун Йашода онанинг олдига тез-тез келиб турар ва унга шундай дер эдилар:

29. “Эй азиз дугонажон Йашода, сенинг Ўғлинг баъзида бизниқига сигир соғишимиздан олдин кириб келади ва бузоқларни оналари олдига қўйиб юборади, сигиридан сут ололмай қолган эгасининг жаҳли чиқса, сенинг Ўғлинг унга қараб жилмайиб кулиб тураверади. Баъзида Улар пишлоқ, сут ва сариёғ ўғирлаб ейиш учун ҳар турли усуллар ўйлаб топадилар. Атрофига маймунларни тўплаб, ўғирлаган нарсаларини уларга улаштириб берадилар, маймунлар сариёғдан роса тўйиб, ҳеч қандай егуликка ҳатто қарагини ҳам келмай қолганида эса, У қаймоқ, сариёғ солиниб турган идишларни, кўзаларни синдиради. Баъзида У сариёғ ва сут ўғирлай олмай қолганида, уй эгасидан жаҳли чиқиб, ундан ўч олиш учун, унинг ёш болаларини чимитлаб йиғлата бошлайди. Ёш болаларини йиғлатиб, Кришна дарров қочиб қолади”.

30. “Сут ва пишлоқ шипга осиб қўйилган, Кришна ва Балорамнинг унга бўлари етмайдиган бўлса, улар ҳар хил тахталарни ёки келини тўнтариб оёғи остига қўйиб, уларни олишга уринадилар. Кўзанинг ичида

нима борлигини яхши билиб, уларнинг тагидан дарча очадилар. Гопилар бирор иш билан уйдан чиқиб кетса, Кришна билан Балорам қоронғи хонага кириб олиб, безакларидаги қимматбахо тақинчоқлар ёруғлигида хонани ёритиб ўғирлик қиладилар”.

31. “Агар Кришна Ўзининг ножўя қилиғи устида қўлга тушиб қолса, уй эгаси Унга: “Вой ўғри-ей! - деб гапира бошласа, Кришна унга: “Ёлғон, Мен ўғри эмасман! Сен ўзинг ўғрисан!” - деб қичқиради. Баъзида эса Кришна уйимизга кириб, топ-тоза артиб, чиройли тахланиб тўшаб қўйилган жойларга сийиб, ахлат ташлаб кетади. Ҳозир эса, азизим Йашода мана шу безори сенинг олдинда худди бегуноҳ одобли боладай жилмайиб ўтирибди”.

Баъзида гопиларнинг барчаси шу ерда жилмайиб ўтирган Кришнага қарар, шунда Кришна гўё онаси энди Уни қаттиқ жазолашидан кўрққанга ўхшаб, кўзларида хавотир билан, нажот кутиб, раҳм қилишларини сўраб ялингандай, гопиларга чиройли термулиб қараб турарди. Кришнани жазоламоқчи бўлиб гопилар Унга қарар экан, Унинг кулиб турган жозибадор юзига қараган заҳоти жазолаш ўрнига Унинг бетакрор гўзал жамолига фақат тақрор ва тақрор қараб, илоҳий лаззатга ғарқ бўлардилар. Уларнинг бу ҳазилларига Йашода майин табассум билан жавоб берар, қалбида ўзининг илоҳий ширин жажжи ўғлини жазолашга заррача истак пайдо бўлмасди.

32. Бир куни Кришна Балорам ва подачиларнинг болалари, ўртоқлари билан ўйнаб юрганида, ҳамма болалар қўшилиб, Кришнани она Йашодага ёмонлаб бердилар. “Она, онажон, Кришна кесак еб ўтирибди!” - деди улар. 33. Кришнанинг ўртоқларидан бу гапни эшитиб, ҳаммаша Кришнанинг соғлигидан хавотир олиб безовта бўлиб юрадиган Йашода Унинг оғзини текшириб кўриш ва яхшилаб адабини бериб қўйиш учун Кришнани қўлига олди. Йашоданинг кўзларида кўрқинч акс этиб турарди, у ўғлига шундай деди:

34. “Кришна, азизим, нимага Сен шунақасан, ёлғиз қолган пайтингда қўлингга тушган нарсани дарров оғзингга соласан? Сенга нима етишмайди? Менга бу ҳақда Балорам билан бошқа болалар айтишди. Бунга нима деб жавоб берасан?”

35. Парвардигор Кришна шундай деди: “Азиз онажон, Мен ҳеч қачон кесак еганим йўқ. Ўртоқларимнинг ҳаммаси Менга ноҳақдан тухмат қиляптилар. Агар уларнинг гапларига ишонаётган бўлсанг, ўзинг оғзимни текшириб кўр, шунда Мен ҳақ эканимга ўзинг ишонч ҳосил қиласан!”

36. Йашода Кришнага шундай деб жавоб берди: “Майли, агар ростдан ҳам кесак емаган бўлсанг, оғзингни каттароқ оч!” Онасининг буйруғи билан Кришна, Нанда ва Йашоданинг эркатойи Ўзининг яна бир эрмаklarини намоён этиш учун худди оддий болалардай оғзини катта очди. Гарчи Худонинг Олий Шахси, барча бойликларга тўла Кришна онасининг оналик меҳр-мухаббатини безовта қилмаган бўлса ҳам, Унинг илоҳий бойлиги ўзидан-ўзи ошкор бўлган эди, чунки Кришнанинг илоҳий бойлиги ҳеч қачон ҳеч қаерга йўқолмайди, лекин фақат зарур бўлган пайтларда керак жойда намоён бўлади. 37-39. Йашоданинг илтимоси билан Кришна оғзини катта очганида онаси Унинг оғзида барча кўзғалувчан ва кўзғалмас тирик мавжудотларни, чексиз коинотни, барча тоғлар, материклар, Ер юзи, эсиб турган шамоллар, олов, Ой ва юлдузлар билан бирга оламнинг

хамма тарафини кўрди. У сайёралар тизимини, сувни, ёруғликни, ҳавони, осмонни, сохта ўзлик яратган моддий оламни кўрди. Шунингдек у Кришнанинг оғзида ақлни, сезгиларни, хиссиётга таъсир қиладиган нарсаларни ва уч сифат - эзгулик, эҳтирос ва ғафлатни кўрди. Тирик мавжудотларга ажратилган замон, табиий инстинктлар, карма оқибатлари, ҳар хил истаклар, кўзғалувчан ва кўзғалмас тана турлари ҳам бор эди. Бутун космик оламнинг ҳамма тарафини, ҳатто ўзини, Вриндавана-дхамани ҳам Ўғлининг оғзида кўриб, Йашода ҳайратга тушиб, фарзандининг табиатига гумонсираб, кўрқиб қолди.

40. Йашода ўзига шундай деди: “Бу ғаройиб бир тушимми ёки ташқи қувватнинг алдамчи ўйиними? Бу ҳол менинг ўзимда намоён бўляптими ёки Ўғлимнинг сеҳр қудратими? 41. Балки, ўз ихтиёримни бутунлай Худонинг Олий Шахсига топшириб қўйганим ва Унга эҳтиром билан сажда қилганим маъқулдир. Парвардигор инсон ақли, тафаккури ва ҳаракатлари чегарасидан ташқарида, бу космик оламнинг яралишига бошланғич сабаб бўлган баҳс-мунозара ва сўзлардан устун туради, Унинг қудрати билан бутун борлиқ яратилади, Унинг қудрати билан биз бу борлиқнинг мавжудлигини сеза оламиз. Яхшиси мен Унга чуқур эҳтиром билан сажда қиламан, чунки У менинг назаримдан, фикрларимдан ва мувоқабаларимдан устун бўлган Зотдир. У менинг барча дунёвий ишларимдан устун туради. 42. Худои Таолонинг алдамчи қуввати - майя таъсири остида мен адашганимдан Нанда Махараж - эрим, Кришна - менинг ўғлим, мен Нанда Махаражнинг маликаси бўлганим учун сигир ва бузоқларнинг ҳамма бойлиги - менинг мулким, барча подачилар ва уларнинг хотинлари - менинг қўл остидаги зотлар деб ўйлаб юрибман. Аслида мен - Худои Таолонинг мангу хизматкориман. Худои Таоло, Парвардигор - менинг охириг нажот маконимдир”.

43. Она Йашода Парвардигорнинг мархамати билан бу воқеага ўзича фалсафий баҳо бериб қўя қолди. Кейин олий ҳукмдор Ўзининг ички қуввати Йогомайя ёрдамида уни яна ўз Ўғлига чуқур оналик меҳри билан боғланишга мажбур қилди. 44. Кришнанинг оғзида бутун оламни намоён этиб, Йогомайя намоёиш этган алдашни шу заҳотиёқ эсидан чиқариб, она Йашода ҳеч нарса бўлмагандай, қалбида ўзининг илоҳий ўғлига аввалгидай кучли меҳр-муҳаббат туйғуси жўш уриб, Уни тиззасига ўтказди. 45. Худонинг Олий Шахсининг шон-шухратини уч Ведани, Упанишадларни, Санкхья-його фалсафасини ва Вайшнавларнинг бошқа муқаддас асарларини ўрганиш орқали англаб етиш мумкин, шунга қарамай Йашода Худонинг Олий Шахсини: “Менинг ўғлим!” деб олдиға олиб эркалаб ўтирарди.

46. Йашоданинг ана шундай буюк омадга эга бўлганини эшитиб, Махараж Парикшит Шукадева Госвамидан шундай деб сўради: “Эй билимдон браҳман, Худонинг Олий Шахси Йашода онанинг сунтини ичган. Худои Таолоға нисбатан ана шундай юксак даражадаги жазавали муҳаббат поғонасига эришиш учун улар аввалги ҳаётларида қандай савоб ишлар қилган эдилар? 47. Гарчи Кришна Васудева ва Девакидан шунча миннатдор, мамнун бўлиб, уларнинг ўғли бўлиб туғилган бўлса ҳам, улар Кришнанинг ажойиб болалик ўйинларини кўриб лаззатланмадилар. Бу ўйинлар шу қадар буюк, улуғворки, шунчаки улар ҳақидаги ҳикояларни тинглашнинг ўзиёқ бутун оламни моддий иллатлардан поклайди. Лекин Нанда Махараж

ва Йашода Кришнанинг ана шундай илоҳий ўйинларидан бевосита лаззатланиб юрганлар, шу боис уларнинг Худои Таоло олдидаги мартабаси Васудева ва Девакининг мартабасидан анча юқори туради”.

48. Тангри Браҳманинг амрини бажаришдан олдин Васуларнинг энг аълоси Дрона ва унинг хотини Дҳара Тангри Браҳмадан шундай деб сўрадилар.

49. Дрона ва Дҳара шундай дедилар: “Илтимос, бизларга ҳам Ер сайёрасида туғилишга рухсат бер! Бизлар Ер юзида пайдо бўлгандан кейин Худонинг Олий Шахси, ягона Парвардигор, Олий Хукмдор ва барча сайёраларнинг хўжайини ҳам Ер юзида пайдо бўлсин ва ҳар қандай ҳаёт шаклининг энг олий мақсади бўлган “Худоға садоқат билан хизмат қилиш” илмини бутун оламга тарқатсин. Моддий оламда туғилган ҳар бир одам Худоға садоқат билан хизмат қилиш усули ёрдамида ИНСОН деган буюк зот учун ачинарли, жирканч ҳолат бўлган дунёвий ҳаёт тутқунлигидан руҳий озодликка чиқсин!”

50. Тангри Браҳма: “Хўп, сизлар айтгандай бўлсин!” - деганидан сўнг Бҳагаванга тенг бўлган омадли Дрона Враджапур, Вриндаванда Нанда Махараж қиёфасида пайдо бўлди, унинг хотини Дҳара эса, она Йашода бўлиб туғилди. 51. Шундан сўнг, эй Махараж Парикшит, эй Бхаратлар аълоси, Худонинг Олий Шахси Нанда Махараж ва Йашоданинг ўғли бўлганида улар Худои Таолоға ота-она ва фарзанд расасида чуқур илоҳий муҳаббат ришталари билан боғландилар. Улар билан ҳамсуҳбат бўлган Вриндаваннинг бошқа авҳолиси - гопи ва гопаларнинг қалбида ҳам Кришна-бҳакти, Кришнаға муҳаббат туйғуси ривожланди. 52. Шундай қилиб, Худонинг Олий Шахси, Кришна Балорам билан биргаликда Тангри Браҳманинг башоратини, дуои-фотиҳасини амалға ошириш учун Враджабҳумида, Вриндаванда пайдо бўлдилар. Болалик даврида ҳар хил ўйинлар намоён этиб, Парвардигор Кришна Нанда ва Вриндаваннинг бошқа аҳолисининг бундан олаётган илоҳий лаззатларини чексиз кучайтириб юрди.

Тўққизинчи боб.

Йашода Кришнани боғлаб қўяди.

1-2. Шри Шукадева Госвами шундай деди: “Бир куни, она Йашода барча канизақлар ва хизматкорларнинг ҳаммаси хўжаликдаги ҳар хил ишлар билан банд эканини кўриб, ўзи катик чая бошлади. Қувида қатик чайар экан у Кришнанинг ҳар хил ширин қилиқларини эслаб, Унинг шўхликларини шарафлаб қўшиқ тўқиб, уларни ўзич секин хиргойи қилиб турарди. 3. Белига тортилган чиройли белбоғ устидан чиройли кизғиш-сарик рангли сари кийиб олган Йашода пишқакка ўралган ипни бор кучи билан ўзига тортиб, қуви чайарди. Берилиб ишлаётганидан унинг бутун танаси ҳаракат қилар, билагузук ва сирғалари бир маромда тебраниб, жаранглаб ўзига хос ёқимли товуш чиқариб турарди. Ширин боласига бўлган чексиз меҳр-муҳаббатдан унинг кўкси ҳамиша сутға тўлиб турарди. Чиройли кошлари безаб турган гўзал юзидан тер томчилари, коп-қора тўлқин сочларидан малати гуллари ерга тўкилиб турарди. 4. Шу пайт Йашода қатик чайиб турган жойда Парвардигор Шри Кришна пайдо бўлди, У она сундидан тўйиб ичмоқчи эди. Кришна онасининг жазавали

илоҳий лаззатини яна ҳам кучайтириш ниятида пишканинг ипларига ёпишиб олиб, ундан қатик чайишни бас қилишни талаб қила бошлади. 5. Кейин она Ҳашода Кришнани тиззасига ўтказди ва Унинг чиройли юзига бутун оналик меҳри билан лаззатланиб қарай бошлади. Боласига бўлган чексиз меҳр-мухаббати таъсири остида унинг кўксидан суг отилиб чиқа бошлади. Аммо, шу пайт бирдангина Ҳашоданинг кўзи ўчоқда турган қозондаги сутнинг тошиб кетаётганига тушиб қолди. У дарров тиззасидаги боласини ерга ташладида, сутни четга олиб қўйиш учун сакраб ўрнидан туриб кетди. 6. Бундан қаттиқ аччиғи чиққан Кришна йиғлаб қўлига илган биринчи тош билан бир уриб қатик солиниб турган кўзани чил-парчин қилди. Кейин хилват жойга бориб, кўзадан чиққан янги сариёғдан мазза қилиб ея бошлади. Она Ҳашода ўчоқдан сутни четга олиб, аввалги жойига қайтиб келди ва Кришнанинг қаергадир қўйиб бўлганини кўриб, чил-парчин бўлган кўза албатта Ундан чиққан қаромат бўлса керак деган қарорга келди.

8. Кришна эса тескари ағдариб қўйилган келининг устида ўтириб олиб, сариёғ, қатик сингари сугдан қилинган озиқ-овқатлар билан сахийлик қилиб шу ерга тўпланган маймунларни меҳмон қиларди, Ўзининг бу ишидан у жуда мамнун бўлиб лаззатланарди. Лекин бу қилмиши яхшиликка олиб келмаслигини билиб, Уни жазолаш учун онаси кўлига хипчин олиб албатта бу ерга келиб қолишидан кўрққанидан ҳадиксираб, У тез-тез ён-атрофига аланглаб кўярди. Ўғлини шундай аҳволда кўриб, она Ҳашода сездирмасдан секин Унинг орқасидан борди. 9. Онаси ҳақиқатан ҳам кўлига хипчин олиб Ўзи томонга келаётганини кўриб қолган Кришна кўза устидан сакраб тушди-да, гўё онасидан қаттиқ кўрқадигандай, ҳовли бўйлаб онасидан қоча бошлади. Она Ҳашода Уни қувлашга тушди: буюк йоғлар Парвардигордан таралаётган нурга қўшилиш ниятида Унга яқинлашмай қаттиқ риёзат ва мувоқабат берилиб қийналадилар. 10. Кришнани таъқиб қилар экан, Ҳашода оғир кўрқакларини кўтариб олган нозик беллари билан албатта тез чопа олмас эди. Кришнанинг изидан бор кучи билан чопганидан унинг сочлари тўзғиб кетган, сочларига қистирилган чамбаракнинг гуллари ерга сочилиб борарди. Лекин барибир у Ўғлини бир амаллаб ушлаб олди.

11. Ҳашоданинг кўлига тушган Кришна Ўзини бадтарроқ кўрққандай кўрсатар, Ўзининг қилган гуноҳига иқрор бўлиб ерга қараб турарди. Ҳашода Унинг юзига қараб, ўздан қаттиқ кўрққанидан ҳатто йиғлаб турганини кўрди. Жажжи Кришнанинг кўзларидан оқаётган ёш томчилари Унинг кўзларига суртилган қора сурма билан қўшилиб кетган, жажжи қўллари билан кўз ёшларини артиб шу бўёқни бутун юзига чаплаб ташлаган эди. Она Ҳашода ўзининг чиройда тенгсиз ўғлининг қўлидан ушлаб Уни аста қўйиб бошлади. 12. Кришнанинг аслида ким ва қанчалик қудратли эканини билмаган ҳолда она Ҳашоданинг қалби ҳамиша Кришнага нисбатан чуқур оналик меҳри билан лиммо-лим тўла эди. Кришнага нисбатан бўлган чуқур оналик меҳр-мухаббати, илик туйғулари таъсири остида Ҳашода ҳеч қачон ўзининг суюкли Ўғли аслида ким эканини ҳам билишга қизиқмаган эди. Шунинг учун у ҳозир ўғли ўздан қаттиқ кўрқиб турганини кўрганида, қўлидаги хипчинни четга улоқтириб ташлади-да, Кришна яна

бошқа бирор қилиқ кўрсатмасин деб, Уни боғлаб қўйишга қарор қилди.

13-14. Худонинг Олий Шахсининг бошланиши ва ниҳояси йўқ. Унинг учун ички ва ташқи деган тушунчалар ҳам мавжуд эмас. Шунингдек Унинг олдида ҳам ороотида ҳам ҳеч нарса йўқ. Бошқача қилиб айтганда, У - ҳамма ерга сингиб кетган. У вақт таъсирига берилмагани сабабли Унинг учун ўтмиш, ҳозир ва келажак орасида ҳам ҳеч қандай фарқ йўқ. У Ўзининг шахсий илоҳий қиёфасида ҳамиша, мангу мавжуд. Ҳар қандай нисбийлик тушунчасидан устун Мутлақ Ҳақиқат бўлган ҳолда Ўзи бутун борлиқнинг ҳам сабаби, ҳам оқибати бўлишига қарамай, У ҳар қандай сабаб ва оқибат таъсирларидан озод. Ҳиссиёт, сезгилар билан сезиб бўлмайдиган мана шу намоён онасининг олдида турар, она Ҳашода эса, Уни ўзининг ўғли деб ўйлаб, ёғоч кели(ҳовонча)га арқон билан боғлаб қўйишга қарор қилган эди. 15. Ҳашода ўзининг тиниб-тинчимас ширин боласини боғламоқчи бўлиб қараса, олиб келган арқони Уни боғлаш учун икки бармоқ қалталиқ қиляпти. У уйдан яна битта узун арқон олиб чиқди ва уни аввалги арқонга қўшиб боғлаб арқонни узайтирди. 16. Аммо, Кришнани боғлай бошлаганида бу арқон ҳам аввалгидай икки бармоқ қалталиқ қилиб қолди, Ҳашода учинчи арқонни олиб чиқиб, аввалги арқонларга қўшди, лекин барибир Кришнани боғлашга келганда арқон яна икки бармоқ етмай қолди. Ҳашода уйдан қанча арқон олиб чиқмасин, барибир улар Кришнани боғлашга аввалгидай икки бармоқ қалталиқ қилаверарди. 17. Шундай қилиб, Ҳашода уйда бор арқонларнинг ҳаммасини бир-бирига қўшиб жуда узун арқон қилди, лекин барибир унинг барча уринишлари бирор натижа бермади. Ҳашоданинг ишини кузатиб турган дугоналари, қўшни гопилар бу ғаройиб, мўъжизавий ҳазилдан лаззатланиб қулардилар. Улар сингари Ҳашоданинг ўзи ҳам, гарчи уринавериш роса чарчаган бўлса ҳам, бу ҳайратли ишидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб қуларди. Уларнинг ҳаммаси ҳайрон эди. 18. Шунча уринганидан Ҳашоданинг бутун вужуди терлаб пишиб кетган, сочиға қистириб қўйган гулчамбари, тароғи сирпаниб ерга тушиб кетган эди. Кришна онасининг жуда қийналиб кетганини кўриб, унга жуда раҳми келиб кетди, кейин унга Ўзини боғлаш имконини берди.

19. Эй Махараж Парикшит, бу бутун олам ундаги Тангри Браҳма, Тангри Шива ва Индра сингари буюк, улўғвор фаришталар билан бирга Худонинг Олий Шахсининг ҳукми остида жойлашган. Лекин шунга қарамай Парвардигорнинг шундай бир илоҳий фазилати бор: У Ўзининг содиқларига бўйсунди. Парвардигорнинг ана шу фазилати Кришнанинг мана шу ўйинида намоён бўлди. 20. На Тангри Браҳма, на Тангри Шива, ҳатто Худои Таолонинг мангу рафиқаси бўлган на равнақ фариштаси озодлик бағишлайдиган Худо Шахсининг Ўз онасига кўрсатаётган мана шу буюк марҳамати сингари марҳаматига ҳеч қачон сазовор бўлмаганлар. 21. Худонинг Олий Шахсига, она Ҳашоданинг Ўғли Парвардигор Кришнага фақат Унга табиий равишда ихлос билан хизмат қилиб юрган содиқларгина осонлик билан яқинлаша оладилар, лекин ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган одамлар, шунингдек билимдон-файласуфлар ва ўзига бино қўйган йоғлар Унга ҳеч қачон яқинлаша олмайдилар.

22. Йашода она уй ишлари билан машғул бўлиб юрар экан, Худои Таоло, Парвардигор Кришнанинг ҳовлида ўсиб турган йамала-аржун деган иккита катта дарактга кўзи тушди. Бу дарактлар аввалги даврда фаришта танасида, Куверанинг ўғиллари бўлган эдилар. 23. Аввалги ҳаётида Налакувера ва Манигрива деган бу икки ўғил бой-бадавлат, жуда омадли бўлган зотлар эди. Аммо, манманлиги ва димоғдорлиги сабабли улар ҳеч кимни писанд қилмасдилар, шу боис буюк донишманд Нарада Муни уларни дуои-бад қилиб, “Илоё даракт бўлиб туғилгайсизлар!” - деб қарғаган эди.

Ўнинчи боб. Йамала-аржуна дарактларини озодликка чиқариш.

1. Махараж Парикшит шундай деди: “Эй бҳагаван, нима сабабдан Налакувера ва Манигрива донишманд Нарада Мунининг қарғишига учраган эдилар? Улар қандай жирканч иш қилган эдиларки, ҳатто Нарада Мунидай буюк донишманднинг жаҳли чиқиб уларни дуои-бад қилишгача бориб етган? Илтмос, менга шу ҳақда гапириб бер!”

2-3. Шри Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шоҳ Парикшит, Кувера Тангри Шива билан қалин дўст бўлгани туфайли унинг икки ўғли катта обрўга эга зотлар бўлиб, бундан жуда мағрурланар эдилар. Уларга Кайлас тоғи ён бағридаги Мандакини дарёси бўйларида ҳам сайр қилиш ҳуқуқи берилган эди. Шундай буюк имкониятдан фойдаланиб, улар Варуни деган шаробдан ичиб лаззатланиб юрардилар. Ўзларини олқишлаб кўшиқ куйлаб юрган чиройли аёллар даврасида кўзлари мастликдан қизариб, бу икки ақлсиз манман фаришта шу ердаги гулзорда сайр қилиб юрарди. Мандакини Ганга дарёсининг тиниқ сувларида, нилуфар гулларининг орасида Куверанинг икки ўғли, худди сувда урғочи филлар билан ўйнаб юрган эркак фил сингари чиройли ёш қизлар билан бирга лаззатланиб ўйнаб юрардилар. 5. Эй Курулар авлоди, йигитлар учун жуда ажойиб, лаззатли дамлар бўлган шундай кунларнинг бирида фаришталар орасида донишманд зот Нарада Муни тақдир тақозоси билан шу ерларга яқин жойдан ўтиб қолди. Уларнинг май таъсирида маст эканини, фаросатсиз, беҳаё нигоҳини кўриб, Нарада Муни улар ҳозир қандай тушкун ҳолатда эканини дарров англади. 6. Нарада Мунини кўрган заҳоти ёш қизлар таналари яланғоч бўлганидан уялиб кетдилар ва қарғишга учрашдан кўркиб апил-тапил кийиниб олдилар. Аммо, Куверанинг икки ўғли эса, таналари яланғоч бўлишига қарамай, буюк донишманд Нарада Мунига ҳатто эътибор ҳам бермадилар. 7. Фаришталар май таъсирида маст, бойлиги ва манманлиги туфайли қалби кўр эканини кўриб, уларга ачинганидан буюк донишманд ўзининг чексиз марҳаматини кўрсатиб уларни дуои-бад қилди.

8. Нарада Муни шундай деди: “Тўрт турли моддий фаровонликдан - гўзаллик, билимдонлик ва олий мартабага қараганда бойлик, мол-дунё одам ақли учун жуда хавфли ҳисобланади. Илми, маълумоти бўлмаган ғофил одам бой-бадавлат бўлса, мағрурланиб ўзининг бутун бойлигини шаробга, қиморга ва аёлларга сарфлайди. 9. Ўзининг ҳиссиётини, нафсини жиловлай

олмаган, лекин бойлиги, эгаллаб турган лавозими, обрўси билан аҳмоқларча мағрурланадиган қаллоблар шу қадар бешафқат бўладиларки, ўзларининг ўткинчи танасини таъминлаш, лаззатлантириш учун нафсининг кули бўлиб беозор ҳайвонларни аямасдан ёвузларча ўлдирадилар, ўзларича ҳозирги танасини ҳеч қачон кексаймайди, ўлмайди деб биладилар. 10. Тирик мавжудот ўзини бу дунёда катта одам, вазир, шоҳ ёки ҳатто фаришта деб ҳисоблаб, қанчалик гердаямасин, ўлганидан кейин унинг танасидан ё қурт-кумурскалар, ё сассиқ ахлат, ё бир қисм кул қолади. Агар одам ана шу ўткинчи танасини таъминлаш, яъни нафси учун беозор ҳайвонларни ваҳшийларча ўлдирадиган бўлса, демак у кейинги ҳаётида оғир азоб-уқубатларга дучор бўлишини билмайди, ваҳоланки, гуноҳкор одам албатта дўзахга равона бўлиб, ўзи қилган гуноҳлари сабабли у жойда жуда оғир қийноқларга мубтало бўлади. 11. Токи тана тирик экан, бу тана кимники, аслида бу тананинг ҳақиқий эгаси ким - ҳақиқий “мен”ми, отасими, онасими, ёки бобосими? Ёки бу тана уни куч билан олиб кетадиган зотникими, уни сотиб оладиган кулдорникими, куни билан ишлатадиган хукмдорникими, ўлганда ёқиб юборадиган дафн қиладиган ўғилларникими? Ёки, агар дафн маросимида тана ёқиб юборилмайдиган бўлса, уни еб кетадиган итларникими? Танага даъвогар бўлган шунча зотлар ичида аслида ким тананинг ҳақиқий эгаси бўлади? 12. Бунинг устига, бу тана мавҳумликдан пайдо бўлган, у бироз вақт ичида мавжуд бўлиб туради ва яна йўқликка маҳкум бўлади. Шунинг учун аслида бу тана ҳеч кимники эмас, яъни ҳамманинг умумий мулки ҳисобланади. Шунга қарамай, ғофил одамлар моддий, ўткинчи танасини “меники” деб, унинг нафсини қондириш учун бечора ҳайвонларни сўйиб ўлдирадилар. 13. Ўзининг ўткинчи бойлиги туфайли кўзларини ёғ босган ғофил одамлар ҳаёт ҳақидаги ҳақиқатни кўра олмайдилар. Шу боис, уларнинг кўзини очишнинг энг яхши давоси - уларни яна ночор, камбағал аҳволга солиб қўйишдир. Чунки камбағал, лекин фаросатли одам бахтсизлик нима эканини яхши билади ва бошқаларга бахтсизлик келтиришни истамайди. 14. Бир марта қўлига тикон кирган одам озор чекиб, оғриқ нима эканини тушуниб етади. Ҳар бир тикон кирган одам ҳам албатта худди шундай озор чекишини англаб етгандан кейин у бошқаларга озор беришни истамайди. 15. Камбағал, ночор одамнинг риёзати ҳақиқий, мукаммал риёзатдир. Бу дунёда у фақат тақдирга ўзидан-ўзи келадиган насибага шукур этиб, ҳаётидан қаноатланиб яшайди. Камбағал одам ўзидан-ўзи сохта манманлик ва сохта ўзлик иллатидан халос бўлади. 16. Ҳамиша қорни овқатга тўймай оч юрган одам кун ўтган сайин заифлашиб боради. Илонларга ўхшаган тиниб-тинчимас, тўймас ҳиссиёти ҳам тобора ожизлаша боради, қалбида бошқаларга бўлган ҳасад туйғуси ҳам аста-секин сусайиб, бутунлай йўқка чиқади. 17. Авлиё одамлар камбағал одамлар билан бемалол ҳамсуҳбат бўла оладилар, лекин донишмандларнинг бой-бадавлат одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиши кийин. Камбағал одам авлиё одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш натижасида дунёвий нарсаларга қизиқиши камаяди, қалби моддий иллатлардан покланади. 18. Авлиё зотлар суканинг йигирма тўрт соати мобайнида Мукунда, инсонни рухий озодликка чиқарувчи Парвардигор ҳақида ўйлаб юрадилар. Ҳаётда уларни бошқа бирор нарса

кизиқтирмайди. Шундай экан нимага одамлар ана шундай улуғвор зотлар билан ҳамсухбат бўлишни инкор этиб, бойлигидан гердайиб юрган дунёвий, манман одамлар билан ҳамсухбат бўлишга интилиши керак? 19. Шунинг учун, фаришталарнинг бойлиги ва манманлигидан кўзлари кўр бўлиб, Варуна шаробидан ичиб маст бўлиб қолган, париваш аёллар билан айшу-ишратга берилган бу икки зотни ҳалокатли димоғдорлик, манманлик иллатидан даъволаганим бўлсин! 20-22. Бу икки ёш йигит, Налакувара ва Манигрива, омади келиб буюк фаришта Куверанинг ўғиллари бўлиб туғилган, аммо мастлиги сабабли манманлик ва ақлсизликка берилиб, шу қадар пасткашликка тушиб, тубанликка юз туганларки, ўзларининг яланғоч ҳолда эканини ҳам англамай қолганлар. Модомики, улар худди дарахтлар сингари яланғоч юрган экан, улар дарахт танасига эга бўлишлари керак. Мана шу уларга муносиб жазо бўлади. Аммо, улар дарахтга айланганидан кейин, то руҳий озодликка чиққунча ўзларининг аввалги гуноҳларини эслаб, пушаймон бўлиб тавба-газару қилиб турадилар. Бунинг устига фаришталарнинг хисоби билан орадан юз йил ўтгандан кейин улар Васудевани, Худонинг Олий Шахси билан юзма-юз учрашиш имкониятига эга бўладилар ва шу тариқа ўзларининг аввалги Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳолатига қайтадилар”.

23. Шри Шукхедева Госвами давом этди: “Шу гапларни айтиб, фаришталар ичида донишманд зот Нарада Муни, бу ерни тарк этиб, Нарайана-ашрамга қайтиб кетди, Налакувара ва Манигрива эса бир жуфт аржун дарахтларига айланди. 24. Буюк донишманд ва Худонинг содиқ хизматкорининг башоратини амалга ошириш учун Худонинг Олий Шахси, Хари Ўзи боғланган ҳовончани судраб, иккита йамала-аржун дарахти ўсиб турган жойга яқин борди.

25. “Бу икки ёш йигит - бадавлат бойвачча Куверанинг ўғиллари, гарчи Менинг содиқларим бўлмаса ҳам, буюк донишманд Нарада Муни Мен учун жуда азиз, у мана шу икки йигитнинг Мен билан юзма-юз учрашишини истагани учун Мен унинг истагани албатта амалга ошираман”. 26. Шу гапларни хаёлидан ўтказиб, Парвардигор Кришна икки аржун дарахти орасидан ўтди, лекин арқон билан Ўзига боғланиб қўйилган катта кели(ҳовонча) дарахтлар орасига сўймай, уларга тиралиб қолди. 27. Қорнига боғланган ҳовончани тортиб, жажжи Кришна дарахтларни томири билан ердан кўпориб олди. Парвардигорнинг буюк қудрати билан бу икки дарахт таг-томири, шохалари, барглари билан бирга титраб, даҳшатли товуш чиқариб, гурсиллаб ерга қулади. 28. Кейин, дарахт қулаган жойда ўзидан худди оловдай порлаб нур сочиб турган икки мукамал зот пайдо бўлди. Уларнинг ғафлат гунасида пок гўзаллигидан таралиб турган ёғду чор атрофини ёритиб юборди. Парвардигор Кришна олдида бош эгиб сажда қилиб, қўлларини қовуштириб улар Кришнага шундай дедилар:

29. “Эй Парвардигор Кришна, Сен барча сеҳр илмининг устозисан. Сен - бутун борлиқнинг илдизисан, Сен - Пурушасан, Сен бу моддий оламдан, ҳар қандай моддийликдан устун турасан. Билимдон браҳманлар бу нафис ва кўпол моддий олам Сенинг киёфаларинг эканини яхши билдилар. 30-31. Сен - Худонинг Олий Шахсисан, бутун оламнинг ягона ҳукмдорисан. Ҳар бир тирик мавжудотнинг танаси,

хаёти, ўзлиги ва хиссиёти - Сенинг Ўзлинг, ҳақиқий “Мен”ингдир. Сен - ҳамма ерга сингиб кетган, ҳеч қачон ўзгармас ҳукмдор Парвардигор Вишнусан. Сен - Замона зайлисан, бевосита сабабсан, Сен - уч гунадан таркиб топган моддий табиатсан. Сен - бутун борлиқнинг бошланғич сабабисан. Сен - Олий Рухсан, шу боис Сен ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбидаги сирларни, яширин фикрларини яхши биласан. 32. Эй азиз Худойим, Сен борлиқ яралишидан аввал ҳам мавжуд эдинг. Шундай экан, моддий табиат гуналари чангалига тушиб қолган зотларнинг қайси бири Сени тушуна оларди? 33. Эй азиз Худойим, Сенинг чексиз шухратингни Ўзингнинг қувватинг яшириб туради, Сен - Худонинг Олий Шахсисан. Сен бутун борлиқнинг манбаи бўлган Санкаршанасан, Сен - чатур-вайуха(гўрттала экспансия)нинг манбаи бўлган Васудевасан. Бутун борлиқ, Парабрахман Ўзинг бўлганинг туфайли бизлар Сенга чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз. 34-35. Ҳар хил таналарда намоён бўлиб, чексиз ҳокимлик ва қудратингни намоён этиб, Сен бу дунёда ҳеч ким қодир бўлмаган машхур, тенгсиз, илоҳий кароматларни кўрсатасан. Шу боис Сенинг бу илоҳий таналаринг моддий унсурлардан таркиб топмаган - улар Сенинг Олий Шахсининг тимсолларидир. Сен - ҳозир бу моддий оламдаги барча тирик мавжудотларнинг бахт-саодатини ўйлаб Ўзининг барча қувватлари билан Ер юзидан намоён бўлган ягона Парвардигор, қудратли Худои Таолосан. 36. Эй барчага энг олий даражада саховат келтирувчи Зот, Сен бизларга нима қилсанг ҳам бизлар Сенга чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз. Эй Йадаввалар сулоласининг энг машхур авлоди ва қудратли ҳукмдори, эй Васудеванинг ўғли, эй энг осойишта, хотиржам Зот, Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қилишга рухсат бер!

37. Эй коинотнинг энг буюк киёфаси, бизлар - Сенинг содиқ хизматкорларингнинг, айниқса Нарада Мунининг мангу хизматкори бўламиз. Ана шу содиқ хизматкорингнинг маҳрибонлиги ва бесабаб марҳамати билан бизлар Сени кўриш бахтига муяссар бўлиб турибмиз. Энди бизларга ўз уйимизга қайтишга рухсат бер! 38. Ҳозирдан бошлаб бизларнинг нутқимиз ҳаммиша фақат Сенинг эрмакларинг ҳақида гапирсин, қулқуларимиз фақат Сенинг шон-шухратинг ҳақида тингласин, қўлларимиз, оёқларимиз ва бошқа аъзоларимиз Сен истаган, Сени мамнун қиладиган ишлар билан машғул бўлсин, ақлимиз фақат Сенинг нилуфар қадамларинг пойи ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрсин. Бошимиз бу дунёдаги ҳамма нарса олдида саждага эгилиб юрсин, чунки ҳамма нарса аслида Сенинг ҳар хил киёфаларингдир, бизнинг кўзларимиз фақат Сендан фарқ қилмайдиган, ҳеч қачон Сенсиз бўлмайдиган вайшнавларни кўриб юрсин!”.

39. Шукхедева Госвами шундай деди: “Икки ёш фаришта шу тариқа Парвардигорга илтижо қилдилар. Гарчи Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна бутун борлиқнинг, шу жумладан Гокуланинг ҳам ҳукмдори бўлишига қарамай, У ёғоч ҳовончага Ўзини чексиз муҳаббат билан севадиган гопиларнинг муҳаббат арқон(ришта)лари билан боғлаб қўйилган эди, шу боис жилмайиб туриб, фаришталарга қараб гапира бошлади.

40. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Буюк донишманд Нарада Муни сизларга ўзининг чексиз марҳаматини кўрсатди. Дуои-бад қилиб у сизларнинг икковингизни ҳам руҳий озодликка чиқарди. Сизлар

дунёвий бойликларингиздан гердайиб, бутунлай кўр бўлиб қолган эдинглар. Гарчи сизлар бундай тубан умрга, яъни кўзгалмас дарахт танасида туришга Сварголокадан қулаган бўлсанглар ҳам, Нарада Мунининг шарофати билан сизларга чексиз омад кулиб бокди. Мен аввал бошдан сизларнинг тарихингизни яхши биламан. 41. Куёш чиққандан кейин кўрадиган кўз учун қоронғу зулмат қолмайди. Худди шундай, инсон умрида Менга садоқат билан хизмат қилиб юрган авлиё одамни учратганида ўзининг барча дунёвий иллатларидан халос бўлиб, покланади. 42. Эй Налакувара ва Манигрива, энди сизлар мангу уйингизга қайтишларингиз мумкин. Ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишда банд бўлишни истаётган экансизлар, қалбингизда Менга нисбатан муҳаббат уйғотиш истагингиз албатта рўёбга чиқади, энди сизлар ҳеч қачон жаҳолат, ғофиллик ботқоғига ботиб кетмайсизлар”.

43. Шукадева Госвами шундай деди: “Бу гапларни эшитиб, икки фаришта эҳтиром билан ҳовончага боғлаб кўйилган Парвардигорнинг атрофини айланиб ўтдилар ва Унга такрор-такрор сажда қилдилар. Кейин, Парвардигорнинг рухсати билан мангу уйига қайтиб кетдилар.

Ўн биринчи боб.

Кришнанинг болаликдаги шўхликлари.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй Курулар сулоласининг буюк фарзанди, икки катта Йамала-аржуна дарахти ерга қулаб тушганида чиққан даҳшатли шовқинни эшитиб, Нанда Махараж бошлиқ барча подачилар дарров шу ерга тўпландилар. 2. Улар ерда ётган икки катта дарахтни кўрдилар, лекин нима сабабдан улар ерга қулаб тушганини сира тушуна олмасдилар. 3. “Кришна ҳовончага боғланган эди, У ҳовончани судраб ҳовлига чиққан. Лекин У қандай қилиб бу катта дарахтларни қулатиши мумкин? Аслида уларни ким қулатган? Бу мўъжизанинг асл сабаби нимада?” Шуларни ўйлаб подачилар хайрон бўлиб бири-бирига қараб турардилар.

4. Шунда шу ерга яқин жойда юрган болалар гапира бошладилар: “Буни Кришна қилди. У икки дарахт орасидан ўтганида, ҳовонча дарахтлар орасига сиғмай, тиралиб қолди. Кришна ҳовончани қаттиқ торта бошлади, шунда бирданига дарахтлар ерга қулаб тушди. Шундан сўнг дарахтлар ичидан ўзидан порлоқ нур таратиб турган икки чиройли киши чиқди. Биз уларни ўз кўзимиз билан кўрдик”.

5. Чукур ота-оналик меҳри билан Кришнага қаттиқ боғланиб қолган подачиларнинг кўпчилиги жажжи Кришна бу икки катта дарахтни йиқитганига ишонмадилар. Шу боис улар болаларнинг гапларига унчалик эътибор бермадилар. Лекин подачилардан баъзилари Гаргамунининг башоратларини эслаб шубҳалана бошладилар. 6. Ҳовончага аркон билан боғланган Ўғлининг уни ҳалигача судраб юрганни кўрган Нанда Махараж қулимсираб Ўғли боғланган арконларни еча бошлади.

7. Шукадева Госвами шундай деди: “Гарчи Кришна Бҳагаван, Худонинг Олий Шахси бўлса ҳам, У худди кишлоқдаги гопиларнинг кўлидаги кўғирчоқдай уларга бўйсуниб рақсга тушар, кўшиқлар кўйлар эди. 8. Баъзан гопилар Унга: “Уни олиб кел!”, “Буни обориб кўй!” -

деб буйруқ берарди. Баъзида улар Унга ёғоч ўтиргични олиб келишни, қавуш ёки кўза олиб келишни буюрар, Кришна эса итоаткорлик билан уларнинг айтганларини қиларди. Вақти-вақти билан қариндошларининг кулгисини кисташ учун Кришна Ўзининг кўкрагига муштлаб, гердайиб кўярди. 9. Унинг ҳатти-ҳаракатларини тушуна оладиган зотлар учун ҳозир Парвардигор Кришна қандай қилиб Худонинг Олий Шахси Ўзини бутунлай Ўзининг содик хизматкорларининг ихтиёрига топширишини кўрсатар эди. Шу тариқа У Ўзининг болалик шўхликлари билан Вражабасиларнинг илоҳий лаззатларини тобора кучайтирарди. 10. Бир куни кўчадан мева сотувчи аёл қичкириб ўтиб қолди: “Ширин мевалар келди, ҳой Вражабҳуми аҳолиси ширин меваларга келинглар!” Унинг овозини эшитиб, Кришна кўлига бироз дон олдида уни мевага алмашиш учун сотувчининг олдига чопди. 11. Кришна мева сотувчининг олдига боргунча кўлидаги доннинг деярли ҳаммасини сочиб бўлган эди. Аммо, Унинг жамолига маҳлиё бўлган сотувчи аёл Кришнанинг кўлларини тўлдириб мева берди. Шу заҳотиёқ мева сотувчининг савати олтин ва бошқа қимматбаҳо тақинчоқлар билан тўлиб кетди.

12. Аржун дарахтлари томири билан кўпорилгандан анча вақт ўтгандан кейин, бир куни дарё бўйига кетган Рама ва Кришнани уйга чақириш учун Рохини айвонга чиқди. Болалар бошқа болалар билан ўйинга қаттиқ берилиб кетган эдилар. 13. Ўйинга қаттиқ киришиб кетгани сабабли улар онаси Рохинининг қақирганига эътибор ҳам бермай, ўйинни давом эттиравердилар. Шунинг учун Рохини Уларни чақиришни Йашодадан илтимос қилди, чунки Йашода Кришна ва Балорамни ундан кўра кўпроқ эркаларди. 14. Кришна билан Балорам эса, ўйинга берилиб кетиб, аввалгидай бепарво ўйинни давом эттирдилар. Она Йашода уларни овқатлангани уйига чақирарди. Ўғилларига бўлган чексиз оналик меҳри туфайли унинг кўксидан беихтиёр суг оқиб кетди.

15. Она Йашода шундай деди: “Кришна, ҳой Кришна, ҳой нилуфаркўзли азиз болажомин, тезроқ бу ёққа кел, мен Сенга суг бермоқчиман. Шунча ўйнаганинг етар, балки жуда чарагандирсан, Ўғилгинам! 16. Азизим Балорам, ҳой оиламизнинг лаззати, илтимос, тезроқ бу ёққа кел, Кришнани ҳам Ўзинг билан бирга олиб тезроқ кел! Икковингиз ҳам эртадан бери ҳеч нарса емадинглар, қоринларинг жуда оч бўлгандир? 17. Ваджа шоҳи Нанда Махараж анчадан бери овқатмоқчи бўлиб ўтирибди. Азизим Балорам у фақат сизларнинг келишингизни кутиб ўтирибди. Шунинг учун тезроқ келиб бизларни қувонтиринглар. Бошқа болалар ҳам уйларига борсинлар! 18. Ҳой азиз ўғлим Кришна, қара, усти-бошинг бутунлай лойга булғаниб қолибди. Тезроқ бери кел, ҳали Сени яхшилаб ювинтириш керак. Ахир бутун Сенинг туғилган кунинг-ку! Шунинг учун Сен бутун ювиниб покланишинг, брахманларга сигирлар эҳсон қилишинг керак. 19. Қара, Сенинг ўртоқларинг усти-боши қандай тоза бўлиб юрибдилар, қандай чиройли тақинчоқлар тақиб олганлар. Сен ҳам ювиниб, овқатланиб чиройли кийимларингни кийиб олишинг керак. Кейин яна ўйнагани борасан”.

20. Эй шоҳ, чукур меҳр-муҳаббат ришталари билан қаттиқ боғлангани сабабли Йашода камолот чўққиси бўлган Парвардигор Кришнани ўзининг жонажон ўғли деб ҳисобларди. Шундай қилиб, у Ачюта ва Раманинг

кўлларида етаклаб, уйга олиб келди, оналик бурчини адо этиб, Уларни яхшилаб ювинтирди, кийинтириб коринларини тўйғазди.

21. Шри Шукадева Госвами шундай деди: “Бир куни, Брихадванада кейинги пайтларда тез-тез рўй бераётган ҳар хил ғалати воқеаларни кўриб, қишлоқнинг Нанда Махараж бошлиқ ёши катта подачилари бир жойга тўпландилар ва бундан кейин бундай хавф-хатарлардан қутулиш учун нима қилиш кераклигини муҳокама қила бошладилар. 22. Шу мажлисда ёши ва илми билан ҳамма подачилардан устун бўлган, замон, макон ва вазиятга қараб ҳар қандай қийин аҳволда тўғри йўл тута оладиган Упананда деган подачи Рама ва Кришнанинг саодатини ўйлаб подачиларга шундай тақлиф киритди.

23. Шри Упананда шундай деди: “Эй азиз подачи дўстларим, агар бизлар мана шу замин - Гокулага яхшилик қилмоқчи бўлсак - уни тарк этиб кетишимиз лозим, чунки бу ерда ҳамиша ҳар хил сирли воқеалар Рама ва Кришнанинг ҳаётига тажовуз қилиб турибди. 24. Жажжи Кришна фақат Худонинг Олий Шахси Харининг хоҳиши, Унга кўрсатаётган чексиз марҳамати билангина қандайдир йўллар билан Уни ўлдирмоқчи бўлган Ракшасининг кўлидан қутулиб кетди. Кейин, бу болақайни араванинг тагида қолиб кетишдан ҳам Худои Таолонинг Ўзи асраб қолди. 25. Шундан кейин, кучли қуон бу жажжи болақайни даҳшатли баланд осмонга кўтарди, аммо қуон-иблиснинг ўзи катта харсанг тош устига қулаб жон берди. Парвардигор Вишнунинг марҳамати билан болақай яна соғ-саломат қолди. 26. Яна бир марта болалар икки катта дарахт соясида ўйнаб юрардилар, дарахтлар сирли равишда гурсиллаб ерга қулаганида, бахтимизга бирор бола уларнинг остида қолиб халокатга учрамади. Буни ҳам Худонинг Олий Шахсининг бизларга кўрсатган марҳамати деб қабул қилиш керак. 27. Қандайдир бир иблис Враджага ташвиш келтириб юрибди. Бизлар оиламиз билан бирга бу ерни тарк этиб, болаларнинг келажагини ўйлаб бошқа бирор яхшироқ жой излашимиз керак. 28. Нандешвара ва Махавана орасида Вриндаван(Вринда ўрмони) деган жой бор. Ана шу жой бизларга жуда мос келади. У ерда молларимиз учун мўл ем-хашак, ажойиб боғлар ва баланд тоғлар бор. У ерда подачилар ва уларнинг оиласи роҳатланиб кун кечириши учун ҳамма нарса етарли. 29. Шунинг учун шу бугуноқ ўша жойга кўчиб ўтишимиз лозим. Агар сизлар менинг фикримга қўшилсанглар, ҳўкиз араваларингизни тўпланглар, сизларнингизни ҳайданглар, биз ҳозироқ йўлга тушамиз!”

30. Упананданинг бу тақлифини эшитган подачилар бир овоздан уни кўллаб қувватладилар: “Хўп бўлади, ажойиб тақлиф!” - деди улар. Шундай қилиб, улар уйли-уйларига тарқалиб, кийим-кечак ва уй анжомларини ҳўкиз қўшилган аравага юкладилар ва шу куниёқ йўлга тушдилар. 31-32. Барча қарияларни, аёлларни, ёш болаларни ҳамда уй анжомларини аравага чиқариб, сизларнингизни олдига солиб ҳайдаб, подачилар пайкон ва камонларини елкасига осиб, сурларини чалиб юбордилар. Эй шох, шу тариқа баланд сур овозлари жаранги остида, руҳоний брахманлар ҳамроҳлигида подачилар йўлга тушдилар. 33. Аравада ўтирган гопилар жуда чиройли либослар кийиб олган эдилар. Уларнинг кийимлари жуда чиройли бўлиб, қоматлари, айниқса бўлиқ кўкраклари жуда келишган, янги

туюлган курукма сурилган эди. Уларнинг елкаларини чиройли қалин қора сочлари тўлдириб турарди. Йўл давомида улар чуқур лаззат билан Шри Кришнанинг болаликдаги шўх қилиқлари ҳақида гапиришиб бордилар. 34. Араваларнинг бирида ўтирган Йашода ва Роҳини Кришна билан Рамани кучоқлаб олган, Улар ҳақидаги қўшиқларни қуйлаб лаззатланиб борардилар. Шу тариқа аравалар карвонининг бориши жуда ғаройиб кўринарди. 35. Йилнинг ҳамма фаслида ҳам яшаш учун бирдай қулай бўлган Вриндаванга кириб келгандан кейин, Враджа аҳолиси араваларни ёй шаклида қаторлаштириб қўйиб, ўзларига вақтинчалик бошпана кура бошладилар. 36. Эй шох Парикшит, Кришна ва Балорам Вриндаванни, Говардхана тепалигини, Йамуна қирғоқларини кўрганларида жуда мамнун бўлиб қувониб кетдилар.

37. Шукадева Госвами шундай деди: “Рама ва Кришна ёш болалардай шўх қилиқлар кўрсатиб, дудуқланиб, сўзларни болаларча чиройли талаффуз қилиш билан бутун Враджа аҳолисига чексиз илоҳий лаззат бағишлардилар. Вақт ўтиб борарди, Улар энди анча каттайиб қолган бўлиб, бемалол бузоқларга қараб юрса бўларди. 38. Энди Балорам билан Кришна уйларига яқин жойларда бошқа подачи болалар билан биргаликда бузоқларни ўтлагани олиб чиқиб, ҳар хил ўйинлар ўйнай бошладилар. 39-40. Баъзида Кришна ва Рама найда ҳар хил қуйлар чалар, баъзида кичик тошларни узоқларга отар, баъзида оёқларидаги кўнғироқчаларини жанглатиб, бел ва амалаки дарахтларининг меваларини коптоқ қилиб, ўртоқлари билан ўйнардилар. Улар бошларига попук қўйиб, сигир ва ҳўкизларга тақлид қилиб, баланд овозда “ҳмм”лашиб бир-бири билан жанг қилар, баъзида ўрмон ҳайвонлари сингари овоз чиқариб кичқирардилар. Шу тариқа Улар худди оддий қишлоқ болалари сингари ҳар хил ўйинлар ўйнаб лаззатланиб юрардилар.

41. Бир куни, Рама билан Кришна дўстлари билан биргаликда Йамуна дарёсининг қирғоғида бузоқларини боқиб юганида, шу ерга Уларни ўлдиришни ният қилиб юрган яна бир иблис келди. 42. Худонинг Олий Шахси, Хари иблиснинг бузоқ қиёфаси(ватса-рупа)га кириб, бошқа бузоқларга қўшилиб олганини кўрганида, иблисни бармоғи билан кўрсатиб, бу ҳақда Балорамнинг қулоғига шипшитиб қўйди. Кейин, гўё ҳеч нарса бўлмагандай бамайлихотир иблис-бузоқнинг олдига яқинлашди. 43. Шундан кейин Ачйуга иблиснинг қуйруғи ва кейинги икки оёғидан ушлаб олди ва куч билан уни атрофида гир айлантдириб, шу ерда ўсиб турган баланд капиттхи дарахтининг тепасига улоқтириб юборди. Ўзининг асл ҳолатига қайтган, жон таслим қилган иблиснинг баҳайбат танаси билан бирга катта дарахт ерга гурсиллаб қулаб тушди. 44. Иблиснинг ўлик мурдасини кўрган подачилар ҳайратга тушиб, қувонганидан : “Балли! Жуда зўр бўлди!” - деб қичқириб юбордилар. Жуда мамнун бўлган фаришталар жаннатдан гуллар ёмғирини ёғдирдилар. 45. Иблисни бир ёқлик қилгандан кейин Кришна билан Балорам ноушта қилиб олдилар, аслида бутун борлиқнинг мавжудлигини таъминлаб турган Зотлар бўлишига қарамай, Улар бузоқларни боқиб ўтлоқда айланиб юрардилар.

46. Бир куни ҳар бири бир пода бузоқ боқиб юрган подачи болалар бузоқларни сув бўйига ҳайдаб бордилар. Бузоқлар тўйиб сув ичиб бўлгандан кейин

болаларнинг ўзлари ҳам дарё сувидан тўйиб ичдилар. 47. Ҳамма хурсанд, бахтиёр эди, бирдан болаларнинг кўзи сув бўйида, худди яшинда тоғдан ажралиб тушган тоғ қоясига ўхшаш бахайбат танали бир махлуққа тушди. Болалар қаттиқ кўрқиб кетдилар. 48. Бу бахайбат иблисни Бака деб атардилар. У тумшуги киличдай ўткир бахайбат ўрдак қиёфасига кириб олган эди. Кутилмаганда пайдо бўлиб, у Шри Кришнани ютиб юборди. 49. Балорам ва бошқа подачи болалар бахайбат ўрдак Кришнани ютиб юборганини кўриб, худди жони қочган сезгилардай, беҳуш бўлиб ерга йиқилдилар. 50. Кришна, подачи бола вазифасини бажариб юрган жагат-гуру иблис-ўрдакнинг томоғида туриб худди оловдай қизий бошлади. Оловнинг куйдирган оғриғига чидай олмай, Бакасура шу захотиёк Уни оғзидан чиқариб ташлади. Иблис гарчи аввал ўзи ютиб, кейин оғзидан чиқариб ташлаганига қарамай, Кришна яна соғ-саломат олдида турганини кўриб, жаҳли чиққанидан энди Уни бутунлай чўкиб, тимдалаб ташлаш учун Кришнага ташланди. 51. Такводор зотларнинг рухий устози бўлган Кришна Камсанинг ҳамтовоғи Бака Ўзига ҳамла қилишга уринаётганини кўриб, эпчиллик билан ўрдакнинг икки жағини ушлаб олдида, барча подачи болаларнинг кўзи олдида, худди ёш бола қамишни иккига ажратгани сингари, ҳеч қийналмасдан иблиснинг танасини иккига айириб ташлади. Шу тарика бу иблисни ўлдириб, Парвардигор Кришна жаннат аҳолисини жуда мамнун қилди.

52. Олий сайёралардаги жаннат аҳолиси Бакасуранинг душмани Кришнанинг устига Нандана-кананада ўсадиган чиройли маллик гуллари ёмғирини ёғдирдилар. Фаришталар илтижо қилиб, жаннатий литавра ва сурларни чалиб, Кришнани ғалаба билан табриқладилар. Бу ғаройиботни кўриб турган подачи болалар ҳайрон эдилар. 53. Тананинг жони ва онги жойида бўлса ҳиссиётлар ҳам хотиржам бўлгани сингари, Кришнанинг бу хавф-хатардан эсон-омон қутулганини кўриб, Балорам билан бирга барча подачи болалар яна хушларига келдилар. Улар кувониб, Кришна билан қучоклаша бошладилар, кейин бузокларни тўплаб Ваджага келдилар ва шу ерда бири олиб, бири қўйиб бўлиб ўтган воқеаларни бошқаларга гапириб бера бошладилар. 54. Ёши катта гопилар ва подачилар иблис Баканинг ҳалок бўлгани ҳақида эшитганларида, бу янгиликдан улар илоҳий жазавога тушиб лаззатландилар. Улар фарзандлари худди қайтадан дунёга келгандай, кўзларини узмай уларга тикилиб, меҳр билан бағрига босардилар. 55. Подачилар шундай дедилар: “Ҳақиқатан ҳам жуда ҳайратли! Гарчи бу болакай Кришна неча марта ҳалокатга учраб, ажал ёқасида турган бўлса ҳам, ҳар гал Унга қасд қилган иблисларнинг ўзлари ҳалок бўладилар. 56. Гарчи иблисларнинг қандай қилиб ўлганлари жуда даҳшатли бўлса ҳам, улар ҳеч қачон Кришнага бирор зарар етказа олмадилар. Бунинг устига бегуноҳ зотларни ўлдиришни ният қилиб, худди оловга бориб урилаётган парвоналар сингари, уларнинг ўзлари ҳалок бўляптилар. 57. Худои Таолони, Браҳманни тўла англаб етган зотларнинг гаплари ҳеч қачон бекорга кетмайди. Шу боис Гаргамунининг айтган барча башоратлари ҳозир тўла амалда рўй бераётир”.

58. Нанда Махараж бошлиқ барча подачилар чуқур илоҳий лаззат билан ўзаро Кришна ва Балорамнинг эрмаклари ҳақида ҳикоялар тинглаб, моддий оламда яшаш муаммаоларини бутунлай ҳис қилмас эдилар. 59.

Шу тарика Рама ва Кришна ҳар хил эрмаклар билан, яширинмачоқ ўйнаб, ҳаёлида катта океанга кўприк қуриб, худди маймунлардай сакраб Ваджада ёшлик даврини қувноқ ўтказар эдилар.

Ўн иккинчи боб.

Иблис Агхининг ҳалокати.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шох, бир куни Кришна ўрмонда зиёфат уюштирамоқчи бўлди. Эрталаб туриб, У сурини чалиб, сур овози билан барча подачи болалар ва бузокларни уйғотиб юборди. Кейин Парвардигор Хари ва подачи болалар бузокларни олдига солиб, Ваджабхумини тарк этдилар. 2. Кришнага минглаб ажойиб подачи болалар ҳамроҳ бўлиб борарди. Болалар сон-саноксиз бузокларни ҳайдаб борар, ҳар бирининг қўлида калтак, сур, най ва егулик солинган тугунча бор эди. 3. Кришнанинг бузокларига бошқа минглаб бузоклар қўшилди. Кейин подачи болалар ҳар хил ўйинлар ўйнай бошладилар. 4. Гарчи бу болаларнинг ҳаммаси денгиз чиғаноқлари, қимматбаҳо тошлар, марварид ва соф олтин тақинчоқлар билан безанган бўлсалар ҳам, улар ўрмонга кириб борганида ўзларини яна ҳар хил мевалар, яшил барглар, гул ғунчалари, товус патлари ва ҳар хил рангли лой билан безай бошладилар. 5. Болалар баъзида биттасининг овқат солинган тугунчасини билдирмасдан олиб яшириб қўярди. Тугунчаси йўқолган бола буни сезиб қолганида эса, тугунни бирдан бирига ўтказиб, уни ҳар тарафга югуртириб ўйнардилар. Тугунчанинг эгаси ҳар ёққа югуравериш жаҳли чиқса, гоҳида ҳатто йиғлай бошласа, болалар унинг бу “мусибати” устидан мазза қилиб кулишар, кейин тугунчасини қайтариб берардилар.

6. Кришна қандайдир бир алоҳида ажралиб турган дарахтни ёки манзарани кўриш учун олдинроққа ёки четроққа кетиб қолганида, бошқа болалар Унинг кетидан чопар, уларнинг ҳар бири: “Кришнага биринчи бўлиб мен қўлимни теккизаман!” - деб қичқирарди. 7-11. Болаларнинг ҳар бири турлича ўйинлар билан машғул бўларди. Баъзилари най чалар, бошқалари эса сур чаларди. Баъзилари ковоғариларнинг виззиллаганига тақлид қиларди, яна бирлари каккуларнинг сайрашини такрорларди. Баъзилари осмонда учаётган қушларнинг соялари билан бирга чопишга уринардилар, баъзилари ғозга ўхшаб викор билан юрган оккушларнинг ҳаракатларини такрорлашга уринардилар, яна бирлари товусларнинг ўйинларини кўрсатмоқчи бўларди. Баъзи болалар маймунларни алдаб олдига чақиришга уринар, яна бирлари уларга тақлид қилиб шохдан шохга сакрар, баъзилари афтини буриштириб, уларни калака қиларди. Баъзилари шаршара ёнига бориб, қурбақалар билан бирга сувга сакрардилар, ўзларининг аксини сувда кўриб, бошқалар билан биргаликда шўх қулардилар. Баъзилари овозининг акс садосини эшитиш учун баланд овоз билан қудуққа, осмонга қичқирарди. Шундай қилиб, подачи болаларнинг ҳаммаси Браҳман нурига қўшилиб кетишга интилиб юрган ғйанилар учун Браҳмажйотининг манбаи бўлган, Худонинг содиқлари учун эса хизматларини қабул қиладиган мангу Худонинг Олий Шаҳси бўлган, оддий одамлар учун оддий қишлоқи подачи бола бўлиб кўринадиган ягона Парвардигор Кришна билан лаззатланиб ўйнаб

юрардилар. Жуда кўп умрлар давомида чексиз савоб ишлар қилган подачи болалар ҳозир Парвардигор билан бевосита бирга ўйнаб юришга қодир эдилар.

12. Йоглар жуда кўп умрлар давомида ақлини жиловлашни машқ қилиб, қаттиқ риёзатларга берилиши, муқаддас қасамларга риоя қилиб яшаши, аммо барибир Худонинг Олий Шахсини бевосита кўриш имконига эга бўлмаслиги мумкин. Шундай экан, Парвардигорни ҳар куни бевосита юзма-юз кўриб юрган Вражабхума аҳолисининг буюк омади ҳақида нима ҳам дейиш мумкин?

13. Эй шоҳ Парикшит, шундан кейин бу ерда Агхасура деган иблис пайдо бўлди, унинг ўлимини барча фаришталар интизорлик билан кутарди. Фаришталар ҳар куни мангулик шарбатидан ичиб юрган бўлсалар ҳам, барибир бу иблисдан қаттиқ кўрқар эдилар, шу боис унинг тезроқ ажали етишини кутиб юрардилар. Бу иблис подачиларнинг илоҳий лаззат олиб яшаётганини кўриб, ҳасад ўтига чидай олмасди. 14. Камса юборган бу иблис Путана ва Бакасуранинг ўқаси эди. У келиб, бошқа болалар билан бирга Кришнани кўрганида шундай деб ўйлади: “Бу Кришна менинг акамни, опамни ўлдирди. Шу боис уларнинг ёруғ хотирасини поклаш учун мен Кришна билан бирга барча подачи болаларни ҳам ўлдираман”.

15. Агхасура ўзича ўйларди: “Агар ўлган акам ва опам учун қасос олиб мен Кришна билан бирга бошқа подачи болаларни қурбон қилсам, ҳеч шубҳа йўқ-ки, бу болаларни жонларидан ҳам ортиқ кўрадиган Вражабхуми аҳолиси ҳам бу мусибатга чидамасдан албатта ҳалокатга учрайдилар. Агар рух, жон бўлмаса, тананинг ҳожати йўқ; шу боис жонидан ортиқ болалари ҳалок бўлса, табиий равишда уларнинг Ваджадаги ота-оналари ҳам ҳалок бўладилар”.

16. Шундай қарорга келиб, алдоқчиларнинг энг ашаддийси бўлган Агхасура катта тоғни эслатадиган семиз, узунлиги бир йоджан келадиган баҳайбат аждар қиёфасига кирди. Ана шундай фаройиб қиёфага кириб, у тоғдаги ғорга ўхшаган оғзини катта очиб, Кришна билан бирга барча подачи болаларни ютиб юборишга шайланиб, йўлда ётиб олди. 17. Унинг пастки лаби ерда ётар, юқори лаби эса осмонга тегиб турарди. Унинг оғзининг ён тарафлари тоғдаги ғорнинг деворларига ўхшарди, оғзининг тўри қоп-қоронғи бўлиб кўриниб турарди. Унинг тили катта йўлни эслатарди, олаётган нафаслари иссиқ шамолни, ёниб турган кўзлари оловни эслатарди. 18. Иблисини ана шундай ҳолатда учратиб, болалар: “Ҳар хил ўйинлар ўйнаш учун Вриндавандаги энг зўр жой мана шу бўлса керак?” - деб ўйладилар. Улар бу аждар шунчаки бир ҳайкал бўлса керак деб ўйлаган эдилар.

19. Болалар шундай дедилар: “Эй дўстлар, бу махлук ўлиб қолганми, ёки бизларни ютиб юборишга шайланиб оғзини катта очиб ётган тирик аждарми? Келинлар билиб оламиз!”

20. Кейин улар шундай қарорга келдилар: “Ҳой дўстлар, бу махлук ҳақиқатан ҳам бизларнинг ҳаммамизни биратўла ўлдириб учун бу ерда ётиб олган бир тирик мавжудот бўлса керак. Унинг юқори лаби Куёш қиздириб турган булутни эслатади, пастки лаби эса, булутнинг қизғиш соясини эслатади. 21. Ўнг ва чап тарафдаги ғорга ўхшаган икки чуқурлик - унинг оғзининг ичи, катта тоғ қоялари эса - унинг тишлари. 22. Узунлиги ва кенлиги билан бу махлукнинг тили катта йўлга ўхшайди, унинг оғзининг тўри эса, худди

ғорнинг ичкараси сингари қоп-қоронғу. 23. Олов пурқаб турган сассиқ шамол - унинг олаётган нафаси бўлиб, у еган ҳайвонлар жасадининг қўланса хидини олиб келяпти”.

24. Кейин болалар шундай дедилар: “Бу ёвуз йиртқич ҳайвон бу ерга бизларни ейиш учун келганми? Агар унинг нияти шундай бўлса, худди Бакасурага ўхшаб ўзи ҳалок бўлади!” Шундай деб улар Бакасуранинг қотили Мукунданнинг чиройли юзига қарадилар ва шўх қулишиб, ўйнаб қарсак чалиб кўрқмасдан аждарнинг оғзига қира бошладилар. 25. Олий рух, *антарйама* кўринишида ҳар кимнинг қалбининг тўрида мавжуд бўлган Худонинг Олий Шахси, Шри Кришна подачи болаларнинг аждар ҳақида нималар деб гапиришганини жуда яхши билар эди. Болалар учун нотаниш бу зот аслида иблис Агхасура эди. Лекин Кришна буни билган ҳолда дўстларининг унинг оғзига киришига тўсқинлик қилмоқчи бўлди. 26. Лекин унинг дўстлари аллақачон аждарнинг оғзига кириб бўлган эди. Аммо аждар оғзини юмишга шошилмасди, чунки у Бегуноҳ Зот қўлидан ҳалок бўлган акасини ва опасини ўйлар, шу боис, Кришна ҳам оғзига киришини кутиб турган эди. 27. Ҳар қимдаги жасорат манбаи бўлган Кришна Ўзидан бошқа ҳеч нарсани билишни истамайдиган дўстлари Ўзидан ажралиб, ажал тимсоли бўлган Агхасуранинг ичига кириб, худди оловга яқинлашган хас сингари қийин аҳволда қолганини кўрди. Шу боис, худди буларнинг барчасини аслида Ўзининг рухий қуввати уюштирганини билгандай, У бир пас ҳайратга тушгандай бўлиб турди.

28. “Нима қилсам экан? Бир вақтнинг ўзида қандай қилиб бу иблисини ўлдирсам ва Ўзимнинг содиқларимни ҳалокатдан қутқариб қолсам экан?” Кейин, ўтмиш, ҳозир ва келажакни мукамал биладиган Парвардигор Хари ҳасадуғй иблисининг оғзига кирди. 29. Буни кўрган жаннатдаги фаришталар самода туриб, кўрқанидан хитоб қилдилар: “Э-воҳ! Аттанг!” Аммо Камса ва бошқаларга ўхшаган Агхасуранинг ҳамтовоклари бундан териларига сиғмай яйраб кетдилар. 30. Енгилмас Парвардигор Бҳагаван фаришталарнинг фиғон чекаётганини эшитиб, Ўзини ва дўстларини қорнида янчиб ташлашга шайланаётган иблисининг қорнидан қутқариб олиш учун бир пасда танасини каттайтира бошлади. 31. Кришна танасини катталаштирган сайин иблис ҳам танасини каттайтирар эди. Лекин барибир иблисининг нафаси тўхтаб қолди, у бўғилиб нафас ололмай қолган, кўзлари хонасидан чиқиб кетган эди. Иблисининг жони, ҳаёт нафаси танасидан чиқиш учун йўл тополмай типирчилай бошлади, ниҳоят қалласининг тепасидаги жойдан ташқарига чиқди. 32. Иблисининг ҳаёт нафаси чиқиб кетгандан кейин, Кришна подачи болалар ва бузоқларга Ўзининг нигоҳини ташлаб уларни яна ҳаётга қайтарди. Кейин, ҳар қандай озодлик ато этишга қодир бўлган Парвардигор Мукунда барча дўстлари ва бузоқлар билан бирга иблисининг оғзидан ташқарига чиқди. 33. Иблисининг баҳайбат танасидан бутун атрофни ёритиб, порлаб турган бир ёруғ нур чиқди ва Кришна билан подачилар иблисининг оғзидан чиққунга қадар хавода муаллақ ҳолда туриб қолди. Кейин барча фаришталарнинг кўзи олдида ўша нур Кришнанинг танасига қўшилиб кетди. 34. Шундан сўнг, бу бўлиб ўтган бу воқеадан барча мамнун бўлганида, фаришталар ерга Нандана-кананадан гуллар ёмғирини

ёғдира бошладилар, самовий парилар раксга туша бошладилар, ўзларининг ёкимли кўшиклари билан машхур Гандхарвалар илтижо қила бошладилар. Машшоқлар каратала чала бошладилар, донишманд брахманлар ведавий мадҳияларни куйлай бошладилар. Шундай қилиб, Ер юзида ҳам, осмону-фалакда ҳам ҳар бир одам Парвардигорни шарафлаб куйлаб, ҳамду санолар айтиб, ўз бурчини бажара бошлади. 35. Тангри Брахма ўз сайёрасининг ёнида жарангдор куй ва кўшиқлар, “Жая!” “Жая!” садолари остида бўлиб ўтаётган бу ғаройиб тантанани кўриб, байрамни томоша қилиш учун дарров пастга тушди. Барча зотлар Парвардигор Кришнани тўлиб-тошиб шарафлаётганини кўриб, унинг бироз жаҳли чиқди.

36. Эй шох Парикшит, иблисининг баҳайбат илон кўринишидаги танаси куриб, фақат қалин териси колганида, бу жой Вриндаван аҳолисининг зиёратгоҳига айланди ва узоқ вақтларгача сақланиб турди. 37. Кришна Ўзини ва подачи дўстларини ҳалокатдан қутқарган ва иблис Агхасурага руҳий озодлик ато этган бу воқеа хали Кришна энди беш ёшга тўлган пайтда рўй берган эди. Враджабҳумидагилар эса бу воқеа ҳақида роппа-роса бир йилдан кейин хабар топдилар. 38. Кришна - барча сабаблар сабабчиси. Моддий оламдаги барча сабаб ва оқибатларни бошланғич ва ягона ҳукмдор Худои Таоло юзага келтиради. Кришна Ўзининг чексиз марҳаматини намоён этиб, Яшода ва Нанданинги ўғли бўлиб дунёга келган эди. У шу қадар чексиз марҳамат кўрсатган эдики, ҳатто энг гуноҳдор ярамас иблис Агхасура ҳам Унинг дўсти мақомига кўтарилиб, руҳий озодликнинг моддийлик иллатига ботган одамларга ҳеч қачон насиб этмайдиган сарупйа турига эришган эди. 39. Агар одам фақат бир марта ёки ҳатто зўрлик билан бўлса ҳам ўз ақлини Парвардигорнинг шахсий қиёфаси билан банд қилса, Худои Таолонинг марҳамати билан ундай одам Агхасурага ўхшаб энг юксак руҳий озодликка эришади. Шундай экан, қалбларига бирор қиёфада Парвардигорнинг Ўзи кирган, ёки барча тирик мавжудотларнинг илоҳий бахти манбаи ва ҳар қандай гумонларни тарқатиб юборувчи Зот бўлган Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи ҳақидаги ўйларга ҳамиша ғарқ бўлиб юрган зотлар ҳақида нима дейиш мумкин?”

40. Гута Госвами шундай деди: “Эй билимдон брахманлар, Шри Кришнанинги болаликдаги ўйинлари ҳайратли даражада ғаройиб. Махараж Парикшит ўзини онасининг қорнида пайтида ҳалокатдан қутқариб қолган Парвардигорнинг бу эрмаклари ҳақида эшитиб, бутун диққатини бир жойга жамлаб, Шукадева Госвамидан ҳикоя қилишда давом этишни илтимос қилди”.

41. Махараж Парикшит шундай деди: “Эй буюк донишманд, Парвардигор Кришна бу ўйинини *каумара* даврида намойиш этган. Қандай қилиб Унинг дўстлари бу воқеани Кришна *пауганда* ёшига етганида, худди бу воқеа шу кун бўлгандай қилиб бошқаларга гапириб берган? 42. Эй буюк йог, эй руҳий устоз, илтимос, шулар ҳақида гапириб бер, нимага шундай бўлди? Мен шу ҳақда билишни жуда истаяпман. Менимча бу Кришнанинги яна бир алдови бўлса керак? 43. Эй ҳукмдорим, эй руҳий устоз, гарчи бизлар кшатрийларнинг энг пасткашлари бўлсак ҳам, бизлар ҳамиша Кришнанинги лаззатли илоҳий эрмаклари, кароматлари ҳақида тинглаш имкониятига эга

бўлганимиз туфайли бизларни олқишлайдилар ва иззат-хурмат қиладилар”.

44. Сута Госвами шундай деди: “Эй Шаунака, барча авлиёлар ва Худонинг содиқларининг энг буюғи, Махараж Парикшит шундай савол берганида Шукадева Госвами қалби қувончга тўлиб, бутун вужуди билан Парвардигор Кришнанинги илоҳий кароматларига ғарқ бўлди ва ташқи олам билан бўлган боғланишларини бутунлай унутиб юборди. Кейин зўрға ташқи оламга қайтиб, шохга Худои Таолонинг илоҳий эрмаклари ҳақида гапириб беришда яна давом этди”.

Ўн учинчи боб.

Тангри Брахма бузоқларни ва подачи болаларни ўғирлаб кетади.

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: “Эй барча содиқларнинг аълоси, сен жуда ажойиб савол бердинг, чунки, гарчи сен Парвардигорнинг эрмаклари ҳақида тинмасдан тинглаётган бўлсанг ҳам, сендаги уларга бўлган қизиқиш сира камаймаяпти. 2. Инсон ҳаётининг мазмуни, маъноси нимадан иборат эканини англаб етган саттватлар қалбининг тўрида Кришнага қаттиқ боғланиб қолганлар, Кришна уларнинг ҳаётдаги ягона максуди ҳисобланади. Уларнинг табиати - худди бу ҳикоялар ҳамиша янгилик бўлиб қолаверадигандай, фақат Ачйута ҳақида гапириб юришдан иборат. Бу ҳикоялар - уларнинг ҳаётда тушуниб олишга интиладиган ягона максуди. Адашган дунёвий одамлар эса ҳаётда фақат жинсий ҳаёт ҳақида гапиришни истайдилар. 3. Эй шох, бутун диққат-эътиборингни жамлаб, менинг гапларимга қулоқ сол. Гарчи Парвардигорнинг кароматлари жуда махфий, сирли ҳикоялар бўлса ҳам, мен сенга улар ҳақида гапириб бераман, чунки руҳий устозлар ўзини ҳамиша мискин тутадиган камтарин шогирдига ҳатто жуда сирли, тушуниш қийин бўлган ана шундай нарсаларни ҳам тушунтириб берадилар. 4. Шундай қилиб, подачи болалар ва бузоқларни ажал тимсоли бўлган иблис Агхасуранинг оғзидан чиқариб олгандан кейин, Худонинг Олий Шахси уларни дарё бўйига олиб келди ва шундай деди:

5. “Ҳой дўстлар, қаранг мана шу жой мазза қилиб овқатланиш ҳамда Йамунанинги кирғоғида юмшоқ кум устида мазза қилиб ўйнаш учун жуда қулай жой экан. Қаранглар, сув юзидаги нилуфар гулларини шамол қандай чиройли олиб кетяпти, бу гуллар ўзига асаларилар галасини жалб этиб, ўзининг анвойи ҳидларини ён-атрофга қанчалик ёқимли таратиб юрибди! Қушларнинг сайраши, товусларнинг овозлари, дарахт барглариининг шитирлашлари билан бирга кўшилиб, дарахтлар қалин ўсган бу жойнинг тароватини яна ҳам гўзаллаштириб юборган. 6. Келинлар шу ерда овқатланиб оламиз, чунки вақт анча кеч бўлиб кетди, бизлар эса, ҳалигача овқатланиб олмадик. Бу жой бузоқлар учун ҳам яхши, улар мана шу атрофда ўтлаб, Ямунадан сув ичиб юраверадилар”.

7. Бхагаватанинги таклифини қабул қилиб, подачилар бузоқларини Ямуна дарёси сувидан сўғордилар, кейин уларни қалин яшил майсалар ўсиб ётган дарахтзор ичига олиб бордилар. Болалар егулик солинган тугунчаларини ечиб, роҳатланиб овқатланишга киришдилар. 8. Худди гул барглари

ўртасидаги нилуфар гулининг ўзаги сингари Кришна подачи дўстлари даврасининг ўртасида ўтирар эди. Подачи болаларнинг ҳаммасининг нигоҳи Унга тикилган эди, уларнинг ҳар бирининг нигоҳи Унинг нигоҳига дуч келарди. 9. Болалар овқатланиш учун идиш сифатида дарахтларнинг гулларидан, баргларида, пўстлоқларидан, текис тошлардан ва овқат тугилган рўмолларидан фойдаланар эдилар. 10. Болаларнинг ҳаммаси бир-бирига уйдан ўзлари билан олиб келган ҳар хил таомларни кўрсатиб, мактаниб, Кришна билан бирга овқатланишдан лаззатланар эдилар. Бир-бирини ўзларининг овқатлари билан меҳмон қилиб, улар бир-бирларини кулдиришар, ўзлари ҳам роҳатланиб кулардилар. 11. Худонинг Олий Шахси, барча қурбонлик маросимларидаги эҳсонларни қабул қиладиган Парвардигор Кришна Вриндавандаги Ўзининг дўстлари билан биргаликда овқатланиб, ҳазиллашиб, шўх кулгидан роҳатланиб лаззатланарди. Унинг найи белбоғига тикиб қўйилган, сури ва калтаги чап томонида осғилқ турарди. Чап қўлида У қатиқ, сариёғ, гуруч ва мевалардан тайёрланган ширинлик ушлаб турар, егулик Унинг нилуфар баргларига ўхшаган бармоқлари орасидан кўриниб турарди. Дўстлари даврасида У Ўзини худди оддий кишлоқи подачи боладай тугар, диққат билан кузатиб турган Сварғалока аҳолисини Ўзини бундай тутиши билан қаттиқ хайратга соларди.

12. Эй Бхаратлар авлоди, Ачйутанинг қалбига азиз бўлган подачи болалар турли шўхликлар қилиб роҳатланиб овқатланиб ўтирар экан, бузоқлар қалин ўрмонга кириб, янги майсаларни чимдишга берилиб, кўздан йироқлашиб кетди. 13. Бузоқларнинг кўздан ғойиб бўлганини кўриб, подачи болалар безовталана бошладилар. Шунда хавотирнинг ўзи кўрқиб, титраб турадиган Кришна уларга шундай деди: “Ҳой азиз дўстларим, ҳеч ташвишланмай овқатланаверинглар. Мен Ўзим бузоқларни қайтариб олиб келаман!”

14. Шундай деб, қўлига қатиқ билан ширин гуруч олиб, Худонинг Олий Шахси, Кришна дарров бузоқларни излашга тушди. Ўзининг дўстларини мамнун қилиш учун У бузоқларни тоғлардан, ғорлардан, бугазорлардан, ўтлоқлардан излай бошлади. 15. Эй қурулар авлоди, олий сайёрада яшайдиган Тангри Браҳма самода туриб, Кришна Агхасурани ўлдириб, рухий озодликка чиқарганида Бхагаван Кришнанинг ишларини кузатиб турарди. У шу кичкина болақай шундай ғаройиб қаҳрамонлик кўрсатганини кўриб жуда хайратга тушган эди. Энди эса ўша Тангри Браҳма подачилар билан оддий кишлоқи боладай турли ўйинлар ўйнаб юрган Кришна, Худонинг Олий Шахси билан куч синашмоқни истаб қолди. Шу боис Кришна йўқ пайтида Тангри Браҳма болаларни ва бузоқларни бошқа жойга олиб ўтди. 16. Кришна бузоқларни топа олмай дарё қирғоғига қайтиб келганида, У бу ерда ҳам ҳеч кимни топа олмади. Шундай қилиб, У гўё нималар бўлаётганини тушунмайдигандай бўлиб, бузоқларни ҳам, подачи болаларни ҳам ҳамма жойдан излай бошлади. 17. Бутун борликда рўй бераётган ҳар бир воқеадан хабардор бўлган Кришна болаларни ҳам, бузоқларни ҳам ҳеч қаердан топа олмагандан кейин, бу ишларнинг ҳаммасини Тангри Браҳма уоштирганини сезди. 18. Тангри Браҳмани ҳам, бузоқларнинг ва подачи болаларнинг оналарини ҳам қувонтириш ниятида бутун борлиқни яратган Парвардигор Кришна Ўзини болаларнинг ва бузоқларнинг қиёфаларида

намоён этди. 19. Вишну-майя ёрдамида Кришна бир лахзада Ўзини неча бола, неча бузоқ йўқолган бўлса шунча бола ва шунча бузоқ қиёфасида намоён этди. Бу бузоқ ва болалар йўқолган болаларга тана тузилиши, ёши, найи, овқат солинган туғуни ва бошқа аломатлари билан аниқ ўхшар эди. 20. Шу тариқа бузоқлар ва болалар қиёфасида намоён бўлиб, одатдагидай уларнинг даврасида қувноқ лаззатланиб, Олий Рух, Парвардигор Кришна ана шу қиёфалари қуршовида отасининг кишлоғи Враджага кириб келди.

21. Эй шоҳ, Кришна Ўзини сиртдан қараганда оддий тирик мавжудотлардан фарқ қилмайдиган ҳар хил бузоқ ва подачи болалар қиёфасида намоён этиб, худди болалар ва бузоқларнинг ўзидай бўлиб ҳар хил оғилхоналарга ва уйларга кириб борди. 22. Болалари чалиб келаётган най ва сур овозларини эшитиб, подачи болаларнинг оналари қўлларидаги ишларини ташлаб, дарров болаларига пешвоз чиқиб, уларни қўлларига кўтариб олдилар ва қаттиқ бағрига босиб, қалбидagi чексиз оналик меҳри туфайли кўкрақларидан отилиб чиқаётган сут билан уларни эмиза бошладилар. Олий Браҳман, Кришна бу сутлардан худди шарбат ичаётгандай лаззатланиб ичарди. 23. Эй шоҳ, шундан сўнг Кришна подачи болаларнинг оналарига илохий муҳаббат лаззатини бахш этиб, ҳар куни ўтлоқдан аввалги Ўзининг ўртоқларидай, аввалги бузоқлардай бўлиб қайтиб кела бошлади. Оналар болаларига ғамхўрлик қилиб, ҳар куни уларни меҳр билан ювинтирар, таналарига мой, сандал пастаси суртар, ҳар хил мантраларни куйлаб уларга чиройли тақинчоқлар тақар, тилака қўйиб, ширин таомлар билан қоринларини тўйғазар эди. Шу тариқа подачиларнинг оналари ўзлари билмаган ҳолда Мадхавага бевосита шахсан хизмат қилардилар. 24. Ҳамма сигирлар ўтлоқдан қайтиб, химлаб бузоқларини ёнига чақирар, бузоқлари ёнига келганда эса, она сигирлар уларни яхшилаб ялаб, тўйғазиб эмизарди. 25. Авваллари ҳам гопиларнинг қалбига Кришнага нисбатан оналарча меҳр-муҳаббат туйғуси кучли эди. Аслида уларнинг Кришнага бўлган муҳаббати ўзларининг ўғилларига бўлган муҳаббатидан анча устун эди. Авваллари уларнинг ўз ўғилларига бўлган муҳаббат билан Парвардигор Харига, Кришнага бўлган муҳаббатлари орасида фарқ бор эди, энди эса бу фарқ бутунлай йўқолиб кетди. 26. Авваллари бундай бўлмаса ҳам, Враджа аҳолисининг ўз ўғилларига бўлган муҳаббати кун сайин орта бориб, йил давомида чексиз кучайиб кетди. 27. Шундай қилиб Олий Рух, Кришна Ўзини болалар ва бузоқлар кўринишида намоён этиб, бир йил давомида Ўзига Ўзи ғамхўрлик қилиб юрди. Ўзи билан Ўзи ўйнаб, Враджа ўрмонларида ҳар хил ўйинларини ўтказиб Ўзи билан Ўзи лаззатланар эди.

28. Бир куни бир йил тўлишига беш-олти тун қолганида Парвардигор бузоқларга қараш учун Рама билан бирга қалин ўрмонга кирди. 29. Говардхананинг тепасида сигирлар тинчгина ўтлаб юрардилар. Тепада туриб уларнинг кўзлари пастда ўтлаб юрган бузоқларига тушди. 30. Говардхана тепалигининг энг баландида турган сигирлар пастда юрган бузоқларга кўзи тушганида қалбидagi кучли оналик меҳри таъсирида ҳамма нарсани бутунлай унутиб юбордилар ва тепалик жуда тик бўлишига қарамай, бузоқларининг олдига қараб ўқдай отилиб туша бошладилар. Қуйруқларини баланд кўтариб, баланд овозда химлаб, юрган ерларини елинидан тинмай оқаётган сут билан

хўллаб улар шаталоқ отиб бузоқларининг олдига келдилар. 31. Бу сигирларнинг янги туғилган бузоқлари ҳам бор эди, лекин улар тепаликдан тушиб, ўзларининг катта бузоқларини худди ютиб қўймоқчидай бўлиб меҳр билан ялаб, эмиза бошладилар. 32. Сигирларни йўлдан қайтара олмай қолган подачилар бир вақтнинг ўзида ҳам уялар, ҳам қаттиқ жажли чиқарди. Улар тепаликдан зўрға пастга тушдилар, аммо пастда ўзларининг ўғилларини кўриб, қалблари болаларига нисбатан оталик меҳридан эриб кетди. 33. Ўғилларига кўзи тушиши билан подачиларнинг бутун фикру-хаёли оталик меҳрига ғарқ бўлиб кетди. Кучли меҳр-муҳаббат туйғуси таъсирида уларнинг ғазаби бутунлай йўқолиб кетди. Улар болаларини кўлларига кўтариб олиб бағирларига қаттиқ босдилар, уларнинг сочларидан келаётган анвойи ҳиддан тўйиб ҳимлаб, чуқур илоҳий лаззатга ғарқ бўлдилар. 34. Болаларини тўйиб-тўйиб ўпиб бўлиб, подачилар зўрға орқаларига қайтиб кетдилар. Болаларини ўйлаган, эслаган заҳоти уларнинг кўзлари ширин меҳр ёшларига тўлиб кетарди. 35. Чексиз муҳаббати дастидан сигирлар хатто анча каттайиб, суг эмишни тарк этган бузоқларига ҳам қаттиқ боғланиб қолган эдилар. Рама бундай ғайритабиий кучли боғланишни дарров сезди, бунинг сабаби нимада эканини тушунмай ўйлай бошлади. 36. “Бу қандай ҳол? Вржда аҳолисининг ҳаммаси, хатто Мен ҳам, бу болалар ва бузоқларни худди Васудевани, Олий Рухни севгандай тобора кучайиб бораётган муҳаббат билан севаймпиз. Уларга бўлган муҳаббатимиз кун сайин ортиб боряпти. Бу қандай сеҳрли қудрат ва у қаердан пайдо бўлди? Бу қандайдир фаришталарми ёки иблисми? Балки бу - Менинг ҳукмдоримнинг алдамчи қуввати бўлса керак, ахир Ундан бошқа ким ҳам Мени алдашга қодир бўла оларди?” 38. Шу тариқа чуқур фикр юритиб Дашарха, Балорам илоҳий илм орқали бу подачи болалар ва бузоқлар аслида Шри Ваикунтҳанинг, Парвардигор Кришнанинг шахсий экспансиялари эканини кўрди.

39. Парвардигор Баладева шундай деди: “Эй Олий Ҳукмдор! Бу болалар аслида Мен аввал ўйлаганимдай фаришталар эмас. Бу бузоқлар ҳам буюк донишмандлар эмас. Энди Мен аниқ билиб олдим - уларнинг ҳаммаси аслида Сен ўзингсан. Бир вақтнинг ўзида Сен барча подачи болалар ва бузоқларнинг қиёфасига ҳам кириб олгансан. Менга тушунтириб бер, буни қандай тушуниш керак?”

Ақасидан бундай саволни эшитиб, Кришна Унга бўлиб ўтган воқеани батафсил гапириб берди, Балорам вазиятни тушуниб олди.

40. Браҳма фаришталар ҳисоби билан бир лаҳза ўтгандан кейин қайтиб келганида, гарчи Ердаги вақт ҳисоби билан орадан бир йил ўтган бўлса ҳам, Парвардигор Хари худди аввалгидай, Ўзининг экспансиялари бўлган подачи болалар ва бузоқлар билан лаззатланиб ўйнаб юрганини кўрди.

41. Тангри Браҳма ўйга толди: “Тоқуладаги барча подачи болаларни ҳам, бузоқларни ҳам мен ўғирлаб кетиб, сеҳр қудратим билан ухлатиб қўйибман, улар ҳалигача уйқудан уйғонгани йўқ. 42. Лекин шу болаларнинг ва бузоқларнинг ҳаммаси аввалгидай бир йил давомида Кришна билан бирга ўйнаб юрибдилар, улар менинг алдамчи қувватим яратган зотларга ўхшамайди. Улар қаердан пайдо бўлдилар? 43. Шундай қилиб, Тангри Браҳма узоқ вақт ўйга толиб, ўзи ўғирлаган бузоқлар ва болалар ҳозир Кришна билан

бирга юрган бузоқлар ва болалардан нимаси билан фарқ қилишини билишга уринди. 44. Браҳма ҳамма ерга сингиб кетган, ҳеч ким алдай олмайдиган, лекин Унинг Ўзи ҳаммани алдаб қўядиган Парвардигор Вишну билан ўйнашиб, алдамоқчи бўлгани учун ўз сеҳр қудратининг домига ўзи домига тушиб қолган эди. 45. Худди оппоқ қор ёғаётган куни зулмат ҳам, ёки Қуёшнинг ёнида шамчиروқнинг ёғдуси ҳам ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмагани сингари, чексиз буюк қудратга қарши ишлатишга уринаётган арзимаган зотнинг сеҳр қудрати ўзини шарманда қилишдан бошқа ҳеч нарсага арзимамайди. 46. Шундан кейин Тангри Браҳманинг кўзи олдида барча подачи болалар ва бузоқлар бир лаҳзада сариқ ипак либос кийиб олган қорамтир-кўк илоҳий танадаги Вишнуларга айланди. 47-48. Уларнинг ҳар бирининг тўрт кўли бўли, гурзи, халқа нилуфар гули ва сур ушлаб турардилар. Уларнинг бошларида қимматбаҳо тақинчоқлар билан безатилган олтин тож бор эди. Улар марваридлар, чиройли гулчамбар ва сирғалар осиб олган эдилар. Уларнинг кўксига шриватса белгиси; бўйнида Каустубха сеҳрли тоши; кўлларида билагузуклар ва бошқа тақинчоқлар бор эди. Уларнинг бўйинлари худди сурдай текис бўлиб, чиройли уч чизиги бор эди; оёқларида кўнғироқчалар жарангларди; белида олтин камар, кўксига муқаддас зуннор, бармоқларида қимматбаҳо узук ярқираб турарди. 49. Уларнинг бошидан оёғигача - танасининг ҳар бир аъзоси буюк хайрли ишлар билан Худои Таолога сиғинадиган Худонинг содиқлари тақдим этган туласи гулларидан янги ясалган гулчамбар билан безатилган эди. 50. Вишнунинг ҳар бир қиёфаси илоҳий даражада беқиёс гўзал кўринар эди. Уларнинг табассумлари Ой нурига ўхшар, қизғиш рангли кўзларининг нигоҳи эҳтирос ва эзгулик гунаси сингари, Худонинг содиқларининг истақларини уйғотиб, уларни ҳимоса қиларди. 51. Браҳмадан то энг кичкина чумолигача бўлган барча кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотлар Парвардигорнинг шу қиёфаларини ўраб олиб, рақсга тушиб, қўшиқ айтиб уларга сиғинарди. 52. Вишну-муртиларнинг ҳаммасини *анима-сиддхи* бошлиқ мукаммалликлар; Ажда бошлиқ сеҳр қудратлари; (моддий оламни яратиш учун) махат-таттва бошлиқ йигирма тўрт моддий унсур ўраб олган эди. 53. Парвардигорнинг бу қиёфаларига Қала(Замон) тимсоли, *свабҳава*(шахсий табиат) тимсоли, *самскара*(шакл ўзгартириш) тимсоли, кама, карма, ҳамиша Парвардигор ҳукми остида бўладиган моддий табиат гуналари сажда қилиб сиғинардилар. 54. Вишну-муртилар мангу ва бениҳоя, илм ва лаззатга тўла, замон кучи таъсиридан устун эдилар. Тангри Браҳма ҳайратдан титраб кетаётган ҳиссиёти билан, олаётган илоҳий лаззати туфайли бутун вужуди титраб, бундай чексиз қудратли Илоҳ олдида анча вақтгача худди қўғирчоқдай қарахт бўлиб туриб қолди.

57. Олий Браҳман ақлининг фаолиятдан устун туради, У Ўзидан Ўзи ҳамиша мавжуд бўлган, ҳамиша лаззатга ғарқ бўлган ва моддий қувватдан устун турадиган Зотдир. Уни мангуликка дахлдор бўлмаган илмни инкор этиш йўли билан англаб олиш мумкин. Шундай қилиб, Олий Браҳманинг, Худо Шахсининг олдида Сарасватининг рафикаси Тангри Браҳма қаттиқ саросимага тушиб қолди. “Бу нима ўзи?” - ўйларди у. Кейин унинг кўзида ҳамма нарса чалқашиб кетди. Браҳманинг бу ҳолатини яхши тушунган Парвардигор Кришна унинг кўзларидан Ўзининг Йогамайа

пардасини кўтарди. 58. Тангри Брахма ўзига келди, худди қайта тирилган мурдадай ўрнидан турди. Зўрға кўзларини очиб, у бутун борлиқни, кейин ўзини кўрди. 59. Кейин атрофига қараб, Тангри Брахма қалин дарахтлар ўсиб ётган, ҳаёт кечириш учун ҳамма нарса етарли бўлган Вринда ўрмонини кўрди. Бу ўрмон йилнинг ҳамма фаслида бирдай ёқимли эди. 60. Вриндавана Парвардигорнинг илоҳий даргоҳи ҳисобланади, бу ерда ҳеч қачон очлик, чанқоқлик ва ғазаб бўлмайди. Одатда ўзларининг табиатига кўра ўзаро душман бўлган одамлар, йиртқич ҳайвонлар ҳам бу ерда бир-бирига илоҳий дўстона муносабатда яшайдилар. 61. Кейин Тангри Брахма ягона, бетакрор, мукамал илмга эга ва бениҳоя, ҳозир подлачи болакай ролини ўйнаб юрган Мутлақ Ҳақиқатни кўрди. Кришна, Худонинг Олий Шахси унинг олдида худди аввалгидай, бир қўлида ширинлик ушлаб, кўзлари билан йўқолиб қолган дўстларини ва бузоқларни излаган ҳолда турарди. 62. Бу манзарани кўриб, Тангри Брахма шу заҳотиёқ ҳамиша ўзини олиб юрадиган баҳайбат оққуш устидан сакраб ерга тушди ва Парвардигор олдида худди таёқдай узала тушиб, бошидаги тожларини Унинг оёқларига теккизиб, юзтубан йиқилиб сажда қилди. Тангри Брахма сажда қилар экан, кўзларидан оқаётган севинч ёшлари билан Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини юварди.

63. Тангри Брахма узоқ вақт давомида гоҳ Кришнанинг оёқларига йиқилар, гоҳ кўз олдида намоён бўлган Парвардигорнинг чексиз улғворлиги ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб яна ўрнидан турарди. 64. Кейин, шошилмасдан ўрнидан туриб, кўз ёшларини артиб, Тангри Брахма Парвардигор Муқундага қаради. Бошини эгиб, ақлини бир жойга жамлаб, қўлларини қовуштириб, бутун вужуди титраб, овози бўғилиб, Тангри Брахма камтарин ҳолда Худои Таолога илтижо қила бошлади.

"Шримад-Бҳагаватам" Ўн биринчи қўшиқ.

Мундарижа

1. Йадулар хонадонининг қарғишга учраши. 2. Махараж Нимининг тўққиз йогендра билан учрашиши. 3. Парвардигорнинг алдамчи қуввати таъсиридан

озодликка чиқиш. 4. Друмила шоҳ Нимиға Парвардигорнинг намоён бўлган қиёфасини таърифлаб беради. 5. Нараданинг Васудевага берган насиҳатлари. 6. Йадулар хонадони аъзолари Прабхасуга кетади. 7. Парвардигор Кришнанинг Уддхавага берган насиҳатлари. 8. Пингала ҳақида ҳикоя. 9. Ҳар қандай моддий нарсаларни тарк этиш. 10. Кармали фаолиятнинг табиати. 11. Шартланган ва озодликка эришган тирик мавжудотларнинг белгилари. 12. Таркидунёлик ва илмдан устун бўлган фаолият. 13. Хамса-аватара Брахманинг ўғилларининг саволларига жавоб беради. 14. Парвардигор Кришна Шри Уддхавага йога тизимини тушунтиради. 15. Парвардигор Кришнанинг сеҳрли йога камолотини таърифлаши. 16. Парвардигорнинг бойлиги. 17. Парвардигор Кришнанинг Варнашрама тизимини таърифлаши. 18. Варнашрама тизими. 19. Мукамал руҳий илм. 20. Худого соф садоқат билан хизмат қилиш илм ўрганиш ва таркидунёликдан устун туради. 21. Парвардигор Кришнанинг Ведалар илмини тушунтириши. 22. Моддий борлиқнинг таркибий унсурлари. 23. Аванта Брахман қўшиғи. 24. Санкхйа фалсафаси. 25. Моддий табиатнинг уч гунаси ва ундан устун бўлиш. 26. Аила-гита. 27. Парвардигор Кришнанинг Илоҳларга сиғиниш бўйича берган насиҳатлари. 28. Джнана-йога. 29. Бҳакти-йога. 30. Йадулар хонадонининг яқсон бўлиши. 31. Парвардигор Кришнанинг кетиши.

Биринчи боб.

Йадулар хонадонининг қарғишга учраши.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Парвардигор Шри Кришна Йадулар ҳамроҳлигида Балорама билан бирга кўплаб иблисларни яқсон қилди. Кейин, Ернинг мусибатини енгиллатиш учун Курукшетра жанг майдонида Курулар ва Пандузодалар орасида бўлиб ўтган қирғинбарот урушни юзага келтирди. 2. Душманларининг икки марта қимор ўйинидаги ғирромлик қилиши, нафсониятга тегадиган гаплар, Драупадининг сочидан судраш ва бошқа кўплаган оғир жиноятлар сингари сон-саноксиз ҳақоратлари дастидан пандузодаларнинг сабр косаси тўлиб, ғазаби қайнаб кетгани сабабли Парвардигор улардан Ўз хоҳишини амалга оширишда бевосита сабаб сифатида фойдаланди. Курукшетрадаги жанг баҳонаси билан Худои Таоло Ер юзини ташвишга солиб турган шоҳларни ўз қўшинлари билан бирга икки қарама-қарши тарафга тўпланишга мажбур қилди. Уруш ёрдамида Парвардигор Кришна уларни яқсон қилганда Ер ўзининг бу ташвишларидан анча халос бўлди.

3. Худонинг Олий Шахси, аслида шахсан Ўзининг қўллари ҳимояси остида юрган Йадавалар сулоласидан Ер юзига ўзининг ҳарбий қўшинлари билан қаттиқ ташвиш келтириб юрган шоҳларни яқсон қилишда фойдаланди. Кейин, кароматларини англаш қийин бўлган илоҳий қудратли Парвардигор ўзича шундай ўйга толди: “Гарчи энди Ер сайёрасининг мусибатлари анча енгиллашди, деб ўйлаш мумкин бўлса ҳам,

барибир ҳали Ернинг ахволи унчалик яхши эмас, чунки барибир, ҳали Ер юзида чексиз ҳарбий қудратга эга бўлган Йадавалар сулоласи мавжуд ва Ер сайёраси учун уни ўзида сақлаб туриш жуда оғир”.

4. Парвардигор Кришна шундай фикр юритди: “Ташқаридан бу хонадонга, Йадавалар сулоласига қандайдир қудрат билан шикаст етказа оладиган бирор ташки кучни топиб бўлмайди, чунки уларнинг ҳаммаси Менга чексиз садоқат билан хизмат қиладилар ҳамда чексиз бойликка эгалар. Аммо, агар сулоланинг ичида, хонадон аъзолари орасида бирор низо юзага келтирса, бу худди камишзорда бамбуқлар бир-бирига ишқаланиши натижасида чиқадиган ёнғин камишзорнинг ўзини яқсон қилганига ўхшаган иш бўлади. Шунда Мен бу оламга келишдан Ўз олдимга қўйган ҳақиқий мақсадга эришиб, Ўзимнинг мангу даргоҳимга қайтиб кетишим мумкин”.

5. Эй азиз Махараж Парикшит, режалари ҳамиша албатта амалга ошадиган қудратли Парвардигор шундай ўйларга бориб, Ўзининг хонадони аъзоларининг барчасини мажлисдаги брахманларнинг қарғиши баҳонаси билан бутунлай яқсон қилди. 6-7. Худонинг Олий Шахси, Кришна - барча гўзалликлар манбаидир. Оламнинг барча ажойиботлари Ундан таралади, Унинг шахсий киёфаси шу қадар нафтункорки, улар одамнинг кўзларини бошқа барча нарсалардан ажратиб олиб, фақат ўзига махлиё қилиб қўяди. Унинг жамоли олдида бошқа ҳар қандай гўзаллик кўримсиз бўлиб қолади. Парвардигор Кришна Ер юзида юрган пайтларда ҳамма одамлар Унинг жамолига махлиё эдилар. Парвардигор Кришна гапирганида Уни эслаган ҳар бир одамнинг ақлини ўзига жалб этарди. Парвардигор Кришнанинг оёқ изларини кўриб, одамлар Унга талпинар ва шу тариқа худди Унинг издошлари сингари ҳаракат қилиб, ўзларининг тана фаолиятининг натижаларини Унга эхсон қилишга интилардилар. Шу тарзда Парвардигор Кришна Ўзининг бутун оламда энг улўғвор Ведавий мадхияларда шарафлаб қуйланадиган шон-шуҳратини осонлик билан бутун жаҳонга таратарди. Парвардигор Кришна мана шу шарафли ҳикояларни шунчаки тинглаш шарофати билан келажақда дунёга келадиган шартланган руҳлар ғофиллик зулматини кечиб ўтиб, ундан юқори кўтарилдилар деб ҳисобларди. Ишларнинг бундай бораётганидан мамнун бўлиб, У Ўзининг истаган мақсади сари борарди.

8. Махараж Парикшит шундай деди: “Брахманлар қандай қилиб ҳамиша ўзларини эъозлайдиган, саховатли, ёши катта ва обрўли зотларга ҳамиша хизмат қилиб юрадиган, ақлу-хаёллари ҳамиша Парвардигор Кришнада мужассам бўлган зотларни дуои-бад қилишга журъат қилдилар? 9. Уларни дуои-бад қилишга нима сабаб бўлди? Дуои-баднинг мазмуни нимадан иборат эди, эй иккибор туғилганлар аълоси? Ҳаммаси ҳамиша ягона мақсад сари интилиб юрган Йадавалар орасида қандай низо чиқиши мумкин? Менга шуларнинг барчасини гапириб бер.

10. Шукрадева Госвами шундай деди: “Парвардигор, гарчи аслида ҳамиша Ўзининг истакларини қийналмасдан рўёбга чиқариб бахтиёр ҳолатда юрса ҳам, Ер сайёрасида бўлган пайтида Ўз бурчини адо этиб, барча ажойиботлар мажмуи бўлган Ўзининг илохий танасида юрар экан, ҳар хил ғаройиб кароматлар намоён этди. Ўзининг даргоҳида лаззатланиб яшаб, шарафлашнинг ўзи инсонга бахт-

саодат келтирадиган Парвардигор энди Ўзи бу оламга келган сулолани яқсон қилишга қарор қилди, чунки ҳали Унинг бу дунёда қиладиган ишларидан бир қисми бажарилмаган эди. 11-12. Бир куни донишмандлар Вишвамитра, Асита, Канва, Дурваса, Бхригу, Ангира, Кашйапа, Вамадева, Атри ва Васиштха Мунилар Нарада Муни ва бошқалар билан биргаликда буюк қурбонлик маросими ўтказаетган эдилар. Улар ўтказаетган бу маросим бутун олам ақлини Кали-юга гуноҳларидан поклабгина қолмасдан, шунчаки уни чуқур иймон билан тилга олиш шарофати билан одамлар чексиз бахт-саодатга эришадилар. Донишмандлар Йадавалар сардори Васудеванинг, Парвардигор Кришнанинг отасининг ҳовлисида барча тайёргарликларни кўриб, амалларни ўз вақтида бажардилар. Кейин, Парвардигор Кришна Васудеванинг уйида Замон тимсолида қолгандан сўнг, У донишмандларни хурмат билан маросимни ниҳоясига етказишга жўнатди. Улар Пиндарака деган муқаддас саждагоҳ жойга йўл олдилар.

13-15. Ана шу муқаддас саждагоҳга Йаду хонадонининг ёш ўйинқароқ болалари Жамбаватининг ўғли Самбани олиб келдилар. Самба аёлларнинг либосига ўраниб олган эди. Шу ерда тўпланган буюк донишмандларга шўхлик билан яқин бориб, болалар уларнинг нилуфар қадамлари пойига ёпишиб, ясама камтарлик билан уларга мурожаат қилдилар: “Эй билимдон донишмандлар, мана бу қора кўз аёл сизлардан бир нарса сўрамоқчи. У сизларга гапиришга жуда уялиб турибди. У тез кунда фарзанд туғиши керак. Сизларнинг барчангиз ҳақиқатни кўра оладиган буюк донишмандлар бўлганингиз учун айтинглари-чи, унинг фарзанди ўғил бўладими ёки қизми?”

16. Эй шоҳ, болаларнинг очикдан-очик ўзларини мазах қилиб, устларидан кулиб турганини сезган донишмандлар қаттиқ ғазабландилар ва болаларга шундай деб жавоб бердилар: “Ҳой нодонлар, у темир гурзи туғади. Ана шу гурзи сизларнинг бутун хонадонингизни ер билан яқсон қилади”.

17. Донишмандларнинг бу қарғишини эшитиб, болалар дарров Самбанинг асл башарасини ошкор этиб, ёлғондан қорнига тикиб қўйган ёстиқни олиб кўрсатдилар, лекин не кўз билан кўрсинларки, ёстик аллақачон темир гурзига айланиб қолган эди.

18. Йадава хонадонининг ёш болалари шундай деди: “Э-воҳ, биз нима қилиб қўйдик? Бахтимиз қаро бўлди! Энди уйдаги ёши катталар бизга нима дейди?” Қаттиқ хавотирга тушиб, ўзлари билан темир гурзини ҳам олиб, улар уйига қараб чопдилар.

19. Йадава хонадонининг болалари ҳамиша юзида порлаб турган илохий нур сўниб, темир гурзини ўзлари билан бирга олиб, барча йадавалар тўпланиб ўтирган шоҳона мажлисга кириб, шоҳ Уграсенага бўлиб ўтган воқеаларнинг барчасини батафсил гапириб бердилар.

20. Эй шоҳ Парикшит, брахманларнинг қайтариб бўлмайдиган қудратли қарғишини эшитиб, темир гурзини ўз кўзи билан кўрганида кўрканидан ҳайратга тушиб, Дварака аҳолиси оқсоқоллари қаттиқ эсанкираб қолдилар. 21. Гурзини майда бўлақларга бўлиб, Йадавалар шоҳи Ахука(Уграсена) шахсан ўзи уларни тинч турган океан сувларига улоқтириб ташлади. 22. Бу темир парчаларини ютиб олган балиқни океан суви бошқа темир парчалари билан бирга қирғоққа чиқариб ташлади. Темир парчалари шу ерда жуда ўткир ва қаттиқ қамишзорга айланди. 23. Балиқ эса бошқа

баликлар билан бирга балиқчининг тўрига илинди. Балиқнинг қорнидан темир парчани овчи Жара олди ва уни пайкониининг учига санчки қилиб қистириб қўйди. 24. Бу воқеаларнинг барчасидан хабардор бўлган, агар истага брахманларнинг қарғишини тўхтатишга қодир бўлган Худонинг Олий Шахси бундай қилишни истамади. Ўзининг мангу Замон кўринишида У бу воқеаларнинг ривожланишига имкон яратиб берди.

Иккинчи боб. Махараж Нимининг тўққиз йогендра билан учрашиши

1. Шукадева Госвами шундай деди: ”Эй Курулар аълоси, Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилишга интилиб, Нарада Муни бироз вақтгача хамиша Говинданинг қудратли қўллари бевосита химоя қилиб турадиган Дварака шаҳрида қолди. 2. Эй шох, моддий оламда шартланган тирик мавжудотлар ҳаётининг ҳар бир дақиқасида ажал билан юзма-юз тўқнашиб юрадилар. Шундай экан, уларнинг орасида қайси фаросатли одам ҳатто руҳий озодликка эришган буюк зотлар ҳам эъозлайдиган Мукунданинг нилуфар қадамлари пойига садоқат билан хизмат қилишдан бош тортиши мумкин? 3. Бир куни фаришталар орасидаги буюк донишманд Нарада Муни Васудеванинг уйига келди. Нарада Муни муносиб эҳтиром билан кутиб олиб, қулай ўриндиққа ўтқазиб, керакли анжомлар билан сиғиниш маросимини ўтқазиб, ҳурмат билан сажда қилиб, Васудева унга гапира бошлади.

4. Шри Васудева шундай деди: “Эй ҳукмдорим, худди отаси болаларининг уйига келгани сингари, сенинг ташрифинг ҳам барча тирик мавжудотларга бахт-саодат келтиради. Сен уларнинг ичида иймон-эътиқодсиз, энг бахтиқаро зотларга ҳам, Худои Таолога, Уттамашлокага интилиш йўлидан бораётган бахтиёр зотларга ҳам ёрдам бериб юрасан. 5. Фаришталарнинг кўрсатаётган қароматлари моддий оламдаги тирик мавжудотларга ҳам бахт-саодат, ҳам ташвиш, мусибатлар келтиради аммо ягона, бегуноҳ Парвардигорни ўзининг энг яқин ва азиз жони, руҳи деб қабул қилган сенга ўхшаган буюк авлиё донишмандларнинг қароматлари барча тирик мавжудотларга фақат бахт-саодат, яхшилик келтиради. 6. Фаришталарга сиғиниб юрганлар уларга тақдим этган эҳсонига қараб, удардан муносиб совға оладилар. Фаришталар худди одамнинг сояси сингари, қарманинг хизматкорлари ҳисобланадилар, аммо садху адашган руҳларнинг ҳақиқий меҳрибони бўлади. 7. Эй брахман, мен шунчаки сени ўз уйимда кўриб турганимдан бутунлай бахтиёр бўлсам ҳам, сендан Худонинг Олий Шахсини, Парвардигорни мамнун қиладиган ишлар ҳақида яқиндан билиб олмоқчиман. Чуқур иймон билан бу ҳақда эшитган ҳар қандай одам ҳар қандай гуноҳлардан бутунлай покланади. 8. Бу ерда туғилган аввалги ҳаётим давомида мен руҳий озодлик ато этишга қодир бўлган Худо Шахси Анантага сиғинар эдим, лекин мен фарзанд кўриш истагим бўлгани учун Унга руҳий озодликка эришиш ниятида сиғинмасдим. Шу тариқа мен Худои Таолонинг алдамчи қуввати таъсирида руҳий юксалиш йўлидан адашиб қолган эдим. 9. Эй ҳукмдор, сен хамиша берган ваъданга содиқ қоласан. Илтимос, менга шундай аниқ

насихатлар берки, сенинг марҳаматинг билан мен ҳар хил хавф-хатарларга тўла ва хамиша бизларни моддий оламда даҳшат, хавотир ичида ушлаб турадиган бу аламли дунёвий тирикчилик чангалидан осонлик билан мангу озодликка чиқиб олай”.

10. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шох, чуқур тафаккурли Васудеванинг бу саволларидан Девариши Нарада Муни жуда мамнун бўлди. Бундай саволлар содиқ хизматкор қалбида Парвардигорнинг илоҳий сифатлари ҳақидаги илоҳий ўйларни уйғотгани сабабли Нарада Муни дарров Кришнани эслади. Нарада Муни Васудевага жавоб бера бошлади.

11. Нарада Муни шундай деди: “Эй Сатватлар ичида аълоси, тирик мавжудотнинг Худои Таоло олдидаги мангу бурчи ҳақида сен жуда тўғри савол бердинг. Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш шу қадар қудратлики, у бутун оламни поклашга қодир. 12. Соф садоқат билан Худои Таолога хизмат қилиш жараёни шундай илоҳий қудратга эгаки, уни ҳурмат ва эҳтиром билан қабул қилиб ёки бошқаларнинг Худого садоқат билан хизмат қилаётганини олқишлаб, шундай илоҳий хизмат ҳақида шунчаки тинглаш, ундай хизматни шарафлаб қуйлаш, уни ўйлаб юриш шарофати билан ҳатто фаришталардан ва бошқа барча тирик мавжудотлардан нафратланадиган одамларнинг қалби ҳам бир пасда барча гуноҳлардан покланиши мумкин. 13. Бугун сен менга азиз Парвардигоримни, ҳаммага энг буюк саодат келтирадиган Худо Шахси, Нарайанани эсимга солдинг. Худои Таоло шу қадар шарофатлики, Уни шарафлаб қуйлаган ёки У ҳақда тинглаган ҳар қандай одам энг тақводор инсон даражасига кўтарилади. 14. Худого садоқат билан хизмат қилишни тушунтириш учун донишмандлар буюк руҳ шох Видеха билан Ришабханинг ўғиллари орасида бўлиб ўтган тарихий воқеани гапириб юрадилар.

15. Сваямбхува Манунинг Махараж Прийаврата деган ўғли бўлиб, Прийавратанинг ўғиллари орасида Агнидхра ҳам бор эди. Агнидхрдан Набхи туғилди, Ришабхадева унинг ўғли эди. 16. Ришабхадева Худои Таолонинг, Шри Васудеванинг тўлиқ намоён бўлган кўриниши ҳисобланади. У бу дунёда тирик мавжудотларни тўла руҳий озодликка чиқарадиган диний қонун-қоидаларни ўрнатиш учун намоён бўлган эди. Унинг Ведалар илмини мукамал эгаллаган юзта ўғли бўлди. 17. Ришабхадеванинг юзта ўғли орасида тўнғичи, Бхарата Парвардигор Нарайанага бутунлай ўз ихтиёрини топширган содиқ хизматкор эди. Унинг шарафига бу сайёра Бхарата-варша номи билан шуҳрат қозона бошлади. 18. Шох Бхарата дунёвий моддий лаззатларнинг барчасини бефойда ва ўткинчи нарсалар деб ҳисоблаб моддий оламни бутунлай инкор этди. Чиройли ёш хотинини ва оиласини тарк этиб, у каттик риёзатларга берилиб Парвардигор Харига сиғина бошлади ва бу оламда ҳаётга уч марта келгандан кейин Худонинг даргоҳига эришди.

19. Ришабхадеванинг бошқа тўққиз ўғли Бхарата-варшанинг тўққиз оролига ҳукмрон ҳукмдори бўлдилар ва улар бу сайёрага тўла ҳукмронлик қилдилар. Унинг саксон ўғли ва яна биттаси иккибор туғилган брахман мартабасига кўтарилдилар ва моддий, дунёвий натижаларга Ведалар асосида қурбонлик маросими ўтқазиб орқали эришиш - карма-канда йўлини бошлаб бердилар. 20. Ришабханинг қолган тўққиз ўғли буюк омадли донишмандлар эди, улар Муглақ Ҳақиқат ҳақидаги илмни тарқатишда жасорат кўрсатиб меҳнат

килдилар. Улар бирор ёпинғичсиз, яланғоч ҳолда жаҳон айланиб юрар ва илохий илмни тўла эгаллаган зотлар эди. Улар - Кави, Хавир, Антарикша, Прабуддха, Пиппалайана, Авирхотра, Друмила, Чамаса ва Карабхаджана номи билан машҳур.

21. Бу донишмандлар кўпол ва нафис нарсалардан иборат бу моддий оламни Худои Таолонинг худди ўзлари сингари, намоён бўлган кўриниши сифатида қабул қилиб, Ер юзи бўйлаб сайр қилиб юрардилар. 22. Бу тўққиз йогендра -фаришталарнинг, комил сеҳргарларнинг, Садҳйаларнинг, самовий машшоқларнинг, Йакшаларнинг, инсон қиёфасидаги зотларнинг, Киннаралар ва илонлар сингари куйи фаришталарнинг сайёралари бўйлаб бемалол сайр қилиб юрадиган озод руҳлардир. Уларнинг бемалол сайр қилиб юришига ҳеч қандай моддий қудрат тўсқинлик қилолмайди. Улар ўз хохиши билан донишмандлар, парилар, Тангри Шиванинг издошлари бўлган арвоҳлар, Видйадхаралар, брахманлар ва сигирлар оламида сайр қилиб юрерадилар.

24. Бир куни Аджанабха(Ер сайёрасининг аввалги номи)да улар Махараж Нимининг буюк қурбонлик маросими раҳбарлиги остида буюк қурбонлик маросими ўтказётган жойга келдилар. 25. Эй ҳурматли шоҳ, юзларидан порлаб турган нур билан ҳатто Куёш билан беллашадиган Худои Таолонинг бу соф содиқларини кўриб, маросимда иштирок этаётганларнинг барчаси - қурбонлик маросими ўтказётганлар, брахманлар ва ҳатто муқаддас олов фаришталари ҳам - ҳурмат билан ўринларидан турдилар. 26. Шоҳ Видеҳа(Ними), бу тўққиз донишманд Худонинг Олий Шахсининг улўғвор содиқлари эканини дарров англаб етди. Шу боис уларнинг шарофатли ташрифидан жуда мамнун бўлиб, уларга ўтириш учун муносиб жой кўрсатди ва ҳар ким Худонинг Олий Шахсига сиғинганидай, муносиб равишда уларга сиғиниш маросими ўтказди. 27. Қалби илохий қувончга тўлиб, шоҳ камтарин ҳолда бош эгди ва тўққиз донишмандга руҳий ҳаёт ҳақида муҳим саволлар билан мурожаат қила бошлади. Бу тўққиз зот ўзларидан порлаб нур таратиб турар, бу билан улар Тангри Браҳманинг ўғиллари бўлган тўрт Кумарни эслатди.

28. Шоҳ Видеҳа шундай деди: “Ўйлайманки, сизлар иблис Мадхунинг душмани деган ном билан шуҳрат қозонган Парвардигорнинг бевосита яқин ҳамроҳлари бўлсангиз керак. Аслини олганда Парвардигор Вишнунинг соф содиқлари ўзларининг шахсий манфаатларини ўйлаб эмас, балки барча шартланган руҳларнинг қалбини поклаш учун бутун олам бўйлаб айланиб юрадилар. 29. Шартланган руҳлар учун бу дунёда инсон танасига эга бўлиш жуда мушкул, бунинг устига бу танадан истаган вақтда тўсатдан айрилиб қолиш мумкин. Аммо мен ўйлайманки, ҳатто инсон танасига эга бўлган тирик мавжудотлар ҳам жуда камдан-кам ҳолларда Вайкунтханинг Парвардигорига жуда азиз бўлган соф содиқ инсонлар билан учрашиш бахтига муяссар бўладилар.

30. Шу боис, эй бегуноҳ пок зотлар, сизлардан илтимосим шуки, инсон учун ҳаётда энг олий саодат келтирадиган амаллар ҳақида гапириб беринглар. Бу туғилиб-ўлишлар оламида Худонинг соф содиқлари билан бўладиган учрашиш келтирадиган бошқа саодатлардан ташқари, улар билан атиғи бир лахзалик сўхбатнинг ўзи ҳам ҳар бир инсон учун бебаҳо неъмат ҳисобланади. 31. Илтимос, агар мени сизларнинг

гапларингизни муносиб қадрлаб тинглашга қодир деб ҳисобласанглар, Худого қандай қилиб садақат билан хизмат қилиш лозимлиги ҳақида гапириб беринглар. Тирик мавжудот Худои Таолога муҳаббат билан бирор хизмат таклиф қилганида Парвардигор ундан дарров мамнун бўлади. Бунинг эвазига Парвардигор ўз ихтиёрини Худога бутунлай топширган руҳга бутунлай Ўзини инъом этади.

32. Шри Нарада шундай деди: “О Васудева, Махараж Ними тўққиз йогендрдан Худого садақат билан хизмат қилиш ҳақида маслаҳат сўраганида, авлиё зотлар ичида аълоси бўлган бу зотлар унинг берган саволлари учун шоҳга самимий миннатдорчилик билдирдилар ва браҳманлар ҳамда қурбонлик маросимига тўпланган бошқа зотлар олдида унга муҳаббат билан жавоб бера бошладилар.

33. Шри Кави шундай деди: “Ақли ҳамиша ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлар таъсири остида ҳаётда бекорга ташвишланиб юрган одам Бегуноҳ Олий Зотнинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилиш ёрдамида ҳар қандай кўрқув-хавотирлардан халос бўлиб, озодликка эриша олади. Худои Таолога ана шундай садақат билан хизмат қилиш жараёнида ҳар қандай кўрқувга муглако ўрин қолмайди. 34. Агар Худои Таолонинг Ўзи берган кўрсатмаларга амал қилиб яшаса, ҳатто энг ғофил тирик мавжудотлар ҳам осонлик билан Худои Таолони англаб олиш даражасига кўтариладилар. Руҳий юксалишда Худои Таолонинг Ўзи тавсия этган жараён бхагавата-дарма, яъни Худонинг Олий Шахсига садақат билан хизмат қилиш деб аталади.

35. Эй шоҳ, Худонинг Олий Шахсига ана шундай садақат билан хизмат қилиш жараёнига амал қилиб юрган одам бу дунёда ҳеч қачон тўғри йўлдан адашмайди. Ҳатто кўзларини боғлаб югурганда ҳам у ҳеч қачон қоқилиб йиқилмайди. 36. Бу дунёда шартланган ҳаёт кечириб давомида ўзининг эришган табиатига мос равишда ҳар ким: “Бу ишни мен Парвардигор Нарайяни мамнун қилиш учун қиламан!” - деган ўй билан ўзининг танаси, нуқти, ақли, ҳиссиёти, тафакқури ва покланган онги ёрдамида амалга оширган ҳар бир ишини Худои Таолога тақдим қилиши лозим. 37. Худои Таолонинг ташқи, алдамчи қуввати таъсири остига тушиб қолиши туфайли тирик мавжудот адашганидан моддий танасини “мен” деб, ўзига қиёсланида унинг қалбида кўрқув туйғуси юзага келади. Тирик мавжудот шу тариха Худои Таолодан юз ўгирганида у ўзининг азалий мангу ҳолатини - Парвардигорнинг мангу хизматкори эканини ҳам эсдан чиқариб қўяди. Тирик мавжудотни боши берк кўчага киритиб қўядиган мана шундай ҳолат “майя” деб аталадиган алдамчи қувват таъсирида юзага келади. Шунинг учун, ақл-фаросатли шахс ўзи сиғинадиган Илоҳ - ўзининг бутун ҳаёт-момоти ва жони ўрнида қабул қиладиган ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида Худои Таолога соф садақат билан хизмат қилишда оғишмай машғул бўлиши лозим. 38. Гарчи охир-оқибатда моддий оламда намоён бўлган қарама-қаршилиқлар аслида мавжуд бўлмаса ҳам, ўзининг шартланган тафакқури ёрдамида шартланган руҳ уни худди ҳақиқатан ҳам мавжуд деб қабул қиладди. Оламни ана шундай кўринишда, Мутлақ Ҳақиқат - Парвардигор Кришнадан ажралган ҳолда тасаввур этиб қабул қилишни туш кўриш ва истакларнинг ҳаракатига, хом хаёлга ўхшатиш мумкин. Шартланган руҳ ухлаб

ётганида тушида ўзи истаган ёки дахшатли бирор нарса ни кўрганида, ёки ўзи истаган ёки қутулишни истаган бирор нарса ни ҳақида ҳаёл суриб, орзу қилганида у ўзининг хом ҳаёлидан ташқарида мутлако мавжуд бўлмаган мавжудликни юзага келтиради. Ақлни ҳар хил амалларни қабул қилиш ёки инкор этиш хусусияти ҳиссиётни лаззатлантиришга асосланган бўлади. Шунинг учун фаросатли одам ақлини теварак атрофдаги нарсаларни Қришнадан ажралган ҳолда кўришдай хатоликдан тўсган ҳолда, ақлини тўлиқ назорат қилиб олиши лозим. Ақл шу тарзда назорат қилиниб, жиловлаб олинса, у ҳақиқатан ҳам кўрқув нималигини билмайди.

39. Ақлини тўлиқ жиловлаб, ўзининг назорати остига олган заковатли одам хотин, оила, миллат сингари моддий нарсаларга бўлган боғланишларни бутунлай тарк этиб, кўлига жанг аравасининг ғилдирагини ушлаб олган Парвардигорнинг муқаддас номларини бетиним зикр қилиб, куйлаб ва тинглаб, ҳеч қийналмасдан бутунлай озод ҳолда жаҳон кезиб юриши лозим. Қришнанинг муқаддас номлари ҳар тарафлама шарофатлидир, чунки улар Парвардигорнинг илоҳий туғилишини ва Унинг бу оламдаги шартланган руҳларни озодликка чиқариш ниятида кўрсатган ҳар хил илоҳий кароматларини таърифлайди. Шу тариқа Худонинг муқаддас номлари бутун оламда шарафлаб куйланади. 40. Худои Таолонинг муқаддас номини шарафлаб куйлаш билан ҳар бир инсон Худого муҳаббат поғонасига кўтарилади. Кейин содиқ хизматкор Парвардигорнинг мангу хизматкори эканини англаб этиб, шуни ҳамиша ёдида мустаҳкам сақлаб юриди. Шундан кейин у аста-секин Парвардигорнинг маълум бир номига ва қиёфасига қаттиқ боғланиб қолади. Илоҳий муҳаббат таъсири остида қалби эриб кетганида у қаттиқ қулади ёки йиғлай бошлайди, баъзан қаттиқ қичқира бошлайди. Баъзан атрофидаги одамларга мутлако эътибор бермасдан куйлай бошлайди ёки телбалардай рақсга туша бошлайди. 41. Худонинг содиқ хизматкори бирор нарсага Худонинг Олий Шахси Қришнадан ажралган, Ундан фарқ қиладиган нарса деб қарамаслиги керак. Эфир, олов, ҳаво, сув, ер, қуёш ва бошқа ёриткичлар, барча тирик мавжудотлар, олам томонлари, дарахтлар ва бошқа ўсимликлар, дарё ва океанлар - Худонинг содиқлари нимани кўрсалар ҳам уни Қришнанинг намоён бўлган кўриниши деб қабул қилиши лозим. Шу тариқа бутун борликда мавжуд бўлган ҳамма нарсага Парвардигор Харининг танаси сифатида қараб, Парвардигорнинг содиқ хизматкори Худои Таолонинг танасининг барча кўринишларига самимий сажда қилиши лозим. 42. Худои одам овқатланаётганида еган ҳар бир лўкма билан бирга бир вақтнинг ўзида унда қаноат, озиқланиш ва очликдан халос бўлиш туйғулари ҳар тарафлама чуқурлаша боргани сингари, Худонинг Олий Шахсининг паноҳи остига қирган содиқнинг қалбида садоқат, Худои Таолони аниқ, бевосита сезиш ва бошқа ҳамма ўткинчи нарсаларни тарк этиш - мана шу уч туйғу бир вақтда пайдо бўлиб чуқурлаша боради. 43. Эй азиз шоҳ, бегуноҳ Худо Шахсининг нилуфар қадамлари пойига доимий интилиш билан сажда қилиб юрган содиқ шу тариқа қалбида Парвардигорга муҳаббат ва садоқатга, таркидунёликка ва Худои Таоло ҳақидаги мукаммал илмга эришади. Шу тариқа Парвардигорнинг омадди содиқ хизматкори энг юксак илоҳий осойишталикка эришади”.

44. Махараж Ними шундай деди: “Энди менга юзлари Ойникидай бўлган Зот - Парвардигорнинг содиқлари ҳақида жуда батафсил гапириб бер. Мен қайси табиий сифатларига, аломатларига қараб Парвардигорнинг энг буюк содиқларини, ўртача содиқларини, садоқат билан хизмат қилиш йўлига энди қирган содиқларни бир-бирдан ажратиб олишим мумкин? Вайшнавининг ҳаётда асосий фаолияти, қиладиган иши нимадан иборат бўлади, у қандай гапиради? Илтимос, айниқса ўзининг қайси сифатлари, фазилатлари ва алоҳида белгилари билан Вайшнав Худонинг Олий Шахсига жуда азиз бўлишини батафсил таърифлаб беринглар”.

45. Шри Хавир шундай деди: “Рухий юксалишда юксак поғонага кўтарилган содиқ(*бхагавата-уттама*) ҳамма нарсада барча руҳларнинг руҳини, Худонинг Олий Шахсини, Шри Қришнани кўради. Яъни у ҳамма нарсани Худои Таоло билан боғлиқ ҳолда кўради ва мавжуд ҳамма нарса мангу Худои Таолода мужассам эканини тушунади.

46. Ўртача содиқ, *мадхйама-адхикари* ўзининг муҳаббатини Худонинг Олий Шахсига тақдим этади, Парвардигорнинг барча содиқларига самимий дўст бўлади, ғофиллик ботқоғига ботган бегуноҳ одамларга ҳамдардлик билан марҳамат кўрсатади, Худонинг Олий Шахсига ҳасад кўзи билан қарайдиган одамларни инкор этади.

47. Эҳромда Илоҳга чуқур иймон билан сажда қиладиган, аммо бошқа содиқларга ёки умуман бошқа одамларга нисбатан тўғри муносабатда бўлолмайдиган содиқ *пракрити-бхакти*, ҳали “ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган содиқ” деб аталади ва энг паст ўринда туради.

48. Бутун борликни Парвардигор Вишнунинг қуввати деб қабул қиладиган одам ҳатто ҳиссиётини лаззат келтирадиган нарсалар билан бириктирганда ҳам ҳеч нарсдан нафратланмайди, ҳеч нарсдан қувониб кетмайди. Аслини олганда у - барча содиқлар ичида энг буюғидир.

49. Моддий оламда ҳар кимнинг моддий танаси ҳамиша албатта туғилади ва ҳалокатга учрайди. Шунга ўхшаб ҳаёт нафаси(*прана*) ҳам очлик ва чанқоқлик таъсири остида заифлашади, ақл ҳамиша ташвишда, тафаккур ҳамиша эришиб бўлмайдиган нарсаларга интилади, барча ҳиссиётлар моддий табиатда бўладиган бетиним курашдан охиригача ҳолдан тояди. Моддий оламдаги ҳаётда муқаррар бўлган мусибатлар, азоб-уқубатлар таъсирида алданиб, адашиб қолмасдан, ҳамиша Худонинг Олий Шахсининг нилуфар қадамлари пойини эслаб юриш ёрдамида улардан ҳақиқий ўзлиги(“мен”и)ни четда тутиб юридиган одам Худои Таолонинг энг яхши содиғи, *бхагавата-прадхана* деб тан олинishi лозим.

50. Фақат ягона Худои Таоло, Васудеванинг паноҳидан нажот топган одам моддий эҳтиросга асосланган ҳар қандай кармали фаолиятдан ҳамиша озод бўлади. Аслида, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи паноҳига қирган одам ҳатто моддий лаззатлардан роҳатланиш истагидан ҳам озод бўлади. Жинсий ҳаётдан, обрў-эътибордан, бойлик, мол-дунё билан лаззатланиш ҳақида режалар тузиш унинг ақлига ҳам кириб чиқмайди. Шу тарзда у *бхагаватоттама*, Парвардигорнинг энг олий даражадаги соф содиқ хизматкори бўлади. 51. Обрўли хонадонда дунёга келиш, риёзат чекишлар, ҳар турли савоб, эзгу фаолият

билан шуғулланиш албатта ҳар бир одамни мағрурланишга мажбур қилади. Худди шундай, агар кимдир жамиятдаги обрўси билан, ота-онаси варнашрама тизимидаги жамиятда юкори мартабали зотлар бўлганидан мағрурланиб, лаззатланиб юрган бўлса, у ўзига бино қўйишда тобора юксалаверади. Лекин, ана шу ўткинчи, моддий, вақтинчалик бойликларига қарамай, қалбида улар билан зиғирчалик мағрурланиш туйғуси бўлмаса, ундай одам Худонинг Олий Шахсининг энг азиз содиқ хизматкори ҳисобланиши лозим. 52. Содиқ хизматкор ҳар кимни: “Бу - менинг ишим, бу эса - унинг иши!” - деб ўйлашга мажбур қиладиган шахсий эгоизм туйғусини тарк этганида, фақат ўзининг танасининг қулайлигини ўйламайдиган, бошқаларнинг ноқулайликларига бефарқ қараб туролмайдиган ҳолатга эришганида ўзининг ҳаётидан бутунлай мамнун бўлиб, тўла осойишталикка эришади. У ўзини шунчаки ҳаммаси бирдай бўлган, аслида Худои Таолонинг ажралмас заррачалари бўлган бошқа барча тирик мавжудотларнинг биттаси деб ҳисоблайди. Ана шундай осойишталикка эришган Вайшнав Худого садоқат билан хизмат қилишнинг энг юксак поғонасидаги содиқ хизматкор деб ҳисобланиши лозим.

53. Худонинг Олий Шахсининг нилуфар кадамлари пойини ҳатто Худонинг Олий Шахсини ўзларининг ҳаёт-момоти ва жони деб биладиган Тангри Браҳма ва Тангри Шива сингари буюк фаришталар ҳам излайдилар. Парвардигорнинг соф содиқ хизматкори ҳеч қачон, ҳар қандай вазиятда ҳам Парвардигорнинг мана шу нилуфар кадамлари пойини эсидан чиқара олмайди. У Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойидан топган паноҳини бир лаҳзага ҳам, ҳатто ярим лаҳзага ҳам, ҳатто бутун оламга ҳукмрон бўлиб лаззатланиш эвазига ҳам қолдириб кетолмайди. Парвардигорнинг ана шундай содиқ хизматкори вайшнавларнинг аълоси ҳисобланиши лозим.

54. Худои Таолога сажда қилиб юрган одамларнинг қалбини қандай қилиб дунёвий, моддий мусибатлар олови куйдиришда давом этиши мумкин? Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойи сон-саноксиз жасоратли кароматлар кўрсатди, Унинг оёқларининг бармоқларидаги ажойиб тирноқлар кимматбаҳо тошларга ўхшайди. Ана шу тирноқлардан таралаётган ёғду салқин Ой нурини эслатади, чунки худди Ойнинг салқин нурлари пайдо бўлиши билан киши Куёшнинг жазирама иссиғидан озодликка чиққани сингари, бу ёғду ҳам Парвардигорнинг соф содиқининг қалбини барча мусибатлардан дарров ҳалос этади. 55. Худонинг Олий Шахси шартланган руҳларга шунчалик меҳрибонки, агар улар Худонинг муқаддас номларини билмасдан ёки тушунмасдан тилига олиб Унга илтижо қилсалар ҳам, Парвардигор уларнинг қалбини сон-саноксиз гуноҳлар оқибатидан поклаш учун дарров унинг ёнида ҳозир бўлади. Шу боис, Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойидан паноҳ топган содиқ хизматкор Кришнанинг муқаддас номларини самимий муҳаббат билан тилга олганида Худонинг Олий Шахси ана шундай содиқнинг қалбини ҳеч қачон тарк эта олмайди. Худонинг Олий Шахсини шу тарзда ўзининг қалбида асир қилиб олган вайшнав Парвардигорнинг энг буюк содиғи, *бхагават-прадхана* деб ҳисобланиши лозим.

Учинчи боб.

Парвардигорнинг алдамчи қуввати таъсиридан озодликка чиқиш

1. Шоҳ Ними шундай деди: “Энди мен сизлардан ҳатто буюк сеҳргарларни ҳам боши берк кўчага киритиб қўйишга қодир бўлган Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Вишнунинг алдамчи қуввати ҳақида билиб олишни истайман. Эй ҳукмдорларим, илтимос менга шу ҳақда гапириб беринглар. 2. Мен сизларнинг Худонинг Олий Шахсининг шухрати ҳақидаги ҳикояларингизнинг ширин шарбатидан роҳатланиб ичаётган бўлсам ҳам, чанқоғим сира босилмаяпти. Парвардигор ва Худонинг содиқлари ҳақидаги ана шундай лаззатли ҳикоялар бу дунёда уч турли азоб-уқубатлардан менга ўшаб изтироб чекиб юрган тирик мавжудотлар учун ҳақиқий дармон ҳисобланади”.

3. Шри Антарикша шундай деди: “Эй қўллари қудратли шоҳ, бутун борлиқнинг бошланғич Руҳи моддий унсурларни намоён этгандан кейин, шартланган руҳлар ўзларининг истакларига мос равишда карма келтирадиган сохта лаззатларга ёки руҳий озодликка интила олишлари учун олий ва куйи ҳаёт шаклидаги барча тирик мавжудотларни моддий оламга жўнатди. 4. Олий Руҳ тирик мавжудотларнинг моддий таналарига, ақли ва ҳиссиётининг фаолиятига қиради ва шу тарзда шартланган руҳларни карма(оқибат) келтирадиган лаззат олиш учун моддий табиат гуналарига яқинлашишга мажбур қилади. 5. Алоҳида тирик мавжудот, моддий тананинг хўжайини, моддий табиат гуналари яратиб қўйган лаззат келтирувчи нарсалардан лаззатланиш учун ўзининг Олий Руҳ уйғотган моддий ҳиссиётидан фойдаланади. Шу тариқа у моддий табиат яратган моддий танасини ҳеч қачон туғилмаган мангу “ўзи”га қиёслайди ва Парвардигорнинг алдамчи қувватига аралашиб қолади. 6. Қалбида чуқур ўрнашиб қолган моддий истаклар таъсирида ҳаракат қиладиган тирик мавжудот ўзининг фаол ҳиссий аъзоларини оқибат(карма) келтирадиган фаолият билан машғул қилади. Кейин у ўзининг ана шу дунёвий фаолиятининг оқибатлари сабабли бутун моддий олам бўйлаб, ўзининг фаолияти натижасида келадиган бахт ва бахтсизликларни бошидан кечириб юради.

7. Шу тариқа шартланган тирик мавжудот бу дунёда такрор ва такрор келадиган туғилиш ва ўлишларга мубтало бўлишга мажбур бўлади. Ўз фаолиятининг оқибатлари мажбур қилгани сабабли у олам яратилгандан то бутунлай яқсон бўлгунга қадар ночор, ноилоҳ ҳолда бир ёқимсиз ҳолатдан иккинчи ёқимсиз ҳолатга ўтиб юришга мажбур бўлади. 8. Моддий оламнинг яқсон бўлиш вақти яқинлашганида Худонинг Олий Шахси Ўзининг мангу Замон қиёфасида қўпол ва нафис унсурлардан иборат бўлган ҳолда ҳозир намоён бўлиб турган бу коинотни йўқотиб юборади, шунда моддий коинот намоён бўлмаган мавҳум ҳолатга ўтади.

9. Охирзамон яқинлашганида Ер юзида юз йиллар мобайнида даҳшатли қурғоқчилик бўлади. Юз йил давомида Куёш нури тобора кучайиб боради ва унинг жазирама иссиғи бутун уч оламни куйдириб изтиробга сола бошлайди. 11. Паталалоқадан бошлаб Парвардигор Санкаршананинг оғзидан чиқаётган олов тафти кучая боради. Оловнинг кучли шамоллар билан

хар тарафга таралаётган даҳшатли тиллари пастдан юкорига кўтарилиб оламнинг ҳамаа тарафидаги бутун мавжудотни ёкиб кулга айлантиради. 11. *Самвартака* деб аталадиган булутлар захираси юз йил давомида бетиним жала ёғдиради. Худди фил хартумидай узун-узун кучли сув оқимларида пастга тушиб, ҳалокат келтирувчи жала бутун борлиқни сувга ғарқ қилади. 12. Кейин фазовий қиёфанинг руҳи Вайраджа Брахма ўзининг фазовий қиёфасини тарк этади. Эй шоҳ, кейин у ўтиндан чиқадиган олов сингари, намоён бўлмаган нафис табиатга киради. 13. Шамол ёрдамида ўзининг сифатидан маҳрум бўлган ер унсури сувга айланади; шамол сабабли ўзининг таъмидан маҳрум бўлган сув оловга кўшилиб кетади. 14. Олов қоронғулик сабабли ўзининг шаклидан маҳрум бўлиб ҳавога кўшилиб кетади. Бўшлиқ таъсири остида ўзининг тегиш сифатини йўқотган ҳаво бўшлиқ(фазога)қа кўшилиб кетади. Бўшлиқ Замон шаклидаги ўзининг ҳақиқий Олий Рух сифатидан маҳрум бўлиб, ғафлат гунасидаги сохта ўзликка кўшилиб кетади.

15. Эй ҳурматли шоҳ, моддий ҳиссиётлар ва тафаккур аввал ўзлари юзага келган эҳтирос гунасидаги сохта ўзликка кўшилиб кетади; фаришталар билан бирга ақл эзгулик гунасидаги сохта ўзликка кўшилади. Кейин сохта ўзлик мажмуа ўзининг барча сифатлари билан бирга маҳат-таттвага кўшилиб кетади. 16. Мен сенга Худонинг Олий Шахсининг алдамчи қуввати бўлган “*майя*” ҳақида гапириб бердим. Моддий табиатнинг уч гунасидан таркиб топган мана шу алдамчи қувват Парвардигорнинг амри билан моддий оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яқсон қилиш учун тайинланган. Энди яна нималар ҳақида тинглашни истайсан?”

17. Шоҳ ними шундай деди: “Эй буюк донишманд, марҳамат қилиб тушунтириб берчи, ўзининг ҳиссиётини жиловлаб олмаган одам ҳеч қачон енга ололмайдиган Парвардигорнинг ана шу алдамчи қувватини қандай йўл билан ҳатто ғофил пашанди(иймонсиз) одам ҳам осонлик билан енга олиши мумкин?”

18. Шри Прабуддха шундай деди: “Инсонлар жамиятида эркак ва аёллар қиёфасига кириб, шартланган руҳлар бир-бирлари билан ўзаро жинсий алоқа ёрдамида бирлашадилар. Шу тариқа улар бахтсизликлардан қутулиш ва моддий лаззатланишни чексиз кўпайтириш учун ҳамиша кураш олиб борадилар. Лекин ҳар бир фаросатли одам яққол кўра олиши лозимки, улар ҳамиша кўзлаганидан мутлақо тесқари натижага эришадилар. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг бахтга бўлган интилишлари бекорга кетади, умри ўтиб кексайганида эса, улар умр бўйи интилган бахтга эмас, сон-саноксиз моддий ноқулайликларга эга бўлиб қоладилар. 19. Ҳаётда эришиш қийин бўлган моддий бойлик - барча бахтсизликларнинг мангу манбаидир, у аслида руҳнинг ҳалокатидир. Одам аслида қандай қилиб ўзининг бойлигидан лаззат олиши мумкин? Одам қандай қилиб ўзи оғир меҳнати эвазига ишлаб топган пули билан таъминлаб турадиган уйи, хотини, бола-чақаси, қариндошлари ва уй ҳайвонлари билан лаззатланиши, мангу бахтга эришиши мумкин?”

20. Ҳатто ҳар бир одам диний амаллар ва қурбонлик маросимлари ўтказиш орқали кейинги ҳаётида осон эриша оладиган жаннатий сайёраларда ҳам ҳеч ким мангу бахтга эриша олмайди. Ҳатто

жаннатда ҳам тирик мавжудот ўзи билан тенглар билан бахшлашиб, ўзидан устунроқларга ҳасад қилиб, ҳамиша ташвишда юради. Жаннатда яшаш даври одамнинг аввалги ҳаётида қилган эзгу, савоб ишларининг натижаси тугаши билан ниҳоясига етиши сабабли, жаннат аҳолиси ўзларининг жаннатдаги ҳаёти тамом бўлиб қолишидан кўрқиб, ҳамиша хавотирда юрадилар. Шу тариқа улар, худди оддий одамлар ҳасад кўзи билан қарагани сабабли ҳамиша душман шоҳлар томонидан келадиган таҳдид, хавф-хатар остида яшайдиган шоҳларга ўхшайди, шу боис улар ҳеч қачон ҳақиқий бахтга эриша олмайдилар.

21. Шунинг учун ҳақиқий бахтга эришишга жиддий интилаётган ҳар бир фаросатли одам ҳаётда ўзига ҳақиқий руҳий устоз топиши, руҳий ҳаётга фотиҳа олиш билан унинг ишончли паноҳи остига кириши лозим. Ҳақиқий руҳий устознинг асосий белгиси шундан иборатки, у узок вақт давомида чуқур мулоҳаза юритиб, муқаддас китобларнинг хулосаларини мукамал англаб етган ва самимий интилаётган бошқа одамларни ана шу хулосаларга ишонтира олади. Парвардигорнинг паноҳидан нажот топган, ҳаёт ҳақидаги ҳар қандай моддий тасавурларни тарк этган ана шундай буюк зотлар ҳақиқий руҳий устоз деб тан олинишлари лозим. 22. Ҳақиқий руҳий устозни ўзининг ҳаёт-момоти, руҳи ва сиғинадиган илоҳи сифатида қабул қилиб, шогирд ундан Худого садоқат билан хизмат қилиш йўлларини ўрганади. Худонинг Олий Шахси Хари, барча руҳларнинг Олий Рухи ўзининг соф содиқларига ўз ихтиёрини бутунлай топшириб қўйган. Шунинг учун шогирд руҳий устозидан ана шундай содиқларга ва Парвардигорга ҳеч иккиланмасдан садоқат билан хизмат қилиш сирларини ўрганиши лозим. Шунда Худои Таоло ундан мамнун бўлиб ана шундай садоқатли шогирдга бутунлай ўзини инъом этади. 23. Самимий, камтарин шогирд ақлини ҳар қандай дунёвий нарсалардан тийишни ҳамда руҳий устози ва бошқа табарруқ авлиё зотлар билан ижобий равишда ҳамсуҳбат бўлишни ривожлантиришни ўрганиши лозим. У ўзига тобе ёки ўзидан паст поғонада бўлган одамларга нисбатан ҳамдард, меҳрибон, раҳмдил бўлиши, ўзи билан тенг руҳий поғонада турганлар билан дўстлашишга интилиши, руҳий жиҳатдан ўзидан юқори бўлган зотларга самимий хизмат қилишга интилиши лозим. Шу тариқа у барча тирик мавжудотлар билан тўғри муносабатда бўлишга ўрганиши лозим.

24. Руҳий устозига хизмат қилиш учун шогирд покликка, риёзатга, сабрликка, сукут сақлашга, Ведалар илмини ўрганишга, соддаликка, покдомонликка, зулм қилмасликка, иссиқ-совуқ, бахт-мусибат сингари моддий оламдаги ҳар хил қарама-қаршиликлар олдида хотиржам қолишга ўрганиши лозим. 25. Ҳар ким ўзини илмга тўла мангу руҳ сифатида, Парвардигорни - бутун борлиқнинг мутлақ ҳукмдори сифатида билиб мувоқабат қилишни мунтазам машқ қилиши лозим. Ўзининг мувоқабасини кенгайтириш учун хилват жойда яшаши, уйига ва уй анжомларига бўлган сохта боғланишини тарк этиши лозим. Вақтинчалик, ўткинчи моддий танасини пардозлашни тарк этиб, шогирд эски жулдур кийимларга ёки дарахт пўстлогига ўраниб юриши лозим. Шу тариқа шогирд ҳар қандай вазиятда ҳам хотиржам қолишга ўрганиши лозим. 26. Ҳар бир

шогирд Худонинг Олий Шахси Бхагаваннинг шон-шуҳратини таърифлайдиган муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаш ёрдамида рухий ҳаётда муваффақият қозониб, инсон ҳаётининг олий мақсадига эриша олишига чуқур иймон билан ишониши лозим. Айни пайтда бошқа муқаддас китобларни ҳақорат қилишдан эҳтиёт бўлиш лозим. Шогирд ўзининг ақлини, нутқини ва танасининг фаолиятини мохирлик билан дадил назорат қилиши, ҳамиша фақат рост гапириши, ақли ва ҳиссиётини жиловлаб олиши лозим. 27-28. Ҳар бир шогирд Парвардигорнинг ғаройиб илоҳий фаолияти ҳақидаги ҳикояларни тинглаши, уларни шарафлаб куйлаши, уларга муроқабани қилиши лозим. Ҳар ким айниқса Худонинг Олий Шахсининг бу олмада намоён бўлиши, кароматлари, сифатлари ҳақидаги ҳикояларни ва Унинг муқаддас номларини тинглашга ғарқ бўлиши лозим. Шу тариқа илҳомланган шогирд ўзининг кундалик фаолиятини бутунлай Парвардигорга эҳсон сифатида амалга ошириши лозим. Ҳар бир содиқ хизматкор фақат Парвардигорни мамнун қилиш ниятида ҳар хил қурбонлик маросими ўтказиши, тавба-тазарру қилиши, садақа, хайр-эҳсонлар таратиши лозим. Худди шундай, содиқ хизматкор фақат Худонинг Олий Шахсини олқишлайдиган мантраларни шарафлаб куйлаши лозим. Шогирд ўзининг бутун рухий фаолиятини Парвардигорга эҳсон сифатида амалга ошириши, Унга тақдим этиши лозим. Содиқ ҳаётда ўзига лаззат келтирадиган ёки ёқимли бўлган нимаики топса, ҳаммасини, ҳатто ўзининг хотинини, болаларини, уйини ва ҳаёт нафасини ҳам шу заҳотиёқ Худои Таолога тақдим этиши лозим. 29. Ҳаётда олий мақсадга интилиб яшаётган одам Парвардигор Кришнани ўз ҳаётининг ягона Парвардигори сифатида қабул қилиб яшаётган одамлар билан дўстлигини ривожлантириши, қалбида бошқа барча тирик мавжудотларга хизмат қилиш кайфиятини ривожлантириши лозим. Айниқса инсон танасида яшаётган руҳларга, айниқса улар орасидаги иймонли, диний қоидалар асосида тақводор ҳаёт кечираётган художўй одамларга ёрдам беришга ҳаракат қилиш лозим. Тақводор одамлар орасидан айниқса Худонинг Олий Шахсининг соф содиқларига садоқат билан хизмат қилишга интилиши лозим. 30. Ҳар бир одам Парвардигорнинг шон-шуҳратини олқишлаб шарафлаб куйлаш учун Худонинг содиқлари билан бирга тўпланиб, улар билан қандай муносабатда бўлишни ўрганиши лозим. Ана шундай фаолият инсон қалбини ҳар хил иллатлардан жуда тез поклаш хусусиятига эга. Бир-бири билан ўзаро илоҳий муҳаббат муносабатларини ривожлантирган заҳоти содиқлар бу муносабатлардан дарҳол бахт ва чуқур мамнуният ҳис қила бошлайдилар. Шу тариқа бир-бирини қўллаб-қувватлаб, Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишга илҳомлантириб, улар бу дунёдаги барча мусибатлар манбаи бўлган ўткинчи моддий лаззатларни тарк этишга қодир бўладилар.

31. Худонинг содиқлари ҳамиша ўзаро суҳбатларида асосан Парвардигорнинг шон-шуҳратини муҳокама қиладилар. Шу тариқа улар ҳамиша Парвардигорни эслаб юрадилар ва бир бирларига Худои Таолонинг сифатларини ва эрмакларини эслатиб юрадилар. Шундай қилиб, ўзларининг бҳакти-йога қонун-қоидаларига тўла амал қилишлари шарофати билан Худонинг содиқлари Парвардигорни мамнун қиладилар ва шу боис Худои Таоло уларнинг тақдирига

ёзилган барча ёқимсиз воқеа-ҳодисаларни яқсон қилиб юборади. Рухий юксалиш йўлидаги ҳар қандай тўсиқлардан халос бўлиб, Худонинг содиқлари Худои Таолони пок илоҳий муҳаббат билан севиш йўлига кирадилар ва шу тариқа ҳатто бу дунёдаёқ уларнинг рухий табиатга эришган таналарида туклар хурпайиши сингари илоҳий жазавани аломатлари намоён бўла бошлайди. 32. Худои Таолога нисбатан илоҳий муҳаббат даражасига эришиб, бегуноҳ Парвардигор ҳақидаги ўйларга чуқур берилиб кетиб, баъзан Худонинг содиқлари беихтиёр хўнграб йиғлайдилар, баъзида чуқур лаззат олиб қаттиқ куладилар, бор овози билан Худого ёлвориб илтижо қила бошлайдилар, рақсга тушадилар, куйлай бошлайдилар. Шартланган моддий ҳаёт чегарасидан юқори кўтарилиб, ундай содиқлар баъзан ҳеч қачон туғилмаган Парвардигорга тақлид қилиб, Унинг эрмакларини такрорлай бошлайдилар. Баъзан эса, Парвардигор билан юзма-юз кўришиб, Унинг жамолига эришиб, улар бутунлай осойишта бўлиб, сукут сақлаб, жим бўлиб қоладилар.

33. Шундай қилиб, Худого садоқат билан хизмат қилиш илмини ўрганиб, Худого садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб, содиқ хизматкор Худого муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилади. Худонинг Олий Шахси Нарайанага бутунлай ўз ихтиёрини топшириш билан содиқ хизматкор энгиш жуда қийин бўлган алдамчи қувват, майянинг таъсирини осонлик билан четлаб ўтади”.

34. Шоҳ Ними шундай деди: “Илтмос, менга Мутлақ Ҳақиқат ва ҳар кимнинг Олий Руҳи бўлган Нарайананинг, ягона Парвардигорнинг илоҳий ҳолатини, табиатини тушунтириб беринглари. Сизлар илоҳий илмини мукамал эгаллаган тажрибали зотларсиз, шу боис менга шу илмини ўргатишга қодирсиз”.

35. Шри Пиппалайана шундай деди: “Худонинг Олий Шахси бу моддий оламнинг яратилиши, мавжудлиги ва яқсон бўлишининг бошланғич сабабчидир, лекин шунга қарамай Унинг ўзининг мавжудлигининг ҳеч қандай сабаби йўқ. У ҳар хил сергажлик, уйқусираш, чуқур уйқу ҳолатларига сингиб қиради ва улардан ташқарида ҳам мавжуд. Олий Руҳ сифатида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбига кириб, У танани, ҳиссиётларни, ҳаёт нафасини ва ақл фаолиятини жонлантиради, шу тариқа тананинг барча нафис ва қўпол аъзолари ҳаракатга кела бошлайди. Эй азиз шоҳ, билиб қўйки, Худонинг Олий Шахси барча тирик мавжудотлар учун ягона Парвардигор деб ҳисобланиши лозим. 36. Худди кичкина учкун ўзи аввал пайдо бўлган азалий катта оловга бирор сезиларли таъсир қилолмагани сингари, на ақл, на нутқининг, кўриш қобилиятининг, тафаккурининг, ҳаёт нафасининг ёки бошқа ҳар қандай ҳиссиётларнинг қудрати мана шу Олий Ҳақиқатга кириш қобилиятига эга эмас. Ҳатто Ведаларнинг жарангдор ва табаррук тили ҳам Мутлақ Ҳақиқатни мукамал таърифлай олмайди, чунки Ведаларнинг ўзи Ҳақиқатни сўзлар билан таърифлаш мумкинлигини инкор этади. Лекин, Ведавий говушлар Олий Ҳақиқатнинг мавжудлигининг билвосита исботи ҳисобланади, чунки Олий Ҳақиқат бўлмаси Ведалардаги мавжуд ҳар хил чеклашларнинг мутлақо кераги бўлмас эди.

37. Азалий ягона Мутлақ, яъни Брахман ўзини моддий табиат гуналари - эзгулик, эҳтирос ва ғофиллик

сифатларида намоён этиб, уч сифатга эга ҳолда танилади. Брахман ўзининг қудратини кенгайтира бориб, ҳаракат қилиш қувватини ва шартланган тирик мавжудотнинг ўзлигини қоплаб оладиган сохта ўзлик билан онг кучини намоён этади. Шундай қилиб, Мутлақ Ҳақиқатнинг сон-саноксиз қувватларининг экспансиялари ёрдамида фаришталар намоён бўладилар. Фаришталар - моддий хиссиётларнинг, улар сезадиган нарсаларнинг ва моддий фаолиятнинг натижалари, яъни бахт ва мусибат билан бирга илмнинг намоён бўлган кўриниши ҳисобланади. Шундай қилиб, моддий оламнинг намоён бўлиши - нафис сабаб ва кўпол моддий унсурлар орқали сезиларли бўлган моддий эффект(борлиқ), жараёндир. Брахман намоён бўлган барча нафис ва кўпол унсурларнинг манбаи сифатида, Мутлақ табиатга эга бўлгани учун айна пайтда уларга нисбатан илоҳийдир. 38. Брахман, мангу руҳ ҳеч қачон туғилмаган ва ҳеч қачон ўлмайди, шунингдек у ҳеч қачон каттаймайди ва емирилиб, бузилиб кетмайди. Ана шу руҳий табиатга эга бўлган жон аслини олганда моддий тананинг ўсмирлигини, ёшлигини, кексалигини ва ўлимини биладиган зотдир. Шу тариқа руҳни ҳамма жойда, хамиша мавжуд бўлган ва ҳеч қачон йўқолмайдиган пок онг деб тушуниш мумкин. Худди танадаги ҳаёт нафаси гарчи аслида битта бўлса ҳам, ҳар хил моддий хиссиётлар билан бирикиб кўп бўлиб кўрингани сингари, битта руҳ моддий тана билан бирикиб, ҳар хил моддий белгиларни оладигандай бўлиб кўринади.

39. Руҳий табиатга эга бўлган руҳ(жон) моддий оламда ҳар хил ҳаёт турларига мансуб таналарда туғилади. Баъзи турдаги таналар тухумдан, бошқалари - ҳомиладан, яна бирлари - ўсимлик ва дарахт уруғидан, тўртинчи бирлари - тердан туғилади. Аммо, ҳаётнинг барча турларида ҳам *прана*, яъни ҳаёт нафаси ўзгармай қолаверади ва руҳий табиатга эга бўлган жон билан бирга бир танадан иккинчи танага ўтиб юради. Худди шундай руҳ ҳам, ҳаётнинг ҳар хил моддий шароитларидан фарқли равишда хамиша мангу битта ва ўзгармас ҳисобланади. Биз буни амалда ўзимиз яққол ҳис қилишимиз мумкин. Биз чуқур, ҳатто туш ҳам кўрмайдиган қаттиқ уйқуга кетганимизда моддий хиссиётимиз, ҳатто ақлимиз ва сохта ўзлигимиз ҳам ҳаракатсиз, жуда суст ҳолатга ўтиб қолади. Лекин, хиссиёти, ақли ва сохта ўзлиги суст ҳолда бўлгани билан, уйқудан уйғонгандан кейин ҳар ким ўзи, яъни руҳ тинчгина, ором олиб ухлаганини эслай олади.

40. Одам Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини ҳаётининг ягона мақсади сифатида қалбига жойлаб, Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлганида, моддий табиат гуналари таъсири остида аввал ўзи қилган ишлари натижаси сифатида қалбда тўпланиб қолган сон-саноксиз нопок истакларни яқсон қила олади. Шу тариқа қалби анча покланганида ҳар қандай одам Худои Таолони ҳам, ўзини ҳам илоҳий табиатга бўлган руҳий зотлар сифатида қабул қила олади. Шундай қилиб, худди ҳар бир одам соғлом кўзи, кўриш қобилияти ёрдамида куёш нурини кўра олгани сингари, тирик мавжудот бевосита шахсий тажриба орқали руҳий илмни тушунишда мукамалликка эришади”.

41. Шоҳ Ними шундай деди: “Эй буюк донишмандлар, илтимос, бизга карма-йога жараёни ҳақида гапириб беринглар. Ўзининг ҳамма ишларини Худои Таолога тақдим этишнинг ана шу жараёнида

покланиб, инсон ҳатто шу ҳаётининг ўзидаёқ ўзининг барча кармали ишлари оқибатидан озодликка чиқиб, илоҳий даражадаги пок руҳий ҳаёт билан лаззатланиб яшай олади. 42. Кунлардан бир куни, отам Махараж Икшвакунинг олдида мен шунга ўхшаган савол билан Тангри Брахманинг тўрт донишманд ўғлига мурожаат қилган эдим. Аммо улар менинг саволимга жавоб бермадилар. Илтимос, менга шунинг мазмунини тушунтириб беринглар”.

43. Шри Авирхотра шундай деди: “Белгиланган (бурч)вазифалар, ўз бурчини бажармаслик ва таъқиқланган амаллар шундай тушунчалардирки, уларни ҳар бир одам Ведавий муқаддас китобларни чуқур ўрганиш орқали тушуна олади. Бу мушкул тушунчаларни ҳеч қачон дунёвий, чекланган, моддий фикрлаш ёрдамида тушуниб бўлмайди. Ведавий адабиётлар мажмуи Парвардигорнинг бу оламда товуш шаклида намоён бўлган қиёфасидир, шу боис Ведалар илми мукамал илмдир. Агар текширилган ва аниқ илмни инкор этсалар, ҳатто энг буюк билимдон олимлар ҳам тўғри йўлдан адашадилар. 44. Гарчи инсон ҳаётининг ҳақиқий мазмуни, мақсади дунёвий фаолиятга бўлган боғланишдан халос бўлиш бўлса ҳам, ғофил нодон одамлар, худди болаларга ўхшаб дунёвий, кармали фаолиятга қаттиқ боғланиб қолганлар. Шу боис, худди боласи дори ичиши учун отаси унга бирор ширинлик ваъда қилгани сингари, Ведавий кўрсатмалар ҳам аввалига ҳар хил моддий манфаатлар келтирадиган амалларни бажаришни тавсия қилиб, охир-оқибатда одамларни ҳар хил йўллар билан руҳий озодликка чиқиш йўлига олиб келади. 45. Агар моддий хиссиётларини жиловлаб олмаган ғофил одам Ведавий муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига риоя қилмаса, у албатта ҳар хил бемаъни ишларига берилиб, оғир гуноҳларга ботиб кетади. Шу тариқа у такрор ва такрор туғилиб-ўлишларга мубтало бўлиб юраверади. 46. Ведаларда ўзи учун белгиланган бурчни ҳеч қандай боғланишсиз бажариб яшаш ва бу ишларнинг барча натижаларини Худои Таолога тақдим қилиш билан инсон дунёвий фаолият натижаларига қарам бўлиб қолишдан халос бўлади. Дунёвий ишларнинг муқаддас китобларда кўрсатилган моддий натижалари Ведалар илмининг ҳақиқий мақсади эмас. Лекин улар бу ишларни бажараётган одамнинг шахсий интилишларини қондириш учун мўлжалланган.

47. Руҳни бу оламда тутқун қилиб боғлаб турган сохта ўзлик тугунини тез вақт ичида кесиб ташлашга интилаётган киши тантралар сингари Ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган чеклашларга амал қилиб, Парвардигор Кешавага сиғиниши лозим. 48. Шогирдига Ведалар илмининг кўрсатмаларини ўргатадиган руҳий устознинг марҳаматига эришиб, содиқ хизматкор Парвардигорнинг ўзига энг ёқимли бўлиб кўринган маълум бир шахсий қиёфасига сажда қилиб юриши лозим. 49. Ювиниб покланиб, танасини *пранайама*, *бхута-сиддхи* ва бошқа шу каби жараёнлар ёрдамида полагандан кейин, танасини ҳимоя тилакалари билан беаб, Илоҳ олдида ўтириб, Худонинг Олий Шахсига сиғиниши лозим. 50-51. Содиқ хизматкор ўз имкониятига қараб, Илоҳга сиғиниш учун зарур бўлган ҳамма анжомларни тўплаши, сиғинишга ҳозирланиб, полни, ақлини ва Илоҳни тайёрлаши, поклаш учун ўтиригичига сув сепиши, Илоҳларни ювинтиришга сув ҳозирлаши ва бошқа нарсаларни тайёрлаши лозим. Кейин содиқ

Илохни ҳам ичида - калбининг тўрида, ҳам ташқарида - белгиланган жойга ўрнатиши, бутун диққат-эътиборини бир жойга жамлаб, Илохнинг қалбини ва танасининг бошқа жойларини тилакалар билан безаши лозим. Кейин у белгиланган мантраларни тиловат қилиб, чуқур иймон ва ихлос билан сиғиниш маросимини ўтказиши лозим. 52-53. Ҳар бир одам Илоҳга Унинг илоҳий танасининг ҳар бир қисми билан бирга, Унинг Сударшана чакра сингари қуролларига, Унинг танасининг бошқа айрим қисмларига ва яқин ҳамроҳларига сажда қилиши лозим. Парвардигорнинг мана шу илоҳий анжомларига ҳар бир одам маълум мантраларни тиловат қилиб, оёқларини ювишга сув таклиф қилиб, муаттар сув, оғиз чайиш учун сув, ювиниш учун сув, чиройли либос ва тақинчоқлар, муаттар атирмойлар, қимматбаҳо маржонлар, янчилмаган арпа дони, гулчамбар, фимиам ва шамчирок тақдим этиб сиғиниши лозим. Шундай қилиб, барча қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда сиғиниш маросимини ўтказиб бўлиб, ҳар бир содиқ Парвардигор Харининг Илоҳига илтижо қилиб, Уни шарафлаши ва олдида узала тушиб Унга эҳтиром билан сажда қилиши лозим. 54. Сажда қилаётган одам ўзини Парвардигорнинг мангу хизматкори деб билиб, бутунлай қалбига ғарқ бўлиши, Илоҳ ўзининг қалбида ҳам мавжуд эканини эсида сақлаган ҳолда мукамал онг билан сажда қилиши лозим. Кейин у Илоҳга сиғинишда таклиф этилган гулчамбар сингари табаррук нарсаларни тавоф этиб бошига кўйиши ва Илоҳларни жойига кўйиб, сиғинишни ниҳоясига етказиши лозим.

55. Парвардигорга сажда қилаётган одам Худои Таоло ҳамма жойда мавжуд эканини тан олиши ва Уни Худои Таолонинг Ўзи мавжуд бўлган оловда, Кувёшда, субда ва бошқа унсурларда, уйига келган мехмоннинг қалбида, шунингдек ўзининг қалбида ҳис қилиб сиғиниши лозим. Худои Таолога шу тарзда сиғиниб юрган содиқ хизматкор тез вақт ичида озодликка эришади.

Тўртинчи боб.

Друмила шоҳ Нимига Парвардигорнинг намоён бўлган қиёфасини таърифлаб беради.

1. Шоҳ Ними шундай деди: “Худонинг Олий Шаҳси моддий оламга Ўз хоҳиши билан Ўзининг ички қуввати ёрдамида ташриф буюради. Шунинг учун, илтимос, бизга Парвардигор Ўзининг бу дунёда намоён бўлган ҳар турли қиёфаларида аввал кўрсатган, ҳозир кўрсатаётган ва келажақда кўрсатадиган кароматлари ҳақида гапириб беринглар”.

2. Шри Друмила шундай деди: “Бепоён Парвардигорнинг бутунлай чексиз сифатларини ёки илоҳий эрмакларини санаб чиқишга ёки тўлиқ таърифлашга уринаётган ҳар қандай одамнинг ақли ёш боланики сингари саёз ҳисобланади. Қандайдир бир билимдон олим узоқ уринишлардан кейин Ер юзидаги барча тупроқ зарраларини санаб чиқишга эриша олса, ҳатто шундай қудратли билимдон ҳам барча қувватлар манбаи бўлган Худо Шаҳсининг ҳаммани ўзига мафтун этувчи сифатларини ва эрмакларини санаб чиқа олмайди.

3. Азалий Парвардигор Нарайана Ўзи яратган беш унсурдан Ўзининг фазовий қиёфасини яратиб, Ўзининг тўла намоён бўлган қиёфасида ана шу тана ичига кирганида, Уни Пуруша деб атай бошладилар. 4. Унинг танасининг ичида бу коинотнинг уч сайёралар тизими тартиб билан жойлашган. Унинг илоҳий сезгилари барча шартланган руҳларнинг илм ўрганадиган ва ҳаракат қиладиган аъзоларини яратади. Унинг онги шартланган илми юзага келтиради, Унинг қудратли нафаси жисмоний кучни, сезги аъзоларининг кучини ва шартланган руҳларнинг шартланган фаолиятини яратади. У моддий эзгулик, эҳтирос ва ғофиллик сифатлари ёрдамида бу оламни ҳаракатга келтирувчи бошланғич сабаб ҳисобланади. Шу тарзда бу моддий олам яратилади, мавжуд бўлиб туради ва яқсон бўлади. 5. Аввалига бошланғич Худо Шаҳси бу коинотни яратиш ниятида моддий эҳтирос гунаси ёрдамида Брахманинг қиёфасини намоён этди. Коинотнинг мавжудлигини таъминлаб туриш учун Парвардигор қурбонлик маросимларининг эгаси, иккибор туғилган браҳманларнинг ва уларнинг муқаддас бурчларининг ҳимоячиси бўлган Ўзининг Вишну қиёфасини намоён этди. Бу коинот вақти келиб яқсон бўладиган пайтда ана шу Худои Таоло моддий ғафлат гунасини кўллаб, Ўзининг Рудра кўринишидаги қиёфасини намоён этади. Бу дунёдаги тирик мавжудотлар шу тариха ҳамиша яратувчи, мавжудлигини таъминловчи ва яқсон қилувчи кучлар ҳукми остида яшайдилар. 6. Мукамал осойишталикка эришган зотлар ва буюк донишмандлар ичида аълоси бўлган Нара-Нарайана Риши Дхарма ва унинг хотини Мурти - Дакшанинг қизининг ўғли сифатида бу дунёга келди. Нара-Нарайана Риши одамларни Худога садоқат билан хизмат қилишга ўргатди. Худога садоқат билан хизмат қилиш шарофати билан дунёвий фаолият бутунлай йўқ бўлиб кетади. Унинг Ўзи ҳам ана шу илми амалда мукамал кўллаб яшайди. У ҳали ҳозиргача тирик ва авлиё зотларнинг энг буюкларини Унинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қиладилар.

7. Шоҳ Индра ташвишга тушиб, Нара-Нарайана Риши Ўзининг қаттиқ риёзатлари ёрдамида жуда қудратли бўлиб кетиши ва жаннат салтанатини мендан тортиб олиши мумкин, деб хавотирлана бошлади. Шундай қилиб Индра Парвардигорнинг моддий оламда намоён бўлган қиёфасининг илоҳий шухратини англаб етмасдан, Парвардигорнинг Бадарик-ашрамдаги даргоҳига ўзининг ҳамроҳлари билан бирга Купидонни юборди. Худди баҳорнинг ёқимли майин шабадалари ажойиб роҳатбахш муҳит яратгани сингари, Купидон ҳам чиройли аёлларнинг жозибадор нигоҳлари кўринишида Парвардигорга турли пайқонлар йўллаб бошлади. 8. Азалий Парвардигор, шоҳ Индра содир этаётган бу ҳақоратларнинг асосий негизини билган ҳолда ундан ғазабланиб ўтирмади. Унинг ўрнига У олдида даҳшатга тушиб, титраб турган Купидон ва унинг ҳамроҳларига истехзо билан шундай деди: “Кўркманглар, ҳой қудратли Мадана, ҳой шамол фариштаси ва фаришталарнинг хотинлари. Марҳамат, Мен сизларга тайёрлаб кўйган мана бу эҳсонларни қабул қилинглар, Менинг даргоҳимни ўзларингизнинг ташрифингиз билан поклаб муқаддас саждагоҳга айлантинглар!”

9. Эй ҳурматли шоҳ Ними, Нара-Нарайана Риши фаришталарнинг қалбидан кўркув туйғусини кетириб, шундай гапларни айтганида улар уялгандан

бошларини эгдилар ва ўзларига Парвардигорнинг раҳмини келтириш учун Унга шундай сўзлар билан мурожаат қилдилар: “Эй азиз Парвардигор, Сен ҳамиша алданиш чегарасидан ташқарида, илоҳий ҳолатдасан, шу боис Сен ҳамиша ўзгармассан. Сени қаттиқ ҳақорат қилганимизга қарамай, бизларга чексиз ҳамдардлик билдириб, бесабаб марҳамат кўрсатишингнинг ҳеч қандай ҳайратланарли жойи йўқ, чунки ҳамиша ҳаётидан мамнун бўлиб, ғазаб ва сохта ғурур туйғусидан пок бўлиб юрган сон-саноксиз буюк донишмандлар Сенинг нилуфар қадамлари пойинг олдида камтарин бош эгадилар. 10. Фаришталарнинг ўткинчи даргоҳларидан юқори кўтарилиш ва Сенинг олий даргоҳингга эришиш ниятида Сенга сизиниб юрган одамларнинг йўлида фаришталар жуда кўп қийинчиликлар, тўсиқлар юзага келтирадилар. Курбонлик маросимларида фаришталарга аталган улушларини уларга тақдим қилиб юрганлар ўз йўлида бундай қийинчиликларга учрамайдилар. Аммо, Сен Ўзингнинг содиқларингнинг бевосита ҳимоячиси бўлганинг учун улар фаришталар кўйган ҳар қандай тўсиқлардан бемалол ўта олади. 11. Ўзининг очлик, чанқоқлик, иссиқ, совуқ тўлқинларига тўла уммонга ўхшаган ва замона зайли билан келадиган изғирин шамол, тил ва жинсий аъзоларнинг хуружи сингари бизларнинг бошқа ҳар хил таъсирларимизни, тўсиқларимизни енгшиш учун баъзи одамлар қаттиқ риззатларга бериладилар. Шунга қарамай, ҳиссий лаззатларнинг ана шу чексиз уммонини қаттиқ риззатлар ёрдамида кечиб ўтсалар ҳам, ундай зотлар оғриқли, бемаъни ғазаб домига тушиб қолганида ноилож қолиб, аҳмоқ бўлиб бузоқнинг оёқ изида қолиб кетган кўлмак сувга ғарқ бўладилар. Шу тариқа улар шунча машаққат билан чеккан риззатларининг натижасини йўққа чиқарадилар”.

12. Фаришталар шу тариқа Худои Таолони олқишлаганларида қудратли Парвардигор уларнинг кўзлари олдида бирданига Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиб юрган, ажойиб либослар кийиб, чиройли тақинчоқлар тақиб олган гўзалликда тенги йўқ сон-саноксиз аёлларни намоён этди. 13. Фаришталарнинг издошлари Нара-Гарайана Риши намоён этган аёлларнинг сеҳрли жамолларини кўриб, уларнинг танасидан келадиган муаттар хидни хидлаганида бутунлай ақлини йўқотиб, эсанкираб қолдилар. Аслини олганда бу аёлларнинг жамолига ва гўзаллигига қараб, фаришталарнинг издошлари бутунлай ўзларини йўқотиб, бор бойлигидан айрилиб қолган эдилар. 14. Барча Худоларнинг Парвардигори майин қолиб қўйди ва олдида бош эгиб турган фаришталарнинг вакилларига шундай деди: “Марҳамат, мана шу аёллардан ўзларингиз ёқтирган биттасини танлаб олинглар. У жаннат сайёрасининг нақши бўлади”.

15. Муқаддас “оум” бўғинини талаффуз қилиб, фаришталар Апасрлар аълоси бўлган Урвашини танладилар. Уни ҳурмат-эҳтиром билан ўзларидан олдинга ўтказиб, барчаси биргаликда жаннатга қайтиб кетдилар. 16. Фаришталарнинг вакиллари Индранинг даргоҳига етиб бордилар ва бутун уч олам аҳлининг вакиллари иштирок этган мажлисида Индрга Нарайананинг буюк қудратини таърифлаб бердилар. Индра Нара-Нарайана Ришининг таърифини эшитиб, ҳайратга тушиб, У Зотни ҳақорат қилиб кўйганидан кўркиб, қаттиқ хавотирга тушди. 17. Бегуноҳ Худо

Шахси, Вишну бу оламга Ўзининг Парвардигор Хамса(Оққуш), Даттатрейя, тўрт Кумар ва бизнинг отамиз қудратли Ришабхадева сингари қисман намоён бўлган қиёфаларда ташриф буюрди. Ана шундай қиёфаларда намоён бўлиб Парвардигор бутун жаҳон аҳлининг саодатини ўйлаб, шартланган руҳларни рухий ўзлигини англаш илмига ўргатади. Хайагрива қиёфасида намоён бўлганида У иблис Мадхуни ўлдирди ва шу тариқа дўзахий Паталалока сайёрасидан Ведаларни қайтариб олди. 18. Балиқ қиёфасида бу оламда намоён бўлганида Парвардигор Сатйаврата Мануни, Ерни ва бебаҳо доривор гиёҳларни ҳалокатдан химоя қилди. У уларни охирзамон сув тошқинидан асраб қолди. Тўнғиз қиёфасида намоён бўлиб Парвардигор Ер сайёрасини бутун олам сув уммони қаъридан олиб чиқиб, Дитининг ўғли иблис Хиранйакшани ўлдирди. Тошбақа қиёфасида намоён бўлиб, Парвардигор Мандара тоғини Ўзининг елкасида кўтариб туриб, фаришта ва иблисларга уммонни чайиб, мангулик шарбатини олишда ёрдам берди. Парвардигор тимсоҳ билан олишувдан қаттиқ изтироб чекиб ҳолдан тойган буюк содиқ филлар шоҳи Гажендрани қутқариб қолди.

19. Парвардигор шунингдек, кичкина риззатчи донишмандлар - Валакхилиялар сигирнинг туёқ изида тўпланган сувга ботиб қолганида, Индра мазахлаб уларнинг устидан қулиб турганида уларни бу ҳолатдан халос этиб озодликка чиқарди. Кейин Парвардигор, Вритрасурани ўлдиргани оқибатида зулмат қаърига ботиб қолган Индрани озодликка чиқарди. Иблислар фаришталарнинг хотинларини босиб олиб кетиб, ўзларининг саройига қамаб қўйганида, Парвардигор бирор бошпана, нажоткор тополмай қолган шу аёлларни ҳам озодликка чиқарди. Ўзининг авлиё содиқларини кўрқув ва мусибатлардан халос этиш ниятида Парвардигор Нарасимха қиёфасида иблис Хиранйакашинуни ўлдирди. 20. Иблисларнинг ҳукмдорларини яқсон қилиш ниятида Худои Таоло мунтазам равишда иблислар ва фаришталар ўртасида урушларни юзага келтириб туради. Шундай қилиб, Парвардигор ҳар бир Ману ҳукмронлик қилган даврда турли қиёфаларда намоён бўлиб, оламни химоя қилиш ниятида фаришталарни илҳомлантириб, уларга ёрдам беради. Парвардигор Вamana қиёфасида ҳам намоён бўлди ва уч қадам ер садақа сўраш баҳонаси билан Бали Махараждан бутун уч оламни тортиб олди. Кейин Парвардигор бутун оламни яна Адитининг ўғилларига қайтариб берди. 21. Парвардигор Парашурама Бхригу хонадонига худди оловдай пайдо бўлиб, бутун Хаихайлар авлодининг қулини кўкка совурди. Шу тариқа Парвардигор Парашурама Ер юзини барча кшатрийлардан йигирма бир марта тозалади. Худди ўша Парвардигор Ситадевининг эри Рамачандра қиёфасида келиб, барча қўшини билан бирга Ланканинг ўн бошли ҳукмдори Раванани ўлдирди. Илоё, шуҳрати бутун оламни поклайдиган ана шу Парвардигор Шри Рамага ҳамиша шон-шарафлар бўлсин!

22. Ер сайёрасининг мусибатини енгиллатиш ниятида туғилмаган Парвардигор йадулар хонадонига намоён бўлади ва хатто фаришталар ҳам кўрсата олмайдиган ғаройиб кароматлар намоёиш этади. Шахсий фалсафасини жаҳонга тарғибот қилиб, Буддха қиёфасида Парвардигор Ведавий курбонлик маросимларини нотўғри ўтказиб юрган одамларни ведаларга ишониш йўлидан адаштиради. Кали-юга

охарида Калки киёфасида келиб, Парвардигор ўзларини ҳукмдор деб юрган барча куйи табақага оид иймонсиз одамларни яқсон қилади.

23. Эй қўллари қудратли шох, Парвардигорнинг мен сенга гапириб берган киёфаларига ўхшаган минглаб киёфалари ва кўрсатган қароматлари бор. Аслида Парвардигорнинг шухрати бепоён.

Бешинчи боб.

Нарада Мунининг Васудевага берган насихатлари.

1. Шох ними шундай деди: “Эй ҳурматли Йогендралар, сизларнинг ҳар бирингиз руҳий ўзликни англаш илмини мукаммал эгаллаган зотларсиз. Шу боис, марҳамат қилиб менга айтинглари-чи, умрида ҳеч қачон Худонинг Олий Шахси Харига сажда қилмайдиган, ўзларининг дунёвий истакларини амалга оширолмайдиган, ўзларининг бу дунёдаги фаолиятини умуман назорат қила олмайдиган одамларнинг борадиган жойларини таърифлаб беринглари”.

2. Шри Чамаса шундай деди: “Жамиятдаги брахманлар бошлиқ тўрт табақанинг ҳар бири табиатнинг турли сифатлари аралашмаси сифатида Парвардигорнинг юзидан, қўлларидан, сонидан ва оёғидан яратилган. Жамиятда одамлар яшайдиган турмуш тарзи(ашрам) ҳам шундай яратилган. 3. Агар жамиятдаги тўрт табақа ва тўрт ашрамнинг бирортаси Худои Таолога сиғинмайдиган бўлса ёки ўзини бу дунёга келтириб қўйган Худои Таолони онгли равишда инкор этадиган бўлса, ундай одамлар инсонлар жамиятидаги юксак мартабасидан маҳрум бўлиб ҳаётнинг дўзахий сайёралардаги энг тубан шаклларига қулайдилар. 4. Худонинг Олий Шахси Хари ҳақидаги суҳбатларда иштирок этиш имконияти бўлмаган жуда кўп одамлар бор, ундай одамлар учун Парвардигорнинг бенуқсон шон-шухратини шарафлаб қуйлаш жуда оғир. Жамиятдаги аёллар, шудралар сингари бошқа куйи табақадаги одамлар ҳамиша сенга ўхшаган улўвор зотларнинг марҳамати, меҳр-шафқатига муҳтождирлар. 5. Аксинча, брахманлар, шох хонадонининг аъзолари ва ваишйалар, ҳатто уларга Худонинг Олий Шахси Харининг нилуфар қадамлари пойига яқинлашиш имкони берилгандан кейин ҳам, Ведавий қонун-қоидаларга асосан фотиҳа олиб, руҳий ҳаётга киришгандан кейин ҳам, барибир адашиб боши берк кўчага кириб қолиб, ҳар хил дунёвий фалсафаларни қабул қилиб кетишлари мумкин. 6. Дунёвий фаолият санъати ҳақида ҳеч нарса билмай туриб, Ведаларнинг чиройли гапларига маҳлиё бўлиб нотўғри йўлдан илҳомланиб кетган ана шундай димоғдор нодонлар ўзларини буюк билимдон донишманд деб ҳисоблайдилар ва фаришталарга атаб ҳар хил илтижолар қиладилар. 7. Ведаларни эҳтирос гунаси таъсири остида ўрганиб, ҳаёт ҳақида моддий фикрга эга бўлган ана шундай ведантистлар ҳар хил дунёвий истаклар исканжасига тушиб қоладилар ва ҳаддан ташқари орзу-ҳавасларга, эҳтиросга берилиб кетадилар. Уларнинг ғазаби худди илоннинг ғазабига ўхшаб кетади. Ёлғончи, ўта димоғдор, ўзига бино қўйган ва ҳамиша оғир гуноҳ ишларга берилиб юриб, улар Парвардигор Ачйутага жуда азиз бўлган Худонинг содиқларини масҳара қиладилар. 8. Ведавий

маросимларни бажаришга берилиб кетган дунёвий ақидапарастлар Худого сиғинишни тарк этиб, аслини олганда бунинг ўрнига ўз хотинларига сиғинадилар, шу тариқа уларнинг уйлари жинсий ҳаёт эҳромига айланади. Ана шундай дунёвий ҳаётга берилиб кетган оилали одамлар бундай кулгили ишлар қилишга бир-бирларини илҳомлантириб, бир-бирини қўллаб-қувватлайдилар. Диний маросимларни худди тирикчилик қилишнинг асосий муҳим шартларидан бири сифатида қабул қилиб, улар таркибида брахманларга ва бошқа муносиб зотларга хайр-эҳсон ёки прасад улашиш бўлмаган ярқосиз, нотўғри маросимларни ўтказадилар. Ўзларининг қилаётган ишлари қандай оқибатлар келтиришини мутлақо тушунмасдан, эчки сингари беозор ҳайвонларни ёвузларча ўлдирадилар. 9. Ваҳшийларча ёвузлик кайфиятида бўлган одамларнинг тафаккури фаровонлик, бойлик, мартабали оилалар билан қариндош бўлиш, дунёвий маълумотга эга бўлиш, таркидунёлик, гўзаллик, жисмоний қудрат ва ведавий маросимларни шараф билан адо этишга асосланган сохта мағрурлик таъсири остида хиралашиб қолади. Шундай сохта мағрурлик таъсирида кўзлари кўр бўлиб қолган ана шундай шафқатсиз, ёвуз одамлар Худонинг Олий Шахси ва Унинг содиқларини танқид қиладилар. 10. Худо Шахси ҳар бир шартланган тирик мавжудотнинг қалбида мангу мавжуд; шунга қарамай, гарчи ҳамма жойни қамраб олган бўлса ҳам, бирор моддий унсур билан қўшилиб, аралашиб кетмайдиган осмон сингари, Парвардигор ҳам ҳеч нарсага аралашмай, қўшилмай туради. Парвардигор Ведалар адабиётида муносиб шарафлаб қуйланган, лекин ақл-заковатдан маҳрум бўлган одамлар Худои Таоло ҳақида тинглашни ёқтирмайдилар. Бунинг ўрнига улар ўзлари ўйлаб топган, албатта гўшт ейиш ёки жинсий алоқа лаззатига ўхшаган қўпол моддий лаззатлар билан боғлиқ бўлган мавзуларни муҳокама қилиб, ўз вақтларини бекорга сарфлашни афзал биладилар.

11. Бу моддий оламда шартланган руҳ ҳамиша жинсий алоқа қилиш, гўшт ейиш ва маст қилувчи нарсалар истеъмол қилишга мойиллик ҳис қилади. Шу боис муқаддас китобларда аслида ҳеч қачон бундай ишлар олқишланмайди, қўллаб-қувватланмайди. Гарчи Ведавий муқаддас китобларда жинсий алоқа билан шуғулланишга рухсат берадиган никоҳ маросими, гўшт ейиш рухсат этиладиган қурбонлик маросими, маст қилувчи ичимликлар ичиш рухсат этиладиган табаррук маросимлар мавжуд бўлса ҳам, аслида бундай маросимларнинг барчаси охир-оқибатда инсонни бир мақсадга - таркидунёлик ҳолатига эриштиришни кўзлайди. 12. Бу дунёдаги эришган барча бойликларнинг ягона муносиб меваси - иймон, такводорликдир. Такводорлик асосида ҳаётни фалсафий англаб етиш мумкин, бу эса Мутлак Ҳақиқатни бевоҳита яққол ҳис қилишга, натижада ҳаётдаги барча мусибатлардан бутунлай озодликка чиқишга олиб келади. Аммо, иймонсиз дунёвий одамлар моддий бойлигидан фақат ўзларининг оилавий ишларини ривожлантиришда фойдаланадилар. Улар муқаррар ажал тез орада уларнинг ўткинчи моддий танасини бугунлай яқсон қилиб ташлашини кўра билишга қодир эмаслар. 13. Ведавий муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига асосан қурбонлик маросимларида май таклиф қилинганида, бу табаррук майни ичиш билан эмас, шунчаки ҳидлаш билан тавоф этиш кўрсатилган.

Худди шундай ҳайвонларни қурбонлик маросими пайтида эҳсон қилиш рухсат этилган, лекин ҳар куни ҳамма жойда ҳайвонларни сўйиб ейиш кўрсатилмаган. Диний қоидаларга асосан жинсий алоқа фақат никоҳ доирасида, такводор фарзандлар кўриш учун рухсат этилган, лекин инсон танасига ёвузларча бешафқат зулм ўтказиб, жинсий алоқага муккасидан кетиш кўрсатилмаган. Лекин, минг афсуски, ақлдан озган дунёвий одамлар ўзларининг инсон бўлиб яшайдиган асосий вазифаси, ягона мақсади - руҳий юксалишга эришиш эканини тушуна олмайдилар. 14. Худои Таолонинг қонунларини, ҳақиқий дин қоидаларини билмайдиган, гуноҳи азимларга ботиб кетган ана шундай гуноҳкорлар шунда ҳам ўзларини “такводор”, “мусулмон” одамлар деб ҳисоблайдилар ва виждонлари қийналмасдан, ихтиёрини соддалик билан бутунлай ўзларига топшириб қўйган беозор уй ҳайвонларига нисбатан ёвузларча зулм ўтказиб, уларни ваҳшийлик билан сўйиб, гўштини ейдилар. Ана шундай гуноҳкор одамлар кейинги ҳаётларида албатта ўзлари ҳозирги ҳаётида сўйиб еган ҳайвонларга емиш бўладилар. 15. Бу дунёдаги шартланган руҳлар ўзларининг жасадсимон моддий таналарига, қариндошларига ва бошқа моддий нарсаларига бўлган муҳаббат туйғусидан мағрурланиб роҳатланадилар. Ана шундай мағрур ва аҳмоқона ҳолатга тушиб, шартланган руҳлар бошқа тирик мавжудотларга, шунингдек барча тирик мавжудотларнинг қалбида мавжуд бўлган Худонинг Олий Шахси Харига ҳасад қиладилар. Шу тариқа бошқаларни ҳасад билан ҳақоратлаш, хафа қилиш, озор бериш оқибатида шартланган руҳлар аста-секин дўзахга равона бўладилар. 16. Мутлақ Ҳақиқат ҳақида илмга эга бўлмаган, лекин шунга қарамай ғафлат зулмати қаъридан анча юқорида юрган тирик мавжудотлар такводор дунёвий ҳаётнинг уч турли йўлидан - диндорлик(дхарма), иқтисодий фаровонлик(артха) ва ҳиссий лаззатланиш(кама) йўлидан борадилар. Инсон ҳаётининг улуғвор мақсади ҳақида фикр юритишга вақти бўлмагани сабабли улар ҳам ўзларининг мангу руҳларининг қотилига айланадилар. 17. Ўз жонининг қотиллари ҳеч қачон қалбининг осойишталигига эриша

олмайдилар, чунки улар инсонга ато этилган юксак тафаккур охир-оқибатда дунёвий ҳаётни ривожлантириш учун берилган деб ҳисоблайдилар. Шу тариқа ўзларининг ҳақиқий, руҳий вазифаларини инкор этиб, улар ҳаммаша чексиз мусибат, туганмас азоб-уқубат ичида яшайдилар. Уларнинг қалби буюк орзу-умидларга тўла бўлади, лекин, афсуски, буларнинг барчасини бешафқат замон яқсон қилиб, йўққа чиқаради. 18. Худои Таолонинг алдамчи қуввати домига тушиб, Парвардигор Васудевадан юз ўгирган одамлар, Парвардигорнинг алдамчи қуввати яратган уйи, бола-чақаси, дўстлари, хотини ва ўйнашларидан маҳрум бўлишга мажбур бўлиб, ўзлари истамаган ҳолда коинотнинг энг қоронғу қаърига тушишга мажбур бўладилар”.

19. Шоҳ Ними шундай деди: “Ҳар хил даврларда Худонинг Олий Шахси қандай қиёфаларда, қандай рангдаги таналарда намоён бўлади? Маданиятли жамиятда инсонлар Парвардигорга қандай қонун-қоидалар асосида сиғинадилар ва қандай номлар билан Унга мурожаат қиладилар?”

20. Шри Карабахаджана шундай деб жавоб берди: “Тўрт даврнинг ҳар бирида - Крита, Трета,

Двапара ва Кали югада - Парвардигор Кешава ҳар хил рангдаги таналарда, ҳар хил ном ва қиёфаларда намоён бўлади ва шу тариқа одамлар ҳар хил жараёнларда сажда қилиб Худои Таолога сиғинадилар. 21. Сатйа-йугада Парвардигор оқ рангда ва тўрт қўлли қиёфада намоён бўлади, сочлари узун, хурпайган, киядиган либоси дарахт пўтлоғидан қилинган бўлади. У устига қора кийик терисини ташлаб олган, муқаддас чилвир, зуннор таққан, қўлида зикр мунчоғи, ҳасса ва сув солиш учун брахмачарийлар олиб юрадиган идиш ушлаган бўлади. 22. Сатйа-йугада яшайдиган одамлар осойишта, бир-бирларига беозор, ҳасад қилмайдиган, ҳар бир мавжудотга меҳрибон дўст, ҳар қандай ҳолатда ҳам хотиржам қоладиган зотлар бўлади. Улар таркидунёлик билан қун кечириб, камтарин муроқабани қилиш, ички ва ташқи сезгиларини назорат қилиш билан Худои Таолога сиғинадилар. 23. Сатйа-йугада Парвардигорни Хамса, Супарна, Ваикунтха, Дхарма, Йогешвара, Амала, Ишвара, Пуруша, Авйакта ва Параматма деган муқаддас номлар билан зикр қиладилар.

24. Трета-йугада Парвардигор қизил рангли танада намоён бўлади. У тўрт қўлли, сочлари олтинранг, уч Веданинг ҳар бирига фотиҳа олганини билдирадиган уч қават камар осиб олган бўлади. Риг, Сама, Яджур Ведаларда кўрсатилган қурбонлик маросимлари ёрдамида Худого сиғиниш тимсоли бўлган ҳолда, Унинг белгилари чўмич, қошиқ ва қурбонлик маросими ўтказишда зарур бўлган бошқа анжомлар бўлади. 25. Трета-югада ҳақиқий дин қонунларига қатъий риоя қилиб яшайдиган ва Мутлақ Ҳақиқатга эришишга самимий интилиб юрган одамлар Ўзида барча фаришталарни мужассам қилиб олган Парвардигор Харига сиғинадилар. Улар Парвардигорга уч Ведада кўрсатилган қурбонлик маросимларини ўтказиш билан сиғинадилар. 26. Трета-йугада Парвардигорни Вишну, Йаджна, Пришнигарбха, Сарвадева, Урукрама, Вришакапи, Жайанта ва Уругайа деган муқаддас номлар билан зикр қиладилар.

27. Двапара йугада Худонинг Олий Шахси кўкимтир қора рангли танада, сариқ либослар кийиб намоён бўлади. Парвардигорнинг илоҳий танаси Шриватса ва бошқа белгилар билан ажралиб туради, шунингдек У Ўзининг шахсий қуролларини ҳам намоён этади. 28. Эй хурматли шоҳ, Двапара-йугада олий лаззатланувчи бўлган Худонинг Олий Шахсини танишга, Унга эришишга интилайтган одамлар Парвардигорга Ведаларнинг ва тантраларнинг кўрсатмалари асосида буюк шаҳаншоҳ, Олий Ҳукмдор сифатида эҳтиром кўрсатиш кайфиятида сиғинадилар. 29-30. “Эй Парвардигор Васудева, Сенга ва Сенинг Санкаршана, Прадйумна ва Анируддха қиёфаларингга чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз. Эй Парвардигор Нарайана Риши, эй оламни яратган Зот, эй барча шахслар ичида аълоси, эй бутун борлиқ султони ва коинотнинг азалий қиёфаси, эй барча яралган тирик мавжудотларнинг олий Руҳи, барча хурмат-эҳтиром Сенга бўлсин!” 31. Эй шоҳ, Двапара-югада такводор одамлар Худои Таолони ана шундай олқишлайдилар.

Кали-йугада ҳам одамлар муқаддас китобларнинг ҳар хил чекланган кўрсатмаларига амал қилган ҳолда Худонинг Олий Шахсига сиғинадилар. Энди мендан шу ҳақда эшит.

32. Кали-йугада донишманд одамлар ҳаммаша Кришнанинг муқаддас номларини қуйлаб юрадиган

Худои Таолонинг намоён бўлган қиёфасига сиғиниш учун Худонинг муқаддас номларини биргаликда қуйлайдилар. Парвардигорнинг бу қиёфасининг ранги қорамтир бўлмаса ҳам, аслида У Кришнанинг Ўзидир. У ҳамиша мангу ҳамроҳлари, хизматкорлари, куруллари ва яқин йўлдошлари билан бирга юради. 33. “Эй азиз Худойим, Сен Худонинг Олий Шахси, Маха-Пурушасан, мен ҳамиша муруқаба қилиш лозим бўлган Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қиламан. Ана шу нилуфарсимон пойи қадамларинг дунёвий ҳаётнинг оғир шарт-шароитларини бутунлай яқсон қилади ва руҳни энг буюк орзусига етказиб, унга Худого муҳаббат туйғусини ҳада этади. Эй азиз Худойим, Сенинг нилуфар пойи қадамларинг барча муқаддас саждаҳоқларнинг ва Худого садоқат билан хизмат қилиб юрган барча авлиё зотларнинг нажот макони бўлиб, уларни Тангри Брахма ва Тангри Шива сингари қудратли фаришталар ҳам эъзозлайдилар. Эй азиз Худойим, Сен шунчалик меҳрибонсанки, Сенга шунчаки ҳурмат билан бош эгиб сажда қилиб юрган зотларни Ўзинг мустаҳкам ҳимоя қилиб юрасан ва шу тариқа Сен Ўз хизматкорларининг ҳаётдаги барча қийинчиликларини, мусибатларини енгиллаштирасан. Яна шуни айтмоқчиманки, эй азиз Худойим, Сенинг нилуфар пойи қадамларинг ҳақиқатан ҳам туғилиш ва ўлишлар уммонини кечиб ўтиш учун энг қулай кема ҳисобланади, шу боис ҳатто Тангри Брахма ва Тангри Шива ҳам Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топишга интиладилар”.

34. “О Маха-Пуруша, мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қиламан. Сен, тарк этиш жуда мушкул бўлган, ҳатто буюк фаришталар ҳам зўр бериб интилиб юрган раванқ фариштасининг даврасини ва унинг бутун бойликларини тарк этдинг. Ҳақиқий дин йўлининг энг содиқ издоши сифатида Сен брахманнинг қарғишини ҳурмат билан қабул қилиб ўрмонга йўл олдинг. Чексиз меҳрибонлигинг туфайли Сен ҳамиша алдамчи лаззатлар изидан бетиним югуриб юрган адашган шартланган руҳларни қутқариш учун келдинг, айни пайтда Сен Ўзинг истаган Парвардигор Шийамасундарани излаш билан машғул бўлдинг”.

35. Шундай қилиб эй шоҳ, Парвардигор Хари - инсон ўзининг ҳаётида интилиб юрган барча саодатларни мукамал ато этувчи ягона қудратли Зот ҳисобланади. Донишманд одамлар Парвардигор бу оламда ҳар хил даврларда намоён этадиган қиёфа ва муқаддас номларга сиғинадилар. 36. Ҳақиқий илм ўрганишда юксалишга эришган одамлар Кали-юга даврининг асосий аҳамиятини англаб етишга қодир бўладилар. Ана шундай билимдон зотлар Кали-юга даврига сиғинадилар, чунки мана шу тасткаш даврда инсон санкиртана маросими ўтказиш ёрдамида осонлик билан камолот чўққисига эриша олади. 37. Аслини олганда, бутун моддий олам бўйлаб сарсон-саргардон бўлиб юришга маҳкум этилган шартланган руҳлар учун уларни бетакрор туғилиб-ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқаришга қодир бўлган, Парвардигорнинг санкиртана ҳаракатидан ҳам каттароқ ютуқ йўқ.

38-40. Эй азиз Худойим, Сатйа-йуга ва бошқа йугаларда яшайдиган одамлар мана шу Кали-йугада туғилишга зўр бериб интиладилар, чунки бу югада жаҳонда Парвардигор Нарайананинг содиқлари жуда кўп бўлади. Бу содиқлар жаҳоннинг ҳамма ерида пайдо бўладилар, лекин айниқса улар жанубий Ҳиндистонда кўпчиликни ташкил этадилар. Эй одамлар ҳукмдори, бу

кали-югада Дравида-дешанинг Тамрапарни, Критамаля, Пайашвини, жуда саховатли Кавери ва Пратичи Маханида сингари муқаддас дарёларидан сув ичган одамларнинг деярли барчаси Худонинг Олий Шахси Васудеванинг соф содиқлари бўладилар. 41. Эй шоҳ, ўзининг барча дунёвий бурчларини тарк этиб, барчага паноҳ берадиган Муқунданинг нилуфар қадамлари пойидан тўла паноҳ топган одам фаришталар, буюк донишмандлар, оддий тирик мавжудотлар, қариндошлари, дўстлари, инсоният ва ҳатто аввал ўтган аждодлари олдидаги барча бурч, қарзларидан халос бўлади. Барча тирик мавжудотлар ягона Парвардигорнинг ажралмас руҳий заррачалари бўлгани сабабли ўзини бутунлай Худого садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган зотлар уларга алоҳида хизмат қилиб юришларига ҳожат қолмайди.

42. Шу тариқа ҳаётда барча дунёвий ишларини тарк этиб, Худонинг Олий Шахси Харининг нилуфар қадамлари пойидан тўла паноҳ топган киши Парвардигор учун жуда азиз зотдир. Аслида ана шундай содиқ руҳ билмасдан қандайдир гуноҳ иш содир қилиб қўйса ҳам, ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Худонинг Олий Шахси бундай гуноҳ ишнинг оқибатини дарров яқсон қилади”.

43. Нарада Муни шундай деди: “Худого садоқат билан хизмат қилиш илмини тинглаб, Митхила шоҳи Ними жуда мамнун бўлди ва қурбонлик маросимидаги бошқа барча руҳонийлар билан бирга Жайантининг донишманд ўғилларига чуқур эҳтиром билан сажда қилди.

44. Шундан сўнг руҳий камолотга эришган донишмандлар тўпланганларнинг кўзидан ғойиб бўлди. Шоҳ Ними улардан ўрганган руҳий ҳаёт илми қоидаларига қатъий амал қилиб, чуқур иймон билан Худого хизмат қила бошлади ва шу тарзда ҳаётда энг олий мақсадга эришди. 45. Эй буюк омадли Васудева, сен ҳам ҳозир мендан эшитган Худого садоқат билан хизмат қилишнинг ана шу қоидаларига чуқур иймон билан рия қилиб юр, шу тариқа барча бемаъни дунёвий суҳбатлардан халос бўлиб, сен албатта Худонинг даргоҳига эришасан. 46. Аслини олганда бутун олам сенинг ва сенинг садоқатли хотининг шухрати билан тўлди, чунки Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Хари сенинг ўғлинг кўринишида бу дунёга ташриф буюрди. 47. Азизим Васудева, сен ва сенинг муборак хотининг Деваки Парвардигор Кришнани ўзинигизнинг ўғлингиз қилиб олиб, Унга чуқур илохий муҳаббат туйғусини намоён этдинглар. Сизлар ҳамиша Парвардигорни яққол кўриб, бағрингизга босиб, У билан суҳбатлашиб, У билан бирга дам олиб, ўтириб, бирга овқатланиб юрасизлар. Парвардигор билан ана шундай яқин, меҳр-муҳаббатга тўла муносабатлар шарофати билан сизлар икковингиз ҳам қалбингизни бутунлай покладинглар. Бошқача қилиб айтганда, сизлар аллақачон камолот чўққисига эришдинглар.

48. Шишупала, Паундрика ва Шалва сингари Парвардигорга нисбатан душманлик кайфиятида бўлган шоҳлар ҳам аслида ҳамиша Парвардигор Кришна ҳақида ўйлаб юрадилар. Улар ҳатто ётганларида, ўтирганларида ёки бошқа бирор иш билан машғул пайтларида ҳам ҳасад туйғуси билан Парвардигорнинг ҳаракатларини, эрмакларини, содиқларига қаратилган меҳр тўла нигоҳларини ва бошқа мафтункор сифатларини эслаб, муруқаба қилиб

юрганлар. Шу тарика хамиша Кришна онгига ғарк бўлиб, улар ҳам рухий озодликка чиқиб, Худонинг даргоҳига эришдилар. Шундай экан, хамиша Парвардигор ҳақида меҳр-муҳаббат билан ўйлаб юрадиган Унинг содиқларига ато этиладиган саодатлар ҳақида нима дейиш мумкин?

49. Кришнани оддий бола деб ўйлама, чунки У - Худонинг Олий Шахси, туганмас азалий Зот ва барча тирик мавжудотларнинг Олий Руҳи. Парвардигор Ўзининг англаб бўлмас бойликларини бегона ғофил кўзлардан яшириб қўйган ва ташқаридан худди оддий инсонлардай кўриниб юрибди. 50. Худонинг Олий Шахси Ер юзига авлиё содиқларни химоя қилиш ҳамда инсониятга мусибат келтириб турган иблис табиатли хукмдорларни яқсон қилиш учун ташриф буюрган. Лекин, Худонинг марҳамати билан иблислар ҳам, Худонинг содиқлари ҳам рухий озодликка эришадилар. Шу тарика Парвардигорнинг илоҳий шухрати бутун оламга таралади”.

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: “Бу гапларни эшитиб, буюк омадли Васудева ҳайратга тушди. Шу тарика Васудева ва унинг садоқатли хотини Деваки алданиш чангалидан кутулдилар ва қалбларини чулғаб олган ташвиш ва хавотирлардан бутунлай халос бўлдилар. 52. Мана шу тарихий ҳикояни диққат ва чуқур иймон билан эслаб, мунтазам ўйлаб юрган ҳар қандай одам ҳаётда ўзини ҳар қандай иллатлардан поклайди ва шу тарзда рухий камолот чўққисига эришади.

Олтинчи боб. Йадулар хонадони аъзолари Прахасуга кетади.

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: “Шундан сўнг Тангри Брахма ўзининг ўғиллари, фаришталар ва буюк праджапатилар ҳамроҳлигида Дваракага йўл олди. Барча тирик мавжудотларга саодат бағишловчи Тангри Шива ҳам кўплаган арвоҳлар ҳамроҳлигида шу ерга йўл олди. 2-4. Қудратли Индра Маруглар, Адитйалар, Васулар, Ашвинилар, Рибхулар, Ангиралар, Рудралар, Вишвадевалар, Садхйалар, Гандхарвалар, Апсаралар, Нагалар, Сиддхалар, Чараналар, Гухйакалар, буюк донишмандлар ва аждодлар, Видйадхаралар, Киннарлар билан бирга Парвардигор Кришнани кўриш ниятида Дварака шахрига келди. Худонинг Олий Шахси, Кришна Ўзининг илоҳий киёфасининг гўзаллиги билан инсон танасидаги барча тирик мавжудотларни Ўзига бутунлай мафтун этди ва Ўзининг шухратини бутун уч оламга таратди. Парвардигорнинг шон-шухратини шарафлаб қуйлаш бутун коинотни моддий иллатлардан поклайди. 5. Барча юксак қадриятларга тўла бўлган, порлоқ шаҳар Дваракада фаришталар ўзларининг тўймас кўзларини Шри Кришнанинг ғаройиб киёфасига тикиб турардилар. 6. Фаришталар бутун олам Парвардигорини жаннатдан келтирилган чиройли гулларга кўмиб ташладилар. Кейин улар бу дунёга Йадавалар сулоласининг аълоси сифатида ташриф буюрган Парвардигорни ажойиб илтижоларда олқишлай бошладилар.

7. Фаришталар шундай илтижо қилдилар: “Эй азиз Парвардигор, моддий оламнинг машаққатли

тутқунлигидан озодликка чиқишга интилаётган кудратли сеҳргар-йоглар чуқур садоқат билан ўзларининг қалбида Сенинг нилуфар пойи қадамларингга муроқаб а қиладилар. Ўзларининг хиссиётини, тафаккурини, ҳаёт нафасини, ақлини ва нутқини бутунлай Сенга бахшида этиб, биз фаришталар Сенинг нилуфар пойи қадамларингга бош қўямиз. 8. Эй энгилмас Парвардигор, Сен моддий табиат гуналаридан иборат бўлган Ўзингнинг алдамчи қувватингдан бу англаб бўлмас даражада намоён бўлган коинотни яратиш, унинг мавжудлигини таъминлаб туриш ва ниҳоят уни яқсон қилиш учун фойдаланасан - буларнинг ҳаммаси Сенинг Ўзингнинг ичингда жойлашган. Майянинг олий хукмдори сифатида Сен моддий табиат гуналари билан ўзаро қандайдир муносабатда тургандай кўринасан; лекин, аслида Сен Ўзинг ҳеч қачон дунёвий фаолият билан машғул бўлмайсан. Аслида Сен хамиша Ўзингнинг мангу, рухий лаззат келтирадиган илоҳий фаолиятинг билан машғулсан, шу боис Сен ҳеч қачон моддий иллатларга бўлганмайсан.

9. Эй ҳаммадан буюк Зот, онги алданиш билан бўлган зотлар ўзларини шунчаки сиғиниш, Ведаларни ўрганиш, хайр-эхсон қилиш, риёзат чекиш ва диний ақидаларга амал қилиш билан поклай олмайдилар. Эй Парвардигор, Сенинг шухратингга бу дунёда илоҳий иймон келтирган пок руҳлар ана шундай чуқур иймонга эга бўлмаган зотлар ҳеч қачон эриша олмайдиган пок рухий ҳолатга эришадилар. 10. Ҳаётда энг олий бахтга эришишга интилаётган буюк донишмандлар ўзларининг Сенга бўлган чуқур илоҳий муҳаббати туфайли эриб кетадиган қалбларининг тўрида хамиша Сенинг нилуфар қадамларинг пойини ардоқлаб, авайлаб-асрайдилар. Шунга ўхшаб, моддий жаннат сайёраларидан юқори кўтарилишга интилаётган, хиссиётларини жиловлаб олган Сенинг соф содиқларинг Сенинг бойлигингга тенг бўлган илоҳий бойликка эришиш учун эрталаб, кундузи ва кечқурун Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қиладилар. Шундай қилиб, улар Сенинг тўрт экспансиянган иборат Сенинг ягона шахсингга сажда қиладилар. Сенинг нилуфар пойи қадамларинг худди қуйдирувчи оловни эслатади ва улар ўткинчи моддий лаззатланишга интилишга бўлган барча бемаъни истакларни ёқиб қулга айлантириб юборди.

11. Қурбонлик маросимининг муқаддас гулханида Риг, Йаджур ва Сама Ведаларнинг кўрсатмалари асосида эҳсон қиладиган содиқлар Сенинг нилуфар қадамларинг пойига муроқаб а қиладилар. Худди шундай илоҳий йога билан шуғулланадиган зотлар Сенинг ҳайратли илоҳий сеҳр кудратинг ҳақидаги илмга эга бўлиш ниятида Сенинг нилуфар қадамларинг пойига муроқаб а қиладилар, энг улуғвор содиқлар ҳам Сенинг алдамчи қувватингни энгиб ўтиш ниятида Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қиладилар. 12. Эй кудратли Парвардигор, Сен Ўзингнинг содиқ хизматкорларингга шунчалик меҳрибонсанки, бизлар Сенинг кўксингга қўйган сўлик гуллардан ясалган гулчамбарни ҳам эҳтиром билан бизлардан қабул қилдинг. Равнақ фаришгаси ўзининг даргоҳини Сенинг илоҳий кўксингга жойлаб қўйгани учун, бизларнинг эҳсонимиз ҳам шу ердалигини кўриб, худди рашкчи кундошлардай, у шубҳасиз каттик ҳаяжонга тушди. Шунга қарамай Сен шунчалик меҳрибонсанки, Ўзингнинг мангу рафиқанг Лакшмига

этибор бермасдан бизларнинг эхсонимизни энг аъло совға сифатида қабул қилдинг. Эй меҳрибон Парвардигор, бизларнинг қалбимиздаги бемаъни дунёвий истакларни яқсон қилиш учун илоё Сенинг нилуфар пойи қадамларинг ҳамиша қудратли ёнғин сингари ҳаракат қилаверсин!

13. Эй қудратли Парвардигор, Ганга сувларининг коинот ичига кириб, бутун уч олам сайёралари бўйлаб ғалаба байроғи сингари уч ирмоқ бўлиб оқишига имкон бериб, Тривикрама қиёфанда Сен оёғингни юқори кўтардинг. Ўзингнинг нилуфар қадамларинг пойининг қудратли уч қадами билан Сен иблислар шоҳи Балини бутун оламни қамраб олган салтанати билан бирга асир қилиб олдинг. Сенинг нилуфар пойқадамларинг иблисларни даҳшатга солиб, уларни дўзахга равона этади, содиқларингга жасорат ато этиб уларни самовий комил ҳаётга кўтарди. Бизлар Сенга, яъни ўзимизнинг ягона Парвардигоримизга самимий сажда қилишга интиламиз; шу боис Сенинг нилуфар пойи қадамларинг бизларни барча гуноҳларимиз оқибатидан меҳрибонлик билан бутунлай халос этсин!

14. Сен - Худонинг Олий Шахси, моддий табиат гуналари(майя)дан устун ва моддий табиат билан лаззатланувчи(жива-пуруша) бўлган илоҳий Зотсан. Илоё Сенинг нилуфар пойи қадамларинг бизларга илоҳий лаззат бағишласин! Тангри Браҳмадан бошлаб барча буюк фаришталар моддий танага мужассам бўлган тирик мавжудотлардир. Сенинг Замон кўринишидаги қиёфанг назорати остида бир-бири билан зўр бериб курашиб, улар худди бурнидан ип ўтказилган ҳўкизларга ўхшайдилар. 15. Сен коинотнинг яратилиш, мавжудлик ва емирилиш сабабчисан. Замон кўринишида Сен моддий табиатнинг нафис ва намоён бўлган ҳолатларини тартибга солиб, ҳар бир тирик мавжудотни назорат қилиб турасан. Замоннинг уч турли сифат(ўтмиш, ҳозир ва келажак)га эга бўлган ғилдираги сифатида Сен Ўзингнинг сезилмайдиган таъсирларинг ёрдамида ҳамма нарсани емирасан, Сен шундай Худонинг Олий Шахсисан. 16. Эй азиз Худойим, бошланғич пуруша-аватара - Маха-Вишну Ўзининг оламни яратиш қудратини Сендан олади. Шу тариқа бенуксон қудрати билан махат-татвани яратиб, У моддий табиатни уруғлантиради. Кейин махат-таттва, Парвардигорнинг қувватига эга бўлган мужассам моддий қувват ўзидан коинотнинг ҳар хил моддий унсурлар қобиғи билан ўралган бошланғич тухумини яратади.

17. Эй Парвардигор, Сен бу коинотнинг олий яратувчиси ва барча кўзгалмас ва кўзгалувчан тирик мавжудотларнинг олий назоратчисан. Сен - барча ҳиссиётларнинг олий ҳукмдори бўлган Хришикешасан, шу тариқа Сен ҳеч қачон нопок бўлмайсан, моддий оламдаги чексиз ҳиссиётлар фаолиятини назорат қилишдан заррача булғаниб қолмайсан. Аксинча, бшқа тирик мавжудотлар, ҳатто йог ва файласуфлар ҳам илм олиш ниятида ўзлари тарк этган моддий лаззат келтирадиган нарсалар ҳақида шунчаки ўйлашдан ҳам кўрқиб ҳаяжонга тушадилар. 18. Эй азиз Худойим, Сен ўн олти минг гўзалликда тенги йўқ маданиятли соҳибжамол хотинларинг билан бирга яшайсан. Ўзларининг уялчан ва ёқимли табассумлари, муҳаббат тўла эгилган қошлари билан Сенга эҳтиросли ишқий мактублар йўллайдилар. Аммо барибир улар Сенинг ақлинг ва ҳиссиётингни тўлқинлантиришга мутлақо

қодир эмаслар. 19. Сен ҳақингдаги лаззатли ҳикоялар шарбатининг дарёси ва Сенинг нилуфар қадамларинг пойини ювиб чиққан муқаддас дарёлар суви бутун уч оламдаги моддий иллатларни поклашга қодир. Покланишга интилиб юрган зотлар Сенинг шухратинг ҳақидаги муқаддас ҳикояларни кулоқлари билан тинглаб, улар билан ҳамсухбат бўладилар, улар Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан оқётган дарёлар сувида жисмонан чўмилиб, улар билан ҳамсухбат бўладилар”.

20. Шри Шукадева Госвами шундай деди: “Тангри Браҳма, Тангри Шива ва бошқа фаришталар билан биргаликда Парвардигор Говиндага шундай илтижолар қилгандан кейин, самога кўтарилиб Парвардигорга шундай мурожаат қила бошлади.

21. Тангри Браҳма шундай деди: “Эй азиз Худойим, бизлар аввал Сендан Ернинг мусибатини енгиллатишни илтимос қилган эдик. Эй бепоён Парвардигор, Сен бизларнинг шу илтимосимизни бажардинг. 22. Эй азиз Худойим, Сен ҳаммиша ҳақиқатга қаттиқ боғланган маданиятли одамлар орасида ҳақиқий дин қонуларини қайта тикладинг. Шунингдек Сен Ўзингнинг доврўғингни бутун оламга таратдинг, энди Сен ҳақингдаги илоҳий ҳикояларни тинглаб бутун олам аҳли гуноҳлари оқибатидан поклана олади. 23. Шоҳ Яду сулоласида ташриф буюриб, Сен Ўзингнинг ажойиб илоҳий қиёфангни намоён этдинг, бутун оламнинг бахт-саодати учун Сен ғаройиб илоҳий қароматлар кўрсатдинг. 24. Эй азиз Худойим, Кали югада Сенинг илоҳий қароматларинг ҳақида ҳикоялар тинглаб, шунингдек уларни шарафлаб куйлаб юрадиган такводор ва авлиё зотлар бу даврнинг ғафлат зулматидан осонлик билан озодликка чиқадилар. 25. Эй Худонинг Олий Шахси, эй азиз Худойим, Сен Йадулар хонадонида дунёга келдинг, Ўзингнинг содиқларинг билан биргаликда Сен бир юз йигирма беш қузни ўтказдинг.

26-27. Эй азиз Худойим, ҳозир фаришталарнинг манфаати учун Сен қилишинг лозим бўлган бирор иш қолмади. Браманларнинг қарғишига учратиб, Сен Ўзинг туғилган хонадон аъзоларини ҳам Ер юзидан олиб кетдинг. Эй Парвардигор, Сен ҳамма нарсанинг асосисан, агар истасанг, илтимос, руҳий оламдаги Ўз даргоҳингга қайт. Айни пайтда бизларни ҳаммиша ҳимоя қилиб юришни Сендан камтарин ҳолда илтижо қилиб қоламиз. Бизлар Сенинг камтарин кулларингиз, Сенинг манфаатингни кўзлаб бизлар коинотни бошқариб турамыз. Ўзларимизнинг сайёраларимиз ва издошларимиз билан бирга бизлар Сендан ҳаммиша бизларни ҳимоя қилиб юришингни илтимос қиламыз”.

28. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Эй фаришталар ҳукмдори, о Браҳма, Мен сенинг илтимосингни ва илтижоларингни яхши тушундим. Ерни мусибатдан халос этиб, Мен сенинг истагингни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳамма ишни бажардим. 29. Мен дунёга келган Ядавалар хонадони чексиз бойликка, айниқса жисмоний куч ва жасоратга эга эдилар. Уларнинг бу чексиз қудрати бутун оламни ютиб юборишга қодир даражага эришган эди. Шунинг учун худди қирғоқ буюк океан сувларини тўхтатиб қолгани сингари, Мен Ўзим уларни тўхтатиб қолдим. 30. Агар Мен бу оламни Ядавалар хонадонининг чексиз мағрур бўлган қудратли аъзоларини йўқотмасдан тарк этсам, улар кўпайиб бутун Ер юзини қоплаб олган бўларди. 31. Ҳозир, браҳманларнинг қарғиши сабабли

Менинг хонадонимнинг яксон бўлиши бошланди. Эй бегуноҳ Брахма, улар бутунлай яксон бўлганида Мен Ваикунтҳага кетаётган бўламан. Шунда йўл-йўлакай сенинг даргоҳингга ҳам кириб ўтаман”.

32. Шри Шукадева Госвами шундай деди: “Олам Парвардигоридан шундай гапларни эшитиб, ўзи дунёга келган Тангри Брахма Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига йиқилди. Кейин барча фаришталар ҳамроҳлигида буюк Брахма ўзининг самовий даргоҳига қайтиб кетди. 33. Шундан сўнг Худо Шахси муқаддас Дварака шаҳрида даҳшатли тартибсизликлар рўй бераётганини кўрди. Парвардигор шу ерга тўпланган Йадава хонадонининг оқсоқолларига муурожаат қила бошлади.

34. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Бизларнинг хонадонимиз брахманлар қарғишига учраган эди. Бундай қарғишни қайтариб бўлмайди, шу боис атрофимизда ҳамма жойда даҳшатли тартибсизликлар рўй берапти. 35. Эй азиз оқсоқоллар, агар ўз ҳаётимизни омон сақлаб қолишни истасак бизлар энди бу ерда қолиб кетмаслигимиз керак. Келингллар, шу бугуноҳ энг шарофатли жой Прабхасага йўл оламиз. Бошқа бу ерда қолишга бизнинг мутлақо вақтинсиз йўқ. 36. Бир куни Ой фариштаси Дакшанинг қарғишига учраб ўпка касалига учраган эди, аммо, Прабхаса-кшетра ёнида ювиниб поклангандан кейин у гуноҳларидан бир пасда покланиб, яна кун сайин каттайишини қайта тиклаган эди. 37-38. Прабхаса-кшетра ёнида чўмилиб покланиш, фаришталар ва аждодларни мамнун қилиш ниятида эҳсонлар қурбонлик қилиш, энг муносиб зотлар сифатида табаррук брахманларга ҳар хил эҳсонлар қилиш, уларни тансиқ таомлар билан меҳмон қилиш шарофати билан бизлар худди буюк океанни ишончли кемада кечиб ўтган одам сингари, бу даҳшатли хавф-хатарлардан халос бўламиз”.

39. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй Куруларнинг сеvimли ўғли, Худо Шахсидан шундай насиҳатларни эшитиб, Йадавалар муқаддас саждагоҳ Прабхаса-кшетрага бўладиган сафар таассуротларини хаёлларига жойлаб, зудлик билан жанг араваларига отларни қўша бошладилар. 40-41. Эй хурматли шоҳ, Уддхава ҳамиша Парвардигор Кришнанинг содиқ издошларидан эди. Йадаваларнинг кетиши яқинлашаётганини кўриб, улардан Парвардигорнинг берган насиҳатлари ҳақида эшитиб, даҳшатли воқеалар бўлаётганининг гувоҳи бўлиб, у хилват жойда Худо Шахсининг олдига борди. У оламнинг олий ҳукмдорининг нилуфар қадамлари пойига камтарин холда бош қўйди ва қўлларини қовуштириб Унга муурожаат қила бошлади.

42. Шри Уддхава шундай деди: “Эй азиз Худойим, эй барча худоларнинг олий Худоси, ҳақиқий тақводорликка содиқларнинг Сени илоҳий олқишлашларини тинглаш ва уларни шарафлаб куйлаш шарофати билан эришиш мумкин. Эй азиз Худойим, менимча Сен ҳозир Ўз хонадонингни Ер юзидан олиб кетяпсан, кейин Ўзинг ҳам бу коинотдаги эрмакларингни тамомлайсан. Сен барча сеҳр қудратларининг олий ҳукмдори ва ҳақиқий эгасисан. Аммо, Сенинг хонадонингга нисбатан брахманларнинг қилган қарғишини қайтариб қолишга қодир бўлсанг ҳам, Сен бундай қилмадинг, демак, Ўзинг ҳам тез орада бу оламни тарк этасан.

43. Эй Парвардигор Кешава, эй ҳукмдорим, мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан айрилиқ азобига бир лаҳза ҳам бардош бера олмайман. Мен сендан ёлвориб илтимос қиламан, мени ҳам Ўзинг билан бирга Ўз даргоҳингга олиб кет. 44. Эй азизим Кришна, Сенинг илоҳий эрмакларинг инсоният учун олий даражада саодат келтиради ва қулоқлар учун маст қилувчи ичимлик ҳисобланади. Шундай эрмакларинг ҳақидаги ҳикоялар мазасини тотиб кўрган одамлар ўзларининг бошқа барча истакларини эсдан чиқариб юборадилар. 45. Эй азиз Худойим, Сен - Олий Рухсан, шу боис Сен бизлар учун энг қадрли, энг азиз Зотсан. Бизлар - Сенинг содиқларингиз, биз қандай қилиб Сени биров вақт инкор этишимиз ёки биров лаҳза Сенисиз яшашимиз мумкин? Бизлар ётганда ҳам, ўтирганда ҳам, сайр қилганда ҳам, турганда ҳам, чўмилганда ҳам, ҳордиқ чиқарганда ҳам, овқатланганда ёки бошқа биров иш қилганда ҳам бизлар ҳамиша Сенга хизмат қилиш билан банд бўламиз. 46. Аввалига Сен тақиб лаззатланган гулчамбарларни тақиб, Сен ишлатган муаттар мойларни суртиб, кийимларни кийиб, тақинчоқларни тақиб, Сендан қолган таом қолдиқларини еб, бизлар, Сенинг содиқларинг ҳақиқатан ҳам Сенинг алдамчи қувватинг таъсирини енга оламиз. 47. Рухий ҳаёт билан жиддий шуғулланиб юрган, уруғлигини юқори кўтариб олган, таркидунё қилиб яшаш турмуш тарзининг қалби осойишта ва бегуноҳ намоёндалари бўлган яланғоч донишмандлар Брахман деб аталадиган руҳий даргоҳга эришадилар.

48-49. Эй сеҳргарлар ичида энг буюк Зот, гарчи бизлар кармали дунёвий фаолият йўлида адашиб юрган шартланган руҳлар бўлсак ҳам, Сенинг содиқларинг даврасида Сенинг улугворлигинг ҳақида ҳикоялар тинглаш шарофати билан бу моддий оламнинг гофиллик зулматини енга оламиз. Шу тарика бизлар Сен намойиш этган ғаройиб илоҳий кароматларни, Сен айтган илоҳий сўзларни ҳамиша эслаб ва шарафлаб куйлаб юрамиз. Бизлар илоҳий жазава билан Сенинг яқин содиқ-дугоналаринг билан ўтказган ишқий ўйинларингни, шундай эрмаклар пайтида қандай жозибали кулганларингни, қилган ҳаракатларингни эслаб юрамиз. Эй азиз Худойим, Сенинг илоҳий табиатга эга бўлган ишқий ўйинларинг бир қараганда моддий оламдаги оддий одамларнинг ишларига жуда ўхшаб кетади”.

50. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шоҳ Парикшит, бу гапларни эшитиб, Худонинг Олий Шахси, Девакининг ўғли, Ўзининг энг азиз, соф содиқ хизматкори бўлган Уддхавага пинҳона жавоб бера бошлади.

Еттинчи боб.

Парвардигор Кришнанинг Уддхавага берган насиҳатлари.

1. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Эй буюк омадли Уддхава, мен Менинг Йадулар хонадонини бу оламдан йўқ қилиш ҳамда Ўзим ҳам руҳий даргоҳим бўлган Ваикунтҳага қайтиб кетмоқчи бўлган ниятимни жуда аниқ сезибсан. Худди шундай Тангри Брахма, Тангри Шива ва бошқа сайёраларнинг барча ҳукмдорлари ҳам ҳозир Мендан яна Ваикунтҳага бориб яшашимни илтимос қилгандилар. 2. Тангри

Брахманинг илтижоларини инобатга олиб, Мен бу оламга Ўзимнинг тўлиқ намоён бўлган қиёфам Парвардигор Балорам билан бирга ташириб буюриб, фаришталарнинг манфаати учун ҳар турли ишларни амалга оширдим. Энди Мен Ўзимнинг бу оламдаги барча вазифаларимни адо этиб бўлдим. 3. Энди, тез кунда брахманларнинг қарғишига кўра Йадулар хонадони аъзолари бир-бирлари билан ўзаро жанжаллашиб бутунлай яқсон бўладилар; бугундан бошлаб етти кун ўтгандан кейин океан ўзининг кирғокларидан тошиб кетади ва Дварака шаҳри бутунлай сув остига ғарқ бўлади.

4. Эй авлиё Уддхава, тез кунлар ичида Мен ҳам Ер сайёрасини тарк этаман. Кейин Калининг салбий таъсирига учраб, Ер сайёраси барча эзгулик сифатларидан маҳрум бўлади. 5. Азизим Уддхава, Мен бу оламни тарк этганимда сен бу Ер сайёрасида бир лаҳза ҳам қолиб кетмаслигинг керак. Эй азиз содигим, сен мутлако бегуноҳсан, аммо Кали-юга даврида одамлар ҳар турли гуноҳларнинг барчасига муккасидан берилиб кетадилар; шунинг учун зинҳор бу ерда қолиб кетма!

6. Ҳозир сен ўзингнинг бу дунёдаги дўстларингга ва қариндошларингга бўлган барча боғланишларингни бутунлай тарк этиб, ақлингни фақат Менда мужассам қилишинг лозим. Шу тарзда хамиша Мени англаб, Мени эслаб юриб, сен ҳамма нарсага бир хил назар билан қараб, бутун Ер юзи бўйлаб айланиб юришинг лозим. 7. Азизим Уддхава, сен ақлинг, нутқинг, кўзларинг, кулоқларинг ва бошқа ҳиссиётинг билан қабул қилаётган моддий олам аслида алдамчи, ёлғончи дунё ҳисобланади, лекин майя таъсири остида ҳамма уни ҳақиқий деб қабул қилади. Аслини олганда сен яхши билишинг лозимки, моддий сезгилар сезадиган ҳамма нарсалар вақтинчалик, ўткинчи табиатга эга. 8. Алдамчи қувват таъсири остида онги адашиб, боши берк кўчага кириб қолган одам моддий нарсалар орасидаги турли фарқларни жуда қадрлаб, муҳим аҳамиятга эга деб қарайди. Шу тариқа у хамиша моддий эзгулик ва ёмонлик, яхши ва ёмон тушунчаларга асосланиб фикрлайди ва шу тушунчаларга қаттиқ боғланиб қолади. Моддий қарама-қаршиликлар уммонига ғарқ бўлиб, ундай одам хамиша мажбурий вазифаларни бажариш, ўз бурчини бажармаслик ва таъқиқланган фаолият билан машғул бўлишни назарда тутиб юради.

9. Шунинг учун ўз ҳиссиётингни қаттиқ назорат остига олиб, ақлингни тўлиқ жиловлаб, сен бутун оламни қалбингда, ҳар ерда мавжуд бўлган ҳақиқий ўзлигинг - “мен”нинг ичида деб қабул қилишинг, шунингдек ҳақиқий ўзлик (“мен”)ингни Менда, Худонинг Олий Шахсида деб билишинг лозим. 10. Ведалар илмининг якуний хулосасини билган ҳолда, бу илмнинг охириги мақсадини амалда англаб етиб, сен ўзингнинг соф руҳий ўзлик (“мен”)ингни ҳис этиш имконига эга бўласан, шу тарзда сенинг ақлинг бутунлай осойишта, хотиржамликка эришади. Ана шунда сен фаришталар бошлиқ барча тирик мавжудотларга жуда азиз бўласан ва сен ҳаётда ҳеч қандай ташвишларга дуч келмайсан, умуман безовта бўлмай яшайсан. 11. Моддий тасаввурдаги яхши ва ёмон тушунчалардан юқори кўтарилган одам ўз-ўзидан табиий равишда ҳақиқий дин қонунларига мос равишда ҳаракат қилиб, таъқиқланган фаолиятдан юз ўгира бошлайди. Ўзини англаб етган шахс моддий

тасаввурдаги яхшилик ва ёмонлик ҳақида фикр юритгани сабабли эмас, ўз-ўзидан, ёш бола сингари табиий равишда шундай қила бошлайди. 12. Барча тирик мавжудотларнинг самимий ҳамдарди, меҳрибони бўлган, хамиша осойишта, илм эгаллаш ва ўзлигини англаб етишда камолотга эришган зот Мени ҳамма нарсада кўриб юради. Шундай шахс ҳеч қачон яна туғилиш ва ўлишлар чархпалагига қайтмайди”.

13. Шри Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шоҳ, Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна шу тариқа соф содиқ хизматкори, бевосита Парвардигорнинг Ўзидан илм ўрганишга интилаётган Уддхавага жуда муҳим кўрсатмалар берди. Кейин Уддхава Парвардигорга сажда қилиб, яна мурожаат қилди.

14. Шри Уддхава шундай деди: “Эй азиз Худойим, йога билан шуғулланаётган одамни Сен Ўзинг унинг фаолияти натижалари билан мукофотлайсан. Сен шу қадар меҳрибонсанки, қудратинг ёрдамида содиқ хизматкорингни йогада Ўзинг камолотга эриштирасан. Шу тарзда Сен йога орқали англаб олинадиган Олий Рухсан, барча сеҳр қудратларининг манбаи ҳам Сен Ўзингсан. Менинг бахтимни ўйлаб Сен менга саннийаси, яъни таркидунёлик йўли билан моддий оламни тарк этиш жараёнини тушунтириб бердинг.

15. Эй азиз Худойим, эй Олий Рух, ақли моддий ҳиссий лаззатларга қаттиқ боғланиб қолган одамлар учун, айниқса Сенга содиқ бўлишдан маҳрум одамлар учун моддий лаззатларни тарк этиш энг оғир иш. Менинг фикрим шундай. 16. Эй азиз Худойим, одамлар ичида энг аҳмоғи, ғофили Мен бўламан, чунки менинг онгим моддий тана ва Сенинг алдамчи қувватинг яратадиган тана билан боғлиқ бўлган нарсаларга боғланиб қолган. Шу боис мен: “Мана шу тана мен бўламан, мана булар менинг қариндошларим!” - деб ўйлайман. Шунинг учун эй азиз Худойим, Ўзингнинг ночор, нотавон хизматкорингга тўғри йўл кўрсатиб, насихат қил. Марҳамат қилиб айтчи, мен ҳаётда қандай қилиб Сенинг насихатларинга осонлик билан амал қилиб юришим мумкин?

17. Эй азиз Худойим, Сен - Мутлак Ҳақиқат, Худонинг Олий Шахсисан, Сен Ўзингни фақат Ўзингнинг содиқларингга ошкор этасан. Мен бу дунёда Сендан бошқа мукамал илоҳий илмни менга ҳақиқатан ҳам тўлиқ ўргата олишга қодир бўлган бирор зотни кўрмайман. Сендай комил руҳий устоз ҳатто жаннатдаги фаришталар орасида ҳам топилмайди. Аслида Тангри Брахма бошлиқ барча фаришталар Сенинг алдамчи қувватинг таъсирига тушиб, тўғри йўлдан адашиб юрибдилар. Улар ўзларининг моддий танасини ва танасига боғлиқ бўлган нарсаларни олий ҳақиқат деб юрган шартланган руҳлардир. 18. Шунинг учун эй азиз Худойим, моддий тирикчиликдан бутунлай чарчаган ҳолда, унинг азоб-уқубатларидан қаттиқ изтироб чекиб, мен энди ўз ихтиёримни бутунлай Сенга топширдим, чунки Сен - комил руҳий устозсан. Сен Ваикунтҳадаги руҳий даргоҳи ҳар қандай ташвишлардан холи бўлган, бепоён, ҳамма жойга сингиб кетган, бутун борлиқни қамраб олган Худо Шахсисан. Аслини олганда Сен Нарайана, яъни барча тирик мавжудотларнинг ҳақиқий дўсти сифатида машҳурсан”.

19. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Асосан моддий оламнинг ҳақиқий ҳолатини таҳлил

килишга кодир бўлган фаросатли одамларгина ўзларини кўпол моддий лаззатларга асосланган бемаъни ҳаётдан юқори кўтара оладилар. 20. Атрофидаги оламни тўғри қабул қила оладиган, ҳаётда Мутлақ Ҳақиқатнинг товушини мантикий қўллай оладиган фаросатли одам ўзининг тафаккуридан фойдаланиб, ҳақиқий саодатга эришиши мумкин. Шу тарика баъзан у ўзига тўғри йўл кўрсатиб, ақл берадиган ўзининг руҳий устози сифатида ҳаракат қилади. 22. Бу дунёда тирик мавжудотларнинг турлари кўп - кўплари бир оёқли, бошқалари икки, уч, тўрт ва кўп оёқли, баъзилари эса бутунлай оёқсиз, - лекин барча тирик мавжудотлар ичида ИНСОН шаклидаги ҳаёт тури Мен учун жуда азиз. 23. Гарчи Мен, Худои Таоло, оддий сезгиларнинг фаолияти таъсирида ҳеч қачон алданиш домига тушиб қолмасам ҳам, ИНСОН танасига эга бўлган тирик мавжудотлар бутун умри давомида бевосита Мени излаб топиш учун бевосита ёки билвосита сезиладиган белги, аломатлар орқали тафаккури ва оламни билишда ишлатиладиган бошқа қобилиятларидан фойдаланадилар. 24. Буни тушунтириш ниятида буюк донишмандлар буюк қудратли шох Йаду билан бир авадхута зот орасида бўлиб ўтган тарихий суҳбатни гапириб юрадилар.

25. Бир куни Махараж Йаду шу ерларда бежавотир айланиб юрган, кўринишидан анча ёш ва билимдонлиги яққол билиниб турган бир браҳман-авадхутани кўриб қолибди. Ўзи мукамал руҳий илмга эга зот бўлгани учун, шох дарров бундай нодир имкониятдан фойдаланиб, браҳманга савол билан мурожаат қилибди.

26. Шри Йаду шундай деди: “О браҳман, кўринишингдан сен ҳеч қандай диний қоидаларга риоя қилмайсан, лекин шунга қарамай, сен бу оламни, оламдаги ҳамма нарсаларни ва одамларни мукамал тушуниб олиш даражасига кўтарилибсан. Илтимос, менга айтчи, бундай чуқур тафаккурга қандай эришинг, нимага сен бутун жаҳон бўйлаб худди ёш боладай бежавотир, беташвиш айланиб юрибсан? 27. Жамиятдаги одамларнинг аксарият қисми тақводорликка, иқтисодий фаровонликка, роҳатланиб, лаззатда яшашга эришиш, шунингдек руҳ ҳақидаги илмга эга бўлиш учун кеча-кундуз оғир меҳнат қиладилар. Улар ҳаётда асосан узок умр кўришга, шон-шухратга эга бўлишга, ўзлари тўплаган моддий бойликдан лаззатланиб яшашга интиладилар. 28. Аммо сен, гарчи қобилиятли, билимдон, моҳир, чиройли ва гапга чечан бўлсанг ҳам, бирор дунёвий фаолият билан машғул эмассан, бирор нарсага интилмайсан; бир караганда сен худди жин урган ғофил одам сингари нодон, телбалардай бекор юган кўринасан. 29. Бу дунёдаги одамларнинг ҳаммаси очкўзлик ва эҳтирос оловида ёниб яшаётган бир пайтда сен бундай иллатлардан бутунлай озод ҳолда хотиржам, осойишта қолиб, бу даҳшатли оловда ёнмаяпсан. Сен худди ўрмонга кетган ёнғиндан муқаддас Ганга дарёси ичида туриб паноҳ топган филга ўхшайсан.

30. О браҳман, кўриб турибманки, сен кишига моддий лаззат келтирадиган ҳар қандай воситалардан озодсан, бу дунёда ҳеч қандай ҳамроҳ ёки оила аъзоларингизсиз ёлғиз ўзинг айланиб юрибсан. Шу боис сендан илтимос, бизнинг самимий саволларимизга жавоб бериб, қалбингга ҳамиша ҳис қилиб юрган чуқур илоҳий жазавали лаззатнинг сабабини бизга тушугириб бер”.

31. Парвардигор Кришна шундай деди: “Шохнинг чуқур мазмунли саволларидан мамнун бўлган браҳман жавоб бера бошлагунча браҳманларни ҳамиша ҳурмат қиладиган фаросатли шох Йаду ҳурмат билан бош эгиб, сукут сақлаб кутиб турди.

32. Браҳман жавоб бера бошлади: ”Эй ҳурматли шох, чуқур фикр-мулоҳаза юритиб, мен жуда кўп руҳий устозларнинг паноҳига кирдим. Улардан ҳаёт мазмуни ҳақида илоҳий илм ўрганиб, ҳозир мен бутунлай озод ҳолда Ер юзи бўйлаб айланиб юрибман. Қулоқ сол, мен сенга ўзимнинг руҳий устозларим ҳақида гапириб бераман. 33-35. Эй шох, мен йигирма тўрт гурӯ, руҳий устоздан илм ўргандим, улар: Ер, ҳаво, осмон, сув, олов, Ой, Куёш, каптар ва бўғма илон; денгиз, парвона, асалари, фил ва асал ўғриси; кийик, балиқ, фоҳиша Пингала, курари қуши ва ёш бола; ёш киз, пайкон ясайдиган уста, илон, ўргимчак ва ари. Эй ҳурматли шох, уларнинг қилаётган ҳаракатларини ўрганиб, мен ҳақиқий ўзлимиз - “мен” ҳақидаги илмни эгалладим.

36. Қулоқ сол, эй Мхараж Йайатининг ўғли, эй одамлар ичида йўлбарси, мен сенга уларнинг ҳар бирдан қандай илм ўрганганимни гапириб бераман.

37. Чуқур фикр юрита оладиган фаросатли одам бошқа тирик мавжудотлар унга қаттиқ озор берган пайтида ҳам, улар Худонинг хоҳиши билан ноилож ҳаракат қиладиганини англаб етиши лозим, шу боис бу таъсирларга эътибор бериб, ўзи руҳий юксалиш йўлидан чалғимаслиги лозим. Мен бу қоидани Ердан ўргандим. 38. Авлиё донишманд одам тоғдан ўзининг барча амалларида бошқаларга хизмат қилишга, ўзининг тирикчилиги учун бошқаларга фақат яхшилиқ қилишга ўрганиши лозим. Худди шундай, дарахтнинг шогирди сифатида инсон ундан ўз ҳаётини бошқаларни бахтиёр қилишга, эзгуликка бағишлашга ўрганиши лозим. 39. Билимдон донишманд камтарин, оддий ҳаёт кечиришга ўрганиши, фақат ўзининг моддий ҳиссиётини лаззатлантириш билангина қаноат ҳосил қилишга интилмаслиги лозим. Бошқача қилиб айтганда, инсон дунёвий ҳаётда шундай яшаши лозимки, унинг илоҳий илми йўқолиб кетмасин, унинг нутқи ва ақли руҳий ўзлигинин, ҳақиқий “мен”ини излаш жараёнидан четга чиқиб кетмасин. 40. Ҳатто руҳий ўзлигини англаган илоҳиёт одами ҳам яхши ва ёмон сифатларга эга бўлган ҳар хил моддий нарсалар билан ўралган. Лекин, моддий табиатга эга бўлган яхши ва ёмон тушунчаларидан юқори кўтарилган инсон ҳатто моддий нарсалар билан аралашиб яшаганда ҳам, уларга боғланиб, ҳаётда адашиб қолмаслиги лозим; тўғрироғи у ҳаётда ҳамиша ҳеч нарсага аралашмайдиган шамолдай ҳаракат қилиши лозим. 41.

Бу дунёда яшар экан ўзини англаб етган руҳ, ҳар хил сифат ва вазифаларини қабул қилиб, турли моддий таналарда яшай олишига қарамай, худди ҳар хил ҳидларни ҳар томонга олиб юрадиган, лекин ҳидларга кўшилиб кетмайдиган шамол сингари, ҳеч қачон ҳақиқат йўлидан адашмайди. 42. Чуқур фикрлай оладиган донишманд ҳатто моддий танада яшаётган пайтида ҳам ўзини руҳий табиатга эга бўлган пок руҳ, жон сифатида англай олиши лозим. Худди шундай ҳар ким руҳ(жон) ҳаётнинг кўзгалувчан ва кўзгалмас, турли шаклларидаги таналарга кира олишини ва шу тарика алоҳида руҳлар ҳамма ерга сингиб кетганини кўра олиши лозим. Кейин донишманд Худонинг Олий Шаҳси Олий Руҳ сифатида бир вақтнинг ўзида ҳамма

нарсада мавжуд эканини билиши лозим. Алоҳида рух сингари Олий Рухни ҳам Унинг табиатини осмоннинг табиатига қиёслаш билан тушуниб олиш мумкин; осмон ҳамма ерни қоплаб олганлигига, ҳамма нарса унда жойлашганлигига қарамай, осмон ҳеч нарса билан аралашиб кетмайди, уни ҳеч нарса билан бўлаклаб ҳам бўлмайди. 43. Гарчи қудратли шамол булут ва тўфонларни осмонда ҳар тарафга олиб юрса ҳам, осмон ҳеч қачон унинг бу фаолиятига дахлдор эмас ва аралашиб кетмайди. Худди шундай руҳий табиатга эга бўлган жон, рух ҳам ҳеч қачон ўзгармайди ва моддий табиат билан қўшилиб кетмайди. Тирик мавжудот ер, сув ва оловдан яратилган моддий танага киргани билан, бу танани Замон яратган моддий табиат гуналари ҳаракатга келтириб тургани билан, рухнинг мангу руҳий табиати ҳеч қачон ўзгармайди. 44. Эй шох, авлиё донишманд одам худди сувга ўхшайди, чунки у ҳеч қачон ифлосланмайди, булганмайди, табиатан юмшоқ, нутқи билан дарёнинг товушига ўхшаган ажойиб ёқимли овоз чиқаради. Худди пок сувда чўмилиб поклангандай, авлиё донишмандни кўриш, унинг гапларини тинглаш ва унга қўл теккизиш билан тирик мавжудот гуноҳларидан покланади. Шундай қилиб, авлиё одам муқаддас саждагоҳга ўхшаб, унга яқинлашган ҳар қандай одамни гуноҳлардан поқлайди, чунки у ҳамиша Парвардигорни шарафлаб куйлайди.

45. Авлиё зотлар риёзат чекиш ёрдамида илоҳий қудратга эришадилар. Уларнинг онги ўзгармас, чунки улар бу дунёда бирор нарсадан лаззатланишга интилмайдилар. Табиий равишда озодликка эришган шундай донишманд инсонлар тақдирига ёзилган насибаси билан қаноатланиб яшайдилар, агар тасодифан улар бирор ҳаром таомдан еб қўйсалар ҳам, худди ҳаром нарсаларни ҳам ёқиб юборадиган олов сингари, улар бундан нопок бўлиб қолмайдилар. 46. Авлиё одам худди оловга ўхшайди, баъзан у яширин намоеън бўлади, баъзида эса ўзини ошқора намоеън этади. Ҳаётда ҳақиқий бахтга интилиб юрган шартланган руҳларнинг саодати учун авлиё донишманд одам обрўли руҳий устоз лавозимини эгаллаши ва шу тариқа худди олов сингари, издошларининг эҳсонларини марҳамат билан қабул қилиб, уларнинг аввалги ва келажакдаги барча гуноҳларини ёқиб кул қилиб юборишга қодир. 47. Ҳар хил катталикдаги ва ҳар хил сифатли ўтинларда олов ўзини турлича намоеън этгани сингари, қудратли Олий Рух, Ўзининг қуввати яратган олий ва куйи ҳаёт шаклидаги таналарга кириб, уларнинг ҳар бирининг моҳиятини Ўзига қабул қилаётгандай кўринади. 48. Худди ойнинг тўлиши ва қамайиши Ойнинг ўзига таъсир қилмагани сингари, моддий оламдаги дунёвий ҳаётнинг туғилишдан бошланиб ўлим билан тугайдиган барча жараёнлари аслида тананинг хусусиятлари бўлиб, руҳга таъсир қилмайди. Ҳаётдаги бундай ўзгаришлар Замоннинг сезилмас таъсири остида юзага келади.

49. Ёниб турган оловнинг тиллари ҳар лаҳзада пайдо бўлиб, яна йўқолиб туради, лекин шунга қарамай, бу яратиш ва яқсон бўлиш жараёни оддий одамнинг эътиборини тортмайди. Шунга ўхшаб, худди дарёнинг кучли оқимлари сингари, Замоннинг қудратли тўлқинлари ҳам тинмасдан ҳаракат қилиб туради ва билдирмасдан сон-саноксиз моддий таналарнинг туғилишини, ўсишини ва яқсон бўлишини юзага келтиради. Шунга қарамай, ҳамиша ўзининг бу дунёдаги ҳолатини ўзгартиришга мажбур бўлган рух

Замоннинг ҳаракатини англаб ета олмайди. 50. Худди ўзининг қудратли нурлари билан катта сувларни буғлатадиган, кейин ёмғир кўринишида шу сувларни яна Ерга қайтарадиган Қуёш сингари, авлиё одам ҳам ўзининг моддий ҳиссиётлари орқали моддий нарсаларнинг ҳар турини қабул қилади, вақти келганда эса, муносиб одам келиб улар ҳақида сўраганида, бу моддий нарсаларни қайтариб беради. Шу тариқа у моддий ҳиссиётлар сезадиган нарсаларни қабул қилганда ҳам, уларни берганда ҳам, уларга боғланиб, булғаниб қолмайди. 51. Ҳатто турли нарсаларда акс этиб турган Қуёш ҳам ҳеч қачон бўлинмайди, шунингдек у ўзининг акси билан қўшилиб ҳам кетмайди. Фақат нодон гумроҳ одамлар Қуёш ҳақида шундай фикрга бориши мумкин. Худди шундай, рух ҳар хил моддий таналар ёрдамида акс этганига қарамай, рух ҳамиша ўзининг мангу, бўлинмас ва аксилмоддий табиатини сақлаб қолаверади. 52. Ҳеч қим, ҳеч қачон кимгадир ёки нимагадир қаттиқ боғланиб қолмаслиги керак; акс ҳолда у худди аҳмоқ каптарга ўхшаб оғир мусибатга дучор бўлади.

53. Бир ўрмонда ўзининг хотини билан бирга бир каптар яшаркан. У дарахтга ин қуриб, хотини билан бир неча йил яшабди. 54. Бу икки каптар ўзларининг уй ишларига қаттиқ боғланиб қолган эдилар. Уларнинг қалби бир-бирига ўткинчи муҳаббат ришталари билан қаттиқ боғланган бўлиб, улар бир-бирининг нигоҳларига, танасининг гўзаллигига, аклига маҳлиё бўлиб яшардилар. Шу тариқа улар бир-бирига ўзининг муҳаббати, меҳри билан қаттиқ боғлаб қолганди. 55. Соддалиқ билан мангу ҳаёт кеиришдан умидвор бўлиб, улар севишган ёшлардай ўрмонда биргаликда хотиржам дам олар, ўтирар, сайр қилар, ғу-ғулаб ўйнар, овқатланар ва бошқа ишларни қилиб ҳаёт кечирардилар. 56. Урғочи каптар бирор нарсани истаса, эркаланиб шу нарсани эридан талаб қилиб қоларди, эри ҳам хотинининг истаги қанча қийин бўлса ҳам, рад этмасдан садоқат билан амалга оширарди. Шу тариқа у хотини билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўзининг ҳиссиётини жилловлай олмай яшарди. 57. Вақти келиб урғочи каптар биринчи бор ҳомиладор бўлди ва покдомон каптар эрининг кўзи олдида инига бир нечта тухум қўйди. 58. Вақти келганда бу тухумлардан Парвардигорнинг қудрати яратган чиройли полапонлар чиқдилар. 59. Ота-она каптар ўзининг полапонларига жуда меҳрибон эди. Уларнинг ўзлари учун янгилик бўлган ғалати чирқиллашларини тинглаб ота-оналар чексиз лаззат олардилар. Шу тариқа улар ўзларидан туғилган полапонларни меҳр билан парваришлай бошладилар. 60. Ота-оналар ёш полапонларнинг қанотларини кўриб, уларнинг чуғурлашларини тинглаб, уяда беозор ҳаракат қилишларини, сакраб, учишга уринаётганларини кузатиб чексиз қувондилар. Болаларининг бахтиёр эканини кўриб ота-оналар ҳам ўзларини жуда бахтиёр ҳис қилардилар. 61. Уларнинг қалблари бир-бирларига муҳаббат, меҳрибонлик, ғамхўрлик ришталари билан қаттиқ боғланиб қолган эди. Гофил қушлар, Парвардигор Вишнунинг алдамчи қуввати таъсирида йўлдан адашиб, ўзларидан туғилган болаларига ғамхўрлик қилишда давом этардилар. 62. Бир куни оиланинг икки бошчиси болалари учун емиш излаб чиқдилар. Болаларининг ризқини ўйлаб, улар узок вақт ўрмонда емиш излаб айланиб юрдилар. 63. Шу пайтда ўрмондан ўтиб бораётган бир овчи ини атрофида ўралашиб юрган кичкина каптарларни кўриб

қолди. Тўрини ёйиб, у ёш каптарларнинг ҳаммасини тутиб олди. 64. Ота-она каптарлар болаларига жуда ғамхўр бўлиб, уларга емиш излаб ўрмон айланиб юрган эдилар. Емиш топган заҳоти улар инига қайтиб келдилар. 65. Она каптар овчининг тўрига тушган бола каптарлар нажот кутиб, ўзига ноилож қараб турганини кўрганида, қалби ҳасратга тўлиб, аюҳаннос солиб болаларига ташланди, болалари ҳам чинқириб унга жавоб бердилар. 66. Она каптар оналик меҳри билан болаларига қаттиқ боғланиб қолган, ақлу-хаёли дард-аламга, ҳасратга тўлган эди. Парвардигорнинг алдамчи қуввати таъсири остида у бутунлай ўзини йўқотиб қўйган эди, ўзининг ночор, ноилож қолган болаларига қараб талпиниб, унинг ўзи ҳам овчининг тўрига илиниб қолди. 67. Ўзига ҳаётдан ҳам азиз бўлган болалари ҳам, ҳар тарафдан ўзига тенг деб ҳисоблайдиган суюкли хотини ҳам овчининг тўрига тушиб қолганини кўриб, бечора эркак каптар ҳасрат билан тақдирдан нолиб аччиқ йиғлай бошлади.

68. Каптар шундай деди: “Э-воҳ, мен бутунлай тамом бўлдим! Дунёда энг аҳмоқ зот мен бўлсам керак, чунки умримда ҳеч қачон бирор савоб иш қилмаганман. Яшаган ҳаётимдан ўзим ҳам мамнун бўлмадим, яшашдан қўйилган мақсадга ҳам эриша олмадим. Менинг тақводорлигимнинг, иқтисодий фаровонлигимнинг ва роҳат-фароғатимнинг асоси бўлган бутун оилам ҳозир кўз олдимда бутунлай яқсон бўлиб ётибди. 69. Хотиним билан мен ажойиб жуфт эдик. У ҳамиша менга қулоқ соларди, у мени худди ўзи сиғинадиган худоси ўрнида кўрарди. Аммо ҳозир, ўзининг болаларини тутқунликда, уйини эса ҳувиллаб қолган ҳолда кўриб, у мени ташлаб бегуноҳ болалари билан бирга жаннатга йўл олди. 70. Энди мен - хувиллаб қолган уйда яшайдиган бахтиқаро шахсман. Хотиним ўлди, болаларим ҳалок бўлди. Энди мен ўзим нимага яшаб қолишим керак? Хотиним ва болалиримдан айрилиш азоби қалбимни шунчалик қийнаптики, ҳаёт мен учун фақат мусибат бўлиб қолди”.

71. Ота каптар овчининг тўрига тушиб ҳалок бўлаётган, озодликка чиқишга уринаётган болаларини, хотинини қайғуриб, қаттиқ изтиробга берилар экан, ақлини йўқотиб, ўзи ҳам овчининг тўрига илиниб қолди. 72. Ўзининг орзусига эришган шафқатсиз овчи эса асосий каптарни, унинг хотинини ва болаларини ушлаб олиб, мамнун бўлиб уйига йўл олди.

73. Худди шундай, оилавий ҳаётга қаттиқ боғланиб қолган одамнинг қалби ҳам ҳамиша ташвишга тўлиб юради. Худди каптарга ўхшаб, ундай одам ҳаётда жинсий ҳаётдан лаззатланиб яшашга интилади. Бутун умрини оиласининг ҳаётини таъминлашга сарфлаб, ундай бахтиқаро одам ўзининг оила аъзолари билан бирга оғир мусибатларга дучор бўлишга маҳкум бўлади. 74. Инсон танасига эга бўлган тирик мавжудотлар учун руҳий озодликка чиқиш дарвозалари кенг очилган. Аммо, агар одам мана шу хикоядаги аҳмоқ каптар сингари ўзининг бутун ҳаётини оиласига бағишласа, ундай ғофил одамни худди яна кулаб пастга тушиш учун баланд жойга машаққат билан кўтарилган нодон деб ҳисоблаш керак.

Саккизинчи боб. Пингала тарихи.

1. Авлиё брахман давом этди: “Эй шоҳ, моддий танага қамалган тирик мавжудот ўз-ўзидан жаннатда ёки дўзахда ҳам мусибатларга дучор бўлади. Шунга ўхшаб бахт, шодлик ҳам ўз-ўзидан, ҳатто биз изламасак ҳам келаверади. Шунинг учун чуқур фикр юритишга қодир бўлган фаросатли одам дунёвий бахтга эришиш учун бекорга уришиб юрмайди. 2. Бўғма илон(питон)дан ўрнак олиб, инсон ҳаётда ҳар қандай бемаъни уринишларни тарк этиб, тирикчилик қилиш учун ўзидан ўзи келадиган ризқини ширин ёки бебеза, оз ёки кўплигига эътибор бермай қаноатланиб яшаши лозим. 3. Агар бир вақтлар ўзидан-ўзи насиба келмай қолса, тақводор авлиё одам қорни учун ташвишга тушмасдан риёзат чекиб рўза тутиши лозим. Бундай пайтларда у Худонинг хоҳиши билан рўза тутиши лозимлигини англаб етиши лозим. Питонга ўхшаб, у шу тарзда ҳамиша сабр қилиб, хотиржам ва осойишта қолиши лозим. 4. Авлиё одам ўзининг моддий танасининг ғамини еб ташвиш қилмасдан ҳамиша хотиржам ва осойишта ҳолатда қолиши лозим. Ҳатто ҳиссиёти, ақли ва жисмоний кучи бўла туриб ҳам авлиё одам моддий манфаат кўриш учун қаттиқ қийналиб ишламаслиги керак, бунинг устига у ҳамиша руҳий ўзлигига қолиб, руҳий фаолият билан машғул бўлиши лозим.

5. Авлиё донишманд ташқаридан қараганда ҳамиша ўзини бахтиёр ва ўз ҳаётдан мамнундай тутуди, қалбида эса у энг жасур, мард ва чуқур фикрга берилган бўлади. У чуқур ва бепоён илмга эга бўлгани туфайли ҳеч қачон безовта бўлиб хавотирга тушмайди, шу боис у ҳар томонлама тубсиз ва бепоён океан сувларига ўхшаб кетади. 6. Ёмғир палласи келганда дарёлар тошиб, океанга бориб қуйилади, қурғоқ ёз палласида эса, улар кичрайиб, сувлари камайиб қолади; чуқур океан эса ёмғир палласида тошиб кетмасдан, ёзги қурғоқчиликда суви камаймасдан, бир маромда қолаверади. Худди шундай, Худонинг Ўлий Шахсини ўз ҳаётининг олий мақсади қилиб олган авлиё содиқ ҳам, баъзан тақдир тақозоси билан қатта бойликка эга бўлиши, баъзан эса, қаттиқ муҳтожликка тушиб қолиши мумкин. Лекин, Худои Таолонинг фаросатли содиқ хизматқори тақдир тақозоси билан эришган бойлигидан қаттиқ қувониб ҳам кетмайди, муҳтожликка тушганда эса, қаттиқ қуюниб, мусибат ҳам чекмайди. 7. Ўзининг ҳиссиётини жиловлай олмаган одам Худои Таолонинг алдамчи қуввати яратиб қўйган аёл зотининг қиёфасини кўрганида даров унга махлиё бўлиб қолади. Аслида, аёл ҳар хил ширин сўзларни агпирганида, ноз-карашма билан майин табассум қилганида, нозланиб танасини жозибали ҳаракатга келтирганида ақли унга мафтун бўлиб, худди шамнинг шуъласига махлиё бўлиб, ўзини ўтга урадиган парвона сингари, ғофил одам кў°-кўрона моддий тирикчилик зулматига ғарқ бўлади. 8. Тафакқури хиралашган аҳмоқ одам чиройли кийинган, олтин тақинчоқлар тақиб олган, бўяниб, ясениб олган, қалби эхтиросга тўла аёл зотига кўзи тушиши билан дарров жонланиб кетади. Ҳиссий лаззатланишга интилаётган шундай аҳмоқ, ёниб турган оловга ўзини урадиган парвона сингари, бутунлай ақлини йўқотиб қўяди. 9. Авлиё одам фақат танаси билан руҳини бирга тутиб туришга етарли бўлган миқдордагина овқат ейиши лозим. У ҳар бир оиладан жуда озгина егулик олиб, эшикма-эшик садақа сўраб юриши керак. Шу тариха у асаларига ўхшаб кун кечирishi лозим.

10. Худди ҳар бир катта ва кичик гуллардан фақат нектар йиғиб юрадиган асалари сингари, фаросатли одам ҳам ҳар хил муқаддас китоблардан энг асосий маъноларни териб олиши лозим. 11. Авлиё одам: “Овқатнинг бу қисмини кечқурун ейиш учун олиб кўяман, қолганини эса эртаги кун учун олиб кўяман!” – деб ўйламаслиги керак. Бошқача қилиб айтганда, авлиё одам бировлардан садақа сифатида сўраб олган озиқ-овқатини келажаги учун сақлаб қўймаслиги керак. У ўзининг ҳовучини овқат соладиган идиш ўрнида ишлатиб, унга тушган овқатни шу кунга олиши лозим. Унинг озуқа жамлайдиган ягона идиши қорни бўлиши керак. Фақат қорнига сиққан овқатгина унинг эртагача озуқа захираси бўлиши керак. Бу билан у тобора кўпроқ асал тўплашга уринадиган очкўз арига ўхшамаслиги керак. 12. Авлиё гадоё ҳатто шу кунга кечқурун ёки эртага овқатланиш учун ҳам одамлардан садақа сўраб овқат йиғнаб қўймаслиги керак. Агар у мана шу қоидага риоя қилмасдан, очкўз арига ўхшаб ўзига тобора кўпроқ ширин озуқа тўплай бошласа, тўплаган озуқаси ҳақиқатан ҳам уни ҳалокатга олиб келади. 13. Авлиё одам ҳеч қачон ёш қизга қўл теккизмаслиги керак. Аслини олганда авлиё одам ҳатто ёғочдан ясалган кўғирчоқ аёлга ҳам ҳатто оёғини теккизмаслиги керак. Аёлнинг танасига танасини теккизиш билан у худди урғочи филга ўралашиб қолган эркак филдай алданиш домига тушиб қолади. 14. Чуқур тафаккурга эга бўлган фаросатли одам ҳеч қандай вазиятда аёл зотининг ажойиб танасидан ўзининг ҳиссиётини лаззатлантириш учун фойдаланмаслиги керак. Худди бирор урғочи фил билан жинсий алоқа қилиб лаззатланишга уринаётган филни шу урғочи филга кўз тикиб юрган бошқа эркак филлар ўлдиргани сингари, бирор аёл билан жинсий яқинлик қилишга уринаётган одам ҳам истаган пайтда шу аёлнинг ўзидан кучлироқ бошқа гумашталари қўлидан ҳалок бўлиб кетиши мумкин. 15. Очкўз одам умри давомида оғир кураш ва меҳнатлари эвазига катта бойлик тўплайди, аммо бойлик тўплаш учун шунча қийналган одам бу бойликдан ўзи лаззатланишга ҳам кўзи қиймайди, бошқаларга эҳсон қилишга ҳам кўзи қиймайди. Бу билан очкўз одам тинмасдан кўп асал тўплашга уринадиган асаларига ўхшайди. Бу тўпланган асални одатда одамлар ўғирлаб олади ва лаззатланиб ейди ёки бошқаларга сотади. Одам оғир меҳнат қилиб тўплаган катта бойлигини қанчалик пухта асраб-авайлаётганининг, химоя қилаётганининг аҳамияти йўқ, чунки барибир унинг бойлигини топиб оладиган, усталик билан олиб кетадиган одамлар топилади. 16. Худди асаларилар машаққат билан тўплаган асални овчи келиб олиб кетгани сингари, брахмачари ва саннийасилар сингари авлиё зотлар оилали одам ўзининг оиласи билан лаззатланиш учун машаққат билан тўплаган бойлигидан лаззатланиш ҳуқуқига эга. 17. Ўрмонда таркидунёлик қилиб яшаётган риззатчи авлиё одам ҳеч қачон қулоқларга моддий лаззат бағишлайдиган дунёвий қўшиқ ва мусиқалар тингламаслиги керак. Бунинг учун авлиё одам овчининг чалган куйига маҳлиё бўлиб тўрға тушиб қоладиган кийикдан сабоқ олиб, ўзини мусиқий лаззатлардан тийиб юриши лозим. 18. Дунёвий қўшиқларга, рақсга ва чиройли аёлларнинг мусиқали рақсларига маҳлиё бўлиб, ҳатто Мригунинг ўғли, буюк донишманд Ришйашринга ҳам худди ақлини йўқотган ҳайвондай, бутунлай уларнинг домига тушиб қолган эди.

19. Худди нафсини қондиришга уринаётган балиқ албатта балиқчининг қармоғига илингани сингари, тилининг, тўймас нафсининг қули бўлган аҳмоқ одам ҳам албатта ҳалокатга учрайди. 20. Оч юриб рўза тутиш, риззат чекиш ёрдамида билимдон одамлар тилидан бошқа барча ҳиссиётини осонлик билан жиловлаб, ўз назорати остига оладилар, чунки, оч юрганлари туфайли ундай одамлар тилининг, нафсининг хуружини тобора кучайтира борадилар. 21. Гарчи кимдир ҳали тилини жиловламай туриб, бошқа барча ҳиссиётини жиловлаб олган бўлса ҳам, ундай одамни ҳиссиётини тўла жиловлаб олган деб бўлмайди. Лекин, агар одам тилини жиловлаб олган бўлса, уни бутун ҳиссиётини жиловлаб олган деб айтиш мумкин. 22. Эй шохларнинг ўғли, қадимда Видехе деган шаҳарда Пингала деган бир фоҳиша яшаган экан. Энди мен шу аёлдан нималарни ўрганганим ҳақида эшит.

23. Бир кунга кечқурун ана шу фоҳиша гумаштасини уйига жалб қилиш учун ташқарида ўзининг чиройли танасини одамларга кўз-кўз қилиб турарди. 24. Эй инсонлар ичида аёлси, бу фоҳиша ўзининг гумашталаридан иложи бреча кўпроқ пул олишга ҳаракат қиларди. У кечқурун кўчада туриб, ёнидан ўтаётган эркакларни бирма-бир зимдан кузата бошлади: “Оҳ, мана бу одамда албатта пул кўп бўлса керак. Биладан, у албатта кўпроқ пул беради. Албатта у мен билан лаззатланишни истаса керак!” Шу тариқа у кўчадан ўтган ҳар бир одамни кузатиб, ўйга толарди. 25-26. Пингала шу тариқа кўчада турар экан, кўпгина эркаклар унинг уйи ёнидан ўтиб кетдилар. Унинг тирикчилик қиладиган ягона касби фоҳишалик эди, шу боис у ҳамиша умид билан орзу қиларди: “Балки бу ёққа келаётган мана бу одамда пул кўпроқдир... Эҳ, тўхтамай кетди-да... барибир кимдир келади, мен ишонаман... мана яна биттаси келяпти, у албатта менинг эҳтиросимга кўпроқ пул берса керак...” Шу тариқа у ўзи истаган ишини амалга оширолмасдан, ётиб уйкуга кетолмай, эшик олдида узоқ туриб қолди. Ҳаяжонланиб у баъзан кўчага чиқар, баъзан яна уйга қайтиб кирарди. Шу тариқа тун ярим бўлди. 27. Тун кириши билан кўпроқ пул топишни ният қилган фоҳишанинг афти буришиб, юзи тундлашиб кетди, чиройи ҳам сўниб қолди. Шу тариқа пул топиш илинжида қаттиқ ташвишга берилиб, жуда хафа бўлган фоҳиша бирдангина ўзининг аҳволидан ўзи қаттиқ жирканиб, қалбида ўзини бутунлай бахтиёр ҳис қила бошлади.

28. Фоҳиша ўзининг бундай ҳаётдан жиркана бошлади ва шу тариқа ўзининг ҳолатига хайрихоҳ бўлиб, ҳаётга бўлган бутунлай кизиқиши сўна бошлади. Аслини олганда таркидунёлик худди дунёвий орзу, умидларни, истакларни кесиб ташлайдиган ўткир қиличга ўхшаб ҳаракат қилади. Энди мендан ўша фоҳиша ўзининг шу аҳволида куйлаган қўшиқни тингла. 29. Эй шох, худди руҳий илмдан маҳрум бўлган одам жуда кўп моддий нарсаларга эғалик қилиш истагидан воз кеча олмагани сингари, қалбида таркидунёлик туйғусини ривожлантирмаган киши ҳам моддий танасига қул бўлиш истагидан қутула олмайди.

30. Фоҳиша Пингала шундай деди: “Қаранг, мен ҳаётда қанчалик алданиб қолибман! Мен ўз ақлимни жиловлай олганим сабабли худди энг пасткаш аҳмоқлардай арзимас жирканч эркаклар билан лаззатланишга интиладан. 31. Мен шунчалик нодонманки, ҳамиша менинг қалбимда мавжуд бўлган,

аслида мен учун энг азиз бўлган шахсга хизмат қилишни бутунлай тарк этибман. Ана шу шахс - Оламнинг Парвардигори, ҳар кимга ҳақиқий бахт ва муҳаббат ато этадиган, ҳар қандай муваффақиятларнинг асл манбаи бўлган Зотдир. У ҳамиша менинг қалбимда мавжуд эканига қарамай, мен бутунлай Ундан юз ўгирибман. Бунинг ўрнига мен ҳеч қачон мени қаноатлантира олмайдиган, менга фақат ташвиш, кўрқув, бахтсизлик, қайғу, алам олиб келадиган арзимас одамларга хизмат қилиб юрибман. 32. Оҳ, мен ўз жонимни шунча вақтдан бери бекорга қийнаб келибман-а! Мен шу пайтгача ўзимнинг нодир қобилиятли танамни эҳтиросга ботиб кетган, ўзлари ачинарли ҳолатда бўлган очкўз ифлос эркакларга сотиб келдим. Шу тариқа мен энг жирканч фоҳиша касби билан шуғулланиб, ҳаётда кўпроқ пул топишга ва жинсий алоқадан кўпроқ лаззатланиб қолишга интилиб келдим.

33. Бу моддий тана ичида “мен”, “ўзим” яшайдиган уйга ўхшайди. Менинг елкамни, қовурғаларимни, қўл ва оёқларимни ташкил этувчи суяклар уйнинг устунларига ва ёғочларига ўхшайди, ичи сийдик ва ахлатга тўла бўлган тери қоп соч ва тирноқлар билан қопланган. Бу танага олиб кирадиган тўққиз эшик ҳамиша ҳар хил ифлос нарсаларни ташқарига чиқариб туради. Мендан бошқа қайси бир аҳмоқ хотин шунчалик ғофил бўлиб, мана шу ғаройиб сассиқ тана ичида лаззат ва муҳаббат топаман деб, ўзини мана шу моддий танага бағишлаган бўларди? 34. Бутун Видеха шаҳрида энг аҳмоқ одам ҳақиқатан ҳам мен бўлсам керак. Мен бизларга ҳамма нарсани, ҳатто ўзимизнинг азалий руҳий танамизни ҳам ато этадиган Худонинг Олий Шахсини инкор этиб яшадим, бунинг ўрнига жуда кўп эркаклар билан жинсий алоқа қилиб лаззатланишни истадим. 35. Худонинг Олий Шахси ҳақиқатан ҳам барча тирик мавжудотлар учун энг азиз Зот ҳисобланади, чунки У ҳар кимга фақат яхшилик истайдиган Зот ва ягона Парвардигордир. У - ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рух. Шунинг учун мен ҳозир Унга тўла садоқат бадалини тўла, Уни ўзимга ром қилиб оламан ва У билан худди Лакшми сингари лаззатланиб яшайман. 36. Эркаклар аёлларнинг ҳиссиётига лаззат бағишлайдилар, аммо бу дунёдаги эркакларнинг барчасининг, ҳатто жаннатдаги фаришталарнинг ҳам бошланиши ва охири бор, яъни бир кун келиб улар албатта ўлиб кетадилар. Уларнинг барчаси Замона зайли билан яқсон бўлиб кетадиган вақтинчалик мавжудотлардир. Шунинг учун уларнинг қайси бири ўзларининг хотинларига мангу лаззат ва бахт келтира олади? 37. Мен бу моддий оламда лаззатланишга шунчалик қайсарлик билан интилиб юрган бўлсам ҳам, барибир менинг қалбимда таркидунёлик туйғуси юзага келди, ана шу туйғу мени ҳақиқатан ҳам бахтиёр қилди. Шунинг учун Худонинг Олий Шахси, Вишну мендан мамнун бўлиши керак эди. Ҳатто шуни билмай туриб ҳам мен ҳаётда Уни мамнун қилиш учун бирор хизмат қилишим керак эди. 38. Қалбида таркидунёлик туйғусини ривожлантираётган одам дунёвий жамият, дўстлик ва муҳаббатдан осонлик билан воз кеча олади. Оғир мусибатларга дучор бўлган одам ҳам ноиложликдан бу оламдан бутунлай воз кечиб, унга нисбатан бефарқ бўлиб қолади. Шундай қилиб, ўзимнинг қаттиқ изтиробларим сабабли менинг қалбимда ҳам таркидунёлик туйғуси юзага келди; лекин барибир, агар ҳаётда ҳақиқатан ҳам бахтиёр бўлсам,

мен қандай қилиб ана шундай марҳаматли, шарофатли мусибатга эришган бўлардим? Шунинг учун мен ҳақиқатан ҳам энг омадли зотман, чунки мен Худонинг буюк марҳаматига эришдим. У барибир мендан мамнун бўлиши керак. 39. Худои Таолонинг менга берган мана шу буюк марҳаматини мен чуқур садоқат билан ҳисуй киламан. Мен одатдаги гуноҳкорона моддий ҳиссий лаззатларимни тарк этиб, энди ўз ихтиёримни Худонинг Олий Шахсига топшириб, Унинг паноҳига кираман. 40. Энди мен ўз ҳаётимдан бутунлай мамнунман, мен Парвардигорнинг марҳаматига тўлиқ ишонаман. Шунинг учун мен энди ўзидан-ўзи келадиган насибамга шукр қилиб кун кечираман. Мен энди ҳаётда фақат Худои Таолонинг Ўзи билан лаззатланаман, чунки У - ҳақиқий муҳаббат ва ҳақиқий бахтнинг чексиз, туганмас манбаидир. 41. Тирик мавжудотнинг ақлу-хаёли бу дунёда ўзининг ҳиссиётини лаззатлантиришга қаратилган фаолият билан банд бўлиб қолади, шу тариқа у моддий тирикчиликнинг қоронғу қудуғига тушиб қолади. Мана шу қудуқда у ҳалокатли Замон илони чанғалига тушади. Худонинг Олий Шахсидан бошқа ким ҳам ана шундай ноилож, ночор аҳволда қолган тирик мавжудотни қутқара оларди? 42. Тирик мавжудот бутун борлик бешафқат Замон илони чанғалида эканини кўрганида у сергак ва тўғри фикр юритишга қодир бўлади, айни пайтда у ўзини барча моддий ҳиссий лаззатлардан ажрата оладиган бўлади. Ана шундай ҳолатдагина тирик мавжудот ўзининг ҳақиқий ҳалоскорига айланади”.

43. Авадхута шундай деди: “Шундай қилиб, ўзининг тўла покланган тафаккури ёрдамида Пингала гумашталари билан жинсий алоқа қилиб лаззатланишга интилишдан иборат барча гуноҳкор истакларини бутунлай тарк этди ва қалбининг қомил осойишталигига эришди. Кейин у ўзининг тўшагига ўтирди. 44. Дунёвий истаклар шубҳасиз бу ҳаётда энг буюк бахтсизликларга сабаб бўлади. Ана шундай истаклардан озод бўлиш эса, энг буюк бахтга сабаб бўлади. Шунинг учун қандайдир гумашталари билан лаззатланишга бўлган истакларидан бутунлай ҳалос бўлиб, Пингала қалби хотиржам бўлиб, бахтиёр ҳолатда осуда уйкуга кетди”.

Тўққизинчи боб.

Ҳар қандай моддий нарсаларни тарк этиш.

1. Авлиё брахман шундай деди: “Одатда ҳар бир одам бу дунёдаги қандайдир бир нарсаларни ўзи учун энг азиз, қадрли нарсалар деб билади ва шу нарсаларга қаттиқ боғланиб қолгани сабабли аста-секин бахтсиз бўлиб бораверади. Шуни тушуниб етган одам моддий нарсаларга эга бўлиш ва уларга боғланишга интилишни бутунлай тарк этади ва шунинг натижасида ҳақиқий бахтга эришади. 2. Бир куни бир гуруҳ катта калхатлар узоқ юриб ўзларига емиш тополмагандан сўнг, чанғалида озгина гўшт ушлаб турган ожизроқ калхатга хужум қилдилар. Ўзининг ҳаёти хавф остида қолган шундай пайтда ожиз калхат чанғалидаги гўштни ташлаб юборди ва ҳалокатдан қутулиб, ҳақиқий бахтга эришди.

3. Оилавий ҳаётда ота-оналар ўзининг уйи, болалари ва жамиятдаги обрўсини ўйлаб ҳамиша ташвишда юрадилар. Лекин менинг бундай ишларга ҳеч қандай алоқам йўқ. Мен ҳеч қандай оила ҳақида ҳам ўйламайман, обрў ёки шармандалиқ ҳақида ҳам қайғурмайман. Мен фақат мангу руҳимнинг ҳаёти билан лаззатланаман, ҳаётдан фақат илоҳий, руҳий муҳаббат излайман. Шу тариқа мен Ер юзи бўйлаб худди ёш боладай беташвиш айланиб юрибман. 4. Бу дунёда икки тоифа одамлар ҳар қандай ташвишлардан озод бўлиб, чинакам бахтга эришиб, ҳақиқатан ҳам бахтли ҳаёт кечирадилар: худди ёш боладай онгсиз одамлар ва моддий табиат гуналари таъсиридан юқори кўтарилиб, Худои Таолога яқинлашган авлиё одамлар.

5. Бир куни оиланинг ёши катта аъзолари ва ота-онаси бошқа жойга меҳмонга кетгани сабабли, балоғат ёшига етган ёш қиз бола уйида ёлғиз қолган эди. Шу пайт унинг қўлини эгаллашга интилиб юрган бир неча йигит унинг уйига кириб келдилар. Қиз уларнинг ҳаммасини хурмат билан кутиб олди. 6. Қиз ошхонага ўтиб, йигитларни меҳмон қилиш учун овқат тайёрлашга киришди. У келида шולי туяётганида қўлларидagi билагузуклари идишга тегиб худди кўнғирокдай товуш чиқара бошлади. 7. Қиз бола меҳмонлар бизнинг оилани “жуда камбағал экан, чунки кизи гуруч туйишдай паст иш билан шуғулланиб юрибди”, деб ўйламасин деб, қўлидаги билагузукларни ечиб, фақат ҳар қўлида иккитадан қолдирди. 8. Қиз ишини давом эттириб қараса, қўлларидagi қолган билагузуклари ҳам аввалгидай шовқин чиқариб турибди. Шу боис у ҳар қўлидан яна биттадан билагузугини ечиб қўйди ва шовқин чиқармасдан гуруч туйишда давом этди.

9. Эй душманлар ғолиби, мен ҳамиша бу оламнинг табиатини ўрганиб, Ер юзиди сайр қилиб юраман, шу боис мен шу қизнинг ҳаракатини ўз кўзим билан кўриб, ундан ўзимга сабоқ олдим. 10. Бир жойда кўпчилик одам яшаса, улар орасида албатта жанжал чиқади. Ҳатто бир жойда фақат икки одам яшаса ҳам, ҳар хил фисқу-фасод гаплар ва қарама-қаршиликлар юзага келади. Шунинг учун ҳар қандай жанжаллардан йироқ юриш учун, ана шу қизнинг қўлидаги билагузукларидан сабоқ олиб, ҳар ким ҳаётда бир ўзи яшаши лозим.

11. Йогларнинг ўтириш ҳолатларини мукаммал ўрганиб, ҳар бир одам таркидунёлик ва йога қонун-қоидаларига риоя қилиб ақлини жиловлаб олиши лозим. Шу тариқа ҳар бир одам ўзининг ақлини пухталиқ билан йога жараёнининг ягона мақсадида мустаҳкам жамлаб олиши лозим. 12. Ақл ҳамиша Худонинг Олий Шахсида мужассам бўлгандагина тўлиқ назорат остида бўла олади. Ана шундай мустаҳкам ўзгармас ҳолатга эришгандагина ақл арзимас, ўткинчи моддий фаолият билан шуғулланиш истагидан озод бўла олади; шу тариқа, эзгулик гунаси кучайган сари, ҳар бир одам эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсиридан юқори кўтарилиши, аста-секин ҳатто моддий эзгулик гунасида ҳам юқори кўтарилиши мумкин. Одамнинг ақли моддий табиат гуналари ўтинларидан ҳалос бўлганида моддий тирикчилик олови ўзидан-ўзи ўчиб қолади. Шунда тирик мавжудот ўзи муроқабга қилиб юрган Худои Таоло билан бевосита муносабатда бўлишнинг илоҳий поғонасига кўтарилади.

13. Шундай қилиб, онги бутунлай Мутлақ Ҳақиқатда, Худонинг Олий Шахсида мужассам

бўлганида тирик мавжудот ҳеч қандай қарама-қаршиликка, ички ёки ташқи мавжудликка бутунлай эътибор бермай қўяди. Бу ерда пайкон ясаётган устани эсга олиш жуда ўринли: у тўғри пайкон ясашга шунчалик берилиб кетган эдики, ҳатто пайконларни сотиб олиш учун келган шохни ҳам кўрмай, унга ҳеч қандай эътибор бермади. 14. Авлиё одам ҳамиша ёлғиз ҳолда ўзига бирор бошпана ташвишини қилмасдан саёҳат қилиб юриши лозим. Жуда сергак бўлган ҳолда у ҳамиша ўзи билан ўзи қолиши, ўзининг авлиё зот эканини бошқаларнинг сезиб, билиб қолишига йўл қўймай ҳаракат қилиб яшаши лозим. Бирор ҳамроҳсиз йўл юрар экан, у ҳеч қачон керагидан ортик гапирмаслиги лозим. 15. Ўткинчи моддий тана ичида яшаётган шахс бу дунёда бахтли уй қуришга интилса, бунинг натижаси мутлақо бефойда ва жуда аянчли бўлади. Аммо, фаросатли илон бошқаларнинг қуриб қўйган инига кириб олади ва унда бахтиёр яшайди. 16. Олам Парвардигори Нарайана - барча тирик мавжудотлар сиғинадиган ягона Худои Таоло. Ташқаридан бирор ёрдамсиз Парвардигор бу моддий оламни Ўзининг шахсий қуввати ёрдамида яратади, охир замон пайтида эса, Парвардигор Замон кўринишидаги Ўзининг шахсий экспансияси ёрдамида оламни яқсон қилади ва барча тирик мавжудотлар билан бирга бутун борлиқни Ўзининг ичига тортиб олади. Шундай қилиб, Унинг чексиз Ўзлиги барча қувватларнинг манбаи ва даргоҳи ҳисобланади. Бутун борлиқнинг асоси бўлган нафис *прадхана* Парвардигорнинг ичида сақланади ва шу тарзда Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Бутун борлиқ яқсон бўлганда Парвардигор Ўзи ёлғиз қолади.

17-18. Худонинг Олий Шахси Ўзининг Замон шаклидаги қувватини намоён этганида ва эҳтирос гунаси сингари моддий қувватларини мувозанат ҳолатида бошқарганида, У прадхана деб аталадиган ана шу мувозанат ҳолатининг ҳамда тирик мавжудотларнинг олий ҳукмдори сифатида намоён бўлади. Парвардигор шунингдек, руҳий озодликка эришган зотлар, фаришталар ва оддий шартланган руҳлардан иборат барча тирик мавжудотлар сиғинадиган Олий Зот ҳисобланади. Парвардигор ҳар қандай моддий сифатлардан ҳамиша пок ва У ҳар бир одам Парвардигорнинг руҳий қиёфасига қараб ҳис қиладиган бутун илоҳий лаззатини ҳамиша тўлалигича Ўзида сақлаб қолади. Шу тариқа Парвардигор “озодлик” иборасининг энг мукаммал аҳамиятини намоён этади.

19. Эй душманлар ғолиби, оламни яратиш пайтида Худо Шахси Ўзининг илоҳий қувватини Замон кўринишида кенгайтиради, Ўзининг моддий қуввати бўлмиш, моддий табиат гуналаридан таркиб топган Майяни уйғотиб, маҳат-таттвани яратади. 20. Буюк донишмандларнинг айтишларига қараганда, моддий табиат гуналарининг асоси бўлган ва ҳар хил коинотларни яратадиган нарса *сутра*, яъни *махат-таттва* деб аталади. Аслини олганда, моддий олам ана шу маҳат-таттва ичида жойлашган, маҳат-таттванинг қуввати билан тирик мавжудотлар моддий тирикчилик қиладилар. 21. Худди ўргимчак ўзининг оғзидан ип чиқариб, анча вақт тўр тўкиб ўйнагани ва кейин яна уни ўзи ичига ютиб юборгани сингари, Худонинг Олий Шахси ҳам шахсий қувватини Ўзининг ичидан чиқаради. Шу тариқа Парвардигор бутун борлиқ тўрини яратади, уни Ўзи истаганча бошқариб эрмак қилади ва

охир окибатда уни яксон қилиб, яна Ўзининг ичига тортиб олади. 22. Агар танага камалган тирик мавжудот(рух) муҳаббат, нафрат ёки кўрқув туйғуси таъсирида ўзининг ақлини ва тафаккурини маълум бир моддий танада тўла мужассам қилса, у албатта ўзи муруқаб қилаётган ана шу киёфага эришади.

23. Эй шоҳ, бир куни қовоғари ўздан кичикроқ бир ҳашаротни ўзининг уясига киришга мажбур қилди ва уни шу ерга зичлаб қамаб қўйди. Ожиз ҳашарот қаттиқ кўрқув остида ҳамиша ўзини шу ерга қамаб қўйган душманини ўйларди, натижада у танасини тарк этмасданок, аста-секин худди қовоғарига ўхшаган танага эга бўлди. Шундай қилиб, бу дунёда ҳар ким ўзи тинмай ўйланиб, орзу қилиб юрган ниятига яраша ҳозир яшаётган ҳолатига эришган.

24. Эй шоҳ, мана шу руҳий устозларнинг ҳар бирдан мен буюк донишмандлик илмини ўргандим. Энди мен сенга ўзимнинг танамдан нималарни ўрганганимни гапириб бераман, қулоқ сол. 25. Моддий танам ҳам менинг руҳий устозим бўлади, чунки у мени таркидунёлик қилишга ўргатади. Туғилиш ва ўлишга маҳкум бўлгани сабабли у ҳамиша оғриқли йўқликка қараб ҳаракат қилади. Шундай қилиб, гарчи илм ўрганишда ўз танамдан фойдалансам ҳам, мен ҳамиша бу тана қачон бўлса ҳам бошқаларга емиш бўлиб, йўқолиб кетишини эсимда сақлайман, шу боис танамга қаттиқ боғланмасдан, таркидунёлик қилиб бу оламда айланиб юраман. 26. Ўткинчи танасига қаттиқ боғланиб қолган одам ўзининг хотини, бола-чақаси, уй-жойи, уй хайвонлари, хизматкорлари, қариндошлари, дўстлари ва бошқа нарсаларига ғамхўрлик қилиш учун оғир меҳнат қилиб пул тўплайди. У бу дунёда ўзининг танасини хотиржам қилиб, қаноатлантириш учун шундай қилади. Худди қуриб қолишдан аввал дарахат ўздан насл қолдириш учун уруғ чиқаргани сингари, ўлимга маҳкум тана ҳам мана шу тана тўплаган қарма сифатида навбатдаги моддий тана учун уруғ қолдиради. Шундай қилиб, тирик мавжудотнинг келгуси моддий танадаги тирикчилигини давом этишини таъминлаб, моддий тананинг ўзи ҳалок бўлади. 27. Кўп хотини бўлган одам ҳамиша уларнинг азобидан қийналиб яшайди. У хотинларининг тирикчилигини таъминлаши лозим, шу боис хотинлари уни ҳамиша ҳар томонга тортади, уларнинг ҳар бири фақат ўзини ўйлайди. Худди шундай, моддий ҳиссиётлар ҳам шартланган руҳни бир вақтнинг ўзида ҳар тарафга тортқилаб, сарсон қилади. Бир томондан тили уни ширин таом топишга тортади; чанқоқлик уни бирор ичимлик топишга ундайди. Жинсий аъзолар хуруж қилиб, ўзининг истагини қондиришни талаб қилади, териси юмшоқ, ёқимли нарсаларга тегишни истайди. Ошқозони то уни тўлдирмагунча тинчлик бермайди, қулоқлар ёқимли овоз ёки муסיқа эшитишни истайди, хидлаш сезгиси ширин, анвойи хидларга интилади, бетиним ҳаракат қилаётган кўзлар эса тинмай чиройли нарсаларни кўришга интилади. Шу тариха сезгилар, ҳиссиёт аъзолари тирик мавжудотни ҳар тарафга тортқилаб, ўзларининг талабини қондиришни талаб қиладилар.

28. Худонинг Олий Шаҳси, Ўзининг майя-шакти қувватини кенгайтириб, шартланган руҳлар моддий ҳаёт кечириши учун сон-саноксиз ҳаёт турларини яратди. Лекин барибир, дарахтлар, ҳашаротлар, хайвонлар, қушлар, илонлар ва бошқа ҳаёт турларини яратса ҳам, Парвардигорнинг қалби Ўзининг

ишидан таскин топмади. Кейин У ИНСОН танасини яратди, инсон танасидаги ҳаёт шартланган руҳларга Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиш учун етарлича тафаккур ато этади. Шундан кейингина Парвардигор Ўз ишидан мамнун бўлиб, кўнгли таскин топди.

29. Жуда кўплаган туғилиш ва ўлишлар орқали ўтгандан кейин тирик мавжудот моддий оламда жуда нодир бўлган ИНСОН танасида яшаш имкониятига эга бўлади. Гарчи инсон танаси ҳам барибир ўткинчи бўлишига қарамай, бу тана тирик мавжудотга мукамалликка, камолотнинг олий чўққисига эришиш имкониятини беради. Шунинг учун соғлом фикрлай оладиган фаросатли ИНСОН ўзининг истаган вақтда ўлимга маҳкум бўлган ўткинчи танаси ҳалокатга учрамасдан аввал, ҳаётда камолот чўққисига тезроқ кўтарилишга интилиши лозим. Ҳиссиёт орқали олинаниган лаззатларга ҳар қандай хайвон танасида, ҳатто энг пасткаш ҳаёт турларида ҳам эришиш мумкин, аммо Кришнани, Мутлақ Ҳақиқатни, Худои Таолони фақат инсон танасида англаб олиш мумкин.

30. Руҳий устозларимдан ҳаёт сабоқларини ўрганиб, мен Худонинг Олий Шаҳсини англаб, ҳаётда фақат Худонинг хоҳиши билан, Кришна онги билан яшайман, бу дунёда ҳеч нарсага боғланмасдан, руҳий илми чуқур англаб етиб, онгли равишда таркидунё қилиб, боғланиш ва сохта ўзлик таъсиридан озод ҳолда бу дунёда айланиб юраман. 31. Мутлақ Ҳақиқат жуда ғаройиб бўлишига қарамай, буюк донишмандлар Уни одамларга ҳар хил йўллар билан таърифлаб берганлар. Шунинг учун ҳеч ким фақат биргина руҳий устоздан илм ўрганиб, тўлиқ ва мустаҳкам илмга эга бўлмайди”.

32. Худонинг Олий Шаҳси шундай деди: “Шоҳ Йадуга шундай сўзларни айтиб, донишманд брахман шоҳнинг саждаларини ва Худога сиғинишларини қабул қилиб, қалбида чуқур илоҳий лаззат ҳис қилди. Кейин, шоҳ билан хайрлашиб, қандай келган бўлса, шундай йўлига равона бўлди. 33. О Уддхава, авадхутанинг гапларини тинглаб, бизларнинг аждодларимиз бобокалони бўлган авлиё шоҳ Йаду барча моддий боғланишлардан бутунлай озод бўлди. Шундай қилиб унинг ақли илоҳий поғонага кўтарилиб, ўзи мустаҳкам руҳий ҳаёт кечира бошлади.

Ўнинчи боб.

Кармали фаолиятнинг табиати

1. Худонинг Олий Шаҳси шундай деди: “Ақлини бутунлай Менинг кўрсатмаларим асосида Худога садоқат билан хизмат қилишда мужассам қилиб, бутунлай Менинг паноҳим остига кириб, ҳар бир одам бирор шахсий манфаат кўзламасдан, жамиятда (одамларни табақаларга бўлиб, турмуш тарзига қараб вазифалар белгиланадиган)варнашрама қонун-қоидаларига амал қилиб яшаши лозим. 2. Покланган руҳ, ҳиссий лаззатларга берилган шартланган руҳлар ҳиссиётига лаззат келтирадиган нарсаларни ҳақиқий деб қабул қилиб адашиб юрганни, уларнинг барча уринишлари охир-окибатда бефойда эканини кўра билиши керак. 3. Ухлаётган одам тушида ҳиссиётига лаззат берадиган жуда кўп объектларни кўриши мумкин, лекин бундай ёқимли нарсалар аслида фақат одамнинг хаёлида пайдо бўлган нарсалар бўлиб, ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Худди шундай руҳий ўзлигини англашга нисбатан ғофиллик уйқусида бўлган

тирик мавжудот ҳам бу дунёда хиссиётига лаззат берадиган жуда кўп нарсаларни кўради, аммо бу нарсаларнинг ҳаммасини Парвардигорнинг алдамчи куввати, Майя яратиб қўйибди ва улар мангу эмас. Хиссиётининг талабига берилиб, уларга алданиб юрган одамлар аслида ўзининг нодир инсоний таваққуридан нотўғри фойдаланаётган бўладилар. 4. Ҳаётининг олий мақсади сифатида қалбида бутун ақлини Менда жамлаган одам хиссиётини лаззатлантириш билан боғлиқ бўлган амалларни тарк этиши лозим, бунинг ўрнига у ҳаётда рухий юксалиш учун мўлжалланган қонун-қоидаларга амал қилиб яшаши лозим. Рухнинг олий мақсадини англашга бутунлай фарқ бўлган одам эса, инсоннинг жамиятдаги кармали фаолиятини тартибга соладиган ҳар хил қонун-қоидаларга эътибор бермаслиги керак. 5. Мени ҳаётининг охириги, олий мақсади деб қабул қилган одам гуноҳ ишларни бутунлай таъқиқлаб қўядиган рухий ҳаёт қонунларига тўла риоя қилиб яшаши, рухий ҳаётнинг тананинг поклигини сақлаш каби иккинчи даражали қоидаларига иложи борича риоя қилишга ҳаракат қилиб юриши лозим. Охир-оқибатда, ҳар бир одам Мен ҳақимдаги илмга тўлиқ эга бўлган, қалби бутунлай осойишта бўлиб, рухий юксалишда Мендан фарқ қилмайдиган даражага эришган рухий устозга мурожаат қилиши лозим.

6. Рухий устознинг шогирди ёки хизматкори ҳеч қачон ўзини бирор ишни ўзи амалга ошираётган деб ҳисобламасдан, сохта ғурур, манманлик туйғусидан бутунлай озод бўлиши лозим. У ҳамиша фаол бўлиб, ҳеч қачон дангасалик қилмаслиги, лаззат келтирадиган нарсаларга, шу жумладан хотини, бола-чақаси, уйи ва бирор жамиятга ҳам эғалик қилишни тарк этиши лозим. У рухий устозига меҳр -муҳаббат билан боғланиши, ҳамиша сергак бўлиб, ҳеч қачон унинг айтганидан чиқмаслиги керак. Шогирд ёки хизматкор ҳамиша рухий юксалишга интилиши, ҳеч кимга ҳасад қилмаслиги, бекорчи, бемаъни сўхбатлардан ҳамиша узок юриши лозим. 7. Ҳар ким, ҳар қандай вазиятларда ҳам ҳаётда ўзининг ҳақиқий олий мақсадини кўра билиши, шу боис хотини, болалари, уйи, ери, қариндошлари, дўстлари, бойлиги ва бошқа нарсалардан четда қолиши керак. 8. Худди ёниб, шуъла таратиб турган олов, ёруғлик бериши учун ёниши лозим бўлган ўтиндан фарқ қилгани сингари, танадаги қузатувчи, рухий табиатга эга, илмга тўла жон(рух) ҳам, илм олиш воситаси бўлган танадан фарқ қилади. Рух ва тана ҳар хил табиатга эга бўлиб, бир биридан бутунлай фарқ қилади. 9. Худди олов ўтиннинг ҳолатига қараб, тутаётган, ёрқин, ожиз, ярқираган ва ҳоказо бўлиб кўрингари сингари, рух ҳам моддий тана ичига кириб, танага мос равишда ҳар хил сифатларга эга бўлади. 10. Кўпол ва нафис моддий таналарни Худонинг Олий Шахсининг қувватидан тараладиган моддий табиат гуналари яратади. Тирик мавжудот нафис ва кўпол таналарнинг сифатларини ўзининг ҳақиқий табиати деб ҳисоблаганида унинг моддий ҳаёти, моддий оламдаги тирикчилиги бошланади. Лекин ана шу алдамчи ҳолатдан ҳақиқий илм ўрганиш ёрдами билан озодликка чиқиш мумкин.

11. Шунинг учун ҳақиқий илм ўрганиш ёрдамида ҳар ким ўзининг қалбида мавжуд бўлган Худонинг Олий Шахсига яқинлашиши лозим. Худои Таолонинг пок, илоҳий мавжудлигини тушуниб, ҳар ким бу моддий оламни мустақил деб қабул қиладиган

сохта, нотўғри нуқтаи-назардан халос бўлиши лозим. 12. Рухий устозни пастки, шогирдни устки олов ёқадиган таёқча, рухий устознинг берган насиҳатларини эса, улар орасидаги олов чиқадиган учинчи таёқча билан қиёслаш мумкин. Гурунинг шогирдга берадиган илоҳий илмини уларнинг ишқаланишидан юзага келадиган оловга ўхшатиш мумкин. Бу олов ғофиллик зулматини ёритиб, устозга ҳам, шогирдга ҳам буюк илоҳий лаззат, ҳақиқий бахт олиб келади.

13. Устозига камтарин ҳолда хизмат қилиш ёрдамида эпчил ўқувчи тажрибали рухий устозидан пок рухий илм ўргангани, бу илм моддий табиат гуналари таъсирида юзага келадиган қудратли дунёвий алданиш тошқинини тўхтатиб қолади. Натижада, ўтин тугаганда ўчиб қоладиган олов сингари, мана шу пок илм ҳам ўзидан-ўзи тамом бўлади.

14-16. Азизим Уддхава, Мен сенга мукамал илмни тушунтириб бердим. Лекин, Менинг бу хулосаларимни инкор этадиган файласуфлар ҳам бор. Уларнинг фикрича, тирик мавжудотнинг ҳақиқий ҳолати - кармали фаолият билан машғул бўлишдан иборат. Улар тирик мавжудотни ўзининг фаолияти натижасида келадиган бахт ва бахтсизликдан лаззатланувчи деб биладилар. Ана шундай моддий, дунёвий фалсафага кўра, олам, замон, муқаддас китоблар ва “мен” - барчаси турли сифатли ва мангу бўлиб, ҳамиша ҳар хил ўзгаришлар кўринишида мавжуд нарсалардир. Бунинг устига дунёвий илм ягона ва мангу бўлиши мумкин эмас, чунки илм нарсаларнинг ҳар хил ва ўзгарувчан кўринишларидан юзага келади; шу тариқа илм ўз ўзидан ҳамиша ўзгариб туради. Сен ҳатто мана шу фалсафани қабул қилсанг ҳам, эй азизим Уддхава, барибир туғилиш, кексалик, касаллик ва ўлиш ҳамиша мавжуд бўлаверади, чунки барча тирик мавжудотлар Замон таъсирига бериладиган моддий тана олишга мажбур бўладилар.

17. Дунёвий фаолият кўрсатиб юрган одам ҳамиша мангу бахтга интилиб юрса ҳам, яққол кўриш мумкинки, дунёвий фаолият билан машғул одамлар аксарият оларда бахтсиз бўладилар, улар фақат тасодифий ҳоллардагина вақтинчалик бахтга эришиб, ўз ҳаётидан мамнун бўладилар. Бу билан улар ўз тақдирдан мустақил эмаслигини, улар бу ҳаётда ўз тақдирини ўзгартира олмаслигини исботлайдилар. Бир шахс иккинчи устунроқ бир шахснинг назорати остида бўлганида у қандай қилиб ўз ҳаракатининг натижаларидан тўла умидвор бўлиши мумкин? 18. Бу дунёда баъзан ҳатто ақлли одамлар ҳам бахтсиз ҳаёт кечираётганини кўриш мумкин. Худди шундай, энг аҳмоқ, нодон одамнинг бахтли яшаётганини ҳам учратиш мумкин. Дунёвий фаолиятни моҳирлик билан амалга ошириш ёрдамида бахтли бўлиш мумкин деб ҳисоблаш - сохта ўзликнинг таъсирини, адашганликни намоён этишдан бошқа нарса эмас.

19. Ҳатто одамлар ҳаётда қандай бахтли бўлиш ва бахтсизликдан қандай қутулиш йўлларини билсалар ҳам, улар ўзларига ажал келишини тўхтатиб қолиш жараёнини билмайдилар.

20. Ўлим ҳамма учун ёқимсиз жараён, ҳар бир одам ҳаётда худди ўлим жазосига маҳкум бўлиб, дор остида турган жиноятчи ҳолатида яшар экан, қандай қилиб улар моддий нарсалардан ёки хотиржамликдан бахтиёр бўлишлари мумкин? 21. Самовий лаззатга эришиш учун жаннатга кўтарилиш сингари биз эшитган бахт ҳам худди биз неча марта тотиб кўрган дунёвий бахтга

ўхшайди. Уларнинг иккиси ҳам қизганиш, ҳасад, чириш ва ўлим билан булганган. Шунинг учун, агар қурғоқчилик, ҳар хил ҳашаротлар ва касалликлар муаммоси хавф солиб турган бўлса, яхши ҳосил етиштириш мумкин бўлмагани сингари, Ер юзида ёки жаннатий сайёраларда мукамал дунёвий бахтга эришишга интилиш ҳам бемаъни иш ҳисобланади.

22. Агар инсон Ведавий қурбонлик маросимини ва бошқа диний маросимларни бирор хатосиз ёки нопокликсиз тўғри ўтказса, у кейинги ҳаётида жаннатга кўтарилади. Аммо ҳатто, фақат моддий натижа келтирадиган кармали қурбонлик маросимлар ўтказиш орқали эришиладиган ана шундай натижа ҳам бешафқат Замон таъсири остида барибир йўққа чиқади. Энди шу ҳақда эшит.

23. Агар Ер юзида кимдир фаришталарни мамнун қилиш учун қурбонлик маросими ўтказса, у жаннат сайёраларига кўтарилади ва ўзининг эзгу ишлари заҳираси тугагунча, жаннатда фаришталардай лаззатланиб яшайди. 24. Жаннатий сайёраларга эришиб, қурбонлик маросими ўтказган одам ўзининг Елдаги тақводор ҳаёти эвазига берилган мукофот сифатида эга бўлган ярқироқ ҳаво кемасида сайр қилиб юради. Гандҳарваларнинг уни олқишлаб айтаётган кўшиқлари жананги остида, ғаройиб чиройли либослар кийиб, у самовий парилар даврасида ҳаёт лаззатини суради. 25. Жаннатий гўзал аёллар билан бирга ҳар хил кўнғироқчалар билан безатилган, ўзи истаган томонга учадиган ҳаво кемасида ўтказган қурбонлик маросимларидан лаззатланаётган одам жаннатда роҳатланиб сайр қилиб юради. Бутунлай осойишта, хотиржам, жаннатнинг оромбахш боғларида қулай ўрнашиб олиб, у ўзининг савоб ишлари натижасини сарфлаб лаззатланади ва кўп ўтмай яна мана шу ажал оламига, Ер сайёрасига қайтиб тушади.

26. То ўзининг савоб ишлари тамом бўлгунча у жаннатда лаззатланиб яшайди. Аммо, савоб ишларининг натижалари тугаши билан у ўзининг истак-хоҳишига қарши, мангу Замон таъсири остида жаннатий лаззат боғларидан пастга тушади. 27-29. Агар одам ҳаётда ёмон одамлар билан ҳамсухбат бўлиши, ёки ўз ҳиссиётини жиловлай олмагани сабабли Худои Таоло таъқиқлаб қўйган гуноҳ ишлар билан машғул бўлиб яшаса, у охир-оқибатда ўзида қалби дунёвий истакларга тўла бўлган шахсни ривожлантиради. Шу тариқа у бошқаларга нисбатан ҳасис, очкўз ва аёллар танасига ўч бўлиб қолади. Шундай қилиб, ақли бутунлай булганганида у золим, шафқатсиз бўлади ва Ведавий муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид равишда нафсини кондиритиш учун беозор ҳайвонларни ўлдирди бошлайди. Арвоҳ ва ажиналарга сиғиниб, тўғри йўлдан адашган одам бутунлай нотўғри фаолият чангалига тушиб қолади, натижада у дўзахга равона бўлади ва табиатнинг энг куйи сифатларига эга бўлган танага эга бўлади. Ана шундай дахшатли пасткаш танада у ўзи учун ёқимсиз бўлган фаолият билан машғул бўлишда давом этади, бу эса унинг келажакдаги мусибатларини тобора кўпайтира боради, шунинг учун у яна шундай моддий танага эга бўлади. Охир-оқибатда муқаррар ажал билан тугайдиган фаолият билан машғул бўлиб юрган одам учун ҳаётда қандай бахт бўлиши мумкин?

30. Жаннатий ва дўзахий сайёраларнинг барчасида, минг йуга-давр давомида яшайдиган барча буюк фаришталар Менинг мангу Замон қиёфам олдида

қўрқувдан титраб турадилар. Ҳатто энг узоқ умр - 311.040.000.000.000 йил умр кўрадиган Тангри Брахма ҳам Менинг олдимда қўрқувдан титраб туради. 31. Моддий ҳиссиётлар ё гуноҳ, ё савоб ишлар билан машғул бўлиб моддий фаолиятни юзага келтиради, моддий ҳиссиётларни моддий табиат гуналари ҳаракатга келтиради. Моддий табиат гуналари ва моддий ҳиссиётлар билан бутунлай машғул бўлган ҳолда тирик мавжудот ўз фаолиятининг турли натижаларини бошидан кечиради. 32. Токи тирик мавжудот моддий табиат гуналаридан мустақил ҳолда ўз-ўзидан мавжуд деб ҳисоблар экан, у ҳаётнинг турли шаклларида туғилиб, моддий тирикчиликнинг ҳар хил қарама-қаршиликларига дучор бўлиб юраверади. Шунинг учун тирик мавжудот моддий табиат гуналари таъсири остида бутунлай ўзининг моддий фаолиятига боғланиб қолади.

33. Моддий табиат гуналари таъсири остида ўзининг моддий фаолиятига боғланиб қолган тирик мавжудот Мендан. Худонинг Олий Шахсидан қўрқади, чунки Мен унга унинг ўзи амалга оширган моддий фаолиятининг натижаларини зўрлаб таклиф қиламан. Моддий табиат гуналарининг ранг-баранглигини “ҳақиқат” деб билган ҳолда ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган одамлар ҳаминша ўткинчи, моддий ҳиссий лаззатларга берилиб яшайдилар, шунинг учун ҳаминша оғир мусибат ва азоб-уқубатларга мубтало бўладилар. 34. Моддий табиат гуналарининг ўзаро ҳаракати ва таъсири юзага келганда тирик мавжудот Мени қудратли Замон, “Мен”, Ведавий илм, коинот, уларнинг табиати, диний маросимлар ва шу каби нарсалар сифатида таърифлай бошлайдилар”.

35. Шри Уддхава шундай деди: “Эй азиз Худойим, моддий танага қамалган тирик мавжудот моддий табиат гуналари ва ана шу гуналар юзага келтирадиган фаолият натижасида келадиган бахт ва мусибатлар билан ўралган. Қандай қилиб тирик мавжудот ана шу моддий нарсалардан озод бўлиши мумкин? Охир-оқибатда тирик мавжудот илохий табиатга эга ва унинг моддий оламга ҳеч қандай алоқаси йўқ деб айтиш мумкин. Ундай бўлса нимага у моддий табиат гуналарига мангу тутқун бўлиб қолади? 36-37. Эй азиз Худойим, о Ачйуга, тирик мавжудот баъзан “мангу шартланган” деб, баъзан эса “мангу озод” деб таърифланади. Шунинг учун мен тирик мавжудотнинг ҳақиқий ҳолати қандайлигини тушуна олмайман. Эй азиз Худойим, Сен ана шундай фалсафий саволларга жавоб беришга жуда устасан. Марҳамат қилиб менга тушунтириб берчи, мангу озод ва мангу шартланган руҳларни бир-биридан қандай аломатлар асосида осон ажратиб олиш мумкин? Уларнинг ҳаётдаги ҳолати, лаззатланиши, овқатланиши, ётиштириши, ҳаракат қилиши бир-биридан нимаси билан фарқ қилади?”

Ўн биринчи боб.

Шартланган ва озод тирик мавжудотларнинг ўзига хос белгилари.

1. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Азизим Уддхава Менинг назоратим остида ҳаракат қиладиган моддий табиат гуналари таъсири остида тирик мавжудот баъзан “шартланган” баъзида “озод

руҳ”лар деб аталади. Лекин аслида алоҳида руҳ ҳеч қачон ҳақиқатан ҳам “озод” ёки “шартланган” бўлмайди. Табиат гуналарининг сабабчиси бўлган Майянинг Олий ҳукмдори бўлганим учун Мени ҳам ҳеч қачон бутунлай шартланган ёки озод Руҳ деб ҳисоблаб бўлмайди. 2. Худди уйқудаги туш одамнинг тафаккури, ақли келтириб чиқарган нарса, аслида ҳақиқий моҳиятга эга бўлмагани сингари, моддий мусибат, алданиш, бахт, бахтсизлик ва майя таъсири остида моддий танага эга бўлиш - буларнинг ҳаммаси Менинг алдамчи қувватим яратган нарсалардир. Бошқача қилиб айтганда, моддий тирикчилик, дунёвий ҳаётни ҳақиқатан ҳам мавжуд деб бўлмайди. 3. Эй Уддхава, дунёвий илм ҳам худди ғофиллик сингари Менинг қувватим намоён этган кўринишларидир. Ғофиллик сингари илм ҳам бошланиши йўқ бўлиб, ҳамиша тирик мавжудотларга тутқунлик ва озодлик олиб келади. 4. Эй чуқур тафаккурга эга Уддхава, *жива* деб аталадиган тирик мавжудот Менинг ажралмас бир заррачамдир, аммо ғофиллиги сабабли у қадим замонлардан бери моддий оламда тутқунликда мусибат чекиб келади. Аммо, мукамал илм ёрдамида у озодликка чиқиши мумкин.

5. Шундай қилиб, азизим Уддхава, битта моддий тананинг ичида биз бир-бирига қарама-қарши бўлган буюк бахт ва оғир мусибат сингари белги, аломатларни кўришимиз мумкин. Мангу озод бўлган Худонинг Олий Шахси шартланган руҳ билан бирга ана шу битта тананинг ичида мавжуд бўлгани сабабли шундай ҳолат юзага келади. Энди Мен сенга уларнинг ҳар хил аломатлари ҳақида гапириб бераман.

6. Тақдир тақозоси билан икки қуш битта дарахтга биргаликда ин қурибди. Бу икки қуш бир-бирига дўст бўлиб, одатлари ҳам бир-бирига жуда ўхшаш. Шунга қарамай улардан биттаси ҳамиша шу дарахт меваларидан тоғиб юради, ҳеч қачон дарахт меваларидан тотмайдиган иккинчи қуш эса, ўзаро муносабатларди Ўзининг қуввати билан юқори поғона эгаллаб туради. 7. Дарахт меваларидан тотмайдиган қуш - Худонинг Олий Шахси, У комил ва ҳамма нарсани билувчи Зот бўлгани туфайли Ўзининг ҳолатини ҳам, дарахт мевасини тотадиган қуш кўринишида тасвирланган шартланган тирик мавжудотнинг ҳолатини ҳам тушунади. Аксинча, тирик мавжудот ўзини ҳам, Парвардигорни ҳам тушунмайди. У ғофилликка ботган ва шу боис мангу шартланган деб аталади, аксинча, мукамал илмга эга бўлган Худо Шахси эса - мангу озод деб аталади.

8. Моддий тана ичида яшаётганига қарамай, руҳий ўзлигини англаб етган киши худди уйқудан уйғонгандан кейин тушида кўрган танасига ўзини киёслашни тарк этадиган одам сингари, аслида ўзи, ҳақиқий “мен”и моддий танага нисбатан илохий ҳолатда эканини кўра олади. Аммо, ғофил одам, гарчи аслида ўзи моддий танага ўхшамаган, унга нисбатан илохий бўлса ҳам, худди туш кўраётган одам ўзини тушидаги танада деб ҳисоблагани сингари, ўзини тана деб ҳисоблайди. 9. Моддий истаклар иллатидан озод бўлган илмли одам ўзини танасининг фаолиятини амалга ошираётган зот деб ҳисобламайди; у биладики, бундай фаолиятда табиат гуналари юзага келтирган ҳиссиётлар иштирок этади, шу ҳиссиётлар табиат гуналари яратган нарсалар билан ўзаро бирикиб ҳаракат қилади. 10. Ўзининг аввалги фаолияти натижасида эга бўлган танасига қамалган фаросатсиз

шахс: “Мен ҳаракат қиляпман” - деб ўйлайди. Сохта ўзлик таъсири остида адашган ана шундай нодон одам аслида табиат гуналари амалга оширадиган кармали фаолиятга боғланиб қолади. 11. Мустаҳкам таркидунёликка эришган илмли одам танасини ётиш, ўтириш, сайр қилиш, ювиниш, кўриш, тегиш, хидлаш, еб-ичиш, тинглаш ва бошқа ишлар билан машғул қилади, лекин ҳеч қачон бундай фаолият натижасига боғланиб қолмайди. Аслини олганда, танасининг барча ҳаракатларининг гувоҳи бўлиб қолган ҳолда, у ҳиссиёти ва улар боғланадиган нарсалардан фойдаланиб, ғофил одам сингари бу фаолият натижасига боғланиб қолмайди. 12-13. Гарчи осмон ёки бўшлиқ, ҳамма нарса жойлашган унсур бўлса ҳам, у бирор нарсага кўшилиб, аралашиб кетмайди. Худди шундай Куёш сон-саноксиз сув ҳавзаларидаги сув юзида акс этиб тургани билан бу сувларга боғланган эмас, ҳамма ерда эсиб турган кудратли шамол ҳам ўзи олиб юрадиган ҳар хил анвойи хидларга аралашиб кетмайди. Худди шундай, илмли, руҳий ўзлигини англаб етган шахс ҳам, атрофидаги моддий танаси ва моддий оламдан бутунлай ажралган ҳисобланади. У худди уйқудан уйғониб, мудроқ ҳолатидан чиққан одамга ўхшайди. Руҳий ўзлигини англаб етган одам ўзининг тафаккур кўзи ва мустаҳкам таркидунёлиги билан илми ёрдамида барча гумонларини тарқатиб юборади ва ўзининг онгини моддий оламнинг ранг-баранглигидан бутунлай ажратиб олади.

14. Одамнинг ҳаёт кучининг, ҳиссиётининг, ақлининг, тафаккурининг барча амаллари бирор моддий истаксиз, ўз-ўзидан, холис бажариладиган бўлганида уни нафис ва кўпол моддий таналардан бутунлай озод бўлган зот деб ҳисоблаш керак. Гарчи моддий тана ичида бўлса ҳам шундай шахс озодликка чиққан зот ҳисобланади. 15. Баъзан танага ҳеч қандай сабабсиз ёвуз одамлар ёки ёввойи, йиртқич ҳайвонлар хужум қилиши мумкин. Бошқа жойда эса қутилмаганда унга чуқур хурмат-эҳтиром кўрсатишлари мумкин. Тажовуз қилганларида қаттиқ жадли чиқиб, хурмат-эҳтиром кўрсатиб эъозлаганларида қаттиқ қувониб хурсанд бўлиб кетмайдиган одам ҳақиқий донишманд одам ҳисобланади. 16. Авлиё, донишманд одам ҳамма нарсага бир хил назар билан қарайди, шу боис дунёвий кўз билан қараганда яхши ёки ёмон бўлиб кўринадиган нарсаларга боғланиб қолмайди. Аслини олганда, гарчи у яхши ёки ёмон ишлар қилиб юрган, яхши ёки ёмон гапларни гапириб юрган бошқа одамларни қузатиб юрса ҳам, донишманд одам ҳеч қимни танқид ҳам қилмайди, ҳеч қимни мақтамайди ҳам. 17. Донишманд одам ўзининг тирикчилигини таъминлаш ниятида дунёвий жиҳатдан яхши ёки ёмон ишларни қилмаслиги, яхши-ёмон гапларни гапирмаслиги, дунёвий ишларга аралашмаслиги лозим. Тўғрироғи у руҳий ўзлигини англаш билан банд бўлган ҳолда, ўзининг руҳий машғулотларидан мамнун бўлиб, ҳар қандай дунёвий ташвишлардан озод бўлиши лозим. У ташқаридан қараганда худди телбалардай бўлиб, руҳий озодликка эришган одамларнинг турмуш тарзи билан яшаб, бирор бошпанасиз жаҳон айланиб юриши лозим.

18. Агар одам Ведалар адабиётини чуқур ўрганиш натижасида Ведаларни тўғри қироат қилишда катта тажриба орттирса-ю, ўзининг ақлини ҳамиша Худонинг Олий Шахсида мужассам қилишга интилмаसा, унинг ҳаётдаги барча ҳаракатлари худди сут бермайдиган сигирни яхшилаб парваришlash билан

машғул одамнинг ишидай бемаъни бўлади. Бошқача қилиб айтганда, унинг Ведаларни ўрганишга сарфлаган меҳнати шунчаки меҳнатнинг ўзи бўлиб қолаверавди. Бу меҳнатнинг бошқа бирор натижаси бўлмайди. 19. Азизим Уддхава, ундай одам худди сут бермайдиган сигирни боқиб юрган одамдай, бутунлай бошқаларнинг қўлига қарам бўлиб қолган нопок аёл ёки тана сингари, ҳақиқий мақсадга эришишда фойдаланиб бўлмайдиган бефойда болалар ёки яроқсиз бойликка ўхшайди. Худди шундай, Менинг шухратимни таърифламайдиган ведавий асарларни ўрганадиган одам ҳам энг бахтиқаро одам ҳисобланади. 20. Азизим Уддхава, фаросатли одам ҳеч қачон Менинг бутун оламни поклашга қодир бўлган шавкатли кароматларимни олқишламайдиган адабиётларга мурожаат қилмаслиги керак. Аслини олганда, бутун моддий оламни Мен Ўзим яратаман, мавжудлигини Ўзим таъминлаб тураман ва вақти келганда Ўзим уни яқсон қиламан. Менинг бу оламда номоён этган барча қиёфаларим ичида энг яхшиси, энг сеvimлиси Қришна билан Балорама ҳисобланади. Менинг ана шу илохий фаолиятимни тан олмайдиган ҳар қандай илм шунчаки натижасиз, бемаъни илм бўлиб, чуқур фикрлашга қодир бўлган фаросатли одамлар учун яроқсиз илм ҳисобланади.

21. Илми чуқур ўрганишдан ана шундай хулосага келиб, ҳар қандай фаросатли одам, дунёвий олимларнинг рухга зўрлаб тикиштираётган ҳаёт ҳақидаги нотўғри моддий тасаввурларини тарк этиши лозим, шу тариқа фаросатли донишманд одам ҳар қандай дунёвий фаолиятни тарк этиши лозим. Унинг ақли ҳамиша Менда мужассам бўлиши лозим, чунки Мен ҳамма ерга сингиб кетган, ҳамма жойни қамраб олганман. 22. Азизим Уддхава, агар сен ақлингни ҳар хил дунёвий ташвишлардан поклашга қодир бўлмасанг, шу сабабли уни ҳамиша руҳий поғонада ушлаб тура олмасанг, унда ҳаётдаги ўз бурчингни Менга эҳсон, қурбонлик сифатида бажар. Ўз фаолиятинг натижаларидан ўзинг лаззатланишга интилма.

23-24. Азизим Уддхава, Менинг сифатларим ва кароматларим, эрмакларим ҳақидаги ҳикоялар ҳаммага саодат келтиради ва бутун оламни гуноҳлари оқибатидан поклайди. Менинг бу дунёга келишимдан бошлаб, бадий жихатдан чиройли таърифланган ғаройиб илохий кароматларим ҳақидаги ҳикояларни ҳамиша тинглаб, уларни бошқаларга гапириб, уларни ҳамиша эслаб юрган, ўзининг бутун диний фаолиятини, дунёвий ишларини, ҳаётдаги ҳар бир ҳаракатини Мени мамнун қилиш учун бажариб юрган содиқ хизматкор албатта Менга, мангу Худонинг Олий Шахсига соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилади. 25. Менинг содиқларим билан ҳамсуҳбат бўлиш шарофати билан Худога соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилган одам ҳамиша Менга сиғиниш билан банд бўлади. Шу тариқа у осонлик билан содиқларим унга очиб берадиган Менинг даргоҳимга эришади”.

26-27. Шри Уддхава шундай деди: “Эй азиз Худойим, эй Худонинг Олий Шахси, қайси тоифадаги одамларни Сен Ўзингнинг ҳақиқий содиғинг деб ҳисоблайсан, Сенинг буюк содиқларинг Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қайси турини Сен Олий Зотга тақдим этиш учун энг муносиб хизмат деб маъқуллайдилар? Эй Ваикунтҳа хукмдори, эй бутун борлиқнинг қудратли Парвардигори, мен - Сенинг содиқ хизматкорингман, менинг Сендан ўзга бирор

паноҳим йўқ. Шунинг учун илтимос, менга шуни тушунтириб бер!

28. Эй азиз Худойим, Мутлак Ҳақиқат бўлганинг туфайли Сен моддий табиатга нисбатан илохийсан, худди осмонга ўхшаб, Сен ҳеч қачон йўлдан адашмайсан. Лекин, барибир, Ўзингни бутунлай содиқларинг ихтиёрига топшириб қўйиб, уларнинг истагига қараб Сен бу дунёда ҳар хил қиёфаларда номоён бўласан”.

29-32. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Эй Уддхава, авлиё одам жуда меҳрибон(*крипану*) бўлади, у ҳеч қачон бошқаларни хафа қилмайди(*акрита-дрохи*). Ҳатто бошқалар унга нисбатан зулм ўтказсалар ҳам у бу қийинчиликларга сабр билан чидайди, у барча тирик мавжудотларга нисбатан жуда кечиримли(*титикишу*). Унинг ҳаётдаги кучи ва аҳамияти Ҳақиқатнинг ўзидан чиқади(*самйа-сара*). У ҳар қандай ҳасад ва қизғаниш туйғусидан пок(*анавадйа-атма*), унинг ақли дунёвий бахт ва бахтсизликда ҳамиша бир хилда қолади(*шама*). Шу тариқа у ўзининг бутун фаолиятини бошқаларнинг бахт-саодати учун бағишлайди(*сарвопакарака*). Унинг тафаккури ҳеч қачон дунёвий оруз-истаклар таъсирида ҳақиқат йўлидан адашиб, уларга ўралишиб қолмайди(*камаир ахата-дхи*), у ўзининг ҳиссиётини бутунлай жиловлаб олган бўлади(*данта*). Унинг хулқ-атвори ҳамиша ёқимли ва бошқаларга ўрناк бўлади(*шучи*), у ҳеч қачон қўполлик(*мриду*) қилмайди, у ҳеч қачон ўзини бирор нарсанинг эгаси деб ҳисобламайди(*акинчана*). У ҳеч қачон дунёвий, кундалик фаолият учун қаттиқ уринмайди(*аниха*), у ўзининг овқатланиш(нафс)ини қатъий назорат қилади(*мита-бхук*). Шу боис унинг қалби ҳамиша осойишта(*шанта*), ҳамиша мувозанатда, хотиржам(*стхира*) қолади. Авлиё одам чуқур тафаккурга эга(*муни*), у Мени ўзининг ягона нажоткори деб билади(*мат-шарана*). Шундай одам ўзининг кундалик бурчини жуда эҳтиёткорлик билан амалга оширади(*апраматта*), у ҳеч қачон юзаки ўзгаришларга берилиб, энгилтаклик қилмайди(*дхритаман*), чунки у ҳатто бошига оғир мусибат тушганда ҳам ҳамиша хотиржам ва олийжаноб бўлиб қолади(*сабхирама*). У олти моддий сифатлар - очлик, чанқоқлик, мусибат, алданиш, кексалик, ва ўлиш - таъсири устидан ғалаба қозонган бўлади(*жита-шад-гуна*). У ҳар қандай дунёвий шон-шухратга интилиш истагидан пок(*амани*), аксинча ҳаммани бирдай хурмат қилади(*мана-да*). У бошқаларга Худои Таоло ҳақида гапириб, уларнинг Худои Таолога бўлган иймонини кучайтиришга, уларнинг онгини ўзгартиришга жуда уста(*кайя*), шу боис у ҳеч қачон ҳеч кимни алдамайди(*маитра*). Аксинча, у жуда меҳрибон, ҳамдард бўлгани сабабли ҳар бир одамга фақат яхшилик қилишни ўйлайди(*каруника*). У Менинг ҳар хил муқаддас китобларимда одамларга бериб қўйган оддий кўрсатмаларим ажойиб сифатларга эга бўлиб, уларга рия қилиб юрган одамларнинг қалбини ҳар хил иллатлардан поклашини, ҳаётда мусибатсиз яшашга олиб келишини тушунади, аксинча, муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилмаслик эса, ҳар бир одамнинг ҳаётида турли қарама-қаршиликларга, азоб-уқубатларга олиб келишини яхши билади. Лекин, бутунлай Менинг нилуфар қадамларим пойи паноҳига кириб олгандан кейин, авлиё одам охир-оқибатда одатдаги диний вазифаларини тарк этади ва ўз

ихтиёрини бутунлай Менга топшириб, факат Менинг Ўзимга сиғина бошлайди(кави). Ана шундай авлиё содиқ барча тирик мавжудотлар ичида энг аълоси деб ҳисобланиши лозим.

33. Менинг содиқларим Менинг ким ёки нима эканимни, Мен қандай мавжуд эканимни аниқ билишлари ҳам, билмасликлари ҳам мумкин, лекин, агар улар Менга пок, соф муҳаббат билан сиғиниб сажда қилаётган бўлсалар, Мен уларни барча содиқларим ичида энг аъло содиқлар деб ҳисоблайман. 34-41. Азизим Уддхава, Худога садоқат билан хизмат қилиш туфайли ҳар бир одам сохта мағрурлик, манманлик туйғусидан халос бўлиши мумкин. Менинг Илоҳ кўринишидаги қиёфаларимга ва Менинг соф содиқларимга самимий сажда қилиш, уларни олқишлаб илтижо қилиш, уларга садоқат билан хизмат қилиш, эхтиром билан қўл теккизиш, жамолини маҳлиё бўлиб томоша қилиш шарофати билан ҳар бир одам ўзининг ҳаётини поклаши мумкин. Шунингдек, ҳар бир одам Менинг илоҳий сифатларимни ва кўрсатган кароматларимни олқишлаши, шарафлаб қуйлаши, Менинг шуҳратим ҳақидаги ҳикояларни чуқур иймон ва муҳаббат билан тинглаши, ҳамиша Менга муроқабда қилиб юриши лозим. Ҳар бир одам ҳаётда нимаики топган бўлса, ҳаммасини Менга тақдим қилиши ва ўзини Менинг мангу хизматкорим деб билган ҳолда, ҳар ким ўзини бутунлай Менга топшириши лозим. Ҳар бир одам ҳамиша Менинг туғилишим ва кўрсатган кароматларимни содиқлар билан муҳокама қилиши, Менинг эрмакларим шарафлаб қуйланадиган Жанмаштами сингарим байрамларда иштирок этиб, ҳаётдан лаззатланиб яшаши лозим. Менинг эҳромларимда ўтказиладиган ҳар хил байрамларда иштирок этиб, бошқа вайшнавлар билан биргаликда қуйлаб, рақсга тушиб, Мен ҳақимдаги ҳикояларни тинглаб Мени олқишлаши керак. Ҳар бир иймонли одам мунтазам равишда ҳар йили ўтказиладиган байрамларни нишонлаши, маросимларда иштирок этиши, муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиши, қурбонлик маросими ўтказиши лозим. Ҳар бир иймонли одам Экадаши кунини рўза тутиш сингарини диний қасамларга риоя қилиши, Ведаларда, Панчаратра ва бошқа муқаддас китобларда кўрсатилган қоидаларга амал қилган ҳолда руҳий устоздан фотиҳа олиши лозим. Ҳар бир содиқ садоқат ва муҳаббат билан Менинг Илоҳларимни ўрнатишни қўллаб-қувватлаши, ўзи ёки бошқа вайшнавлар билан биргаликда одамларга Худони, Кришнани англаш илмини, Худога сиғиниш йўлларини ўргатадиган эҳромлар, шаҳарлар барпо этиш устида ишлаши, шунингдек Менинг эрмакларимни ўтказадиган боғлар, гулзорлар ва бошқа махсус жойлар яратишда иштирок этиши лозим. Ҳар бир содиқ ўзини Менинг камтарин, итоаткор хизматкорим эканини тан олиши, эринмасдан, иккиланмасдан Менинг уйим ҳисобланадиган Эҳромни ювишда, тозалашда ёрдам бериши лозим. Аввал Эҳромни яхшилаб супуриб, чангларини артиш керак, кейин ҳамма нарсани сув ва сигир тезағи билан ювиб поклаш керак. Эҳром қуригандан кейин анвойи хид таратиб турадиган сув сепиб, мандаллар билан безаш керак. Шу тариқа ҳар бир содиқ Менинг ҳақиқий хизматкоримдай ҳаракат қилиши лозим. Содиқ хизматкор ҳеч қачон ўзининг Худо йўлида, Худои Таолони мамнун қилиш учун қилаётган меҳнати билан бошқаларга мақтанмайди; шунинг учун унинг Мен учун

қилаётган хизмати унинг манманлигига, мағрурлигига сабаб бўлолмайди. Менга таклиф этиладиган шамчироклардан ҳеч ким хонани ёритиш учун фойдаланмаслиги керак. Худди шундай, аввал бошқалар ишлатган ёки аввал бошқаларга таклиф этилган нарсаларни ҳеч қачон Менга таклиф қилмаслик керак. Бу дунёда нимаики ўзига энг яқин, энг қадрли, энг азиз бўлса, содиқ хизматкор ана шу нарсаларни Менга тақдим қилиши лозим. Ана шундай эҳсонлар ҳар бир содиқни мангу ҳаёт учун тайёрлайди.

42. Эй авлиё Уддхава, билиб қўйки, сен Мени Қуёшда, оловда, брахманларда, сигирларда, Вайшнавларда, осмонда, шамолда, сувда, ерда, алоҳида руҳда ва барча тирик мавжудотларда мавжуд деб билиб сиғинишинг мумкин. 43-45. Азизим Уддхава, ҳар бир одам Менга ведавий мантраларни тиловат қилиб, сиғиниш маросими ўтказиб ва сажда қилиб, Қуёшда мавжуд бўлган Зот сифатида сажда қилиши, сиғиниши лозим. Ҳар ким Мени оловда мавжуд деб билган ҳолда, муқаддас оловга сарийёғ тақдим этиб сиғиниши мумкин. Ҳар ким Мени брахманларда мавжуд деб билган ҳолда, брахманларни ҳурмат билан уйига таклиф қилиб, уларни меҳмон қилиб сиғиниши мумкин. Ҳар ким Мени сигирда мавжуд деб билиб, унга яхши озукка ёки сигирнинг соғлиги учун зарур бўлган бошқа нарсалар тақдим этиш билан Менга сиғиниши мумкин. Ҳар ким Вайшнавлар билан дўстлашиб, уларни ҳар томонлама ҳурмат қилиш билан Менга сиғиниши мумкин. Ўзининг қалбида Мени мавжуд деб билган ҳолда чуқур муроқабда қилиш билан ҳар ким Менга сиғиниши мумкин. Прана, ҳаёт нафаси барча унсурлар ичида энг асосийси деб билган ҳолда, чуқур илм ёрдамида Менга ҳаво сифатида сиғиниш мумкин. Гул, туласи барглари билан бирга сув тақдим қилиб сиғиниш билан содиқ хизматкор Менга сувда мавжуд деб ҳам сиғиниши мумкин. Мантраларнинг муқаддас уруғи ёрдамида Мени ерда мавжуд деб ҳам содиқ хизматкор Менга сиғиниши мумкин. Мени ҳар бир тирик мавжудот ичида ҳам мавжуд деб билиб, уларга таом ва бошқа нарсалар эҳсон қилиш билан ҳам Менга сиғиниши мумкин. Мени ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд Олий Рух деб билган ҳолда ҳаммага бир хил муносабатда бўлиш билан ҳам Менга сиғиниши мумкин.

46. Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган сиғиниш жойларида, Мен таърифлаб берган усуллар билан ҳар бир содиқ хизматкор Менинг марҳаматга тўла, қўлларида сур, Сударшана халқаси, гурзи ва нилуфар гули ушлаб турган илоҳий тўрт қўлли қиёфамга муроқабда қилиб сиғиниши лозим. Шу тариқа ҳар ким бутун диққат-эътиборини Менда жамлаб, Менга сиғиниши лозим. 47. Мени мамнун қилиш ниятида ҳар хил сиғиниш маросимлари ўтказиб, ҳар хил эзгу, савоб ишлар қилиб юрган ва шу тариқа бутун диққат-эътиборини Менда жамлаб, Менга сиғиниб юрган одам Менга соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилади. Ўзининг садоқат билан хизмат қилиши шарофати билан ана шундай одам онгли равишда Мен ҳақимдаги илоҳий илмга эга бўлади. 48. Азизим Уддхава, руҳий озодликка эришган авлиё одамлар учун ҳаёт йўлининг охирига натижаси ва ягона нажот макони Мен Ўзим бўламан. Шунинг учун, агар кимдир ҳаётдаги ҳар бир амалий ишида фақат Менинг соф содиқларим билан ҳамсуҳбат бўлиш натижасида эришиш мумкин бўлган Менга садоқат билан хизмат

килишда машғул бўлиб юрган бўлса, ундай одам бу моддий оламни биратўла тарк этиб кетиш йўлининг энг осон усулини топган бўлади.

49. Азизим Уддхава, эй Йадулар сулоласининг арзандаси, сен Менинг содиқ хизматкорим, хамиша Менга яхшилик истайдиган дўстим бўлганинг учун Мен ҳозир сенга энг сирли, махфий илмни ошкор этаман. Кулоқ сол, Мен сенга энг буюк сирни очаман.

Ўн иккинчи боб.

Таркидунёлик ва илмдан ҳам устун бўлган фаолият.

1. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Азизим Уддхава, Менинг соф содиқларим билан ҳамсухбат бўлиш ёрдамида ҳар қандай одам ўзининг қалбидаги моддий лаззат келтирадиган нарсаларга бўлган боғланиш туйғусини яқсон қила олади. Ана шундай покловчи суҳбатлар Мени содиқ хизматкоримнинг назорати остига олиб ўтади. Ҳаётда ҳар бир одам аштанга-йога билан шуғуланиши, моддий табиатда мавжуд бўлган унсурларни таҳлил қилиб, фалсафа билан шуғуланиши, беозорлик, зулм қилмаслик турмуш тарзи билан яшашни ўрганиши ва эзгуликнинг бошқа турлари билан шуғуланиши, Ведаларни тиловат қилиши, тавба-газарру қилиши, таркидунёлик қилиши, қурбонлик маросимлари ўтказиши, кудуқлар казиши, дарахтлар ўтказиши ва одамларнинг оғирини енгил қиладиган бошқа жамоат ишларини бажариши, хайр-эхсон қилиши, қаттиқ қасамларга риоя қилиб риёзат чекиши, фаришталарга сиғиниши, сирли мантраларни зикр қилиши, муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиши, биринчи ва иккинчи даражали ахлоқ-одоб, шариат қонунларига риоя қилиб яшаш мумкин, лекин, ҳатто ана шундай фаолият билан шуғуланиб юрган одам ҳам Мени ўзининг назорати остига олиб бўйсундира олмайди.

3-6. Ҳар бир йоғда ҳам эҳтирос ва ғафлат гунасига ботиб қолган тирик мавжудотлар Менинг содиқларим билан ҳамсухбат бўлишга эришганлар. Шу тариқа Даитйалар, Ракшаслар, кушлар, хайвонлар, Гандҳарвалар, Апсаралар, Нагалар, Сиддхилар, чараналар, Гухякалар ва Видйадхаралар сингари тирик мавжудотлар, шунингдек паст табақада туғилган вайшйалар, шудралар, аёллар ва бошқалар Менинг олий даргоҳимга эришганлар. Вришапарва, Бали Махараж, Банасура, Майа, Вибхишана, Сугрива, Хануман, Жамбаван, Гаджендра, Жатайу, Туладхара, Дхарма-вйадха, Кубджа, Вриндавандаги гопилар ва қурбонлик маросими ўтказаетган брахманларнинг хотинлари сингари Вритрасура, Прахлад Махараж ва уларга ўхшаган бошқа иблислар ҳам Менинг содиқларим билан ҳамсухбат бўлиш шарофати билан Менинг даргоҳимга эришганлар. 7. Мен айтиб ўтган шахслар Ведалар илмини чуқур ўрганиш билан шуғулланмаган, буюк авлиё зотларга ҳам сиғиниб сажда қилмаганлар, худди шундай, табаррук қасамларга риоя қилиб, қаттиқ риёзатларга ҳам берилмаганлар. Шунчаки Мен ва Менинг содиқларим билан ҳамсухбат бўлиш шарофати билан улар Менга эришганлар.

8. Вриндаван аҳолиси, шу жамладан гопилар, сигирлар, икки аржун дарахти сингари кўзғалмас тирик мавжудотлар, хайвонлар, ўсимлик ва чирмовуқлар сингари онгсиз тирик мавжудотлар, Калия сингари илонлар ҳаётда Менга бўлган чуқур муҳаббати туфайли камолотга эришиб, осонлик билан Менга эришдилар. 9. Ҳатто кимдир диққат ва шижоат билан сеҳрли йога усули билан, фалсафий фикрлашлар билан, хайр-эхсон тарқатиш билан, тавба-газарру қилиш, риёзат чекиш, одамларни Ведавий мантраларни тиловат қилишга ўргатиш, Ведаларни ўрганиш ёки таркидунё қилиш билан шуғулланиб юрган бўлса ҳам, уларнинг шарофати билан барибир Менга эриша олмайди.

10. Вриндавандаги гопилар бошлиқ аҳолининг барчаси хамиша чуқур муҳаббат билан Менга боғланиб юрган эдилар. Шунинг учун, тоғам Акрура оғам Балорам билан Мени Матхурага олиб кетганида Вриндаванликлар Мендан айрилиқ азобига чидамай қаттиқ изтироб чекиб, ақлдан озгандай бахтсиз бўлиб қолдилар ва ҳаётда бошқа бирор бахт манбаини топа олмадилар. 11. Азизим Уддхава, гопилар Мен билан бирга ўтказган тунларнинг барчасида мен билан ўтказган вақтлари уларнинг Вриндаванда ўтказган энг қисқа лаҳзаси бўлиб туолган эди. Мендан айрилган пайтларида эса, улар учун туннинг ҳар бир лаҳзаси жуда узок бўлиб, ҳар тун Браҳманинг бир кунидай чўзилиб кетгандай бўларди. 12. Азизим Уддхава, худди буюк донишмандлар йоғда жазавага берилиб океанга бориб қуйиладиган дарёларга ўхшаб ўзлигини англашга ғарқ бўлгани ва шу тариқа ҳар хил дунёвий номлар, шаклларни бутунлай эсидан чиқаргани сингари, Вриндавандаги гопилар ҳам бутун ақлу-хаёли билан Менга шунчалик қаттиқ боғланиб қолганларки, улар ҳатто ўзларининг танаси ёки бу дунё ҳақида, ёки ўзларининг кейинги ҳаётлари ҳақида ҳам бир лаҳза ўйлай олмадилар. Уларнинг бутун онги, фикру-хаёли фақат Мен билан чекланиб қолган эди. 13. Ана шу юз минглаб гопиларнинг барчаси Мени ўзларининг энг ажойиб севгилиси деб билиб, бутун қалби билан Менга талпиниб, ҳатто Менинг ҳақиқий ҳолатимдан ҳам беҳабар эдилар. Барибир, Мен билан яқиндан бевосита ҳамсухбат бўлиб, гопилар Менга, Худонинг Олий Шахсига эришдилар.

14-15. Шунинг учун, эй азизим Уддхава, Ведавий мантраларни, Ведаларга қўшимча қилиб ёзилган ҳар хил муқаддас китобларни, уларнинг яхши ва ёмон кўрсатмаларини биратўла тарк эт. Ўзинг эшитган ва эшитадиган бирор нарсанга катта аҳамият берма. Шунчаки фақат Менинг Ўзимнинг бевосита паноҳим остига кир, чунки Мен - ҳар бир шартланган рухнинг қалбида мавжуд бўлган Худонинг Олий Шахси бўламан. Бутун қалбинг билан Менинг ҳомийлигимни қабул қил ва Менинг марҳаматим билан ҳар қандай вазиятда ҳам ҳеч нарсдан қўрқма, қалбингдан қўркув туйғусини бутунлай чиқариб ташла”.

16. Шри Уддхава шундай деди: “Эй барча сеҳр кудратининг ҳукмдорларининг Парвардигори, мен Сенинг ҳамма гапларингни диққат билан тингладим, аммо қалбимдаги гумонлар ҳалигача бутунлай тарқалиб кетгани йўқ; менинг ақлим хайрон бўлиб, иккиланиб турибман”.

17. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Азизим Уддхава, Худои Таоло ҳар бир тирик мавжудотга ҳаёт бағишлайди, ҳаёт нафаси ва бошланғич товуш тебраниши билан бирга ҳар кимнинг

қалбида жойлашган бўлади. Парвардигор ҳар кимнинг, ҳатто Тангри Шива сингари буюк фаришталарнинг ақлини ҳам назорат қилиб тургани сабабли, ҳар ким Парвардигорни ақл ёрдамида ўзининг қалбида нафис киёфада кўринишида англаб етиши мумкин. Шунингдек, Худои Таоло Ведаларнинг узун ва қисқа, унли ва ундош товушлардан таркиб топган ҳар хил товушлари кўринишида кўпол шаклга ҳам кириши мумкин. 18. Иссиқ ўтинлар бир-бирига кучли ишқаланганида, ҳаво билан қўшилиб улар орасида кучли иссиқлик юзага келиб, олов учқуни пайдо бўлади. Олов кучайиб ёнғин пайдо бўлганида унга сариеғ куйилади, шунда олов ловиллаб ёна бошлайди. Худди шундай Мен ҳам Ведаларнинг товуш тебранишларида намоён бўламан.

19. Ҳаракат қиладиган аъзолар - нутқ аъзоси, кўллар, оёқлар, жинсий аъзолар ва ахлат чиқариш аъзолари, ташқаридан ахборот қабул қиладиган аъзолар - бурун, тил, кўзлар, тери ва кулоқлар, ақл ва тафаккурнинг нафис ҳиссиёти, онг ва сохта ўзлик, нафис праҳана ва моддий табиат гуналарининг ўзаро фаолияти - буларнинг барчасини Менинг намоён бўлган моддий киёфаларим деб англаш керак. 20. Ҳосилдор ерга кўплаган ҳар турли уруғлар ташланса, сон-саноксиз дарахтлар, ўсимликлар, полиз экинларининг барчаси бир манбадан, бир ердан чиқади. Худди шундай, ҳамма тирик мавжудотларга ҳаёт бағишлайдиган Худонинг Олий Шахси ҳам бу космик коинотдан ташқарида мавжуд бўлган Зотдир. Аммо, Вақт ўтиши билан моддий табиат гуналарининг макони ва борлиқнинг бутун космик олам макон топган нилуфар гулининг манбаи бўлган Парвардигор Ўзининг моддий қувватини ажратиб намоён этади, шунинг учун У гарчи ягона бўлса ҳам сон-саноксиз киёфаларда намоён бўлгандай бўлиб кўринади. 21. Худди мато узунига ва кесасига ўтган ипларда тўқилгани сингари, бутун борлиқ Худонинг Олий Шахсининг борлиқни узунасига ва кесасига қамраб олган қуввати воситасида Унинг Ўзида жойлашган. Шартланган руҳ жуда қадим замонлардан бери бирин-кетин моддий таналарга эга бўлиб юрибди, бу таналар ҳар кимнинг моддий тирикчилигини таъминлаб турган катта дарахтларга ўхшайди. Худди дарахт аввал гуллаб, кейин мева бера бошлагани сингари, моддий тирикчилик дарахти, ҳар кимнинг моддий танаси ҳам моддий тирикчиликнинг ҳар хил натижаларини яратади.

22-23. Моддий тирикчиликнинг бу дарахтининг икки хил уруғи мавжуд (гуноҳ ва савоб ишлар), уч пастки танаси(моддий табиатнинг уч гунаси), беш юқори шоха(беш кўпол моддий унсур)си бор. Бу дарахт беш таъм(товуш, шакл, тегиш, таъм ва хид) яратади ва ўн бир майда шохаси бор(ўн хиссиёт ва ақл), бу дарахтда икки қуш(Олий Руҳ ва алоҳида руҳ) қурган ин ҳам бор. Дарахт уч турли(ҳаво, сўлак ва ўт) қобик билан ўралган, икки турли ҳосил(бахт ва мусибат) беради ва то Қуёшга бўй чўзиб ўсади. Моддий лаззатлар изидан муккасидан кетиб интиладиган ва оилавий ҳаётга берилиб, уларга боғланиб қоладиган одамлар бу дарахтнинг меваларидан биридан лаззатланади, таркидунёлик қилиб яшайдиган оққушсимон донишманд одамлар унинг бошқа мевасидан лаззатланади. Ҳақиқий руҳий устоз ёрдамида мана шу дарахтни Муглақ Ҳақиқатнинг қувватининг ҳар хил киёфаларда намоён бўлган кўриниши сифатида тушуниб етган одам Ведалар

илмининг якуний хулосасини ҳақиқатан ҳам билиб олади.

24. Чуқур ўзгармас тафаккур ёрдамида сен руҳий устозга ғамхўрлик билан сажда қилиш орқали Худого соф садоқат билан хизмат қилишни ривожлантиришинг ва илоҳий илмнинг ўткир болтаси билан руҳнинг нафис моддий қобикларини чопиб ташлашинг керак. Худонинг Олий Шахсини англаб етгандан кейин сен ана шу таҳлилий илмни ҳам тарқ этишинг керак”.

Ўн учинчи боб. Хамса-аватара Брахманинг ўғилларининг саволларига жавоб беради.

1. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Моддий табиатнинг уч гунаси, айнан эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналари моддий тафаккурнинг хусусияти бўлиб, уларнинг руҳий табиатга эга бўлган руҳга мутлақо дахли йўқ. Моддий, дунёвий эзгуликни ривожлантириш ёрдамида ҳар бир одам эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсирини енгиши мумкин, илоҳий эзгуликни ривожлантириш ёрдамида эса, ҳар ким ўзини ҳатто моддий эзгуликдан ҳам поклаши мумкин. 2. Тирик мавжудот эзгулик гунасида мустаҳкам ўрнашиб олганидан кейин унда Менга садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган диний қоидалар намоён бўлади. Эзгулик гунасини эзгулик гунасида бўлган нарсалар ёрдамида кучайтириш мумкин, шу тарика диний қонунлар юзага келади.

3. Эзгулик гунаси билан қувватланган диний қонунлар эҳтирос ва ғафлат гунасининг таъсирини яқсон қилади. Эҳтирос ва ғофиллик мағлуб бўлганида уларнинг бошланғич сабаби бўлган иймонсизлик, худосизликни ҳам осонлик билан енгиш мумкин. 4. Муқаддас китобларнинг, сувнинг, ўз фарзандлари ва умуман одамлар билан бўлган муносабатнинг, маълум макон, замон, фаолият, туғилиш шароити, муруқаб, мантраларни зикр қилиш ва покланиш маросимларининг сифатига қараб моддий табиат гуналари ҳар хил намоён бўлади.

5. Мен ҳозир айтиб ўтган ўн ҳолатнинг ичидан Ведаларни муқаммал биладиган буюк донишмандлар эзгулик гунасида бўлганларини маъқуллаб, тавсия қилдилар, ғафлат гунасида бўлганларини танқид қилиб, инкор этдилар, эҳтирос гунасида бўлганларига хайрихоҳлик билдирдилар. 6. Токи одам қалбида руҳ ҳақидаги илмни жонлантириб, ўзини моддий табиат гуналари яратган моддий тана ва ақлига киёслашдан халос бўлмас экан, у ўзида эзгулик гунасида бўлган сифатларни, нарсаларни ривожлантириши лозим. Эзгулик гунасини кучайтириш ёрдамида у ўзидан-ўзи дин қонунларини тушунадиган ва уларга амал қиладиган бўлади, фақат шундагина унинг қалбида азалдан мавжуд бўлган илоҳий илм уйғона бошлайди.

7. Бамбукзорда баъзан шамол бамбук таёқларини бир-бирига ишқалайди, натижада ёнғин юзага келиб, ёнғинни юзага келтирган бамбукларнинг ўзини ёқиб қулга айлантиради. Шу тарика олов ўзининг фаолияти натижасида бамбуклар ёниб бўлганида ўз-ўзидан тўхтаб қолади. Худди шундай моддий табиат гуналарининг ўзаро фаолияти ва мусобақаси

натижасида нафис ва қўпол моддий таналар юзага келади. Агар одам илм ўрганиш учун ақли ва танасидан фойдаланса, ҳақиқий илм шу танани юзага келтирган моддий табиат гуналари таъсирини яқсон қилади. Шундай қилиб, худди оловга ўхшаб, тана ва ақл ўзларининг тўғри фаолияти натижасида ўзларини юзага келтирган манбани йўқотиб осойишталикка эришади”.

8. Шри Уддхава шундай деди: “Азизим Кришна, инсон танасидаги зотларнинг аксарият қисми бу оламдаги дунёвий ҳаёт келажакда катта бахтсизликлар келтиришини яхши билади, лекин барибир улар дунёвий ҳаётдан лаззатланиб қолишга интилаверади. Эй азиз Худойим, нимага одамлар билиб туриб худди итдай, эшақдай ёки эчкидай ҳаракат қиладилар?”

9-10. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Азизим Уддхава, ақлидан адашган фаросатсиз одам аввалига ўзини моддий танаси ва ақлига қиёслайди, унинг онгида ана шундай нотўғри, сохта илм юзага келганида, барча мусибатлар манбаи бўлган моддий эҳтирос аслида эзгуликда бўлган ақлни булғаб ифлослайди. Кейин эҳтиросга ботган ақл моддий лаззатланиш учун бирин-кетин ҳар хил режалар туза бошлайди. Шу тариқа, ҳамиша моддий табиат гуналари ҳақида фикр юритиб, нодон одамнинг ақлида кутулиб бўлмас моддий истаклар юзага келади. 11. Ўзининг моддий ҳиссиётини назорат қилиб, жиловлай олмаган киши моддий истаклар домига тушиб қолади ва шу тариқа уни эҳтирос гунасининг кучли тўлқинлари йўлдан адаштиради. Шундай адашган шахс натижаси оғир бахтсизликларга олиб келишини аниқ билса, тушунса ҳам барибир дунёвий фаолиятга фарқ бўлади. 12. Билимдон одам ўзининг ақлини, тафаккурини эҳтирос ва ғафлат гунаси йўлдан адаштириши мумкинлигини билган ҳолда, ғамхўрлик билан ақлини тақдор ва тақдор ўз назорати остига қайтариши лозим. Табиат гуналарининг таъсирини аниқ кўриб туриб, у уларга боғланиб қолмаслиги керак. 13. Фаросатли одам жиддий, диққат-эътиборли ва мард, шижоатли бўлиши ҳамда ҳеч қачон эринмаслиги, хафа бўлиб тушқунликка тушмаслиги керак. Етарли равишда йоганинг нафас олиш ва ўтириш қоидаларини ўрганиб олиб, у эрта тонгда, кун ўртасида ва қуёш ботганида ақлини Менда мужжасм қилишни машқ қилиши керак. Шу тариқа унинг ақли ҳамиша Менда мужжасм бўлиб юриши лозим. 14. Менинг Санака-Кумара бошлиқ содиқларим одамларга ўргатиб юрган ҳақиқий йога тизимининг мазмуни жуда содда: одам ўзининг ақлини бошқа барча нарсалардан поклаб, тўғридан тўғри ва маълум усул билан Менда мужжасм қилиши лозим”.

15. Шри Уддхава шундай деди: “Азизим Кешава, қачон ва қандай йўл билан Сен Санака ва унинг укаларига йога илмини ўргатдинг? Мен ҳозир мана шулар ҳақида билишни истайман”.

16. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Бир куни, Тангри Брахманинг ақлидан туғилган ўғиллари, яъни Санака бошлиқ донишмандлар отасидан жуда мушкул илм - йоганинг олий мақсади ҳақида сўрадилар.

17. Санака бошлиқ донишмандлар шундай дедилар: “Эй азиз Худойим, одамларнинг ақли табиий равишда моддий лаззат берадиган нарсаларга маҳлиё бўлган, ҳиссиётларга лаззат берадиган нарсалар ҳам худди шундай йўл билан истаклар кўринишида ақлга киради. Шунинг учун, ҳиссиётларини

лаззатлантиришдан халос бўлишга, рухий озодликка чиқишга интилаётган одам қандай қилиб, ақл ва лаззат берувчи нарсаларнинг бу икки томонлама интилишларини яқсон қилиши мумкин? Илтимос, бизларга шуни тушунтириб бер!”

18. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Азизим Уддхава, Парвардигорнинг бевосита танасидан туғилган, моддий оламдаги барча тирик мавжудотларни яратган зот бўлган Тангри Брахманинг ўзи, фаришталарнинг энг аълоси бўлган ҳолда Санака бошлиқ ўғиллари берган савол устида чуқур ўйланиб қолди. Лекин, Тангри Брахманинг тафаккури ўзининг яратиш фаолияти билан захарланган эди, шу боис у бу саволга маълум бир жавоб бера олмади. 19. Ўзини чуқур ўйлантириб қўйган бу саволга жавоб олишни ҳаёт қилиб, Тангри Брахма ўзининг ақлини Менда, Худонинг Олий Шахсида мужжасм қилди. Шу пайтда, Хамса кўринишида Мен Тангри Брахма олдида намоён бўлдим. 20. Мени кўргандан кейин донишмандлар Брахмани олдинга чиқариб, биргаликда Менинг нилуфар қадамларим пойига сажда қилдилар. Кейин улар камтарин ҳолда Мендан сўрадилар: “Сен кимсан?”

21. Азизим Уддхава, донишмандлар шу тарзда йога тизимининг якуний мақсадини, якуний ҳақиқатни билиш ниятида Менга мурожаат қилдилар. Ҳозир Мен сенга шу донишмандларга айтган гапларимни гапириб бераман, кулоқ сол.

22. Эй азиз брахманлар, агар Менга: “Сен кимсан?” деб савол бера туриб, сизлар Мен ҳам тирик мавжудот(жива) эканимга, алоҳида мавжудликка эга бўлмай, ҳамма руҳлар бир хил бўлгани сабабли охир-оқибатда орамизда фарқ йўқ эканига ишонсанглар - унда сизлар берган саволнинг қандай маъноси бор? Охир-оқибатда Меники сингари, сизларнинг ҳам ҳақиқий ҳолатингиз, паноҳ маконингиз қандай, нимадан иборат?”

23. Агар Мендан: “Кимсан?” - деб сўраганда сизлар моддий танани назарда туган бўлсанглар, барча моддий таналар беш унсурдан таркиб топган - ер, сув, олов, ҳаво ва эфир. Ундай бўлса сизлар: “Сен қандай беш нарсасан?” - деб сўрашларингиз лозим эди. Агар сизлар барча моддий таналар охир-оқибатда бир хил унсурлардан таркиб топгани учун бир-бирдан фарқ қилмайди, деб ҳисобласанглар, унда ҳам сизларнинг саволингиз бемаъни бўлган бўларди, чунки таналарни бир-бирдан ажратиб қарашнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Шундай қилиб, Менимча сизлар Менинг кимлигимни сўраб, ҳеч қандай мақсад ва маъносиз савол бердинглар.

24. Бу дунёда одам ақли, нутқи, кўзлари ёки бошқа сезгилари билан қабул қиладиган, сезадиган нарсаларнинг ҳаммаси Мен Ўзимман, Мендан бошқа бирор нарса мавжуд эмас. Сизлар барчангиз буни аниқ таҳлил ёрдамида тушуниб олинглар. 25. Эй азиз ўғилларим, ақл ўзининг табиатига кўра ҳиссиётга таъсир қиладиган нарсаларга боғланишга мойил бўлади, худди шундай ҳиссиётга таъсир қиладиган нарсалар ҳам ақлга киради; аммо, моддий ақл ҳам, бу нарсалар ҳам аслида Менинг ажралмас бўлагим, заррачам бўлган руҳни қоплаб олган атамалар ҳолос.

26. Ўзининг аслида Мендан фарқ қилмаслигини тушуниши ёрдамида Менга эришган одам англаб етадики, ҳамиша ҳиссий лаззатларга берилиб юргани сабабли моддий ақли лаззат келтирадиган нарсаларга қаттиқ боғланиб қолади, лаззат берадиган нарсалар эса

моддий ақлда юзага келади. Менинг илохий табиатимни тушуниб олгандан кейин у моддий ақлини ҳам, ақли боғланиб қолган нарсаларни ҳам тарк этади.

27. Сергаклик, уйқусираш ва чуқур уйқу - тафаккурнинг уч вазифаси, уларни моддий табиат гуналари юзага келтиради. Тана ичидаги тирик мавжудот ана шу уч ҳолатдан фарқ қиладиган ҳолатларга эга бўлиш юклатилган, шу тариқа у фақат уларнинг гувоҳи бўлиб қолаверади. 28. Рухий табиатга эга бўлган жон(рух) ўзини табиатнинг алдамчи гуналарида ҳамиша бирор нарса билан банд қилиб кўядиган моддий тафаккурнинг кули бўлиб қолади. Аммо Мен онгнинг сергаклик, уйқусираш ва чуқур уйқудан устун бўлган тўртинчи поғонасиман. Менда жойлашиб олиб, рух моддий онгнинг кули бўлиб қолишни тарк этиши лозим. Ана шунда тирик мавжудот ўз-ўзидан лаззат берадиган моддий нарсаларни ҳам, моддий ақлини ҳам инкор этади. 29. Тирик мавжудотнинг сохта ўзлиги, уни тутқун қилиб кўяди ва уни ўзининг истагига мутлақо қарама-қарши бўлган нарсаларга дучор этади. Шунинг учун фаросатли одам ҳамиша моддий лаззатланишга бўлган интилишини тарк этиши ва моддий онгнинг фаолиятдан устун турадиган Парвардигорда макон топиши лозим. 30. Менинг кўрсатмаларим асосида ҳар бир одам ўзининг ақлини фақат Менда мужассам қилиши лозим. Лекин, шунга қарамай, агар кимдир ҳаётда ҳар хил қадриятларни ва мақсадларни ҳамма нарсани Менда кўришдан яхшироқ деб ҳисоблаётган бўлса, ундай одам кўзи очиб бўлиб юрганига қарамай, ухлаб ётган одам бўлади ва тушида уйқусидан уйғонган, лекин аслида ҳали ухлаб ётган одамга ўхшайди.

31. Худонинг Олий Шахсидан ажралган ҳолда қабул қилинадиган мавжудлик, гарчи Мутлақ Ҳақиқатдан ажралган ҳолда мавжуддай бўлиб кўринса ҳам, аслида ҳақиқатан мавжуд эмас. Худди одам тушида ҳар хил амал ва мукофотларни кўргани сингари, Парвардигордан ажралган ҳолда мавжуд бўлиш туйғуси бўлгани сабабли, тирик мавжудот келажакда албатта кўзланган натижага ва мукофотга эришаман деб ўйлаб, ҳар хил кармали ишлар билан машғул бўлади. 32. Сергаклик пайтида тирик мавжудот ўзининг барча ҳиссиёти ёрдамида ақлининг ва моддий таналарнинг юзаки аломатларидан лаззатланади; уйқусираш пайтида у ақлининг ичида рўй берадиган ҳис-туйғулардан лаззатланади; туш кўрмайдиган чуқур уйқу ҳолатида эса бу ҳис-туйғуларнинг ҳаммаси ғафлат зулматида ғарқ бўлади. Сергаклик, уйқусираш ва чуқур уйқу ҳолатларининг кетма-кетлиги ҳақида эслаш ва чуқур фикр юритиш ёрдамида тирик мавжудот ўзи мана шу уч ҳолатда ҳам ҳамиша бир хилда қолишини ва уларга нисбатан боғланмаган, илохий ҳолатда эканини тушуна

олади. Шу тариқа у ўз ҳиссиётининг ҳукмдори бўлиб, уларни жиловлаб олади.

33. Сизлар қандай қилиб Менинг алдамчи қувватим таъсири остида табиат гуналари юзага келтирган ақлининг бу уч ҳолати худди Менда мавжуддай бўлиб кўринганини кўриб чиқишингиз лозим. Рухнинг ҳақиқий ҳолатини аниқ билиб олиб, сизлар барча гумонларнинг манбаи бўлган сохта ўзликни мантикий фикрлашлар, донишмандларнинг насихатлари ва Ведавий муқаддас китоблар ёрдамида олинган ўткир илм қиличи билан чопиб ташлашингиз

лозим. Кейин сизлар барчангиз қалбингизда мавжуд бўлган Зот сифатида Менга сажда қилишингиз лозим.

34. Моддий олам, ҳақиқатан ҳам ақлда пайдо бўладиган аниқ “ёлғончи”, алдамчи эканини, чунки моддий нарсалар жуда ўзгарувчан ҳолда мавжуд бўлиб, ҳозир бор, эртага йўқ эканини ҳар бир одам кўра билиши керак. Уларни қаттиқ киздирилган темир симни қавода айлантиришдан юзага келадиган қизил чизикларга ўхшатиш мумкин. Рух ўзининг табиатида кўра ягона пок онг ҳолатида мавжуд. Аммо бу оламда у мавжудликнинг ҳар шакл ва поғоналарида намоён бўлади. Моддий табиат гуналари рухнинг онгини сергаклик, уйқусираш ва қаттиқ уйқу ҳолатларига ажратиб бўлақлайди. Аммо, бундай ҳолатларни ҳис этиш аслини олганда майя ҳисобланади ва худди тушдагидай мавжуд ҳолат, холос.

35. Моддий нарсаларнинг вақтинчалик алдамчи табиатини тушуниб етиб, шу тариқа назарини алдамчи нарсалардан тортиб олиб, ҳар бир фаросатли одам ҳамиша моддий истаклардан бутунлай халос бўлиши лозим. Пок руҳий бахтни ҳис қилган ҳолда ҳар ким дунёвий моддий гап-сўзларни ва ишларни тарк этиши лозим. Агар баъзан моддий оламни кузатиш лозим бўлиб қолса, ҳамиша эсда сақлаш лозимки, у ҳақиқатан ҳам мавжуд эмас, шу боис уни тарк этиш керак. То ажали етганча мунтазам равишда ана шундай ўйларга ғарқ бўлиб, ҳеч ким яна ана шундай алданиш домига тушиб қолмайди.

36. Худди маст бўлган одам устидаги кийими пальтоми, кўйлақми билмагани сингари, руҳий ўзлигини англаб етган ва шу тариқа мангу руҳий ҳолатига кўтарилган одам ҳам ўзининг моддий танаси ўтирган ёки турганини сезмайди. Аслини олганда, Худонинг хоҳиши билан моддий тана ўзининг мавжудлигини ниҳоясига етказса, ёки Худонинг хоҳиши билан янги тана олишга мажбур бўлса, худди маст одам ўзининг устки кийимида эътибор бермаганидай, руҳий ўзлигини англаб етган тирик мавжудот бунга мутлақо аҳамият бермайди.

37. Моддий тана олий кучлар назорати ва бошқаруви остида ҳаракат қилади, шунинг учун то унинг кармаси тамом бўлгунга қадар ҳиссиётлар ва ҳаёт нафаси билан бирга яшаш керак. Лекин, мутлақ мавжудликка уйғонган ва шу тарзда йоганинг юқори поғонасига кўтарилган, руҳий ўзлигини англаб етган зот, озод рух, ҳеч қачон ўзини яна ҳар хил намоён бўлган кўринишлари бўлган моддий танага топширмайди, уни худди тушида кўриб турган танага ўхшатади.

38. Эй азиз браҳманлар, Мен ҳозир сизларга сирли, махфий Санкхйа илмини ўргатдим, бу илм ёрдамида ҳар ким модда ва руҳни бир-биридан фалсафий ажрата олади. Мен сизларга аштанга-йогани ўргатдим, бу усул ёрдамида Худои Таоло билан боғланиш мумкин. Билиб кўйингларки, Мен - Худонинг Олий Шахси, Вишнуман, Мен сизларнинг олдингизда сизларнинг ҳақиқий вазифангизни тушунтириш учун пайдо бўлдим. 39. Эй браҳманлар ичида аълолари, билиб кўйингларки, йога тизимининг, тахлилий фалсафанинг, барча эзгу ишларнинг, ҳақиқий дин қонун-қоидаларининг, куч-қудратнинг, шон-шухратнинг ва ўзини англаб етишнинг энг олий нажот макони Мен Ўзим бўламан.

40. Моддий табиат гуналаридан устун бўлиш, таркидунё қилиш, ҳаммага яхшилиқ қилиш, энг қадрли

бўлиш, моддий иллатлардан пок ва ҳар ерда мавжуд Олий Рух бўлиш сингари барча олий илоҳий сифатлар - моддий сифатларнинг ўзгаришларидан мутлақо пок бўлган бундай сифатларнинг барчаси ўзлари излаган нарсасини ва нажотни фақат Менда топадилар. 41. Азизим Уддхава, шу тариқа Менинг гапларим билан Санака бошлиқ донишмандларнинг барча гумонлари тарқалиб кетди. Менга илоҳий муҳаббат ва садоқат билан сажда қилиб, улар ажойиб мадҳияларда Мени олқишлаб куйладилар. 42. Донишмандларнинг Санака Риши бошлиқ энг аъло намоёндалари шу тариқа Менга комил ҳолатда сажда қилдилар ва Мени шарафлаб куйлай бошладилар. Тангри Браҳманинг ўткир нигоҳи остида Мен Ўз даргоҳимга қайтдим.

Ўн тўртинчи боб. Парвардигор Кришна Шри Уддхавага йога тизимини тушунтиради.

1. Шри Уддхава шундай деди: “Азизим Кришна, Ведалар адабиётини тушунтирадиган билимдон донишмандлар одамларни руҳий ҳаётда камолотга эриштирадиган ҳар хил жарарёнларни тавсия қиладилар. Эй азиз Худойим, мана шу ҳар хил нуқтаи-назарларнинг барчасини эътиборга олган ҳолда, менга айтчи, ана шу жараёнларнинг ҳаммаси ҳам бирдай муҳимми, ёки улардан бирортаси энг асосийми? 2. Эй азиз Худойим, Сен менга Худога соф садоқат билан хизмат қилиш жараёнини жуда аниқ таърифлаб бердинг. Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида содиқ хизматкор ўзининг бу дунёдаги ҳаётида ҳар қандай дунёвий суҳбатлардан, боғланишлардан халос бўлади, ўзининг фикру-хаёлини бутунлай Сенда мужассам қилиш имкониятига эга бўлади”.

3. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Вақт таъсири остида Ведалар илмининг илоҳий товуши охир замон пайти келганда йўқолиб кетган эди. Шунинг учун, замон қайтадан яратилганда Мен Ведалар илмини Браҳмага ўргатдим, чунки Ведаларда келтирилган ҳақиқий дин қонун-қоидалари аслида Мен Ўзим бўламан. 4. Тангри Браҳма бу илми ўзининг тўнғич ўғли Мануга ўргатди, кейин Бхригу Муни бошлиқ етти буюк донишманд бу илми Манудан ўргандилар. 5-7. Бхригу Муни ва Тангри Браҳманинг ўғиллари бошлиқ аждодлардан бошқа кўплаган фарзандлар ва авлодлар дунёга келди ва улар фаришталар, иблислар, инсонлар, Гухйакалар, сиддхилар, Гандхарвалар, Видйадхаралар, Чараналар, Киндевалар, Киннаралар, Нагалар, Кимпуруша ва бошқа турли қиёфаларга эга бўлдилар. Коинотдаги ҳаётнинг мана шу турлари уларнинг сардорлари билан бирга моддий табиат гуналарининг уларнинг ўзларига хос равишда яратган дунёвий истаклари ва табиатлари билан биргаликда бир вақтда пайдо бўлди. Шунинг учун, тирик мавжудотлар турли хил табиатга эга бўлгани сабабли оламда Ведавий, диний урф-одатларнинг, мантраларнинг ва ибодат учун мукофотларнинг жуда кўп турлари бор. 8. Шундай қилиб, одамлар орасида истаклар ҳар хил, хулқ-атворлар турлича бўлгани сабабли, ҳаётнинг ҳам Худои Таолога нисбатан бўлган иймонга асосланган ҳар турли фалсафий асослари бор. Улар авлоддан авлодга урф-одатлар, ҳар хил маросимлар ва шогирдлар силсиласи орқали ўтиб келади. Очикдан-очиқ Худосизликни,

иймонсизликни кўллаб қувватлайдиган бошқа устозлар ҳам бор.

9. Эй одамлар ичида аълоси, одамларнинг ақлу-хаёли Менинг алдамчи қувватим - майя таъсири остида йўлдан адашади, шу тариқа улар ўзларининг адашган фикрлари ва амаллари асосида одамлар учун ҳаётда энг яхши амал нима эканини ўзларича турли йўллар билан таърифлайдилар. 10. Баъзи одамларнинг фикрига кўра тақводор ҳаёт кечириш, диний қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаш билан одамлар ҳаётда бахтга эришадилар. Бошқаларнинг фикрига кўра эса, одам ҳаётда шон-шухрат, ҳиссий лаззатланиш, ростгўйлик, ўзини тута билиш, осойишталик, тинчлик, шахсий манфаат, сиёсий ҳукмронлик, бойлик, таркидунёлик, истеъмол қилиш, курбонлик маросими, тавба-тазарру, хайр-эхсон, табаррук қасамларга амал қилиш, инсон ҳаётини тартибга солувчи қонун-қоидаларга амал қилиб яшаш ёрдамида бахтга эришилади. Бу жараёнларнинг ҳар бирининг ҳам кўплаган издошлари бор.

11. Мен айтиб ўтган шахсларнинг ҳаммаси ўзларининг дунёвий фаолиятидан фақат вақтинчалик натижаларга эришадилар. Аслини олганда улар эришадиган бахтсизлик ва ачинарли ҳолатлар келажакда яна каттароқ бахтсизликларга олиб келади ва уларнинг барча тахминлари бутунлай ғофилликка асосланган. Улар ҳатто ўз меҳнатларининг натижаларидан лаззатланаётган пайтда ҳам мусибатга тўлиб яшайдилар. 12. Эй билимдон Уддхава, барча дунёвий истакларни тарқатиб, ўзининг фикру-хаёлини фақат Менда мужассам қилган одам Мен билан биргаликда, моддий ҳиссиётини лаззатлантириш билан машғул бўлиб юрган одамлар ҳеч қачон эриша олмайдиган чексиз илоҳий лаззатдан бахтиёр бўлиб яшайди.

13. Бу дунёда ҳеч нарсага интилмайдиган, ўзининг ҳиссиётини жиловлаб олиш ёрдамида қалби осойишталикка эришган, ҳар қандай вазиятда ҳам онги бир хилда қоладиган, ақли Менда бўлиб бутунлай қаноат ҳосил қилган одам дунёнинг қайси чеккасига борса ҳам ҳамма ерда бахтиёр яшайди. 14. Ўзининг онгини Менда мужассам қилиб олган одам ҳатто Тангри Браҳма ёки Индранинг даргоҳига ёки уларнинг лавозимига ҳам интилмайди, бутун Ер юзига ҳукмронлик қилишга ҳам, куйи сайёралар тизимига ҳукмрон бўлишга ҳам, саккиз турли йога қудратига эга бўлишга ҳам, туғилиш ва ўлишлардан халос бўлишга ҳам интилмайди. Ундай шахс фақат Менга интилади.

15. Азизим Уддхава, на Тангри Браҳма, на Тангри Шива, на Парвардигор Санкаршана, на равнақ фариштаси, ҳатто Менинг Ўзим ҳам Мен учун сенчалик азиз, кадрли эмасман. 16. Менинг соф содиқларимнинг нилуфар қадамлари пойидан олинган гард билан Мен Ўзимда жойлашган моддий оламларни поклашни истайман. Шундай қилиб, Мен ҳамиша Ўзимнинг ҳар қандай дунёвий истаклардан озод бўлиб, ҳамиша Менинг эрмакларим ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлган, ҳамиша осойишта, қалбида бирор душманлик туйғуси бўлмаган ва ҳамма ерда бир хил онг билан яшайдиган соф содиқларим изидан бораман. 17. Ҳеч қачон ўз манфаатини кўзламайдиган, қалбида ўзини қаноатлантиришга бўлган бирор истаги бўлмаган, ақли ҳамиша Менга боғланган, ҳамиша хотиржам, осойишта, сохта ўзликдан, мағрурлик, манманликдан пок, барча тирик мавжудотларга нисбатан меҳрибон, онгида ҳозир бор имкониятдан фойдаланиб ҳиссиётини

лаззатлантириб олиш истаги бўлмаган зотлар - ана шундай шахслар Мендан паноҳ топиб, моддий оламдан бундай таркидунёликдан махрум бўлган одамлар ҳеч қачон эриша олмайдиган, ҳис эта олмайдиган чексиз илоҳий бахтдан лаззатланиб яшайдилар. 18. Азизим Уддхава, агар Менинг содиқ хизматкорим ўзининг ҳиссиётини бутунлай жиловлаб олмаган бўлса, уни дунёвий истаклар қаттиқ қийнаб қўйиши мумкин, аммо ўзининг Менга бўлган сўнмас садоқати шарофати билан у ҳиссий лаззатлардан мағлуб бўлиб қолмайди. 19. Азизим Уддхава, худди кучли олов ўтинларни ёкиб кулга айлантириб юборгани сингари, Менга бўлган сўнмас садоқати Менинг содиқларим йўл қўйган гуноҳларнинг барчасини ёкиб кулга айлантиради.

20. Азизим Уддхава, содиқларимнинг Менга соф садоқат ва муҳаббат билан кўрсатаётган хизматлари Мени уларга бўйсундириб, қарам қилиб қўяди. Мени ҳеч ким сеҳрли йога, Санкхья фалсафаси, эзгу-савоб ишлар, Ведаларни ўрганиш, риёзат чекиш ёки таркидунёлик билан шуғулланиб ўзига бундай бўйсундириб, асир қила олмайд. 21. Фақат Менга чуқур иймон келтириб, соф садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида Менга, Худонинг Олий Шахсига эришиш мумкин. Мени ўзлари чуқур муҳаббат билан илоҳий хизмат қиладиган ягона Зот деб биладиган соф содиқларим учун Мен табиий равишда жуда азиз, қадрлиман. Худои Таолога ана шундай пок садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб, ҳатто ит гўшти ейдиган ҳароми чандаллар ҳам ўзининг пасткаш ҳаётини поклай оладилар. 22. Агар қалбида Менга садоқат билан хизмат қилиш истаги бўлмаса, на ҳалоллик ва марҳаматга тўла такводорлик, на чуқур тавба-таазарру орқали эришилган илм одамнинг онгини тўла поклай олмайд.

23. Агар Мени эслаганда танасидаги туклари хурпайиб кетмаса, қандай қилиб одамнинг қалби муҳаббатдан эриб кетиши мумкин? Агар қалби муҳаббатга юшамаса, қандай қилиб унинг кўзларидан муҳаббат ёшлари оқиши мумкин? Агар одам илоҳий бахт деб йиғлай олмаса, қандай қилиб у Худои Таолога муҳаббат билан хизмат қила олади? Ана шундай хизмат бўлмаса, қандай қилиб одамнинг онги покланиши мумкин? 24. Баъзан тиллари тугилиб қоладиган, қалби юмшаб, баъзан йиғлайдиган, баъзан қуладиган, баъзида тортинмасдан овози борича Менинг муқаддас номларимни айтиб кичқириб, рақсга тушадиган - шу тариха Менга илоҳий хизмат қилиш билан банд бўлган содиқ хизматкорим бир ўзи бутун олам аҳлини поклашга қодир. 25. Оловда қиздирилганда ҳар қандай иллатлардан покланиб ўзининг асл ярқироқ холига келадиган олтин сингари, бхакти-йога оловига ғарқ бўлган руҳий жон ҳам ўзининг аввалги дунёвий фаолияти натижасида орттирган барча иллатларидан покланади ва ўзининг азалий, бошланғич ҳолатига, руҳий оламда Менга садоқат билан хизмат қилиш ҳолатига қайтади.

26. Касал кўзга тиббий малҳам сурилганида у аста-секин ўзининг кўриш қобилиятини тиклайди. Худди шундай онгли тирик мавжудот Менинг шуҳратим ҳақидаги шарофатли ҳикояларни тинглаш ва бошқаларга гапириб бериш ёрдамида ўзини поклаганида, у ўзининг аввалги нафис руҳий қиёфадаги Мени, Муглақ Ҳақиқатни яққол кўра оладиган ҳолатига қайтади. 27. Ҳиссий лаззат келтирадиган нарсаларни ўйлаб, уларга муроқабача қилиб юрган одам уларга

боғланиб қолади, лекин у ҳамиша Мени ўйлаб юрса, унинг ақли бутунлай Менга ғарқ бўлади. 28. Шунинг учун ҳар бир фаросатли одам юксалишнинг туш кўрганда, хаёлда юзага келадиган нарсаларга ўхшаган ҳар қандай дунёвий моддий жараёнларини инкор этиб, ўзининг ақлини бутунлай Менга мужассам қилиши лозим. Мунтазам равишда, ҳамиша Мен ҳақимдаги фикрларга ғарқ бўлиб юриш билан ҳар қандай одам барча моддий иллатлардан покланади. 29. Ўзининг мангу рух эканини англаб етиб, ҳар бир фаросатли одам аёллар билан, аёллар билан яқин ҳамсухбат бўладиган кишилар билан бўладиган ҳар қандай алоқаларни тарк этиши керак. Хилват жойда кўркмасдан ўтирган ҳолда, у бутун диққат-этиборини жамлаб, ақлини Менга мужассам қилиши лозим. 30. Ҳар хил боғланишлардан келиб чиқадиган тутқунлик ва мусибатлар ичида аёллар ва аёлларга қаттиқ боғланиб қолган одамларга боғланишдан келиб чиқадиган мусибат ва тутқунликдан оғирроғи мавжуд эмас".

Шри Уддхава шундай деди: “Эй қадрли, нилуфаркўзли Кришна, озодликка интилаётган одам қандай йўл билан Сенга муроқабача қилиши лозим; унинг муроқабаси қандай табиатга эга бўлиши ва у Сенинг қайси қиёфанга муроқабача қилиши керак? Илтимос, менга шуни тушунтириб бер!”

32. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Унча баланд ҳам, унча паст ҳам бўлмаган текис жойда ўтириб олиб, танасини ўзига қулай, тўғри ҳолда тик тутиб, икки қўлини тиззаларига қўйиб, кўзларининг нигоҳини бурнининг учида(қошининг ўртасида) жамлаб, йог *пурака*, *кумбхака* ва *речака* деб аталадиган жисмоний машқлар ёрдамида нафас олиш йўллари тозалаб, бу (речака, кумбхака ва пурака) машқларни тазомлаши лозим. Ўзининг ҳиссиётини бутунлай назорат қилган ҳолда, шу йўл билан ҳар ким поғонама-поғона пранама-йога билан шуғулланиши мумкин. 33. Ҳар ким муладҳара-чакрадан бошлаб, ўзининг ҳаёт нафасини худди нилуфар гулининг толалари бўйлаб юргани сингари, қўнғироқчанинг овозига ўхшаган муқаддас “оум” бўғини жойлашган юрагига етганча кўтариши лозим. Муқаддас товушни шу тарзда ўн икки ангул(ангул=қатта бармоқ кенглиги) масофада юқори кўтаришда давом этиб, омқара анусвара(Санскритча унлилардан кейин, бурундан чиқадиган товуш) билан талаффуз қилинадиган товушлар билан қўшилгунча кўтариш керак. 34. Омқарада мустаҳкам ўрнашиб олиб, ҳар ким ҳар куни эрта тонгда, кун ўртасида ва кун ботишида пранайама усулини ўн мартадан машқ қилиб юриши лозим. Шу тарзда машқ қилиб юриб, бир ой давмида одам ҳаёт нафасини жиловлаб олиши мумкин.

35-42. Кўзларни ярим юмуқ ҳолда ёки бурун учида жамлаб, сергак ва жонли, жиддий ҳолатда ҳар ким қалбида жойлашган нилуфар гулига муроқабача қилиши лозим. Бу нилуфар гулининг саккиз япроғи бўлиб, нилуфарнинг тик поясида жойлашган. Ҳар ким Қуёш, Ой ва оловни бирин-кетин нилуфар гулининг новдасига жойлаб, уларга муроқабача қилиши лозим. Менинг илоҳий қиёфамни оловга жойлаб, ҳар ким унга муроқабанинг энг фойдали мақсади сифатида муроқабача қилиши лозим. Бу қиёфа мукамал кўринишга эга, юмшоқ, эзгу, сокин, ажойиб, нозик, майин, олийжаноб, ёқимли, машҳур, қувноқ, ёркин. Унинг тўртта ажойиб узун қўллари, чиройли бўйни, чиройли пешонаси, мусаффо табассуми, чиройли икки қулоғига осилган ярқираб турган акулага ўхшаган сирғалари бор. Бу

илоҳий қиёфа қорамтир булут рангида бўлиб, сарик, олтинранг либос кийиб олган. Бу қиёфанинг кўкси Шриватсанинг ва равнақ фариштасининг макони ҳисобланади, бу қиёфа сур, халқа, гурзи, нилуфар гули ва ўрмон гулларида ясалган гулчамбар билан безанган. Икки ярқираган нилфар пойи қадамларга кўнғироқчалар ва қатор маржонлар осилган бўлиб, бу қиёфа қимматбаҳо тош Каустубҳа билан порлаб нур сочиб турган чиройли тожни намойиш этиб туради. Бу ғаройиб қиёфанинг ҳамма аъзолари одамнинг қалбини ларзага солади, унинг сиймоси марҳамат тўла нигоҳи билан безанган. Ҳиссиётни лаззат келтирадиган нарсалардан тортиб олган ҳолда, ҳар ким тафаккури ёрдамида ақлини Менинг мана шу илоҳий тананинг аъзоларида мустаҳкам мужассам қилиш учун ўзини жиловлаб олиши ва қатъий интилиши, ҳаракат қилиши лозим.

43. Кейин онгини бу илоҳий тананинг барча аъзоларидан тортиб олиш керак. Шундан сўнг бутун онгини фақат Парвардигорнинг кулиб турган гўзал жамолига жамлаб муроқабани қилиш керак. 44. Парвардигорнинг жамолида муроқабани қилишда мустаҳкам туриб олгандан кейин, одам ўзининг онгини қайтариб олиб, уни осмонда жамлаши керак. Кейин, бундай муроқабани тарқ этиб, бутунлай Менга ғарқ бўлиш керак ва умуман муроқабани жараёни тарқ этиш керак.

45. Ўзининг ақлини бутунлай менда жамлай олган одам Мени ўзининг руҳида кўра билиши керак, ўзининг руҳини эса Менда, Худонинг Олий Шаҳсида кўриши керак. Шундай қилиб, ҳар ким қуёш нурларини қуёш билан бирлашган ҳолда кўргани сингари, у ҳам алоҳида руҳни Олий Руҳ билан бирлашган ҳолатда кўради. 46. Йоглар шу тарзда жиддий муроқабани ёрдами билан ақлини бошқаришни ўрганганларидан, ўзини моддий нарсаларга, илмга ва фаолиятга қиёслаши тез вақт ичида яқсон бўлади.

Ўн бешинчи боб.

Парвардигор Кришнанинг сеҳрли йога камолотини таърифлаши.

1. Худонинг Олий Шаҳси шундай деди: “Азизим Уддхава, ақлини мувозанат ҳолатига келтириб, нафас олиш жараёнини ўзлаштириб олиб, ақлини Менда мужассам қилиб ўзининг ҳиссиётини тўлиқ жиловлаб олган йог сеҳрли йогада камолотга эриша олади”.

2. Шри Уддхава шундай деди: “Эй азиз Парвардигор Ачйуга, қандай жараён ёрдамида сеҳр қудратига эришиш мумкин, бундай камолотнинг табиати қандай бўлади? Сеҳр қудратининг нечта тури мавжуд? Менга шуларни тушунтириб бер. Аслида барча сеҳр қудратларини ато этувчи Сен Ўзингсан”.

3. Худонинг Олий Шаҳси шундай деди: “Йога тизимининг ҳукмдорлари эълон қилганларки, сеҳр қудратининг ва муроқабанинг ўн саккиз тури мавжуд бўлиб улардан саккизтаси асосий бўлиб, Менда жойлашган, қолган ўнтаси - иккинчи даражали бўлиб, моддий эзгулик гунаҳидан пайдо бўлган. 4-5. Асосий сеҳр қудратларидан учтаси ёрдамида одам ўзининг танасини ўзгартириши мумкин бўлиб улар - *анима* - энг

кичик нарсадан кичик бўлиш; *махима* - энг катта нарсадан катта бўлиш; *лагхима* - энг энгил нарсадан энгил бўлиш. *Прапти* сеҳр қудрати ёрдамида йог истаган нарсасига эга бўлиши мумкин, *пракамйи-сиддхи* ёрдамида йог бу оламда ёки кейинги дунёда ўзи истаган лаззат берадиган нарсага эриша олади. *Ишита-сиддхи* ёрдамида майянинг бўйсунган қувватларини бошқара олади ва *вашита-сиддхи* деб аталадиган қудрат ёрдамида моддий табиат гуналарининг таъсирини ҳам енгиш мумкин. *Камаवासайита-сиддхи* қудратига эга бўлган йог коинотнинг истаган жойидан истаган нарсасини олиши мумкин. Эй азизим Уддхава, мана шу сеҳр қудратлари бу дунёда табиий равишда тенги йўқ мукамаллик сифатида мавжуд ҳисобланади. 6-7. Табиат гуналаридан келиб чиқадиган иккиламчи ўн турли сеҳр қудратлари қуйидагилар: ўзини очлик, чанқоқлик ва тананинг бошқа ташвишларидан озод этиш кучига эга бўлиш; узоқда жойлашган нарсаларни кўра билаш, эшита билиш; танани шамол тезлигида ҳаракат қилдира билиш; ўзи истаган қиёфага қира билиш; бошқаларнинг танасига қира билиш; ўз ихтиёри билан танасини тарқ эта(ўла) билиш; фаришталар билан Апсараларнинг ўзаро ўйинларига гувоҳ бўлиш, ўз истагани тўла рўёбга чиқариш; бошқаларга сўзсиз, шу заҳотиёқ бажариладиган буйруқ бера олиш.

8-9. Ўтмиш, ҳозир ва келажакни билиш қудрати; иссиқ-совуқ ва бошқа қарама-қаршиликларга чидай билиш; бошқаларнинг ҳаёлидаги нарсаларни билиш; олов, қуёш, сув, заҳар ва шу каби нарсалар таъсирини тўхтата билиш; бошқалардан энгилмаслик кучи - мана шулар йога ва муроқабани эришиладиган беш мукамаллик ҳисобланади. Мен бу ерда уларнинг номларини ва табиатини айтиб ўтдим. Энди қандай қилиб махсус муроқабани ва маълум бир белгиланган кийин жараёнлардан маълум бир сеҳр қудрати келиб чиқиши ҳақида эшит.

10. Барча нафис унсурларга сингиб кетадиган Менинг атом кўринишимдаги қиёфамда ақлини мужассам қилиб Менга сиғинадиган одамлар *анима* деган сеҳр қудратига эришадилар. 11. Ақлини маҳат-таттванинг маълум қиёфасига мужассам қилиб, шу тарихи Менга моддий борлиқнинг Олий Руҳи сифатида муроқабани қиладиган одам *махима* деган сеҳр қудратига эришади. Ақлини осмон, ҳаво, олов ва ҳоказо унсурларнинг бирортасига алоҳида мужассам қилиш ёрдамида йоглар поғонама-поғона ана шу ҳар бир моддий унсурнинг сифатларига эга бўладилар. 12. Мен ҳамма нарсани мавжудман, шу боис Мен барча моддий унсурларнинг атомар таркибий асоси бўламан. Ана шу қиёфада ақлини Менга боғлаб, йоглар *лагхима* деб аталадиган мукамалликка эришадилар. Бунинг ёрдамида улар вақтнинг нафис атомар унсурини англаб оладилар.

13. Эзгулик гунаҳидан пайдо бўлган нафис сохта ўзлик унсури ичидаги Менда ақлини жамлаб, йоглар барча тирик мавжудотларнинг ҳиссиётининг ҳукмдори бўлиш қудратини берадиган камолотга эришадилар. Ақли бутунлай Менда мужассам бўлгани туфайли у шундай камолотга эришади. 14. Ўзининг бутун ақлий фаолиятини маҳат-таттванинг қармали фаолиятлар занжирини намоён этадиган ҳолатининг Олий Руҳи сифатида мужассам қиладиган йог Мендан *пракамйи* деб аталадиган энг аъло сеҳр қудратини олади, бу қудрат ёрдамида у моддий гуналар таъсир қилмайдиган ҳолатга кўтарилади. 15. Онгини Вишнуда,

барча қувватлар манбаи бўлган Олий Рухда, уч гунадан иборат бўлган ташки қувватнинг Худои Таолосида мужассам қилган йог бошқа шартланган рухларни, уларнинг моддий таналарини ва уларнинг танасининг белгиларини бошқариш қудратига эга бўлади. 16. Ўзининг ақлини барча бойликларга эга бўлган, Менинг “тўртинчи фактор” деб аталадиган Нарайана қиёфамда мужассам қиладиган йоглар Менинг табиатимга эга бўладилар ва шу тариха *вашишта* деб аталадиган сеҳр қудратига эга бўладилар. 17. Ўзининг пок ақлини Менинг шахсиятсиз Брахман кўринишида намоён бўлган қиёфамда мужассам қилган йог энг буюк бахтга эришади, шунда унинг барча истаклари тўла амалга ошади.

18. Менга ҳақиқий дин қонунларининг ҳимоячиси, поклик тимсоли ва Шветадваipa Парвардигори сифатида муруқаб қиладиган инсон энг пок ҳолатга эришади, бунда у моддий ташвишларнинг олти туридан - очлик, чанқоқлик, чириш, ўлиш, мусибат ва алданишдан озод бўлади. 19. Менда осмон тимсоли ва мужассам ҳаёт нафаси кўринишида юзага келадиган илохий товушларда ақлини мужассам қиладиган қалби пок тирик мавжудот фазода ҳар қандай масофада туриб барча тирик мавжудотларнинг нутқини қабул қилиш қудратига эга бўлади. 20. Назарини Куёш сайёрасига, кейин кўзининг ҳаммасини Куёш сайёрасига мужассам қилиб, йог Куёш ва нигоҳнинг бирикмасида мавжуд бўлган Менга муруқаб қилиши лозим, шу йўл билан йог ҳар қандай узокликдаги нарсани кўра олиш қудратига эга бўлади. 21. Ақлини бутунлай Менда мужассам қилган, ақлдан кейин юрадиган шамолдан фойдаланиб моддий танасини Менда мужассам қиладиган йог Менга муруқаб қилиш ёрдамида ақли қаерга борса шу заҳоти ўзи ҳам шу ёққа бора оладиган қудратга эга бўлади. 22. Ақлини маълум тартибда қўллаш оладиган йог маълум қиёфага эга бўлишни истаганида дарров шу қиёфа намоён бўлади. Бундай мукамалликка ақлини Менинг Ўзим сон-саноксиз турли қиёфаларда намоён бўладиган англаб бўлмас сеҳр қудратим паноҳига мужассам қилиш натижасида эришилади. 23. Комил йог бошқа танага киришни истаганида у ўзини бошқа тана ичида ҳис қилиб муруқаб қилиши лозим, кейин ўзининг қўпол танасини қолдириб, ҳаво йўллари орқали, худди асалари бир гулдан иккинчи гулга ўтгандай бошқа танага осон ўтиши керак.

24. *Сваччханда-мритйу* деб аталадиган сеҳр қудратига эришган йог анусни оёғининг товони билан бекитиши, кейин руҳини юрагидан кўкрак қафасига, бўйнига, ниҳоят калласига кўтаради. Брахма-рандрада туриб, йог моддий танасини тарк этади ва ўзи кўзлаган жойга йўл олади. 25. Фаришталарнинг роҳатбахш боғларида лаззатланишни истайдиган йог Менда жойлашган покланган эзгулик гунасига муруқаб қилиши лозим. Шунда эзгулик гунасидан пайдо бўлган самовий аёллар ҳаво кемаларида унинг ёнига келадилар. 26. Ақлини бутунлай Менда жамлаб, ҳамиша ҳар қандай иш Менинг хоҳишим билан амалга ошишини аниқ биладиган, Менга чуқур иймон келтирган йог ўзи амал қилишга қарор қилган усуллар ёрдамида ҳамиша ўзининг орзусига эришади. 27. Мукамал ҳолда ҳамиша Менга муруқаб қиладиган одам олий ҳукмдор ва назоратчи бўлган Менинг илохий табиатимга эришади. Худди Менинг амрим сингари унинг ҳар қандай буйруғини ҳам ҳеч ким инкор эта

олмайдиган бўлади. 28. Менга бўлган чуқур садоқати билан ўзининг ҳаётини покланган ва шу тарзда ҳақиқий муруқаб жараёнини тўла англаб етган киши ўтмиш, ҳозир ва келажакни билиш қудратига эришади. Шунинг учун у ўзининг ва бошқаларнинг туғилиши ва ўлимини олдиндан била олади. 29. Худди сувда яшайдиган ҳайвонларнинг ҳаётига сув зарар қилмагани сингари Менга садоқати туфайли олги покланган ва йога илмини мукамал эгаллаб олган йогнинг танасига ҳам олов, Куёш, сув, захар ва бошқа бирор нарсалар таъсир қилмайди. 30. Менинг Шриватса ва бошқа ҳар хил куруллар билан безатилган, шоҳона байроқлар, чиройли соябонлар, елпиғичлари бўлган Менинг бой, тантанали императорлик қиёфамга муруқаб қилиш ёрдамида Менинг содиқ хизматкорим ҳеч ким мағлуб қила олмайдиган, ҳамиша ғолиб зотга айланади.

31. Йогалар муруқабаси орқали Менга сажда қилиб сиғинадиган билимдон содиқ хизматкор албатта Мен таърифлаб берган барча сеҳр қудратларига эга бўлади. 32. Ўзининг ҳиссиётини, нафасини ва ақлини жиловлаб олган, ўзини ҳамиша назорат қиладиган, ҳамиша Менга муруқаб қилиш билан машғул бўлган донишманднинг қайси сеҳр қудратига эришиши қийин бўларди? 33. Худода садоқат билан хизмат қилиш илмининг билимдони бўлган донишмандлар айтадиларки, Мен таърифлаб ўтган сеҳр қудратлари аслида, шуғулланган одам Менинг марҳаматим билан ҳаётда энг юксак камолот чўққисига эришадиган энг олий йога билан шуғулланаб юрган одамлар учун катта тўсиқ бўлади, деб тасдиқлайдилар. 34. Яхши хонадонда туғилиш, доривор гиёҳлар, риёзат ёки мантралар ёрдамида эришиш мумкин бўлган сеҳр қудратларининг барчасига Менга садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида эришиш мумкин; аслини олганда қандайдир бошқа бирор йўл билан ҳеч ким сеҳрли йога тизимида ҳақиқий камолотга эриша олмайди.

35. Азизим Уддхава, Мен - барча сеҳр қудратларининг, йога тизимларининг, пок фаолиятнинг ва Ведавий илм ўргатувчи донишмандлар мажмуининг сабаби, ҳимоячиси бўламан. 36. Худди ҳар қандай моддий унсурлар моддий таналарнинг ичида ҳам, сиртида ҳам, бирдай мавжуд бўлган сингари, Мен ҳам ҳеч қачон бошқа бирор нарса билан қопланиб қолмайман. Мен Олий руҳ кўринишида ҳамма нарсанинг ичида ва ҳамма ерга сингиб кетган сифатим билан ҳамма нарсанинг сиртида мавжудман.

Ўн олтинчи боб.

Парвардигорнинг бойлиги.

1. Шри Уддхава шундай деди: “Эй азиз Худойим, Сен Бошланғич ва бениҳоя Зотсан, ҳеч қандай чегара билан чекланмаган Мутлақ Ҳақиқатнинг Ўзисан. Сен ҳимоячи ва ҳаёт бағишлайдиган Зотсан, барча мавжуд нарсаларнинг яратилиши ва яқсон бўлиши ҳам Сен Ўзингсан. 2. Эй азиз Худойим, иймонсиз одамлар Сен олий ва қуйи мавжудотларнинг барчасининг қалбида мавжуд эканингни тушунишлари жуда мушкул бўлса ҳам, Ведалар илмининг якуний хулосасини англаб етган ҳақиқий браҳманлар чуқур иймон билан Сенга самимий сажда қилиб сиғинадилар. 3. Илтмос, Сенга садоқат билан сажда қилиб сиғинадиган буюк донишманд эришадиган камолот чўққилари ҳақида гапириб бер. Шунингдек улар Сенинг

сон-саноксиз қиёфаларингнинг қайси бирига сиғинишларини ҳам айтиб бер.

4. Эй азиз Худойим, эй ҳамма нарсанинг мавжудлигини таъминлаб турган Зот, гарчи Сен барча тирик мавжудотларнинг Олий Руҳи бўлсанг ҳам, Сен одамлар кўзига кўринмас бўлиб қолаверасан. Шу тариқа Сен адаштириб қўйганинг сабабли, бу дунёдаги тирик мавжудотлар Сени кўра олмайдилар, Сен эас хамиша уларни кўриб юрасан. 5. Эй чексиз қудрат соҳиби бўлган Парвардигор, илтимос, Сен жаннатда, дўзахда ва Ер юзида, оламнинг ҳар томонида намоён этадиган сон-саноксиз қудратларингни менга тушунтириб бер. Барча муқаддас саждагоҳларнинг паноҳ макони бўлган Сенинг нилуфар қадамларинг пойида мен чуқур эҳтиром билан сажда қилиб бош эгаман”.

6. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Эй қандай савол бериш лозимлигини биладиганлар ичида аълоси, Курукшетра жанг майдонида ўзининг рақиблари билан жанг қилишга шайланиб турганида Аржун ҳам Менга худди мана шундай саволни берган эди. 7. Курукшетра жанг майдонида Аржун ўйлаган эдики, фақат ўзининг манфаатини кўзлаб, салтанат талашиб, ўз қариндошларини ўлдириш - инсон учун жуда жирканч, оғир гуноҳ иш деб ҳисоблаган эди. Шунинг учун у: “Мен ўзимнинг қариндошларимнинг қотилига айланаман, уларнинг ҳаммаси бу урушда ҳалок бўлади!” - деб, жанг қилишдан бош тортмоқчи эди, чунки Аржун дунёвий онг чангалига тушиб қолган эди. 8. Шунда Мен одамлар ичида йўлбарси бўлган Аржуннинг онгини манتيқий далиллар билан тўғри йўлга солган эдим. Жанг бошланиши олдида Аржун ҳам худди сен ҳозир берган саволни Менга берган эди.

9. Азизим Уддхава, Мен - барча тирик мавжудотларнинг Олий Руҳиман, шунинг учун Мен табиий равишда уларнинг энг яхши саодатманди ва уларни бошқариб турувчи олий назоратчиман. Барча мавжудотларнинг яратувчиси, ҳимоячиси ва яқсон қилувчиси бўлган ҳолда Мен улардан фарқ қилмайман. 10. Мен - тараққиётга, ривожланишга интилаётган зотларнинг охирига мақсадиман, назорат қилувчилар ичида Мен - Замонман. Мен - моддий табиат гуналарининг мувозанатиман, Мен тақводор зотлар ичида табиий эзгуликман. 11. Сифатларга эга бўлган нарсалар ичида Мен - табиатнинг бошланғич кўринишиман, буюк нарсалар ичида Мен - мужассам моддий олам, махат-таттваман. Нафис нарсалар ичида Мен рухий жон, руҳман, жиловлаш қийин бўлган нарсалар ичида Мен - ақлман.

12. Ведалардан Мен - уларнинг бошланғич устози Тангри Брахмаман, мантралардан Мен уч ҳарфли омкара “оум”ман. Ҳарфлардан Мен биринчи ҳарф - “а”ман, муқаддас мантралар ичида Мен - Гайатри мантрасиман.

13. Фаришталардан Мен Индраман, Васулардан Мен - олов фаришгаси Агниман. Адитининг ўғилларидан Мен Вишну(Ваманадева)ман, Рудралардан Мен - Тангри Шиваман.

14. Авлиё браҳманлар орасида Мен - Бхригу Муниман, авлиё шоҳлардан Мен - Мануман. Авлиё фаришталардан Мен - Нарада Муниман, сигирлардан Мен - Камадхенуман. 15. Камолотга эришган зотлар ичида Мен - Парвардигор Капиламан, қушлар ичида Мен - Гарудаман. Инсониятнинг бобкалонлари ичида Мен - Дакша, аждодлар ичида Арйамаман.

16. Азизим Уддхава, Дитининг иблис ўғиллари ичида Мен - иблисларнинг авлиё ҳукмдори Прахлад Махаражман. Юлдуз ва доривор гиёҳлардан Мен - уларнинг ҳукмдори Ойман, Ыакша ва Ракшаслар ичида Мен - бойликлар эгаси Кувераман. 17. Мағрур улуғвор филлар ичида Мен - Айраватаман, сувда яшовчилар ичида Мен - Варуна, денгизлар султони ман. Ёруғлик ва иссиқлик берадиган нарсалар ичида Мен - Қуёшман, одамлар ичида Мен - шоҳман. 18. Отлардан Мен - Уччаихишраваман, металлар ичида Мен - олтинман. Жазоловчилар ичида Мен - Азроилман, илонлардан Мен - Васукиман.

19. Эй беғуноҳ Уддхава, илонларнинг аълолари ичида Мен - Анантаман, ўтқир тишли ва йиртқич ҳайвонлар ичида Мен - арслонман. Жамиятда турли турмуш тарзи ичида Мен тўртинчиси - таркидунёлик(саннийаси)ман, табақалар ичида эса биринчиси - браҳманлар табақасиман. 20. Муқаддас ва ўткинчи нарсалар ичида Мен - муқаддас Гангаман, кўзгалмас сув идишлари ичида Мен - Океанман. Қуроллар ичида Мен - камонман, қурол осиб юрганлардан Мен - Тангри Шиваман. 21. Яшайдиган жойлар ичида Мен Сумеру тоғиман, ўтиш қийин бўлган жойлардан Мен - Ҳимолайман. Дарахтлардан Мен - муқаддас (фиг)анжир дарахтиман, ўсимликлар ичида Мен бошоқли ўсимлик(ғалла)ман.

22. Руҳонийлардан Мен - Васиштха Муниман, Ведалар маданиятидаги обрўли зотлар ичида Мен - Брихаспатиман. Лашкарбошилардан Мен - Карттикеяман, ҳаётнинг улуғвор йўлларидан борувчилар ичида Мен - буюк шахс Тангри Брахмаман. 23. Қурбонлик маросимлари ичида Мен - Ведаларни ўрганишман, табаррук қасамлар ичида Мен - беозорликман. Покловчи нарсалар ичида Мен - шамол, олов, Қуёш, сув ва нутқман. 24. Йога жараёнининг саккиз ҳолати ичида Мен якуний ҳолат - руҳ алданишдан бутунлай ҳалос бўладиган самадхиман. Ғалабага интилаётганлар ичида Мен - фаросатли, эҳтиёткор сиёсий элчиман, таҳлил қилиб ўрганиш жараёнлари ичида Мен - моддани руҳдан ажрата билиш имконини берадиган руҳ ҳақидаги илмман. Барча фикровчи файласуфлар ичида Мен - ҳар хил фикрлар бирикмасиман.

25. Аёллар ичида Мен - Шатарупаман, эркаклар ичида Мен унинг эри Сваямбхува Мануман. Донишмандлар ичида Мен Нарайанаман, браҳмачарилар ичида Мен - Санат-кумараман. 26. Диний қоидалар ичида Мен - таркидунёликман, барча кафолотлар ичида Мен - инсон қалбидаги мангу руҳнинг онгиман. Барча сирлар ичида Мен - ширин сўз ва сукутман, жинсий жуфтликлар ичида Мен - Брахмаман(шб.3.12). 27. Замоннинг такрорланиб турадиган даврлари ичида Мен - йилман, йил фаслларидан Мен - баҳорман. Ойлар ичида Мен - Маргаширша(ноябр-декабр)ман, Ой уйлари ичида Мен шарофатли Абхиджитман.

28. Даврлардан Мен - ҳақиқат даври Сатйа-югаман, мувозанатдаги донишмандлардан Мен - Девала ва Аситаман. Ведаларни бўлганлар ичида Мен - Кришна Двайпайана Ведавйасаман, билимдон олимлардан Мен - рухий илм билимдони Шукрачарйаман. 29. Багаван номига муносиб бўлганлар ичида Мен - Васудеваман, аслини олганда эй Уддхава, содиқлар ичида сен Менинг тимсолим бўласан. Кимпурушалар ичида Мен - Хануманман,

Видядхаралар ичида Мен - Сударшанаман. 30. Қимматбаҳо тошлар ичида Мен - рубинман, ажойиб зотлар ичида Мен нилуфар гулиман. Муқаддас гиёҳлардан Мен куша майсасиман, эҳсонлар ичида Мен - сигирдан олинадиган гхи(сариёғ) ва бошқа маҳсулотларман. 31. Ишбилармонлар ичида Мен - омадман, алдоқчилар ичида Мен - қимор ўйиниман. Мен сабрлилардаги кечиримлиликларман, эзгулик гунасидаги зотлардаги эзгу фазилатларман. 32. Қудратли зотлардан Мен - жисмоний ва ақлий кучман, Мен - содиқларимнинг садоқатли хизматиман. Худонинг содиқлари Менга тўққиз кўринишда хизмат қиладилар, уларнинг орасида Мен - азалий ва бошланғич Васудеваман. 33. Гандхарвалардан Мен - Вишвавасуман, самовий апсарладан Мен - Пурвачиттиман. Мен тоғларнинг турғунлиги ва Ернинг бошланғич ҳидиман. 34. Мен сувнинг ширин таъмиман, порлаган нарсалардан Мен - Қуёшман. Мен - Қуёшнинг, Ой ва юлдузларнинг порлаган нуриман, Мен - осмонда таралаётган илоҳий товушман. 35. Браҳманлар маданиятига кирганлар ичида Мен Вирочананинг ўғли Бали Махаражман, қаҳрамонлардан Мен - Аржунман. Аслини олганда, Мен - барча тирик мавжудотларнинг яралиши, мавжудлигини таъминлаш ва яқсон қилинишиман.

36. Мен - беш ҳаракат қилувчи аъзолар - оёқ, нутқ, анус, қўл ва жинсий аъзоларнинг, шунингдек беш илм ўрганувчи аъзолар - терига текканни сезиш, кўриш, таъм билиш, эшитиш, ҳид билиш аъзоларининг ҳаракатиман. Шунингдек Мен ана шу аъзоларнинг сезиладиган нарсаларни сеза олишига имкон берадиган қувватман. 37. Мен - шакл, таъм, ҳид, тегиш ва товушман; сохта ўзликман; махат-таттванман; ер, сув, олов, ҳаво ва осмон(эфир)ман; тирик мавжудотман; моддий табиатман; эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гунасиман; илоҳий Парвардигорман. Мана шу нарсаларнинг ҳаммаси, уларнинг алоҳида хусусиятларини билиш ва бу билим нимага олиб келишига аниқ ишониш билан бирга илм Менинг тизимим ҳисобланади. 38. Худои Таоло сифатида Мен - тирик мавжудотнинг, моддий табиат гуналарининг ва махат-таттванинг асосиман. Шундай қилиб, Мен - ҳамма нарсаман, қандай нарса бўлишидан қатъий назар борлиқдаги бирор нарса Менсиз мавжуд бўла олмайди. 39. Гарчи бутун коинотдаги барча атомларни Мен бир лаҳзадан ҳам озроқ вақтда санай олсам ҳам, Мен Ўзимнинг сон-саноксиз коинотлар ичида мавжудлигини таъминлаб турадиган бойликларимни санашга қодир эмасман.

40. Мавжуд бўлган ҳар қандай куч, гўзаллик, шон-шуҳрат, бойлик, камтаринлик, таркидунёлик, ақлий қаноат, омад, сабр-тоқат ва руҳий илмларнинг ҳаммаси шунчаки Менинг бойликларимнинг бу дунёда намоён бўлишидир. 41. Мен сенга Ўзимнинг руҳий бойлигимни ва яратган мавжудлигимнинг моддий белгиларини қисқача таърифлаб бердим. Уларни одамлар ақл билан қабул қиладилар ва шароитга қараб ҳар хил йўллар билан аниқлайдилар, таърифлайдилар. 42. Шунинг учун ҳамisha нутқингни назорат қилиб юр, ақлингни жиловлаб ол, ҳаёт нафасингни ўзинга бўйсундир, сезгиларингни, ҳиссиётингни тартибга сол, покланган тафаккур орқали фикрий қобилиятингни назорат остига ол. Шунда сен ҳеч қачон яна моддий тирикчилик уммонига яна қайтиб келмайсан.

43. Ўзининг тилини ва ақлини олий тафаккури ёрдамида тўла назорат қилмайдиган илоҳиёт одами ўзининг табаррук қасамлари, риёзатлари ва эзгу ишларининг натижалари, худди тешик кўзадан сув оқаётгани сингари, тобора камайиб кетаётганини дарров сезади. 44. Менга содиқ бўлган ҳолда, ҳар бир одам ўзининг нутқини, ақлини, ҳаёт нафасини назорат қилиши, садоқат ва муҳаббатга тўла тафаккури ёрдамида у ўз ҳаётининг мақсадига эришиши лозим.

Ўн еттинчи боб.

Парвардигор Кришнанинг Варнашрама тизимини таърифлаши.

1-2. Шри Уддхава шундай деди: “Эй азиз Худойим, аввал Сен жамиятдаги варнашрама тизими тарафдорлари ва ҳатто оддий, тартибга солинмаган турмуш тарзида яшаётган одамлар ҳам амал қилиши лозим бўлган Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларини таърифлаб берган эдинг. Эй нилуфарқўзли азиз Худойим, энди менга тушунтириб берчи, қандай қилиб инсон танасидаги барча тирик мавжудотлар ўзларининг ҳаётдаги бурчларини холис бажариш ёрдамида (Сенга)Худога соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига эриша оладилар?”

3-4. Эй азиз Худойим, эй қўллари қудратли Зот, аввал Сен Хамса киёфангда бу диний қонунларни гапириб берган эдинг, уларга амал қилган одам ҳаётда энг буюк бахтга эришади. Азизим Мадхава, орадан шунча вақт ўтди, эй душманларни яқсон қилувчи Зот, тез вақт ичида Сенинг шу айтганларингдан ҳеч нарса қолмайди. 5-6. Эй азиз Худойим Ачйута, на бу Ер сайёрасида, на ҳатто Ведалар тимсоли яшайдиган Тангри Браҳманнинг даргоҳида Сендан бошқа олий диний қонунларни яратувчи, ўрнатувчи ва ҳимоя қилувчи бирор тирик мавжудот топилмайди. Шундай қилиб, эй азиз Худойим Мадхусудана, ана шу руҳий илмни яратувчи, ҳимоя қилувчи, эълон қилувчи Сен Ўзинг Ер юзини тарқ этиб кетганинда бу илмни одамларга қим яна қайтадан такрорлаб беради? 7. Шу боис, эй азиз Худойим, барча ҳақиқий дин қонунларининг билимдони бўлган ҳолда, Сен Ўзинг менга Худога соф садоқат билан хизмат қилишга қодир бўлган одамлар қандай бўлишини, бу хизмат қандай бажарилиши лозимлигини таърифлаб бер!”

8. Шри Шукадева Госвами шундай деди: “Худонинг содиқлари ичида аълоси Шри Уддхава, Парвардигорга шундай савол берди. Унинг саволини эшитиб, Худо Шахси Шри Кришна жуда мамнун бўлди ва барча шартланган руҳларнинг бахт-саодати учун мангу дин қонун-қоидаларини таърифлаб берди.

9. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Азизим Уддхава, сенинг саволинг диний қонунларга мос келади, сенинг дин қонунларига чуқур иймон келтирганингдан далолат бериб бу саволинг ҳаётда сени, оддий одамларни ҳам, варнашрама тизимида маданиятли турмуш кечирадиган одамларни ҳам энг юксак камолот чўққисига - Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтаради. Энди Мендан ана шу олий дин қонун-қоидалари ҳақида эшит.

10. Аввал, Сатйа-йугада жамиятда фақат битта, “хамса” деб аталадиган синф бўлиб, ҳамма одамлар

тоифаси шу синфга мансуб бўлади. Бу асрда одамларнинг ҳаммаси туғилганиданок Худонинг соф содиклари бўлади. Шу боис билимдон олимлар бу даврни Крита-юга, яъни барча дин қонунлари мукамал адо этиладиган давр деб атайдилар. 11. Сатйа-йугада бўлинмаган Ведалар ягона “оум” бўғини билан ифодаланган; Мен - ақлий фаолиятнинг ҳаммаси машғул бўлган ягона Зот бўлганман. Мен тўрт оёқли хўкиз кўринишида дин тимсоли бўламан, Сатйа-йугада ҳар қандай гуноҳлардан пок бўлган, риёзатга берилган одамлар Менга Парвардигор Хамса сифатида сиғинадилар.

12. Эй буюк омадли зот, Трета-йуга бошида Ведалар илми уч бўлимдан иборат Риг, Сама ва Йаджур-веда кўринишида ҳаёт нафасининг даргоҳи бўлган Менинг юрагимдан пайдо бўлди. Кейин Мен ана шу илмдан уч хил қурбонлик маросими сифатида намоён бўлдим. 13. Трета-югада Худо Шахсининг фазовий қиёфасидан маданиятли жамиятдаги одамларнинг тўрт ижтимоий табақаси намоён бўлди. Браҳманлар Парвардигорнинг юзидан, кшатрийлар - қўлларидан, ваишйалар - Парвардигорнинг сонидан, шудралар ана шу қудратли қиёфанинг оёғидан пайдо бўлдилар. Ҳар бир ижтимоий табақа ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг жамиятда белгиланган вазифалари бор. 14. Оилавий ҳаёт Менинг фазовий қиёфамнинг белидан юзага келди, жинсий поклигини сақлайдиган шогирдлар Менинг қалбимдан пайдо бўлдилар. Ўрмонда яшаш турмуш тарзи(ванапрастха) Менинг кўксимдан, таркидунёлик турмуш тарзи эса, Менинг фазовий қиёфамнинг калласининг ичидан жой олган.

15. Инсонлар жамиятининг ҳар хил ижтимоий табақа ва турмуш тарзлари ҳар бир одамнинг табиий равишда туғилган пайтида намоён бўлган бўйсунган ва олий табиатлари, хулқ-атворлари асосида юзага келди.

16. Қалбининг осойишталиги, тинчликсеварлик, ўзини тута билиш, риёзат, камсуқумлик, поклик, қаноатлилик, сабрлилик, соддалик, софдиллик, Менга садоқатли бўлиш, меҳрибонлик ва ростгўйлик - мана шулар браҳманларнинг табиий фазилатларидир.

17. Жисмонан кучли бўлиш, ғайрат-шижоат, қатъиятлик, жасорат, чидамлилик, саховатлилик, олийжаноблик, интилиш, турғунлик, жамиятга раҳбарлик қилиш ҳамда браҳманларга содиклик - кшатрийларнинг табиий сифатларидир.

18. Ведалар маданиятига ишонч, хайр-саховатга садоқат, иккиюзламачилиқдан пок бўлиш, браҳманларга хизмат қилиш ва ҳамиша тобора кўпроқ пул топишга интилиш - вайшйаларнинг табиий сифатларидир.

19. Ҳеч иккиланмасдан браҳманларга, сигирларга, фаришталарга ва бошқа обрўли зотларга хизмат қилиш, ана шундай хизмат орқали келадиган ҳар қандай даромаддан тўла қаноат ҳосил қилиш - шудраларнинг табиий сифатларидир.

20. Ифлослик, шармандалик, уятсизлик, ўғирлик, имонсизлик, бир-бирига бемаъни душманлик қилиш, эҳтиросга берилиш, ғазабнок бўлиш, бирор нарсага муккасидан кетиб интилиш - варнашрама тизимидан паст турадиган жамият аъзоларининг сифатларидир.

22. Жамиятнинг иккибор туғилган аъзоси муқаддас иккинчи бор туғилишга кетма-кет ўтказиладиган, Гайатри мантрасини олиш билан

ниҳоясига етадиган покланиш маросимлари орқали ўтгандан кейин эришади. Рухий устознинг талаби билан у гурунинг ашрамида яшаши, ақлини жиловлаб олиб, изчиллик билан Ведалар адабиётини ўрганиши лозим. 3. Браҳмачари мунтазам равишда сомондан ясалган белбоғ тақиб, кийик терисидан либос кийиб юриши лозим. Унинг сочлари тўзиган, ҳамиша ҳасса ва сув идиши(камандала) олиб юриб, муқаддас чилвир(зуннор) ва *акша* тасбеҳи бўлиши лозим. Қўлида пок *куша* майсасини олиб юриб, у ҳеч қачон юмшоқ ёки ҳашаматли ўриндикқа ўтирмаслиги керак. У заруратсиз тишларини тозалаб, ярқиратмаслиги, кийимларини заруратсиз оқартириб, безамаслиги лозим.

24. Браҳмачари ювинаётганда, овқатланаётганда, қурбонлик маросимида иштирок этаётганда, манта зикр қилаётганда, табиий эҳтиёжларини қондираётганда ҳамиша сукут сақлаб юриши лозим. У тирноқ ва сочларини, қўлтиқ тагидаги ва остидаги тукларини олмаслиги лозим. 25. Жинсий поклик сақлаб юрган браҳмачари ҳеч қачон эркаклик уруғлигини оқизмаслиги керак. Агар жинсий уруғлиги ўз-ўзидан тасодифан оқиб кетса, браҳмачари дарҳол сувда чўмилиб, ювиниб покланиши, *пранайама* усули билан нафасини назорат остига олиб Гайатри мантрасини тақрорлаши лозим. 26. Покланиб, онгини жамлаб олган браҳмачари олов фариштасига, куёшга, ачарйаларга, сигирларга, браҳманларга, ўзининг рухий устози - гурусига, катта, ҳурматли шахсларга ва фаришталарга сажда қилиши лозим. У ҳар куни эрта тонгда ва кечқурун товуш чиқармасдан, маълум мантраларни ичида зикр қилиб Худои Таолога сиғиниши лозим.

27. Ҳар ким рухий устозига худди Менга сиғингандай сиғиниши ва ҳеч қачон, ҳеч қандай баҳона билан унинг кўрсатмасини инкор этмаслиги керак. Ҳеч ким рухий устозни оддий одам ўрнида кўриб, унга ҳасад қилмаслиги керак, чунки у барча фаришталарнинг вакили ҳисобланади. 28. Эрталаб ва кечқурун браҳмачари одамлардан садақа сўраб озиқ-овқат ва бошқа нарсалар тўплаши, уларнинг ҳаммасини рухий устозига бериши лозим. Кейин, ўз(нафс)ини қаттиқ назорат қилган ҳолда у ўзига фақат устози руҳсат берган нарсанигина олиб овқатланиши лозим. 29. Рухий устозига хизмат қилиб юрган пайтда унинг итоаткор хизматкори бўлиб қолиши, шу тарзда, рухий устоз сайр қилганида шогирд камтарин ҳолда унинг изида юриши лозим. Рухий устоз ухлашга ётганида шогирд ҳам унга узоқ бўлмаган жойда ётиши, гуру уйғонганида шогирд унинг ёнида ўтириб, унинг нилуфар қадамлари пойини силаши ёки бошқа зарур хизматларини қилиши лозим. Гуру ўзининг асанасига ўтирганида, шогирд қўл қовуштириб, унинг амрини кутиб туриши длозим. Шу тариха ҳар ким ҳамиша рухий устозга сажда қилиши лозим. 30. То шогирд Ведалар илмини ўрганишни тугатмас экан, у рухий устозининг ашрамида қолиб, жинсий поклигини сақлаб, ҳиссий лаззатланишдан пок бўлиб юриши лозим.

31. Агар шогирд Махарлока ёки Браҳмалока сайёрасига кўтарилишни истаса, у ўзининг бутун фаолиятини рухий устозига бағишлаши, ҳамиша жинсий поклигини сақлаш қудратли қасамига қатъий риоя қилиши, бутун ҳаётини Ведаларни ўрганишга бағишлаши лозим. 32. Шундай қилиб, рухий устозига садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида Ведалар илмини мукамал ўрганиб олиб, барча гуноҳлардан ва қарама-

каршиликлардан озод бўлиб, ҳар ким Олий Рух сифатида оловда, руҳий устозда, ўзининг қалбида ва барча тирик мавжудотларда намоён бўлишимни кўриб, Менга сиғиниши.

33. Уйланмаган, оиласиз одамлар - саннийасилар, ванапрастхалар ва брахмачарилар - ҳеч қачон аёллар билан нигоҳ ташлаш, уларнинг танасини ушлаш, улар билан суҳбатлашиш, ҳазиллашиш ёки ўйнашиш воситасида ҳамсуҳбат бўлмаслиги керак. Улар ҳеч қачон жинсий ҳаёт билан шуғулланиб юрган одамлар билан ҳамсуҳбат бўлмасликлари керак.

34-35. Азизим Уддхава, умумий поклик, қўлларни ювиш, тўлиқ ювиниш(ғусл), тонгда, кун ўртасида ва кечқурун сиғиниш маросимларини ўтказиш, Менга сажда қилиш, муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиш, мантра куйлаш; ҳаром, ейиш ва гапириш таъқиқланган нарсалардан озод бўлиш, Менинг барча тирик мавжудотларда Олий Рух кўринишида мавжудлигимни эшлаш - мана шу қонун-қоидаларнинг барчаси жамиятдаги ҳамма одамлар томонидан ақл, нутқ ва тана воситасида мунтазам муҳокама қилиниб юриши лозим.

36. Жинсий поклигини сақлашга табаррук қасам ичган брахман юзидан оловдай нур таратиб, қалбида дунёвий фаолиятга бўлган интилишини ёқиб кул қилиб юборади. Дунёвий истаклар иллатидан бутунлай озод бўлиб, у Менинг содиқ хизматкорим бўлади. 37. Ведаларни ўрганишни тамомлаган ва оилавий ҳаёт кечиришни истаган брахмачари руҳий устозига муносиб дақшина, яъни мукофот бериши, чўмилиб сочларини олиши, махсус кийимлар кийиши лозим ва ҳоказо. Кейин, гурунинг руҳсати билан у уйига йўл олиши лозим.

38. Ўзининг дунёвий истакларини амалга оширишни истаган брахмачари оиласи билан уйда яшаши, онгини поклашни истаган оилали одам эса, ўрмонга йўл олиши лозим, дунёвий истаклардан пок брахман эса таркидунё қилиб яшаш турмуш тарзини - *саннийаса* қабул қилиши лозим. Ўз ихтиёрини Менга топширмаган одам руҳий юксалишга эришиш учун бошқа бирор йўл изламасдан, аста-секин бир ашрамдан иккинчи ашрамга ўтиши лозим.

39. Оилавий ҳаётни бошлашни истаётган одам ўзининг табақасидан бокира, бегуноҳ, бенуқсон, ўзидан ёш қизга уйланиши лозим. Кимдир кўп хотин олгиси келса, у бошқа хотинларга ўзининг биринчи тўйидан кейин уйланиши лозим, унинг ҳар бир хотини аввалги хотинининг табақасидан юқори бўлмаслиги керак. 40. Барча икки бор туғилган зотлар - брахмачари, кшатрий ва ваишйалар - қурбонлик маросими ўтказиши, Ведаларни ўрганиши, бошқа одамларга хайр-эҳсон улашиши лозим. Лекин, фақат брахманлар бошқалар учун хайр-эҳсон қабул қилиши, Ведалар илмини ўргатиши, қурбонлик маросими ўтказиши мумкин.

41. Бошқалардан хайр-эҳсон қабул қилиш ўзининг риёзат орқали эришган илохий кучини, руҳий қудратини ва шухратини камайтиради деб ҳисоблаган брахман брахманларга хос бўлган бошқа икки йўл, айнан - Ведаларни ўргатиш ва қурбонлик маросими ўтказиш орқали тирикчилик қилиши лозим. Агар брахман бу икки усул ҳам унинг брахманлик обрўсига путур етказди деб ҳисобласа, у далада қолган бошоқларни териб, ҳеч кимга қарам бўлмасдан, жамиятдаги бошқа одамлардан бутунлай мустақил ҳолда яшаши лозим. 42. Брахманнинг танаси бу

дунёдаги арзимас ҳиссий лаззатлар билан лаззатланиш учун яратилган эмас; ҳақиқий брахман бу ҳаётида оғир риёзатлар чекиш орқали кейинги ҳаётида албатта чексиз лаззат ва илмга тўла мангу ҳаётга эришишга интилиши лозим.

43. Оилали брахман далада терилмай қолган ёки бозорда сочилиб қолган донларни териб ейиш билан тўла қаноатланиб кун кечириши лозим. Ҳар қандай шахсий манфаатга интилишлардан бутунлай пок бўлиб, у ўзининг ақлини Менда жамлаб, улуғвор диний қонунларга амал қилиб яшаши лозим. Шу тарзда оилали брахман уйда ҳеч қандай боғланишсиз яшайди ва шундай қилиб, руҳий озодликка эришади. 44. Худди катта кема окенда сувга чўкаётган одамларни кутқариб олгани сингари, Мен ҳам қийин аҳволда яшаётган брахманларга ва Худонинг содиқларига ёрдам берган одамларни ҳаётда учрайдиган барча мусибатлардан тезда халос этаман. 45. Худди подадаги сардор фил бошқа филларни ҳам, ўзини ҳам ҳимоя қилиб юргани сингари, жасоратли, одил ҳукмдор шоҳ ҳам ўзининг қарамоғидаги фуқароларга оталардек ғамхўрлик қилиб, уларни ҳам, ўзини ҳам ҳар қандай қийинчиликлардан ҳимоя қилиши керак. 46. Салтанатидан барча гуноҳларни ҳайдаб чиқариб, ўзини ва барча фуқароларни ҳимоя қилиб юрган дунёвий шоҳ кейинги ҳаётида албатта осмон шоҳи Индра билан бирга куёшдай порлаб турган ҳаво кемаларида жаннатда лаззатланади. 47. Агар брахман ўзининг кундалик вазифаларини бажариш билан тирикчилигини таъминлай олмаса, шу боис жуда қийналиб юрган бўлса, у савдо билан шуғулланиши ва моддий нарсалар олиб-сотиш билан ўзининг зарур эҳтиёжларини қондириши мумкин. Ҳатто савдо билан шуғулланиб ҳам эҳтиёжини қондира олмаётган бўлса, у қўлига қурол олиб, жамиятда кшатрийларнинг вазифасини бажариши мумкин. Лекин ҳақиқий брахман ҳеч қачон, ҳеч қандай вазиятда кўчадаги дайди итларга ўхшаб, дунёвий одамларга ёлланиб ишлаши мумкин эмас.

48. Шоҳ ёки шоҳ хонадонига мансуб одам ўз бурчини бажариш билан тирикчилик қилолмаса, ваишйа сифатида ҳаракат қилиши, ов қилиши ёки бошқаларга Ведалар илмини ўргатиб, брахманлардай яшаши мумкин. Лекин у ҳеч қачон шудраларнинг ишини қилмаслиги керак.

49. Ваишйа яъни савдогар одам ўз касби билан тирикчилик қила олмаса шудранинг ишини қилиб кун кечириши мумкин, агар шудра ўзига хўжайин топа олмаса сават тўқиш ёки сомондан полос тўқиш сингари оддий хунармандчилик ишлари билан шуғулланиб тирикчилик қилиши мумкин. Лекин жамиятда юзага келган фавқулодда ҳолатларида қўшимча касб эгаллаган барча табақа аъзолари қийинчилик даври ўтгандан кейин бу машғулотларни дарров тарк этиши лозим. 50. Оилавий ҳаёт кечираётган грихастха ҳар куни Ведаларни ўрганиш билан донишмандларга, *свадха* мантрасини тиловат қилиш билан аждодларига, *сваха* мантрасини тиловат қилиш билан фаришталарга, овқатидан бир улуш қолдириб бериш билан барча тирик мавжудотларга, ғалла ва сув таклиф қилиш билан бошқа одамларга сиғиниши лозим. Шу тариқа фаришталарни, донишмандларни, аждодларини, тирик мавжудотларни, инсон танасидагаи зотларни Менинг қувватимнинг намоён бўлиши деб билиб, у ҳар куни беш турли қурбонлик маросими ўтказиши лозим.

51. Оилали одам ўз қарамоғидаги одамларнинг эҳтиёжини ўзидан ўзи келадиган маблағ билан, ёки ўз бурчини виждон билан холис бажариш натижасида келадиган ҳалол даромад билан таъминлаб туриши лозим. Ўзининг имкониятига яраша ҳар ким қурбонлик маросимлари ва бошқа диний маросимларни ўтказиб туриши лозим. 52. Оиласидаги одамларга ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олган оилали одам уларга моддий жиҳатдан қаттиқ боғланиб қолмаслиги, ўзини уларга ризқ бериб турган хўжайин деб ҳисоблаб жуда гердаиб кетмаслиги керак. Фаросатли грихастха англаб етадики, келажакдан қутаётган бахти ҳам барибир аввал неча бор тотиб кўрган бахти сингари ўткинчи, арзимас нарса бўлади. 53. Бу дунёдаги болачақа, хотин, қариндош ва дўстларнинг давраси худди йўловчиларнинг вақтинчалик учрашуви сингари қисқа бўлади. Танаси ўзгарган сайин одам, худди тушидаги нарсалардан маҳрум бўлгани сингари, бундай ҳамроҳларининг барчасидан аста-секин, бирин-кетин айрила бошлайди.

54. Дунёвий ҳаёт ҳақидаги мана шу ҳақиқат устида чуқур мулоҳаза юритиб, озод руҳ ҳеч нарсага эгалик қилмасдан ёки мағрурланмасдан ўзининг уйида худди меҳмонга ўхшаб яшаши лозим. Шунда у уй ишларига боғланиб, бу дунёга тутқун бўлиб қолмайди. 55. Ўзининг оиладаги бурчини боғланмасдан холис бажариб Менга сиғиниб юрган грихастха оиласи билан уйида қолиши, муқаддас саждагоҳга бориб яшаши ёки агар маъсулиятли ўғли вояга етган бўлса саннийаси турмуш тарзини қабул қилиши мумкин.

56. Аммо, ақли ўзининг оиласига, уйига қаттиқ боғланиб қолган ва шу боис оиласи, мол-дунёси билан лаззатланишга интилиб, аёлларга боғланган ақсиз, “булар ҳаммаси меники, мен шуларнинг эгасиман!” - деб ўйлайдиган одам албатта йўлдан адашиб, алданиб, бу дунёда тутқун бўлиб қолади. 57. “Оҳ менинг кекса ота-онам, қўлида ширин боласи бор хотиним, оҳ менинг жажжи болаларим! Сизларни мендан бошқа ким ҳам ҳимоя қиларди, улар менсиз қаттиқ қийналиб қоладилар. Қариндошларим менсиз қандай кун кечирадилар?”

58. Ана шундай аҳмоқона ўйлар билан оиласига қаттиқ боғланиб қолган оилали одам бу ҳаётда ҳеч қачон хотиржам бўлолмайди. Ҳамиша ўзининг қариндошларини, бола-чақасини ўйлаб, у танасини тарк этиб, ғофиллик зулматига ботган оламга ғарқ бўлади”.

Ўн саккизинчи боб. Варнашрама тизими.

1. Худонинг Олий Шаҳси шундай деди: “Ҳаётда учинчи поғона - ванапрастха турмуш тарзини қабул қилган одам ақли хотиржам бўлиб, катта ўғиллари қарамоғига хотинини ташлаб ёки хотини билан бирга ўрмонга кетиши лозим. 2. Ванапрастха турмуш тарзини қабул қилиб, одам ўрмонда ўсадиган, ифлосланмаган мева, илдизлар билан тирикчилик қилиши лозим. У кийим сифатида дарахт пўстлоғи, майсалар, барглар ёки ҳайвонларнинг терисидан фойдаланиши мумкин. 3. Ванапрастха танасидаги тукларини, соч-соқолини парваришласмаслиги, тирноқларини олмаслиги, мумкин бўлмаган вақтда табиий эҳтиёжини қондирмаслиги(ҳожат чиқармаслиги), тишини тозалаш учун ҳаракат қилмаслиги лозим. У кунига уч марта

дарё сувида чўмилиб покланиш билан чекланиб, тақир ерда ётиб ухлаши лозим. 4. Шундай қилиб, ванапрастха турмуш тарзи билан яшаётган одам, иссиқ ёз кунлари тўрт томонига гулхан ёқиб, жазирама иссиқ қуёш нурлари остида ўтириб; кузги ёмғир палласида бошпанасиз ёмғир остида қолиб; изғирин қиш кунларида бўйнигача дарёнинг совуқ сувида чўмилиб кун кечириши керак.

5. У оловда пишган дон ўсимликлари ёки ўзи пишган ўрмон мевалари билан озиқланиши мумкин. У овқатини ҳовончада, тош ёки тишлари билан янчиб ейиши мумкин. 6. Танасининг эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган нарсаларни ванапрастханинг ўзи, замон, макон ва ўзининг имкониятига қараб излаб топиши лозим. У ҳеч қачон келажаги, эртаги кунни учун озиқ тўпламаслиги керак. 7. Ванапрастха турмуш тарзини қабул қилган одам ўрмонда топиладиган гуруч ва бошқа дон экинларидан тайёрланган чару ва чалпақлар тақдим этиб ҳар мавсумга мос равишда Парвардигорга сиғиниш маросими ўтказиши лозим. Гарчи Ведаларда кўрсатилган бўлса ҳам, ванапрастха ҳеч қачон Менга ҳайвонларни қурбонлик қилиб сиғиниш маросими ўтказмаслиги керак.

8. Ванапрастха аввал грихастха-ашрамда ўтказгани сингари агнихотра, дарша ва паурнамасйа қурбонлик маросимларини ўтказиши лозим. Шунингдек, у Ведаларнинг тажрибали билимдонлари Ванапрастха-ашрам учун тавсия қилганидай *чатурмасйа* қурбонлик маросимида ҳам риюя қилиши лозим. 9. Қаттиқ риёзатларга берилган ва ҳаётда ўзининг фақат энг муҳим эҳтиёжларини қондириш билан чекланиб юрган авлиё ванапрастха шу қадар ожизлашиб, кўримсиз ҳолга келиб қоладики, унинг фақат териси ва суяклари қолади. Шу тариқа, қаттиқ риёзатларга берилиб Менга сиғиниб юрган ҳолда у Махарлока сайёрасига, кейин эса, бевосита Менга эришади.

10. Туганмас барқарор шижоат билан мана шу оғриқли, мушкул, аммо инсонни озодликка чиқаришга кодир бўлган улугвор тавба-тазарру билан шунчаки ўткинчи, арзимас ҳиссий лаззатга эришиш ниятида шуғулланиб юрган одамни энг нодон аҳмоқ деб ҳисоблаш керак. 11. Агар ванапрастха кексайиб, танасининг ожизлиги сабабли белгиланган вазифаларини бажара олмай қолса, у муроқаба йўли билан муқаддас қурбонлик маросими оловини ўзининг қалбига жойлаши лозим. Кейин, ақлини Менда мужассам қилиб, муқаддас оловга кириб, танасини тарк этиши лозим. 12. Агар, ҳатто Брахмалокага кўтарилиш ҳам аслида бахтсиз ҳодиса эканини тушунадиган ванапрастха ўзининг қалбида кармали фаолият келтирадиган ҳар қандай натижалардан бутунлай воз кечиш туйғусини ривожлантирса, у саннийаси турмуш тарзини қабул қилиши мумкин. 12. Муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида Менга сиғиниб, ўзининг бутун мол-мулкни қурбонлик маросими ўтказган руҳонийга эҳсон қилиб, инсон муқаддас қурбонлик маросими оловини қалбига жойлаши лозим. Шу тариқа, бутунлай таркидунё қилган онг, ақл билан у саннийаси турмуш тарзига кириши лозим.

14. “Саннийаси турмуш тарзини қабул қилган бу одам бизлардан ҳам устун бўлиб, ўзининг мангу уйига қайтиб кетмоқчи!” Фаришталар шундай ўйларга бориб, саннийасининг кўзига унинг аввалги хотини ёки бошқа аёллар, одамни ўзига жалб қилувчи ҳар турли дунёвий

нарсалар кўринишида намоён бўлиб, унинг рухий юксалиш йўлида ҳар хил тўсиқларни юзага келтирадilar. Аммо саннийаси на фаришталарга, на улар намоён қилган бошқа нарсаларга мутлако эътибор бермаслиги керак. 15. Агар саннийаси фақат *каупина* (авратини ёпиб юрадиган мато)дан бошқа бирор нарса ёпиниб юришни истаса, каупинани ёпиб турадиган бошқа бирор матодан фойдаланиши мумкин. Акс ҳолда, фавкуллода ҳоллардан ташқари, у *данда* ва (камандала)сув идишидан бошқа бирор нарса ишлатмаслиги лозим.

16. Авлиё одам юрганида ҳар бир қадамини аввал оёқ босадиган жойини синчиклаб текшириб, у ерда ўзи босиб ўлдириб қўйиши мумкин бўлган бирор ҳашарот йўқлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина қадам босиши лозим. У сув ичишдан олдин сувни ўзининг кийимидан сузиб ўтказгандан кейин ичиши мумкин. У фақат соф ҳақиқат мужассам бўлган пок сўзларни гапириши мумкин. Худди шундай у фақат пок, ҳалоллигига ақли тўла иймон келтирган фаолият билан шуғулланиши мумкин.

17. Куйидаги уч қоидага мукамал риоя қилишни ўрганмаган одам, ҳеч қачон шунчаки бамбук таёқларини кўтариб юриш билан саннийаси ҳисоблана олмайди: 1. Бекорчи гапларни гапириш; 2. Бемаъни фаолият билан машғул бўлиш; 3. Ҳаёт нафасини бошқара билиш.

18. Ҳаром ва ифлосланган хонадонларни четлаб ўтиб, саннийаси ҳар куни етгита ҳалол, пок яшайдиган хонадонга яқинлашиб, шу уйлардан садақа сўраш орқали олган нарсаларига қаноат қилиб кун кечирishi лозим. Заруратга қараб у жамиятнинг тўрт табақасига оид бўлган одамларнинг хонадонига бориб садақа сўраши мумкин. 19. Садақа сифатида сўраб олинган озукани олиб, у аҳоли яшайдиган жойларни тарк этиши ва хилват жойдаги сув ҳавзаси ёнига бориши лозим. Шу ерда чўмилиб покланиб, қўлларини яхшилаб ювиб, у озукасининг бир қисмини ундан сўраши мумкин бўлган одамларга бериши лозим. У бу ишларни сукут сақлаган ҳолда бажариши лозим. Кейин, овқат ушоқларидан бирортасини увол қилмасдан, кейинроқ ёки эртага овқатланиш учун бирор нарса қолдирмасдан овқатланиб олиши лозим.

20. Ҳеч қандай дунёвий боғланишларсиз, ҳиссиётини тўла назорат остига олиб, барқарор шижоат билан Худони ва рухий ўзлигини англаш жараёнида ҳамиша мамнуният ҳосил қилиб, авлиё одам ер юзи бўйлаб ёлғиз ҳолда айланиб юриши лозим. Ҳаёт ҳақида бир хил нуктаи-назарга эга бўлган ҳолда, у ҳамма жойда ҳаёт ҳақидаги тўғри, рухий тасавурида мустаҳкам қолиши керак. 21. Хилват, бехатар жойда қолиб, ҳамиша, бетиним Мен ҳақимдаги ўйларга фарқ бўлиб покланган ақли ёрдамида, руҳини Мендан фарқ қилмайдиган ҳолда тасаввур қилиб анлаган ҳолда, донишманд авлиё одам бутун фикру-хаёлини рухий ўзлигида мужассам қилиши лозим. 22. Мукамал илм ёрдамида донишманд одам руҳнинг тутқунлик ва озодлик табиатини аниқлаб олиши лозим. Ҳиссиётлар ҳиссий лаззатларга берилганида алоҳида рух тутқунликда бўлади, ҳиссиёт тўла назорат остида Худода мужассам бўлганда алоҳида рух озод ҳолатда бўлади.

23. Шунинг учун, Кришнани англаш, Кришна онги ёрдамида беш ҳиссиётини ва ақлини тўла назорат остига олиб, қалбида чуқур рухий лаззат ҳис қилиб,

донишманд одам арзимас дунёвий лаззатлардан узок юриши лозим. 24. Донишманд одам муқаддас саждагоҳлар, оқиб турган дарёлар ва хилват тоғу-ўрмонлар бўйлаб саёҳат қилиши лозим. У фақат биров егулик топиш учун садақа сўраш ниятидагина шахарларга, қишлоқларга ва ўтлоқларга кириши, оддий одамлар олдига бориши мумкин. 25. Ванапрастха турмуш тарзи билан яшаётган одам фақат бошқалардан садақа сўраш билан шуғулланиб кун кечирishi лозим, чунки бундай фаолият билан у бу алдамчи дунё алдовидан дарров ҳалос бўлади ва тез вақт ичида рухий юксалишда камолотга эришади. Аслини олганда, ана шундай камтаринлик, мискинлик йўли билан топилган дон билан кун кўриб юрган одам ўзининг дунёвий ҳаётини барча иллатлардан поклайди.

26. Ҳеч бир фаросатли одам ўткинчи, бир куни келиб муқаррар йўқликка равона бўладиган нарсаларни ҳақиқатан ҳам мавжуд деб қабул қилмаслиги керак. Дунёвий боғланганликдан озод бўлган онг ёрдамида ҳар бир одам ҳозирги ҳаётида ҳам, кейинги ҳаётида ҳам, моддий тараққиётга эришиш ниятида амалга ошириладиган фаолиятни тарк этиши лозим. 27. Ҳар бир фаросатли одам Худои Таоло намоён этган коинотни, бу моддий борлиқни ва ақл, нутқ ва ҳаёт нафасидан иборат ўзининг моддий танасини Парвардигорнинг алдамчи қувватининг махсулотлари деб қабул қилиши лозим. Шундай қилиб, ҳамиша рухий ўзлигида юрган ҳолда, ҳар бир иймонли одам бу нарсаларга бўлган ишончини тарк этиб, ҳеч қачон яна уларга мувоқабат қилиб, уларни ўйлаб ташвишга туша бошласлиги керак. 28. Мукамал илоҳий илм ўрганишга киришган ва шу тариқа ташқи нарсалардан бутунлай воз кечиб, таркидунё қилган илмли одам ёки ҳатто рухий озодликка чиқиш истагидан ҳам воз кечган Менинг содиқ хизматкорим - булар иккиси ҳам ташқи нарсаларга ва урф-одатларга асосланган маросимларни, амалларни инкор этади. Шу боис уларнинг хулқ-атвори, қиладиган ишлари ҳар қандай дунёвий қонун ва қоидалардан ташқари, устун туради.

29. Энг донишманд одам бўлишига қарамай, *парамахамса* худди обрў ёки шармандаликка ҳеч қандай эътибор бермайдиган ёш боладай ҳаётдан лаззатланиб яшаши лозим. Энг тажрибали одам бўлишига қарамай, у ҳаётда ўзини ақли ривожланмаган, телбалардай тутиши лозим; энг билимдон одам бўлишига қарамай, у худди телбалардай гапириб юриши лозим; ведаларнинг кўрсатмаларини чуқур биладиган олим бўлишига қарамай, у ҳар хил бемаъни ишлар қилиб яшаши керак.

30. Худонинг содиқлари ҳеч қачон Ведаларнинг карма-канда бўлимида кўрсатилган кармали маросимлар ўтказиш билан шуғулланмаслиги, шунингдек, Ведаларга зид ишларни қилиш ёки гапириш билан иймонсиз атеистлардай ҳаракат қилмаслиги керак. Шунингдек у ҳеч қачон фақат мантқиққа суянадиган ёки иймонсиз одамларга ўхшаб гапирмаслиги, ёки бемаъни, бефойда бахс-мунозараларда бирор томоннинг тарафини олмаслиги керак. 31. Авлиё одам ҳеч қачон бировларнинг ўзига нисбатан қилаётган ҳаракатларидан кўрқмаслиги ёки ташвишланмаслиги, худди шундай ўзи ҳам ҳеч кимга халақит бермасдан, ҳеч кимга ташвиш келтирмасдан яшаши керак. У бошқаларнинг ҳақоратларига чидам билан сабр қилган ҳолда, ўзи ҳеч қачон ҳеч кимни камситмаслиги, ҳақорат қилмаслиги керак. У ҳеч қачон

Ўзининг ўткинчи моддий танаси учун кимлар биландир душман бўлмаслиги керак, чунки бунда унинг оддий хайвонлардан фарқи қолмайди. 32. Барча моддий таналарнинг ичида ва ҳар кимнинг қалбида ягона Парвардигорнинг Ўзи жойлашган. Худди турли сув хавзаларидаги сув юзида ягона Ойнинг акси кўриниб тургани сингари, Худои Таоло ҳам, гарчи Ўзи битта, ягона бўлса ҳам, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд. Шундай қилиб, ҳар бир моддий тана охири-оқибатда ягона Парвардигорнинг қувватидан таркиб топган. 33. Агар баъзи пайтларда кимдир овқатсиз қолса, бунинг учун у ташвишланиб, хафа бўлмаслиги керак, баъзида мўл-кўл овқат насиб қилганда эса, қаттиқ қувониб ҳам кетмаслиги керак. Ўзгармас қатъий қарорга келган ҳолда у бу икки ҳолат ҳам албатта ягона Парвардигорнинг тўла назорати остида эканини тушуниши лозим. 34. Агар зарур бўлса, донишманд одам тирикчилигини сақлаш учун овқат топишга ҳаракат қилиши лозим, чунки у ҳамиша танасининг саломатлигини яроқли ҳолатда таъминлаб туриши лозим. Агар ҳиссиёти, ақли ва ҳаёт нафаси бенуксон бўлса, ҳар бир одам руҳий Ҳақиқат ҳақида фикр юрита олади, Ҳақиқатни англаб эса, руҳий озодликка эришади. 35. Донишманд одам яхшими, ёмонми, ўзидан-ўзи насиб этадиган овқат, кийим ва кўрпа-тўшаклардан фойдаланиши лозим.

36. Худди Мен, ягона Парвардигор, Худои Таоло сифатида Ўз хошим билан ҳар хил қонунларга риоя қилганим сингари, Мен ҳақимдаги илмни англаб етган одам ҳам, бировларнинг зўрлаши, мажбур қилиши таъсирида эмас, балки ўз хошими билан умумий покликка риоя қилиши, қўлларини ювиши, чўмилиб покланиши ва инсон ҳаётини тартибга солиш мақсадида муқаддас китобларда кўрсатилган қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаши лозим. 37. Руҳий ўзлигини англаб етган инсон бирор нарсани Мендан ажралган ҳолда кўрмайди, чунки, Мен ҳақимдаги муқаммал илоҳий илм унинг ҳаёт ҳақидаги алдамчи, сохта тасаввурини бутунлай яқсон қилади. Моддий тана ва ақл ҳаёт ҳақида ногўғри, моддий тасаввурга ўрганиб кетгани сабабли, баъзан у яна ўзининг аввалги ҳолатига қайтгандай бўлиб кўринади; аммо ажали етганда руҳий ўзлигини англаб етган инсон Меникига ўхшаган бойликка эришади.

38. Оқибати аянчли натижа билан тугашини билган ҳолда ҳиссий лаззатларни тарк этган, руҳий юксалишда камолотга эришишга интилаётган, лекин Менга эришиш жараёнини етарли таҳлил қилиб ўрганмаган одам ҳақиқий ва билимдон руҳий устозга мурожаат қилиши лозим. 39. Токи содиқ хизматкор руҳий илмни аниқ англаб етмагунча чуқур иймон ва ишонч, ҳурмат этиром билан, ҳасад қилмасдан Мендан фарқ қилмайдиган руҳий устозига шахсан хизмат қилиши лозим.

40-41. Алданишнинг олти турини (эхтирос, ғазаб, очкўзлик (қизганиш), ҳиссиётлар хуружи, манманлик, мастлик) жиловлаб олмаган, ҳиссиётини бошқарадиган тафаккури моддий нарсаларга қаттиқ боғланиб қолган, илм ва таркидунёликдан маҳрум бўлган, тирикчилик қилиш учун саннийаси турмуш тарзини қабул қилган; фаришталарга, ўзига ва қалбидаги Парвардигорга сиғинишни инкор этиб, шу тариқа барча диний қонун-қоидаларни яқсон қиладиган, ғофиллигидан ҳалигача ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган одам йўлдан адашиб ҳозирги ҳаётида ҳам,

кейинги ҳаётида ҳам тубанликка юз тутиб ҳалокатга учрайди.

42. Саннийасининг асосий диний қоидалари хотиржамлик, осойишталик, ҳеч кимга озор бермаслик бўлса, ванапрастханинг энг муҳим фазилатлари риёзат ҳамда тана билан руҳнинг бир-биридан фарқ қилишини фалсафий жиҳатдан англаб етишдир. Грихастханинг асосий вазифаси - барча тирик мавжудотларга бошпана, озуқа бериш, қурбонлик маросими ўтказиш; брахмачарининг асосий вазифаси руҳий устозига садоқат билан хизмат қилиш. 43. Оилали одам фақат фарзанд кўриш учун белгиланган кунлардагина хотини билан жинсий алоқа қилиши мумкин. Бошқа вақтларда грихастха жинсий поклигини асраши, риёзат чекиши, танаси ва ақлининг поклигига риоя қилиши, соғлом, табиий, оддий турмуш тарзи билан яшаб, барча тирик мавжудотларга нисбатан дўстона муносабатда бўлиши лозим. Касби-кори ва жамиятдаги ўрнидан қатъий назар ҳар бир одам Менга сиғиниши лозим. 44. Бошқа бирор нарсага сиғинмасдан муқаддас бурчини адо этиб Менга сиғиниб юрган, Менинг ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд эканимни ҳамиша англаб юрадиган одам Менга соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилади.

45. Азизим Уддхава, Мен - бутун борлиқнинг Олий Ҳукмдориман, охириги сабабчиси бўлган ҳолда бу оламни Мен яратаман, Мен яқсон қиламан. Шундай қилиб, Мен - Мутлақ Ҳақиқатман. Менга соф садоқат билан хизмат қилиб, Менга сажда қилиб юрган одам Менинг даргоҳимга келади. 46. Шундай қилиб, муқаддас китобларда ўзига юклатилган вазифаларни бажариб, ҳаётини поклаб юрган, Мен ҳамманинг ҳаётини бошқариб турган Олий Ҳукмдор эканимни тўла тушунадиган, муқаммал руҳий илмни чуқур эгаллаб олган одам тез орада Менга эришади. 47. Мана шу варнашрама тизими қоидаларига амал қиладиган одамлар ҳақиқий дин қонунларини ишонарли урф-одатларга асосан ҳаётга татбиқ қилиш учун қабул қиладилар. Варнашрама тизимида белгиланган ана шу амалларни Менга эҳсон сифатида тақдим этиб, амалга ошириб юрган одамлар ҳаётда энг олий камолот чўкқисига эришадилар.

48. Эй азизим Уддхава, Мен ҳозир сенинг саволларингга жавоб бериб, ҳаётда ўз бурчини муқаммал бажариб юрган Менинг содиқ хизматкорим Менга, Худонинг Олий Шахсига эриша олиши мумкин бўлган усулларни гапириб бердим.

Ўн тўққизинчи боб. Муқаммал руҳий

ИЛМ

1. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Руҳий илм ўрганишда камолотга эришган, Худои Таолони шахсиятсиз деб фалсафий фикр юритишлардан озод бўлиб, руҳий ўзлигини англаб етган киши моддий оламни шунчаки алдамчи сароб сифатида қабул қилиб, ўзининг илмини ҳам, шу илмни эгаллаш учун фойдаланган нарсаларини ҳам Менга эҳсон қилиши лозим. 2. Билимдон, руҳий ўзлигини англаган зотлар сиғинадиган ягона Зот, ҳаётда интиладиган ягона мақсад, ана шу мақсадга эришиш воситаси ва бутун илмнинг ўзгармас хулосаси Мен бўламан. Аслини олганда, уларнинг бахтининг ҳам, бахтсизликлардан халос бўлишининг ҳам сабабчиси Мен бўлганим учун

шундай билимдон зотларнинг ҳаётда Мендан бошқа бирор мақсади ёки Мендан азизроқ кадрияти йўқ.

3. Фалсафий ва амалий илм ёрдамида камолот чўққисига эришган зотлар Менинг нилуфар кадамларим пойини энг юксак илоҳий мақсад деб тан оладилар. Шу боис илоҳий илм билимдони бўлган одам Мен учун ҳаммадан ҳам азиз, ўзининг мукаммал илми билан у Менинг бахтиёрлигимни қўллаб-қувватлайди. 4. Рухий илмнинг кичкина бир бўлаги ёрдамида эришиладиган баркамолликка ҳеч қандай риёзат, муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиш, сукут сақлаб қалбдан илтижо қилиш, хайр-эҳсон таратиш ёки бошқа эзгу фаолият ёрдамида эришиб бўлмайди. 5. Шунинг учун, эй азизим Уддхава, илм ёрдамида сен ўзингнинг аслида ким эканингни, ҳақиқий ўзлигингни англаб, тушуниб олишинг керак. Кейин, Ведалар илмини аниқ тасаввур қилиб англаш ёрдамида сен Менга чуқур муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишинг керак. 6. Ўтган замонларда буюк донишмандлар Ведалар илми ва руҳий таълим ёрдамида Мени ўзларининг қалбида билиб, барча қурбонлик маросимларининг эгаси ва ҳар бири тирик мавжудотнинг юрагидаги Олий Рух кўринишида Менга сажда қилганлар. Шу йўл билан Менга эришиб, улар камолот чўққисига кўтарилганлар.

7. Азизим Уддхава, моддий табиат гуналаридан таркиб топган моддий тана ва ақл ўзларини сенга қаттиқ боғлаб қўядилар, лекин улар аслида алдамчи, сароб нарсалардир, чунки уларнинг на аввали, на охири йўқ бўлиб, улар фақат ҳозиргина мавжуд нарсалардир. Шунинг учун қандай қилиб, тананинг ривожланишидаги ҳар хил босқичлар - туғилиш, ўсиш, насл қолдириш, ҳаёт кечириш, сўлиш ва ўлиш - жараёнларининг сенинг ҳақиқий ўзлигингга, мангу “мен”ингга қандайдир алоқаси бўлиши мумкин? Бу жараёнлар фақат аввал бўлмаган, кейин келажакда ҳам бўлмайдиган моддий танага тегишли жараёнлардир, холос. Тана фақат ҳозиргина мавжуд”.

8. Шри Уддхава шундай деди: “Эй бутун олам Парвардигори! Эй коинотнинг қиёфаси! Менга ана шу ўз-ўзидан, табиий равишда одамда таркидунёлик туйғусини юзага келтирадиган, бевосита илоҳий Ҳақиқатни англаб етиш имконини берадиган, буюк руҳий файласуфларнинг мулки бўлган мукаммал илмини ўрганиш жараёнини тушунтириб бер! Улуғвор зотлар мулки бўлган бу илм Сен Олий Зотларига садоқат билан хизмат қилишни таърифлайди.

9. Эй азиз Худойим, туғилиш ва ўлишнинг дахшатли йўлида дайдиб юраверишдан чарчаб, изтироб чекиб қийналаётган, ҳамиша бу дунёдаги уч турли азоб-уқубатларга мубтало бўлиб юрган одам учун мен Сенинг пастга ширин мангулик шарбати оқими тўкиб турадиган соябонга ўхшаган икки нилуфар пойи кадамларингдан бошқа бирор йўл кўрмаяпман. 10. Эй қудратли Худойим, илтимос, мендан Ўз марҳаматингни дариг тутмай, моддий дунёвий ҳаёт умонига қулаб тушиб, замон илонининг захарли чақишларига дучор бўлган бу ночор, ноилож тирик мавжудотга руҳий юксалиш имконини бер! Ана шундай ачинарли, жирканч ҳаёт кечираётганига қарамай, бу тирик мавжудот арзимаган моддий бахтдан чуқур лаззат олишга интилади. Илтимос, эй азиз Худойим, Ўзингнинг ҳар қандай одамни ҳам руҳий озодликка чиқишга ундайдиган ширин насиҳатларинг шарбатини куйиб, мени бу аянчли ҳолатдан қутқариб ол!”

11. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Азизим Уддхава, худди ҳозир сен Мендан сўраётгандай, ҳеч кимни ўзига душман деб ҳисобламайдиган шоҳ Юдхиштхира ҳам, бизлар диққат билан қулоқ солиб турган пайтда, диний қонунларни мукаммал биладиган ва ўзи қатъий амал қиладиган буюк зот Бхишмадевадан шу саволларни сўраган эди. 12. Курукшетрадаги буюк уруш тамом бўлгандан кейин, шоҳ Юдхиштхира ўзининг яқинлари, сеvimли қариндошлари ҳалок бўлгани сабабли қаттиқ қайғуга ботган эди, шундай қилиб, жуда кўп қонун-қоидалар ҳақида насиҳатлар олгандан кейин, ниҳоят у Бхишмадевага руҳий озодликка чиқиш йўли ҳақида савол берди. 13. Мен ҳозир сенга Ведалар илмининг, таркидунёликнинг, руҳий ўзликни англашнинг, иймоннинг ва Худого садоқат билан хизмат қилишнинг ана шу диний қоидалари ҳақида гапириб бераман. Мен бу гапларни бевосита Бхишмадеванинг ўзидан эшитганман.

14. Ҳар кимга барча тирик мавжудотлардаги тўққиз, ўн бир, беш ва уч унсурнинг ҳар хил бирикмаларини ва охир-оқибатда мана шу йигирма саккиз унсурнинг ичидаги ягона зотни бевосита яққол кўриш имконини берадиган мана шу илми Мен тўлалигича маъқулламан. 15. Одам ягона сабабдан келиб чиқадиган йигирма саккиз моддий унсурни кўришни тарк этиб, сабабнинг ўзини, Худои Таолони кўра бошлаганида унинг ҳаёт ҳақидаги бевосита тасаввурини *виджняна*, яъни “ўзини англаш”, “ҳақиқий ўзлигини англаш” деб аталади.

16. Пайдо бўлиш, мавжуд бўлиб туриш ва яқсон бўлиш - булар моддий сабабларнинг уч поғонасидир. Барча яралиш-йўқолишлар оша ана шу моддий поғоналар билан бирга бўлиб, барча моддий ривожланиш поғоналари, моддий оламдаги ўзгаришлар тамом бўлганда ҳам мавжуд бўлиб қоладиган зот ягона мангу Зот ҳисобланади. Исботнинг тўрт тури - Ведалар илми, бевосита тажриба, халқ донишмандлиги ва мантикий индукция усуллари ёрдамида ҳар бир фаросатли одам моддий оламнинг ўткинчи, ҳақиқий бўлмаган, асосиз ҳолатда эканини англаб олиши ва бунинг ёрдамида ҳар ким бу оламнинг ҳар хил қарама-қаршиликларидан воз кечиб, таркидунёлик ҳолатига эришиши мумкин. 18. Чуқур фикрлай оладиган фаросатли одам ҳар қандай моддий фаолият ҳамиша ўзгариб туришини, шундай қилиб, ҳатто Тангри Брахманинг сайёрасида ҳам ана шундай бахтсизлик мавжуд эканини кўра билиши лозим. Аслини олганда донишманд одам тушуниб олиши лозимки, худди у кўзи билан кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси ўткинчи нарсалар бўлгани сингари, бу моддий оламдаги ҳамма нарсанинг боши ва охири бор.

19. Эй бегуноҳ Уддхава, сен Мени қаттиқ севганинг учун, Мен сенга Худого садоқат билан хизмат қилиш жараёнини тушунтириб берган эдим. Ҳозир Мен Худого соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилишнинг улуғвор жараёнини яна бир бор тушунтириб бераман. 20-24. Менга эришиш мақсадида Менинг эрмақларим ҳақидаги бахтли ҳикояларга чуқур иймон билан ишониш, ҳамиша Менинг шухратимни куйлаб юриш, Менга сифиниш жараёнига қаттиқ боғланиш, ажойиб мадҳияларда Мени олқишлаш, Менга садоқат билан хизмат қилишни чуқур ҳурмат билан эъзозлаш, бутун танаси билан сажда қилиш, Менинг содиқларимга буюк тантана

билан сиғиниш маросими ўтказиш, Мен барча тирик мавжудотларда мавжудлигимни англаш, кундалик моддий фаолиятда Менга садоқат билан хизматини эҳсон қилиш, Менинг сифатларимни таърифлаш учун сўзлардан фойдаланиш, Менга ақлини таклиф этиш, дунёвий истақларни бутунлай тарк этиш, Менга садоқат билан хизмат қилиш учун моддий фаровонликдан воз кечиш, дунёвий ҳиссий лаззатларни ва бахт-саодатни тарк этиш, хайр-эҳсон қилиш, қурбонлик маросими ўтказиш, Мени олқишлаш, риёзат чекиш, табаррук қасамларга риоя қилиш - мана шуларнинг барчаси ҳақиқий диний қонун-қоидалардир. Бу қоидалар ёрдамида ҳақиқатан ҳам ўз ихтиёрини Менга топширган Худонинг содиқлари ўз-ўзидан қалбларида Менга нисбатан муҳаббат туйғусини ривожлантирадilar. Менинг содиқ хизматкоримнинг ҳаётда бошқа яна қандай мақсади бўлиши мумкин?

25. Одамнинг эзгулик гунаси таъсирида кучайган осойишта онги Худо Шахсида мужассам бўлганида у тақводорликка, илмга, таркидунёликка ва бойликка эга бўлади.

26. Онги моддий танада, уйда ва шу каби ҳиссий лаззат келтирадиган нарсаларда мужассам бўлганида, одам ўзининг умрини ҳиссиётлари ёрдамида моддий нарсалар изидан қувиш билан ўтказиши. Шу тарзда эҳтирос домига тушиб қолган онг ўткинчи нарсаларга боғланиб қолади, шу тариха худосизлик, ғофиллик, боғланиш ва бахтсизлик юзага келади. 27. Инсонни (Менга)Худога садоқат билан хизмат қилишга олиб келадиган қонунлар “ҳақиқий дин қонунлари” деб ҳисобланиши керак. Ҳақиқий илм - Менинг ҳамма ерга сингиб кетганим, ҳамма жойда мавжудлигим ҳақида билишдир. Таркидунёлик - ҳиссиётларга лаззат берадиган нарсаларга мутлақо эътибор бермасликдир, ҳақиқий бойлик эса - *анима-сиддхи* сингари саккиз турли сеҳр қудратига эга бўлишдир”.

28-32. Шри Уддхава шундай деди: “Азизим Кришна, эй душманларни жазоловчи зот, илтимос, менга айтчи, мунтазам бажариш лозим бўлган кундалик вазибаларнинг, тартиб қоидаларининг неча тури бор? Эй азиз Худойим, яна айт-чи, ақлнинг хотиржамлиги, ақлнинг мувозанат ҳолати, ўзини назорат қилиш, чидамлилик ва барқарорликнинг ҳақиқий аҳамияти нимадан иборат? Хайр-эҳсон, риёзат ва қахрамонлик дегани нима, ҳақиқат ва ҳақиқий мавжудлик қандай таърифланиши лозим? Таркидунёлик дегани нима, бойлик, фаровонлик дегани нима? Яхши нарсалар нималар, қурбонлик маросими, диний, руҳий фойда дегани нима? Эй азизим Кешава, эй энг омадли Зот, маълум шахснинг кучини, бойлигини ва фойдасини мен қандай тушунишим керак? Энг яхши маълумот қандай бўлади, ҳақиқий инсонийлик, одамийлик қандай бўлади, ҳақиқий гўзаллик нимада? Бахт ва бахтсизлик нима? Ким донишманд, ким - нодон ҳисобланади? Ҳаётда ҳақиқий ва сохта йўллар қайсилар, жаннат ва дўзах нима? Ҳақиқий дўст қандай бўлади, ҳақиқий уй дегани нима? Қандай одам бой, қандай одам камбағал ҳисобланади? Ким ярамас, ачинарли, бахтсиз ва ким ҳақиқий ҳукмдор ҳисобланади? Эй содиқларнинг Худоси, илтимос, менга ана шу нарсаларни уларнинг қарама-қарши белгилари билан бирга тушунтириб бер!”

33-35. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Зулм қилмаслик, ростгўйлик, бошқаларнинг мулкига кўз олайтирмаслик, ўғирламаслик, таркидунёлик,

инсонийлик, ўзини бирор нарсанинг эгаси деб ҳисобламаслик, дин қонунларига иймон, жинсий поклик, хотиржам ҳолда сукут сақлаш, барқарорлик, кечиримли бўлиш ва жасорат (қўрқмаслик) - булар бирламчи ўн икки тартиб-интизом қоидаларидир. Ички поклик, ташқи поклик, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш, риёзат, қурбонлик маросими, иймон, меҳмондўстлик, Менга сиғиниш, муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиш, энг буюк нарсаларга интилиш ва исташ, ҳаётдан мамнун бўлиб яшаш, руҳий устозга садоқат билан хизмат қилиш - мунтазам бажариб юриш лозим бўлган кундалик амаллардир. Мана шу йигирма тўрт қоидага риоя қилиб юрган одамлар ҳаётда ўзлари истаган барча орзу-истақларга эришадилар. 36-39. Тафаккурини Менда мужассам қилиш ақлнинг хотиржамлиги, мувозанат ҳолати ҳисобланади, ҳиссиётни тўла тартибга солиш ўзини назорат қилиш деб аталади. Чидамли бўлиш - бахтсизликларга итоаткорлик билан бошдан кечиришдир, тили ва жинсий аъзосини жиловлаб олган одам барқарор одам ҳисобланади. Энг буюк хайр-эҳсон - бошқаларга бирор зулм ўтказмаслик, зўравонлик, тажовуз қилмасликдир, ҳақиқий риёзат - эҳтиросни бутунлай тарк этишдир. Ҳақиқий қахрамонлик - қалбидаги ҳиссий лаззатланишга бўлган табиий интилишни енга билишдир, ҳақиқат - Худонинг Олий Шахсини ҳамма ерда кўра билишдир. Ростгўйлик - буюк донишмандлар аниқлаган ҳақиқатни, рост гапни ёқимли тарзда айта билиш. Поклик - кармали фаолиятга боғланмаслик, таркидунёлик эса - саннийасининг турмуш тарзи. Одам учун ҳаётда ҳақиқий омад, ҳақиқий саодат - тақводорлик билан яшашдир. Мен - Худонинг Олий Шахси - қурбонлик маросими бўламан. Диний фойда, руҳий муқофот - руҳий насихат олиш ниятида ачарйага садоқат қилишдир, буюк куч эса - нафасни назорат қилишнинг *пранайама* тизимидир.

40-45. Ҳақиқий бойлик - Менинг Худонинг Олий Шахси бўлган табиатимдир, унинг ёрдамида Мен олти хил чексиз бойликларни намойиш этаман. Инсон ҳаётининг энг олий мазмуни, мақсади - Менга садоқат билан хизмат қилиш, ҳақиқий маълумот - инсон қалбидаги сохта қарама-қаршилиқларни яқсон қилишдан иборат. Ҳақиқий камсукумлик, риёзат - бемаъни фаролиятдан жирканишдир, гўзаллик - таркидунёлик сингари эзгу сифатларга эга бўлишдир. Ҳақиқий бахт - дунёвий бахт ва бахтсизликларни енга билишдан иборат, ҳақиқий азоб-уқубат - лаззат олиш ниятида жинсий алоқа қилиш имкониятини излаш билан машғул бўлиб умрини ўтказишдир. Ҳақиқий донишманд одам - моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиш йўлини биладиган одамдир, нодон одам - моддий танаси ва ақлини “мен ўзим” деб биладиган одамдир. Ҳаётда ҳақиқий йўл - инсонни Менга олиб келадиган йўлдир, нотўғри, сохта йўл - одамнинг онгини бошини берк кўчага олиб борадиган ҳиссий лаззатланиш йўлидир. Ҳақиқий жаннат - инсон ҳаётида эзгулик гунасининг устивор бўлишидир, дўзах эса - ғафлат гунасининг устиворлиги. Мен бутун оламнинг ҳақиқий руҳий устози сифатида ҳар кимнинг энг яқин ҳақиқий дўсти бўламан, ҳар кимнинг ҳақиқий уйи - инсон танасидир. Эй азиз дўстим Уддхава, эзгу фазилатларга эга бўлган одам ҳақиқатан ҳам чексиз бойликка эга бўлган одамдир, ҳаётдан ҳаммиша норози бўлиб юрган одам - муҳтож, ночор, камбағал одамдир.

Ярамас одам - ўзининг хиссиётини жиловлай олмайдиган одамдир, хиссий лаззатларга боғланиб қолмаган одам ҳақиқий ҳукмдор ҳисобланади. Ҳиссий лаззатларга боғланиб қолган одам ўзининг нафсига қул бўлиб қолган, тутқунликдаги одамдир. Шундай қилиб, азизим Уддхава, Мен сен сўраган ҳамма нарсани тушунтириб бердим. Бу яхши ва ёмон сифатларни батафсилроқ тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, чунки ҳамиша яхши ва ёмон нарсаларни кўриб юришнинг ўзи ҳам ёмон фазилат ҳисобланади. Энг яхши фазилат - моддий яхшилик ва ёмонликка нисбатан ҳамиша илоҳий ҳолатда қолишдир.

Йигирманчи боб.

Худога соф садоқат билан хизмат қилиш илм ўрганиш ва таркидунёликдан устун туради.

1. Шри Уддхава шундай деди: “Азизим, э нилуфарқўзли Кришна, Сен - Худонинг Олий Шахсисан, шундай қилиб, ижобий ва салбий кўрсатмалардан таркиб топган Ведавий муқаддас китоблар аслида Сенинг кўрсатмаларингдир. Бу муқаддас китоблар дунёвий фаолиятнинг яхши ва ёмон сифатларига катта аҳамият берган. 2. Ведалар адабиётига кўра, инсонлар жамиятидаги варнашрама тизимида мавжуд бўлган асосий ва иккиламчи фарқлар оилани режалаштиришнинг савоб ва гуноҳ сифатларига қараб тузилган. Шундай қилиб, гуноҳ ва савоб - бирор нарсани, айнан: моддий унсурларни, макон, замон факторларини Ведавий илм асосида таҳлил қилишнинг бошланғич нуктаси ҳисобланади. Аслини олганда Ведалар савоб ва гуноҳ ишлар асосида юзага келадиган моддий жаннат ва дўзахнинг мавжудлигини тушунтиради. 3. Савоб ва гуноҳ ишлар орасидаги фарқни муҳокама қилиб билиб олмай туриб, Сенинг ҳар кимга савоб қилиш, гуноҳдан тийилиш ҳақидаги кўрсатмалардан иборат бўлган Ведавий муқаддас китобларингни одамлар қандай тушуниб олишлари мумкин? Бунинг устига, охир-оқибатда одамни руҳий озодликка олиб чиқадиган ана шундай Ведавий муқаддас китобларсиз инсон танасига эга бўлган тирик мавжудотлар қандай қилиб ҳаётда камолотга эришишлари мумкин?”

4. Эй азиз Худойим, руҳий озодликка эришиш, жаннатга бориш ёки бизларнинг ҳақиқий имкониятимиздан ташқарида бўлган бошқа моддий лаззатларга эришиш сингари нарсаларни тушуниш ва умуман ҳар бир нарсанинг, амалнинг мақсадини ёки унинг нимага мўлжалланганлиги англаб етиш учун ажодларимиз, фаришталар ва одамлар Ведаларга мурожаат қилиши лозим, чунки Ведалар Сен яратиб қўйган азалий қонун-қоидалар бўлиб, энг олий исботлаш қуроли бўлган ҳолда энг махфий сирларни ёритади. 5. Эй азиз Худойим, гуноҳ ва савоб ўртасида кўзга ташланадиган фарқ Сен яратиб қўйган Ведалар илми орқали юзага келади - ўз ўзидан пайдо бўлмайди. Агар ана шу илмнинг ўзи кейинчалик гуноҳ ва савоб ишлар орасидаги фарқни йўққа чиқарадиган бўлса, албатта одамлар саросимага тушиб, ақли чалкашиб, адашиб қоладилар”.

6. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Азизим Уддхава, Мен инсон танасидаги тирик

мавжудотлар камолотга эришишларини истаганим учун уларга руҳий юксалишнинг уч йўлини тавсия қилдим: илм ўрганиш усули, кармали фаолият усули, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли. Мана шу уч йўлдан бошқа руҳий юксалишга эришишнинг бирор йўли мавжуд эмас. 7. Бу йўллар ичида жнана-йога йўли, яъни фалсафий фикрлашлар йўли, дунёвий ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган, шу сабабли оддий, кармали фаолиятдан юз ўгирган одамлар учун мўлжалланган. Дунёвий ҳаётдан жирканмайдиган, қалбида ҳали ушалмаган дунёвий орзу-истаклари кўп одамлар руҳий юксалишнинг карма-йога йўлидан боришлари лозим. 8. Агар қандайдир йўллар билан омади келиб, одам қалбида Менинг шон-шухратимни тинглаш ва шарафлаб қуйлашга ишонччи, чуқур иймонни ривожлантирса, дунёвий ҳаётдан ҳали унча безмаган ёки унчалик боғланиб қолмаган бундай одам руҳий юксалишда камолотга Менга садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида эришиши лозим. 9. Агар одам ҳали кармали фаолиятдан мамнун бўлиб, *шраванам* ва *киртанам вишноҳ* ёрдамида қалбида Худога садоқат билан хизмат қилишга ихлос, интилиш уйғотмаган бўлса, у Ведаларда кўрсатилган қонун-қоидаларга амал қилиб яшаши лозим.

10. Азизим Уддхава, ведавий қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаётган, қурбонлик маросими асосида Худога сиғиниб юрган, лекин бундай сиғинишнинг шарофатли натижаларига боғланиб қолмаган одам жаннат сайёраларига кўтарилмайди; худди шундай, таъқиқланган фаолият билан машғул бўлмагани сабабли, у дўзахга ҳам мубтало бўлмайди. 11. Ҳаётда ўзининг муқаддас бурчини холис бажариб юрган, гуноҳ ишлардан ва моддий иллатлардан покланган одам ҳозирги ҳаётининг ўзидаёқ илоҳий илмга эришади ёки омади келса, Менга садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилади. 12. Жаннатда яшаётганлар ҳам, дўзахда яшаётганлар сингари Ер сайёрасида инсон танасида туғилишга интиладилар, чунки ИНСОН танаси илоҳий илм олишга ва Худога муҳаббат туйғусини ривожлантиришга ёрдам беради. На жаннатда лаззатланиб яшаш, на дўзахда азоб чекиш тирик мавжудотга бундай имконият бермайди.

13. Етарли фаросатга эга бўлган донишманд одам ҳеч қачон жаннатга кўтарилиш ёки дўзахда яшашга интилмаслиги керак. Аслини олганда инсон танасига эга бўлган зот ҳамиша Ерда яшаб қолишга ҳам интилмаслиги керак, чунки бундай моддий тана ичига қамалиб қолган тирик мавжудот ҳақиқий “мен”ини, руҳини унутиб, ўзининг ҳақиқий фойдаси, шахсий манфаати аслида нима эканини унутиб қўяди. 14. Гарчи моддий танаси ҳалоқатга маҳкум бўлса ҳам, бу танаси уни руҳий ҳаётда камолотга эриштиришга қодир эканини биладиган донишманд одам ана шу имкониятдан ажали етмасдан аввал фойдаланиб қолишни нодонларча ортга суриб юрмаслиги керак.

15. Ажал тимсолига ўхшаган ёвуз одам дарахтни чопаетганида шу дарахтга ин қурган қуш ҳеч қандай боғланишсиз дарахтни тарк этиб кетади ва шу тариқа бошқа жойда бахтиёр яшай бошлайди. 16. Инсон танасидаги умри кун ва тунларнинг бетиним алмашиб туриши билан бетиним кесилаётганини билган ҳолда ҳар бир фаросатли одам ажалдан қўрқиб яшаши лозим. Ҳар қандай дунёвий боғланиш ва истақларини тарк этиб, руҳий юксалиш йўлида одам Худои Таолони англаб етади ва мукаммал хотиржамлик оламига

эришади. 17. Ҳаётда ҳар қандай бахт-саодат ато этишга қодир бўлган инсон танаси, гарчи моддий оламда жуда нодир учраса ҳам, тирик мавжудотга бу тана моддий табиат қонунларига кўра ўз-ўзидан берилади. Инсон танасини дарға сифатида руҳий устоз бошқараётган, бир йўналишда эсаётган кучли шамол сифатида Худои Таолонинг қонунлари тўғри йўналишда олиб бораётган, мукамал қурилган катта кемага ўхшатиш мумкин. Ана шу имкониятларни эсда сақлаган ҳолда, улардан моддий тирикчилик уммонини кечиб ўтиш учун фойдаланмай қолган инсон танасига эга бўлган омадсиз тирик мавжудотни “ўз жонининг қотили” деб ҳисоблаш лозим.

18. Моддий бахтга эришишга шунча интилишлардан сўнг ҳафсаласи пир бўлиб, барча умидлари пучга чиқиб, одам ҳиссиётини ўзининг тўла назорати остига олиб, қалбида таркидунёлик туйғусини ривожлантира бошлайди. Руҳий ҳаёт қондаларига риоя қилган ҳолда, у ҳеч иккиланмасдан ақлини руҳий юксалиш йўлидаги амаллар билан мустаҳкам банд қилиши лозим. 19. Руҳий ҳолатда мужассам бўлган ақл ўзининг руҳий ҳолатидан четга чиққан заҳоти доинишманд одам уни эҳтиёткорлик билан дарҳол изига қайтариб, тавсия қилинган йўллар билан яна ҳақиқий “мен”нинг назорати остига олиши лозим. 20. Ҳеч ким, ҳеч қачон ақлий фаолиятининг ҳақиқий мақсади нима эканини эсидан чиқармаслиги керак, аксинча, ҳаёт нафасини ва ҳиссиётини жиловлаб олиб, эзгулик гунаси қувватлантириб турган тафаккурдан фойдаланиб, ақлини ҳамиша ҳақиқий ўзлиги, “мен”нинг назорати остида қўйиши лозим. 21. Тажрибали жиловдор тўпори отни жиловлаб олиш учун аввалига озгина вақт отни ўз ҳолига қўйиб юборади, кейин тизгинни тортиб, аста-секин отни ўзи истаган йўналишда юришга ўргатади. Худди шундай, йога билан шуғулланишнинг энг олий жараёни ҳам шундай жараёнки, унда одам ақлнинг ҳаракатини, истакларини диққат билан кузатиб туради ва аста-секин уларни қаттиқ назорат остига олиб, тўғри йўлга солади. 22. То ақли руҳий осойишталикда, хотиржамликда мустаҳкам туриб олмас экан, одам фазовийми, ердагими ёки атомар заррачаларми, барча моддий нарсаларнинг вақтинчалик табиатини таҳлил қилиб, чуқур илм ўрганиши лозим. У ҳамиша табиатнинг яратувчи хусусияти натижасида пайдо бўлаётган нарсаларни, табиатнинг яқсон қилувчи, емирувчи сифати натижасида оламнинг емирилиб бораётганини кузатиб, хулоса чиқариб юриши лозим. 23. Одам бу моддий оламнинг вақтинчалик, алдамчи табиатига нисбатан қалбида жирканиш туйғуси ҳосил қилиб, ундан воз кечиш, таркидунёлик қилиш ҳолатига етганида унинг руҳий устозининг кўрсатмалари асосида бошқарилиб турган ақли такрор ва такрор бу оламнинг табиати ҳақида фикр юритаверади ва аста-секин ўзини моддий танасига қиёслашни тарк этади.

24. Йога тизимининг ҳар хил тартибга солувчи ва покловчи амаллари ёрдамида, манткий ва руҳий таълим олиш ёки Менга сиғиниш ва Менга сажда қилиб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ёрдамида ҳар бир одам ҳамиша ўзининг ақлини йоганин олий мақсади бўлган Худонинг Олий Шахсини эслаб юришда машғул қилиши лозим. Бу мақсадга эришиш учун бошқа ҳеч қандай воситалардан фойдаланиб бўлмайди. 25. Агар бир лаҳзалик эътиборсизлик натижасида йог бирор бемаъни ҳаракат, гуноҳ иш қилиб қўйган бўлса, у бошқа бирор усул излашга вақт кеткизиб юрмасдан, яна

айнан шу йога усули ёрдамида гуноҳ ишларининг оқибатини ёқиб кул қилиб юбориши лозим.

26. Аниқ айтилганки, руҳий ҳаёт кечириб юрган одам ўзининг руҳий ҳолатига яраша қондаларга риоя қилиши ҳақиқий тақводорлик ҳисобланади, ўзининг муқаддас бурчини бажаришдан бош тортиш эса гуноҳ ҳисобланади. Гуноҳ ва савоб ишларнинг мана шу қондасини қабул қилган ва ўзининг ҳиссий лаззатланиш билан боғлиқ бўлган аввалги ҳаётини, турмуш тарзини тарк этишга самимий интилаётган одам аслида табиатан нопок бўлган дунёвий амалларни, моддий фаолиятни енга олади. 27-28. Менинг шухратим ҳақидаги ҳикояларга қалбида чуқур иймон уйғотиб, ҳар қандай моддий фаолиятга нисбатан жирканиш туйғусини ривожлантириб, ҳар қандай ҳиссий лаззатлар охир-оқибатда барибир бахтсизликка олиб келишини билса ҳам, ҳиссий лаззатларни тарк этишга қодир бўлмаган Менинг содиқ хизматкорим ҳамиша бахтиёр яшаб, Менга чуқур иймон ва ишонч билан сиғиниб сажда қилиши лозим. Ҳатто у баъзан ҳиссий лаззатларга берилиб кетса ҳам, Менинг содиқ хизматкорим ҳиссий лаззатлар оқибатда жуда ачинарли оқибатларга

олиб келишини яхши билиб, ўзининг бундай нопок фаолиятдан самимий пушаймон бўлиб, ихлос билан тавба-тазарру қилади.

29. Чуқур фикрлай оладиган фаросатли одам, Мен Ўзим кўрсатгандай садақат билан хизмат қилиш ёрдамида Менга сиғиниб юрганида унинг қалби Менга қаттиқ боғланиб қолади. Шу тарика унинг қалбидаги барча дунёвий истаклар бутунлай яқсон бўлади. 30. У Мени Худонинг Олий Шахси сифатида кўришга муваффақ бўлганида, унинг қалбидаги ғофиллик тугуни узилиб, барча беҳосият туйғулар парчаланиб кетади ва оқибат келтирадиган кармали амаллар занжири яқсон бўлади. 31. Шунинг учун, ақли ҳамиша Менда мужассам бўлиб, Менга соф садақат билан хизмат қилиб юрган содиқ хизматкор учун қалбида илм ва таркидунёликни ривожлантириш аслида бу дунёда юксак камолотга эришиш воситаси бўлмай қолади.

32-33. Кармали фаолият, тавба-тазарру, таркидунёлик, сеҳрли йога билан шуғулланиш, хайр-эҳсон улашиши, диний урф-одатларга амал қилиш ва ҳаётда камолотга эришишга олиб келадиган бошқа барча усуллар билан эришиладиган нарсаларнинг ҳаммасига содиқ хизматкорим Менга садақат билан хизмат қилиш ёрдамида осонлик билан эришади. Агар Менинг содиқ хизматкорим қандайдир сабабларга кўра жаннатга киришни, руҳий озодликка чиқишни ёки Менинг даргоҳимда яшашни истаб қолса, у буларнинг истаган бирига ҳеч қийналмасдан эришади. 34. Менинг содиқларим авлиёлардай хулқ-атворга, чуқур тафаккурга эга бўлгани учун улар ўзларини бутунлай Менга топшириб қўядилар ва Мендан бошқа ҳеч нарсани истамайдилар. Аслини олганда ҳатто агар Мен Ўзим уларга туғилиш ва ўлишлардан озодликка чиқишни совға қилсам ҳам, улар ҳатто ана шу тухфани ҳам қабул қилмайдилар. 35. Тўла таркидунёлик - озодликка чиқишнинг энг олий поғонаси, дейилади. Шунинг учун ҳаётда бирор шахсий истаги бўлмаган, бирор шахсий манфаат, фойда изидан югурмайдиган одам Менга садақат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилиши мумкин. 36. Дунёвий шахвоний эҳтиросли интилишлардан муғлақо пок бўлган ҳолда ҳар қандай

вазиятда ҳам барқарор рухий онгини қўллаб-қувватлаб турадиган соф содиқларимда бу оламнинг эзгулик ва ёвузлигидан, яхшилик ва ёмонлигидан юзага келадиган дунёвий савоб ва гуноҳ тушунчалари умуман бўлиши мумкин эмас. Аслини олганда ана шундай содиқлар аллақачон моддий тафаккур қабул қила оладиган нарсалардан устун турадиган Менга, Худои Таолога эришган зотлар ҳисобланадилар.

37. Менга эришишнинг Мен шахсан Ўзим ўргатган ана шу усулига жиддий риоя қилиб юрган шахслар алданиш домидан халос бўладилар ва улар Мутлак Ҳақиқатни муқаммал тушуниб етадилар.

Йигирма биринчи боб. Парвардигор Кришнанинг Ведалар йўлини таърифлаб бериши.

1. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Менга эришишнинг мана шу усуллари - Худого садоқат билан хизмат қилиш(бхакти), таҳлилий фалсафа(ғйани) ва диний қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаш(карма) йўллари инкор этиб, моддий ҳиссиётининг кули бўлиб, арзимаган ҳиссий лаззатларга интилиб яшаётган одам моддий тирикчиликнинг энг узоқ давом этадиган чархпалагига тушиб қолади. 2. Ўзининг ҳақиқий рухий ҳолатида барқарор туриш “ҳақиқий такводорлик” деб аталади, ўзининг ҳақиқий рухий ҳолатидан четга чиқиш эса, динсизлик, “иймонсизлик”, иккиюзламачилик деб аталади. Шундай қилиб, бу икки йўл аниқ белгилаб қўйилган. 3. Эй бегуноҳ Уддхава, ҳаётда ўзига қайси иш тўғри келишини ҳар ким ўзи аниқлаши керак. Шундай қилиб, диний қонун-қоидаларни таҳлил қилганда поклик ва нопокликни эътиборга олиш керак. Худди шундай ҳар куни қилинадиган кундалик вазифаларда ҳам, тананинг мавжудлигини таъминлаб туриш учун яхши ва ёмон амалларни бир биридан ажрата билиш, қайси иш рухий юксалиш учун яхши, қайси иш унга ёмон таъсир қилишини таний билиш керак. 4. Мен ҳаётнинг бу йўлини дунёвий диний қонун-қоидаларга риоя қилиб яшашни мақсад қилиб олганлар учун ошкор этдим.

5. Ер, сув, олов, ҳаво ва эфир - Тангри Браҳмадан то қўзғалмас тирик мавжудотларгача барча шартланган руҳларнинг танаси мана шу беш асосий унсурдан таркиб топган. Бу унсурларнинг барчаси ягона Худо Шахсидан чиқади.

6. Азизим Уддхава, гарчи барча моддий таналар бир хил унсурлардан таркиб топган бўлса ҳам, гарчи бу жиҳатдан уларнинг ҳаммаси баробар бўлса ҳам, тирик мавжудот ҳаётида ўз мақсадларига эриша олишлари учун Ведавий муқаддас китоблар моддий таналарни ҳар хил номлар билан атаб, ҳар хил шаклларни белгилаб қўйган.

7. Эй авлиё Уддхава, моддий фаолиятни тартибга солиш ва чеклаб қўйиш учун Мен барча моддий нарсаларни, шу жумладан замон, макон ва барча жисмоний нарсаларни (шарофатли)яхши ва ёмонга ажратиб қўйдим. 8. Барча макон(жой)лар ичида чипор антилопалар яшамайдиган, браҳманлар эъзозланмайдиган, чипор антилопалар яшайдиган, аммо табаррук зотлар яшамайдиган, Киката сингари вилоятлар, поклик ва покланиш маросимлари инкор этиладиган, аксарият аҳолиси гўшт истеъмол қиладиган

одамлардан иборат ёки ерлари ҳосил бермайдиган жойларнинг ҳаммаси нопок, ҳаром ерлар деб аталади. 9. Ўзининг табиатида кўра ёки ўз бурчини бажариш учун зарур бўлган тайёргарликлар кўриб қўйилган вақт - шарофатли вақт деб ҳисобланади. Инсоннинг ҳаётда муқаддас китобларда белгиланган ўз бурчини бажаришга тўсқинлик қиладиган вақт ҳаром вақт ҳисобланади. 10. Бирор нарсанинг поклиги ёки нопоклиги бошқа нарса ёрдамида сўзлар, маросимлар, вақт оқибати ёки уларга яқинлик даражаси билан аниқланади. 11. Нопок нарсалар одамнинг кучли ёки кучсизлигига, тафаккурига, рухий бойлигига, яшаш жойига ва жисмоний ҳолатига қараб унга таъсир кўрсатиши ёки кўрсатмаслиги мумкин. 12. Майсалар, ёғоч буюмлар, суякдан ясалган нарсалар, ип, суюқликлар, оловдан, теридан ва ердан ясалган нарсаларнинг ҳаммаси вақт, шамол, олов, ер ва сув ёрдамида, буларнинг ҳаммасидан биргаликда ёки алоҳида қўлланилиб покланилади. 13. Бирор ҳаром нарсадан келаётган қўланса хидни ёки уни қоплаб олган ифлос гардини тозалашга, унинг бошланғич сифатини қайта тиклашга қодир бўлган нарса поклашга яроқли ҳисобланади. 14. “Мен” яъни рухий ўзлик сувда чўмилиб ювиниш, хайр-эҳсон, риёзат, ёш поғоналари, шахсий куч, покланиш маросимлари, муқаддас бурчини бажариши ва энг аввало Мени эслаб юриш билан покланади. Браҳманлар ва бошқа иккибор туғилганлар ўзларининг вазифаларини бажаришдан олдин ўз вақтида ювиниб покланишлари лозим. 15. Етарли илмга эга бўлиб зикр қилинганда мантра поклаш хусусиятига эга бўлади, бирор ишни Менга атаб амалга оширганда, шу иш ҳам покловчи восита бўлади. Шундай қилиб, жой, вақт, мато, бажарувчи, мантралар ва иш(амал) ёрдамида одам такводор, художўй бўлади, мана шу олти бандни инкор этадиган киши иймонсиз, худосиз одам ҳисобланади. 16. Баъзан савоб, эзгу амал гуноҳ бўлиб чиқади, баъзан эса, одамлар одатда гуноҳ деб ҳисоблаган амал Ведалар кўрсатмасига кўра савоб, эзгу иш бўлади. Аслида ана шундай алоҳида, махсус қоидалар гуноҳ ва савоб ишлар орасидаги фарқни йўққа чиқаради. 17. Улуғвор шахсни тубанликка юз тутишга, адашишга мажбур қиладиган амаллар аллақачон адашган, тубанликка юз тутган иймонсиз одамга таъсир қилмайди. Ерда йиқилиб ётган одам яна ҳам пастроқ қулай олмайди. Ўзининг рухий ҳолатига, табиатида мос бўлган дунёвий суҳбатлар одамнинг яхши фазилати, сифати ҳисобланади*.

*...Санъиаси учун аёллар билан ҳамсухбат бўлиш энг жирканч иш, лекин грихастха учун Ведавий муқаддас китобларнинг кўрсатмасига асосан фарзанд кўриш учун хотини билан қўшилиш савоб иш ҳисобланади. Худди шундай, вино ичган браҳман энг оғир гуноҳ қилган бўлади, лекин ўзини вино ичишдан туттишга қодир бўлган шудра такводор, художўй одам ҳисобланади.

18. Гуноҳ ёки дунёвий ишлардан иборат бўлган фаолиятдан ўзини тийиш билан одам моддий тутқунликдан озодликка чиқади. Бундай таркидунёлик инсон танасидаги тирик зотлар учун такводор ва ҳалол ҳаёт кечиришнинг асосини ташкил этиб, уларни барча азоб-уқубатлардан, алданиш ва кўркувдан халос этади. 19. Ҳиссиётларга лаззат берадиган нарсаларни ёқимли, яхши нарсалар деб қабул қиладиган одам уларга албатта боғланиб қолади. Ана шундай боғланишдан эҳтирос юзага келади, эҳтирос одамлар орасида ўзаро душманликни юзага келтиради. 20. Ўзаро душманлик

таъсирида ғофиллик зулмати билан бирга чидаб бўлмайдиган ғазаб, нафрат юзага келади. Мана шу ғофиллик тез вақт ичида одамнинг кенг тафаккурини бутунлай қамраб олади.

21. Эй авлиё Уддхава, ҳақиқий илмдан маҳрум бўлган одам ҳаётда ҳамма нарсадан маҳрум бўлган одам ҳисобланади. Ҳаётнинг ҳақиқий мақсади сари интилишдан четга чиқиб, бу дунёда у мурда сингари ғофил тўнка бўлиб қолади. 22. Ҳиссий лаззатларга берилиб, ғафлат уммонига ғарқ бўлган одам ўзини ҳам, бошқаларни ҳам англаш, таниш, билиш имкониятидан маҳрум бўлади. Худди онгсиз дарахт сингари ғафлат ичида кун кечирар экан, у шунчаки темирчининг мешидай нафас олади, холос. 23. Муқаддас китобларда кўрсатилган натижаси қандайдир моддий манфаат ваъда қиладиган амаллар аслида одамларга мазкур амалнинг яқуний мақсадини ошқор этмайди. Улар худди фойдали бўлган аччиқ дорини ичириш учун отаси ёш боласига ширинлик ваъда қилгани сингари, одамларни Худонинг қонунларини бажаришга жалб этиш учун восита вазифасини бажаради, холос.

24. Бу дунёда инсон танасида туғилиши натижасида одамларнинг ақли табиий равишда ҳиссий лаззатларга, узоқ умр кўришга, ҳиссиётларининг фаолият кўрсатишига, танасининг қудратига, шахвоний қувватига, дўстлари ва оиласига ўз ўзидан боғланиб қолган бўлади. Шу тариқа уларнинг ақли ўзларининг ҳақиқий манфаатини, рухий фойдасини тўсиб қўядиган нарсаларга ғарқ бўлади. 25. Ўзларининг ҳақиқий фойдасини, манфаатини билмайдиган ана шундай ғофил одамлар моддий тирикчилик йўлидан бориб, ҳаётда аста-секин ғафлат зулмати сари равона бўладилар. Агар улар шунчалик ғофил бўлишларига қарамай, итоаткорлик билан Ведаларнинг қонунларига риоя қилиб юрган бўлсалар, нимага Ведалар уларнинг ҳиссий лаззатланишга бўлган интилишларига, инжиқликларига бўйсуниб қолавериши керак?

26. Тафаккури булганган ғофил одамлар Ведалар илмининг мана шу ҳақиқий мақсадини тушунмайдилар ва бунинг ўрнига Ведаларнинг олий, ҳақиқий мақсади сифатида Ведаларнинг моддий манфаат ваъда берадиган чиройли гапларини тарғибот қиладилар. Ведаларни ҳақиқатан ҳам муқаммал тушуниб етган донишмандлар ҳеч қачон бундай қилмайдилар.

27. Қалби эҳтиросга, очқўзликка ва қизғаниш туйғусига ғарқ бўлган одамлар адашганидан “ҳаёт дарахти”нинг гулларини дарахтнинг ҳақиқий меваси деб қабул қиладилар. Оловнинг шуъласига алданиб, унинг тутунидан бўғилиб, улар ўзларининг ҳақиқий холатини, “мен”ини топа олмайдилар.

28. Азизим Уддхава, ҳаёт Ведавий муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаш асосида ҳиссий лаззатларга берилган одамлар Мен ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд эканимни, бутун олам Мендан фарқ қилмаслигини ва у Мендан чиқиб турганини тушуна олмайдилар. Аслида улар худди кўзларини ғубор босган кўр одамларга ўхшайдилар. 29-30. Ҳиссий лаззатларга берилиб яшашга қасам ичган одамлар Ведалар илмининг Мен таърифлаган сирли, махфий хулосасини тушуна олмайдилар. Зўравонлик, зулм қилишдан мамнун бўлиб, улар ўз нафсини қондириш ниятида қурбонлик маросимида беозор, беғуноҳ ҳайвонларни сўядилар ва шундай қилиб фаришталарга, аждодларига ва арвоҳ-ажиналарнинг ҳукмдорларига сиғинадилар. Аммо,

зулмга, зўравонликка шундай ружу қўйиш ҳеч қачон Ведавий қурбонлик маросимлари жараёнида маъқулланмаган.

31. Худди нодон ишбилармон одам фойдасиз бирор иш қилиб ўзининг ҳақиқий бойлигидан айрилиб қолгани сингари, ғофил, нодон одамлар ҳам ҳаётда ўзи учун ҳақиқатан ҳам қадрли бўлган нарсаларни эътиборсиз қолдириб, гарчи уларни тинглаш қулоққа ёқимли бўлса ҳам, аслида тушга ўхшайдиган сохта, ўткинчи бўлган жаннатга кўтарилишга интиладилар. Ҳаётда адашган шундай одамлар қалбида ўзларича ҳаётдаги барча моддий бахт-саодатга эришаман деб ўйлайдилар. 32. Моддий эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсирида одамлар маълум фаришталарга ва Индра бошлиқ бошқа илоҳларга сиғинадилар, ваҳоланки уларнинг ўзлари ҳам ўша эзгулик, эҳтирос ва ғафлат сифатларини намоён этадиган зотлардир. Ундай одамлар муносиб равишда Менга сажда қилишга, сиғинишга қодир эмаслар.

33-34. Фаришталарга сиғинадиганлар шундай фикр юритадилар: “Бизлар ҳозирги ҳаётимизда фаришталарга сиғинамиз, ўтказган қурбонлик маросимларимиз натижасида жаннатга эришиб, у ерда лаззатланиб яшаймиз. Жаннатдаги лаззатли ҳаёт ниҳоясига етганида эса, бизлар яна бу оламга қайтиб келиб, обрўли, бадавлат хонадонда туғиламиз”. Жуда манман, мағрур ва хасис бўлган ана шундай одамлар Ведаларнинг чиройли сўзларига алданиб қоладилар. Уларни Мен, Худонинг Олий Шаҳси ҳақимдаги ҳикоялар қизиқтирмайди.

35. Уч қисмга бўлинган Ведалар охир-оқибатда тирик мавжудотни рухий табиатга эга бўлган пок жон(руҳ) деб таърифлайди. Аммо, Ведавий мантралар ва пайғамбарлар одамларга уларни сирли, илоҳий равишда таърифлаб берадилар, Мен ҳам уларнинг сирли таърифларидан мамнун бўламан. 36. Ведаларнинг илоҳий товушларини тушуниб етиш жуда мушкул, улар ҳар хил поғоналарда пранада, ҳиссиётларда ва ақлда намоён бўлади. Ана шу Ведавий товуш чексиз, худди океандай жуда чуқур ва бепоён.

37. Ҳар бир тирик мавжудотда мавжуд бўлган чексиз, ўзгармас ва ҳар нарсага қодир бўлган Худо Шаҳси сифатида Мен Ведаларнинг товуш тебранишини барча тирик мавжудотларда *омкара* кўринишида ўрнатаман. У худди нилуфар поясидаги биттагина тола сингари жуда нозик, нафис ҳис қилинади. 38-40. Худди ўргимчак ўзининг тўрини юрагиндан пайдо қилиб, оғзидан чиқаргани сингари, Худонинг Олий Шаҳси ҳам ўзини барча муқаддас Ведавий тебраниш(ритм)ларни ва тўла илоҳий лаззатни қамраб оладиган бошланғич ҳаёт нафаси сифатида намоён этади. Шундай қилиб, Парвардигор ақли ёрдамида ўзининг қалбидаги эфир осмонидан буюк ва чексиз Ведавий товуш яратади. Бу илоҳий товушни *сарша* сингари турли товушлардан англаб олиш мумкин. Ведавий товушлар “оум” бўғинидан чиқиб, ҳар хил унли, ундош, ярим унли ҳарфлар билан белгиланиб, минглаб йўналишларда таралади. Кейин Ведалар ҳар бири аввалгисидан тўрт бўғин кўпроқ бўлган ҳар хил ритмда бўлган феълларда таърифланади. Охир-оқибатда Парвардигор ўзи намоён этган Ведавий товушларни яна ўзи ичига тортиб олади.

41. Гайатри, Ушник, Ануштуп, Брихати, Панкти, Триштуп, Жагати, Атиччанда, Атиашти, Атиджагати ва Ативират ведавий ритмлардир.

42. Бутун оламда Мендан бошқа ҳеч ким Ведалар илмининг сирли, махфий мақсадини тушунмайди. Шунинг учун одамлар аслида Ведаларнинг карма-канда бўлимидаги кўрсатмалар нимани тавсия қилаётганини, ёки упасана-канда бўлимидаги сиғиниш қоидаларида кўрсатилган қайси нарса ҳақиқатан ҳам муҳим эканини, ёки жнана-канда бўлимидаги ҳар хил гипотезаларда батафсил таърифланаётган мавзу аслида нима эканини билмайдилар.

43. Мен - Ведалар тавсия қиладиган қурбонлик маросимиман, мен - одамлар сиғиниши лозим бўлган Илоҳман. Мен - ҳар хил фалсафий гипотезалар сифатида мавжуд бўлган Зотман, кейин фалсафий таҳлил ёрдамида инкор этиладиган Зот ҳам - Мен бўламан. Шундай қилиб, илохий товуш тебранишлари Мени бутун Ведалар илмининг ажралмас, бўлинмас моҳияти деб эълон қиладилар. Бутун моддий қарама-қаршиликларни Менинг алдамчи қувватимдан бошқа нарса эмас деб, батафсил таҳлил қиладиган Ведалар охир-оқибатда ана шу қарама-қаршиликни инкор этадилар ва бундан мамнуният ҳосил қиладилар.

Йигирма иккинчи боб **Моддий борлиқнинг таркибий** **унсурлари.**

1-3. Уддхава шундай деди: “Эй азиз Худойим, эй бутун борлиқнинг эгаси, буюк донишмандлар оламнинг неча турли унсурларини санаб кўрсатганлар? Мен эшитдимки, шахсан Сен йигирма саккиз унсурни таърифладинг - Парвардигор, жива, махат-таттва, сохта-ўзлик, беш кўпол унсур, ўн ҳиссиёт, ақл, беш нафис сезиладиган нарсалар, табиатнинг уч сифати. Аммо, баъзи ишонарли донишмандлар моддий борлиқда йигирма олти, яна бирлари йигирма беш ёки етти, тўққиз, олти, тўрт ёки ўн бир унсур мавжуд деб, яна бирлари ўн етти, ўн олти ёки ўн уч унсур мавжуд деб айтадилар. Ана шу донишмандларнинг ҳар бири ҳар турли йўллар билан оламнинг таркибини таърифлаганда нималарни назарда тутадилар? Эй энг олий даражада мангу Зот, илтимос, менга шуни тушунтириб бер!”

4. Парвардигор Кришна шундай деб жавоб берди: “Моддий унсурлар ҳамма жойда мавжуд бўлгани учун ҳар хил билимдон брахманлар уларни турли усуллар билан таҳлил қилиши табиий ҳол. Бу файласуфларнинг барчаси Менинг сеҳр қудратим назорати ва ҳомийлиги остида гапирганлар шу боис улар ҳаммаси моддий унсурларни ҳақиқатга зид бўлмаган ҳолда таърифлай олганлар. 5. Файласуфлар: “Мен моддий оламни таҳлил қилиш учун мана шу сабабдан айнан сенга ўхшаб фойдаланмайман!” - деб бир бири билан баҳслашганларида, Менинг енгиб бўлмас қувватларим улар орасида ҳар хил таҳлилий қарама-қаршиликлар келтириб чиқаради. 6. Менинг қувватларимнинг ўзаро фаолияти таъсири остида ҳар хил фикрлар юзага келади. Аммо ўзининг ақлу-тафаккурини Менда мужассам қилган ва ўзининг ҳиссиётини тўла жиловлаб олган одам бундай қарама-қаршиликларни эътиборга олмайди, шу тариқа уларда ким биландир баҳслашиб ўтиришга ҳожат қолмайди.

7. Эй одамлар ичида аълоси, нафис ва кўпол унсурлар бир бирининг ичига кириб кетгани сабабли, файласуфлар ўз хоҳиши билан асосий моддий унсурларни ҳар турли усуллар билан санаши мумкин. 8. Аслида барча нафис моддий унсурлар уларнинг кўпол оқибатларида мавжуд; худди шундай барча кўпол моддий унсурлар ўзларининг нафис сабабларида мавжуд, чунки моддий олам аслида нафис моддий унсурларнинг “эволюцион” ривожланиб, шаклини ўзгартириб, кўпол моддий унсурларга айланиши натижасида намоён бўлади. Шунинг учун биз барча моддий унсурларни битта унсурнинг таркибидан топишимиз мумкин. 9. Шу боис, файласуфлар уларнинг қайси бири ҳақида гапирётганини эътиборга олмасдан, улар санаганда моддий унсурларни аввалги нафис сабабини ёки якуний моддий махсулотларни ҳисобга олган ёки олмаганига қарамай, Мен уларнинг барча ҳисобларини ишонарли, тўғри деб ҳисоблайман, чунки бу ҳақда мавжуд бўлган турлича таълимотларнинг ҳаммасини мантиқий жиҳатдан тушунтириб бериш мумкин.

10. Одамнинг онги жуда қадим замонлардан бери ғофиллик билан қопланиб қолгани сабабли у ўзининг руҳий ўзлигини англаб етишга қодир эмас. Шу боис у ўзининг руҳ эканини англаб етиши учун, унга руҳий илм беришга қодир бўлган, Мутлақ Ҳақиқатни мукамал англаб етган бошқа бир шахснинг ёрдами керак. 11. Моддий эзгулик гунасидаги илм таълимотига асосан алоҳида тирик мавжудот билан олий ҳукмдор сифат жиҳатдан бир-биридан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Уларнинг сифат жиҳатдан бир-биридан фарқ қилишини тахмин қилиш шунчаки бефойда сафсатабозлик ҳолос. 12. Моддий табиат азалдан моддий табиат гуналарининг мувозанат ҳолати сифатида мавжуд бўлиб, фақат моддий унсурларгагина таъсир қилади, аммо илохий табиатли руҳга унинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Моддий табиат гуналари - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гунаси - моддий оламнинг яралиш, мавжуд бўлиб туриш ва яқсон бўлишининг асосий сабабчиларидир. 13. Бу оламда эзгулик гунаси илм деб, эҳтирос гунаси - кармали фаолият деб, ғафлат гунаси эса - ғофиллик деб қабул қилинади. Замон, вақт эса моддий табиат гуналарининг ўзаро уйғонган, фаол ҳаракатларидир. Моддий табиатнинг ҳаракат қилишга мойиллиги бошланғич сутра, махат-таттванинг ўзини намоён этишидир.

14. Мен тўққиз асосий унсур ҳақида гапириб берган эдим - лаззатланувчи руҳ, табиат, табиатнинг бошланғич махат-таттвасининг намоён бўлиши, сохта ўзлик, эфир, ҳаво, олов, сув ва ер. 15. Эшитиш қобилияти, сезиш, кўриш, ҳид билиш ва таъм билиш қобилияти - бешта ахборот, илм олувчи сезгилардир. Азизим Уддхава, нутқ, кўллар, оёқлар, жинсий аъзолар, ахлат чиқариш аъзоси - беш ҳаракат қилувчи сезгилар. Ақл ана шу икки тоифага ҳам мансуб ҳисобланади. 16. Товуш, терига тегиб сезилиш, таъм, ҳид ва шакл - илм олувчи аъзоларга таъсир қиладиган нарсалардир, ҳаракат, нутқ, ахлат чиқариш ва зурёд қолдириш - ҳаракат қиладиган аъзоларнинг вазифаларидир. 17. Олам яралишидан аввал эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида табиат оламдаги барча нафис сабаблар ва кўпол унсурларнинг тимсоли кўринишидаги шаклга эга бўлади. Худонинг Олий Шахси моддий намоёнлик билан ўзаро ҳаракатга кирмайди, У фақат табиатга нигоҳ ташлаб қўяди. 18.

Махат-таттва бошлиқ моддий унсурлар шакл ўзгартира бошлаши билан Худои Таолонинг нигоҳидан ўзларига қувват оладилар ва табиат кучлари билан қўшилиб, коинотнинг бошланғич тухумини юзага келтирадилар. 19. Баъзи файласуфларнинг фикрига кўра етти унсур бор - ер, сув, олов, ҳаво ва онгга эга бўлган рух ҳамда моддий унсурларнинг ва алоҳида рухнинг асоси бўлган Олий Рух билан бирга эфир. Бу таълимотга кўра хиссиётлар, ҳаёт нафаси ва барча моддий воқеа-ҳодисалар ана шу етти унсурдан келиб чиқади. 20. Бошқа файласуфлар айтадиларки, олти унсур мавжуд - беш жисмоний унсур (ер, сув, олов, ҳаво ва эфир) ва олтинчи унсур - Худонинг Олий Шахси. Ана шу Худонинг Олий Шахси унсурларни Ўзидан пайдо қилиб бу моддий оламни яратади ва Ўзи шахсан унинг ичига қиради.

21. Баъзи файласуфлар тўрт асосий унсур борлигини тахмин қиладилар, улардан учтаси - олов, сув ва ер - тўртинчи унсур бўлган Мендан чиқади. Қачонлардир пайдо бўлиб, бу унсурлар бутун моддий оламни қамраб олган борлиқни яратади.

22. Баъзилар ўн етти асосий унсурнинг борлигини айтадилар - беш қўпол унсур, беш сезиладиган нарсалар, беш сезадиган аъзолар, ақл ва рух. 23. Ўн олти унсур бор деб ўргатадиган таълимотга кўра рух ақл билан бир деб қабул қилинади. Агар биз беш моддий унсур, беш сезги, ақл, рух ва Олий Рух мавжуд деб ҳисобласак оламда ўн уч унсур борлигини тарғибот қилган бўламыз.

24. Оламда ўн бир унсур бор дейдиганлар рух, қўпол беш унсур ва беш сезгини назарда тутадилар. Саккиз қўпол ва нафис унсур билан Худои Таолони тан оладиганлар оламда тўққиз унсур бор дейишади.

25. Шундай қилиб, буюк файласуфлар моддий унсурларни турли йўллар билан таҳлил қилганлар. Уларнинг ҳаммасининг тахминлари тўғри, чунки уларнинг барчаси етарлича асосланган. Аслини олганда бундай фалсафий ранг-барангликни ҳақиқий билимдон одамлар тўғри тушуна оладилар”.

26. Шри Уддхава шундай деди: “Моддий табиат ва тирик мавжудот ҳамisha бир-биридан фарқ қилганига қарамай, эй Парвардигор Кришна, улар орасида фарқ йўққа ўхшаб кўринади, чунки улар бири-бирига сингиб кетган. Шундай қилиб, рух табиатнинг ичида, табиат рухнинг ичида бўлиб кўринади. 27. Эй нилуфарқўзли Кришна, эй ҳамма нарсани биладиган Парвардигор, илтимос, одамларни бирор нарсага ишонтиришда Сени энг моҳир Зот қилиб кўрсатувчи Ўзининг сўзларинг билан қалбимдаги мана шу гумонни тарқатиб юбор. 28. Тирик мавжудотлардаги илм ягона Сенинг Ўзингдан чиқади, Сенинг қувватинг билан бу илм ўғирлаб қўйилади. Аслини олганда Сендан бошқа ҳеч бир Зот Сенинг алдамчи қувватингнинг ҳақиқий табиатини тушуна олмайди”.

29. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Эй одамлар ичида аълоси, моддий табиат ва моддий табиатдан лаззатланувчи бир биридан фарқ қилади. Бу намоён бўлган борлиқ моддий табиат гуналари ҳаракати асосида ҳамisha ўзгариб туради. 30. Азизим Уддхава, уч гунадан таркиб топган ва улар ёрдамида ҳаракат қиладиган Менинг моддий қувватим ранг-баранг борлиқни, уларни қабул қилиш учун ҳар хил онгни яратади. Моддий ўзгаришларнинг намоён бўлган натижаси уч кўринишда тушунилади: *адхйатмика*, *адхидавика* ва *адхибхаутика*.

31. Кўриш, кўринадиган нарса ва Қуёшнинг кўз корачиғидаги акси - бир бирини ошкор этиш учун буларнинг ҳаммаси биргаликда ҳаракат қиладилар. Аммо осмонда жойлашган бошланғич Қуёш ўзидан ўзи намоён бўлган ҳисобланади. Худди шундай, барча тирик мавжудотларнинг бошланғич сабабчиси бўлган ва улардан фарқ қиладиган Олий Рух, намоён бўлиб барча ўзаро бир бирини сезадиган нарсаларнинг манбаи сифатида Ўзининг илохий нури ёрдамида ҳаракат қилади. 32. Худди шундай сезги аъзолари - тери, қулоқ, кўз, бурун, шунингдек нафис тананинг вазифалари - шартланган онг, ақл, тафаккур ва сохта ўзлик - буларнинг ҳаммаси хиссиётлар, сезиладиган нарсалар ва уларни бошқарувчи Илохларнинг уч хил фарқи сифатида таҳлил қилиниши мумкин. 33. Табиатнинг уч сифати ҳаракатга уйғонганида ўзгариш натижаси сифатида уч кўринишдаги сохта ўзлик юзага келади - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат. Намоён бўлмаган праҳанадан пайдо бўлган махат-таттвдан юзага келган бу сохта ўзлик моддий алданиш ва қарама-қаршилиқларнинг асосий сабабидир.

34. Файласуфларнинг одатдаги: “Бу олам ҳақиқатан ҳам мавжуд!” - “Йўқ, ҳақиқатан ҳам мавжуд эмас!” - деган баҳс мунозаралари аслида Олий Рух ҳақидаги мукамал илмга эга бўлмаслик оқибати бўлиб, шунчаки моддий қарама-қаршилиқларни тушунишга қаратилган. Бундай баҳс-мунозара умуман бефойда, бемаъни бўлишига қарамай, диққатини Мендан, ўзларининг “руҳи”дан, ҳақиқий “мен”идан чалғитадиган ғофил одамлар бундай баҳсни тарқ эта олмайдилар”.

35-36. Шри Уддхава шундай деди: “Эй олий ҳукмдор, эй рухий устоз, ўзларини кармали фаолиятга бағишлаган одамлар Сендан жуда узоклашиб кетадилар. Илтимос, ана шундай зотлар қандай қилиб ўзларининг моддий фаолияти натижасида олий ва куйи таналарга эга бўладилар, кейин шу таналарини ташлаб кетадилар. О Говинда, ғофил одамлар бу мавзуни тушунишлари жуда мушкул. Бу дунёда алданиш домига тушиб қолиб, улар аксарият ҳолларда мана шу ҳақиқатни англай олмайдилар”.

37. Парвардигор Кришна шундай деди: “Одамларнинг моддий ақли уларнинг моддий фаолияти оқибатида шаклланади. Беш сезги билан бирга у бир моддий танадан иккинчи моддий танага ўтиб юради. Рух гарчи ана шу ақлдан фарқ қилса ҳам, унинг изидан эргашиб юраверади. 38. Кармали фаолият оқибатларига боғланиб қолган ақл ҳамisha хиссиётларга таъсир қиладиган нарсаларни ўйлаб юради, бу нарсаларни у бу оламда ўзи кўриши ёки Ведалардан билиб олиши мумкин. Натижада ақл ана шу нарсаларга киргандай ва ўзи сезадиган нарса билан бирга яқсон бўлгандай бўлиб кўринади, шу тариқа унинг ўтмиш ва келажакни ажрата билиш қобилияти йўқолиб кетади. 39. Тирик мавжудот аввалги танасидан ўзининг кармаси тайёрлаган навбатдаги танага ўтганида янги тананинг оғриқли ва ёқимли сезгиларига фарқ бўлиб, аввалги танасидаги тажрибасини бутунлай эсидан чиқаради. Қандайдир сабаблар асосида ўзининг аввалги танасидаги тажрибасини, ўзини аввалги танасига қиёслашни тўла унутиш ҳолати “ўлим” деб аталади.

40. Эй меҳрибон Уддхава, “туғилиш” дегани - шунчаки шахснинг ўзини янги моддий танага қиёслашни бошлаганидир. Худди ўзи ухлаганда кўрган тушини ҳақиқий деб билганидай, ҳар ким ўзининг

навбатдаги моддий танасини ўзига қиёслай бошлайди. 41. Худди туш кўраётган ёки орзулари қанотида учиб юрган одам ўзининг аввалги орзуларини ҳам, тушларини ҳам эсидан чиқариб юборгани сингари, ҳозирги танаси ичидаги рух, шахс ҳам, гарчи аввал ҳам бошқа танада мавжуд бўлган бўлса ҳам, ўзини янги туғилган, энди яшай бошлагандай ҳис қилади. 42. Ҳиссиётларнинг макони бўлган ақл ўзини янги танага қиёслай бошлагани учун олий, ўрта ва қуйи тоифага мансуб моддий ўзгаришлар рух учун ҳақиқатан ҳам мавжудга ўхшаб кўринади. Шундай қилиб, мана шу ҳолат ички ва ташқи қарама-қаршиликларни юзага келтиради. Бу худди яхши одам ёмон фарзандни дунёга келтирганига ўхшайди.

43. Азизим Уддхава, таъсири сезилмайдиган Замон кучларининг таъсири остида моддий таналар ҳаминша яратилиб, яқсон бўлиб туради. Аммо вақтнинг табиати жуда нафис бўлгани сабабли буни ҳеч ким англай олмайди. 44. Моддий таналарнинг ҳар хил ўзгариш поғоналари худди шамнинг ёнишига, дарёнинг оқишига ва меванинг етилишига ўхшайди. 45. Чирокнинг ёниши аслида ҳаминша пайдо бўлиб, ўзгариб, яқсон бўлиб турган сон-саноксиз нурлардан иборат бўлишига қарамай, ақли адашган одам, бир лахза чирокқа қараб туриб, “Бу - чирокнинг нури” - деб айтади. Дарёда сувнинг оқишини кузатаётган одам ҳам, сув ҳаминша ўзгариб туришига қарамай, “Бу - дарёнинг суви” - дейди. Худди шундай, инсоннинг танаси ҳаминша ўзгариб туришига қарамай, ўзининг умрини бекорга хазон қилиб юрган одамлар, ҳаётни ногўфри ҳолда тушуниб, ўзининг ҳозирги ҳолатини ҳақиқий ҳолат деб ҳисоблайдилар. 46. Аслини олганда шахс(рух) аввалги фаолиятининг натижасида туғилмайди, мангу бўлган ҳолда, ҳеч қачон танаси билан бирга ўлиб ҳам кетмайди. Алданиш натижасида тирик мавжудотлар туғилаётган ва ўлаётган бўладилар, бу худди олов дарахтга боғлиқ равишда мавжуд ёки мавжуд эмас деганига ўхшайди.

47. Уруғланиш, пишиш, туғилиш, болалик, ўсмирлик, ёшлик, ўрта ёшлик, кексалик ва ўлим - тана ривожланишининг тўққиз поғонасидир. 48. Гарчи моддий тана ҳақиқий “мен”дан фарқ қилса ҳам, моддий унсурларга аралашиб юргани сабабли юзага келган ғофиллиги туфайли ҳар ким ўзини олий ва қуйи тана шароитларига қиёслайди. Баъзан жуда омадли одамлар ақлининг ана шундай адашишларини тарк этишга қодир бўладилар. 49. Отаси ёки бобосининг ўлганини кўриб, ҳар ким ўзи ҳам бир қуни ўлишини англаб этиши мумкин, ўғлининг туғилганини кўриб, ҳар ким ўзининг бир вақтлар туғилганини англаб этиши мумкин. Шу тарика моддий танасининг албатта пайдо бўлиши ва яқсон бўлишини аниқ тасаввур қила оладиган фаросатли одам шундан кейин бу алдамчи қарама-қаршиликлар таъсирига берилмайдиган бўлади.

50. Уруғдан дарахтнинг ўсиб чиққанини ва пишиб етилгандан кейин унинг қуриб қолганини кузатган одам дарахтдан ташқарида бўлгани учун бу жараёнлар ҳақида мустақил фикрлай олади. Худди шундай моддий таналарнинг туғилиши ва ўлишини кузатиб турган одам бу таналардан ажралган, фарқ қиладиган бўлади. 51. Ўзини моддий табиатдан ажралган ҳолда кўра олмайдиган бефаросат ғофил одам табиатни ҳақиқатан ҳам мавжуд деб ўйлайди. Унга аралашиб кетгани туфайли у адашиб, алданиш домига тушиб, моддий тирикчилик уммониға фарқ бўлади.

52. Ўзининг кармали моддий фаолияти оқибатида сарсон бўлишга мажбур бўлган шартланган рух эзгулик гунаси ёрдамида донишманд ва фаришталар орасида туғилади. Эҳтирос гунаси таъсири остида тирик мавжудот иблис ёки инсон танасига эга бўлади, ғафлат гунаси таъсирига тушиб қолганида эса - хайвонлар ёки ажина-арвоҳлар танасида туғилади.

53. Худди, қуйлаб рақсга тушаётган одамларга тақлид қилаётган одам сингари, рух ҳам, гарчи ўзи ҳеч қачон бирор моддий фаолиятни амалга оширувчи бўлмаса ҳам, моддий тафаккури таъсири остига тушиб қолади ва уларнинг сифатларига тақлид қилишга мажбур бўлади.

54-55. Рухнинг моддий оламдаги дунёвий ҳаёти, яъни унинг бу дунёдаги ҳиссий лаззат олиш тажрибаси аслида сохта, тажрибадир, эй Дашарха авлоди. Унинг бу ҳолати худди сохилдаги дарахтнинг тўлқинланаётган сув юзидаги акси титраб турганига ёки одамнинг боши айланганида, тушида ёки хаёлида худди Ер айланаётгандай бўлишига ўхшайди. 56. Ҳиссий лаззатларни ўйлаб юрадиган одам учун, гарчи рух учун ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлмаса ҳам, худди ёмон туш кўргандаги кайфият сингари, моддий ҳаёт, моддий тирикчилик ташвишлари сира адо бўлмайди.

57. Шунинг учун, эй Уддхава, ҳеч қачон сезги аъзоларинг ёрдамида ҳиссий лаззатларга берилиб лаззатланишга интилма. Моддий қарама-қаршиликларга асосланган алданиш, сароб шартланган рухга рухий ўзлигини англашда қанчалик тўсқинлик қилишини кўрдингми? 58-59. Ҳаётда ҳақиқатан ҳам энг олий мақсадга эришишга самимий интилаётган одам, ҳатто ифлос одамлар ёмон кўриб, ҳақоратланганида, шарманда бўлганида ва уларнинг ҳасадиға учраб қийналганида, бошқаларнинг азоб-уқубатига дучор бўлиб, қилаётган иши, касбидан махрум бўлиб, қамалиб ёки касал бўлиб, ғофил одамларнинг қийноғига тушиб қолганида ҳам - шунга ўхшаган ҳар қандай мусибатли қийинчиликларга қарамай, ўзининг ақлидан, фикрлаш қобилиятидан фойдаланиб, ҳаминша рухий поғонади қолишга ҳаракат қилиши лозим”.

60. Шри Уддхава шундай деди: “Эй гапга чечанлар аълоси, менга айтчи, қандай қилиб мен буларнинг ҳаммасини тўғри тушуна оламан? 61. Эй оламнинг Рухи, шахснинг бу оламда шартланганлик ҳолати жуда кучли, шу боис ҳатто билимдон донишмандлар ҳам ғофил одамларнинг ҳар хил ҳақоратларига чидаб туролмайдилар. Бу дунёдаги ҳақоратларга, ачинарли ҳаёт шароитларига фақат Сенга садоқат билан хизмат қилишга фарқ бўлган ва Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан нажот топиш натижасида қалби осойишталикка эришган Худонинг содиқларигина чидам билан сабр қила оладилар”.

Йигирма учинчи боб. Аванта Брахман кўшиғи.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Дашархалар сардори, Парвардигор Муқунда Ўзининг энг яхши содиқ хизматкори Шри Уддхавадан бу саволни эшитиб, аввалига унинг гапларини маъқуллади. Кейин, шон-шухрати ҳақидаги ҳикоялар тинглашга энг муносиб бўлган Парвардигор унга жавоб бера бошлади.

2. Парвардигор Кришна шундай деди: “Эй Брихаспатининг шогирди, бу дунёда маданиятсиз, ғофил одамларнинг ҳақоратли гаплари натижасида ташишга тушиб, туюқиб кетган ақлини жиловлаб олишга қодир бўлган авлиё одам топилмайди. 3. Одамнинг кўксига қадалиб, юрагига санчилган ўткир пайкон тиғи ҳам, маданиятсиз, иймонсиз, виждонсиз одамларнинг юракка бориб санчилган ҳақоратли, ифлос, кўпол, аччиқ сўзларидай қийноққа сололмайди. 4. Азизим Уддхава, донишмандлар бу борада бир ажойиб тарихий воқеани хикоя қиладилар. Мен ҳозир сенга шуни гапириб бераман. Диққат билан кулоқ сол.

5. Қадимда бир саннийаси ҳар хил иймонсиз, ноинсоф одамларнинг турли ҳақоратларидан қаттиқ азият чикарди. Аммо, у бу қийинчиликлар ўзининг аввалги қилган гуноҳ ишларининг оқибати эканига чуқур ишониб, ўзгармас сабот ва матонат билан сабр қилиб уларнинг бу ҳақоратларга чидарди. Мен сенга шу саннийасининг тарихини ва айтган гапларини гапириб бераман. 6. Бир пайтлар Аванти деган юртда бир брахман яшаган экан. У савдо-сотик билан шуғулланар, жуда бадавлат бўлиб, бойлигининг ҳисоби йўқ экан. Лекин унинг ўзи шахвоний эҳтиросга берилган, очкўз ва ғазаби тез чиқадиган жиззаки одам экан. 7. Такводорликдан, ҳаётда диний қонун-қоидаларга риоя қилиб лаззатланишдан маҳрум бўлган унинг хонадониди оиланинг ёши катталарига ва меҳмонларга ҳеч қачон ҳатто тил учида бўлса ҳам, муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмасди. Ҳатто унинг ўзи ҳам ҳаётдан моддий жиҳатдан лаззатланиб яшамасди. 8. Ҳаддан ташқари тошбағир ва хасис бўлгани учун кўп ўтмай унинг ўғиллари, келинлари, хотини, қизлари ва хизматкорлари унга нисбатан душманлик қила бошладилар. Нафрати кўзиб, улар унга ҳеч қачон муҳаббат билан мурожаат қилмасдилар. 9. Шу тариқа оилавий одам ўтказиши лозим бўлган беш қурбонлик маросимига маъсул илоҳлар такводорликдан ҳам, хиссий лаззатдан ҳам маҳрум бўлган, ўзининг бойлигини худди на бу дунёда, на келгуси ҳаётида бирор яхши мақсади бўлмаган Йакша сингари хасислик билан асраб-авайлаётган бу брахмандан норози бўлиб, ундан ҳаҳли чиқа бошлади.

10. Эй олийжаноб Уддхава, ана шу фаришталарга муносиб эътибор бермагани сабабли у кўп ўтмай ўзининг аввалги савоб ишлари натижасидан маҳрум бўлиб, бутун бойлигидан бир пасда маҳрум бўлди. Унинг ўз бойлигини сақлаб қолишга қаратилган барча уринишлари бекор кетди. 11. Азизим Уддхава, бу брахманнинг бойлигининг бир қисмини қариндошлари тортиб олдилар, бойлигининг яна бир қисми ўғрилари кўлига тушди, яна бир қисми тақдир тақозоси билан ўзидан-ўзи йўққа чиқиб кетди, яна бир қисми замон таъсири остида эскириб, яқсон бўлиб кетди, яна бир қисмини оддий одамлар олди, бир қисмини ҳукмдорлар тортиб олди. 12. Охир-оқибатда, мол-мулкидан бутунлай айрилиб қолганида, аввал ҳеч қачон такводорлик ва хиссий лаззатларга берилмаган бу брахмандан оила аъзолари бутунлай юз ўгирдилар. Шу тариқа у чидаб бўлмас азоб-укубатларга дучор бўлиб, қаттиқ мусибат чека бошлади. 13. Ўзининг ҳамма бойлигидан маҳрум бўлиб, у энди алам билан қаттиқ изтироб чикарди. Қаттиқ ўксиганидан кўксини чуқур алам, дард, хасрат ўртар, кўзлари жикка ёшга тўлиб, брахман узоқ вақт яна омади келишидан умидвор бўлиб, чуқур муроқабга берилиб, ўйланиб ўтирди.

Кейин бирданига унинг қалбини қудратли таркидунёлик туйғуси қамраб олди.

14. Брахман ўзига ўзи шундай дерди: “Вой-дод! Бу қандай буюк омад, қандай буюк бахт! Шунча умримни хазон қилиб, мен ҳатто такводорликка ва хиссий лаззатланишга насиб қилмайдиган ўткинчи бойлик изидан қувиб, ўз вақтимни бекор кетказибман-а! 15. Аслида хасис одамларнинг бойлиги уларнинг ўзига ҳеч қандай бахт келтирмайди. Бойлик, мол-дунё одамнинг ҳозирги ҳаётида унинг ўзини кемириб ейди, ўлганидан кейин эса, шу бойлиги уларни дўзах азобига мубтало қилади. 16. Худди озгина пес, мохов касалининг изи ҳам одамнинг жисмоний гўзаллигига путур етказгани сингари, машҳур одам қанчалик шон-шухратга эга бўлмасин, эзгу ниятли одамда мактовга лойиқ сифатлар қанчалик кўп бўлмасин - бу фазилатларнинг барчаси озгина очкўзлик таъсири остида бутунлай йўққа чиқиб кетади. 17. Бойликни топишда, эгаллашда, кўпайтиришда, асраб-авайлашда, сарфлашда, йўқотганида ва улар ёрдамида лаззатланганда ҳар бир одам қаттиқ қийналади, кўрқади, ташишга тушади ва адашиб қолади.

18-19. Ўғирлик, зулм, ёлғон, иккиюзламачилик, шахвоний эҳтирос, ғазаб, саросимага тушиш, манманлик, душманлик, нафрат, иймонсизлик, аёллар, кимор ўйини ва маст қилувчи ичимликлар юзага келтирадиган ҳасад ва хавф-хатарлар - одамларнинг очкўзлик билан бойликка ёпишиб олиши оқибатида одамларнинг қалбини булғайдиган ўн беш иллатдир. Гарчи бу сифатлар мутлақо фойдасиз, бемаъни сифатлар бўлса ҳам одамлар ғофиллиги туфайли уларни ҳаётда қатта аҳамиятга эга деб ҳисоблайдилар. Ҳаётда ҳақиқатан ҳам бахт-саодатга эришишни истаган ҳар бир фаросатли одам кераксиз мол-дунёга интилишдан ўзини тийиши лозим. 20. Одамнинг ҳатто ўзига муҳаббат ришталари билан қаттиқ боғланган энг яқин қариндошлари, хотини, ота-онаси ва дўстлари ҳам баъзида арзимас(бир тийин) пул сабабли бирданига муҳаббатларидан воз кечиб, ашаддий душман бўлиб оладилар. 21. Ҳатто арзимаган пул устида ана шу қариндош ва дўстлар бир-бирдан хафа бўлиб, қаттиқ ғазабланиб кетадилар. Ўзларини худди ашаддий рақиблардай тугиб, улар бир-бирига бўлган яхши муносабатини тарк этиб, шу заҳотиёқ яқин одамидан юз ўгирадилар, ҳатто бир-бирини ўлдиришгача бориб етадилар.

22. Ҳатто фаришталар ҳам ҳавас қиладиган инсон танасига эга бўлган, ҳаётда ҳақиқий инсонлардай яшаб ҳақиқий брахман даражасига кўтарила олган одамлар энг омадли зотлардир. Агар шундай одамлар мана шу муҳим, бебаҳо имкониятни инкор этсалар, улар ўзларининг мангу жонига қасд этган бўладилар ва шу тариқа энг ачинарли, жирканч ҳолатга тушиб қоладилар. 23. Жаннатга ҳам, руҳий озодликка ҳам олиб борадиган дарвозаларни кенг очиб берадиган бебаҳо ИНСОН танасига эга бўла туриб, қайси бир ўлимга маҳкум бўлган фаросатли одам моддий бойликка, бу арзимас матолар оламига боғланиб қолишга интилади?

24. Ўзининг бойлигини ҳақиқатан ҳам меросхўр бўлган муносиб зотларга - фаришталарга, донишмандларга, аждодларга ва оддий тирик мавжудотларга, шунингдек ўзининг бевосита қариндошларига, хотинининг қариндошларига ва ўзига тарқатиб беришга қодир бўлмаган одам - ўзининг

бойлигини худди Якшадай сақлаётган бўлади ва албатта тушкунликка тушади. 25. Чуқур фикрлай оладиган, узокни кўра биладиган фаросатли, донишманд одамлар ўзининг бойлигидан, ёшлигидан ва куч-қувватидан ҳаётда руҳий камолотга эришиш учун фойдаланадилар. Лекин мен жон-жаҳдим билан ҳаракат қилиб, бутун бойлигимни яна ҳам кўпроқ бойлик орттириш учун сарфладим. Энди, ҳозирги кексайган ҳолимда мен нимага ҳам эриша олардим? 26. Нима сабабдан фаросатли, ақлли одам ҳамиша бойлик кетидан қувишга уриниб, умрини хазон қилиши керак? Аслини олганда бу дунёдаги ҳамма одамлар кимнингдир алдамчи қуввати таъсири остида йўлдан адашиб юрибдилар.

27. Ажал исканжасида турган одам учун моддий бойликдан нима фойда, бойлик ваъда бераётган одамдан нима фойда, хиссий лаззатларга берилишдан ёки уларни таклиф этаётганлардан нима фойда, ниҳоят, одамни яна мана шу моддий оламда туғилишга мажбур қиладиган дунёвий фаолиятдан нима фойда? 28. Худонинг Олий Шаҳси, Ўзида барча фаришталарни мужассам қилган Парвардигор Хари мендан жуда мамнун бўлган бўлса керак. Аслини олганда Унинг Ўзи мени мана шу аянчли, изтиробли ҳолатга солиб қўйиб, таркидунёлик қилишимга мажбур қилди. Таркидунёлик мени бу дунёвий тирикчилик уммонидан олиб чиқадиган қудратли кема ҳисобланади. 29. Агар яна озгина умрим қолган бўлса, мен қаттиқ риёзатларга берилиб яшайман, танамни фақат энг зарур эҳтиёжларни қондириш билан қаноатланиб тирикчилик қилишга мажбур қиламан. Энди ҳақиқат йўлидан адашмасдан ўзим (“мен”, руҳ) учун ҳақиқатан ҳам фойдали бўлган ишларга қаттиқ ёпишиб оламан ва ҳамиша руҳий ўзлигимдан мамнун бўлиб, хотиржам, осойишта яшайман. 30. Бу уч оламни бошқариб турган Илоҳлар меҳрибонлик билан мендан ўз марҳаматини аямасинлар. Аслини олганда Маҳараж Кхатванга бир лаҳза ичида руҳий оламга эришишга муваффақ бўлган эди”.

31. Парвардигор Шри Кришна давом этди: “Унинг ақли шу қадар барқарор қатъият билан аниқ қарорга келган эдики, Аванти браҳман ҳеч иккиланмасдан ўзининг қалбидаги барча дунёвий истаклар тугунини ечиб ташлай олди. Шундай қилиб, у қолган умрида ҳамиша сукут сақлаб юрадиган хотиржам, осойишта гадоий саннийаси бўлиб кун кечира бошлади. 32. У тафакқурини, ҳиссиётини ва ҳаёт нафасини қаттиқ назорат остига олиб, Ер юзи бўйлаб сайр қилиб айланиб юрди. Тирикчилиги учун ҳар хил шаҳар ва кишлоқларда садақа сўраб, ёлғиз айланиб юрди. У ҳеч қачон ўзининг улуғвор руҳий ҳолатини одамларга ошкор этмас ва шу боис ҳеч ким уни писанд қилмасди.

33. Эй меҳрибон Уддхава, уни кекса, ифлос тиламчи гадоий ўрнида кўриб, безори одамлар ҳар хил аччиқ гап ва амаллар билан ҳақоратлаб унга турлича озор берардилар. 34. Баъзи безорилар унинг саннийаси таъғини тортиб олар, яна бирлари унинг садақа сўраш учун ҳам ишлатадиган сув идишини тортиб олардилар. Бировлар унинг кийик терисидан бўлган ёпинчиғини тортиб олардилар, бировлар - тасбеҳини, баъзи бировлар унинг титилиб кетган эски жулдур кийимини ўғирлаб олардилар. Унинг нарсаларини тортиб олган безорилар, шу нарсаларни унга кўз-кўз қилиб мазахлашар, кейин яна тортиб олиб, масҳара

қилардилар. 35. У тиламчилик қилиб топган озгина озуқасини еб олиш учун дарё қирғоғига бориб ўтирганида, безори гуноҳкорлар келиб, унинг идишига сийиб кетар, унинг юзига тупуриб кетишдан ҳам тап тортмасдилар.

36. У ҳамиша сукут сақлашга қасам ичгани сабабли, безорилар уни гапиртиришга уринар, агар гапларига жавоб бермаса, уриб калтаклардилар. Яна бир безорилар уни: “Бу одам ўғри бўлса керак?” - деб ҳақоратлар эдилар. Яна бировлар: “Уни боғлаб кўямиз! Оёқ-қўлини боғлаб ташлаймиз!” - деб, қичқиришиб, унинг оёқ-қўлларини боғлардилар. 37. Улар: “Бу одам аслида иккиюзламачи ва алдоқчи. У ўзининг бойлигидан маҳрум бўлгани, қариндошлари ундан юз ўтиргани сабабли энди ўзини диндор, тақводор қилиб, тиланчилик билан тирикчилик қилиб юрибди!” - деб танқид қилиб, ҳақоратлардилар. 38-39. Баъзи бировлар: “Оҳ, мана бу қудратли буюк донишмандга қаранглар! У худди Ҳимолай тоғи сингари чидамли. Сукут сақлаб риёзат чекиш орқали у худди ўрдақдай, ўзининг мақсадига эришишга қатъий интиляпти!” - деб мазах қиларди. Бошқа бировлар унинг олдига сассик нарсалар ташлар, яна бировлар бу иккибор туғилган браҳманни худди уй хайвонидай занжирга боғлаб, асир қилиб кўярдилар. 40. Браҳман бошқа тирик мавжудотлардан, табиатнинг олий кучларидан, ўзининг танаси ва ақлидан тортаётган барча мусибатлари аслида тақдир тақозоси бўлиб, албатта муқаррар бўлган азоблар эканини тушунар эди. 41. Уни яна йўлдан адашишга, тубанликка юз тутишга мажбур қилишга зўр бериб уринаётган пасткаш одамлардан шунча озор кўрса ҳам, у ўзининг кундалик руҳий вазибаларини қатъий қарор билан мунтазам адо этарди. Ўзининг бутун қатъиятини эзгулик гунасида мужассам қилиб, у куйидаги кўшиқни куйлай бошлади.

42. Браҳман шундай деди: “Менинг бахт ва бахтсизлигимга бу одамлар сабабчи эмас. Менинг чекаётган бу мусибатларимга на фаришталар, на ўзимнинг танам, на сайёралар, на аввалги қилган ишларим, на замон сабабчи эмас. Буларнинг барчасига сабабчи - одамни бахт ва бахтсизликка дучор қиладиган ва ўзининг моддий ҳаёт исканжасига солиб кўядиган ақл(нафс)дир. 43. Қудратли ақл моддий табиат гуналарини ҳаракатга келтиради, улардан моддий фаолиятнинг эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гунасидаги турли шакллари юзага келади. Бу гуналарнинг ҳар биридаги фаолиятдан мос равишда турли ҳаёт шароитлари ривожланади. 44. Моддий тананинг ичида курашаётган ақл билан бирга Олий Руҳ ҳам мавжуд бўлишига қарамай, У ҳеч қандай ҳаракат қилмайди, чунки У илоҳий илмга эга. Худди дўстимдай ҳаракат қилиб, У шунчаки Ўзининг илоҳий ҳолатида мени зимдан кузатиб туради. Мен, чексиз кичик руҳий зарра, алоҳида руҳ эса, аксинча, моддий олам киёфасини ўзида акс эттириб турган ойна ҳисобланадиган ақлни кучоқлаб олганман. Шу тариқа мен ҳиссиётимга лаззат келтирадиган нарсаларга махлиё бўлиб, моддий табиат гуналарига аралашганим сабабли ҳаётда адашиб, алданиб қолдим. 45. Хайр-эхсон қилиш, ҳаётда ўзининг муқаддас бурчини бажариб юриш, асосий ва иккиламчи диний қонун-қоидаларга амал қилиш, муқаддас китобларни тинглаш ва ўрганиш, эзгу ишлар қилиш ва покланиш учун риёзат чекиш - буларнинг ҳаммасининг якуний мақсади ақлни жиловлаб олишга қаратилган. Аслини олганда, ақлни ҳамиша Худои Таолода

мужассам қилиб юриш - энг буюк йога ҳисобланади. 48. Агар одамнинг ақли мукамал равишда барқарор ва осойишта бўлса, менга айтинг-чи, унинг ақидаларга амал қилиб хайр-эхсон таратишининг ёки бошқа савоб амаллар қилишининг нима кераги бор? Агар одамнинг ақли барибир жиловланмай, ғофиллик ботқоғига ботиб, адашиб қолаверадиган бўлса, унинг ҳар хил савоб ишлар қилишининг нима кераги бор? 47. Азалдан барча ҳиссиётлар ақлнинг назорати остида ҳаракат қилади, ақлнинг ўзи эса, ҳеч қачон ҳеч кимга бўйсунганини истамайди. У энг қудратли зотдан ҳам қудратли, унинг илоҳий қудрати кишини даҳшатга солади. Шунинг учун ақлини жиловлаб, ўзининг қаттиқ назорати остига ола билган одам ўз ҳиссиётининг ҳақиқий ҳукмдорига айланади. 48. Ўзининг мана шу бебош, ўжар, ашаддий душмани бўлган ақлини енга олмасдан, қалбини тимдалаб азоб бераётган ҳиссиётининг хуружига чидамаган одамлар ҳаётда боши берк кўчага кириб қолиб, ноилож ҳолда бошқа одамлар билан бемаъни, асосиз равишда душманлик қилиб юрадилар. Шу тарика улар бошқа одамларни ўзларига ё дўст, ё душман, ё бутунлай хайрихоҳ бўлган одамлар тоифасига ажратадилар.

49. Шунчаки моддий ақлнинг маҳсулоти бўлган мана шу моддий танасини “мен”, “ўзим” деб биладиган одамлар фақат “мен ва меники” деган тушунчалар асосида фикр юритиб, тафаккури хиралашиб қолади. “Бу мен, бу бошқа биров” деб алданиб юрганлари сабабли улар тубсиз ғофиллик зулмати ичида сарсон бўлиб юраверадилар. 50. Агар сен менинг бахт ва мусибатларимга мана шу одамлар сабабчи деб ҳисобласанг, унда руҳнинг нима кераги бор, у қаерда юрибди? Бу бахт ва мусибатларнинг руҳга алоқаси йўқ, улар фақат таналарнинг ўзаро ҳаракатларига боғлиқ. Агар одам тилини ўзининг тишлари билан тишлаб олган бўлса, шунинг оғригидан тортаётган бу азоби учун у кимдан хафа бўлиши керак? 51. Агар сен мусибатларга тананинг сезгиларини бошқариб турган фаришталар сабабчи бўлади, деб ҳисобласанг, унда бу мусибатларнинг руҳий табиатли жонга, алоҳида руҳга нима алоқаси бор? Бу ҳаракатлар ва уларнинг таъсирлари - шунчаки ўзгарувчан ҳиссиётларнинг ва уларни бошқариб турган илоҳларнинг ўзаро ҳаракатлари, муносабатлари-ку? Тананинг бир аъзоси иккинчи аъзосига азоб бераётган бўлса, шу тана ичида яшаётган шахс кимдан хафа бўлиши керак?

52. Агар ўзининг бахт ва мусибатининг сабабчиси алоҳида руҳнинг ўзи бўлса, биз бошқаларни айблай олмаймиз, чунки унда бахт ва мусибат - шунчаки руҳнинг ўзининг табиати, табиий ҳолати бўлиб қолади. Бу таълимотга кўра, алоҳида руҳ ҳақиқатан ҳам мавжуд эканини ҳеч нарса инкор эта олмайди, агар биз руҳдан бошқа яна бирор нарса бор деб қабул қилсак, бу шунчаки адашиш, алданиш бўларди. Шунинг учун бу таълимотга кўра аслида бахт ва мусибат мавжуд бўлмагани туфайли, нимага биз ўзимиздан ёки бошқалардан хафа бўлишимиз керак?

53. Агар биз бахт ва мусибатларнинг сабабчиси сайёралар бўлади, деган таълимотни таҳлил қилсак, унда уларни мангу табиатга эга руҳ билан қандай боғлаш мумкин? Бунинг устига сайёралар фақат туғиладиган, туғилган нарсаларга таъсир кўрсатади. Шунингдек, тажрибали астрологлар айтганларки, сайёралар фақат ўзлари бир-бирларига мусибат келтирадилар. Шунинг учун, агар тирик мавжудот ана

шу сайёралардан ва моддий танадан фарқ қиладиган бўлса, у ҳаётда кимдан хафа бўлиб, кимни айблаши керак?

54. Агар биз бахт ва мусибатларимизнинг сабабчиси аввалги кармали фаолиятимиз деб қарайдиган бўлсак, унда ҳам руҳ барибир четда қолиб кетади. Руҳий табиатга эга бўлган онгли ҳаракат қилувчи(актер) ва ҳаракатнинг натижаси сифатида бахт ва мусибат кўринишида ўзгаришга учрайдиган моддий тана мавжуд бўлганда дунёвий фаолият ғояси юзага келади. Агар тана ҳақиқатан яшамайдиган(ўлик) бўлса, у бахт ва мусибатни ҳис қила олмайди, моддий танадан бутунлай фарқ қиладиган ва руҳий табиатга эга бўлган алоҳида руҳ ҳам бахт ва мусибатни қабул қила олмайди. Агар шу сабабли карма ҳам на танада, на руҳий табиатли алоҳида руҳда асос, макон топа олмаса, кимни айблаш мумкин?

55. Агар биз вақтни бахт ва мусибатларнинг сабабчиси деб қарайдиган бўлсак, буни ҳам алоҳида руҳга қўллаб бўлмайди, чунки вақт Парвардигорнинг руҳий қувватининг намён бўлиши, тирик мавжудотлар ҳам Парвардигорнинг вақт орқали намён бўладиган руҳий қувватининг экспансиялари ҳисобланади. Албатта, олов ўзининг аланга тилларини ёки учқунларни куйдира олмайди, совуқ ҳам ўзи яратган қор парчаларига ёки музга зарар етказа олмайди. Аслини олганда, руҳий табиатга эга бўлган алоҳида руҳ илоҳий зот бўлиб, дунёвий бахт ва мусибат тушунчасидан устун туради. Шунинг учун инсон ўзининг бошига тушадиган бахт ва мусибатларда кимни айблаши мумкин?

56. Сохта ўзлик алдамчи моддий ҳаётга шакл беради ва шу тарика моддий бахт ва мусибатни ҳис қила бошлайди. Аммо руҳ моддий табиатга нисбатан илоҳий табиатга эга; руҳ ҳеч қачон, ҳеч қаерда, ҳеч қандай вазиятда ҳеч қандай куч ёки шахс томонидан моддий бахт ва мусибат таъсирига берилмайди. Ана шу ҳақиқатни тушуниб олган одам бу моддий оламда ҳеч нарсдан кўрқмаслиги керак.

57. Мен енгиб бўлмас ғофиллик, илмсизлик уммонини Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига садоқат билан хизмат қилишга бутунлай ғарқ бўлиш билан кечиб ўтаман. Аввал ўтган барча ачарйалар, Парвардигорга, Параматмага, Худонинг Олий Шахсига барқарор садоқатга эга бўлган руҳий устозларнинг барчаси айнан мана шу йўлни маъқуллаганлар”.

58. Парвардигор Кришна шундай деди: “Шундай қилиб, ўзининг мол-мулкидан айрилиб қолиб, таркидунёлик турмуш тарзига ўтган бу донишманд браҳман барча мусибатлардан бутунлай халос бўлди. У уйини тарк этиб, саннийаси турмуш-тарзини қабул қилиб, Ер юзи бўйлаб айланиб юрарди. Ҳатто безорилар уни ҳақоратласалар ҳам у ҳаётда ўзининг инсоний бурчини бажариб, барқарор ўзгармай қолиб,

138

мунтазам мана шу қўшиқни куйлаб юрарди. 59. Ўзининг адашган ақлидан бошқа ҳеч қандай куч алоҳида руҳни бахт ва мусибатлардан изтироб чекишга мажбур қила олмайди. Одам фақат ўзининг ғофиллиги туфайли бировларни ўзига дўст, бировларни душман, бировларни хайрихоҳ деб қабул қилади, ана шу тушунчалар асосида у ўзининг бу дунёдаги ҳаётини яратади. 60. Азизим Уддхава, ақлингни ҳамиша менда мужассам қилиб, сен шу тарика ўз ақлингни тўлиқ

назорат остига олишинг керак. Йога илмининг асосий мазмуни шундан иборат.

61. Мутлақ Ҳақиқат ҳақида ҳақиқий илмни таърифлайдиган мана шу саннийасининг кўшиғини тинглаган ёки бошқаларга гапириб берган, шу тарика диққат билан унга муруқба қиладиган ҳар қандай фаросатли одам ҳеч қачон дунёвий бахт ва мусибатларнинг қарама-қаршиликларига яна дучор бўлмайди.

Йигирма тўртинчи боб. Санхья фалсафаси.

1. Парвардигор Шри Кришна шундай деди: “Энди Мен сенга Санхья илми ҳақида гапириб бераман, қадимда ишонарли донишмандлар бу илмни мукамал асослаб берганлар. Бу илмни тушуниб етган одам алдамчи моддий қарама-қаршиликлар таъсиридан дарров халос бўлади. 2. Аввалги замонларда, барча одамлар чуқур фикрлаш қобилиятига эга, руҳий жиҳатдан жуда ўткир бўлган Крита-юга даврида, шунингдек ундан олдин, оламнинг яксон бўлиши давомида, ўзи кузатаётган нарсдан фарқ қилмайдиган бир башоратчи Зот мавжуд эди. 3. Ана шу ягона Мутлақ Ҳақиқат, ҳар қандай моддий қарама-қаршиликлардан пок ҳолда, оддий нутқ ва ақл билан англаш чегарасидан ташқарида қолиб, Ўзини икки (категория)гоифада намоён этди - моддий табиатга; ана шу табиатнинг намоён бўлган кўринишларидан лаззатланишга интиладиган тирик мавжудотларга. 4. Намоёнликнинг шу икки тоифасидан биттаси моддий табиат ҳисобланади, у нафис сабаблар тимсоли бўлиб, модданинг турли маҳсулотларини намоён этади. Иккинчи намоёнлик - онгли тирик мавжудот бўлиб, у моддий табиатдан лаззатланувчи ҳисобланади.

5. Моддий табиат Менинг нигоҳим таъсири остида ҳаракатга уйғонганида, шартланган руҳларнинг умидвор бўлиб кутиб ётган истакларини, орзуларини рўёбга чиқариш учун моддий табиат гуналари - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат юзага келди. 6. Ана шу уч гунадан махат-таттва билан бирга бошланғич супра юзага келди. Махат-таттванинг ўзгариши ёрдами билан тирик мавжудотларнинг адашишига сабаб бўлган сохта ўзлик юзага келди. 7. Моддий, жисмоний сезгиларнинг, ҳиссиётнинг ва ақлнинг сабабчиси бўлган сохта ўзлик руҳни ҳам моддани ҳам ўраб олади ва уч кўринишда намоён бўлади: эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гунасида.

8. Ғафлат гунасидаги сохта ўзликдан нафис жисмоний ҳиссиётлар юзага келди, улардан кўпол моддий унсурлар пайдо бўлди. Эҳтирос гунасидаги сохта ўзликдан ҳиссиётлар, эзгулик гунасидаги сохта ўзликдан эса ўн бир фаришта дунёга келди. 9. Мен ҳаракатга келтирган мана шу унсурларнинг барчаси фаолият кўрсатишни бошлаш учун тартибли равишда бир жойга тўпландилар ва биргаликда коинотнинг тухумини юзага келтирдилар, ана шу тухум Менинг ажойиб даргоҳларимдан биридир. 10. Сабаблар уммони сувида сузиб юрган ана шу тухумнинг ичида Мен Ўзим намоён бўлдим, Менинг киндигимдан “бутун олам нилуфар гули” пайдо бўлди, Тангри Браҳма ана шу нилуфар гулидан дунёга келди.

11. Бутун коинотнинг руҳи бўлган Тангри Браҳма эҳтирос гунаси таъсири остида эди, у Менинг марҳаматим билан буюк риёзатларга берилди,

натихада руҳий қудратга эга бўлиб, Бхур, Бхувар ва Свар деб аталадиган уч сайёралар тизимини ва уларни бошқариб турадиган илоҳларни яратди. 12. Жаннат фаришталар яшайдиган жой қилиб белгиланди, Бхуварлока - ажина-арвоҳларнинг, Ер сайёралар тизими эса - одамлар ва ўлимга маҳкум бўлган бошқа тирик мавжудотлар яшайдиган жой қилиб танланди. Шундай қилиб, бу уч оламнинг ўрни моддий табиат гуналари таъсири остида қилинадиган турли фаолиятларнинг оқибатига мос равишда белгиланди. 14. Сеҳрли йога билан шуғулланиш, қаттиқ риёзатлар ва таркидунё қилиб яшаш ёрдамида Махарлока, Жаналока, Таполока ва Сатйалока тизимидаги пок сайёраларга эришиш мумкин. Аммо Худога садоқат билан хизмат қилиш йогаси билан шуғулланаётган ҳар қандай одам Менинг илоҳий даргоҳимга эришади.

15. Бу дунёда амалга ошириладиган ҳар қандай кармали фаолиятнинг барча натижаларини Замона зайли(қудрати) кўринишида ҳаракат қилувчи, Олий яратувчи сифатида Мен Ўзим белгилаб қўйибман. Шу тарика, ҳар ким баъзида моддий табиат гуналарининг ана шу қудратли дарёси юзига кўтарилади, баъзан эса, яна дарё остига чўкиб кетади. 16. Бу дунёда мавжуд бўлган ҳар қандай - каттаю-кичик, нафис ва кўпол бўлган воқеа-ҳодисанинг таркибида албатта моддий табиат ва ундан лаззатланувчи алоҳида руҳ, жон мавжуд бўлади.

17. Олтин ва ер энг аввало таркибий қисм сифатида мавжуд бўладилар. Олтиндан билагузук ва сирға сингари олтин тақинчоқлар ясаш мумкин, ердан эса - идиш, кўзалар ясаш мумкин. Бошланғич таркибий ер ва олтин, улардан ясалган нарсалардан аввал ҳам мавжуд эди, ана шу нарсалар вақти келиб яксон бўлиб кетганда ҳам бошланғич ер билан олтин мавжудлигича қолаверади. Шундай қилиб, мана шу таркибий қисмлар аввалида ҳам, охирида ҳам мавжуд экан, демак улар ораликда ҳам албатта мавжуд бўлади. Бунда улар маълум бир нарса кўринишида бўлади, лекин биз уларга ўзларимизга қулай номлар бериб ташлаймиз - кўза, тақинчоқ, исирға ва ҳоказо. Шунинг учун биз тушуниб олишимиз лозимки, таркибий сабаб бирор нарсанинг яралишидан аввал ҳам, шу нарса йўқолиб кетгандан кейин ҳам мавжуд бўлса, ана шу таркибий сабаб шу нарса мавжуд бўлиб турганда ҳам унинг мавжудлигининг асоси кўринишида албатта мавжуд бўлади.

18. Ажралмас таркибий қисмдан таркиб топган моддий нарса шакл ўзгартириш(трансформация) ёрдамида бошқа бошқа моддий нарсани юзага келтиради. Шундай қилиб, яратилган бир нарса иккинчи яратилган нарсанинг асоси ва сабабчиси бўлади. Шу боис қандайдир нарсани ҳақиқатан ҳам мавжуд деб тан олиниши учун у ўзининг бошланғич ва охириги ҳолатидан таркиб топган бирор нарсанинг асосий табиатига эга бўлиши керак. 19. Моддий табиат ўзининг бошланғич таркибий қисми ва охириги ҳолати сифатида маълум табиатга эга бўлсагина ҳақиқатан ҳам мавжуд деб аталиши мумкин. Парвардигор Маха-Вишну - вақт кучи ёрдамида намоён бўладиган табиат макон топган даргоҳ ҳисобланади. Шундай қилиб, табиат, қудратли Вишну ва Замон аслида Мендан, Олий Мутлақ Ҳақиқатдан фарқ қилмайди.

20. Худонинг Олий Шахси табиатга нигоҳ ташлашда давом этар экан, моддий олам ранг-баранг нарсаларни намоён этишда давом этиб, мавжуд бўлиб

туришда давом этаверади. 21. Мен фазовий қиёфанинг асоси бўламан, фазови қиёфа эса, сайёралар тизимини такрор ва такрор яратиш, мавжудлигини таъминлаш ва яксон қилиш орқали чексиз турли ранг-баранг оламни намоён этади. Азалдан ўзида барча сайёраларнинг мавҳум ҳолдаги уруғини сақлаган ҳолда Менинг фазовий қиёфам беш унсурнинг маълум тартибли бириқишлари натижасида мавжуд моддий борлиқнинг турли кўринишларини юзага келтиради. 22-27. Яксон бўлиш, яъни охир-замон пайтида тирик мавжудотнинг ўлимга маҳкум танаси овқат таркибига киради. Овқат ғалла таркибига киради, дон ер таркибига киради. Ер ўзининг нафис ҳиди билан кўшилиб кетади. Ҳид сувга аралашиб кетади, сув ўзининг асосий сифати бўлган таъмга киради. Таъм олов билан бирикади, олов шаклга кўшилиб кетади. Шакл ўзининг тегилиш сифатига кўшилиб кетади, тегилиш сифати эфирга киради. Эфир товушни сезишга кўшилади, барча ҳиссиётлар ўзларининг манбаи бўлган фаришталарга кириб кетадилар, улар эса, назорат остидаги ақлга кирадилар, ақл эса, эзгулик гунасидаги сохта ўзлик билан кўшилиб кетади. Товуш ғафлат гунасидаги сохта ўзлик билан бириқиб кетади, барча моддий унсурларнинг биринчиси бўлган қудратли сохта ўзлик эса, мужассам табиат билан кўшилиб кетади. Моддий табиат гуналарининг бошланғич манбаи бўлган мужассам моддий табиат гуналарга кўшилиб кетади. Кейин бу гуналар табиатнинг намоён бўлмаган кўринишига кўшилиб кетадилар, намоён бўлмаган кўринишдаги табиат эса вақтга кўшилиб кетади. Вақт Парвардигор, ҳар нарсани билишга қодир Маха-Пуруша кўринишида мавжуд бўлган, барча тирик мавжудотларни ҳаракатга келтирувчи Зот бўлган манба - Худои Таоло билан кўшилиб кетади. Ҳаётнинг ана шу бошланғич манбаи Мен билан, туғилмаган Олий Рух билан кўшилади. У ўзида ҳамиша мавжуд бўлган ҳолда, яккаю-ёлғиз, мангу мавжуд. Барча олам Ундан пайдо бўлади ва яна Унга киради.

28. Худди Куёш осмоннинг зулматини ёритиб юборгани сингари, моддий олам ҳақидаги мана шу мукамал илм ҳам жиддий фикрлашга қодир бўлган содиқнинг ақлидан барча алдамчи гумонларни дарров тарқатиб юборади. Ҳатто алданиш туйғуси қандайдир сабабларга кўра унинг қалбига кириб олган бўлса ҳам, у ерда узоқ қолиб кетмайди. 29. Шундай қилиб, бутун моддий ва рухий нарсаларни мукамал биладиган Зот бўлган Мен сенга Санкхйа илмини тушунтириб бердим. Оламнинг яралиши ва яксон бўлишини илмий равишда таҳлил қилиш ёрдамида бу илм одамни барча алданиш ва гумонлардан халос этади.

Йигирма бешинчи боб.

Моддий табиатнинг уч гунаси ва ундан устун бўлиш.

1. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Эй одамлар ичида аълоси, қулоқ сол, энди Мен сенга тирик мавжудот қандай қилиб моддий табиатнинг ҳар хил гуналари ёрдамида маълум табиатга, сифатга эга бўлиши ҳақида гапириб бераман. 2-5. Ақл ва ҳиссиётни назорат остига олиш, чидамлилиқ, зехнлилиқ, ўз бурчига содиқлик, ростгўйлик, меҳрибонлик, ўтмиш ва келажакни пухта ўрганиш, ҳар қандай ҳолатда ҳам

ҳаётдан мамнун бўлиш, олийжаноблик, сахийлик, ҳиссий лаззатларни тарк этиш, рухий устозга ишонч, иймон, бемаъни ҳаракатлар қилишдан жирканиш, эзгу, хайрли ишлар қилиш, соддалик, камтарлик, мискинлик, қалбнинг хотиржамлиги, осойишталиги - буларнинг барчаси эзгулик гунасининг сифатларидир. Дунёвий орзу-истаклар, бирор ниятга шижоат билан интилиш, мардлик, ҳатто интилган мақсадига эришса ҳам коникмаслик, сохта мағрурлик, дунёвий шон-шуҳратни орзу қилиш, ўзини бошқалардан устун қўйиш, ҳиссий лаззатларга берилиш, ўйламасдан жангга интилиш, бошқалар ўзини олқишлашларига интилиш, бошқаларни камситишга интилиш, ўзининг қудрати, мардлиги билан мақтаниш, барча ютуқларга фақат ўз қудратим билан эришяпман деб тушуниш - буларнинг барчаси эхтирос гунасининг сифатларидир. Чидаб бўлмас ғазаб, ҳасислик, муқаддас китобларга асосланмаган суҳбатлар, зўравонлик кўрсатиш билан нафратланиш, боқимандалик, иккиюзламачилик, сурункали ланжлик, дангасалиқ, душманлик, қайғу-ҳасрат, адашиш, бахтсизлик, паришонхотирлик, кўп ухлаш, эришиб бўлмайдиган орзуларга берилиш, кўрқув ва эринчоқлик ғафлат гунасининг бошланғич сифатларидир. Энди мана шу гуналарнинг аралашмалари ҳақида тингла.

6. Азизим Уддхава, ҳаётда “мен ва меники” деган тушунчалар асосида яшайдиган одамнинг фикрида моддий табиат гуналарининг турли аралашмалари юзага келади. Бу дунёда ақл, ҳиссиётлар ва ҳиссиётларга таъсир қиладиган нарсалар ҳамда ҳаёт нафаси ёрдамида жисмоний тана амалга оширадиган ишларнинг барчаси моддий табиат гуналари аралашмасига асосланган бўлади. 7. Инсон ўзининг ҳаётини тақводорликка(дхарма), иқтисодий ривожланишга(артха), ҳиссиётини лаззатлантиришга (кама) бағишлаганида ўзининг интилиш ва ҳаракатлари натижасида эришадиган иймон, бойлик ва ҳиссий лаззатлар моддий табиат гуналарининг ўзаро ҳаракатини намоён этади. 8. Одам оилавий ҳаётга боғланиб қолиб, ҳиссиётининг лаззатланишга бўлган талабини қондириш ниятида диний урф-одатларга риоя қилиб, бирор иш билан машғул бўлганида моддий табиат гуналари аралашувч юзага келади. 9. Ана шундай сифатларни ўзини назорат қилиш ёрдамида намоён этадиган одам - асосан эзгулик гунасидаги одам ҳисобланади. Худди шундай, эхтирос гунасидаги одам кучли интилиши, эхтироси, шижоати билан бошқалардан ажралиб туради, ғафлат гунасидаги одам эса, ғазаби тезлиги сингари белгилари билан ажралиб туради.

10. Хоҳ аёл бўлсин, хоҳ эркак - ким бўлишидан қатъий назар, киши ҳаётдаги ўзининг бурчини фақат Мени рози қилиш учун, ҳеч қандай боғланишсиз, ўзига бирор манфаат кўзламасдан ҳалол бажариб юрган бўлса, у эзгулик гунасидаги одам ҳисобланади. 11. Ҳаётдаги ўзининг бурчини бажариб, эвазига Мендан бирор моддий манфаат таъма қилиб юрган одамнинг табиати эхтирос гунасида ҳисобланади, бошқаларга зўравонлик қилиш ниятида Менга сиғиниб юрган одам ғафлат гунасидаги одам ҳисобланади.

12. Моддий табиатнинг уч гунаси - эзгулик, эхтирос ва ғафлат - фақат тирик мавжудотга таъсир қиладди, аммо Менга улар умуман таъсир қилмайди. Тирик мавжудотнинг ақлида намоён бўлиб, улар тирик мавжудотни моддий нарсаларга ва бошқа

мавжудотларга боғланиб қолишга мажбур қилади. Шу тариқа тирик мавжудот бу оламда тутқунликка, асирга тушиб қолади. 13. Ҳамиша порлоқ, пок ва ёқимли бўлган эзгулик гунаси эҳтирос ва ғафлат гунасидан устун келганида одам бахтга, эзгуликка, илмга тўлиб, барча яхши фазилатларга эга бўлади.

14. Қаттиқ боғланиш, алоҳидалик ва интилишга ундайдиган эҳтирос гунаси эзгулик ва ғафлат гунасидан устун келганда одам обрў-эътибор ва дунёвий ҳаётда муваффақият қозониш учун жон-жаҳди билан оғир меҳнат қила бошлайди. Шундай қилиб, у эҳтирос гунасида хаяжонга тушиб, ҳаёт учун қаттиқ кураш олиб боради. 15. Ғафлат гунаси эзгулик ва эҳтирос гунасига нисбатан устивор бўлганида одамнинг онгини қоплаб олиб, уни онгсиз, ақлсиз нодон қилиб қўяди. Ғафлат гунаси таъсири остида қайғу ва алданиш домига тушиб қолган одам кўп ухлайди, сохта, эришиб бўлмайдиган орзуларга берилади ва бошқаларга зулм ўтказиб бошлайди.

16. Онги покланган ва ҳиссиёти моддий нарсаларга интилишни тарк этган одам моддий тана ичида жасоратли, қўрқмас бўлиб, моддий ақлига бўйсунмай қўяди. Ана шундай ҳолатни сен эзгулик гунаси устивор бўлган ҳолат деб ҳисоблашинг керак, ана шундай ҳолатда одам Мени, Худои Таолони англаш имкониятига эга бўлади.

17. Эҳтирос гунасидаги одамни қуйидаги сифатларига қараб билиб олиш мумкин: унинг ҳаддан ташқари фаоллиги сабабли тафаккури хиралашган; сезгиларини ўткинчи дунёвий нарсалардан тортиб олиш учун ҳиссиёти ожизлик қилади; танасининг аъзолари носоғлом ишлайди; Ҳамиша ақли безовта бўлиб юради.

18. Одамнинг юксак даражада ривожланган олий онги тубанликка юз тутиб, деярли йўққа чиққанида у диққатини бир жойга тўплай олмай қолади, унинг ақли хиралашиб, ўзи тушқунликка тушиб, ғофиллик аломатларини намоён этиб, лоқайд, ҳамма нарсага бефарқ бўлиб қолади. Бундай ҳолатни сен ғафлат гунаси устивор бўлган ҳолат деб ҳисоблашинг керак.

19. Эзгулик гунасининг таъсири кучайиши билан фаришталарнинг ҳам қудрати кучая боради. Эҳтирос гунасининг таъсири кучайганда иблиссифатли зотлар кучли бўладилар. Эй Уддхава, ғофиллик гунаси таъсири кучайиши билан энг пасткаш, ярамас, бадахлоқ, ёқимсиз одамлар куч-қувватга кира бошлайди.

20. Шунини тушуниб олқи, одам эзгулик гунаси таъсирида Ҳамиша сергак бўлиб юради, эҳтирос гунаси таъсирида - ухлаб туш қўради, туш қўрмайдиган қаттиқ уйқу ҳолатида одам ғафлат гунаси таъсири остида бўлади. Онгнинг мана шу уч ҳолатни ҳам қамраб оладиган, уларга сингиб кетадиган тўртинчи ҳолат илоҳий ҳолат деб аталади.

21. Ведалар маданиятига риоя қилиб яшайдиган билимдон одамлар эзгулик гунаси ёрдамида тобора баландроқ поғоналарга кўтарилди борадилар. Аксинча, ғафлат гунаси одамни тубанликка юз тутиб, тобора пастроқ ҳаёт шаклларида туғилишга мажбур қилади. Эҳтирос гунаси таъсирида одам бир танадан иккинчи танага ўтиб одамлар орасида туғилиб юради. 22. Ҳозирги инсон танасини эзгулик гунаси таъсири остида тарк этганлар жаннатга борадилар, танасини эҳтирос гунаси таъсири остида тарк этган одамлар бу дунёда одамлар орасида туғилади, ғафлат гунаси таъсири

остида танасини тарк этганлар дўзахга равона бўлишлари лозим. Аммо моддий табиат гуналари таъсиридан бутунлай озод бўлган киши Менинг даргоҳимга келади.

23. Натижасидан лазатланишни режалаштирмасдан, фақат Мени рози қилиш учун, Менга эҳсон сифатида амалга оширилган иш, меҳнат - эзгулик гунасидаги иш ҳисобланади. Натижасидан лазатланиш ниятида амалга оширилган ҳар қандай фаолият эҳтирос гунасидаги фаолият ҳисобланади. Зўрлик ва ҳасад туйғулари остида амалга оширилган иш ғафлат гунасидаги иш ҳисобланади.

24. Мукаммал, мутлақ илм эзгулик гунасидаги, қарама-қаршиликларга асосланган илм эҳтирос гунасидаги, бемаъни, аҳмоқона моддий, дунёвий илм ғафлат гунасидаги илм ҳисобланади. Мен(инг айтганларим)га асосланган илм илоҳий илмдир.

25. Ўрмонда яшаш - эзгулик гунасида, шаҳарда яшаш эҳтирос гунасида, қимор ўйналадиган жой(бозор)да яшаш ғафлат гунасидаги ҳаёт ҳисобланади, Мен(инг Илоҳим) яшаган уйда яшаш илоҳий ҳолатда яшаш демакдир.

26. Меҳнатининг натижаларига, қилаётган ишига боғланиб қолмаган киши эзгулик гунасидаги одам ҳисобланади. Қилаётган ишининг натижасига, ўзининг ишига чуқур ишонч билан боғланиб қолган одам эҳтирос гунасида, Худонинг қонунларига зид ишлар қилиб юрган иймонсиз одам ғафлат гунасида юрган бўлади. Менга садоқат билан хизмат қилишга бўлган ишонч илоҳий поғонага кўтарилган ишончдир.

28. Инсон танаси учун фойдали, пок, ҳалол, ҳеч қандай муаммосиз топиладиган овқат эзгулик гунасида, ҳиссиётларга дарров лаззат берадиган таом эҳтирос гунасида, нопок, ҳар хил касалликларга сабаб бўладиган таом ғафлат гунасидаги овқат ҳисобланади.

29. Одам ўзининг қалбидан ҳис қиладиган бахт эзгулик гунасидаги бахт ҳисобланади, ҳиссиётини лаззатлантиришга асосланган бахт эҳтирос гунасидаги бахт, алданиш, тубанликка юз тутишга асосланган бахт ғафлат гунасидаги бахтдир. Худои Таолони излашдан, Унга интилишдан, Менга эришишдан одамнинг қалбида юзага келадиган бахт илоҳий табиатга эга бўлган бахтдир.

30. Шу боис моддий шароит, жой, фаолиятнинг натижаси, вақт, илм, иш, иш бажарувчи, ишонч, онгнинг ҳолати, турмуш тарзи ва ўлгандан кейин борадиган жой - буларнинг ҳаммаси моддий табиат гуналарига асосланган бўлади.

31. Эй инсон танасидаги зотлар ичида аълоси, моддий борлиқдаги ҳар қандай ҳолат лаззатланувчи руҳ ва моддий табиатнинг ўзаро ҳаракатларидан таркиб топган. Кузатилаётган, эшитилаётган ёки ҳали ақлда ўйланаётган ҳолатларнинг барчаси албатта моддий табиат гуналаридан иборат бўлади. 32. Эй олийжаноб Уддхава, шартланган ҳаётнинг мана шу поғоналарининг барчаси моддий табиат гуналари келтириб чиқарадиган фаолиятдан юзага келади. Ақли намоён этаётган ана гуналарни енга олган тирик мавжудот Худого садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида ўз ихтиёрини Менга топшира олади ва шу тариқа қалбида Менга пок илоҳий муҳаббат туйғусини ривожлантиришга қодир бўлади.

33. Шунинг учун, ҳар кимга мукаммал илм эгаллаш имконини берадиган инсон танасига эга бўлиб, фаросатли одамлар моддий табиат гуналарининг барча

иллатларидан покланиши ва ҳаётда фақат Менга садоқат ва муҳаббат билан хизмат қилишда машғул бўлиши лозим. 34. Адашиш ва ҳар қандай дунёвий суҳбатлардан озод бўлиб, чуқур фикр юритишга қодир бўлган фаросатли донишманд одам ҳиссиётини жиловлаб олиб Менга сиғиниши лозим. У эҳтирос ва ғафлат гуналаридан устун кўтарилиб, ҳаётда фақат эзгулик гунасидаги фаолият билан машғул бўлиши лозим. 35. Кейин, бутун ҳаётини, фикру-халини Худога садоқат билан хизмат қилишда мужассам қилиб, донишманд одам моддий табиат гуналарига нисбатан бутунлай хайрихоҳ бўлиб, эзгулик гунасидан ҳам устун кўтарилиши лозим. Шу тарзда, ақли хотиржам бўлиб, моддий табиат гуналаридан бутунлай озод бўлган руҳ ўзининг ҳозирги шартланган ҳаётининг сабабчиси бўлган танасини тарк этиб, Менга эришади. 36. Ақлининг нафис шартланган ҳолатидан ва моддий онги юзага келтирган моддий табиат гуналари таъсиридан озод бўлиб, тирик мавжудот Менинг илоҳий қиёфамни ҳис этиб, қалбида тўла мамнуният ҳосил қилади. У энди ташқи қувватдан олинадиган ҳиссий лаззатларга интилмади, шунингдек у бундай лаззатларни ўйлаб ҳам, эслаб ҳам ўтирмайди.

Йигирма олтинчи боб. Аила-гита.

1. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Ҳар кимга Мени англаб етиш имконини берадиган инсон танасига эга бўлиб, Менга садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб, ҳар қандай одам ҳам барча лаззатларнинг манбаи ва ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлиб, бутун борлиқнинг Олий Рухи бўлган Менга эриша олади. 2. Ақлини илоҳий илмда мужассам қилган одам моддий табиат гуналарига ўзини қиёслашни тарк этиб, шартланган ҳаёт тутқунлигидан озодликка чиқади. Моддий табиат гуналарининг маҳсулотларига худди сароб, алдамчи нарсалардай қараб, у гарчи моддий табиат гуналари орасида юрса ҳам, уларга аралашиб қолишдан ўзини четга олиб юради. Моддий табиат гуналари ва уларнинг маҳсулотлари ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлмагани сабабли у уларни шунчаки қабул қилмайди, эътибор бермайди. 3. Ҳеч бир фаросатли одам ҳеч қачон қорни ва шахвоний эҳтироси(жинсий аъзолари)нинг қули бўлиб қолган дунёвий одамлар билан ҳамсуҳбат бўлмаслиги керак. Уларнинг изидан бораётган одам тубанликка юз тутиб, худди кўр одамга эргашиб бораётган кўр сингари, ғафлат зулматининг энг чуқур қаърига қулайди. 4. Бу ҳақда машҳур шаҳаншоҳ Пурурава ажойиб бир кўшиқ куйлаган эди. У хотини Урвашидан айрилиб қолганида, аввалига адашганидан қаттиқ қайғуриб изтироб чекди, аммо, кейинчалик қайғу-ҳасратини жиловлаб олиб, қалбида ҳақиқий таркидунёлик туйғусини ҳис қила бошладди. 5. Хотини уни ташлаб кетганида, ҳатто яланғоч эканига ҳам аҳамият бермасдан, хотинининг изидан эргашиб, ақдан озган телбалардай қаттиқ қийналиб, зорланиб хотинига ялина бошлади: “Тўхта, хой хотиним, эй бағритош гўзал! Илтимос тўхта!”

6. Кўп йиллар давомида жинсий алоқа билан шуғулланиб лаззатли ҳаёт кечирган бўлса ҳам, Пурурава бундай арзимас ҳиссий лаззатлардан қаноат

ҳосил қилолмаган эди. Унинг ақли Урвашига шунчалик қаттиқ боғланиб қолган эдики, кун ва тунларнинг қанчалик тез ўтиб кетганини сезмай ҳам қолган эди.

7. Шох Аила бирр куни шундай деб куйлай бошлади: “Э-воҳ, вой-дод, мен ҳаётда қанчалик алданиб қолганимни кўринглар! Бу фаришта мени бағрига босиб, бўйнимни қаттиқ қучоқлаб олган эди. Қалбим шахвоний эҳтирос ботқоғига шунчалик булғаниб, ботиб кетган эканки, бутун умрим қандай ўтиб бораётгани ҳақида сира ўйлаб ҳам кўрмабман. 8. Бу гўзал хоним мени ўзига шунчалик махлиё қилиб кўйган эканки, мен ҳатто, умримни тобора қисқартириб, Қуёшнинг ҳар куни чиқиб ботаётганини ҳам сезмабман. Аттанг, шунча йил вақтимни бекорга ўтказибман. 9. Минг афеуски, одамлар мени қудратли шаҳаншоҳ, Ер юзидаги барча шохлар ичида қимматбаҳо гавҳар зот деб ҳисобласалар ҳам, алданиб, адашиб маккор аёл зотининг қўлида худди ўргатилган ҳайвондай ўйинчоқ бўлиб қолганимни кўринглар! 10. Гарчи мен чексиз бойликка эга қудратли ҳукмдор бўлсам ҳам, бу аёл мени худди арзимас чўп ўрнида ҳам кўрмасдан, ҳеч қийналмасдан бемалол тарк этиб кетди. Шунга қарамай, яланғоч ҳолда, уят, ор-номусни ҳам ўйламасдан мен худди телбалардай қичкириб, ялиниб унинг ортидан эргашиб бордим. 11. Менинг шунчалик буюқ қудратим, олий ҳукмронлигим, юксак мартабам қани? Худди урғочи эшакдан тепки еяётган эркак эшакдай, мен ҳам ўзимни тарк этиб кетаётган бу аёлнинг изидан югурибман. 12. Агар охир-оқибатда одамнинг ақлини аёл зоти ўғирлаб қўядиган бўлса, шунча илм ўргангандан, қаттиқ риёзатларга берилиб азият чеккандан, муқаддас китобларни ўргангандан, сукут сақлаб хилват жойда ёлғиз яшагандан нима фойда? 13. Илоё мендай нодонни жин уриб кетсин! Гарчи манманлик, мағрурлик билан ўзимни жуда фаросатли, зукко одам деб ҳисобласам ҳам, аслида ҳатто ўзимга нима фойда-ю нима зарар эканини ҳам яхши билмайдиган ғофил аҳмоқ эканман. Гарчи мен халққа ҳукмрон бўлишда улуғвор мартабага эришган бўлсам ҳам, худди ақлсиз ҳўкиз ёки эшакларга ўхшаб, аёллардан мағлуб бўлиб ўтирибман-а?”

14. Худди қурбонлик гулханидаги оловни мунтазам сариеғ қуйиб туриш билан ҳеч қачон ўчириб бўлмагани сингари, ҳатто узоқ йиллар давомида мен Урвашининг ширин лаблари лаззатига хизмат қилган бўлсам ҳам, қалбимда шахвоний эҳтирос истаклари тобора кучая бориб, бундан сира қаноат ҳосил қилмадим. 15. Менинг жаннатий фоҳиша аёл ўғирлаб кўйган нопок онгимни моддий ҳиссиётлардан ташқарида ва қалбининг осойишталигига эришган донишмандларнинг Парвардигори бўлган Худонинг Олий Шахсидан бошқа ким ҳам қутқара оларди? 16. Мен тафаккурим хиралашшига йўл қўйганим, ўз ҳиссиётимни назорат қила олмаганим, уларни жиловлаб олмаганим сабабли ҳатто Урвашининг ўзи менга чиройли сўзлар билан доно насихатлар берган бўлса ҳам, ақлимда авж олаётган алданиш, адашиш касали яқсон бўлгани йўк. (“Шримад Бхагаватам”. 9-Кўшиқ).

17. Рухий ўзлигимни англашда, ҳақиқий “мен”имни, ўзимни топишда ўзим шунчалик ғофил бўла туриб, мен қандай қилиб ҳозирги бу мусибатимда уни айблаб олардим? Мен ҳиссиётимни жиловлаб олишга умуман уринмадим, шу сабабли бехатар арқонни илон деб ўйлаб юрган одамга ўхшаб қолдим.

18. Ҳар хил бадбўй хидларга тўла жирканч, ҳар томонлама ифлос бўлган бу моддий тана нима ўзи? Мен аёл танасининг гўзаллиги ва муаттар хидига махлиё бўлиб қолган эдим, лекин аёл танасидаги одамни ўзига жалб этадиган жозибали сифатлар қандай нарсалар ўзи? Улар шунчаки алданиш, майя яратган сохта, алдамчи ялтироқ қобиклар, холос.

19-20. Аслида тана кимники эканини ҳеч ким ҳеч қачон аниқлай олмайди. Бу тана уни дунёга келтирган ота-онаникими, унга лаззат берадиган хотинникими, танага ҳар хил иш буюриб, ишлатадиган хўжайинникими? Бу тана дафн қилиш оловиникими ёки охир-оқибатда ўзи емиш бўладиган ит ва шоғолларникими? Балки бу тана унинг бахт ва бахтсизликларида ҳамиша ҳамроҳ бўлиб юрган мангу, ўзгармас руҳникидир, балки унга ҳамиша ёрдам бериб, ҳаётга илҳомлантириб юрган дўстлариникидир? Гарчи одам ўзининг танаси аслида кимники эканини ҳеч қачон аниқлай олмаса ҳам, барибир у танасига қаттиқ боғланиб қолади. Моддий тана - одамни тубанликка мубтало этадиган ифлос моддий қиёфадир, шунга қарамай, одам бирор аёлнинг юзига махлиё бўлиб қарар экан: “Қандай чиройли аёл экан! Унинг бурнининг гўзаллигига қаранг, чиройли лабларини кўринг! - деб ўйлайди.

21. Тери, гўшт, қон, ёғ, томир, суяк, сийдик, йирингдан таркиб топган мана шу моддий тана билан лаззатланишга интилаётган оддий қуртлар, ҳашаротлар билан одамлар орасида қандай фарқ бор? 22. Шу боис, ҳатто моддий тананинг асл табиатини назарий жиҳатдан биладиган донишманд одам ҳам ҳеч қачон аёллар билан ёки аёлларга боғланиб қолган очофат одамлар билан ҳамсухбат бўлмаслиги керак. Ҳиссиётларнинг уларга лаззат берадиган нарсалар билан бирикиши албатта ақлни безовта қилади. 23. Одамнинг ақли ўзи ҳеч қачон кўрмаган ва эшитмаган нарсаси таъсиридан безовта бўлолмагани учун, моддий ҳиссиётини жиловлаб олган одамнинг ақли ўз-ўзидан дунёвий фаолият кўрсатганда қаттиқ назорат остида юрган бўлади ва шундай одам ҳамиша хотиржам, осойишта ҳаёт кечиради.

24. Шунинг учун ҳеч ким ҳеч қачон аёллар ёки аёлларга боғланиб қолган одамлар билан эркин ҳамсухбат бўлмаслиги керак. Ҳатто чуқур илмга эга бўлган донишмандлар ҳам ақлининг олти душманига ишонмаслиги керак: шундай экан, мен сингари ғофил, ожиз одамлар ҳақида нима дейиш мумкин?”

25. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Мана шу кўшиқни куйлаб, фаришталар ва одамлар орасидаги буюк шахс Махаража Пурурава ўзи эришган Урваши яшайдиган жаннатий сайёрада яшаш мартабасини тарк этди. Илоҳий илм ёрдамида у алданиш домидан бутунлай покланди, қалбида Олий Рух кўринишида мавжуд бўлган Мени англаб етди ва шундай қилиб, қалби хотиржам бўлиб, мангу осойишталикка эришди.

26. Шу боис фаросатли одам ҳаётини бемаъни ўтказиб юрган ҳар қандай одамлар даврасини тарк этиши, бунинг ўрнига насиҳатлари, суҳбатлари инсон ақлининг бу дунёдаги чексиз боғланишларини яқсон қиладиган авлиё, донишманд содиқлар даврасида бўлишга интилиши лозим. 27. Менинг содиқларим ақлу-хаёлини Менда мужассам қиладилар ва ҳаётда ҳеч қандай моддий нарсаларга боғланиб қолмайдилар. Улар ҳамиша хотиржам, осойишта, барчага бир хил муносабатда бўладилар, бирор нарсага эгалик

қилмайдилар, сохта ўзликдан, қарама-қаршилик ва очкўзлик, қизғаниш иллатидан пок юрадилар.

28. Эй буюк омадли Уддхава, ана шундай авлиё содиқлар ўзаро ҳамиша Мени муҳокама қилиб юрадилар, Менинг шон-шухратим олқишланиб қуйланадиган ва тингланадиган ана шундай суҳбатларда, давраларда иштирок этадиган одам албатта барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади. 29. Мен ҳақимдаги мана шу гапларни тинглаган, бошқаларга куйлаб берган ёки қалбида чуқур иймон билан уларни тинглаб қабул қилган ҳар қандай одам албатта Менинг издошим бўлиб, Менга садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилади. 30. Менга - жазавали илоҳий лаззатга тўла бутун илоҳий борлиқнинг ягона тимсоли бўлган, сон-саноксиз эзгу фазилатларга эга бўлган Олий Мутлақ Ҳақиқатга садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилган комил содиқ хизматкор ҳаётда яна нима ўрганиши мумкин? 31. Худди муқаддас қурбонлик маросими гулханига яқинлашган одамдан совқотиш ва қоронғуликдан кўркув туйғуси йироқ бўлгани сингари, Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб юрган одам ҳам кўркув ва ғофиллик иллатларидан бутунлай халос бўлади. 32. Қалби хотиржам бўлиб мукамал мутлақ илмни мустаҳкам эгаллаб олган Худонинг содиқлари моддий оламдаги даҳшатли дунёвий ҳаёт уммонида гоҳ юқори кўтарилиб, гоҳ пастга тушиб юрган шартланган руҳлар ишончли мангу нажот топадиган макон ҳисобланади. Ана шундай содиқлар худди чўкиб кетиш арафасида турган одамларни қутқариш учун келган қудратли кемага ўхшайдилар. 33. Озуқа, овқат барча тирик мавжудотларнинг танасининг ҳаётини таъминлаб тургани сингари, Мен ҳам мусибат чекиб қийналаётган одамларнинг нажот макониман, ҳақиқий дин қонунларига асосланган тақводорлик(сабов ишлари) бу дунёни тарк этаётганларнинг ҳақиқий бойлиги бўлгани сингари, Менинг содиқларим ҳам ҳаётнинг бахтсиз шаклларига тушиб қолишдан кўрқадиган зотлар учун ягона паноҳ, нажот маконидир.

34. Қуёш фақат осмонга кўтарилгандагина одамларга ташқаридаги, атрофидаги нарсаларни кўриш қобилиятини берса, Менинг содиқларим уларга илоҳий кўзлар ато этадилар. Менинг содиқларим - ҳақиқатан ҳам сиғинишга муносиб бўлган ҳақиқий Илоҳлар, ҳар бир фаросатли одамнинг ҳақиқий, энг яқин дўсти, ҳақиқий оиласидир; улар ҳар кимнинг шахсий ўзлигидир, улар аслида Мендан фарқ қилмайдилар. 35. Шундай қилиб, Урваши билан бир сайёрада қолишни хоҳламай, Махараж Пурурава ҳар қандай моддий, дунёвий суҳбатларни тарк этиб, хотиржам, қалбида чуқур осойишталикка эришиб, Ер юзида ёлғиз айланиб юрди.

Йигирма еттинчи боб.

Парвардигор Кришнанинг Илоҳларга сиғиниш бўйича берган насиҳатлари.

1. Шри Уддхава шундай деди: “Эй азиз Худойим, эй барча содиқларнинг устози, илтимос, менга Сенинг Илоҳ сифатида намоён бўлган қиёфанга сиғиниш қоидаларини ўргат. Илоҳга сиғинадиган содиқларнинг сифатлари қандай бўлади; Худога

сиғинишнинг бу тури нимага асосланган; сиғинишнинг алоҳида махсус усули қандай бўлади? 2. Барча буюк донишмандлар ҳамиша таъкидлаб айтадиларки, Худои Таолога сиғинишнинг бу тури инсонни ҳаётда эришиш мумкин бўлган энг буюк саодатга эриштиради. Нарада Муни, буюк Вйасадева ва менинг рухий устозим Брихаспатининг фикрлари шундай. 3-4. Эй энг олийжаноб Зот, Илоҳларга сиғиниш жараёни ҳақидаги насихатлар аввало Сенинг ўзингдан чиққан. Кейин бу қонунларни Тангри Браҳма ўзининг Бхригу бошлиқ ўғилларига, Тангри Шива рафиқаси Парватига айтган. Илоҳларга сиғинишнинг бу жараёни жамиятдаги барча варна ва ашрамга мансуб одамларга мўлжалланган ва улар буларни қабул қиладилар. Шу боис Сенга Илоҳ кўринишида намоён бўлган қиёфаниг орқали сиғинишни ҳатто аёл ва шудралар учун ҳам барча рухий амаллар ичида энг фойдалиси деб ҳисоблайман. 5. Эй нилуфарқўзли Зот, эй оламдаги барча ҳукмдорларнинг олий Парвардигори, содиқ хизматкорингга кармали фаолият тутқунлигидан озодликка чиқишнинг ана шу йўллари тушунтириб бер”.

6. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Азизим Уддхава, Илоҳларга сиғиниш бўйича Ведаларда кўрсатилган қонун-қоидаларнинг сон-саногии йўқ; шу боис Мен сенга бу мавзунни қисқача қилиб тушунтириб бераман. 7. Ҳар бир одам Менга уч усулдан бири бўйича сиғиниши лозим. Мен фақат мана шу уч усулнинг бири бўйича сиғинган одамнинг илтижоларини, сиғинишларини қабул қиламан: Ведавий усул, Тантра усули ва аралаш усул.

8. Қулоқ сол, ҳозир сенга Ведалар кўрсатмаси бўйича иккибор туғилган браҳман мартабасига эришган одам Менга садоқат билан қандай сиғиниши лозимлигини тушунтириб бераман. 9. Иккибор туғилган браҳман Менга, яъни ўзи сиғиниб юрган ягона Парвардигорга ҳеч иккиланмасдан, ҳеч қандай гумонсиз, чуқур иймон билан ведаларда кўрсатилган анжомлар тақлиф қилиб, Менинг Илоҳ кўринишида намоён бўлган қиёфамга ёки Менинг ерда, оловда, Куёшда, сувда ёки ўзининг қалбида намоён бўлган қиёфамга садоқат ва муҳаббат билан сиғиниши лозим. 10. Ҳар ким аввало тишларини тозалаб, сувда чўмилиб, ўзининг танасини поклаши лозим. Кейин у танасига тупроқ суриб ва Ведавий ёки тантрик мантраларни тиловат қилиб иккинчи бор покланиши лозим. 11. Ақлини Менда мужассам қилиб, браҳман қунига уч марта Гайатри мантрасини зикр қилиш сингари ўзининг табаррук бурчларини бажариш билан Менга сиғиниши лозим. Бундай амаллар Ведаларда кўрсатилган бўлиб, Худога сиғинаётган одамни унинг дунёвий фаолиёти оқибатларидан поклайди.

12. Парвардигорнинг Илоҳи саккиз турли нарсаларда намоён бўлиши кўрсатилган: тошда, ёғочда, металлда, ерда, бўёқда, кумда, ақлда ёки қимматбаҳо тошларда.

13. Барча тирик мавжудотларнинг нажот макони бўлган Парвардигорнинг Илоҳи икки йўл билан ўрнатилиши мумкин: вақтинча ва доимий. Азизим Уддхава, ўзининг номига биноан, доимий ўрнатилган Илоҳ ҳеч қачон ўрнидан олинмаслиги керак. 14. Вақтинчалик ўрнатилган Илоҳ вақти-вақти билан олиниб, янгиланиб туриши лозим, бу икки маросим ҳамиша Илоҳнинг қиёфаси Ерга чизилганда амалга оширилиши лозим. Илоҳлар лойдан, бўёқдан ёки ёғочдан қилинмаган бўлса, уларни сув билан

ювинтириб туриш лозим. Бу илоҳларни эса, сувсиз тозалаш тавсия этилган.

15. Ҳар бир иймонли одам Илоҳга энг яхши анжом, нарсалар тақлиф қилиш орқали Менга сиғиниши лозим. Аммо, ҳар қандай моддий истаклардан бутунлай озод бўлган Менинг содиқ хизматкорим имкониятига қараб топган нарсаларини Менга тақлиф қилиб сиғиниши, ҳатто Менга ҳаёлан, қалбининг тўрида ақлида яратган анжомларини тақлиф қилиб ҳам сиғинса бўлади. 16-17. Эҳромдаги Илоҳларга сиғинишда сиғиниш маросимлари ичида энг яхшиси, энг ёқимлиси Илоҳларни ювинтириш ва тақинчоқлар билан безаш ҳисобланади. Муқаддас саждагоҳда ерга чизилган Илоҳ учун энг яхши сиғиниш маросими - таттва-вамняси. Муқаддас олов кўринишида намоён бўлган қиёфамга сариеғ сингдирилган бугдой ва арпа тақлиф қилиш, Куёш кўринишидаги қиёфамга эса упахана ва аргҳйа маросимларидан иборат сиғиниш маросими афзалроқ. Ҳар ким Менинг сув кўринишида намоён бўлган қиёфамга сув тақлиф қилиш билан Менга сиғиниши лозим. Аслини олганда содиқ хизматкорим чуқур иймон ва муҳаббат билан Менга нимаики тақлиф қилса, - у ҳатто озгина сув бўлса ҳам, - унинг бу эҳсони Мен учун жуда азиз.

18. Агар Менга иймонсиз одам тақлиф қилаётган бўлса, ҳатто энг қимматбаҳо эҳсон ҳам Мени мамнун қила олмайди. Лекин Мени ҳақиқатан ҳам севадиган, чуқур иймонли содиқ хизматкорим эҳсон қиладиган арзимаган нарсдан ҳам Мен жуда мамнун бўламан. Агар Менга муҳаббат билан муаттар мой, фимиам, гуллар ва ширин таомлар тақлиф этсалар Мен албатта жуда хурсанд бўламан. 19. Танасини поклаб, сиғиниш учун барча керакли анжомларни тўплаб бўлгандан кейин, сиғинаётган одам куша майсаларини учлари шарққа қараб турадиган ҳолда тўшаб, ўзи ўтирадиган жой ҳозирлаши лозим. Кейин у юзини шимолга, ёки шарққа, ёки агар Илоҳлар бирор ҳолатда ўрнатиб қўйилган бўлса, юзини Илоҳларга қаратиб ўтириб олиши лозим. 20. Содиқ хизматкор танасининг маълум жойларига қўлини теккизиб, мантралар ўқиш билан танасини поклаши лозим. У Менинг Илоҳ қиёфам учун ҳам шундай қилиши, кейин қўллари билан Илоҳнинг бўйнидаги аввал тақилган, сўлган гулчамбарларни, аввал тақдим этилган нарсаларни олиши керак. У табаррук идиш ва сув тўла идиш тайёрлаши керак.

21. Кейин, ана шу *прокшанийа* идишидаги сувдан сепиб Илоҳларга сиғиниш маросими ўтказиладиган жойни, эҳсон қилинадиган анжомларни, ўзининг танасини поклаши лозим. Кейин у ичига сув тўла уч идишни ҳар хил шарофатли нарсалар билан безаши лозим. 22. Кейин Илоҳга сиғинаётган одам мана шу уч идишни поклаши лозим. У Илоҳнинг пойи қадамларини ювиш учун мўлжалланган сув турган идишни “хридайаа намаҳ” мантрасини ўқиб, аргҳйа учун сув солинган идишни - “ширасе сваха”, Илоҳнинг оғзини чайиш учун мўлжалланган сув солинган идишни “шикхайаи вашат” деган мантрани ўқиб поклаши лозим. Шунингдек уч идишнинг ҳаммаси учун Гайатри мантра такрорланиши лозим.

23. Илоҳга сиғинаётган одам ўзининг танасида мавжуд бўлган, энди ҳаво ва олов билан покланган Менинг нафис кўринишимга барча тирик мавжудотларнинг манбаи сифатида мураккаб қилиши

лозим. Парвардигорнинг бу киёфасини рухий ўзлигини англаб етган донишмандлар муқаддас “оум” бўғинининг охириги қисмида тасаввур қила оладилар. 24. Содиқ хизматкор ўзининг рухий юксалиш даражасига мос равишда қалбидаги Олий Рухга муруқаб қилади. Шундай қилиб, содиқ хизматкор ўзининг рухий қобилиятидан тўла фойдаланиб Парвардигорга сажда қилиб сиғинади ва бутун фикру-хаёли билан Унга ғарқ бўлади. Илоҳнинг ҳар хил аъзоларига қўлини теккизиб, бунга мос бўлган мантраларни ўқиб, қалбидаги Олий Рухни Илоҳнинг киёфасига бирлашишга чақиритиши, кейин содиқ хизматкор Менга сажда қилиши лозим.

25-28. Менга сиғинаётган одам аввало дин, илм, таркидунёлик ва бойлик илоҳ(фаришта)ларининг тимсоли бўлган (Илоҳ турган жойнинг жанубий-шарқдан бошлаб тўрт тарафидан қўйилган) ва Менинг тўққиз илоҳий қувватим тимсоли(Вимала, Уткаршини, Жнана, Крия, Йога, Прахви, Сатъя, Ишана ва Ануграха) бўлган нарсалар билан жиҳозланган Менинг ўриндиғимни кўрсатиши керак. У Парвардигорнинг ўриндиғини саккиз япроқли, ичидаги ярқираб турган сарғиш гулбаргининг нурларидан порлаб турган нилуфар гули кўринишида тасаввур қилиши керак. Кейин, Ведаларнинг, шунингдек тантраларнинг кўрсатмаларига риоя қилиб, Менга оёқларимни ювиш учун сув, оғзимни чайиш учун сув, аргъа ва бошқа сиғиниш анжомларини таклиф этиши лозим. Ана шундай сиғиниш ёрдамида у ҳам моддий лаззатга, ҳам рухий озодликка эришади.

27. Ҳар ким тартиб билан Парвардигорнинг Сударшана халқасига, Унинг Панчажаня сурига, Унинг гурзисига, қиличига, камонига, пайконларига ва омочига, Унинг мушала қуролига, Унинг Каустубха гавҳартошига, Унинг гулчамбарига ва Унинг кўксидидаги Шриватса белгисига сажда қилиши лозим.

28. Содиқ хизматкор Парвардигорнинг ҳамроҳлари - Нанда ва Сунандага, Гарудага, Прачанда ва Чандага, Махабалага ва Балага, Кумудага ва Кумудекшанага сажда қилиши лозим. 29. Прокшана сингари эҳсонлар билан у Дургага, Винайкага, Вйасага, Вишваксенага, рухий устозларга ва ҳар хил фаришталарга сиғиниши лозим. Бу шахсларнинг барчаси юзлари Парвардигорга қараган ҳолда ўз мартабаларига мос равишда жойлаштирилган бўлиши лозим. 30-31. Худога сиғинаётган одам Илоҳни ҳар қуни имконияти етган даражада тантана билан сандал пастаси, ушира илдизи, камфара, кункума ва агуру билан муаттар хид берилган сув ишлатиб ювинтириши лозим. У *анувака*(ёки Сварна-гхарма), Махапуруша-видйа, Пуруша-сукта сингари Ведавий мадхияларни, Сама Ведадан Раджана ва Рохинийа каби мадхияларни куйлаши лозим.

32. Кейин, содиқ хизматкорим Мени либослар, брахманлик чилвири, ҳар хил безаклар, тилака ва гулчамбарлар билан безаши, танамга муаттар мойлар суртиб мойлаши керак. Содиқ хизматкор бу амалларнинг барчасини Ведаларда кўрсатилган қоидалар асосида бажариш лозим. 33. Менга сиғинаётган одам садоқат билан Менга оёқларимни ювиш ва оғзимни чайиш учун сув, анвойи хид таратиб турадиган мойлар, гуллар ва янчилмаган дон билан бирга фимиам, шамчирок ва бошқа анжомлар эҳсон қилиши лозим. 34. Содиқ хизматкор ўзининг имкониятига қараб Менга эҳсон қилиш учун ширинликлар, ширин гуруч, шашкулалар(гуруч унидан

қилинган нон), апулар(ҳар хил ширин пирожкалар), модака(ичига ёнғоқ ва шакар солинган, гуруч унидан қилиниб, буғда пишириладиган манти), самъава(буғдой унидан сариёғ қўшиб қилинган, юзига шакар ва зираворлар сепилган нон), қатик, сабзавотлардан пиширилган шўрва ва бошқа ширин таомлар тайёрлаши лозим.

35. Алоҳида кунларда, агар иложи бўлса ҳар қуни Илоҳларни атир упалар билан безаш, ойна олдида кўрсатиш, тишларини тозалаш учун эвкалипт чўплари таклиф этиш, беш турли шарбат билан чўмилтириш, ҳар хил тансиқ таомлар таклиф этиб, Уларнинг олдида рақсга тушиб, Уларни олқишлаб кўшиқлар куйлаш лозим. 36. Муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида қурилган қурбонлик маросими майдончасида содиқ хизматкор муқаддас гулхан ёқиб, муқаддас камар, қурбонлик чуқурчаси ва мехроб супасидан фойдаланиб қурбонлик маросими ўтказиши лозим. Гулханнинг ўтинларини у ўзининг қўллари билан чиройли тахлаб қўйиб, ёқаётганда албатта ҳамма тарафидан олиштириб, ёқиб юбориши лозим. 37. Ерга куша майчасини тўшаб, устига сув сепиб поклаб, у кўрсатмалар асосида *анвадхана* маросимини ўтказиши лозим. Кейин у эҳсон қилинишга мўлжалланган нарсаларни тартибга келтириши, сув солинган идишдаги сувдан сепиб поклаши лозим. Кейин содиқ хизматкор Мени оловда мавжуд деб чуқур фикр юритиб, фикру-хаёлини Менда мужассам қилиб Менга муруқаб қила бошлаши лозим.

38-41. Фаросатли содиқ хизматкор бутун фикру-хаёлини Парвардигорнинг эритилган олтин рангини эслатадиган, чиройли тўрт қўлида сур, халқа, гурзи ва нилуфар гули ушлаб турган ва ҳамиша осойишта, нилуфар гулининг рангини эслатадиган либосда турган киёфасида жамлаши лозим. Унинг тожи, билагузуклари, камари ва қўлларидаги чиройли тақинчоқлари порлаб нур сочиб турибди. Унинг кўксини Шриватса белгиси ва ўзидан нур таратиб турадиган гавҳартош Каустубха, ўрмон гулларидан ясалган чиройли гулчамбар безаб турибди. Кейин содиқ хизматкор ўтин бўлақларини олиб, уларни сариёғга ботириб, ёниб турган гулхан оловига ташлаш билан Парвардигорга сиғиниши лозим. У сариёғга яхшилаб ботирилган ҳар хил нарсаларни қурбонлик оловига ташлаб *агхара* маросимини ўтказиши лозим. Кейин у *свишти-крит* деган эҳсон билан ҳар бир фариштанинг асосий мантраларини қироат қилиб ва ўн олти қаторли мадхия Пуруша-суктани ўқиб, Йамараждан бошлаб ўн олти фариштага сиғиниши лозим. Пуруша-суктанинг ҳар бир қаторидан кейин оловга бир қошиқ сариёғ куйиб, ҳар бир фариштанинг номини айтиб, маълум мантраларни ўқиши лозим.

42. Шу тариха қурбонлик оловида мавжуд Парвардигорга сиғиниб, содиқ хизматкор Парвардигорнинг шахсий ҳамроҳларига чуқур сажда қилиши ва уларга ҳар хил эҳсонлар таклиф этиши лозим. Кейин у Мутлақ Ҳақиқатни Олий Шахс, Нарайана сифатида эслаб, фикр юритиб, Парвардигорнинг Илоҳининг мула-мантрасини ичидан такрорлаши лозим. 43. У Илоҳга оғиз чайиш учун бир неча марта сув таклиф қилиши, Илоҳдан қолган таомларни Вишваксенанинг Илоҳига бериши лозим. Кейин у Илоҳга муаттар хидли атир ва бетель ёнғоғи таклиф қилиши лозим. 44. Бошқалар билан биргаликда кўшиқ куйлаб, Унга ҳамду санолар айтиб, рақсга

тушиб, Менинг илохий ўйинларимни саҳнада қўйиб, Мен ҳақимдаги ҳикояларни гапириб, тинглаб, содиқ хизматкор анча вақт шундай хурсандчиликка ғарқ бўлиши лозим. 45. Содиқ хизматкор Парвардигорга илтижо ва мадҳияларнинг Пураналардан ва бошқа муқаддас китоблардан олинган барча турлари билан, шунингдек маҳаллий урф-одатлар бўйича сажда қилиб сиғиниши лозим. “Эй азиз Худойим, Мендан Ўз марҳаматингни дариф тутма, мендан рози бўл!” - деб илтижо қилиб, у ҳассадай, ерга узала тушиб йқиқилиб сажда қилиши лозим.

46. Парвардигорнинг пойи қадамлари олдида ерга бошини теккизиб сажда қилиб, ўрнидан туриб, қўлларини қовуштириб турган ҳолда илтижо қилиши лозим: “Эй азиз Худойим, ўз ихтиёрини бутунлай Сенга топширган мендай бир хизматкорингни Ўз ҳимоянг остига ол! Ажалнинг даҳшатли оғзида турар эканман, мен ҳаммадан ҳам мана шу моддий оламда тутқун бўлиб қолишдан кўрқаман”.

47. Шу тарзда илтижо қилиб, содиқ хизматкор эҳсон қилинган нарсаларнинг Мен берган қолдиғини эҳтиром билан бошига қўйиши лозим. Агар сиғиниш маросимининг охирида бирор Илоҳни олиб қўйиш керак бўлса, содиқ хизматкор Илоҳнинг нуридан такрор ва такрор ўзининг қалбидаги Олий Рух нилуфарини нурига қўшиб, Уни олиб қўйиши керак.

48. Кимдир агар Илоҳ кўринишидаги Менинг қиёфамга ёки бошқа ҳақиқий кўринишларимга - Менга бўлган иймонини кучайтирмоқчи бўлса, Мени ана шу қиёфада мавжуд деб сажда қилиши лозим. Мен шубҳасиз ҳар бир мавжудот ичида ҳам, улардан алоҳида Ўзимнинг азалий бошланғич қиёфамда ҳам мавжудман, чунки Мен бутун борлиқнинг Олий Рухиман. 49. Ведаларда ва тантраларда кўрсатилган усуллар ёрдамида Менга сажда қилиб, инсон Мендан бу ҳаётида ҳам, кейинги ҳаётида ҳам руҳий юксалиш учун ўзи истаган нарсаларга комил равишда олади.

50. Содиқ хизматкор Менинг Илоҳимни атрофида чиройли боғлари билан бирга ажойиб қурилган эҳромда ўрнатиши лозим. Бу боғлар эҳромга яқин жойда бўлиб, ҳар куни Илоҳларга сиғинишда, тантанали байрамлар ўтказишда зарур бўлган гуллар, мевалар билан таъминлаб туриши лозим. 51. Илоҳларга ҳар куни сиғиниш маросимларини, Илоҳларнинг ҳар хил тантанали байрамларини ўтказиб туриш учун ердан, бозордан, шаҳар ва қишлоқлардан олинган инъомлар тақдим этиб турган одам Меникидай чексиз бойликка эришади. 52. Парвардигорнинг Илоҳини ўрнатар экан, инсон бутун Ер сайёрасининг шох, ҳукмдори бўлади, Парвардигорнинг эҳромини қуриш билан одам бутун уч оламнинг ҳукмдори бўлади, Илоҳга сажда қилиш ва сиғиниш билан инсон Тангри Браҳманинг сайёрасига эришади, ана шу уч амалий бажариш билан эса, инсон Меники сингари илохий танага эга бўлади. 53. Қилаётган ишлари учун эвазига ҳеч нарса таъма қилмасдан ҳамиша Менга садоқат билан хизмат қилиб юрган одам эса албатта Менга эришади. Шундай қилиб, ҳозир Мен таърифлаб берган усул билан Менга сажда қилиб юрган ҳар қандай одам ҳам охир-оқибатда Менга соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилади.

54. Фаришталарнинг ва браҳманларнинг мулкини ўғирлаган ҳар қандай одам, - агар ҳатто бу нарсаларни аввал уларга шу одамнинг ўзи берган бўлса ҳам, - ахлатда яшайдиган кўрт танасида юз миллион

йил яшашга маҳкум бўлади. 55. Браҳман ва фаришталарнинг мулкини ўғирлаган одам эмас, ҳатто унга ёрдам берган, уни ўғирлашга ундаган ёки билиб туриб бу ўғирликни индамай қўллаб-қувватлаган одам ҳам кейинги ҳаётида шундай жазога маҳкум бўлади. Бу жинойтда қатнашган одамларнинг барчаси гуноҳлари даражасига қараб албатта оғир азоб-укубатларга дучор бўладилар.

Йигирма саккизинчи боб. Джнана-йога.

1. Худонинг Олий Шаҳси шундай деди: “Бошқа одамларнинг шартланган хулқ-атворини, қилаётган ишларини ҳеч қачон олқишламаслик, танқид қилмаслик керак. Ҳар бир одам бу моддий оламга шунчаки моддий табиат билан лазатланишга уринаётган руҳларнинг ягона Мутлақ Ҳақиқатга асосланган бирикмаси сифатида қараши лозим. 2. Бошқаларнинг сифатларини ва хулқ-атворини танқид қилишга ва олқишлашга берилиб кетган ҳар қандай одам тез вақт ичида ўзининг ҳақиқий фойдасини унутиб, алдамчи қарама-қаршилиқлар таъсирида руҳий юксалиш йўлидан адашиб кетади. 3. Худди одам туш кўриб ухлаганида ёки тушсиз қаттиқ уйқуга кетганида ташқарида бўлаётган воқеа-ҳодисалардан бутунлай беҳабар қолгани сингари, бу моддий олам қарама-қаршилиқларини ҳақиқий деб қабул қилиб юрган одам ҳам албатта алданиш ва ўлим билан юзма-юз келиши лозим. 4. Моддий сўзлар билан ифодаланадиган ва моддий ақл билан қабул қилинадиган нарсаларнинг бирортаси охириги, якуний ҳақиқат эмас. Шундай экан, бу алдамчи, қарама-қаршилиқларнинг ёлғончи дунёсида ҳақиқатан ҳам яхши, ёки ёмон нарса нима бўлиши, уларнинг яхшилиги ва ёмонлиги нима билан ўлчаниши мумкин?”

5. Гарчи соя, эхо(акс садо) ва сароб нарсалар ҳақиқий нарсаларнинг алдамчи акс тасвирлари бўлса ҳам, бундай акс тасвирлар одамга муҳим ёки аниқ мавжуд нарса бўлиб кўринади. Худди шундай, гарчи шартланган руҳ моддий танасини, ақлини ва сохта ўзлигини “мен, ўзим” деб билиши ҳам алдамчи ҳолат бўлса ҳам, мана шу адашиши унда то ажали етгунча кўрқув туйғусини юзага келтириб юради. 6-7. Бу оламнинг олий ҳукмдори ва яратувчиси ягона Олий Рухдир ва У ягона Ўзи мавжуд. Худди шундай бутун борлиқнинг Рухи Ўзи намоён бўлади, намоён этади, яратади, яқсон қилади. Бирор мавжудот Ундан ажралган ҳолда мавжуд эмас, шунга қарамай Худои Таолонинг Ўзи ҳар бир мавжудотдан ажралган ҳолда мавжуд. Моддий табиатнинг Олий Рух ичида уч турли намоён бўлиши ҳақиқий асосга эга эмас. Сен уч гунадан иборат бўлган бу моддий табиатни Парвардигорнинг алдамчи қувватининг махсулоти деб билишинг керак.

8. Мен бу ерда таърифлаб берган назарий ва амалий илмни чуқур эгаллаб олган одам ҳеч қачон дунёвий олқиш ва танқидларга вақтини сарфлаб ўтирмайди. У худди Қуёшдай бу оламнинг ҳамма ерида эркин сайр қилиб юраверади. 9. Бевосита сезиш, мантиқий хулоса чиқариш(дедукция), муқаддас китобларнинг гувоҳлиги ва шахсан англаб олиш ёрдамида ҳар бир одам бу моддий оламнинг аввали ва охири бор эканини, шу боис у ҳақиқий мавжудлик эмаслигини билиб олиши лозим. Шундай қилиб,

фаросатли одам бу дунёда ҳеч нарсага боғланмасдан яшаши лозим”.

10. Шри Уддхава шундай деди: “Эй азиз Худойим, бу моддий оламдаги тирикликни, дунёвий ҳаётни онгли табиатга эга бўлган мангу руҳ ҳам, назорат остида турган онгсиз моддий тана ҳам ҳис қилмайди. Бир томондан руҳий табиатга эга жон ҳамиша мукамал илмга эга, бошқа томонидан моддий тана онгли, тирик мавжудот эмас. Шундай экан, улардан қайси бири бу моддий тирикликни ҳис қилади? 11. Илоҳий табиатга эга бўлган руҳ ўзгармас, илоҳий, пок, ўзидан нур таратиб турган ва ҳеч қачон бирор моддий нарса билан қопланмаган. У худди оловга ўхшайди. Лекин ўтинга ўхшаган ўлик моддий тана онгсиз ва илмсиздир. Шундай экан, бу дунёда дунёвий ҳаётни сезадиган, ҳис қилиб яшайдиган зот аслида нима, ким бўлади?”

12. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Токи аҳмоқ, адашган руҳ моддий танага, ҳиссиётига ва ҳаёт нафасига боғланиб қолган экан, гарчи охир-оқибатда мутлақо бемаъни бўлишига қарамай, унинг бу моддий оламда яшаши, тирикчилик қилиши давом этaveraди. 13. Аслини олганда тирик мавжудот бу моддий оламга, моддий тирикчиликка нисбатан илоҳий ҳолатда ҳисобланади. Аммо, моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилаётгани сабабли унинг моддий оламдаги ҳолати йўқолмайди, у худди тушидаги сингари ҳар хил нарсаларга дучор бўлиб юраверади. 14. Одам тушида ҳар хил ёқимсиз нарсаларни ҳис қилгани билан у уйқудан уйғонгандан кейин тушида кўрган нарсаларига алданиб қолмайди. 15. Қайғу, кўтаринки кайфият, кўрқув, ғазаб, очкўзлик, адашиш ва қаттиқ интилиш, шунингдек туғилиш ва ўлиш - буларнинг барчаси пок руҳ эмас, сохта ўзлик ҳис қиладиган нарсалардир.

16. Ўзини танаси, ҳиссиёти, ҳаёт нафаси ва ақлига қиёслайдиган, ана шу қобикларга ўралиб қолиб, ўзининг шартланган моддий сифат ва амалларининг кўринишини оладиган киёфаларга киради. У бутун моддий қувватга нисбатан ҳар хил атамалар билан аталади, шундай қилиб, Олий Вақт назорати остида бу моддий оламнинг ҳар ерида сарсон бўлиб юришга мажбур бўлади. 17. Аслида сохта ўзлик ҳеч қандай ҳақиқий асосга эга бўлмас ҳам, у ҳар хил кўринишларда намоён бўлади: ақлнинг, нутқнинг, ҳаёт нафасининг ва тананинг ҳар хил қобилиятлари кўринишида. Аммо, ҳақиқий руҳий устозга сажда қилиш билан чархланган илоҳий илмнинг ўткир қиличи билан билимдон донишманд ана шу сохта ўзликни тағ томири билан чопиб ташлайди ва бу оламда ҳар қандай моддий боғланишлардан озод бўлиб яшайди.

18. Ҳақиқий руҳий илм модда ва руҳни бир биридан ажрата билишга асосланган бўлади, бу илм муқаддас китобларнинг далиллари, риёзат, бевосита англаб олиш, Пураналарда кўрсатилган тарихий ҳикоялар ва мантикий хулосалар ёрдамида эғалланади. Бутун борлиқ яралишидан аввал мавжуд бўлган ва борлиқ яқсон бўлгандан кейин ёлғиз Ўзи қоладиган Мутлақ Ҳақиқат айна пайтда Замон ва охириги Сабабдир. Ҳатто бутун борлиқ намоён бўлган оралик даврда ҳам Мутлақ Ҳақиқат ҳақиқий мавжуд бўлган ягона Зот бўлиб қолаверади. 19. Ҳар хил олтин тақинчоқлар ясалмасдан аввал ҳам олтин эди, олтин тақинчоқларда ҳам олтин олтинлигича қолади, ҳар хил атамалар билан ишлатилганда ҳам олтин олтинлигича

қолаверади. Худди шундай, бу олам яралмасдан аввал ҳам, у яқсон бўлгандан кейин ҳам, олам мавжуд бўлиб турганда ҳам Мен Ўзим ёлғиз мавжудлигимча қолавераман.

20. Моддий ақл онгнинг уч хил кўринишида намоён бўлади - сергаклик, туш кўриб уйқусираш ва чуқур уйқу ҳолатида. Бу ҳолатлар моддий табиат гуналарининг маҳсулотидир. Ақл яна уч турли вазифани бажаради - англаб олувчи, англонадиган ва англашни тартибга солувчи. Шундай қилиб, моддий ақл ана шу уч атамаларда ҳар хил кўринишда намоён бўлади. Аммо у буларнинг барчасидан ажралган ҳолда мавжуд бўлган тўртинчи фактор бўлиб, Мутлақ Ҳақиқатни ташкил этади.

21. Аввал мавжуд бўлмаган, келажакда мавжуд бўлмайдиган зот ўзи намоён бўлиб турган пайтда ҳам мавжуд эмас, у фақат юзаки атама ҳисобланади холос. Менинг фикримга кўра, бирор зот яратган ва намоён этган нарса - охир-оқибатда мана шу зотнинг ўзидан бошқа нарса эмас. 22. Гарчи аслида ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлмаган, эҳтирос гунасидан келиб чиқадиган бу ўзгаришларнинг намоён бўлиши ҳақиқатан ҳам мавжудга ўхшаб кўринади, чунки ўз ўзидан намоён бўладиган, порлоқ Мутлақ Ҳақиқат Ўзини ҳиссиётларнинг моддий ранг-баранглиги, сезгиларга таъсир қиладиган нарсалар, ақл ва моддий табиатдаги нарсалар кўринишида намоён этади. 23. Шундай қилиб, мантикий ўрганиш ёрдамида Мутлақ Ҳақиқатнинг ажойиб ҳолатини аниқ тушуниб олиб, ҳар бир одам ўзини моддий нарсаларга ногўғри қиёслашни инкор этиши ва ҳақиқий ўзлиги, “мен”и ҳақидаги барча гумонларни парчалаб ташлаши лозим. Руҳнинг табиий жазавали лаззат ҳолатида қаноат ҳосил қилиб, ҳар ким моддий ҳиссиётлар билан боғлиқ бўлган эҳтиросли машғулотлардан ўзини тийиши лозим.

24. Ердан таркиб топган моддий тана ҳақиқий ўзлик, “мен” эмас; ҳиссиётлар, сезгилар, уларни бошқариб турган фаришталар ёки ҳаёт нафаси ҳам “мен” эмас; ташқаридаги ҳаво ҳам, сув ёки олов, ҳатто ақл ҳам “мен” эмас. Буларнинг барчаси шунчаки моддий унсурлардир. Худди шундай на тафаккур, на моддий онг, на ўзлик, на эфир ва ердаги унсурлар, на сезгиларга таъсир қиладиган нарсалар, на ҳатто моддий мувозанатнинг бошланғич ҳолати ҳам руҳнинг ҳақиқий ҳолати бўла олмайди. 25. Агар Мени Худой Таоло сифатида аниқ англаб етган одамнинг моддий табиат гуналарининг маҳсулотлари бўлган ҳиссиёти, сезгилари мукамал мувоқабатга берилган бўлса, бунинг нимасини олқишлаш керак? Аксинча, агар унинг ҳиссиёти эҳтиросга берилган бўлса, уни нимага айблаш керак? Аслида, булуғларнинг келиб кетишининг Қуёшга қандай аҳамияти бор?

26. Осмон ўзидан ўтадиган ҳавонинг, оловнинг, сувнинг ва ернинг ҳар хил сифатларини, шунингдек фасллар билан бирга келиб кетадиган иссиқ ва совуқ сифатларини намоён этиши мумкин. Шунга қарамай, бу сифатларнинг бирортасига аралашиб кетмайди. Худди шундай Олий Мутлақ Ҳақиқат ҳам ҳеч қачон сохта ўзликнинг моддий кўринишларини юзага келтирадиган эзгулик, эҳтирос ва ғафлат бирикмаларига аралашиб қолмайди. 27. Шунга қарамай, токи одам Менга садоқат билан хизмат қилишни амалда чуқур ўрганиб, ақлини моддий эҳтирос иллатидан бутунлай покламас экан, у қатъият билан Менинг алдамчи қувватим юзага келтирадиган моддий табиат гуналари таъсирига

берилишдан ўзини тийиши лозим. 28. Худди охиригача даволанмаган касаллик яна хуруж қилиб беморга ташвиш келтиргани сингари, нотўғри, сохта тушунчалардан тўла покланмаган ақл ҳам моддий нарсаларга боғланиб қолаверади ва камолотга эришмаган йогни ҳамиша қийноққа солаверади.

29. Баъзан камолотга эришмаган илоҳиёт одамларининг руҳий юксалиши оила аъзоларига, шогирдларига ёки ҳасадгўй фаришталар атайлаб шу мақсадда юборган бошқа бировларга боғланиши сабабли тўхтаб қолади. Лекин руҳий юксалиш йўлида тўплаган руҳий бойликлари шарофати билан бундай содиқлар йога билан шуғулланишни кейинги ҳаётида давом эттирадилар. Улар ҳеч қачон кармали моддий фаолият тузоғига илиниб қолмайдилар. 30. Оддий тирик мавжудот моддий фаолият билан шуғулланиб, ўзининг шу фаолияти оқибатида ўзгара боради. Шундай қилиб, у ҳар хил дунёвий истакларини амалга ошириш ниятида то ажали етганча кармали фаолият билан машғул бўлади. Лекин, донишманд одам ўзининг азалий, бошланғич илоҳий лаззатли ҳолатини ҳис қилгандан кейин кармали фаолият билан шуғулланишни тарк этади.

31. Онги ўзининг ҳақиқий “мен”ида мужассам бўлган донишманд одам ҳатто ўзининг танасининг фаолиятига ҳам эътибор бермайди. Туррганида, ўтирганида, ётганида, сийганида, овқатланганида ёки танасининг талаби билан бошқа бирор иш қилганида у танаси ўзининг табиатига биноан ҳаракат қилаётганини тушунади. 32. Руҳий ўзлигини англаб етган зот баъзан бирор нопок нарса ёки ишни сезса ҳам, у буни ҳақиқатан ҳам нопок деб қабул қилмайди. Сезгиларга таъсир қиладиган нопок нарсаларни у алдамчи моддий қарама-қаршилиқнинг намоён бўлиши деб, худди уйқудан уйғонган одам тушида кўрган нарсаларга бефарқ қарагандай, фаросатли донишманд одам уларга аксинча муносабатда бўлади. 33. Моддий табиат гуналарининг фаолияти орқали ҳар турли кўринишда намоён бўладиган моддий ғофилликни адашган шартланган руҳ ҳақиқий ўзлгим, “мен” деб қабул қилади. Аммо, руҳий илм ўрганишда юксалишга эришиш шарофати билан, эй азизим Уддхава, ана шу ғофиллик руҳий озодликка чиқиш жарарёнида аста-секин яқсон бўлиб кетади. Аксинча, мангу табиатга эга руҳ, ҳақиқий “мен” ҳеч қачон қабул қилинмайди ва ҳеч қачон тарк этилмайди. 34. Қуёш чиққанида одамларнинг кўзини боғлаб турган коронғулик зулматини йўқотиб юборади, лекин у аслида ҳамиша мавжуд бўлиб турган, лекин одамлар энди кўра бошлаган нарсаларни яратмайди. Худди шундай Мени англашнинг қудратли ва ҳақиқий илми фақат шахсининг ҳақиқий онгини қоплаб олган ғофиллик зулматини тарқатиб юборади. 35. Худои Таоло, ягона Парвардигор ўзидан нур таратиб турадиган, туғилмаган ва ўлчаб бўлмайдиган илоҳий Зотдир. У пок, соф илоҳий онг ва ҳамма нарсани қабул қилади. У ягона, Уни фақат оддий сўзлар яқсон бўлгандан кейингина англаб етиш мумкин. Ҳаёт нафасини ва нутқ қувватини Унинг Ўзи ҳаракатга келтириб туради. 36. Ҳақиқий “мен” сифатида қабул қилинган ҳар қандай алдамчи қарама-қаршилиқ - шунчаки ақлнинг адашишидир. Аслини олганда ана шундай алдамчи қарама-қаршилиқ бировнинг алоҳида руҳида макон топиш учун ҳеч қандай асосга эга эмас. 37. Беш моддий унсурнинг қарама-қарши кўринишлари фақат ҳар хил атама ва

шаклларда қабул қилинади. Ана шу қарама-қаршилиқни ҳақиқатан ҳам мавжуд деб ўйлаган одам далилларга асосланмаган нотўғри таълимотларни олға сураётган сохта билимдондир. 38. Ҳали йога машғулотида камолотга эришмаган тиришқоқ йогнинг моддий танаси баъзан ҳар хил қийинчиликларга, тўсиқларга дуч келиши мумкин. Шунинг учун қуйидаги жараён тавсия қилинади.

39. Бу қийинчиликларнинг баъзилари йога усули бўйича мувоқабат қилиш ёки тартибга солинган нафас олиш билан бирга амалга ошириладиган ҳар хил ўтириш ҳолатлари ёрдамида, баъзилари махсус риёзат турлари, мантралар ёки доривор гиёҳлар ёрдамида бартараф қилиниши мумкин. 40. Бу салбий тўсиқ ва ташвишлар ҳамиша Мени эслаб юриш, Менинг муқаддас номларимни биргаликда тинглаш ва қуйлаш ёки йога илмининг буюк устозлари изидан бориш ёрдамида аста-секин бартараф қилиниши мумкин.

41. Ҳар хил усуллар ёрдамида баъзи йоглар танасини касалликлардан ва кексайишдан ҳалос этиб, уни ҳамиша ёш, навқирон ҳолда сақлаб турадилар. Шундай қилиб, улар йога билан моддий сифатга эга бўлган сеҳр қудратига эришиш учун шуғулланадилар.

42. Илоҳий илмни мукамал эгаллаб олган донишмандлар моддий тана эга бўладиган бундай сеҳр қудратларини юқори кадрламайдилар. Аслини олганда улар бундай камолотга эришишга уринишни мутлақо фойдасиз, бемаъни ишлар деб ҳисоблайдилар, чунки руҳ, худди дарахтнинг ўзидай мангу, тана эса, дарахтнинг меваси сингари ўткинчи, яқсон бўлишга маҳкум. 43. Гарчи жисмоний танани ҳар хил йога жараёнлари ёрдамида яхшилаш мумкин бўлса ҳам, ўзининг ҳаётини Менга бағишлаган донишманд одам жисмоний танасини йога усуллари билан мукаммаллаштиришга, яхшилашга ишониб ўтирмайди, у амалда бундай уринишларни бутунлай тарк этади. 44. Мендан паноҳ топган йог эҳтиросли истакларга интилишдан озод бўлиб қолаверади, чунки у ўзининг қалбида руҳий бахтни ҳис қилиб яшайди. Шундай қилиб, мана шу йога жараёнида у ҳеч қачон ҳеч қандай тўсиқларга дуч келмайди.

Йигирма тўққизинчи боб.

Бхакти-йога

1. Шри Уддхава шундай деди: “Эй азиз Худойим Ачйута, Сен таърифлаб берган бу йога усули ўзининг ақлини бошқара олмайдиган одам учун жуда мушкул бўлса керак, деб ўйлайман. Шунинг учун илтимос, бу усулни осон амалга ошириш йўлини менга оддий сўзлар тушунтириб бер. 2. Эй нилуфаркўзли Зот, ақлини мустаҳкам қилишга интилаётган йоглар ўзлари жазава ҳолатини содда қилиб камолига етказа олмагани туфайли ниятларига эриша олмай қоладилар. Шундай қилиб, улар ақлини жиловлашга уринаверишдан чарчаб, ҳафсаласи пир бўладилар. 3. Шунинг учун, эй борликнинг нилуфаркўзли Парвардигори, оқушсимон покдомон одамлар барча илоҳий жазава манбаи бўлган Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топадилар. Аммо, йога ва карма соҳасида эришган ютуқларидан мағрурландиган одамлар Сендан паноҳ топишга қодир эмас ва Сенинг алдамчи қувватинг уларни мағлуб қилиб қўяди. 4. Эй азиз, бегуноҳ Парвардигор, Сен ўз ихтиёрини бутунлай Сенга

топшириб, фақат Сенинг Ўзингдан паноҳ топган содик хизматкорларинг олдига шахсан Ўзинг боришининг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ. Бир пайтлар, Парвардигор Рамачандра кўринишида келганингда, ҳатто Тангри Брахма сингари буюк фаришталар ўзларининг олтин тожларини Сенинг нилуфар қадамларинг пойига кўйиш учун бир-бири билан таллашиб интилаётган бир пайтда Сен чуқур муҳаббат туйғусини намоён этиб, Хануман сингари маймунларга чексиз марҳамат кўрсатган эдинг, чунки улар фақат Сенинг Ўзингдан паноҳ истаган эдилар. 5. Шундай экан, Сени, тирик мавжудотнинг энг яқин Рухини, сиғинишга муносиб Зот бўлган учун энг кадрли, азиз Зотни ва бутун борлиқнинг Парвардигорини, фақат Сендан паноҳ излаган содикларга жаҳонда мавжуд бўлган ҳар қандай баркамолликни ато этувчи Сени ким ҳам инкор эта оларди? Сен бериб кўйган шунча неъматларни била туриб, ким ҳам шунчалик яхшилиқни билмайдиган бетавфиқ, ношукр, онкўр бўла олади? Ким ҳам Сени инкор этиб, Сени унутишга олиб келадиган қандайдир моддий лаззатларга интилиши мумкин? Сенинг нилуфар қадамларинг пойидаги биттагина гард заррасига хизмат қилиб юрган бизлар бу ҳаётда нимани йўқотамиз?

6. Эй азиз Худойим, илоҳий поғонага кўтарилган шоирлар ва руҳий илм билимдонлари агар ҳатто Брахмадай узоқ умр кўрадиган бўлсалар ҳам, ўзларининг Сенга бўлган миннатдорчилигини, Сендан қанчалик қарздор эканини тўла таърифлашга қодир бўлолмасдилар, чунки Сен моддий оламдаги шартланган рух - тирик мавжудотни кутқариш ниятида, унга Сенинг даргоҳинга олиб борадиган йўлни кўрсатиб, икки турли сифатда - сиртдан ачарйа, руҳий устоз кўринишида, ичдан эса қалбидаги Олий Рух(параматма) кўринишида намоён бўласан”.

7. Шукадева Госвами шундай деди: “Ўзини ҳаммадан ҳам қаттиқроқ севадиган Уддхавадан бундай саволларни эшитиб, бутун оламни Ўзининг эрмаги бўлган бир ўйинчоқ деб қабул қиладиган, барча ҳукмдорларнинг олий ҳукмдори ва Ўзини уч қиёфада - Тангри Брахма, Тангри Шива, ва Парвардигор Вишну қиёфасида намоён этадиган Парвардигор Кришна, юзида меҳр тўла табассум билан жавоб бера бошлади.

9. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Хўп, Мен сенга Менга садоқат билан хизмат қилиш қоидаларини тушунтириб бераман. Бу қоидаларга амал қилиб, инсон танасида ўлимга маҳкум бўлган тирик мавжудот ҳатто ҳеч ким энга олмайдиган ажални ҳам енгишга қодир бўлади. 9. Ҳамиша Мени эслаб, ҳар ким ҳаётдаги ўз бурчини холис Мен учун бажариб яшаши лозим. Ақлини, тафаккурини бутунлай Менга бағишлаб, у ўзининг ақлини Менга садоқат билан хизмат қилишга интилишда машғул қилиши лозим. 10. Ҳар ким Менинг содикларим яшайдиган муқаддас саждагоҳдан паноҳ топиши лозим ва ҳар ким кундалик турмушда Менинг фаришталар, иблислар ва одамлар орасида пайдо бўладиган содик хизматкоримнинг намунали хатти-ҳаракатларидан ўрнак олиши лозим. 11. Ёлғиз ўзи ёки бошқалар билан биргаликда кўшиқ куйлаб, рақсга тушиб ва бошқа шоҳона тантаналар билан ҳар ким Менга сиғиниш учун муқаддас китобларда махсус кўрсатилган табаррук кунларни, байрамларни нишоллаши лозим.

12. Ҳар ким пок қалби билан Менга, барча тирик мавжудотларнинг қалбида ва ўзининг қалбида

мавжуд бўлган Олий Рухга, ҳеч қандай моддий иллатларга булганмаган, шуниндек худди ҳамма ерда мавжуд осмон сингари ҳамма жойда ҳам ичдан, ҳам ташқаридан мавжуд бўлган Парвардигорга кўз тикиши лозим. 13-14. Эй юзлари нурафшон Уддхава, шу тариқа ҳар бир тирик мавжудотга уларнинг ҳар бирининг қалбида Мен мавжуд эканимни англаган ҳолда муносиб хурмат кўрсатадиган, мана шу илоҳий илмга асосланиб, ҳар кимга ҳамиша муносиб хурмат-эҳтиром кўрсатадиган одам ҳақиқатан ҳам донишманд одам ҳисобланади. Ана шундай одам брахманга ҳам, ҳароми чандалга ҳам, ўғрига ҳам, брахманлар маданиятини ҳимоя қиладиган меҳрибон ҳомийга ҳам, Куёшга ва кичкина учқунга ҳам, яхши ёки ёмон одамга ҳам бир хил муносабатда бўлади.

15. Ҳар бир шахсда Мен мавжуд эканимни англаб, ҳамиша Менга бетиним муқоқаба қилиб юрадиган шундай одамнинг қалбида сохта ўзлик билан бирга ҳасадгўйлик, рақобат, бировларни танқид қилиш ва қоралашга бўлган бемаъни интилишлар тез вақт ичида йўқолиб кетади. 16. Одамларнинг масҳара қилиб устидан кулишларига эътибор бермасдан у ўзини моддий танасига қиёслашни ва шу адашиш билан боғлиқ бўлган барча муаммоларни, англашилмовчиликларни бутунлай тарк этиши лозим. У барчага, ҳатто итларга, ҳароми чандалларга, сигир ва эшакларга ҳам еррага ҳассодай узала тушиб сажда қилиши лозим. 17. Токи инсон ўзида ҳар бир тирик мавжудотда Мени кўра олиш қобилиятини ривожлантирмас экан, у нутқи, ақли ва танаси ёрдамида мана шу жараён орқали Менга сиғиниши лозим.

18. Ҳамма ерни қамраб олган Худонинг Олий Шахсининг ана шундай илоҳий илми ёрдамида ҳар бир одам Мутлақ Ҳақиқатни ҳамма жойда кўра олади. Барча шубҳа-ю гумонлардан озод бўлиб у ҳар қандай дунёвий фаолиятни тарк этади. Аслини олганда мана шу жараённи - Мени ҳар бир тирик мавжудотда кўра олиш учун нутқ, ақл ва тананинг вазифаларидан фойдаланишни - руҳий юксалишнинг, руҳий илм эгаллашнинг энг яхши, энг самарали усули деб биламан. 20. Азизим Уддхава, шахсан Мен Ўзим кўрсатганим учун, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг мана шу усули илоҳий табиатга эга бўлиб, ҳар қандай моддий нуктаи-назарлардан, дунёвий интилишлардан пок усулдир. Руҳий юксалиш учун мана шу жараённи қабул қилган содик хизматкор шубҳасиз ҳеч нарсадан маҳрум бўлмайди.

21. Эй Уддхава, эй авлиёлар ичида энг буюк зот, хавф-хатарга дуч келганда оддий одам йиғлайди, гарчи бундай бемаъни ҳис-туйғулар барибир вазиятни асло ўзгартира олмаса ҳам, у саросимага тушиб, кўрқок бўлиб қолади. Аммо, бирор шахсий манфаат кўзламасдан шунчаки Менга эҳсон сифатида тақдим этилган амаллар, ҳатто сиртдан қараганда улар умуман фойдасиздай бўлиб кўринса ҳам, барибир Худои Таолога ҳақиқий сиғиниш жараёни ҳисобланади. 22. Ана шундай амаллар донишманд одамнинг энг юксак заковати, моҳир одамнинг талантидир, чунки бу жараёнга амал қилиб ҳар бир одам ҳатто ҳозирги ҳаётининг ўзидаёқ ўзининг ўткинчи, вақтинчалик мавжуд танасидан мангу ҳақиқат бўлган Менга эришишда фойдалана олади. 23. Шундай қилиб, Мен сенга ҳам қисқача, ҳам батафсил кўринишда Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги мукаммал илмни гапириб бердим. Бу

илмни хатто фаришталарнинг англаб олиши жуда мушкул.

24. Мен бу илмни сенга аниқ асослар билан бир неча марта гапириб бердим. Бу илмни етарлича англаб етган ҳар қандай одам ҳаётда барча шубҳа-ю гумонлардан озод бўлиб, руҳий озодликка эришади. 25. Ҳар бир фаросатли одам учун тушунарли бўлган сенинг саволларингга берган жавобларим мазмунида ақлини, диққат-эътиборини мужассам қилган ҳар бир одам Ведаларнинг мангу, махфий мақсадига - Олий Мутлақ Ҳақиқатга эришади. 26. Мана шу илмни Менинг содиқларим орасида эркин тарқатиб юрган одам уларга Мутлақ Ҳақиқатни инъом этиб юрган бўлади, ундай одамга Мен Ўзимни ҳаё қиламан.

27. Энг аниқ ва покловчи илм бўлган мана шу олий илмни баланд овоз билан мунтазам қироат қилиб юрган ҳар бир одам кун сайин ўзи ҳам поклана боради, чунки у илоҳий илм чироғи билан бошқаларга Мени кўрсатаётган бўлади. 28. Худога соф садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб, чуқур иймон ва эътибор билан мана шу илмни мунтазам тинглаб юрган ҳар бир одам ҳеч қачон ўзининг дунёвий фаолияти оқибатларининг қули бўлиб қолмайди.

29. Эй азиз дўстим Уддхава, мана шу илоҳий илмни сен тўлиқ тушуниб олдингми? Ақлингда пайдо бўлган қайғу ва адашишлар тарқалиб кетдими? 30. Сен бу илмни иккиюзламачи, иймонсиз ёки виждонсиз, унга ишонч ва диққат билан қулоқ солмайдиган, ўз ихтиёрини Худога топширмаган, камтарин бўлмаган, бўйсуннишни истамайдиган манман одамларга ўргатмаслигинг керак. 31. Бу илоҳий илм фақат ана шундай ёмон сифатлардан пок одамларга, ўзининг бутун бойлигини брахманларга бағишлаган, олийжаноб, эзгу ниятли, авлиё ва пок одамларга берилиши лозим. Агар оддий аёллар ва шудралар Худонинг содиқлари бўлишга самимий интилсалар, уларни ҳам бу илмни тинглашга муносиб зотлар деб ҳисоблаш лозим. 32. Ҳаётни тушунишга интилиб, мана шу илоҳий илмни англаб етган одамнинг бу оламда бошқа билиши лозим бўлган бирор илм қолмайди. Энг ширин мангулик шарбатини ичиб юрган одам ҳеч қачон чанқоқлик сезмайди.

33. Таҳлилий илм, маросимларни бажариш, сеҳрли йога, дунёвий фаолият ва сиёсий ҳукмронлик орқали одам тақводорликка, иқтисодий, моддий фаровонликка, роҳат-фароғат - моддий лаззатларга ва руҳий озодликка эришади. Аммо, Менинг содиқ хизматкорим бўлганинг учун, одамлар ана шу йўллар билан эришган нарсаларнинг ҳаммасига сен осонлик билан Мен орқали эришасан. 34. Дунёвий фаолиятни бутунлай тарк этган ва ўзгармас шижоат, Менга ихлос билан, садоқат билан хизмат қилиш учун ҳаётда ўз ихтиёрини бутунлай Менга топширган одам тугилиш ва ўлишлар чархпалагидан халос бўлади ва Менинг руҳий бойликларимдан Мен билан бирга лаззатланиш поғонасига кўтарилади”.

35. Шукадева Госвами шундай деди: “Парвардигор Кришнадан бу гапларни эшитиб, йога билан шуғулланишнинг барча йўллари билиб олган Уддхава сажда қилиш учун қўлларини ковуштирди. Аммо, Парвардигор Кришнага бўлган жазавали илоҳий муҳаббати таъсирида кўзлари ёшга тўлиб, тили калимага келмай қолди; у бирор гап айтишга мажולי келмай, эсанкираб турарди. 36. Оғир машаққат билан ақлини зўрга жиловлаб олиб, қалби жазавали

муҳаббатга фарқ бўлган Уддхава, Йадавалар хонадонининг буюк қахрамони Парвардигор Кришнадан чексиз миннатдор эканини изҳор этди. Эй азиз Махараж Парикшит, Уддхава Парвардигорнинг пойи қадамларига бош қўйиб сажда қилди ва қўл ковуштириб гапира бошлади”.

37. Шри Уддхава шундай деди: “Эй тугилмаган, азалий мавжуд Парвардигор, гарчи мен аввал алданишнинг чуқур жарлигига фарқ бўлган бўлсам ҳам, энди Сенинг гапларинг шарофати билан мен ғофиллик асоратидан бутунлай халос бўлдим. Аслини олганда порлоқ Куёшга яқинлашган одамга қандай қилиб совуқ, коронғулик ёки кўрқув таъсир қилиши мумкин? 38. Менинг Сенга бўлган озгина садоқатим эвазига Сен чексиз марҳамат кўрсатиб, менга, Сенинг содиқ хизматкорингга илоҳий илм шамчироғини ҳаё этдинг. Шундай экан, Сенинг ақалли озгина виждони бўлган қайси содиқ хизматкоринг Сенинг нилуфар қадамларинг пойини тарк этиб, бошқа бир хўжайин паноҳига кира оларди? 39. Ўзинг яратган оламни ривожлантириш ниятида, алдамчи қувватинг ёрдамида Сен Ўзинг менга ташлаган, мени Дашархалар, Вришниллар, Андхакалар ва Сатваталар хонадони аъзоларига боғлаб турган муҳаббат ришталари энди ҳақиқий “мен” ҳақидаги илоҳий илм қиличи билан бутунлай кесиб ташланди.

40. Эй йоғлар ичида энг буюк Зот, Сенга чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. Сенга ўз ихтиёрини топшириб қўйган мендай содиқ хизматкорингга насиҳат бер, мен қандай қилиб Сенинг нилуфар қадамларинг пойига ўзгармас боғланиш билан қаттиқ боғлана оламан?”

41-44. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Азизим Уддхава, Менинг гапларимга қулоқ сол, Менинг Бадарика деган даргоҳимга йўл ол. Менинг нилуфар қадамларим пойидан бошланиб оқиб турган муқаддас дарёлар сувида ювениб, эҳтиром билан қўл теккизиб покланиб ол. Муқаддас Алакананда дарёсини чуқур эҳтиром билан томоша қилиш ёрдамида барча гуноҳларинг оқибатидан поклан. Дарахт пўслоғидан қилинган либос кийиб, фақат ўрмондан топиладиган егуликлар билан тирикчилик қил. Шу тарзда сен ҳар қандай моддий истақлардан пок бўлиб, ҳар қандай қарама-қаршилиқларга чидамли, эзгу ниятли, хотиржам ва осойишта, ҳаётингни тўла назорат остига олиб, руҳий ўзлигингни англаб, илоҳий илмга фарқ бўлиб яшашинг лозим. Диққат билан чуқур фикр-мулоҳаза юритиб, ҳамиша Менинг айтган насиҳатларимни эслаб, уларнинг моҳиятини чуқур англаб олишга ҳаракат қил. Нутқингни ва фикру-хаёлинггни Менга мужассам қил, ҳамиша Менинг илоҳий сифатларимни чуқурроқ англаб етишга интил. Шундай қилиб, сен моддий табиат гуналари учун мўлжалланган бу оламни тарк этасан ва охир-оқибатда Менинг даргоҳимга қайтасан”.

45. Шукадева Госвами шундай деди: “Тафаккури моддий оламдаги барча мусибатларни яқсон қилувчи Парвардигор Кришнадан бу сўзларни эшитиб, Шри Уддхава Парвардигорнинг атрофини тавоф этиб айланиб ўтди ва Парвардигорнинг оёқларига бош қўйиб сажда қилди. Уддхава барча моддий сифатлар таъсиридан пок бўлишига қарамай, ҳозир унинг қалби ҳозир бутунлай тилка-пора бўлган, Парвардигордан ажралишини кўтара олмай, у Парвардигор Кришнанинг пойи қадамларини ўзининг селдай оқаётган кўз ёшлари билан юварди. 46. Ўзи

илохий мухаббат билан қаттиқ севадиган Парвардигор Кришна билан бўладиган ҳижрон азобидан қаттиқ кўрқиб, Уддхава ақлдан озиб қолган, Уни ташлаб кета олмай турарди. Ниҳоят, қаттиқ ҳижрон азобида ўртаниб, такрор ва такрор сажда қилиб, рухий устозининг оёқларига бошини кўйди-да, йўлга равона бўлди.

47. Шундан сўнг, Парвардигорни қалбининг тўрига жойлаб, буюк содиқ хизматкор Уддхава Бадарика-ашрамга йўл олди. Шу ерда қаттиқ риёзатларга берилиб, у оламнинг ягона дўсти Парвардигор Кришнанинг Ўзи таърифлаб берган Худонинг шахсий даргоҳига эришди. 48. Шундай қилиб, нилуфар қадамлари пойига барча йогларнинг ҳукмдорлари сажда қиладиган Парвардигор Кришна Ўзининг содиқ хизматкорига рухий, илохий лаззат уммони бўлган мана шу буюк илмни ўргатди. Мана шу ҳикояни чуқур иймон билан тинглаган бу оламдаги ҳар бир одамнинг рухий озодликка эришиши кафолатланади. 49. Бошланғич тирик мавжудот ва барча тирик мавжудотлар ичида энг буюк Зот бўлган ана шу Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришнага мен чуқурр эҳтиром билан сажда қиламан. У Ведаларнинг муаллифи ҳисобланади. Ўзининг содиқ хизматкорларининг қалбидаги моддий оламда тирикчилик қилишдан кўрқув туйғусини яқсон қилиш учун, худди асаларига ўхшаб, У ўзликни англашнинг бутун илохий илмидан мана шу нектар шарбатини тўплади. Шу тарзда У Ўзининг жуда кўп содиқларига лаззат уммонидан олинган мана шу шарбатдан ичирди, Унинг чексиз марҳамати билан жуда кўп содиқлар шу лаззатли шарбатдан ичдилар.

Ўттизинчи боб.

Йадулар хонадонининг яқсон бўлиши.

1. Шоҳ Парикшит шундай деди: “Буюк содиқ Уддхава ўрмонга йўл олгандан кейин барча тирик мавжудотларнинг ҳимоячиси бўлган Худонинг Олий Шахси Дварака шаҳрида нима ишлар қилди? 2. Ўзининг бутун хонадони браҳманлар қарғишига учраб яқсон бўлгандан кейин, Йадавалар ичида аълоси кўрган кўзлар учун энг азиз бўлган Ўзининг танасини қандай тарк эта олди? 3. Бир куни кўзларини Унинг илохий киёфасида мужассам қилиб, аёллар кўзларини Ундан сира уза олмай қолган эдилар, бир марта кулоқлари орқали донишмандларнинг қалбига кириб ўрнашиб олган бу илохий киёфа уларнинг қалбида мангу қолиб кетган эди. Парвардигорнинг жамолини таърифлаган буюк шоирлар ўзларининг асарларига фақатгина мангу шон-шухрат билан бирга илохий ёқимли жозибани ҳам мужассам қилган эдилар. Ана шу киёфани Аржуннинг жанг аравасида кўриб, Курукшетра жанг майдонидаги жангчиларнинг барчаси рухий озодликка чиқиб, улар ҳам худди Парвардигорнинг танаси сингари илохий танага эга бўлдилар”.

4. Шукадева Госвами шундай деди: “Осмонда, ерда, ташқи коинотда жуда кўп касофатли белги, аломатларни кўриб, Парвардигор Кришна Судхарма мажлислар залига тўпланган Йадаваларга мурожаат қилди.

5. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Эй Йадавалар сулоласининг сардорлари, худди ажал

байроғидай Дваракада пайдо бўлган мана бу даҳшатли ҳалокат аломатларига назар солинлар. Энди бизлар бир лаҳза ҳам бу ерда қолмаслигимиз керак. 6. Аёллар, болалар ва кексалар шаҳардан чиқиб, Шанкходдхарага йўл олиши лозим. Бизлар эса, Сарасвати дарёси ғарбга қараб оқадиган Прабхаса-кшетрага йўл оламиз. 7. У ерда бизлар ювиниб поклянишимиз, рўза тутиб, ақлимизни муруқаба билан банд қилишимиз лозим. Кейин бизлар фаришталарнинг муртиларини ювинтириш, сандал пастаси суртиш ва уларга ҳар хил эҳсонлар таклиф этиб, фаришталарга сиғинишимиз лозим. 8. Буюк омадли браҳманлар ёрдамида покляниш маросими ўтказиб, бизлар ана шу браҳманларга сажда қиламиз, уларга сигирлар, ер майдони, олтин, кийим-кечак, филлар, отлар, аравалар ва уй-жой инъом этамиз.

9. Аслини олганда шундай қилиш бизларнинг бошимизга муқаррар тушадиган мусибатни бартараф этиш учун жуда мос келади, бундай амаллар бизларга энг олий омад келтиради. Фаришталарга, браҳманларга ва сигирларга ана шундай сиғиниш натижасида одам кейинги ҳаётида энг юксак ҳаёт шаклида туғилишга эришади”.

10. Мадхунинг душмани бўлган Парвардигор Кришнанинг бу гапларини эшитиб, Йадавалар хонадонининг ёши улуғлари: “Шундай бўлсин!” - дея хитоб қилиб, бу таклифни маъқулладилар. Кемада Океанни кечиб ўтиб, улар жанг араваларига миниб Прабхаса томон йўл олдилар. 11. Бу ерда Йадавалар чуқур садоқат билан ўзларининг Парвардигори, Худонинг Олий Шахсининг кўрсатмалари асосида диний маросимларни ўтказдилар. Айни пайтда улар бошқа савоб амалларни ҳам бажардилар. 12. Кейин, тақдир тақозоси билан тафаккури айний бошлаганида, улар одамни бутунлай ақлдан оздирадиган *маирейя* деган ширин шарбатдан ичишга киришдилар. 13. Бу ичимлик таъсирида маст бўлиб, Йадава хонадони қахрамонларининг димоғдорлиги ошиб, мағрурлиги, манманлиги тутиб кетди. Парвардигор Кришнанинг шахсий қуввати таъсири остида улар шу тарзда ақлдан озиб қолганида, уларнинг орасида ўзаро жанжал бошланди

14. Жаҳл устида ғазабга миниб, улар қўлларига камон ва пайконларини, қиличларини, бхалларини, гурзиларини, санчки ва найзаларини олиб, океан қирғоғида бир-бирларига қарши даҳшатли хужум бошладилар. 15. Филларга, байроқ осилган жанг араваларига чиқиб олиб, шунингдек, эшак, туя, хўкиз, кўтос, хачир ва ҳатто одамларнинг устига миниб олиб, мастликдан қутуриб кетган жангчилар яккама-якка жангга кириб, худди ўрмондаги қутурган филлар бир бирига курак тишлари билан ҳамла қилганидай, Йадавалар ҳам бир бирларига қарши шиддат билан жангга кирдилар. 16. Уларнинг ўзаро жанги тобора авж оларди - Прадйумна Самбага қарши шиддат билан жанг қиларди, Акрура - Кунтибходжага қарши, Анируддха - Сатйакига қарши, Субхадра - Санграмаджитага қарши, Сумитра - Суратхига қарши, икки Гада(биттаси Кришнанинг ўғли, биттаси Унинг укаси) бир бирига қарши жанг қиларди. 17. Нишадха, Улмука, Сахасраджит, Шатаджит ва Бхану сингари бошқалар ҳам юзма-юз туриб, мастликдан кўзлари қизариб, Парвардигор Кришнанинг, Муқунданинг шахсан Ўзи ақлдан оздирган бу буюк зотлар бир бирини ўлдиришга шайланиб турардилар. 18. Ўзларининг илгариги табиий

дўстликларини бутунлай эсдан чиқариб, Йадаваланнинг хар хил хонадонлари - Дашархалар, Вришнилар, Андхакалар, Бходжалар, Сатваталар, Мадху ва Арбудалар, Матхуралар, Шурасеналар, Висаржаналар, Кукуралар ва Кунтилар барчаси жангда бир бирларини аёвсиз ўлдираб эдилар.

19. Шу тарика ақлдан озиб адашган ўғиллар оталари билан, акалар укалари билан, жиянлар тоғалари билан, неваралар боболари билан жанг қилардилар. Дўстлар дўстлари билан, ошнолар ошнолари билан жанг қиларди. Шу тарика барча яқин қариндошлар ва дўстларнинг ҳаммаси бир бирларини ўлдирдилар. 20. Уларнинг барчасининг пайкон ва камонлари синиб, отадиган қуроллари тугаганида, улар қўлларига баланд ўсган шакарқамиш таёқларини олдилар. 21. Улар қўлларига олиши билан қамиш таёқлар худди яшиндай қаттиқ темир гурзиларга айланди. Ана шу қуроллар билан жангчилар қайтадан бир-бирига қарши жангга кирдилар. Парвардигор Кришна уларни ажратмоқчи бўлган эди, улар ҳатто Унга ҳам ҳамла қилдилар. 22. Мастликдан ақли адашган ҳолда улар Парвардигор Балорамни ҳам ўзларига душман ўрнида қабул қилдилар. Қўлларига қурол олиб ўлдиришга ҳозирланиб улар Балорамга ҳам ташландилар.

23. Эй Кунтининг ўғли, шундан сўнг Кришна ва Балорам улардан қаттиқ хафа бўлди. Қўлларига бамбук таёқларини олиб Улар ҳам жанг ўртасига кириб аямасдан ҳаммани бир четдан қира бошладилар. 24. Худди бамбукзорда бошланган ёнғин бутун ўрмонни яқсон қилгани сингари, браҳманларнинг қарғишига учраб ақлдан озган, Парвардигор Кришнанинг алдамчи қуввати таъсирида адашган бу жангчиларнинг қутурган ғазаби уларнинг ўзларини бутунлай яқсон бўлишга келган эди. 25. Ўзининг хонадонининг барча аъзолари шу тарзда яқсон бўлганида Парвардигор Кришна Ўзича “Ер сайёрасининг мусибатлари энди биратўла енгиллашди” деб ўйлади. 26. Кейин Парвардигор Балорам океан қирғоғига ўтириб олиб, Худонинг Олий Шахсига муруқаб қилишга ғарқ бўлди. У шу тарзда бутунлай Ўзига ғарқ бўлиб, бу оламни тарк этди.

27. Девакининг ўғли, Парвардигор Кришна Парвардигор Балорамнинг кетганини кўриб, *питтала* дарахтининг тагида сукут сақлаб ўтирди. 28-32. Парвардигор Ўзининг тўрт қўллик порлок қиёфасини намоён этди. Ундан таралаётган ёғду тутунсиз оловга ўхшаб, оламнинг ҳар тарафидаги зулматни ёритиб юборди. Унинг танаси кўкимтир булут рангида, ундан таралаётган нурлар эриган олтин рангида эди. Унинг барчага шарофат келтирадиган қиёфасида Шриватса белгиси бор эди. Унинг нилуфарсимон юзида ёқимли табассум ўйнаб, бошини эса, қорамтир-кўк сочлари бегаб турарди. Унинг кўзлари жозибали, ақула кўринишидаги исиргалари ярқираб турарди. Унинг устида икки ипак либос, чиройли камар, зуннор, билагузук ва бошқа тақинчоқлар, тож, Каустубха гавхартоши, бошқа чиройли маржонлар, оёқларида кўнғироқчалар ва бошқа шоҳона безаклар бор эди. Унинг илоҳий танасини хар томондан ўраб олиб, гулчамбарлар, Унинг шахсий қуроллари шахсий кўринишларида турар эдилар. У нилуфарсимон кизғиш рангли чап оёғини ўнг сони устига қўйиб ўтирарди.

33. Шу ерга келиб қолган Жара деган бир овчи адашганидан Парвардигорнинг оёғини кийикнинг юзига ўхшатди. У ўлжа топдим деб ўйлаб, Самбанинг темир гурзисининг парчасидан тайёрлаган пайкони билан Парвардигорнинг шу оёғини мўлжаллаб отди. 34. Кейин, тўрт қўлли шахсга кўзи тушиб, овчи ўзининг билмасдан қилган ҳақорати оқибатидан қўрқиб даҳшатга тушди ва бошини иблислар душманининг оёқларига қўйиб, сажда қила бошлади.

35. Жара шундай деди: “Эй Парвардигор Мадхусудана, мен энг гуноҳкор одамман. Мен ғофиллигим сабабли билмасдан шундай иш қилиб қўйдим. Эй пок Парвардигор, эй Уттамашлока, илтимос, бу гуноҳкорнинг гуноҳини кечир! 36. Эй Парвардигор Вишну, билимдон донишмандларнинг айтишларига кўра, ҳаммани Сени эслаб юриш ғофиллик зулматини яқсон қилиб юборади. Эй ҳукмдор, мен билмасдан Сенга қаттиқ жароҳат етказиб қўйдим. 37. Эй Ваикунтҳанинг Ҳукмдори, илтимос, ҳайвонларни овлаб юрган бу гуноҳкорни ҳозирок ўлдириб ташла, токи у бундан кейин авлиё зотларни яна ҳақорат қилиб қўймасин. 38. На Тангри Браҳма, на Рудра бошлиқ унинг ўғиллари, на Ведавий мантраларни ўргатувчи буюк донишмандлардан бирортаси Сенинг сеҳр қудратининг қандай ҳаракат қилишини тушуна олмади. Кўзларини Сенинг алдамчи қувватинг боғлаб қўйгани туфайли улар Сенинг сеҳр қудратинг қандай ишлашини билолмасдан ғофиллигича қолаверадилар. Шундай экан, паст табақада туғилган мен нима ҳам дея олардим?”

39. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Азизим Жара, кўрқма! Ўрнингдан тур! Аслида бу ишларнинг ҳаммаси Менинг Ўз истагим билан рўй берди. Менинг амрим билан сен ҳозир руҳий оламга, тақводор зотлар даргоҳига жўна!” 40. Шундай қилиб, Ўз хохиши билан истаган пайтда Ўзининг илоҳий танасига эга бўладиган Парвардигор Кришнадан кўрсатма олиб, овчи Жара Парвардигорнинг атрофини уч марта айланиб ўтди ва Унга сажда қилди. Кейин уни олиб кетиш учун келган ҳаво кемасига ўтириб, овчи руҳий оламга йўл олди.

41. Бу пайтда Дарука ўзининг хўжайинини излаб юрарди. Парвардигор ўтирган жойга яқин келганида у туласи гулларининг хидини сезди ва хид келган томонга юрди. 42. Банйан дарахти тагида порлаб турган қуроллари билан дам олиб ўтирган Парвардигор Кришнани кўриб, Дарука қалбида жўш урган чуқур илоҳий муҳаббат туйғусини тўхтатиб тура олмади. У жанг аравасидан сакраб тушиб, Парвардигорнинг пойи қадамларига сажда қилганида, унинг кўзлари жикқа ёшга тўлди.

43. Дарука шундай деди: “Худди ой чикмаган тунда одамлар қоронғу зулматга қўшилиб кетиб, йўл тополмагани сингари, мен ҳам ҳозир Сенинг нилуфар қадамларинг пойини кўздан қочирганим сабабли кўзларим йўл кўрмай, кўр одамдай дайдиб юрибман. Мен йўл тополмай, хотиржам бўлолмасдан хавотирга тушиб юрибман”.

44. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шоҳлар ичида аълоси, аравакаш ҳали гапириб турар экан, унинг кўзи олдида Парвардигорнинг араваси отлари, Гаруда тасвири ясалган байроғи билан бирга самога кўтарилди. 45. Парвардигор Вишнунинг барча илоҳий қуроллари Парвардигорнинг араваси изидан самога кўтарилдилар. Кейин Парвардигор, Жанардана

бу ғаройиб ҳодисани кўриб, эсанкираб қолган аравакашига шундай деди:

46. “Эй жиловдор, Дваракага бориб Менинг оилам аъзоларига сеvimли ўғиллари қандай қилиб бир-бирларини яксон қилгани ҳақида гапириб бер. Шунингдек уларга Парвардигор Санкаршананинг бу дунёни тарк этганини ва Менинг ҳозирги ҳолатимни гапириб бер. 47. Сен ва сенинг қариндошларинг бундан кейин Йадавалар пойтахти Дваракада қолиб кетмасин, чунки Мен уни тарк этганим сабабли бу шаҳар тез орада сув остига ғарк бўлади.

48. Сен ўз оилангни тўплаб, Менинг ота-оналарим билан бирга Аржуннинг ҳимояси остида Индрапрастхага йўл олишинг керак. 49. Эй Дарука, сен фикру-хаёлингни илоҳий илмда мужассам қилиб, ҳаёт ҳақида моддий тасаввуларга берилмасдан Менга охиригача содиқ хизматкор бўлиб қолишинг керак. Бу эрмакларни Менинг ташқи алдамчи қувватим намоён этганини тушунган ҳолда сен ҳамиша хотиржам, осийишта қолишинг керак.

50. Парвардигордан бундай кўрсатма олиб, Дарука Унинг атрофини айланиб ўтди, Унга такрор ва такрор сажда қилди. У Парвардигорнинг пойи қадамларини бошига қўйди, ноилож ҳолда Парвардигордан айрилиб, қалби қайғуга тўлиб шаҳарга йўл олди”.

Ўттиз биринчи боб.

Парвардигор Кришнанинг кетиши.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Кейин Прабхасага Тангри Шива ва унинг рафикаси, буюк донишмандлар, Праджапатилар ва Индра бошлиқ барча фаришталар ҳамроҳлигида Тангри Браҳма ташриф буюрдилар. 2-3. Бу ерга Худонинг Олий Шахсининг кетганига гувоҳ бўлиш учун Аждодлар, Сиддхалар, Гандхарвалар, Видйадхаралар ва Чараналар, Йакшалар, Ракшасалар, Киннаралар, Апсаралар ва Гаруданинг қариндошлари билан биргаликда буюк илонлар етиб келдилар. Бу шахсларнинг барчаси Парвардигор Шаури (Кришна)нинг туғилиши ва кўрсатган илоҳий кароматларини турлича олқишлаб куйладилар.

4. Эй шох, ўзларининг ҳар хил самовий кемалари билан осмону-фалакни тўлдириб, улар чуқур садоқат билан пастга гуллар ёмғирини ёғдирардилар. 5. Кўз олдида Ўзининг шахсий ва қудратли экспансияларри бўлган коинотнинг бобокалони Тангри Браҳмани бошқа фаришталар билан биргаликда кўриб, қудратли Парвардигор ақлини Ўзининг, Худонинг Олий Шахсининг қалбида мужассам қилиб, нилуфар кўзларини юмди. 6. Ўзининг бутун оламнинг нажот макони ҳамда барча муруқаб ва томоша қилишга энг муносиб бўлган илоҳий танасини ёқиш учун сеҳрли *agneya* муруқабасидан фойдаланмасдан Парвардигор Кришна Ўзининг даргоҳига кирди. 7. Парвардигор Кришна Ер юзини тарк этган заҳоти Ҳақиқат, Дин, Иймон, Шухрат ва Гўзаллик ҳам шу заҳоти Унга эргашдилар. Жаннатда литавралар янгради, осмондан гуллар ёмғири ёға бошлади. 8. Фаришталарнинг кўпчилиги ва Тангри Браҳма бошлиқ бошқа олий зотлар Парвардигор Кришнанинг Ўз даргоҳига кирганини кўролмайд қолдилар, чунки У Ўзининг ҳаракатларини барчага баробар ошкор этмаганди.

Унинг бу ҳаракатларини кўрган баъзи фаришталар қаттиқ ҳайратга тушдилар. 9. Худди оддий одамлар яшин булутни тарк этганида чакмокнинг йўлини тушунмагани сингари фаришталар ҳам Парвардигор Кришна Ўзининг даргоҳига қайтганида Унинг ҳаракатларини кўролмайд қолдилар. 10. Аммо, баъзи фаришталар - Тангри Браҳма ва Тангри Шива - Парвардигорнинг сеҳр қудрати қандай ҳаракат қилганини тушуниб етдилар, шу боис улар жуда ҳайратга тушгандилар. Парвардигорнинг сеҳр қудратига барча фаришталар қойил қолиб тасанно айтдилар, кейин уларнинг барчаси ўзларининг сайёраларига қайтдилар.

11. Эй азиз шаҳаншоҳ, сен тушунишинг керакки, Худои Таолонинг бу оламда намоён бўлиши ва кетиши шартланган руҳларнинг охири марта тана олишини еслатади ва аслида Унинг алдамчи қуввати юзага келтирадиган ва худди актернинг сахнада ўйнаганига ўхшайдиган бир эрмаги холос. Бу коинотни яратгандан кейин, У унинг ичига киради, унда бироз вақт Ўзининг эрмакларини ўтказди ва охир-оқибатда уни яксон қилади. Шундан сўнг Парвардигор бу космик, моддий оламда ҳаракат қилишни тарк этиб, Ўзининг илоҳий даргоҳида қолади.

12. Парвардигор Кришна Ўзининг руҳий устозининг ўғли ўлганидан анча вақт ўтгандан кейин яна шу ҳолатида ажал ҳукмдори даргоҳидан қайтариб олиб берди, ҳамда охириги ҳимоячи сифатида У сени ҳам Ашватхаманинг браҳмастра куралидан кутқариб қолган эди. Жангда У хатто ажал элчиларига ҳам ўлим бера оладиган Тангри Шива устидан ҳам ғалаба қозонган эди, У овчи Жарани ўзининг инсон киёфасидаги танасида Ваикунтхага жўнатди. Ана шундай қудратли шахс Ўзини Ўзи ҳимоя қила олмаслиги мумкинми?

13. Парвардигор Кришна чексиз қувватларнинг Ҳукмдори, Эгаси бўлишига қарамай, сон-саноксиз тирик мавжудотларнинг яратилиши, мавжуд бўлиши ва яксон бўлишининг ягона сабабчиси бўлса ҳам, У Ўзининг танасини бу оламда тутиб туришни истамади. Шундай қилиб, У ақлу-хаёлини руҳий ўзлигида мужассам қилиб юрган зотларнинг борадиган жойини ошкор этди ва бу ажал оламининг аслида ҳеч қандай кадр-қийматга, маънога эга эмаслигини кўрсатиб берди.

14. Мунтазам равишда ҳар куни эрта тонгда уйқудан уйғониб, Парвардигор Шри Кришнанинг бу оламни тарк этишини ва Унинг Ўз даргоҳига қайтиб кетишини шарафлаб куйлайдиган бу илоҳий хикояни чуқур иймон ва садоқат билан куйлаб юрган одам ҳам шубҳасиз ана шу энг олий даргоҳга эришади.

15. Дарука Дваракага келган заҳоти Васудева ва Уграсенанинг оёқларига бош қўйиб, Парвардигор Кришнадан айрилиқ азобидан қийналиб, уларнинг пойи қадамларини кўз ёшлари билан хўллади. 16-17. Дарука уларга Вришни хонадонининг бутунлай яксон бўлгани ҳақидаги хабарни етказди, о Махараж Парикшит, буни эшитиб, Дваракадаги одамлар оғир мусибатга тушиб хушларидан кетишга оз қолди. Парвардигор Кришнадан айрилиқ азобига зўрға чидаб, улар қариндошларининг ўлик таналари ётган жойга етгунча юзларини тимдалаб ёйғлаб бордилар. 18. Деваки, Рохини ва Васудева бу ердан ўғиллари Кришна ва Рамни тополма, ҳижрон азобига чидамай, хушсиз ерга йиқилдилар.

19. Парвардигордан айрилик ўтига чидамай, Унинг ота-оналари шу захотиёқ моддий оламдаги ҳаётдан кўз юмдилар. Азиим Парикшит, кейин Йадаваларнинг хотинлари эрларининг ўлик таналарини кучоғига олиб, дафн гулханига кирдилар. 20. Парвардигор Балорамнинг хотинлари ҳам Унинг танасини кучиб, гулханга кирдилар, Кришнанинг отаси Васудеванинг хотинлари ҳам унинг танаси билан бирга дафн гулханига кирдилар. Парвардигор Харининг келинлари ҳам Прадйумна бошлиқ эрларининг танасини кучоқлаб дафн гулханига кирдилар. Рукмини ҳам, Парвардигор Кришнанинг қалби бутунлай Унда мужассам бўлган бошқа хотинлари ҳам дафн гулханига кирдилар.

21. Парвардигор Кришнадан, ўзининг энг яқин дўстидан айрилганидан Аржун қаттиқ изтиробга тушди. Лекин у Парвардигор Кришнанинг айтган гапларини эслаб ўзини овути. 22. Кейин Аржун ўзларидан бирор меросхўр эркак зоти қолдирмаган марҳумларни дафн қилиш маросими муносиб ўтказилишини назорат қилди. У Йадавалар хонадонининг ҳар бир аъзоси учун бирма-бир дафн маросими ўтказди.

23. Худонинг Олий Шахси Дваракани тарк этган захоти шаҳарни ҳар тарафдан сув босиб кетди, фақат биргина Кришнанинг саройи кўриниб қолди. 24. Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Мадхусудана Дваракада мангу яшайди. Бу жой барча муқаддас саждагоҳлар ичида энг шарофатли жойдир. Шунчаки уни эслаш билан одам барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади. 25. Аржун Йадавалар хонадонининг омон қолган аъзоларини - аёлларни, болаларни ва кексаларни Индрапрастхага олиб кетди. Бу ерда у Анируддханинг ўғли Ваджрани Йадавалар хонадонининг ҳукмдори қилиб тахтга ўтказди.

26. Эй ҳурматли шох, Аржундан дўстининг бу оламни тарк этганини эшитиб, сенинг боболаринг сени хонадоннинг вориси қилиб тайинлаб, бу оламни тарк этишга ҳозирланиш учун ўрмонга йўл олдилар. 27. Чуқур иймон билан барча фаришталарнинг ҳукмдори Парвардигор Вишнунинг турли киёфалари ва илоҳий кароматлари ҳақидаги мана шу ҳикояларни шарафлаб куйлаб юрган одам барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади. 28. Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Шри Кришнанинг барчага саодат келтирувчи илоҳий қаҳрамонликлари, шунингдек болалик пайтидаги ўйинлари мана шу "Шримад Бхагаватам"да ва бошқа муқаддас китобларда баён этилади. Унинг бу оламдаги эрмакларини таърифловчи мана шу ҳикояларни пок холда шарафлаб куйлаб юрган ҳар бир одам барча комил донишмандларнинг ҳаётдаги ягона мақсади бўлган Парвардигор Кришнага соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига эришади.

Ўн биринчи қўшиқ тамом.

Ўн иккинчи қўшиқ. Инсоният жаҳолатга юз тутган давр

Мундарижа

1. Кали-юганинг жаҳолатга юз тутган авлоди. 2. Кали-юганинг аломатлари. 3. Бхуми-гита(Она Ернинг илтижоси). 4. Қиёмат, охир замоннинг тўрт тури. 5. Шукадева Госваманинг Махараж Парикшитга берган охирги, яқуний насихатлари. 6. Махараж Парикшитнинг бу оламни тарк этиши. 7. Муқаддас Пураналар. 8. Маркандеянинг Нара-Нарайана Ришига қилган илтижолари. 9. Маркандея Риши Парвардигорнинг алдамчи қувватини кўради. 10. Тангри Шива ва Ума Маркандея Ришини олқишлайди.

11. Махапурушанинг қисқача таърифи. 12. "Шримад Бхагаватам" мавзуларининг якуний хулосаси 13. "Шримад Бхагаватам"нинг улуғворлиги.

Биринчи боб.

Кали-юганинг жаҳолатга юз тутган авлоди.

1-2. Шри Шукадева Госвами шундай деди: "Магадхи сулоласидан келажакда дунёга келиши башорат қилинган ҳукмдорлардан охиргиси шоҳ Пуранжайа эди, у Брихадратханинг авлодида туғилиши айтилган эди. Пуранжайанинг вазири Шунака шоҳни ўлдиради ва ўзининг ўғли Прадйотани тахтга ўтқзади. Прадйотанинг Палака деган ўғли бўлади, Палаканинг Вишакхайуга деган ўғли, унинг эса Раджака деган ўғли бўлади. 3. Раджаканинг ўғли Нандивардхана бўлади, шу тариқа Прадйотанинг сулоласида беш шоҳ дунёга келиб, улар Ер юзига 138 йил давомида ҳукмронлик қиладилар. 4. Нандивардханадан Шишунага деган ўғил дунёга келади, унинг ўғли Какаварна бўлади. Какаварнанинг Кшемадхарма деган ўғли бўлади, Кшемадхарманинг Кшетраджна деган ўғли бўлади. 5. Кшетраджнанинг Видхисара деган ўғли бўлади, унинг Аджаташатру деган ўғли бўлади. Аджаташатрунинг Дарбхака деган ўғли, унинг эса Аджайа деган ўғли бўлади. 6-8. Аджайанинг иккинчи Нандивардхана деган ўғли бўлади, унинг эса Махананди деган ўғли бўлади. Эй қурулар аълоси, Шишунаганинг сулоласида туғилган мана шу ўн нафар шоҳ Ер юзига Кали-юга даврида 360 йил ҳукмронлик қиладилар. Азизим Парикшит, шоҳ Махананди шудра аёлдан туғилган қудратли ўғилга ота бўлади. У Нанда деган ном билан шуҳрат қозониб, унинг чексиз мол-мулки ва миллион жангчидан иборат қўшини бўлади. У шоҳ-қшатрийларга катта талафот етқзади, ундан кейинги шоҳ, ҳукмдорларнинг барчаси иймонсиз, худосиз шудралардан бўладилар. 9. Махападманинг мана шу ҳукмдори, шоҳ Нанда Ер юзида худди иккинчи Парашурама сингари ҳукмронлик қилади, унинг ҳокимиятига, ҳукмронлигига ҳеч ким қаршилиқ кўрсата олмайди. 10. Унинг Сумалйа бошлиқ саккиз ўғли бўлиб, улар Ер юзида юз йиллар давомида ҳукмронлик қилиб лаззатланадилар.

11. Бир браҳман(Чанакйа пандит) шоҳ Нандага ва унинг саккиз ўғлига ишонмай қўяди, шу боис уларнинг бутун сулоласини яқсон қилади. Улар яқсон бўлгандан кейин Кали-юга давом эта бошлаганида оламга Маурйалар ҳукмронлик қила бошлайдилар. 12. Ана шу браҳман императорлик тахтига Чандрагуптани кўтаради, унинг Варисара деган ўғли бўлади. Варисаранинг Ашокавардхана деган ўғли бўлади. 13. Ашокавардхананинг Суйаша деган, Суйашанинг Сангата деган ўғли бўлади. Унинг Шалишука деган ўғли бўлади, Шалишуканинг Сомашарма деган, Сомашарманинг Шатадханва деган ўғли бўлади, унинг эса ўғли Брихадратха деган ўғли бўлади. 14. Эй қурулар аълоси, Маурйалар сулоласидан бўлган мана шу ўн шоҳ Кали-юга даврида Ер юзига 137 йил ҳукмронлик қилади.

15-17. Эй азизим, Махараж Парикшит, кейин Ер юзига шаҳаншоҳ бўлиб Агнимитра дунёга келади, ундан кейин Суджйештха туғилади. Суджйештхадан кейин Васумитра, Бхадрака, Бхадраканинг ўғли бўлиб Пулинда туғилади. Кейин Пулинданинг Гхоша деган ўғли ҳукмронлик қилади, ундан кейин Ваджрамитра, Бхагавата ва Девабхуги ҳукмрон бўлади. Шундай қилиб, эй буюк қаҳрамон, Ер юзига Шунга шоҳлари сулоласида дунёга келган шоҳлар 100 йил ҳукмронлик қиладилар. Кейин Ер юзига ҳукмронлик қилиш Канва сулоласининг шоҳлари кўлига ўтади, улар аввалгиларга қараганда анча яхши, эзгу фазилатларни намоён этадилар.

18. Канва сулоласидан чиққан, Васудева деган фаросатли вазир Шунга сулоласининг охирги авлоди бўлган шоҳ - айшу-ишратга берилган пасткаш Девабхутани ўлдириб, ҳукмронликни ўз қўлига олади. 19. Васудеванинг ўғли Бхумитра бўлади, унинг ўғли Нарайана бўлади. Канва сулоласининг бу шоҳлари Ер юзига Кали-югада яна 345 йил ҳукмронлик қиладилар. 20. Канва сулоласининг охирги намоёндаси Сушарма ўзининг хизматкори - Андхра табақасидан бўлган шудра Бали кўлидан ҳалок бўлади. Жаҳолатга ботган ана шу пасткаш шоҳ Бали Ер юзига анча вақт ҳукмронлик қилиб туради.

Балининг Кришна деган укаси Ер сайёрасининг навбатдаги ҳукмдори бўлади. Унинг Шантакарна деган ўғли, унинг эса Паурнамаса деган ўғли бўлади. Паурнамасанинг Ламбодара деган ўғли бўлиб, унинг ўғли Махараж Чибилака бўлади. Чибилакадан Медхасвати дунёга келади, унинг Атаман деган ўғли бўлади. Атаманинг Аништакарма деган ўғли бўлади. Унинг Халейа деган ўғли бўлади, унинг ўғли Талака бўлади. Талаканинг Пуришабхиру деган ўғли бўлади, ундан кейин Сунадана ҳукмронлик қилади. Сунаданадан кейин Чакора ва саккиз Баху ҳукмрон бўладилар, уларнинг ичида Шивасвати душманларини тор-мор қилувчи буюк зот бўлади. Шивасватининг ўғли Гомати бўлади. Унинг ўғли Пуриман, унинг ўғли Медашира бўлади. Медаширанинг ўғли Шивасканда, унинг ўғли Йаджнашри, унинг ўғли Виджайа бўлиб, унинг икки ўғли бўлади - Чандравиджна ва Ломадхи. Мана шу ўттиз шоҳ бутун Ер юзига ҳукмронлик қилиб, 456 йил салтанат лаззатини сурадилар, эй қуруларнинг суюкли фарзанди.

27. Кейин Авабхрити шаҳридан Абхира табақасига мансуб етти шоҳ дунёга келади, кейин Гардабхилардан ўн шоҳ келади. Улардан сўнг Канкилардан ўн олти шоҳ ҳукмронлик қилади, уларнинг ҳаммаси ўзларининг ўтакетган очкўзлиги билан донг таратадилар. 28. Шундан сўнг Ер юзида ҳокимиятни саккиз Йаван тортиб олади, улардан кейин ўн тўрт Турушкалар, ўн Гурундлар ва Маула сулоласидан ўн бир шоҳ ҳукмрон бўладилар. 29-31. Мана шу Абхиралар, Гардабхалар ва Канкалар Ер юзида 1099 йили ҳукмрон бўладилар, Маулалар 300 йил ҳукмронлик қиладилар. Уларнинг ҳаммаси оламдан ўтганида, Килакила шаҳрида Бхутананда, Вангира, Шишунанда, Шишунанданинг акаси Йашонанда ва Правиракалардан иборат шоҳлар сулоласи дунёга келади. Килакилалик мана шу шоҳлар 106 йил тахтга эгалик қиладилар. 32-33. Килакилалардан кейин уларнинг ўн уч ўғиллари - Бахликалар, улардан кейин шоҳ Пушпамитра, унинг ўғли Дурмитра, етти Андхралар, етти Каушалалар,

шунингдек Видура ва Нишадха вилоятларининг шоҳлари Ер юзининг турли бурчакларига алоҳида-алоҳида ҳолда ҳукмронлик қиладилар.

34. Кейин Магадхалар сулоласидан Вишваспхуржи деган шоҳ дунёга келади, у аввал ўтган шоҳ Пуранджайага ўхшаган бўлади. У зулм ўтказиб, жамиятдаги барча олий табақадаги зотларни куйи табақага мансуб қилади, маданиятсиз одамларни эса - Пулиндалар, Йадулар ва Мадракалар(ҳароми чандаллар) даражасига тушириб ташлайди. 35. Аҳмоқ шоҳ Вишваспхурджи бутун Ер юзи аҳолисининг ҳаромзода, иймонсиз ишларини қўллаб-қувватлайди, бутун куч-қудратини ҳукмрон кшатрийлар табақасини бутунлай яқсон қилиш учун сарфлайди. Ўзининг пойтахти Падмаватидан у Ер юзининг Ганга бошланадиган жойдан то Прайаггача бўлган қисмига ҳукмронлик қилади. 36. Бу даврга келиб Шаураштра, Аванти, Абхира, Шура, Арбуда ва Малава сингари вилоятларининг браҳманлари поккланиш маросимларини бутунлай эсдан чиқариб юборадилар, шоҳлар хонадонига мансуб одамлар эса шудралардан фарқ қилмай қоладилар.

37. Синдху дарёси бўйидаги ерларга, шунингдек Чандрабхага, Каунти ва Кашмир вилоятларига шудралар, тубанликка юз тутган браҳманлар ва гўшт ейдиган пасткаш одамлар ҳукмронлик қила бошлайдилар. Ведалар маданияти қонунларига амал қилмай, улар руҳий қудратдан бутунлай маҳрум бўладилар. 38. Эй шоҳ, ана шу даврларга келиб салтанат тепасига кўплаган гўшт ейдиган ҳукмронлар келади, уларнинг ҳаммаси даҳшатли равишда сержаҳл, фуқаролар учун мутлақо бефойда, буюк алдоқчи ва иймонсиз зотлар бўладилар.

39-40. Шоҳлар либосини кийиб олган мана шу йирткич, раҳмсиз зотлар бегуноҳ аёлларни, болаларни, сигирларни ва браҳманларни ўлдириб, бошқаларнинг покдомон хотинларига ва мол-мулкига кўз олайтириб, тинч аҳолига зулм ўтказиб уларни ёвузларча қийнай бошлайдилар. Уларнинг дунёқарашлари тутуруксиз, кайфияти ўзгарувчан, иродаси заиф, умрлари эса кулгили даражада қисқа бўлади. Аслини олганда ҳеч қандай Ведавий маросим орқали покланмаган ҳамда диний қонун-қоидаларга амал қилишдан маҳрум бўлган ҳолда улар бутунлай эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсири остида бўлиб, қўл остидаги аҳоли орасида ҳам тамас(ғафлат) ва раджас(эҳтирос) сифатларини зўрлик билан таратадилар.

41. Ана шундай пасткаш шоҳларнинг раҳбарлиги остида жамиятдаги одамлар ҳам ўз ҳукмдорларининг одоб-ахлоқига, гап-сўзига ва амалларига тақлид қилиб яшай бошлайдилар. Ҳукмдорларининг тазйиқи, бир-бирига ўзаро тазйиқ ўтказиб яшаш натижасида аҳолининг ҳаммаси бутунлай хонавайрон бўлиб қийналиб яшай бошлайди.

Иккинчи боб.

Кали-юганинг аломатлари.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шоҳ, шундан кейин Кали-юга таъсири остида бу дунёда дин, адолат, ростгўйлик, поклик, меҳр-мурувват, одамларнинг умри, жисмоний қувват ва хотира сингари эзгу фазилатлар кун сайин камайиб бораверади. 2. Кали-югада одамнинг обрўси, мартабаси, одоб-ахлоқи

ва яхши сифатлари фақат унинг пули, бойлиги билан ўлчанади. Жамиятда қонун ҳам, адолат ҳам фақат куч билан ўрнатилиб, зўравонлик билан таъминланиб, қўллаб-қувватланиб туради. 3. Эркак ва аёллар бир-бири билан бурч юзасидан эмас, фақат бир-бирини юзаки ёқтиргани учунгина бирга яшайдилар, одамларнинг муваффақиятга эришиши бошқаларни алдашга, фирибга, сурбетликка асосланган бўлади. Эркаклик ва аёллик кадр-қиммати фақат одамнинг (шахвоний)жинсий эҳтироси, жинсий алоқа қилишдаги мохирлиги билан ўлчанадиган бўлади, шунчаки муқаддас чилвир - зуннор тақиб олган одам донишманд деб ҳисобланадиган бўлади. 4. Одамнинг руҳий ҳолати унинг ташқи белгиларига қараб белгиланадиган бўлади, фақат ташқи белгиларга қараб одамлар жамиятда бир табақадан иккинчи табақага, бир турмуш тарздан иккинчи турмуш тарзига ўтадилар. Инсоннинг маънавий кадр-қиммати, ор-номуси оёқ ости бўлиб, ишлаб пул топмайдиган одамга шубҳа билан қарайдиган бўладилар. Кўп гапирадиган, гапга чечан маҳмадона одамни билимдон олим деб ҳисоблайдилар. 5. Пули бўлмаган одамни нопок, виждонсиз деб ҳисоблайдилар, иккиюзламачилик, фирибгарлик, сурбетлик одамнинг яхши фазилати деб ҳисобланади. Эркак ва аёл бир-бири билан шунчаки ўзаро оғзаки келишиш асосида никоҳ қуриб, бирга яшаб кетаверадилар. Шунчаки сувда ювиниб, яхши кийим кийиб олган одам энди(покландим, ҳалол бўлдим) кўчага, одамларнинг олдига чиқаверсам ҳам бўлаверади, деб ўйлайди. 6. Шунчаки узокроқда жойлашган бирор сув ҳавзасини муқаддас зиёратгоҳ деб ҳисоблайдилар. Одамнинг гўзаллиги сочининг узунлигига боғлиқ деб ҳисобланади. Инсон ҳаётининг мазмуни, яшашдан мақсад - фақат қорин тўйғазиш бўлиб қолади. Виждонсиз, уятсиз, сурбет одамни ростгўй, ҳалол одам деб ҳисоблайдилар. Оиласининг фаровон ҳаётини таъминлаб турган одам тажрибали одам ҳисобланади, одамлар фақат обрў орттириш учунгина баъзи диний қонунларига риоя қиладилар.

7. Шу тарика бутун Ер юзи бузуқи, нопок, иймонсиз аҳоли билан тўлганида - браҳманми, кшатрийми, ваишйами ёки шудрами, - жамиятда ўзини кучли кўрсата олган ҳар қандай пасткаш одам тахтни эгаллайдиган бўлади. 8. Ана шундай бешафқат, золим, хасис ҳукмдорлар дастидан хотини ва мол-мулкидан айрилган, ҳаёти ўғриларнинг ҳаётидан фарқ қилмайдиган бўлиб қолган оддий одамлар, фуқаролар ўз юртини ташлаб тоғларга, ўрмонларга кета бошлайдилар. 9. Очиқ, тўлаш қийин бўлган даражада катта солиқлар дастидан қийналган одамлар ҳар хил барглар, илдизлар, ҳайвонларнинг гўшти, ёввойи асал, мевалар, гуллар ва уруғлар билан озиқлана бошлайдилар. Қурғоқчиликка дучор бўлиб улар бутунлай хонавайрон бўладилар. 10. Одамлар совуқдан, изғирин шамолдан, жазирама иссиқдан, ёмғир ва қордан қаттиқ изтироб чекадилар. Улар ҳар хил жанжаллар, очлик, чанқоқлик, касалликлардан қийналиб, ҳамиша хавотирда яшаб бутунлай ҳолдан тоядилар. 11. Кали-югада одамларнинг энг узок умри фақат эллик ёш бўлиб қолади.

12-16. Вақт ўтиб, Кали-юга охирлаб қолганида, барча тирик мавжудотларнинг таналари жуда кичрайиб қолади, одамлар риоя қилиб яшашни лозим бўлган варнашрама қонун-қоидалари бутунлай бузилиб кўрсатила бошлайди. Инсонлар жамиятида Ведалар

йўли бутунлай унутилади, одамлар Худои Таолони инкор этиб, асосан Худосиз таълимотларга, атеизмга амал қилиб яшай бошлайдилар. Хукумат тепасига асосан ўғри одамлар чиқиб олади, одамларнинг киладиган иши ўғирлик, бир-бирини алдаш ва сурбетлик билан пул топиш бўлади. Жамиятдаги ҳамма одамлар маданиятсиз, энг пасткаш шудраларга айланиб қоладилар. Сигирлар эчкиларга ўхшаб қоладилар, рухий ҳаёт кечирини учун мўлжалланган ашрам(масжид, эҳром)лар дунёвий ҳаёт кечираётган иймон-эътиқодсиз одамларнинг уйидан фарқ қилмай қолади. Одамлар орасидаги оилавий ришталар, боғланишлар худди қисқа вақтга - никоҳ қуришгагина келишиб олингандай, жуда тез узилиб кетади. Ўсимлик ва майсаларнинг кўпчилиги майдаланиб кетади, дарахтлар пакана шами дарахтларига ўхшаб қолади. Булутлар овоз чиқармай қолади, уйлардан ҳалоллик, барокат, файз кетади, одамлар эшакларга ўхшаб қоладилар. Ана шу вақтда Ер юзида Бхагаван пайдо бўлади. Пок рухий эзгулик қудрати билан ҳаракат қилиб, У жамиятдаги одамларнинг бахт-саодати учун мангу дин қонунларини қутқариб қолади.

17. Парвардигор Вишну - Олий Ҳукмдор, барча кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотларнинг рухий устози ва ҳамманинг Олий Рухи - ҳақиқий дин қонунларини химоя қилиш учун, Ўз содиқларини уларнинг дунёвий ишлари оқибатидан ҳалос этиш учун Ер юзида туғилади. 18. Парвардигор Калки Шамбхала қишлоғида энг ажойиб брахман, буюк зот Вишнуйасанинг хонадониди дунёга келади. 19. Худо Шахси, олам Парвардигори, ёвқур от Девадаттанинг устига ўтириб, қўлига қилич олиб, Ўзининг саккиз турли сеҳр қудратини ва алоҳида саккиз сифатини намоён этиб, бутун Ер юзи бўйлаб айланиб юради. Ўзининг тенгсиз порлоқ ёғдусини намоён этиб, У худди шоҳларга ўхшаб кийиниб олишга сурбетларча журъат этган миллионлаган ўғриларни шиддат билан ўлдириб ташлайди. 21. Охир-оқибатда бу дунёда ўзини шоҳ, ҳукмдор деб юрган иймонсиз ўғриларнинг барчаси бутунлай яқсон бўлади, қишлоқ ва шаҳарларнинг аҳолиси энгил нафас олиб, Парвардигор Васудеванинг сандал пастаси ва бошқа тақинчоқларидан келаётган муқаддас ҳидни ҳис қила бошлайдилар, шу тарика уларнинг ақли илоҳий даражада покланади. 22. Уларнинг қалбида Парвардигор Васудева, Худонинг Олий Шахси Ўзининг илоҳий эзгулик қиёфасида пайдо бўлганида, тирик қолган аҳоли Ер юзини қайтадан тўлдиради. 23. Худои Таоло Калки, мангу, ҳақиқий дин посбони сифатида пайдо бўлганида Ер юзида Сатйа-йуга даври бошланади, инсонлар жамияти соф эзгулик гунасида насл қолдира бошлайди.

24. Ой, Қуёш ва Брихаспати(Юпитер) Карката(Рак) юлдузлар туркумида бирга жамлашганда, уларнинг учови бирга ойнинг Пушйу қисмига ўтганда - ана шу пайтда Ер юзида Крита-юга бошланади. 25. Шундай қилиб, мен сенга аввал ўтган, ҳозир ҳукмронлик қилаётган ва келажакда келадиган, Қуёш ва Ой сулолаларига мансуб бўлган шоҳларни таърифлаб бердим. 26. Сен туғилган вақтдан то шоҳ Нанда тахтга ўтирадиган вақтгача орадан 1150 йил ўтади.

27-28. Донишмандларнинг юлдузлар туркумига қирадиган етти юлдуздан биринчи бўлиб тун осмонида Пулаха ва Крату пайдо бўлади. У(Пулаха ва

Крату)ларнинг ўртасидан шимол ва жанубга тортилган тўғри чизик қайси бир Ой қисмидан ўтмасин, Ойнинг ана шу қисмидаги юлдузлар туркуми шу вақт давомида коинотга ҳукмрон бўлган сайёралар бўлади. Етти донишманд Ойнинг ана шу маълум қисми билан инсонлар ҳисоби бўйича юз йил давомида боғланиб қоладилар. Ҳозир, сенинг умринг давомида улар Магха деб аталадиган нақштра(юлдузлар туркуми)да жойлашган.

29. Худои Таоло, Парвардигор Вишну Қуёшдай порлоқ ва Парвардигор Кришнадай машхур. У рухий оламга қайтиб кетганида бу дунёга Кали кириб келган эди, шундан сўнг жамиятдаги одамлар жаҳолатга юз тутиб, гуноҳ ишлар қилишдан лаззат ола бошладилар. 30. Токи равнақ фариштасининг эри Рамапати Ер юзига нилуфар қадамлари пойини теккизиб юрар экан, Кали бу сайёрага киришга журъат этишга ожиз эди. 31. Донишмандларнинг юлдузлар туркуми Ойнинг Магхи қисмидан ўтаётганида Кали-юга бошланади. У Ер юзида фаришталар ҳисоби билан ўн икки юз йил(432 000 қуёш йили) ҳукм суради. 32. Махариши юлдузлар туркумининг буюк донишмандлари Магхадан Пурвашадхагача ўтганида Кали-юга шоҳ Нанда ва унинг авлодлари давридан бошлаб, ўзини тўла намоён эта бошлайди. 33. Ўтмишни илмий жиҳатдан яхши тушунадиган зотларнинг тасдиқлашига кўра, Парвардигор Кришна рухий оламга кетган кундан бошлаб Кали-юганинг таъсири бошланган. 34. Кали-юганинг самовий минг йили ўтгандан кейин яна Крита-юга намоён бўлади. Бу вақтга бориб одамларнинг ақли ўзидан илоҳий нур тарата бошлайди. 35. Шундай қилиб, мен сенга Ер сайёрасида маълум бўлган Манунинг сулоласининг шоҳ-қшатрийларини таърифлаб бердим. Худди шундай ҳар турли даврда яшаб ўтган ваишйаларнинг, шудраларнинг ва брахманларнинг тарихини билиб олиш мумкин. 36. Буюк зотлар бўлган мана шу шаҳсларни биз ҳозир фақат уларнинг номлари орқали биламиз. Улар бизга қадимдан устоздан шогирдга ўтиб келаётган ҳикоятларда яшайдилар, Ер юзида фақат уларнинг шон-шуҳрати абадий қолади. 37. Махараж Шантанунинг акиси Девали, Икшвакунинг авлоди Мару иккиси буюк сеҳр қудратига эга бўлиб, ҳозир ҳам Калапа қишлоғида яшайдилар. 38. Кали-юга даврининг охирида ана шу икки шоҳ, Парвардигор Васудевандан бевосита кўрсатма олиб, инсонлар жамиятига қайтиб келадилар ва одамлар орасида мангу дин қонунларини тиклайдилар, худди аввалгидай жамиятни варна ва ашрамларга бўладилар. 39. Тўрт юга - Крита, Трета, Двапара ва Кали-югадан иборат цикл Ер юзидаги тирик мавжудотлар орасида асосий воқеа-ҳодисаларнинг ўзгармас занжирини такрорлаб, мангу давом этаверади.

40. Эй азизим, Махараж Парикшит, мен таърифлаган барча шоҳлар ва инсон танасидаги бошқа тирик мавжудотлар Ер юзига келиб, ҳар хил дунёвий нарсаларга даъволик қилдилар, аммо, охир-оқибатда уларнинг ҳаммаси бу оламни тарк этишга ва яқсон бўлишга мажбур бўладилар. 41. Гарчи бирор шахснинг танаси ҳозирча “шоҳ” деб аталиб турган бўлса ҳам, охир-оқибатда, бир кун келиб бу тананинг номи “қурт-қумурсқа”, “ахлат” ёки “қул” бўлади. Ҳаётда қилаётган ишлари ўзини тўппа-тўғри дўзахга, жаҳаннамга олиб борадиган, ўз танаси, нафси учун бошқа тирик мавжудотларга озор бериб юрган ғофил одам, ўзининг

хақиқий шахсий манфаати нима эканини қаердан ҳам била оларди?

42. (Дунёвий фикр юритадиган шоҳ шундай фикр юритади): “Мана шу бепоён Ер юзининг мавжудлигини мендан аввалги шоҳлар таъминлаб турган, у ҳозир менинг ҳукмим остида. Ўлганимдан кейин бу салтанат ўзимнинг ўғилларим, невараларим ва бошқа авлодларимга қолиши учун қандай ишларни амалга оширсам экан?” 43. Ғофил, аҳмоқ одамлар гарчи ер, сув ва оловдан таркиб топган ҳозирги танасини “мен” деб, мана шу Ерни “меники” деб юрган бўлсалар ҳам, барибир улар охир-оқибатда танасини ҳам, Ерни ҳам тарк этиб, ноилож ҳолда мавҳумликка равона бўладилар. 44. Азизим шоҳ Парикшит, ўз қудратига ишониб Ер юзида лаззатланишга интилиб юрган шоҳларнинг ҳаммаси замона зайли билан яқсон бўлиб, фақат тарихий ҳикоялардагина қолдилар.

Учинчи боб.

Бхуми-гита(Она Ернинг илтижоси).

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Ер юзини ишғол қилиб, забт этишга шайланиб, Ер юзида юрган шоҳларни кўриб Она-Ер кулиб юборди. У шундай деди: “Буни қаранглар, аслида ажалнинг қўлида арзимас ўйинчоқ бўлиб юрган мана бу кўримсиз шоҳлар мени ўзларига бўйсундириб олишга уринаяптилар?! 2. Каманинг марҳамати билан инсониятнинг ҳатто энг буюк донишманд раҳбар-йўлбошчилари ҳам, ҳаётдаги барча режалари, орзу-умидлари барбод бўлиб, турли омадсизликларга учрайдилар. Эҳтирос таъсири остида бу шоҳлар “тана” деб аталадиган ўлик моддалар бирикмасига жуда катта умид билан қарайдилар, ваҳоланки бу моддий тана сув юзида пайдо бўладиган кўпик сингари ўткинчи нарсасидир.

2-4. Шоҳлар ва сиёсатчилар ўзларича шундай мулоҳаза юритадилар: “Аввало мен ўзимнинг хиссиётимни ва ақлимни жиловлаб оламан; кейин мен асосий вазирларни ўзимга бўйсундириб оламан ва маслаҳатчиларнинг, фуқароларнинг, дўстлар ва қариндошларнинг, шунингдек фил сақловчи(бой-бадавлат) одамларнинг аччиқ гапларидан, таъна, танқидларидан қутуламан. Шундай қилиб, мен аста-секин барча материклари ва океанлари билан бирга бутун Ер юзини ўзимга бўйсундириб оламан”. Бундай раҳбар-ҳукмдорларнинг қалби ҳамиша буюк орзу-умидларга тўла бўлиб яшаётгани сабабли улар ҳамиша ёнгинасида юрган ўз ажалини кўра олмайдилар. 5. Бутун Ер юзини босиб олгандан кейин манманликдан гердайган бу мағрур шоҳлар куч билан ўзларига бўйсундириш учун океанларга ҳам кириб борадилар. Уларнинг сиёсат йўли билан одамларга зулм ўтказишга қаратилган ўз хиссиётларини бундай назорат қилишларидан нима фойда? Ўз хиссиётини назорат қилишнинг ҳақиқий мақсади - руҳий озодликка эришишдан иборат”.

6. Эй Курулар аълоси, Она-Ер мулоҳаза юритиб қуйлашда давом этди: “Бу нодон одамлар ҳозир қандай ноилож ҳолда бу дунёга келган бўлсалар, ўтмишда буюк зотлар ва уларнинг авлодлари ҳам шундай ноилож аҳволда бу оламни тарк этиб, менинг устимдан кетган бўлишига қарамай, ҳатто ҳозир ҳам бу аҳмоқлар мени ишғол қилишга уринишда давом этиптилар. 7. Мен сабабли бу бахтиқаро ақлсизлар бир-бири билан

уришадилар. Оталар болаларига душман, акалар укаларига душманлик қиладилар, чунки уларнинг қалби сиёсий ҳукмронлик қилиш қудратига эга бўлишга боғланиб қолган. 8. Сиёсий арбоблар бир-бирини: “Бу ернинг ҳаммаси меники! Бу ер сеники эмас, нодон!” - дея жангга чақирадилар. Шу тариқа улар бир-бири билан жанг қилиб ҳалок бўладилар.

9-13. Притху, Пурурава, Гадхи, Нахуша, Бхарата, Картавирья Аржуна, Мандхата, Сагара, Рама, Кхатванга, Дхундху, Рагху, Тринабинду, Йайати, Шарйати, Шантану, Гайа, Бхагиратха, Кувалайашва, Какутстха, Наишадха ва Нрига сингари шоҳлар, шунингдек бутун жаҳон аҳлини мусибат чекишга мажбур қилган Хиранйакашипу, Вритра, Равана, Намучи, Шамбара, Бхаума, Хиранйакша ва Тарака каби иблис шоҳлар ҳам бошқалар устидан ҳукмронлик қилишга етарли қудратга эга бўлган бошқа кўплаган иблислар ва шаҳаншоҳлардай мукамал илмга эга, жасур қаҳрамон, енгилмас зотлар эдилар. Шунга қарамай, эй қудратли Парвардигор, гарчи улар менга бутунлай эгалик қилиш ниятида зўр бериб уриниб яшаган бўлсалар ҳам, бу шоҳларнинг ҳаммаси Замона зайли билан шунчаки тарихий ҳикоялардагина айтиладиган аҳволга тушиб қолдилар. Уларнинг бирортаси менга мангу ҳукмрон бўлиб қола олмадилар”.

14. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй қудратли шоҳ Парикшит, аввало шухрати бутун жаҳонга таралган, кейинчалик эса бу оламни тарк этиб кетган бу шоҳларнинг барчаси ҳақида мен сенга гапириб бердим. Бу ҳикояларни сенга гапириб беришдан менинг ҳақиқий мақсадим - сенга илоҳий илм ва таркидунёликни ўргатишдан иборат эди. Шоҳлар ҳақидаги ҳикоялар бу илоҳий ҳикояларга бойлик ва куч ато этади, лекин ҳикояларнинг ўзи илоҳий илмнинг якуний мақсади эмас. 15. Парвардигор Кришнага бенуқсон садоқат билан хизмат қилишга интилаётган киши мунтазам равишда Парвардигор Уттамашлоканинг машхур сифатлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаши лозим, уларни ҳамиша шарафлаб қуйлаш инсон ҳаётидаги барча ёқимсиз ҳолатларни яқсон қилади”.

16. Шоҳ Парикшит шундай деди: “Эй ҳукмдорим, Кали-юга даврида яшаётган одамлар қандай қилиб бу даврнинг салбий, ҳалокатли таъсиридан қутулиши мумкин? Эй буюк донишманд, илтимос, менга шуни тушунтириб бер! 17. Илтимос, менга коинот тарихининг ҳар хил даврларини, оламнинг мавжудлик даврини, яқсон бўлиш даврини, Ишвара, Олий Рух, Парвардигор Вишнунинг бевосита вакили бўлган Замон(вақт)нинг ҳаракатини таърифлаб бер!”

18. Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шоҳ, аввалига, Крита-йуга, Ҳақиқат даврида одамлар ҳақиқий дин қонунларига тўла амал қилар, динни авайлаб асрар эдилар, дин ўзининг тўрт оёғида мустаҳкам турар эди. Қудратли диннинг ана шу тўрт устунни, тўрт оёғи - ростгўйлик, раҳмдиллик, риёзат ва меҳр-мурувват ҳисобланади. 19. Сатйа-йугада одамлар асосан руҳий ўзлигини англаган, раҳмдил, барчага бирдай дўст, қалби хотиржам, осойишта, тинчликсевар, соғлом фикрли ва чидамли, сабр-тоқатли бўладилар. Улар фақат ўзларининг қалбидан руҳий лаззат излайдилар, атрофидаги ҳамма нарсага бир хил назар

билан қарайдилар, ҳамиша руҳий юксалиш йўлида ҳаракат қилиб яшайдилар.

20. Трета-юга даврига келиб, худосизликнинг тўрт устуни бўлган ёлғон, зулм, қаноатсизлик(ношукрлик) ва душманлик таъсири остида диннинг ҳар бир устуни аста-секин чорак қисмга камаяди. 21. Трета даврида одамлар ҳар хил маросимларга, урф-одатларга риоя қиладилар, қаттиқ риёзатларга берилдилар. Улар бошқа тирик мавжудотларга қаттиқ зулм ўтказмайдилар, ҳиссий лаззатларга кўп берилмайдилар. Улар ҳаётда асосан тақводорлик, иқтисодий равақ ва диний қонунлар доирасидан чиқмаган ҳолда лаззатланишга интиладилар. Уч Ведада кўрсатилган қонунлар асосида яшаб улар ҳаётда катта муваффақиятларга эришадилар. Бу даврда жамият тўрт табақага бўлинган бўлишига қарамай, эй шох, жамиятдаги одамларнинг аксарият кўпчилиги браҳманлардан иборат бўлади.

22. Двапара-югада диний сифатлар бўлган риёзат, ростгўйлик, раҳмдиллик ва муруват сифатлари уларга қарама-қарши бўлган худосизлик сифатлари - жиззакилик, бўҳтон, зулм ва душманлик таъсирида тенг ярмисига камаяди. 23. Двапара-югада одамлар шон-шухратга интилсалар ҳам тақводор, олийжаноб бўлиб қоладилар. Улар ҳаётини Ведаларни ўрганишга, катта бойлик тўплашга бағишлаб, катта оилага эга бўлиб, дунёвий ҳаётдан лаззатланишга интилиб яшайдилар. Бу даврда жамиятдаги тўрт табақага мансуб одамлар орасида қшатрийлар ва браҳманлар кўпчиликни ташкил этади.

24. Кали-юга даврига келиб, ҳақиқий дин қонун-қоидаларининг тўртдан бир қисми қолади, холос. Диний қонун-қоидаларнинг бу қолдиғи ҳам тобора кучайиб борадиган иймонсизлик, худосизлик қонунлари таъсирида аста-секин камайиб, охири бутунлай йўққа чиқади. 25. Кали-югада одамлар очкўз, тартибсиз, одобсиз, бераҳм бўладилар, ҳар қандай бемаъни, арзимас нарсалар сабабли ҳам бир-бирига душманлик қиладилар. Ҳар хил дунёвий орзу-истаклар гирдобига тушиб қолган Кали-юганинг омадсиз одамларининг ҳаммаси асосан шудралардан ва ёвуз, бераҳм одамлардан иборат бўлади.

26. Моддий табиат гуналари - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат мангу Замон кучи билан ҳаракатга келади, уларнинг ҳаракати ҳар бир одамнинг ақлида сезилиб туради. 27. Одамларнинг ақли, тафаккури ва ҳиссиёти асосан эзгулик гунасида мустаҳкам ўрнашиб олган бўлса, ана шу вақт Крита-юга, мусулмонлик, итоаткорлик, тақводорлик даври ҳисобланади. Кейин одамлар илм ўрганиш ва риёзат чекишдан лаззат оладиган бўладилар.

28. Эй заковатли шох, бу дунёдаги шартланган руҳлар ўз бурчини виждон билан бажариб юрган бўлсалар-у, лекин қалбида бошқа бир шахсий манфаат кўзлаётган бўлсалар, бундай ҳолатни Трета-юга даври деб ҳисоблашинг керак. Трета-югада эҳтирос гунасининг амали, таъсири кучли бўлади.

29. Одамларда ҳар ким ўзининг шахсий фаолиятига қаттиқ боғланиш билан бирга очкўзлик, ношукрлик, манманлик, иккиюзламачилик ва ҳасад туйғулари сезиларли даражада кучайиб кетганида оламда Двапара-юга даври ҳукмрон бўлган бўлади. Бу даврда ғафлат ва эҳтирос гунасининг аралаш таъсири кучайган бўлади.

30. Жаҳонда ўғирлик, ёлғон, дангасалик, уйқушираш, зулм, зўравонлик, алам, ноиложлик, мусибат, адашиш, кўрқув ва қашшоқлик иллатлари авжига чиққан давр Кали-юга, “ғофиллик даври” деб аталади. 31. Ана шундай пасткаш, ярамас сифатлар таъсири остида Кали-юга даврида одамларнинг аксарият қисми тўғри мулоҳаза юрита олмайдиган, узокни кўра олмайдиган калтафаҳм, омадсиз, очофат, ҳайвоний айшу-ишратга берилган, ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қашшоқ бўлиб қоладилар. Покдомонликдан маҳрум бўлиб, ор-номусни бутунлай йўқотган аёллар бир эркакдан иккинчи эркакка, бир эрдан иккинчи эрга бемалол ўтиб юраверадилар.

32. Шаҳар аҳолиси ичида ўғрилар кўпчиликни ташкил этади, Ведалар илми иймонсиз атеистлар томонидан ногўғри талқин қилина бошлайди, сиёсий арбоблар амалда халқни талай бошлайдилар, сохта билимдон олимлар ва руҳонийлар фақат қорнини, нафсини ва шахвоний ҳирсини қондиришни ўйлаб иш қиладиган бўладилар. 33. Браҳмачарилар ўзларининг муқаддас қасамларига амал қилишга қодир бўлмай қоладилар, асосан покликка риоя қилолмайдилар; грихастхалар тиламчи, қашшоқ, девона гадойларга айланадилар; ванапрастхалар қишлоқда яшай бошлайдилар; саннийасилар бойликка ўч бўладилар. 34. Аёлларнинг бўйи кичкина бўлиб, кўп овқат ейдиган бўладилар. Улар шунчалик кўп бола туға бошлайдиларки, натижада фарзандларига ғамхўрлик қилиш кўлидан келмай қолади, улар ор-номус, уят, ифбат деган нарсалардан бутунлай маҳрум бўладилар. Улар ҳамиша жуда кўпол гапларни гапирадиган бўлиб, ўғирлик қилиш, одамларни алдаш билан шуғулланиб, ўзларини тута олмайдиган енгилтак аёлларга айланиб қоладилар.

35. Ишбилармон одамлар кичик бизнес билан шуғуллана бошлайдилар ва фақат одамларни алдаш йўли билан пул топадилар. Гарчи бунга ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаса ҳам, одамлар ҳар қандай жирканч ишни пул топса бўладиган яхши, ҳалол хунар деб ҳисоблай бошлайдилар. 36. Гарчи хўжайини ўрناق олиб яшашга муносиб авлиё одам бўлса ҳам, хизматкорлар бойлигини йўқотган хўжайинини ташлаб кетадилар. Ҳукмдорлар ҳам ўзларига шунча йил хизмат қилган бўлишига қарамай, ишга ярамай қолган хизматкоридан юз ўгирадилар. Одамлар сигирларни далага ҳайдаб юборадилар ёки сут бермай қўйган захоти гўшт учун сўя бошлайдилар.

37. Кали-югада эркак одамларнинг кўлидан бирор иш келмайдиган бўлиб, уларни аёллар бошқара бошлайдилар. Улар оталарини, акаларини, бошқа қариндошларини ва дўстларини ташлаб, улардан кўра хотинининг қариндошларига, унинг ака-сингилларига яқинроқ бўладилар. Эркак билан аёл ўртасидаги дўстлик, яқин муносабатлар фақат ўзаро жинсий яқинликка асосланган бўлади. 38. Маданиятсиз одамлар ўзларини “Худонинг вакиллари” деб ҳисоблаб, бошқа одамлардан Худо йўлига садақа сўраб юрадилар. Шундай иймонсиз одамлар жамоат олдида бошқаларга кўз-кўз қилиш учун риёзат чекиб, таркидунё қилган зоҳидлик кийимини кийиб олиб, тирикчилик қилиш учун одамлардан садақа сўраб пул тўплайдиган бўладилар. Ҳақиқий дин нима эканини тушунмайдиган ғофил, иймонсиз одамлар жамиятда катта лавозимларга кўтарилиб, диний қонунлар ҳақида ўзларича ҳар хил бўлмағур, бемаъни гапларни гапира бошлайдилар.

39-40. Кали-юга даврида одамларнинг акли хамиша безовта бўлиб юради. Улар очлик ва ҳаддан ташқари оғир солиқлар дастидан мадори куриб, ҳолдан тойган ва курғоқчилик бўлиб қолишдан хамиша хавфсираб юрадилар. Улар кийим-кечакка, озик-овқатга муҳтож бўлиб, етарлича ухлагга, жинсий алоқа билан шуғулланишга ёки ҳар куни ювиниб, покланиб юришга ҳам қодир бўлмай қоладилар, таналарини безаш учун уларнинг қимматбаҳо тақинчоқлари бўлмай қолади. Аслида Кали-югада яшаётган одамлар аста-секин худди жин урган одамларга ўхшаб бачкана кўрина бошлайдилар. 41. Кали-югада одамлар ҳатто арзимаган бир неча сўм пул учун бир-биридан нафратланадиган бўладилар. Ўзаро дўстона муносабатларни тарк этиб, улар арзимаган иш учун ҳатто ўзларининг қариндошларини ҳам ўлдириб юборишга, ўз жонини қурбон қилишга ҳам тайёр бўладилар.

42. Одамлар кексайиб қолган ота-оналарига, ўзининг фарзандларига ёки покдомон хотинларига ғамхўрлик қилмай қўядилар. Тубанликка, жаҳолатга юз тутиб, улар фақат ўз нафсини қондириш(қорнини тўйдириш) ҳамда ким биландир жинсий алоқа қилиб лаззатланиш ҳақида ўйлайдилар. 43. Эй шох, Кали-югада одамларнинг тафаккури атеизм, иймонсизлик таълимоти билан бузилган, булганган бўлади. Улар деярли ҳеч қачон бутун уч оламнинг Олий Рухий Устози учун қурбонлик маросими ўтказмайдилар. Бутун оламни, коинотни бошқариб турган буюк зотларнинг ҳаммаси Ачйутанинг, Худои Таолонинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилиб, сиғиниб юрган бўлишига қарамай, Кали-югада яшайдиган, қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган ярамас, ачинарли аҳволда юрган кўримсиз одамларнинг улардан ўрнак олиб яшашга фаросати етишмайди.

44. Ажал ёқасида турган одам тўшакда ётган жойида қаттиқ изтироб чекиб, қийналиб талвасага тушади. Гарчи унинг овози бўғилиб чиқаётган бўлса ҳам, у ҳатто ўзининг гапираётганини ҳам англаши қийин. Шунга қарамай, агар у Худои Таолонинг муқаддас номини тилига олса, ўзининг барча дунёвий ишлари, гуноҳлари оқибатидан халос бўлиши ва энг олий мақсадга эришиши мумкин. Лекин барибир, Кали-югада яшайдиган одамларнинг аксарият кўпчилиги Худои Таолога сиғинишни истамайдилар.

45. Кали-югада ҳамма нарсалар, ҳамма жой, ҳатто алоҳида ҳар бир одам ҳам - ҳаммаси нопок, харом бўлади. Лекин, ягона Парвардигорни ўзининг аклига жойлаб олган одамнинг қалбидаги бундай нопокликларни барча пурушалар ичида аълоси, ҳар нарсага қодир бўлган Худонинг Олий Шахси бутунлай бартараф этади. 46. Агар одам Худои Таоло ҳақидаги гапларни, хикояларни тингласа, Уни олқишлаб, шарафлаб юрса, хамиша Худои Таолони эслаб юрса, Унга сажда қилиб ёки хамиша қалбида мавжуд бўлган Парвардигорга хурмат-эҳтиром кўрсатиб юрса, Парвардигор ундай одамнинг қалбини минглаб умрлар давомида тўпланиб қолган иллатлардан бутунлай поклайди. 47. Худди, олов олтин таркибидаги бошқа унсурлардан қолган ҳар қандай гардларни тозалагани сингари, ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор Вишну ҳам ўз ихтиёрини Унга топширган йогнинг аклини барча иллатлардан поклайди.

48. Фаришталарга сиғиниш, риёзат чекиш, нафас олишни бошқариш, бошқаларга ҳамдардлик қилиш,

муқаддас сувларда ювиниш, муқаддас қасамларга риоя қилиш, хайр-эҳсон қилиш, ҳар хил мантраларни айтиш ёрдамида одамнинг акли чексиз Худонинг Олий Шахси унинг қалбида пайдо бўлгандагидай мутлақ покланишга эриша олмайди. 49. Шунинг учун эй шох, сен қандай қилиб бўлса ҳам қалбинг тўрида мавжуд бўлган Парвардигор Кешавада бутун ақлу-хаёлингни мужассам қилишга ҳаракат қил! Хамиша ана шундай ҳолатда бўлишга ҳаракат қил, шунда ажалнинг етганида сен албатта энг олий мақсадга эришасан.

50. Эй азиз шох, Худо Шахси Олий хукмдордир. У - барча тирик мавжудотларнинг Олий Рухи ва барча мавжудотларнинг энг юксак паноҳ жойи, нажот маконидир. Ажал ёқасида турган одам аклини Унда мужассам қилиб, Уни муроқаба қила бошлаганида Парвардигор унга Ўзининг мангу рухий моҳиятини, табиатини ошкор этади. 51. Эй хурматли шох, гарчи Кали-юга барча нопокликлар уммони бўлса ҳам, бу даврнинг бир ажойиб сифати бор: шунчаки Парвардигор Кришнани шарафлаб қуйлаш билан ҳар қандай одам ҳам моддий олам тутқунлигидан халос бўлиши ва илоҳий салтанатга, Худонинг даргоҳига кўтарилиши мумкин.

52. Крита-югада Парвардигор Вишнуга муроқаба қилиш йўли орқали, Трета-югада қурбонлик маросими ўтказиш орқали, Двапара-югада Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш орқали қандай натижага эришиш мумкин бўлган бўлса, шу натижаларнинг ҳаммасига Кали-йюгада шунчаки Парвардигор Харини шарафлаб қуйлаш орқали эришиш мумкин.

Тўртинчи боб.

Қиёмат-қойим, охир замоннинг тўрт тури.

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: “Эй шох, мен сенга моддий оламдаги вақт ўлчами ҳақида гапириб, “атомар вақт” - атом ҳаракати билан ўлчанадиган энг кичик вақт ўлчамидан то Тангри Брахманинг умрининг узунлигига тенг бўлган вақтгача таърифлаб берган эдим. Шунингдек мен сенга коинот тарихининг ҳар хил даврлари ҳақида гапириб бердим. Энди мен сенга *калта* вақти ҳақида ва оламнинг яксон бўлиш жараёни - қиёмат-қойим ҳақида гапириб бераман.

2. Ҳар бири тўрт югадан иборат минг цикл Тангри Брахманинг бир куни бўлади. Ана шу вақт оралиғи “калта” деб аталади. Шу давр ичида коинотга ўн тўрт Ману(Одам Ато) келиб кетади. 3. Тангри Брахманинг ҳар бир куни тугаганида, узунлиги худди кунига тенг бўлган унинг туни давомида коинот яксон бўлади. Ана шу пайтда барча уч олам, олий, қуйи ва ўрта сайёралар тизими бутунлай яксон (қиёмат-қойим) бўлади. 4. Бу жараён оламнинг даврий яксон бўлиши(наимиттика) деб аталади, бунда азалий яратувчи Парвардигор Нарайана Ананта Шеша яратган тўшакда ётади ва бутун коинотни то Тангри Брахма уйқудан уйғонгунча Ўзининг ичига ютади. 5. Энг буюк яратилган зот - Тангри Брахманинг умри - икки ярми ҳам охирига етганида оламдаги етти асосий унсур бутунлай яксон бўлади.

6. Эй шох, моддий унсурларнинг яксон бўлиши пайтида, барча моддий унсурларни ўзида мужассам қилган махат-таттва, моддий олам тухуми яксон бўлиш, мавхумлик билан юзма-юз учрашади. 7. Эй шох киёмат-қойим яқинлашиши билан Ер юзида юз йил давомида бирорта ёмғир ёғмайди. Қурғоқчилик натижасида очарлилик юзага келиб, аниғини айтганда ноилож қолган Ер аҳолиси бир-бирини еб, ўзини ўзи тугатади. Замона зайли билан йўлдан адашган Ер аҳолиси шу тариқа аста-секин яксон бўлади. 8. Емирувчи, яксон қилувчи киёфасида Куёш ўзининг ҳалокат келтирувчи нурлари билан океандаги, тирик мавжудотлардаги ва Ернинг ўзидаги бутун сувни, намликни тортиб олади, лекин, қирон келтирувчи Куёш бунинг эвазига Ерга бир томчи ҳам ёмғир бермайди. 9. Шундан кейин Парвардигор Санкаршананинг оғзидан буюк яксон қилиш(охир-замон) олови уфура бошлайди. Шамолнинг қудратли кучи ёрдамида жонсиз коинот қобиғини бешафқат куйдириб, ана шу олов бутун коинотни ёқиб кул қилиб юборади. 10. Ҳар тарафдан - юқоридан Куёшнинг тафти, пастдан Парвардигор Санкаршананинг оғзидан уфураётган олов ичида қолган коинот худди сугир тезагидан қилинган юмалоқ таппига ўхшаб ловуллаб ёна бошлайди. 11. Буюк ва дахшатли Қиёмат шамоли минг йилдан кўпроқ эсиб туради, тутунга тўлган осмон қорайиб, кул ранг тусга киради. 12. Шундан сўнг, эй шох, осмонда ҳар хил рангдаги булутлар тўпланиб, дахшатли овозда гулдураб, минг йил давомида пастга ёмғир қуяди. 13. Ана шу пайтда моддий олам тухуми сув билан тўлиб ягона космик океан вужудга келади. 14. Бутун коинот шу тариқа сувга айланганида, сув ер унсурининг хоссасини - хидини ўзига олади, ўзининг хоссасини йўқотган ер унсури сувга қўшилиб кетади.

15-19. Кейин олов унсури сувнинг таъмини олади, сув ўзининг хоссасини йўқотиб, оловга қўшилиб кетади. Ҳаво унсури оловга хос бўлган шаклни ўзига олганида олов ҳавога қўшилиб кетади. Эфир ҳавонинг тегиш, сезилиш хоссасини ўзига олганида ҳаво эфирга қўшилиб кетади. Кейин, эй шох, ғафлат гунасидаги сохта ўзлик эфирнинг товушини олганида, эфир сохта ўзликка қўшилиб кетади. Сохта ўзлик эҳтирос гунасида ҳиссиётларнинг қобилятини олади, эзгулик гунасидаги сохта ўзлик тана аъзоларини бошқарувчи илоҳларни олади. Кейин мужассам махат-таттва барча хосса, вазифалари билан бирга сохта ўзликни ўзига қўшиб олади. Ана шу махат эзгулик, эҳтирос ва ғафлат сифатлари билан қўшилади. Азизим Махараж Парикшит, мана шу гуналар кейинчалик табиатнинг мангу Замон ҳаракатга келтирадиган азалий, **намоён бўлмаган табиатига** қўшилиб кетади. Ана шу намоён бўлмаган табиат Замон, вақт таъсири остида юзага келадиган олти хил ўзгариш таъсир қилмайдиган азалий табиатдир. Ана шу илоҳий табиат олам яралишининг намоён бўлмаган, мангу ва бегуноҳ сабабчисиدير.

20-21. Моддий табиатнинг прадхана деб аталадиган намоён бўлмаган ҳолатида сўзларнинг ифодаси, ақл, махатдан пайдо бўладиган нафис унсурлар йўқ, шунингдек унда эзгулик, эҳтирос ва ғафлат сифатлари ҳам йўқ. Унда ҳаёт нафаси ҳам йўқ, тафаккур йўқ, ҳиссиёт ёки фаришталар йўқ. Унда сайёралар тизимининг аниқ тузилиши ҳам йўқ, шунингдек унда оннинг ҳар хил ҳолатлари - уйқу, сергаклик, чуқур уйқу ҳам йўқ. Унда эфир, сув, ер,

ҳаво, олов ёки куёш ҳам йўқ. Аслини олганда уни таърифлаб бўлмайди. Рухий илм билимдонлари тушунтирадиларки, прадхана бошланғич унсур бўлгани учун, у моддий оламнинг ҳақиқий асоси ҳисобланади.

22. Коинотнинг мана шундай яксон бўлиши пракритика деб аталади. Бу жараёнда Пурушанинг ва Унинг намоён бўлмаган моддий табиатининг қувватлари Замона зайли (вақт кучи) таъсирида бўлақларга бўлиниб, барча хоссаларини, қобилятларини йўқотиб, бир бутун бўлиб бирга қўшиладилар. 23. Аслида ҳақиқатан ҳам фақат Мутлақ Ҳақиқат, Жнана мавжуд бўлиб, У тафаккур, ҳиссиёт ва сезгилар орқали сезиладиган нарсалар кўринишида намоён бўлади ва уларнинг бошланғич асоси ҳисобланади. Аввали ва охири, қачондир бошланадиган ва қачондир тамом бўладиган нарсани ҳақиқатан ҳам мавжуд деб бўлмайди. Бунчай чекланган намоён бўлишлар - ўзини келтириб чиқарган сабаблардан фарқ қилмайдиган номукамал сезгиларга таъсир қиладиган нарсалардир. 24. Чироқ, кўзлар ва кўриниб турган шакл - агар асл моҳиятини олиб қаралса олов унсури билан бир. Худди шундай, тафаккур, ҳиссиётлар ва сезгиларнинг сезиши Олий мавжудликдан ажралган ҳолда мустақил мавжуд бўлолмайди, олий мавжудлик, Мутлақ Ҳақиқат эса улардан бутунлай фарқ қилади. 25. Тафаккурнинг уч турли ҳолати - сергак онг, уйқусираш ва чуқур уйқу деб аталади. Аммо, эй азиз шох, ана шу уч ҳолатда тирик мавжудот учун тафаккур намоён этадиган ранг-баранг туйғулар шунчаки алданиш, рўё, сароб ҳисобланади.

26. Худди осмондаги булутлар уларнинг таркибини ташкил этадиган унсурларнинг ўзаро қўшилиши ва тарқалиши натижасида аввало пайдо бўлиб, кейин яна йўқолиб кетиши сингари, мана шу коинот, моддий олам ҳам унинг таркибига кирадиган моддий унсурларнинг бирикиши ва тарқалиб кетиши натижасида Браҳманда намоён бўлади ва вақти келиб яксон бўлади. 27. Эй шох, худди кийим тўқилган ипнинг ўзини кийимдан бошқача ҳолда мавжуд деб қабул қилиш мумкин бўлгани сингари, бу оламда намоён бўлган ҳар қандай нарсани юзага келтирган сабабнинг ўзини алоҳида мавжудлик деб қараш мумкин. 28. Асосий сабаб ва ўзига хос оқибат, натижа тушунчалари асосида қабул қилинадиган нарсаларнинг ҳаммасини сароб, рўё деб қараш керак, чунки ундай сабаб ва оқибатлар фақат бир-бирига нисбатангина мавжуд бўладилар. Аслини олганда бошланиши ва охири бўлган нарсаларнинг ҳаммаси - сароб, алданиш, рўё, ҳақиқатан ҳам мавжуд эмас.

29. Гарчи биз сезгиларимиз билан қабул қилиб, сезиб турган бўлсак ҳам, Олий Рухга асосланмаган ҳолда моддий табиатнинг хатто биргина атомининг ўзгаришини ҳам тўлиқ аниқлаб бўлмайди. Ҳиссиётимиз, сезгиларимиз ҳақиқатан ҳам мавжуд ҳолда қабул қилиши учун ҳар қандай нарса пок рух билан бир хил табиатга эга бўлиши керак - яъни мангу, ўзгармас ҳолда мавжуд бўлиши керак. 30. Мутлақ Ҳақиқатда, Сатйада моддий оламдагидай қарама-қаршилиқ, нисбийлик тушунчаси мавжуд эмас. Ғофиллик сезадиган қарама-қаршилиқ, нисбийлик - икки осмон, икки шамол ёки икки самовий ёритгич орасидаги фарқдир. 31. Ўзларининг мақсадига қараб, одамлар олтинни ҳар хил усул билан ишлатадилар, шу боис сезгиларимиз орқали олтин ҳар хил кўринишларда қабул қилинади. Моддий ҳиссиётлар орқали сезиб

бўлмайдиган илохий табиатли ягона Парвардигор, Худои Таолони ҳам ҳар хил одамлар ҳар хил - оддий ёки Ведавий тушунча, тасаввурлар ёрдамида шу тарзда таърифлайдилар.

32. Гарчи Куёш пайдо қилган булутнинг ўзи Куёшнинг ёғдуси ёрдамида бизга кўриниб турган нарса бўлса ҳам, булут кўрувчи кўзлар учун қоронғуликни юзага келтиради, ваҳоланки кўрадиган кўзлар ҳам аслида Куёшнинг яна бир экспансияси ҳисобланади. Шунга ўхшаб, моддий сохта ўзлик, Мутлақ Ҳақиқат юзага келтирган маълум унсур, Мутлақ Ҳақиқат шарофати билан сезиладиган бўлган ҳолда, Мутлақ Ҳақиқатнинг қисман экспансияси бўлган алоҳида руҳнинг Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишига тўқинлик қилади. 33. Аввало Куёш юзага келтирган булут йўқолганда кўзлар Куёшнинг ҳақиқий қиёфасини кўра олади. Худди шундай алоҳида руҳ, руҳий табиатга эга бўлган жон ҳам илохий илм ўрганиб моддий сохта ўзлигини яқсон қилганида ўзининг азалий, бошланғич мангу руҳий илмига эга бўлади.

34. Эй азизим Махараж Парикшит, руҳни ўраб олган алдамчи сохта ўзлик илохий илм қиличи ёрдамида парчалаб ташланганида, руҳ Бегуноҳ Атман(Рух) онгига эга бўлганида, унинг мана шу ҳолати моддий тирикчиликни бутунлай яқсон қилиш(*атмантика*), руҳнинг моддий тутқунликдан озод бўлиши деб аталади. 35. Эй душманлар ғолиби, табиатнинг нафис ҳаракатини яхши биладиган зотлар айтганларки, Тангри Браҳмадан бошлаб мавжуд бўлган барча тирик мавжудотлар ҳамиша яралиш ва яқсон бўлиш(емирилиш) жараёнида иштирок этадилар ва бу жараён мангу давом этади.

36. Барча моддий нарсалар Замоннинг қудратли тўлқинлари таъсири остида шакл ўзгартирадилар, ҳамиша яқсон бўлиб турадилар. Ана шу нарсалар намоён этадиган мавжудликнинг турли поғоналари уларнинг пайдо бўлиши ва яқсон бўлишига мангу сабабчи бўладилар. 37. Худди сайёраларнинг бир лаҳзалик ўзгаришини сезиб бўлмагани сингари, Ишваранинг шахсиятсиз вакили, аввали ва охири бўлмаган мангу Замон яратган ана шу мавжудлик поғоналарини кўз илғай олмайди. 38. Шундай қилиб, Замоннинг юксалиши емирилишнинг тўрт турли терминлари ёрдамида таърифланади - узлуксиз, мунтазам, оддий ва бутунлай емирилиш. 39. Эй қурулар аълоси, бу оламни яратган ва бутун борлиқнинг чексиз манбаи бўлган Парвардигор Нарайананинг эрмаклари ҳақидаги бу воқеаларни мен сенга қисқача таърифлаб бердим. Ҳатто Тангри Браҳма ҳам уларни тўла таърифлай олмайди. 40. Сон-саноксиз азоб-уқубатлар олови ичида азоб чекаётган ва ўтиб бўлмас моддий тирикчилик уммонини кечиб ўтишга интилаётган одам учун Олий Пуруша, Бхагаватанинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларнинг илохий лаззатига хизмат қилишдан бошқа яроқли кема йўқ. 41. Жуда қадим замонда барча Пураналарнинг бу Самхитасини бегуноҳ Парвардигор Нара-Нарайананинг Ўзи буюк донишманд Нарада Мунига айтиб берган эди, кейин Нарада Муни уни Кришна Дваипайана Ведавйасага гапириб берди.

42. Азизим Махараж, ана шу буюк зот Шрила Вйасадева бу битикни - бенуксон "Шримад Бхагаватам"ни менга гапириб берган. "Шримад Бхагаватам"нинг ахамияти тўрт Ведага тенг. 43. Эй қурулар аълоси, ҳозир бизнинг олдимизда ўтирган Суга Госвами келажакда бу ҳикояларни Наимишаранйя

ўрмонида буюк қурбонлик маросими ўтказиш учун тўпланган донишмандларга етказди. Вақти келиб Шаунака раҳбарлиги остида қурбонлик маросими мажлисига тўпланганлар илтимос қилганида у бу битик - "Шримад Бхагаватам"ни уларга тўла гапириб беради.

Бешинчи боб.

Шукадева Госвамининг Махараж Парикшитга берган охирги, якуний насихатлари.

1. Шукадева Госвами шундай деди: “Бу "Шримад Бхагаватам"да ҳар хил ҳикояларда оламнинг Олий Руҳи - Худо Шахси Хари етарлича мукамал таърифлаб берилган. Худои Таолонинг марҳамати билан Тангри Браҳма дунёга келган, унинг ғазабидан Рудра дунёга келган. 2. Эй шох, худди ҳайвонларнинг фикрлашига ўхшаган: “Мен ўлишга тайёрланяпман!” - деган фикрингни ташла! Танадан бутунлай фарқ қилган ҳолда сен ҳеч қачон туғилган эмассан. Қадимда сен мавжуд бўлмаган вақт бўлган эмас, худди шундай сен келажакда ҳам ҳеч қачон бутунлай яқсон бўлмайсан. 3. Худди уруғдан пайдо бўлиб, кейин ўзи янги уруғлар пайдо қиладиган майсаларга ўхшаб, сен ўзининг ўғилларинг ва невараларинг қиёфасида ҳам туғилмайсан. Худди олов ўтиндан фарқ қилгани сингари, сен моддий танадан ва унинг хусусиятларидан бутунлай фарқ қиласан. 4. Одам ухлаётиб туш кўрганида калласини кесилган ҳолда кўриши мумкин, шунда у аслида ҳақиқий “ўзи” уйқусидан, тушидан четда турганини англаб етиши мумкин. Худди шундай, руҳий ўзлигини англаб етган ҳар қандай одам ҳам ўзининг танаси беш моддий унсурдан таркиб топган ўткинчи нарса эканини англаб етади. Шунинг учун руҳ, ҳақиқий “мен” уни вақтинча ўраб турган моддий танадан фарқ қилишини, руҳ фақат тана фаолиятини кузатиб туришини тушуниш, англаб олиш керак. Ана шу руҳ ҳеч қачон туғилмайди, ҳеч қачон ўлмайди.

5. Кўза синиб, парчаланиб кетганида унинг ичидаги бўшлиқ, осмон аввалгидай мавжудлигича қолаверади. Худди шундай, нафис ва кўпол моддий тана ҳалок бўлганида уларнинг ичидаги тирик мавжудот ўзининг руҳий(Браҳман) табиатини, ўзининг пок руҳ эканини англаб етади. 6. Руҳнинг моддий танасини, сифатларини, қилаётган амалларини унинг моддий ақли юзага келтиради. Ана шу ақлнинг ўзи эса алданишдан келиб чиқади, шу тарзда руҳ моддий жараёнга аралашиб қолади. 7. Чироқ фақат ёқилғи, идиш, пилик ва олов ёрдамидагина ҳаракат қилади. Худди шундай руҳни моддий танага қиёслашга асосланган моддий ҳаёт ҳам тананинг таркибий қисмлари бўлган моддий эзгулик, эҳтирос ва ғафлат сифатларининг ҳар хил ҳаракатлари орқали ривожланади ва яқсон бўлади. 8. Тана ичидаги руҳ ўзидан нур таратиб турадиган, намоён бўлган, намоён бўлмаган нарсалардан фарқ қиладиган бутунлай бошқа зотдир. Худди осмон(эфир) модданинг шакл ўзгартиришлари рўй берадиган асос, макон бўлгани сингари, руҳ - моддий тана мавжудлигининг мустаҳкам асоси ҳисобланади. Шунинг учун руҳ чексиз ва моддий тушунчалар билан тушунтириб бўлмайдиган илохий зот ҳисобланади.

9. Эй ўз руҳининг ҳукмдори, ҳамиша Худои Таолога, Васудевага муруқоба қилиш, мантиқ билан қувватланиб турган кучли пок тафаккурдан фойдаланиб, сен ҳақиқий ўзлигингни, ҳақиқий “мен”ингни, у қандай қилиб моддий тана ичида эканини изчиллик билан таҳлил қилишинг лозим. 10. Випранинг қарғиши туфайли келадиган учар илон Такшака сенинг ҳақиқий ўзлигингни, “мен”ни, руҳни ўлдиролмайди. Ажал вакиллари ҳақиқий ўзлик, “мен”нинг сендай қудратли хўжайинини ҳеч қачон яқсон қила олмайдилар.

11-12. Сен шундай фикр юритишинг керак: “Мен олий даргоҳ, Брахмандан фарқ қилмайман, олий мақсад бўлган ана шу Брахман мендан фарқ қилмайди!” Шу тариқа Олий Руҳга бутунлай бўйсунган ҳолда, ҳар қандай моддий қиёслашлардан халос бўлиб, учар илон Такшака заҳар тўла тишлари билан сенинг оёғингдан қақиш учун ёнингга келганида сен уни умуман сезмай ҳам қоласан. Сен ҳатто ўзининг ўлаётган танангни ҳам, ўзининг атрофингдаги моддий оламни ҳам кўрмай қоласан, чунки сен ўзинг аслида улардан бутунлай бошқа зот эканингни англаб етасан. 13. Эй суюкли шоҳ Парикшит, мен сен сўраган нарсаларнинг ҳаммаси - оламнинг Олий Руҳи, Парвардигор Шри Харининг эрмаклари ҳақида сенга батафсил гапириб бердим. Энди мендан яна нималар ҳақида тинглашни истайсан?”

Олтинчи боб. Махараж Парикшитнинг бу оламни тарқ этиши.

1. Сута Госвами шундай деди: “Вйасадеванинг ўғли, комил башоратчи ва ўзлигини англаб етган зот Шукадева Госвамининг айтган гапларини тинглаб бўлиб, Махараж Парикшит камтарин ҳолда унинг нилуфар қадамлари пойига бош қўйди ва қўлларини қовуштириб, унга мурожаат қилди”.

2. Шоҳ шундай деди: “Энди мен ҳаётимнинг олий мақсадига эришдим, чунки сендай буюк зот, меҳрибон инсон менга ўзининг бесабаб марҳаматини кўрсатди. Азалий, ибтидосиз ва интиҳосиз бўлган Худонинг Олий Шаҳси, Хари ҳақидаги бу ҳикояларни сен шахсан ўзинг менга гапириб бердинг. 3. Ақли ҳамиша Бегуноҳ Зотга фарқ бўлган сенга ўхшаган буюк зотларнинг мен сингари моддий, дунёвий ҳаёт муаммоларидан мусибат чекиб юрган ғофил одамларга марҳамат кўрсатишини ажабланарли ҳол деб ўйламайман. 4. Мен сендан барча Пураналарнинг мукаммал шарҳи бўлган буюк “Шримад

Бхагаватам”ни тингладим, унда Бхагаван, Парвардигор Уттамашлока мукаммал таърифланган. 5. Эй ҳукмдорим, энди мен Такшакадан ёки бошқа ҳар қандай махлукдан, ёки ҳатто узлуксиз туғилиб-ўлишлардан ҳам қўрқмайман, чунки мен энди сен гапириб берган, ҳаммани ажал кўркувидан халос этиб сўнмас жасорат ато этадиган Брахманга бутунлай фарқ бўлдим. 6. Эй брахман, энди менга ўз хиссиётимнинг бутун фаолиятини, нуқтани Адхокшаджага, Парвардигорга бўйсундиришга рухсат бер! Ҳар хил шахвоний эхтирослардан бутунлай покланган ақлимни Унга фарқ қилиб, менга бу моддий ҳаётдан кўз юмишга рухсат бер! 7. Сен менга ҳаётимда энг шарофатли

нарсани - Парвардигорнинг энг олий, шахсий таърифини ўргатдинг. Энди мен ғофиллик иллатидан бутунлай фориғ бўлиб, мукаммал илмга эришиб, руҳий ўзлигимни тўлиқ англаб етдим”.

8. Сута Госвами шундай деди: “Шоҳнинг бу гапларини эшитиб, Бадарайананинг авлиё ўғли унга бу дунёдан кетишга рухсат берди. Кейин, инсонлар ичида аъло зотлар ва юксак даражада таркидунё қилиб юрган донишмандлар сажда қилгандан кейин, Шукадева Госвами ҳам у жойни тарқ этиб кетди. 9-10. Кейин, буюк Раджариши Парикшит Ганга дарёси қирғоғига бориб, уchlari шарққа қаратиб тўшалган дарбха майсасидан қилинган ўриндикқа, юзини шимолга қаратиб ўтирди. Йогада камолотга эришиб, у қалбида ўзининг руҳ эканини тўла ҳис қилар, ҳар қандай моддийлик ва шубҳалардан бутунлай покланган эди. Буюк йог ўзининг соф, ўткир тафаккури ёрдамида ақлини руҳий ўзлигида мужассам қилди ва қалбида Парвардигорни чуқур муруқоба қилишга ўтди. Унинг ҳаёт нафаси тўхтаб қолди, у энди худди дарахтдан кўзгалмас бўлиб қолган эди. 11. Эй буюк билимдон донишмандлар, брахманнинг ғазабнок ўғли юборган учар илон Такшака шоҳни ўлдириш учун келётганида йўлда донишманд Кашйапани учратиб қолди. 12. Такшака, ҳар қандай заҳар таъсиридан қутқара олишга қодир бўлган бу буюк донишмандга ширин сўзлар билан мурожаат қилиб, турли қимматбахо совғалар ваъда бериб, уни шоҳ Парикшитни қутқариш ниятидан қайтарди. Кейин ўз хоҳиши билан ҳар қандай қиёфага киришга қодир бўлган бу учар илон брахман қиёфасига кириб шоҳнинг олдига борди ва уни чақиб олди. 13. Барча тирик мавжудотларнинг кўзи олдида Ҳақиқатни англаб етган буюк авлиё шоҳнинг танаси илоннинг кучли заҳари таъсиридан бир зумда ёниб бир қисм кулга айланди. 14. Ер юзининг ҳамма жойида, бутун жаннатда қаттиқ изтиробга тўла даҳшатли чинқирик янгради, барча фаришталар, иблислар, одамлар ва бошқа мавжудотлар бу товушни эшитиб ҳайрон бўлдилар. 15. Фаришталар литавраларини чалдилар, кейин Гандхарвалар ва Апсаралар куйлай бошладилар. Буюк донишмандлар гуллар ёмғирини ёғдириб, шоҳга ҳамду-сано айта бошладилар. 16. Илон Такшака отасини чақиб ўлдирганини эшитиб, Махараж Жанамеджайа қаттиқ ғазабланди. Шундан сўнг иккибор туғилган брахманлар буюк қурбонлик маросими ўтказдилар, унда муқаддас оловга жаҳондаги ҳамма илонлар эҳсон қилинди. 17. Ҳатто энг қудратли илонлар ҳам қурбонлик оловида ёниб кетаётганини кўриб, Такшака даҳшатга тушиб қаттиқ кўрқиб кетди ва химоя қилишини тилаб Тангри Индрага мурожаат қилди.

18. Парикшитнинг ўғли, буюк шоҳ илон Такшаканинг қурбонлик оловига сира келмаётганини кўриб, брахманларга шундай деди: “Илонларнинг энг пасткаши бўлган Такшака нимага ҳалигача қурбонлик оловида ёнгани йўқ?”

19. Брахманлар шундай деди: “Эй шоҳлар ичида аълоси, Такшака оловга тушмаётганининг сабаби - уни Индра химоя қиляпти, у Индрадан паноҳ сўраган. Индра ҳозир уни оловдан асраб турибди”.

20. Чуқур фаросатли шоҳ бу гапларни эшитиб, руҳонийларга шундай деди: “Эй азиз билимдонлар, ундай бўлса нимага Такшака қурбонлик оловига ўзини химоя қилаётган Индра билан бирга кирмаяпти?”

21. Шохнинг бу гапларини эшийтиб, рухонийлар Такшакани Индра билан бирга қурбонлик оловига эҳсон қилиш учун махсус мантрани тиловат қилдилар: “Эй Такшака, Индра ва бошқа фаришталар билан бирга ҳозироқ мана шу қурбонлик оловига кир!”

22. Покдомон брахманларнинг бу қудратли дуосининг илохий кучи билан Индра ўзининг виман(ҳаво кемаси)и ва илон Такшака билан бирга осмондан ерга қулаганида, қаттиқ кўрқиб кетди. 23. Брихаспатиининг ўғли Ангира Муни Индра ўзининг ҳаво кемасида Такшака билан бирга жаннатдан Ерга қулаб тушаётганини кўриб, дарров шохга яқинлашди ва унга шундай деди: 24. “Эй буюк ҳукмдор, илонлар шохнинг сенинг кўлингдан ажал топиши сенга яхши обрў келтирмайди, чунки у фаришталарнинг мангулик шарбатини ичган. Шу боис моддий оламдаги кексаиш ва ўлиш жараёнлари унга таъсир қилмайди. 25. Танага камалган руҳ ўзининг ҳаёти ва ўлимини, кейинги ҳаётидаги вазифасини ўзининг фаолияти билан белгилайди. Шунинг учун эй шох, ҳар кимнинг бу ҳаётда бахтли ва бахтсизлигига унинг ўзидан бошқа ҳеч ким айбдор бўлолмайди. 26. Ҳар қандай тирик мавжудот фақат ўзининг аввал қилган ишлари, қармаси оқибатида илонлар, ўғрилар, олов, яшин, очлик, касаллик ёки бошқа бирор сабаб баҳонаси билан ўлади. 27. Шунинг учун эй шох, илтимос, бошқа тирик мавжудотларга зулм ўтказишга қаратилган бу қурбонлик маросимини дарров тўхтат. Бу қурбонлик маросими сабабли шунча бегуноҳ илонлар ўтда ёниб

ҳалок бўлдилар. Аслида ҳар бир тирик мавжудот ўз тақдирига ёзилган нарсаларни бошидан кечиради”.

28. Сута Госвами шундай деди: “Бундай маслаҳатни эшитиб, Махараж Жанамаджайа: “Хўп, сен айтгандай бўлсин!” - деди. Буюк донишманднинг гапларига эҳтиром билдириб, у илонларни қурбон қилишни бас қилди ва донишмандлар ичида гапга чечани бўлган Брихаспатига эҳтиром билан сажда қилди. 29. Аслида ҳар қандай адашиш - Парвардигор Вишнунинг маха-майасининг таъсири остида бўлади. Уни англаб олиш жуда қийин ва енгишнинг иложи йўқ. Гарчи тирик мавжудотлар Худои Таолонинг ажралмас бўлаклари бўлса ҳам, моддий тана ичига тушиб қолганда улар моддий табиат гуналарининг ҳаракати таъсирида адашиб қоладилар.

30-31. Лекин, Олий Ҳақиқат мавжуд, унда алдамчи қувват: “Мен бу шахсни назорат қила оламан, чунки у иккиюзламачи!” - деб, кўрқмасдан ҳукмронлик қила олмайди. Ана шу Олий Ҳақиқатда алдамчи, баҳс-мунозарали фалсафалар мавжуд эмас. Аниқроғи, у ерда рухий илмнинг ҳақиқий шогирдлари ишонарли рухий изланишлар олиб боради. Ана шу олий мавжудликда ҳар хил қарор ва гумон тушунчаларида адашиб юрадиган моддий ақл намоён бўлмайди. У жойда ҳеч кимнинг яратилган моддий унсурлар, нарсалар, уларнинг нафис сабаблари ва улардан фойдаланиб эришиладиган лаззатланиш мақсади йўқ. Бунинг устига, ана шу олий мавжудликда сохта ўзлик ва ташқи табиат гуналари қоплаб олган шартланган руҳ ҳам йўқ. Ана шу мавжудлик барча чеклашлардан ёки чеклаб кўядиган сабаблардан холи. Шу боис ҳақиқий донишманд одам бу дунёвий, моддий ҳаёт тўлқинларини тарк этиши ва ана шу Олий Ҳақиқат ичида лаззатланиб яшаши лозим.

32. Ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлмаган ҳамма нарсани тарк этишга интилаётган одамлар ташқи

нарсаларни ўрганиш ёрдамида мунтазам равишда Парвардигор Вишнунинг Олий даргоҳига кўтарила борадилар. Арзимас моддий нарсаларни тарк этиб улар ўз муҳаббатини фақат Мутлақ Ҳақиқатга таклиф этадилар ва чуқур муроқаба қилиб, қалбида ана шу Олий Ҳақиқатни бағрига босадилар. 33. Ана шундай содиқлар Парвардигор Вишнунинг олий шахсий киёфасини тушуна оладилар, чунки улар энди ўткинчи танаси ва уйига асосланган “мен” ва “меники” деган тушунчалардан бутунлай покланган зотлардир. 34. Ҳар бир одам ҳаётда барча ҳақорат ва қийинчиликларга сабр қилиши ва бошқаларга эҳтиром кўрсатиш имкониятини қўлдан бой бермаслиги керак. Моддий танасини “ўзим” деган адашиш иллатидан ҳалос бўлиб, ҳеч ким бирор тирик мавжудотни ўзига душман деб билмаслиги керак. 35. Мен Худонинг Олий Шахси, енгилмас Парвардигор Шри Кришнага чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. Унинг нилуфар қадамлари пойига муроқаба қилиш шарофати билан мен мана шу буюк муқаддас китобни ўрганиш ва уни муносиб қадрлаш имконига эга бўлдим”.

36. Шаунака Риши шундай деди: “Эй олийжаноб Сута, илтимос, энди бизларга Паила ва Вйасадеванинг Ведалар илмининг билимдони сифатида машхур бўлган бошқа ўткир заковатли шогирдлари Ведаларни ҳар хил бўлимларга бўлгани ва уларни ҳикоя қилгани ҳақида гапириб бер”.

37. Сута Госвами шундай деди: “Эй брахман, илохий товушнинг биринчи нафис тебраниши ақли мукамал равишда рухий ўзликни англашда мужассам бўлган энг улғувор тирик мавжудот Тангри Брахманинг қалбидан пайдо бўлган. Барча ташқи нарсаларни тинглашдан ҳалос бўлганида ҳар ким ана шу нафис товуш тебранишини ўзининг қалбида ҳис қила олади. 38. Эй брахманлар, Ведаларнинг ана шу нафис киёфасига эҳтиром билан сажда қилиб, сеҳргар-йоглар моддий унсурларнинг, фаолиятнинг ва ҳаракат қилувчи зотнинг нопоклиги сабабли юзага келган иллатлардан қалбини поклайдилар, шу тариқа улар узлуксиз тўғилиб-ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқадилар. 39. Ана шу олий нафис товуш тебранишидан уч товушдан иборат бўлган омкара юзага келади. Омкара кўзга кўринмас имкониятларга эга бўлиб, у пок қалбларда ўзидан-ўзи намоён бўлади. Омкара Мутлақ Ҳақиқатнинг Ўзини уч ҳолатда - Олий Шахс, Олий Руҳ ва Олий шахсиятсиз Ҳақиқатда намоён этадиган вакилидир. 40-41. Омкара - аксилмоддий ва намоён бўлмаган мангу товуш, уни Олий Руҳ бевосита, тўғридан-тўғри эшитади - бунинг учун эшитиш, кўриш ёки бошқа моддий қобилиятлар зарур эмас. Ведавий товушларнинг ҳаммаси юракда жойлашган руҳдан чиқадиган омкарадан пайдо бўлади. Омкара мангу мавжуд Мутлақ Ҳақиқатнинг, Олий Руҳнинг бевосита белгиси бўлиб, барча Ведавий мадҳияларнинг мангу уруғи ва сирли моҳияти ҳисобланади. 42. Омкара алфавитнинг бошланғич уч товушини намоён этади - А, У, М. Эй Бхригунинг энг машхур авлоди, ана шу уч товуш моддий мавжудликнинг ҳар турли уч хил кўринишларининг, шу жумладан моддий табиатнинг уч гунаси, Риг, Йаджур ва Сама Ведаларнинг номлари, Бхур, Бхувар ва Свар сайёралар тизими кўринишидаги мақсадлар, сергаклик, уйқусираш ва чуқур уйқу сингари онгнинг уч ҳолатининг мавжудлигини таъминлаб туради. 43. Ана шу омкарадан Тангри Браҳма бошқа - унли, ундош, ярим унли, вишшиллайдиган ва бошқа -

узун ва киска ўлчами билан бир-биридан фарк киладиган барча товушларни яратди. 44. Кудратли Брахма бу товушлардан ўзининг тўрт калласидан тўрт Ведани талаффуз қилиш учун фойдаланди. Ведалар муқаддас омкара ва сайёралар тизимининг етти номи(бхах, бхувах, свах, махах, жанах, тапах, сатйа) билан бирга пайдо бўлди. У тўрт Веданинг ҳар биридан руҳонийлар амалга оширадиган Ведавий курбонлик маросими жараёнини таърифлаб беришни ният қилган эди.

45. Брахма ана шу Ведаларни брахманлар ичида буюк донишманд, диний қонунлар билимдони ва Ведаларни тиловат қилишда комил бўлган ўз ўғилларига ўргатди. Ўз навбатида улар ачарйа, руҳий устоз бўлиб, Ведаларни ўзларининг ўғилларига ўргатдилар. 46. Шундай қилиб, тўрт югадан иборат бўлган барча замонларда руҳий қасамларига қатъий риоя қилиб юрган шогирдлар авлодлар оша мана шу Ведалар илмини узилмас шогирдлар силсиласи орқали ўрганиб келганлар. Ҳар бир Двапара-йуга охирида Ведалар машхур донишманд томонидан бўлимларга бўлинади. 47. Замона зайли билан одамларнинг хотираси, умри, тафаккур кучи ҳамда жисмоний кучи камайиб бораётганини кўриб, брахмаришилар калбида мавжуд бўлган Ачйугадан илҳом олиб, Ведаларни одамлар ўрганишига қулай равишда тўрт бўлакка бўлдилар.

48-49. Эй брахман, ҳозирги Вайвасвата Ману даврида коинотни бошқариб турган Тангри Брахма ва Тангри Шива бошлиқ ҳукмдорлар бутун олам посбони бўлган Худонинг Олий Шахсидан ҳақиқий дин қонунларини ҳимоя қилишни илтимос қилдилар. Эй омадли зот Шаунака, қудратли Парвардигор Ўзининг тўлиқ намоён бўлган қисмининг илоҳий учқунини намоён этиб, Парашара Мунининг ўғли киёфасида поқдомон, бокира қиз Сатйаватидан туғилди. Кришна Дваипайана Вйаса номи билан шуҳрат қозонган ана шу киёфасида У ягона Ведаларни тўрт қисмга бўлди. 50. Худди жуда кўп қимматбаҳо гавҳартошлар тўпламини тўрт бўлакка бўлиш мумкин бўлгани сингари, Шрила Вйасадева барча мантраларни Риг, Йаджур, Сама ва Атхарва Ведаларга бўлди. Шу тарика У тўрт турли самхита ташкил этди. 51. Қудратли махариши Вйасадева Ўзининг тўрт шогирдини қақриб, уларнинг ҳар бирига ана шу самхитлардан биттасини ишониб топширди.

52-53. Шрила Вйасадева биринчи самхита - Риг Ведани Паила Мунига ўргатди ва бу тўпламини “Бахврча” деб атади. Донишманд Ваишампайанага У Йаджур мантралари тўпламини ишониб топширди, бу тўпламини “Нигада” деб атади. Чхандогйа-самхита деб аталадиган Сама Веда мантраларини У Жаимини Мунига, Атхарва-ангираса Ведани Суманта Мунига топширди. 54-56. Донишманд Паила ўзининг самхитасини кикига бўлиб, уларни Индрапрамити ва Башкалага баён этди. Кейин Башкала ўзининг тўпламини тўрт қисмга бўлди ва ўзининг шогирдлари Бодхйаг, Йаджнавалкйага, Парашра ва Агнимитрага ўргатди. Ҳиссиётини жиловлаб олган Индрапрамити ўзига топширилган самхитани сеҳргар билимдон Мандукейага ўргатди, унинг шогирди Девамित्रа Риг Веданинг бўлимларини Саубхари ва бошқаларга ўргатди.

57. Мандукейанинг Шакалйа ўғли ўзига топширилган ведалар тўпламини беш қисмга бўлиб,

Ватсйа, Мудгала, Шалийа, Гокхалйа ва Шишираларнинг ҳар бирига бир қисмдан ўргатди. 58. Жатукарна ҳам Шакалйанинг шогирди эди, у Шакалйадан ўрганган самхитларини уч қисмга бўлгандан кейин уларга тўртинчи қисмини - ведавий глоссарийларни, *нирукти* қисмини қўшди. Ана шу қисмларнинг ҳар бирини у ўзининг шогирдлари Балакага, Паилага, Жабалага ва Вираджага ўргатди. 59. Башкаланинг ўғли Башкали Риг-Веданинг барча тармоқ қисмларини тўплаб, Валакхилйа-самхита деб атади. Ана тўпламга Валайани, Бхаджйа ва Кашара эга бўлди. 60. Шундай қилиб, шу авлиё брахманлар Риг Веданинг ҳар хил тўпламларини, самхитларини шогирдлар силсиласи ёрдамида авайлаб-асраб келдилар. Ведавий мадҳияларнинг оламга тарқалиши ҳақидаги ана шу хабарларни тинглаш шарофати билан ҳар бир одам барча гуноҳларидан покланади.

61. Ваишампайананинг шогирдлари Атхарва Веда бўйича ишонарли билимдон донишмандлар бўлдилар. Улар Чаракалар деган ном билан шуҳрат қозондилар, чунки устозини брахманни ўлдириш угноҳидан халос этиш учун қаттиқ риёзатларга берилган эдилар. 62. Бир куни Ваишампайананинг шогирдларидан биттаси Йажнавалкйа шундай деди: “Эй руҳий устоз, сенинг мана шу ожиз шогирдларининг арзимас, сушт уринишларидан нима фойда? Менинг ўзим қандайдир бир машхур, буюк муқаддас қасамга риоя қилиб риёзат чекаман!”

63. Бундай мағрур гапларни эшитиб, руҳий устоз Ваишампайананинг қаттиқ жаҳли чиқди ва у шундай деди: “Йўқол бу ердан! Брахманларни ҳақорат қиладиган шогирднинг менга мутлақо кераги йўқ! Бунинг устига мен сенга ўргатган ҳамма илмини қайтариб беришинг керак!”

64-65. Кейин Девадатанинг ўғли Йаджнавалкйанинг Йаджур-ведадан мантралар тиловат қилса кўнгли айний бошлади, у бу ерни тарқ этиб кетди. Шу ерда тўпланган шогирдлар Йаджур-веданинг бу мантраларига очқўзлик билан қараб турардилар, улар сулгун, тустовук(титтири) киёфасига кириб уларни чўқиб, еб ташладилар. Шу сабабли Йаджур-веданинг ана шу қисмлари кейинчалик энг гўзал Таиттирийа-самхита, яъни титтирилар тўплаган самхиталар деб атала бошлади. 66. Эй азиз брахман Шаунака, кейин Йажнавалкйа ҳатто ўзининг руҳий устозига ҳам номаълум бўлган янги йаджур-мантралар излаб топмоқчи бўлди. Ана шундай ният билан у Куёш ҳукмдори Ишварага чуқур эҳтиром билан сажда қила бошлади.

67. Шри Йаджнавалкйа шундай деди: “Мен Адитйа(Куёш) бу оламда кўринишида намоён бўладиган Худонинг Олий Шахсига чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. Сен Тангри Брахмадан то энг

кичик майсаларгача бўлган тўрт турли тирик мавжудотларнинг ҳукмдори сифатида мавжудсан. Худди осмон ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳам сиртида, ҳам ичида мавжуд бўлгани сингари, Сен ҳам ҳар кимнинг ҳам сиртида, ҳам ичида мангу Замон ва Олий Рух киёфасида мавжудсан. Худди осмон ҳеч қачон ўзининг ичида бўлган булутлар билан бугунлай қопланиб қолмагани сингари, Сен ҳам ҳеч қачон моддий атамалар, белгилар, аломатлар билан бугунлай қопланиб қолмайсан. Вақтнинг кичик бўлаклари бўлган кшана, лава ва нимешалардан таркиб топган йиллар ўтиши ёрдамида Сен бир Ўзинг сувларни буғлантириб

ва уларни ёмғир сифатида яна ўзининг жойига кайтариб, бу оламнинг мавжудлигини таъминлаб турасан.

68. Эй нур таратиб туррган порлок Зот, эй Куёшнинг қудратли ҳукмдори(Савитар), Сен барча фаришталар сардорсан. Мен сўнмас диққат билан Сенинг қизиб турган думалоқ шарингга муруқаба қиламан, чунки ишонарли шогирдлар силсиласи орқали тушган Ведавий усуллар асосида кунига уч марта Сенга илтижо қилиб юрган одамнинг барча гуноҳларини, уларнинг кейинги оқибатларини, ҳатто қалбидаги истақлари уруғини Сен бутунлай ёқиб, яқсон қилиб юборасан. 69. Сен Ўзингдан паноҳ топишдан бутунлай умидвор бўлган барча кўзғалувчан ва кўзғалмас тирик мавжудотларнинг қалбида мавжудсан. Аслини олганда Сен уларнинг ақлини, ҳиссиётини ва ҳаёт нафасини ҳаракат қилишга мажбур қиласан. 70. даҳшатли зулмат илони оғзини очиб оламга ҳамла қилиб, уни ютиб юборган эди. Шу тариха у худди ўликдай, онгсиз бўлиб қолди. Аммо Сен Ер юзидаги уйқуда ётган одамларга марҳамат кўрсатиб, уларга Ўз нигоҳингни ташлаб илм нури билан уларни уйғотдинг. Шу боис Сен энг олийжаноб, улуғвор Зотсан. Ҳар бир куннинг уч бирикмасида Сен тақводор зотларни диний бурларчини адо этишга илҳомлантириб, уларни ҳақиқий эзгулик йўлига бошлайсан, натижада улар руҳий ҳаётга юз тутадилар. 71. Худди Ер юзининг ҳукмдори сингари, олам томонларининг қудратли илоҳлари Сенга қўл қовуштириб гул ва бошқа эҳтиром белгилари таклиф қилар экан, Сен нопок, хароми одамлар қалбига кўрқув, даҳшат солиб ҳамма жойда сайр қилиб юрасан. 72. Шунинг учун эй Бҳагаван, мен Сенинг бутун уч олам руҳий устозлари сажда қиладиган нилуфар қадамларинг пойига илтижо қилиб яқинлашаман, чунки мен Сенинг Ўзингдан бошқа ҳеч кимга маълум бўлмаган Йаджур-веда мантраларини олишни истайман”.

73. Сута Госвами шундай деди: “Бундай олқишлардан мамнун бўлган Куёш фариштаси от киёфасига кирди ва донишманд Йаджнавалкйага аввал инсоният орасида ҳеч кимга маълум бўлмаган йаджур-мантраларни ўргатди. 74. Қудратли донишманд Йаджур-веданинг мана шу сон-саноксиз мантраларидан Ведалар адабиётининг янги ўн беш йўналишини ташкил этди. Улар “Ваджасанейя-самхита” деб атала бошлади, чунки отнинг ёли торидан юзага келган эди. Уларни шогирдлар силсиласи орқали Канва, Мадхйандинда ва бошқа ришиларнинг издошлари ўргандилар.

75. Сама веда билимдони Жаимини рижининг Суманта деган ўғли бор эди. Сумантанинг Сутван деган ўғли бўлди. Донишманд Жаимини уларнинг ҳар бирига Сама-веда-самхитанинг бир қисмини ўргатди. 76-77. Жаиминининг бошқа шогирди Сукарма буюк олим, донишманд эди. У Сама-веданинг қудратли дарактини минг самхитга бўлди. Кейин, эй брахманлар, Сукарманинг уч шогирди - Кушаланинг ўғли Хиранийанабха; Паушьянжи; руҳий юксалишда камолотга эришган Авантйя - шу сама-мантраларга маъсул бўлдилар. 78. Паушанжининг беш юз шогирди Сама-ведаларнинг “шимолий кироатчилари” деб шухрат қозондилар, кейинчалик уларнинг баъзилари “шарқий кироатчилар” деб ҳам машҳур бўлдилар. 79. Паушанжининг бошқа беш шогирди - Лаугакши, Мангали, Кулйя, Кушида ва Кукши ҳар бири юз самхитдан олди. 80. Хиранийанабханинг шогирди Крита

йигирма тўрт самхитани ўзининг шогирдларига ўргатди, қолган тўпламларни кейинчалик руҳий ўзлигини англаган донишманд Авантйя бошқаларга ўргатди.

Еттинчи боб. Мукаддас Пураналар.

1. Сута Госвами шундай деди: “Атхарва ведага маъсул бўлган Суманта риши ўзининг самхитасини шогирди Кабандхуга ўргатди, у ўз навбатида Патхйя ва Ведадаршага ўргатди. 2. Ведадаршанинг Шауклайани, Брахмабали, Модоша ва Пиппалайани деган шогирдлари бўлди. Патхйянинг шогирдларини ҳам эшит. Азизим брахман, Патхйянинг шогирдлари Кумуда, Шунака ва Жаджали бўлди, улар Атхарва-ведани мукамал биладиган зотлар эди. 3. Шунаканинг Бабхру ва Саиндхавайана деган шогирдлари руҳий устозининг Атхарва-ведалари тўпламидан икки қисмини ўргандилар. Саиндхаваянанинг шогирди Саварна ва бошқа буюк донишмандларнинг шогирдлари ҳам Атхарва-веданинг ана шу нашрини ўргандилар. 4. Накшатракалпа, Шантикалпа, Кашйапа, Ангираса ва бошқалар ҳам Атхарва-веда илмининг билимдонлари эдилар. Ҳозир эса, эй донишманд, мен сенга Пураналарнинг билимдонлари ҳақида гапириб бераман.

5. Трайаруни, Кашйапа, Саварни, Акритава, Ваишампайана ва Харита Пураналарнинг олти билимдон устози ҳисобланади. 6. Шрила Вйасадеванинг шогирди бўлган менинг отам Ромахаршана уларнинг ҳар бирига Пураналарнинг олти қисмидан бирини ўргатган. Мен ана шу олти билимдоннинг шогирди бўлдим ва улардаги Пураналарнинг барча қисмларини тўла ўрганиб олдим. 7. Вйасадеванинг шогирди Ромахаршана Пураналарни асосий тўрт қисмга бўлди. Донишманд Кашйапа билан мен Саварни ва Раманинг шогирди Акритава билан биргаликда ана шу тўрт қисмини ўргандик. 8. Эй Шаунака, илтимос, энди мендан энг машҳур билимдон брахманларнинг Ведалар адабиёти асосида Пураналарга берган таърифи ҳақида эшит.

9-10. Эй брахман, бу масалада ишонарли билимдон олимлар Пураналарни куйидаги ўн мавзу ҳақида билим берадиган асар деб қабул қиладилар: 1. Коинотни яратиш; 2. Оламнинг ва тирик мавжудотларнинг иккиламчи яралиши; 3. Барча тирик мавжудотларнинг мавжудлигини таъминлаш; 4. Уларнинг озиклари; 5. Турли Мануларнинг ҳокимлик даври; 6. Буюк шоҳлар сулоласи; 7. Уларнинг фаолияти; 8. Оламнинг яқсон бўлиши; 9. Оламини ҳаракатга келтириб турган куч; 10. Олий паноҳ макони. Бошқа олимларнинг айтишига кўра энг муҳим асосий Пураналар мана шу ўн мавзунини ёритади, кичикроқ ахамиятга эга Пураналар эса фақат беш мавзунини ёритади.

11. Намоён бўлмаган моддий табиатнинг азалий гуналари уйғониши натижасида махат-таттва юзага келади. Махат-таттвдан сохта ўзлик юзага келади, сохта ўзлик уч кўринишга бўлинади. Ана шу уч кўринишдаги сохта ўзлик кейинчалик ҳис қилишнинг нафис кўриниши, ҳиссиётлар ва сезгиларга таъсир қиладиган кўпол унсурлар пайдо бўлади. Ана шу нарсаларнинг пайдо бўлиши “яратиш” деб аталади. 12.

Пурушанинг мархамати билан амалга ошадиган “иккиламчи яралиш” - шартланган тирик мавжудотларнинг истакларининг намоён бўлган бирлашмасидир. Худди уруғлар қўшимча уруғларни пайдо қилгани сингари, тирик мавжудотнинг моддий истакларига ҳамроҳ бўладиган амаллари ҳам кўзгалувчан ва кўзгалмас ҳаёт шакллари юзага келтирадилар. 13. Вритти дегани озикланиш жараёнини билдиради, ана шу жараён ёрдамида кўзгалувчан тирик мавжудотлар кўзгалмас тирик мавжудотлар ҳисобидан тирикчилик қиладилар. Инсон учун вритти - тирикчилик қилиш учун ўзининг табиатига мос равишда амалга ошириладиган ҳаракатлардир. Инсон ана шундай амалларни ё ўзининг дунёвий истаклари асосида шахсий манфаат кўзлаб амалга оширади, ё Худонинг қонунлари асосида ўз бурчини холис бажариш кўринишида бажаради. 14. Бегуноҳ Зот ҳар бир даврда хайвонлар, инсонлар, донишмандлар ва фаришталар орасида бу оламга ташриф буюради. Ҳар хил қиёфаларда намоён бўлиб У оламнинг мавжудлигини химоя қилади ва Ведавий маданият душманларини яқсон қилади. 15. Ҳар бир Манунинг ҳукмронлик даврида Парвардигор Харининг бу оламда намоён бўлган экспансияси кўринишида олти тур шахс дунёга келади: Хукмронлик қилиб турган Ману, асосий фаришталар, Манунинг ўғиллари, Индра, буюк донишмандлар ва Худонинг Олий Шахсининг қисман намоён бўлган қиёфалари.

16. Сулолалар - Тангри Браҳмадан бошланиб, ўтмиш, ҳозир ва келажак орқали кетма-кет узлуксиз давом этиб турадиган шоҳлар рўйхатидир. Ана шу сулоладаги шоҳларни, айниқса уларнинг энг муҳим намоёндаларини бирма-бир санаб ўтиш сулолалар тарихини ташкил этади. 17. Коинотнинг яқсон бўлиши тўрт турли кўринишда - бирор вақт ўтгандан кейин мунтазам равишда, қисман, ҳамиша ва яқуний равишда Худои Таоло ажралмас қуввати ёрдамида амалга ошади. Буни яқши биладиган билимдон донишмандлар буни таркибий қисмларга бўлиниб кетиш деб айтадилар. 18. Тирик мавжудот ўзининг ғофиллиги сабабли моддий фаолият билан машғул бўлади, шу боис тирик мавжудот маълум даражада моддий оламнинг яралиши, мавжудлиги ва яқсон бўлишига сабабчи бўлади. Баъзи билимдон зотлар тирик мавжудотни моддий оламнинг яралишининг асосини ташкил этадиган шахс деб атайдилар, ана шу тирик мавжудот намоён бўлмаган “мен” ҳисобланади.

19. Олий Браҳман онгнинг барча - сергаклик, уйқусираш ва чуқур уйқу ҳолатларида, алдамчи қувват намоён этган ҳамма нарсада, барча тирик мавжудотларнинг барча ҳаракатлари, вазифалари ичида мавжуд, шунингдек У буларнинг ҳаммасидан алоҳида ҳолда ҳам мавжуддир. Шундай қилиб, Ўзининг илоҳий ҳолатида бўлган ҳолда У охирги ва ғаройиб нажот маконидир. 20. Моддий нарсалар ҳар хил шакл ва номларга эга бўлиши мумкинлигига қарамай, уларнинг мавжудлигининг асоси бўлган ўзгармас таркибий қисмлари ҳамиша мавжуддир. Худди шундай биргаликда ҳам, алоҳида-алоҳида ҳолда ҳам Олий Мутлақ Ҳақиқат ўткинчи моддий тананинг она қорнига тушишдан то ўлгунча бўлган барча мавжудлик ҳолатларида иштирок этади. 21. Ёки ўзидан-ўзи, ёки қонун-қоидаларга асосланган руҳий ҳаёт кечириш шарофати билан одамнинг ақли онгнинг сергаклик, уйқусираш ва чуқур уйқу ҳолатида ҳаракат қилишни

тарк этиши мумкин. Кейин ана шундай ақлнинг эгаси Олий Руҳни тушуниб этади ва ҳар қандай дунёвий истаклардан узоқлаша бошлайди.

22. Қадимги тарихий воқеаларни гапиришда комил бўлган донишманд зотлар эълон қилиб айтганларки, Пураналарни айрим белгиларига қараб биринчи даражали ўн саккиз ва иккинчи даражали ўн саккиз Пураналарга ажратиш мумкин. 23-24. Асосий ўн саккиз Пураналар қуйидагилар - Браҳма, Падма, Вишну, Шива, Линга, Гаруда, Нарада, Бхагавата, Агни, Сканда, Бхавишйа, Браҳма-ваиварта, Маркандея, Вamana, Вараха, Матсйа, Курма ва Браҳманда Пураналар. 25. Эй браҳман, мен сенга буюк донишманд Вйасадева, унинг шогирдлари ва Унинг шогирдларининг шогирдлари оламга таратган Ведавий адабиёт соҳаларини тўла таърифлаб бердим. Мана шу ҳикояни тинглаган одам ўзининг руҳий қувватини оширади.

Саккизинчи боб. Нара-Нарайана Ришига Маркандеянинг илтижолари.

1. Шри Шукадева Госвами шундай деди: “Эй Сута, илоё умринг узоқ бўлсин! Эй табаррук авлиё зот, эй ҳикоя қилувчилар ичида аълоси, илтимос, ҳикоя қилишда давом этавер! Аслида сен ғофиллик ботқоғига ботиб кетган одамларга ғафлат уммонидан чиқиш йўлини кўрсатишга қодир бўлган зотсан. 2-5. Ишонарли одамларнинг айтишига кўра, Мрикандунинг ўғли Маркандея Риши жуда узоқ умр кўрган донишманд бўлиб, у Тангри Браҳманинг куни тамом бўлганида бутун коинот қиёмат-қойим сувларига ғарк бўлганини ўз кўзи билан кўрган ягона шахс бўлган экан. Бхригу авлодининг энг аълоси бўлган ана шу Маркандея Риши Тангри Браҳманинг ҳозирги куни давомида менинг хонадонимда туғилган, бизлар ҳали Тангри Браҳманинг ҳозирги куни тугаганини, қиёмат-қойимни кўрмадик. Яна шу ҳам маълумки, охир-замон пайтидаги чексиз сув уммонида ноилож сарсон бўлиб юрган Маркандея ана шу даҳшатли сувларда ажойиб шахсни - банйан дарахтининг барги устида беозор ётган чақалоқни кўриб қолган. Эй Сута, мен ана шу буюк донишманд Маркандея Ришининг ҳаётида бўлиб ўтган воқеаларни эшитиб жуда ҳайратга тушяпман. Эй буюк йог, сен ҳамма жойда Ведалар билимдони сифатида шуҳрат қозонгансан. Шу боис, илтимос, қалбимдаги ана шу шубҳа-ю гумонларни тарқатиб юбор!”

6. Сута Госвами шундай деди: “Эй буюк донишманд Шаунака, сенинг берган бу саволинг ҳар қандай одамнинг қалбидаги гумонларни тарқатиб юборади, чунки сенинг бу саволларинг мени ҳозир ҳукм сураётган Кали-юга даврининг барча иллатларини поклашга қодир бўлган қудратли Зот -Парвардигор Нарайана ҳақида гапиришга ундайди. 7-11. Отаси Ведаларда кўрсатилган поклаш маросимларини ўтказиб, браҳманликка фотиҳа бергандан кейин Маркандея Ведавий мадҳияларни қунт билан ўрганиб, диний қонун-қоидаларга қатъий амал қилиб яшади. У қаттиқ риёзатларга берилиб, Ведалар илмини чуқур ўрганиб бир умр браҳмачари бўлиб яшади. Ташқаридан қараганда у энг хотиржам, қалби осойишта одамдай кўринарди, унинг сочлари тўзиган, ўзи дарахт

пўстлоқларидан кийим кийиб юрарди. У фақат сув соладиган идиш, хасса, зуннор, брахмачариларнинг белбоғи, қора кийик териси, нилуфар гулларининг уруғидан қилинган тасбеҳ ва бир боғлам *куша* майсаси олиб юрарди. Куннинг муқаддас бандлари(тонг, кун ўртаси, кунботар)да у мунтазам равишда беш намоён бўлган кўриниш - қурбонлик олови, Қуёш, руҳий устоз, брахманлар ва ўзининг қалбидаги Олий Рух қиёфасида Худонинг Олий Шахсига сажда қилиб сиғинарди. Эрталаб ва кечкурун у одамлардан садақа сўрагани борар, кечкурун келиб тўплаган нарсаларининг ҳаммасини руҳий устозига тақдим этарди. У фақат руҳий устози тақлиф қилсагина жим ўтирган ҳолда кунига бир марта овқатланарди - акс ҳолда у оч юриб рўза тутарди. Шу тариқа Ведаларни ўрганишга, риёзат чекишга берилган Маркандея риши кўп миллион йиллар давомида ҳиссиётларнинг олий ҳукмдори бўлган Худо Шахсига сиғинарди, бу йўлда у ҳатто энгиб бўлмас ажални ҳам мағлуб қилган эди.

12. Тангри Браҳма, Бхригу Муни, Тангри Шива, Праджапати Дакша, Тангри Браҳманинг буюк ўғиллари, шунингдек инсон, фаришта, аждодлар ҳамда арвоҳлар қиёфасидаги кўплаган зотларнинг барчаси Маркандея ришининг руҳий юксалишда эришган бу муваффақиятларидан хайратга тушган эдилар. 13. Шундай қилиб, Худои Таолонинг содиқ хизматкори Маркандея Риши қаттиқ тавба-тазарру, Ведаларни ўрганиш ва ўз-ўзини тарбия қилиш ёрдамида умрбод жинсий поклигини сақлаб юрди. Шу тариқа барча ташивлардан озод бўлган ўткир ақлга эга бўлиб, у ақл кучини қалбига йўналтириб, моддий ҳиссиётларнинг сезиш чегарасидан йироқда бўлган Худонинг Олий Шахсига чуқур муроқабга қилиб яшарди. 14. Шундай қилиб, сеҳргар-йог қудратли йога жараёни ёрдамида ақлини Худои Таолода мужассам қилиб яшар экан, орадан олти Ману умрига тенг бўлган узок вақт ўтди. 15. Эй браҳман, ҳозир кечаётган еттинчи Ману давридаги Тангри Индра Маркандеянинг чекаётган риёзатлари ҳақида билиб қолди ва унинг тобора кучайиб бораётган руҳий қудратидан кўрқиб, хавотирга тушди. Шунинг учун у қандай қилиб бўлса ҳам донишманднинг риёзат чекишига ҳалақит беришга қарор қилди. 16. Донишманднинг руҳий ҳаётини издан чиқариш учун Индра унинг олдида Купидонни, очкўзлик ва мастлик тимсоли билан бирга самовий гўзалликка эга паривашларни, раққосаларни, баҳор фаслини Малайи тоғларидаги сандал дарахтининг анвойи ҳидларини олиб юрадиган ёқимли баҳор шабадаларини жўнатди. 17. Эй қудратли Шаунака, улар барчаси биргаликда Маркандея Ришининг Ҳимолай тоғининг шимолида, Пушпандара дарёси машҳур Читра чўққиси билан учрашадиган жойда жойлашган кулбасига келдилар.

18-20. Олий насабли дарахтлардан иборат шарофатли ўрмон Маркандея Ришининг кулбасига файз бериб турар, бу ўрмонда жуда кўп авлиё брахманлар топ-тоза, табаррук булоқлар сувидан роҳатланиб риёзатга берилиб яшар эдилар. Ашрам атрофида яйраб қувноқ рақсга тушиб юрган товусларнинг, сайроқи каккуларнинг сайрашлари ва асалари галаларининг ёқимли ғувиллашлари эшитилиб турарди. Аслида ақлдан озган қушларнинг жуда кўп оилалари донишманд-зоҳиднинг кулбасини тўлдирган эди. Тангри Индра юборган баҳор шамоли яқин атрофдаги булоқлардан таралаётган салқин нам ҳавони олиб

ашрам ичига кирди. Ўрмон гулларини кучиб олган анвойи ҳидлари билан донишманд ашрамига кириб, ана шу шамол Купидоннинг эҳтиросга тўла руҳини, кайфиятини чақира бошлади.

21. Кейин Маркандея ришининг кулбасида баҳор пайдо бўлди. Аслида янги чиққан Ой ёритиб турган кечкурунги осмон баҳорнинг юзи бўлиб, янги куртақлар ва янги очилган гуллар барча дарахтларнинг ва буталарнинг шохаларини чиройли ўраб олди. 22. Кейин бу ерга қўлига камон ва (гул)пайконларини олиб, кўплаган саовий фаришта аёлларнинг ҳукмдори -севги фариштаси Купидон кири келди. Унга ҳар хил мусиқа асбобларида куй чалаётган, ёқимли қўшиқлар куйлаётган Гандҳарвалар ҳамроҳ эдилар. 23. Индра юборган хизматкорлар донишмандни эндигина қурбонлик оловига одатдагидай эҳсонлар тақлиф қилиб бўлиб, чуқур муроқабга берилиб ўтирган ҳолда учратдилар. Илоҳий жазавога берилган кўзлари юмилган донишманд худди олов тимсолидай енгилмас кўринарди. 24. Донишманд олдида париваш аёллар рақсга тушиб, машшоқлар барабан, цимбал ва вина асбобларида турли куйлар чалиб, қўшиқ айта бошладилар. 25. Очкўзлик тимсоли - эҳтироснинг ўғли, баҳор ва Индранинг бошқа хизматкорлари Маркандеянинг ақлини Худого сиғинишдан чалғитишга уринар экан, Купидон ўзининг беш учли пайконини олиб, камонига қистирди. 26-27. Пунджикастхали деган апсара бир неча ўйинчоқ коптоқлар билан ўйин ўйнарди. Унинг хипча белларига бўлиқ кўкраклари оғирлик қилаётгандай кўринар, сочларига тақиб қўйган чиройли чамбараклари тўзиб кетган эди. У ҳар ёққа аланглаб коптоқларга қарар экан, нафис либосини ушлаб турган белбоғи ечилиб кетиб, шамол унинг либосларини учириб олиб кетди. 28. Донишмандни мағлуб қилдим деб ўйлаб, Купидон унга пайкон йўллади. Аммо Маркандеяни йўлдан адаштиришга бундай уринишларнинг ҳаммаси, худди аҳмоқ, ғофил атеистларнинг бемаъни уринишлари сингари мутлақо бефойда эди. 29. Эй билимдон Шаунака, Купидон ва унинг издошлари донишмандга зарар етказишга уринаётганида улар ўзларини донишманднинг руҳий қуввати таъсирдан тириклай қуйиб бораётганини ҳис қилдилар. Шунинг учун, худди ухлаб ётган заҳарли илонни уйғотиб қўйган болалар сингари, улар шу заҳотиёқ уринишларини тўхтатиб қўйдилар.

30. Эй браҳман, Тангри Индранинг хизматкорлари авлиё Маркандеяга уятсизларча ҳар тарафдан ҳужум қилдилар, лекин барибир у сохта ўзликнинг бирор таъсирига берилмади. Буюк зотларнинг бундай чидамли, сабр-тоқатли бўлиши ажабланарли ҳол эмас. 31. Улуғвор донишманд Маркандеянинг сеҳр қудратини, Купидон ва унинг ҳамроҳлари унинг олдида ноилоҳ қолганини кўриб қудратли Индра қаттиқ хайратга тушди.

32. Тавба-тазаррулар, Ведаларни ўрганиш ва диний қонун-қоидаларга қатъий риоя қилиш ёрдамида ақлини Худои Таолода бутунлай мужассам қилган авлиё зот Маркандеяга Ўзининг чексиз марҳаматини намоён этиш ниятида Худонинг Олий Шахси унинг олдида Нара ва Нарайана қиёфасида шахсан пайдо бўлди. 33-34. Уларнинг биттаси оқ танли, иккинчисининг танаси эса деярли қора рангда эди, Уларнинг иккисининг ҳам тўрттадан қўли бор эди. Уларнинг кўзлари нилуфар гулбарглари эслатарди,

улар қора кийик териси ва дарахт пўслоқларидан либос кийган, елкаси оша уч ипли муқаддас зуннор осиб олган эди. Энг покловчи бўлган кўлларида Улар девоналарнинг сув соладиган идиши, бамбукдан килинган ҳасса, зикр қилиш учун нилуфар гули уруғидан ясалган тасбех, шунингдек, покловчи Ведалар илмининг тимсоли бўлган бир боғлам табаррук *дарбха* майсасини олиб юрарди. Уларнинг қоматлари тик, юзларидан яшин нуридай сарғиш илоҳий нур таралиб турарди. Риёзат тимсоли кўринишида пайдо бўлган Уларнинг атрофида эҳтиром билан Уларга сажда қилиб турган энг аъло фаришталар бор эди. 35. Бу икки донишманд, Нара ва Нарайана, Худои Таолонинг бевосита шахсий қиёфалари эди. Маркандея риши уларни кўрган заҳоти ўрнидан туриб, чуқур ҳурмат-эҳтиром билан Уларнинг олдига ҳассадай тикка йиқилиб, сажда қилди. 36. Уларнинг нигоҳи тушиши билан бутун танаси, ақли ва ҳиссиёти бутунлай жазавога тушиб, Маркандеянинг танасидаги туклари хурпайиб, кўзлари қувонч ёшларига тўлди. Бундай илоҳий бахт уммониға ғарқ бўлган Маркандеянинг ҳатто Уларга қарашга ҳам мажолли келмай қолди.

37. Камтарин ҳолда бошини эгиб, кўлларини эҳтиром билан қовуштириб, Маркандея қалбида худди икки Парвардигорни бағрига босаётгандай кўтаринки кайфият ҳис қилиб турарди. Жазавали лаззат таъсири остида бўғилиб чиқаётган овоз билан, у зўрға: “Мен сизларга камтарин ҳолда эҳтиром билан сажда қиламан!” - дея олди, холос. 38. Донишманд Уларга ўтириш учун жой кўрсатди, оёқларини ювди, аргҳйа, сандал пастаси, анвойи мойлар, мушк-анбар ва гулчамбар тақдим қилиб сифиниш маросими ўтказди. 39. Маркандея Риши Ўзларининг чексиз марҳаматини ато этишга тайёр бўлиб беозор ўтирган бу икки энг ҳурматли донишманднинг нилуфар қадамлари пойига яна бир марта сажда қилди. Кейин донишманд уларга эҳтиром билан мурожаат қила бошлади.

40. Шри Маркандея шундай деди: “Эй қудратли Парвардигор, мен Сени қандай таърифлай оламан? Сен ҳаёт нафасини ҳаракатга келтирасан, кейин у ақл, ҳиссиёт ва нутқ кучини ҳаракатга келтиради. Бу - барча оддий шартланган руҳлар учун, ҳатто Тангри Брахма ва Тангри Шива сингари буюқ фаришталар учун ҳам аниқ ҳақиқатдир. Шунга қарамай, Сен Ўзингга сажда қилиб сифинаётган ҳар бир одамнинг энг яқин дўсти бўласан. 41. Эй Худонинг Олий Шахси, Сенинг бу икки шахсий қиёфанг бутун уч олам аҳлига энг юксак саодат - моддий тирикчилик мусибатларидан бутунлай халос бўлиш ва ажал устидан ғалаба қилиш бахтини ато этиш учун пайдо бўлдилар. Эй азиз Худойим, гарчи бу моддий оламни Ўзинг яратиб, уни химоя қилиш учун ҳар хил илоҳий қиёфаларда намоён бўлсанг ҳам, худди аввал ўзининг тўрини тўқийдиган, кейин яна ўзи уни ютиб юборадиган ўргимчак сингари, Сен Ўзинг замон охирида бу оламни ичинга ютиб юборасан. 42. Сен барча кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотларнинг химоячиси ва олий ҳукмдори бўлганин учун, Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топган ҳар қандай одамга дунёвий, моддий фаолиятнинг, моддий сифатларнинг ва Замона зайлининг иллатлари ўз таъсирини ўтказа олмайди. Ведаларнинг асосий мазмунини, аҳамиятини англаб етган буюқ донишмандлар Сенга илтижо қиладилар. Сен билан ҳамсуҳбат бўлиш даражасига эришиш учун улар ҳар қандай вазиятда ҳам Сенга сажда қилиб,

Сенга чуқур мувоқабат қилиб, бутун умрини Сенга садоқат билан хизмат қилиб яшайдилар. 43. Эй азиз Худойим, ҳатто олам мавжуд бўлиб турган узоқ вақт давомида ўзининг улуғвор мартабасидан лаззатланиб яшайдиган қудратли Тангри Брахма ҳам Замоннинг ҳаракатидан кўрқиб, ҳавотирда яшайди. Шундай экан, Тангри Брахма яратиб қўйган моддий таналарга қамалган шартланган руҳлар ҳақида нима дейиш мумкин? Улар бу ҳаётда ҳар қадамда турли даҳшатли қийинчилик, ҳавф-хатарларга дуч келиб юрадилар. Сенинг нилуфар қадамларинг пойи - ана шу ҳавф-хатарлардан озодликка чиқишнинг бир туридир, мен бу дунёда ундан паноҳ топишдан бошқа бирор чорани билмайман. 44. Шунинг учун мен ўзимни моддий танамга ва ҳақиқий ўзлигимни қоплаб олган бошқа ҳар қандай нарсаларга қиёслашни бутунлай тарк этган ҳолда Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қиламан. Руҳнинг бундай бефойда, ўткинчи ва алдамчи қобиллари тирик мавжудотнинг тафаккурига фақат уни бутун ҳақиқат мужассам бўлган Сендан ажратиш учун ишлатилади. Сенга, яъни ягона Худои Таолога, руҳининг ҳукмдорига эришган тирик мавжудот - ўзи излаб юрган насага, барча орзу истакларига эришганини англаб мангу олади.

45. Эй азиз Худойим, эй шартланган руҳнинг энг яқин дўсти, гарчи Сен моддий оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаш ва яқсон қилиш учун Ўзининг алдамчи қувватинг таркиб топган эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналаридан фойдалансанг ҳам, Сен шартланган руҳларни руҳий озодликка чиқариш учун асосан эзгулик гунасида фойдалансан. Қолган икки гуна уларга фақат алданиш, мусибат ва кўркув олиб келади. 46. Эй азиз Худойим, жасорат, руҳий бахт ва Худонинг даргоҳи - фақат эзгулик гунаси орқали эришилгани сабабли, Сенинг содиқ хизматкорларинг ана шу гунани Сенинг қиёфанг деб ҳисоблайдилар, лекин ҳеч қачон эҳтирос ёки ғафлат гунаси бевосита Сенинг, Худонинг Олий Шахсининг тимсоли, вакили бўлолмайди. Шундай қилиб, фаросатли зотлар Сенинг соф содиқларингнинг қиёфаси билан биргаликда соф эзгулик гунасида таркиб топган Сенинг севимли илоҳий қиёфангга сажда қиладилар. 47. Мен чуқур эҳтиром билан Унга, Худонинг Олий Шахсига сажда қиламан. У бутун борлиқнинг ҳамма ерга сингиб кетган ва ҳамма нарсани таъминлаб турган қиёфаси, ҳамда унинг руҳий устозидир. Мен Парвардигор Нарайана, энг олий даражада ҳурмат кўрсатиладиган Илоҳ, донишманд қиёфасида пайдо бўлган Парвардигор олдида, шунингдек авлиё Нара - мукамал эзгуликда мужассам бўлган, Ўзининг нутқини тўла жиловлаб олиб Ведалар илмини тарқатиб юрган инсон қиёфасидаги зотларнинг аълоси олдида чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. 48. Алдамчи ҳиссиётининг адашган ҳаракатлари йўлдан урган ўзининг ўтмас тафаккури билан иймонсиз одам Сени умуман тан олишга қодир эмас, ваҳоланки Сен унинг барча сезгиларида ва қалбида, у сезадиган нарсаларда ҳамиша мавжудсан. Шунга қарамай, ҳатто тушунчаларини Сенинг алдамчи қувватинг қоплаб олган бўлса ҳам, агар у Сенинг Ўзингдан - бутун оламнинг руҳий устозидан Ведалар илмини ўрганса, ундай одам Сени бевосита тушуна олади. 49. Эй азиз Худойим, фақат Ведавий муқаддас китоблар Сенинг Олий Шахсинг ҳақидаги сирли илмини ошкор этадилар, ҳатто Тангри Брахма сингари буюқ билимдонлар ҳам

дунёвий илмлар ёрдамида Сени тушунишга уриниб, бекорга овора бўладилар. Ҳар бир файласуф Сени ўзи ўйлаб топган маълум бир хулосаси асосида тушунади. Шартланган рухларнинг Худои Таолони англаш илми уларнинг руҳий ўзлигини қоплаб олган тананинг белгилари, атамалари билан тўсиб қўйилган, мен ана шу Худонинг Олий Шахсига эҳтиром билан сажда қиламан.

Тўққизинчи боб. Маркандея Риши Парвардигорнинг алдамчи қувватини кўради.

1. Сута Госвами шундай деди: “Наранинг дўсти Парвардигор Нарайана, Ўзини бундай олқишлаб шарафлагани учун чуқур заковатли донишманд Маркандеядан жуда миннатдор бўлди. Парвардигор Бхригу авлодининг аълосига мурожаат қила бошлади.

2. Худонинг Олий Шахси шундай деди: “Азизим Маркандея, аслида - барча билимдон брахманлар ичида аълоси сенсан. Сен Олий Рухга бетиним муруқабача қилиш ҳамда барча холис хизматларингни, риёзатларингни, Ведаларни ўрганишингни Менда мужассам қилиш ва инсон ҳаётини тартибга солувчи қонун-қоидаларга қатъий риоя қилиш ёрдамида ўз ҳаётингни баркамол қилдинг. 3. Умр бўйи брахмачари бўлиб қолишга муқаддас қасам ичиб, шу қасамингга амал қилиб юрганингдан Бизлар жуда мамнунмиз. Илтмос, истаган нарсангни тила, Мен сенинг хоҳлаган истагингни амалга ошираман. Бундай буюк омадинг билан лаззатланиб қол!”

4. Донишманд шундай деди: “Эй барча фаришталарнинг Парвардигори, Сенга шон-шарафлар бўлсин! Эй Парвардигор Ачйута, Сен Ўзингга ўз ихтиёрини бутунлай топшириб қўйган содиқларингнинг ҳаётдаги барча муаммоларини бартараф этасан. Менга Ўзингни яққол кўрсатганинг - мен учун кўрсатган энг буюк, айна пайтда ўзим интилиб юрган марҳаматингдир. 5. Тангри Брахма сингари буюк фаришталарнинг ақли йога билан узоқ вақт мунтазам шуғулланиш давомида етарли ўткирлашгандан кейин Сенинг ажойиб нилуфар қадамларинг пойигагина кўзи тушгани шарофати билан ана шундай улуғвор мартабага эришганлар. Ҳозир эса, эй азиз Худойим, Сен менинг олдимда шахсан Ўзинг пайдо бўлиб турибсан. 6. Эй нилуфарқўзли Парвардигор, эй шон-шухрат қозонган шахслар ичида энг асосий Шахс, гарчи мен Сенинг жамолингни кўриб туришдан бутунлай мамнун бўлсам ҳам, мен Сенинг алдамчи қувватингни кўришни истайман. Сенинг ана шу алдамчи қувватинг таъсири остида ҳатто барча хукмрон фаришталар билан бирга бутун олам бу моддий ранг-барангликни ҳақиқатан ҳам мавжуд деб ҳисоблайди”.

7. Сута Госвами шундай деди: “Эй донишманд Шаунака, Маркандеянинг олқишлари ва кўрсатган хурмат-эҳтиромидан мамнун бўлган Худонинг Олий Шахси майин табассум билан донишмандга:

“Хўп, сен айтгандай бўлсин!” - деди ва Бадарикашрамдаги ўзининг кулбасига кетди.

8-9. Ҳамиша Парвардигорнинг алдамчи қувватини кўриш нияти ҳақида ўйлаб, донишманд Парвардигорга Олов, Қуёш, Ой, сув, ер, ҳаво, ёруғлик

воситасида, ҳамда ўзининг қалбидаги Олий Рух воситасида ҳаёлида ўйлаб топган барча анжомлар эҳсон қилиб, узлуксиз сиғиниш билан машғул бўлиб, ўзининг кулбасида қолди. Лекин баъзи пайтларда, қалбидаги Парвардигорга бўлган чуқур илоҳий муҳаббат туйғуси тўлқинларида Маркандея сиғиниш маросимларини ўтказишни ҳам унутиб қўярди. 10. Эй брахман Шуанака, эй Бхригу авлодининг аълоси, бир куни Маркандея Риши Пушпабхадранинг қирғоғида кечқурунги сиғиниш маросимини ўтказиб ўтирганида биррданига кучли шамол турди. 11. Шамол даҳшатли товуш чиқариб увилларди, кейин кучли момақалдирик гумбурлаб, яшин чакнаб, бутун атрофга араванинг гилдирагидай катта, оғир ёмғир томчилари тинимсиз шаррос қуйила бошлади. 12. Кейин, ҳар тарафдан тўртта катта океан пайдо бўлиб, кучли шамол ҳаракатга келтираётган тўлқинлари билан бутун Ер юзини босиб ола бошлади. Ана шу океанларда даҳшатли денгиз ҳайвонлари, кўрқинчли ўпқонлар бўлиб, улар бутун атрофга кўрқув солиб даҳшатли товуш чиқарарди. 13. Донишманд ҳам ичидан, ҳам ташқарисидан кўпол ва изғирин шамоллар, ёрқин яшинлар ва осмонга кўтарилаётган катта тўлқинлар дастидан каттиқ азоб чекаётган ўзи билан бирга коинотнинг бутун аҳолисини кўрди. Бутун Ер юзи сув остида қолгандан кейин у кўрқувга тушиб, эсанқираб қолди. 14. Осмондаги булутлардан бетиним ёғаётган кучли ёмғир океанни тобора тўлдириб, Океан қирғоқдан чиқиб, кучли довул таъсири остида катта тўлқинларни юзага келтирган ўзининг бепоён сувлари билан Ер юзининг барча қитъаларини, тоғларини ва континентларини босиб олганини донишманд Маркандея ўз кўзи билан кўрди. 15. Бутун Ер юзини, космик фазони, жаннатий сайёраларни ва бутун осмонни Сув босган эди. Аслида коинотнинг ҳамма жойини сув босган, ундаги тирик мавжудотлардан фақат Маркандеянинг ўзи тирик қолган эди. Сочлари тўзиган ҳолда ана шу сув устида ёлғиз ҳолда Маркандея телабалардай саросимага тушиб, худди қар ва гунг одамдай гангиб, адашиб юрарди. 16. У ўзи тушиб қолган бу қоронғу зулмат ичида, сув ичидаги даҳшатли махлуқлар, баҳайбат балиқлар, тимингалалар ҳамласи, ўзини ҳар тарафга улоқтириб ташлаётган кучли шамол ва тўлқинлар остида, очлик ва чанқоқликдан қийналиб ҳеч қандай мақсадсиз айланиб юрарди. Азоб-уқубатдан, изтироблардан бутунлай ҳолдан тойиб, ўзини бутунлай йўқотиб қўйганида у осмон қаерда, Ер қаердалигини ҳам билмай қолди. 17-18. Вақти-вақти билан уни кучли сув ўпқонлари ютиб

кетар, баъзан катта тўлқинлар олиб кетар, баъзида бир-бири билан жанг қилаётган баҳайбат сув йиртқиқлари ҳамла қилиб уни еб юборишга интиларди. Баъзан у қаттиқ изтироб, адашиш, мусибат, кўрқув ёки бахт хис қиларди, баъзида эса шунчалик кучли оғриқ хис қилардики, ўзини гўё ўлиб қоладигандай хис қиларди. 19. Маркандея ана шу сув тошқинида сарсон бўлиб юра бошлаганига сон-саноксиз миллион йиллар бўлган, унинг ақлини Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Вишнунинг алдамчи қуввати бутунлай адаштириб қўйган эди. 20. Шу тариха сувда адашиб юриб, бир куни брахман Маркандея кичкина оролга дуч келди. Унда гул ва мевалар билан қопланган ёш баньян дарахти ўсиб турарди. 21. Донишманд дарахтнинг шимолий-шарқ томонидаги шохасида бир баргнинг ичида ётган кичкина чақалоқни кўриб қолди. Боладан

таралаётган нур қоронғу зулматни ёритиб турарди. 22-25. Бола танасининг кўкимтир ранги кимматбахо зумрад тоши рангини эслатарди. Унинг нилуфар юзи гўзаллик манбаи эди, бўйнидаги чизиклар сур устидаги чизикларга ўхшарди. Унинг кўкси кенг, бурни, кошлари чиройли, анор гулларига ўхшаган кулоқларининг ичи сурнинг ичига ўхшаган бўлиб, жуда ёқимли эди. Унинг маъноли кўзларининг бурчаклари нилуфар гулининг ўртасига ўхшаш қизғиш рангда эди, Унинг бетакрор ёқимли гўзал юзини лабларидаги жозибали майин табассум безаб турарди. У нафас олганида қалин қора сочлари тўлқинланиб турар, чуқур киндиги банийан япроғига ўхшаган қорнидаги тери чизиклари билан бирга чиройли ҳаракатга келарди. Улуғвор брахман ҳайратга тушиб, чақалоқ Ўзининг нилуфарсимон оёқларидан бирини кўтариб, унинг бош бармоғини оғзига солиб сўра бошлаганига қараб турарди.

26. Маркандея чақалоққа кўзи тушиши билан қалбидаги барча зеркишлари бирданига ғойиб бўлди. Аслини олганда бу учрашув унинг учун шу қадар қувончли эдики, унинг нилуфар юраги нилуфар кўзлари билан бирга қўшилиб, бутунлай чарақлаб яшнаб кетди, унинг танасининг туклари хурпайиб кетди. Бу чақалоқнинг ким эканини билишга қизиқиб, донишманд Унга яқин борди. 27. Шундан кейин чақалоқ Ўзининг нафаси билан бирга худди чивиндай қилиб, донишмандни ичига ютиб юборди. Унинг ичида Маркандея коинотни сув тошқинидан аввал қандай бўлса шундай ҳолида кўрди. Буни кўриб донишманд қаттиқ ҳайратга тушиб, нима қиларини билмай эсанкираб қолди. 28-29. Донишманд кўз олдида бутун коинотни кўриб турарди: осмон, Ер, юлдузлар, тоғлар, океанлар, буюк орол ва континентлар, оламнинг ҳамма тарафидаги бўшлиқлар, авлиё ва иблессифат тирик мавжудотлар, ўрмонлар, далалар, дарёлар, шаҳарлар, конлар, қишлоқлар, сигирлар яйлови, ўтовлар, жамият табақаларининг ҳар хил диний ва дунёвий бурчлари. Шунингдек у Тангри Брахманинг кунлари давомида турли югаларнинг ривожланишини назорат қилиб тартибга солиб турадиган Замон билан бирга оламнинг асосий унсурларини ҳам кўрди. У дунёвий ҳаётда қўлланиш учун яратилган нарсаларнинг ҳаммасини кўзи олдида кўриб турарди. Мана шуларнинг ҳаммасини у худди ҳақиқатан ҳам мавжуддай ўз кўзи билан яққол кўриб турарди.

30. У кўз олдида Ҳимолай тоғини, Пушпабхадра дарёсини донишмандлар Нара ва Нарайана билан учрашган жойдаги ўзининг кулбасини кўрди. Кейин, Маркандея бутун коинотни кўриб бўлган заҳоти чақалоқ нафасини чиқарди ва донишмандни танасининг ичидан яна ташқарига, қайтадан сув тошқинига чиқариб ташлади. 31-32. Ана шу бепоян денгизда у яна оролда ўсиб турган ёш банийан дарахтини, япроқ устида ётган чақалоқни кўрди. Чақалоқ унга мухаббат шарбатидан илҳомланган майин табассум билан кўзининг қирини ташлаб турарди, Маркандея кўзлари орқали чақалоқни қалбининг тўрига жойлаб олди. Қаттиқ ҳаяжонга тушиб донишманд илоҳий Парвардигорни бағрига босиш учун Унинг олдида чопиб борди. 33. Шу пайт худди нолюйик, муносиб бўлмаган одамнинг эришган нарсаси бир зумда ўз-ўзидан йўқолгани сингари, барча сеҳр қудратининг азалий руҳий устози ва ҳар кимнинг

қалбида мавжуд бўлган Худонинг Олий Шахси бирданига донишманд кўзидан ғойиб бўлди.

34. Эй брахман, Парвардигор ғойиб бўлгандан кейин банийан дарахти ҳам, чексиз сув тошқини ҳам, қиёмат-қойим ҳам - ҳаммаси бирдан ғойиб бўлди. Маркандея худди аввалгидай яна ўзининг кулбасида ўтирарди.

Ўнинчи боб. Тангри Шива ва Ума Маркандея Ришини олқишлайди.

1. Сута Госвами шундай деди: “Худои Таоло Нарайана Ўзининг алдамчи қувватининг қудратини ана шундай намойиш этган эди. Парвардигорнинг бу эрмагини англаб етган Маркандея Риши ўз ихтиёрини Парвардигорга топшириб, Унинг паноҳи остига кирди.

2. Шри Маркандея шундай деди: “Эй Парвардигор Хари, мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойи паноҳига кираман, улар ўз ихтиёрини уларга топширган зотларнинг ҳаммасига жасорат бағишлайди. Дунёвий илм кўринишида келадиган Сенинг алдамчи қувватинг таъсирида ҳатто қудратли буюк фаришталар ҳам эсанкираб, адашиб қоладилар”.

3. Сута Госвами шундай деди: “Хўкизга миниб, рафикаси Рудра ҳамда ўзининг бошқа ҳамроҳлари билан бирга самода сайр қилиб юрган Тангри Рудра илоҳий жазава ҳолатида ўтирган Маркандеяни кўриб қолди. 4. Донишмандни кўриб, фаришта Ума Тангри Гиришага мурожаат қилди: “Эй ҳукмдорим, танаси, ақли ва ҳиссиёти бутунлай жазавага тушганидан қотиб қолган мана бу билимдон брахманга қара! У худди шамолсиз кундаги океан сувларидай кўзгалмай, осойишта ҳолатда ўтирибди. Сен риёзатга берилган зотларни руҳий баркамоллик билан мукофотлайдиган Зот бўлганинг учун, илтимос, бу донишмандни ҳам муносиб мукофотла!”

Тангри Шива шундай деди: “Албатта, бу авлиё брахман бизлардан ҳеч нарса тиламайди, у ҳатто озодликка чиқишни ҳам истамайди, чунки у чексиз қудратли Худонинг Олий Шахсига соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилган зот. 7. Лекин азизим Бхавани, кел, барибир шу авлиё зот билан суҳбатлашиб ўтайлик. Ахир авлиё зотлар билан ҳамсуҳбат бўлиш - инсон учун ҳаётда энг қатта ютуқ ҳисобланади”.

8. Сута Госвами шундай деди: “Шундай деб, барча шартланган руҳларнинг ҳукмдори, барча руҳий илмлар устози ва адашган руҳларнинг нажот макони бўлган Тангри Шанкара донишманднинг олдига яқинлашди. 9. Моддий ақли умуман моддий фаолиятдан тўхтагани сабабли Маркандея Риши оламнинг ҳукмдори Тангри Шива суҳбатлашиш учун ўзининг рафикаси билан шахсан ўзи унинг олдига келганини пайқамади. Маркандея муқоабига шу қадар чуқур берилиб кетган эдики, у ўзини ҳам, ташки оламни ҳам бутунлай унутиб юборган эди. 10. Вазиятни дарров англаб олган қудратли Тангри Шива Маркандеянинг қалби осмонига худди бирор тешикка кирадиган шамол сингари кириш учун ўзининг сеҳр қудратидан фойдаланди.

11-13. Шри Маркандея бирдан қалбида пайдо бўлган Тангри Шивага кўзи тушди. Тангри Шиванинг олтинранг сочлари яшинга ўхшарди, унинг уч кўзи, ўн қўли, чиқаётган қуёшдай порлаб нур сочиб турган

баланд коматли танаси бор эди. У йўлбарс терисини ёпиниб олган, қўлларига санчки, камон, пайконлар, қалқон ва қилич, зикр қилиш учун тасбеҳ, дамара барабани, калла суяги ва болта ушлаб олган эди. Донишманд хайратга тушиб жазава ҳолатидан чиқди ва ўйга толди: “Бу ким бўлди экан, у қаердан келиб қолди?”

14. Донишманд кўзларини очиб фаришта Ума ва Рудранинг издошлари билан бирга олдида турган бутун уч оламнинг руҳий устози Тангри Рудрани кўрди. Кейин Маркандея бош эгиб уларга чуқур эҳтиром билан сажда қилди. 15. Маркандея Тангри Шивага, фаришта Умага ва Тангри Шиванинг ҳамроҳларига табрик сўзлари айтиб, ўтиришга ўрин, оёқларини ювишга сув, ичиш учун ёқимли ҳид таратиб турган сув, анвойи мойлар, гулчамбарлар ва арати шамчироғи таклиф этиб, хурмат-эҳтиром кўрсатди.

16. Маркандея шундай деди: “Эй қудратли ҳукмдор, ҳамиша қалбида илохий жазава ҳолатида ўзидан тўла мамнун бўлиб юрадиган сендай зотни мамнун қилиш учун мен қандай хизмат қилишим мумкин? Аслини олганда сен ўз марҳаматинг билан бутун уч оламни мамнун қилиб юрасан. 17. Эй барчага саодат келтирувчи илохий шахс, мен сенга такрор ва такрор сажда қиламан. Эзгулик ҳукмдори сифатида сен барчага лаззат бағишлайсан, эҳтирос гунаси билан қўшилганда сен энг даҳшатли бўлиб кўринасан, сен ғафлат гунаси билан ҳам бирга юрасан”.

18. Сута Госвами шундай деди: “Авлиё содиқларнинг паноҳи бўлган машҳур фаришта Тангри Шива Маркандеянинг олқишларидан лаззат оларди. Донишманддан мамнун бўлиб у донишмандга мурожаат қилди.

19. Тангри Шива шундай деди: “Илтимос, мендан истаган тилагингни тила, чунки барча дуо қилувчилар ичида бизлар - Брахма, Вишну ва мен - энг аъло зотлар бўламиз. Бизларга кўзи тушган одам ҳеч қачон бирор натижасиз қолмаслиги керак, чунки шунчаки бизга кўзи тушган одам амрита, мангуликка эришади. 20-21. Ҳамиша хотиржам, қалби осойишта, дунёвий боғланишлардан холи, барча тирик мавжудотларга ҳамдард, қалбида ҳеч қандай нафратга ўрин йўқ, барчага бир хил назар билан қарайдиган ҳамда бизларга соф садоқат билан хизмат қилиб юрган авлиё брахманларни Тангри Брахма, Парвардигор Хари ва мен билан биргаликда барча сайёраларнинг ҳукмрон фаришталари, бутун уч оламнинг барча аҳолиси олқишлайди, сажда қилади ва уларга ҳамиша ёрдам бериб юради. 22. Худои Таолонинг ана шундай содиқлари Парвардигор Вишну, Тангри Брахма ва мени бир-биримиздан ажратмайдилар, шунингдек улар ўзлари билан бошқа тирик мавжудотларни бир-биридан ажратиб қарамайдилар. Сен ана шундай брахманлардан бири бўлганинг учун бизлар сенга сажда қиламиз. 23. Ҳар қандай сув хавзаси - муқаддас зиёратгоҳ, ҳар қандай ҳайкал - одамлар сиғинадиган илоҳ бўлавермайди. Ташқи назар муқаддас дарёлар ва фаришталарнинг олий моҳиятини англаб ета олмагани сабабли, улар одам қалбини жуда кўп вақт қўллангандан кейин поклайди. Аммо Худои Таолонинг сенга ўхшаган содиқлари кўз олдида пайдо бўлган одамларни бир пасда поклайдилар. 24. Қалбида Олий Рухни муроқабаси қилиб, риёзатларга берилиб, Ведаларни ўрганиш билан шуғулланиб, инсон ҳаётини тартибга солувчи қонун-қоидаларга риоя қилиб брахманлар

Парвардигор Вишну, Тангри Брахма ва мендан фарқ қилмайдиган уч Ведани ўзида сақлайдилар. Шу боис мен брахманларга эҳтиром билан сажда қиламан. 25. Сенга ўхшаган шахслар ҳақида тинглаши ёки уларга кўзи тушиши билан ҳатто энг ашаддий гуноҳкорларнинг ва ҳароми одамларнинг энг ёмонлари ҳам барча иллатлардан покланадилар. Сен билан ҳамсуҳбат бўлишдан уларнинг қанчалик покланишини тасаввур қилиш мумкин!”

26. Сута Госвами шундай деди: “Тангри Шиванинг ҳақиқий диннинг сирли моҳиятини очиб берадиган лаззатли сўзлари шарбатини қулоғи билан ичаётган Маркандея Риши қаноат ҳосил қилмади. 27. Парвардигор Вишнунинг алдамчи қуввати узоқ вақт охир-замон сувларида сарсон бўлишга мажбур қилган Маркандея жуда ҳолдан тойиб қолган эди. Аммо, Тангри Шиванинг гаплари унинг қалбида тўпланиб қолган мусибатларини бутунлай яқсон қилган эди. Шу тариқа у Тангри Шивага мурожаат қила бошлади.

28. Шри Маркандея шундай деди: “Аслини олганда шартланган руҳларнинг олам ҳукмдорларининг эрмақларини тушуниб етишлари жуда мушкул, чунки ана шундай ҳукмдорлар ўзлари ҳукмронлик қилаётган тирик мавжудотлар олдида сажда қилиб, уларни олқишлаб юрадилар. 29. Аслида шартланган руҳлар диний қонунларга риоя қилиб яшашлари, одамларга ҳақиқий дин қонунларини ўргатувчи руҳий устозлар бошқаларга ўрнатиб, ўзлари бенуқсон одоб-ахлоққа эга бўлишлари, шу билан одамларда шундай одоб-ахлоқни олқишлаши учун улар шундай қиладилар. 30. Ана шундай камтаринлик - уларнинг оддий одамларга кўртсатаётган буюк марҳаматидир. Худои Таоло ва Парвардигор Ўзининг қуввати билан таъсир қиладиган шахсий ҳамроҳларининг бундай қилиши, худди сеҳргар бирор мўъжиза кўрсатгани билан сеҳр кучи камайиб қолмаганидай, Уларнинг илохий қудратини заррача ҳам камайтирмайди. 31-32. Мен бутун борлиқни Ўзининг шунчаки хоҳиши билан яратган, кейин Олий Рух киёфасида унинг ичига кирган Худонинг Олий Шахсига чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. Моддий табиат гуналарини ҳаракат қилишга мажбур қилиб, худди ухлаётган одам тушида ўзи ҳаракат қилаётгандай бўлгани сингарри, У ҳам бу оламни Ўзи бевосита яратгандай бўлиб кўринади. У - табиатнинг уч сифатининг эгаси ва олий ҳукмдори, лекин шунга қарамай, У - ягона Зот, ҳеч ким тенглаша олмайдиган пок бўлиб қолаверади. У барчанинг олий руҳий устози, Мутлақ Ҳақиқатнинг азалии, бошланғич шахсий киёфасидир. 34. Эй ҳамма жойга сингиб кетган ҳукмдор, мен яққол Сени кўришга муваффақ бўлганимдан кейин Сендан яна қандай дуои-фотиҳа сўрашим мумкин? Шунчаки сени кўриш биланок ҳар қандай одам қалбидаги тасаввур қилиши мумкин бўлган барча ниятларига эришади”.

35. Сута Госвами шундай деди: “Шундай қилиб, донишманд Маркандеянинг хурмат-эҳтиромга тўла ва шарафли гапларини тинглаб, Тангри Шарва(Шива) рафикасининг розилиги билан унга шундай деди: 36. “Эй буюк донишманд, сен Парвардигор Адхоқшаджага садоқат билан хизмат қилиб юрганнинг учун сенинг барча истакларинг албатта амалга ошади. Олам мавжудлигининг энг охиригача сен кексалик ва ўлим иллатларидан мутлақо пок бўлиб, эзгу шон-шухрат билан лаззатланиб яшайсан. 37. Эй брахман, сен ўтмиш, ҳозир ва келажак ҳақида мукамал илмга эга

бўласан, шу билан бирга таркидунёлик билан кувватланиб, Парвардигорни англаб, ҳамиша Худонинг хохиши, Кришна онги билан яшайсан. Сен бошқаларга ўрнак бўладиган ҳақиқий брахмансан, шу боис Пураналарнинг рухий устози бўласан”.

38. Сута Госвами шундай деди: “Шундай қилиб, Шри Маркандея Ришини дуои-фотиҳа қилиб, Тангри Шива ўз йўлига равона бўлиб, фаришта Девига бу донишманднинг рухий юксалишда эришган ютуғини, у Парвардигорнинг алдамчи қуввати намоён этган мўъжизани ўз кўзи билан кўрганини гапириб берди. 39. Бхригу авлодининг аъло фарзанди Маркандея Риши сеҳрли йогада эришган муваффақияти билан шон-шуҳрат қозонган зот. У ҳатто ҳозир ҳам Худонинг Олий Шахсига соф садоқат туйғусига ғарқ бўлган ҳолда бутун борлик бўйлаб сайр қилиб юради.

40. Шундай қилиб, мен сенга ўтқир тафаккурга эга бўлган донишманд Маркандеянинг фаолияти ҳақида, айниқса Худои Таолонинг алдамчи қувватининг ҳайратли қудратини қандай англаб етгани ҳақида гапириб бердим. 41. Гарчи бу ҳодиса жуда хайратли ва тенгсиз мўъжиза бўлса ҳам, баъзибир калтафаҳм одамлар уни Худои Таоло шартланган руҳлар учун яратиб қўйган алдамчи моддий борлиқнинг азалдан давом этиб келаётган мангу мавжудлик циклига киёслайдилар. 42. Эй Бхригулар авлодининг аъло фарзанди, Маркандея Риши ҳақидаги бу ҳикоя инсонга Худои Таолонинг илоҳий қувватини ато этади. Муносиб равишда уни гапириб берган ёки тинглаган одам бошқа ҳеч қачон кармали, дунёвий фаолият кўрсатиш истаги асосида юзага келадиган моддий тириклик домига тушиб қолмайди.

Ўн биринчи боб.

Махапурушанинг қисқача таърифи.

1. Шри Шаунака шундай деди: “О Сута, сен - одамлар ичида аълоси ҳамда Худои Таолонинг буюк содиқ хизматкорисан. Шу боис ҳозир бизлар сендан барча тантрик муқаддас китобларнинг якуний хулосаси нимадан иборат экани ҳақида гапириб беришни илтимос қиламиз. 2-3. Илоё сенга ҳамиша эзгу омад ёр бўлсин! Илтимос, билим олишга жуда интилиб турган бизларга сен равнақ фариштасининг рафиқаси бўлган илоҳий Парвардигорга белгиланган қонун-қоидалар асосида сиғиниш орқали амалга ошириладиган Крия-йога жараёнини тушунтириб бер. Шунингдек, Худонинг содиқлари Парвардигорнинг илоҳий танасининг маълум моддий тасаввурдаги атамаларда ифодаланадиган қисмларини, ҳамроҳларини, Унинг атрофидаги нарсаларни, Унинг безакларини қандай қабул қилишларини ҳам тушунтириб бер. Худои Таолога самимий садоқат билан хизмат қилиш шарофати билан ҳатто бу дунёда ўлимга маҳқум бўлган одам ҳам мангуликка эриша олади”.

4. Сута Госвами шундай деди: “Рухий устозимга чуқур эҳтиром билан сажда қилган ҳолда мен сизларга нилуфар гулидан туғилган Тангри Браҳмадан бошлаб барча буюк мўътабар зотларнинг Худои Таоло, Парвардигор Вишнунинг бойлиги, шон-шуҳрати ҳақида айтганларини такрорлаб бераман. Бир куни келиб, мана шу фазовий киёфа инсон онгига сингиб олганида унинг ичида сайёраларнинг барча уч тизими якқол

кўринадиган бўлади. 6-8. Мана шу - Худои Таолони фазовий киёфада тасаввур қилиш бўлади. Бу киёфада Ер сайёраси Унинг пойи қадамлари, Осмон - Унинг киндиги, Қуёш - Унинг кўзлари, шамол - Унинг бурун тешиги, яратувчи фаришта - Унинг жинсий аъзолари, ажал - Унинг ахлат чиқариш жойи(йўғон ичаги), Ой - Унинг ақли бўлади. Жаннатий сайёралар - Унинг калласи, оламнинг томонлари - Унинг қулоқлари, ҳар хил сайёраларга ҳомийлик қиладиган фаришталар - Унинг қўлларидир. Ажал фариштаси - Унинг қоши, уят - Унинг пастки лаби, очкўзлик - Унинг юқори лаби, адашиш - Унинг табассуми, Ой нури - Унинг тишлари, дарактлар эса - Пурушанинг танасидаги туклари, булутлар - Унинг сочларидир.

9. Худди бу дунёдаги оддий шахснинг танасининг ҳар хил қисмларини ўлчаш орқали унинг тўла ўлчамини аниқлаш мумкин бўлгани сингари, Махапурушанинг фазовий киёфасидаги сайёралар тизимидаги нарсаларни ўлчаш орқали Унинг Ўзининг ўлчамларини ҳам аниқлаб олиш мумкин. 10. Туғилмаган, ҳар нарсага қодир бўлган Худои Шахси кўксига қимматбаҳо гавхартош Каустубҳа маржон ҳамда Шриватса белгисини осиб олган. Бу маржон Каустубҳа пок руҳ, рухий табиатга эга бўлган жон тимсолидир, Шриватса белгиси эса - қимматбаҳо тошнинг чексиз илоҳий ёғдусининг намоён бўлишидир. 11-12. Унинг гулчамбари - барча табиий сифатларни ўзида мужассам қилган Ўзининг моддий қувватидир. Унинг сариқ либослари - Ведаларнинг насрий(шеърий) ритмларидир, Унинг зуннори - уч илоҳий товушдан иборат илоҳий “о-у-м” бўғинидир. Парвардигорнинг ақула киёфасига ўхшаган икки сирғаси Санкхйа ва йога жараёнини билдиради, Унинг бошидаги тожи - бутун олам аҳолисига жасорат ато этадиган Браҳмалоканинг олий мартабасидир. 13. Парвардигорнинг ўриндиқ-тўшаги Ананта - моддий табиатнинг намоён бўлмаган ҳолатидир, Парвардигорнинг нилуфар тахтиравони - ўзида илм ва ҳақиқий динни мужассам қилган эзгулик гунасидир. 14-15. Парвардигорнинг қўлида ушлаб турган гурзиси - асосий унсур, ўзида ҳиссиёт кучининг, ақл кучининг ва жисмоний кучнинг барча қувватини мужассам қилган *прана* ҳисобланади. Унинг Сударшана чакраси - олов унсуридир, Унинг осмондай пок қиличи - эфир унсуридир. Унинг қалқони - ғафлат гунасининг тимсолидир, Унинг Шарнга деган камони - вақт, Замон тимсолидир, Унинг пайконлар тўла садағи - ҳиссиётнинг ишчи аъзолари. 16. Унинг пайконларини - сезгилар, жанг аравасини - фаол, кучли ақл деб атайдилар. Унинг ташқи намоён бўлиши - теварак атрофни нафис хис қила билиш, қўлларининг ҳаракати эса - барча мақсадли ҳаракатлар моҳиятидир. 17. Қуёш шари - Худои Таолога сиғинадиган жой; фотиҳа, “инициация” олиш - руҳнинг, жоннинг покланиш усули; Худого садоқат билан хизмат қилиш эса - барча гуноҳлар оқибатини яқсон қилиш жараёнидир. 18. Бхага ибораси билан белгиланадиган, ҳар хил бойликларни билдирадиган нилуфар гулини ушлаб олган Худои Таоло дин ва шон-шуҳратни билдирадиган икки елпигич-чамаранинг хизматини қабул қилади. 19. Эй брахманлар, Парвардигорнинг соябони - Унинг рухий даргоҳи Ваикунтҳадир, у жойда ҳеч қандай кўрқинчга ўрин йўқ, қурбонлик маросимларининг эгаси бўлган Парвардигорни олиб юрадиган Гаруда - уч Веда тимсолидир. 20. Ҳеч қачон Парвардигорни тарк этмайдиган равнақ фариштаси Шри У билан бу дунёда

Унинг ички кувватининг кўриниши сифатида пайдо бўлади. Унинг шахсий ҳамроҳлари ичида асосийси Вишваксена - Панчаратра ва бошқа тантралар тимсолидир. Парвардигорнинг Нанда бошлиқ саккиз кўриқчиси - Унинг “анима”дан бошланадиган саккиз турли сеҳр кудратидир.

21. Эй брахман Шаунака, билсанг Васудева, Санкаршана, Прадйумна ва Анируддха - Худои Таолонинг бевосита шахсий экспансияларининг номларидир. 22. Худонинг Олий Шахсини онгининг сезиладиган ташки нарсалар, ақл ва моддий тафаккур орқали ҳаракат қиладиган сергаклик, уйқусираш ва каттик уйқу кўринишида ҳам, онгининг тўртинчи илоҳий ҳолати - пок илм кўринишида ҳам тасаввур қилиш мумкин. 23. Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Хари шу тариқа Ўзининг тўрт шахсий экспансиясида намоён бўлади. Уларнинг ҳар бири Унинг илоҳий танасининг асосий аъзоларини, иккинчи даражали аъзоларини, қуролларини ва тақинчоқларини намоён этади. Ана шу сифатлари ёрдамида Парвардигор мавжудликнинг тўрт поғонасини таъминлаб туради. 24. Эй брахманлар аълоси, У ягона Ўзи Ведаларнинг порлаб нур сочиб турган, мукамал ва шон-шухратга тўла бошланғич манбаидир. Ўзининг моддий куввати ёрдамида У бутун борлиқни яратади, мавжудлигини таъминлаб туради ва вақти келганда яқсон қилади. Ҳар хил моддий вазибаларни бажарувчи бўлгани учун Уни баъзан моддий жиҳатдан бўлак-бўлак ҳолда таърифлайдилар, лекин У ҳамisha пок илмга тўла бўлган илоҳий ҳолатда қолаверади. Чуқур садоқат билан ўз ихтиёрини бутунлай Унга топширган зотлар Уни ўзларининг ҳақиқий Рухи сифатида англай оладилар.

25. Эй Кришна, эй Аржуннинг дўсти, эй Вришни авлоди ичида энг асосийси, Ер юзидаги унсурларга ташвиш келтириб, бузгунчилик қилиб юрган сиёсий гуруҳларни яқсон қилувчи Зот Сен Ўзингсан. Сенинг жасоратинг шухрати ҳеч қачон сўнмайди. Сен - илоҳий даргоҳ эгасисан, Вриндавандаги подачи болалар ва қизларнинг Сен ҳақингда қуйлаётган илоҳий табаррук ҳамду-саноларини тинглаш билан ҳар қандай одам чексиз саодатга эришади. Эй азиз Худойим, илтимос, содиқ хизматкорларингни барча кўринар-кўринмас офатлардан Ўзинг асра!

26. Эрталаб тонгда туриб, Махапурушада мужассам бўлган пок ақли билан Унинг мана шу таърифларини охиста шарафлаб қуйлаган ҳар қандай одам Худои Таолони қалбида мавжуд бўлган Олий Муғлак Ҳақиқат сифатида англаб етади”.

27-28. Шри Шаунака шундай деди: “Илтимос, сенинг гапларингга чуқур иймон келтираётган бизларга Куёш фариштаси ҳар ой давомида намоёиш этадиган шахсий сифатларини ва ҳамроҳларини, уларнинг номлари ва фаолияти билан бирга таърифлаб бер. Куёш фариштасининг ўз хўжайинига хизмат қилиб юрган ҳамроҳлари - Куёш фариштаси сифатида намоён бўлган Худонинг Олий Шахси, Харининг шахсий экспансияларидир”.

29. Сута Госвами шундай деди: “Куёш барча сайёралар орасида сайр қилиб юради ва шу тарзда уларнинг ҳаракатини тартибга солиб туради. Уни барча шартланган руҳларнинг Олий Рухи Парвардигор Вишну Ўзининг азалий моддий куввати ёрдамида яратган эди. 30. Парвардигор Шри Харидан фарқ қилмаган ҳолда Куёш фариштаси бутун оламларнинг ягона руҳи ва

уларнинг азалий, бошланғич яратувчисидир. У - Ведаларда кўрсатилган барча сиғиниш маросимларининг манбаидир, ведавий донишмандлар Уни жуда кўп номлар билан атайдилар. 31. Моддий кувватнинг манбаи бўлган ҳолда Худо Шахси Парвардигор Хари Ўзининг Куёш фариштаси экспансиясида ўн турли таърифланади. Эй Шаунака улар: вақт, жой, уриниш, бажарувчи, асбоб, алоҳида урф-одат, муқаддас битик, сиғиниш(?), сиғиниш анжомлари ва эришиладиган натижа.

32. Вақтнинг кувватини Куёш фариштаси сифатида қўллаб-қувватлаб, таъминлаб турадиган Худонинг Олий Шахси коинотдаги сайёраларнинг ҳаракатини тартибга солиб туриш учун Мадху ойдан бошлаб ўн икки ойнинг ҳар бирида ўзгариб туради. Ўн икки ойнинг ҳар бирида Куёш фариштаси билан бирга юрадиган олти ҳамроҳдан иборат гуруҳлар мавжуд. 33. Эй зизим, куёш фариштаси сифатида Дхата, Апсара сифатида Критастанхали, Ракшас сифатида Хети, Нага сифатида Васуки, Йакша сифатида Ратхақрит, донишманд сифатида Пуластйа ва Гандхарва сифатида Тумбуру Мадху ойини бошқарадилар. 34. Куёш фариштаси сифатида Арйама, донишманд сифатида Пулаха, Йакша сифатида Атхауджа, Ракшас сифатида Прахети, Апсара сифатида Пунджикастанхали, Гандхарва сифатида Нарада ва Нага сифатида Каччханира Мадхава ойини бошқарадилар. 35. Митра Куёш худоси бўлиб, Атри донишманд бўлиб, Паурушейа Ракшас бўлиб, Такшака Нага бўлиб, Менака Апсара бўлиб, Хаха Гандхарва бўлиб Ратхасвана Йакша бўлиб Шукра ойини бошқарадилар. 36. Васиштха донишманд бўлиб, Варуна Куёш фариштаси бўлиб, Рамбха Апсара бўлиб, Сахаджания Ракшас бўлиб, Хуху Гандхарва бўлиб, Шукра Нага бўлиб, Читрасвана Йакша бўлиб Шучи ойини бошқарадилар. 37. Индра Куёш фариштаси бўлиб, Вишвавасу Гандхарва бўлиб, Шрота Йакша бўлиб, Елапатра Нага бўлиб, Ангира донишманд бўлиб, Прамлоча Апсара бўлиб, Варйа Ракшаса бўлиб Набхас ойини бошқарадилар. 38. Вивасван Куёш фариштаси бўлиб, Уграсена Гандхарва бўлиб, Вйагра Ракшаса бўлиб, Асарана Йакша бўлиб, Бхригу донишманд бўлиб, Анулоча Апсара бўлиб, Шанкхапала Нага бўлиб Набхасйа ойини бошқарадилар. 39. Пуша Куёш фариштаси бўлиб, Дхананджайа Нага бўлиб, Вата Ракшас бўлиб, Сушена Гандхарва бўлиб, Суручи Йакша бўлиб, Гхритачи Апсара бўлиб, Гаутама донишманд бўлиб Тапас ойини бошқарадилар. 40. Риту Йакша бўлиб, Варча Ракшас бўлиб, Бхарадваджа донишманд бўлиб, Парджанйа Куёш фариштаси бўлиб, Сенаджит Апсара бўлиб, Вишва Гандхарва бўлиб, Аиравата Нага бўлиб, Тапасйа деган ойини бошқарадилар. 41. Амшу Куёш фариштаси бўлиб, Кашйапа донишманд бўлиб, Таркшйа Йакша бўлиб, Ритасена Гандхарва бўлиб, Урваши Апсара бўлиб, Видйучхатру Ракшас бўлиб, Махашанкха Нага бўлиб Сахас ойини бошқарадилар. 42. Бхага Куёш фариштаси бўлиб, Спхурджа Ракшас бўлиб, Ариштанеми Гандхарва бўлиб, Урна Йакша бўлиб, Айур донишманд бўлиб, Каркотака Нага бўлиб, Пурвачитти Апсара бўлиб Пушйа ойини бошқарадилар. 43. Твашта Куёш фариштаси бўлиб, Ричикининг ўғли Жамадагни донишманд бўлиб, Камбалашва Нага бўлиб, Тилоттама Апсара бўлиб, Брахмапета Ракшаса бўлиб, Шатаджит Йакша бўлиб, Дхритараштра Гандхарва бўлиб Иша ойини бошқарадилар. 44. Вишну - Куёш фариштаси,

Ашватара - Нага, Рамбха - Апсара, Сурйаварча - Гандхарва, Сатйаджит - Йакша, Вишвамитра - донишманд, Макхапета Ракшас бўлиб Урджа ойини бошқарадилар. 45. Бу шахсларнинг барчаси Куёш фариштаси киёфасидаги Худонинг Олий Шахси Вишнунинг бой экспансияларидир. Бу Илохлар ҳар куни эрталаб ва кечкурун уларни эслаган одамларнинг барча гуноҳлари оқибатини олиб кетадилар.

46. Шундай қилиб, ўн икки ойнинг ҳар бирида Куёш Парвардигори ўзининг олти турли ҳамроҳлари билан бирга коинот аҳолисига ҳозирги ва келажак ҳаёти учун пок онг таратиб оламнинг ҳамма жойида сайр қилиб юради. 47-48. Донишмандлар Сама, Риг ва Йаджур Ведалардан Унинг моҳиятини таърифлайдиган ҳамду-санолар айтиб олқишлар экан, Гандхарвалар ҳам уни олқишлаб кўшиқ куйлайдилар, Апсаралар унинг жанг араваси олдида рақсга тушадилар. Нагалар жанг аравасининг тизгинларини тартибга келтирадилар, Йакшалар отларни бошқарадилар, қудратли Ракшаслар араванинг ортидан итарадилар. 49. Жанг аравасидан ташқарида, унинг нақ олдида *Валакхилйалар* деб аталадиган олтмиш минг донишманд браҳман сайр қилиб юради, улар Ведавий мантраларда қудратли Куёш фариштасига илтижо қиладилар. 50. Туғилмаган, бошланиши ва охири бўлмаган Худонинг Олий Шахси Хари шундай қилиб, бутун оламни химоя қилиш учун Тангри Браҳманинг ҳар бир куни давомида Ўзини шахсий уч турли киёфаларда намоён этади.

Ўн иккинчи боб.

"Шримад Бхагаватам" мавзуларининг якуний хулосаси

1. Сута Госвами шундай деди: "Энг олий диний коида - Худоба садоқат билан хизмат қилишга; олий яратувчи Парвардигор Кришнага; барча браҳманларга чуқур эҳтиром билан сажда қилган ҳолда мен ҳозир сизларга ҳақиқий диннинг мангу қонун-қоидалари ҳақида гапириб бераман. 2. Эй буюк донишмандлар, сизларнинг илтимосингиз билан мен сизларга Парвардигор Вишнунинг ҳайратланарли эрмаклари ҳақида гапириб бердим. Ана шундай ҳикояларни тинглаш ҲАҚИҚИЙ ИНСОН бўлган зотларгагина хос бўлган муносиб машғулотдир. 3. Бу муқаддас китобларда Ўзининг содиқ хизматкорларини барча гуноҳлари оқибатидан халос этадиган Худонинг Олий Шахси Хари тўлалигича шарафлаб қуйланади. Парвардигор Нарайана, Хришикеша ва Сатват(Йаду)лар Парвардигори сифатида олқишланади. 4. Бу муқаддас китоблар борлиқнинг манбаи бўлган Олий Мутлақ Ҳақиқатнинг ва коинотнинг яқсон бўлишининг сирини ошкор этиб таърифлайди. Шунингдек унда Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги илоҳий илм, шу илмни ривожлантириш жараёни, ҳар бир инсон эришиши мумкин бўлган илоҳий даража кўрсатиб берилган. 5. Бу китобларда қуйидаги нарсалар ҳам таърифланган: Худоба садоқат билан хизмат қилиш жараёни билан бирга унга кўшимча бўлган таркидунёлик сифати; Махараж Парикшит ва донишманд Нарада Мунининг ҳаёт тарихи баён этилган. 6. Шунингдек, Махараж Парикшитнинг браҳманинг қарғишига учрагандан кейин то ажали етгунча рўза тутишга қарор қилгани, Махараж

Парикшит билан браҳманлар аълоси Шукадева Госвами орасида бўлиб ўтган суҳбат баён этилади. 7. "Шримад Бхагаватам"да йога билан шуғулланиб, ақлни бир жойга мужжасам қилиб муруқаба қилиш ёрдамида ажал етган пайтда руҳий озодликка эришиш йўли тушунтирилади. Унда Нарада Муни билан Тангри Браҳманинг суҳбати, Худонинг Олий Шахсининг бу моддий оламда намоён этган киёфалари, моддий табиатнинг намоён бўлмаган ҳолатидан бошлаб коинотнинг яралиш жараёни таърифланади. 8. Бу битикда Видуранинг Уддхава билан, Маитрейя билан қилган суҳбатлари, бу Пурананинг мавзуси, киёмат-қойим, охир-замон пайтида бутун борлиқнинг яна Худои Таолонинг танаси ичига кириши ҳақида гапирилади. 9. Моддий табиат гуналарининг уйғониши натижасида оламнинг яралиши, унсурларнинг шакл ўзгартириш орқали эволюцион ривожланишнинг етти босқичи, Худои Таолонинг фазовий киёфаси намоён бўладиган моддий олам тухуми - буларнинг ҳаммаси батафсил муҳокама қилинади. 10. Бошқа мавзуларда Замоннинг нафис ва кўпол ҳаракатлари, Гарбходакашайи Вишнунинг киндигида нилуфар гулининг пайдо бўлиши, Гарбходака уммонидан Ер сайёраси олиб чиқилаётганда иблис Хиранийакшанинг ҳалокати ҳикоя қилинади. 11. "Шримад Бхагаватам"да шунингдек фаришталарнинг, ҳайвонларнинг ва иблисларнинг ҳаёт шакллари қандай яралиши; Парвардигор Рудранинг ва ярим-эркак ярим-аёл Ишвара танасидан Сваямбхува Манунинг туғилиши таърифланади. 12. Манунинг рафиқаси бўлган биринчи аёл зоти Шатарупанинг пайдо бўлиши, праджапати Кардама Мунининг хотинларининг авлодлари тўғрисида маълумотлар берилди. 13. "Шримад Бхагаватам"да Худонинг Олий Шахсининг улғувор донишманд Капила сифатида намоён бўлиши ва ана шу буюк Зот билан Унинг онаси Девахути орасида бўлиб ўтган суҳбат ҳикоя қилинади.(3-қўшиқ). 14-15. Шунингдек, тўққиз буюк браҳманнинг авлодлари, Дакша ўтказётган қурбонлик маросимини яқсон қилиш ҳамда шох Притху ва шох Прачинабархи тарихи билан биргаликда Дхрува Махараж тарихи, Прачинабархи билан Нарада Муни орасида бўлиб ўтган суҳбат(4-қўшиқ), Махараж Прийавратанинг ҳаёти таърифланган. Эй браҳманлар, "Шримад Бхагаватам" Шох Набхининг, Парвардигор Ришабханинг ва шох Бхаратанинг кўрсатган қароматлари, фазилатлари ҳақида ҳикоя қилади.

16. "Шримад Бхагаватам"да Ер сайёрасининг континентлари, районлари, океанлари, тоғлари ва ўрмонлари батафсил таърифлаб берилди. Осмоннинг тузилиши ва ер ости маконлари(иблисларнинг жаннатлари)даги ва дўзахдаги шароитлар таърифлаб берилди(5-қўшиқ). 17. Праджапати Дакшанинг Прачеталарнинг ўғли сифатида қайта туғилиши, фаришталар, иблислар, одамлар, ҳайвонлар, илонлар, қушлар ва бошқа тирик мавжудотлар наслини дунёга келтирган Дакша қизларининг авлоди ҳақида ҳикоя қилинади.

18. Эй браҳманлар, бу битикда Вритрасуранинг(6-қўшиқ), Дитининг ўғиллари Хиранийакша ва Хираниякашипуларнинг туғилиши ва ҳалокати ҳамда Дитининг улғувор авлоди, буюк руҳ Прахлад Махаражнинг ҳаёт тарихи ҳикоя қилинади(7-қўшиқ). 19. Шунингдек ҳар бир Манунинг ҳукмронлик қилиши, Гаджендранинг озодликка чиқиши,

Парвардигор Вишнунинг ҳар бир манвантарада Парвардигор Хайаширша сингари алоҳида кўринишларда намоён бўлиши таърифланган. 20. "Шримад Бхагаватам" олам Парвардигорининг Курма, Матсйа, Нарасимха ва Вamana сифатида намоён бўлиши, амрита(мангулик шарбати) олиш учун сут уммонини чайиш ҳақида ҳикоя қилади. 21. Фаришталар ва иблислар орасида бўлиб ўтган буюк жанг(8-қўшиқ), ҳар хил шоҳлар сулоласининг таърифланади ва Икшвакунинг туғилиши, унинг сулоласи ҳамда тақводор зот Судйумнанинг сулоласи ҳақида ҳикоя қилинади. 22. Ила ва Тара тарихи, Шашада ва Нрига сингари шоҳлар мансуб бўлган Куёш фариштасининг авлодлари ҳақида ҳикоя қилинган. 23. Суканйа, Шарйата, чукур тафаккур эгаси Какутстха, Кхатванга, Мандхата, Саубхара ва Сагара ҳақида ҳикоялар бор. 24. "Шримад Бхагаватам" Кошала шоҳи Парвардигор Рамачандранинг инсонни барча гуноҳлар оқибатидан поклайдиган илоҳий эрмаклари ҳақида ҳикоя қилади, шоҳ Ними қандай қилиб танасини тарк этгани тушунтирилади. Шоҳ Жанака авлодлари қандай пайдо бўлиши эслаб ўтилган.

25-26. "Шримад Бхагаватам"да Бхригу авлодининг энг буюк намоёндаси Парвардигор Парашураманинг қандай қилиб Ер юзидаги барча кшатрийларни яқсон қилгани ҳақида ҳикоя қилади. Ой фариштасининг сулоласида пайдо бўлган Аила, Йайати, Нахуша, Душмантанинг ўғли Бхарата, Шантану ва Шантанунинг ўғли Бхишма сингари турли шоҳларнинг ҳаёти ҳақида, шунингдек, Йайатининг тўнғич ўғли шоҳ Йаду асос солган буюк сулола ҳақида ҳикоя қилинади. 27. Ана шу Йадулар хонадоида Худонинг Олий Шахси ва олам Парвардигори Шри Кришнанинг бу оламга ташриф буюриши, қандай қилиб У Васудеванинг уйида туғилиши, Гокулада ўсиб-улғайиши - буларнинг ҳаммаси батафсил таърифланган. 28-29. Шунингдек иблисларнинг душмани Парвардигор Кришнанинг сонсаноксиз эрмаклари - иблис Путананинг кўкрагидан сути билан бирга унинг ҳаёт нафасини ҳам сўриб олиши, аравани синдиргани, иблис Тринавартани, Бакасурани, Ватасурани ва Агхасурани ўдиргани, Тангри Браҳма Унинг подачи ўртоқларини ва бузоқларни ўғирлаб, ғорда яшириб кўйгандаги эрмаклари ҳақида ҳикоя қилинган.

30. "Шримад Бхагаватам"да Парвардигор Кришна ва Парвардигор Балорам қандай қилиб Дхенукасура ва унинг ҳамтовоқларини ўлдиргани, Парвардигор Балорамнинг Праламбасурани ўлдиргани, Кришнанинг подачиларни ўрмон ёнғинидан қутқариб қолгани ҳикоя қилинган. 31-33. Илон Каляни жазолаш; Нанда Махаражни катта илон ҳамласидан қутқариш; ёш гопиларнинг қасам ичишлари ва шу тариқа Парвардигор Кришна билан бирга лаззатланиб юрганлари; Парвардигорнинг браҳманларнинг хотинларига марҳамат кўрсатиши, кейин браҳманларнинг пушаймон бўлиши; Говардхана тепалигини кўтариш, Говардханага сигиниш маросими ўтказиш, Индра ва сигир Сурабхи ўтказган ювинтириш ва сигиниш маросимлари; Парвардигор Кришнанинг гопилар билан тунги ўйинлари; аҳмоқ иблислар - Шанкхачуда, Аришта, Кешаларни ўлдириш - буларнинг ҳаммаси батафсил таърифланади.

34. "Шримад Бхагаватам" Акруранинг Вриндаванга келиши, шундан кейин Кришна ва Балорамнинг кетиши, гопиларнинг хижрон азоблари ва

Матхурага саёхат ҳақида гапириб беради. 35. Кришна ва Балорамнинг баҳайбат фил Кувалайапидани, полвонлар Муштिका ва Чанурани, Камсани ва бошқа иблисларни ўлдиргани, Кришна қандай қилиб рухий устози Сандипани Мунига ўлган ўғлини қайтариб бергани муҳокама қилинган. 36. Эй браҳманлар, бу муқаддас китобда Парвардигор Харининг Матхурада Уддхава ва Балорам билан бирга яшаб, Йадавалар авлодини қувонтириш учун кўрсатган ҳар хил кароматлари ҳақида ҳикоя қилинади. 37. Шунингдек Жарасандха тўплаган бир неча кўшиннинг ҳар бирининг яқсон бўлиши, йирткич одамлар шоҳи Калайаваннинг ҳалокати ва Дварака шахрининг барпо этилиши ҳақида ҳикоя қилинади. 38. Бу асарда Парвардигор Кришнанинг жаннатдан париджата гулини, Судхарма мажлислар уйини олиб келгани, жангда барча рақибларини тор-мор келтириб Рукминини олиб кетгани ҳикоя қилинади. 39. Банасура билан бўлган жангда Парвардигор Кришна қандай қилиб Тангри Шивани тинмай эснашга мажбур қилиб мағлуб қилгани, Банасуранинг қўлларини чопиб ташлагани, Прагжйотишапура ҳукмдорини ўлдиргани, кейин шу шаҳарда зиндонда ётган ёш маликаларни озодликка чиқаргани ҳақида ҳикоя қилинади. 40-41. Шунингдек бу асарда шоҳ Чети, Паундрака, Шалва, аҳмоқ Дантавакра, Шамбара, Двивида, Питха, Мура, Панчажанйи ва бошқа иблисларнинг қудрати ва ҳалокати ҳақида, Варанаси шахрининг ёниб кули кўкка совурилгани ҳақида ҳикоя қилинади. "Шримад Бхагаватам"да Парвардигор Кришна қандай қилиб Курукшетра жанггоҳида Пандузодалардан фойдаланиб, Ер юзининг мусибатини энгиллатгани ҳам таърифланади.

42. Браҳманларнинг қарғишига учратиб Парвардигор Кришна Ўз хонадони аъзоларини ҳалокатга учратгани; Васудеванинг Нарада Муни билан суҳбати; Уддхава ва Кришнанинг "мен", рухий ўзлик ҳақидаги илмни тўла очиб берадиган ва инсонлар жамаитининг қонун-қоидаларини тушунтириб берадиган ғайритабиий суҳбати; Парвардигор Кришна Ўзининг сеҳр қудрати ёрдамида қандай қилиб бу оламни тарк этгани(11-қўшиқ) - бу асарда ана шулар ҳақида ҳикоя қилинади. 44. Бу асар ҳар хил даврларда яшайдиган одамларнинг хулқ-атвори ва одоб-ахлоқи ҳақида, Кали-юга давридаги иймонсиз одамларнинг бетартиб яшашлари, олам яқсон бўлишининг тўрт тури ва олам яралиқнинг уч тури ҳақида ҳикоя қилинади. 45. Авлиё ва донишманд шоҳ Парикшит(Вишнурата)нинг оламни тарк этиши ҳикоя қилинади, Шрила Вйасадеванинг қандай қилиб Ведалар илмининг шохобчаларини оламга таратгани тушунтирилади, Маркандея Риши ҳақидаги шарофатли ҳикоя, Парвардигорнинг фазовий киёфасининг аниқ тузилиши, Парвардигорнинг Куёш, оламнинг рухи кўринишидаги киёфасининг таърифи бор.

46. Шундай қилиб, эй аъло браҳманлар, мен сизлар сўраган ҳамма нарсани тушунтириб бердим. Бу ҳикоялар Парвардигорнинг намоён бўлган киёфаларининг ҳар хил илоҳий эрмакларини барча тафсилотлари билан таърифлаб, Унинг кароматларини шарафлаб қуйлайди. 47. Агар йиқилаётганида, хатолашганида, адашганида, қоқилганида, бирор жойи оғриганида ёки аксираётганида одам ҳатто ўзи ҳам билмасдан баланд овозда: "Парвардигор Харига шон-шарафлар бўлсин!"(Жай Шри Хари!) - деб айтса, у

ўзидан ўзи барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади. 48. Одамлар Худонинг Олий Шахсини етарлича шарафлаб куйласалар ёки Унинг кудрати ҳақидаги ҳикояларни тингласалар, худди Куёш зулматни ёритгани, кудратли шамол осмонни булутлардан тозалгани сингари Худои Таолонинг шахсан Ўзи уларнинг қалбига киради ва уларнинг қалбини барча иллатлардан поклайди.

49. Илоҳий Парвардигорни таърифламайдиган, шарафлаб куйламайдиган, аксинча, бунинг ўрнига ўткинчи, вақтинчалик нарсалар ҳақидаги ҳар қандай гаплар шунчаки фойдасиз ва бемаъни гаплардир. Фақат Худои Таолонинг илоҳий сифатларини намоён этадиган гапларгина ҳақиқий, шарофатли ва қалбларга ором бағишлайдиган олий даражада пок гаплар ҳисобланади. 50. Ҳамма жойда машҳур бўлган Худо Шахсини шарафлаб куйлайдиган гаплар ҳамиша ёқимли, ҳамиша ўзига жалб қиладиган ва ҳамиша янги гаплар ҳисобланади. Аслини олганда ана шундай гаплар адашган ақл учун ҳамиша ҳақиқий шодлик, байрам ҳисобланади, улар мусибатлар уммонини курилади.

51. Бир Ўзи бутун оламни поклашга қодир бўлган Парвардигорни олқишламайдиган сўзлар қарғалар тўпланган жойдаги ғала-ғовурларга ўхшайди, илоҳий илм ўрганишга қизиқаётган ҳақиқий инсонлар ундай гапларни ҳеч қачон ишлатмайдилар. Пок ва авлиё содиқлар фақат беғуноҳ Парвардигорни шарафлаб куйлайдиган мавзулардаги суҳбатларга қизиқадилар. 52. Бепоён Парвардигорнинг номлари, шон-шухрати, киёфалари, эрмаклари ва бошқа сифатларининг илоҳий улуғворлигини таърифлайдиган бу асар бу дунёдаги инсониятнинг адашиб жаҳолат ботқоғига тобора чуқурроқ ботиб бораётган иймонсиз одамлари онгида, уларнинг маънавий ҳаётида тўла тўнтариш ясашга қаратилган. Ҳатто мукамал ҳолда баён этилмаган бўлса ҳам, қалблари поklangан, беғубор пок инсонлар уларни жон-дили билан тинглайдилар, қабул қиладилар ҳамда улардан бошқаларни ҳам баҳраманд қиладилар. 53. Агар таркибида Беғуноҳ Парвардигор ҳақида тушунча бўлмаса, ўзликни англаш ҳақидаги ҳар қандай таълимот, гарчи унда моддий тушунчаларнинг ҳатто сояси ҳам йўқлигига қарамай, ҳақиқий инсонларни ўзига жалб эта олмайди. Шундай экан, ўзининг табиатига кўра бошидан охиригача ўткинчи ва мусибатларга тўла бўлган, барча қонунларга асосан бажарилган энг мукамал, аммо Худого садоқат билан хизмат қилиш учун бажарилмаган дунёвий фаолиятдан нима фойда?

54. Ҳар бир одам ҳаётда ўзининг жамият олдидаги вазифаларини, варнашрама тизимидаги диний бурчини бажаришда, риёзат чекишда, Ведаларни тинглашда қилаётган барча уринишлари фақат дунёвий шон-шухрат ва вақтинчалик бойликларга олиб келади. Аммо, равнақ фариштасининг эри бўлган Худои Таолонинг илоҳий сифатлари ҳақидаги ҳикояларни диққат билан тинглаш ва Унга эҳтиром кўрсатиш орқали ҳар бир одам Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини эслаши мумкин. 55. Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини эшлаш - инсон ҳаётидаги барча нохушликларни яқсон қилади ва унга ҳаётда энг буюк омад келтиради. Худои Таолони эшлаш одамнинг қалбини поклайди ва Олий Рухга садоқат туйғусини уйғотади, ўзликни англаш ва таркидунёлимк билан бирга унга илоҳий илм ато этади. 56. Эй энг буюк браҳманлар, аслида сизларнинг барчангиз энг

омадли зотларсизлар, чунки сизлар қалбингизга Худо Шахси - олий ҳукмдор ва бутун борликнинг Олий Рухи, Парвардигор Шри Нарайанани жойлаб олгансизлар, Ундан бошқа, ундан юкори, устун бўлган ҳеч қандай Илоҳ йўқ. Сизларнинг қалбингизда Унга нисбатан сўнмас муҳаббат мавжуд, ҳамиша шу тарзда Унга сажда қилиб сифинишларингизни илтимос қиламан.

57. Мен сизларга ҳозир Худои Таоло ҳақидаги илмни тўла эслатиб ўтдим, мен аввал уни буюк донишманд Шукадева Госвамидан эшитган эдим. Мен Шукадева Госвамининг то ажали етгунча оч юриб рўза тутишга қарор қилган император Махараж Парикшит билан бўлган суҳбатини тинглашга тўпланган буюк донишмандлар мажлисида иштирок этган эдим. 58. Эй браҳманлар, шундай қилиб, мен сизларга Парвардигор Васудеванинг улуғворлигини таърифлаб бердим, Унинг ғайритабиий илоҳий фаолияти шарафлаб куйлашга, олқишлашга энг муносиб бўлган фаолиятдир. Бундай ҳикоялар инсон ҳаётидаги ҳар қандай ёқимсиз нарсаларни яқсон қилади.

59. Чуқур иймон ва диққат билан бу асарни ҳар соатнинг ҳар бир дақиқасида ҳамиша эслаб юридиган одам, шунингдек, иймон ва садоқат билан бу асарнинг ҳатто бир шеърини, ҳатто ярим шеърини, ёки бир қаторини, ёки ҳатто ярим қаторини тинглаган одам ҳам албатта ҳақиқий ўзлигини, “мен”ини иллатлардан поклаган бўлади. 60. Экадаши ёки Двадаши кунлари "Шримад Бхагаватам"ни тинглайдиган одамларга узок умр кўриш қафолатланади, рўза тутган пайтлари бу асарни диққат-эътибор билан ўқиб ўрганган одам қилган барча гуноҳларидан покланади. 61. Ўзининг ақлини назорат қиладиган, Пушкара, Матхура ёки Дварака сингари муқаддас саждагоҳларда рўза тутиб, бу муқаддас асарни ўрганаётган одам ҳаётда барча кўркувлардан халос бўлади. 62. Мана шу муқаддас Пуранани такрорлаш ёки тинглаш билан шарафлаб юридиган одамга барча фаришталар, донишмандлар, Сиддхилар, Питалар, Ману ва Ер юзининг шаҳаншоҳлари барча истаган нарсаларини ато этадилар. 63. "Шримад Бхагаватам"ни ўрганиш билан браҳман Риг, Яджур, Сама Ведаларни ўрганиш орқали лаззатланадиган асал, сариеғ ва сут дарёлари билан лаззатланиши мумкин. 64. Барча Пураналарнинг асл моҳияти бўлган мана шу "Шримад Бхагаватам"ни ҳурмат билан ўрганган браҳман бу ерда Худои Таолонинг Ўзи таърифлаб берган энг олий мақсадга эришади. 65. "Шримад Бхагаватам"ни ўрганаётган браҳман Худого садоқат билан хизмат қилишда чуқур, ўзгармас тафаккурга эга бўлади, уни ўрганаётган шох бутун Ер юзига ҳукмрон бўлади, уни ўрганган ваишья энг катта бойликка эришади, уни ўрганган шудра барча гуноҳлари оқибатидан покланади. 66. Барча тирик мавжудотларнинг олий ҳукмдори Парвардигор Хари Кали-юганинг тўпланиб қолган барча гуноҳлари оқибатини яқсон қилади, шунга қарамай, бошқа асарларда У ҳамиша олқишланмайди. Аммо, Ўзининг сон-саноксиз шахсий киёфаларида намоён бўладиган ана шу Худонинг Олий Шахси бу "Шримад Бхагаватам" асарининг ҳар хил ҳикояларида ҳамиша бетиним шарафлаб куйланади. 67. Мен ана шу тўғилмаган ва бениҳоя Олий Рух олдида чуқур эҳтиром билан сажда қиламан, Унинг шахсий қувватлари моддий оламни яратиб, мавжудлигининг таъминлаб, вақти келганда яқсон қилиб туради. Ҳатто Тангри Браҳма, Индра Шанкара ва жаннатнинг бошқа

хукмдорлари ҳам ана шу Худо Шахсининг улуғворлигини ўлчай олмайдилар. 68. Мен мангу ўзгармас Худои Таоло бўлган, бошқа барча илохларнинг сардори бўлган, Ўзининг тўққиз моддий қувватидан фойдаланиб Ўзини барча кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотлар қалбига жойлаган, Ўзи хамиша пок, илохий онгда қоладиган Худонинг Олий Шахси олдида чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. 69. Вйасадеванинг ўгли, менинг рухий устозим бўлган Шукадева Госвамига чуқур эҳтиром билан сажда қилишга рухсат беринглар. У бу коинотдаги барча ёқимсиз нарсаларни бартараф қилишга қодир бўлган улуғвор, буюк зотдир. Гарчи у аввалида Брахманга кўшилиб кетиш бахтига фарқ бўлган бўлса ҳам, кейинчалик Парвардигор Шри Кришнанинг жозибадор эрмаклари, илохий ўйинлари уни Ўзига махлиё қилди. Шунинг учун у чексиз марҳамат кўрсатиб, Парвардигорнинг кароматларини таърифлайдиган, Мутлақ Ҳақиқатнинг порлоқ нури бўлган мана шу олий Пурана - "Шримад Бхагаватам"ни гапириб берди.

Ўн учинчи боб. "Шримад Бхагаватам"нинг улуғворлиги.

1. Сута Госвами шундай деди: "Илохий ҳамду-санолар куйлаб, барча тармоқлари билан Ведаларни тиловат қилиб, алоҳида тузилган мантраларни ва Упанишадаларни кироат қилиб Тангри Брахма, Варуна, Индра, Рудра ва Марутлар сажда қиладиган, машшоқлар хамиша шарафлаб Сама Ведадан мадҳиялар куйлайдиган, камолотга эришган йоглар муруқабга қилиб жазавага тушганида ўзининг аклида кўриб юрадиган, бирор фаришта ёки иблис таърифлаб чегарасига етолмайдиган, бошқаларнинг саждаларини қабул қиладиган зотларнинг ўзлари сажда қилиб сиғинадиган ягона Парвардигорга мен чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. 2. Худонинг Олий Шахси Курма, Тошбақа қиёфасида пайдо бўлганида пишкак ўрнида айланаётган Мандара тоғининг ўткир тошлари Унинг елкасини тирнаган, бу тирнаш Парвардигорнинг қичиётган елкасини қашиб, Унга роҳат бағишлагани сабабли У уйқуга кетган эди. Бизларнинг ҳаммамизни Парвардигорнинг ана шу уйқу ҳолатидаги нафасларидан таралаётган шамоллар асрасин. Ана шу вақтдан то ҳозиргача Океан сувларининг тошиши ва қайтиши улуғворлик билан қирғоққа келиб-кетиб, Худои Таолонинг нафас олиши ва нафас чиқаришига таклид қилиб ҳаракатланиб туради. 3. Энди марҳамат қилиб ҳар бир Маха-Пуранадаги шеърларнинг якуний хажми ҳақида эшитинг. Кейин бу "Шримад Бхагаватам"нинг асосий мавзуси ва мақсадини, уни қандай қилиб муносиб совға қилиш, бундай совғанинг улуғворлиги ва ниҳоят бу асарни бошқаларга ўргатишнинг улуғворлиги ҳақида билиб оласиз.

4-9. Брахма-Пурана ўн минг шеърдан иборат, Падма-Пурана - эллик минг шеърдан, Шри Вишну-Пурана - йигирма уч минг, Шива-Пурана - йигирма тўрт минг, "Шримад Бхагаватам" - ўн саккиз минг шеърдан иборат. Нарада-Пурана - 25 минг, Маркандея-Пурана - 9 минг, Агни-Пурана - 15.400, Бхавишйа Пурана - 14.500, Брахма-Ваиварта Пурана - 18.000, Линга-Пурана - 11.000 шеърдан иборат. Вараха-Пурана

- 24.000, Сканда-Пурана - 81.100, Вamana-Пурана - 10.000, Курма-Пурана - 17.000, Матсья-Пурана - 14.000, Гаруда-Пурана - 19.000, Брахманда-Пурана - 19.000 шеърдан иборат. Шундай қилиб, барча пураналардаги шеърлар сони 400.000 шеърдан иборат. Улардан 18.000 шеър "Шримад Бхагаватам"га тааллуқли.

10. Аввало Худонинг Олий Шахси марҳамат кўрсатиб "Шримад Бхагаватам"ни Тангри Брахмага ўргатди. Ўша пайтда Тангри Брахма моддий тирикчиликдан кўркиб Парвардигорнинг киндигидан чиққан нилуфар гулида ўтирар эди. 11-12. "Шримад Бхагаватам"нинг бошидан охиригача одамни дунёвий ҳаётни тарк этишга илҳомлантирадиган, шунингдек, Парвардигор Харининг илохий эрмаклари ҳақидаги авлиё брахманларга ва фаришталарга илохий лаззат шарбатини берадиган ҳикояларга тўла. Бу "Шримад Бхагаватам" бутун Веданта илмининг асл моҳияти, асл мазмунидир, чунки унинг мавзуси, предмети - рухий табиатга эга бўлган жон(рух)дан фарқ қилмайдиган, якуний ҳақиқий мавжудлик бўлган ягона, бетакрор Брахмандир. Бу асарнинг мақсади - Мутлақ Ҳақиқатга садоқат билан хизмат қилиш.

13. Бхадра ойининг тўлин Ой кечаси олтин тожга кўйиб, бошқа бировга уни совға сифатида тақдим этган одам энг олий мақсадга эришади. 14. Токи авлиё содиқлар илохий шарбатнинг мана шу буюк уммони бўлган "Шримад Бхагаватам"ни тинглар экан, уларнинг даврасида бошқа барча муқаддас Пураналар ёрқин порлаб туради. 15. "Шримад Бхагаватам" Веданта фалсафасининг асл мазмуни ҳисобланади. Унинг лаззатли шарбатидан бир марта тотиб кўрган одам ҳеч қачон бошқа бирор асарга бутунлай қизиқмай кўяди. 16. Худди Ганга барча дарёлар ичида энг буюк дарё, Парвардигор Ачйуга барча Илохлар ичида энг Олийши, Парвардигор Шамбху(Шива) - Парвардигор Вишну содиқларининг энг буюги бўлгани сингари, мана шу Пурана ҳам барча Пураналарнинг энг аълосидир. 17. Эй иккибор тўғилган зотлар, барча муқаддас саждагоҳлар ичида энг буюги Каши(Банорас) бўлганидай, "Шримад Бхагаватам" ҳам барча Пураналар, барча муқаддас китоблар ичида энг буюк, энг олий китоб ҳисобланади. 18. "Шримад Бхагаватам" - бенуксон Пурана. У барча вайшнавлар учун жуда қадрли, чунки унда парамахамсаларнинг энг пок ва энг олий илмини таърифлайди. Бу "Шримад Бхагаватам" бутун дунёвий фаолиятдан озодликка чиқиш усулини, шунингдек илохий илм, таркидунёлик ва садоқат йўлларини ошкор этади. "Шримад Бхагаватам"ни тушуниб олишга жиддий интилаётган, садоқат билан уни тинглайдиган ва гапириб берадиган одам рухий озодликка эришган инсон бўлади.

19. Мен ҳар қандай мусибат ва ажалдан пок бўлган, аввал бошида бу илохий илм нуруни Тангри Брахмага ошкор этган Мутлақ Ҳақиқат олдида чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. Тангри Брахма кейин бу илмини Нарада Мунига ўргатди, Нарада Муни уни Кришна-Дваипайана Вйасага ўргатди. Вйасадева бу "Шримад Бхагаватам"ни донишмандлар ичида буюк зот Шукадева Госвамига, Шукадева Госвами эса марҳамат қилиб бу илмини Худои Таолонинг содиқ хизматкори бўлган шоҳга гапириб берди.

20. Биз Худонинг Олий Шахсига, Тангри Брахма ташвишланиб, рухий озодликка чиқишга интилиб турганида унга Ўзининг чексиз марҳаматини кўрсатиб,

мана шу илохий илмни ўргатган, ҳамма ерга сингиб кетувчи куввати ёрдамида ҳамма жойда мавжуд бўлган Парвардигор Васудевага чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз. 21. Мен камтарин ҳолда сеҳргарлар шоҳи, шахсан намоён бўлган Ҳақиқат - Шри Шукадева Госвамига сажда қиламан. У туғилиб ўлишлар илони чакиб олган Вишнуратани руҳий озодликка чиқарди. 22. Эй худолар Худоси, эй руҳий устоз, бизларга умрлар оша Сенинг нилуфар қадамларинг пойига садоқат билан хизмат қилиш имконини бер. 23. Мен камтарин ҳолда Худои Таолога, Парвардигор Харига сажда қиламан, Унинг муқаддас номларини биргаликда кўйлаш барча гуноҳлар оқибатидан поклайди, Унга сажда қилиш одамни барча дунёвий мусибатлардан халос этади.

Ўн иккинчи қўшиқ тамом.